

84(54)7
М 22

Тоҳир
МАЛИК



**ТЕНГ-ТЕНГИ БИЛАН
БАХТЛИДИР**

Тоҳир МАЛИК

ТЕНГ-ТЕНГИ БИЛАН БАХТЛИДИР

(Оила ҳаловатига доир маърифий суҳбатлар)

Асосий суҳбатдошлар:

Хонадон подшоҳи – Қайнота;
Оила маликаси – Қайнона;
Суюкли қиз – Келинпошша;
Тўраларнинг тўраси – Куёвтўра.

Ёрдамчи суҳбатдошлар:

Амакилар ва тоғалар, холалар ва аммалар,
қайин эгачи ва қайин сингиллар, қайин оға ва қайин инилар...
ва ниҳоят... бегоналар.

УЎК 821.512.13-3
КБК 84 (5Ў) 6
М – 22


Масъул муҳаррир: *Улугбек Раҳимов*

М – 22 **Малик, Тоҳир.**

Тенг-тенги билан бахтлидир: (Оила ҳаловатига доир маърифий суҳбатлар. Т.: «Sharq», 2017. – 496 б.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг бу китоби аввалги маърифий асарларидан фарқ қилади. Олдинги китобларда ёзувчи оила муаммоларига доир масалаларни ўрганиб, ўтмиш ҳикматлари асосида таҳлил этиб, хулоса чиқаришга интилган бўлса, бу сафар барча масалаларга аввал қайноталарнинг, сўнг қайноналарнинг, кейин келинпошшаларнинг ва куёвтураларнинг эътиборларини тортади ва хулоса чиқариш масъулиятини улар зиммасига юклайди. Шу билан бирга китобнинг иккинчи қисмида севги ва оила мавзуида нодир асарлардан намуналар ҳавола этилади.

УЎК 821.512.133-3
КБК 84 (5Ў)6



ISBN 978-9943-4840-5-4

© Тоҳир Малик, 2017
© "Sharq-ziyo-zakovat" нашриёти 2017

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

“Аллоҳ сизларни тупроқдан, сўнгра нутфадан яратиб, кейин жуфт-жуфт қилиб қўйди”

(Қуръони карим маъноларининг таржимаси, Фотир сурасидан).

* * *

“Ва Унинг оят-белгиларидан сизларга сокинлик топишингиз учун ўзингиздан жуфтлар яратганлиги ва ораларингизда меҳру муҳаббат ва марҳаматни солиб қўйганидир.

Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят-белгилар бордир”

(Рум сурасидан).

* * *

“Аллоҳ сизларга ўзларингиздан жуфтлар қилди ва сизларга жуфтларингиздан болалар ва набиралар қилди ҳамда сизларни пок нарсалардан ризқлантирди”

(Наҳл сурасидан).

* * *

“У сизларни бир жондан яратган ва ором олсин учун ундан жуфтини яратган Зотдир. Вақтики у жуфтини ўраганида, енгил ҳомиладор бўлди.

Бас, у билан юрди. У оғирлашганда эса, икковлон Раббилари Аллоҳга: “Агар бизга солиҳ (фарзанд) берсанг, албатта, шукр келтирувчилардан бўламиз”, деб дуо қилдилар”

(Аъроф сурасидан).



Муқаддима ўрнида

САОДАТ САРОЙИНИ КИМ ҚУРАДИ?

Ассалому алайкум, азизларим! Сизлар билан ғойибона бўлса-да, диллашиш илҳомини берган раббимиз Аллоҳга шукрлар билдирган, биз – умматлари учун бебаҳо маънавий бойлик қолдирган Пайғамбаримиз алайҳиссаломга саломлар йўллаган, сиз – азизларнинг файзли хонадонларингизга доимий ҳаловат тилаган ҳолда сўзимни бошлаяпман. Аллоҳ бу ҳаракатимнинг хайрли оқибатини берсин, омийн!

Ҳар қандай қурилишнинг аввали ва охири бўлиши, сиз, азизларга аён. Энг аввало, “чиройли уй курсам”, деган ният туғилади. Сўнг ниятни амалга ошириш лойиҳалари яратилади. Кейин пойдевор қўйилади... “Оила”га нисбатан “қуриш” деган сўзни ишлатамиз, яъни “Икки ёш оила қурди”, деймиз. Хўш, бу қуриш нимадан бошланади? Фарзанд туғилганида ота ва онанинг, буви ва буванинг “боламнинг файзли хонадонга куёв (ёки келин) бўлишини кўрайин”, деган умиди билан бошланади. Бу умид туғилган бола билан эгизак, десак ҳам бўлади. Ота-она ҳар иккисини авайлаб-авайлаб вояга етказди. Сўнг совчилар... кейин тўй... Кўпчиликнинг фикрича “оила қуриш” гўё тўй қилишдан бошланади. Дабдабали тўй орзусида кўп ишлар қилинади. Лекин ҳаловатли оила қуриш учун лозим бўлган тарбия унутилади.

Бидъат ва хурофот чодирига ўралган тўй ҳам бўлиб ўтади. Лекин...

Ҳамма гап ана шу “лекин”да.

Барчага маълумки, оилада биринчи келишмовчилик қайнона ва келин орасида чиқади. Сўнг қайин эгачи – келин, кейинроқ қайин сингил – келин оралади, юмшоқроқ қилиб айтилганда, ғишава бошланади. Афсуски, кўп ҳолларда бу баҳслар биринчи томон ҳисобига ҳал этилади. “Афсуски” дейишим бежиз эмас. Адолат тарозуси бузилгач, гўзал бир оила қасрига дарз кетади. Севиш, ардоқлашни ўрганаётган икки ёшни бир-бирига ишончсизлик кўзи билан қарашга, ҳатто нафратланишга ўргата бошлашади. Хўш, бундай номаъқул ишдан афсусланмаслик мумкинми?

Бу масалада мен келинларимиз томонман. Масалага инсоф юзасидан қарасак, ота-онасининг суюкли ва ардоқли қизи, энди эса қайнота ва қайнонанинг суюмли ва азиз келинида ҳам озгина айб бўлади. “Озгина” дейишимнинг сабаби, келинлар айрим ҳаракатларининг айб эканини ўзлари ҳам билмайдилар. Келин бўлиб тушган хонадонда кадри йўқлигини сезади-ю, маълум вақтга қадар ичидан эзилиб юраверади, ҳатто тушкунликка тушади. Лекин “Нима учун бу оилада қадрим йўқ? Булар ёмонми ё менинг камчилигим борми?” – деган саволга жавоб топишга уринмайди. “Ота-онам оила қуриш одобидан яхши тарбия беришмаган”, деган ҳақиқат эса ҳаёлига ҳам келмайди.

Фарзандингиз кичкина қизалоқ эканидаёқ келин бўлишни орзу қилганини сезганмисиз? Жажжи дугоналари билан “келин-келин” ўйнашади. Бугун тўйи бўлаётган қизингизнинг дастлабки “келинсалом”ини эслайсизми? Бир, эҳтимол икки ёшида сизнинг ҳарир рўмолингизни олиб “келинсалом” қилиб, катталарнинг олқишини эшитган, бундан қувониб, қайта-қайта салом қилаверган

дамларни-чи? Ўшанда “Бахтли келин бўлгин”, деб дуо қилар эдингиз. Қизчалар болалик ўйини туфайли мингларча дуо олишган.

Фарзанд туғилган онда доя “Ўғил (ёки қиз) муборак!” дейиши билан ота-она қувончдан Худога шукр айтади. Сўнг қалбида туғилган ширин бир орзу билан яшай бошлайди. Орзу фарзанди билан бирга улғаяди. Фарзандни қандай авайласалар, бу орзуни ҳам авайлайдилар. Қизга биринчи совчи келгандаги онанинг қувончларини тасвирлашга қалам ожиз. Қувонч билан биргаликда қалбига ўғринча мўралаган хавотирни-чи? Бўлажак куёвбола мақталади, қиз борадиган хонадон олқишланади... Лекин “Гаплари ростмикин, йигит солиҳмикин, ёмонларга аралашмаганмикин, онаси қизимни ўз қизидек бағрига олармикин?..” деган ўнлаб хавотирли саволлар онани исканжага олаверади. Қиз келинлик сарпосини кийиб, жонажон уйи остонасидан ҳатлаб ўтганида дадаси кўзда ёш билан дуо қилади. Бу айрилиқ ёшлари эмас, бу бахт илинжидаги муножотнинг покиза акси. Дуодаги йиғи Аллоҳ билан қалбан боғланиш исботидир. Қалбан боғланиш билан ушалган орзу қувончи ҳам зоҳир бўлади. Айни нафасда ота ва она юрагида иккинчи орзу ҳам туғилади.

Биринчи орзуни авайлаш, асраш ота ва онанинг вазифаси эди. Иккинчи орзунинг ушалиши энди фарзандга боғлиқ. Келин бўлиб тушган хонадонда қиз ўзининг чиройли хулқи, ғайрати, хизмати, садоқати ва муҳаббати туфайли қадр пиёласидан бахт шарбатини ичса, бу онда ота-онаси бахт уммонида роҳатланиб сузаётган бўлишади. Аллоҳ кўрсатмасин, агар қиз қадр топмаса, бахт ўрнига хорлик жари ёқасига келиб қолса, ота ва она кўзларига дунё қоронғу бўлиб кўринади. Дўзах азоби бу дунёнинг ўзида бошланиб кетади.

Қиз келинлик либосида, “ёр-ёр” садолари остида остона ҳатлаб ичкарига бир қадам босди-ю эгилиб салом берди. Ўзи бекача бўладиган хонадонга бу салом билан офият тилади, омонлик тилади. Бу бахтиёр кунларга етиб келолмай ўтганлар руҳини ёдлади, уларга Аллоҳдан мағфират тилади. Бу салом билан келин ўзига ҳам бахт тилади. Саломига алик олдилар – қутлугқадам келинга бахт тиладилар.

Эртага “ёмон қайнона” номини оладиган хотин ҳам бу онда келинига ёмонлик истамайди. У ҳам бахт тилайди. Қайин эгачи, қайин сингил... хуллас, барча-барча бахт тилайди. Келиннинг қалби ҳам эғнидаги либоси каби оқ – бировга ёмонлик тилашдан жуда-жуда узоқда. (Ҳатто, кунлар, ойлار ўтиб, қайнона адолатсизлик қилган дамда ҳам унга ёмонлик истамайди...)

Тўй... Тантана... Орзу-ҳавасларга етилган саодатли дамлар... барча ёшларга бахт тилайди. Тўйга кўнгли, тилаги қора одам келмайди. Тўйдаги, ундан олдинги ва кейинги дуолар ҳисоби минглардан, миллионлардан ошса ҳам келин-куёвда бу бахтга интилиш бўлмаса, етолмайдилар. Тўй бир сарой қурилишининг бошланиши, аввалидир. Икки ёш ажиб сарой қурмоқчи. Бу саройнинг номи – бахт! Қурганда ҳам пойдеворини мустаҳкам қилиб, турмушнинг зилзилаю дўлларига бардош берадиган тарзда бино қилиш шарт. Демак, “оила” ёшлар қўлига тантана билан тутқазиладиган зар қоғозга ўралган ширинлик эмас. Бу саройнинг пойдевори – иффат, ҳаё, ғишtlари – сабр ва шукр, девори иймон, томи – ақл ва ирода. Безаклари – фаросат, саховат, меҳр... Одамлар дуо қилиб ёшларга омад тилашади, холос. Биров келин ва куёвга битта ғишт олиб узатмайди. Аксинча, бахт саройини қуришларига ҳалақит берадиганлар топилади. Агар келин ва куёв умрларини улар билан олишишга сарфласалар сарой қурилиши чала қолади.

Аллоҳ аёл зотини нозик қилиб яратган. Аммо бахт саройини куриш учун аёлдан метиндек ирода, сабр талаб этилади.

Кексалар: “Ёшлар насихатга қулоқ солмайдилар”, деб нолишади. Ёшлар эса: “Катталар насихат қилавериб, қулоқ-миямизни еб ташлашади”, деб зорланишади. Қадим замонлардан бери аҳвол шундай. Миср эҳромларининг ичига киришганда деворда “Ҳозирги ёшлар бузилиб кетяпти”, деган ёзувни ўқишган экан. Бугунги кунда ҳам шунга ўхшаш гапларни эшитиб турасиз, ранжийсиз. Ранжишга ҳаққингиз бор. Биз – катталарнинг эса ёшларни ёмонлашга ҳаққимиз йўқ. Чунки ёшлар ёмон бўлса, демак, биз ёмон эканмиз. Чунки шу ёшлар бизларнинг фарзандларимиз, уларни биз тарбиялаганмиз. Улар ёмон хулқли бўлиб туғилмаганлар. Уларни биз яхши хулққа ўргатиб, ёмон хулқдан қайтармаганмиз. Қизимизга сеп тўплаганмиз, ўғлимизга атаб иморат қурганмиз. Бироқ уларга “бахт саройи” куриш санъатини ўргатмаганмиз.

“Эр-хотиннинг уруши – дока рўмолнинг қуриши” деган мақолни кўпчилик билади. Эр-хотин орасида низо чиқса қисқа муддатда бартараф бўлади, деган маънодаги бу мақол айрим ҳолларда ҳақиқатга айланмай қоляпти. Ёш оилалардаги жанжал “ажралиш” деган фожа билан якун топяпти. “Фожа” деб баҳо беришимизни баъзи биродарлар маъқулламасликлари мумкин. “Талоқ Аллоҳ томонидан рухсат этилган, оиланинг бузилиши кўнгилсиз ҳол, лекин фожа эмас”, дегувчиларга биз деймизки: Азизим, соатингиз бузилса неча мароталаб бўлса ҳам тузатиш учун устага олиб борасиз. Ҳеч иложи бўлмаса ташлаб юборасиз. Бу фожа эмас, шунчаки кўнгилсиз ҳол. Лекин оила бузилса, икки ёшни яраштиришга ҳаракат қиламиз, ярашишнинг чораси қолмаса ўртага талоқ тушади. Лекин бу оилани бузилган соат сингари ташлаб юбормаймиз. Яъни жамиятдан суриб чиқармаймиз. Эр ҳам, хотин ҳам бошқа оила қуриб яшайверади. Лекин болалар-чи? Тирик етимларнинг охи фожа эмасми? Қалбларининг парчаланиши фожа эмасми? Оилани жамиятнинг дурру гавҳари деб улуғлайдилар. Уйимиздаги дур ва гавҳарларни ардоқлаб асраймиз. Оилани-чи?

Тилимизда “оила қурди” ёки “оила барпо этилди” деган иборалар бир қаторда “оила бузилди” ёки “оиласи барбод бўлди” деганлари ҳам бор. Оила умр йўлидаги гўзал бир саройга ҳам ўхшатилади. Афсуски, айрим бадавлат ота-оналар оилани бошқачароқ тушунадилар ва фарзандларини моддий томондан тўла-тўқис таъминлаб қўйиш билан кифояланиб, “оила қурилди”, деб хотиржам бўладилар. Тўғри, оила саройини қуришда ота-онанинг вазифаси ҳам мавжуд. Аммо бошдан-охир тўлалигича қуриб бера олмайди. Бу қурилишда эр-хотиннинг ўзи ҳам фаол иштирок этмас экан, бу сарой дастлаб шоколад каби кўринса ҳам, аммо сал вақт ўтиб, эрий-эрий йўқ бўлиб кетади. Ўзича эриб кетса, тақдирга тан берилар, аммо бу шоколад қасрни ялашга ишқибозлар ҳам топилиб қолса-чи?

Оилани биз қандай тушунамиз, қандай ҳимоя қиламиз?

Саволга жавоб топмоқ учун аввал қайнота ва қайноналарга, келин ва куёвларга айтар сўзларимиз бор. Бу сўзларимиз кимгадир ёқар, кимгадир ёқмас, яна кимнидир балки ғазаблантирар. Ёқса – яхши, бундан биз ҳам шодмиз. Акси бўлса, ғазабланган мухлисларимиздан узр сўраймиз. Кўрган-эшитганларимни нотўғри англаб, нотўғри хулосага келгандирман. Лекин ниятим, мақсадим хайрли эди, шу боис узримнинг қабул бўлишидан умидворман.

ХОНАДОН ПОДШОҲИ – ҚАЙНОТА

Қурилиши лозим бўлган оила саройининг бош меъмори сиз – ўзингизсиз. Шундай экан, биринчи қадам ҳам сиз томондан қўйилиши керак. Яъни совчиликка доир ишларни тўлалигича аёлингиз ҳукмига топшириб қўйманг. Аёлингиз топиб келган қизни, унинг ота-онасини мақтаганда тўла ишонманг. Қизнинг отаси билан шахсан ўзингиз учрашганингиз, суҳбат курганингиз яхшироқ. “Онасини кўриб – қизини ол”, деган мақолга қўшимча қилиб “Отасини кўр – қизини ол”, дейиш маъқул. Чунки отанинг фазилатлари ёки иллатлари қизда ҳам бўлади. Қизнинг отаси кибрли бўлса, дунёпараст бўлса, тили заҳарли бўлса... эҳтиётингизни қилинг.

* * *

Ўғлингизни неча ёшида уйлантирмоқчисиз? Қизингизни неча ёшида куёвга узатиш ниятингиз бор? Фарзанд ўсмирлик ёшига етганда ҳар ота ва онанинг ўй-хаёлини шу саволлар банд этади. Уйлантириш, куёвга узатиш фақат кўнгил хоҳишига боғлиқ эмас. Бу орзуга етишмоқ йўлида ҳал қилинадиган ҳам моддий, ҳам маънавий масалалар бор. Ёшларнинг ақлан етуклиги, хулқи-одоби, дунёни англаши, ҳаром-ҳалолнинг фарқига бориши... Энг муҳими – бугун оила курган куёв ва келиннинг орадан 2-3 йил ўтиб, ота ва она бўлиш шарафига етишгач, болани қандай тарбия қилиши ҳақида афсуски, кам мулоҳаза юритилади. Асосий эътибор моддий томонга қаратилади: тўй харажатларини кўтара оладими? Тўйдан кейин оиласини боқа оладими?

Бу масала бадавлат оилаларда кўтарилмайди. Шу сабабли, 18 ёшга тўлиб-тўлмаб уйлантириб қўйиш ҳаракатига тушишади. Ёш оиланинг келажаги ҳақида ўйлаб ҳам қўйишмайди. Агар қонун йўл қўйса, ундан олдинроқ тўйни бошлаб юборишади. Ҳар ҳолда қадимги бойлар шундай қилишган экан. “Куёв билан келин чимилдиқда қўғирчоқ ўйнаб ўтиришган”, деган гапларни эшитар эдик. Ўсмирлик оламига киргандаги жинсий уйғониш болани уйлантиравериш мумкин, деган гап эмас. Тана жисмонан, руҳ ақлан қувватга етишмоғи учун яна йиллар керак бўлади. “Ўғлингизни фалон ёшида уйлантиринг” ёки “Қизингизни фалон ёшида турмушга узатинг”, деб тавсия қилиш ноўрин. Буни ҳар бир ота ва она ўз билими ва имконияти ва дунёқараши даражасига асосланиб ҳал қилади. Ташқаридан берилган насиҳатлар кўп ҳолларда ҳавога учиб кетади.

Фарзандлар балоғат ёшига етганида уларни уйлантириш (турмушга узатиш) ота-она зиммасидаги фарз, бажарилиши шарт бўлган вазифа. Агар ота-она вафот этган бўлса, бу фарз яқин қариндошлар зиммасига ўтади. Агар улар ҳам бўлмаса, бу вазифани маҳалла, қўни-қўшнилари, дўстлар бажарадилар. Ҳозир айрим ота-оналар баҳона топадиган бўлиб қолганлар. «Аввал ўқишини битаириб олсин», «Бир-икки йил ишласин»... Ўқишни битаириш, ишлаш орқага сурилса зарари йўқ. Лекин уйланиш – табиий зарурат, уни бесабаб орқага суриш оила учун уятли ҳолатларга олиб келиши мумкин. Тўйсиз, никоҳсиз, ота-она розилигисиз уйланиб олаётганлар бошқаларга ибрат бўлмайдими? Бир биродаримиз қизига келаётган совчиларни сабабсиз қайтараверар экан. Айтишича, қизига ҳали мебель олмабди. Шу қизи севган йигити билан мебелсиз, энг муҳими, ота-она розилигисиз никоҳдан ўтиб олса, кимни айблаш керак бўлади?

Бир шоира кизларга хитобан: “Эрга тегишга шошилманг”, деб шеър ёзбди. Тўғри, тезроқ турмуш қуриш истагидаги қизлар ҳам учрайди. Лекин қўл холларда ота-она шошилади. “Тезроқ узатиб, эгасига топшириб, ташвишларидан қутулай” – уларнинг нияти шу.

Оила қуриш масаласида азиз ёшларимизнинг муносабати бир хил эмас. Айримлари 18 ёшга тўлган куниёқ (ҳатто эртароқ) ота-онасига “Уйлантириб қўйинглар”, дейди. Эътибор беряпсизми: “Уйланмоқчиман”, эмас, “Уйлантириб қўйинглар”, деяпти. Яъни истакни билдирмаяпти, балки талаб қияпти! Тўғри, бундай талаб қўйиш бизнинг одобимиз доирасига сиғмайди, уят ҳисобланади. Лекин йигитчанинг ўй-хаёли фақат уйланиш ишқи билан банд бўлса, унга панд-насихат қор қилармикин? Яна 3-4 йил сабр қилишга кўнармикин? Ёки европаликларга ўхшаб, бир жувонни бошлаб келиб: “Танишинг, бу менинг хотиним”, дермикин?

Одоб доирасига кирувчи ёзилмаган қоидаларимиз бор. Шунга кўра, акадан олдин укани уйлантириб бўлмайди, айниқса, опадан олдин сингилни узатиш мумкин эмас. Негаки, сингил олдинроқ узатилса, опа “ўтириб” қолар экан. Оқибатда, опа-сингилнинг ёши ўтиб, қўполроқ тарзда айтилиувчи “Қари қиз” деган номни олади. Акадан олдин сингилни узатиш мумкин, шунисига ҳам шукр. Лекин укани ҳам қийнамаслик керак. Агар оила қуришга ҳам моддий, ҳам маънавий-руҳий жиҳатдан тайёр бўлса, акадан олдинроқ уйланишининг зарари йўқ.

Баъзи ота ва оналар орзу-ҳавас кўрайн, деган ниятда шаҳарда ўқиётган ўғилни уйлантириб қўйишади. Нима ҳам дердик, азиз фарзандларининг роҳатини, бахтини кўришсин, илоҳим! Лекин, бир ҳафта ёки бир ой ўтиб, куёвбола шаҳарга қайтади, келин қишлоқда қолади. Бу ҳолатда “оила қурилди”, дейиш ҳам қийин. Тўғрироғи, қайнонага ёрдамчи (балки хизматқордир?) олинган бўлади. Икки ёшни қўшиб, кейин айириб қўйиш инсофданмикин? Уларнинг нафсларига зулм қилинмаяптими? Келин қайнонанинг зийрак ва талабчан назорати остида чидаб яшайверади. Куёв-чи? Худо кўрсатмасин, шайтон васвасасига учраб, нафсини тия олмай, кўчадагиларга бокса-чи?! Келин ҳомиладорликнинг оғир кунларини ҳам ёлғиз ўтқазади, куёвбола ота бўлганини шаҳарда юрганида эшитади... Бу азоблардан кўра, тўй ҳавасини ортга суриб, сабр азобида юрилгани яхшироқ эмасми? Агар ота-она моддий томондан таъминлай олса, куёв ва келиннинг шаҳарда бирга яшагани янада аъло.

Баъзи йигитлар аввал ўқишни тугатиб олиш, сўнг 2-3 йил ишлаб пул топишни ният қилгани учун ота-онасининг тўй ҳақидаги гапларини эшитишни ҳам хоҳлашмайди. Уларни тушуниш мумкин, мен шундай мулоҳазали йигитларни ҳурмат қиламан. Лекин бошқа сабаб билан уйланишни истамайдиганлар ҳам учраб туради. Улар уйланишдан бош тортишлари сабабини узоқ вақт яшириб юришади, охири биронта яқинларига ҳасрат қилишади: “Отам билан онам беш йилдан бери гаплашишмайди. Гаплашгудай бўлишса ҳам, жанжаллашиб кетадилар. Шу жанжалли уйга келин тушадими? Ота-онамнинг бу қилиғи учун мен келиндан уяламан”. Ниҳоятда ачинарли, ниҳоятда хунук манзара, тўғрими?

Тўрт хонали уйнинг уч хонасида хотин икки фарзанди билан, бир хонасида эса эр ёлғиз яшайди. Кирини ўзи ювади, кўчадан овқатланиб келади. Унга бир коса таом берилмайди. Улар ажралишган. Хотин ўғилни уйлантиришни истайди, эрининг уйдан чиқиб кетишини талаб қилади... Бунақа аянчли манзарани

душманимизга ҳам раво кўрмаймиз. Шуларни кўрганимда ёки эшитганимда: “Бунақа ҳаёт кечиргандан кўра, фарзандлар гўдаклик пайтида ажрашиб кет-майсанларми, болаларнинг тирик етим ҳолда ўсганлари минг марта яхшироқ эмасмиди?” – деган фикрга бораман. Биламан, бу бемаъни фикр, шунинг учун ҳаёлимга шу гаплар келиши билан, тавба қиламан ва “Болаларнинг раҳмини е, бу нодон ота-оналарга инсоф бер”, деб Аллоҳга ёлбораман. Тасаввур қилайлик, кимдир қилич яланғочлаб, “Болаларингнинг калласини узаман!” деса, аразла-шиб яшаётган ёки ажрашиб кетган ота ва она кўксини қалқон қилади. Ҳар бири: “Ўлдирсанг мени ўлдир, боламга тегма!” – дейди. Шундай экан, азиз фар-занднинг бахти учун ўз нафсини ўлдириб қўя қолса бўлмайдими?

Келинг, биргаликда Аллоҳга юзланиб, дуога қўл очайлик-да, фарзандлари бахтига зомин бўлаётган нодон ота-оналарга инсофи тавфиқ беришини илти-жо қилайлик.

* * *

Ҳали тўй бошланмай туриб, аёллар келиннинг сепини муҳокама қилмоқ-ни бошлайдилар. Сиз уларни бу бемаъни гап-сўзлардан қайтаринг. “Менга сеп эмас, келинимнинг яхши хулқи керак!” деган гапни барча оила аъзоларингиз шиор қилишларига эриша оласизми? Тўй харажатлари эрнинг бўйнида, лекин фармонбардор – хотин. Афсуски, ҳозирги тўйлар эрнинг эмас, хотиннинг ло-йиҳаси бўйича бўляпти. Агар гапим маъқул бўлмаса, келинг, шу ҳақда фикрла-шиб кўрайлик. Тўй-томошалардаги дабдабазлик, сеп, қалин пули, мебель – буларнинг ҳаммасини тобора янгича тарзда ўйлаб топаётган ким? Албатта аёл-лар! Никоҳ базмида эр-хотин биргалашиб европача рақсга тушишни ким жо-рий қияпти? Ҳа, айнан аёллар! Эркаклар-чи? Улар қаерда? Оила раҳбари – эр-нинг тўй маросимидаги мавқеи қай даражада?

Қуръони каримда: “Агар биз бу Қуръонни тоққа нозил қилганимизда эди, у тоғ Аллоҳ таолодан қўрққанидан пора-пора бўлиб парчаланиб кетарди”, деган мазмундаги оят бор. Уламолар буни “айрим инсонларнинг диллари тоғнинг тошидан ҳам қаттиқроқ бўлгани сабабли уларга Қуръон оятлари таъсир этмас”, деб изоҳлайдилар. Дабдабали тўйларнинг зарари, оилаларнинг бузилиб кети-шига доир гаплар йиғилса, унча-бунча тоғни эритиб юборарди, аммо хотин-ларнинг қалбини эрита олмаяпти, онгига таъсир этмаяпти. Худонинг ишига аралашиш мумкин эмас, лекин камина, Аллоҳнинг ўзи кечирсину, дафтарчамга “Аёлнинг яратилиши яхши бўлган-у, аммо тўйларга тайёргарлик ва ўтказиш тадбирларига аралашадиган тарзда яралгани чатоқ-да”, деб ҳазил тарзида ёзиб қўйган эканман. Ишонаманки, эркакларнинг барчаси шу фикримга қўшилади-лар. Яна биламанки, барча эркаклар тўйлардаги исрофгарчилик ва бошқа за-рарли ишларга хотинлар айбдор деб ҳисоблайдилар. Хотинлар эса: “Эрларнинг ўзи лапашанг, хотинларига сўзи ўтмайди”, – дейдилар. Шаддодроқ аёллари-миз эса масалани кўндаланг кўядилар: “Эр оилада ҳўжайинми? Ҳўжайин бўлса, нега ҳўжайинлик қилмайди?” Назаримда, шу гап тўғрироқ. Бирон идоранинг раҳбари лапашанг, дангаса, ланж бўлса-ю, иш орқага кетса, катта идоралар кимни айблайди, кимни жазолайди: раҳбарними ё унинг котибасиними? Бир киши “Ким хотинидан қўрқмаса шу қимматбаҳо тулпоримни бераман”, деб шаҳар кезибди. Хотинидан қўрқмайдиган эрни топиш қийин бўлибди. Кўп-чилик бир мард одамнинг номини тилга олгач, ўшани қидириб топибди. “Бу шаҳарда фақат сизгина хотинингиздан қўрқмас экансиз, шу ростми?” – деб сў-

рабди. “Ҳа, рост, хотиндан қўрқадиган эр эрми?” – дебди у киши мағрурланиб. “Унда бу тулпор сизники, ҳовлингизга олиб кириб боғланг”, дейилгач, қўрқмас киши: “Тўхтаб тулинг, отни қаерга боғлашни хотинимдан сўраб чиқай”, – деган экан. Шу латифа машҳур адиб Жан Жак Руссонинг фикрини тасдиқламайдими: “Жинслар ўртасидаги ўзаро муносабатнинг фарқловчи хусусияти – кучлироқ жинс вакили зоҳирангина фармонбардор бўлиб кўринади, аслида эса, заиф жинс вакилига қарамдир”. Адибнинг фикрига арабларнинг ҳикмати жуда ҳамоҳанг: “Аёл кўп нарсани талаб қилмайди: фақат унинг эри ҳар қандай аёл олдида кучли бўлса-да, ўз аёлининг олдида заиф бўлиши керак”.

Бизнинг ҳаётимиз шундай: қўрқмаймиз, аммо хотин чизган чизиқдан чиқмаймиз. Нохуш ҳолат юз бергач эса фақат хотинни сўкамиз. Ҳеч биримиз “Ўзимнинг ақлим йўқмиди, кўзим қаерда эди?” демаймиз. Сукрот ҳаким: “Чавандозларга қайсар отлар қанчалик зарур бўлса, жанжалкаш хотин ҳам менга шунчалик зарур. Худди чавандозлар бўйсунмас отларни енгиб, бошқаларини осон бошқаришганидек, мен ҳам хотиним Ксантиппа орқали бошқа одамлар билан муомала қилишни ўрганаман”, – деган экан. Доно фикр. Лекин ҳаёт шундайки, чавандозлар орасида қайсар отга эгар ура олмайдиганлари ҳам кам эмас. Деярли барча оилаларда, ҳатто бойларнинг оилаларида ҳам тўйдан олдин сарфу харажат бўйича эр-хотин орасида, юмшоқроқ қилиб айтганда, баҳс-мунозара бўлади ва юздан тўқсон беш ҳолатида даҳанаки жанглари хотин фойдасига ҳал бўлади. Енгишга кучи етмаган хотин хийла-найранг, ёлғонни ишга солишдан ҳам тоймайди. Қадимгилар “Хотин кишининг макри қирқ туяга юк бўлади”, дейишган. Ҳозирги кунда макри қирқ вагонга юк бўладиган аёллар ҳам топилса керак.

Қизини узатган бир одам тўйдан ўн беш кун ўтмай, эрта саҳарда кўчада йиғлаб бораётган экан, қўшниси кўриб, бу ғамнинг боисини сўрабди. “Қизимга олинган олти минглик мебелнинг нархини хотиним “уч минг” деб мени алдаган экан, дўкончи билан келишиб, қолган уч мингини тўйдан кейин беришга ваъда қилган экан, кеча дўкончи пулини қистаб келди. Мен бу пулни қаердан оламан? Ҳали яна икки қизимни узатиб, ўғилни уйлашим керак...” Эркак унча-бунчага йиғламайди, эркакни унча-бунча ғам қаддини эгмайди. Тўй машмашаси эгади! Хотиннинг ёлғони шунчаки айб эмас, катта гуноҳ экани, эр кечирмаган тақдирда дўзахи бўлажагини қайд этган ҳолда, унинг ҳаракатини тушунишга уриниб кўрайлик: оиласи бадавлат эмас, аммо бўлажак қудалар олдида паст кетишни истамайди. Қизининг уйи шоҳона бўлишини хоҳлайди. Ёлғон ишлатганда тўй куни ўзи ва эрига бериладиган тўёна пулларга умид қилган. Баъзи оилаларда, келиннинг сепи, хусусан, мебелни жиддий муҳокама қилишини у билади. Баъзилар бу сепни очиқчасига менсимайди. Чет эл мебелини олиб келмаган камбағалроқ келинни хўрлашади. Баъзан шу мебель учун тўй бузилиши ҳоллари учраб турибди. Бугун бориб, келиннинг уйини ясашиб келишади. Куёв томоннинг менсимагани билингач, эртасига ҳаммаси йиғиб олинади, тўй бузилади. Ёки тўйдан кейинги камситишлардан безиган келин уйига қайтиб келади.

Куёв томон ўғлини оқила қизга уйлантиряптими ё унинг сепигами? Масала шунда! Бир бадавлат оила “Бизга қизингиз керак, уйимиз тўла мебель”, деб ҳатто келиннинг гиламини ҳам олишмайди. Таҳсинга лойиқ мардлик. Аммо тил бесуяк-да, вақт ўтиб қайнона-келин можароси бошланганда: “Сен икки қўлингни бурнингга тикиб сепсиз кириб келгансан”, деган маломат тоши ба-

рибир отилади. Кайнона ана шундай пасткашлик қилганида кеча мардлик қилган қайнота индамай туради. Чунки унинг тўйдан олдинги мардлиги замирида кибр, манманлик, риё бўлган. Келин маломатга чидаса ҳам, бу гап ота-онаси қулоғига етса, улар чидай олишмайди. “Пасткаш оила билан қуда бўлмаймиз”, деб қизларини ажратиб олишади.

Тилимиздаги “орзу-ҳавас” деган сўзни кўп ишлатамиз ва баъзан маъноси-ни янглиш тушунамиз. “Орзу-ҳавас” тўйга нисбатан ишлатилганда “топган-тутганингнинг барчасини сочиб адо қил-у, кейин шумшайиб ўтиравер”, деган маънода тушунмаслик керак. Орзу-ҳавас дабдабали тўй билан якун топмайди. Аксинча, тўй умид саройига киришнинг остонасидир. Орзу-ҳаваснинг ушалиши тўйдан кейин бошланади ва бу жараён узоқ йиллар давом этади. Орзу-ҳавас жараёнининг нечоғли давом этиши тўйга тайёргарлик ва ўтказиш тадбирларининг қанчалик оқилона ўтказилишига боғлиқ. Тадбирларни ўтказишда нодонлик устун келса, орзу-ҳавас 2-3 йилда, ҳатто 2-3 ойда бўғилиб қолиши эҳтимолли борки, бундан Аллоҳ асрасин! Аллоҳ орзу-ҳаваснинг бўғилишидан асраши учун биз ўзимизни нодонликдан сақлашимиз зарур. “Ўйламай қурилган турмуш тўйдан кейин бузилар”, деган мақол бекорга айтилмаган.

Бундан юз йил муқаддам жаҳолат ботқоғидаги халқни ғафлат уйқусидан уйғотишга уринган жадидлар тўй муаммосини четлаб ўтишмаган. Чунки тўйга боғлиқ муаммолар жаҳолат билан боғлиқдир. Улуғимиз Абдулла Қодирийнинг дастлабки сахна асари “Бахтсиз куёв” деб номланган. Ундаги воқеани озгинагина таҳрирдан сўнг “2017 йилда юз берган”, десак ҳамма ишонади. Йигит етим, қўли калта. Лекин қиз томон орзу-ҳаваси амалга ошмоғини истайди. Оқибатда йигит қарзга ботади ва қарзни вақтида тўлай олмагани туфайли иснодга чиолмай, ўзини ўлдиради. Кейин келин ҳам ўлади. Ҳозирги ёшлар жонига қасд қилмас, илоҳим қилмасин ҳам. Лекин иснодда юрганлари бор-ку?

Жадидларнинг устозларидан Мунавварқори айтган сўз ҳам бугун учун ибратли:

“Бир бой ўғлини тўй қилмоқчи бўлди. Бир неча ёру дўстларини чақириб, маслаҳат сўради. Дўстлари уч-тўрт кун шаҳар халқиға ош бермоқни, созанда ва хофизлар келтуриб, базм ва зиёфат қилмоқни маслаҳат кўрдилар.

Бой эса мол қадрини билгувчи эсли ва инсофли бир зот эди. Шул сабабли аларнинг берган маслаҳатларини ва кўрсатган йўллари мувофиқ топмади ва аларға боқуб, ушбу сўзларни сўзлади: “Азиз биродарларим, тўй дегани бир саховатдур. Саховат эса фақир, муҳтож, оч ва яланғочларнинг ҳақларидур. Ош берганда шуларға бермоқ лозимдур. Ҳолбуки, орамиздаги урф-одатларға қараганда, ман ошни сиз ҳурматлиларға ўхшаш, янги тўнли зотларға берсам керак. Агар урфу одатдан чиқиб, фақир ва муҳтожларни чақирсам, эҳтимолки, ҳар ердан ошға чақирилуб ўрганган баъзи янги тўнлиларимизнинг кўнгиллари қолур. Ва агар фақирларни қўйиб, бойларни чақирсам, ўзимға ва ҳам аларға зиён еткурган бўламан. Чунки ўзумнинг қанча молим ўрунсиз сарф бўлур. Алар эса ошға борурмиз, деб ўз ишларидан қолурлар. Хусусан, муаллим ва мударрисларни чақириб, мактаб ва мадрасалар ишиға қанча шогирдларни мунтазир ва саргардонликларига сабаб бўлмоқни зўр гуноҳ деб ўйлайман, шул сабабли халқға ош бермоқ учун сарф қиладурғон ақчаларимни мактаб ва мадрасаларға, фақир ва муҳтожларға улашуб, ўғлимни суннатға мувофиқ хатна қилдирсам, дейман, шояд сиз ҳурматлилар ҳам мани айбга буюрмай, бу фикримға қўшилиб, ёрдам берсангиз”.

Демак, тўй бир ёки бир неча оилага савоб келтирувчи тадбир бўлиши керак экан. Тўй туфайли топилган савоб қурилиши бошланаётган оила саройига пойдевор бўлса ажаб эмас. Лекин исроф туфайли топилган гуноҳ-чи? Бу ҳақда ўйлаймизми? Биз исроф масаласига, аниқроқ айтсам, гуноҳига енгил қараймиз. Ҳолбуки, устоз Абдурауф Фитрат айтганларидай: “Вакиллари исроф касаллигига йўлиққан миллат, шубҳа йўқки, нобуд бўлади. Агар дунё тарихига назар солсангиз, дунёдаги қавмларнинг нобуд бўлиши сабабларидан бири шу исрофгарчиликдир”. Демак, исроф гуноҳи бир-икки оилага ёки маҳаллага эмас, бутун жамиятга доир масаладир.

Бугун ҳам ҳаётимиз айнан шундай. Бугун ҳам оёқ узатишдан олдин кўрпачи қарамаймиз. Чунки “фалончи шундай тўй қилган”. Ахир, ўша фалончи томдан ташласа сиз ҳам ташламайсиз-ку? Дабдабали тўйлари билан фахрланувчи, керилувчи дўстларимизга устоз Маҳмудхўжа Бехбудийнинг бу гапларини эслатаман: “Бошқа миллатларнинг бойлари фақир ва етимлар учун мактаб ва дорулфунунлар соладурлар, фақир ва етимларни ўқумоғи учун вақф “истепендия”лар таъйин қилур. Бошқа миллат милўнерлари мактаби ила истепендияси-ла, идора қиладургон газет ва мажалласи-ла, бино қилган дорулоджизин (аёллар университети), барпо қилган жамъияти хайрияси-ла фахр қилурлар. Бизникилар жуфти оти-ла, аробаси-ла, тўйи ва...-ла фахр этар. Хатто ўз ўғилларини ўқутмайдургон бойлар бордур. Бу кетишни охири ямондур, ўқумок, ўқумок керакдур. Болаларга оталардан илми диний ва илми замоний мерос қолсун”.

Ҳозир тўйлар яшаб турган ҳовлисида эмас, ҳашаматли тўйхоналарда бўляпти. Унга айтилган ҳам, айтилмаган ҳам, ҳатто етти ёт бегоналар ҳам келадиган бўлиб қолган. Бу борада жанжаллар чиқаётганини эшитиб турибмиз. Шарафли ҳадисда айтилганидек, тўйга таклиф қилинган одам борсин ва замонвийчасига табриклаб, фақат еб-ичиш билан кифояланмай, одабийлик нуктаи назардан хайрли дуолар қилсин. Чорланмаганлар эса иззатини билсин, боришдан тийилсин.

Тўй ва унга доир муаммолар ҳақида узундан-узоқ суҳбат қуриш мумкин. Ҳамонки тўй кўнгил иши экан, тўйга тайёргарликни кўнгилни поклаган ҳолда бошламоқ шарт. Энг муҳими – тўй тадбири сиз белгиллаган тартиб асосида бўлишини қатъий талаб қилинг. Тартибни хотинлар ихтиёрига топшириб қўйманг. Умар ибн Хаттобнинг “Хотинларга ҳар ишда итоат этманг. Уларга қаршилиқ кўрсатиб турмасангиз, уйдан барака кетади”, деган ҳикматларига амал қилинг.

Сезиб турибман, бу сатрларни ўқиган мухтарама хонимлар мендан ранжийдилар. Жиддий хафа бўлмасликлари учун ҳикматга изоҳ берайин: “Хотинларга ҳар ишда итоат этманг”, дейилганда ақл эгалари, тадбирли, яхши ва ёмоннинг фарқига борадиган, оила ҳаловати учун жон куйдирадиган виждонли, дуоғўй эрлар назарда тутилган. Ярим тунгача маст-аласт юрувчи, ёмон хулқли, рўзғорга қарамайдиган, танбал, илмсиз, ҳунарсиз, инсофсиз эрларга ақлли хотинларнинг йўлдош бўлишига, барча ишларни бошқаришни ўз қўлига олишига зарурат бор. Тасаввур қилайлик: эр ҳам, хотин ҳам автомашинани бошқара олади. Лекин бир жойга борар бўлсалар, бошқарувни эр қўлига олади. Чунки унинг бу борадаги тажрибаси кўпроқ. Ўша жойда эр ароқ ичиб олса, бошқарув хотинга топшириладими? Бу учраб турадиган ҳолат. Агар эр автомашина бошқаришни мутлақо билмаса-ю, хотин ўқиган, ҳайдовчилик гувоҳнома-си ҳам бўлса-чи? Бошқариш чамбарагини шу эрга топшириш мумкинми?

* * *

“Икки эгалик хонадонда тотувлик, икки ҳокими бўлган мамлакатда оёйишталик йўқ”, деган мақолни биларсиз. “Хўрози кўп бўлган қишлоқ кеч уйғонади”, деган мақолни-чи? Инглизлар эса “Бир нечта ошпаз бўлган жойда шўрва яхши пишмайди”, дейдилар. Ўтмишда ўтган француз императори Наполеоннинг “Бир ёмон бошлиқ иккита яхши бошлиқдан яхшироқ”, деган гапи ҳам “Оилада ким раҳбар?” деган саволга аниқ жавоб бўла олиши мумкин. Баъзи дўстларимиз Куръони каримда зикр этилган “Оилада эр хўжайин” мазмунидаги оятни билмасликлари ёки эътиборсиз қарашлари мумкин бўлгани сабабли дунёвий гапларни ҳам биргаликда эсласак, балки нафи тегиб қолар.

“Эркакнинг ҳурматга, хотиннинг эса севгига, меҳрга, эътиборга кўпроқ эҳтиёжи бордир. Яратилишдан келган хусусиятлар ва олган жавобгарликлар эътиборидан оила раиси эр бўлиши керак. Хотин эрдан бир қадам ортда бўлиши лозим”, деган гаплар ҳам бор. Сиз-ку, бу фикрга қўшиларсиз, аммо хотиннингиз норози бўлиб: “Нега бири иккинчисидан юқори мавқеда бўлиши керак экан?” – деб даъво қилиши аниқ. Унга ўтмиш мутафаккирининг: “Ҳақлар тенг бўлганида жанжал чиқади”, деган фикри жавоб ўрнида кифоя қилармикин? Дикқат қилайлик-чи: оилалардаги чиқаётган жанжалларнинг асосий қисми икки тарафнинг ҳам айтганини қилдиришга уринишлари туфайли юзага келмаяптими? Оиладаги бир кишини раис, хўжайин, бошлиқ, раҳбар каби номлар билан таърифлаш муҳим эмас, аммо барчага сўзини ўтказа олувчи бошлиқ бўлиши шарт. Қаранг-да, ҳар бир ташкилотнинг бир бошқарувчиси, ҳар туман, вилоятнинг бир ҳокими бор. Оила ҳам жамиятнинг ўзига яраша жажжи вилоятдир. Икки бошлиғи мавжуд ташкилот, икки ҳокими бўлган туман ёки вилоят бўлмаганидек, икки раҳбари бўлган оила ҳам бўлмайди. Аммо айрим оилаларда шунақа ҳолларни учратиш мумкин.

Оилада хотиннинг ўрни қаерда: ё эрдан бир қадам орқада, ёки олдинда, ёки теппа-тенг. Орқада юришга кўниккан хотин бахтига эртароқ эришади. Оилада хотин олдинда юрса-чи? Аввало, аёллар туйғуларига кўпроқ бўйсунганлари учун мувозанатни сақлаб тура олмайдилар. Эрга буйруқ беришга одатланган хотиннинг қай даражада бахтли бўлишини тасаввур қилиш қийин.

Ҳар қандай аёл эрнинг кучли ва қатъиятли, оила шарафини ҳимоя қила оладиган жасоратли бўлишини истайди. Эр хотин кўзига заиф ёки қўрқоқ кўрина бошлагач, оилада турли нохуш муаммолар пайдо бўла бошлайди. Буйруқ берадиган хотин билан яшаётган эр эса ўзини қафасда яшаётгандек ҳис қилади. Айтгани – айтган, дегани – деган хотинларга “Ҳукумат-хотин” деб таъриф беришади. Ҳамонки, хотин ҳукумат экан, демак, зиндондаги эр қочиш режасини тузаяпти.

Қайнотажон, ўзингиз оила раҳбари тахтида мустаҳкам ўтирган бўлсангиз, энди бунинг сирини ўғлингизга ҳам ўргатинг. Сиз шер бўлиб, ўғлингиз қўзичоқ бўлиб қолмасин.

* * *

Тўйда меҳмонларнинг кўнглини оламан, деб ҳар бири билан “уриштириб” ичавергани сабабли думалаб қолган қайноталарни ҳам кўрганмиз. Эрталабки келинсаломда “Қайнотасига сало-ом”, дейилганда қайнота совға-саломини бериш ўрнига ғирт маст ҳолда бўкиб ётади. Умид қиламанки, сиз ундайлардан эмассиз. Бундай шармандалиқдан Аллоҳ сақласин! Лекин сиз оз-оздан ичиб

турувчилар тоифасидандирсиз. Ишхонада ёки дўстлар даврасида ичиб, шира-кайф ҳолда уйингизга келганингизда келинингизга, айниқса набираларингизга кўринмасликка, суҳбатлашмасликка ҳаракат қилинг. Бундай ҳолда уларга кўринишдан уялинг. Зора шу уят сизни бу балодан қутулишингизга сабаб бўлар. Баъзилар “иштаҳа очиш” баҳонасида овқатдан олдин бир-икки пиёла май ичишни хуш кўрадилар. Сиз ундайлардан бўлманг. Чунки келинингиз кўз олдида ичиб ўтирсангиз, энг аввало сиз ўзингизни ўзингиз беҳурмат қилган бўласиз. Бора-бора келин ҳам сизни ҳурмат қилмайдиган бўлиб қолади. Бир биродаримиз “Тўйда дўстларим билан чўқиштириб ичаман-у, эртасидан ташлайман”, дейди. Йўқ, маст қилувчи ичимлик ичишни тўйдан олдин ташлаш керак. Тўйни покизалик билан ўтказиш шарт. Тўй якунида ота ёшларни дуо қилиши керак. Маст ҳолдаги дуо ижобат бўлмайди-ку?

* * *

Келинингиз биринчи кунӣёқ сизга “адажон” деб муомала қилди. Сиз шу нафасдан бошлаб унга “адажон” мартабасида бўлинг. Келинингизга ўз отасидан ҳам кўпроқ меҳрибон бўлинг. Қизларингиз бўлса, шу азиз қизларингиз сафига қўшинг, агар қизингиз бўлмаса, келинингизга “суюкли қиз” мартабасини беринг. Келинингиз ўз уйида эркалик қилса, адашса, хатога йўл қўйса, меҳрибон отаси кечирган, насиҳат қилган. Сиз ҳам шундай бўлинг. Қизингизнинг бирон ноҳўя иши учун ғазабланиб, бақириб юборишдан ўзингизни тӣёлмасангиз, келинингизга бундай қилманг. Ҳар қандай ҳолатда ғазабингизни босишга ўзингизда куч топинг. Сизнинг босиқлигингиз оила ҳаловатини таъминловчи муҳим омилдир.

* * *

Фарзандларингиз бақиринингизга ҳатто бўралаб сўкишингизга ўрганиб қолишганми? Энди бундан қутулишингиз керак. Чунки келин бу иллатга кўника олмайди. Танбеҳ беришингиз мумкин, лекин гап оҳангига эътибор қилинг. Кўпчилик ичида, айниқса қариндошларингиз орасида келиннинг камчилигини айтманг. Ҳар қанча танқидий гапингиз бўлса, ёлғиз ўзига айтинг. Ҳатто айрим гапларни хотинингиз ҳузурида ҳам айтманг. Чунки келиннинг камчилигидан сўз очсангиз, хотинингиз қайноналик мартабасидан фойдаланиб, танқидни авж олдириши, оқибатда насиҳат мақсадида бошланган суҳбат жанжалга айланиши мумкин.

* * *

Келинингиз ҳар қандай ёқимсиз иш қилган тақдирда ҳам уни сўкиб юборишдан тийилинг. Келинга бақиринингиз, сўкишингиз фақат нодонлик аломати эмас, балки сизнинг ожизлигингизни фош этувчи ҳолатдир. Сўкишдан тийилишингиз баробарида пичинг, кинояга ҳам ўрин берманг. “Уришдан туртиш ёмон”, деганларидек, сўкишдан пичинг ёмон. Айниқса қариндошлар ёки қўшнилари орасида пичинг қилинса, гўё келиннинг қалбига ханжар урилгандай бўлади.

* * *

“Ҳар бир айтилган яхши сўз садақа ҳисобига ўтади”.

Мазкур ҳадиси шарифни ҳазрат Алишер Навоӣ “Арбаин” – қирқ ҳадисда бундай ифода этганлар:

Яхши сўз бирла ҳожат аҳлин сўр,
Бермасанг яхши тўмадин садақа.
Не учунким, расул қавла била:
Яхши сўз бордур ўйлаким садақа.

Кўпчиликнинг назарида садақа гўё фақат камбағал, фақир, муҳтож ва бева-бечораларга қилинадиган хайр-эҳсондир. Ҳолбуки, садақанинг мазмуни кенг маънода талқин қилинади. Шарафли ҳадис мазмунига биноан, кишининг айтган ҳар бир яхши сўзи эзгулик, яхши ният билан ўзгаларнинг кўнглини кўтариши ҳам садақа ҳисобида бўлади. Садақанинг турлари кўп. Садақа энг аввало ўз оиласидан бошланмоғи керак. Бу ўринда оила аъзоларига ширин сўз айтмоқлик садақанинг аввалидир. Экин эксангиз, унинг самарасидан одамлар, ҳайвонлар ва қушлар еса ҳам – садақа. Агар садақа қилишга ҳеч нарса топилмаса, муҳтожларга ёрдам бериш ёки кўнглини кўтариш, бу ҳам қўлидан келмаса, одамларни яхши ишларга даъват этиш ёки ёмонликдан тийилиш ҳам садақадир. Яна бир муборақ ҳадисда айтиладики: “Тангри таоло наздида тўғри (яхши) сўздан ортиқ садақа йўқдир”.

Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки ағёрдир ёр айлар.

Ҳазрат Алишер Навоий мазкур ҳикматни бу байт билан қувватлантирадилар:

Сўз била куфр аҳли мусулмон бўлиб,
Сўз била ҳайвон деган инсон бўлиб...

Дарҳақиқат, яхши сўз доимо кўнгилларга ёқади, уни хушнуд этади. Ҳамонки, яхши сўз душманни дўст, кофирни мусулмон, ҳайвонни инсонга айлантира олиш қудратига эга экан, сиз бу қудратдан унумли фойдаланинг.

* * *

Келинингиз ҳузурида ўғлингизнинг, хотинингизнинг камчилигини айтиб, танқид қилманг. Хотинингизга беписанд қараманг. Кийим кийишидан, пардозидан ёки бошқа ишидан қулиб, масхара қилманг. Келиннинг қайнонани ҳурмат қилишида сизнинг муомалангиз ҳам аҳамиятлидир.

* * *

Келинингиз ўзига ярашмаган ёки беҳаё қилиб кўрсатадиган кийим киядиган бўлса, ўғлингиз, хотинингиз айтмаса ҳам, сиз эътироз билдиринг. Эътирозингиз яхши гап билан қабул этилмаса, талабни жиддийроқ тарзда қўйинг ва бу талабнинг бажарилишини назорат қилинг.

* * *

Биргина қалб устига уй соламан деган одам уни бамисоли оловдан нафас олаётган тоққа қураётгандай. Ўз бахту саодатини фақат оилавий ҳаётдан кутган киши эса бундай уйни қум устига қуради.

Ақл-идроки эрта тўлишган одам ўзини фақат оилавий ҳаётга бағишлай олмайди. Умум манфаатлари йўлида ундан воз ҳам кечолмайди (*Александр Герцен, рус адиби*).

* * *

Аёл ва эркак бир-биридан жуда ҳам фарқли яратилганлари учун ҳаёт бозорида ишлатиладиган ўлчовлари бир-бирларидан жуда ҳам фарқлидир. Аёл тарозисининг ўлчов бирлиги – туйғу, эркак тарозисининг ўлчови эса мантиқдир. Табиийки, ҳар икки тараф ҳам бир-бирини фақат ўз тарозиси билан тортса, янглишади ва ҳақсизликка учраганини ўйлаб, бахтсиз бўлади. Агар ўзининг эмас, қарши тарафнинг тарозисини ишлатса, ҳақиқатга яқинроқ ўлчов олган бўлади. Қарши томоннинг тарозисидан фойдаланиш осон эмас, бунинг учун аввал у тарафни яхши таниб, феъл-атворини аъло даражада ўрганиб, бошқача айтганда, ўлчов бирликларига тааллуқли барча маълумотларга эга бўлиши шарт. Бўлмаса, тарозисининг бир палласидаги бир кило мевани тортиш учун иккинчи палласига беш килоли тош қўйган нодон ҳолига тушади.

Эр ва хотин орасида жисмоний (физиологик) ва руҳий (психологик) фарқ мавжудлигини билиш учун катта билим шарт эмас. Бу ҳар бир одам учун кўриниб турган оддий нарсалар: сочларининг қалинлиги бир хил эмас, тана ҳарорати-ю, ўзларидан таратадиган хидлари, юракларининг уриш тезлигида ҳам фарқ борки, буларни билиш шарт эмас. Тиббий жиҳатдан қаралса, эркак ва аёл орасидаги энг асосий фарқ мия фаолиятига доирдир. Маълумки, одам мияси икки ярим шардан иборат. Ўнг томон “доминат”, чап томони эса “субдоминат” дейилади. Ўнг томон туйғулар билан боғланган, чап томони эса ҳис қилиш, фикр бериш, ҳаёл суришга доир. Ўтган асрларга қадар олимлар доминатни асосий, субдоминатни ёрдамчи деб ҳисоблаганлар. Илмий тадқиқотлар бу фикрнинг хатолигини, ҳар бир ярим шар мустақил фаолият юргизишини исботлади. Тадқиқотларнинг яна бир натижаси биз учун ажабланарли: аёллар саксон фоиз ҳолатда миянинг ўнг томонини, эркаклар эса саксон фоиз ҳолатда чап томонини ишлатар эканлар. Буни тескари тарафлама тенглик десак ҳам бўлади.

Фарқлардан яна бири – эркакларнинг аёлларга нисбатан кўпроқ таом ейишга эҳтиёжлари бор. Лекин аёлларга нисбатан камроқ семиришади. Эр билан хотин бир хил оғирликда бўлса-да, эр озгинроқ кўринади. Агар хотин эри билан барабар овқат еса, ундан икки барабар ортиқ семириши кузатилган.

Эркакларнинг мушак тузилишлари аёлларникидан икки марта қалин бўлгани сабабли улар кучлироқлар. Шунданмикин, эрлар жаҳли чиққанда жисмоний кучларидан фойдаланишади, аёллар эса тилларидаги “кучларидан” фойдалана бошлашгандаги оқибат маълум. Шунинг учун эрнинг жаҳли чикиб турганда босим ўтказмаслик, ҳовуридан тушишини сабр билан кутиш зарур. Баъзи ҳиссиётли эрлар кучларини дарров ишга соладилар, ақллилари эса ўзини босиб олиш учун ташқарига чикиб кетади. Аёл бундан ўзини ҳолиб, эрини эса мағлуб деб ҳисобламаслиги керак. Шундай латифа бор: бир одамдан узоқ умр кўриш сирини сўрашганда айтибдики, “Хотиним ғалва бошлаганида мен дарров ташқарига чикиб кетардим. Умрнинг ярмидан кўпи тоза ҳавода ўтган”.

Аёллар дунёсининг ўлчов бирлиги туйғу бўлса, эркакнинг ўлчов бирлиги кучдир. Аёллар туйғулари билан ва туйғуга йўғрилган кучлари билан овунадилар. Эркаклар эса кучлари, ишларидаги ютуқлари, пуллари ёки машиналари билан овунадилар. Туйғу эркакларни тез тарк этади.

Эркакнинг кучи ғоят аҳамиятли эканини ҳамма билади. Ғудакларни овқатлантиришда “Есанг кучинг кўп-кўп бўлиб кетади”, деб авраимиз. Қизчага эса: “Овқат емасанг сочинг ўсмайди” ёки “Бурнинг пучуқ бўлиб қолади”, деймиз. Ўғил бола онасига нисбатан бўлган меҳрини баён қилишда: “Кучим кўпайса

мен сизни ҳимоя қиламан”, дейди. Шу гапни болага кўпроқ айттириш керакки, улғайганида ҳам унутмасин. Фақат онасини эмас, барча аёлларни, хусусан ўз хотинини ҳам ҳимоя қиладиган бўлсин.

Эр нима иш қилса қилсин, оз ёки кўп пул топсин, катта амалдор ёки оддий ишчи бўлсин – бу муҳим эмас. Асосийси – хотинининг кўзига қаҳрамон бўлиб кўрингиси келади. Аёл буни сезиб, эрига орзусидаги қаҳрамони сифатида муомала қилса, эр ҳам уни орзусидаги маликалар сафига қўйиб муомала қилади. Қарабсизки, бу оила осмонидаги саодат кўёши мангу ёниб туради.

* * *

Хотинингиз келинни ёмонлай бошласа, зийрак бўлинг. Уни келинни ғийбат қилишдан қайтаринг. “Келиннинг мана бундай камчилиги бор экан”, деса, “Сен энди она ўрнидасан, билмаганларини сен ўргатишинг керак. Бундан буёнги йўл қўйилган ҳар қандай камчиликка сен ҳам баб-баравар айбдорсан”, денг. “Ғийбат кўп ёмондир – юракни доғлар, тўғрилиқ яхшидир, дилларни боғлар”, деб бекорга айтилмаган. Хотинларнинг ғийбати оила саройини бузадиган қудратга эга. Бундан ташқари тинимсиз ғийбат қилаверади хотин (эркак ҳам) ўзига дўзахдан жой тайёрлаётган бўлади. Хотинингиз ёки қизларингиз келинга қарши ғийбат бошласалар, уларга бу иллатнинг Қиёматдаги оқибатини эслатиб туринг.

Қуръони каримда одамзод сақланиши лозим бўлган иллатларга батафсил таъриф берилган. Ғийбат иллатига берилган таъриф ҳар қандай кишининг қалбини зириллатиб, уйкудаги мудроқ онгини уйғотиб юборади, деб ўйлайман. Хужурот сурасида ўқиймиз: “Эй иймон келтирганлар! Кўп гумонлардан четда бўлинглар, чунки баъзи гумонлар гуноҳдир. Жосуслик қилманглар. Баъзиларингиз баъзиларингизни ғийбат қилманглар. Сизлардан биронталарингиз **ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни** яхши кўрадимиз? Ёмон кўрасизлар! Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта Аллоҳ тавбани қабул қилувчи ва раҳмлидир”. Мазкур ояти каримада бировни ғийбат қилишдаги гуноҳ уни ўлдириб гўштини ейиш гуноҳи билан баробар қўйиляпти. Банда биродарининг гўштини ейишни ёмон кўрдими, демак, гуноҳи бундан-да ортиқ бўлган ғийбатни ҳам ёмон кўришга буюриляпти. Мазкур оят нозил бўлгач, Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: “Ким дунёда мусулмон биродарининг гўштини еса (яъни ғийбат қилса), Қиёмат куни у кишининг эти унга тақдим этилади ва: “Е буни ўлик ҳолида, чунки сен уни дунёда тириклигида еган эдинг!” – дейилади”.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом умматларини ғийбатдан қайтариш борасида кўп даъватлар қилганлар. Шулардан бири: “Ғийбатдан сақланинг! Ғийбат зинодан ҳам ёмондир. Зеро, киши зино қилиб, охири тавба қилса, Аллоҳ таоло афв этади. Ғийбат қилганни эса фақат ғийбат қилинган киши кечиргандан кейингина афв этади”. Ғийбат қилган одам, ғийбати туфайли, ғийбат қилинган одамга қарамдир. Авваламбор Аллоҳ таолонинг ҳақидан қутулиш учун тавба қилиши, кейин яна ғийбат қилинган кишининг ҳақидан қутулиш учун ундан ҳам розилиқ тилаши керак. Бу вазифанинг мушкуллигини англаётгандирсиз? Демак, хотинингиз ёки қизларингиз ғийбат қилганлари учун келиндан узр сўрашлари керак экан. Қайнонанинг келиндан узр сўрашига ишончим йўқроқ. Келиндан узр сўраш азобидан кўра, тилни ғийбатдан тийиш осонроқ бўлса керак.

Сизу биз тарбиялаётган ёшлар фазилатлар ва иллатлар ҳақида маълум ту-



шунчага эга бўлсалар-да, ҳаёт тажрибалари камлигиданми, баъзан иллатларга етарли баҳо бера олмайдилар. Яқинда бир телекўрсатувда мухбир кўчадаги ёшларни тўхтатиб: “миш-миш ёмонми ё ғийбатми?” деб сўради. Аввало савол сал беўхшов бўлди. Чунки бу иккала иллат бир-бирига яқин ва бири биридан баттар. Саъдий Шерозий таъбирлари билан айтганда:

*Дедики: сенингча ҳасад-ку хунук,
Дегил: сенга ким айтди – ғийбат тузук?*

Мухбирнинг саволига жавоб берган ёшларнинг бири: “Ғийбатнинг гуноҳи камроқ, чунки ғийбат икки кишининг орасида бўлади”, деди. Бу укамизнинг мазкур масалага доир тушунчалари саёзроқ экан. Ғийбат фақат икки кишининг орасида бўлганида ҳаёт чиройига камроқ доғ тушарди. Даврада йўқ одамнинг орқасидан гапириш – ғийбат саналади. Демак, даврада фақат икки-уч эмас, йигирма-ўттиз одам ҳам бўлиши мумкин. Шундай экан, гарчи бир одам ҳақида гап кетса-да, ғийбат ўша йигирма ёки ўттиз одам орасида бўляпти. Ғийбат тўрт-беш одам оғзидан учяпти. Қолганлар жим тинглашяпти. Лекин ўша жим ўтирганлар ҳам гуноҳга шерикдирлар. “Сукут – ризолик аломати”, деган ҳикмат бор. “Мен ғийбатга аралашмадим”, деб ўзларини овутомасинлар. Ғийбатдан сақланишни истовчи одам ғийбатчиларни тўхтатиши ёки даврани тарк этиши лозим. Бироқ тарк этувчи ғийбат қилинувчи кишига бориб “сизни фалончилар ғийбат қилишаётган эди. Мен чиқиб кетдим”, деса, биринчидан, қақимчилик қилган, иккинчидан даврадагиларни ғийбат қилган бўлади. Демак, хотинингиз ёки қизларингизнинг ғийбатларини эшитиб, индамасангиз ёки уларга танбех бермасангиз гуноҳларига шерик экансиз.

Бир киши “Даврада ғийбат бошланганда тўхтатмоқчи эдим, тўхтатолмадим. Тарк этишим лозимлигини билардим, лекин чиқиб кетсам давра бузилиши мумкинлигини билиб, индамай ўтиравердим. Менда айб йўқ”, деб ўзини оқлади. Аввало, ғийбат қизиб турганда бир киши чиқиб кетгани билан давра бузилмайди. Энди ғийбат нишони чиқиб кетганга қаратилади. Агар бир киши чиқиб кетиши билан давра бузилса, янада яхши. Ғийбатчилар даврасининг бузилгани гоёяк яхши! Расулulloҳ (с.а.в.) дедиларки: “Кимки бир мўминни ғийбатчи мунофиқдан ҳимоя қилса, Қиёмат кунини Аллоҳ таоло унинг гўштини дўзах ўтидан ҳимоя қилувчи фаришта юборади. Ким, бир мўминни сўқмоқчи бўлиб уни ғийбат қилса, Аллоҳ таоло уни гапидан қайтмагунича жаҳаннам кўприги устида ушлаб туради”.

“Миш-миш” ғийбатга нисбатан бўхтонга яқин туради. Ғийбат – даврада йўқ одамнинг мавжуд иллатларини ёки баъзи ҳаракатларини гапириш. Бўхтон ёки туҳмат эса йўқ нарсани гапириш. Масалан, бир киши аслида саховатли. Лекин мен ёрдам сўраганимда беролмади. Мен буни ҳасисликка йўйиб, бир даврада уни айбладим. Шу ишим бўхтонга киради. Миш-миш орасида баъзан тўғри гап учраб қолса, у ғийбатга киради.

Келин қайнонаси, қайин сингиллари, эри ёки оиланинг бошқа яқинларидан сизга шикоят қилса, гап оҳангига эътибор беринг. Одатда келин бу уйда ғийбат қилмайди. Уйига борганда бошлайди бу қилиқни ёки кўчадаги танишларини учратиб қолса ҳам, ғийбатдан тийила олмай қолади. Ҳамонки, келин ўз отаси ва онасидан бу борада етарли тарбия олмаган экан, демак, энди ғийбат иллатининг ёмонлигини тез-тез эслатиб туриш сизнинг зиммангизга тушади. Келин оила аъзоларидан бирининг адолатсизлигидан шикоят қилиб, сизнинг

ҳимоянгизга муҳтож эканини билдирса, арзига эътиборсиз бўлманг. Агар шикоят орасида уларни ёмонлаш бошланса, дарров тўхтатинг.

* * *

“Қарс икки қўлдан чиқади”, деган мақол бор. Агар “қарс” сўзини “оиладаги беҳаловатлик (ёки “жанжал”)", деб ўзгартирсак, “икки қўл” ким – қайнона-келиндми ё эр-хотинми? Энди “қарс”ни “қарсақлар” деб ўзгартирайлик. Оилани бузилишига “икки қўл” эмас, айнан “қарсақлар” сабабчидир. “Қарс”ни “қарсақлар”га айланиб кетмаслиги учун оила бошлиғи – қайнота сергак бўлиши шарт. Катта мажлисни кўз олдимишга келтирайлик: ҳар қандай қарсақлар бир одамнинг қарсагидан бошланади. Агар кимдир бевақт ва бебаб равишда қарсақ чалиб юборса, юқорида (президиумда) ўтирган катталардан бири хўмрайиб қўйса, бошқалар унга эргашишмайди. Аммо салгина жилмайса, бас, агар бош ирғаб маъқуллаб қўйса, давомли гулдурос қарсақлар иморатни ларзага солади. Агар мажлисдан сўнг “Нега қарсақ чалдингиз?” деб сўрасангиз, “фалон гап учун” деган жавобни оласиз-да ажабланасиз, чунки бу гап қарсақ чалиб олқишлашга арзимади. Оила бузилгандан кейинги ҳолат ҳам шунга ўхшаш. “Оила нега бузилди?” деб суриштирсангиз, ҳар икки томон “қарсақбозлар”и “Фалон-фалон гапларни” сабаб қилиб кўрсатишади. Баъзи одамларнинг майда гаплардан катта муаммоларни ясай олишига ажабланасан киши. Майда гаплардан кераксиз ва бемаъни катта муаммоларни ясаётган виждонсизларнинг болаларнинг етим қолаётганини ўйламасликларидан эса нафратланасан!

* * *

“Мен саккиз йил давомида халқ судининг мажлисларида маслаҳатчи бўлиб қатнашганман. Суд шуғулланган бошқа ишлар қаторида кўплаб қўйди-чиқдиларни ҳам кузатишга тўғри келган. Оиланинг бузилишига олиб келадиган сабаблардан (балки энг асосий сабаб) бири шу эдики, эр-хотинлар оилавий турмуш масалаларида, умуман ҳаёт масаласида ҳайрон қоларли даражада саводсиз эдилар. Ҳеч ким уларни ахлоқ-одобга, бир-бирларига ўзаро ёрдамлашишга, энг муҳими – бир-бирларини кечира олишга ўргатмаган. Ҳолбуки, бу нарсалар оилавий ҳаётнинг асосини ташкил этади. Энг ачинарлиси шуки, улар қурган оила бошиданоқ умри қисқаликка маҳкум бўлган. Чунки улар никоҳдан ўтишлари биланоқ бир-бирларига рақиб муносабатда бўлишга, бир-бирларидан устун келишга, бир-биридан кўпроқ ўмаришга ва ҳаётдаги йўлдошини қийнашга интилишган. Бундан ҳам бемаънироқ, бундан ҳам ярамасроқ ишни топиш қийин”. Рус адиби Юрий Андреев Россиядаги аянчли воқеани тасвирлаган бўлса-да, бундай манзарани бизда ҳам учратиш мумкин. Агар эътиборсиз бўлсак, Россиядаги қўйди-чиқдиларга доир аянчли аҳволга яқинлашиб қолишимиз ҳеч гап эмас. Ахир Европага хос барча нодонликларни олишга уялмаямиз-ку? Келин-кўёвларимизни европача қийинтирсак, тўйларимиз европача бўлса... Қўйди-чиқдиларга асос бўлаётган сабаблар ўхшамасинми?!

Бугун келинлик либосини кийган қизингизда (ёки ўғлингизда) оила ҳаёти, оила масъулиятига доир тушунча йўқ экан, бунга ёшлар эмас, сиз – ота ва она сабабчи. Энг ачинарлиси – ўзга хонадонга келин бўлиб тушган қизларининг бошларига ёғилаётган ташвиш тошларининг сабабини тўғри тушунишга уринмайдилар, бу аламларда ўзларининг катта айблари борлигини тан олишни истамайдилар. Ҳамонки одам айбини тан олмас экан, аҳволнинг яхшилани-

шига умид йўқ. Бир оиладаги тўйдан кейинги шодликлар узоққа чўзилмади. Асъасаю дабдаба билан куёвга узатилган тўнғич қиз юраги зардобга тўла ҳолда ота уйига қайтиб келди. Албатта, ота ва онанинг “Нима бўлди?” деган биринчи саволигаёқ қиз куёвнинг хонадонини қора бўёққа чаплаб беради. Ота ва она шунда “Нима учун шундай бўлди, бу можародан сенинг қанчалик айбинг бор?” деган саволга жавоб топишга уринмайди. Она: “Ўзим ҳам билардим, фалончи мақтайвериб, ҳоли-жонимга қўймади”, деб, ота “Кўнглим сезувди-я...” – деб гап бошлайди ва муҳокама шу тарзда – лаънат ўқлари бир томонга қаратиб отилганча давом этаверади. Бугун ҳам, эртага ҳам, ҳафта ўтиб ҳам мавзу ўзгармайди, уларнинг “Қуда томон ярамас!” деган фикрлари қатъийлашиб бораверади. Қизлари эса бир жабрдийда, унда ҳеч қандай айб йўқ... Бу оиланинг бўйи етган яна икки қизи бор. Каттасининг турмуши бузилиб қайтгач, иккинчисига келаётган совчиларнинг қадами узилди. Ота-онанинг ақли бўлганида барча айбни қудалардан изламай, ўзларидан ҳам қидириб кўрардилар. Тарбияда йўл қўйган хатоларини англагач, кейинги икки қизнинг ахлоқ-одобига назар ташлаган бўлардилар. Агар улар ҳам опалари каби беодоб, бетгачопар, ялқов бўлишса, тўйдан кейинги тақдирлари ҳам аянчли тарзда такрорланадими?

* * *

Эр-хотиннинг урушига уй остонаси кулар (*Мақол*).

* * *

Оила ҳаловати тамоман бузилиб, қайнона-келин можаролари тузалмас даражага етганда ўғлингиз оилани сақлаб қолиш ниятида бошқа уйга кўчишни хоҳласа, кўпам монелик қилманг. Албатта, фарзанднинг ота-она бағрида бўлиши аъло. Аҳволни яхшилаш учун айрим оталарнинг ўзлари кўчишни таклиф қиладилар. Бу масалани ҳал қилишда шошилмаслик керак. Чунки оилавий можаролар бошқа уйга кўчгандан кейин ҳам давом этиши мумкин. Ўғлининг оиласи яшаётган янги уйга бориб ҳам жанжални давом эттирадиган қайноналар бор. Ёки қайнона-келин можаросидан узоқлашилгач, эр-хотин жанжаллари авж олиши эҳтимоли бор. Чунки ота-она уйида яшаганларида жанжални тўхтатиб турувчилар, насиҳат қилувчилар энди йўқ. **Кўчиришдан олдин янги уйда ҳаловат бўлишига амин бўлинсагина ижозат берилиши лозим.**

Баъзилар ўғилнинг бошқа уйга кўчишидан қатъий норози бўладилар. Ҳатто айрим оналар “Берган оқ сутимга розимасман”, ота эса “Оқ қилдим!” деб ёшларнинг қалбларини яралайдилар. “Оқ қилиш”дан эҳтиётроқ бўлиш керак. Баъзилар бунинг маъносини яхши англамас эканлар. Шу боис бир оз тушунтириш берсам:

Бир қиз ёмон йўлга кириб кетгани учун ота-онаси уни “оқ” қилибди. Бу билан улар ўзларини ҳам Аллоҳ олдида, ҳам эл-юрт олдида поклаб олишган. Ота-она бошига тушганни “фалокат” деймизми, “фожиа” деймизми, “қора тун” деймизми, юракларни поралаб ташлаган “бало чақини” деймизми – номи нима бўлса бўлсин, бунинг ҳатто душманимизга ҳам раво кўрмайлик. Ота-она фарзандини оқ қилгани билан унинг қоронғи туни ёриша қолмайди. Оқ қилиш билан ўзларига озгина тасалли бергандай бўлишади. Иснод ўтида қовжираб, азобланишлари эса давом этаверади.

“Оқ қилиш” араб лисонидаги “аъқ(қа)” сўзидан келиб чиққан. Дастлабки маъноси покланишни билдиради. Яна бир маъноси эса “ажратиш” экан. Демак,

оқ қилмоқлик – гуноҳкор фарзандни ўзидан ажратиб, покланиш деган маънони англатаркан. Яъни: “Бу бадкирдор гуноҳлар ботқоғида қолди. Мен унинг гуноҳларига шерик эмасман, масъул ҳам эмасман”, дейилмоқчи бўлади.

Юқорида айтганимдай, бу ҳолат кишининг ўзига тасалли бериши учунгина асқатади. Ота-онанинг фарзанд тақдирига масъуллиги ҳеч қачон озаймайди. Солиҳ фарзанд ота-онага раҳмат, яъни савоб келтиргани каби, ёмонликни касб қилган фарзанд оқ бўлган тақдирда ҳам, ҳар бир гуноҳ иши билан ота-онасига лаънат келтираверади. Шу сабаб, эҳтимол, ота-она аъмол дафтарига гуноҳлар ёзилаверар, валлоҳи аълам? Агар оқ қилиш билан ота-она гуноҳдан осонгина қутула олса эди, унинг масъулияти, фарзанд тарбиясининг савобларидан олажаж ажрлари юқори қилиб қўйилмас эди.

Баъзи оилаларда ўғилга нисбатан кўпроқ қизни “оқ қилиш” билан қўрқитмоқчи бўлишади. “Шу қизга уйланмасанг сени оқ қиламан”, деган пўписани деярли эшитмаймиз. Бироқ, “Шу йигитга тегмасанг қизим эмассан, сени оқ қиламан”, деган таҳдидлар қулоғимизга чалиниб туради. Бу ота-оналар ранжисалар ҳам, қилмишларини нодонлик деб баҳолашдан ўзга иложимиз йўқ. Нодонликларидан ташқари гуноҳкор ҳамдирлар. Чунки қиз болани зўрлаб ниқоҳлаш мумкин эмас. Бугун қизини зўрлаб узатиб, эртага кўз ёши тўкиб юрган ота-оналарни кўрсак ҳам ибрат олмаймиз.

Хулоса шуки, алоҳида уйда яшашни хоҳлаган фарзандингизни “оқ қилиш”-га шошилманг. У сиздан бутунлай юз ўгирмоқчи эмас, демак, сиз ҳам юз ўгирманг. Оқ қилманг-да, янги уйда ҳаловатли ҳаёт тилаб, **хайрли оқ фотиҳа** беринг. Ёшларнинг бошқа уйдаги ҳаётларини назорат қилиб туриш масъулиятини зиммангиздан соқит қилманг ва буни фарзандларингизга тушунтириб қўйинг. Токи улар “Бошқа уйга чиқсак ҳам тинчлик йўқ экан-да, ҳаётимизга ҳадеб аралашаверадиларми”, дейишмасин. Бундай норози бўлмасликлари учун эса назоратни ҳаддан ташқари ошириб юборманг.

* * *

Бир ҳовлида 2-3 келиннинг аҳил яшаётганига кўп гувоҳ бўлганмиз. Ҳатто аканинг уч келини, уканинг икки келини иноқ яшаётганларини ҳам кўрганмиз. Уч хонали уйнинг икки хонасига икки келин тушириб, тотувликда яшаётганлар ҳам бор. Бу қайнота ва қайнонанинг яхши тарбияси, ширин муомаласи натижаси. Улар бир хонада яшасалар ҳам, ўзларини бахтиёр ҳис қиладилар. Чунки оила бахти кўп хонада, кенг ҳовлида яшашда эмас, балки тотувликда! Буни ўзингиз яхши биласиз.

Баъзи ота-оналар ўғилни уйлантиргач, дастлабки нохуш гап-сўз чиқиши биланоқ ёшларни алоҳида уйга чиқариб юбориш пайида бўлишади. “Ёшларнинг ғалвасидан безордан, тинчгина яшай”, дейишади. Баъзи нодон ва ношукрларга эса набираларининг “ғалваси” ёқмайди. Мен гўдакларнинг ўйин-кулгулари, бақириқ-чақириқларидан безор бўлувчи бобо ва бувиларга тушунмайман. “Болалик уй бозор, боласиз уй – мозор”, дейдилар. Бошқаларни билмайман-у, менга “мозор”, эмас, “бозор” ёқади. Набираларимнинг бирлари боғчага, яна бирлари мактабга кетишгач, уй ҳувиллаб, мени ютвора дейди, ўзимни қаерга қўйишни билмай қоламан. Сиз ҳам шундай бўлсангиз керак, азизим!

Бугун ёлғизликни, ҳаловатни, тинчликни истайдиганларга “Келажакни, қарилигингизни ҳам ўйланг”, дейман. Ҳозирги ёлғизлик сизга ҳузур берса, қарилликдаги ёлғизлик ҳам тан, ҳам руҳ азобини беради. Бўлган воқеа билан тани-

шинг: бир одам отасининг кадрдонларини зиёрат қилгани боради. Бу оилага Худо тўрт ўғил неъматини берган. Лекин уларнинг барчаси бошқа-бошқа уйда яшайди. Ёши саксонга яқинлашган ота-она катта ҳовлида ёлғиз. Зиёрат қилувчи дарвоза қўнғироғини чалганда, уй деразаси очилиб, кампирнинг “Ким, бу ёққа қаранг”, деган овози эшитилади. Зиёратчини кўргач, қувониб: “Вой, келинг, келинг!” – деб унга калит узатади: “Эшикни ўзингиз очинг, ичкари киргач, яна қулфлаб қўйинг”.

Манзарани кўз олдингизга келтирдингизми? Чол-кампирнинг эшикни очишга ҳам ҳоли йўқ! Бунга асосан ўзлари айбдор. Фарзандлари, баъзан наби-ралари хабар олиб туришар экан. Кексалик роҳати учун шу кифоями? Фарзандларни оқламайман, уларда ҳам айб бор. Уларни бемехрликда айблашга асос мавжуд. Ўзингиз айтинг: ота-оналарини “Қариялар уйи”га топширган бемехрлар билан катта ҳовлида ота-онасини ёлғиз қолдирган бемехрлар орасида қандай фарқ бор? Худодан икки дунё саодатига етиштирмоқ сўралганида аввалам-бор қарилик бахти назарда тугилади.

Яхшими-ёмонми ўғилнинг, яхшими-ёмонми келиннинг ўз бағрида бўлиши – ота-онанинг бахти. Бу бахт қушини учуриб юбормаслик керак.

* * *

Уч кимса киши кўнглини вайрон қилиб, тинчини бузади: булар – ёмон қўшни, ноқобил фарзанд ва бадфеъл хотин (*Арасту ҳаким*).

* * *

Кимга яхши куёв учраган бўлса, у одам ўғиллик бўлибди. Кимга ярамас куёв ўйлиққан бўлса, у одам қизини йўқотибди (*Демокрит*).

* * *

Оилада ҳамжиҳатлик бўлмаса, уни бахт ташлаб кетади (*Мақол*).

* * *

Ёшлар муроса қила олишмай қолган кезлари қайнота кўпроқ келин томон, қайнона эса ўғли томон бўлади. Шундан эҳтиёт бўлиш керак. Шундай қилин-ки, хотинингиз ҳам келин томон бўлсин. Чунки ўғил – ўзингизники. Отанинг, айниқса онанинг гаплари ботмайди. Агар хотинингизни ўзингиз томонга оғдириб ололмасангиз, у ўғли томон бўлиб, келин томонга ҳужумни кучайтиргудай бўлса, хонадонингиз “жаҳон уруши” майдонига айланиб, жанг маромини бошқара ололмай қоласиз.

* * *

“Келин биз ўйлагандек чиқмади, ўғлингизнинг ҳам кўнгли йўқроқ, қўйса қўйиб юбора қолсин, тузукроғини топиб уйлантирамиз. Худога шукр, яна ўнта тўй қилишга қурбимиз етади”... Хотинингиз шу мазмунда гап бошласа, дарров оғзини юминг. Агар сизда ҳам шундай фикр бўлса, тилингизга чиқара кўрманг. Яхши гапга ҳам, ёмонига ҳам фаришталар “омийн” дер экан. Яхши ният қилаверинг. “Келининг бугун кўнглингга ёқмаётган бўлса, сабр қил, тарбияла, эртага, Худо хоҳласа, ҳамманинг ҳавасини келтирадиган келинга айланади”, денг. Хотинингиз айтган “тузукроғи” сизга таппа-тайёр турибдими? Балки акси чиқар, баттарроғига учарсиз? Ўнта тўйга қурбингиз етгани яхши, аммо ўғлингизни ўн марта уйлантирмайсиз-ку?

* * *

Келинингиз пиширган таомни тановул қилар экансиз, “Бемаза экан”, деб афтингизни буриштирманг. Айниқса, келин дастлаб пиширган таомларни мақтаб-мақтаб енг. Танқид қилгингиз келса, “Таом жуда тотли, маза қилдим, тузи сал пастроқ бўлса, янада ҳузурланардим”, деб қўйсангиз, келинингизнинг кўнгли оғримайди, балки камчилигини англайди. Сизга ибрат бўлсин учун ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани баён қилай:

Андижондаги дўстим ўғлини уйлантирди. Тўй куни узрли юмуш чиқиб қолиб, бир ҳафтадан кейин “Қутлуғ бўлсин”га бордик. Зўр хурсандчилик билан кутиб олдилар. Одатга кўра, биринчи таомга шўрва олиб киришди. Бир қошиқ ичдим-у, иккинчисига иштаҳам бўғилди. Шўрва ниҳоят даражада бемаза эди. Мен баъзан таомга инжиқликни ошириб юбораман. Таомни бемаза, демасам ҳам бир баҳона билан қўл тортаман. Шерикларим бу камчиликдан холи эдилар, шунга қарамасдан улар ҳам косани суриб қўйдилар. Мезбон бунни сезиб: “Ҳозир қандай қилиб бўлса ҳам, шўрвани охиригача ичиб қўясизлар. Келиним бугун биринчи марта бир ўзи мустақил таом пиширди. Косада бир қошиқ қолса ҳам кўнгли оғрийди”, деди. Дўстим табиатан кескинроқ, ҳатто жиззакироқ эди. Бу ҳолатда ғоят босиқлик ва донолик билан гапирганига қойил қолдим. Ана шу донолиги сабабли мен ҳам инжиқлигимни енга олдим.

Кани эди, барча қайноталар шу дўстим каби донишманд бўлса!

* * *

Сиз оиланинг хожаси экансиз, демак барча ишларда масъулсиз. Биринчи галда исрофгарчиликка йўл қўймаслигингиз керак. Бу фақат насиҳат ёки талаб билан амалга ошмайди. Доимий назорат керак. Сабзавотларни яхши сақламай иритиб юбориш, нонни моғорлатиш, овқатни ачитиш – аёллар йўл қўйган камчиликнинг самараси. Бундан ташқари электр чироқ, газ бекордан-бекорга ёниб туради. Кўп оилаларда аёлларнинг эътиборсизлиги туфайли чойнаклар эриб кетади. “Маҳаллада дув-дув гап” кинофильмидаги самоварнинг эриб тушиш манзараси ёдингиздами? Ҳозир самовар йўқ, газ плитасида эриб кетадиган чойнаклар, куядиган дазмоллар бор. Эътиборсизлик туфайли ёнгин чиқиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Агар танбех берсангиз хотинингиз ҳам, келин ҳам “Вой, эсимдан чиқибди”, деб баҳона қилади. Эсдан чиқаргани рост, атай куйдирмайди. Демокчиманки, сиз назоратчи сифатида бу жиҳозларни кузатиб юришдан чарчаманг. Бу камчилик фақат сизнинг оилангизга хос эмас, фикримча 98-99 фоиз хонадонда шу иллат мавжуд. Каминанинг хонадони ҳам шулар жумласидандир ва насиҳат қилишга сабабни узоқдан кидирганим йўқ.

* * *

“Оилангизда нон исрофига қандай қарайсиз?” – деб сўрамоқчи эдим. Ўйлай-ўйлай саволга ўзгартиш киритдим:

“Оилангиздаги нон исрофига нима учун бефарқ қарайсиз?”

Саволни бу тарзда кўндаланг қўйишимга сабаб – бугунги кунда деярли барча оилаларда нон исрофига кўзимиз тушади. Бугун 45-50 ёшида келин тушираётган қайнота ва қайноналар болалик чоқларида нонга муҳтож бўлмаганлар, шунданмикин, нон қадрини билмайдилар, деган гапларни ҳам эшитаман. Бу гапларда жон бор, лекин болалигида қорни тўйиб нон емаганлар нон қадрини билади, нонни исроф қилишга йўл қўймайди, дейиш ҳам бир ёқлама тўғри. Нонга муҳтож бўлмаган одамга **нонни исроф қилавериш ҳуқуқи берилма-**

ган. Нонни қадрлашга доир қанчадан-қанча ҳикматлар, ҳаётий мисоллар бор. Агар келинингиз, ўғлингиз, сўнг набираларингиз нонни қадрламас экан, биринчи галда сиз айбдорсиз. Уларга бу борада тарбия бермагансиз.

Мен оиладаги бешинчи фарзандман. Худога шукр, икки акам, икки опам борлар. Урушдан кейинги оғир кунларда туғилган эканман. Дадам-аямнинг, опаларим ва акаларимнинг ярим оч, ярим юпун ҳолда азобли ҳаёт кечирганларини кейинроқ билганман. Аям, катта акам билан катта опам нон олиш илинжида кишин-ёзин кечаси билан дўкон остонасида навбатда туришаркан. Бу манзара катта авлод учун яхши таниш. Бугун нонуштада нон танлайдиган, нонни исроф қилаётган авлод очарчилик кунлари ҳақидаги ғамли ҳикояларни катталардан эшитса ҳам, китобларда ўқиб, кинода кўрса ҳам нечундир таъсирланмаяпти, бу борадаги хунук қилиқларидан воз кечмаяпти, мен шунга куяман. Ҳозир “Ким эдиг-у, ким бўлдик?” деган ибора кўп тилга олиняпти, тадбирлар ўтказилляпти. Шунга жавобан: “Бир бурда нонга зор халқ эдик”, деб жавоб берсам, айрим дўстларимиз бундан ғашланмасинлар. Бугун, Худога шукр, ҳар бир хонадоннинг дастурхонида нон бор. Дўконларда нон тахлибди турибди. Лекин шу кунларда дунёнинг қанча мамлакатларида миллионлаб одамлар очдан тиришиб ўляпти? Бу манзарага биз бефарқ қарай олмаймиз. Чунки халқимиз, бизнинг боболаримиз-момоларимиз, оталаримиз-оналаримиз бу даҳшатли кунларни бошдан кечирганлар. Иккинчи жаҳон урушидан аввалги йилларда бизнинг юртда ҳам қаҳатчилик-очарчилик бўлганини кўп ёшларимиз билмайдилар. Мен турли учрашувларда шу мавзуда сўз очиб, азиз ёшларимизнинг булардан беҳабар эканликларини билиб, айниқса, билишга қизиқмаётганларини англаб изтиробга тушаман. “Оч одамлар кўчаларда ўлиб қолишаркан, шаҳар ҳокимияти ўлик йиғадиган махсус хизмат ташкил қилган экан. Ҳозир ахлат ташийдиган машиналар кўчаларни айлангани каби, ўлик йиғадиган араваларда юришаркан”, деганимда ҳам ўтирган ерида лоқайдлик, ҳатто сурбетлик билан сақич чайнаб ўтирган ёшларни кўрганимда баъзан аламдан дод деб юборай дейман.

Менга Муборак шахрида яшаётган 80 ёшли Малика опа Маматқулова хат ёзибдилар. Унда баён қилинган воқеадан ғоят таъсирландим. Сиз ҳам танишинг-да, ёшларга айтиб беринг, зора уларга таъсир қилса.

Хатларидаги сатрларни айнан кўчираман: “Уруш йиллари отам колхозда аравакаш бўлиб ишлардилар (урушдан яроқсиз бўлиб қайтган эдилар). Ҳар куни колхозчи аёлларни аравага ўтқизиб, далага олиб борадилар ва кечкурун олиб қайтадилар. Марҳаматхон исмли аёлнинг сочлари жуда узун ва қалин эди. Отам у кишига: “Опа, сочингизни отга якка жилов қилса, ҳеч узилмайди-да”, деб ҳазиллашардилар. Уруш, қимматчилик, қаҳатчилик бошланди. Одамлар нонга зор бўлдилар. Бизнинг қишлоқда очликдан ўлганлар ҳам бўлди. Ҳозиргидек эсимда, апрель ойининг бошлари, бодом қийғос гуллаган. Бизлар шу бодомнинг тагида чой ичиб ўтирибмиз. Марҳаматхон опа қўлларида бир тугун билан ҳовлимизга кириб келдилар ва отамга қараб: “Олинг, Маматқул, сочларимни отингизга яккажилов қилмоқчи эдингиз. Эшон бобонгиз, жиянларингиз уйда оч ётибдилар. Бирор нарсa беринг”, – дедилар. Отам тугунни очиб, узунлиги бир метрдан узун, қалин, олти ўрим сочи кўриб йиғлаб юбордилар: “Ойим опа, ахир мен ҳазиллашувдим-ку! Бундай кунлар келишини ким ўйлабди?! Мени кечиринг. Сочларингизни кесиб келмасангиз ҳам сизни қуруқ узатмасдик”, – деб нима қиларларини билмай қолдилар ва соч ўримларини

бодомнинг устига қаратиб отдилар. Бодомга худди олтита қора илон чирмашиб чиқаётгандек соч ўримлари осилиб қолди. Отам онамга қарадилар. Онам икки килоча тариқ ун ва тўртта зоғора нон бериб, Марҳаматхон опани кўчага кузатиб чиқдилар. Соч ўримлари ёзи билан бодомда осилиб турди. Мен: “Ота, нимага сочларни олмаймиз?” – деб сўраганимда, “Шу соч ўримлари ёдингиздан чиқмасин. Тўқчилик замонлар келганда ҳам нонни эъзозлаб, кўзингизга суртинг”, – дер эдилар...”

Мавзуни бойитиш учун марҳум дўстим шоир Сабриддин Садриддиновнинг болалигини эслай.

Нон дўкони ёнида туни билан навбатда туришни яна кўз олдимизга келтирайлик: ёзми ё қаҳратон қишми, ёмғирми ё қор бўроними – фарқи йўқ, каттами ё кичикми – фарқсиз, навбатда турилади. Баъзан навбат тартиби сақланиши учун кафтга қаламда рақамлар ёзиб чиқилади. Кичкина Сабриддиннинг кафтига ҳам рақамни ёзишган. Ўшанда кимёвий қалам бўларди, агар сув тегса қалам сиёҳга айланарди. Ёмғир ёғаётгани сабабли Сабриддин кафтидаги ёзув ўчиб кетмаслиги учун муштумини қаттиқ сиқиб олган. Лекин қўли терлагани ё панжалари орасидан ёмғир суви сизиб киргани, ҳар ҳолда ёзув чапланиб, ўчиб кетибди. Тонг отгач, навбат тартиби текшириляётганда Сабриддиннинг кафтида ёзув йўқлигини кўриб, уни навбатдан чиқариб юборишибди. Боланинг зорли ноласига ҳеч ким қулоқ солмабди. Туни билан ёнма-ён турганлар ҳам, кафтига рақам ёзган йигит ҳам “Бунинг навбати бор”, демабди. Ёнг ачинарлиси, Сабриддиннинг отаси – Садриддин мақсум Тошкентдаги эътиборли уламолардан бўлганлар. Шу маҳаллага хизмат қилганлар, чақалоқнинг қулоғига азон айтиш ҳам, никоҳ ёки жаноза ўқиш ҳам шу кишининг зиммасида бўлган. Шунга қарамай, нонга тезроқ етишиш учун битта болани ноҳадан-ноҳад навбатдан чиқариб юборишдан ўзларини тия олмаганлар. Садриддин мақсум ўша адолатсиз одамларнинг бири қулоғига азон айтганлар, бирининг никоҳини ўқиганлар, йиллар ўтиб жанозасини ҳам ўқиганлар. Жаноза намозида уларнинг гуноҳини кечиришни илтижо қилиб сўраганлар...

Баъзан “Ноннинг исрофига нисбатан муносабатда оилаларимиз орасида фарқ борми?” деб ўзимга ўзим савол бераман. Бир оилада суви қочган нон пўчоққа ташлаб юборилади, иккинчисида бунинг катта гуноҳ эканини билиб, исрофга йўл қўйилмайди. Тўқинлик замонида яшаётганимиз учун нонни исроф қилишдан уялмайдиган, гуноҳидан қўрқмайдиган бўлиб қолганмиз. Бу гуноҳ ишларга қишлоққа нисбатан шаҳарда кўп дуч келамиз. Оиладаги гўдак ҳам, ўсмир ёки эрта-индин узатиладиган қиз ёки уйланадиган йигит ҳам дастурхон устидаги нонни ушлаб кўради. Салгина суви қочган бўлса, “янгиси йўқми?” деб сўрайди. Баъзан нон бўлаклари, баъзан бутун-бутун нонлар моғорлаб кетади. Пўчоққа ташланади. Маҳаллаларда чорваси бор хонадонлар мол-қўйга берадилар. Кўп қаватли уйларда эса ахлатга ташланади. Мана шу ҳол “нонқўрлик” дейилади. Ким нонни хор қилибди, Худо уни бир тишлам нонга зор қилиб қўйишидан қўрқсин.

Бугун нонни қадрламаётганимизнинг икки сабаби бор: биринчиси – дастурхонимиз тўқин. “Тўқликка – шўхлик”, деганларидай, дастурхонимиз ҳаммаша шундай бўлади, деб ишонамиз. Иккинчиси – фарзанд тарбиясида нонни қадрлаш, уни исроф қилмаслик масалалари тушиб қолган. Болалигимизда ноннинг ҳатто ушоғини ҳам қадрлаш лозимлигини уйда ота ва онамиздан ҳам, кўчада бегоналардан ҳам эшитардик. Фақат уйда эмас, ҳатто кўчада кимдир

тушириб кетган ушқони кўрсак, олиб, чангини пуфлаб, ўзини кўзга суртиб сўнг ейишни тайинлашарди. Ҳозир уйдаги дастурхондан бир бўлак нон гилам устига тушиб кетса, олиб ейилмайди, аксинча, пўчокқа ёки ахлат челака ташланади. “Нон ушқони олмай босиб ўтсанг кўр бўласан”, деб таъкидлашарди. Кўрлик жисмонан эмас, маънавий жиҳатдан эканини кейинроқ тушуниб етдик. Ҳозирги азиз ёшларимиз-чи, буни англайдиларми?

* * *

Ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим, токи Тангри таолонинг ғазабига дучор бўлмайин ва ишимни бузиб, ҳолимни танг айламасин деб (*Амир Темур*).

* * *

Сабр-қаноатингиз даражасини ҳеч синаб кўрганмисиз? Бунинг йўли осон: оч қолсангиз ёки ташналиқдан азоб чексангиз бир неча соат чидашга уринасиз. Лекин жаҳлингиз чиққан пайтда ғазабингизни неча сония ёки дақиқа давомида жиловлай оласиз? Кимдир вулқон каби, яна кимдир бомба сингари портлайди. Ақлли одам эса бу кучларни бўғишга қувват топади. Кўчадаги ёки чойхонадаги, ёки ишхонадаги ҳолатингизга аралашмайман. Аммо уйда, оила аъзолари орасида **энг сабрли одам бўлишга мажбур эканингизни** эслатаман. Чунки оилангиз ҳаловатини айнан сиздаги сабр-қаноат қуввати белгилайди. Қайнона-келин, куёв-келин орасидаги катта-кичик жанжалларни сиздаги сабр боса олади. Оилада шахсий намуна жуда муҳим аҳамиятга эга. Ҳазрати шайх Сирри Сақотий сабрдан сўзлаётган эдилар. Чаён ул мухтарам зотнинг бир неча жойларидан чакди. Шайх чаённи ўлдирмадилар. «Нечун ўлдирмадингиз?» – деб сўрашди. «Сабрдан сўзлаб турар эканман, Аллоҳдан уялиб, чаённи ўлдирмадим. Нединким, сабрдан гапира туриб, сабр қилмаган бўлардим», деб жавоб қилдилар.

Фарзандларимизни, яқинларимизни дуо қилганимизда, айниқса никоҳ тўйида бахт-саодат тилаймиз-у, аммо сабр-тоқат, қаноат тилашни унутамиз. Сабр-қаноатсиз бахт-саодатга етиб бўлмаслигини биламизми? Биз фақат жанозага борганимиздагина марҳумнинг яқинларига сабр тилаймиз. Ҳолбуки, одамнинг ёшидан, жинсидан қатъи назар, сабр ҳар куни ҳар нафасида керак. Донолар деганларки: «Модомики, ер остида қабр азоби ҳақ экан, ер устида ўша азобнинг муқобили сифатида сабр азоби ҳам мавжуд. Бандага ё униси, ё буни-си». Ҳикмат аҳли барча нарсадан айнан шу сабр азобини аъло кўрганки, ажри юқори бўлгай, иншааллоҳ! Ҳазрат Навоий айтганларидек: «Сабр бор ерда айрилик ўтида куйганларга ғам йўқ, иштиёқ эгаларига ҳажр ўтида куйишдан алам йўқ». Чунки: «...уларнинг ҳузурларига ҳар эшиқдан фаришталар кириб: «Сабр қилганингиз учун сизларга салом бўлсин! Бу оқибат диёри қандай яхши, дерлар» (*Қуръони каримнинг Раъд сурасидан*).

Европанинг машҳур файласуфи, узлатга чекиниб, умрини бочкада ўтказган Диогендан бир одамнинг бойми ёки камбағал эканини сўрадилар.

– Билмайман, – деб жавоб берди Диоген, – мен фақат унинг пули кўплигини биламан.

– Пули кўп бўлса, демак, бой экан-да?

– Кўп пулга эга бўлиш ва бой бўлиш – бир нарса эмас, – деб жавоб берди Диоген. – Бориға қаноат қилган одамгина чинакам бойдир. Ўзида бор нарсадан

кўпроқ бойлик орттиришга ҳаракат қилган одам, оз бўлса-да, бориға қаноат қилган одамдан камбағалроқдир.

«Қаноат – эҳтиёжсизлик негизидир, иззат ва шараф тантанасидир, – деб ёзганлар ҳазрат Навоий. – Қаноатли камбағал – давлатманддир, унинг шоҳу гадога иши тушмайди:

*Хорлиғлар боши тамаъ билгил,
Доимо «азза ман қанаъ» билгил».*

(Маъноси будир: хорликларнинг бошланиши тамадан эканини фаҳм этгин ва ҳамиша «қаноатли киши азиздир», деб билгил.)

Қаноат тўғрисида кўп ҳикматлар айтилган, кўп таърифлар берилган. Шулар орасида ҳазрат Навоийнинг таърифлари ғоят аҳамиятлидирки, буни англаб олсангиз, фарзандларингизни ва келинингизни сабрсизлик балосидан қутулишлариға ёрдам бера оласиз:

«Қаноат – бир чашмадирки, олган билан унинг суви қуримайди; у бир хазинадирки, ундаги бойлик сочилган билан камаймайди. У бир экинзорки, уруғи иззат ва шавкат ҳосилини беради; у бир дарахтдирки, унда қарам бўлмаслик ва хурмат меваси бордир.

Қаноат – киши кўнглиға равшанлик етказади; кўз ундан ёруғлик касб этади. Қаноатли дарвешнинг қаттиқ нони тамагир шоҳнинг ноз-неъмат тўла дастурхонидан яхшироқдир. Қаноатға одатланган фақирнинг ёвғон умочи – олғир бойнинг новвоту ҳолвасидан тотлироқдир.

Шоҳ удирки – олмайди-ю беради, гадо улдирки – сочмайди-ю теради. Ҳар ким қаноатға одатланган бўлса, шоҳлик-гадолик ташвишини билмайди. Гарчи тирикчилик уйи доим тор, бу ҳақда қанча муболаға қилсанг, ўрни бор. Қаноат бир қўрғонки, унга кирсанг, нафсининг ғалвасидан қутуласан. Қаноат бир чўққики, унга чиқсанг, дўст-душманға муҳтожликдан халос бўласан. Қаноат – хокисорлиғдирки, натижаси – юсаклик; муҳтожликки, фойдаси – эҳтиёжсизлик. Қаноат – экиндир, уруғи – бойлик; дарахтдир, меваси – муҳтожсизлик; майдир, аччиқ, лекин нашъаси – шодлантирувчи; йўлдир қаттиқ, лекин борар манзили – севинтирувчидир».

Сиз оила аъзолари учун фақат шахсий намуна эмас, балки доно насихатгўй ҳам бўлишингиз керак. Азиз фарзандларингизға ва уларнинг сафини тўлдирган суюкли келинингизға бу мавзуда ҳеч гапирганмисиз? Жавобға қийналяпсизми? Аттанг! Хижолат бўлманг, сизға ўхшаганлар орамизда анчагина. Оила даврасида сабр-қаноат ҳақида суҳбат қилар бўлсангиз, сизға асқатар, деган умидда бу ҳикматни ҳам баён қиляпман:

Қадим замонда Кобул шаҳрида истиқомат қилувчи икки бесабр одам маишатларини яхшироқ ўтказиш иложини тополмай Султон Маҳмуддан нажот истаб, Ғазна шаҳриға юрдилар. Йўлда бир киши уларға ҳамроҳ бўлди. Бу икки қаноатсиз бошкентға не мақсад ила бораётганларини айтиб, янги ҳамроҳнинг ҳам сафардан муддаосини билмоқ истадилар.

– Мен дурадгорман, ҳалол касбим билан топганимға қаноат қилиб яшайман, – деди янги ҳамроҳ. – Ҳеч кимдан бирор нарса тама қилмайман. Ҳатто султоннинг ҳам инъом-эҳсони менға керак эмас. Мақсадим – Ғазна шаҳрини бир томоша қилиб келиш, холос.

Ғазнаға етиб келишгач, икки қаноатсиз киши султон қароргоҳиға йўл олди. Дурадгор эса бормади. Қаноатсиз кишилар султон ҳузуриға кириб, муддао-

ларини изҳор қилиб бўлишгач, қаноатли дурадгорнинг бу зиёратга келишдан бош тортганини ҳам айтиб ўтдилар. Бундан ажабланган султон Ғазнавий одам юбортириб, дурадгорни олиб келтирди. Қаноатсизлардан бири султондан бир халта олтин сўради, иккинчиси эса ҳали уйланмай юрганини, султоннинг саройдаги бирон чўри қизга уйлантириб қўйишидан умидвор эканини билдирди. Султон буларнинг тилақларини қабул этиб, қаноатли дурадгордан сўради:

– Узоқ йўл босиб Ғазнага келганинг ҳолда мени зиёрат қилишни нима учун истамадинг?

– Бу шаҳарнинг гўзаллиги ҳақида кўп ҳикоялар эшитиб эдим. Мақсадим – шу гўзалликларни ўз кўзим билан кўриш. Мен ҳалол касбим билан кун кечиришни истайман. Бировдан бир бурда нон умид қилиб яшаб, номус-оримнинг ва обрўимнинг барбод бўлишини хоҳламайман. Шу боис менга инъомингиз керак эмас. Ҳузурингизга ошиқмаганимнинг боиси фақат шудир.

Султон турли инъомларни таклиф қилса-да, қаноатли инсон буларнинг ҳеч бирини қабул этмади. Қаноатсизларнинг бирига халта тўла олтин берилиб, иккинчиси чўрига никоҳлангач, уйларига қайтишга изн сўрадилар. Рухсат теккач, йўлга тушдилар. Султон учинчи кишининг қаноатини кибр ва нодонлик ўрнида қабул қилиб, ғоят ғазабланди-да:

– Халтаси бўлмаган кишини ўлдириб, калласини менга келтир, – деб буюриб, жаллодни улар изидан жўнатди.

Юра-юра чарчаган қаноатсизлардан бири олтин тўла халтани дурадгорга бериб, бир оз кўтариб боришни илтимос қилган онда жаллод уларга етиб келди. Султоннинг «Халтаси йўқ одамнинг калласини ол», деган амрига амал қилиб қаноатсизни ўлдирди. Султон жаллод олиб келган каллани кўриб: «Янглиш ўлдирибсан, энди бориб чўриси йўқ одамнинг бошини уз», деб буюрди. Жаллод уларга етиб келганда қаноатсиз киши зарурат юзасидан нарироқ кетиб, хотинига қараб туришни дурадгордан илтимос қилган эди. Жаллод уни нарида, ёлғиз ўзини кўриб, чўриси йўқ одам, деб гумон қилди ва султон амрини бажарди. Султон Ғазнавий у келтирган бошни кўриб яна дакки берди-да: «Халтаси ва чўриси бор одамни тириклайин олиб кел», деб буюрди. Қаноатли киши саройга келтирилгач, султон ундан «Ҳамроҳларингга нима бўлди?» деб сўради.

– Сиз кимга олтин ва чўри инъом этган бўлсангиз, уларнинг жонларини ҳам ўзингиз олдингиз, – деди дурадгор. – Мен сиздан ҳеч нима олмаганим учун саломат қолдим.

Султон унинг бу сўзидан таъсирланиб: «Мендан бирор нарсани тила!» деб илтимос қилди.

– Хўп, бу сафар сиздан уч нарсани сўрайман, – деди қаноатли киши. – Аввало халтадаги олтинларга янада кўпроқ олтин қўшиб, ўлдирилган икки ҳамроҳимнинг оилаларига юбортиринг, уларни рози қилинг. Хонадонлари аҳлидан гуноҳингизни кечиришларини сўранг. Кейин ғазабланиб ва ифвогарларнинг сўзига кириб, ҳеч кимни ўлдиришга буюрманг, адолатли раҳбар бўлинг. Учинчиси: мен сиздан ўзим учун ҳеч нима тиламайман. Агар ижозат этсангиз, оиламни Ғазнага кўчириб келтириб, шу ерда ўз ҳалол касбим билан машғул бўлай.

Султон Маҳмуд Ғазнавий унинг тилақларини қабул қилгач, бундай деди:

– Менинг ҳам сендан уч тилагим бор: биринчиси – хатоларимни кечир. Иккинчиси – ишларимда менга маслаҳат бериб тур. Учинчиси – ҳар жума оқшомида ҳузуримга келиб, суҳбатингдан баҳраманд этасан.

Ҳикоятнинг хотимаси ўлароқ байт:

*Гар қаноат бирла бўлсанг барқарор,
Бўлмагайсан дунёда ҳеч хору зор.*

* * *

Пиру комил шайх Баҳоуддин Нақшбандийнинг: “Кам егин, кам ухла, кам гапир”, деган панду насиҳатларига амал қилдим. Аркону давлатга, барча мулозимларга ҳам айтар сўзим шу бўлди: “Кам енглар – очарчилик кўрмасдан бой-бадавлат яшайсизлар, кам ухланглар – мукаммаликка эришасизлар, кам гапиринглар – доно бўласизлар (*Амир Темур*).

* * *

Эр-хотин даъвоси ёз ёмғирига ўхшар (*Мақол*).

* * *

Ўғлингиз ва келинингизнинг хатти-ҳаракатларини, гап-сўзларини зийраклик билан кузатинг-у, аммо уларнинг ҳаётларига ҳуда-беҳуда аралашаверманг. Эр-хотин иттифоқи теварак-атрофдагиларнинг доимий аралашувидан холи бўлмоғи дуруст. Ёшларга фикрлаш, таҳлил қилиш, тўғри хулоса чиқариш эркинлигини ҳам беринг. Чунки оиладаги аҳилликни таъминлаш биринчи галда қайнота ва қайнонанинг эмас, биринчи галда куёв ва келиннинг вазифаси. Сизу биз хоҳлаймизми ё йўқми, ёшларнинг ўз йўллари бор. Улар сиз қуриб берган уйда яшашлари мумкин, аммо сиз чизиб берган йўлдан юришни исташмайди. Майли, ўзларига маъқул кўринган йўлда юришсин. Бироқ бу йўлнинг фақат бошланиш қисми жозибали эканини, остонанинг нариги томонида ташвишу балолар кутаётганини ҳам билишсин. Бу билимни бериш қайнота ва қайнонанинг асосий вазифаси.

Қўшиқда: “Ҳаёт – гулзор дея кездим, тиканлари чиқди йўлдан, на-да тиканлари, илонлари чиқди йўлдан”, деб куйланганидай, йўлларида қандайдир бало чиқиб қолса, диллари яраланиб қолмасин.

* * *

Олим ул итким, нажас ул-лайн эрур,
Ўғлунгга, жahl ўлса, ажаб шайн эрур (*Алишер Навоий*).

(Энг нажас ҳайвон саналган ит олим бўлса-ю (ов овлаш, қўриқлаш вазифаларини ўрганса-ю), ўғлингиз илм-ҳунарсиз қолишидан ҳам хунук нарсa бормикан?)

Ўғлингиз (келинингиз ҳам) илм олаётган, ҳунар ўрганаётган бўлса, тўйдан кейин ҳафсаласизлик қилишмаслигига, айниқса, тўхтаб қолишмаслигига диққат қилинг.

Илмдан баҳраманд бўлиш кишига беадад ҳузур ва лаззат бағишлайди. Ҳақиқий маърифатга эришган одамдан нафақат дўстлари осойишта, балки душманлари ҳам тинч ҳаёт кечирадилар, дейдилар. Чунки маърифатли одамнинг ўй-хаёли илм билан банд бўлади, бировга душманлик қилишни ўйламайди. Мирзо Бедил ҳазратларининг «Кимки ҳаёт шамини илм нури билан ёқса, ҳаёти асрлар бўйи сўнмайди», деган ҳикматларини тарих улуг алломалар ҳаёти мисолида тасдиқ этади.

*Киши икки турлуг киши отанур,
Бири ўғратигли, бири ўгранур.*

*Икидин нару борча йилқи сони,
Тиласа муни тут, тиласа они.*

«Қутадғу билиг»да таъкид этиляпти: инсонлар бири ўргатувчи, яна бири ўрганувчи деб икки турли бўлур. Бу иккисидин қолганини йилқи санаб, истасанг бу йўлни, истасанг у йўлни тут. Бу фикрнинг баъзи биродарларимизга қўпол туюлиши эҳтимоли бор. Лекин холис ўйлаб кўрайлик, киши бир нарсани бошқаларга ўргатмаса, ўзи ўзгалардан ўрганмаса, унинг ҳайвондан нима фарқи қолади? Инсоннинг бошқа жонзотлардан фарқи айнан илм ўрганишда эмасми?

Инсонлар илм эгаллашлари, унинг маъносини чуқур тушунишлари керак. Чунки Қуёшнинг жамоли Ер юзини ёритганлиги ва ҳаётга давомийлик бағишлаганлиги каби, илм ҳам қалбларни нур билан ёритади. Имом Аҳмад таъкид этганларидай: «Илм – инсон учун нон ва туздек зарурдир». Имом Раббоний айтганларидек: «Илм – ҳамма муҳтож бўладиган озукдир». Тажрибанинг шифобахш дори-дармонлари одамларни оғир жаҳолат хасталигидан халос этади. Яхши ишлар илмга ярашадиган безакдир.

Ҳар қандай меҳнатнинг зийнати ҳунар эканини барчамиз биламиз. “Ҳунар қўлингдаги тилла узукдан ҳам аъло эканини унутма”, деганлар ҳикмат аҳли. Бир ҳаким ўғилларига бундай панд берур эдики: “Э жон фарзандларим, ҳунар ўрганинглар, нединки, мулк ва молга эътимод йўқдир. Сийм ва зар хатар маҳаллидадир – ё ўғри барчасини бирдан олур ва ё ҳоким оз-оз олиб йўқ этар. Аммо ҳунар чашмаи равон ва давлати бепоёндурки, агар ҳунарманд одам давлатдин тушса, ҳеч ғам ва алами йўқдур. Нединки, ҳунар унинг зотида улуғ давлатдир ва ҳар ергаки борса, соҳиби қадр бўлур ва мажлиснинг юқорисида ўлтурур ва ҳунарсиз киши гадоилик қилур ва ҳар жойгаки борса, беқадр ва безътибор бўлур. Байт:

*Ота меросини гар истасанг, ўрган ота илмин,
Ки қолган мол отадин саҳл муддатда тамом ўлғай”.*

Ҳорун ар-Рашидга тобе шаҳарлардан бирининг ҳукмдори шундай ҳикоя қилган:

– Отам ҳар вақт мени ҳунар ўрганишга тарғиб қилиб: “Ўғлим, ёшлигингни ғанимат билиб, ҳунар ўрган, мансаб ва давлатингга ишонма, бир кун буларинг қўлдан кетиши мумкин, бироқ ҳунар доимо сен билан бирга бўлади, сени ҳеч бир муҳтожликка туширмайди”, – деб насиҳат қилардилар. Мен отамнинг насиҳатларини жону дилим билан қабул қилиб, ҳунар ўрганишга бел боғладим. Ҳунарлар орасида гилам тўқиш менга хуш ёқди. Энг моҳир гилам тўқувчига шогирд тушиб, бу ҳунарнинг нозик сир-асрорини пухта эгалладим.

Отамнинг вафотларидан кейин Ҳорун ар-Рашид шаҳарга мени ҳукмдор қилди. Орадан кўп ўтмай, икки йўлдошим билан Бағдод сари йўлга чиқдик. Бир неча кун сафар ранжини тортиб пойтахтга доҳил бўлдик. Қорнимиз оч эди. Жуда зийнатланган ва озода бир емакхонага кирдик. Емакхона соҳиби бизни кўрган замони дарҳол ёнимизга келиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, айтди:

– Сизлар бошқа шаҳардан келган обрўли кишиларга ўхшайсизлар, бозорда овқатланиш сизлар учун айбдир. Шу яқин орада бир озода жойимиз бор, сизларга ўша емакхонада тоамланиш ярашади.

Биз унинг таклифини қабул қилдик. Хизматчиси бизни айтилган шинам уйга бошлаб борди-да: “Пича ўтира турунглар, ҳозир таом келтираман”, деб эшикни беркитди. У кетиши билан биз ўтирган уй иккига ажралиб, барчамиз

* * *

* * *

Фарзандларингизни дуо қилишдан чарчаманг. “Ота-онанинг дуоси тошни кесади”, деган ҳикмат бор. Айрим оилаларда бунга эътибор бермайдилар, шуниси чатоқ. Ўқишга ёки ишга отланган фарзандлар “Ойи, мен кетдим”, дейди. Ота-она “Ҳа, бўпти”, деб қўя қолади. Одобдан салгина хабари бор ота-она: “Аллоҳга топширдим” (“Аллоҳнинг паноҳига”) ёки “Яхши бориб-кел”, деб қўя қо-

лади. Бу жуда хунук одоб, ёқимсиз ҳолат. “Аллоҳга топширдим” – яхши ниятга ўхшайди. Лекин “топширмоқ”нинг маъноси сал ўзгача. Шунинг учун “Аллоҳнинг паноҳига топширдим”, дейиш хайрли дуо ҳисобланади.

Ўғилми, қизми ё келинми кўчага қараб йўл оляпти. Кўча тасодифларга, фалокатларга тўла эканини билмайсизми? Биласиз! Унда нима учун жигаргўшаларингизни бу фалокатлардан асрашини сўраб, Аллоҳга юзланмайсиз? Дуо қилишни билмайсизми? Бобо-бувингиз, отангиз ёки онангиз ўргатишмаганими? Улар ўргатмаган бўлишса, турли давралардаги дуоларни эшитмайсизми? Улардан ўрганмайсизми?

Фарзандингиз “Кетдим!” – деса, сиз: “Тўхта болам, бу ерга ўтир. Бундан кейин сира-сира **“Кетдим”** демагин. “Кетдим” яхши маъно англатмайди. Бунинг ўрнига сен “Адажон, аяжон, мен ўқишга **бориб келаман**, сиз дуо қилинг, сизнинг дуоингиз менга йўлдош бўлсин”, дегин”, деб ўғит беринг. Ҳатто кичкина набирангиз боғчага отланганида, Аллоҳнинг Ўзи паноҳида асрашини, келажакда куёвлик (ёки келинлик) либосида кўришни насиб этишини сўраб, дуо қилинг. Ота ва онанинг дуолари фарзандни кўчадаги турли фалокатлардан қўрғон каби ҳимоя қилади. Дуо қилаётган пайтингизда бадан ва руҳ поклигига диққат қилинг. Фақат пок ҳолингизда дуо қилсангизгина ижобат бўлади. Агар бир култум ароқ ичган ёки бошқа ҳаром ишга аралашган бўлсангиз ҳам, дуоларингиз қирқ кунгача қабул бўлмайди.

Агар ўғлингиз билан келинингиз, хотинингиз билан келинингиз ёки овсинлар орасида келишмовчилик бошланса, дуони кучайтиринг. Фақат дуогина оила осмонидаги ташвиш булутини ҳайдаб, ҳаловат куёшини чарақлатиб қўяди. Оилангиздаги барчани дуо қилишга ўргатинг. Одатда дастурхон йиғиштиришдан олдин оила даврасида асосан сиз дуо қиласиз. Бу яхши. Лекин вақти-вақти билан хотинингизни, фарзандларингизни ва келинларингизни ҳам дуо қилишга жалб этинг. Улар ҳам шукрона айтгач, “Ота-онамни паноҳингизда асра! Бизларнинг бахтимизни, роҳатимизни, камолимизни кўришсин, набираларининг тўйларига ўзлари бош бўлишсин”, деган мазмунда дуо қилишга ўрганишсин. Ҳеч шубҳам йўқки, фарзанд дуо қилган пайтда ота-онанинг қалби хузурланади.

Бир танишим дуога доир ўзига хос кашфиёт қилган экан, сиз ҳам танишинг: ўғли билан келини ўртасидаги келишмовчиликлар давом этавергач, бири олти, иккинчиси тўққиз ёшли набираларига дуо қилишни ўргатибди. Кечки овқатдан сўнг косалар йиғиштирилгач, ўғли ва келини, ҳатто хотини учун кутилмаган ҳолда: “Асал қизим, бугун сен дуо қиласан”, дебди. Қизча етқизган неъматлари учун учун Худога шукр қилиб, сўнг: “Эй Худойим, Ўзинг меҳрибонсан, адажоним билан аяжоним ҳам бир-бирларига меҳрибон бўлишсин, аҳил бўлишсин, бир-бирлари билан ҳеч-ҳеч уришишмасин, чиройли одоблари билан бизларга ўрнак бўлишсин, бизнинг тўйларимизни кўришсин, адам бой бўлсинлар, аяжоним бойвучча бўлсинлар”, деб ширин тиллари билан дуо қилибди. Кейин акаси шу дуони айнан такрорлабди. Овқатланаётган пайтда ҳам қовоқ уйиб ўтирган эр-хотиннинг юзларида ўша заҳоти ўзгариш зоҳир бўлибди. Бир кунлик дуо билан чекланишмабди, гўдакларнинг дуолари давомли бўлибди. Фарзандларнинг илтижоси мева берибди: бир-биридан узоқлаша бораётган эр ва хотин қалбига Аллоҳ меҳр-муҳаббат илиқлигини берибди.

Қайси оилада ҳаловатсизлик бўлса, мана шу услубни қўллаб кўришсин, иншааллоҳ яхши самара беради. Ҳаловатли оилаларда ҳам гўдаклар ўзаро меҳр-

муҳаббатни яна ошириб беришини, аҳилликларини янада мустаҳкам бўлишини, барчага соғлик ва саломатлик беришини Аллоҳдан сўраб, дуо қилаверишин. Бунинг тарбиявий аҳамияти ҳам бор. Ғудаклигидан хайрли дуолар қилишини ўрганган бола улғайган чоғида ёмонликлардан нари бўлади. Қариган чоғида эса “Дуогўй бобо (момо)” сифатида эл аро қадр топади.

* * *

Бобо сифатида набираларингизга танбеҳ беришга, насиҳат қилишга ҳақлисиз. Лекин калтаклашга, сўкиб-ҳақорат қилишга, боланинг кўнгил чиннисини синдиришга ҳаққингиз йўқ. Баъзан қаттиқроқ гапиришга тўғри келар. Аммо “Сен ҳам отангга ўхшаб ялқов бўлдинг”, “Отангга ўхшадинг, сенга ҳам битта гап таъсир қилмайди”, деганга ўхшаган гапларни айтманг. Набирангизни айниқса келин олдида уришаверманг. Келин сизнинг гапларингизни малол олиши мумкин. У сизга келин, боланинг эса туққан онаси! Сизнинг оғирроқ гапингиз унинг оналик ғурурига, меҳрига шикаст етказиши эҳтимоли бор. “Менинг боламни ёмон кўради”, деган хато фикрга ҳам боради. Ёки сизга жahl қилиб, боласини калтаклайди. Кўз олдингиздами ёки уйга олиб кирибми калтаклай бошлаганда, бола зорли йиғисини бошлаганда сизнинг кўнглингиз оғрийди. Кўнглингиз ҳаловатини ўзингиз ҳимоя қилганингиз дуруст.

* * *

Фарзандларингизни яхши ишларга даъват қилишдан толиқманг. Чунки улар сизга яхши ишлари эвазига халқдан олган дуолари билан шараф келтирадилар. Фарзандингиз қўлингизга ҳар куни минг-минг доллар келтириб берса-ю, “Отангга раҳмат!” деган хайрли дуо келтирмаса, демак, сиз “ОТА” деган шарафли номга сазовор бўла олмабсиз.

Араб ҳакимларидан бири ўғлига насиҳат қилиб дебдики:

– Болажоним, Қиёмат кунида сендан: “Тириклик чоғингда нималарга эришдинг, кимга мансубсан, кимнинг ўғлисан, сенга ким табрият берган эди”, деб сўрайдилар. Каъба ҳижобини (ёпинчиғи – “кисва”, “каъбапўш” ҳам дейилади) халқ ўпганини кўргансан. Одамлар унга алоҳида меҳр ва ҳурмат-эҳтиром кўрсатадилар. Унинг табарруклиги, машхурлиги ипақдан тўқилгани учун эмас. У оддий бир мато. Лекин Каъба устига ташлангани учун эъзозланади, ҳар бир одамга Каъба сингари азиз ва шарафли бўлади.

Бу насиҳатда улуг бир ҳикмат бор. Инсоннинг қадри ўзи қилган яхши ишларидан келиб чиқади. Агар бажараётган ишлари, амаллари, хатти-ҳаракати яхши бўлса, унинг ўзи ҳам яхши бўлади. Қадри ҳам шунга яраша бўлади. Отаси яхши бўлгани ҳолда ўзи яхши бўлмаган одамнинг эл орасида ҳеч қандай қадри бўлмайди.

* * *

Аллоҳ бандаларга хитобан: “Мен Ўзимга зулмни ҳаром этдим, бас, бир-бирларингизга зулм қилманглар”, деб буюрган. “Зулм” дейилганда бировни ўлдириш, азоблашни тушунамиз. Ҳолбуки, биз аҳамият бермайдиган зулм турлари бор. Сиз эр, ота ва қайнота сифатида қандай зулм қилишингиз мумкин? Сабаблими ё сабабсизми ҳақоратлаш, ўғил ва келин ҳузурида хотинингизни камситиш, ўғил ва келинни сабабсиз айблайвериш... Агар ўғлингиз ва келинингизнинг оиласини сақлаб қололмасангиз, тирик етим қолган ғудакларнинг

қалб фарёди учун ҳам айбли ҳисобланасиз. Чунки гўдакнинг кўнглини оғритиш ҳам зулм, энг катта гуноҳлардан саналади.

Тарихда Ҳажжой ибн Юсуф ас-Сақафий исмли зот ўтган. Бу киши юқори мартабаларда хизмат қилган, хусусан Ироқ волийси бўлган. Эллик тўрт йил умр кўрган бу одам тарихда «Ҳажжойи золим» номи билан қолган. У «Кескин иродали ҳукуматнинг жуда оз кишига зарари тегади, лекин заиф ҳукуматнинг зарари ҳаммага тегади», деган ақидани маъқул кўргани учун, айрим маълумотларга қараганда, 120 минг одамни ўлимга ҳукм қилган, неча юз минг одамни, ҳатто аёлларни зиндонбанд этган. Шу одам Бағдодда дуоси ижобат бўлаётган дарвеш чиққанини эшитиб, уни ҳузурига олдириб келди-да: “Мени хайрли дуо қил”, деди. Дарвеш: “Ё Раббий! Ҳажжойнинг жонини ол!” деди.

Ҳажжой: “Эй дарвеш, бу қанақа дуо бўлди?” – деб ғазабланди. Дарвеш:

– Бу сенга ҳам хайрли, барча мусулмонлар учун ҳам хайрли дуодир, – деб жавоб берди ва давом этди: – Эй Ҳажжой! Қачонгача зулм этасан? Сенинг ўлимнинг инсонларга зулм этишдан хайрлидир. Шунда сен ҳам гуноҳдан қутуласан, мусулмонлар ҳам сенинг зулмингдан қутуладилар.

Аслида одамзод бир-бирини фақат хайрли дуо қилмоққа буюрилган, “дуо-йи бад” – ёмон тилакдан қайтарилган. Дуо-йи бад қилмоқ, яъни бандага Аллоҳ таолодан ёмонлик соғиниш мусулмон фарзандига хос эмас. Дуо-йи бад кўпинча қарғиш кўринишида бўлади. Баъзан қарғишларни эшитиб қоламиз: банда кўзларининг кўр ёки оёқ-қўлларининг шол бўлиб қолиши сўралади Аллоҳ таолодан. Бу каби қарғишларда икки хил нодонлик мавжуд: агар банда айбдор бўлса, унга қандай жазо беришни Яратганнинг Ўзи билади. Жазо тури банда томонидан белгиланмайди. Фараз қилайликки, қарғиш тегиб, ўша одам кўр бўлди. Хўш, бундан дуо-йи бад қилган кимсага бирон наф борми? Фақат кўнгил қувончи бордир. Бу кўнгил қувончининг эгаси эса иблисдир.

Баъзилар ўзлари ёмон деб фараз қилувчи кишиларнинг ўлимини ҳам истайдилар. Аввало ўлим дуо билан келмайди. Бу тақдир ёзуғидир. Хўш, ўша одам дунёни тарк этса, дуо-йи бад қилувчининг ҳаёти чиройлироқ бўлиб қоладими? Одам бировга дўзах отабини тилаганидан кўра, ўзига жаннат роҳатини тилагани афзал эмасми?

Тоифдаги мушриклар Расулulloҳга (с.а.в.) заҳмат-азият етказдилар. Саҳобалар уларни дуо-йи бад қилишни Пайғамбар алайҳиссаломдан сўрадилар. Аллоҳ элчисининг бу бандаларга ғазаб қилмаганлари, ёмон тилак тиламаганлари, аксинча, хайрли дуо қилганлари аҳли муслим учун ўрнақдир.

Дарвешнинг дуосига келсак, уни дуо-йи бад деб бўлмайди. Чунки унда чиндан ҳам хайрли ният бор. Ҳажжой узоқ яшагани сайин гуноҳини кўпайтириб бораверади. Дунёни тезроқ тарк этса, камроқ гуноҳ билан кетади. Ҳаётлик чоғида ўзгаларга зулм қилган золимнинг гуноҳи Қиёмат куни бир неча баробар кўпайиши айтилган. Бу дунёда инсонларга зулм қилганлар охиратда жаҳаннам оташида жазоларини оладилар. Каттами-кичикми – ҳеч бир зулм жазосиз қолмайди. Зулмкор албатта жазосини топади, жаҳаннам оташида ёнади. “Қиёмат куни шохсиз қўчқор шохли қўчқордан ҳақини олади”, деган ҳикматнинг маъносига тушуниб етиш керак. Аллоҳнинг ҳеч бир дўсти зулм ва зулмкорни севмайди. Сиз Аллоҳнинг дўстларидан бўлинг.

“Токи киши ўзгаларга зулм қилмаса, даврон кишига ортиқча зулм қилмайди. Киши зулм билан халқни забун қила олмагай, зулм унинг ўзини оғир аҳволга солиб қўяди. Золим олам йўқ бўлишини хоҳласа, мазлумларнинг фарёди

золимнинг ниятини йўққа чиқаради. Мазлумни агар ғам қийнаса, унга келган ғамнинг ҳам бир сабаби бор. Золимнинг иши зулму жафо бўлса, кўнгли ҳам-ша зулм этишга мойил бўлса, қилган ишига пушаймон бўлмаса, ўз зулмидан ўзига ҳалокат қайтади”, дейдилар ҳазрати Алишер Навоий. Мазкур ҳикматдаги “золим” ва “мазлум” атамаларига эътибор қилинг. Агар хотинингизни, фарзандларингизни, айниқса келинингизни ҳуда-беҳудага ранжитаверсангиз, сиз золимлардансиз, сизнинг тилингиз ёки қўлингиздан азият чекканлар эса мазлумдирлар. Мазлумларнинг ноласи кўкларга учганда, уларни эшитадиган, ҳимоя қиладиган меҳрибон Раббилари бор. Мазлумларнинг ноласи Тингловчига етиб боргач, сиз ҳимоясиз қоласиз...

* * *

Кимгаки бир ришта етурдинг зиён,
Қатлингга ул риштани билгил йилон (*Алишер Навоий*).

* * *

Ҳаётда, тушунибми ё тушунмайми, бемаъни, ҳатто уятли сўзларни бемалол айтиб юрувчиларни ҳам учратиб қоламиз. “Қизигар”, “Энағар”, “Баччағар”, “Қизталоқ” каби сўзларни эркалаш ўрнида айтувчилар ҳам бор. Агар бу камчилик сизда ҳам бўлса, дарров тилингизни ислоҳ қилинг. Айниқса, келинингиз тожикчани биладиган бўлса, жуда уятли ҳолат юзага чиқади. Чунки “Қизигар” – қизи фоҳиша, “Энағар” – онаси фоҳиша, “Баччағар” – боласи фоҳиша, “Қизталоқ” – қизи талоқ бўлсин, демакдир. Буларнинг ўрнига “Барака топгур”, “Бой бўлгур”, деганингиз яхшироқ эмасми?

Тўйга айтишда “Қизимни чиқаряпман”, дейилади. “Чиқариш”нинг маъноси хунук – ўлик чиқарилади. Қиз эса куёвга (турмушга) узатилади. “Бу тўйим охиргиси, болалардан қутулдим, Худога шукр” (ёки “Болаларингдан қутулдингми?” – деб ҳам сўралади), деган гапни эшитиб қоламиз. Ғалати-а? “Боладан қутулиш”нинг маъноси хунук-ку? Бунинг ўрнига “Худога шукр, барча фарзандларимнинг тўйини кўрдим, оилали, уйли-жойли қилдим”, дейилгани гўзал эмасми? Дўстимиз набира кўrsa: “Янги меҳмон муборак бўлсин”, деб табриклаймиз. Ўйламаймизки, меҳмон – келиб-кетувчи одам. Тўғри, барчамиз бу ёруғ дунёга меҳмонмиз. Лекин чақалоқ дунёга келганида уни “меҳмон” демаганимиз дурустмикин. Бунинг ўрнига: “Аллоҳ сизга набира неъматини берибди, Ўзига шукр! Қадамини қутлуғ ва муборак қилсин, Ўзи берган фарзандни Ўз паноҳида иймон-эътиқод билан, соғлиқ-омонлик билан вояга етказиб, бахтли-саодатли қилсин”, деб дуо қилганимиз яхшироқ эмасми?

* * *

Аллоҳ сизга набира берган куни қувончингиз чексиз бўлади. Ақиқа маросими ўтказишга тайёрлана бошлайсиз. Моддий томондан имкони борлар қилаверишсин. Имконсизлар “Ақиқа қилиш шарт экан”, деб қарз олишмасин. Эҳсон энг аввал ўз оила аъзоларига қилинади. Ортиб қолса, ташқаридагиларга. Қарз олиб, бошқаларга ош бериш ўрнига оила дастурхонини ўйлаш керак. Биринчи галда келинни тўйимли ва мазали таом билан таъминлаш керак. Ширин сўзлар билан қувонтириш керак. Билиш шартки, келин наслингизнинг давом эттирувчисидир. Унга бўлган ҳурматингиз шундан келиб чиқиши керак.

* * *

Одамлар бир-бирларидан ибрат олиб яшайдилар. Агар мамлакат подшоҳи адолатли бўлса, пастрокдагилар ҳам шундай бўлишга интилишади, ишхонадаги раҳбар порахўр бўлса, ходимлар ҳам шу йўлдан юришади. Оилада қайнота раҳбар – у қандай бўлса, фарзандлар ҳам шундай. Агар қайнота овқатдан олдин “иштаҳа очиш учун” ярим пиёла ароқ ичса, ўғли шишани бўшатади, ҳовлида сигарет тутатса, ўғли ҳожатхонада беркитиб чекади. Онадан сўкса, ўғли бувисини ҳам ёнига қўшиб сўкади.

Тарихда Нўширавон деган подшоҳ ўтган. Инсофли ва адолатли бўлгани учун “Нўширавони одил” деб аталган. Унинг тарихи бизга ҳам шу исмда етиб келган. Бир куни у овга чиқди, ов гўшtidан кабоб қилмоқчи бўлдилар. Туз олишни унутган эканлар. Йигитлардан бири туз топиб келиш учун қишлоққа отланганида Нўширавони одил: “Тузни пулга сотиб ол”, деб тайинлади. Ўша даврларда давлатнинг қишлоқдан туз олиш одати бор эди. Қишлоқ аҳли азият чекмасин, малол олмасин, деб подшоҳ тузни пулга сотиб олишни буюрган эди. Ёнидагилар бу амрга тушунмай: “Озгина тузни текинга олса, нима қиларди”, деб сўрашди

– Зулм, ҳақсизлик аслида қадим замонларда жуда кам бўлган, – деб изоҳ берди Нўширавони одил. – Вақт ўтиши билан ҳар янги келганлар озгинадан кўпайтириб, бугунги даражага келтирганлар. Агар подшоҳ аҳолининг боғидан бир олма узса, хизматчилари олма дарахтини илдизи билан суғурадилар. Агар подшоҳ бир одамдан битта тухум олса, аскарлари минг тухумни пиширмасданок ютадилар.

* * *

Бир масжиднинг имоми кўнгилни хира қилувчи воеқеани сўзлаб берган эдилар. Намоздан сўнг биродарлари билан айвонда суҳбатлашиб туришганда, бир одам салом-алик ҳам қилмай, шошилганича ҳовлидан ўтиб, мазор томонга йўналибди. Унинг қилиғига тушунмай бир оз кутишибди. Аввалига “Кимнингдир қабрини зиёратига ўтгандир”, деб ўйлашибди. Вақт ўтаверибди, ундан эса дарак бўлмабди. Шунда хавотирланиб, унинг изидан юришибди. Бориб қарашсаки, сиртмоқ ясаб, ўзини осишга тайёрланаётган экан. “Ҳай-ҳай”лаб, уни бу оғир гуноҳдан тўхтатишибди. У киши бир оз бошини эгиб, жим ўтиргач, хўнграб йиғлай бошлабди. Йиғлай туриб, “Яшаш жонимга тегди, тўртта ўғлим, тўртта келиним бор, биронтаси менга қарамайди, ҳаммаларига оғирлигим тушиб қолган”, дебди. Осишдан олиб қолган одамлар унинг бадхулқ эканини, чойхонага чиқиб ўтирса, бемаъни гаплари билан улфатларининг ҳам жонларига тегишини билардилар. Шунга қарамай, уни етаклаб, фарзандларига насиҳат қилиш, танбеҳ бериш мақсадида уйига боришибди. Ҳолат улар кутгандай эди: отанинг ҳасратидан кўра, ўғиллар ва келинларнинг ноласи кучлироқ эди. Қайнота онадан сўкаверса, келин бечора қанча чидаши керак? Келинга қўшиб ўғилни ҳақоратлайверса, у нима қилсин? Жавобингиз тўғри: ҳар қандай ҳолатда ҳам улар сабр қилишлари керак. Ёмон хулқли ота ва бемаъни қайнота ёшлар учун Аллоҳ томонидан берилган бир синовдир. Аниқроқ айтсам, жаннат йўлидаги синовдир. Агар бу отада озгинагина ақл бўлса, “Болаларим нима учун менга меҳрибонлик қилишмаётир?” деган саволга ўзининг хулқидан жавоб излаган бўларди.

Икки дўст бир мадрасада, бир устозда таълим олдилар. Хатми кутубдан

сўнг ўз ота шаҳарларига жўнадилар. Орадан кўп йиллар ўтиб учрашдилар. Бирлари шоҳона кийимда, бирлари камтарингина либосда эди. Шоҳона либосдаги киши юзида кибр мавжуд эди. Аммо нимадандир чўчиётгандай кўзлари атрофга бежо боқарди. Худди қандайдир хатардан хавотирда экани сезилиб турарди. Иккинчи киши юзида иймон нури жилваланарди. Кўз боқишлари ҳаловатли турмушидан дарак берарди.

– Сен билан хайрлашгач, шаҳар бекига хизматга кирдим. Сўнг подшоҳ саройига таклиф этдилар. Ўн йилдан бери шу ердан, – деди бири.

Дўст унинг қарашларидаги беҳаловатлик сабабини энди англади. Дўстининг “Ўтган йиллар ичи сен нима ишлар қилдинг?” – деган саволига:

– Аввал подачилик қилдим, сўнг қозиликни бўйнимга олдим, кейинги йиллар ичи подшоҳлик тахтида ўтирибман, – деб жавоб берди.

Беҳаловат дўст: “Қайси подшоҳлик, қанақа тахт? – деб кулди. – Қозилик қилганингга ҳам ишонмайман, уст-бошингга қараганда подачилигинг ростга ўхшайди.” Дўст бу пичингга жавобан жилмайиб қўйди – да, изоҳ берди:

– Уйга қайтганимдан кейин уйландим, Аллоҳ менга ширин-ширин ва ақлли-ақлли фарзандлар берди. Уларни боқиб-тарбия этишимни подачилигинг ростга ўхшатдим. Фарзандлар улғайишгани сайин ораларида каттами-кичикми келишмовчиликлар чиқди. Уларни аҳил-иноқ турмуш кечиришларини назорат қилиш – қозилигим эди. Фарзандларим вояга етиб, уйли-жойли бўлишди, ҳаётнинг паст-баландини англаб етишди. Худога шукр, ораларида нифоқ йўқ, демак, қозиликка муҳтожлик ҳам йўқ. Улар қўлимни совуқ сувга урдиришмайди, гўё мени тахтга ўтқизиб қўйишган. Гўё мен подшоҳман-у, улар эса менга тобе. Сенинг подшоҳинг билан менинг фарқим шундаки, мен тахт атрофидаги фитналардан безовта эмасман. Худо менга ҳаловатли тахт насиб этган. Бу тахтни мендан ҳеч ким тортиб ололмайди.

Қиссадан ҳисса шуки, у бахтиёр одам “подачилик”, “қозилик” вазифасини ақл билан уддалагани учун оддий подшоҳлик эмас, балки саодат тахтига эришди. Бу ривоятдан ҳар бир ота-қайнота ибрат олиши керак. Ўзини осмоқчи бўлган ота эса дастлабки вазифаларини бажармагани учун ҳам хорланди. Бундай оқибатдан Аллоҳнинг Ўзи асрасин!

* * *

Азиз биродарим, эндиги гапларни ёзсамми ё ёзмасамми, деб кўп ўйладим. Оила ҳаётига доир бу даҳшатли фожиани ёзишгина эмас, тилга олиш ҳам оғир. Аммо, начора, ҳамонки бу фожаия учраб турар экан, мавзунини четлаб ўтолмайман. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида чоғина боғим бор. Шаҳар шовқини ва ташвишларидан нари, деб ижодга лозим ҳаловатни излаб, чиқиб турар эдим. Авваллари чиндан ҳам ҳаловатли, осуда жойлар эди. Кейинги йилларда “дача”лар кўпайди, шунга яраша шаҳар шовқини бу томонларга ҳам кўчгач, боғимга боришни истамай қолдим. Шовқинга чидаш мумкин. Аммо шаҳарнинг бузуқликлари ҳам етиб келди, шунисига чидаш қийин. Ёшларнинг бузуқликларини ёшлик бебошлигига йўйиб, чидаш мумкиндир. Аммо ёши ўтиб қолган бедаволарнинг қизлари тенги фоҳишалар билан чиқиб маишат қилишларига чидаш мумкинми? Ерлик аҳоли “Дача” деб аталувчи уйлар қуриб, атрофини баланд деворлар билан ўраб, бу бузуқларга ижарага беришади. Қандай қабоҳат! Пул топиш учун гуноҳга шерик бўлишдан ҳам қайтишмайди. Уйини фоҳишахонага айлантирган хонадонда тарбия топаётган болалар нимани ўр-

ганишади? Қизлари-чи? Фарзандларига фаҳшдан топилган лукмани едириб, булар нимага эришадилар?

Боғимнинг орқа томонига ҳам бир ноинсоф шундай “дача” курди. Девор манзарани тўсса ҳам, овозларни тўсолмайди-ку? Айниқса тоғда паст овоз ҳам жаранглаб эшитилади. Хуллас, бир одам ўйнаши билан чиқиб, тунги базмдан кейин пешингача ухлади шекилли, овози чиқмай турди. Пешиндан ўтгач, унинг телефони жиринглади. Гапининг мазмунига кўра, хотини телефон қилди шекилли. Ишлари кўплигини баҳона қилиб, оқшомда етиб боражагини билдирди. Маълум бўлдики, бу бузук “Хизмат сафарига кетяпман”, деб уйдан чиққан экан. Хотини билан телефонда меҳрибон эр овозида гаплашди. Болаларининг ахволи билан ҳам қизиқди. Во ажаб! Нопок ҳолдаги бу бузук болаларини тилга олса!? Дуруст, болалари ёдида экан. Лекин шу бузуклиги учун ўзи жазо олиш билан бир қаторда болалари ҳам жабр кўриши мумкинлигини наҳот ўйламаса? “Отанинг нопоклиги, бузуклиги болаларига уради”, деган гапни эшитмаганикин? Бу ҳам майли. Виждонсизлигининг яна бир кўриниши – ўша оқшом улфатларига “гап” бериши керак экан. Бу ердан қайтгач, уйда меҳмон кутар экан. “Фалон-фалон нарсаларни дастурхонга қўйдингми, ошпаз вақтида келсин”, деб хотинига топшириқ беряпти. Бунга нима дейсиз?! “Рўзғорига файз кирмокни ақли расо ёр келтирар, ёрнинг ори бўлмаганда оилага зор келтирар”, деб шунга айтадилар-да.

Эртасига бу “дача” деб аталмиш бузукхонага ёшлар келишди. Қизларнинг ҳам овозлари эшитилди. Беҳаё гап-сўзлардан маълум бўлдики, йигитлар маишат қилиш учун фоҳишаларни бошлаб чиқишган.

– Фалончихонга биринчи Пистончижон киради. Фалончихон, оғайнимиз бир ойдан кейин уйланыпти. Яхшилаб кўзини очиб қўйинг! – деган гапга барчалари қийқириб кулдилар.

Оқшомга яқин қимизлари туғаб қолгани учун Пистончижонга “Қимизнинг додаҳўжасини топиб кел”, деб топшириқ беришиб, ўзлари маишатларини давом эттиришди. Орадан ярим соатча вақт ўтгач, катта кўча томонда кучли зарба товуши келди. Сўнг одамларнинг қий-чуви эшитилди. Икки автомашина катта тезликда келиб бир-бирига урилганини англаш қийин эмасди. Бузук йигитлардан бир нечаси қизиққанлари учун кўча томон юришди. “Эҳтимол ёрдам зарурдир”, деган фикрда мен ҳам бордим. Пачоқланган “Спарк” ёнаётган эди. Йигитлар Пистончижон дўстларининг машинасини таниб, шошиб қолишди. Машинага яқинлашишга, дўстларига ёрдамлашишга юракларни дов бермади, қўрққанларича довдираб тураверишди. Рўпарадаги ресторанда ўтирганлар ёрдамга шошишмаганида йигит куйиб кул бўларди.

Ҳали ҳаёт аломати сезилиб турган танани ўтдан олиб, ерга ётқизишди. Жон талвасасидаги йигит “Олов! Олов!” деганича алаҳсирай бошлади. Кейин “Энди нима дейман унга! Нима дейман унга!” деб ҳайқирди. “Кимга?” деб ажабланиб сўрашди. Йигит: “Аллоҳга! Аллоҳга!” деди-ю, жон берди.

Милиция ва “Тез ёрдам” келиб, ўликни олиб кетишди. Йигитлар милициянинг терговидан қутулиш учун фоҳишаларини ҳам ташлаб, қочиб қолишди...

Бир неча йил муқаддам содир бўлган бу воқеани ҳар эслаганимда: “Қани эди, бошқалар ҳам “Унга нима дейман?!” деб яшасалар. Фаҳш сари қадам босганларида ўша машинада ёнаётган йигитни кўз олдиларига келтирсалар. Машинада ёниш – ҳолва, ҳали дўзахда ёниш бор...” деган фикр ҳаёлимни ёритиб ўтади.

Баён этилган воқеалар сиз учун янгилик эмасдир, бундан баттарларини ҳам эшитган ёки кўрган бўлсангиз керак. Энди қаламга олинадиган фожиа янада даҳшатлироқдир. Янглишмасам, қирқ йилча олдин Чирчиқ дарёсидан бир эркак ва аёлнинг ўлиги чиқди. Одамларнинг сувга чўкиши янгилик эмас. Лекин бу ҳол тилдан-тилга кўчиб, қалбларни титратган эди: чўкканларнинг бири қайнота, иккинчиси келин эди! Қайнота ва келин “дам олгани” чиққанларида гуноҳларига яраша жазоланганлар. Европа томонларда бунақанги ҳолатлар фожиа саналмайди: Бир қиз йигитни севиб турмуш қуради. Орадан ойлар ўтиб, қайнотасини севиб қолади. Покиза руҳда тарбия топган жамият учун эса бундай ҳолат ақл бовар қилмас даражадаги фожиадир. Мен қирқ йил олдинги фожиани тилга олдим. Бунга ўхшаган қабоҳат ҳозир ҳам учраб турибди. Бир танишим афсус билан айтиб берган эди. Эрталаб зарур юмиш билан қўшнисиникига чиқибди. Қўшнининг хотини касалхонада, тижоратчи ўғли сафарда экан. Беихтиёр кўзи ҳовлидаги ёғоч сўрига тушибди. Икки тўшак ёнма-ён тўшалган. Четда бешик... “Келиним кечаси бир нимадан қўрқди, шунинг учун ёнимга олиб ётдим”, деб изоҳ берибди қўшни. Бу гапга ишондик, ҳам дейлик. Лекин “Фаросат қани, уят қани?” – деган саволдан тийилиш қийин.

Бундайлар-ку, озгина бўлса-да уялиб ёки Худодан қўрқиб, гуноҳини яширишга ҳаракат қиларкан. Бу гуноҳлар оламига тобе яна бошқа тоифани шу кунлардаги ҳаётимизда ҳам учратдик. Менга айтиб беришларича, бир одам хотини вафот этиб, бева қолган. Уйлантиришмоқчи бўлишганда рад этган. Сабаби... келинида кўнгли бор экан. Ўғли тирикчилик ташвиши билан Россияга кетганида келинига шилқимлик қила бошлабди. Сўнг очикдан-очик талабга ўтган. Келин ор-номусли аёл экан, қайнотасининг қилиқларини овоза қилмай, болаларини олиб, онасиникига кетибди. Шайтон васвасасидаги қайнота шунда ҳам тинчимабди. “Агар уйга қайтиб мен билан бирга бўлмасанг, сени “бузук” деб гап таркатаман”, деб дағдаға қилибди. Кескин рад жавоби олгач, бу фитнасини амалга оширибди: ўғли нодонроқ экан, ҳақиқатнинг тагига етишга уринмай, бу тухматга ишониб, хотинини талоқ қилибди.

Бунақа воқеа кўп учрайди, деган фикрдан узоқман. Лекин орада шайтон бор. Ҳазрат Хожа Аҳмад Яссавий: “Шайтон ғолиб, жон чиқарда шошдим мано”, деб бекорга ёзмаганлар. Шайтон иймони кучли одамларни ҳам васвасага солади. Иймони заифларни енгиши эса жуда осон. Шу сабабли қайнота уйда келин билан ёлғиз қолишдан сақлангани дуруст. Айниқса, тунда ёлғиз қолмаслик керак. Шундай ҳолат юзага келганида келиннинг синглисиними ё оилага яқин бирон аёлними чақириш керак. Ёки келинни онасиникига юбориш мақсадга мувофиқ.

Агар автомашинада бирон жойга бориш лозим бўлса, келин ҳайдовчи – қайнота ёнида эмас, орқа ўриндикда ўтириши шарт. Халқимизнинг ардоқли санъаткори айтиб берган эдилар: “Волга” автомашинаси олган кезлари қизлари ёлғиз ўзи машинага ўтирмас экан. Ота “Ўқишга олиб бориб қўяй”, деса ҳам қиз кўнмас экан. Қизни куёвга узатишибди. Куёвнинг эски “Москвич” автомашинаси бор экан. Бир кун қизи шу машинада уйига келганда ота: “Қизим, “Волга”га ўтирмас эдинг, эски машинага ўтирибсан-ку?” – деб ҳазиллашганда қизи: “Адажон кечиринг, нега машинангизга ўтирмаганимнинг сабабини билмасмингиз? – деб изоҳ берибди. – Кўчада кўрганлар сизни танишади. Мени эса танишмайди. Машинангизга ўтирсам, “Бу артист ёш ўйнашини олиб юрибди”, деган миш-миш тарқалиши мумкин. Мен сизнинг номингизни иснодга қўйиш-

ни истамадим”. Қизнинг бу донолиги барчага ўрناк бўлиши керак. Тасаввур қилинг: қиз отасининг машинасига ўтирди. Кўчада кимдир кўрди ва ҳаёлига шум фикр келди. Бу фитнани кимгадир айтди. Гап айлана-айлана хотинининг қулоғига етди. Хотин дарров ишонмаган тақдирда ҳам кўнглида шубҳа уйғонади...

Шунга ўхшаган воқеа ўзимнинг ҳаётимда ҳам бўлган эди. Ишхонадаги ҳамкасбим бозорга бормоқчи экан, бозор йўлида бўлгани учун машинага таклиф қилдим. Ҳамкасбим машинадан тушаётган пайтда бир аёл яқинлашиб, талабалар шаҳарчасига олиб бориб қўйишимни илтимос қилди. Ҳамкасбим “Бу киракаш эмас”, деса ҳам “Вой, илтимос, бола билан қийналиб кетдим”, деб ялинди. Қарасам, 3-4 ёшли болани етаклаб олган, бир қўлида оғир сумка. У айтган манзил уйимдан бир қақирим нарида. Савоб олиш мақсадида “Ўтиринг”, дедим. Очиғи, унга эмас, мўлтиллаб турган гўдакка раҳмим келди. Она-болани манзилига олиб бориб қўйгач, уйга қайтдим. Хоним афандим менга ғалати қараб қўйдилар. Кийимимни алмаштириб чиққач, аям: “Машинамда қанақа хотинларни олиб юрибсан?” – деб сўрадилар. “Во, ажаб! – дедим, – жосуслар шу даражада тез ишлайдиган бўлиб кетишганми? Йўловчи хотин машинамга ўтирганига ярим соат ҳам бўлмади-я! Маълум бўлишича, хотиннинг машинамга ўтираётганини қўшнимиз кўриб қолган, кўча супураётган хоним афандига “Эрингиз бир жонон билан машинасида юрибди”, деб ҳазиллашган экан. Хотинларга шунақа ҳазил қилиб бўларканми?

Демоқчиманки, сизу биз миш-миш тўқишга уста одамлар қуршовида яшаймиз. Истаймизми-истамаймизми, улар отган ўқларни даф қилиб туришга мажбурмиз. Уларнинг миш-миш ўқларини отишларига сабаб бўлувчи ҳолатлардан ўзимизни пана қилсак янада яхши.

* * *

“Одам боласи қарийди-ю, бироқ унинг икки нарсаси ўз ҳолича қолади: ҳирси ва узун орзу”.

Мазкур шарафли ҳадисни ҳазрат Алишер Навоий “Арбаин”даги шеърӣ сатрларда бундай ифода этганлар:

Одамида агарчи воқеъ эрур
Қаригон сори барча ишда ҳалал.
Икки феъли вале йигитрак ўлур:
Бири ҳирсу, бириси тули амал.

(Қариган сари одамда барча ишда ҳалаллик пайдо бўлса-да, унинг икки феъли ёшариб боради. Улардан бири – ҳирс, иккинчиси – узун орзудир.)

Қарикӣ эрур, кўнглига синмоқ ҳасрат,
Жонига йигитликни қилинмоқ ҳасрат,
Ҳар ишда йигитларга ёлинмоқ ҳасрат,
Сўз ичра йигитликни соғинмоқ ҳасрат.

(Қариянинг кўнгли синмоғлиги ҳасрат, яна ўзини ёш қилиб кўрсатиш ҳам ҳасрат. Ҳар ишда йигитларга ялинмоқ ҳасрат, сўз ичида йигитликни эслаш ҳам ҳасрат.)

* * *

Дунёда барча тирикчилик, рўзгор ташвишида юради. Биров бориға шукр қилади, биров камига сабр этади, биров эса юзни минг, мингни эса туман қилиш ҳаракатида юради. Буни “Дунёни унутиш, бойликка берилиш”, деб атайдилар. Ҳамманинг бой бўлгиси келади. Афсуски, бунинг иложи йўқ. Аллоҳ бандаларини синамоқ учун бирини бой, иккинчисини камбағал қилиб қўйган. Мазкур китобдаги сатрларни ўқиётган биродаларимизнинг бири бойроқ, яна бири ўрта ҳол. Шунга кўра, дунё молига муносабатлари ҳам турлича. Ўтмиш жамиятида бойлар ёмонланар эди. Ҳозир ҳам бойларни ёқтирмайдиганлар бор. Насронийларнинг китобида бойларнинг жаннатга тушмаслиги ҳақида хабар мавжуд. Бу нотўғри хулоса. Агар бойлик ҳалол йўл билан топилса, бойлик эгаси Аллоҳнинг барча амрларини сидқидилдан адо этса, бойлигини ҳалол йўлда сарф этса, сахий бўлса, закотни тўла берса, етимларнинг бошини силаса... нега жаннат насиб этмасин? Албатта, Аллоҳ билгувчидир. Агар бутун умрини бойлик тўплаш учун сарфласа, ҳаром йўлдан ҳам тоймаса, бойлигини янада кўпайтириш учун амал талашса, фитналар қилса, бир сўм устида минг думалайдиган хасис бўлса, закот тугул, сариқ чақа садақа бермаса... шундайлар учун Жаннат йўли берк. Албатта, билгувчи Аллоҳдир.

Бойлик бахт келтиради, деб ўйловчилар янглишадилар. Агар шу фикр ҳақиқат бўлганида эди, дунёдаги барча бойлар бахтли, камбағаллар эса бахтсиз бўлар эдилар. Қолбуки, ҳаёт бу фикрнинг аксини кўрсатиб турибди. Бойларнинг пули бор, аммо ҳаловати йўқ. Камбағалларнинг пули кам, аммо ҳаловати бор!

Бир бадавлат одам тузалмас оғир хасталикка учради. Кунлари санокли қолганини англаб, фарзандларини тўплаб, темир сандигини очтирди. Сандиқ бойликка тўла эди. “Тиллаю жавоҳирни олларинг-у, энг зўр дўхтирларни топиб келтирларинг”, деб буюрди. Дунё дунё бўлганидан бери ҳали бирон марта ҳам тиллаю жавоҳир беморни ўлимдан қутқариб қололмаган.

Бошқалар билан бойлик талашиб яшаш бир кўнгилсиз ҳол. Саломатлигини исроф қилиб бойлик тўплаш эса фожиали ҳол. Тиллаю жавоҳир эмас, саломатлик энг катта бойлик эканини билмай яшаётганлар эса нодондирлар. Сўнгги пушаймонларидан фойда йўқ.

Бир подшоҳ қабзиятга йўлиқиб, таҳорат олишга қийналибди. “Ким мени бу касалликдан қутқарса, салтанатимни ўшанга бераман”, деб ваъда қилибди. Бу ваъдани эшитган валийлардан бири келиб, подшоҳнинг қорнини силабди. Каромат юз бериб, подшоҳ тузалибди-да:

– Ваъдамга хилоф қилмайман, сен бу тахтга ўтир, – дебди.

– Йўқ, сен ўз мақомингга ўтир, – дебди у киши. – Фақат унинг қийматини, ҳаддини бил. Бу дунёнинг зарра қадар қиймати йўқ. Бир кўза сув каби тугайди. Агар уни ича олмасанг, салтанатингни берасан. Ичиб чиқаролмасанг ҳам салтанатингни берасан. Шунинг учун у бир кўза сув кабидир.

Донишмандлар қайта-қайта таъкидлаганларидек, Ер юзида энг буюк неъмат сихатдир. Бир одам подшоҳ бўла олар, бир мамлакат мол-мулкига эга чиқа олар. Аммо сихати бўлмаса, бу барча модий салтанат ҳеч қандай ҳузур бермайди. Бирор одамнинг бир дунё мол-мулки бўлса ҳам, бир пиёла сув ичиб, уни чиқара олмаса, унда нима бўлади?! Ҳа, шу бир пиёла сувнинг чиқиб кетиши учун барча мол-мулкни беришга рози бўлади. Шундай экан, мол-мулк, баланд мартаба билан керилиш ақлли одамнинг иши эмас. Бир пиёла сувчалик қадри бўлмаган дунё мол-мулкига боғланиб қолиш эса аҳмоқликнинг ўзгинасидир.

Дуруст, сиз бойликка берилмагансиз, ҳалол ва ҳаромнинг фарқига борасиз. Ортингизга бир қаранг-чи, ўғлингиз ҳам изингиздан қадам-бақадам кел-яптимикин? Балки шайтон безаб қўйган йўлларга бежо қараётгандир? Хонадонингизга қуёшдай чарақлаб келган келинингиз-чи? Қимматбаҳо безакларга берилмаганми? Шундай бўлса (Аллоҳ сақласин!) уни қандай тарбиялайсиз? Бизга ёқадими ё йўқми, ёшларда бойликка муҳаббат мавжуд. Фақат яхши тарбия кўрганларида бу муҳаббат кучи заиф, вақт ўтиши билан сўниши мумкин. Эркатойлик беланчагида улғайганлар эса вақт ўтгани сайин бу муҳаббатнинг қулига айланаверадилар. Тан олайлик, уларни бу хатарли йўлдан қайтаришга кўпам уринмаймиз. Нарӣ борса, қуруқ огоҳлантириш билан чекланамиз. Ҳолбуки, тарбиянинг бу йўналишига доир ҳикматлар жуда кўп. Шулардан бирини тавсия қилай, шояд фойдаси тегса. Ҳазрат Алишер Навоӣ “Ҳайрат ул-аброр”-да (Яхшиларни ҳайратлантирсин, деб дostonнинг отини шундай атаганлар) Искандарнинг сўнгги армонини гўзал сатрларда ифода этганлар. Унинг насрий баёни бундай:

Иқлимларни фатҳ этувчи Искандар жаҳон мулкининг тождори бўлди. Унинг тасарруфига кирмаган ер қолмади. Денгизу қуруқлик, ҳўлу қуруқ унинг фармонида эди. Осмон гумбази устида хутба ўқиб, адолат муҳрини юлдузларга урди.

Унга қуллуқ қилишни шоҳлар орзу қилиб, шу билан фахрланар эдилар. Ҳам шоҳ эди, ҳам авлиё, ҳам набӣй эди. Хулқ-атвори ҳикмат билан зийнатланган эди. Зотида Жамшидлик нишонаси бўлиб, жаҳонни кўрсатувчи жом унинг кўзгуси эди. Етти иқлимни забт этган ва етти осмонга ҳукми ўтар эди. Шундай саодатманд шоҳ оламдан ўтар вақтида шундай бир ожизлик ва бечораликка учрадики, на ҳакимларнинг ва на табибларнинг тадбири фойда берди. Барчалари бу яшил дунё боғида қолиб, у қора тупроқ сари кетди. У ўзининг бу ҳолатидан ичидан ўртаниб, бундай сўз айтди:

– Мен хору залиллик билан бу оламдан кетар эканман, мен учун сафар ноғораси чалинар экан, кимки ор-номус шартини сақламоқчи бўлса, унга менинг шундай васиятим бор: вақтики мендаги муқаддас бўстон куши муқаддас маскан айвони сари учса, яъни жоним узилса, оҳу фарёд билан оламини қора қилиб, хобгоҳимга тобутимни солсангиз ва қабр томон юрсангиз, тобутнинг ёнидан бир қўлимни чиқариб қўйинг. Токи одамлар бу қўлимга ибрат кўзи билан қарасинлар. Билсинларки, етти иқлимнинг шоҳи, етти осмон сирларининг огоҳи жисмида жон йўқ ҳолда бу дунёдан бўш қўл билан бормоқдаман. Кимки жаҳон мулкига эга бўлишни ҳавас қилса, шу бўш қўл унга ибрат бўлсин!

Бу баён сўнгидаги шоирнинг “Эй Навоӣ, бу дунёдан қўлингни торт”, деган хитоблари бизларга ҳам қаратилгандир. Дунёдан қўлни тортиш шоирнинг шунчаки баландпарвоз сўзлари эмас. Ҳазрат Навоӣнинг бадавлат оилада туғилганлари, кейинчалик ўзлари ҳам жуда катта мол-мулкка эга бўлганлари маълум. 1481 йили шоир бор мол-дунёсидан воз кечиб, хайрия, яъни вақф мулкини ташкил қилганлар. Бу мулкдан тушган даромаднинг катта қисми таълим муассасалари, мусофирхоналар ва дарвешлар, қаландарлар, камбағаллар, муҳтожлар, етим-есирларнинг эҳтиёжини қоплашга қаратилган. Бошқа бири қисми эса илм-фан ва адабиётни ривожлантиришга сарфланган. Ҳиротда ва бошқа шаҳарларда ҳазрат Алишер Навоӣнинг шахсий ташаббуслари ва маблағлари билан мадрасалар қурилган ва моддий томондан таъминланган. Машҳур тарихчи Хондамирнинг маълумотига кўра, 40 работ, 17 масжид, 10 хонақоҳ,

9 җаммом, 9 кўприк, 20 га яқин ҳовуз қурдирганлар. Булар орасида Ҳиротдаги “Ихлосия” ва “Низомия” мадрасалари, “Халосия” хонақоҳи, “Шифоия” тиббиёт муассасаси, Марвдаги “Хусравия” мадрасаси, Машҳаддаги “Орул-ҳуффоз” хайрия биноси каби иншоотларни қурдирганлар (“Ихлосия” ва “Низомия” 19-асрда Англия ва Россиянинг Ҳирот учун олиб борган жанглари пайтида бузиб ташланган).

Эгалланган илм ва амал бирлиги, сўз ва иш бирлиги деб шунга айтадилар. Бундай олиймақом фазилат ўз-ўзидан насиб этмайди. Маълумингизки, ҳазрат Алишер Навоий болалик чоқларида Фаридуддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” (Қуш нутқи) достонини ёд олганлар. Умрларининг охирида эса мазкур асарга жавобан “Лисон ут-тайр” (Қуш тили) тасаввуфий-фалсафий асарини ёзганлар. Улуғ шоирнинг дунё мол-мулкидан воз кечиш воқеасини “Насойим ул-муҳаббат” (Муҳаббат шабадалари) асирида шундай баён қиладилар: “Дебдурларки, алар андоқки, отлари машҳурдир, Аттор экандурлар. Тавбалариға сабаб бу бўлғондурки, бир куни атторлиғ дўконида муомалаға машғул ва машъуф эмишлар. Дарвеш дўкон эшигига етар ва неча қатла “Аллоҳ учун бирор нарса бер!” – дер. Анга парво қилмаслар. Ул дарвеш дерки: “Эй хожа, не нав ўлгунгдир?” (Қандай ўласан?) Алар (Аттор) дебдурларки: “Андоқки, сен ўлгунгдир” (Сен қандай ўлсанг, мен ҳам шундай ўларман). Дарвеш дебдурки: “Сен мендек ўла олмассан”. Алар дебдурларки: “Нечук?” Дарвеш дебдурки: “Мундоқ!” Яғоч аёғин бошин остига қўюбдур “валлоҳ!” дебдур ва жонни Ҳаққа таслим қилибдур. Аларнинг холи мутағайири бўлибдур ва дўкон ва анда дағи ҳар не бор экандур, барҳам урубдурлар ва бу тариққа кирибдурлар”. Молу дунёга ҳирс қўйган одам ўлим билан юзма-юз келганда даҳшатга тушади, дейдилар. Не азоблар билан тўплаган бойлигини ташлаб кетишдан қийналса керак-да.

Кумайл ибн Зиёд ривоят қиладиларки: «Ҳазрати Али (р.а.) билан бирга юрар эдик. Жаббон қабристони ёнидан ўтаётганимизда, мозор томон қараб:

– Эй қабрда ётганлар, эй суяклари чириб, тупроққа қоришганлар, эй қоронғуликларда ёлғиз қолганлар, сизларда нима гап? Биздан сўрасангиз, молларингиз тақсимланди, болаларингиз ўксиз ва етим қолди, хотинларингиз бошқа турмуш қуришди. Бизда ана шундай хабарлар. Сизларда қандай хабарлар бор? – деб сўрадилар. Сўнгга мен томон бурилиб:

– Эй Кумайл, агар уларга жавоб қилиш учун изн берилганида: «Озуқнинг энг яхшиси тақводир», деб айтишган бўлар эди, – дедилар. Бир оздан кейин эса йиғлаб, бундай дедилар:

– Эй Кумайл, қабр – амаллар сандиғидир. Буни фақат ўлганингдан кейин биласан...

Ҳазрат Алининг бу хитоблари асоссиз эмас. Қудсий ҳадисда марҳамат этиладики: «Эй Одам фарзанди, билгилки, бу дунёда тўплаган бойлигинг меросхўрларга қолади. Ундан емоқ ва ҳузурини кўрмоқ кўпинча бошқаларга насиб бўлур. Унинг ҳисоб-китоби ва надомати эса сенинг бўйнингга тушгай. Қабрда сенга фақат ҳаётлик вақтингда қилган яхши амалларинггина ёрдам бергай».

Ҳазрат Алидан ривоятким: «Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) мендан:

– Эй Али, сенга беш минг қўй берайми ёки ҳам дунё, ҳам охират учун фойдали беш калимани ўргатайинми? – деб сўрадилар.

– Ё Расулуллоҳ! Беш минг қўй озмунча фойда эмас. Бироқ, менга беш фойдали калимани ўргатишингизни хоҳлайман, дедим.

Шунда Расули акрам (с.а.в.) ушбу дуони ўргатдилар:

– Аллоҳим, гуноҳларимни мағфират қил. Менга кенг феъл ва ҳалол даромад насиб эт. Нафсимни берган ризқингга қаноатли қил ва қалбимни Ўзинг ман этган нарсаларга мойил қилиб қўйма.

Биз ҳам бу калималарни дилимизга муҳрлаб, сўнг азиз фарзандларимизга ўргатсак, нур аланнур бўлур.

* * *

“Бойлик одамларнинг қўлидаги нарсалардан умидсизликдир”.

Мазкур ҳадиси шарифни ҳазрат Алишер Навоий “Арбаин” – қирқ ҳадисда бундай ифода этганлар:

Бойлиғ истар эсанг, эл илгида
 Ҳар не кўрсанг, боридан ўл навмид.
 Бу ғино баски, халқдин кечибон
 Тутсанг уммид Ҳақдин, ўқ жовид.

(Агар бойлик истасанг, одамларнинг қўлида ҳар нима кўрсанг ҳам, ундан умид қилма, ноумид бўл. Зотан, халқдан кечиб, Ҳақдан умидвор бўлсанг, мана шу асл бойликдир. Зеро, Унинг Ўзигина мангудир.)

* * *

Зевар кишига не тожу, не афсор бил,
 Ул зевар адаб била ҳаё даркор бил.

(Киши учун тож ва бошқалар зийнат бўлмайди, балки унга зийнат – ўзида бўлган адаб ва ҳаёдир.)

Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд,
 Паст этар ул хайлни чархи баланд.

(Одобсиз кишилар юқори мартабали бўла олмайдилар. Муаззам фалак бу тоифанинг даражасини паст қилиб қўяди.)

* * *

Фарзандингиз тўйдан кейин тезроқ бойишга, тезроқ мустақил ҳаёт кечиришга интилади. Унинг бу борадаги ҳаракатини зийраклик билан кузатишингиз лозим. Агар ота бойликка муҳаббат қўймайдиган ақл эгаларидан бўлса, бу тарбияни чиройли тарзда амалга оширади ва фарзандини турли балолардан сақлаб қола олади. Бойликни севучи ота эса ўғлининг тобора кўп пул олиб келаётганидан қувонади, “Бой бўлгин”, деб дуо қилаверади.

Бир одам менга хасрат қилган эди:

– Ўғлим прокуратурага ишга ўтганда шодландим. Бир куни қўлимга анча пул тутқазганда, пора олганини сезсам-да, индамадим. Худога шукрона айтиб, “Ўғлимни паноҳингда асра”, деб дуо қилдим. Шу пулга тўйга атаб иккита буқа сотиб олдим. Молхонада икки бўғоз сигирим бор эди. Иккови ҳам олдинма-кейин туғолмай нобуд бўлди, бузоқларни ҳам сақлаб қололмадик. Бир ҳафтадан кейин ўғлимнинг пулига сотиб олинган буқалар ҳам бўкиб ўлди. “Келган бало-қазо шуларга урган бўлсин”, деб дуо қилдим. Ўғлим пул бераверди, молларнинг ўрни тўлгандай бўлди. Аммо... хонадонимга ёпирилган бало-қазо уларга уриш билан тўхтамаган экан. Ўғлим икки йил ишламай, ўзини қамокда кўрди. Чимилдикда ўтириши лозим бўлган йигит темир панжара ортида ўтирибди...

Яқинда маҳкама (суд) идорасида бир кишининг ҳўнграб йиғлагани диққатимни тортди. У ҳукмдан норози бўлиб, «Ўғлим ўғри эмас, у молларни сотган, холос, ўғирланганини билмаган», деб йиғларди. Унга кимдир ачинарди. Кимдир эса... Биз ҳам ачинамиз. Ҳар ҳолда ўзи емай едириб, ўзи киймай кийдириб, боласининг оёғига тикан кирса, ўз қалби яраланган ота ёки онанинг бундай фожиага дуч келгандаги аҳволини тушуниш керак. Кимдир ўғирлик молларни олиб келиб берган-у, йигитча сотаётганида қўлга тушган. Бу воқеа учун ота ёки онани ҳам айблаб бўлмас. Лекин масалани чуқурроқ таҳлил этсак, ўзгача манзарани кўрамиз.

Маҳкама ҳукмидан норози бўлаётган отанинг тили фарзандига: «Болам, сен ҳали ёшсан, бозорга интилавэрма. Бозор шайтоннинг масжиди экан, унда ҳар турли найранглар борки, яхши-ёмонни ажратишга ҳали сенинг мурғак ақлинг заифлик қилади. Биров сенга молини арзонроққа сотишга интилса билки, у мол гумонлидир. Кўпроқ фойда олиш, тезроқ бойиш ҳисси кўзларингни кўр қилиб қўймасин...», деганмикин? Демагандир... Бу каби танбехларни ким бериши керак эди? Йигит белгиланган жазо муддатини ўтаб чиққанидан кейин, шубҳасиз, бўлиб ўтган воқеа оилада муҳокама қилинади. Ажаб, улар қандай хулосага келишар экан? Ота ёки она: «Болам, энди бозорга йўлама, бу сен қиладиган иш эмас экан», дейишармикин? Менимча, улар тўғри хулоса олмасалар керак. Аксинча, қамоқдан қутқариб қолишга ёки бошқа ишларга сарфланган харажатларни чиқариб олишни ўйлашар. “Кўр ҳассасини бир марта йўқотади”, дейишади. Басир кўзлар эса кетма-кет йўқотаверадилар, афсусли ери шунда...

* * *

Гар кимсада зоҳир ўлса тамкини хирад,
Андин билгилки топти тазйини хирад.
Андоқ қариким йўқ анда ойини хирад,
Ул ёш ортуққи, топти талқини хирад (Алишер Навоий).

(Кишида мулоҳаза юриштиш пайдо бўлса, шундан билгилки, у ақлига зийнат берибди. Агар қари кишида ақл-мулоҳаза бўлмаса, ундай қаридан ақлли ёш яхши.)

* * *

Бир киши дўстига ҳасрат қилди: “Ўғлимнинг боласи яқинда иккита бўлади. Лекин ҳалигача оиласини боқишни ўйламайди, ҳатто ҳовлининг ишларига эгилмайди”. Дўсти уни овутди: “Ҳозир сизга эркалик қияпти. Ўғлингиз ақлли йигит, кейин эплаб кетади”. Боқиндиликка ўрганиб қолган бу ўғил отаси вафот этганидан кейин ҳаётда ўз ўрнини топа олармикин? Рўзгорини эплаб кетиши осон бўлармикин?

Сизнинг оилангизда аҳвол қандай? Сизнинг қалбингизда ҳам шундай ҳасрат яшириниб ётгандир балки?

Масал: Бир бойнинг икки кўппаги бор эди. Бирини уйни қўриқлашга, иккинчисини овга ўргатган эди. Бой уйга кириши билан уйни қўриқлашга ўргатган кўппаги думини ликиллатиб унга пешвоз чиқарди. Бой уни эркалатарди. Овдан олиб келган ўлжалари билан сийларди. Бунга овчи итнинг жаҳли чиқарди. Бир куни у уй кўппагига деди:

– Менга қара! Бу ўлжанинг кетидан югурган, сувдан олиб чиққан менман-ку? Сен эса мен тутган ўлжани уялмасдан еяпсан-а!

– Менга нима учун даъво қиласан, – деди уй кўппаги. – Сен бу арзингни хўжайинга айт. Мени тайёр овқатга ўргатган у эмасми?

Қиссадан ҳисса шуки, болаларни танбал қиладиган ҳам, ишчанликка ўртадиган ҳам ота ва она! Шундай экан, уларнинг ўзлари фарзандларига ўрнак бўлишлари, танбалликдан қочиш хусусида бетўхтов равишда насиҳатлар қилишлари, ҳамиша яхшиликка, меҳнатсеварликка бошлашлари зарур. Болаларини ҳунар ўрганишга қизиқтириш, билимли бўлишга ундаш зиммаларидаги бурч эканини унутмасликлари керак. Танбалликнинг охири надомат эканини унутиб, болаларини дангаса, тайёрини ейишга ўргатган оталар ва оналар, шубҳасиз, фарзандларига энг катта ёмонлик қилган, ҳатто уларни ўлимга маҳкум этган бўладилар.

Лаббай, “жуда-а оширвордингиз”, демоқчимисиз? “Танбаллик орни ўлдиради”, деган ҳикматга кўра, ялқов ва беор одамни тирик мурда деб аташ мумкинми? Танбаллик ёмон ахлоқни вужудга келтиради. Ёшлар орасида учраб турган кўпгина жиноятлар айна танбаллик оқибатида юзага чиқапти. Меҳнатсеварлик яхши ҳуққни юзага чиқаради. Интилган ёмонликдан қутулади, танбаллик ёмонликка яқинлаштиради.

Шундай тарбия қилиш лозимки, токи фарзанд тайёр ошдан эмас, меҳнат билан топилган луқмадан роҳатлансин. Фақат ўз оиласигина эмас, балки мамлакатнинг порлоқ келажаги меҳнатсевар инсонларга боғлиқ эканини, текин-томоқнинг эса мамлакатга, халққа зараркунанда эканини тушуниб етсин. Ғайратли одам инсониятга хизмат қилишини, ғайратсиз танбал эса инсониятга юк эканини ҳам англасин. Меҳнатсевар инсон фақир бўлса ҳам доимо ҳурматда, танбал одам бой бўлса ҳам, доимо беобрў эканини билган фарзанд камол топади. “Наф келтирувчи киши ўғилдан ҳам яхши бўлиши мумкин. Беҳуда ишлар билан банд бўладиган ўғил эса ёвдан ҳам ёмон” деган ҳикмат бекорга айтилмагандир.

Масаллар ва ривоятларда бекорга жониворлар ҳаётига мурожаат қилинмайди. Қаранг, уй ҳайвонларини одамлар боқадилар. Жониворлар инсон марҳаматига муҳтожлар, чунки улар оғилхонада ёки катакда бандилар. Далага чиқарилсалар барчалари ўз емишларини топиб еяверадиладар. Лекин юқорида тилга олганимиз “боқинди”лар-чи?

Ҳайвонот боғида туғилиб, улғайган йўлбарс ўрмонга қўйиб юборилса, ов қилолмай оч қолиб, ўлиши мумкин экан. “Боқинди”лар шундай аҳволга тушмасмикинлар? Тушадилар! Бунақаларни ҳаётда учратиб турибмиз. Улар оталарининг мулкини совурган нодонлар каби кун кечирадиладар. Ҳаётлари нолиш билан ўтади.

* * *

Бир сахий бой қишлоқдаги қашшоқларнинг ҳолидан ҳамиша хабардор бўлиб турарди. Бирор оиланинг нонга муҳтож бўлиб қолганини билгани ҳамон саховат қўлини чўзарди. Лекин уларни аввал ишлатиб, кейин қорнини тўйғазарди. У буюрадиган иш ажабланирли эди. Бугун икки қоп буғдойни ошхонадан ертўлага ташитса, эртасига шу қопларни яна ошхонага қайтарарди. Баъзилар унинг бу қилиғидан ажабланишганда у шундай изоҳ берди:

– Агар мен муҳтожларнинг қўлига пул тутқизсам, улар буни садақа ўрнида, ўзларини эса тиланчи гадо ўрнида кўриб, иззат-нафслари азият чекади. Энг ёмон томони улар бора-бора тамагирга айланиб қолишлари, одам учун меҳнат қилиш зарур эканини унутиб қўйишлари ҳам мумкин. Менинг бу тадбирим туфайли улар бир луқма нонларини ҳалоллик билан топиш лозимлигини унутмаяптилар, тамагирликни яқинларига йўлатмаяптилар.

* * *

Ҳар қандай одамни паришон қиладиган иллатлардан бири – миннатдир. Айниқса, оила аъзоларига миннат қилиш ғоят ачинарли ҳолдир. Отанинг “Мен сени боқяпман”, “Мен сени ўқитяпман”, деб миннат қилишга сира-сира ҳақи йўқ. Чунки боқиш, кийинтириш, ўқитиш, уйлантириш... унинг бурчидир. Сир эмаски, оилаларда ота-ўғил орасида зиддиятлар бўлиб туради. Зиддиятнинг бошланишига айнан миннат сабабчидир. Баъзи оталар фарзандига очикчасига дағдаға қилади. Баъзилар ўзлари билмаган ҳолда фарзандлари кўнглини яра-лаб қўядилар. Масалан, тўйдан кейин келган меҳмонингизга: “Мана, ўғилни ҳам уйлантириб қўйдим, бу ёғига аравасини ўзи тортаверади”, дедингиз. Бир қарашда бу гапда миннат йўқ. Лекин гапингизни эшитиб турган ўғлингизга “Уйлантириб қўйдим” деганингиз малол келади. Бунинг ўрнига: “Яна бир оталик бурчини бажардим, Худога шукр. Олдин бир ўғлим хизматимни қиларди, энди келиним ҳам унинг ёнига қўшилди”, деганингиз яхши эмасми?

“Қўли очикликнинг офати миннатдир”.

Шарафли ҳадиснинг “Арбаин”даги баёни бундай:

Ҳар кишига риояте қилсанг,
Миннат ўткармагил гумонингга.
Негаким, ул қарамга офат эрур,
Юкла миннат ва лек жонингга.

(Агар бировга бирор яхшилик қиладиган бўлсанг, миннатни хаёлингга ҳам келтирма, чунки у кишига офатдир. Бироқ миннатни ўз жонингга юкла, яъни Аллоҳ сенга шу неъматларни бериб, уни сарфлашга муваффақ қилганини ўзингга эслат.)

Миннат қилувчиларга ибрат бўлиш учун бир ҳикмат:

Ёмғир шаррос қуйиб юборган онда бир одам дўстининг дўконига кириб, шамсиясини омонатга олди. Эртасигаёқ омонатини қайтариб, миннатдорчилигини билдирди. Орадан неча кундир ўтиб, кўчада учрашиб қолганда дўкондор ундан:

– Ўша куни шамсиямни бермаганимда аҳволинг нима бўларди? – деб сўради.

– Нима бўларди, ёмғирда шалоббо бўлиб бўқардим-да, – деди дўст.

Шамсия берган одамнинг феъли ёмон, қилган зиғирдек яхшилигини ҳам тўқмоқ қилиб бошга урадиганлардан эди. Орадан анча кунлар ўтгач, улар яна учрашиб қолдилар.

– Агар ўшанда шамсия бермаганимда ёмғирдан қандай беркинардинг? – деди миннатчи.

Бу ҳол яна ва яна такрорланаверди. У бечора одам шамсия сўраб олганига минг бора пушаймон бўлди. Бир куни улар ҳовуз бўйида учрашиб қолдилар. Яна ўша таъна такрорланди:

– Менга қара, ўша куни шамсия бермаганимда, ҳолинг нима бўларди?

Пушаймон бўлган дўст бу саволга жавоб қайтармай, ўзини ҳовузга ташлади. Сувдан шалоббо бўлиб чиққач, деди:

– Мана бундай бўлардим! Аҳволим бундан баттар бўлмасди! Сен ўзи қандай бадфеъл одамсан?! Инсон дўстига яхшилик қилмайдими? Озгина яхшилигини миннат қилавериш бошга тўқмоқ каби урарверса, қиёмат кун бўлади-ку! Омонатга бир шамсия бериб, жонимни суғуриб олаёздинг-ку!

Шундан сўнг у яхши одам миннатчи билан дўстлик алоқасини узди. Бундай ёмон феълли дўстлардан, танишлардан Худонинг Ўзи асрасин!

* * *

Донолардан бири айтган экан: «Фарзандларимга ҳеч нарса қолдирмагандан кўра бойлик қолдириб, Қиёматда унинг ҳисобини беришни афзал биламан». Бундан мақсад – ота вафотидан кейин фарзандлар, айниқса, сағирлар сарсон-саргардон бўлмасликлари керак. Рўзгор халтасини елкага ташлаб юриш ўрнига ёшлик чоғларида илм олганлари жамиятга фойдали эмасми? Саҳобалардан бири барча бойлигини бошқаларга тарқатмоқчи бўлганида Расулуллоҳ (с.а.в.) «Бундай қилма», деганлар. У киши «Бойлигимнинг ярмини тарқатайинми?» деб сўраганида ҳам «Йўқ», деб бойликнинг учдан бирини тарқатиб, учдан икки қисмини фарзандларига қолдириши афзаллигини айтганлар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) саҳобалардан:

– Қайсиларингизга ўз молидан кўра варасаларининг (фарзандларининг) моли яхшироқ кўринади? – деб сўрадилар.

– Ё Расулуллоҳ (с.а.в.), ҳаммамизга ҳам ўз молимиз меросхўрларимизнинг молидан яхшироқдир, – деб жавоб қилдилар.

Шунда Пайғамбар алайҳиссалом дедилар:

– Билиб қўйингларки, варасаларингизга тегишли мол ўз молингиздан кўра яхшироқ кўринади. Ўзингиздан илгари юборган мол – бу сизнинг молингиз. Аммо ўзингиздан кейин орқангизда қолган мол эса, бу албатта варасалар молидир.

Нима сабабли шундай дедилар? Шарҳким, киши ўз ҳаёти мобайнида қўлидаги молидан яхши ишларга сарф қилса, гўё уни ўзидан илгари юборган бўлиб, манфаати ўзига тегади. Бироқ, молпарастлик туфайли уни йиғиб, яхши сарфламай ўзидан кейин қолдирса, у варасалар моли ҳисобланади. Шунинг учун Расулуллоҳ (с.а.в.) «у мол кишига яхши кўринади», дедилар. Ворислар инсофли бўлиб, отадан қолган молни яхши ишларга сарфласа, албатта савобдир. Аммо улар бетавфиқ бўлиб, ота молини ёмон ишларга сарфлайдиган бўлсалар (Аллоҳ сақласин!) бу хусрондир.

* * *

Афсусларки, ота ва она қалби тўрида узоқ йиллар асраганлари орзу чечаги гуллай бошлаганида аямажиз ёпирилиб, қуришиб кетиш ҳоллари ҳам учрайди. Аямажиз – дарахтлар гуллаган чоқда ёпирилиб келиб, ҳамма ёқни қуришиб кетувчи совуқ шамол. Ота-она қалбидаги орзу чечаги – оила қурган ёшларнинг бахтини кўриш. Ёшларнинг ўзаро чиқишмасликлари, жанжаллари ва оқибатда ажралишлари эса – аямажиздир.

Ота-онанинг аҳил-иноқ оила қуриш учун қилган барча ҳаракатлари зое кетаверди. Қайсидир оилада икки ёшли ширин қизалоқ, қайсидирида эса икки, ҳатто уч гўдак тирик етим қолиш хатари бор. Яна бирида ҳомиладор келин аразлаб кетиб қолган. Биринчи фарзанди дунёга келганда қувониш баробарида, чақалоқнинг ота меҳрисиз улғайишини ўйлаб руҳи эзилади. Набира кўриш бахтини интиқ кутаётган куёвнинг ота-онаси ҳам, келиннинг ота-онаси ҳам дардларини кимга айтсинлар?

Бундай нохушликлардан Аллоҳнинг ўзи асрасин! Ёшларга инсофи тавфиқ берсин! Катталарга доноликни берсин. Пароканда бўла бошлаган ёш оилани катталарнинг донолиги сақлаб қолиши мумкин. Бу борада бир таклифни эътиборингизга ҳавола қиламан.

Ўғлингиз билан келинингиз можаро қилаётган пайтда набирангиз кўзлари-

даги мунгни кўргандирсиз. Ғамли қарашлар замирида қандай маънолар мавжудлигини ҳеч ўйлаганмисиз? Ўсмир ёшига етган қиз ота-онасининг жанжалларидан безиб, “Қачон аҳил яшашни ўргансангиз, ўшанда қайтаман”, деган мазмунда мактуб ёзиб, уйдан кетиб қолган экан. Не ғамки, ота-онасининг можароларидан безиб, уйдан қочадиганлар кам эмас. Лекин кўплари мактуб ёзиб қолдирмайдилар. Ҳолбуки, қалблари дардга тўла бўлади. Шу дардларни қоғоздаги сатрларга тўксалар биз – катталар нималарга гувоҳ бўлар эдик? Кичик ёшдаги болалар хат ёзишни ҳам, уйдан қочишни ҳам билишмайди. Катта дард митти юракларини эзиб тураверади. Улар болаликнинг бахтли осмони остида эмас, кўркув, алам ва ташвишнинг қора булутлари остида кун кўрадилар. Ёш она ўжар, ёш ота ундан-да қайсарроқ, ёш она нодон, ёш ота ундан-да нодонроқ. Гўдак эса икки ўт орасида.

Тасаввур қилайлик, Аллоҳ бир мўъжиза яратиб, бу гўдакларга юрак дардларини қоғозга тушириш имконини яратса, улар ноаҳил ва нодон ота ва оналарига мактуб ёзар бўлсалар биз нималарни ўқир эдик? Мен ҳам сизга қўшилиб тасаввур қилайин-да, тирик етимлик остонасида турган гўдакларнинг қалбларига алам тирноқлари билан тирнаб ёзилган дардли сатрларни ўқиб, оқ қоғозга кўчирайин.

“Адажон, аяжон, мен бешиқда ётганимда ҳам бир-бирларингиз билан уришардиларингиз. Мен кўркиб, чинқираб йиғлардим. Сизлар эса эътибор бермас эдинглар. Эмаклаганимда ҳам, тетапоя қилганимда ҳам, ундан кейинги йилларда ҳам шундай бўлаверди. Сизлар ҳар уришганингизда юрагимдаги битта томирча узилгандай бўлаверади. Юрагимдаги томирчаларнинг қанчаси узилганини ҳисоблай олмайман. Чунки жанжалларингизнинг ҳам ҳисоби йўқ. Кечкурун бошлаган жанжалингиз эрталаб давом этди.

– Жонимга тегдинг, энди уч талоқ қўяман, – дедингиз адажон.

– Ўлар бўлсам ўлиб-бўлдим, беринг ўша талоғингизни, бугуноқ отамникига кетаман, – дедингиз аяжон.

– Кетсанг – ана, катта кўча! Уйингга етиб бормасингдан онаси ўпмаган қизга уйланиб оламан, – дедингиз адажон...

Сиз уйланасиз, аяжоним ҳам бошқа кишига тегарлар... Мен-чи? Мен қайси кўчаларда сарсон кезаман? Етимхонанинг қайси бурчагида кўз ёшларимни тўкаман?

Адажон, аяжон, Аллоҳ сизларга марҳамат қилгани учун мен **Одам** бўлиб дунёга келганман. Ҳа, мен Одамман! Лекин сизлар менинг Одам эканимни, бу дунёда бахтли яшашга ҳаққим борлигини унутиб қўйдингиз. Менинг фикрим билан ҳеч ким қизиқмайди. Менинг гапларимни ҳеч ким эшитмайди.

Йўқ, эшитади. Фикрим, хоҳишим билан ҳам қизиқади. Бугун ажрашишга аҳд қилган бўлсангиз, эртага судда мендан: “Аданг билан қоласанми ё аянг биланми?” – деб сўрашади. Бу оддий савол эмас. Ўша онда икковингиз мени гулхан алангасига ташлайсиз. Икковингиз менга умид билан боқасиз. Мен эсам куйиб кул бўламан. Аяжоним: “Болам мен билан бирга бўлсин”, – дейди. Адажоним: “Йўқ, бола отада қолиши керак”, – деб талаб қилади. Икковингизга мен керак эканман, масалани осонроқ ҳал қилсак бўлмайдими: мени қоқ иккига қилич билан чопгандан кўра икковингиз мен билан тинч-тотув яшасангиз бўлмайдими?! Агар мен ёнаётган уй ичида қолиб кетсам, икковингиз бараварига мени қутқаргани ташланасиз. Ширин жонингиз кўзингизга кўринмайди. Мен учун жон беришга тайёр экансиз, мен учун ғазабларингизни четга суриб

қўёлмайсизми, мен учун бир-бирингизни тушунишга ҳаракат қилолмайсизми, мен учун бир-бирингизни кечира олмайсизми? Ахир миллионларча оилалар шундай аҳил-иноқ яшашпти-ку? Сиз нимани талашасиз? Талашиб-талашиб нимага эришасиз? Бадбахтликками? Адажон, “онаси ўпмаган қизга” уйланиб, бахтли бўлмоқчимисиз? Сиз-чи, аяжон, бахтингизни иккинчи турмушингиз остонасидан изламоқчимисиз? Тирик етим фарзандингизнинг кўзларидан қонли ёшлар томиб турганда сиз бахтли бўла олармикинсиз?

Мен сизларга ёмонлик тиламайман. Майли, бошқа турмуш кургингиз келса, ихтиёрингиз. Лекин ўша бошқа турмушингизда келишмовчиликлар бўлмайдими, бошқа турмушингиз билан дарров тил топишиб кетасизми? Бошқа турмушингизда биттами-иккитам фарзанд кўриб, кейин уларни ҳам тирик етим қилиб ташлаб кетмайсизларми?

Адажон, ишдан кеч келаверсангиз, мастликда сўкаверсангиз, ҳатто уриб қолсангиз, “онаси ўпмаган” янги хотинингиз индамайдими, сизни севиб яшай-веради? Мени хор қилганингиз учун Худо сизларни тирноққа зор қилиб қўймайдими? Сиз-чи, аяжон? Янги эрингизни ҳурмат қиласизми? Кийимларини вақтида дазмоллайсизми? Бесўроқ кўчага чиқмайсизми? Чўнтақларидаги пулни бесўроқ олмайсизми?..

Суд мени икковингизга эмас, етимхонага яшашга ҳукм қилса, руҳингиз пораланиб кетмайдими? Ё “Тақдири шу экан-да”, деб қўя қоласизми? Аслида менга шуниси яхшироқ. Чунки аяжоним билан яшасам, сиз – адажон, мени кўргани келмайсиз. Адажоним билан яшасам, сиз – аяжон соғинсангиз ҳам, кўз ёшлари тўксангиз ҳам, сизни яқинлаштиришмаслиги мумкин. Етимхонада яшасам, ҳеч бўлмаса, йилда бир келарсиз? Сизлардан фақат бир илтимос: етимхонага келганингизда, сиз – адажоним, аяжонимни ёмонлаб гапирманг. Сиз учун ёмон бўлсалар, мен учун яхшилар, бебаҳолар. Аяжон, етимхонада учрашганимизда яхши кунларни эсланг, адажонимни ёмонлаб гапирманг. Адажоним сизга ёмон бўлсалар, мен учун яхшилар, бебаҳолар. Улғайиб тўйга етишганимда икковингизни тўйга айтаман. Домла никоҳ ўқиётганида адажонимнинг исмларини тилга олади. Вақти келиб вафот этганимда, жаноза ўқиладиганда ҳам отам кимлиги эсланади. Шунинг учун адажонимдан сира-сира воз кеча олмайман.

Ажрашиб кетганингиздан кейин тўсатдан ўлиб қолсам, иккалангиз ҳам йиғлайсиз, ҳатто фарёдлар қиласиз. Мендан ажраганингизга шунчалар ғам чекар экансиз, оилани бузмай, қон ёшлари тўкиш ўрнига биргаликда шоду хуррам яшашимизга нима тўсиқлик қилади?

Аяжоним билан яшайдиган бўлсам, адажонимни соғинаман, яширинча бўлса ҳам кўргани бориб тураман. Адажоним билан қолсам, аяжонимни жуда-жуда соғинаман. Сизларни кўргани борганимда мендан фақат яхши гапларни сўранг. “Аянг қандай юрибди, кимлар билан кўришади?” деганга ўхшаган саволлар билан мени қийнаманг, мен бечорани бир-бирларингизга гап ташувчи чақимчига айлантириб олманглар.

Шу кичик ёшимда аросатда қоляпман. Бундан кейин не-не изтиробларга дуч келаман. Сизнинг ажрашганингиз туфайли кўтара олишимдан оғирроқ ғам юқларини елкамга олдим. Мен сизларни соғинганимда нон ёки ширинлик сўраб бормаيمان. Менга сизнинг ширин сўзларингиз керак. Мен сизларнинг иссиқ юзларингизни соғинаман. Маслаҳатларингизга, насиҳатларингизга муҳтож бўлиб яшайман.

Сизлар ажраганингиздан кейин менга ҳаётнинг қизиғи қолмайди. Байрамлардаги, туғилган кунлардаги шодликлар йўқликка сингиб кетади.

Адажон, аяжонимни айблаб, гуноҳлари бор учун ажрашдингиз.

Аяжон, адажонимнинг гуноҳларини кечиролмай ажрашдингиз.

Менинг гуноҳим нима эди? Бу саволимга қай бирингиз жавоб берасиз...”

Азиз биродарим, қайнотажон, агар шу сатрлар сизнинг қалбингизни озгина бўлса-да, титратган бўлса, демак, ёшларга ҳам таъсир этиши мумкин. Бир тажриба қилиб кўрайлик: уй деворларига ҳар турли суратларни осишни ёқтирамыз. Тирик етимлик оstonасида турган гўдакнинг юрагини эзган, лекин тилидан учмаган бу сўзларни кўчириб, чиройли рамкага солиб, уй тўрига осиб қўйсак, бу сатрларга ёшларнинг назари тушса, дийдалари сал юмшармикин, виждонлари уйғонармикин? Агар ёшлар ширин турмуш кечираётган бўлсалар ҳам, шу ишни қилиш керак. Шунда шайтоннинг васваса қилишига йўл бермайдилар.

* * *

Баъзан ёшлар, баъзан катталар у ёки бу масалада маслаҳатлар сўрайдилар, кимгадир насиҳат қилиб қўйишимни илтимос қиладилар. Сизга ҳам шундай илтимослар билан мурожаат этишса керак. Шундай бўлса, оддий ва осон бўлиб кўринган бу илтимосларни бажариш қанчалик мушкул эканини тушунасиз. Бир муштипар жувон ҳасратини айтиб: “Эримга насиҳат қилиб қўйинг, эрим сизни жуда ҳурмат қиладилар, гапингизни икки қилмайдилар”, деб кетади. Ўша заҳотиёк эрни чақириб, “Хотинингни ранжитма, бу-бу хато ишларни қилма”, дейишдан осони йўқ. Вазифанинг мураккаблиги шундаки, эрнинг айблари тилга олингани ҳамон у: “Буларни қаердан билдингиз, хотиним шикоят қилиб келдимиз?” – деб савол бериши аниқ. Савол бермаган тақдирда ҳам, гапингизни бўлмай эшитганда ҳам, уйга боргач, шикоятчи хотинни сиқувга олмайдими? Шикоятчи хотин бошига бало тошлари ёғилмайдими? Ҳатто ота ва онанинг илтимоси билан ўсмир ёшидаги шўҳ болага насиҳат қилсангиз ҳам, акс таъсир бериш эҳтимоли бор.

Кейинги пайтларда ёшларнинг қалбларига, туйғуларига доир масалаларга аралашшдан чўчиб қолганман. Чўчишимнинг сабаби: яхшилик тилайман деб, нозик туйғуни тирнаб қўйишда.

Бир дўстимизнинг ёлғиз ўғли бошига муҳаббат савдоси тушибди. Бир қизда кўнгли бор экан, вақтида совчи бормагани учун унга етишолмабди. Кейинроқ бошқа қизни севиб қолибди. Ота унинг бу туйғусига ҳам етарли эътибор бермаган. Севги эмас, шунчаки ёшликнинг ўткинчи ҳаваси деб ўйлаган. Бу орада қиз бошқа йигит билан фотиҳа қилинган, аммо тез кунда бу фотиҳа бузилган. Отага бу ҳолат ўғилнинг истагини рад этиш учун асосий сабаб бўлган. “Фотиҳаси бузилган қизни келин қилмайман”, деб ўжарлик қилиб туриб олган. Ота бир томонда, она, буви, амакилар – ўғил томонда. Шунда ота ўғилга насиҳат қилишни мендан илтимос қилди. Отанинг гапларига дарров кўна қолдим. Мен шу ўринда нодонлик қилиб, ёлғиз ўғилнинг эркалиги, қайсарлигини енгмоқчи бўлдим. Сухбатлашиб, “Ота рози – Худо рози” қабилида насиҳат қилдим. Йигит эътироз билдирмади. Бу сукутни мен ризолик аломати, деб қабул қилдим. Аслида ундай бўлиб чиқмади. Йигит ўз аҳдида қаттиқ турди. Бу ўжарлик эмас, муҳаббат эканини ота ҳам, мен ҳам англамабмиз. Мен аввалига йигитнинг қайсарлигидан ранжиган бўлсам, кейинроқ унинг ирода кучига тан бердим. Тўй бўлди, ҳозир улар ширин ўғилчаларини тарбия қиляптилар. Улар бахтли

яшаяптилар, мен эсам бу воқеани ҳар эслаганимда, айниқса йигитни ҳар кўрганимда хижолат бўламан. Айбимни ювиш учун уларга саодатли умр беришини сўраб, Аллоҳга муножот қиламан.

Ҳозир бу сатрларни ёзиш ҳам менга оғир туюляпти. Ҳар қолда айбга иқроф бўлиш осонмас. Буларни баён қилишдан мақсад, катта ёшдаги китобхон биродаларимизга: “Ёшларга насихат қилишдан олдин уларнинг руҳий оламини яхшироқ ўрганайлик”, демоқчиман.

ОИЛА МАЛИКАСИ – ҚАЙНОНА

Бир оилада эр баджаҳл, ёмон хулқли эди. Хотинини ҳуда-беҳудага ҳақорат қилар, аёвсиз калтаклар эди. Хотиннинг ўғил эмас, учта қиз туққани унга бир баҳона эди. Қариндошлар, қўни-қўшнилар ҳали ёноғи кўкарган, ҳали қўли синган хотинга ачинишарди. Айримлари: “Эрингизнинг аҳмоқликларига қачонгача чидайсиз, шартта ажрашинг-қўйинг”, деб маслаҳат ҳам беришди. У маъсума эса ҳазингина жилмайиб: “Сабр қилсам, Худо менга ҳам мукофот берар, ажрашсам, мен эрдан ажрашаман. Қизларимни отасидан қандай қилиб ажратаман”, дерди. Отанинг қилиқларидан безган қизлар ҳам бу уйдан чиқиб кетишни хоҳлайдиган бўлиб қолишди. Шу истак тилга олинганида у қизларини бир-бир бағрига босиб, “Тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди. Отангни ёлғиз ташлаб кета олмаймиз. Мен-ку, эрсиз кунимни кўраверарман. Аммо сизлар ота дуосини олмай туриб, бахтга эриша олмайсизлар. Ҳадемай, уйимизга совчилар кела бошлайди. Бирин-кетин тўй қилиб, сизларни узатамиз. Келинлик либосини кийиб, остонамизни ҳатлаб чиқишингиздан олдин сизга ким дуо беради? Ким пешонангиздан ўпади? Отанинг дуосини олмай куёвнинг остонасини ҳатлаб киришнинг хосияти йўқ. Ҳаммангизга отангизнинг дуоси насиб этсин”, деди.

Худо бу ақл, бу сабру таҳаммулни мукофотсиз қолдирмади – эрга инсофу тавфиқ берди. Уч тўйни шоду ҳуррамлик билан ўтқаздилар. Қизлар отанинг дуоси билан бахтли бўлдилар.

Мазкур сатрлар зулҳижжа ойида ёзиляпти. Мен тилга олган эр билан хотин айни дамда Каъбатуллоҳда бошларини саждага қўйиб, азиз фарзандлари, куёвлари, қудалари, ширин-шакар набиралир ҳақиға дуолар қияптилар. Биз ҳам уларни дуо қилиш баробарида ҳаловатсиз оилаларга Аллоҳдан тинчлик-хотиржамлик тилайлик.

Дунёда инсон ақли еча олмаган, эҳтимол, мутлақо еча олмайдиган оғир муаммоли тенгламалар кўп. Шулардан бири: қайнона – келин муаммоси. Бу муаммо милоддан олдинги нечанчи минг йилликда юзага чиққан – ҳеч ким билмайди. Қачон ижобий ҳал этилади – ёлғиз Аллоҳгагина маълум. Тавба қилиб айтайин: агар аҳвол ҳозиргидай давом этаверса, Қиёматга қадар ҳам ҳал этилмаса керак. Динозавр суягининг неча миллион йилдан бери тупроқ ёки музликлар остида ётганини олимлар аниқ айтиб бера олишади. Олимлар Ер қолиб, кўзга кўринмас юлдузлар сирларини ўрганишга интиладилар. Лекин оилалардаги можаролар шундайгина кўзга кўриниб турса-да, уларнинг сирларини очиш ғоят мураккабдай туюлади. Бу соҳадаги “икки карра икки”нинг “тўрт” эканини барча билади, аммо ҳеч ким исбот қилиб бера олмайди. Оиладаги

можаролар аслида карра жадвалидай осон, аммо биз бу муаммони олий математика талаблари асосида ечишга уринамиз. Оқибатда ечим (+) аломати билан эмас, (-) аломати билан якунланади. Кўп саволлар эса “илдиз” остида қолиб кетаверади.

Мухтарама синглим, сизни нима учун “қайнона” деб аташади, бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Бу атамани грамматикада “қўшма сўздан ташкил топган” деб изоҳлашади. Демак: “қайн+она”. Иккинчи сўз ойдек равшан: табаррук ва улуг зот! Нега тўрт ҳарфдан иборат бир сўз қўшилса, бу атама баъзилар учун ёқимсиз, айримлар учун ҳатто ёвуз бир аёлни англатиши керак? “Қайн” нима ўзи? Қайин дарахтининг қаттиқлигига ишорами? Ёки “Қийин” сўздан келиб чиқиб, “Муроса қилиш қийин бўлган она (ёки “қийнайдиган она”)” маъноси-ни англатармикин? Балки “қайноқ” сўздан олиниб, “Меҳри қайноқ она”ни англатар? Мен шундай бўлишини хоҳлардим. Буларнинг ҳаммаси фараз, буни аниқлаш тилшуносларнинг вазифаси. Ҳар бир оиланинг бу борадаги муаммоси ўзига хос бошқачарок.

Мухтарама синглим, оиладаги можароларда айб кўпроқ қайноналарда, дейилган гапни эшитганингизда, албатта, кўнглингиз оғрийди. Бу гапни адолатсизлик деб биласиз. Лекин оила муаммоларини ўрганувчи мутахассисларнинг хулосасига кўра, ҳар 100 можаронинг 60-70 таси қайнонанинг айби билан бошланар экан. Балки бу кўрсаткич хатодир, 60-70 эмас, 6-7 дир. Лекин шунда ҳам уятли ҳол юзага чиқади. Чунки келиннинг айбини ёпадиган сабаб бор: у ёш, тажрибасиз, кўп нарсаларни яхши тушунмайди... Сизда эса бундай сабаб йўқ: сиз – ҳаёт кўрган, билимли, мулоҳазали... энг муҳими – қайнонанинг тарбиясини олган, вақтида унинг яхши-ёмон гапларини эшитган, адолатсизликларига чидаган аёлсиз... Оила можаросига йўл қўйишга ҳаққингиз йўқ! Менинг эмас, ҳаётнинг талаби шундай. Бу талабни инкор этиб бўлмайди.

Бугун кўзингизга хунук кўринаётган келинингизни тўйдан олдин, қизлик пайтида биринчи ўзингиз кўрган эдингиз. Қиз энг аввало сизга ёққан эди. Қизни, ота-онасини ўғлингизга, эрингизга мақтадингиз. Эрингиз рад этганда уни ҳол-жонига қўймадингиз. Ўғлингиз кўнмаганида “Фақат мен айтганимга уйланасан”, деб мажбурладингиз. Энди эса келинни биринчи бўлиб ўзингиз ёмонлай бошладингиз. “Ажрашасан”, деб ўғлингизни тинчитмаяпсиз. Болаларини тирик етим қилишни истамаётган ўғлингизга ҳатто: “Сен қўймасанг – мен қўяман!” деб дағдаға қилганингиз нимаси?! Шуми инсоф?! Шуми виждон?!

Сизнинг оилангиз ҳақида гапирмай, ташқарига чиқайлик, ҳеч ўйлаб кўрганмисиз: нима учун кўп келинчаклар “қайнона” деган сўзни эшитишганда ранглари сал бўлса-да ўзгаради, баъзилари чўчиб тушади, айримларининг эса ҳатто ғазабдан лаблари титрай бошлайди. “Келин билан қайнона бир қозонда қайнамас”, деган мақолни келин томон ҳақиқатга айлантирадимми ё қайнона томонми? Тўйдан кейин хонадонга муаттар гул уруғлари эмас, душманлик уруғларини ким биринчи бўлиб сепади? Ким тарбия кўрмаган, ким нодонроқ, ким жоҳилроқ бўлса – ўша сепади ва унинг заҳарли мевасини ҳам биринчи бўлиб ўзи тотиб кўради. Мен ажабланаман: яхши ниятлар билан келин олиб, кўзининг оқу қораси бўлмиш суюкли ўғлини унга топшириб қўйиб, энди ўша азиз келин билан ёвлашиб, олишиб юриш оналик фитратига мос тушармикин?

Можаро бошланганида ҳар бир қайнона албатта ўз келинлик даврини эслаб тилга олади. Ажабки, барча қайноналарнинг келинлик даврлари ғоят азобда ўтган, бугунги келинлар эса ҳаддан ташқари роҳат ва фароғатда яшаяптилар.

Хўп, бугунги қайнона келинлик даврида ғам-алам чеккан бўлса чеккандир. Нима, бунга келини айбдорми? Келини роҳатда яшаяпти экан, шундай яшашга ҳаққи йўқми? Бугунги қайнона келинлик даврида тоғора-тоғора кирларни ювиб қўллари қавариб кетган экан, ўша дамларда ҳозиргидай кирювгич машиналар йўқлигига ҳам бугунги келин айбдорми? Таомни газ плитада пиширмай, сиз каби таппи ёқиб пиширса кўнглингиз жойига тушадими? Ундан кўра, “Биз кўрмаган қулайликларни Аллоҳ ёшларга насиб этди, Ўзига шукр”, деганингиз дурустроқ эмасми? Ношукурликдан ким савоб кўрибдики, сиз топсангиз? Тасаввур қилайлик, оиладаги, хусусан ошхонадаги барча қулайликлар бекор қилинди, можаролар тўхтайдими? Асло йўқ. Бошқа баҳонаю сабаблар қайнаб чиқаверади. Демак, қайноналарнинг норизоликларига кир машиналарию, газ плиталари, замонавий дазмоллар сабабчи эмас экан.

“Тўйимнинг биринчи ҳафтасидаёқ эримдан калтак егандим. Ғазабланган пайтида қамчисидан қон томарди. Ўғлим лапашанг чиқди, отасига ўхшамади, хотини бошига чиқиб олди. Тепиш у ёқда турсин, тилидан “сан” деган сўз чиқмайди. Мен шунга индамай қараб туришим керакми? Ўғлимни тарбия қила олмайманми?” – деб ўйлайсиз. Тўйдан кейин эрингиздан калтак еганингизга ҳам келинингиз айбдорми? Ўғлингиз бу бечорани ҳар куни калтаклаб турса, кўнглингиз жойига тушадими, яйраб-яшнаб яшай бошлайсизми? Келинингиз калтак зарбидан ногирон бўлиб қолса, ўғлингиз қонун олдида жавоб бериб узоқ муддатга қамалади. Сиз шундай “бахт”га зормисиз?

Баҳслашмайман, сиз келинлик чоғингиз золим эрнинг, тошбағир қайнонанинг жабр-ситамларини хўп тортгансиз. Хизмат ва ҳурмат эвазига улардан ҳақорат ва нафрат кўргансиз. Алам ва ситамларни ичга ютавергансиз. Юрагингиз зардобга тўлган, дилингиз хун-хун бўзлаган. Бирор кимса ёнингизни олмаган, тасалли бермаган, кўнглингизни кўтармаган. Сиз сабр қилгансиз. Кўзлари жавдираб турган ўғилчангизнинг бахтини ўйлаб, сабр қилгансиз ва Аллоҳнинг сабр имтиҳонидан аъло даражада ўтиб, улуғ савобларга эришгансиз. Шу савоблар эвазига сиз бахтли бўлишга ҳақлисиз. Лекин бахт йўлида озгина тўсиқ чиқиб турибди, умид билан кутиб олган келинингиз билан феълингиз сал чиқишмай қоляпти. Қаршингизда икки йўл бор: ўзингиз қайнона мартабасига етиб, келинчакка “ҳукмронлик” қилиш имкониятингиз туғилганида, ўша ўтган аламлар ва армонлар “исён” кўтарганида ва ташқарига ёриб чиққанида уни хўрлашингиз мумкин. Асло ундай қилманг, келинлик даврингиздан бери сабрингиз учун тўплаган барча савобларингизни совуриб юборманг. Чинакам бахтга етишмоқ учун яна озгина сабр қилинг. Ахир сиз кўрган жабр-ситамлар олдида келинингизнинг гап қайтариши ёки бирон ишни чала бажариши катта фожиа эмас-ку? Ўғлингизнинг бахти учун узоқ йиллар хорликларга чидадингиз. Келин томонидан бўлаётган арзимас камчиликларга чидай олмай, энди ўғлингизни бахтсиз қилмоқчимисиз? Узоқ йиллар давомида “Бу хўрликлар ўтиб кетар, ўғлим улғайсин, келин туширай, набираларимни бағримга босай”, деб умид қилган эдингиз. Сабрингиз мукофотида Аллоҳ орзуларингизга етиштирди. Энди бугунми ё эртагами, келинингиз ёшлик ёки нодонлик қилиб набирангизни олиб, ота уйига жўнаб қолса, қандай чидайсиз? Иймоним комилки, золим эр ва бераҳм қайнона жабрига чидаган юрак бу айрилиққа чидай олмаса керак...

* * *

Тўй шодликлар билан ўтди. Икки-уч кун ўтмай, келин кўлига супурги олиб, хизматни бошлади. Муомалалари бирам ширин: “ойижон”, “адажон”, “лаббай, ойижон”, “Хўп бўлади, ойижон”, “Кечиринг ойижон, кўрмай қолибман”. Хизматлари бирам чаққон. Шу даражада чаққонки, баъзан ишни чала бажараётганини ўзи ҳам сезмай қолиб, кейин уялади. Уйдаги барчани ҳурмат қилиб, бошида кўтариб юргудай бўлади. Тилидан бол томади. Лекин барибир ҳар бир ҳаракатини синчиклаб кузатувчи қайнонасига ёқмайди. Хатто унинг ширин сўзлари ҳам ёқмайди: “Илоннинг ёғини ялаган айёр экан!” – деган хулосага келади. Елиб-югуришини кўриб, кўнгли тўлмайди: “Шалпилламай ўл, бунча лалаясан, ғайратсизлик онангдан ўтганми, нима бало!” Хуллас, ўтирса – ўпок, турса – сўпок. Юрса ҳам – ёмон, турса ҳам – ёмон! Бечора нима қилсин? Айби нима – тушунолмайди. Бу ёқда эри ҳайрон. Онага бир нима деб, дилини оғритишдан кўркади... Хуллас, жаннат боғларидай яшнаши керак бўлган хонадон-аросатда. Бунга бир одамнинг кўнглидаги қоралик сабабчи. Бу қораликнинг давоси бормикин?

Қайнонажон, сизга таҳсинлар бўлсин, бундайлардан эмассиз. Лекин уларга муносабатингиз қандай? Уларга насихат қилганмисиз? Насихат қила оласизми? У-чи, насихатингизни эшитадими?

* * *

Келинни ҳамма ишларга югурдак, хизматкор деб билиш катта хатодир. Ҳозирги пайтга келиб юксак одамийликка хос қоидалар, ахлокий тартибларга беписанд қаралаётган, хатто унут бўлаётган хонадонларда келинга паст назар билан қараш, бўлар-бўлмасга ҳўрлаш, “хизматкор” сифатида унга рўзғорнинг барча оғир-енгил юмушларини тўлалигича, қўшқўллаб топшириб қўйиш ҳолларининг кўпайгани ҳам шундан. Баъзи хонадонларда келинларни эрлари қолиб, турмушга чиқиб кетган соппа-соғ, тўрт мучаси бут қайин эгачи ёки қайин сингиллари хизматини қилишга, боласини боқишга, уйига келганида хатто овқатини тайёрлаб, кирини ювиб беришга мажбурлаш келинга нисбатан зулм ва бағритошликдан ўзгаси эмас. Бу ишда, айниқса, қайноналарнинг бемехрларча бош-қош бўлаётгани ачинарлидир. Энг ачинарлиси – қайнонаси ёки эри билан жанжаллашиб ота уйига қайтиб келган қиз онасига қўшилиб келинга ҳўжайинлик қила бошлайди. Эрининг уйдаги нохуш воқеалардан ўзига керакли хулоса чиқара олмайди.

Айни чоқда келинни эркалатиб юбориш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Бадавлат оилаларда келинни талтайтириб қўядилар. Агар хонадонда битта хизматкор бўлса, тўйдан кейин иккита бўлади. Мехмонларга келин эмас, хизматкор хизмат қилади. Илгари тўйдан кейин “Келинимизнинг кўлидан бир пиёла чой ичинг” ёки “Келинимиз пазанда эканлар, лағмонхўрликка келинглар”, деган таклифлар бўларди. Хизматкорли хонадонлар ҳам мехмонга чақиришса керак. Лекин уларнинг таклифларида келинни мақташ оҳанги бўлмайди. Хатто тўйдан кейинги “супра қоқди” маросими уйда эмас, ресторанда ўтказилади.

Бир аёл менга ҳасрат қилди. Тўйдан кейин келин 15 кун бирга яшабди. Сўнг ёшлар эркинликда яйраб яшашсин, деб уларни алоҳида уйга чиқаришибди. Битта хизматкор ҳам олиб беришибди. Йил ўтиб, келиннинг кўзи ёригач, энага ҳам олиб беришибди. Бола эмаклай бошлаганида келин Европада яшаш истагини билдирибди. Она шахрида яшаш унинг “юксак маданий савияси”га

тўғри келмас экан. Келинни эркалатиш жараёни ва оқибат сизга олтин балик ҳақидаги эртакни эслатмайдими? Бу оила ўғлининг ҳаловати, набирасининг бахтини ўйлаб, Парижданми ё Венаданми жой олиб беришлари мумкиндир. Ундан кейин-чи? Талтайган келиннинг кўнгли шу билан ором топадими?

Расулуллоҳ (с.а.в.) қўлларида чексиз имкониятлар бўлса ҳам, камтарона, ҳатто қўллари қатори кун кечирар эдилар. Бир куни қизлари Фотима Набий муҳтарамга қўлларини кўрсатиб: “Ё Аллоҳнинг расули, қудуқдан сув тортавериш, тегирмон юргизавериб қўлларим яра бўлиб кетди. Бизга бир қўл беринг, бу ишларни ўша қўл бажарсин”, дедилар. Уларга қўл бермадилар ва бундай дедилар: “Мен сизларга бир нарса ўргатаман, ҳар намоздан кейин “субҳаноллоҳ”, “алҳамдулиллоҳ”, “Аллоҳу акбар”ни ўттиз уч мартадан айтинг, Аллоҳ таолонинг Ўзи сизларга ёрдам беради. Ишларингизни осон қилади. Қўл ёллашингиздан кўра, бу тасбеҳларни айтиш осонроқдир”. Мазкур шарафли ҳадисдан аён бўлиб турибдики, киши ўзи бажариши мумкин бўлган ишларни хизматкор зиммасига юклаши яхши эмас экан. Қишлоқларда қиз-жувонлар меҳнатга кўникиб кетганлар. Шаҳарлик қизларимиз орасида таннозлар учраб туради. Агар келиннингиз шу тоифадан бўлса, уни биринчи кунданоқ меҳнатга ўргатишни бошланг. Уй тозалаш, кўча супуриш, кир ювиш... хизматкорлик эмас. Ҳар бир аёл бажариши лозим бўлган масъулият. Келин туширган қайноналар камданкам ҳолларда меҳнатдан ўзларини четга оладилар. Кўп ҳолларда келинга ёрдам берадилар. Бу яхши. Лекин ўзлари келиннинг хизматкорига айланиб қолмасликлари керак. “Келин пазанда эмас”, деб ошхонадан бери келмаса, “Кирни чала ювади”, деб бу юмушни ҳам ўзи бажараверса оқибат чиройли бўлмайди.

* * *

Маҳаллама-маҳалла кезиб келин ахтарганингизда, қариндош-уруғлар даврасида “бу йил ўғлимни уйлантирмоқчиман”, деб қизи борларнинг юрагига ширин ғулув солганингизда, кўчадан ўтиб бораётган қақажон қизларнинг ортидан умид билан термилиб, еру кўкка ишонмаётганингиз ўғлингизга муносиб жуфт излаганингизда, ниҳоят дилингизни илитган қизни топиб, тўй тадоригини бошлаганингизда ҳам фақат бугунги қайноналик бахтини, нашъасини ўйлаб елиб-югургансиз. **Энди сиз – қайнонасиз!!!**

Тўй ўтди. Орзуингизга етишиб, Худога шукрлар қилдингиз. Аллоҳ таборак ва таоло хонадонингизга муборак бир келинни тўхфа этди. Ўғил кўргандаёқ юрагингиз қатларига битилиб қолган “Бир муносиб келин олиш”, “Келин эмас, қиз олиш” ҳақидаги ёқимли истаклар, ширин илинжлар рўёбга чиқди. Йиллаб емай йиққанларингизни эл олдида дастурхон қилиб ёздингиз. Йиллаб киймай асраганларингизни – қўлингизга тушган бир парча матоми, бирорта зиракми – барини “эгасига” топшириб, хотиржам бўлдингиз. **Бугун сиз – қайнонасиз!**

Ниятларингизнинг, ҳаёлларингизнинг чек-чегараси йўқ. Келиннингиз ахлоқ-одобда, шарму ҳаёда, муҳаббат ва садоқатда, иффат ва назокатда ягона бўлади. Ўғлингиз билан ниҳоятда аҳил-тотув, ширин турмуш кечиради. Эрининг соясига кўрпача солади, имосига ҳушёр, хизматига тайёр туради. У билан гап талашмайди, ҳар ишга илашмайди. Қайнота-қайнонанинг ҳурматини жойига қўяди: лабидан салом, қўлидан таом тушмайди. Ҳали чой кўтариб югуради, ҳали таҳоратга сув. Бир оғиз сўзингизга маҳтал, биргина томоқ қиришингизга шай.

Бир ёқда ўғил-қизларингиз ҳам келиннинг хизматидан умидвор бўлиб ту-

ришибди. Келинингиз бировининг шимини дазмоллаб, бировининг туфлисини мойлаб бериши, қайнсинглисининг сочларини тараб, турмаклаб қўйиши ҳам керак. Хуллас, барча хонадонларда бўлгани каби тўй олдидаги ширин илинжлар, ҳавойи хаёллар сизга ҳам бегона эмас. Келин тимсолида ўғлингизга бир жуфти ҳалол эмас, хонадонингизга гўёки бир хизматкор, бир “чўри” қабул қилдингиз.

Аммо орадан кўп ўтмай, қат-қат орзуларингиз сароб чиқиб қолди. Не-не умидлар билан, беҳисоб маблағ сарфлаб, катта тўйлар билан олинган келинингиз сиз орзу қилган “олтин” эмас, сиртига олтин суви юритилган “мис” чиқиб қолди. Наздингизда ҳамманинг келини хизматни, ҳурматни, ҳимматни дўндириб қўйяптию, сизники ҳеч нимага улгуролмайди. У танбал, ишқмас ҳам эмас, қўлини совуқ сувга уришга эринадиганлардан ҳам эмас.

Унда гап нимада? Кечагина хонадонингизга келин бўлиб тушган қиз учун эрининг юмушлари зарурроқ, унинг кўрсатмалари устунроқ туюлади. У шунинг учун аввал эрининг кам-кўстини тўғирлаб, ишга жўнатишга интилади. Оқибатда эса сизнинг юмушларингиз чала қолади. Нариги томонда қайнота мартабасидаги эрингиз “Дастурхонни йиғиб олмайсанларми?!” – деб бақиршига тушади. У кишини тинчитай, деб чопса, бу ёқда қайни, қайнсингиллар тўнғиллашни, ғинғиллашни бошлаб юборишади.

Ҳеч ким “Шу келин бечоранинг биттагина жони бор, эҳтимол шунча одамнинг хизматига улгурмаётгандир, бунинг устига хонадонимизга янги меҳмон, биздаги тартиб-муомалотларни, оила аъзоларининг феъл-атворини ҳали тушуниб олмагандир”, демайди. Ҳар бир ҳаракатидан, ҳар бир қилиғидан нуксон топади. Оқибатда эса, келиннинг бардоши тугаб, катта можаролар бошланади.

Энди ўзингиз тасаввур қилиб кўринг. Ана шу кўзингизга мўлтираб, илиги қалтираб турган жувон – ўзга бир ота-онанинг ўн саккиз (ёки йигирма) йил мобайнида авайлаб, еру кўкка ишонмай вояга етган суюкли қизи. Улар қизларининг шаъни, иффатини асраш, яхши тарбия бериш, одоб ахлоқини ўнглаш, рўзгор ишларига ўргатиш учун қанча оромидан кечган. “Ўқсийди”, “Бировнинг хасми”, “Уйда меҳмон”... деб ҳатто қаттиқ гапирмаган, тергамаган. Сизнинг “Қудачилик – минг йилчилик, ўз қизимдек кўраман”, деган ваъдаларингизга ишониб, қалбининг бир парчасини сизга қўшқўллаб тутган.

18 яшар қиз ҳали тажрибасиз, ғўр, ҳаётнинг паст-баландини билмайди. Эҳтимол, катталарни ҳурмат қилишни ҳам етарли даражада ўрганмагандир. Хонадонингизда йиллар мобайнида таркиб топган тартиб-қоидаларни, анъаналарни балки ҳали тушуниб етмагандир? Оила аъзоларининг табиатини етарли ўрганолмагани сабабли кўнгилларига йўл тополмаётгандир. Шундай экан, нега сиз бағрикенглик қилиб, раҳм-шафқат кўрсатиб, яхши гапириб, алқаб ва ҳатто салгина алдаб, айланиб-ўргилиб йўлингизга сололмайсиз?

Хўп, у хато қилибди, адашибди. Бирор юмушни сиз айтгандай, сиз хоҳлагандай қилмабди. Бундан қиёмат қоим бўлмагандир? Ахир сиз ҳам қирққа (элликка ёки олтмишга) кириб энди тажриба орттирдингиз, ҳозирги ақлингизни топдингиз. Шундай экан, унга ҳам ўргатинг, насиҳат қилинг, ҳолатига тушунинг, йўлингизга солинг (Аҳмад Муҳаммад).

* * *

Келининг ёмон бўлса – ўғлингдан кўр,
Куёвинг ёмон бўлса – қизингдан кўр.

Хар иккала ҳолда ҳам ота ва она айбдор ҳисобланади. Чунки улар яхши тарбия беришмаган. Куёвнинг келинга, келиннинг эса куёвга муносабати ҳақида ибрат дарсини бера олмаганлар. Оила мустаҳкамлиги икки томонлама севги, ҳурмат-эҳтиромга таянади. Оналар бу борада янада ҳассослик кўрсатишлари керак. Хотин эрини ҳурмат қилмас экан, вақт ўтиб, бола ҳам отанинг ҳурмати-ни жойига қўймайди. Сўнг онага ҳам ҳурматсизлик кўрсата бошлайди ва шўрлик она азият, хўрлик жабрини тортишга маҳкум бўлади. Ўғил онани ҳурмат қилмас экан, келин унинг изидан юра бошлайди.

* * *

Келинингиз кўзингизга балодек кўринаётган дамда, унга заҳарли сўз ўқлаган сочаётганингизда, уни ўғлингизга ёмонлаётганингизда бултур куёвга узатган қизингиз ҳам қайнонасининг кўзига балодек кўриниши, қайнона сизнинг суюкли фарзандингиздан норози бўлиб, унинг боши узра заҳарли сўзлар ёмғини ёғдириши, ўғлига ёмонлаши мумкинлигини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? “Менинг қизим ҳам ўзга хонадонда қийналаётгандир ёки хўрланаётгандир?” – деган ўй онгингизни бир ёритиб ўтмаганми?

* * *

Келин билан ўғлингизнинг муносабатлари биринчи кунданоқ самимий бўлишига ҳаракат қилинг. Келинга ўғилни, ўғилга келинни мақтайверинг. Бир-бирларининг устидан асло шикоят қилманг. Фарзандларингиз олдида келиннинг шаъни ва обрўсини кўтаришга ҳаракат қилинг, чунки оилада бошқаларнинг келинга муомаласи сизнинг муносабатингизга қараб бўлади.

* * *

Оилада биринчи келишмовчилик қайнона ва келин орасида чиқиши исбот талаб этилмайдиган ҳақиқат. Сўнг қайин эгачи – келин, кейинроқ қайин сингил – келин ораларида, юмшоқроқ қилиб айтилганда, ғишава бошланади. Афсуски, кўп ҳолларда бу баҳслар биринчи томон ҳисобига ҳал этилади. “Афсуски” дейишим бежиз эмас. Адолат тарозиси бузилгач, гўзал бир оила қасрига дарз кетади. Севиш, ардоқлашни ўрганаётган икки ёшни бир-бирига ишончсизлик кўзи билан қарашга, ҳатто нафратланишга ўргатиш бошланади. Бундай номаъқул ишдан атрофдагилар афсусланишади. Қайнона-чи? Бу афсусли ишда ўзининг ҳиссаси борлигини тан оладими?

* * *

Оила мўъжазгина бир жамиятчадир, бутун инсоният жамиятининг дахлсизлиги ҳам унинг жипслигига боғлиқ. Агар 3-4 келинга қайнона бўлиш саодати сизга насиб этган бўлса, шунга яраша ташвиш ҳам берилади. Сиз оқила аёлсиз, келинларингизни ўз қизингиздек яхши кўрасиз, уларнинг кўнгиллари оғритмайсиз. Келинлар ҳам сизни эъозлашади. Лекин... овсинлар тотув эмас. Овсинларнинг тотув бўлиши – камдан-кам учрайдиган ноёб ҳодиса. Овсинларнинг ўзаро келишмовчилиги кундошларнинг нафратидан ҳам ёмонроқдир. Кундош билан олишувда хотин эрини тортиб олиши, унга ёлғиз ўзи эгалик қилиши мумкин. Овсиндан эса қутулишнинг иложи йўқ. Бир дастурхон атрофида таом есалар-да, қалблари бир-бирларига яқинлашмайди. Сизнинг ҳузурингизда бир-бирларига жилмайиб қарашлари мумкин. Лекин юракларини ҳасад

ўти ёндириб туради. Сиз бу ҳолатни билиб турасиз, аммо ислоҳ қилишингиз қийин. Овсинлар бир-бирларининг устларидан мағзава ағдармасалар-да, чақимчилик қилиб турадилар. Шунга эҳтиёт бўлинг. Бу иллатни ўз ўрнида, ўз вақтида янчишга ҳаракат қилинг. Овсинларнинг бир-бирларини ёмонлайдиган гапларини эшитмагандай бўлсангиз, иллатни тўла йўқотолмайсиз. Бир келин иккинчисини ёмонлай бошлаши билан, гапини шарт бўлиб, бу иллатнинг катта гуноҳ эканини тушунтиринг. Шундай гапирингки, келин иккинчи бор бу қилиқни қилмасин.

Уч келиннинг барчасини бир хилда яхши кўриш мумкин эмас. Қайси биринидир қайсидир фазилати учун бошқалардиан кўра аълороқ биласиз. Мана шундан эҳтиёт бўлинг. Сизнинг бир хил муносабатда бўлмаслигингиз келинлар орасидаги ички нифокни кучайтиради. Агар бу нифок нафратга айланса, сиз уларни бошқаролмай қоласиз.

Ҳарбий хизматга хос бир иллат бор: хизматга аввалроқ келганлар кейин келганлар устидан ҳукмронлик қиладилар. Ёшларни истаганча ҳақорат қиладилар, хўрлайдилар. Бу ҳукмронлик оқибатида баъзан турли жиноятлар ҳам содир этилади. Шунга ўхшаш ҳолат ҳар бир оилада учрайди. Акалар ва опалар укалар устидан мутлақ ҳукмронлик қилишни истайдилар. Ўзларига буюрилган ишни кичиклар зиммасига юклайдилар. Бўйсунмасалар, калтаклайдилар. Оилада шундай тарбия топган қизлар овсинлари устидан ҳукмронлик қилишни истамайдиларми? Иккинчи келин келиши билан биринчиси шу пайтгача қилиб юрган хизматларини унга юклайди: “Шунча хизмат қилганим етар, энди у ҳам эгилсин!” Учинчи келин келгач, биринчи ва иккинчилар бирлашадилар. Фикр ўша-ўша: “Шунча хизмат қилганимиз етар, энди у ҳам эгилсин!” Агар ўнинчи келин келса ҳам ҳолат ўзгармайди. Бир келинга тўққиз овсин ҳукмрон!

Бу ҳукмронликка йўл қўймаслик қайнонанинг доно гапларига, тадбирларига ва зийрак назоратига боғлиқ. Кейинги келин келмай туриб, ҳатто тўй ҳаракатлари бошланмай туриб, қайнона каттасига (катталарига): “Сиз менинг суюкли қизимсиз, энди келадиган келин ҳам қизим бўлади. Сиз овсин эмас, меҳрибон опа бўлсангиз, бизларга ҳам, Худога ҳам ёқадиган иш қилган бўласиз. Мен сизга меҳрибон она бўлишга ҳаракат қилдим. Сиз ҳам меҳрибон опа бўлишга интилинг. Хато-камчиликларга йўл қўйган пайтида иккаламиз биргаликда тушунтирамиз, ўргатамиз. Билиб қўйинг: сизнинг ҳам, бўлажак овсингингизнинг ҳам оёғига тикан кирар бўлса, менинг вужудим азоб чекади. Агар бир-бировларингиз билан чиқиша олмасларингиз, гап талашсаларингиз, ҳасад қилсаларингиз, чақимчиликдан тийилмасаларингиз юрагимни қийма-қийма қилиб юборган бўласизлар”, деб қайта-қайта тушунтиринг. Тўйдан кейинги дастлабки кунлариёқ келинларингизни юзма-юз ўтқизиб, аҳиллик ҳақида насиҳатлар қилинг. Хонадоннинг баракаси, ҳаловати уларнинг иноқликларига боғлиқ эканини тушунтиринг. Бир-бирини ёмон кўрган келинларнинг бу дунёда бахтли бўла олмасликларини таъкидланг. Сизнинг насиҳатларингизни англаганларидан кейин бир-бирлари билан опа-сингил бўлишга аҳд қилишсин. Бу маросим худди никоҳ аҳдига ўхшасин: куёв ва келин бир-бирлари билан тотув умр кечиришга Аллоҳ ҳузурида аҳд қилганлари каби овсинлар ҳам ўзига хос қасам ичишсин. Бу тадбирингизда эрингиз – қайнота ва ўғилларингиз ҳам иштирок этишса, янада яхши. Кейинчалик овсинлар орасида бирон гап чиқса, уларга бу қасамни эслатиб турунг ва денгки: “Сизларнинг аҳдларингизга Худо гувоҳ бўлган. Қасам бузилганида Аллоҳнинг ғазаби келади. Мени назарга ил-

масангиз, қайнотангизни ҳурмат қилмасангиз, эрларингиздан уялмасангиз – ўзингиз биласиз. Лекин Худонинг ғазабига учраб, жазо олишдан қўрқмайсизларми?”

Ўзингизга маълум, овсинларнинг ўзаро низолари тилларидан учган ёқимсиз бир сўздан бошланади. Бир қиз уйда тил офатларидан сақланишга доир етарли тарбия олган бўлса, иккинчиси тилга эътиборсиз равишда улғайган. Шу икки қиз овсин бўлгач, уларнинг ўзаро чиройли муомала қилишларини тасаввур этиш осонмас.

Чун синса кўнгул захми забон оғриғидин –
Ким, эрмас анинг оғриғи жон оғриғидин,
Ҳар неки санга етар лисон оғриғидин,
Билгилки, қатикдурур синон оғриғидин (Алишер Навоий).

(Агар кўнгул тил захмидан оғриси, унинг оғриғи жон оғриғидан кам эмас. Сенга тил туфайли кўнгул жароҳати етса, билгинки, унинг оғриғи найза оғриғидан қаттиқроқдир.)

* * *

Ардоқли қайнонажонлар, ҳаётда кўриб турибсиз, келинларнинг бири серғайрат бўлса, иккинчиси имиллаб ҳаракат қилади. Балки ғайратлисининг иши чалароқдир, имиллагани эса ишни пухта қилиши мумкин. Сизга униси ҳам, буниси ҳам ёқмайди, тўғрими? Лекин иккови ҳам касаллик эмас. Секин ҳаракат қиладиган келинни ялқовликда айблаб, турткилайверсангиз, ўчакишиб, ростданам дангасаликни касб қилиб олади. Шунинг учун ҳар икки ҳолда ҳам уларни ширин сўзларингиз билан йўлга солинг. Тез ҳаракат қиладиган келинни батартиб ишлашга ўргатиш осонроқ. Лекин имиллайдиганини тезлатишингиз қийинроқ бўлади. Демак, бу борада сиздан сабр талаб қилинади.

Баъзи хонадонлар икки ёки уч-тўрт келин тушириш бахтига муяссар бўлганлар. Келинлар ўзаро иттифоқликда яшаётган бўлсалар, бу қайнонанинг хизмати ва шу хайрли хизмати эвазига эришган саодати. Айрим қайноналар атайин эмас, ўзлари билмаган ҳолда келинлар орасидаги яхши муносабатни бузиб қўядилар. Баъзилари ўзига яқин олган келин билан ўтириб, бошқаларини ғийбат қилади, бирини иккинчисига ёмонлайди. Бу ниҳоятда ёмон одат. Айрим қайноналар эса бир келиннинг хизматини иккинчисига таққослайди. “Фалончи овсинингизга ўхшаб чаққон-чаққон ҳаракат қилсангиз бўлмайдими?” деб қўядилар. Бунақа гапни кўпчилик орасида ҳам айтиб юборадилар. Фақат келинлар эмас, куёвлар ҳам бир-бирига таққосланса камситилган томоннинг кўнгли оғрийди. “Хизматни чаққон келин қилаверсин”, деб ўчакиша бошлайди. Келиннинг хизматига баҳо беришда, чаққонликка ўргатишда бировдан ўрнатилишга даъват этмай, “Жон қизим, дард кўрманг, онангиз барака топсинлар, ҳамма ишларингиз ажойиб, фақат тезроқ бажарсангиз, ўзингизга ҳам яхши...” деганга ўхшаш ширин гаплар билан тарбия қилсангиз, муддаога етишингиз шубҳасиз. Келинга хонадондаги барчанинг бири олиб, бири қўйиб иш ўргатавериши ҳам яхши эмас. Ақл ўргатувчиси кўп бўлган ишдан фойда чиқмайди.

* * *

Қайноналарнинг спиртли ичимликлар ичиши. Сигарет тутатиши бизда кам учрайдиган ҳолат. Европаликларда қайнона-келиннинг қадах уриштириб ичи-

ши, чекиши одатий манзара. Бизда эса ниҳоят даражадаги шармандали, кечириб бўлмайдиган хол! Шунга қарамай, зиёфат дастурхони атрофида ичадиган аёлларни учратиш мумкин. Умид шуки, сиз ундайлардан эмассиз. Агар даврадагиларнинг кўнгли учун бир-икки култур ичса зарари йўқ, дейдиганлардан бўлсангиз, бу ёмонликдан дарров қайтинг. Тўйга ёки қариндошларникига борганингизда дастурхонга спиртли ичимлик қўйилган бўлса, келинингизни бу ердан нари қилиш чорасини топинг. Агар келинингиз сизни бир култур ичганингизни кўрса ҳам, кейин “Келиним мени ҳурмат қилмайди”, деб нолиманг. Айб келинингизда эмас. Бу ҳурматсизликни ўзингиз арзон-гаровга сотиб олгансиз. Бу ҳурматни тиклаш ниҳоятда қийин бўлади, шу боис нафсингизни тийинг, аввало ўзингизни тарбия қилинг, қадамингизни билиб босинг.

Ўзбекистон телевидениесининг дастлабки дикторларидан бири Насиба опа Иброхимова қизиқ бир воқеани айтиб берган эдилар. Хориждан келган аёллар оёқларини чалиштириб олиб лабларига сигарет кистириб, Насиба опага ҳам узатишибди. Улар бу ишларини маданиятдан ҳисоблашади. Чекмайдиган ўзбек аёлини эса қоқ дейишлари мумкинлигини эътиборга олиб, опа “Чекмайман, яқинда ташладим”, дегач, улар “Жуда иродали аёл экансиз, биз шунча уринсак ҳам ташлай олмаяпмиз”, деб опани улуғлаган эканлар.

Туркияга иккинчи сафарим муборак Рамазон ойига тўғри келди. Икки ҳафта давомида байрам шукуҳидан руҳим қувватланди. Деярли ҳар куни бирон ташкилот ходимлари билан бирга ифторлик қилардик. Шундай ифторликлардан бири турк зиёлилари иштирокида бўлди. Катта ресторанда ўтирдик. Тўрт кишига мўлжалланган стол атрофида мен, дўстим яна туркиялик эр-хотин олимлар жой олдик. Ифтор вақти келиб, тамадди қилиб олгач, рестораннинг бир қисмига тўшалган жойнамоzgа ўтиб, шом намозини ўқиб қайтдик. Қарасам, эр шарбат ичяпти, хотин эса сигарет тутатяпти. Менинг қарашимдаги норозиликни сезган профессор сўз бошлади:

– Мен юртингизда бўлганман, сизларда аёлларнинг чекиши ғоят айб саналур. Бизда эса ундай эмас. Сигарет чекиш (турклар “ичиш” дейишади) одобсизлик эмас. Мен чекмайман, хонимим, кўриб турганингиздек чекади, иккаламиз ҳам рўза тутамиз, ибодатни канда қилмаймиз.

Туркларда аёлларнинг чекиши одобсизлик саналмаса ҳам, бизда уят ҳисобланади. Туркияга йўл очилгач, аёлларимиз бу юртга кўп-кўп бориб-келишяпти. Турк аёлларидан биринчи ўрганганлари – сочларини сариқ рангга бўяш бўлди. Шоирлар асрлар бўйи қора қош, қора кўз, қора соч қизларни мадҳ этиб, шарафлаб шеърлар ёзишган. Ҳозирги шоирларимиз нечундир қора кўз, аммо малла соч хонимларга атаб шеър ёзишмайди, шуниси ажабланарли. Мен аёлларнинг диди билан баҳслаша олмайман, лекин бугун сочни сариққа бўяб олишни ўрганганлар эртага турк аёлларидан чекишни ҳам ўрганиб олишмаса эди, деб чўчийман. Бу хавотирим бежиз эмас, яқинда каминага қаҳвахонада оёқларини чалиштириб ўтириб, чилим чекаётган қизларнинг фотосуратларини кўрсатишди. Уларнинг айримлари қайсидир оиланинг келинидир, бошқалари ҳадемай келинлик сарпосини киядилар...

Аслида чекиш аёлларгагина эмас, эрлар учун ҳам тақиқланган.

Туркиянинг қадимий пойтахти Бурса шаҳридаги масжидда таровиҳ намозини ўқидик. Намоздан кейин имом-хатиб билан суҳбатлашиш учун унинг хонасига кирдик. Бизга қаҳва келтирдилар. У эса чекиб, кулимсиради:

– Ўтган йили мен Тошкентдаги масжидда таровиҳ намозида хатми қуръон

қилдим. Намоздан кейин чекаётсам, тўрт-беш қария келиб мендан ранжишди. “Ранжишди”, деб юмшоқ айтяпман. Аслида ғазабландилар ва дедиларки: “Биз кашанда имомга иқтидо қилмаймиз, унинг ортида туриб намоз ўқимаймиз”. Шундан сўнг бир ой чекмай юришга мажбур бўлдим. Шу баҳонада ташлаб юборарман, деб умид қилиб эдим, Туркияга қайтгач, иродам заифлик қилди. Тошкентлик чолларни тез-тез эслаб тураман, ҳар эслаганимда чекишни ташлашга аҳд қиламан, лекин... кўриб турганингиздай...

Гиёҳвандлик ва майхўрлик диний томондан тақиқланган – ҳаром қилинган. Кашандалик очик тақиқланмаган бўлса-да, берилган улуғ неъмат – саломатликка зарари борлиги учун ҳам ҳаромдир, десак бўлади. Муҳтарам уламоларимиз нифоқ чиқмасин, дебми, бу ҳақда узил-кесил фатво бермайдилар. Лекин туркманларнинг улуғ шоири Махтумқули ҳазратда аниқ фикр билдирилган:

Қуръон ичра хабар берди, билинг, дўстлар,
 “Кашанданинг жойи дўзах бўлар эмиш”...
 Биров айтса: “Нос, чилимнинг гуноҳи йўқ”,
 Уммат эмас, бундай одам бўлар махлуқ...
 Расул деди: “Ҳазар айланг кашандадан,
 Яқинлашманг, бало юқар у бандадан,
 Ўзи тортар жазосини бу зормандадан,
 Юзин кўрманг, жойи дўзах бўлар эмиш...”

Бу сатрларга изоҳнинг ҳожати йўқдир. Сигарет, сигара, папирос, чилим – буларнинг барчаси айниқса ёшлар саломатлиги учун хатарлидир. Бу балолардан аввало катталар қутулиб олишлари, сўнггра эса ёшларни ҳимоя қилишлари шарт. Гиёҳвандлик ҳаётни тезлик билан қисқартирса, кашандалик аста-секинлик билан таъсир қиладиган заҳардир. Ўпка, нафас йўли, оғиз бўшлиғида уйғониб, оқибат ўлим билан якунланадиган саратон касаллигига кашандалик сабаб эканини ҳамма билади. Аммо билса-да, ўзини тўхтата олмайди. Айниқса бола чоғида ўрганиб қолганларнинг аҳволи оғир: ташлагиси келади, лекин иродаси заифлик қилади.

Педагогика университетиде аянчли манзарага гувоҳ бўлдим. Танаффусга чиққан қизлар ҳовлида сигарет тутата бошладилар. Уларга ҳеч ким танбеҳ бермади. Диққат қияпсизми, бу манзара Педагогика университетиде бўляпти! Бир йилми ё икки йилданми кейин бу кашанда қизлар мактабларга бориб ўқитувчилик қиладилар. Тошкентнинг қоқ марказида бир мактаб бор, кўп ўқувчиларни машинада олиб келиб қўйишади. Демак, бу ерда хос оилаларнинг фарзандлари ўқийдилар. Бир куни дарс тугаган пайтда мактаб яқинидан ўтиб қолдим. 14-15 ёшли ўқувчилар кўчага чиқиб, бир-бирларини сигарет билан меҳмон қилдилар. Янада афсуски, булар орасида ҳам қизлар бор. Авваллари мактаб ўқувчилари муаллимлардан кўрқардилар, ҳожатхонага кириб, беркитиб чекардилар. Энди кўрқув кўтарилибди шекилли...

* * *

Сиз ифбатли, оқила аёлсиз. Пок номингизга гард юқтирмаслик чораларини кўриб юрасиз. Қайнота ва келин орасидаги шармандали ҳолатлар ҳақида сўз юритдим. Қайнона ва куёв орасида ҳам “ишқ-муҳаббат” борлиги ҳақида балки эшитгандирсиз. Қайнота-келин яқинлигида кўпроқ келин, қайнона-куёв муносабатида эса кўпроқ қайнона айбланади. Бундай айблов адолатсизликдир.

Яқинликка интилиш қайси томондан бошланганидан қатъи назар, барчалари бир хилда гуноҳкорлар ва Қиёмат кундаги жазолари ҳам бир хилда бўлади. Агар шариат ҳукми билан жазога тортиш мумкин бўлганида барчалари белгача ерга қўмилиб, сўнг тошбўрон қилинарди. Дунёвий қонунчилигимизда бу бузуқликлар учун жазо йўқ. Фақат эл аро шарманда бўлиш бор. Мана шу шармандалик дўзах азобларига ҳукм қилинганлигидан далолатдир.

Европада қайнона-куёв зиддияти кўп тарқалган. Айни чоқда қайнона-куёв ишқ-мухаббати ҳам тез-тез учрайди. Бу ҳақда бадиий адабиётларда ўқиганмиз, кинофильмларида ҳам кўрганмиз. Улар ёлғонни ёзишмайди, кўрсатишмайди. Николай Гоголнинг “Ревизор” асарини эслайлик. Қайнота-келин муносабатида бузуқликнинг бошланишига асосан қайнотанинг ҳайвоний нафси сабаб бўлса, қайнона-куёв муносабатида нафсдан ташқари куёвнинг моддий манфаатлари зоҳир бўлади. Куёв қайнонанинг бузуқлигидан ўз мақсадларида фойдалана бошлайди. Етарли моддий таъминотга ёки юқори амалга етишиб олгач, қайнонани ҳам, хотинини ҳам ташлайди.

Бундай шармандали ҳолат бизнинг жамиятимизда йўқ, деб ишонгим келади. Лекин бу борада мишмишлар, иғволар бор. Покиза қайноналаримиз шундан эҳтиёт бўлишлари керак. Қайнона билан куёв тижорат мақсадида хорижга бориб келишарди. Ораларида ишқий муносабат пайдо бўлганми ё йўқми – бизга қоронғи. Лекин гап-сўзлар бор эди. Бир қиз узатиб, бир ўғил уйлантирган эр-хотин оқибатда ажралишди. Кўп йиллик тотув оила барбод бўлди.

“Куёвни пайғамбарлар сийлашган”, деган ҳикматга амал қилиб, бизнинг қайноналаримиз куёвларини ўз ўғилларидан ҳам аълороқ кўрадилар. Ҳурматини жойига қўядилар. Мақсад аниқ – қизларининг тақдирини ўйлаб, куёвларини ҳурмат қиладилар. Қайнота ва қайнонадан ҳурмат кўрмаган куёв хотинига қандай муносабатда бўлиши мумкин?

Куёвни ҳурмат қилишда меъёрни билиш керак. Қайнона ҳаддан ташқари яқинлашса, бемаъни мишмишларнинг уйғонишига ўзи сабаб яратиб берган бўлади. Қариндошларнинг даврасидами ё бошқа жойдами қайнота келин ёнида, қайнона куёв ёнида ўтирмаганлари маъқул. Қайнота “олинг-олинг”, деб келинга, қайнона эса куёвга ортиқча илтифот қилавермасин.

Куёвнинг илтимосларига, талабларига жиддий эътибор қаратиш лозим. Илтимос ва талабларнинг кети узилмаса, оддийдан мураккабга қараб бораверса, чора қўриш керак.

* * *

Келинингиз билан гап талашиб қолар бўлсангиз, “Мен ҳам келин бўлганман, қайнонамнинг кўзига тик қарамас эдим” каби гапларни гапирманг. Сиз келин бўлган давр бошқа, муҳит бошқа эди. Сиз яхши келин бўлганмисиз, демак, қайнонангиз ҳам яхши қайнона бўлган эканлар. Энди сиз яхши қайнона бўлинг, келинингиз шунда энг яхши келин бўла олади.

* * *

Тўйдан аввалги ҳаётингизда эрингиз билан гап талашишга ўрганиб қолган бўлсангиз, энди бу иллатдан тезлик билан қутулиш ҳаракатида бўлинг. Келинингиз ҳузурида эрингизга сира-сира гап қайтарманг. Аввалгидан ҳам кўпроқ иззат қилинг. Келин жанжалкаш хотиндан эмас, эрини бағоят ҳурмат қилувчи солиҳа қайнонадан ибрат оладиган бўлсин.

Меҳмон аёл мезбоннинг ёнида ўтирган ўғлини мақтай туриб, “Бу йил мактабга чиқса, ҳаракатингизни бошлайверинг, йиллар тез ўтади, ўғлингиз ҳадемай куёвтўра бўлади”, – деди. “Илоҳи айтганингиз келсин, боламнинг ўсаётганини кўриб, “Келин туширсам, қандай қайнона бўлар эканман?” – деб ўйланиб қоламан”, – деди мезбон. “Худо хоҳласа, энг яхши қайнона бўласиз”, деди меҳмон. Шу онда, ҳеч қутилмаганда олти ёшли ўғил гапга аралашди: “Ёмон қайнона бўласиз”. Бу гапдан аёллар ҳангу манг бўлиб қолишди. “Нега унақа деяпсан, болажон, аянг яхши қайнона бўладилар”, – деди меҳмон. “Йўқ, – деди бола ўжарлик билан. – Адам билан ҳар куни уришадилар, менгаям ҳадеб бақираверадилар. Келин келса, унга ҳам бақирадилар. Бақирадиган ая яхши бўлмайди...”

Бу тўқилган воқеа эмас. Катталар ўзаро уришаверадилар, бақираверадилар-у, ўзларининг бу қилиқларини фарзандлари қандай баҳолаётганларини ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Олти ёшли боланинг гапи шунчаки ўткинчи эмас. У онасининг хулқини жуда тўғри баҳолаган. Фарзандларининг ҳузурида жанжаллашадиган ота-оналар ўз қилмишларига бола назари билан қараб, тўғри хулоса чиқарсалар, ўзларини ислоҳ қилсалар, “Энг яхши қайнона (қайнота)” шарафига етишлари шубҳасиздир.

* * *

Келинингиз ошхонада идиш-товоқ юваётиб эҳтиётсизлиги натижасида бир пиёлани синдирди. Ғашингиз келди-ю, индамадингиз. Эртасига коса синди, кейин чиройли лаган... Ана шунда ўзингизни тутиб туrolмай келинга заҳарли гап айтдингиз. Келинга гапингиз малол келиб, шашт билан уйга кирди-да, сепи билан келган пиёла, коса, лагандан олиб чиқиб қаршингизга қўйди. Масала шу билан ҳал бўла қолса кошкийди! Энди тил замбараклари ишга тушиб, қалб чинилари бир-бир сина бошлайди. Қалб чинниси синганида сепдаги чинни билан алмаштириб бўлмайди...

Қайнонажон, диққат қилинг-а: келин косани эҳтиётсизлиги туфайли қўлидан тушиб юбориб синдирдими ё кимгадир аччиқ қилиб, ғазаб билан уриб синдирдими? Биринчи ҳолат кечирилиш керак. Иккинчи ҳолат юзасидан жиддий тарбиявий иш бошлаш шарт. Агар тарбияга доир ҳаракатлар зое кетаверса, келин “тарс-турс”ини давом эттираверса, унинг баҳридан ўтишдан ўзга чора йўқ. Оиланинг бузилишидан ҳосил бўладиган гуноҳлар унинг зиммасига тушади.

Биринчи ҳолатга қайтсак, эслаб кўринг-чи, ўзингиз келинлик пайтида ҳеч нима синдирмаганмисиз? Бугун куёвга узатган қизингиз эрнинг уйида лаган синдириб қўймадимикин? Идиш-товоқ синиб турмайдиган хонадон йўқ. Шу хонадонда яшовчи ҳар бир киши ҳеч бўлмаса биттадан пиёла синдиргандир. Агар синиб турмаса, чинни корхоналарининг иши тўхтаб қолармиди... Ўзбек хонадонларида бу масала осонлик билан ҳал қилинган: нима синса ёки куйса ёки ишдан чиқса куйинмаганлар, аксинча: “Келган боло-қазо шунга урсин”, деб дуо қилганлар.

* * *

Оила осмонида саодат қуёши порлаб туриши учун, қайнонажонлар, сизлардан ҳам сабр талаб этилади. Чунки ўз оиласи доирасида комил хулққа эришган қиз ҳам сизнинг талабларингизга жавоб бера олмаслиги мумкин. Ўнлаб чиройли фазилатлари бўлса-да, сабзи тўғраши ғашингизни келтиргани учун ўзингиз

истамаган тарзда ғалва чиқариб қўйганингизни сезмай ҳам қоласиз. Ўзингиз совчи бўлиб борган хонадон аввалига рисоладагидай туюлган, тўғрими? Кейин эса... Аввалига қанчалик даражада махлиё бўлган эдингиз, энди ундан-да кўпроқ даражада сабрли бўлишингиз талаб этилади. Бугун остонангизни чиройли салом билан босиб ўтган қиз эртагаёқ барча талабларингизга тўла жавоб бера олувчи келинга айлана олмайди. Ҳатто айрим талабларингизга мутлақо мослаша олмаслиги ҳам мумкин. Ёшлигингизни эсланг, ўзингиз ҳам шундай бўлгансиз. Албатта, сизга хос сабрнинг ҳам чегараси мавжуд. Орасталикка доир камчилигига барҳам беришини сабр билан кутиш мумкиндир. Лекин уйига гап ташийверса, бу борадаги танбеҳларга парво қилмаса, қайнона “дард!” деганда у “бало!” деб чакчайганича гап қайтариб турса, бу ахлоқсизликка узоқ чидаб бўлмайди. Бу ёмон хулқ касаллигини сабр билан даволаш қийин. Ўзга чораларни қўллаш зарурати туғилади.

Агар келинингиз сабрлилардан бўлса, демак, Аллоҳ сизга зўр марҳамат кўрсатибди. Аллоҳ сабрли қайноналарга сабрли келинларни раво кўради. Демак, сиз қайнонангизнинг дуоларини олган экансиз. Келинлик йилларингизда сабр бобида зиммангизда нечоғли масъулият бўлган бўлса, эндиги масъулиятингиз икки баравар ошди. Эрингизнинг инжиқликлари ёки қўполликларига чидашда давом этганингиз ҳолда энди келинпошшанинг эркаликларига, хизматда ва муомалада йўл қўяётган хато-камчиликларга ҳам сабр қиласиз.

Қувватли ва зўр киши ниҳоятсиз ғазабнок бўлиб, бир катта тош олиб биродарини урмоққа қасд қилганини кўриб турган донишманд «Не сабабдин бу одам ғазабдадир?» – деб сўрабди. Жавоб берибдиларки: «Фалон киши бир сўз айтиб унга дашном бериб эди, шу сўзи ёқмади». Донишманд бундан ҳайрон бўлиб: “Ажаб ҳолдирки, бу одам оғир тошни кўтаришга қувват топибди, бир сўзни кўтаришга эса тоқати йўқ эканми?” – деган экан.

“Келиннинг барча қилиқларига сабр қилиш” – унинг барча хатоларидан кўз юмиб яшаш деган гап эмас. Сабр – энг яхши тарбия усули. Ахир бир ниҳол эксангиз, уни сабр ила парвариш этасиз, ширин мева беришини йиллар бўйи кутасиз-ку? Келинингизнинг хатосини кўрасиз, унга насихат қиласиз. Келин хулқидаги камчилигини эртагаёқ тузата олмайди. Бунинг учун фурсат керак. Айниқса, қизлик уйда эринчоқлик касалига эътибор берилмаган бўлинса, бу касалликнинг муолажаси осон кечмайди. Шошқалоқ, пала-партиш келинни тарбиялашингиз мумкин. Лекин имиллаб иш қилувчини серғайрат қила олмасангиз керак (Такрор айтаётганим учун узр). Секин қимирласа ҳам, ишни пухта, озода бажарса бас. Шу боис “Имиллаяпти”, деб сиқилаверманг, ҳадеб дашном бераверманг. Лекин ишдан қочиб, турли баҳоналар билан ётиб олаверса, танбеҳ беришдан чарчаманг.

* * *

Набираларингизга танбеҳ беришда, уришишда тилингизга эҳтиёт бўлинг. Набиранинг камчилигини айтишда келиннинг хатоларини тилга олманг. “Онангга ўхшаб сен ҳам идиш-товоқни чала ювяпсан” ёки “Онангга ўхшамай қуриб кетгин”, деганга ўхшаган гапларни ҳатто хаёлингизга ҳам келтирманг. Агар бундай бемаъни гаплардан ўзингизни тия олмасангиз, билингки, сиз набиранингизни уришмаяпсиз, аслида келинингизни ҳақорат қияпсиз. Ўзингиз тилингиздан заҳар сочиб турганингиз ҳолда келиндан ҳурмат талаб қилишингиз ақлга тўғри келмайди.

* * *

Қайнонажон, биламан, ёшлар билан тил топишиш қийин. Кўп йиллар давомида уйингизда ўзингиз ўрнатган ўз тартибингиз, ўз интизомингиз бор. Бошқа тартиб ва интизом муҳотида тарбия топган келинингиз сизнинг талабларингизни бирданига қойилмақом қилиб бажаролмайди. Бажаролмаса-ю, лекин кўнглингизни олишга интилса, камчиликларини дарров тан олса, бу сизнинг бахтингиз. Бажаролмаса-ю, бажаришга интилмаса – бу сизнинг бош оғригингиз. Бош оғриганда калла узиб ташланмайди, балки даволаш чораси қўрилади. Баъзан бош оғриғи бир-икки ҳафдори ичиш билан шифо топади. Баъзан эса узок давом этадиган муолажа лозим бўлади. Бу муолажаларнинг асосийси сабр бўлса, кейингиси кечиримли бўлиш. Келиннинг беихтиёр йўл қўяётган камчиликларини, айбларини кечириш кўпам қийин эмас. Лекин у сизни очиқчасига беҳурмат қила бошласа, айтганингизнинг тескарасини қилаверса – чораси қийин. Аҳволингизга тушунаман: дардни ичга ютавериш ҳам осон эмас. Лекин ўғлингизнинг, набираларингизнинг бахтини, келажагини ўйлаб кечираверасиз. Лекин... беморга дори-дармонлар эм бўлмаса, жарроҳнинг амалиётига эҳтиёж сезилади. Оила муносабатидаги “жарроҳлик амалиёти” – қўйди-чикди жараёнининг бошланиши. Сиз ақлли, доно аёлсиз, эҳтимол сўнгги чора йўлини тўсишга ўзингизда куч топа оларсиз? Сабр чегарасини яна озгина кенгайтира оларсиз, кечиримлилиқ денгизини яна озгина чуқурлаштира оларсиз? Бу йўлда сизга Аллоҳ мадодкор бўлиб, келинингизга Ўзи инсоф бергай, омийн!

Таврунгда гунаҳ кечурмокин мавжуд эт,
Суд қилибон бу навъ беҳад суд эт,
Эл ғуссасини сингурмокин мақсуд эт,
Бу шева била оқибатинг маҳмуд эт (Алишер Навоий).

(Кишилар гуноҳини кечирмоқни одат қил, кишиларга фойда етказиб, ўзингиз ҳам фойда кўр. Эл ташвишини кеткизмоқни мақсад қилгил ва шу ишинг билан мақтовга сазовор бўлгин.)

* * *

Ҳамиша умид билан яшанг. Сабрсизлик сизни қийнай бошласа, сизга умид ёрдамга келади. Мавлоно Румий: «Умид – ишонч йўлининг боши», деганлар. Сиз эса... баъзан ўзингиз билмаган ҳолда умидсизлик қилиб қўясиз: Саккиз ёшли фарзандингизни мақтаб, «Ўғлингиз дастёр бўлиб қолибди, ҳадемай ёнингизга кириб қолади, яхши хизматларда ишлаб, сизга автомашина олиб беради...» дейишса, сизни шунда шайтон чалғитиб, жавоб берасизки: «Ўҳ-хў, ҳали унга неча йил бор. Унгача ким бору ким йўқ». Бунинг ўрнига: «Иншааллоҳ, айтганингиз келсин, Аллоҳдан умидим ҳам шудир», десангиз гўзалроқ эмасми? Донолар деганларки, ҳеч қайси табиб толиққан вужуд ва азоб чеккан қалб учун умидчалиқ дорини топиб бера олмайди. Умидсиз қалб – эгасиз хувиллаб қолган ҳовлига ўхшайди. Умидсиз юрак тарс ёрилиб кетиши мумкин, дейдиларки, у юракнинг ёрилиб кетмаслиги учун қалқондир.

Энди бир ҳикоят билан танишинг: кекса ёшли бир отахон даштга чиқиб анор кўчатларини экаётган эдилар. Ўша ердан гижинглаган от минган шахзода ўтиб қолди. У отахоннинг ёшини сўраб дедики:

– Ёшингиз тўқсондан ошибди, бир оёғингиз тўрда, бир оёғингиз гўрда бўлса, жонингизни қийнаб нима қиласиз? Уйда тинчгина ўтирсангиз бўлмайди-ми?

Отахон боғ қилишнинг савоблигини, Расулulloҳ (с.а.в) “Қиёмат бошланган чокда қўлингизда ниҳол тутиб турган бўлсангиз, экиб қўйишга урининг”, деб марҳамат қилганларини тушунтириб ўтирмай, қисқагина қилиб: «Умидли дунё-да, шаҳзодам», дедилар. Отахоннинг бу гапларини қурумсоқлик, дунёга тўймаслик деб англаган шаҳзода ўйламасдан деди:

– Агар шу кўчатлар амал олиб, ҳосил берса-ю унинг мевасидан тотиб кўриш сизга насиб этса, хотиним талоқ бўлсин!

Отахон шаҳзоданинг енгилтаклигидан ранжисалар ҳам индамай қолавердилар.

Орадан йиллар ўтди. Дашт анорзорга айланди. Шаҳзоданинг отаси вафот этиб, тахтга ўтирди. Куз кунларининг бирида шоҳ шу анорзор ёнидан ўта туриб чанқоғини босишни ихтиёр қилди, боғбонни чақириб, бир пиёла анор суви сўради. Ажабки, даштга ниҳол экаётган отахонни танимади. Отахон ичкари кириб, анорни сиқиб, шарбатни шоҳга тутди. Шарбат шоҳга тахир туюлиб, бошқа анорни сиқишни буюрди. Иккинчиси чучук туюлди. Кейингилари ҳам ёқмай ғазабланди-да: «Ҳой чол, қандай бефаросат одамсан, шарбатни аввал ўзинг тотиб кўриб, кейин менга узатмайсанми?» – деди.

– Узрлиман, шоҳим, мен тотиб кўра олмайман, – дедилар отахон.

– Нега? – деб ажабланди шоҳ.

– Агар мен ҳатто бир томчисини тотиб кўрсам ҳам, сизнинг хотинингиз талоқ бўлиб қолади.

Шунда шоҳ отахонни таниди, ёшлигида айтган гапини ҳам эслаб, отдан тушди. Умидсизлик билан яшашнинг нақадар ёмон эканидан хижолат бўлиб, узр сўради.

* * *

Агар пардоз-андозга берилган, янги-янги кийим-кечакка маҳлиё бўлсангиз, келин туширгач, бу одатлардан қайтинг. Камтар ва сипо бўлишга интилинг. Агар пардоз-андозни аввалгидай давом эттирсангиз, келинингиз сиздан ибрат олади ва ўртада ўзига хос мусобақа бошланади. Бу ноўрин мусобақанинг натижаси эса орага совуқлик тушиш билан яқунланади. Келинингизга ўхшаб кийинишга интилсангиз, пардоз қилсангиз атрофдагиларга кулги бўлишингиз ҳам мумкин.

* * *

Келинингизнинг ҳомиладорлигини билган дақиқангиздан бошлаб, унга бўлган муносабатингизни ўзгартиринг. Муносабатингиз яхши бўлса, янада меҳрибонроқ бўлинг. Ғашланиб юрган бўлсангиз, бу иллатни нари қилинг. Келинингизнинг кўнгли нимани тусаса, муҳайё қилишга урининг. Келинингиз ҳолдан кетаётган бўлса, кўп ётса, уни дарров ялқовликда, айёрликда ёки эркаликда айбламанг. Ўзингиздаги ҳомиладорлик жараёни енгилроқ ўтгандир, келинингизники оғирроқдир, шуни ҳисобга олинг. Келини ўзингизча даволашга киришманг. Врач “Қони камайиб кетибди”, деса, “Менам шунақа бўлганман, ерёнғоқ есангиз ўтиб кетади”, деб табиблик қилманг. Билингки, сиз келинингизга эмас, набирангизнинг соғлом туғилиши учун хизмат қияпсиз, меҳрибонлик кўрсатяпсиз. Яхшилигингизни келинингиз билмаса (шундай бўлишидан Аллоҳ сақласин!), набираларингиз билади, улардан роҳат кўрасиз.

* * *

Агар оилангизни ҳаловат тарк этаётган, барака эса кетаётган бўлса, уйга ҳаром луқма кириб келяптими ё йўқми, аниқланг. Ҳаромнинг катта-кичиги бўлмайди. Биргина луқма бўладими ё бир вагонми – фарқсиз, бошга бало келтиради. “Ҳаром”нинг луғавий маъноси “тақиқлаш”дир. Яъни Аллоҳ тақиқлаган барча нарсани тилимизда “ҳаром” дейилади. Ҳаром ҳам моддий, ҳам маънавий-руҳий бўлади. Тўнғиз гўшти, ароқ, афюн, “бисмиллаҳ”сиз сўйилган жониворларнинг гўшtidан тайёрланган турли таомлар, порахўрлик, судхўрлик – ҳаром. Зино (жумладан, кўз зиноси ҳам), сўкиш, қарғаш, иғво, бўхтон, ғийбат, фитна – ҳаром. Айтайлик, сиз бир юз бир минг сўм сарф қилиб, таом тайёрладингиз. Юз минг сўмни ҳалоллик билан топгансиз. Минг сўмга ҳаром аралашган. Яъни, савдо чоғи ниманидир харидорга алдаб сотгансиз. Харидор уйга борганида алданганини билиб, сиздан норози бўлган. Ҳаром аралашган минг сўм пул қолган юз минг сўмнинг ҳалоллигини йўққа чиқаради. Шу пулга тайёрланган таомни истеъмол қилган оила аъзоларининг ичига ҳаром луқма кирган ҳисобланади. Бу сизга арзимаган гап бўлиб туюлиши мумкин. Лекин бир челақ покиза сувга бир томчи заҳар тушса, бу сувдан ичганларнинг барчаси заҳарланади-ку?

Бир камбағал хотиннинг биттагина сигири бор бор эди. Шу сигирнинг сутини сотиб кун кўрарди. Бу хотин бесабр эди. Тезроқ бойишни ўйлаб сутга сув қўшиб сотарди. Бир куни қаттиқ бўрон туриб, жала ёғди. Дарё бўйида ўтлаб юрган хотиннинг сигирини сел олиб кетди. Хотин алам билан фарёд қилди. Ҳатто биттагина сигирини кўп кўргани учун Худодан норози ҳам бўлди. Нодон хотин сутга қўшган сувлари тўпланиб, селга айлангани ва шу сел сигирини нобуд қилганини ўйлаб ҳам кўрмади.

Бу ҳикоятда эс-ҳуши жойида бўлган хотинлар учун ибрат дарси бор. Сутга сув қўшиш катта гуноҳдир. Қанча гўдаклар сут ичиб улғаядилар. Қанча беморлар сутли таом еб шифо топадилар. Шунга қарамай, сутга сув қўшиб сотиш – жаҳаннамга чипта олиш билан тенгдир. Агар сув қўшиб сотилган сут пулидан озгинаси Ҳажга бориб-келиш харажатига қўшилса, бошга балолар келтиришини ўтмиш уламолари китобларида ёзганлар. Бу ўринда фақат сутга сув қўшиш тилга олдим. Бу каби гуноҳкорларни дори-дармон тайёрловчилар орасида, ошхоналарда... ҳам учратишимиз мумкин.

Гуноҳкорларнинг жазоси билан танишдик, бу гуноҳ ишдан қайтаришга уринганларнинг мукофоти қандай бўлган?

Ҳазрати Умар (р.а.) кеча қоронғисида Мадинаи мунаввара кўчаларидан юриб бораётганларида бир уйдан аёлнинг қизига қараб бақиргани эшитилди:

– Сутга озроқ сув қўшиб юбор, дедим сенга! Айтганимни қил!

Сўнг қизнинг зорланган овози келди:

– Ойижон, ахир халифамиз бугун жар солдириб, “Сутларингизга сув қўшманглар!” деб буюрдилар-ку?

Қизининг ақл ўргатиши малол келгани сабабли энди аёлнинг бақирғи авжга чиқди:

– Айтганимни қил, деяпман сенга! Сутга озгина сув қўшганингни халифа қаердан билиб ўтирибди?

Онасига ҳақиқатни тушунтиролмаганидан сиқилган қиз йиғламсираб деди:

– Ойижон, халифа билмасликлари мумкин. Аммо Аллоҳ таоло кўриб турибди-ку? Аллоҳдан қўрқмаймизми?

Ҳазрати Умар (р.а.) эртасигаёқ бу уйга совчи юбориб шу қизни ўғилларига олиб бердилар. Умавийларнинг энг адолатли халифаси Умар ибн Абдулазизнинг бир ён насаби ана шу виждонли қизга бориб тақалади.

* * *

Шарафли ҳадислардан бирида “Мусулмон мусулмонга кўзгу” дейилади. Бу ҳикматга кўра, одамлар бир-бирларининг айбларини яширмай, айтишлари ва бу камчиликдан холи бўлишига кўмаклашишлари лозим. Ажабки, муҳтарама қайнонажонларга бу ҳикмат айтарли таъсир қилмайди. Келин қайнонасининг айбини айтолмайди, қайнона келиннинг айбини айтса, унга ёқмайди. Айбни айтиш душманлик эмас, дўстлик вазифаси эканини англаш наҳот қийин бўлса?

Киши айбинг деса, дам урмағилким, ул эрур кўзгу,
Чу кўзгу тийра бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму?

(Агар бирор киши айбингни айтса, унга жаҳл билан муносабатда бўлма. Чунки у кўзгу кабидир. Агар кўзгуга ҳам дам урилса, яъни нафас тегса, у хиралашиши ва айбингни кўрсатмаслиги мумкин.)

Киши айбин юзига қилма изҳор,
Тааммул айла ўз айбингга зинҳор.

(Кишининг айбини унинг юзига айтма, ундан олдин ўз айбингга қара!)

Киши айбини айтишнинг ўзига хос одоблари бор. Биринчиси, кўпчиликнинг орасида айтиш мумкин эмас. Келинингизнинг айбини қариндошлар, қўшнилари орасида, айниқса овсинлари ҳузурида айта кўрманг. Агар шундай қилсангиз, мақолда айтилганидек, шамол уруғини экиб, бўрон мевасини олган бўласиз. Ўғлингизнинг айбини келинингиз олдида айтманг. Эрингизнинг айбини фарзандларингиз даврасида тилга олманг. Бир қўшнингизнинг (қариндошингиз ёки ҳамкасбингизнинг) айбини иккинчисига айтманг, бу ишингиз ғийбат ва фитна гуноҳига оиддир ва шунга яраша жазо оласиз. Келинингизнинг айбини ўғлингизга айтманг, бу чақимчиликка киради. Ўғлингизга айтишдан олдин ўзингиз шифо топишга уриниб кўринг. Қайта-қайта танбеҳларингиз кор қилмаса, “Хотининг ғирт ёлғончи экан”, деган қўпол тарзда эмас, мулоимлик билан: “Хотининг баъзан ёлғон гапириб юбояпти, нима қилсак экан”, деган оҳангда айтинг, токи, сизнинг гапингиздан кейин ўғлингиз ғазаб отига минмасин, хотинини сўкиб-уриб юбормасин. Ўғлингизга хотини айбини айтар чоғингизда келиннинг ҳимоячиси экангиз гапларингиз оҳангида сезилиб турсин. Агар ўғлингизга келинни давомли равишда ёмонлайверсангиз, фарзандингиз оиладаги ҳаловатсизликка сизни айбдор, деб ўйлай бошлайди. Ўғлингиз кўзига фитначи либосида кўриниб қолишдан эҳтиёт бўлинг.

* * *

Ўй торлик қилиб, ўғлингиз оиласи билан бошқа жойга кўчиб чиққанидан кейин унинг тез-тез келиб туришини хоҳлайсиз ва бу сизнинг ҳаққингиз. Лекин бир ўзи келса, тилингизда айтмасангиз ҳам, хаёлингиздан “Хотинига сўзи ўтмайди, “юр” деган, у: “Онангизни кўришга тоқатим йўқ”, деб келмаган”, деган нохуш гап ўтиб, кўнглингиз сал бўлса-да оғрийди. Нуқул хотини билан келаверса, “Хотини бурнига қармоқ илиб олган, хотинсиз бир қадам ҳам юролмайдиган бўлиб қолган, болам бечора”, деган гап ўзингиз учун ҳақиқатга айла-

ниб, келинингизга бўлган нафратингиз ошаверади. Қўполроқ айтганда, сизга иссиқ ҳам, совуқ ҳам ёқмайдиган бўлиб қолган. Сиз ўзингиздаги бу иллатни сезасизми? Ўйлаб кўринг. Сизни соғиниб келган ўғлингиз, келинингиз ҳузурингиздан ҳузурланиб кетишсин. Сиз – оқила аёлсиз, бунга эриша оласиз.

* * *

Одамда яхши сифатлар кўп. Лекин уларнинг ичида энг шарафли сифат – инсофдир. Кимдаки, инсоф бўлмаса, у инсон эмас. Инсофсизнинг феъл-атворида нуқсондан бўлак нарса бўлмайди. “Қариларга иймон, ёшларга инсоф бергин”, деган дуони кўп эштамиз. Сиртдан қараганда, фазилатли дуо ва “Омийн!” деб қўшиламиз. Мантиқан таҳлил қилсак, савол туғилади: қариларга инсоф керак эмасми? Аллоҳнинг қариларга инсоф бериши учун уларнинг аввало инсоф фазилатларига эга бўлишлари шарт эмасми? Агар иймонни одамийлик фазилатларининг чўққиси деб билсак, бу чўққига инсоф довонидан ўтиб борилмайдими? Иккинчи мулоҳаза: ёшларга иймон керак эмасми? Ёшлар орасида бирон-бир ёмонлик балоси бош кўтарса, улардаги иймонсизлик сабабчи эмасми?

Агар келин овоз чиқариб: “Қайнонамга инсоф бергин”, деб дуо қилса нима бўлади? Ҳа, баракалла, жанжалнинг каттаси бошланади. Қайнона “Сен мени инсофсиз дединг”, деб келинини қовуриб ташлайди. Қолбуки, бу жуда хайрли дуодир. Тўғри, қайнона инсофлидир. Лекин келиннинг дуоси ижобат бўлиб, унга Аллоҳ яна инсоф фазилатидан мўл-кўл берса, зарар эмас, балки фойдали-ку? Одамдаги инсофсизликка яна бир мисқол инсофсизлик қўшилса ҳам, ортиқчадир, лекин инсофга яна инсоф қўшилиш бобида ҳеч қачон ортиқчалик бўлмайди. Одамда инсоф фазилати кўпайгани сайин унинг фазилатлари чирой очиб бораверади, эл орасидаги ҳурмати янада баланд бўлади. Қайнонами ёки келинми, бировга инсоф тилашдан олдин, ўзига сўрасин: “Эй Худойим, аввало ўзимга, кейин келинимга ҳам инсоф бер”, деса хайрли дуо бўлади. Шу дуо туфайли оиладаги кўп ёқимсиз ҳолатлар барҳам топади.

* * *

Жуз жуду сахо уйини манзил қилма,
Имсокни сахо юзига ҳойил қилма,
Қил яхшилиқу демакни дохил қилма,
Миннат била яхшилиғни ботил қилма (Алишер Навоий).

(Яхшилик ва саховат уйдан бошқа уйни манзил айлама. Бахилликни саховатга парда қилма. Яхшилик қилгину, яхшилигингни гапирма, миннат қилиб яхшилигингни йўққа чиқарма.)

* * *

Мақолда: “Келин олиш осон, қайнона бўлиш қийин”, дейилганда қайнонанинг оила ҳаловатини таъминлашдаги масъулияти назарда тутилган. Қайнонажон, сиз шу масъулиятни ҳис қиласизми? Тўйга қадар сизнинг оилангиз тинч-тотув, ҳаловатли, таъбир жоиз бўлса, фариштали эди. Бу ҳузур-ҳаловатга ўз-ўзидан эришганингиз йўқ. Нималардандир ранжиган, ҳатто яширинча йиғлаб олган пайтларингиз бўлган. Лекин сабр қилгансиз, оила ҳаловатига етиш учун ўз ҳаловатингиздан кечгансиз. Демак, оила ҳаловати биринчи галда сиз учун муҳим, сиз учун ғоят қадрли. Демак, бу борадаги биринчи масъул шахс

ҳам ўзингиз. Худо кўрсатмасин, ҳаловат чинниси дарз кетгудай бўлса, биринчи галда сизнинг қалбингиз дарз кетади. Тўйдан кейин бошланадиган икир-чикир, майда-чуйда гаплар пиёладаги мураббога ёпишган майда чумолилар галасига ўхшайди. Агар пиёлани эҳтиётлаб четга олиб қўймасангиз, чумолилар мураббони бирпасда адо қилишади. Икир-чикир, ёқимсиз гаплар ҳам худди чумолилар кабидир, улар мураббони эмас, оиладаги ҳаловат қасрини кемириб адо қилиш қудратига эга. Масъул одам бу борада ғоят сергак бўлиши шарт.

КЕЛИНПОШША – СУЮКЛИ ҚИЗ

“Огоҳ бўлинглар. Барчангиз раҳбарсизлар ва ўз қўл остидагиларингиздан сўралурсизлар. Одамлар устида турган имом раҳбардир ва у ўз остидагидан сўралур. Эр киши ўз аҳли байтида раҳбардир ва у ўз қўл остидагидан сўралур. Аёл киши эри ва (эрининг) ўғли уйида раҳбардир ва у ўз қўл остидагидан сўралур” (Шарафли ҳадислардан).

Шарҳ:

Исломда оила бекалиги буюк шараф бўлиши билан бирга, улкан масъулият ҳамдир. Оиланинг бекаси бўлганидан кейин, унинг ички ишларининг ҳаммаси ўша беканинг қўлида, ихтиёрида бўлади. Оиланинг иқтисоди беканинг тежамкорлигига, ўзига ишониб топширилган тирикчилик воситаларига хиёнат қилмаслигига ва исроф қилмаслигига боғлиқ бўлади. Энг улкан масъулиятларидан бири эса, фарзандни туғиб, чиройли боқиш, етук инсон қилиб тарбиялашдир. Бу масъулиятни муслима аёллар доимо шараф билан адо этиб келганлар. Хулоса қилиб айтилганда, муслима аёлнинг оиладаги масъулияти беқиёсдир. Эрнинг ишлари муваффақиятли бўлишида аёлнинг тутадиган ўрнини ҳеч ким инкор қила олмайди. “Эрни эр қиладиган ҳам хотин, ер қиладиган ҳам хотин”, деб бежиз айтилмаган. Гап ҳар бир муслима аёл ўз масъулиятини тўла тушуниб етишида қолган, холос (шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф).

* * *

Аёлларнинг яхшиси – назар солсанг, қувонтирадиган, амр қилсанг, итоат этадиган ва ғойиб бўлсанг, ўз нафсида ва молингда сени муҳофаза қиладиганидир...

*

Эрининг рухсатсиз унинг молини ҳар кимга бериш хотин учун ҳалол эмас. Фақат бузилиб қолиши мумкин бўлган овқатни берухсат бериши мумкин. Агар эрининг рухсати билан бирон кимсага бирон нима едирса, у ҳам эри билан теппа-тенг ажр-мукофот олади. Агар эрининг ижозатсиз берса, гуноҳи унга, савоби эса эрига бўлади...

*

Эрдан рухсатсиз уйдан бирон нарса бермаслик, нафл рўза тутмаслик ҳам эрнинг хотиндаги ҳақлари жумласидандир. Агар эрига билдирмай, унинг мулкидан бировга бирор нарса берса, хотин гуноҳкор бўлади, берилган садақанинг савоби эса эрига ёзилади. Эрдан ижозат олмай, (нафл) рўзаси тутса, рўзаси қабул бўлмайди. Оддий очлик ва чанқоқлик бўлади. Хотин рухсатсиз уйдан чиқса, уйига қайтиб келгунга ва тавба қилгунга қадар фаришталар унга лаънат айтадилар (Шарафли ҳадислардан).

* * *

Келинпошша, жондай азиз ва ардоқли қизим, умрингиз давомида кўп одамлардан кўп-кўп насиҳатлар эшитгансиз. Бу китобни кўлга олгач, “Яна насиҳат бошланди”, деб энсангиз қотмасин, китобни четга суриб ҳам қўйманг. Сабр қилингу менга суҳбатдош бўлинг. Ҳа, айнан шундай. Шу китоб баҳонасида ардоқли қайнотангиз, суюкли қайнонангиз билан ғойибона суҳбат кўрдим, уларга ақлим етганча, айтадиган гапларимни айтдим. Энди навбат сизга ва кейин куёвтўрага. Мақсадим, бошингиз устидан насиҳатлар дўлини ёғдириш эмас, балки оиладаги бахт саройини қуриш маслаҳатини қилиш, агар лойиҳада камчилик бўлса – бартараф этиш, девор ғишлари қийшиқроқ териляётган бўлса – тузатишга ёрдамлашиш. Мен аҳли донишнинг бу соҳага доир китобларидан баҳраманд бўлганман, кўпгина оилаларда бахт саройи қурилишини кузатганман, тажрибаларини ўрганганман. Ўзимнинг ҳам бу ғишларни теришга анча қўлим келиб қолган. Ишонаманки, сизга ёрдам бера оламан. Сиз ҳам ишонинг. Дарвоқе, суҳбатимиз жараёнида даврамизга дугоналарингизни жалб этсангиз, маъқул бўларди. Йигитларга тааллуқли гапларимиз ҳам бўлади, эрхотин биргалашиб ўқисангиз қандай яхши!

Сиз кичкина қизалоқ эканингиздаёқ келин бўлишни орзу қилгансиз. Дугоналарингиз билан “келин-келин” ўйинларингиз бўларди. Дастлабки “келинсалом”ингизни эслай ҳам олмайсиз. Бир, эҳтимол икки ёшингизда онангизнинг ҳарир рўмолини олиб “келинсалом” қилиб, катталарнинг олқишини эшитгансиз, бундан қувониб, қайта-қайта салом қилавергансиз. Ўшанда “бахтли келин бўлгин”, деб дуо қилишган. Болалик ўйини туфайли мингларча дуо олгансиз. Ота-онангизнинг дуоларини эса санаб адоғига етиш мушкул.

Сиз туғилган онда доя “Қиз муборак!” дейиши билан онангиз қувончдан Худога шукр айтганлар. Билмайсизки, дунёга келишингиз билан онангиз қалбида ширин бир орзу ҳам туғилган. Бу орзу сизга эгизак каби эди, у сиз билан улғайди. Сизни қандай авайласалар, бу орзуни ҳам авайладилар. Сизга биринчи совчи келгандаги онангизнинг қувонганини сезганмисиз? Сизмагандирсиз... Қалбига ўғринча мўралаган хавотирни-чи? Сиз келинлик сарпосини кийиб, жонажон уйингиз остонасидан ҳатлаб ўтганингизда дадангиз кўзда ёш билан дуо қилдилар. Бу айрилиқ ёшлари эмас, бу бахт илинжидаги муножотнинг покиза акси. Айни нафасда дадангиз ва онангиз юрагида иккинчи орзу ҳам туғилди.

Биринчи орзуни авайлаш-асраш дадангиз билан онангизнинг вазифаси эди. Иккинчи орзунинг ушалиши энди сизга боғлиқ. Келин бўлиб тушган хонадонингизда сиз ўзингизнинг чиройли хулқингиз, ғайратли хизматингиз, сadoқатингиз ва муҳаббатингиз туфайли қадр пиёласидан бахт шарбатини ичсангиз, бу онда дадангиз ва онангиз бахт уммонида роҳатланиб сузаётган бўлишади. Аллоҳ кўрсатмасин, агар қадр топмасангиз, бахт ўрнига хорлик жари ёқасига келиб қолсангиз, дадангиз ва онангиз кўзларига дунё қоронғу бўлиб кўринади. Дўзах азоби бу дунёнинг ўзида бошланиб кетади.

* * *

Нотаниш хонадон сизни қувона-қувона кучоқ очиб кутиб олди. Покиза қадмингизга пойандоз тўшалди, бошингиз узра анвойи гуллар сочилди. Энг муҳими – йигирма икки йил киприкларида авайлаб боқиб, табиялаган ўғилни сизнинг севгингизга, меҳрингизга ишониб топширишди. “Ҳовлимизга келин келди, қут ва барака келди, шоду хуррамлик келди, қадами фойзли ва қут-

луғ бўлсин!” – деб Худодан сўрашди. Бугунги шодликнинг қанчалар узоқ давом этиши энди ўзингизга боғлиқ.

* * *

Сизникига совчилар кела бошлади. Сиз қайси йигитни танласам экан, деб хаяжонланасиз. “Адашмасам эди”, деб хавотирланасиз. Сизга далда бўлиш учун бир ҳикмат айтай: Имом Ғаззолий баёнларига кўра, хотин эрдан тўрт нарсада афзал бўлиши керак. Булар: гўзалликда қиз йигитдан устун бўлиши; назокат ва зарофатда аёл эркакдан нозикроқ ва маданиятлироқ бўлиши; аёлниңг феъли эрининг феълидан юмшоқроқ бўлиши; бўлажак эр қари бўлмаслиги лозим.

Ривоят қилурларким, ТАҚДИРнинг бениҳоя тенгсиз гўзал, оқила қизи бор экан. Қарангки, бир вақтнинг ўзида АҚЛ, ДАВЛАТ ва УМИД деган йигитлардан совчилар келишибди. ТАҚДИР қизини чақириб: «Куёв бўлмишни ўзинг танла, қайси бири сенга маъқул?» – деб сўрабди. Доно қиз ўйлаб туриб жавобини бошлабди:

– АҚЛ инсондаги энг олийжаноб фазилатдир. АҚЛ ёрдамида дўстни душмандан, ҳушёрни эса девонадан фарқлаш мумкин. Лекин АҚЛнинг бир айби борки, кишини чалғитиб, хатарли йўлларга солиб қўймоғи ҳам мумкин. «Ақллилик балоси» деб бекорга айтмаслар.

– ДАВЛАТ ҳақида нима дейсан?

– ДАВЛАТ – ишбилармон ва ҳукмдордир. Давлатнинг итоатида кўп нарсалар бор. Бироқ, унда вафо йўқ. Агар ихтиёрни ўзимга берсангиз мен УМИДни танлагум. Чунки УМИД ҳар қандай ҳолатда ҳам инсондан ажралмайди, ҳар қандай ҳолатда ҳам вафолигидан чекинмай, энг яқин дўст бўлиб қолади, – деган экан оқила қиз.

* * *

Қиз ақлли эр излайди, йигит чиройли хотин (*Мақол*).

* * *

“Севмаган одамингга турмушга чиқиш қабоҳатдир... Аёл киши ўзидан паст турган эркакни сева олмайди. Бехузур, завқ-шавқсиз муҳаббат – бор-йўғи дўстликдан иборатдир”, дейдилар. Эр-хотин ёстикдош бўлгунларига қадар бир-бирларининг одатлари, феъл-атворларини мукамал ўрганмаган эканлар, уларнинг турмуши бахтли бўлмайди. Ўз эрини олға юргазмаган аёл уни, шубҳасиз, орқага тортади. Аёлниңг вазифаси – эркакнинг қалб шуурини, ундаги олийжаноб эҳтиросларни алангалатиш, бурч туйғуси ва юксаклик ҳамда буюкликка бўлган интилишини қўллаб-қувватлашдан иборатдир – аёлниңг қисмати шу ва бу қисмат буюк ва муқаддасдир. Ўз муҳаббати билан олишаётган аёлниңг қатъияти оламда мавжуд жами қатъиятларнинг энг олийжанобидир.

* * *

Севги-муҳаббат ҳақида ҳар куни ўнлаб қўшиқларни тинглайсиз. Балки шеърый китоблар, ишқий қиссалар ўқишни ёқтирарсиз. Ўқимаган тақдирингизда ҳам сеvgи ҳақида кўп ўйлайсиз. Севги тўғрисидаги тўйдан олдинги тасаввурингиз билан тўйдан кейингиси орасида фарқ бўлса, демак, сеvgи ҳақида кўп нарса билмас экансиз, бошқачароқ айтсам, “ҳавас”ни “севги” деб ўйлаб юрган экансиз. Донишмандлар: “Ишқ бошқа, ҳавас бошқа, бу йўлда хато қилма”, деб

огоҳлантирганлар. Катталар севгидан гап очилса, ўтган улуғларнинг асарларидан мисоллар келтирадилар. Менинг одатим ҳам шундай. Китобнинг иккинчи бўлимида бадий адабиётдаги гўзал сатрларни эътиборингизга ҳавола этаман. Севги-муҳаббат ҳамиша ёш бўлса-да, унга бўлган муносабатда катта авлод билан ёш авлод фикрлари орасида фарқ мавжуддир. Ҳозир бу ҳақда баҳс юритмай, тенгдошингизнинг севгига берган таърифу тавсифлари билан танишишга тақлиф этаман.

*Ишққа мубтало, севгига ошно қалб соҳиби ва соҳибалари. Бугун сиз билан бирга Муҳаббат аталмиш **хаёлий** диёрга сайр этамиз ва у ҳақдаги билмаганларимизни билиб оламиз. Кани, кетдик!*

Географик жойлашуви:

Муҳаббат диёри нафақат Ер, балки Коинотдаги барча жонли мавжудотлар яшайдиган сайёраларни ҳам қамраб олади. Ахир, меҳр-муҳаббат туйғуси инсониятдан ташқари, Аллоҳнинг ўзга жонзотларига ҳам насиб этган-ку! Биз чегарани давлатлар, вилоятлар каби ҳудудлар чизиғи билан ўлчаймиз. Ҳолбуки, буларнинг барчаси ягона бир ҳудуд – Муҳаббатда жойлашган. Муҳаббатнинг чегараси эса... осмоннинг, хаёлнинг чегараси билан тенг.

Иқлими:

Бу диёрнинг иқлими ҳам ўзига хос, ғаройиб! Шундайки, бир вақтда тўрт фаслни кузатишингиз мумкин. Табиат ҳодисаларининг номланиши ҳам ажойиб – соғинч ёмғирлари, рашк тўфони, хиёнат гармсели, шодлик камалаги, бахт қуёши, айрилиқ булути, висол сабоси... Фаслларнинг ҳам номи бор: киш – орзулар, баҳор – ишқ, ёз – жўшқинлик, куз – ҳижрон фасллариدير.

Аҳолиси:

Бу диёр аҳолиси сонининг ҳисобига етиш мушкул. Улар орасида чинакам фуқаролар ҳам, Садоқат қонуни посбонлари кўзидан “қуён” бўлиб, “пропис-касиз” яшаб юрганлар ҳам бор. Аҳамиятлиси, бу ерда миллат тушунчаси йўқ. Яъни, байналмилал! Аҳоли, асосан, 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган инсонлардан ташкил топган. Лекин уларнинг орасида она сути оғзидан кетмаган кичкин-тойларни ва улуғ ёшли катталарни ҳам учратиш мумкин.

Рамзлари:

Муҳаббат рамзлари сифатида энг кўп мурожаат қилинган, қилинадиган “детал”лар – қизил атиргул, юрак, кабутар, нақш олма... Ҳатто фаришта тимсоли ҳам бор – қўлида камон тутган қўшқанотли болакай...

Тили:

Юқорида айтганимиздай, бу ерда миллат тушунчаси йўқ. Шундай экан, маълум бир тилни расмийлаштиришга эҳтиёж сезишмаган. Лекин Муҳаббат диёрида севишганларнинг ўзига хос тили бор. Ошиқ-маъшуклар учрашганларида нутқдан кўра нигоҳни кўпроқ ишлатадилар. Чунки юрак сўзини таржима қилишда нигоҳга етадигани йўқ.

Касбингиз нима?

Бунда касбидан ва ёшидан қатъи назар, барча тенг. Агар сиз шоир, созанда ёки хонанда бўлсангиз, ишонаверинг, Муҳаббат диёрида сизни кафтларида кўтаришади! Чунки бу ернинг аҳолиси санъатга ошуфта. Шифокор бўлсангиз эса... ишингиз чатоқроқ. Чунки олдинроқ айтганимиз касб эгалари бу диёр аҳли учун манаман деган профессору академик шифокорларнинг ўрнини босаверишади. Нимаям дердик, бу ердагиларнинг дарди ҳам шунга яраша – танлари эмас, қалблари бемор.

Яна бир гап...

Муҳаббат диёри замонларни писанд қилмайди. Лекин бу унинг замондан орқада қолгани эмас. Унинг ташқи кўриниши замонга мос ўзгариб туради. Масалан, қадимда дил изҳорлари аввал гул, олма, куй-қўшиқ шаклида бўлган. Саводхонлик ҳаммага тарғиб қилинганидан кейин эса мактуб ва откриткалар кўринишини олган. Ҳозирги техника асрида буларга унча ҳожат йўқ, қалб ўғрисига гудок ёки SMS ташлаш оммалашиб кетган. Афсуски, булар олдингиларнинг ўрнини босолмайди, кўзингдаги самимиятни-ю, юзингиздаги алвон-рангни кўрсатиб, юзма-юз изҳор қилишга нима етсин! Ҳар қандай восита ҳам ўзингизнинг ўрнингизни бо-сол-май-ди!

Манзил:

Муҳаббат диёрининг асл тобесига айланишни истайсизми? Унда, саёҳатга ошиқманг, муҳаббат – туристик мамлакат эмас! Унинг ҳар қандай замонавий техникани ҳам ортда қолдирадиган элчилари – туйғулар сизнинг истагингиздан воқиф бўлишгач, ўзингиз меҳмонга чорланасиз.

“Прописка” идораси манзили: Муҳаббат диёри, Ишонч кўчаси, Синов чорраҳаси, “Садоқат” – фуқароларни рўйхатга олиш идораси, 7-қават, Кўнгил бўлими, Юрак хонаси. Сиз бу манзилларни осонликча босиб ўтолмайсиз. Ирода-сизлар, ёлғончилар бу даргоҳга йўналтирилмайди, кириб олган тақдирларида ҳам ҳайдаб чиқарилади. Худо ёрлақаб, Юраккача етиб борсангиз, Бахт муҳри босилган фуқаролик гувоҳномаси қўлингизда-да! Омад тилаймиз!

Муҳаббат диёрига хуш келибсиз! (*Ирода Эргаш*).

* * *

Бу таъриф фақат ёшларнинг эмас, катталарнинг ҳам кўнгилларига хуш ёқди, деб ўйлайман. Мазкур мавзунинг давоми билан куёвтуралар билан бўладиган суҳбат чоғи танишасиз.

* * *

Эр ва хотин муҳаббати – ихтиёрий келишувдир, буни уларнинг қай бири бузса, фақат хиёнатда айбланади, аммо аёл она бўлгач, унинг бурчи янада кучаяди, бинобарин табиат унга зурриёт масаласини ишониб топширган” (*Г. Мопассан*).

* * *

Эр-хотинлик оилавий ҳаётда бўлганидек, умуман, ҳаётда ҳам фақат муваққат ҳузур-ҳаловатдангина иборат эмас, у теппа-тенг мойиллик, ўзаро қизгин эҳтирос, феъл-атворлар ўхшашлигини ҳам тақозо қилади. Жамиятга зарур бўлган ақида ҳам айнан шудир. Ҳаётларини бир-бирига боғламоқчи бўлганлар (айниқса суюкли қизларимиз) никоҳга қадар ҳамма нарсага қўзларини катта очиб қарашлари, никоҳдан кейин эса баъзан кўриб-кўрмаганга олишлари керак. Никоҳ остонасидан ўтган жуфтлик гўё маънавий олами битта бўлган шахсга айлана олса, саодат саройини барпо этиши енгиллашади.

Никоҳ тўйини бошқаларга сездирмаганингиз ҳолда интиқ кутасиз. Тўй кунлари қувончдан кўнглингиз яйрайди. Бу қувончлар сизга муборак бўлсин. Аммо, ҳаёт тўй қувончларидангина иборат эмас. Бу қувончлар булутли осмонда қуёшнинг бир кўриниб, сўнг яширинишидай бир гап.

Ким кўрди экин жаҳонда, оё хушлуқ,
То бир киши айлағай таманно хушлуқ,
Юз йилда агар ўлса пайдо хушлуқ,
Омодадур ёнида юз нохушлуқ.

Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек, бирор киши жаҳонда хурсандчилик кўрганмики, то бошқалар уни орзу қилса? Юз йилда бир марта хурсандчилик агар муяссар бўлса, унинг ёнида юз нохушлик ҳам тайёр туради. Шундай экан, одам вақтинчалик қувончга маст бўлмай, алданмай, нохушликларга дуч келишини ҳам унутмасин. Токи, ташвишларга дуч келганда боши айланиб қолмасин. Сиз ҳам, суюкли келинпошша, саодатли оилангиз осмонида ташвиш булутлари пайдо бўлса, тушкунликка тушманг, умрингизни нолиш билан ўтказманг, балки ақлу фаросатингизни ишга солиб, бу булутларни ҳайдаш чорасини топинг. “Шу эрдан қутулсам” ёки “Шу хонадондан кетсам, ташвишим йўқолади”, деган фикр нотўғридир, алдамчидир. Бу фикр сизни ҳалокатга бошлайди. Бу янглиш фикр оилангиз осмонидаги оқ булутларни қора булутларга айлантиради, майин ёмғир томчиларини ҳамма ёқни пайҳон қилувчи дўлга айлантиради. Шунисидан эҳтиёт бўлинг.

* * *

Оқила рафиқам! Агар эринг ёнингда бўлишини истасанг, шунинг пайига тушгинки, токи у ҳеч ерда сенинг ҳузурингдаги каби роҳат-фароғат ва мулоҳимликка дуч келмасин (*Пифагор*).

* * *

Ҳар бир она қизининг бахтли бўлишини истайди. Тўйдан олдин билганича насиҳат қилади. Аслида бундай насиҳатларни тўй арафасида эмас, анча илгари, ҳатто қизчанинг тили чиқиб, гапиришни ўргана бошлаганида бошлаш керак. Сизнинг онангиз қандай насиҳатларни қилганлар, сиз бу насиҳатларга амал қиласизми? Бир она қизига ғоят доно насиҳатлар қилган экан. Танишиб кўринг, ҳар ҳолда онангиз ҳам шу каби насиҳатларни айтгандирлар. Бундай насиҳатларни сира-сира унутманг, ёд олинг ва албатта амал қилинг:

“Жоним қизим! Энди туғилиб ўсган уйингдан чиқиб, аввал ҳеч танимаганинг йигитга умр йўлдоши бўляпсан.

Сен унга истироҳатгоҳ бўлгинки, у сенга тиргак – устун бўлсин.

Бир нарсани ҳадеб қистаб сўрайвермагин.

Ундан кўп узоқ қолмагинки, сени унутмасин.

Сенга яқинлашганда, сен ҳам унга интил.

Сендан узоқ қолганда сен ҳам маълум масофада тур.

Унинг бурни, қулоғи ва кўзини ёмон ҳид, овоз ва манзаралардан асра: эрингнинг бурни сендан фақат муаттар ҳидларни ҳидласин; қулоғи фақат ёқимли сўзларингни эшитсин; кўзи сенга тушганда фақат гўзалликларни кўрсин”.

* * *

Ургочи туя инграса, нортуя бўзлайди (*Маҳмуд Қошғарий*).

* * *

Суюкли келинпошша, сиз ва дугоналарингизга бир-икки насиҳат қилиш ниятида қўлимга қалам олган эдим. Ёзишни бошлаб, ўйланиб қолдим. Кўп аср-

лардан бери донишмандлар бу мавзуда насиҳатларини баён қилганлар. Мен улардан ўрганиб, билганларимни айтадиган шогирдман, холос. Шу туфайли юқоридаги насиҳатларни қувватлайдиган ўн ҳикматни баён қилгим келди. Баённи қоғозга тушириш мендан, ўқиш, тушуниш ва амал қилиш сиздан. Ақл билан англасангиз, амал қилишингизда Аллоҳнинг ўзи мадад беради.

Бу машҳур ҳикояни эҳтимол ота-онангиз билишар, сизга ҳам қайта-қайта айтишгандир. Шундай бўлса, бу баён сиз учун қўлланма, ҳикоядан беҳабар дугоналарингиз учун эса бир ибрат дарси бўлади.

Ҳикояда тилга олинган қиз – Асмонинг отаси – Ҳорис қабила бошлиғи, аллома бир одам эди. Онаси Уммомма эса ҳаётни тўғри англайдиган оқила эди. Уммомма фарзандини қизалоқлик давридан бошлаб яхши тарбия берган эди. Тўй арафасида яна насиҳат қилди:

“Болажоним, мени яхшилаб тингла. Насиҳат ҳар кимга лозимдур, ўғит ҳаммага зарурдир. Насиҳат – билмаганга ўргатади, билганни эсига солади. Насиҳатни тинглаб, амал қилганлар ҳаётни яхши ўрганадилар ва дунёда бахтиёр бўладилар.

Севиқли қизим, агар бир қиз она ва отасининг камбағаллиги учун эрга берилиши керак бўлсаиди, сен ҳеч замон узатилмаган бўлардинг. Чунки отанг жуда бадавлат. Катта шуҳрат, мақом ва эътибор соҳибидир. Сен шундай одамнинг қизисан!..

Лекин ҳаёт бошқачадир. Аллоҳ бизларни яратган ва биз учун ҳаёт қонунлари берган. Ҳар бир ёшдаги инсон Аллоҳ берган қонунлар чегарасида ҳаётини ўтказади. Аллоҳ берган қонунга кўра, ҳаётга қадам қўядиган вақти келганда, ҳар бир қиз бир хожага, ҳар бир хожа бир аёлга муҳтож бўлади. Эркаклар хотинлар учун, хотинлар эса эркаклар учун яратилгандир. Яъни бир хотин бир эркак билан, бир эркак эса бир хотин билан дўст, маҳбуб ва маҳбуба бўлиб оила қурмоқликка муҳтож шаклда яратилгандир. Бу Аллоҳ қонунидир. Бу қонунни ҳеч ким буза олмайди. Бу Қиёматга қадар давом этади.

Шу сабабли сен, қизим, туғилиб ўсган ва вояга етган уйингдан, яйраб-яшнаб, ўйнаб юрган ерингдан чиқиб ўзинг билмайдиган, нотаниш бир уйга борасан. Шунга қадар ўзинг яхши билмаган инсон уйига, ўз уйинг бўладиган уйга борасан.

Эй менинг қалбим чечаги, суюкли қизим, кўзимнинг нури, болажоним! Сенга шуларни айтаман. Сен эрингга шундай хизмат қилки, ул сенга қалби тўридан жой берсин! Сен унга ер бўлки, у сенга осмон бўлсин! Сен хожанг – эрингга бир уй бўл, ул сенга устун бўлсин!

Севиқли қизим! Энди сен мени диққат билан тингла! Сенга баъзи мезонларни айтиб ўтаман. Уларга яхши эътибор бергин. Улар сира-сира ёдингдан кўтарилмасин, улардан ўз вақтида фойдаланасан. Бу айтганларимга амал қилсанг эринг билан гўзал ҳаёт кечирасизлар, масъуд ва саодатли турмуш кўрасизлар. Бизлар ҳам (ҳар икки оила – бизнинг ҳам, эрингнинг оиласи ҳам) ҳузур-ҳаловатда бахтиёр бўламиз. Акс ҳолда (яъни айтганларимга амал қилмасанг) иккала оилада ҳам ҳузур-ҳаловат бўлмайди. Сен ўзинг бир жаҳаннамда яшагандай бўласан.

Қизим! Энди сенга айтадиган ўн ўғитимга қулоқ сол, буларни доимо ёдда тут:

1. Қаноат соҳибаси бўл. Ўз ҳолингга шукр қил. Яъни эринг уйингга нимаики олиб келса, у хоҳ ейдиган, хоҳ киядиган нарса бўлсин хушфеъллик билан, гўзал

одоб билан қабул қилиб ол! Эрингга ташаккур айтиб, хушнудлик кўрсат. Зеро, бахтли ҳаёт кечирмоқнинг бир йўли ўз ҳолига шукр этмоқликдир. Ҳолига шукр этмаган, ўз нафсини тиймаган кишида кўнгил ҳузури, қалб роҳати бўлмайди!

2. Эрингга итоат қил, қил деган ишларини қил, қилма деганини қилма. Яъни эринг билан суҳбатлашганда, мулоқотда бўлганда итоатли бўлишингни, унинг сўзларини одоб билан тинглаб адо этишингни сенинг сўзлашиб, кулоқ солишингдан тушуниб оладиган бўлсин. Шунда Аллоҳ таоло сендан хушнуд ва уйингиз саодат нуридан порлоқ бўлади.

3. Эрингнинг кўзи тушадиган жойларга яхши эътибор бер! Яъни уйнинг ичини, ташқарисини ниҳоятда тоза тут. Шундай қилки, хожангнинг кўзига бир чиркин ер кўринмасин.

4. Уст-бошингни тоза тут. Эринг фақат хуш бўйни сезсин, димоғига ёмон ҳид келмасин. Чунки ёмон ҳидлар эринг кўз ўнгига сенинг обрўйингни туширади. Сендан ирганишга сабаб бўлади. Шуни яхши билгилки, тозалик ва зарифлик энг яхши нарсалардир, инсон кўзига хуш кўринишлик шулар биландир.

5. Овқатни вақтида тайёрла. Яъни овқатланиш вақтини ҳеч қачон кечиктирма. Эринг қачон овқатланишга ўрганган бўлса, ўша пайтга овқатини тайёрлагин. У келиши билан дарҳол дастурхон сол. Шуни яхши билгинки, очлик инсоннинг тез жаҳлини келтиради. Овқатланиш вақтини, уйқу вақтини яхши билиш зарур. Оталаримиз “Жон бўғиздан чиқади”, дейдилар. Режали оила ҳаёти жаннат ҳаётидир. Аёл эрига, унинг одат ва қизиқишларига боғлангандир. Унинг вақтини тежаши, фароғатини сақлаши керак.

6. Уйқу вақтини, уйғониш пайтини яхши билиб ол. Яъни, унинг қачон уйқуга ётиш пайти бўлса, ўрнини тайёрлаб қўй. Зеро, уйқусизлик инсонни хафахон этади. Асаблари бузук, хафахон одамларнинг эҳтироси, муҳаббатини аста-секин сўндиради.

7. Хожангнинг моли ва ашёсига жуда эътиборли бўл. Яъни, хожангнинг мол-дунёсини яхши сақла, ашёларини авайла, муҳофаза қилгин. Чунки унинг мол-дунёси сеникидир, фарзандларингникидир. Эринг мол-дунёсини исроф этмаслик иш билиш ва қадрига етиш демакдир. Уйда эр мулкани тежамайдиган, сақлашни билмайдиган хотин бул уйнинг бекаси бўлмоғи душвордир. Эринг мулкани тежаш ва сақлашни ўрганиш ва бу йўлда тўғри, дуруст ҳаракатда бўлиш ҳар бир хотиннинг бахти учун зарурдир.

8. Эрингнинг қариндоши ва яқинларига ҳурмат кўрсат. Яъни, хожангнинг қариндошлари ва яқинларига ҳурмат, хожангнинг эътиборини қозонмоқ демакдир. Уларни ҳурмат қилиш хожани ҳурмат қилиш демакдир. Бу эса қадр ва эътибор қозонишдир.

9. Эрингнинг сирини бошқаларга айтма. Яъни, эрингнинг баъзи сирларини билган вақтингда эҳтиёт бўлиб уни сақла, бировларга айтиб юрма. Агар айтиб қўйсанг, унинг ғазабини келтириб қўясан, ишончини йўқотасан. Бунда тузаётган оилангиз бузилади. Эрининг баъзи сирларини билиб олиб, уларни сақлай олмаган хотин, тўғриси, хотин дейишга лойиқ эмасдир. Эр сирини қалбининг энг тубида тутишни билган ақлли хотинлар ўз оилаларида ҳузур ва роҳатда яшайдилар. Эрининг сирини ичида сақлай олмаган аёл ландавур, бадбахт хотиндир, у эр нафртига учраб, хунук кўринади, натижада оиладан барака қўтарилади. Эътимод йўқ оилада ахлоқ ҳам бўлмаслигини унутмагин, жон қизим.

10. Эрингнинг динга тўғри келадиган барча буйруқларини адо қил. Яъни хожангнинг динга уйғун бўлган буйруқларини бажаришда танбал бўлма. Ҳеч

қачон унга нисбатан итоатсиз бир ҳаракат бўлмасин. Агар шундай бир ҳаракат бўлса, сенга кин сақлаб охири душман бўлади. У сенга душманлик йўлини тутса, сен кўп зарар кўрасан ва қўлингдан ҳеч нарса келмайди.

Шуни яхши билиб олгинки, хожанг хафа бўлганда сен нашъали, хурсанд бўлишдан, у хурсанд бўлганда сен хафа кўринишдан жуда эҳтиёт бўлгин. Чунки унинг хафа бўлган пайтида сенинг хурсанд кўринишинг, унинг қувончли бўлган пайтларида сенинг ғамгин бўлишинг унга ҳамдард бўлмаслик каби бир қусурни ўртага туширади. Бу эса фаҳмсиз ва тарбияси ёмон одамларга муносиб ишдир. Бу сен каби юксак бир тарбия кўрган ақлли ва оқила хотинларга муносиб эмас.

Болажоним! Эрингга қанчалик кўп севги ва ҳурмат кўрсатсанг, ўзинг шунчалик муҳаббат ва ҳурматга эришасан. Айтганларини қандай бажарсанг, сўзларини тингласанг, шу даражада муҳаббат ва ҳурматга сазовор бўласан.

Фарзандим! Шуни яхши билгинки, бу ўғитларимни ўрнига қўйиб бажариб, керагичалик амал қилиб, ўзингнинг шахсий истак ва орзуларингга эришишинг учун эринг ҳам ўз истакларига эришиши керакдир. Эринг – хожангнинг истакларини ўзингнинг истакларинг деб билсанг, у ҳолда бу ўғитларимга амал қилган бўласан!”

* * *

Келин бўлиб тушган уйини Жаннат боғчаси каби бўлишини орзу қилган сингилларимиз бу насиҳатларга амал қилишда ортикча заҳмат чекмасликларига ишонаман. Насиҳатлар содда ва тушунарли тилда баён этилган, уни тезда англаб олиш ҳам қийин эмас. Шунга қарамай, гарчи изоҳларга ҳожат йўқдай туюлса-да, суҳбатни давом эттирсак. Насиҳат қилаётган солиҳа она бу ўғитларни ўзича тўқиб чиқармаган, балки ҳаёти давомида тажрибадан ўтказган ва оила уясини ушбу қоидалар билан Жаннатмакон бўлишини кизига тушунтирган. Оила, ширин турмуш қуриш ва уни чиройли идора этиш учун ҳар бир оқила хонимга ва турмушга чиқаётган ақлли қизга бу ўғитлар сув ила ҳаводек зарурлигини ўзингиз ҳам фаҳмлагандирсиз.

Ширин турмуш қурмоқчи бўлганларга биринчи галда сабр-қаноат зарурлиги уқтирилади. Мазкур ўғитларнинг аввалида қаноат фазилати тилга олингани бежиз эмас.

Келинпошша, оила саодати сиздаги сабр-қаноатга боғлиқ. Оиланинг ёзилмаган қонунига кўра, сабр биринчи галда келиндан талаб этилади. Ҳамиша шундай бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Бу одат унчалик тўғри бўлмаса-да, итоат этишга мажбурмиз. Лекин сабр қилишни, итоатни чўрилик даражасига тушириб англамаслик керак. Сабр – мутлақ итоатгўйлик эмас. Тухмат тоши отилса ҳам, фитна қилинса ҳам сабр қилиб ўтириш керак, дегувчиларга мен қаршилик билдираман. Ҳар қандай сабрнинг ҳам чегараси бўлади. Хўп, давомли ғийбатларга чидаш мумкиндир. Лекин ғийбат тухматга айланса, оилани бузишга қаратилган тухмат қуроли ишга солинса индамай ўтириш керакми? Йўқ! “Бахт учун курашмоқ даркор” деб бежиз айтилмаган. Сабр бундай курашда тўғаноқ бўлмаслиги лозим. Лекин сабр чегарасидан чиқилган тақдирда ҳам, одоб чегарасидан чиқмаслик талаб этилади.

Донишмандлар сабр ҳақида кўп ҳикматларни бизларга мерос ўлароқ қолдирганлар. Сабрга берилган гўзал таърифни ҳазрат Навоий асарларида ўқиймиз: «...Сабр – аччиқ, аммо фойда берувчи; у – қаттиқ, аммо зиён-заҳматни

даф этувчи. Қайси бахтсиз сабр этагини тутган бўлса, у охири муродига етади; қайси бир гирифтор кўнгил сабр тугунини бўшатмаган бўлса, унинг бахт тугуни очилади. Сабр – шодликлар калитидир, бандларни ечувчидир. Сабр – ўртоқдир, суҳбати зериктирарли, аммо мақсадга олиб борувчи; сабр – улфатдир, узоқни кўзлаган, аммо охирда истакка етказувчи. Сабр – уловдир, секин юрадиган, аммо манзилга элтувчидир. Сабр – туядир, оғир қадам, лекин бекатга олиб борувчидир. Сабр – насиҳатгўй, ачитиб гапирадиган, киши табиати ундан озор чекади, лекин амал қилган охирда муродига етади. Сабр – табиб, бадхўр дори, бемор ундан азоб тортади, аммо сўнггида соғлиққа эришади.

Ишққа мубтало бўлган ошиқлар бу сўзни эшитганда чўчийдилар ва лекин сабр натижасида ёр васлига етишадилар. Ҳажр азобини тортаётган кишилар сабр сўзини эслашдан жирканадилар, лекин охирда сабр туфайли дийдор кўришадилар. Сабрнинг умидкорлик қафасида жон булбулига на хомушлик фойда берар, на куй ва на нола; сабр мажлисида рух тўтисига на сукут наф еткурар, на фарёд ва на фиғон.

Сабр саҳросида роҳат қилиш изтироб чекиш билан барабар; сабр даштида дам олиш – югуриш билан барабар. Сабр бор ерда, айрилиқ ўтида куйганларга ўлишдан ғам йўқ; иштиёқ эгаларига ҳажр ўтида куйишдан алам йўқ.

Сабр – ҳажр шомидек қоронғи ва узун, аммо унинг охири висол тонги; сабр – ҳаж йўлидек қийин ва йироқ, аммо ниҳояти – иқбол қаъбаси.

Балога гирифтор бўлиб, нобуд бўлиш хавфи остида қолган одамнинг ҳаёти сабр туфайли озод; ҳар бир ноумид шахснинг тушкун руҳи сабр туфайли тетик, обод...”

Ҳикоят:

Нақл қилишларича, бир бечора-нотавоннинг кўнглига бир гулюзнинг ишқи тушди. У тухмат туфайли зиндонга гирифтор бўлди. Тухматни бўйнига қўйиш учун унга берилмаган азоб қолмади, аммо у махфий сирини тилига олмади. Оқибат – бир куни миршаблар бориб, уни зиндондан тортиб чиқардилар ва бош-оёғидан тортиб, бир қучоқ ёғочни унинг баданига уриб, ушатдилар. Калтак зарбидан унинг бутун вужуди жароҳат бўлди; ҳамма аъзосининг териси шилинди. Унинг аъзойи бадани шундай дабдала қилинган эдики, оққан қон у майдонни лозазор қилди. Шунда ҳам, у бечора мутлақо дам урмади ва иқдор сўзини тилига келтирмади. Ниҳоят, золимлар уни азоблашдан чарчадилар ва ўртадан судраб чиқариб, ноиложликлари туфайли қўйиб юбордиларки, инсофан тўғри иш қилдилар.

Азоб берувчилар йироқлашишгач, жафокаш одам оғзидан майдаланган танга парчаларини чиқарди. Тўпланган одамлар бу ҳол сабабини сўрадилар

Жавобидан маълум бўлдики, золимлар калтаклаётган пайтида севгилиси келган ва бир бурчакда унинг аянчли ҳолига боқиб турган экан. Унга жабр-зулм қилинаётганида, тангани оғзига солиб, ҳар зарбда икки тиши орасига олиб, қаттиқ тишлар ва тишининг зарби билан у пулни майда-майда қилиб ушатар экан. Ошиқ ўз маъшуқаси қаршисида сабр-чидам кўрсатиб, унинг кузатиб турганини сезар экан.

Бу манзарани ўз кўзлари билан кўрган маъшуқаси меҳр-шафқат билан қошига келиб, юмшоқ сўзлар билан яраларига малҳам қўйди ва ширин тил билан мажруҳ танига жон бағишлади. Бу ошиқ йигит тасаввур қилиб бўлмас давлатга муяссар бўлди ва ҳаёл қилиб етмас саодатга эришди. Бу бахт – барча қийинчиликларни сабр-чидам билан енгиш намунасидир. Бунга азоб-уқубатга бардош кўрсатиш орқали эришилади.

*Кимки бир шиддат аро сабру таҳаммул айлади,
Бахт анинг нишини нўшу хорини гул айлади.*

Хулосада дейилмоқчики, ким бирор қийинчиликда сабру чидам кўрсатса, бахт унинг заҳарини асалга, тиканини эса нафис гулга айлантиради.

* * *

Биламан, қайнонанинг ёки бошқа бирор кишининг бемаъни гапларига ёки фитналарига ёки қитмирликларига чидашингиз қийин бўлади. Шундай ҳолда ҳам чекинманг, чунки, Низомий Ганжавий ҳазратлари айтганларидай:

*Ҳар кеча сўнгида нури зиё бор,
Ҳар бардош сўнгида завқи сафо бор.*

Келинпошша, «Дунёда энг яхши лаззат нима?» деган саволга «Қаноат лаззатидир», деб жавоб берадиганлар янглишмайдилар. Чинакамига қаноатли бўлиш худбинликни инкор этади, киши ўзи роҳатда яшаш билан бирга, бошқаларнинг ҳам шод яшамоғини истайди ва бу йўлда жон фидо қилмоққа ҳам тайёр бўлади.

* * *

Эрнинг хотин зиммасидаги ҳақлари кўп. Шулардан бири – эридан зарур бўлмаган нарсани талаб қилмаслиги, эрнинг ҳаром топиш-тутишига сабаб бўлмаслигидир. Қадимдан солиҳа, муслима хонимлар шундай бўлганлар. Эр тижорат мақсадида йўлга чиққанида хотини бундай дерди: “Отаси, ҳаром топиш-тутишдан сақланинг! Биз очликка ҳам, бошқа етишмовчиликка ҳам чидаймиз. Лекин Қиёмат куни жаҳаннам оташига чидай олмаймиз”. Қизлари ҳам оналарига қўшилиб шу сўзларни айтишарди (*Абу Ҳомид Ғаззолий*).

* * *

Эрнинг кўзи тушиши мумкин бўлган ерларга яхши эътибор бериш, эрни ўзига меҳр риштаси билан ила боғлаш демакдир, уйга боғлаш демакдир. Бадбўй жойларни тозалаш эрнинг қалбини ўзига ром этмоқ демакдир. Хушбўй хид келмайдиган аёл қанча гўзал бўлса ҳам, одамни жиркантиради. Оқшомлари эрини доғ дастурхонлар, ёғли либослар билан кутиб олиш, ақлли хотинларга тўғри келмайди. Шу боис ошхонага кирганингизда, айниқса ёғ қиздириб, таом пишираётганингизда бошқа кийим кийиб, бошингизга рўмол ўраб олинг, токи сизга ошхона ҳиди ўрнашиб олмасин. Ҳозир кўп қизлар, келинлар махсус юпка қўлқоп кийиб оляптилар. Бундан айрим қайноналар ғашланишлари мумкин, лекин мен буни озодалик одобидан деб баҳолаб, маъқулламан.

* * *

Кимнинг табиатида уй, жиҳоз ва ҳашамга ўчлик бўлса, шайтон унинг бу заифлигидан фойдаланади. Уни уйини кўркамлаштиришга, деворларини ва шифтларини нақшлашга ва хоналарини кенгайтиришга чақиради. Гўзал либослар ва уловлар билан кўзини ўйнатади. Бундай аҳволга тушган одам ҳою ҳавасларга берилади. Ҳеч қачон ўлмайдигандай ҳаракат қилади. Шайтон уни шу йўлга солдими, ортиқ ҳеч қачон бу ҳолатдан қутулолмайди. Чунки бу аҳволдаги одамнинг ҳаваслари ҳеч тугамайди. Шу тариқа иблис йўлида ҳою ҳавасларни деб умр ўтказаркан, ажал етиб келганини ҳам билмай қолади. Қарасаки, ҳеч бир иш қолмабди. Оламдан бундай иймонсиз ўтишдан кўрқмоқ лозим. Худо сақласин! (*Абу Ҳомид Ғаззолий*).

* * *

Аёллар йиғинидаги бир жувон барчанинг диққатини ўзига тортди. Унинг кийими оддий, оройиши табиий бўлиб, сўзлашуви баодоб эди. Кам гапириб, кўпроқ бошқаларни тингларди. Хизматни эса елиб-югуриб бажарарди. Шунда кекса аёл унга баҳо бериб дедики: “Бу келин устоз кўрган. Келиннинг устози – қайнона. Қайнонали келин – қарқара келин, қайнонаси келин – тасқара келин”. Одамлар ҳурматиға сазовор бўлишни истасангиз, қайнонангиз буюрган, ўргатган барча ишларни суюниб-суюниб бажаришни одат қилинг. Онангиздан ўрганганингизни бир вужудға ўхшатсак, қайнонангиздан ўрганганингиз бу вужудға кўрк бериб турувчи либосдир.

* * *

*Оналарнинг оёғи остидадур равзаи жаннату жинон боғи,
Равза боғи висолин истар эрсанг, бўл онанинг оёғи тупроғи.*

Ҳазрат Алишер Навоий мазкур байтда “Жаннат боғу бўстонлари оналарнинг оёғи остидадур. Жаннат боғиға кирай десанг, онанг оёғининг тупроғи бўл” деганлар. Онасини бошиға тож этганларнинг ҳақи Жаннат ҳаётидир. Онасига осий бўлган фарзанд ҳақи эса оловли жаҳаннам оташидир.

Сиз ўз онангизни севасиз, ҳурмат қиласиз. Бунинг учун сизни шарафлаймиз. Қайнонангизни ўз онангиздан ортиқ севолмаслигингиз аниқ, лекин онангиз қаторида кўринг. Сиз учун бу дунёнинг жаннати – яхши қайнонадир. Яхши қайнона осмондан тушмайди. Бу сизнинг одобингизға ва интилишингизға боғлиқ.

Орадан ойлар ёки йил ўтиб, сиз ҳам оналик мартабасиға етишасиз. Бу мартаба нечоғли улуғ бўлса, онанинг бола тарбиясидаги масъуляти ҳам шунчалар буюқдир. Фарзандингиз эмаклаётган чоғиданоқ сизнинг қайнонангизға қилаётган муносабатингиздан онани қандай ҳурмат қилишни ўргана бошлайди. “Лаббай, ойижон”, “Хўп бўлади, ойижон”, “Кўнглингиз қандай таомни тусаяпти, ойижон”... десангиз, бир неча йилдан кейин шу ширин сўзларни сиз ўз болангиздан эшитасиз. Ота-онасини ҳурмат қилмаган фарзанд ўз фарзандларидан ҳурмат талаб қилиши ножоиздир, дейдилар. Сиз бу фикрга қўшиласизми? Унда «қайтар дунё» деган ибораға қандай қарайсиз?

Албатта, яхши одобингиз билан ибрат бўлганингиз аъло, лекин бунга қўшимча равишда болангизнинг онгини ҳикматлар, ривоятлар билан бойитиб борсангиз янада гўзал! Бола тарбиясига нафи тегиши мумкин бўлган икки ривоят билан танишинг ва эслаб қолинг:

Ҳазрати Мусо алайҳиссалом Тур тоғида жаноби Ҳақдан ниёз этди, “Ё, Раббий! Жаннатда йўлдошим, ўртоғим, қўшним ким, менга аён эт”, деб илтижо қилди. Жаноби Ҳақ пайғамбарига: “Ё, Мусо! Фалон қасабада, қассоблар ичида ёшгина бир қассоб бор. У сенинг Жаннатдаги йўлдошингдир”, деб ваҳий юборди.

Мусо алайҳиссалом Жаннатда ёнларида бирға бўлажак киши билан танишмоқ мақсадида йўлга чиқдилар ва ўша қассобни топдилар. Бир муддат унинг дўконида ўтириб, ҳаракатларини, одамлар билан муомаласини кузатдилар. Бошқалардан ажралиб турувчи алоҳида фазилатини кўрмадилар. Оқшомда йигит Мусо алайҳиссаломни уйига таклиф этди. У юзидан нур ёғилиб турган, олийжаноб ва ниҳоятда истарали кишининг уйига меҳмон бўлиб кирганидан мамнун эди. Дастурхон ёзиб, таомни қўйгач, деворга осиб қўйилган сават-бе-

ланчакни авайлаб олиб, ерга қўйди. Унинг ичидан қариб, жуссаси кичрайиб қолган озғин кампирни кўтариб олди. Меҳмонни дастурхонга таклиф этиб, ўзи кампирни болани овқатлантиргандай авайлаб таомлантира бошлади. Кампир ҳар лукмани ютганидан сўнг нимадир деб пичирларди. Йигит унга чой ичирди, сўнг елкалари, қўлларини силади-да, яна авайлаб кўтариб сават-беланчакка солди.

– Ўғлим, бу кампир сенга ким бўлади? – деб сўрадилар Мусо алайҳиссалом.

– Бу аёл менинг валинеъматим, севики онамдир, – деди қассоб. – Туриб ўтиришга, овқат еб, чой ичишга қувватлари етмайди. Эрта-кеч ўзим қарайман. Овқатлантириш ва ёрдамимнинг ҳаммасини қўлимдан келганича хуш муомалада бажараман.

– Ўғлим, онангга қилаётган бу хизматларингдан жуда мамнун бўлдим. Лекин тушунмадим. Нима учун сават-беланчакка солиб, деворга осиб қўйдинг?

– Ҳазратим, авваллари онам ерда тўшақда ётардилар. Бир куни уйда йўқ-лигимда, думалаб-думалаб, остонага бориб қолибдилар, – деди қассоб. – Бирор зарар етмасин деб, беланчакка соладиган бўлдим.

– Ўғлим, онангга овқат бераётганингда унинг лаблари кимирлаб, нималардир деб пичирлади. Шубҳасиз, хизматингдан мамнун бўлиб, дуо қилгандир. Нималар деганини биласанми? – деб сўрадилар Мусо алайҳиссалом.

– Биламан, – деди қассоб. – “Ё Раббий! Мен ўғлимдан хушнуд ва розиман, сен ҳам рози бўл. Ё Раббий! Мен оналик ҳақимни – хусусан берган сутимни фарзандимга ҳалол этдим. Берган сутимга розиман. Ё Раббий! Охиратда Сен менинг ўғлимни Жаннати аълода Пайғамбаримиз Мусога дўст айла, йўлдош айла”, деб дуо қилади.

Шунда ҳазрати Пайғамбар алайҳиссалом ўзларини танитдилар:

– Мен Мусои Калимуллоҳман. Тур тоғидан келдим. Мени сенинг ёнингга жаноби Ҳақ юборди. Чунки мен жаноби Ҳақдан: “Ё Раббий! Менинг Жаннатда хос йўлдошим ким бўлади?” деб сўраганимда, Жаноби Ҳақ менга: “Фалон мамлакатли бир қассоб йигитдир, унинг олдига бор”, деб буюрди. Сенга бу – мужда, хушхабар бўлсин. Сен онангга қилган хизматинг учун Жаноби Ҳақ сендан рози бўлди ва онангнинг дуоси соясида сени менга Жаннатда йўлдош ва қўшни қилди...

Мазкур ривоятда йигит тилга олинган бўлса-да, бу ҳикмат қизлар учун ҳам ибратдир. Шунингдек, онага хизмат қилишда эришиладиган мартабага қайнонага хизмат қилиш туфайли ҳам эришиш мумкин.

Ҳаётда, афсуски, онани беҳурмат қиладиганлар ҳам учрайди. Энди шу ҳақда:

Бир қиз онасидан шикоят қилди:

– Онамнинг ақллари ўзларида эмас. Уйимга келиб тўполон қиладилар, тинчлик бермайдилар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом онани чақиртирдилар. Ғоят қари, бечораҳол она дедик: «Ё Расулаллоҳ! (с.а.в.) сабр қилайин десам, қизим хабар олмайди. Ҳатто болаларини юбормайди. Ёлғиз ўзим пашшаларга ем бўлиб ётаман. На ўлиб қутуламан, на роҳат кўраман. Қизимнинг бепарволиги шунчалик”.

Расулаллоҳ (с.а.в.) дедилар:

– Тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат сени қорнида тарбия этган ким? Ўлим жари ёқасига келиб, сени туққан ким? Сени икки йил эмизган ким? Сени бало-

гатга етказиб узатган ким? Шу онанг! Агар шу онангни рози қилмасанг, жаннат сенга ҳаром! Тавба қилсанг – қилдинг, йўқса ярим мулкингни олиб бераман.

Қиз тавба қилди...

Афсуски, бу кунларда ҳам қалби тош фарзандларни учратиб турамиз ва уларни бир гап билан инсофга келишларига ишониш қийин. Начора, инсофга келмасалар ўзлари эккан бемеҳрлик дарахтининг аччиқ мевасини ўзлари ейдилар. Бу жазо узоқ куттирмайди. Бугун атрофларида эмаклаб юрган ширин фарзандларининг бемеҳрлик назари билан қараш онлари ғоят тез келганини ўзлари ҳам билмай қоладилар.

Бунга ўхшаш ибратли воқеаларни кўп эшитганмиз. Энди бўлиб ўтган ҳақиқий воқеалардан айтай:

Москва телевидениесига бир кўрсатув намоиш этилди. Саксон уч ёшдаги соғлом онани эллик етти ёшдаги ўғил жиннихонага жўнатди. Мақсад – уйга эга чиқиш. Шу кўрсатувда бир журналист аёл Чеченистон урушида кўрганларини сўзлаб берди. Грозний шаҳри вайрон этилгач, кўчаларда бошпанасиз қолган химоясиз қариялар нажот умидида тентираб юришаркан. Улар асосан рус миллатига мансуб қариялар экан. Улар йўлда учраган журналистларга мурожаат этишиб, Россиянинг бошқа шаҳарларида яшаётган фарзандлари, қариндошлари манзилани беришиб, уларга хабар йўллашларини ўтиниб сўрашаркан. Журналист аёлнинг ўзи ўнлаб шаҳарларга қўнғироқ қилибди, хатлар ёзибди, аммо ҳеч ким келмабди, отаси ёки онасини ёки қариндошини олиб кетмабди. Саксон ёшдан ошган кўзи ожиз бир кампирни журналист аёлнинг ўзи ҳарбийлар ёрдамида Москвага келтирибди. Шунда ҳам у муштипарни ўғли оиласи бағрига олмабди...

Шу воқеаларни баён қилиб бўлгач, журналист аёл чеченларнинг қарияларини мисолга келтирди. Уларнинг биронтаси бирон қарияни эътиборсиз қолдирмабди. Беморларни опичиб бўлса ҳам хатарли ерлардан олиб чиқишаркан. Сўнгги тишлам нонни ёки сўнгги қултум сувни қарияларга беришаркан...

Қарияларни опичиб юришларини эшитиб, шарафли ҳадисларнинг бири ёдимга тушди: Ҳофиз Абу Бакр Баззор Будада оталаридан ривоят қиладилар: Бир одам зиёратда онасини кўтариб юриб тавоф қилдираётган экан. Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан: «Онамнинг ҳаққини адо қилдимми?» – деб сўрабди. Шунда Расулulloҳ (с.а.в.): «Йўқ, бир оҳ тортишининг ҳаққини ҳам адо қилганинг йўқ», деган эканлар.

Мазкурнинг яна бир гўзал давоми ҳам мавжуд: Абу Бурда ибн Аби Мусо Ашъарийнинг айтишларича, Абдуллоҳ Ибн Умар бир яманлик одамнинг ўз онасини опичлаб, хонаи Каъбани тавоф қилдириб юрганини кўрдилар. У одам бир байтни оҳанг билан ўқиркан:

Онаи зорим учун бўйнимни эгган теваман (туяман),

Тевага минган онам ҳорсалар-да, мен чарчамам.

У шуни ўқиб туриб, Абдуллоҳга қаради-да: «Эй Абдуллоҳ ибн Умар! Мана шу хизматим билан мен онамнинг хизматини қила олдимми?» – деб сўради. «Йўқ, бу хизматинг сени туғиш вақтида онангни қийнаб тутган тўлғоқларининг биттасига ҳам баробар эмас», – дедилар».

Пойтахтнинг Шайхонтохур тумани судида аянчли воқеага шохид бўлдим: она қизини судга бериб, оғир жазо беришни талаб қиляпти. Ажабланияпсизми? Мен ҳам дастлаб ажабланган эдим, сўнг ғазабландим. Гувоҳликка келганлардан бири: «Агар одилман, десангиз бу қизни энг олий жазо – отишга ҳукм

килинг, ҳукмни халқ олдида ижро этинг. Ноқобил фарзандлар бундан ўрнак олсин!» деди. Ўлим жазосига лойиқ кўрилатган қиз онанинг ёлғиз фарзанди экан. Отадан ёш етим қолибди. Қизининг бахтини ўйлаб, она бошқа турмуш қурмабди. Қизини орзу-ҳавас билан куёвга узатибди. Хасталаниб, шифохонага ётганида нафсига банда қизи она номидан қалбаки ҳужжатлар тайёрлаб, уйни сотиб юборибди. Она шифохонадан қайтсаки, уй йўқ... Қолгани сизга маълум. Албатта, суд бу фарзандни ўлимга ҳукм қилмайди. Товламачилиги учун бир неча йилга қамар ёки аёллигини эътиборга олиб, озодликдан шартли равишда маҳрум қилар. Лекин Аллоҳнинг жазоси қаттиқ бўлади. У фарзандни суд ўлимга ҳукм қилмаса ҳам у аллақачон ўлган, тирик ўликка айланган. Ундан энди ер ҳам ҳазар қилади. Эсини йиғиб тавба қилса қилди, бўлмаса охирати тамоман куяди. У-ку, тавба қилар, аммо она рози бўлармикин ундан?

«Жаннат оналар оёғи остидадир», мазмунли ҳадиси шарифни эшитмаган одам йўқдир. Аммо унинг маъносини ҳамма ҳам билавермаса керак. Онасини ёлғиз ташлаб, мушриклар билан урушга отланган йигитни Расулulloҳ (с.а.в.) қайтариб, шундай деганлар. Яъни, жаннатга тушиш учун жиҳодда жон бериб, шаҳидлик мартабасига етиш шарт эмас. «Онангнинг хизматини қилиб, розилигини олсанг бас, шу топган савобинг сенга жаннат йўлини очади», дейилмоқчи. Онасини бир эмас, юз марта Ҳажга олиб бориб, бошқа пайт кўнглини ранжитувчилар шу ҳикматлар мағзини чақиб кўрсалар ёмон бўлмас.

Мазкур ҳадисга ҳамоҳанг воқеани ҳазрат Алишер Навоий баён этганлар:

“Хожа Абдуллоҳ Ансорий дебдурким, Исмоил Даббос дедиким, ҳаж ниятида сафарга чиқиб, Шерозга етишдим. Бир масжидга кирдим. Шайх Мўминни кўрдимки, ўтириб, хирқасига ямоқ соларди. Салом қилдим ва ўтирдим. Мендан сўради:

– Не ниятинг бор?

Дедим:

– Ҳаж ниятим бор.

Деди:

– Онанг борми?

Дедим:

– Бор!

Деди:

– Қайтиб, онангни хизматига бор!

Бу сўз менга хуш келмас эди. Деди:

– Нега тўлғонасан? Мен бош яланг, ояқ яланг, ёлғиз ва озуқасиз эллик марта ҳаж қилганман. Барчасининг савобини сенга бердим. Сен онанг кўнгли шодлигини менга бер!”

Агар она қад-қоматини бир дарахтга ўхшатсак, фарзанд шу дарахтнинг ширин бир меваси. Бир фарзанд она қадрига етмас эди. Онанинг кўз ёшлари унга таъсир этмас эди. Бир куни она бешикни олиб, фарзанди қаршисига қўйиб деди:

– Эй ёшлик, чақалоқлик пайтини унутган ноинсоф! Мана бу бешикни кўр-япсанми? Чақалоқ чоғингда шу бешикка михланиб, тунги уйқуларни мен ўзимга ҳаром этдим. Бешикда ётганингда юзингга битта пашша ёки чивин қўнса, уни қувишга имконинг бўлмай йиғлар эдинг. Мен сени хира пашшалардан асраб, бешигингни тебратар эдим. Йиғидан тўхтамасанг, сени ечиб олиб, бағримга босардим. Сени деб барча машаққатларга чидадим. Куч-қувватимни сенинг

камолинг учун сарф этдим. Мана энди катта бўлиб, куч-қувватга тўлдинг. Чақалоқлик, болалик, ёшлик пайтларингни унутиб қўйдинг. Энди эса мени ранжитясан. Лекин, бир куни келиб, албатта бу дунёдан ўтасан. Қабрининг тубига, қоронғулик қаърига кирасан. Ўшанда Аллоҳдан раҳмат нури ололмайсан...

Биз бешикларни кўп кўраимиз. Аммо қачондир шу каби бешикда ётганимизни, онамиз тунлари бедор алла айтиб чиққанларини ўйлаб кўраимизми? Агар ўйламасак, эсламасак, унда ноинсоф фарзанд эканмиз. У ҳолда уйимиз тўрига бешик суратини чиздириб, остига «Унутма!» деган хитобни ёзиб қўйганимиз лозимдир?

Баён қилинмиш ривоятда шарқнинг буюк мутафаккири Саъдий оналик ҳақининг нозик жиҳатларига эътиборни тортганлар. Дунёда валинеъматларини билмаганлар Ҳаққа исён қилган бўлишади. Оналарга хизмат қилиш эса жаннатий амаллардандир. Шубҳасизки, она ҳақини тўлалигича, бекаму кўст адо қилмоқ бу дунёда мумкин эмас. У бешикдаги гўдагини минг турли ниёзлар билан ўстириши фарзанди устидаги энг катта ҳақидир.

Бир киши Муҳаммад алайҳиссаломдан:

– Мен онамни кўтариб Маккани зиёрат қилдирдим, ҳақини адо қилдимми? – деб сўради.

Расулуллоҳ (с.а.в.) унга жавоб қилдилар:

– Йўқ, у сени кучоғида олиб юрганда фарзандим униб-ўссин, катта бўлсин, – деб ўйлаганди. Сен эса кўтариб юрган пайтингда онангнинг ўлими ҳақида ўйлардинг...

Келинпошшалардан ўтинчим шуки, оналарингиз ва қайноналарингиз ҳузурларида турганингизда Саъдийнинг бешик ҳақидаги ривоятларини доимо ёдда тутинг. Чунки сиз севган, сизга умр йўлдоши бўлган йигитни қайнонангиз қийналиб туққан, тунлари бешик тебратиб ухламаган. Қайнонангиздан ранжиган ва норози бўлган пайтингизда унинг шу хизматларини эсланг, тунда бешик тебратиб ўтирган муштипарни кўз олдингизга келтиринг. Қайсидир масалада сиз ҳақ, қайнонангиз ноҳақ бўлса-да, унинг бу хизматлари эвазига айбини кечиринг. Ундан аразламанг, балки янада меҳр билан хизматларини қилиб, дуоларини олинг.

Келин – қайнонанинг маънавий қизи, қайнона – унинг иккинчи онаси, деган гапни кўп эшитгансиз. Биринчи онангиз ўз уйингизда қолдими, демак, бу хонадонда сиз учун энг меҳрибон, ғамхўр киши қайнонангиз бўлади. Сиз кўнгил қўйган йигитни шу она туққанми? Сизнинг фойзли хонадонингизга шу аёл совчи бўлиб борганми?..

* * *

Шайтон “Одамзодни энгилтаклик ва шошқалоқлик томиридан тутаман”, дер экан. “Шошган қиз эрга ёлчимаиди”, деган мақол эҳтимол шунга қараб айтилгандир. Куёв томоннинг асли ким эканини суриштирмай, тўй бошлашга шошганлар балки бу мақолни афсус билан тўқигандир. Кексалар энгилтаклик ва шошқалоқликдан анча нари бўладилар. Аммо бир нафас босиб ўтган йўлларида қарасалар, шошқалоқлик ва энгилтакликлари туфайли ҳаёт сўқмоқларида қоқилиб, бурунлари неча бор қонаганини эслайдилар. Суюкли келинларимиз панд емасликлари учун ўзларини шошқалоқлик ва энгилтакликдан тийишга доимий равишда аҳамият беришлари керак. Бунинг учун биринчи галда ўйламасдан гапириб юбориш касаллигини даволаш керак. Кейин эса барча хатти-

ҳаракатларини назорат қилсинлар. Агар назорат қилиб, хатоларини кўрсалар ва тузатиш чорасини қилсалар ҳаловат топадилар. Келинпошша, унутмангки, хатти-ҳаракатингизни ўзингиз назорат қилмасангиз, қайнонанинг раҳбарлигида назорат қилувчи кўзлар кўп. Улар танбеҳ беришни бошламасларидан олдин хатоингизни ўзингиз тузатишга улгурсангиз, назоратчиларнинг оғзига қулф урган бўласиз.

* * *

Номус эр-хотин тотувлигининг қони ва жонидир.

* * *

Юз туман нопок эрдин яхшироқ,
Пок хотунлар аёғининг изи.

* * *

Уч қисм ила иймонға бино фаҳм айла,
Аввалғисини анинг **ҳаё** фаҳм айла,
Иккинчисини доғи **вафо** фаҳм айла,
Учунчини билмасанг, **саҳо** фаҳм айла.

(Уч қисм билан иймон иморатини қургин. Аввалғисини ҳаё, иккинчисини вафо, учинчисини эса саҳоват деб билгин.)

Хайли зуафоки бевафолиқ фанидур,
Ҳийла уйи ул гуруҳнинг масканидур,
Яхшиси деса киши кўп севганидур,
Кўп севса ва кўп туғса аҳсанидур (Алишер Навоий).

(Заифа аёллар гуруҳи бевафо бўлсалар, уларнинг маскани ҳийла уйидир. Уларнинг яхшиси, ўз жуфтини кўп севганидур. Кўп севса ва кўп туғса, ўша аёлларнинг гўзалидир.)

* * *

Хотинларда иффат, поклик энг улуғ жамолдир. Хиёнатга хиёнат қилиш билан қарши турма, балки хоинларни тарк эт (Абу Аъла ал-Маррий).

* * *

Энг яхши хотин шундай хотинки, у ҳаёли ва ориятли бўлади. Энг муҳими, оилада тўкин-сочинлик ва бараканинг сабабчиси бўлади (Муъиниддин Жувайний).

* * *

Хотиннинг эрига қиладиган одоблари:

Аввалги адаб – хотин эридан изнсиз ҳеч жойга бормаиди, ҳеч кимни уйига келтирмаиди, эрининг молини беизн сарф қилмаиди.

Иккинчи адаб – уйида хотинларга тааллуқли хизматларни интизом билан бажаради.

Учинчи адаб – эри шод бўлса шод, ғамгин бўлса, ғамгин бўлади.

Тўртинчи адаб – эрининг топганига қаноат қилади...

Бешинчи адаб – эрига мувофиқотчилик қилади.

Олтинчи адаб – эри ўлса мотам тутати... (Муҳаммад Содиқ Қошғарийнинг "Одоб ас-солиҳин" китобидан).

* * *

Қиз боланинг жамики бойлиги – унинг номуси, бу бойлик ҳар қандай меросдан ҳам қимматлидир (*Вильям Шекспир*).

* * *

Келинпошша, ёмон ният қилмайлик, лекин ҳаётда ҳар хил нопокликлар, бевафоликлар, хиёнатлар учраб туради. Шундай ёмонликларга дуч келган хотин қандай чора кўриши керак? Агар эр хотинни хиёнат устида ушлаб олса, талоқ қилади. Кечирувчи эрлар камдан-кам топилади. Хотин эса турмуши бузилмаслиги, болалари тирик етим қолмаслиги учун эрни кечиради. Аслида зино исботи билан тасдиқланса, қадимда шариат ўлимга ҳукм қилган. Ҳозир бундай ҳукм йўқ, ҳатто жиноят кодексида ҳам бундай жазо йўқ. Ҳозир эр-хотин ўртасида кечириш бор. Лекин кечириш билан олам гулистон бўлиб қолмайди. Чунки чинни пиёла синса-ю, уни ямаб қўйсангиз, барибир изи қолади. Хиёнат туфайли яраланган юракда ҳам из қолади. Бу из қачондир яна ярага айланиши, йиринглаши ва азоб бериши мумкин.

Бир аёл эрини ўз уйида ўйнаши билан ётганида фош қилган. Эр тавба қилган. Хотин кечирган. Аммо уйдаги кўрпа-тўшакларни олиб чиқиб ёқиб юборган. Шундан кейин кўнгли таскин топгандай бўлган. Эрни кечириш хотиндан жуда кучли матонат, сабр талаб этади. Лекин шубҳа ва гумон ўти сўнмайди. Доимий равишда юракни куйдириб тураверади.

Агар эрнинг хиёнати исботланмаса, хотин ўзича гумонсираб юраверса, бу ёмон. Ўзини ҳам, эрни ҳам қийнаб қўяди. Уйга кеч келувчи эр ўйнашиникида ўтирган бўлмайди. Дўстлари билан ўтирган бўлиши ҳам мумкин. Кечаси навбатчиликда қолган эр хотинларга илакишмайди, ўз вазифасини бажаради. Бир аёл менга: “Укангизга насиҳат қилиб қўйинг, уйга вақтлроқ келсинлар”, деди. Менинг насиҳат қилишим фойдасиз эди, чунки у эр милициянинг жиноятга доир қидирув бўлимида ишларди. Бир жиноятчининг изига тушган кезлари 2-3 кунлаб уйга келолмасликлари ҳам мумкин. Мен буни тушунтириб, келиннинг ўзига насиҳат қилдим.

Келинпошша, эрингизни чиндан севар бўлсангиз, ундан гумон қилаверманг, балки вафодорлигига ишонинг. Агар шайтон кўнглингизга ғулғула солар бўлса, “Аллоҳим, эримга инсоф бер, ёмон йўллардан асра”, деб дуолар қилаверинг.

* * *

“Булбулнинг эркаги сайрайди, одамнинг – аёли”, дейдилар, лекин сиз ҳудда-беҳудага сайровчилардан бўлманг.

* * *

Эрингизнинг автомашинаси бўлса, ёнига эмас, орқа ўриндиққа ўтиришга одатланинг. Бунинг сабаби: (Аллоҳ кўрсатмасин) кўнглисиз ҳолат юз бергудай бўлса, олд ўриндиқда ўтирган одам кўпроқ шикастланади. Олд ўриндиқда ўтирган аёл ҳаракатланиш пайтида ҳайдовчини чалғитиши, ҳалақит бериши мумкин. Кичик ёшдаги болаларни ҳам орқа ўриндиққа ўтиришга мажбур қилиш керак. Пиёда юрилганда ҳам, эр-хотиннинг ёнма-ён, ҳатто қўлтиқлашиб юриши ғарбликларга хос. Бизда уят ҳисобланади. Ота-боболаримиздан мерос қолган яхши одатга кўра, хотин эрдан ярим қадам ортда юриши хайрли. Буни аёлни камситиш ёки ҳақоратлаш, деб тушунмаслик керак. Аксинча, бу ҳолатда

аёлни кадрлаш бор. Чунки кўча турли фалокатларга тўла. Олдинроқда юрган эр тасодифий дуч келинган фалокатга ўзини қалқон қилиб, хотинни ҳимоялайди.

* * *

Бўлдирадиган ҳам – хотин, ўлдирадиган ҳам – хотин, дейдилар. Сиз бўлдирадиганлардан бўлинг.

* * *

Ҳаётда ҳеч бир иш ўз-ўзидан бўлмайди. Яъни, ҳар бир яхшилик бир заҳмат, бир меҳнат натижасидир. Бизга бир оз қувват бўладиган бир лўкма овқат қанчалар меҳнат ила пайдо бўлади. Ундан фойдаланиш учун ҳам яна бир оз машаққат чекиш лозим. Жаннат мисоли бир оила соҳиби бўлмоқ учун зиммангизга тушган мажбурият, вазифа ва хизматларни танбаллик, дангасалик қилмай адо этишингиз керакдир. Боғдаги бир гул ҳам ўз-ўзидан ўсиб етишмайди ва гул очилмайди. Ақлли хонимлар яхши одамлар билан ҳамсухбат бўладилар. Уларнинг яхши одатларидан яхшилик ўрганадилар. Ёмон одамлардан узоқ бўладилар. Токи уларнинг ёмонлигидан юқиб қолмасин. Яхшиликлар гул ниҳоли кабидир. Инсонда етишувчи кучдир. Ёмонликлар эса чўлу биёбонларда ўсадиган янтоқлар кабидир. Булар инсоннинг ўзи билмагани ҳолда унда илдиз отади. Табиат аёлга шундай хитоб қилар экан: уддасидан чиқсанг гўзал бўл, хоҳласанг оқила бўл, аммо **идрокли** бўлмоғинг шарт. Агар эр хотинига эҳтиромсиз қарай бошласа, уни дарров айбламаслик керак. Эрининг назаридан қолаётган хотин балки айбни ўзидан қидиргани маъқулдир?

* * *

Ҳар қандай қайноқ муҳаббат фарзанд туғилганидан кейин бир оз совугандек бўлади. Агар бу ҳолат тўғри англамаса, бутунлай совуш эҳтимоли ҳам бор. Табиийки, аёл она бўлгач, ўзини оналик юмушлари билан банд қилади. Унинг бутун ҳаёти боладан иборат бўлиб қолади. Эрини баъзан унутгандай ҳам бўлади. Суюклиси энди унга фақат эр эмас, биринчи галда боланинг отаси сифатида намоён бўлади. Оиладаги биринчи жанжалнинг биринчи фарзанд туғилишидан бошланиши афсусли ҳолдир.

Бунга сабаб боланинг биринчи, эрининг иккинчи ўринга қўйилишими? Ахир эр ҳам боласига шундай назар билан қарайди-ку? Лекин хотиннинг назарида эри болага етарли эътибор қаратмаётгандек туюлаверади. Ҳатто масъулиятсизликда, яхши ота бўлолмаётганликда айблай бошлайди. Бунақа вазиятда баъзи эрлар нима қиларларини билмай шошиб қоладилар, баъзилари эса кўп ўйлаб ҳам ўтирмай, хотинга зарда қила бошладилар. Эр-хотиннинг чиройли муносабати шу тарзда бузила бошлайди.

Келинпошша, сиз бир неча ҳафта ёки ой мобайнида намунали она бўлолмаганингиз каби, эрингиз ҳам дарров ҳавас қиладиган ота даражасига чиқолмайди. Сиз оналик масъулиятини бошқаларни кузатиб ўргангансиз. Яъни, кузатув асосида билимга эгасиз. Амалий тажрибани эса энди бошлаяпсиз. Билимни амалга татбиқ этиш осон кечмаётганини ўзингиз ҳам ҳис этаётгандирсиз. Ҳа, балли! Эрингиз ҳам шу аҳволда. Демак, мурсога ўрин бор.

* * *

Кўп гапирманг. Ҳатто қайнонангиз билан ҳам узоқ гаплашиб ўтирманг. Кўп гапнинг ичидан албатта нохушлари чиқади. “Бизда аёлларни гапиртирадиган

дориларимиз бор, аммо уларни жим қилиш учун йўқ”, дейдилар. Шундай дори ўзингизда бўлсин. Бу дори – ўз ақлингиз.

Дарахтни кессалар унинг илдизидан бир шохча кўкариб, унинг ўрнини босади. Танадаги қилич ва ўқ яраси ҳам битиб кетади. Лекин тил яраси ҳеч вақт тузалмайди. Қалбга санчилган сўз ўқини чиқариб бўлмайди. Бадан заҳардан, қалб ёмон сўздан ўлади. Чунки сўз қиличи темир шамширдан ҳам ўткирроқдир.

Қиличдан етган жароҳат тилдан етган жароҳатга қараганда енгилроқдир. Чунки қилич баданни, тил эса қалбни жароҳатлайди. Вужуд яхши таом билан жонланганидек, қалб ҳам яхши сўзлардан ором олади.

*Синса кўнгил шишаси, тадбир билан бўлмас бутун,
Устихон эрмаски, они рост қилса мўмиё...*

Масал: бир одам айиқ билан дўстлашиб, уни уйига бошлаб келди. Бу меҳмоннинг ташрифидан норози бўлган хотини: «Фу, шу сассиқ билан ошно тутиндингизми?» – деб афтини бужмайтирди. Бунни эшитиб ранжиган айиқ болтани олиб, дўстига узатди-да, илтижо қилди:

– Шу болта билан пешонамга бир ур!

Айиқ илтимосини қайтаравергач, дўст унинг пешонасига болта урди. Жонивор оғриқ азобидан ўкириб, ўрмонга қараб югурди. Орадан ҳафталар ўтгач, у яна дўстига рўпара келиб, дедик:

– Қара, болтанинг изи битиб кетди, лекин хотининг тилидан учган сўз яралаган юрагимга даво тополмаяпман...

«Кимки кўнгилни қаттиқ сўз билан жароҳатлар экан, унга аччиқ тил заҳарли найзадек санчилади, – деганлар ҳазрати Навоий. – Кўнгилда тил найзасининг жароҳати битмас, у жароҳатга ҳеч нарса малҳамлик қилмас. Агар бир кўнгилда тил найзасининг жароҳати бордир, фақат яхши сўз ва ширин тил унга малҳам ва роҳатдир. Мулоим сўз – ваҳшийларни улфатга айлантиради. Сеҳргар – оҳанг билан афсун ўқиб, илонни инидан чиқаради... Сўзда ҳар қандай яхшилиқнинг имкони бор. Шунинг учун айтадиларки, «нафаснинг жони бор».

Сўз – туя бурнига ўхшаш, унга жилов солса бўлади. Ёхуд у туянинг бўйни кабидир, етовга юраверади. Демак, масала – уни қай томон етаклашда! Кишининг сўзи жонга роҳат бергувчи бўлмаса, сўзламаслик керак.

*Қилур қаттиқ тақаллум ўнг ишинг чап,
Сўзинг тиклаб кўнгул бузғунча тик лаб.*

Сўфий Оллоҳёр ҳазратлари мазкур байтда гўёким устоз Навоий фикрларини давом эттирадилар: қаттиқ сўз бўлар ишингни бўлмас қилар. Нина қўлни санчиб азоблаганидек, қаттиқ сўз ҳам кўнгилларни санчиб, яралайди. Аммо нина санчиғи битиб кетар, дил яраси битмас. Қаттиқ сўзинг дилни яраламаслиги учун ўша сўзни айтадиган лабингни ёпиқ тут, яъни кўнгилни бузғувчи сўзлар учмасидан олдин лабингни тикиб ташла.

Гўзал сўзлар фақат амалга оширилгандагина чиройли натижалар беради. Муолажа йўлини топган касал одам унга амал қилмаса, табобат илмини билгани мутлақо фойдасиздир. Ёмғир томчилари ерни жонлантиргани каби комил инсонларнинг сўзлари кўнгилларни жонлантиради. Кудсий ҳадисда марҳамат қилинадиким: «Эй Одам боласи! Агар сўзинг ялтироқ – майин бўлиб, амалинг қабиҳ бўлса, унда сен мунофиқларнинг мунофиғисан». Кимки тилини яхши-

ликка ишлатса, куролидан усталик билан фойдаланувчи овчи каби бўлади. Ўзи тушунмаган сўзга аралашаверадиган киши эса нуқул беҳуда ўқ узаверадиган ношуд овчига ўхшайди. Бир оғиз ширин сўз шундай қудратлики, у ўз жонига қасд қилмоқчи бўлиб турган кишини ҳаётга қайтаради, «яхши гап билан илон инидан чиқар, ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқар», деб бежиз айтмаганлар. Яхши сўзларни сўзлашга одат қилмаган киши фалокатга учрайди. Ақлли одам ўз сўзига ҳоким бўлади. Уқув ва билимнинг тилмочи (таржимони) – тилдир. Кишига рўшнолик, яхшилик ва эзгуликлар оқил сўзламаклик ила келади. Шу боис ҳам демишларким: **«Тил – арслон, мисоли ётар қафасда, эй тил эгаси, бошингни асра!»** Қадимдан қолган одобга доир қайси китобни варақламанг, «Тилингни сақла, бошинг саломат бўлади», мазмунидаги насихатга дуч келасиз. Шундай бўлиши бежиз эмас, зотан, ўринсиз сўзламоқликнинг натижаси – пушаймонлик экани ҳақида тарихдан мисоллар излашга ҳожат йўқ. Ҳар бир одам, ёшидан, жинсидан қатъи назар, ўз тили туфайли неча-неча марта пушаймонлар еганки, шуни унутмасликнинг ўзи кифоя.

Сўзидин кишиким ғаму бало ҳосилдур,
 Ҳар нуктада тили деса бало дохилдур,
 Бесирфа деган кишига тили қотилдир,
 Алқиссаки, кимсанинг балоси тилидур (Алишер Навоий).

(Инсон бошига тушган ғам-ғусса ва бало тил туфайлидир. Ҳар бир айтилган сўз туфайли балогоа дохил бўлади. Кўп сўзлаган кишининг тили қотилдир, хуллас, инсоннинг балоси – тилдир.)

* * *

Хотин сутни сузиб, хаслардан тозалагани каби эри билан гаплашар чоғида ўзига хос сузгич ишлатиши шарт. Яъни, оғзига келганини, хаёлдан ўтганини шартта-шартта гапирмасин. Айтар гапларни сузгичдан ўтказиши ва “лойқа”-ларини ажратиб, фақат зарур бўлган нарсаларни айтиши керак. Хотин биринчи галда овози оҳангини сузгичдан ўтказсин, баланд овозда, бақириб-чақириб гаплашмасин. Ҳар қандай эр баланд овозда гапирадиган ва буйруқ беришни яхши кўрадиган аёлдан нафратланади.

Хотин тилига куйилиб келаётган гаплар орасидан айбловларни сузиб олиши керак. Яъни, эрини айблаб гапирмасин. Тўғри, эрнинг озми-кўпми айби мавжуд. Лекин ўрни бўлса-бўлмаса юзига солиши шартмикин? Эрлар хотинлар томонидан айбланган вақтларида кадр-қимматлари, ҳурмат-эътиборлари пасайганини ҳис этадилар ва тўғри гапни қабул қилиш туйғулари шикастланиб, серзада, сержаҳл бўлиб қоладилар. Аввалига эр танқидни бир марта қилинадиган ҳужумдек қабул қилади. Танқид давом этаверса, “Бу хотин менинг қадримни билмайди”, деган ўй ҳақиқатга айланиши баробарида хотинидан узоқлаша бошлайди. Ана шундай руҳий кечинмаларга асир бўлиб юрганида қайсидир аёл унга меҳрибонлик қилса, унга маҳлиё бўлади-қолади.

Келинпошша, сизга шунақа оқибат керакми?

“Бир ёстикқа бош қўйиш” – эр хотиннинг барча дардларига шерик, деган гап эмас. Эр баъзан тушуниб – баъзан тушунмай, баъзан атайин – баъзан эса тасодифий ҳолда хотинининг дардига бефарқ қарайди. Шунинг учун хотин айтмоққа шайланган дардларини ҳам сузгичдан ўтказиб олиши дуруст. Баъзи хотинлар эрлари ишдан қайтгач, ундан мақтов эшитиш мақсадида кун бўйи

тинмаганини, чарчоқларига қарамай, қандай ишлар бажарганини, жон куйдирганини бир-бир айтади. Эридан мақтов кутиб гапираётган хотин унинг қош-қовоғига қарасин. Бунақа гапларни эр шикоят ўрнида қабул қилади ва юраги сиқилади. Мақташ ўрнига хотинини ношукурликда айблайди. Масалан, хотин “Ҳамма кирларни юиб қўйдим”, деса, “Қўлда ювдингми ё кетмон чопдингми, ё сигир соғдингми?!” деган пичинг билан “узиб-узиб” олиши табиий. Ўзингиз айтинг: хотиннинг кир ювгани ёки пиёз арчаётганида кўзлари ёшланганини ишдан чарчаб келган эрнинг билиши шартми?

Эрингиздан норозилигингизни тил билан эмас, юз ифодаси билан билдиришга урининг. Аммо ҳаддан ошиқ қош-қовоқ солманг, у гапираётганда юзингизни буриб олманг. Кўз қарашларингизга аҳамият беринг. “Сиз мени қаттиқ ранжитдингиз, Аллоҳ жазоингизни берсин, бу ишингиз учун жазо олмасангиз мен рози эмасман...” деган маъно кўзларингиздан сачраётган ғазаб учқунларидан билинмасин. Жим туриш хотин кишининг зўр қуроли эканини биласизми? “Хотиннинг жим туриши эрни қар қилади”, деган мақол ҳам бор. Эркаклар аёлларнинг кўп гапиришларидан шикоят қилсалар ҳам, аслида жим туришларидан безовта бўлишади. Қовоқ солмаслик шарти билан бу “қурол”дан фойдаланиб кўринг-чи, балки ижобий самара берар, фақат ошириб юорманг.

* * *

Бир киши аёлига муҳаббат билан боқса ва аёли ҳам унга шу кайфиятда юзланса, Аллоҳ таоло иккаласига ҳам раҳмат назари билан қарайди ва қўлларини қўлларига қўйганларида иккисининг ҳам гуноҳлари бармоқлари орасидан тўкилиб кетади (“Саҳиҳи Муслим”дан).

* * *

“Кўп кулиш қалбни ўлдиради”.

Мазкур шарафли ҳадиснинг “Арбаин”даги шеърий баёни:

Асру кўп кулмаким, ўлар эмиш
Зиндагил кўнгли кулгу қасратидин.
Муни ҳар кимки билди кўнгли била,
Кулмагай ўлса кулгу қасратидин.

(*Ҳаргиз кўп кулмаки, кулгининг кўплигидан кишининг тирик қалби ўлади. Ким буни кўнгли билан англаб етса, кулги қасратида ўлаётган бўлса ҳам кулмайди.*)

Келинлик либосини кийгунингизга қадар уйингизда истаганингизча ўйнагансиз-кулгансиз. Тўйдан кейин бу истақларни жиловлашга тўғри келади. Қариндошлар ёки тўйдаги даврада ўртада ўйнашдан эҳтиёт бўлинг. Айниқса, даврада йигитлар бўлса, ўзингизни дарров четга олинг. Агар эрингиз рашкчи бўлса, ўртага умуман тушмаганингиз маъкул.

Кулгига келсак, келинлик ибоси кўп ва қаттиқ жарангда кулишга изн бермайди (Аслида эрларнинг ҳам қаттиқ қаҳқаҳа отиб кулишлари фазилат саналмайди). Қайнота ва қайнонангиз ҳузурида оғизни катта очиб кулишдан уялинг. Агар кулгидан ўзингизни тўхтата олмасангиз, оғзингизни кафтингиз билан тўсинг. Уйда ёки ётоқхонада эрингиз кулгили гап айтса, кулгингиз жаранги ташқарига чиқмасин, айниқса, қайнонангиз қулоғига етмасин. Келиннинг ичкари уйдаги жарангдор кулгиси ҳар қандай оқила ва инсофли қайнонанинг ҳам кўнглини хира қилади. Қайноналар одатда бундай кулгини жавобсиз қол-

дирмайдилар. Ҳеч бўлмаса, бир илгакли пичинг билан “чимчилаб” оладилар. Гап бунда ҳам эмас. Одобли оилаларда баланд овозда гапириш ва кулиш ҳусн саналмайди.

* * *

Эрингизнинг қариндошларидан поччалари (опасининг, холасининг, амма-сининг эрлари), уларнинг ўғиллари меҳмон бўлиб келишганда очиқ чехра билан кутиб олинг, дастурхон тузаб, хизмат қилинг, аммо дастурхон атрофида бирга ўтирманг. Айниқса, уларнинг қаторида ўтириб овқатланманг. Чунки бу кишилар шариат нуқтаи назаридан қаралганда, номаҳрам ҳисобланади. Одоб юзасидан қаралганда, қиз-жувонларнинг эркаклар билан бир дастурхон атрофида ўтириши чиройли эмас. Баъзи оилаларда бу одобга риоя қилинади, демак, сиз ҳам бу тартибга итоат этасиз. Айрим оилаларда эса эътибор берилмайди, эркак-хотин аралаш ўтираверишади. Агар сизнинг қизлик уйингизда номаҳрамнинг фарқига борилган бўлса-ю, келинлик уйида ўзгача бўлса, янги тартибни кескин рад этманг. Даврада бир оз ўтирган бўлиб, сўнг ошхонадаги юмушларни баҳона қилибми, чиқинг. Ўзингиздаги одобни аста-секинлик билан тушунтиринг. Эрингизнинг хонадони сиз истаган одоб тартибига дарров ўта қолмайди. Сиз бу масалада қаттиқ турманг, “Сизлар хато қияпсилар”, деб гапираверманг, арқонни узун ташланг. Сиз ўзингиз эгаллаган одоб доирасидан чиқиб, буларникига қўшилиб кетишдан сақланинг.

* * *

Келинпошша, ўзингиз гўзалсиз. Табиат берган гўзалликка қўшимча кири-тишга кўп уринманг. Энг муҳими – эрингизга гўзал кўринсангиз бас. Бетларингизга ҳар турли нарсалар сураверсангиз, терингизни тез қаритиб қўясиз ва ёшингиз ўттиздан ошмаёқ бу упа-кремларсиз юролмайдиган бўлиб қоласиз. Янги уйингизга ўз чиройингиз, ўз қора қош-кўзларингиз билан, ясама киприкларсиз кириб боринг. Эртага ясама кипригингизни олиб қўйсангиз, эрингиз ажабланиб қолмасин.

* * *

Эркакка ўхшамокчи бўлган аёл худди аёлсифат эркак сингари тасқарадир (*Лев Толстой*).

* * *

Агар эр соз бўлса, чолғувчи аёл ҳисобланади. Эрдан нолимаслик керак. Чунки куй ёқимсиз тарзда таралаётган бўлса, соз эмас, чолғувчи айбдордир.

* * *

Баъзан “Бу йигит инсофсиз, бераҳм экан, хотинини эзиб ташлабди”, деган гапларни эшитиб турамиз. Наилож, шундай нодонлар ҳам бор. Буни билган айрим келинлар эр томондан бўладиган зулмдан қўрқиб яшайдилар. Эзилиш қўрқуви бор аёлларнинг баъзилари “Қўрққан олдин мушт кўтарар”, деган мақолга амал қилиб, “Эрим зулм ўтказмасин”, деган мақсадда кунларини эри билан курашиб ўтказади. Тўғри, эрининг зулм ўтказишига йўл қўйилмаслиги шарт. Лекин бу эр билан теппа-тенг олишиш деган гап эмас. Бундай олишувда аёл бахтсизликка учрайди. “Эрим мени эзмасин”, деган мақсадда жанжал кўтарган хотиннинг эр томонидан эзилишига ҳолат қолмайди. Беодоблик йўлини танлаган хотин ўзини ўзи жуда чиройли тарзда эзаверади.

* * *

Уй ишларини бажаришда, айниқса бола боқишда руҳни сира-сира чўқтир-маслик керак. Аксинча, бу юмушларни бажариш жараёнида кўнгил ҳузурлансин. Кўнгил равшанлиги, роҳати сизни ҳаловат роҳатига етказди.

* * *

“Оила ҳаловатининг душманларидан бири – телевизор”, десам, ажабланманг. Телевизор томошалари келиннинг турмуш билан боғлиқ фикрларини ўзгартириб юбориш қудратига эга. Келин телевизорда кўрган сурурни, яъни эр-хотин ўртасидаги гўзал муносабатларни оиласида кўрмагач, кўнгли ўқсий бошлайди. Ҳатто эридан кўнгли совий бошлайди. Уйнинг бир четида беозоргина турган телевизор оиладаги муҳаббат гулларини бўғиб туради. Ўйлаб кўринг, соф, покиза муҳаббатнинг энг катта душмани айни шу телевизор. Пок муҳаббатнинг телевизордаги томошаларда эмас, оилангизда бўлишига эришишингиз керак.

Сиз қизиқиб томоша қилаётган фильмдаги меҳрибон эр хотинига ажойиб совғалар тақдим этади. Тўйлари бўлган кунни ҳашаматли ресторанда нишонлашади... Буларни кўриб, юрагингиз бир энтиқиб қўяди, қалбингизда бир армон уйғонади. Чунки тўйдан бери қанча вақт ўтган бўлса-да, эрингиз сизга ҳатто бир дона гул ҳам совға қилмаган. Тўй бўлиб ўтган кунни эса эсламайди, тил учида бўлса-да, табрикламайди. Бундай ҳолларда бирон совға тама қилмасдан тўй кунини ўзингиз эслатиб, табриклаб қўйганингиз дуруст. Уй ишларидан чарчаган пайтингизда телевизордаги томошада кўрсатилаётган бой хонадонга ҳавасингиз келадими? Данғиллама уй, хизматкорларнинг қўли-қўлига тегмайди: бири уй тозалаётган, бири таом тайёрлаётган, бири болага қараётган, бири тантиқ уй бекасининг кўйлагини дазмол қилаётган, бири қошу кўзларини, бири оёқ, бошқаси қўл тирноқларини бўяётган... Сиз бу томошани ҳавас билан кўрдингиз, аммо бундай ҳаётга маҳлиё бўла кўрманг. Бу шайтон васвасаси сизни чин бахт йўлидан чалғитади. Майли, ўша томошани охиригача фақат диққат билан томоша қилинг, таҳлил қилинг ва хулоса чиқаришга уриниб кўринг. Сизни маҳлиё этган ўша тантиқ бека ўзини бахтли ҳис қиладими? Тўкин-сочинлик чинакам бахтми?

Телевизордаги сериалларни томоша қилиб, энтиқаётган пайтингизда бир нарсани фарқлаб олинг: кинода тасвирланаётган муҳит бошқа, ҳаёт ҳақиқати бошқа. Мексикаликлар ёки ҳиндларда, ёки турклардаги одат бизда йўқ. Масалан, тўй кунини эслаб, ресторанда нишонлаш бизда камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Ҳатто хотинининг туғилган кунда гул совға қилувчи эрлар ҳам кам топилади. Булар фожиа эмас, балки хотинларга ёқадиган хориж одатларининг бизга секинлик билан сингиб кираётганидан тушкунликка тушмаслик керак.

Телевизордаги сериаллардан таъсирланадиган аёллар ҳақиқат билан ҳаёлни ажрата олмайдиган аҳволга тушишади. Инсон мияси таъсирланиши натижасида ҳақиқат билан ҳаёлни унчалик айира олишмайди. Ҳақиқатдан қандай таъсирлансалар, ҳаёлдан ундан-да баттар таъсирланишади. Оқибат шу бўладики, аёл кинода мафтун бўлган одамга ўхшаган эрни орзу қила бошлайди, ҳатто ўз эридан кўнгли совий бошлайди. Бахтсизлик жари томон бораётганини ўзи ҳам сезмайди. Ҳақиқий ҳаётда топа олмаган ёки топиб йўқотган бахтини телевизорда кўриш наҳот аёлни бахтиёр қилса? Менимча, бахтсиз қилади. Томоша берган ҳаловат инсонга етарли эмас. Ҳамма ҳаётида покиза севги-муҳаббат бўлишини истади. Ҳаётдаги воқеаларни кузатишларимдан шундай хулоса-

га келдимки, севги-муҳаббат ҳақидаги томошалар келинларга қандай таъсир қилса, қари қайноналарга ҳам шундай таъсир қилади. Фақат улар туйғуларини яширишга интиладилар. Ёши етмишга яқинлашган, бир этак набираларнинг бувиси бўлиш бахтига эришган аёлнинг: “Дунёга яна бир маротаба келсам, асло ва асло турмуш қурмаган бўлардим. Чунки бу ҳаётимда ўзим орзу қилган севги-муҳаббатни учратмадим. Яна бир имконият берилса, ўз севгимни топа олардим. Бировнинг ўйнаши бўлсам ҳам, топардим. Севги нималигини билмаган эр билан бахтсиз яшашдан кўра, кўнглингни хушнуд этувчи ўйнаш билан кун кўриш минг марта бахтлироқдир”, деган гапини эшитсангиз, сиз қандай хулосага келасиз? Бу бадбахт аёл қизини шу “ғояси” асосида тарбия қилган бўлса-чи? Қани, “Бундай хотинлар йўқ”, деб мени ишонтириб кўринг-чи?!

Яна бир оддий ҳақиқат – телевизор яратилгандан бери одамларнинг бебаҳо вақтларини ўғирлайди. Сиз шундан эҳтиёт бўлинг.

* * *

Ҳеч қачон талоқ сўзини тилга олманг. “Талоғимни беринг, уйимга кетаман”, деманг. Чунки Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Қайси хотин безарурат ва эҳтиёжсиз эридан талоқ талаб қилса, жаннат ва Аллоҳнинг раҳмати унга тегмайди”, деганлар. “Бўлди! Ҳаммаси жонимга тегди, уйимга бутунлай кетаман!” – деган аҳдни ҳам айтманг. Шайтон “Эрингдан талоқ сўра”, деб васваса қилган онда, “Меҳрибон Аллоҳим, ўзимга ҳам эримга ҳам, қайнонамга ҳам инсоф бер!” – деб дуо қилишга куч топинг.

* * *

Ўзингизга оро берганингиз яхши, аммо шунга яраша уйни саранжом-саришта тутмоғингиз, фарзандларингизни ҳам меҳр билан парвариш этмоғингиз шарт. “Сариштали уй – фариштали уй”, деганлар. Озода, батартиб уйни фаришталар макон тутадилар. Ивирсиқ уйда шайтон яйрайди.

* * *

Эрининг қариндошларига ҳурмат кўрсатиш ақлли аёл учун энг тўғри йўлдир. Ота-боболаримиз “Гулни севган тиканини эъзозлайди”, дейдилар. Эрининг қариндошларига иззат ва ҳурмат кўрсатишни билмайдиган аёл ҳузур ичида яшаш йўллари билмайдиган аёлдир. Гул севилиб, тикан севилмайдими? Тиканни иззат-ҳурмат қилмаган, гул исидан бебаҳра қолади. Эрининг қариндошлари, яқинларига ҳурмат кўрсатишни билмаган ақлсиз аёл хожасининг кўнглини ололмайди, хожасининг меҳрини қозона олмайди. У эрининг нафратига учрайди, муҳаббатини сўндиради. Бу оқила аёлнинг тутган йўли эмасдир. Хожасининг ақраболарига ҳурмат-иззат кўрсатмаган хотин ҳамма вақт унинг кўзига хунук кўринади. Бу то оиланинг бузилишигача давом этади.

Эрингизнинг авлодларини хуш кўринг. Эрингиз ўз қариндошларини хушламаслиги мумкин. Лекин сиз сир бой берманг, уларнинг ҳурматини жойига қўйинг. Агар эрингизга қўшилиб уларни менсимасангиз, вақтики келиб, эрингиз улар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетиши мумкин. Ана ўшанда сиз айбдор бўлиб қоласиз.

Шу ўринда бугунги ҳаётӣ ҳикоялардан эмас, пайғамбарларимиз ҳаётидан бир ривоят айтай, диққат билан ўрганиб, сўнг оқила келиндан ибрат олинг.

Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом тўнғич ўғиллари Исмоил алайҳиссаломни

кўриш учун Маккага келдилар-да, уйнинг эшигини тақиллатдилар. Эшикни бир хотин очди. Кутилмаган меҳмоннинг ташрифидан ғаши келганини яширмай:

– Кимсан, сенга ким керак? – деб сўради.

Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом ғоят ҳилмли ила:

– Ўзингиз кимсиз? – деб сўрадилар.

– Мен Исмоилнинг хотиниман, шу уйнинг бекасиман! – деди хотин дағал овозда.

Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом: “Исмоил қаерда?” – деб сўрадилар. Хотин “Уйда йўқ, овга кетган”, деб гапни калта қилди. У қўпол ва совуқ юзли аёл эди. Ёмонлиги, ичи қоралиги, тарбияси яхши эмаслиги юзидан кўриниб турарди. Унинг юзида яхши аёллардагина бўладиган нур йўқ эди. Овозида яхши аёллардагина бўладиган майинлик ва ибo йўқ эди.

У юзидан нур ёғилиб турган қариядан кимлигини сўрамади, сўраш ақлига ҳам келмади. У ақли калтанинг қалби ҳам пок эмасди. Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом отларидан тушмадилар ва кимликларини ҳам айтмадилар. Оталик шафқати ила ўғилларининг турмушини, аҳволини билмоқчи бўлиб сўрадилар:

– Аҳволингиз, турмушингиз қандай?

– Жуда қийинчилик билан яшаяпмиз, – деди хотин ношукрчилик билан. У нонкўр эди, меҳмонни ёқтирмасди. Иброҳим алайҳиссалом ўғилларининг бу ахлоқсиз аёл билан турмуш қурганларидан афсусландилар ва: “Эринг келиши билан унга айтиб қўй, **уйнинг остонасини алмаштирсин**”, дедилар ва отларини буриб, изларига қайтдилар.

Кўп вақт ўтмай, ҳазрати Исмоил алайҳиссалом овдан қайтдилар. У вақтларда Маккада истиқомат қилувчилар ов гўштини еб тирикчилик қилишларди. Шу боис Исмоил алайҳиссалом ҳам тез-тез овга чиқардилар. Исмоил алайҳиссалом остона ҳатлаётганларида димоғларига ёқимли ҳид урилди.

– Бугун биров келдими? – деб сўрадилар.

– Ҳа келди, – деди хотин. – Бир чол сени сўраб келди. Отидан ҳам тушмай, “Ўғлим остонасини алмаштирсин”, деб қайтиб кетди.

Исмоил алайҳиссалом бўлган воқеани дарҳол англадилар ва хотинни талоқ қилдилар. Сўнг бошқа ибoли қизга уйландилар. Орадан вақт ўтиб, Иброҳим алайҳиссалом ўғилларини кўриш учун яна келдилар. Эшикни тақиллатдилар, бир жувон кўриниб, салом берди ва паст овозда: “Эрим уйда йўқ эдилар”, деди.

– Эрингиз қаерда? – деб сўрадилар Иброҳим алайҳиссалом.

– Овга кетганлар.

– Турмушларингиз қандай?

– Аллоҳга шукр, жуда яхши, ташвишимиз йўқ, – деди жувон ва меҳмонга илтифот қила бошлади: – Ҳазратим, узоқ йўл босиб келганга ўхшайсиз, сиз бир оз дам ола тулинг, бир-икки луқма таом еб олинг.

Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом “Вақтим йўқ”, деб изларига қайтмоқчи бўлдилар. Аммо бўлғувси Пайғамбар ҳазрати Исмоил алайҳиссаломнинг хотини бўлмиш бу хушфеъл ва одобли аёл Пайғамбар Иброҳим алайҳиссаломни танимаса-да, юзидан нур ёғилиб турган қарияни меҳмон қилиш фикрида қаттиқ турди.

– Ҳазратим, уйга кирсангиз нима бўлади? Уст-бошингизни чанг босибди. Мен юз-қўлингизни ювишингизга ёрдам берайин, кийимларингизни тозалаб қўяйин.

Иброҳим алайҳиссалом отдан тушишни хоҳламасликларини, изларига қай-

тиш зарурлигини айтсалар ҳам, одоби гўзал келинлари кетишларини истамади. Югурганича ичкарига кириб, дам ўтмай, тос билан сув кўтариб қайтди:

– Майли, сиз от устида ўтиринг, оёғингизни шу тосга солинг, – деди меҳрибонлик билан.

Иброҳим алайҳиссалом бу илтифотни рад этолмай, бир оёқларини тосга солдилар. Келин сув қуйиб, оёқни ювди. Кейин иккинчи оёқларига тосни тутди. Иброҳим алайҳиссалом, эгилдилар-да, одобли, чиройли келинларининг бошини ўпдилар. Хуш ахлоқли келинларидан ниҳоятда мамнун бўлдилар. Тўнғич ўғиллари, кўзларининг нури Исмоилни бир вақтлар қурбон қилиш учун ерга ётқизиб, бўйнига пичоқ теккизганларини эсладилар ва суюкли фарзандлари одобли, хушфеъл қизга уйланганидан Жаноби Ҳаққа шукроналар айтдилар. Уйга кириб, кўзлари меҳр билан чақнаб, бетлари қулиб турган келинлари дастурхонга қўйган таомни еб, “Ё Раббий! Шу чўли-биёбонда фарзандим ва зурриётимни қолдирдим. Уларга яхши, тотли ризқлар бергин!” – деб дуо қилдилар. Одоби келинларига ташаккур айтиб, кетиш олдидан келинларига дедилар:

– Мендан хожангга кўпдан-кўп салом айт. **Уйнинг остонасини яхшилаб муҳофаза қилсин, қўриқласин.**

Ҳазрати Исмоил алайҳиссалом кўп ўтмай овдан қайтдилар. Уйдаги ёқимли ҳидни ҳис этдилар ва хонимларидан: “Биров келдими?” – деб сўрадилар.

– Ҳа, нуроний кекса бир отахон келдилар. Сизга кўпдан-кўп салом айтдилар. Қаранг, мана бу тосга аввал ўнг оёқларини қўйдилар. Зийракроқ боқинг: оёқларининг изи турибди. Қайтар маҳалларида: “Эрингиз уйнинг остонасини яхшилаб муҳофаза қилсин”, дедилар.

Бу хушхабарни эшитиб, Исмоил алайҳиссалом қувондилар. Фақат оталарининг нур ёғилиб турган юзларини кўролмай қолганларидан афсусландилар.

– Эй, менинг хушфеъл, меҳмондўст, яхшилик қилишни яхши кўрувчи хотиним! Келган нуроний юзли қария менинг меҳрибон отам Иброҳим пайғамбардир. Уйнинг остонаси эса – сенсан. Отам сендан жуда мамнун бўлганлари учун менга шундай вазифани юклаб кетибдилар.

Келинпошша, ишонаманки, мазкур ривоятдаги “Уйнинг остонасини алмаштирсин” ва “Остонасини қўриқласин”, деган ҳикматли амрдан тўғри ҳулоса чиқариб, унга амал қиласиз ва қайнота ҳамда қайнонангизнинг дуоларини оласиз. Бу шундай бир ҳақиқатдирки, ҳолига шукр этмаган, эрига ва унинг яқинларига ҳурмат кўрсатмаган хотин қанчалик гўзал бўлмасин, оилага ҳузур-ҳаловат ва бахт келтира олмайди. Бахтиёр этмоқ учун хотин фаросатли ва яхши тарбия кўрган бўлиши ҳамда ўз ақл-идроки ила эрини ва унинг қариндошларини қадр-қимматини эъозлаши зарур.

Хушфеъллик инсонни Жаннатга олиб борадиган фазилат. Бу дунёда ҳам Жаннат ҳаётида яшашга имкон яратади. Чунки ҳаловатли оила гўшаси ҳам Жаннат ҳаётининг бир туридир. Жаннатдаги ҳаётни фақат ва фақат иноқ ва ҳаловатли оила гўшасида топиш мумкин.

* * *

Ўзбек тили ниҳоятда бой ва жозибали тил. Сўздаги бир ҳарф (бир товуш) алмаштирилса, маъно тескарисига ўзгаради. Бунга ўзингиз ҳам эътибор бергандирсиз: “Диёнат”даги биринчи “Д” ҳарфи ўрнига “Х” ҳарфини ёзсак – “Хиё-

нат”га айланади. “Ҳаловат”даги “В” ўрнига “К” ҳарфини ёзсак-чи? “Ҳалокат” деб ўқиймиз. Ёзувда битта ҳарфни алмаштириш осон. Ҳаётда эса диёнатдан хиёнатга, ҳаловатдан ҳалокатга ўтиш ҳам осон. Одам “Иймон”, “Виждон” ва иймонга бўйсунувчи “Ақл” қўриқчиларидан яширинча чакки қадам қўйдими, тамом, хиёнат жарига, ҳалокат жарига қулайди.

Оила **ҳаловатида** келиннинг хизмати нечоғли катта бўлса, оила **ҳалокатида** ҳам ҳиссаси шунчалик бор. Сўздаги битта ҳарф алмашинуви сизни бахтсиз қилиб қўймасин, эҳтиёт бўлинг.

* * *

“Албатта Аллоҳ муомаласи осон (хушмуомалали), очик юзли кишини севади”.

Мазкур шарафли ҳадиснинг “Арбаин”даги баёни:

Ҳақ сени севгай эл била қилсанг
Тилу кўнглунгни эл била якрўй,
Нукта сурсанг шукуфтау хандон,
Зист қилсанг кушандау хушрўй.

(Агар тилинг ва дилингни бир қилиб, халқ билан бирга бўлсанг, қувноқлик ва табассум билан гапириб, очик кўнгил ва хушхулқ бўлиб яшасанг, эл-юрт сабабли Ҳақ таоло сени севади.)

* * *

Ўз эрининг фикру хаёлини банд этган, орзу-ҳаваслардан бегона яшаган, уларни рўёбга чиқаришга интилмаган аёл, бор-йўғи эркакнинг ўйнаши, тежамкор бека, энагадир, лекин “хотин” деб аталган олийжаноб сўз замиридаги ҳақиқий аёл эмас (*Александр Герцен, рус адиби*).

* * *

Эрингиздан сир олишга ҳаракат қилманг. Ўзи айтмаган сирга қизиқманг. Айтган сирини атрофга ёйманг, ҳатто онангизга ҳам айтманг. Эрнинг сирини бошқаларга айтгандан кўра гўрга олиб кетган афзалроқдир.

* * *

Бас кимсаки меҳнат ичра солди ғам ани
Ким, яхши тафаъул айлади хуррам ани,
Фолеки ёмондурур айлагил мубҳам ани,
Ўз фолини яхшиким топарсен ҳам ани (*Алишер Навоий*).

(Кимни ғам-ташвиш оғир аҳволга солса, яхши ўйлар уни ғамдан қутқаради. Ёмон фикр келса, уни мубҳам (ноаниқ) дегин, яхши ўйларга берилсанг, албатта яхшиликка эришасан.)

Фақат яхшиликни ният қилиб юринг. Айтадиларки, “Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар “Омийн”, дейди”. Аллоҳ айтадики: “Эй Одам фарзанди, мен бандаларнинг гумонидаман, яхшиликни гумон қилса, яхшиликни бераман, ёмонликни гумон қилса – ёмонликни”. Қайнонангизнинг турткилашлари, заҳарли гаплари тинкангизни қуритди. Таъбир жоиз бўлса: пичоқ бориб суякка тақалди. Назарингизда сабр учун бошқа ўрин қолмагандай туюляпти. Кўнглингизга: “Бу хотин ҳеч қачон инсофга келмайди”, деган фикр келса, уни дарров

кувинг-да: “Аллоҳ меҳрибон, бундан баттар золимларга инсоф берганда менинг қайнонамга ҳам инсоф беради”, деб ишонинг. Ишонинг-да, дуо қилаверинг. Қалбдан отилиб чиққан муножот бугун бўлмаса эртага ижобат бўлади, инша Аллоҳ!

* * *

Шарқ аёллари ўз эрларини юксак кадрлашлари билан ажралиб туришади. Эрни “Бегим”, “Хўжайин”, “Тўрам” каби чиройли сўзлар билан аташади. Бу кўр-кўрона мутеликдан эмас, балки эркаксиз хонадоннинг бахтдан йироқлигидандир. Аёллар тўқиган: “Эрсиз бошим – тузсиз ошим” нақли ошнинг тузсиз қолиши эмас, балки ҳаёт мазмунининг йўқолиши, турмушдан файз кетишидан далолатдир. Шундай экан, нечук у эр билан бўлар-бўлмасга ўчакишиб, юзига қора чаплаб, кўнгил шишасини чил-чил синдиришга йўл қўяди” (*Ҳабиб Саъдулла*).

* * *

Аёл – беназир хилқат. Унинг меҳри ва муҳаббати олдида тош ҳам эрийди. Агар у аёллик ўрнида турса, ҳатто тошбағир одамлар ҳам аёлларга шафқат кўрсатади. Агар у аёллик назокатини ва ҳурматини йўқотмаган бўлса, ҳар қандай беодоб эркак ҳам уни бошга кўтаргиси келади, хўрлатиб қўймайди.

Аммо аёл оила бекаси эканини унутса, кўз ёшлари ва қонунлар ҳимоясини рўкач қилиб, эрига итоатни эсдан чиқарса, эрига ҳаловат ва оилага фароғат бағишлайдиган хилқат эканини тан олмаса, бундай аёл бахт нималигини билмай ўтади, пушаймонлар дарёсида ғарқ бўлиб кетади (*Аҳмад Муҳаммад*).

* * *

Қайнонани енгиш мумкинми? Қайнонадан устун келишнинг иложи борми? Йўқ, минг марталаб йўқ. “Енгиш”, “устун келиш” ҳатто орзу доирасига ҳам сиғмайди. Шундай экан, келинпошша, сиз отилаётган тошларга эътибор бермай, чиройли хизматингизни қилиб юраверинг. Яхшилигингизни қайнонангиз ёки қайнотангиз ёки оиланинг бошқа аъзолари билмаса, биладиган Худо бор! Айтадилар-ку: “Яхшилиқ қилиб дарёга сол, балиқ билур, балиқ билмаса Холик билур”. Агар қайнонангиз ёмон бўлса, сиз яхши бўлаверинг. Йиллар бир-бирларини қувалашиб, тез ўтади. Ҳадемай ўзингиз ҳам қайнона бўласиз. Ўз орзуингиздаги яхши қайнона бўласиз. Келинингиз ҳам ўз орзуингиздагидек иболи, андишали, одобли, чаққон келин бўлиб, унинг роҳатини кўрасиз. Худо одамнинг яхшилиги учун мукофотни эртасигаёқ бера қолмайди. Мукофотни кўпроқ, тугамайдиган қилиб бериши учун йиллар бўйи синовни давом эттиради. Унгача эса... муроса зарур.

Ҳар кимки, сени раво кўрар шиддатиға,
Сен кўпрак иштиғол эт анинг хизматиға,
Гар тутмас ул ҳариф ўз хислатиға,
Сен лек мадори қил анинг хижлатиға (*Алишер Навоий*).

(*Кимки сенга озор беришни раво кўрса, сен унинг хизматиға машғул бўл. Агар у сенга қаршилиқдан тўхтамаса, сен муроса йўли билан уни хижолатга қўй.*)

* * *

Яширишнинг ҳожати йўқ, жамиятимизда одобли оилалар қаторида беодоблари ҳам бор. Ўзлари яхши тарбия кўрмаган оилада улғайган қиздан нима кутиш мумкин? Бир келинчак тўйдан кейинги “келинсалом”дан сўнг эрталаб ҳеч кимга салом бермас экан. Ажабланган қайнона бунинг сабабини сўраганида келин: “Нега салом беришим керак, ахир ҳаммамиз бир уйда яшаймиз-ку?”-дебди. Маълум бўлишича, уларнинг оиласида ҳеч ким бир-бирига салом бермас экан. Уларнинг тушунчасига кўра, фақат бегоналарга, кўчадагиларга салом берилар экан. Одоби қайнонанинг ўз вақтидаги чиройли насиҳатидан кейин бу камчиликка ўша куниёқ барҳам берилган.

Тўйдан кейинги дастлабки кунлариёқ келиннинг қандай оилада тарбия топгани аён бўлади. Не афсуски, қизини яхшилик йўлида тарбия қилган оналар қаторида ёмон тарбия берувчилар ҳам бор. Бу нодон оналар ўзларини энг яхши одам деб ҳисоблайдилар, ўз нуқсонларини тан олмайдилар. Оқибатда қизларига жаннатга элтувчи фазилат эмас, дўзах йўлига бурувчи ўз нуқсонларини юқтирадилар. Одабийлик фазилатларидан узоқ бўлган бу оилаларда вояга етган қизнинг ахлоқи бузилади. Бу аҳволдаги бузуқ муҳитда она муносиб тарбия ва ўғит ўрнига терс бир ўғит ва насиҳат беради. Келинлик либосини кийган қиз янги уйига кетар экан тескари, номуносиб йўриқ билан боради. Натижада тез кунларда гангиб, гуноҳ юки остида қолиши мумкин.

Қизига бу “насиҳат”ларни берувчи нодон она топилмайди, деб ўйлайсизми?

*Эркакнинг айтгани эмас, хотиннинг айтгани бўлади (Чунки у ландавур эри билан шу қоида асосида турмуш кечирган);

*Эркак бир оғиз сўз айтса, сен беш оғиз сўз айт, сира бўш келма;

*Эр ким бўлибди? Ундан нега рухсат оласан?

*Эр нима қилса, хотин ҳам ўшандай қилади;

*Уйда хотиннинг эмас, эр хизмати тузукдир.

Мана шу аҳмақона сўзлар қизни жаҳаннамга ўтин бўлишга тайёрламайди-ми? Бу беш қоида билан йўл тутган хотиннинг аввало ўзи ва бу насиҳатларга амал қилган қиз дўзах йўлининг йўлчилари ҳисобланадилар. Агар қиз зийрак бўлса, ақли бўлса, янги тарбияли муҳитда ғафлатдан уйғониб, жаҳаннам йўлидан қайтади.

Хайрсиз онанинг ўргатган йўл-йўриғи янги уйга кириб келган келинни заволга бошлайди. Келинпошша, онангизми ё бошқа кимдир сизга нотўғри йўл-йўриқ кўрсатган бўлса, янги оилангиздагиларнинг одобларига қараб, адашганингизни тушунасиз. Демак, тезлик билан ўзингизни ислоҳ қила бошлашингиз керак. Биламан, бу оғир жараён, лекин янги оилада ҳузур ва ҳаловат истасангиз, ўзгаришни пайсалга солмай, тезлик билан ўзингизни ўзингиз тарбия қилишингиз шарт.

* * *

Биласиз, атрофингизда яхшилар ҳам бор, ёмонлар ҳам бор. Яхшилар даврасига интилганингиз аъло фазилат. Аммо ёмонлардан қочиб қутулиш жуда қийин. Улар бало сояси каби ёпишиб олса, уни даф этишга кучингиз етармикин? Айниқса сизнинг аҳил оилангизни кўролмай фитна тўрини тўқийдиганлардан эҳтиёт бўлишингиз керак. Эрингизнинг қўшнилари ёки қариндошлари орасида гаразгўйлар бўлиши мумкин. “Бу уйда қачон жанжал бошланаркин, қачон ке-

лин уйига кетиб қоларкин?” деб кутадиган қоракўнгиллилар ҳам бор. Қўшни-сининг ёки амакисининг келини уйига кетиб қолса қувонадиган нодонлар бор. Энг ёмони – фариштали аҳил оилани бузишга интилувчилар учрайди. Аҳмад Дониш айтган эканларким: «Агар келин-куёв бировларнинг гапларига, фисқу фасодларига кирар эканлар, уларнинг ширин турмушлари бузилади, ораларига совуқлик тушади».

Сизга ибрат бўлиши учун бир ҳикоятни баён қилай:

Ёши ўттиздан ошган бир кишининг хотини вафот этгач, ўзидан ўн ёш кичик қизга уйланди. Бу одам ўзининг чиройли хулқи, одоби туфайли барчанинг ҳурматига сазовор бўлган эди. Келинчак ҳам унинг шу фазилатларидан мамнун бўлди. Ёш оила ҳавас қиладиган даражада аҳил эди. Келинчак эрининг насиҳатига амал қилиб, қўшнилари билан яхши муносабат ўрнатди. Лекин ҳар маҳаллада бўлганидай, уларнинг қўшнилари орасида ҳам ҳасадгўй, фитначи хотин бор эди. Бировларнинг ширин турмушини кўролмайдиган бу хотин келинчакни ҳар кўрганида уни йўлдан уришга интиларди:

– Сингилжоним, сиз жуда ёшсиз, жуда гўзалсиз. Ўттиздан ошиб ўтин бўлиб қолаётган одамга тегиб адашгансиз. Сиз ўзингиз каби ёш, ўктам йигитга тегишингиз керак эди. Сиз қаримсиқ эрнинг чўриси бўлмай, шахзода йигитнинг маликаси бўлиб, дунё кезиб, энг зўр курортларда мазза қилиб дам олиб юришга арзийдиган лобарсиз...

Келинчак аввалига бу гаплардан кўрқди. Хотинни ҳайдаб чиқаришга журъат этмаса-да, “Мен хўжайинимдан жуда мамнунман, феълларини, ахлоқларини севаман”, деб эътироз билдирди. Лекин ғаразчи бўш келмади. Унинг фитналари аста-секин таъсир эта бошлади. Ёш хотинининг хатти-ҳаракатида ўзгариш бошланганини сезган эр, уни буровга олмади, балки насиҳат билан йўлга солмоқчи бўлди. Фитначи эса “Уйдаги қимматли ашёларни бир-бир сотсанг, хўжайинингга ёмон кўриниб қоласан, ундан ажралишинг осон бўлади”, деб ўргатди. Келинчак эрининг эмас, ғаразчининг насиҳатларини қулоғига олди. Эр уйдан қимматли нарсалар йўқолаётганини билса ҳам, “Жонинг соғ бўлсин, янгисини олармиз”, дейиш билан чекланди.

Бир куни келинчак ошхонада турувчи сопол кўзани ахлатга отди. Буни билган эр “Аттанг, аттанг!” деб кўзига ёш олди. Келинчак бундан ажабланиб: “Қимматбаҳо нарсалар йўқолганида парво ҳам қилмадингиз, эски кўзага нима учун ачиняпсиз?” – деб сўради. “Бу кўза бобом билан бувимдан мерос эди. Қийинчилик йилларида шу кўзада ун сақлашган экан. Сиз кўзани эмас, хотирани ахлатга отибсиз”, деганида келинчакнинг ақли ёришиб, қилган гуноҳларидан афсусланибди.

Жаннатдай оилаларни жаҳаннамга айлантириб, ҳузурсиз ҳолатга келтирувчи фитначилар учрар экан, сиз ҳамиша сергак бўлишингиз зарур. Кимки оилангизни ёмонлай бошладими, билингки у сизга дўст эмас.

* * *

Даҳр элики келди аҳли номус бори,
Қардошлар эрур макр ила маҳбус бори,
Олингда неча қилса заминбўс бори,
Лекин бордур айбинга жосус бори (Алишер Навоий).

(Замон одамлари гўёки номус аҳли, биродарлар эса макрга маҳбусдирлар. Гарчи олдингда ер ўпсалар ҳам, лекин айбингни ахтарувчи жосусдирлар.)

* * *

Келинпошша, биламан, отангизнинг уйини соғиниб яшайсиз. Телефонда ҳар куни 2-3 марталаб гаплашсангиз ҳам онангизнинг бағрига талпинаверасиз. Бундан қайнонанинг ранжийди, эрингизнинг ҳам ғаши келади. Тошкентда келинларнинг ҳар икки ҳафтада бир ота уйига бормоғи одат тусига кирган. Бошқа жойларнинг ўз одати бор.

Қизларимни куёвга узатганимда тўйдан кейин ўзим ҳам икки ҳафта ўтишини орзиқиб кутганман. Ҳолбуки, иккинчи қудам қадрдон дўстим эди, уйларига тез-тез бориб турардим. Тўйдан бир ҳафта ўтказиб борсам, биров мени уят қилмасди. Лекин қизим янги жойга тезроқ кўниксин, деган мақсадда икки ҳафта ўтишини чидаб кутган эдим. Демокчиманки, қиз узатган оналарнинг, айниқса оталарнинг соғинч ҳислари менга бегона эмас. Ўғлимни уйлантиргач, икки ҳафтадан кейин келиним: “Уйимизга бориб келсам майлими?” – деб сўрадилар. Уйларига боришлари аниқ эди, кеча аёллар керакли тайёргарликларини кўриб қўйган эдилар. Шундай бўлса-да, келиним одоб юзасидан сўрагандилар. Ўғлимнинг ҳазил қилгиси келиб, “Ада, рухсат берманг”, деди қувлик билан. Мен нодон ҳам ҳазилни давом эттирмоқчи бўлиб, қулимсираган ҳолимда “Йўқ”, дедим. Соғинч денгизи тўлиб-тошиб турган экан, келинимнинг кўзларидан ўша заҳотиёқ шашқатор ёш оқа бошлади. “Ҳазиллашдим”, десам ҳам, узр сўрасам ҳам овунишлари жуда қийин бўлди. Ана ўшанда мен барча келинларнинг юракларидаги соғинчнинг нақадар кучли бўлишини ҳис қилганман. Шунинг учун қайнота-қайнона ва эрларга “Келин ҳар қачон уйга боришни истаса, монелик қилманглар”, дейман ва бу насиҳатимга аввало ўзим амал қиламан.

Лекин ҳар нарсанинг чегараси бўлганидек, бу одобнинг ҳам чегараси бор. Маҳалла, қишлоқ ва оилада белгиланган тартибга амал қилиниши керак. Ҳаддан ошмаслик лозим. Соғинч ҳисларини бошқаришни ўрганиш лозим. Она қизини ҳар куни кўришни истайди, лекин “Тез-тез келавермагин”, дейишга куч топсин. Ўзи ҳам қудаларникига камроқ боришга уринсин. Гап қудаларнинг малол олишида эмас, гап қизнинг бу янги уйга тезроқ кўникиб кетишида. Баъзи куёвлар (ёки қайноналар) “Ота-онанг келмасин”, деб очиқ айтишар экан. Мен буни инсофсизлик деб биламан. Келиннинг ота-онаси ёки опа-синглиси келса дастурхон устидагиларни еб-қуришиб кетмайди. Улар қорин ғамида эмас, қизларининг дийдорига тўйиш учун келадилар. Уларга бу бахтни бериш хайрли амалдир.

Баъзи қўйди-чикдига бағишланган йиғинларда “Келиннинг оёғи ҳали ҳам ота уйдан узилмаган”, деган маломатларни эшитиб қоламиз. Бир қайнона ҳасрат қилиб шундай деганлари эсимда: “Ишдан нари отасиникига боради, уйга кеч келади, худди турмуш қурмаган қизга ўхшайди. Онаси пиширган таомни яхши кўрармиш, бизники оғзига ёқмаётган эмиш. Бир куни сингиллари, жиянларини бошлаб келди, дераза ойнақларини ювишга кучи етмасмиш. Эртасига опаси келиб кечки овқатни пишириб кетди...” Мен бу ўринда қайнонанинг даъвоси ўринли, келиннинг эркаликлари эса ҳаддан ошган, деб ўйлайман. Келиннинг эрка-тантқиқлиги жиддий касаллик, бу касалликка албатта, қайнона-қайнота ва эр даво топишга уринишади. Лекин давонинг асоси қизнинг уйида, ўз отаси ва ўз онаси қўлида. Агар улар фаол уринишмаса, оила бузилиши ҳеч гапмас. Бундай ҳолларга тез-тез дуч келаётганим учун ҳам қуйиниб ёзаяпман.

Аниқ гапки, қизлар турмушга чиқмай туриб, она қадрига унчалик етишмайди. Тўйдан кейин эса аҳвол бошқача. Хотин ота уйига бориб келишда меъёрни билмаса, эрига ҳадеб ўз оиласини мақтаб гапираверса, ҳар бир ишда, масалан, “Отам ундай қиларди”, “Онам бундай дерди”, деб мисол келтираверса, эрнинг гаши кела бошлайди, мақталаётган қайнота ва қайнонасини кўргиси келмай қолиши баробарида, хотинини юбормаслик учун баҳоналар излайди. Оқибатда ҳар икки ҳафтада бир жанжал чиқадиган бўлиб қолади. Бу ўринда яна бир масала бор: хотин ота уйига эри билан боришни истайди. Эрда эса бундай хоҳиш йўқ. Уйга қизи билан куёвининг бирга кириб келишини кўриш она учун энг катта бахт. Уларни бирга кўргач, қизининг ҳаловатли оилада яшаётганига, бахтли эканига ишонади. Шунинг учун, азиз куёвтуралар, қайнонангизга баъзи-баъзида бахт улашиб турсангиз, савоб бўлади. Ҳар ҳолда мен шундай эдим. Бу одатим билан ҳозиргача фахрланаман. Лекин бу одобда ҳам меъёр бор. “Қайнота-қайнонам мени яхши кўради, борсам қувонади”, деб ҳадеб бора-вермаслик керак. Қариндошлар, айниқса қўшнилар бу борада зийрак бўлишадди, оқибатда “Фалончи аканинг куёви” эмас, “Фалончи опанинг келини”, деб киноя қила бошлашадди.

* * *

Биздаги “меҳнат” атамасини туркманлар “заҳмат” дейдилар. Бизда “заҳмат” “қийинчилик, машаққат” маъносига қўлланилади. “Меҳнат-заҳмат” деганимизда, тил қоидасига кўра, маънодош сўз – такрор отлар назарда тутилмайдди. Балки меҳнат қилиш жараёнида дуч келинадиган қийинчиликлар назарда тутилади. Дунёда осон иш йўқ. “Осон” ёки “қийин” дейишимиз нисбий тушунча. Шаҳар шароитида улғайган келин учун тонгда туриб кафтдек ҳовлини супуриб қўйиш дунёдаги энг машаққатли иш бўлиб кўриниши мумкин. Лекин куёшдан олдинроқ уйғониб сигир соққан, самоварга ўт қалаган, қайнота-қайнонасининг таҳоратига илиқ сув тайёрлаб берган, тандирни қизитиб, нонуштага нон ёпган, кейин далага чиқиб, куёш ботгунига қадар тинмаган, уйга қайтиб овқат пиширган, кир ювган... жувон учун ҳовли супуриш арзимаган иш экани табиий. Кўп қаватли уйларда яшаб, жисмоний меҳнатга кўникмаган эрка қизларимиз каттароқ ҳовлига келин бўлиб тушишса қийналадилар ва нолий бошлайдилар. Шундай эркатойларга айтадиганимиз: нолишдан фойда йўқ. Астойдил ишлашни ўрганишга киришинг. (Бу масалада ўғил эркатойларнинг аҳволи ночорроқ бўлади. Йигит киши чиниққан, ғайратли бўлиши керак. Ғайратсиз, заиф йигитлар ҳаёт йўлининг ҳар қадамида қоқилаверадилар. Салгина қийинчиликка дуч келсалар қизлардан баттар йиғлаш ҳолига тушадилар. Бу – уят, шундай эмасми? Бу ҳақда, Худо хоҳласа, сал кейинроқ куёвтуралар билан алоҳида суҳбатлашамиз)

* * *

Ҳаётда кўриниши сулув аёл, аммо муомаласидан дағал эркакни эслатадиган аёлларни ҳам учратамиз. Буларни халқда “Эркакшода”, деб атайдилар. Гўзал бўлсалар-да, эрлари ҳузурида нозу карашма қилишни билмайдилар ёки истамайдилар. Бир филга “Нозу карашма қил”, деб маслаҳат беришганда атрофидаги учта дўконни йиқитган экан. Эр билан тенглашишни, ҳатто ундан баландроқ бўлишни истаган хотин фитратигади, яъни яралишидаги аёллик назо-катини бир четга суриб қўйиб, эркаклардай муомала қила бошлайди. Натижада

на хотин, на эркак бўла оладиган аралаш бир бало пайдо бўлади. Қарасангиз: ташқи тарафи аёл, ички тарафи эркак! Аёлнинг фитратида бўлган жилва, ишва, нозик туйғу деган фазилатларни ўзини билимдон ҳисоблаган айрим аёллар инкор этиптилар. Улар бир нарсани, ҳаёт ҳақиқатини тан олгилари келмаяпти: аёл аёлга ўхшаб латиф муомала қилса, эр ҳам ўз бурчини тўғри бажаради ва оқибатда оиладаги бахт мувозанати бузилмайди.

Келинпошша, ўзини эрлардан баланд тутадиган, ўзини эркин ҳисоблайдиган, истаган жойига кетаверадиган, истаган жойда маишат қиладиган, истаганича кийинадиган аёлларни кўрганингизда уларга сира ҳавас қила кўрманг. Улар ўзларининг бу юриш-туришларини бахтиёрлик деб биладилар. Бу алдамчи фикр. Шундай юра-юра улар бадбахтлик тўрига чирмалиб кетадиларки, оқибатда, ёшлари ўтган онда ундан қутулолмай, хору-зорликда ўлим топадилар.

Сиз эрни чинакам мард ва жасур, ғайратли, ҳатто озгина дағал бўлишини истайсиз. У уйга қайтганида аёлга ўхшаб майин хатти-ҳаракат қилса, уни ёқтирасизми? Албатта йўқ! Шунга ўхшаб, эрлар ҳам эркакшодаларни ёқтирмайдилар, уларни сева олмайдилар. Эркакшодага севги изҳор қилувчи эркак ёлғончидир, муддаосига етгач, эртами-кечми ташлаб кетади.

Қадимда от миниб, қўлида шамшир ўйнатган Тўмарис каби шиддатли аёллар бўлган. Душман қўли баланд келаётганини кўрган аёллар жангчи либосини кийиб, эрлари ёнида жанг қилганлари ҳақида китобларда ўқигандирсиз. Жасоратли аёллар билан бугунги назокатини йўқотган аёллар орасида ҳеч қандай яқинлик йўқ.

Баъзи аёлларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб, тилларидан учаётган сўзларни тинглаб, “Булар аёл бўлишдан бунчалар қочишмаса”, деб ҳайратга тушсан киши. Бу гапимдан ажабланыпсизми? Аёл бўлишдан қочиш мумкинми? Ҳа, мумкин. Лекин бу жараён бирданига эмас, аста-секинлик билан амалга оширилади.

Бир қамоқхонадаги маҳкум бетобланганда қамоқ касалхонасидаги жарроҳ бир оёғини кесибди. Яна касали хуружга кирганида бир қўлини кесишибди. Касали яна бир тутганида қамоқхона бошлиғи ғазабланиб: “Мен сени доимо кузатиб турибман, этларингни парча-парча қилиб қамоқдан қочаётганингни сезмаётибманми?” – деган экан. Аёлликдан қочиш – аёлгагина хос бўлган назокатли фазилатларни аста-секинлик билан парча-парча кесиб ташлашдан иборат бўлади.

Аёл эркак каби муомалани ўргангани сайин бу оила тугамайдиган жанжал ўртасида ҳаёт кечири бошлайдилар. Эр ўз ҳурмат-эътиборини йўқотмасликка ҳаракат қилади, аёл эса аксинча. Икковининг бу ҳаракати бахтсизлик жари томон боришдан бошқа нарса эмас. Афсус шундаки, бу жарга биринчи навбатда аёл қулайди.

* * *

“Туғилиб-ўсган уйингиздаги қўшнилари қандай эди?”

Шу савол билан кимга мурожаат қилсак, “Яхшилари ҳам бор эди... ғаразғўйлари ҳам...” деган бир хил жавобни олишимиз тайин. Маҳаллалардаги, қишлоқлардаги кўни-қўшничиликда меҳр-оқибат сақланиб қолган. Кўп қаватли уйларда эса, аксинча. Бир йўлакда истиқомат қиладиган хонадон аҳли ён йўлакдагиларни танимайди. Қиз бола қайси шароитда улғайган бўлса, қўшниларга

муносабати шундай бўлади. Ҳайит байрами арафасида қўшниларга ош тарқатиш одати маҳаллаларда мавжуд. Мен буни жуда гўзал ва зарур одат деб қадрлайман. Аммо кўп қаватли уйлардаги хонимлар бу одатни ортиқча ташвиш деб билибми, ош чиқармаслик бўйича келишиб олар эканлар. Бу қилиқларини “Ҳозир ҳеч кимнинг қўшни ошига муҳтожлиги йўқ”, деб изоҳлар эканлар. Нақадар нодонлик! Агар бу нодонлик касали маҳаллаларга ҳам тарқаса, миллат энг гўзал фазилатларидан бирини йўқотган бўлади. Бу яхши одат ўз-ўзидан жорий қилинмаган. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Шўрва пиширганингизда сувини кўпроқ қилинг. Кейин қўшниларингиздан хабар олинг ва уларга мувофиқ равишда шўрвадан солиб беринг”, деб марҳамат қилганлар. Ойиша онамиз (р.а.) Расулulloҳнинг (с.а.в.) ўзлари кўпинча шундай қилганларини таъкидлаганлар.

Бу мисолни тилга олишимдан мақсад, қўшнилар орасида меҳр-оқибат кўтарилаётган муҳитда улғайган қиз оқибатли маҳаллага келин бўлиб тушса, уни бу борада ҳам тарбия қилишга тўғри келади.

Келинпошша, зийрак қўшнилар орасида ножўя бирон гап айтиб юборишдан ўзингизни тийинг. Ҳар қандай меҳр-оқибатли, яхши қўшни ҳам “ғийбат” деган касалликдан холи эмас. Айтайлик, тонг чоғи кўча супураётганингизда белингизни беихтиёр ушлаб қўйсангиз, буни кўрган қўшни қиз: “Ҳа, кеннойи, чарчадингизми?” деб ўзича кўнгил сўраши мумкин. Сиз: “Вой, бирам иш кўпки, улгуролмаяпман”, десангиз, бу гапингизда нолиш оҳанги бўлмаса ҳам, қўшни қиз онасига кириб: “Қўшниларингиз келинини ишлатавериб, ҳолдан тойдирибди”, дейди. Она эса бу хабарга сиз айтмаган “Ишлайвериб қўлим қавариб кетса ҳам, ҳеч миннатдор бўлишмайди”, деган гапни қўшиб, қайнонангизга етказди. Шундан кейин қандай машмашалар бошланиши мумкинлигини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Сиз қўшнилар билан танишиб, уларнинг яхши-ёмонлигини ажратиб олгунингизча анча қийналасиз. Сизга яхши кўринган қўшни аёлни қайнонангиз хушламаслиги мумкин. Ёки аксинча, қўшниларингиз қайнонангизни хушламаслар. Сизнинг қийинчилигингиз ана шу масалани ечишда бўлади. Бир кўчада яшайдиган келинлар бир-бирлари билан салом-алик қилиш билан чекланадилар. Бир-бирларининг уйларига кириб гаплашиб ўтира олмайдилар. Кўчада учрашганларида узоқроқ гаплашиб қолсалар, катта ёшдаги “жосус” хотинлар фитна тўрини тўқий бошлайдилар: “Фалончининг келини худди ўзига ўхшаган ярамас. Яхши оиланинг келини нега у билан ош-қатиқ бўлиб қолди, уларнинг ёмонлиги юкмаса эди”, деган “меҳрибончилик”ларини бошлайдилар. Бу ҳолат ҳам сизни анча ҳомуш қилади. Бу машаққат булутти фақат сизнинг бошингиз устида эмас. Луқмони ҳаким бу азалий муаммо хусусида: “Оғир тош кўтардим, темир кўтардим, аммо ёмон қўшнидан оғирроқ нарса кўрмадим”, деганлар.

Қанчалик қийин муаммоларни ечиш лозим бўлганда ҳам, қўшнилар билан яхши муомала қилишга мажбурсиз. Қўшниларнинг кўнглини ололмасангиз, уйдаги ҳаловатингизга путр етади. Бу дунёда яшаётган барча-барча ўз хонадонни аҳли билан қандай яхши муомала қилса, қўшнилар билан ҳам шундай муроса қилишга буюрилган. Ота-она ва фарзанд бурчлари қандай бўлса, қўшнининг қўшни олдидаги бурчи ҳам ўшандай даражададир. “Қўшнинг ёмон бўлса кўчиб қутуласан”, деган мақолни эшитгансиз. Лекин қўшним ёмон экан, деб тинмай кўчиб юрилаверилмайди. Чунки кўчиб борган жойида ҳам албатта биттами ё иккитами ёмон қўшнига учрайди. Шундай экан, дардни ичга ютиб, жаҳаннам азобида яшайверишдан ўзга чора қолмайди. Қандайдир ҳолатларда эса муроса

қилишга ҳам тўғри келади. Мазкур мақол кимдир томонидан шунчаки тўқилмаган, у шарафли ҳадис асосида айтилган. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг қилиб юрадиган дуоларидан бири бундай бўлган: “Э Аллоҳ! Мен яшайдиган ердаги ёмон қўшнингнинг ёмонлигидан паноҳ беришингни сўрайман. Чунки фоний дунёдаги ёмон қўшнидан қўчибгина қутулиш мумкин”. Ёмон қўшнингнинг ёмонлиги ҳамisha бўлавермаса ҳам, ёмонлиги бўлиб қолишидан қўчиб яшашнинг ўзи ҳам катта азиятдир.

Халқимизда “Қўшнинг тинч – сен тинч”, деган мақол бор. Бу ҳикматнинг мазмуни ойдек равшан, мулоҳазага ўрин йўқдек кўринади. Лекин “Қўшнинг тинч бўлмоғи учун ўзинг нима қилишинг керак?” деган савол қўйилса, ҳар бир одам ўйланиб қолади. Қадим-қадимдан қўшничилик муаммоси донишмандлар диққат-эътиборида бўлган. Ҳозиргина эслаганим мақол бекорга вужудга келмаган: қўшнинг тинч – сен тинч! Бу демак, агар сен осойишталигингни истасанг, аввал Қўшнингнинг осойишталик билан таъминла. Аввал ўзингни эмас, қўшнингнинг ўйла, дейилмоқчи. Бу мақол замирида одамларни биродарликка, меҳр-оқибатли бўлишга ундаш ётади. Оилада ота-онасига, акалари-укаларига меҳрли бўлиб улғайган одам, шубҳасиз, қўшнига ҳам меҳрли бўлади. Ота ва онасини беҳурмат қилувчи одам қўшнини ҳам сариқ чақага олмайди.

Ёмон қўшнидан қутулишнинг йўлларида бири – ҳар бир одамнинг ўзи яхши қўшни бўлишга ҳаракат қилиши керак. Яъни, бировга қилинажак ёмонлик ҳам, яхшилик ҳам қўшнидан бошланади. Ҳатто Ватанни сотиш ҳам қўшнини сотишдан бошланади. Қўшнисини ёмонлаб имзосиз хатлар ёзадиган одам Ватанини сотмайди, деб ким кафолат беради? “Қўшнингга қасд этма, баст эт” (баст – қувонтириш маъносида) деган ҳикматга барча бирдай амал қилганда эди... Набий муҳтарамдан (с.а.в.) сўрадилар: “Э Расулulloҳ! Фалончи хотин кечалари туриб ибодат қилади. Кундузлари рўза тутати ва одамларга хайр-эҳсон улашади ва бошқа яхши ишларни ҳам қилади. Лекин қўшниларига тили билан озор беради. Бунинг оқибати қандай бўлади?” Расулulloҳ (с.а.в) жавоб бердилар: “Бу хотинда яхшилик йўқ, у дўзах аҳлидандир”. Яна сўрадилар: “Фалоний хотин фарз намозларини ўқийди ва борини, арзимас бўлса ҳам, садақа қилади. Шу билан бирга у ҳеч кимга озор бермайди”. Аллоҳнинг расули (с.а.в.) жавоб бердилар: “Бу хотин жаннат аҳлидандир”.

Мазкур шарафли ҳадисни ўқигач, ён-атрофдаги қўшнилари орасида озор берувчи хотинларни кўз олдингизга келтириб, уларнинг бўлажак қисматига ачингандирсиз? Ачинганингиз яхши, лекин Аллоҳ таолога ёлбориб бундайларни ислоҳ қилишини сўрасангиз, янада яхши. Ундан ҳам яхшироғи – ўзингизни дўзахилар сафига тушиб қолишдан асрашингиз.

Ўзига тилаган нарсасини ўзгаларга, хусусан, қўшнисига тилайдиган, ўзига муносиб кўрмаган нарсани бошқаларга ҳам муносиб кўрмайдиган одамни иймонли, эътиқодли дейиш мумкин. Ким қўшнисига бало-қазо ёғилишини истаса – нодондир. Тасаввур қилингки, “қўшнимнинг уйини куйдир!” деб ният қилган одамнинг ноласи қабул этилди – қўшнингнинг уйи ёнди. Оқибат нима бўлди? Қўшнига офат тилаган нодоннинг уйи ҳам қўшилиб ёнди!

Тарихга назар ташласак, агар қўшнилари муҳтож эканини билсалар-у, унга ёрдам беришга қўриқлари етмаса, таомнинг ҳиди чиқиб қўшнимга озор бермасин, деган хижолатда ўз уйларида овқат пиширтиришмаган, шукрки, шундай одамлар ҳозир ҳам бор. Қадимда муборак ҳаж ибодатига отланган одам қариндошлари ва бола-чақалари билан бир қаторда қўни-қўшнилари ҳам моддий томондан таъминлаб, ризолигини олар экан.

Бир одамнинг уйида сичқон кўпайиб кетибди. Шунда таниши “Мушук боқа қолмайсизми?” деса, у одам: “Мушук олиб келсам, сичқонлар қўриқиб қўшним-никига қочса, уларни безовта қилади-да”, деган экан.

Шарқ ривоятларидан бирида бундай ҳикоя қилинади: Бир одам чоғроқ шолча устида ўтирган экан. Ёнига қўшнисини чорлабди. Қўшниси: “Э биродар, шолчангиз бир парчагина-ю, яна менга иззат кўрсатмоқчи бўласиз-а”, деб қулибди. Шунда лутф кўрсатган қўшни дебди:

– Бир-бирига душманлик қилувчи ноаҳил қўшнилари бутун дунёга ҳам сиғишмайди. Аҳил қўшнилари бир парча шолчага сиғиб, роҳат кўраверадилар. Гап шолчанинг торлигида эмас, кўнгилнинг кенглигида.

Қўни-қўшнилари орасидаги нохуш ҳолларга кўпинча манманлик сабаб бўлади. Нисбатан тўқроқ, бойроқ одам гердайса, керилса, менсимаса яхши оқибатга олиб келмайди. Камбағалроқ қўшнида ҳасад, ичқоралик бўлса ундан яхшилиқ кутманг. Қўшнисини норози қилган бойроқ одам шу гуноҳининг жазоси ўлароқ, эртага бойлигидан ажралиб қолиши, қўшнисига ҳасад қилиб иғво тарқатган эса эртага эл-юрт олдида обрўсизланиши, шарманда бўлиши мумкин. Сукрот ҳақимнинг: “Икки нарсани ислоҳга келтириш жуда қийин: қариндош-уруғларнинг бир-бирларига бўлган адоватларини ва қўшниларининг ҳасадини”, деган гаплари ғоят ибратлидир.

Мазкур сатрлар ёзилаётган кунларда Русиядаги бир воқеани эшитиб, даҳшатга тушдим. Ёшга етмаган чақалоғи ва икки ёшли боласини уйда қолдириб, кўчага чиққан бир жувонни автомашина босиб ўлдиради. Хужжати бўлмагани учун марҳуманинг кимлигини аниқлаш қийин кечади. Бу орада уйда қолган икки гўдак йиғлай-йиғлай очдан ўлади. Қўшнилари эса уларнинг йиғиларига аҳамият бермайдилар. Болаларнинг ўликларидан ҳид чиқа бошлаганда “газнинг ҳиди чиқаётгандир”, деб яна эътибор бермаганлар...

Худога шукр, бизда бу даражадаги бемехрлик, беоқибатлик йўқ, бўлмасин ҳам! Лекин бунақаси йўқ, деб хотиржам бўлишимиз ҳам дуруст эмас.

Баъзи келинларимиз кўчага сув сепиб-супуришганда қўшни чегарасидан бир қарич ҳам ўтмайдилар. Дарвозалари ёнма-ён бўлса-да, қўшни дарвозаси олдини супуришдан ё эринадилар, ё бу хизматнинг савоб эканини билмайдилар.

Набий мухтарам баракот ва баракотсизлик хотинда, масканда ва отда бўлишини айтдилар. Масканнинг баракоти – турар жойининг кенглиги ва қўшнilarининг яхши инсонлар бўлишидир. Бебаракалиги – турар жойининг торлиги ва қўшнilarининг ёмон феъл-атворли инсонлар бўлиши билан боғлиқ.

*Ўтдайин куймас эдим, куйдирди-да, ён қўшним,
Гулдайин сўлмас эдим, сўлдирди-да, ён қўшним,
Ўғлим, қизим бахтидан айирди-да, ён қўшним...*

Қўшничилик бурчи фақат қўшнига азоб бермасликдангина иборат эмас. Қўшни учун қандайдир қийинчиликни зиммага олиш ҳам керак бўлади. Чунки қўшнига азоб бермасликнинг ўзи, ҳали бурч ўталди, деган гап эмас. Бунинг учун ҳатто маълум бир қийинчилик ё ноқулай аҳволга чидаш ҳам камлик қилади. Чунки, шу билан биргаликда қўшнига яхши (мехр билан) ва мулоим муомала қилиш, унга хайр-садақа қўлини узатиш керакдир. Абу Ҳомид Ғаззолий ҳазратлари шарафли ҳадиснинг шарҳи сифатида бундай баён қиладилар:

“Қўшни билан учрашганда салом билан сўз бошламоқ, гаплашганда гапни

чўзмаслик, кўп савол бермаслик, касал бўлганда кўргани бориш, бошига мусибат тушганда таъзиясида унинг билан бирга сабрли бўлиш, севинчли онларида қутлаш – унинг севинчи билан севиниш, хатоларини кўрмасликка олиш, уйини жосусларча кузатмаслик, деворига бир нарсалар кўйиб ёки осиб ғашини келтирмаслик, унга тегишли жойдан сув олмаслик, уйининг олдига ахлат ва супуринди тўкмаслик, ўтиш йўллари тораитирмаслик, бирон баҳона билан уйига қарамаслик, қулоққа чалинган оилавий сирларини ёймаслик, у йўқлигида уйини кўриқлаш, унга қарши айтилган сўзларга қулоқ солмаслик, маҳрамига оид хусусларда кўз юммоқ, хизматчисига қарамаслик, боласига ширин сўзлар айтиш, диний ва дунёвий масалаларда билмаганларини ўргатиш...”

Ҳа, бу борада фақат сизгина эмас, келинпошша, ҳаммамизнинг ўйлаб кўрадиган ишларимиз бор. Абдуллоҳ ибн Умар айтадилар: “Бизнинг ёшлигимизда кўрганимиз шундай эдики, у вақтда ҳеч бир киши ўз олтин-кумушини бошқа мусулмон биродаридан азизроқ ҳисобламас эди. Ҳозир эса, ҳар биримиз учун олтин-кумуш ҳар қандай мусулмон биродаримиздан яхшироқ бўлиб қолди. Мен Расулulloҳдан: “Бир қанча қўшнилари Қиёмат куни ўз қўшнилариининг этагидан ушлаб: “Э Раббим! Мана бу қўшним бошимга иш тушган вақтда ёрдам қилиш ўрнига эшигини қулфлаб олган эди” деб даъво қилади”, деган ҳадисларини эшитганман”.

Хонадонга келин бўлиб тушувчи қизларимиз бу масалада айниқса зийрак бўлишлари шарт.

* * *

Эр киши тирноқча иш қилса агар,
Яхши бекач уни минг бор оширар (*Хисрав Деҳлавий*).

* * *

Эрингизни ёмон ишлардан қайтаришга уринмасангиз, унинг гуноҳига шेरисиз. Эрни бир ўзингиз қайтара олмасангиз, унинг яқинларидан ёрдам сўранг. Эрингиз отасидан яширинча ароқ ичади дейлик. Лекин унинг кечқурун қайтганда ичганини фақат сиз биласиз. Яхши гап билан қайтаришга урининг, “дадамга айтиб бераман”, деб огоҳлантиринг, шунда ҳам тузалмаса, қайнотангизга айтинг. Қўрқманг, бу билан сиз чақимчи бўлмайсиз. Аксинча, хайрли ишга ҳисса қўшган бўласиз.

* * *

Келинпошша, сиз ва сизнинг тенгдошларингиз, умуман бугунги ёш авлод олдига биз катталарнинг катта айбимиз бор. Болалигимизда, яъни ўтган асрнинг эллигинчи-олтмишинчи йилларида кўчамиздаги ариқдан оқиб ўтувчи сувдан ҳовуч-ҳовуч олиб мириқиб ичардик. Маҳаллалардаги, қишлоқлардаги ҳовузлар барчани қишлоқ сув билан таъминлар эди. У даврларда келинлар ҳовлини ёки кўчани супуриб, супуриндини ариққа ташлашмас эди. Ариққа ёки анҳорга ювинди ёки мағзава тўкиш катта гуноҳ саналарди. Бу яхши одатлар унутилди. Ариқ сувини ичиш у ёқда турсин, қўл ювишга ҳам ярамай қолди. Ҳатто ариқ сувидаги зулуклар қирилиб битди, сув ўтлари ҳам йўқолди. Фақат каламушлар ҳозирча чидаб яшашапти.

Ювинди ариққа тўкилади, мағзава ариққа оқизилади, ҳатто ҳожатхоналарнинг қувурчалари ариққа чиқарилган... Бу ҳолат бир фожиа, бу фожиага ло-

қайдлик билан қараб яшаётганимиз янада улуғроқ фожиа. Ёш авлод шуларни кўриб улғайяпти. Ёшлар учун бу аянчли манзара оддий ҳол бўлиб кўринади. Мен яхшилик қарор топишига ишонаман. Яхшиликларнинг бири – ариқларимизда яна покиза зилол сувларнинг оқиши. Бу борада сиз – суюкли қизларимиз, келинларимиздан умидим катта. Агар сиз келин бўлиб тушган хонадонда ариққа ахлат ташланса, сиз бундай қилманг. Бунинг гуноҳ эканини қайнонангиз ёки қайнотангизга айтсангиз, улар тушунмай, сиздан ранжишлари ҳам мумкин. Шу боис сиз ўзингизнинг ҳаракатингиз билан уларга ибрат бўлинг. Ариққа ахлат, ювинди ташламанг, мағзава оқизманг. Агар ҳовлингизда канализация бўлмаса, эрингизни ишга солиб, ҳовли этагидан кир ўра қаздиринг. Мағзава, ювиндиларни шу ўрага тўкинг. Қўшни тенгдошларингизни ҳам шунга ўргатинг. Чинакам озодалик, маданият шу каби ҳаракатлардан бошланади.

* * *

Еб-ичиш – гуноҳ эмас. Исроф қилиш гуноҳ. Афсуски, баъзи кишилар еб-ичишнинг хилма-хил ва кўп бўлишини ҳаётнинг асосий мезони деб биладилар. Бизда “озик-овқатни исроф қилиш” деганда емай, ташлаб юборишни тушунадилар. Бу аслида тўғри, аммо керагидан ортиқ ейиш ҳам исрофдир.

Саховат мақтовга сазовор хулқ. Саховат исрофгарчилик ва хасислик ўртасида турган бир фазилатдир. Аллоҳ таоло бундай фазилатли кишиларни мақтаб дейди: “Улар инфоқ-эхсон қилган вақтларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, балки эҳсонлари ана ўша хасислик билан исрофнинг ўртасида мўътадил бўлур” (*Фурқон сурасидан*).

Келинпошша, хафа бўлманг-у, кўп учрайдиган бир ёмон одат сизда ҳам бор. Аслида буни шунчаки “ёмон одат” эмас, “гуноҳ” десак тўғрироқ бўларди. Афсуски, неча минглаб одамлар каби сиз ҳам бу одатларингизни гуноҳ деб билмайсиз. Бу гуноҳ баъзан лоқайдлик, баъзан эса эринчоқликдан келиб чиқади. Майли, гапни кўпайтирмай, гуноҳга олиб боровчи ярамас одатларингизни баён қилай:

Уйингизда электр чироқни ёқиб-ўчирувчи мослама бор. Уни “ёққич” деб номлаганмиз. Бу мосламани кўпроқ чироқни ёқиш учун ишга соласиз. Уни кераксиз пайтида ўчириб қўйишни ё унутасиз, ё эринасиз. Айниқса, ошхона ва ҳожатхона чироқлари бекордан-бекорга ёниб тураверади. Телевизорни биров кўрмаса-да, ишлаб туради (Бунга фақат сиз эмас, оиланинг бошқа аъзолари ҳам айбдор). Чин дилдан айтинг-чи, баъзан чироқ ўчиб қолса юрагингиз сиқилиб кетадими? Дазмолни вақтида қилолмай, эрингиздан гап эшитасиз, киригизни ҳам юволмай қийналасиз, тўғрими? Ана шунда электр қувватини бекорга исроф қилганингизга ачинасизми ё йўқми? Сувни ҳам бекордан-бекорга оқизиб қўясиз, а? Сув тўхтаб қолган куни челақ кўтариб кўчага чиққанингизда ўша гуноҳингизни ёдга оласизми ё йўқми? Ярим литрли чойнакка чой дамлаш учун уч литрли човгумни сувга тўлдириб газга қўясиз. Икки ярим литр сув бекорга қайнайди. Демак, уни қайнатишга ортиқча газ исроф бўлди ми? Ундан ташқари, газни ўчириб-ёқишга эриниб, пастлатиб қўя қоласиз. Газ соатлаб ёниб ётади. Баъзан човгум эриб ҳам кетади, а? Газ келмай қолса, уйингиз исимаса, қозондаги овқатингиз чала пишганича қолса, буни газни исроф қилганингиз учун берилган кичик жазо ўрнида қабул қиласизми ё йўқми?

Бу масалаларда эрингиз ёки қайнотангиз танбеҳ беришса, балки ғашингиз келар? “Битта лампочканинг ёниб туришига шунчаликми?” деб уларни хасис-

лиқда айбларсиз? Бу ҳолда билингки, гап неъматлардан фойдаланганлик учун тўланадиган пулдагина эмас. “Бели оғримаганнинг нон ейишига боқ”, деган мақолни эшитгандирсиз? Буни маломат ёки миннат ўрнида қабул қилманг. Фикр қилингки, шу битта лампочканинг бекорга ёниб тургани учун юз сўм тўланди. Бу исроф бир соат ёки бир кун билан чекланса, кечириш мумкин. Лекин ўн кунда, бир йилда... қанча бўлади? Шу пулни ҳавога совурмасдан керакли нарсага ишлатган яхши эмасми? Моддий исрофдан ташқари масаланинг яна бошқа муҳим томони бор: сиз учун “арзимаган” исрофнинг табиатни заҳарлашини ўйлаб кўрмаганмисиз? Ошхонангизда ёниб турган газ қанча кислородни исроф қилади? Электр қуввати ишлаб чиқариш учун газ ёки бошқа ёқилғилар ёқилади. Атроф-муҳитга салбий таъсир этиш эвазига ишлаб чиқарилган электр қувватини сиз ва сизга ўхшаганлар исроф қилиб туришини ҳам кам ўйлайсиз.

Ёшлик кезларимда ўтмишдаги бойларни ёмонлашга қаратилган ҳикояларни кўп эшитганман. Бой албатта хасис ва золим бўлади, деган ҳақиқатни омма онгига сингдиришга уринишарди. Тўғри, бахил ва золим бойлар бўлгандир, бунақалари ҳозир ҳам учрайди. Лекин ўшанда мисол тариқасида келтириладиган воқеада бахиллик унсури йўқ эди. Айтилардики, бир хасис бойнинг уч хотини ва ўн келини бор экан. Шом пайти ҳаммалари қорачироқларини кўтариб келарканлар ва бой битта гугурт чўпи билан барча чироқларни ёқиб бераркан. Бу ҳол ҳозирги ёшларга ҳам хасислик бўлиб туюлса эҳтимол. Билмадим, бой балки гугуртга сарфланадиган пулини ўйлагандир, ҳар ҳолда у дамларда гугурт қиммат бўлган. Нияти бошқа бўлса ҳам, ҳаракатида, амалида исрофдан қочиш бор эди, шу боис уни бахилликда айбламаганимиз дуруст.

Бу масалага енгил-елпи қараманг. Ўз эрининг мол-мулкани совуриб исроф этувчи хотин ўз оиласи саодатига ўзи ўт қўйяпти, демакдир. Эрининг мулки – ўзининг мулки, яқин келажақда болалари, сўнг набираларининг мулки эканлигини тушунмаган хотинлар ақлдан ёки тарбиядан махрум бўлганлардир. Боболаримиз: “Оқ оқча (танга) қора кун учун”, деганлар. Инсоннинг иши доимо яхши бўлавермайди. Балки, бир борликнинг бир йўқлиги бор. Бир гугурт ёки бир қарич ип учун келинга танбеҳ берган қайноталар кўпни кўрган-кечирган оқил инсонлардир. Шу боис ақли қайнотангизнинг гапларини малол олмай, айтганларини бажаришга интилинг. Исрофгар аёлни Аллоҳ ҳам, эр ҳам севмайди. Ҳамма иш ўз вақтида бўлгани яхши. Юқорида айтилганидай, инсон хасис бўлиб ҳаддан ортиқ тежаш ҳам, саҳий бўлиб совуриб ташламаслиги ҳам зарур. Энг яхшиси шуларнинг лозим даражада ўртаси қадар иш кўрмоқ маъқулдир.

Бу мавзуни яхшироқ англашингиз учун сизга бир ҳикоя сўзлай, диққат билан ўқиб, эслаб қолсангиз бугун ўзингизга, яқин келажақда фарзандларингизни тарбия қилишингизда асқатади.

Бу воқеа ўтган асрларда қишлоқда содир бўлган. Жуда хушфеъл, вазмин, сабр-қаноатли эрнинг хотини яхши тарбия олмаган, эр қадрини билмайдиган, уй-рўзғор ишларидан беҳабар, исрофгар аёл эди. Эр дастлаб хотиннинг ёмонликларига чидаб, уни тарбия қилмоққа уринди. Аммо хотин унинг танбеҳларига, насиҳатларига қулоқ солмас эди. Кўпол гапириш ёки сўкишга эрнинг одоби йўл қўймас эди. “Хоним, тежамли, тутумли рўзғор юритинг, мен кўп чарчапман, аввалги куч-қувватим қолмаяпти”, деган гаплари ҳам ҳавога учаверди.

Бир куни эр ҳаво совуқ бўлгани учун далага чиқмади. Қараса, кеча тоғдан териб келган ўтинни хотини даста-даста қилиб ўчоққа тикиб ёқяпти.

– Эй хоним, нима қияпсиз ўзи!? Шунча ҳам ўтин ёқиладими? Бир ҳафтага етарли ўтин териб келганман, сал аяброқ ёкинг, – деди эр норози оҳангда.

– Нима қилай, кам ёқсам овқат пишмайди, уй исимайди, – деб ўзини оқлади хотин.

Эр жанжал чиқмасин, деб гапдан тийила қолди. Хотин эса ўтинни исроф қилиб ёқаверди. Орадан кўп вақт ўтмай, эр хасталанди-ю, тоғдан ўтин кесиб келиш хотиннинг ўзига қолди. Хотин ўтинни келтириши билан эр ўрнидан туриб ўчоққа ўт қалади. Эрнинг ўтинни даста-даста қилиб ўчоққа тикаётганини кўрган хотиннинг кўзлари олайиб кетди:

– Сиз қандай ноинсоф одамсиз! Нима қиялсиз? Ўтинни кесгунча қўлларим қавариб кетди, орқалаб келгунимча елкам шилиниб, яра бўлди. Аяб ёқинг, менга раҳмингиз келсин, – деб нолиди.

– Яхши хоним, сиз ранжиманг, бармоқдай ўтинни ҳам бекорга ёқмайман, – деб эр бошқа сўз айтмай, хотинини тинчитди.

Эр доно бўлгани сабабли боболардан қолган: “Минг насихатдан бир машаққат, мусибат яхши”, “Одамга минг ўгит бергандан, қийинчилик тезроқ ақл киргизади”, “Насихат билан тузалмаганнинг ҳаққи азобдир”, деган ҳикматларига амал қилган эди.

* * *

Хотин бўлса қобилу ақли расо,
Эрин шоҳ этар, гарчи бўлса гадо (*Савдий Шерозий*).

* * *

Келинпошша, эрингизни қай усулда ўзингизга ром этмоқчисиз? Хуснингиз биланми? Бу камлик қилади. Хусн узоқ вақт ҳукмронлик қила олмайди. Уй ишларидаги ғайратингиз биланми? Бу ҳам тўғри йўл, лекин асосий омил эмас. Отангизнинг бойлиги ёки мавқеи биланми? Бу энг нотўғри ва ҳалокатли йўл.

Ақлингиз-фаросатингиз биланми?

Баракалла, энг тўғри йўл шу. Оиланинг нечоғли бахтли-саодатли бўлишини сиздаги ақлнинг даражаси ҳал қилади. Ақлингиз биринчи навбатда тилингиздан учаётган сўзларда намоён бўлади. Эрга бемаъни гаплар айтиш ёки бемаъни талаблар қўйиш ёки ноўрин рашк туфайли жанжал кўтариш – ақлдан эмас. Аксинча, ширин сўзлик, талаблардан ўзни тийиш, эрни кечири олиш – ақлнинг гўзал меваларидир. Энг гўзал аёлнинг оғзидан чиқадиған сўзлар билан хунуллашиб кетиши ёки энг хунук аёлнинг оғзидан чиқадиған сўзлари билан эрнинг диққатини ўзига тортиши исбот талаб этилмайдиған ҳақиқатдир.

Сизга ибрат бўлсин учун турк султонлари ҳаётидан бир хайрли воқеани баён қилай. Қрим хони Русия билан бўлған жанглардан бирида гўзал қизни асирга олиб, уни турк султони Қонунийга тортиқ ўлароқ жўнатади. Хуррам деб ном берилған бу қиз шунчаки чўри эмас, балки аслзода полякнинг билимли, ақлли фарзанди эди. Ҳарамга келтирилған қиз бошқа жориялар каби эгик бошли эмас, мағрур ва ўжар эди. Хуррам билан биринчи кўришиш, суҳбатдаёқ султон уни ёқтириб қолди. Бир ҳафтада мағрур қиз унинг суюкли хотинига айланди. Тўғри, у гўзал эди, лекин саройда шунақанги гўзал жориялар бор эдики, Хуррамнинг ҳусни улар олдида сўлиған гулга ўхшарди. Шунга қарамай, Султоннинг суюклисига айланишини атрофдагилар қандайдир сеҳрга йўйишди. Лекин бу ҳолда ҳеч қандай сеҳр-жоду йўқ эди. Хуррам дунёни титратаётған султонни ҳусни билан эмас, ақли билан ўзига ром қилған эди. Хуррамнинг сеҳр-жодудан фойдаланишга ҳожати йўқ эди. Унинг муомаласи, ақлли сўзлари эрига сеҳрдек таъсир қиларди.

Ана энди маликанинг одобига диққат қилинг: Хуррам кийимини, кийинишини, соч турмагини эрининг кайфиятига қараб тузатадиган аёл бўлган. Султоннинг кайфияти яхши бўлган пайтда чиройли пардоз-андоз қилиб, ширин-ширин сўзларни тез-тез гапирар, эрининг кайфияти йўқ пайтида эса содда кийиниб, кам, сокин ва дона-дона қилиб гапирарди. Султон тажанг бўлган кезлари қайси мавзуда бўлмасин, уни тинчлантиришга уринарди. Тўғри, ҳар бир аёл каби унинг ҳам юраги сиқилган пайтлар бўлган, аммо буни эрига билдирмас, ортиқча ноз қилмас, ортиқча эркаланмас эди.

Дунёни бошқара олиши мумкин бўлган султонни хотин бошқара олиши мумкин эди. Лекин Хуррам ҳеч бир ишни эрига зўрлаб қилдирмаган, зўрлаб қилдириши мумкин ҳам эмасди. Унинг услуби оддий – истаклари мавзусида шошилмас эди, ҳар бир қийин масалани ҳам бир оз вақт мобайнида эрига секин-секин уқтирарди. Аввалига қайсарлик қилган эр вақт ўтгач, хотини томонидан тавсия этилган тушунчани қабул қилиб олар ва ўз фикри сифатида амалга оширишни бошлар эди.

Ҳозирги аёлларга осон: эр сафарга кетса, дунёнинг қайси мамлакатаида бўлмасин, икки-уч марта телефонда гаплашиб туради. Яна “imo” деган программа орқали боғланишиб, меҳр-муҳаббатларини изҳор этишлари мумкин. Келин-пошша, эҳтимол, сиз ҳам эрингиз тижорат мақсадида Дубайга ёки Хитойга кетар бўлса, қайнонангиздан яшириб кечалари мусофирликдаги эрингиз билан телефон орқали диллашарсиз? Мен буни қораламайман. Аксинча, кўз-кўзга тушиб турса, меҳр-муҳаббат туйғуси сўнмаса, номаҳрам назарни енгилга хизмат қилса нега қоралашимиз керак? Ўз эри билан телефон орқали ширин суҳбат қуришнинг уятли томони ҳам йўқ. Шунинг учун қайноналар “Бунча кўп гаплашасиз!” деб маломат тошлари отмаганлари маъқул.

Демак, ҳозирги аёлларга осон экан, мавзуга қайтиб, сўрайман: у замондачи? Бирдан-бир юпанч мактуб бўлган. Мусофирликдаги эр мактуб йўллар бўлса, неча ҳафта ёки ойлардан сўнг етиб келган. Аёлники ҳам шундай. Йўлларда йўқолган мактублар сони қанчалигини ҳеч ким ҳисоблаб кўрмаган. Эридан мактуб кутиб, нигорон кўзлардан оққан ёш томчилари ҳам ҳисобсиз. Баён қилаётганим воқеада малика Хуррам жангу жадалга кетган эрига доимий равишда севги мактубларини йўллаб турган. Султоннинг бошқа хотинлари ва жориялар намозларида дуо йўллаб турганлар, лекин бу дуолар султоннинг жонини омон сақлашда асқатса-да, унинг қулоғига етиб бормайди. Мактублар дуоларнинг ўрнини босмаса-да, султоннинг маликага бўлган меҳр-муҳаббатини банд этиб туришга қодир.

Хуррамнинг ўша мактублари йўқолиб кетмаган, Туркиянинг тарих музейида сақланади ва тарихчи олимлар уларни ҳанузгача ўрганадилар, таҳлил қиладилар. Айрим сатрларига эътибор беринг:

“Кўзларимнинг нури, саодатим сармояси, сирларимни биладиган, ғамли кўнглимнинг роҳати, ярали руҳимнинг малҳами, кўнглим тахтининг султони...”

“Менинг давлатим, менинг султоним...”

“Менинг Юсуф юзлигим, сўзлари шакарим, латиф султоним. Тангри эшигига юзимни супурги қилиб, бу ҳижронга барҳам беришини, тез орада муборак юзингизни кўрсатишини шундай ёлбораманки... Агар денгизлар сиёҳ, барча дарахтлар қалам бўлса ҳам бу айрилик азобини ёзиб тугата олишмайди...”

Султон ва маликанинг бу ёниқ ишқи қирқ йил, то Хуррамнинг вафотига қадар давом этган.

Бундай мисолларни ўзимиздан ҳам келтиришим мумкин. Мазкур китобни охирига қадар ўқисангиз, бадий асарлардан саҳифалар илова қилиш ниятим бор. Бу саҳифаларда Отабек ва Кумушнинг мактубларини ўқиб, ўзингизга хулоса чиқариб олишингизга ишонаман.

Унга қадар эса... сиз учун кутилмаган совғам бор. Сиз каби оила қуриб, ўғилчаси ва эри билан бахтиёр яшаётган, ғоятда истеъдодли адиба синглимиз Ирода Эргаш (Умарова)нинг ижодидан бир шингил наmunани эътиборингизга ҳавола қиламан. Ишонаманки, қалб саҳифасига ёзилган бу мактуб, тош юракларни ҳам эритиб юборишга қодир:

Маҳбубим...

Бу дунёда муҳаббатдай кўҳна туйғу бормикин? Ахир, илк инсон – Одам Ато илоҳий уйқудан туриши ила қобирғасидан яратилган хилқат – Момо Ҳавони кўрган онда юрагида туйган туйғу энг гўзал эҳтиёж эмасмиди?! Йўқ, мен адашдим, Одам Ато кўз очиб фазони кўрган кезлари ул илк бор ва вақтинча ёлғиз инсоннинг юрагини титратган дард – Ёлғизлик бўлгандир. Аллоҳим бул дарднинг давоси ўлароқ ёр ва муҳаббатни инъом этгандир...

Маҳбубим...

Таърифи қийинлар учун энг аъло таъриф шу – “қийин”лигида бўлса керак. Мен ҳам сизни таърифсиз севдим, севилдим.

Севган одам учун севгилисининг сўзларидан таъсирлироқ сўз, севгилисининг нигоҳларидан кучлироқ жозиба, севгилисининг чехрасидан ёрқинроқ нур, севгилисининг бағридан ишончлироқ паноҳ топилармикан?..

Билмадим, “ишқ ўзи кўҳна нарсадир, ҳар бир юрак уни янгилар” каби, мен муҳаббатнинг ўзимнинг юрагимда, иккимизнинг ишқимизда кашф этилган кирраларинигина кўрардим ва ўзгаларнинг севгисини ҳам ўзимизникига ўхшатардим.

Мен учун сизнинг сўзларингиз кулгимни йиғига, йиғимни кулгига айлантира оладиган кучга эга, сизнинг нигоҳларингиз юрагимнинг энг қаттиқ жойларини ҳам титратиб юборадиган жозибага тўла, сизнинг чехрангиз эса алам билан эслаганимда ҳам руҳимни юмшатиб турадиган нурга бурканган.

Маҳбубим...

Ёнимда сиз борсизки, мен кучлиман, ботирман, беғамман. Менинг бир маъсум, бир чиройли, бир содда бахтим бор – бағрингизга бош қўйганча дунёни кузатиш, кифтингизга суянганча ҳамжиҳат курашиш бахти. Менинг бир хавотирим бор – шугина бахтимни йўқотишдан жуда-жуда қўрқаман, ҳар лаҳза Аллоҳдан кушчадай серҳадик юрагимга таскин тилайман.

Назар солинг, жигар жигарнинг бахтига чанг солаётган, дўст дўстнинг кураги остига пичоқ санчаётган замон бу. Бу замонда бахт бисёр, лекин одамлар барибир унга тўймайдилар, улушларини ўнг қўллари билан ола туриб, чап қўллари ўзгаларникига узатадилар.

Шуни билиб туриб ҳам иккимизга бир инсоннинг бахтини сўрадим. Иккимиз – икки вужуддаги битта одаммиз-ку! Қолаверса, биламанки, сиз бахтни бутунлигича менга илинасиз. Мен эсам сизга илинаман: “Олинг, тортинмай олинг, сиз бахтли бўлсангиз, мен-да бахтиёр!”

Маҳбубим...

Сизни қачон яхши кўриб қолган эдим-а?.. Балки, танишган онимиздадир? Балки танишганимиздан кейин илк марта орамизга айрилиқ тушган кунлардадир? Балки ўша айрилиқдан сўнг кўришганимизда дийдорингиздан энтиккан дилимнинг “бошқача” бўлиб кетганидадир севги? Эҳтимол, сизни туғилмасимдан олдин, ҳали исмсиз ва жисмсиз, ғумбак руҳим ила, Аллоҳимнинг мавжудотлари сафида ёруғ дунёни инсон қавмида кўрувчилар рўйхатига тушганимдаёқ мубтало бўлгандирман ишққа? Бизнинг ҳали яралмаган ишқимиз дунёга чорлагандир иккимизни, учрашганимиз-да шунинг учундир...

Нима бўлганда ҳам, Аллоҳнинг марҳамати, шафқати бу. Бўлмаса асл муҳаббатни ҳамиша ҳижронга, армонга ҳукм қилиб-қилиб, бизга келганда ҳам асл туйғулар, гўзал бахту васллар инъом этиб қўярмиди!..

Маҳбубим...

Астафируллоҳ! Ўз гапимдан ўзим чақилиб кетдим. Бу куфрлигим, бу мактанчоқлигим учун афв тиланаман. Ўз севгимга, ўз бахтимга ўзимнинг кўзим тегиб қолади-ку бунақада. Ундан кўра меҳрибон Эгамга раҳмат айтмоғим, ҳамиша шундай марҳаматли ва шафқатли бўлишини ўтинмоғим лозим эмасми? Ахир... ахир ҳижрон умрнинг энг сўнгги лаҳзаларида, ҳатто мангу кўз юмгандан кейин келса ҳам даҳшатли. Унинг бир қатраси бир уммон, азоб билан заҳарланган уммон!

Ҳа, ҳа, мен аразлашиб қолган пайтларимизда ўзимиз қасддан ўртага ташлайдиган ёхуд вазият юзасидан пайдо бўлиб, соғинчларимиз эвазига орадан кўтарилиб кетадиган муддатларни айтяпман.

Ҳолбуки, инсон эртагагина эмас, бир неча лаҳзадан кейин ҳам тақдири қандай кечажагини билмайди. Шу муваққат ва омонат умримни сиз билан, сизнинг меҳрингиз билан ўтказаятганимдан жуда мамнун ҳамда ризоман.

Муҳаббат – имтиҳондир, туйғулари унинг синовлари. Бу имтиҳондан қандай ўтаётганимизни, бу синовларнинг қанчасини ўтказганимизни билмайман. Лекин... юқорида айтганим заҳар икки кўнгил ўртасидаги садоқат кўпригида турган ишқ лабига томмаслигига ишонгим келади. Ахир бизнинг севги гўдакдай бокира, маъсум, ҳалол... Айтинг-чи, маҳбубим, гўдакда айб бўладими, айбсиз гўдакни маҳв этиб бўладими?!

Маҳбубим...

Нафақат маҳбубим, дўстим, сирдошим, суянчим, қалбимнинг ярмигина эмас, бус-бутунлигича қалбим!..

Бизгача муҳаббат бўлган, биздан кейин ҳам бўлаверади. Бизгача бу дунё, бу ҳаёт бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Аммо биз кетсак, биз билан дунёимиз кетади, кўнглимиз, кечмишларимиз, севгимиз кетади.

Маҳбубим, бизнинг бу дунёимиздан, севгимиздан шу дунёимизни, шу севгимизни яратган, соҳибига айланган инсон кетса-чи? Кимга, нимага ўхшаб қоларкинми?.. Эгасиз уйгами, қаровсиз гулгами, қуёшсиз осмонгами? Буларга айланиб қолмаслик учун меҳр беришдан тўхтамасликкина эмас, сустлашмаслик ҳам лозим экан.

Сохта меҳр кўпинча сўзда, асл меҳр доимо кўзда!

Кўзларимиз ҳамиша шивирлашиб туришсин:

“Мен сени жуда яхши кўраман...”

“Мен ҳам сизни...”

* * *

Тарихдан ибрат:

Қадимги Рим императори Юлий Цезар ўзига итоат қилмаган Сабиний деган сенаторини зиндонга ташлайди. Бу ҳам камлик қилиб, унинг хотинини ҳам зиндонбанд этади. Епониная исмли бу садоқатли аёл тўққиз йил давомида эри билан биргаликда қоронғу зиндон азобларини тортади. Шунча йил давом этган азобларга қарамай, бўйсунитишни истамаган сенаторни ва унинг садоқатли ёрини император энди ўлимга ҳукм қилади. Мағрур ва вафодор Епониная севгисига хиёнат қилмай, эрига қўшилиб ажал шаробини ичади. У ўлими олдидан императорга дадил ва тик қараб шундай дейди: “Эй Цезар! Мен эрим билан зиндонда шунчалар бахтиёр яшадимки, сен тожу тахтингнинг бутун шону-шавкати билан ёруғ дунёда яна минг йил яшасанг ҳам ҳеч қачон бу бахтни топа олмайсан!”

* * *

Келинпошша, “Хотин учун энг гўзал фазилат қайси?” деган саволга “Сабр ва қаноат”, деб жавоб берган одам янглишмайди. Хотин эрининг топганига кўникиб, оз демай-кўп демай, тежамкорлик билан сарфламоғи, эрининг бирини икки қилмоққа интиломоғи лозим. Чунки хотин дўст бўлса – тежар, ёмон бўлса – бузар. Хотин уйга безак, эрга кўмак ва ойна; у саришта бўлса – уйнинг фариштасига айланади. Аллоҳ аёл зотини нозик қилиб яратган. Аммо бахт саройини қуриш учун аёлдан метиндек ирода, сабр талаб этилади. Сиз ана шундай сабрлилардан бўлишга интилинг.

Нафс уйига сабр ила иморат англа,
Бесабрлигин анинг шарорат англа,
Иш сабр сори анга ишорат англа,
Сабрни зафар сори башорат англа.

(Нафс уйига сабр иморатини қургин. Нафснинг бесабрлигини ёмонлик деб бил. Нафсни сабр томон юришига ишорат қилгин, сабрни зафар сари башорат деб бил.)

Шукр айлади шиддатда рижо изҳори,
Ҳар меҳнат аро дафъи бало изҳори,
Мол истасанг эт шукру сано изҳори –
Ким, шукр демак қилур ғино изҳори *(Алишер Навоий)*.

(Оғир кундаги шукр умид уйғотади. Бошига тушган балоларни даф қилувчи ҳам шукрдир. Бойлик истасанг шукр ва ҳамду сано изҳор қил, шукр туфайли инсон бадавлат бўлади.)

* * *

“Қаноат битмас-туганмас молдир”.
Мазкур шарафли ҳадиснинг “Арбаин”даги баёни:
Ҳирсдин кечгил, ул ғамедурким,
Ҳадду ғоят анга эмас пайдо.
Тут қаноатким, ул эрур моле,
Ки, ниҳоят анга эмас пайдо.

(Ҳирсу ҳавасдан кеч. Чунки, у беҳад ва охири йўқ ғамдир. Қаноатни маҳкам тутки, у ниҳояси йўқ молдир.)

* * *

Моли йўқ деб, эрдан кечма, чўпи йўқ деб, ердан кечма (Мақол).

* * *

Тежамкорлик, сабр ва қаноат... бахтли ҳаёт кечиришнинг муҳим омилларидан эканини биласиз. Исрофдан қочасиз, камига қаноат қиласиз. Лекин оила бахтига раҳна солувчи бошқа иллатлар ҳам бор. Эрнинг ёки хотиннинг, ёки икковининг ҳасис бўлиши оиладаги жиддий муаммодир. Сахий аёл – ҳасис эр ёки сахий эр – ҳасис аёлнинг турмушлари оғир кечади. Бир-бирларининг мувозанатларини ушлаб туришга уринишса ҳам, жуда-жуда оғир. Иккала вазиятда ҳам асабийлашадиган аёл, қийналадиган эса эр бўлади. Аёл ҳасис, эр эса сахий бўлса, хотин эрининг барча харажатларига чегара бўлади. Ўзи сарфлагиси келмайди, пул тўплаш дардида бўлади ва эрини ҳам шунга ундайверади.

Аёл сахий, эр ҳасис бўлса бу янада каттароқ қийинчилик туғдиради. Бахил эрнинг топар-тутари яхши бўлса-да, оиласининг зарурий эҳтиёжларига сарф қилгиси келмайди. Емоқ-ичмоққа доир нарсаларни ҳам мисқол-мисқолигача ҳисоблаб олади, сарфланишини қаттиқ назорат остига олади. Пиёз унинг мўлжалидан кўра бир кун олдин тугаса, хотинини исрофгарликда айблаб, ғалва кўтаради. Таажжубки, у ўзининг бахиллигини сира-сира тан олмайди, балки “тежамкор” деб ҳисоблайди. Яъни, бу тоифа эрлар ҳасислик билан тежамкорлик чегараси мавжудлигини билмайдилар. Эрнинг ошхонадаги сабзавотларнинг граммларини ўлчаб туриши хотин учун оғир, ҳатто ҳақоратлидир. Бой эр билан камбағал бўлиб яшаш аёл учун азобдир – бундай аҳвол аёлнинг зеҳнини ҳам, жағини ҳам чарчатади. Ҳасис эрни даволовчи табиб йўқ. Бу касаллик болаликда шаклланган бўлади. Эр болалигида камбағал яшагандир, болалиги оғир кечгандир, кўп кунлар оч қолгандир ёки оиласида пулга доир тарбия нотўғри олиб борилгандир. Шунинг учун қайта тарбиялаш мақсадида жанжал қилавериш ўрнига муроса маъқулдир. Эрнинг ҳасислигидан нолийвериш ўрнига у уйга битта нон кўтариб келса ҳам, шодликни ифода этиш, раҳмат айтиш яхши натижа бериши, эрда оила учун пул сарфлашга ҳавас орта бошлаши мумкин.

Ҳасис эр билан яшаётган аёлларнинг деярли барчаси бир хилдаги хатога йўл қўйишади – умрларини пул жанжали билан ўтказиб, охири асаблари қақшаб бир касалга йўлиқишади-да, қолган умрларини даволанишга сарфлашади. Англамоқ лозимки, ҳеч бир ҳасис эр ҳасислигини тан олмайди, аксинча, пул сўровчи хотини унинг кўзига пул еювчи, исрофгар, ҳеч нарсадан ва ҳеч қачон рози бўлмайдиган онкўр аёл мақомида кўринаверади.

Бир гапни эшитдим, ростми-ёлғонми, билмайман. Эрининг ҳасислиги жонига теккан айрим аёллар унга ўлим тилармиш. Тушунишимча, улар эрлари ўлгач, ишлатилмай қолган пулларга эга чиқишни орзу қилишса керак. Бу ниҳоятда бемаъни, амалга ошмайдиган орзу. Аллоҳ бунақа орзуларни амалга оширмайди, ўлимга доир дуоларни ҳам қабул этмайди. Чунки ўлим муддати азалдан белгиланган, бировнинг орзуси ёки дуоси билан ўзгартирилмайди. Эрининг ҳасислигидан сиқилаверадиган, унинг ўлимини кутаверадиган хотиннинг ўзи бир дардга чалинади ва эридан эртароқ вафот этади.

Ҳасис эрнинг ўзига хос яхши томонлари ҳам бор: агар хотин пул сўрайвермаса, унинг ишларига ҳуда-беҳуда аралашавермайди. Энг муҳими – ҳасис эр хотинбоз бўлмайди, бошқа хотинга пул сарфлашни хоҳламайди...

* * *

“Топган гул, топмаган бир боғ пиёз келтирар”, деган мақол бор. Эр уйга битта кир совун олиб келадими ё тилла суви югуртирилган қошиқми – фарқи йўқ, ақлли хотин уни қувонч билан қаршилаб, “Топган-тутганингизга Аллоҳ барака берсин”, деган дуо билан қабул қилиши керак. Эрнинг олиб келган нарсасини менсимамай қабул қилиш нодонликдир. Шу менсимаслик гўё бир челақ совуқ сув – меҳр-муҳаббат ўтини ўчириши ҳеч гап эмас. Тўйдан кейинги дастлабки кунларда ва ойларда куёв келинга, келин эса куёвга нимадир совға қилгиси келади. Бу кунларда ҳар иккови ҳам камчиқим бўлади, қимматбаҳо совғага қурби етмайди. Лекин “Гап совғанинг қиммат-арзонлигида эмас, гап – эътиборда”, деган ҳикмат бор. Келин бунга жиддий аҳамият бермоғи лозим.

Бир хонадонда куёвтўра келинпошшага кичикроқ совға олиб келган эди, хоним уни арзимас матоҳдай четга олиб қўйди, раҳмат ҳам демади. Ўша куни унинг онаси меҳмон бўлиб келган эди. Қизининг бу қилиғидан ранжиб, унга танбеҳ берди: “Эй менинг ўз қадрини билмаган жоҳил қизим! Эр келтирган нарсага ҳам бепарво бўладими?! Сен бу ёмон одатни қаердан ўргандинг? Отанг бирор нарса олиб келганида бепарво бўлганимни ҳеч кўрганмидинг? Агар мен отангга шундай муомала қилсам, у менинг таъзимимни берган бўларди, ҳатто уйдан ҳайдаб юбориши ҳам мумкин эди”.

Бундай оқила оналарга шарафлар бўлсин! Тўйдан олдин беролмаган тарбияни кеч бўлса ҳам, ўрнида берди. Агар бу она кибрлилардан бўлганида куёви келтирган нарсага бурнини жийириб қарарди, “Менинг қизим шу матоҳга зормиди?” ёки “Шу матоҳни менинг ойдек қизимга муносиб кўрдингизми?” деб минғирларди. Ана шу пайтнинг ўзида оила қиёмати бошланармиди? Куёв ўзини босолмай, она-болани ҳайдаб юбормасмиди? Ҳайдамаган тақдирда бирор муддат, жаҳаннамга айланган уйда кўнгли сиқилса ҳам, эр қадрини билмайдиган тарбиясиз хотин билан яшашга мажбур бўларди. Аммо дунёга келганига эмас, шу хотинга дуч келганига минг пушаймон бўлиб яшарди. Пушаймонлик адоқсиз давом этмайди, вулқон каби куч тўплаб, барибир портлайди ва оилани вайрон қилади.

Баён этилган воқеадаги куёвнинг бахти – қайнонаси оқила эди. У қизига танбеҳ бериш баробарида бир ҳикоят айтди:

– Ўтган замонда бир кўзи ожиз бадавлат йигит уйланибди. Йигит оиласига меҳр қўйган, инсофли, виждонли, саховатли эди. Ҳар оқшом уйига қучоғини тўлдириб турли нарсалар олиб келарди. Хотини эрини қувонч билан кутиб оларди. Орадан йиллар ўтиб, йигит иши орқага кетиб, совға-салом олишга қурби етмай уйга қуруқ қўл билан қайтди. Ақли оз, феъли эса ёмон, тарбия кўрмаган хотин бу ҳолни кўриб:

– Вой, сизнинг бир кўзингиз кўр экан-а! – деди.

Эрнинг бу гапдан кўнгли оғриса-да, ўзини босиб, совуққонлик билан: “Шу кунгача билмаганмидинг?” – деди.

– Шу пайтгача қўлингизга боқиб, кўзингизга қарамаган эканман, – деди бефаҳм хотин.

– Хоним, сен сал адашибсан. Эрингнинг бир эмас, иккала кўзи кўрдир. Сўқир бўлмаса, ақли қисқа қизга уйланармиди, – деди эр, тақдирдан афсусланиб.

“Хотинларнинг сочи узун, ақли қисқа”, деган мақол менга ёқмайди. Ҳатто буни мақол ўрнида қабул қилмайман. Чунки мақолда чуқур маъно яширинган

бўлади. Бунда эса бемаънилик мавжуд. Агар тўғри мақол, деб қабул қилсак, унда бувиларимиз ва оналаримиз, опа-сингилларимиз ва қизларимизни ҳам “ақли қисқа”, деб ҳақоратлаган бўламиз. Бу “мақол”ни кимдир маълум бир аёлга нисбатан тўқигандир, деб ўйлайман. Эҳтимол, юқоридаги воқеада баён қилинган хотинга ўхшаганлар назарда тутилгандир. Чунки фақат ақли қисқа хотингина ўзига берилган неъмат қадрини билмайди. Аёл учун эридан ортик неъмат бўлиши мумкинми? Шунинг идрок эта олмайдиган хотинни лаънатлаган эрга нима деймиз? Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Бир хотиннинг ҳаёти-ни, номусини, шараф ва ҳурмати кўриқлай олиши учун икки паноҳ бордир: бири – эри, иккинчиси – қабр дир”, деганлар.

Келинпошша, англадингизми? Воқеа баёнидаги фаҳми кам хотин эрнинг хотин учун қадри қанчалик буюк ва керакли эканлигини билмади. Унутмангки, бу мезон виждони бор, оқилалар учундир. Оқила аёлнинг номуси бўлади. Виждонсиз аёлнинг номус мезони Чорсу бозоридаги ўтмас матоҳ кабидир. Виждонсизнинг калта ақли нимага етса, ўшандан фойдаланади. Ақлини бойитишни ўйламайди. Виждон ва ақл нуқтаи назарида номус бир қуш кабидир. Агар сақланмаса, бир учганича қайтиб келмайди.

Номусли хотиннинг паноҳи эр экан, шунинг учун эрнинг қадр-қимматини баланд тутинг. Унинг қадрига етинг, унга меҳрибон бўлинг. Ҳеч вақт кўнглини қолдирманг!

* * *

Доимо кулиб турувчи эрнинг хотини дунёда энг яхши хотиндир (*Абулқосим Фирдавсий*).

* * *

Ақлли аёл эрининг камчиликларига бир кўзини ёпар ва иккинчи кўзи билан унга қараб яшар (*Мақол*).

* * *

Шубҳасиз, сиз чиндан ҳам кимнингдир суюкли ва ардоқли қизи, яна кимнингдир суюмли ва азиз келинисиз. Эҳтимол, сиз келин бўлиб тушган хонадон бугунча қадрингизга етмаётгандир? Тушқунликка тушманг, Ардоқланувчи келинлар қаторида бўлишингизни Раббимиздан сўранг. Сўранг-да, ўйланг: “Нима учун бу оилада қадрим йўқ? Булар ёмонми ё менинг камчилигим борми?” Шу саволга биринчи галда ўзингиз жавоб топишга ҳаракат қилинг. Масалага инсоф юзасидан қарасангиз, ўзингизда ҳам озгина айб топасиз. “Озгина” дейишимнинг сабаби, айрим ҳаракатларингизнинг айб эканини ўзингиз ҳам билмайсиз. Чунки ота-онангиз сизга одобдан етарлича яхши тарбия бермаган бўлишлари мумкин. Бу борадаги айбни улар зиммасига юклаймиз. Бу камчиликни тузатиш эса энди ўзингизнинг зиммангизда бўлади.

* * *

Эрга меҳрли бўлиш керак, деганда нималарни тушунайсиз? Таомни тотли пишириш, кийимларни ювиб-дазмоллаш, ишдан қайтганида чиройли жилмайиш билан кутиб олишми? Ҳа. Аммо булар хотиннинг зиммасидаги вазифалар. Эрга бўлган меҳр ўзгача шароитларда намоён бўлади. Бунга бир мисол:

Яхши хулқли аёлнинг оиласи тотув, бахтиёр эди. Бир кеча эри уйғониб кетиб, сув сўради. “Хожамнинг юраклари куйяпти шекилли, ҳароратлари ҳам

борга ўхшайди. Уйдаги сув илиб қолган. Ташқарига чиқиб совуқ сув олиб кирайин, ичиб ҳузурлансинлар”, деб ўрнидан турди. Ҳовлига чиқиб, сувни олиб қайтса, эри яна ухлаб қолибди. Аёл “Эрим уйғониб қолар”, деб чойнакни ерга қўймай, ўтираверди. Бир қанча вақтдан кейин эри уйғониб, “Нега ўтириб-сиз?” – деб ажабланди.

– Сиз сув сўраганингизда уйдаги илиб қолган сувдан беришга кўнглим бўлмади. Ҳовлидан қайтсам, ухлаб қолибсиз, уйғотишни истамадим. Хожам балки завқли бир ҳол, рангин бир рўёдадирлар, деб ўйладим. Уйғонишингизни кутаётувдим. Мана, сувни ичиб олинг, ташналигингизни қондиринг.

Хотинининг бунчалик меҳридан севинган эр ҳаяжонланиб:

– Сиздек хуш хулқли, ҳикматли бир хонимга соҳиб бўлганимдан саодатлидирман. Хуш хулқли, оқила хоним, мендан тилагингизни тиланг, нима яхшилиқ қилай? – деди.

– Сизнинг соғлигингизни истайман, – деди хотин.

– Хайр майли, хоним, мендан ҳеч нарса сўрамайсиз. Сизнинг бу муомалангиздан олган қувончим, мамнунлигим эвазига сизга бир яхшилиқ қилгим келяпти, айтинг, нима истайсиз?

– Ўзимга ҳеч нарса керак эмас, сизнинг соғлигингизни истайман, – деди хотин.

Эр неча марта сўраса ҳам, жавоб бир хил бўлди.

Келинпошша, англагандирсиз, чинакам меҳрда миннат бўлмайди.

* * *

Кўп суюкли қизларимиз тўйдан олдинги орзу-умидлари амалга ошмаса кўнгиллари чўка бошлайди, уйда хафагарчилик бошланади. Чунки ниманидир кутиб яшаш ҳар қандай одамни чарчатади. Одатда аёллар эрларидан кўп нарсаларни кутишади ва шунинг учун ҳам кўп ранжишади. Орзу-умидларнинг чеки бўлмайди. Масалан, қиз “Қассобга тегяпман, тўйиб-тўйиб гўшт ейман”, деб ўйлаши мумкин. Тўйдан кейин билсаки, касби қассоб бўлгани билан бу уйдагилар мутлақо гўшт ейишмас экан. Ҳақиқат шуки: тўйдан олдин кўп нарса орзу қилиш керакмас, тўйдан кейин кутганлари амалга ошмаса, хафа бўлмаслик лозим.

Шундай латифа бор: келинчак тўйнинг эртасига уйғониб қараса, куёв ошхонада ивирсиб юрганмиш, зимдан кузатибди. Эри нонушта тайёрлагач, кийимига дазмол уришни бошлабди. Келин “Орзуимдаги эрга тегибман”, деб қувониб, жойига ётиб, уйқуни давом эттирибди. Салдан кейин эри уни туртиб уйғотиб, қилган ишларини кўрсатибди-да:

– Кўриб қўй, ҳар тонгда барвақт туриб, шу ишларни бажариб қўйишинг керак, – дебди.

* * *

Бир солиҳа аёл эрига етти кун хизмат қилса, Аллоҳ унинг қаршисидаги дўзахнинг етти эшигини ёпиб, жаннатнинг саккиз эшигини очади (*Жаъфар Со-диқ*).

* * *

Оиланинг ҳусни – келишув, оиланинг завқи – боғлиқлик, Оиланинг қувончи – муҳаббат, оиланинг қонуни – меҳнат, оиланинг фароғати – мамнун диллар (*Донолар ҳикматидан*).

* * *

“Ёғмас булут ерни ковлар, ёмон хотин эрни ковлар”, деганларидек, сиз эрингиз ҳақида ҳеч ерда, ҳеч кимга ёмон сўз айтманг. Эрингиз ёмонларнинг ёмони бўлганда ҳам, ҳатто онангизга ёмонламанг. Аксинча, “Эримни ёмонликдан қайтариб, яхшилар сафига қўш”, деб дуо қилинг. Бу борада сизга ибрат бўлар деб бир ривоятни айтайин:

Одамийлик фазилатлари билан вояга етган қиз майхўрликни ёқтирадиган бир йигитга турмушга чиқди. Хожаси ҳар куни уйига ширакайф бўлиб келади. Келин хожасига ялиниб, бу иллатдан қутулишга даъват этади. Аммо ота-онасининг танбеҳларига ҳам қулоқ осмайдиган эр шайтон йўлини тарк этишни истамайди. Келин бундан безиб, уйига кетиб қолишни ҳам ўйлайди. Лекин онасининг насиҳатига амал қилиб, сабр этади ва Аллоҳга кўз ёшлари билан муножот этиб, дуо қилишни кўпайтиради, эрини яхшиликка юз буришини сўрайди. Ярим тунлари ўрнидан туриб бошқа хонага чиқиб пичирлаганича илтижо қилаверди:

– Эй Аллоҳим! Ҳузурингда гуноҳкор қўлларимни очдим. Сенга ёлбораман. Мени афв эт. Гуноҳимни кечир, ё Раббим! Сенга кўз ёши тўкиб ёлбораман. Сенинг розилигинг учун адо этадиганим намозларим ва тўккан кўз ёшларим, сенга бўлган бениҳоя иймоним, даргоҳи иззатингда маъқул бўлса, сенинг ризолигинг уйғун бир ибодат ва иймон берса, эй улуғ Аллоҳим! Шуларнинг хотири учун шу онда ётоғида ухлаётган хожамни ҳам ислоҳ айла, тузатгин, у гуноҳ ишлардан қайтсин. Хожамга ҳидоят бер, эй Раббим! Эй Раҳмон ва Раҳим бўлган Аллоҳим! Дуойимни қабул айлагил!

Бу онда эр уйғониб қараса, ёнида хотини йўқ, ётоқхонада ҳам йўқ. Сархушлиқдан боши оғриган эр бундан шубҳаланди. Товуш чиқармай, секин юриб чиқиб ёнидаги хонани қараса, хотини қўлларини баланд кўтарганича йиғлаб Тангри таолога ёлборапти: “Эй кечиргувчи Аллоҳим, адашган бандаларинг қаторида хожамни ҳам кечиргин...”

Эр унинг нолаларини эшитиб, кўнгли юмшади. Хотиннинг тўккан кўз ёшлари унинг қалбида иймон нурлари бўлиб порлаб, одамийлик йўлини кўрсатди. Энди унинг қалби нидо қила бошлади. Лаблари беихтиёр пичирлади:

– Эй кечиргувчи Аллоҳим! Мени афв этгин! Шу ярим тунда хотиним менинг учун кўз ёшини тўкмоқда экан, мен эсам унинг ҳақида ёмон хаёлларга бордим. Хотиним мени афв этишингни Сендан ёлбориб сўрар экан, мен эсам гуноҳга ботиб ётибман. Бу тушми ўзи?! Эй Раббим! Мени кечир. Сўз бераман, бугундан бошлаб оилам билан биргаликда Сенга ўзимнинг қуллик вазифамни адо этаман ва иллатлардан қутулиб, уйимизни нурафшон этаман!

Бу шунчаки эртақ эмас. Ўзининг сабри ва одоби, дуолари билан эрининг мартабасини баланд қилаётган аёллар кўп. Сиз шулардан бири бўлинг.

* * *

Бадхулқ ва бемаъни эрга учраган аёлнинг асосий вазифаси шундан иборатки, у бор кучини сарфлаб, эрининг нотўғри йўлдан кетаётганини тушунтириши, унга ваъзу насиҳат қилиши, барча чора-тадбирларни қўллаганда ҳам эрининг тузалишига ишонч йўқ бўлгач, ундан кўнгил узиши, қутулиш йўлини кидириши керак.

* * *

Оилавий масалада эр билан хотин ўртасида тотувлик ва маслаҳатлашиб иш тутиш бўлмаса, бундай оила азоб ва машаққат масканига айланади (*Олимат ал-Банот*).

* * *

Биз қайнона-келин орасидаги келишмовчилик ҳақида кўп гапирамиз. Ҳолбуки, она ва ўғил орасида ҳам жиддий муаммолар учраб туради. Қайнона ва келин ниҳоятда аҳил, она ва ўғил ниҳоятда зиддиятли оилалар ҳам бор. Жиддий зиддият бўлмаса-да, ўғил баъзан онасининг гапларини, талабларини малол олади. Келинпошша, агар оилангизда шундай ҳол юз берса, яъни эрингиз онасини ёмонлаб шикоят қила бошласа, онасининг хатоларини айтса, уни қўллаб-қувватлашга шошилманг. Агар “Тўғри, ўтган куни ойингиз менга ҳам шунақа қилдилар”, дейишингиз билан эрингиз ўзгаради, онасини айблаётган ўғил, бир дақиқада ҳимоячига айланади, сиз эса ғийбатчига айланиб қоласиз. Эрингиз оиласидан дард чеккан онларда унга ақл ўргатмасдан, гапларини фақат эшитинг. Билингки, дардини айтишдан мақсади сиздан маслаҳат сўраш эмас. Онасининг ёки опа-сингисининг қандайлигини у сиздан яхшироқ билади. У дардини тўкиб бўлгач, сизга гапириш фурсати берилса, қайнонангиз, қайнсингилларингиз ҳақида фақат яхши гаплар айтинг. Шунда эрингизнинг сизга бўлган муҳаббати ортади. Онаси ва бошқа яқинларига доир муаммоларни ўзи ҳал қилади.

“Қайнона пахта ип бўлса, жавондан тушиб кетса, келиннинг боши ёрилар”, деганларидек, қайнонангизнинг энг оғир гапларини ҳам оғир олманг, чиданг. Вақт ўтгач, ўйлаб қарасангиз, ўша оғир гап сизга фойдали маслаҳат бўлиб чиқади. Уйга борганингизда онангиз: “Қизим, тежамкор бўл, эрингнинг пулларини совурмай, тўпла. Тўплаб-тўплаб, уй олишинглар мумкин”, деса “Тўғри айтасиз ойи”, дейсиз. Худди шу гапни қайнонангиз айтса, бошқача қабул қиласиз. “Ишларимизга намуноча аралашаверади, ўғлининг пулларини мен совураётган эканманми, уйдан чиқиб кетишимизни хоҳлаяпти”, деб аччиқланасиз, тўғри-ми?

Қайнонангизнинг гапларидан ёмон маъно изланганг. Шунда хотиржам яшайсиз.

* * *

Рашк ҳар бир одамнинг фитратида мавжуд. Рашк – қизғаниш демак. Севиб қизғаниш – фазилат, шубҳа тўрига ўраниб қизғаниш – иллат. Одам чақалоқлик, гўдақлик, болалик чоғида ота ва онани қизғанади. Бегона одамми ё ўз ака-сими “Менинг ойим!” – деб онасини қучоқлаб олса, гўдак чинқираб йиғлайди. Қизғаниш норозиликнинг, ҳатто нафратнинг уйғонишига сабаб бўлади. “Йўқ, ойим сизники эмас, меники!” деган эътирозни тил билан айтолмаса ҳам, бу ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун қўлидаги нарсасини отишдан ҳам тоймайди. Бола ўйинчоқларини ҳам қизғанади. Бошқа боладаги ўйинчоққа ҳавас қилади, бу ҳам ўзига хос рашкнинг бир заррасидир. Қизлардаги молга бўлган ҳавас рашки тезроқ ривожланади. Қиз бола турмуш қурмасидан аввал рашк қилса, бошқаларга сезилмаслиги мумкин. Лекин тўйдан кейин бошланадиган рашқдан жуда-жуда эҳтиёт бўлиш керак.

Келинпошша, “Рашк, бошқалардан кўра ўзига кўпроқ азоб бериш санъа-

тидир”, дейишади, сиз шу бемаъни санъатдан нари бўлинг. Эрингизга ишонинг, агар кўнглингизга озгина шубҳа аралашса, “Эй Худо, эримга ўзинг инсоф бер!” – деган дуо билан асоссиз гумонларни нари қилинг. Ёқтирмаслик, ҳадик, шубҳа ҳамда рашк ҳурмат ва ишончнинг етишмаслигидан келиб чиқади. Рашкни муҳаббатга хос бўлган зарурий нарсга деб ҳисоблаш кечирилмас англашилмовчиликдир. Чунки кучли муҳаббат билан ёмон шубҳа муроса қилолмайди. Шундай олийжаноб муҳаббатлар борки, улар рашкка ўрин қолдирмайди. “Рашкда муҳаббатдан биргина, иззатталабликдан эса тўқсон тўққиз улуш бор”, деган донишманд минг карра ҳақ эди.

Рашк аввалига қалбга зарра кўринишидаги чўғ каби тушади. Шубҳани енга олсангиз, чўғни ўчирган бўласиз. Агар енга олмасангиз чўғ аланга ола бошлайди. Қалбингизни куйдириб, қора кўмирга айлантириб қўйиши ҳеч гап эмаски, бу азобдан Аллоҳ сақласин! Эрингиз кўчадами ё қайсидир даврадами бир қиз билан кулиб гаплашиб турган бўлса, уни севиб қолганидан ёки унга илакишаётгандан дарак эмас. Бу ҳолатни ёмонликка эмас, оддий, самимий суҳбатга йўйинг. Айниқса, шубҳаларингизни эрингизга маълум қилиб қўйишдан эҳтиёт бўлинг. Чунки рашк шубҳалари қутқуси билан мутлақо гуноҳсиз одамни ҳам ҳақоратлаб қўйиши ҳеч гап эмас. Рашк – бамисоли бир махлук, у ўзидан-ўзи бошланиб, йўқ гапларни юзага чиқаради.

Ўтмиш донишмандлари: “Эй аёл, рашкдан эҳтиёт бўл, рашк талоқ қалити саналади. Сенга насиҳатим шуки, эрингга таъна қилаверма, чунки таъна нафратни келтириб чиқаради”, деганлар. Дадангиз ёки онангиз рашкнинг ёмонлиги ҳақида сизга ҳеч гапиришганми? Гапиришган бўлишса, насиҳатларига амал қилинг. Гапирмаган бўлишса, доноларнинг ўгитига қулоқ тутинг:

* Рашкчилар баҳона ахтариб ўтиришмайди, улар шу сабабсиз касалликка мубтало бўлганлари туфайли ҳам рашкчидирлар.

* Рашкчилар чумолини – фил, қумурсқани баҳайбат махлук, тахминни – рост қилиб кўрсатадиган ваҳима ойнаги орқали қарайдилар.

* Жававали севгидан худди нафратдан кўрққандай кўрқиш керак. Муҳаббатки мустаҳкамми, у ҳамиша беғубор ва осойиштадир, унга ҳеч қандай рашк булуту соя сола олмайди.

* Рашк ошиқ учун азоб-уқубат, маъшуқа учун ранж-изтироб манбаидир.

* * *

Уйини Жаннат боғчасининг бир гўшаси бўлишини истаган хотин “Эримга қандай хизмат қилсам, мамнун этаман?” деб ўйлайди. Шу йўлдан юрган оқила хотин бахтли ҳаёт кечирази. Акс ҳолда унинг ақли ўз бахтини йўқ қиладиган портловчи модда бўлиб хизмат қилади. “Эримни қандай алдайман”, деб турлитуман ҳийла йўлига тушган хотин ақлини ўз бахти ва саодатини бузишга қурол қилиб ишлатади, демақдир. Бугун “Бошим оғрияпти”, деб, эртасига “Қорним оғрияпти”, деб ястаниб ётиб олиш ақли бир хоним қиладиган иш эмас. Бундай ёмон йўлга бош урган хотинлар ақлсиз, фаҳмсиз, шуурсиз, тушунчаси бўлмаган аҳмоқ ва жоҳил яратилгандирлар. Улар том маънода хотин бўлолмайдилар. Агар бундай хотин бўлсалар, Аллоҳнинг яратган балолари бўладилар.

* * *

Эрда ҳам, хотинда ҳам ранжиган кезлари ўч олиш ҳисси уйғонади. Ақлдилар бундай ҳисни дарров бўғиб ўлдирази, эр хотинни, хотин эрининг айби-

ни дарров кечиради. Ақлсизлар гина қилиб юраверишади. Гина қилиш фақат ўзларигагина зарар эканини англашмайди. Билсинларки, кечириш кишининг ўзига қилган энг катта яхшилигидир. Гина сақлаб, интиқом олиб ҳеч ким ҳеч қачон бахтли бўлмаган. Келинг, тасаввуримизни ишга солайлик: сизнинг ёш ва ширин оилангизни ширин чақалоқ деб фараз қилайлик. Ана ўша умрингизнинг мазмуни бўлмиш ширин чақалоқ эмаклаб юриб, жар ёқасига бориб қолган. Яна бир ҳаракат қилса, тубсизликка кулаб, ҳалок бўлади. Чақалоқнинг бир ёнида отаси, бир ёнида онаси турибди, лекин ёрдамга шошилмайди. Чунки улар бир-бирлари билан аразлашиб қолишган. “Болани отаси қутқарсин, бақириб, уришни билади, болани ҳам қутқарсин”, деб ўйлайди хотин. “Туғиб қўйганидан кейин ўзи қутқарсин”, деган қатъиятда туради эр. Хўш, шу аҳволда болани қутқариб қолиш мумкинми? Энди тасаввурдан ҳаётга қайтайлик: араз туфайли бузилай деб қолган оилани ким сақлаб қолиши керак?

* * *

Ҳомиладорлик даври бошланганида уятданми ё бошқа сабабданми, дардингизни ичингизга ютиб, қийналиб юраверманг. Қўнглингиз нимани тусаса, буни ҳам яширмай айтинг. Ҳомиладор аёл қўнгли тусаган таомними ё ширинлик ё меваними, албатта ейиши керак. Қўнглингизнинг истаги – сизнинг эркалингиз ё инжиқлингиз эмас. Бу талаб сизнинг истагингиз ташқарисидир. Аввало қайнонанинг, эрингиз ва қайнонанинг буни яхши тушунишлари шарт (Бу ҳақда қайноналарга гапирганман). Ҳомиладорлик дастлабки белгини бериши билан врач назоратида бўлинг, ўзингизча шифо изламанг. Сиз энди фақат ўзингизнинг саломатлигингиз учун эмас, фарзандингизнинг соғлом туғилиши учун ҳам масъулсиз.

* * *

Ота-онанинг уйида бадантарбия билан шуғулланмаган бўлсангиз, энди серҳаракат бўлишга интилинг. Бизнинг аёлларимиз ибоби, ҳаёли. Лекин бу фазилат спорт билан шуғулланишларига тўсиқ бўлмаслиги керак. Мен бир даврада “Қизларни спортга кўпроқ даъват этиш керак”, деб, “Қизлар спорт билан шуғулланишса бузилиб кетишади”, деган эътироз эшитдим. Бундай бемаъни гапга асос йўқ. Яхши тарбия кўрмаган қиз спорт билан шуғулланмаса ҳам бузилаверади. Хорижда фоҳишалик қилиб, миллатимизни уятга қўяётганлар бу иллатли йўлга спорт орқали ўтишибдими?

Қизларимизни спортга даъват этиш баробарида бу масалага нисбатан бўлган салбий фикримни ҳам баён этай: ҳозирги спортни икки турга: профессионал ва ҳаваскорлик турига ажратаман. Профессионал спорт билан шуғулланишларига қаршиман. Эртаю кеч шуғулланиш, катта мусобақаларда ғолиб келиш учун турли дориларни ичиш – охир-оқибат аёлнинг саломатлигига салбий зарар кўрсатади. Шунингдек, эрларга хос бўлган футбол, бокс, тош кўтариш, велосипед ва от спорти, каратэ ва шунга ўхшаш кураш турлари билан шуғулланишни тақиқлаган бўлардим. Мавжудотлар ичида Аёл гўзал ва нафис қилиб яратилган, мушаклари ўйнаб турган қизда бу нафосат бўлмаслиги бир масала, энг муҳими – саломатлигидан айрилади, нозик бадани оғирликларни кўтара олмайди.

Ҳаваскорлик спорти – эрталабки бадантарбия, югуриш, бадминтон, теннис, гимнастика... билан шуғулланиш ҳам мусобақаларда ғолиблик учун кураш

эмас, саломатликни яхшилашга қаратилган бўлиши керак. Ҳамма ҳам гимнастика ёки теннисга боравермайди. Баъзи қизларимизда бунга қизиқиш, рағбат йўқ, айримларига ота-оналари рухсат беришмайди. Спорт майдонлари ва саройларига бориб шуғулланишга имкон бўлмаса, уйда ҳар куни бадантарбия қилишни кун тартибига киритиш керак.

Келин бўлиб тушган уйингизда бадантарбия қилишингизга ғалати қарашлари ҳам мумкин. “Келинлар кўзғолони” спектаклини эсланг: кенжа келин тонгда бадантарбияни бошлаганида Фармонбибининг қанчалар жаҳли чиққан эди. Афсуски, Фармонбибига ўхшаган қайноналар ҳозир ҳам бор.

Келинларимизни бадантарбияга даъват этишимнинг тиббий сабаби бор. Мутахассисларнинг айтишича, келинларнинг (айниқса, шаҳарлик келинларнинг) кўзи ёриши жараёни анча қийин кечаётган экан. Шу сабабли тўлғоқ пайтида кўп азоб чекишаркан. Натижада қоринни кесиб, болани жарроҳлик йўли билан олиш ҳоллари кўпаяётган экан. Бунинг асосий сабаби – жувонларнинг жисмоний жиҳатдан жуда заиф эканликлари қайд этиляпти. Қишлоқдаги келинлар доимий ҳаракатда бўлишади. Шаҳарликлар, айнақса кўп қаватли уйда турадиганлар пиёда юришга ҳам эринадиган бўлиб қолишган. Бундай аёллардан туғиладиган бола ҳам касалга кўп чалинадиган бўлиб қолади.

Айтмоқчиманки, келинларимизнинг бадантарбия билан шуғулланишлари фақат ўзлари учун эмас, туғилажак фарзанднинг саломатлиги учун ҳам зарур экан. Доно қайноналар бадантарбия қилаётган келиндан кулмайдилар ёки қилигидан ғашланмайдилар. Аксинча, бадантарбия қилмайдиган келинга танбех берадилар.

* * *

Келинпошша, хонадонингизнинг файзи шундаки, сизникидан меҳмон аримайди. Меҳмон кутавериш баъзан чарчаб ҳам кетасиз, тўғрими? Чарчай-чарчай, баъзан кимгадир нолигингиз ҳам келади. Лекин нолимайсиз ва тўғри қиласиз. Сиз яхши тарбия кўргансиз ва меҳмоннинг Аллоҳ таоло томонидан юборилганини биласиз. Қайси бир хонадонга меҳмон келмай қўйган бўлса, демак у жойга шайтон уя қурибди экан. Бу хусусда Аллоҳ таоло: “Эй Одам фарзанди! Агар уйингга меҳмон келмай қолса, Парвардигорга “Лаънати шайтон ёмонлигидан мени Ўзинг сақла”, дея илтижо қил”, деб бизларни огоҳлантиради.

Энди биргаликда ўйлайлик-чи: кимнинг уйига меҳмон оёқ босмай қўяди? Дўстлар, қариндошлар ҳам келмай қўйишади? Фақат фариштасиз уйга! Ким шайтон етовида экан, ким шайтон васвасасига банди экан, унинг уйига биров келмайди. Йўқламайди, зиёрат қилмайди. Биров бировникига овқат илинжида, нон умидида бормаиди. Доно халқимизда “Ширин нонинг бўлмаса ҳам, ширин сўзинг бўлсин”, деган мақол бор. Молу мулки ҳисобсиз бўлса-да, ҳиммати бўлмаса, бу инсонда ҳилм, лутф, бағрикенглик бўлмаса – ҳаммаси бекор!

Ҳадиси қудсийда яна марҳамат қилинади: “Эй Одам фарзанди! Сен ҳузурингга келган Менинг меҳмонларимни сийла, Мен ҳам ҳузуримга келган сенинг меҳмонларингни (яъни сенга тегишли кишилар вафот этиб келишганида) сийлайман”. Диққат қилайлик: бизникига келувчи одам шунчаки оддий меҳмон эмас экан. “Меҳмон атои Худо” дейилиши бежиз эмас экан. Демак, сизу биз Аллоҳ таоло йўллаган меҳмонни сийлашимиз керак экан. Ана шунда Аллоҳ таоло ҳузурига биз томондан борган яқинларимизни азиз меҳмон мартабасида сийлар экан. Бу нима дегани? Яъни, яқинларимизни – вафот этган ота-она

ларимиз, қариндошларимиз, дўстларимиз, қўшнилариимизни... Аллоҳ таоло Ўз мағфиратига олади, деганидир. Раббимиз биз – бандаларига шундай илтифот қияпти. Қаранг, арзимас бир ҳаракатларимиз, харажатларимиз эвазига Яратган қанчалар мукофот ваъда қияпти! Таъбир жоиз бўлса, бир меҳмонни сийлаш билан биз аслида ўтган аждодаларимиз, дуо талаб яқинларимиз руҳларини сийлаяпмиз экан.

Бир чавандознинг тенгсиз тулпори бўлар экан. Отга кўп харидор чиқибди, ҳатто жониворнинг бўйи баравар тилла ҳам ваъда қилишибди, чавандоз тулпорини сотишга кўнмабди. Бошқа бир шаҳардаги чавандоз отнинг шуҳратини эшитиб, бутун дунёимни бериб бўлса ҳам сотиб оламан, деган ниятда йўлга чиқибди. Бир неча кун йўл босиб, шуҳратли от эгасининг уйига келибди. Қоронғида эшик тақиллатган меҳмонни чавандоз хуштавозелик билан кутиб олибди. Баъзиларга ўхшаб “Кечаси бировникига келиб безовта қилишга уялмадимми?!” деган маънода лабини бурмабди. Тонгга қадар зиёфат қилибди. Кундуз бўлибди. Меҳмон келиши сабабини айтмабди, мезбон сўрамабди. Меҳмондорчилик уч кун давом этибди. Меҳмон иззати битган куни муддаосини билдирибди. Бунга эшитган ҳимматли мезбон бошини эгган ҳолда: “Мен отимни сизга сота олмайман”, дебди. Меҳмон ҳар қанча ялинса ҳам кўнмабди. Сабабини эса айтмабди. Меҳмон чавандоз ҳам алам, ҳам афсус билан изига қайтибди. Орадан вақт ўтиб, тулпорнинг шуҳрати сўнггандан кейингина меҳмондорчилик билан ўтган ўша уч кунда нима воқеа юз берганини англабди. Чавандознинг бисотида фақат биргина бебаҳо оти бор бўлиб, ўзи ночор яшар экан. Меҳмон келганида дастурхонга қўядиган ҳеч нарсаси бўлмагани учун ҳеч кимга сотмаётгани, жонидан ортиқ кўрувчи ўша тулпорни сўйиб, меҳмонни сийлаган экан...

Қиссадан ҳисса чиқаришни ўзингизга ҳавола қилиб, яна Аллоҳ таолонинг сўзига мурожаат этамиз: “Эй Одам фарзанди! Барча мол-дунё Менинг мулкимдир. Сен қулимсан. Сенинг кулбангга таклифингсиз келган меҳмон эса, Менинг элчимдир. Қўлингдаги ўзим берган неъматларимни қайтариб олиб қўйишимдан қўрқмайсанми?!” (Қудсий ҳадисдан).

Тушунгандирсиз, хонадонимизга кириб келган неъматларда меҳмонларнинг ҳам ризқу-насибаси бор экан. Меҳмон бизнинг насибамизга шерик бўлмас экан. У ўз ризқининг эгаси экан. Ундан қизғансак, оғринсак, Яратганнинг қаҳрини келтириб қўйишимиз мумкин. Яратган Раббимиз неъматларни қандай берган бўлса, шундай қайтариб олиб қўйиши мумкин. Шунисидан Ўзи асрасин!

*Кимни кўрсанг бу жаҳонда ўз ризқин терадир,
Хоҳ сенинг уйингда бўлсин, хоҳ ўз айвонида.
Сен карам хонини ёз, ҳам шуқр қил, Парвардигор
Берди ошу нон дўстга дўст дастурхонида.*

Машҳур араб сайёҳи Ибн Баттутанинг ажиб хотираси бор. У қарвонлари билан Туркиянинг Онадўли деб аталмиш Осиё қисмидаги Денизли шаҳрига яқинлашганида шоп мўйловли барваста бир одам йўлдан чиқиб, отининг жиловини маҳкам тутди-да, “юр, кетдик!” деган ишора қилади. Сайёҳ туркчани, у одам эса арабчани билмайди. Ёнига қилич осган шоп мўйловли бу одамни сайёҳ қароқчи деб ўйлаб, қўрқиб кетади. Бу ҳам етмаганидай беш-ўн дақиқадан сўнг яна бир паҳлавон одам пайдо бўлиб, отнинг чап томонидан жиловини ушлайди. Ўзаро нималардир деб гапириб, бири отни у томонга, иккинчиси бу томонга тортқилайверади. Гап нимада эканини билмаган сайёҳнинг қўрқуви орта-

веради. Тортишув сабаби эса оддий эди: аввал келган шоп мўйловли паҳлавон айтадики: “Меҳмон – атои Худо! Биринчи бўлиб уни мен кўрдим. Шунинг учун уни биз меҳмон қиламиз”. Иккинчи бўлиб жилови ушлаган паҳлавон эса унга эътироз билдиради: “Биринчи бўлиб кўрганинг тўғри, лекин биродар, бу ерлар бизники-ку, ахир! Бизнинг меҳмонимизни сен бошлаб кетсанг бизга уят эмасми! Инсоф қил! Бу меҳмонни Аллоҳ таоло бизга насиб этган. Биз уни едирамиз, ичирамиз, ётоғини тайин қилиб берамиз. Дуосини, савобини ҳам биз олажамиз”.

Келинпошша, бу воқеа сизга эртакдай туюлгандир? Лекин бу эртак эмас, ҳақиқат!

“Ўзбеклар – меҳмондўст халқ” деб фахрланамиз. Худди шунга ўхшаган гапни, яъни “араблар меҳмондўст халқ” ёки “испанлар меҳмондўст” деган фахрни ҳам ўша жойларга бориб қолсак эшитамиз. Ҳар бир халқнинг меҳмондўстлик одати ўзи учун ёқимли, ўзи учун суюмли. Дунёда нечта қишлоқ, шаҳар, юрт мавжуд бўлса, меҳмондўстлик кўринишлари ҳам шунча. Хусусан, “ўзбекларга хос меҳмондўстлик” деганимиз билан бу меҳмондўстликнинг кўринишлари кўп. Андижонда ўзига хос, Жиззахда ёки Бухорода ўзига хос чиройли кўринишлари бор. Бу кўринишларнинг бири иккинчисига ўхшамайди. Янада синчиклаб кузатсак, айтайлик, Сурхондарёнинг Денов шаҳридаги меҳмондўстлик билан Бойсундаги лутфнинг орасида фарқларни сезамиз. Бу одатлар ҳар бир жойнинг шарт-шароитлари, имкониятларидан келиб чиқиб шаклланган ва қатъий урф-одатга айланиб қолган. Айрим урф-одатларга ҳозир ҳам қаттиқ амал қилинади. Баъзилари эса эътиборсизлик натижасида унутиляпти.

Ибн Баттута баён қилган меҳмондўстлик бизда ҳам мавжуд. Айниқса, қишлоқдаги бир хонадонга меҳмон келса, уни уйига чорловчи мезбонлар кўпайиб кетади. Бир кунни мўлжаллаб келган меҳмон ўн-ўн беш кун қолиб кетиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам халқимизни “меҳмондўст” деб шарафлашади. Бундай меҳмондўстликни кўп кўрганман ва ҳамisha шу халқ фарзанди эканимдан фахрланганман. Бундай фахр бошқа одамларда ҳам борлиги аниқ. Лекин фақат фахр билан чекланиш кифоя эмас. Балки бу гўзал одатнинг янада гўзаллашувига ўз ҳиссасини қўшмоғи, фарзандларини шу одат бўйича тарбия этмоғи лозим.

Айтиш жоизки, жойлардаги меҳмондўстликнинг бирини иккинчисига таққослаб, бирини иккинчисидан афзал қилиб кўрсатиш ақлдан эмас. Ҳар бир жойнинг одатини борица қабул қилиб, иззатлаш керак. Масалан, Фарғона водийсида меҳмон остона ҳатлаши билан қўлига сув қуядилар. Дастурхон тўрига ўтқазадилар. Фотиҳадан сўнг ўринларидан туриб, қўл қовуштириб “Хуш келибсиз, қадамингизга ҳасанот!” дейдилар. Меҳмон ҳам ҳурмат юзасидан ўрнидан туриб “Хушвақт бўлинг”, деб лутф қилади. Меҳмонларга ярим пиёладан камроқ миқдорда чой қуйиб узатадилар. Чой қуйишда пиёлага шама туширмасликка уринадилар. Меҳмон кетишга изн сўраса, дарров рухсат бермайдилар, “Мен ҳали сизнинг дийдорингизга тўйганим йўқ”, деб яна бир оз суҳбатга тутадилар. Меҳмон кетишга рухсат сўраши билан қўлни фотиҳага очиш одобсизлик саналади. Худди меҳмоннинг тезроқ даф бўлишини истаётгандай қабул қилинади. Зиёфат мобайнида мезбон “олинг, олинг”, деб баъзан меҳмонларни қийнаб ҳам қўяди.

Меҳмондорчиликда “олинг-олинг”га ўрганган киши Хоразм томонларга бориб қолса, ажабланиши мумкин. У ёқларда ҳар бир меҳмон олдида бир чойнак, бир пиёла қўйилади. Меҳмон чойни ўзи қуйиб ичади. Бу одатда меҳмонга

нисбатан ҳурматсизликни кўрмаслик керак. Каминага ўхшаб кам чой ичадиганлар учун айнаи шу одат ёқимли. Чунки водий томонда чой қуйиб узатаверишгач, мезбоннинг қўлини қайтаришдан хижолат бўлиб, ичишга мажбур бўлаверасиз. “Олинг, енг” деб таклиф қилмоқлик мустаҳаб, яъни савоб иш. Лекин бунинг чегарасини билиш керак.

Меҳмон келса, биринчи галда дастурхон ёзамиз. Ундан ҳеч қачон “қорнингиз очми?” деб сўрамаймиз. Биласиз, русларнинг одати шунақа, биз учун эса уят. Бир одам меҳмонидан: “Очмисиз, ташнамисиз ё уйқунгиз келяптими?” деб сўрабди. Меҳмон ҳазил йўсинида жавоб берибди: “Булоқ бошида тўйиб ухлаб келдим”. Бу жавобни эшитиб мезбон ўйланибди: “Демак, булоқ бошида тўйиб сув ичган, тўйиб ухлаган. Фақат... қорни оч экан...”

Меҳмондан сўраб ўтирмай, таом келтирилади. Еса – егани қадар ер. Емагани – меҳмондан қолган таом шифодир, дейдилар. Бизнинг одоб шундай. Абул Аъло ал-Мааррий дедиларки: “Уйингга келган меҳмонга тушлик овқатни берган бўлсанг, кечда унга “Овқатланишга иштаҳангиз борми?” деб сўрама. Меҳмон оч бўлса-да, уялганидан “Иштаҳам йўқ”, демоғи мумкин. Шунинг учун қандай таоминг бўлса-да, тақдим қил”. Яъни: “Сўраб бергандан кўра уриб бер”. Бир хасиснинг қовурилган товукни уч кундан бери дастурхонга қўйиб, аммо емасдан олиб кетаётганига разм солган меҳмон: “Бу товукнинг қовурилгандан кейинги умри тириклигидан ҳам узунроқ шекилли?” деб ўйлаган экан.

Меҳмоннинг ҳаққи баланд саналади. Подшо замонида тоғ қишлоқларининг бирида ибратли воқеа содир бўлган. Миршаблар таъқибидаги одам қочиб келиб, бир уйга кириб яширинади. Уй эгаси қарасаки, ўзининг душмани паноҳ излаб кирибди. Уй эгаси хунхўр эди, бу кишини ўлдириб, қасос олиши зарур эди. Лекин остонасини ҳатлаб киргани учун у одам меҳмон мартабасига чиққанди. Уни ўз уйида ўлдириши мумкин эмасди. Ҳатто меҳмонни миршаб қўлига топширишга ҳам ҳаққи йўқ эди. Меҳмон мартабасидаги душманини ҳимоя қилишни халқининг меҳмондўстлик қонунини талаб этарди. Уй эгаси ёзилмаган, аммо асрлар бўйи ота-боболари итоат этиб келган бу қонунга бўйсунди. Меҳмонни миршаблардан ҳимоя қилиб, ўзи ҳалок бўлди...

Ҳикоят: Халифа Мўътасим бир гуноҳқорни ўлимга ҳукм қилди. Гуноҳқор дедик:

– Э мўминларнинг амири, Аллоҳ ва Унинг расули ҳақи учун мени бир коса сув билан меҳмон қилингки, мен жуда ташнаман. Ундан кейин амрингизни бажо келтирсинлар.

Халифа Мўътасим “Аллоҳ ва Унинг расули ҳақи учун” дейилган онтнинг ҳурматини сақлаб буюрди, гуноҳқорга сув бердилар. У киши сувни ичганидан сўнг деди:

– Аллоҳ таоло сизга меҳр-шафқат ато қилсин. Э мўминларнинг амири, шу бир коса сув билан сизнинг меҳмонингиз бўлдим. Энди мурувват билан буюрингки, агар меҳмонни ўлдириш лозим бўлса, мени ўлдираверсинлар. Агар афв қилсангиз, сизнинг олдингизда барча гуноҳим учун тавба қиламан.

Бу гапни эшитган халифа табассум қилиб деди:

– Тўғри айтасан, меҳмоннинг ҳаққи улуғдир. Сенинг гуноҳингни афв этдим. Сен тавба қилдинг, бундан буён нотўғри йўлга ҳеч қадам қўймагил.

Яна бир ҳикоят:

Ҳимматли ва мурувватли бир одам ўз боғига ёру дўстларини даъват қилиб, зиёфат берди. У кишининг гўзал ва ахлоқли, тарбияли бир ўғли бор эди. У

кечгача меҳмонлар хизматида бўлиб, жуда чарчади. Кечқурун дам олиш учун болохонага чиққан эди, беҳос мункиб, пастга йиқилди-ю жон берди. Ота бечора бу қайғули ҳолни кўриб, юрак-бағри эзилди, кўзига ёш олиб, ўғлига келган фалокатни хотинига ва оила аъзоларига секингина хабар қилди-да:

– Ҳеч қайсингиз товуш чиқариб йиғламанг, ўғлимнинг вафот қилганини меҳмонлар сезмасин, – деб тайинлади.

Меҳмонларга сездирмасдан марҳум ўғлини ювдириб, кафанлатиб қўйди. Кейин меҳмонлар ҳузурига чиқиб, улар билан суҳбатлашиб ўтирди. Ўғлининг вафотидан меҳмонлар хабарсиз эдилар. “Ўғлингиз қаерда, нима учун кўринмай қолди?” деб сўрадилар. Ота бечора меҳмонларнинг кайфиятларини бузмаслик учун фожиани яширди: “Ўғлим сал чарчабди, ухляпти”, деган жавоб билан чекланди. Меҳмонлар мурувватли кишининг боғида тунадилар. Эрталаб бомдодни ўқиб, нонушта қилишгач, кетишга изн сўрадилар. Шунда ота кўзларига ёш олиб деди:

– Дўстларим, ўғлим кечки пайт болохонадан йиқилиб вафот қилди... пешинга жаноза...

Бу тўқима воқеа эмас, ҳаётда учраб турадиган ҳол. Ўлим фожиаси содир бўлмас-да, майда-чуйда ташвишли ишлар ҳам меҳмонларга билдирилмайди. Машҳур ёзувчи Ўлмас Умарбековнинг китобларини нашрга тайёрлаш жараёнида бир ҳикоя диққатимни тортди. Ундаги баёнга кўра, шаҳарлик зиёлилар тоғдаги қишлоққа сайр қилгани борадилар. Сайр ташаббускори қишлоқдаги таниши яшайдиган уй эшигини тақиллатади. Бир аёл эшикни очиб, меҳмонларни ичкарига таклиф қилади. Уй соҳибини сўрашса, “Ҳозир келиб қоладилар”, дейди. Дастурхон ёзиб, шаҳарликларни меҳмон қилади. Меҳмонлар ошни еб бўлишиб яна уй соҳибини сўрашганда аёл уй соҳибининг вафот этганини айтади. Маълум бўлишича, шаҳарликлар бошқа кўчага кириб қолиб, бошқа эшикни тақиллатишган экан. Эшикни очиб, меҳмонларни кўрган аёл “Сизлар излаб келган киши нарига кўчада туради”, демай, уларни очиқ чехра билан қаршилашининг сабаби: унинг марҳум эри тириклик чоқларида меҳмондўстликни қадрлайдиган киши бўлган экан...

Бу ҳикояни ўқиб, “Бўлган воқеага ўхшайди”, деганимда ёзувчи тасдиқлаб, яна бир воқеани айтиб берган эдилар. Ёзувчининг ҳикоялари русчага таржима қилиниб, Москва нашриётига юборилгач, у ердан “Асардаги воқеалар ёлғон, ҳаётий эмас”, деган жавоб келади. Орадан қанчадир вақт ўтиб, Москвадан бир ёзувчи меҳмон бўлиб келади. Уни Ўзбекистон бўйлаб сайр қилдиришни Ўлмас Умарбековга топширадилар. Сайру саёҳат ниҳоясига етгач, москвалик ёзувчи Ўлмас акага узрли оҳангда бундай дебди:

– Сенинг ҳикояларингни ўқиб, рад жавобини ёзган эдим. Ундаги меҳмурувватга доир воқеалар менга сунъий туюлган эди. Чунки бундай инсонийликни кўрмаган эдим. Ўзбекистонда юриб, сенинг тасвирингдигидан афзалроқ меҳр-муҳаббатга гувоҳ бўлдим. Китобингни бер, олиб кетиб, рус тилида чиқараман, рус ўқувчиларига ибрат бўлсин.

Меҳмон ҳузурда мезбон қанчалик бурчли бўлса, меҳмон ҳам мезбон хонадонига нисбатан бурчлидир, унинг молига, аҳли аёлига ёки оиланинг бошқа аъзоларига ёмон назар билан қарамаслиги шартдир. Бир ўғри уйни шип-шийдон қилиб чиқиб кетаётганида айвонда бир қопни кўрибди, қоронғуда унинг ичида нима борлигини билолмай, ялаб кўрибди. Билса – туз экан. “Мен бу уй-

дан туз тотиб, хонадоннинг меҳмонига айландим, унинг молини ўғирлаш мен учун ҳаром”, деб олган нарсаларини ташлаб чиқиб кетган экан.

Меҳмондорчилик учун дастурхон устини тўлдириб ташлашга ҳаракат қиламиз. Аммо, билиш керакки, энг гўзал дастурхон камтарона дастурхондир. Дастурхонни тўкин қиламан, деб бировлардан қарз олиш ҳам яхши эмас. Бирини баҳам қўриш керак. Бир киши хотинига: “Бўйдоқ меҳмонга келганида бутун нон қўй”, деб тайинлабди. Хотини бунинг сабабини сўраганида у дебди: “Оилали, рўзғорли одам етишмовчилликни, рўзғорда ҳамма нарса тўла-тўқис бўлмаслигини билади ва уйда ҳам шундай ҳолатлар бўлиб тургани учун сир сақлаб, қаноат қилиб бировга гапирмайди. Бўйдоқ эса оиладаги камчиликларни англамагани, билмаганидан “синиқ нон қўйди”, деб маломат қилади”.

Бугунги меҳмондорчиликларда гуноҳ ишлар аралашиб қолганига ҳам гувоҳ бўляпмиз. “Мастликда кўп сўзлаш, ҳушёрликда йиғлаш – девоналик”, дейдилар. Мастлик чоғида турфа хил девоналиклар юзага чиқади, хилма-хил қилиқлар уйғонади. Бировлар чапак чалаверадилар, депсинадилар, кулаверадилар, йиғлайдилар, ашула айтадилар... хуллас, аҳмоқликнинг барча кўринишларига гувоҳ бўлиш мумкин. Кўпчилик қимматбаҳо ароқ-коньякларни дастурхон ҳусни деб ўйлаб янглишяпти. Ҳаром нарса ҳеч маҳал ҳусн саналмайди. Афсусли ери шундаки, аёллар иштирокидаги меҳмондорчиликларда ҳам дастурхон ман этилган ичимликлар билан тўла бўляпти. Янада афсусли ери шундаки, бу давраларда аёллар ҳам эркалар билан баравар ичишяпти.

Ҳаёли қиз-жувонлар бундай даврага бориб қолсалар уларга жуда оғир бўлади. Бошлаб борган ота-оналари, эрлари ёки қайноналарининг нодонлиги учун улар азият чекадилар. Худо уларга сабр берсин! Билиб турибман, бу даврани тарк этиш уларга осон эмас. Ўтираверсалар янада қийин. Шундай экан, вазиятга, шароитга қараб иш тутишдан ўзга чора йўқ. Бирон нимани баҳона қилиб чиқиб кетишга уриниб кўрганлари маъқулдир?

Бу азиз ёшларимизга айтар гапимиз: сизни нобоп даврага бошлаб борсалар зинҳор ўчакишманг, у даврада ҳалол ва ҳаром ҳақида гапириб овора ҳам бўлманг. Буни уйга қайтганингизда ота-онангиз, эрингиз ёки қайнонангизга алоҳида тушунтиришга ҳаракат қилинг. Агар “Сизлар гуноҳга ботяпсизлар, сизлар билан гуноҳкор бўлишни истамайман!” деб даврани тарк этсангиз, энг яқин одамларингиз ҳам сизни тушунмасликлари, оқибатда оилангиз мустаҳкамлигига дарз кетиши мумкин.

Ароқхўрлик бор жойда бузуқликка ихтиёр ҳам уйғонади. Айрим эркалар ўз дўстларининг хотинларига ҳам ишрат кўзи билан боқишдан тоймайдилар. Буни сезган аёл даврани тарк этиш чорасини тезлаштиргани дуруст. Кейинги сафар бу даврага келмаслик баҳонасини ҳам топсин. Бироқ эрига “фалончи менга бузуқ қараш қилди”, деб айтмасин. Айтса, икки дўст ёки қариндош ораси бузилишидан ташқари, эри унга гумон билан қарай бошлайди.

Келинпошша, меҳмон кутиб олишдаги чиройли хизматларингиз ёки меҳмондорчиликка борганингиздаги ўзингизни баодоб тутишингиз сизга шараф келтиради. Аксинча, меҳмонларни кутишда эътиборсизлик ёки ялқовлик қилсангиз ёки менсимасангиз, тотли таом пишириб беролмасангиз, меҳмонга борганингизда эса одоб билан ўтира олмасангиз, сизни маломат қиладилар. Шу боис ҳам бу суҳбат баёнини батафсилроқ қилдим. Одобларни бир ўқишда эслаб қолиш, эҳтимол, қийиндир. У ҳолда эринмай қайта-қайта ўқинг ва билганларингизни амалда қўллангки, шунда барака топасиз. Бу тўртликни ёдлаб олсангиз янада яхши:

*Хонамиз дўстлар оёғидан топар нури зиё,
Уй – фонус, меҳмон шамъу мен эсам парвонамен.
Меҳмон ҳар қанча турса, хизматин айлай бажо,
Кетса меҳмон мен мисоли мажнуни девонамен.*

* * *

Сиз одамлар орасидаги тенгликни қандай тушунасиз? Эр билан хотин орасидаги тенгликни-чи? Аёл билан эркак инсон сифатида тенг, аммо ҳақ ва вазифалар жиҳатидан тенг бўла олмайди. Ҳақ ва вазифалар орасидаги тенгликни даво қилиш хатодир. Чунки тенг кўринишда яратилмаганлар орасида тенглик даво қилиш ўринсиз бир ҳаракатдир. Эркак ва аёл яратилишда фарқли бўлганлари сабабли тенг бўла олмайдилар. Ахир “Арслон гўшт ейди, сен нега ўт еяпсан, сен ҳам гўшт е, чунки сизлар тенгсизлар”, деб кийикни мажбурлаб овга жўнатмаймиз-ку?! Бу нозик ва латиф жониворни гўшт едиришга мажбур қилмаймиз-ку?

“Эркак қиладиган барча ишни аёл ҳам қила олади”, деган “тенглик ғояси” бугун тобора куч олмоқда. Аёл ҳақларини кўпайтириш ва эркак билан тенглаштириш мақсадида “Феминизм” деган кучли оқим пайдо бўлган. Европани пароканда қилиши камлик қилиб, биз томонларда ҳам қанот ёйяпти. Уларнинг ҳаракатлари шунчалик шиддатлики, тенгликка эришганларидан кейин ўзларини тўхтата олмай, эрлардан илгарилаб ҳам кетишди. Бунини биз кундалик турмушимизда ҳам кузатяпмиз. Баъзи серғайрат аёлларимиз тенглик билан кифояланишни истамай қолишди. Оила ҳаётида ҳам, иш, ижтимоий ҳаётда ҳам эрлардан олдинга ўтишга зўр бериб интилишяпти. Аҳвол шундайки, илгари иши юришган эрнинг орқасида аёли бўларди, ҳозирги кунда эса иши юришмаган ва муваффақиятсизликка учраган эркакнинг олдида аёл бор. Бу ҳолни мақол тили билан таърифласак: “Аравалар отлардан олдинга чиқиб олган замон”, дейиш мумкин.

Дарахт шохида бир жуфт чумчуқ завқланиб чуғурлашаётган экан. Нодон туя келиб, дарахт шохларини тишлаб, торта бошлабди. Жуфти билан яйраётган чумчуқнинг жаҳли чиқиб: “Агар пастга тушиб кетгудай бўлсам, оёғингни синдираман”, деб чириллабди. Туя бу дағдағадан чўчиб, кекса туяга бориб, маслаҳат сўрабди.

– Чумчуқнинг ёнида жуфти ҳам бормиди? – деб сўрабди доно туя. Тасдиқ жавобини эшитгач, маслаҳат берибди: – Ёнида жуфти бўлса, ҳазиллашмабди, оёғингни синдиришга кучи етади.

Тенглик ҳақида кўп гапирувчилар шу каби ривоятларни ўқиб, мағзини чақиб, тўғри хулоса олсалар кошки эди...

* * *

Уйни озода, саришта сақловчи аёлни “орапта” деб мақташади. Уйни, ошхонани, ҳовлини покиза сақлаш, кийимларни вақтида ювиш ва дазмол қилиш баҳс талаб этмайдиган, бажарилиши шарт бўлган иш экани аввалроқ айтилди. Лекин мана шу ишларнинг қай вақтда ва қандай сифатда бажарилиши турли можароларга сабаб бўлади. Агар келин ҳам ишласа, бу вазифаларни хизматдан қайтгач ва дам олиш кунлари бажаради. Бунга эр ҳам кўникади. Инсофли эр бўлса, айрим ишларда ёрдамлашади. Бошқалари диванда чўзилиб ётаверади. Агар келин уйда бўлса, юмушларни эри ишдан қайтгунча қилиб олгани яхши. Чунки хизматдан чарчаган эр хотинининг ҳовли супуришини ёки чангюткичда

гилам тозалашини ёқтирмайди. Тўғри, уй ишлари ҳеч маҳал тугамайди. Лекин бажариш шарт. Юмушларини вақтида бажаришга улгурган хотин эрини чарчаган ҳолда кутиб олмасин. Ҳар қанча толиққан бўлса-да, қувноқ чехра билан қаршиласин. Унинг шодлик билан кутиб олишига эр қувонч билан жавоб қайтарса, барча чарчоқлари ўз-ўзидан кўтарилиб кетади.

КУЁВ – ТЎРАЛАРНИНГ ТЎРАСИ

“... ва улар ила яхшиликда яшанг (яъни, тотув турмуш кечиринг). Агар уларни ёқтирмасангиз (сабр қилинглар), ажаб эмаски, Аллоҳ сиз ёқтирмаган нарсада кўпгина яхшиликларни қилса (Сизлар кўп нарсани ёмон кўрасизлар, ваҳоланки, Аллоҳ таоло ўша нарсада хайр ва баракот муқаррар қилгандир)” (Нисо сурасидан).

Тафсир:

Оилада бирга яшар эканлар, эр-хотин бир-бирларига нисбатан фақат яхшиликни раво кўриб, қўлларидан келган барча мурувватларни қилиб яшаилари икковларининг орасидаги муштарак ҳақлардан биридир. Бундай бахтиёр ҳаёт тарзини Аллоҳ таолонинг Ўзи уларга амр этган. Исломот таълимотларига биноан, эр-хотин орасидаги алоқа – муҳаббат, севги, раҳм-шафқат ва унсу улфат алоқаси бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам орага тушган баъзи ноқулай ҳолат туфайли, дарҳол бир-бирига зулм қилишга ўтиш керак эмас. Ҳазрати Умар ибн Ҳаттоб розияллоҳу анҳу хотинига муҳаббати йўқ бўлиб қолганлиги учун талоқ қилмоқчи бўлган одамга: “Шўринг қурсин! Оилалар муҳаббат учун қурилмаганми, ахир?! Риоа қани?! Масъулият қани?!” – деганлар.

Оятдаги “**ва улар ила яхшиликда яшанг**” жумласининг тафсирида аллома Ибн Касийр раҳимаҳуллоҳ: “Яъни уларга ширинсуханлик қилинг, яхши муомалада бўлинг, иложи борида кўринишингизни гўзал қилинг”, деган. Расулulloҳ (с.а.в.): “Сизларнинг яхшиларингиз аҳлу аёлига яхши бўлганларингиздир. Мен аҳлига энг яхшиингиздирман”, деганлар.

* * *

“Аллоҳ баъзиларини баъзиларидан устун қилгани ва молларидан сарфлаганлари учун, эркаклар аёлларга раҳбардирлар” (Нисо сурасидан).

Тафсир:

Ҳар бир жамиятга раҳбар лозим. Раҳбари бўлмаган жамиятда тартиб-интизом, тинчлик-омонлик ва хайр-барака бўлмайди. Исломот таълимоти бўйича, оила энг муҳим жамият бўлиб, катта жамиятнинг асосий ғишти ҳисобланади. Ғишtlари пишиқ иморат мустаҳкам бўлганидек, оилалари аҳил, мустаҳкам бўлган жамият ҳам бақувват бўлади. Шундай муҳим муассаса бўлган оиланинг раҳбари бўлмаслиги мумкин эмас... Эр киши ўзининг жисмоний тузилиши, ички ва ташқи қиёфаси, асабий, руҳий нафсоний ва бошқа жиҳатларидан оила раҳбари бўлишга мос қилиб яратилган. Бунинг устига, оилани қуриш ва уни тутиб туриш, бу йўлдаги барча сарф-харажатлар ҳам эр киши зиммасида. У катта меҳнат эвазига топилган молу мулкнинг беҳуда кетмаслиги лозимлигини ўйлайди, оилани мустаҳкам ҳолда тутиб туришининг чора-тадбирларини кўришга мажбур бўлади.

Аллоҳ таоло ҳеч бир ишни беҳикмат қилмайди. Жумладан, эр киши оила раҳбари бўлса ва у ўз раҳбарлигини шариатда кўрсатилганидек адо этса, бундай

оилалар бахт-саодатга соҳиб бўлмоқда. Афсуски, кўп одамлар ояти каримада кўзда тутилган раҳбарликни қаҳр, жабр ва зулм ўтказишининг имкони деб тушунадилар. Аслида, бу раҳбарлик – масъулиятдир. Масъулият бўлганида ҳам, улкан масъулиятдир. Бу масъулиятга биноан, эр оилани, жумладан, аёлга ҳомийликни, уни боқишни, муҳофаза қилишни адо этмоғи лозим.

Эр айнан эркак бўлгани учун ҳам оила раҳбари қилинган. У оиланинг ҳимояси йўлида керак бўлса, ўзини қурбон ҳам қилади, эркакларга хос бўлган барча оғирликларни кўтаради. Оилани нафақа билан таъминлайди, оила аъзоларига меҳр ва раҳм-шафқат кўрсатади. Уларга жабр-ситам ва зулм қилишга ҳаққи йўқ.

* * *

«Хотинларингиз сизларнинг экинзор ерларингиз бўлади (бу сўзлар билан Қуръон эр-хотиннинг яқинлашуvidан биринчи муддао – фарзанд талаб қилиш эканига ишора қилмоқда). Зироат ерлари уруғ сепганда самара беради. Хотин ҳам экинзордир ва ҳосили – фарзанд. Бас, ўз хотинларингиз билан фарзанд ниятида алоқа қилинг ва келажақда ўзларингиз учун фарзанд тарбияланг. Аллоҳдан қўрқинг, унинг қаҳрига илинмангиз. Бас, туғилиш ва висол учун берган қувватни бекор қолдирманг ва зое қилманг. Эй Муҳаммад, саодат муждасини (жаннат хушхабарини) иймонлиларга бергин» (Бақара сурасидан).

* * *

Шарафли ҳадисларда Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

“Никоҳ менинг суннатимдир, ким менинг суннатимдан юз ўгирса, мендан эмасдир”

**

“Сизларнинг энг ёмонларингиз хотин олмаган кишидир”.

**

“Уйланинглари ва ўз нуфузларингизни зиёда қилингларким, қиёмат куни мен сизларнинг кўплигингиз билан фаҳр қиламан”.

**

“Эй ёшлар жамоаси, сиздан ким никоҳга қодир бўлса уйлансин. Албатта, у кўзни тўсувчи ва фаржни сакловчидир. Ким қодир бўлмаса, рўзани лозим тутсин, бу унинг учун бичилишдир”.

Шарҳ:

Бу ҳадисдаги “никоҳга қодир бўлса”, деб таржима қилинган ибора арабчада “боаъ” дейилиб, моддий, маънавий ва жисмоний жиҳатдан никоҳга қодирлик маъносини англатади. Демак, шу маънодаги қудратга эга бўлган ҳар бир мусулмон уйли-жойли, оилали бўлишга ҳаракат қилиши керак. Агар никоҳга моддий ёки маънавий жиҳатдан қудрати етмаган, сарф-харажати кўтара олмайдиган ёки уйланса, умр йўлдошига зулм қилишдан ўзини тўхтата олмайдиган ёшлар бўлса, рўза тутмоқликлари керак. Шу йўл билан улар шаҳватларини босадилар. Чунки рўза туфайли кишининг шаҳвати пасайиб, бошқа жинсдагиларга шаҳват билан қарамайдиган, фаржини зинога ишлатмайдиган ҳолга келади. Оддий ҳолатларда эса, бу икки хавфнинг олдини никоҳ олади (шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф).

* * *

“Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, қўшнисига озор бермасин ва аёлларга доимо яхшилик қилинг! Чунки улар қовурғадан яратил-

гандирлар. Албатта, қовурғанинг энг эгри жойи юқори қисмидир. Агар уни тўғрилайман деб уринсанг, синдирасан. Агар уни тек қўйсанг, эгрилиги бўйича қолур. Бас, аёлларга доимо яхшилик қилинг!” (Мазкур ҳадис бошқа ривоятда бундай баён этилган: “Албатта аёл киши қовурғадан яратилгандир. У сен учун бир йўлда мустақим турмас. Агар сен ундан эгрилигича ҳузурланолсанг, ҳузурла-ниб қолдинг. Агар уни тўғрилайман десанг, синдирасан. Унинг синиши – талоғи-дир”).

* * *

Хотинларнинг ҳақларини ҳурмат қилинглар, мен бу хусусда Аллоҳдан қўр-қишингизни тавсия этаман. Хотинларнинг ҳақи масаласида Аллоҳдан қўрқин-лар! Зеро, улар сизнинг ёрдамчиларингиз ва сизнинг мададингизга муҳтож-дирлар. Улар сизга Аллоҳнинг омонатидир. Аллоҳнинг ризолиги билан улар-нинг ҳар нарсаси сизларга ҳалол қилинган (*Видо хутбасидан*).

* * *

Қайси эркак хотинининг қилиқларига чидаса ва сабр қилса, Аллоҳ унга Айюбнинг балоларга сабри натижасида берган ажрини ато этади. Қайси хотин эрининг инжиқликларига чидаса ва сабр қилса, Аллоҳ унга Фиръавннинг хоти-ни Осиёга берган савобидан ато этади.

* * *

Хотининг сени суйса, сен уни суй,
Бирга ёниб, бирга шодлан, бир ўтда куй (*Абай*).

* * *

Уйланмасингиздан олдин бир ҳақиқатни яхшилаб англаб олинг: хотин – иззат ва ҳурматга сазовор бир зот, унинг хизматларини тақдир этмаслик ин-соф ва мурувватдан эмас. Хотиннинг кўз ёриш пайтида чеккан азобларини, укубатларини хис қилишга уришиб кўринг. Болани дунёга келтириш ё ҳаёт ё мамот демакдир. Эсон-омон кўзи ёриб, чақалоқни бағрига босиб олганидан кейин ҳам уни тарбиялаб то вояга етказиб олгунча оз мунча азоб чекадими? Шу боис ҳикмат аҳли “Хотин хилқатнинг онасидир”, деб таърифлаган. У фақат бола туғиб, катта қилгани учун эмас, балки энг муҳими, ҳаётнинг бор шодлиги ва шавқини сингдириб, инсонни тарбиялагани учун ҳам хилқатнинг онасидир. Носир Хисрав дерки:

Аёл, бил, лутфу ҳимматга сазовор,
Гўдакдек меҳру шафқатга сазовор.

* * *

Ўз аҳлингизни қадрланг. Зеро улар учар қанотингиз, ўрнашган пойдево-рингиз ва тутар қўлингиздир (*Али ибн Абу Толиб*).

* * *

Аллоҳ кўнглингизга уйланиш шавқини солди. Онангиз бошчилигида ке-линликка номзодлар рўйхати тузилди. Сиз қандай қизга уйланмоқчисиз? Би-ринчи галда гўзал қизнинг ёри бўлишни истайсиз. Отаси бойроқ бўлса яна-да яхши! Шундайми? Яхшилаб ўйлаб кўринг, янглишмаяпсизми? “Яхши хотин – оиланинг давлати ва бахти. Уйнинг озодалиги ундан, уй эгасининг хотиржам

ва осойишталиги ундан. Хусни бӯлса – кўнгул ёзуғи (кўнгилга ёқимли бўлур) хушмуомала бўлса, жон озиғидир. Оқила бўлса рўзғорда тартиб-интизом бўлади, асбоб-анжомлар покиза ва саранжом туради. Киши бу каби жуфти ҳалол билан қовушса, агар бундай бахтга эришса, ғам ва кулфатда сирдошга, ошкор ва пинҳоний дард-аламда ҳамнафас ва маҳрамга эга бўлади. Турмушда бошингга ҳар қандай жафо етса – ҳасратдошинг ул ва осмондан ҳар бир бало келса – қўмақдошинг ул. Кўнглингга ғам юзланса, у ҳам ғамнок; баданингга хасталик ва заифлик етишса – унинг ҳам жони ҳалак.

Уйланган одамнинг баъзи қийинчиликлари осонлик билан битади, аммо қийинчиликлар орта борса, хавfli бўлади. Бу хилдаги чигалликларни барта-раф қилишда умидсизланмай, сабр-тахаммул қилинса, ҳар қалай бирга яшаш мумкин бўлади. Аммо Худо кўрсатмасин, номувофиқ хотин учраса, ўз уйингда ҳалокатли иллат пайдо бўлади. У беандиша, шаллақи бўлса, ундан рух азоб чекади. Тили аччиқ бўлса, барчанинг дилини яралайди; покиза бўлмаса, ундан эрига юзи қоралик келтиради. Агар майхўр бўлса, у хонадон ободлиги йўқолади, ахлоқсиз бўлса, оила расво бўлади. Юқорида таърифи берилган яхши хотинлар жуда кам туғилади. Кимга шундай хотин учраса, бошига бахт қушининг кўнгани шудир”.

Саволни яна такрорлай: Сиз қандай қизга уйланмоқчисиз? Ҳазрат Навоий таъриф этган турмуш ўртоғи бўла оладиган қизни танлаганингиз яхшироқ эмасми? Имом Ғаззолий уйланишда эркак тўрт жиҳатдан аёлдан афзал бўлишида фойда борлигини таъкидлаганлар: йигитнинг ёши қизнинг ёшидан катта бўлиши; йигитнинг бўйи қизнинг бўйидан баландроқ бўлиши; йигитнинг оиласи қизнинг оиласидан бадавлатроқ бўлиши (аммо бу билан кибрланмаслиги); йигитнинг мавқеи қизниқидан баландроқ бўлиши дурустроқдир.

Қанчалаб гўзал чехрали, гўзал қоматли ёш аёлларни ўзингиз ҳам биласизки (эҳтимол танирсиз?), андишасиз ёки танбалликлари учун эрлари тарафидан севилмайдилар ва ардоқланмайдилар. Бир куни икки йигитнинг суҳбатига гувох бўлган эдим. Уларнинг бири “Хотининг билан нима учун ажрашдинг, жуда гўзал эди-ку?” – деб ажабланди. Иккинчиси хўрсиниб олгач, дардини айтди: “Мен ажрашмадим, ундан қутулдим. Тўғри, юзи гўзал, ўзи гўзал эди, аммо аёллиги – хотинлиги йўқ эди. Феъли ёмон эди. Тонгда уйдан чиқиб кетардим. Оқшом чоғи қайтиб келганимда ётоқхона тонгда қандай ивирсиқ бўлса, шундай турарди...” Бу гапдан аён бўладики, ақлли бир онанинг тарбиясини олган қизга уйланмоқ керак экан.

* * *

Шундай одамлар борки, муҳаббат бўстонини оралаб, уйланишга қадам қўймайдилар ва бу файз боғининг гулзоридан гуллар термайдилар, доимо ғам уйида ўзлари яккаю танҳо ўтирадилар.

* * *

Шундай қизга совчи қўймоқ керакки, бу қизнинг чехраси очик, юзида олийжаноблик ва ифбат намоён бўлсин, поклик ва покизалик пардаси орқасида тарбияланган, чиройли иш ва одатларга ўрганган бўлсин. Бундай қиз энг яхши ҳадя бўлиб, ёшлик ва ҳаёт дастурхонининг лаззатини зиёда қилади (*Бархурдор ибн Маҳмуд*).

* * *

Куёвтўра, сиз бир қизни севасиз. Аммо севги нима, ҳавас нима, фарқлай оласизми? Севишиб турмуш қурганлар орасида низо чиққанини ҳам эшитиб турамыз. Тўйдан олдинги севги билан тўйдан кейинги аҳвол орасида фарқ бор, буни англайсизми? Бугун сизнинг севгингизга маҳлиё бўлаётган қиз тўйдан кейинги инжиқликларингизга чидай олармикин? Булар ҳақда фикр юритишингизга ёрдам бериш учун бу ривоятни диққатингизга ҳавола этаман:

Бир замонларда туйғулар макон тутган орол бор эди. Унда кўпгина туйғулар қаторида Бахт, Қайғу, Билим ва Севги ҳам яшарди. Бир пайт орол сувга чўка бошлади. Ҳамма қочиш пайига тушди, қайиқларини ҳозирлади. Фақатгина Севги шошилмади, гўзал оролини ташлаб кетгиси келмади, ёлғизликда бўлса ҳам шунда яшаб қолишни истади. Аммо ғарқ бўлишини билгач, ёрдам сўрашга мажбур бўлди. Унинг ёнидан **Бойлик** ҳашаматли кемасида сузиб ўтаётганида “Мени ёнингга ола қол”, деб илтимос қилди.

– Йўқ, ололмайман, – деди **Бойлик**. – Кемам олтин-кумушлар билан тўлган, сенга жой йўқ.

Севги гўзал елканли кемада сузаётган **Кибрдан** ёрдам сўради.

– Сенга ёрдам бера олмаيمان, чунки жиққа ҳўлсан, елканимни расво қиласан.

Шундай деди-ю, керилганича ўтиб кетди. Севги энди **Қайғу** қайиғидан умид қилди, ундан кўмак сўради. Бироқ, Қайғу: “Уф-ф, мен жуда хафаман, ёлғиз қолишни истайман”, деб қайиғидан жой бермай сузиб кетаверди. Унинг изидан **Бахт** ҳам кемачасида сузиб ўтди. У шунақанги хурсанд эдики, Севгининг нолишини ҳатто эшитмади ҳам. Севги тушкунликка тушиб ўтирганида ёқимли бир овозни эшитди:

– Кел, Севги! Сени ёнимга оламан!

Севги ўзини шу қадар омадли ва бахтли ҳис этдики, ҳатто ёнига ким чорлаётганини билолмай ҳам қолди. Қуруқликка етиб борганларида Севгига ёрдам кўрсатган халоскор ўз йўлида давом этаверди. Унинг олдида нақадар қарздор эканини билган Севги Билимдан “Менга ким нажот берди?” деб сўради.

– У **Вақт** эди, – деб жавоб берди Билим.

– Вақтми? У нега менга ёрдам берди?

Билим бу саволдан кулимсираб, шундай деган экан:

– Чунки Вақт Севгининг нақадар буюк туйғу эканини тушуна олади!

* * *

Келинпошша билан суҳбатимиз чоғида тенгдошингиз Ирода Эргашнинг севгига берган таърифи билан танишган эдингиз. Энди, ваъдамга мувофиқ, бу тавсифнинг давоми – муҳаббатнинг етти иқлими билан танишмоқ фурсати етди:

Ибтидо

Муҳаббат нимадан бошланади?

Бу саволга ҳар ким ўз дунёқараши ва ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб жавоб бериши мумкин. Инсонлар қалби бир қолипдан чиққан эмас. Аммо шу турфа қалбларни бирлаштирадиган биргина туйғу бор, бу – Мехр. Шундай, муҳаббатнинг марказида меҳр туради.

Ўзингиз-чи, азизим, суюклигингизга ақлингиз, юрагингиз, жонингиз, тақ-ди-рингиз – барини меҳрга ўраб тутқазмаганмисиз? Ажаб, меҳр қўймай туриб севмоқ мумкинми?

Йўқ, ишқ ҳаётингизга меҳрсиз кириб келмайди. Муҳаббатингиз ўзингиз билан бирга дунёга келади, юрагингиз бешигида улғаяди, кўнглингиз кўчала-рида тетапоё қадам босади, қалбингиз кўшикидаги энг кўркам маъвони ўзиники қилиб олади.

Азизим, мана шу арзанда ишқингиз болалик водийларини тарк этиб, бор-ган манзили Соғинч эканлигига таажжуб қилманг. Асли бу соғинч ҳам туғма-дир, сиз муҳаббатингиз соҳибасини соғиняпсиз-у, буни ўзингиз сезмайсиз. Қачонки, бировнинг дийдори, бировнинг дарди муҳаббатингиз оловида тобланиб ётган соғинч чўғларини юрагингизга узатиб бера олса, юрагингиз “жиз” эта олса... сиз ўша “биров”ни севиқлим денг!..

Аллоҳ ҳеч кимни севилиш бахти ва севиш саодатидан бенасиб этмасин, азизим!

Рашк

Сиз муҳаббат фарзандисиз... Барибир, ота-онангизни ака-ука, опа-сингил-ларингиздан рашк қилмайсиз-ку! Ватанни юртдошларингиздан қизғанмайсиз-ку! Аслидаям қизғанчиқ эмасдингиз, энди эса... севги деганлари одамни шун-чалик ўзгартириб юборадими?

Азизим, севиқлингизни қизғанманг, десам уят бўлади. Рашксиз муҳаббат-нинг ҳақиқийлигига, самимийлигига шубҳам бор. Сохта муҳаббат ҳам бўла-дими, деманг. Бу замонда муҳаббат арзонлашиб кетди, унинг қадрини оддий буюмдан ҳам пастга тушириб юбордилар. Биласиз, сохта нарсалар арзон бўла-ди... Эрмакталаб кўнгиллар алдов учун баъзида рашқдан фойдаланмас экан-ми?!

Худого шукр, муҳаббат йўқолиб кетмаган, муҳаббат бор, муҳаббатнинг умри Қиёматга туташ. Муҳаббатнинг рашки ҳам ўзи каби ноёб. Рашкни авай-ланг... Рашкни ишлатиб туринг – юрагингизда зардобга айланиб қолмасин. Кўп фойдаланманг – тамом бўлса, ўрнига уқубатлар келади.

Қизғаннинг – бу севиқлингизни ўзгалар ишқидан совитсин, унга мамнунлик ва шодлик бахш этсин.

Ҳижрон

Соғинчнинг асл қиёфасини энди кўрасиз, азизим. Шундай соғинасизки, тунларнинг адоғига, олдинда турган кунларнинг саноғига етолмай қоласиз.

Соғиниш яхши-да! Шу баҳонада муҳаббатингиз тобланади, суюқлингиз-нинг қадрига етадиган бўласиз.

“Ҳижрон” сўзи севишганлар айтганчалик ёқимсиз эмас... Васл орзусида яшашга иштиёқингиз билан илашиб турасиз. “Бугун кўрмасам ўлиб қоламан, ҳеч бўлмаса тушимга кирсин” деб, асрлардан нусха кўчирган кунни ҳам бир амаллаб ўтказасиз. Барибир яшайверасиз, севиқлингизга ўчакишиб, “Шошмай тур, мен ҳам сени бир интизор қилмасам!” деб араз уриб...

Азизим, шунча тарафини олганим билан, тан олиб айтай – ҳижрон оғир, жуда оғир... Соғинч иситмасида алаҳсираб яшаш кимга ёқарди? “Ҳижрон ошиқ-ларни маҳкамроқ боғловчи воситадир, ишонч учун муддатдир” демишлар. Жон томирлари билан боғланган кўнгилларда ҳижрон эҳтиёжи борми? Муҳаббат муддатни билармиди?

Азизим, не бўлганда ҳам, ҳижрон муддати Қиёматга қадар белгиланмасин...

Висол

Юрагингиз... юрагингиздан хавотирдаман, нечун у ғалати алфозда? Асли-даям у шундай бўлиши керак, азизим. Васл олдидан бир энтикиб қўйганича дийдордан сўнг ҳам ўз ҳолига қайтолмаган юракнинг ишқига тан бермоқ керак.

Шунча вақт кўнглингизга тугиб келган гапларингиз дийдор лаҳзаларининг сеҳрига ярашмай қолди-я... Агар курбингиз етса, фақат “соғиндим...” деган сўзни!.. Сўнг майли, гапирманг, нигоҳлар дилларга таржимонлик қилсин.

Тавба, лаҳзалар намунча тез ўтмаса, худди висолда қасди бордай. Йўқ, инжиқ юрагингизга шундай туюлгандир, вақт ўз ўқи атрофида бир маромда (сизнинг наздингизда чирпирак бўлиб) айланаяпти.

Азизим, юрагингизда гуллаган соғинчларни узиб ташламанг, қаранг, улар дийдор насими эсган лаҳзадаёқ خوش исли гўзаллик касб этибдилар. Уларни ўз эгаси – севиклингизга тутқазинг ва айтинг: “Булар – ҳижронга чирмашиб ўсган умид гуллари...”

Бир пайтлар бир чимдим бахтга зор бўлгандингиз, ҳозир бахтнинг кучоғига сиғмаяпсиз. Шундай, дийдор бор – бахт бор!

Азизим, бу бахт мунис ва дунёга бергусиздир!

Садоқат

Азизим, ёрижонингиздан ўзгани ёр деб атамоқ кўнглингизнинг кўчасидан-да ўтмайдими? У ёнингизда бўлмаса ҳам, сизни доим кузатиб тургандек туюладими? Тилингиз тугул, дилингизда ҳам севиклингизга озор етказишни истамайсизми? Ҳа, денг – сиз садоқат тимсолисиз!..

Садоқат нима ўзи, суюқлингизга кўр-кўрона сиғиниб яшаши? Бу телба-лик-ку! Шундай қилингки, кўнгил тарозисида ғурур ва садоқат тенгма-тенг турсин.

Ҳадеб содиқлик кўрсатавериб, севгилингизни эркалатиб қўйманг, азизим, кулга айланиб қолманг. Бу туйғунинг азизлиги пинҳонийлигидадир. Ҳадеганда уни кўз-кўз қилаверсангиз, муҳаббатнинг қадрини туширасиз, суюқлингизнинг нафратига сазовор бўлиб қоласиз.

Баъзан ўйга толаман: “Ҳиёнатга дучор бўлсак, нима қиламиз, азизим?”, “Садоқатим эвазига берганинг шуми?” деб йиғлаймизми?..

Севгилингиз эмас, ўзга инсон билан умр йўлларингиз боғланган тақдирда ҳам уни унутолмай, юрагингиз зирқираб юриши нима – садоқатми, ўрганган кўнгилнинг ўртанишими? Балки юрагингизнинг оғриги вақтинчадир? Билмадим...

Барибир, бевафолик ёмон. Садоқат бор бўлсин, азизим...

Ҳиёнат

Ёзгим келмаяпти...

Азизим, мен муҳаббатнинг энг гўзал, энг ширин туйғуларини тараннум этишни истагандим. Ҳиёнатнинг муҳаббатга боғлиқ томони борми? Афсуски шундай...

Азизим, хиёнаткор севгилингиз етим қилиб кетган ишқингизнинг ўкинишига қандай чидайсиз, қандай?! Ёхуд унинг оппоқ қалбини хиёнатингиз оғригидан қора қон қиласиз... Нега?!

Азизим, мен севишни истайман... Қизғанишни, соғинишни, йиғлашни, сиғинишни истайман... Лекин бу эзгу истакларим хиёнатга учраши эҳтимоллигини ўйласам, севгим келмай қолади, севилгим келмай қолади. Нимаки ёмонлик бўлса, ўшандан ёмон қўрқишар экан... Хиёнатдан ёмон қўрққулик!

Хиёнат муҳаббатни ўлдиради, деб ким айтибди? Муҳаббат ўлмайди, нафратга айланади. Баъзан хиёнатни кечирасиз ҳам...

Фақат йиғламанг... Хиёнат кўз ёшларга арзимайдиган даражада тубандир...

Интиҳо

Сарлавҳани нотўғри қўйдим, шекилли? “Интиҳо” деган сўз муҳаббатга ҳечам тўғри келмайди. Муҳаббатнинг интиҳоси йўқ!

Юрагингиз битта, демакки севгингиз ҳам битта, уни биргина инсонга бера оласиз. Ундай бўлса, “Биринчи муҳаббатим” деганлари нечун? Эҳ, муҳаббат шундай мураккабки, унинг дунёси шундай ранг-барангки, битта изоҳ топсангиз, ўнта саволни қарши қўяверади...

Айтинг-чи, азизим, бахтга сазовор бўлмаган муҳаббатингиз ҳозир қайда? У армонга, хотирага айланиб юрагингизда яшаяпти-ку! Шунақа, муҳаббат ўзингиз билан туғилгани каби ўзингиз билан кетади. Унгача нафратми, армонми, соғинчми бўлиб юрагингизда яшайверади...

Суюқлингиз билан умрингиз йўллари туташдими, муборак бўлсин! Энди ишқингиз оилангизга, фарзандларингизга кўчади.

Азизим, қалбидаги илоҳий соғинчнинг нима эканлигини билмайдиган инсонгина “Муҳаббат йўқ, муҳаббатга ишонмайман”, дейди. Сиз эса унга ишонасизми, севиб-севилиб туриб? Ишқдан аламзада бўлган дамларингизда шундай қилишингиз мумкин... Аслида, ишонишга ҳаққингиз йўқ!

Муҳаббат бор, муҳаббат мангу, азизим!

* * *

Муҳаббатсиз хотин – насияга олинган кийим (Мақол).

* * *

Сиз кўпчиликка севилишингиз билан эмас, қанчалик сева олишингиз билан фахрланинг. Қаро сочларга, қаро кўзларга, қаро қошларга, қирмиз юзларга маҳлиё бўлиб, кўнглининг оқми-қоралигига эътибор беришни унутиб қўйманг. Шунини ёдда тутингки, севги бундоқ қараганда туйғуларнинг кўпайиши ва эрк берилишига ўхшайди, аслида эса севги – туйғуларни саралаш ва назорат қилиш демакдир.

* * *

Муҳаббат, разил кишилар ўйлаганидек, инсон ҳаётидаги фақат никоҳ давригача бўлган ўткинчи воқеа эмас. Бу эр-хотиннинг бутун ҳаёти давомида яшаб, мустаҳкамланиб борадиган туйғудир. Минглаб тасодифлар синовидан ўтадиган эр-хотин муҳаббати кундалик энг оддий ҳодиса бўлишига қарамасдан энг гўзал мўъжизадир. Аёлни инсон сифатида кўриш ва қадрлаш – заруратгина эмас, балки ахлоқли кишиларга насиб этиши мумкин бўлган муҳаббатнинг бош шарти ҳамдир.

Оилавий муҳаббат одамлар орасида кенг тарқалган, энг мустаҳкам ишқдир. Шунинг учун ҳам у кишилар ҳаётига таъсир кўрсатиш жиҳатидан одамнинг энг муҳим ва энг ҳаётбахш туйғусидир.

Оилавий муҳаббат – инсон зурриётини кўпайтиради, дўстона муҳаббат уни такомиллаштиради, ғайриахлоқий муҳаббат эса барбод этиб, ерга уради. Оилавий ҳаётда рўй бериб турадиган майда-чуйда кемтикларни фақат кучли муҳаббатгина текислаб кетиши мумкин. Муҳаббат оилавий машмашаларни шу қадар ёқтирмайдики, чинакамига бахт-саодатли бўлмоқ учун эр хотиндаги, хотин эса эрдаги энг олийжаноб фазилатларни топа билмоқлари керак.

Баъзан эр бир ҳолатда-ю, ёнидаги аёл эса суҳсурдайлигини кўрамиз. Демак, биз эркакнинг аёл кадрлаган яширин фазилатларини билмаймиз: бу кўнгил иши, эҳтимолки, ҳақиқий муҳаббат ҳам шудир. Муҳаббат бобида аёллар эркакларга нисбатан анча сермулоҳазакордирлар, чунки муҳаббат аёл учун том маънодаги улуғ нарса ва бутун ҳаётининг мазмунидир.

* * *

Ишқ денгиздир, осмон – шу денгизнинг кўприги. Ишқ, Юсуфга мубтало Зуллайхо каби инсонни мафтун этади. Кўнгилнинг яйраши ишқдандир. Ишқ бўлмаганида дунё тўхтаб қолган бўлар эди. Ишқ бўлмаганида жонсиз бир нарса қандай қилиб ўсимликка айланарди? Йўқ, айлана олмас, унда маҳв бўлар эди: барқ уриб ўсган наботот ўзини жонлиларга қандай фидо қилган бўлар эди? (Жалолиддин Румий).

* * *

Аёл – гул. Эркак – боғбон. Сен гулни хор қилсанг, уни ўзга боғбон сийлайди...

Эркак – боғбон. Аёл – гул. Сен боғбонга тикан санчсанг, у ўзга гулни сийлайди. Икки ўртада сенинг меванг етим қолади. Худо шундан асрасин!

* * *

Узук бармоққа, ёр эса қалбга ярашуқ бўлиши керак (Мақол).

* * *

Кувётўра, хизматга борганингизда икки ҳақиқат ёдингизда бўлсин: “Фақат одиллик донишмандлик ёғдусини сочади. Фақат беғаразлик обрў келтиради”. Уйингизга келганингизда икки ҳақиқатни доимо эсда тутинг: “Фақат хушмуомалалик осойишталик келтиради. Фақат тежамкорлик орқали фаровонликка эришилади”.

* * *

Абдурауф Фитратнинг “Уйланиш бу ҳаётда шерикликнинг аҳду паймонидир”, деган фикрларига Абдулла Қаҳҳор: “Тўй қилиш учун эр-хотин бўлинмайди. Эр-хотин бўлиш учун тўй қилинади. Орзу-хавасни тўйда бир маротаба эмас, тўйдан кейин ҳар куни кўриш керак”, деган сўзлари ҳамоҳангдир.

Никоҳ ўқилишини куёв ва келиннинг ўзига хос қасамёди деб қабул қилиш ўринли. Эр-хотин бирга бўла туриб, ҳаёт йўлида биргаликда бўлмоқ ва бир-бирларига ёрдам бермоқ учун аҳд қиладилар. Бир-бирларининг ҳаққига зулм, жафо ва хиёнатни раво кўрмайдилар. Табиийки, эр-хотин агарда диёнатли ва ахлоқи ҳамидага эга бўлсалар, шу аҳду паймонларига бир умр содиқ қоладилар. Шу нарса аниқки, ваъдага хилоф қўйилган ҳар бир қадам шу аҳду паймоннинг бузилишига олиб келиб, бадбахтлик ва тинчсизликни оилалар бошига келтиради.

* * *

Иффатли, ширинсӯз, хушмуомала, ақлли ва гўзалхулқ аёллар ҳамиша қут-барақа, ширин ҳаёт манбаидирлар. Сен ўзингга ёр, маҳбуба тиласанг, унинг тўғрисўзлиги, ҳақгўйлиги, юриш-туришига боқ... Ёрга етишдингми, бошида парвона бўл, ҳатто жонингни фидо қилишга тайёр тур. Ҳар сафар унинг қошига борганингда қалбингга унга бўлган меҳринг тобланиб турсин... Ҳусни бўлса – кўнгилга ёқимли бўлур. Яхшилиги бўлса, жон озиғидир. Ақлли бўлса – турмуш интизоми ва рўзгор яроғи тартибли ва саранжомли бўлади. Ана шундай турмуш ўртоғинг бўлса – ғам-кулфатда сирдош ва ҳамдамнинг бўлур, махфий ва яширин дард ва машаққатда ҳамнафас ва ҳамроҳинг бўлур. Турмушдан ҳар жафо етса ҳасратдошинг ул ва осмондан ҳар бир бало келса – кўмакдошинг ул.

Топтинг чу аёл яхшилиқ еткургил,
Ўргат адабу яхши қилиқ еткургил,
Ҳар неча адаб бўлса, қатиг еткургил,
Хайлингга адаб қилиб асиг еткургил (Алишер Навоий).

(Севикли ёр, маҳбубанг билан турмуш аталмиш бу ҳаёт манбаини қуришга эришдинг. Унга аввало марҳамату лутфлар кўргузгин, яхши одобу яхши қилиқ ўргатгин. Адабни астойдил ўргатгин. Аҳли аёлингга одоб ила муносабатда бўлиб, яхшилиқ қилгин).

* * *

Ўтмиш файласуфларидан Цицерон никоҳга “Кишилиқ жамиятининг биринчи поғонасидир”, деб таъриф берган. Афлотун ҳаким эса: “Ҳар қандай никоҳ устидан бир нарса амр қилиб турмоғи лозим: ҳар бир одам ўз хузур-ҳаловати учунгина эмас, балки ўз юрти манфаатларини кўзлаган ҳолда никоҳдан ўтмоғи керак”, деб ҳисоблаганлар. Чиндан ҳам фақат ўзини билувчи худбин йигитнинг, яхшиси, оила қурмагани маъқулроқ. Бахтли муҳаббатнинг асл мазмуни ўзни бағишловдир. Фақат ўзинигина ўйлайдиган кимса ҳеч нарса ҳадя этолмайди, фақат олишни билади ва шу тариқа муҳаббат деб аталган туйғунинг барча фазилатларини заҳарлайди. Шахсиятпарастлик бу ўринда худди жисмоний иллатдек ҳалақит беради. “Севгилим ёнимда бўлса, ертўла ҳам жаннат”, деган баландпарвоз гаплар билан киши ўзини оутмаслиги керак. Никоҳ фақат маънавий эмас, моддий қовушув ҳамдир. Оила қурмоқчи бўлган йигит моддий жиҳатдан нечоғли мустақиллиги ҳақида, турмуш ўртоғини боқиб, кийинтириб, бошпана топиб бера оладими ёки ота-онасига боқинди бўлиб яшайверадими – мана шулар ҳақида ҳам ўйлаб кўриши керак. Эрнинг ота-онасига боқинди бўлиб яшаши хотин учун фожиадир ва бу фожага узоқ вақт чидаш жуда қийин.

Оилавий ҳаёт, аникки, ҳеч қачон сидирғасига қувончдан иборат бўлолмайди. Фақат шоду хуррамликдагина эмас, ғаму андуҳда ҳам, ташвишу бахтсизликда ҳам эр-хотин бир-бирларига чин шерик бўла олишлари шарт. Бунинг учун улар тўйдан олдин бир-бирларини яхши билишлари, синашлари мақсадга мувофиқ. Донишмандлар “Бир-бировларини олти ойдан кам билган кишиларнинг турмуш қуришларига йўл қўймаслик керак”, деган фикрни илгари сурганлар. Лекин ҳаётий тажриба шуни кўрсатадики, олти ой эмас, олти йил давомида бир-бирини синаганлар ҳам тўйдан кейин бир-бирларидаги иллатларни “кашф” эта бошлайдилар. Бир воқеани айтиб беришувди: йигит билан қиз бир-бирларини севадилар. Лекин тўй қилиш имкони бўлмагани учун қиз йигитни тўрт йил кутади. Қизнинг раъйига қараган ота ва она совчиларни қайтараве-

ради. Кутилган тўй бўлади. Шодлик ховури пасаймай туриб, бир ойдан кейин келин-қайнона орасида келишмовчилик юзага чиқади, оғзаки жанжалга куёв-бола аралашиб, келинчакни калтаклайди. Табиийки, келин аразлаб отасининг уйига қайтади... Савол туғилади: қиз нима учун тўрт йил кутди? Бахтли оила қуриш учунми ё калтак ейиш учунми? Йигит қизни тўрт йил кутдирди, ўзи ҳам кутди, сабр қилди. Наҳот биринчи зиддиятдаёқ қоқилиб, йиқилиб, бурни қонас-са?

* * *

Хотинларнинг эрлари зиммасидаги ҳақлари жуда кўп. Эрлар уларга нисбатан гоят яхши феъл-атворли бўлишлари; хотинларининг яратилиши жиҳатидан эрларга нисбатан заифроқлигини назарда тутиб, марҳамат қилиб, улар етказган азиятларга чидашлари шундай ҳақлар жумласидандир... Хотин киши эридан ўзи билан ҳазиллашиб-кулишиб ўтиришни талаб қилиши ҳам унинг ҳақлари доирасидадир.

Эр хотинга мулойим ва чиройли хулқлар билан муомала қилишда салобатли ва обрўини йўқотмаслиги ҳам хотиннинг эрдан талаб қилиши мумкин бўлган ҳақлари жумласига киради. Чунки эр хотини олдида обрўини йўқотса, хотин ҳавойи нафсига берила бошлайди. Шу тариқа хотиннинг хулқи издан чиқади, эрни менсимай қўяди. Шунинг учун ҳам эр хотинига нисбатан хушмуомалада мувозанатни йўқотмаслиги, унинг олдида ўз ғурури ва савлатини сақлаб туриши керак. Хотинининг ҳар бир ғайриахлоқий қадамини дарҳол терговга олиши, хатти-ҳаракати ва феъл-атворидаги нуқсонларни тез бартараф этиб, уни тўғри йўлга буриб юбориши, шариатга ва инсонийликка зид ҳолни кўрса, ҳеч иккиланмай, унга қарши қатъий курашиши керак. Ҳасан Басрий: “Хотинининг нафсоний орзуларига бўйсунган ҳар бир эрни Аллоҳ таоло жаҳаннам оташига отади”, деганлар. Ҳазрати Умар эса: “Хотинларга қаршилиқ қилиб турмасангиз, уйдан барака кетади”, деб насиҳат қилганлар.

Модомики, Аллоҳ Ўз китобида эрни хотинга хожа деб номлаган экан, хотинига итоат этган ва унинг нафсоний орзуларига бўйин эгган эр, аслида, Аллоҳ таоло неъматини инкор этган ва у Зот ҳукмининг тескарисини қилган бўлади. Донишмандларнинг: “Хотиннинг нафси ҳам сенинг нафсингга ўхшайди. Унинг тизгинини бир озгина қўйиб юборсанг, сен истамаган томонга тортиб кетади. Агар жоловини бир қарич бўшатсанг, у сени бир қулоч нарига судрайди. Агар маҳкам ва забт билан ушлаб олсанг, у ҳолда молик ва хожа бўла оласан”, деган ҳикматларини доимо ёдда сақлаш керак.

* * *

Хотин билан яхши яшаш фақатгина унга азоб бермасликдан иборат эмас. Ундан келадиган ҳар қандай жабр-ситамлarga чидаш, аччиқланганида унга мулойим муомала қилиш ҳам лозим (Абу Ҳомид Ғаззолий).

* * *

Оилавий турмушни бежизга “Умр савдоси” дейишмаган. Бу савдо сотувчи ва олувчининг розилиги асосига қурилсагина, фирромлик ва алдов аралашмай ҳалол бўлсагина, иккала тарафга баравар фойда келтиради. Ё сотувчи фақат ўз фойдасини кўзлаб, харидор ҳақида ўйламаса ёки аксинча бўлса, бу савдонинг умри қисқа бўлади. Оила ҳаётида ҳам эр-хотин “ҳалол савдо” қилишсагина турмушлари фойдали, ҳаётлари фароғатда кечади (Аҳмад Муҳаммад).

* * *

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “боқинди – бировнинг боқимида юрмоқ, бировга ортиқча ташвиш, дардисар бўлмоқ” деган таъриф бор. Ўзи ишламай, ота-онасининг бошига ўтириб олиб яшовчи ялқовлар шундай аталади. Илму хунардан бегона, бунинг устига танбал, ғайратсиз, “Берсанг – ейман, урсанг – ўламан”, қабилида кун кўрувчи, ота-онасининг ёки хотинининг топганини еб ётувчилар ана шундай дардисарлардир. Бунақаларни “Текинтомоқ” ҳам дерларки, бу тоифа дардисар боқиндиликнинг юқори босқичидир. Боқиндиларни тарбия этмоқ мумкин. Аммо текинтомоқларни инсофга келтириш жуда қийин.

Болалар ва илм толиблари “боқинди” доирасига кирмайдилар. Лекин бола ўсмир ёшига етгач, ўзини ўзи эплаш тадбирларини ўргана бориши шарт. Албатта, фарзандини боқиш ота-онага малол келмайди. Лекин ота ҳам, она ҳам бир куни дунёдан ўтади. Улар ўтгандан кейин боқинди боланинг аҳволи не кечади?

Ўйланаётган йигит боқиндилик тўрига ўралиб қолишдан эҳтиёт бўлиши керак. Тўғрироғи, уйланмай туриб, бу ҳақда ўйлай бошлаши, фақат ўйлаши эмас, ҳаракат қилиши зарур. Айрим йигитлар, ота-оналари тўйдан гап очишса, “Аввал ишлаб, пул топай”, деб уларнинг ҳаракатини орқага суради. Бу яхши фазилат. Ҳатто ота-онаси бадавлат йигитлар ҳам бу фазилатга эга бўлганлари яхши. Ўзи ҳаракат қилиб пул топиб, тўй харажатларига 1-2 миллион сўм қўша олса, кўнгил роҳатига эришади. Энг муҳими – тўйдан кейинги боқинди ҳаётдан тезроқ қутулиш имконига эга бўлади.

Боқинди ейдиган таом миннатли ошдир. Тўғри, ота-она “Мен сени боқяпман”, деб миннат қилмайди. Лекин йиллар боқиндилик билан ўтаверса, “Аввал ўзингни боқдим, кейин хотинингни қўшиб боқдим, энди болаларингни ҳам боқяпман”, деган гап чиқиб қолиши эҳтимоли бор. Ота-она айтмаса ҳам амаки ёки аммами, тоға ёки холами “Қачонгача боқинди бўлиб юрасан?” деб таъна қилиб қолиши аниқроқ. Мана шу миннат, таъна кундузни тунга айлантириб юборади.

Боқиндилик вақтида муолажа қилинмаса, янада хатарлироқ бўлган тамагирлик хасталигига айланади.

Ҳар кимки, тамаъдурур гирифторлиғи,
Не суд анга аҳли саҳо ёрлиғи,
Иззат бермас нақду дирам борлиғи –
Ким, бўлди тамаъдин кишининг хорлиғи.

(Кимки тамагирликка йўлиқса, унга саҳоват аҳли билан дўстлашиш фойда бермайди. Пул ва олтин борлиғи иззат бермайди. Тамагирлик кишини охири хор қилади.)

Қуёвтўра, сиз Ҳотами Тойи деган одамнинг номини эшитгандирсиз. Ҳиммат ва саҳоват аҳлининг пешвоси сифатида ном қозонган бу зот Той қабиласининг подшоҳи бўлган. Шу одамдан бир куни: “Эй Ҳиммат ва саҳоватда беназир инсон, сен ўзингдан ҳам саҳоватлироқ кишини кўрганмисан?” – деб сўрадилар. Ҳотами Той жавоб берди:

“Бир куни саҳро халқини зиёфатга чақирган эдим. Юзта туя ва сон-саноксиз қўю қўзи сўйдирган эдим. Базм асносида даштга чиқиб, бир оз ҳаво алмаштириб келай, дедим. Сайр қилиб юриб, ёши улуг қариянинг орқасига бир боғ

тиканли ўтин ортиб келаётганини кўрдим. Ўтин унинг гавдасини букиб қўйган. Ҳар замон ҳассани кўкрагига тираб, ҳар қадамда бир тўхтаб, нафасини ростлаб олар эди. Чолнинг қийналганини кўриб, кўнглимга ўт тушди. Раҳмим келиб дедимки:

– Эй қаддини меҳнат юки эзиб қўйган, жисмини ҳам тиканлари илма-тешиқ қилган зот! Ҳеч нарсадан хабаринг йўқми? Ҳотамнинг уйида нима бўлаётганини билмадингми? Тўкин дастурхон ёзиб, яхшию ёмонни чорлаб меҳмон қилмоқда. Тиканни ташлаб, кўп машаққат чекмай, унинг иззат гулшанига бор.

Чол бошини кўтариб, менинг бунчалик изтироб чекаётганимни кўриб кулди-ю, шундай жавоб берди:

– Эй хирсу ҳавас оёғига банд солган, тама бўйнингга сиртмоқ солган киши. Хайрат водийсига қадам урмаган, ҳиммат гумбазига байроқ тикмаган. Сен Ҳотами Тойи миннатини эшитгунча, шу тиканнинг азобини чеккин. Меҳнат билан топилган биргина танга биров берган олтиндан афзалдир.

Шу сўзларни айтган ўша чолнинг ҳиммати меникидан баланд эди”.

Ўша тикан орқалаган чол қиёфаси ҳар оила қурган ёшнинг кўз олдида турса, унинг ҳикматли сўзлари онгига муҳрланса, боқиндилик балосидан тезроқ қутулишига ёрдам беради. Бу борада қуйидаги масал ҳам ёрдам бериши мумкин:

Бир куни нодон пашша асаларига жаҳл қилиб, бундай деди:

– Сен шундай бир аҳмоқсанки, асал йиғаман, деб қирларни, водийларни кезиб, овқат тўплайсан. Шунча машаққатинг эвазига йиққан болингни ярмини ўзинг еганингда ҳам майли эди. Мана мен ҳамма вақт катта зиёфатларда, ҳаттоки подшоҳ саройида бўламан, ширин овқатлар ейман, ажойиб шарбатлар ичаман, маза қилиб яшайман, ўзимга қарайман.

Доно асалари унга бундай жавоб берди:

– Ана холос! Аслида аҳмоқ сенсан, аммо буни идрок қилиб тушуна олмайсан. Борган жойларингда одамлар сендан ирганиб қўлларига нима тушса, ўша нарса билан урадилар, ҳайдайдилар, сендан нафратланадилар. Сенинг эса фаҳминг етмайди. Ўзингга ўхшаган пашшаларнинг мингларчаси ўлдирилаётганини кўриб турасан-у, “Мени ҳам бир куни шундай ўлдиришлари мумкин”, деган фикр ақлингга келмайди, ибрат олмайсан. Мен қирлар, водийларни кезиб, йиққан асалимни ўзим емайман, аммо еганларда меҳр-муҳаббат, эъзоз, ҳурмат кўраман. Бундан ифтихор этаман, қувонаман.

Қиссадан ҳисса: инсон учун ўз ҳунари, меҳнати маҳсулидан бошқа қувонадиган, фахрланадиган бир нарса йўқ. Инсон ўз қўли кучи, меҳнати билан ажойиб нарсаларни яратади. Ишламаган танбал одам бенасиблик билан бошқаларга юк бўлади. Қилган ишидан бошқаларга наф тегмайди. Унга бирор иш топширганлар ҳам мамнун бўлмайдилар, аксинча, ҳатто дуойи бад қилишгача борадилар. Унинг бири икки бўлмайди, бўлса ҳам, ҳузурлана олмайди.

Ривоят: Бир одамнинг битта оти ва икки ити бор эди. Итлар оч қолишиб, зорланиб ўтиришганида от: “Нега бунча қайғули кўринасиз?” деб улардан ҳол сўради. Итлар отга маънос бокқанларича ҳасратларини бошладилар:

– Аҳволимиз чаток, очлик туфайли ўлар ҳолга келдик. Хўжайинимиз бизга яхши илтифот қилмайди, берган сарқитига қорнимиз тўймайди. Овқат талабидида ёнига яқинлашамиз десак, болалари тепиб ҳайдашади. Бундан алам қилиб, тоққа чиқиб кетган эдик. Йўлда ҳаво айниб, селга дуч келдик. Мана, титраб-қақшаб, аввалгидан ҳам баттар ҳолда жойимизга қайтдик. Бахтсиз эканмиз, энди зорланишдан бўлак иложимиз қолмади.

От уларнинг сўзларини тинглагач, деди:

– Э дўстларим! Иззат ва саодатни фақат бахт-толедан кутиб, ишламасдан ялқовланиб ётиш аҳмоқликдир. Сизлар кунда бир эринибгина хуриб қўйиш билан чекланмай, менга ўхшаб ишлаганингизда эди, ҳўжайинимиз мени яхши тўйдиргани каби сизларни ҳам сийлаган бўларди. Ҳеч ишламай, ялқов бўлиб ётиш ва ўтган-кетганга ақиллашнинг фойдаси йўқ. Дунё иши – меҳнат уйидир.

Баъзи ёшлар ўзларини ўзлари имтиҳон қилиб: “Мен ҳеч нима қила олмайман, қўлимдан ҳеч нима келмайди”, деган фикрда ўзларига ишонмаган ҳолда юрадилар. Бу хато тушунчадир. Одам шундай яралганки, у ҳеч нима қилмай туролмайди. Одамнинг онги бекорчиликни қабул қила олмайди, туғён кўта-ради. Ана шунда одам ҳалокатга учрайди. Ҳа, одам айни бекорчиликдан ҳалок бўлади. “Ҳалок бўлишни” ҳам рамзий, ҳам айни маънода тушунавериш керак.

* * *

Никоҳ одамзод авлодлари давомийлигини таъмин этувчи заруратдир. “Бўйдоқ – такомилга етмаган мавжудот, у иккинчи ярми йўқ қайчига ўхшайди”, дейдилар. Шунга кўра, никоҳ қайчини бир бутун қилиш, десак ҳам бўлар. Уйланиш ўз ҳуқуқингизни икки баравар камайтириб, зиммангизга тушадиган мажбуриятни эса икки ҳисса оширишингиз демакдир. Тутун алангадан пайдо бўлганидек, никоҳ ҳам муҳаббатга уйғунлашиб кетади. Ҳар қандай киши модомики, никоҳдан ўтган экан, никоҳ қонунларига бўйсунишга мажбурдир. Агар бу мажбуриятдан бўйин товласа, катталар томонидан аввал яхши сўзлар билан тушунтириш, бу ҳам таъсир қилмаса, мажбур қилиниши лозим. Чунки дилдаги ишончдан келиб чиқадиган, иштирок этаётган кишиларнинг ихтиёрий, оқилона иноқликларига асосланган оилавий ва ижтимоий муносабатларгина мустаҳкам бўлиши мумкин.

Никоҳ муҳаббатнинг қарор топишидир. Том маъноси билан пишиб етилган юраккина чинакамига сева олади ва шундагина муҳаббат никоҳ мисолида ўзига ҳадя этилган энг олий мукофотни кўради ва ҳар қандай шуҳрат қарши-сида ҳам хираланмайди, балки офтоб нуридан ўзининг хушбўй исли гулларини барқ уриб очилтиради. Никоҳ дабдабали эркинлик муҳитида бўлса, муҳаббат сўнади. Никоҳнинг шундай хусусияти борки, ундан кейин санамга тавоф этиш барҳам топади. Бинобарин, эркак киши ўз маъбудасига яқиндан туриб боқса, у қайтадан оддий аёлга айланади.

“Омадли никоҳ ҳар куни таъмир этиб турилиши керак бўлган бинодир”, дейилганда кундалик турмушда учраб турадиган каттами-кичикми камчиликларга зўр бардош ва ақл-идрок билан қадам-бақадам барҳам бериб бориш назарда тутилади. Аввалига фақат шоду хуррамликни бахш этган никоҳ аслида бахсу мунозаралар билан бўлиниб турувчи узундан-узоқ суҳбатларнинг бошланишидир. Никоҳ мустақиллик жиҳатидан теппа-тенг бўлган эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларнинг ифодасидир, бунда мутелик ҳам бир хил, мажбурият ҳам бир хил. Никоҳ тўйдан кейин кўп ташвиш туғдира бошлайди. Аммо никоҳсиз турмушда ҳам ҳеч қандай шодлик йўқ. Никоҳсиз турмуш ахлоқсизлик оқибатидир. Ҳар иккала жинс ҳам ўзларини яхши одамлар қаторига қўшадиган қовушувдан қочиб, аксинча, хароб қиладиган қовушув исканжасига тушадилар. Қиз ҳам, йигит ҳам ҳали оила қуриш ёшига етмасларидан анча илгари бу ҳикматни тушуниб етишлари ва покиза турмуш йўлида собит бўлишга ўзларини руҳан ва маънавий жиҳатдан тайёрлашлари керак.

* * *

Донишмандлар: “Тамагирлик билан қилинган никоҳ – қабиҳ никоҳдир”, деб ёшларни эҳтиёткорликка чақирганлар. Яна: “Хотинни ўзингга тенгларидан ол, ўзингдан юқорилардан олсанг, унинг қариндошлари устингдан хўжайинлик қилишади”, деб огоҳлантирганлар.

Муҳаббатсиз никоҳ никоҳсиз муҳаббатни келтириб чиқаради. Фақат севиб уйланишнинг гашти бор, холос; бирор қизга унинг қадди-қомати келишганлиги учунгина уйланиш худди бозордан кераксиз бўлса ҳам кўзга кўринган буюмни сотиб олиш билан баробар.

* * *

Эр аёл бахти хусусидаги маънавий масъулиятни зиммасига олгани ҳолда унинг қалбига, ҳаттоки билмай туриб озор берса, бундан ортиқроқ бахтсизлик бўлмайди. Эрига муҳаббат боғлаган аёл тўккан ҳар томчи кўз ёшида эрга қарши оғир айбнома бор. Аёл ишончини суистеъмол этиб, муҳаббатини оёқос-ти қилган, ожизгина вужудини қийнаб, кўзидан алам ёшларини оқизган эрни ҳикмат аҳли аблаҳлик ва разилликда айблаган. Айримлари эса: “Хотиннинг хўрланишига йўл қўйган эркак – эркак ҳам эмас, аёл ҳам эмас, демак, шунчаки ҳеч нима!” – деган хулосага келганлар.

Севги худбинликдан кучлироқ: аёлни ҳатто у сиздан нафратланганда ҳам севиш мумкин. Аёлга муносабат – номус, шарм-ҳаё, одоб, олийжанобликнинг энг нозик ўлчови, раҳмдилликни тарбиялашнинг олий мактабидир. Қиз-жувонларга ҳаёсизларча муносабатда бўла олувчи шахс инсон сифатида ҳам ишончни оқламайди; у умум ишига ҳам худди шундай шармандаларча муносабат қилади, унга бошдан-оёқ ишониш мумкин эмаслиги ҳам таъкидланган. Чунки фақат тубан, қўполдан-қўпол, ифлос миягина қачон қараса аёл бадани гўзаллиги билан банд бўлади ва ўзининг ҳар нарсага бош суқаверадиган фикрларини фақат ўша нарсага бураверади.

Ўтмиш донишмандлари: “Қиз болани ҳурмат қил, унинг номуси ва шарафни, инсоний ғурурини авайла. Сенга ёққан қиз – сенинг бўлажак рафиқанг, болаларингнинг онаси. У – барҳаётлигининг гарови, у сени болаларинг қиёфасида яна қайта дунёга келтиради”, деган ҳикматни сизу бизга мерос қилиб қолдирганлар. Бу ҳикмат меросининг қадрига етишингиз керак. Қадрига етиш – қай даражада амал қилишингиз билан белгиланади.

* * *

Ўзаро муносабатларингизда охири бир-бирингизга бегона қилиб қўядиган қусурлар пайдо бўлиб қолишини эр ҳам, хотин ҳам кузатиб бориши керак. Бунинг учун энг аввало инсоннинг инсонга бўлган ҳурматини йўқотмаслиги керак (*Лев Толстой*).

* * *

Севган аёл ҳамма нарсани кечиради, аммо ҳеч нарсани унутмайди (*Халил Жуброн*).

* * *

Эрнинг хотинга қиладиган одоблари:

Аввалги адаб – уйланмоқчи бўлган кимса солиҳа ва эр кўрмаган қизни олади. Имом Шофеъий мазҳабларида никоҳдан илгари хотинни бир назар кўриш мустаҳабдур. Хотин тўрт нарсада эрдан паст ва тўрт нарсада эрдан баланд бў-

лади: умрда, қоматда, молда, насабда паст; жамолда, чиройли хулқда, адабда, иффатда баланд.

Иккинчи адаб – олти турли хотинни олинмайди: аввал пуштсиз, яъни бола туғмайдиган. Иккинчи – илгариги эрининг фарзандларига ва яна ўз хешларига сўнгги эрининг молини барбод қилувчи бўлса. Учинчи – ҳамиша эрига ўз мулки ва насаби билан миннат қилувчи хотинга. Тўртинчи – илгариги эридан кўрган роҳатларини йўқотганига нола ва фарёд қилувчи хотинга. Бешинчи – нопоклиги ва ёмон атворлари жиҳатидан ҳар кимнинг ва эрининг орқасидан сўзлагувчи хотинга. Олтинчи – кўринишда тару тоза ва манзиратли, аммо асли нопок бўлган хотинга. Ундай хотин ёмон одатли ва бадфеъл бўлади ҳамда тўда тезак устида унган майсага ўхшайди.

Учинчи адаб – эр хотинга яхши муомала қилади. Юзини очиқ тутати, мурувват ва саховат кўрсатади, беҳуда ғазаб қилмайди.

Тўртинчи адаб – агар хотин тезлик ва қўполлик қилса ҳам у билан имкон қадар келишади, ёрдам ва ҳикмат билан муомалада бўлади, хотинининг жафосига сабр қилинади.

Бешинчи адаб – аёл ва тобеларига ҳалол молидан нафақани бемалол, кенг тутати. Агар баногоҳ зарурият жиҳатидан шубҳадор молга гирифтор ва мубтало бўлса, ҳалол молни таомга, шубҳадорини либосга сарф қилади.

Олтинчи адаб – чиройли хулқни ўрнига қўйишлик ҳамда мулойим таъб билан хотиннинг ҳавойи нафсига кўп ҳам тобе бўлмайди.

Еттинчи адаб – аҳли аёл борасида ғайратли бўлади ва ғайратнинг шарти шудирки, номаҳрамни ҳарамига киришига рози бўлмайди....

Саккизинчи адаб – хотин такаббурчилик қиладиган бўлса ё эрни тоқати йўқ нарсага таклиф этса, унга адаб берилади. Адаб шуки, аввал насиҳат қилинади. Агар фойда бермаса, бир ойгача жойига ётмайди. Ҳар вақтки ўнгланса, гуноҳини афв қилиб, яна илгаригидек шафқат ва марҳаматда бўлади (*Муҳаммад Содиқ Қошғарийнинг “Одоб ас-солиҳин” китобидан*).

* * *

“Яхши хотин билан яшаш – ҳаёт бўронларида сенга бир паноҳдай хизмат қилса, ёмон хотин билан яшаш эса – кулбангда кўтарилган бўрондай гап”, деган ҳикмат бор.

Куёвтўра, қошу кўзлари гўзал, қалби гўзал, ақли гўзал, одоби гўзал, ҳаёси гўзал бир қизни Аллоҳ сизга насиб этди. Муборак бўлсин! Саволим шундай: аёл ҳақида нималарни биласиз? Ёшингизга яраша озми-кўпми нималарнидир биласиз. Шу билганларингиз қаторига ўтмиш донишмандларининг фикрларини ҳам қўшиб қўйинг:

Аёл киши эркакка манзур бўлиш учун яратилган. Аёлнинг қудрати – унинг жозибасида. Аёл ўзининг латофатию таровати билан эркакни унга хос бўлган кучни ҳис қилишга ва уни ишга солишга мажбур қилади. Бу кучни уйғотишдаги энг синалган санъат шундаки, қаршилиқ кўрсатиш йўли билан бу кучга ҳаёт бахш этилади.

Яхши аёл – ҳеч кимнинг нигоҳи тушмаган бир хазина, уни топган киши ақлли бўлса, бу ҳақда ҳеч кимга мактанмайди. Севимли аёлнинг ҳаттоки қаҳри ҳам биз бахтли дамларимизда бошқа аёллардан топишимиз маҳол бўлган чексиз жозоба билан тўлиб-тошгандир. Аёлларга хос ўлмас назокат яхши эркакларга ҳамиша қанот бағишлаб келган.

Деярли ҳар бир аёл севги бобида энг юксак жасоратларга ҳам қодирдир. Аёл

фидойиликни тушунибгина қолмай, ўзини фидо қилишни ҳам билади. Аёлсиз ҳаёт тонги ва оқшоми заиф, кундузи эса – ғамгин бўлиб қолар эди.

Аёлнинг энг биринчи ва энг муҳим фазилати – беозорлик. Аёллар асабларимизни, ортиқча шахсиятпарастлигимизни юмшатади; улар бизга қайдан бунёд бўлганимизни эслатиб туришади.

Эркак ва аёл – бамисоли икки майин товушки, инсон қалбидаги торлар уларсиз ҳақиқий ва тўлақонли оҳанг беролмайди. Аёлларни севинг ва иззат қилинг; улардан фақат юпанч эмас, балки илҳомингизга куч, маънавий ва ақлий қобилиятларингизни икки баравар оширувчи қудрат ахтаринг.

Аёл – буюк сўз. Унда кизлик мусаффолиги, дўстга хос фидойилик, она жасорати мужассамлашган. Аёл севгисидан мусаффо бўлмаган, унинг мардлигидан мадад олмаган ҳамда камтарона йўриғига юрмаган одам ҳақиқий ҳаёт кечирмаган ҳисоб.

Аёл қалбини очадиган нозик калит камдан-кам эркакларда бўлади. Аксарият эркаклар аёл қалбини темир лом билан очишади.

Икки нарса киши қўлида бўлса увол: гўзалликка мағрур бўлган кишига берилган хусн, иккинчиси – гўзаллик қадрини билмайдиган кишига тушиб қолган хотин.

* * *

Бир-бирига ўхшамаган, бошқа-бошқа йўсинда тарбия топган, ўзгача муҳитларда улғайган икки кишининг кўп йиллар мобайнида биргаликда яшаши, бир мақсад йўлида интилиши, бир-бири билан мурося қилиши уларнинг ҳис-туйғу ва феъл-атворларини қаттиқ синовдан ўтказади.

Тасаввур қилинг: зерикарли қиш оқшомларида болаларини ухлатиб, эр-хотин танҳо қолишди. Эр газета ўқишдан зерикди, телевизордаги сеvimли сериалини эндигина якунлаган хотин эса қаҳрамонларининг қисматидан таъсирланганича ўтирибди. Мана шундай пайтда иккала томон ҳам ширин суҳбат куришни, бир-бирларига меҳр, муҳаббат изҳор қилишни, фарзандлари келажаги ҳақида ширин орзулар суришни кўмсаб қолади. Ёки иккови ишхонасидаги янгиликлар билан ўртоқлашишни, дам олиш кунлари учун режалар тузишни истайди.

Лекин амалда иш бошқача тус олади: “Итдай чарчабман, жойни солмай-санми!” – дейди эр. “Мен пашша қўриб ўтирганим йўқ. Ҳали идиш-товокларни ювишим керак. Ўзингизнинг ҳам қўлингиз бор, битта чойшабни олиб солиш шунчалик қийинми!” – деб жавоб қилади хотин ва ширин суҳбат ўрнига буни-си тилга кўчади:

“Сан қачон бир иш буюрганимда “хўп” дейдиган бўласан!”

“Ҳозир ҳамманинг ҳуқуқи тенг, ман сизга хизматкор эмасман!”

Ўзаро таъна-маломатлар, “ҳуқуқ талашиш”лар бора-бора икковининг ҳаётларини заҳарга айлантиради. Латвиялик тадқиқотчилар эр-хотиннинг ўзаро суҳбати 27 дақиқадан сўнг албатта можаро-жанжалга айланади, деб ҳисоблашганида нимани назарда тутишгани барчага яхши аёнدير.

Бундай пайтларда оддийгина **муроса** санъатининг етишмай қолиши, “Мен сендан камманми” қабилидаги худбинларча обрў талашишлар иккала томонга ҳам яхшилик келтирмаслиги аниқ. Тарозининг бир палласи кўтарилганида иккинчи томон албатта пастлайди. Эр “ёна бошладими”, унинг ўтини ўчириш учун аёли дарров сув тўла челагини кўтариб ҳаракатга тушиши керак (*Ҳаётда аксинча, жанжалкаш аёл сув ўрнига бензин сепди. Т.М.*). Хотиннинг юрагига

қил сигмай, ҳеч нарсаса тоқати етмай турибдими, эр унинг сочларини силаб, икки оғиз ширин сўзини дариғ тутмасин. Икковларига тааллуқли дилхиралик ёки мусибат оилага сўроқсиз кирдими, бир-бирларини юпатиб, сабрга чақир-иш билан уни унутиш йўлларини бирга ахтаришсин. Ана шунда озорлар унут бўлади, ғамлар чекинади, мусибат-қайғулар ўрнини хуррамлик ва масъудлик эгаллайди (*Аҳмад Муҳаммад*).

* * *

Бу ўткинчи имтиҳон дунёсида бахт кишига ҳадеб кулиб боқавермайди. Бировнинг оти бўлса, араваси йўқ, араваси борнинг оти йўқ. Оила бахти ҳам шундай. Бугун эр-хотин икковингиз ўзларингизни бағоят бахтиёр хис этасиз, эртага эса акси. Оила бахтини бир дарахтга қиёс этсак, унинг икки ўқ илдизи бўлади. Бири эрнинг фазилатидан, иккинчиси хотиннинг хислатларидан сув ичади. Агар бу баробарлик йўқолса, масъудлик дарахтининг умри қисқа бўлиб қолиши мумкин. Шу боис оила бахтини таъминлашда эрнинг масъулиятини таъкидлаб, бу ривоятни эътиборингизга ҳавола этаман:

Бир йигит гўзал ва оқила қизга ошиқ бўлиб қолди. Қизнинг ҳам унда кўнгли бор эди, унаштириб қўйилдилар. Аммо тўйдан аввал қиз хасталикка чалинди, юзларига чечакка ўхшаган нимадир тошиб кетди, табиблар унинг чорасини қила олмадилар. Оқибатда қиз аввалги гўзаллигини йўқотди ва йигитга турмушга чиқиш аҳдидан қайтди, ўзини дунёдан ёлғиз ўтишга ҳукм қилди. Иттифоқо йигит ҳам касалликка чалиниб, бир неча кун кимираммай ётди. Кейин оёққа турди-ю, бироқ кўзлари ожиз бўлиб қолди. Йигит қизга уйланиш аҳдидан қайтмади. Қиз ҳам ноилож кўнди. Икковлари шу тарзда анча йил бахтиёр умр кўрдилар. Вақти-соати келиб, аёл вафот этди. Унинг жанозасидан кейин эрнинг кўзлари кўр эмаслиги маълум бўлди. Бу ривоятдан мурод – оила бахти учун эр ҳам фидойи бўлмоғи керак.

* * *

– Эй Аллоҳнинг Расули, аёлларнинг қандоғи энг яхшисидир? – деб сўралди.
– Қачон назар солса, сурур бағишлайдигани. Қачон амр қилса, итоат қил-дигани ва эрига ўз жонида ва молида у ёқтирмайдиган нарса ила хилоф қил-майдигани, – дедилар.

Севиқли Пайғамбаримиз (с.а.в.) саҳобаларига: “Ахлатхонада битган гулдан эҳтиёт бўлинг”, дедилар. Асҳоб: “Ахлатхонада битган гул қандай гул, ё Расулуллоҳ?” – деб сўрадилар.

– Ёмон муҳитда, исломий тарбиядан узоқ, ахлоқсиз бир оилада етишган аёл, – деб жавоб бердилар.

* * *

Яхши хотин эрнинг тинчлиги, уйнинг ободлиги ва яхшилик қилишга ёрдамлашувчидир.

* * *

...дўст бўлмағон хотиндин қочғил, нединким, дебдурлар: «Қадбону (*ишчан уй бекаси*) бўлмағон тезроқ банд бўлур, аммо у масобада (*ҳолатда*) эрмак. Бунингдек хотин сенинг молингни қўлингдин олиб, сўнгра сени унга молик бўлурға қўймағай, ундин сўнг сен унинг хотини бўлурсан, лекин у сенга хотин бўлмас.

* * *

Хотин пок ниҳод (*тоза табиатли*) ва пок дил бўлсун; кадбону эрига дўст бўлғай. Ҳаёлиғ, тақводор, тили қисқа, молни яхши сақлағувчи бўлсин. Дебдурларки, яхши хотин эрнинг ва умрнинг роҳати бўлур. Агар хотининг хўбрўй, меҳрибон ва мақбул бўлса ҳам ихтиёрингни унга буткул бермағил ва унинг ҳукми остига кирмағил. Нединким, Искандарга дебдурлар: “Доронинг қизин нима учун олиб хотин қилмассан, бағоят хушрўйдир?” Искандар деди: “Жаҳон халқиға ғолибман, энди бир хотинга мағлуб бўлсам, кўп ёмон кўринур”.

* * *

Хотин олсанг улуғ салоҳлиғ (яхши) хонадондин хотин талаб қилғил. Ҳар турлик авбошнинг қизин олмағил, нединким, хотинни уйнинг кадбонлиғи учун олурлар, шахват учун олмаслар. Хотин камолга етгон, оқила бўлгон, онасининг кадбонлиғин (сариштали уй бекаси эканлигини), отасининг кадхудолиғин (оила хўжаси эканини) кўрғон ва билғон бўлсун. Агар бундай нозанин қўлингга тушса, уни асло қўлдин чиқармағил ва жаҳд қилиб уни олғил (*“Қобуснома”дан*).

* * *

Аёлни кафтингда кўтар, аммо бошингга чиқарма. Истасанг келинни биринчи кунданоқ елкангга кўтар. Бошингга ўзи чиқиб олади. Абулқосим Замахшарийнинг: “Хотин зоти агар қалбинг улар ишқиға гирифтор бўлганини сезса, бурнингни тупроққа ишқалайди”, деган ҳикматини унутмаган дуруст.

* * *

Хотин билан муроса қилиш осон эмас. Бобур Мирзо дейдики:
*Агарчи сенсиз сабр айламак, эй ёр, мушкулдур,
Сенинг бирла чиқишмоқлик доғи бисёр мушкулдур.*

* * *

Аёл эридан кўп нарсани талаб қилмайди: эри ташқаридаги ҳар қандай аёл олдида кучли бўлса-да, ўзи олдида заиф бўлишини истайди. Сиз буни англаганингиз ҳамон ожиз томонларингиз ҳақида ўйлаб кўринг ва аёлингизнинг сиздан устун бўлишига йўл қўйманг. “Ёмон хотин мисоли гўзал кийинган чаённинг ўзгинасидир”, деган араб мақоли бор. Хотин асалари каби чакса чиданг, аммо чаёндек нишини кўрсатса, эҳтиёт бўлинг. Ниш уришига сира-сира йўл қўйманг. Сиз аёлингизга пулингизни, вужудингизни, ҳатто қалбингизни беришингиз мумкин. Аммо ақлингизни бериб қўйишдан эҳтиёт бўлинг.

* * *

Ота пули билан уйланган киши, хотин қадрин билмас (*Мақол*).

* * *

Аёл соя кабидир; қувсанг – қочади, қочсанг – қувлайди. Тегирмон ва аёл ҳамиша ва тўхтовсиз ниманидир истайди. Истакларининг чегараси бўлмайди.

* * *

Бир чўпоннинг солиҳа, фаросатли хотинига ҳамма ҳавас қиларди. Ҳамма шу чўпонни «энг бахтли одам» деб таърифларди. Қишлоқда кимки хотини билан келишолмай қолса: «Бор, чўпоннинг хотинидан ибрат олиб кел», дерди.

Бир куни хотини билан жанжаллашиб қолган қишлоқ оғаси ҳам шундай деди. Хотин «Мен кимману чўпоннинг хотини ким! Ундан нимани ўрганардим!» деди. Кейин «Бу хотинни ҳамма мақтайди бир бориб кўрайин-чи», деб қизиқиб йўлга чиқди. Борса, чўпон хотини ҳовлидаги идишда турган сувдан олиб ичаётган экан. Қишлоқ оғасининг хотини чанқаган эди, «Шу сувдан ичайин», деб сўради. «Хўп, – деди чўпон хотини, – сизга ҳозир ичкаридан муздай сув олиб чиқаман, бу илиб қолган».

– Ичкарида муздай сув бўлса, ўзингиз нима учун бу илиган сувдан ичяпсиз? – деб ажабланди оғанинг хотини.

– Хоним, эрим бу онларда далада, жазирамада юрибдилар. Мешларидаги сув қуёш нурида илиб қолгандир. Эрим у ёқда илиган сув ичсалару мен бу ерда муздек роҳатбаш сув ичсам, меҳрибон хотинлигим қаерда қолди!

Бундай фаросат эгасини ҳар бир эркак орзу қилади. Бу бахтиёрликдир. Бундай бахт мол-мулк, бойлик, давлатмандлик, хонлик, беклик ёки ўқиган, катта мартаба соҳиби бўлиш билан қўлга киритиладиган давлат эмас. Баъзан икки карра иккиннинг тўртлигини билмайдиган одам илмли, фаросатли, оқила аёлга эр бўлади. Худди шу ҳикоядаги чўпон каби! Инсон мол-мулк топа олади. Қўлидан ҳар нарса келади. Аммо яхши аёл қўлда ясаб оладиган неъмат эмас. Аллоҳ кимга солиҳа бир хотин берган бўлса, ул одамга, ул қулига барча эзгуликларни, хайрли нарсаларни ўзида мужассам қилган неъматни бергандир. Агар кимгадир кўнглидаги бир аёлни бермаган экан, у қанчалик бадавлат бўлмасин, қандай мартабага эришмасин ва мақсадига етмасин, бу одам барибир фақир ва заволлидир. Чунки унинг кўнглидаги хоними йўқдир. Демокчиманким, яхши хотинни истаган эр аввало ўзи яхши бўлсин, бу неъматга арзийдиган солиҳ одам мартабасига етсин. Оддий ҳақиқатни ўйлаб кўрайлик: ёмонликлари туфайли дўзахга лойиқ бандасига Аллоҳ бу дунёнинг жаннатини раво кўрармикин?

* * *

Яхшининг кетидан қолма, ёмоннинг қизини олма (*Мақол*).

* * *

Куёвтўра, тўйдан кейин ота-онангизга бўлган меҳр-муҳаббатингизни, эътиборингизни янада оширинг. Бўйдоқлик пайтингизда онангизнинг бошлари оғриса, ўтиб кетадиган касаллик, деб эътибор бермаган бўлсангиз, энди онангизнинг дардларига шерик бўлинг. Аввал эътиборсиз бўлганингизга онангиз ҳам аҳамият бермаганлар. Уйланганингиздан кейин онангиз эрталаб “Бошим оғрияпти”, десалар-у, сиз индамай ишга жўнаб қолсангиз, “Болам уйланиб, менга бемехр бўлиб қолди”, деб ранжишлари мумкин. Агар ранжисалар, сизнинг бемехрлигингизга асосий сабабчи деб, келин айбланади. Оқибатда келин билан бўладиган муносабатларда ҳам салбий ўзгариш бошланади.

* * *

Қуръони каримнинг «Абаса» сурасида таъкид этилганки, айрим инсонлар Қиёматда ота-онасидан қочар экан. «Уларга муносиб хизмат қилмадим, энди ҳақларини талаб қиладилар», деб кўрқиб, изтиробга тушар экан. Ана шу изтиробнинг олдини олиш учун киши ҳаётлик даврида ҳаракатини қилиб қолиши керак. Уламоларимиз бу мавзуда суҳбат юритганларида Исро сурасидаги ояти каримани тилга оладилар. Биз ҳам бу анъанадан четда қолмайлик:

«Раббинг фақат Унинг ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишни амр этди. Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас, уларга «уфф» дема, уларга озор берма ва уларга яхши сўз айт. Икковларига меҳрибонлик ила хокисорлик қанотингни наслат ва «Раббим, алар мени кичикликда тарбия қилганларидек, уларга раҳм қилгин», деб айт».

Бу амр Аллоҳнинг қатъий ва ўзгармас буйруғи. Бу буйруқни бажариш ихтиёрий эмас, балки ҳар бир банданинг бурчи. «Уфф» сўзига боғлиқ икки маъно бор: 1. Ота-онага ёмон сўз айтиб, беҳурмат қилмаслик. Мисол учун: ота-она иш буюрганда «уфф, тинч қўймас экансиз-да», ёки «уфф, шу гапларингиз ҳам жонимга тегди» ёки «уфф, сизга ҳеч гап тушунтириб бўлмас экан-да» каби норизоликни ифода этишни Яратган сизу бизга ман этипти. Айниқса, келиннинг олдида шу қилиқни қилманг. Бирон-бир масалада отангиз ёки онангиз ноҳақ бўлишлари мумкин. Ҳақлигингизга ишонтириш учун улар билан узоқ баҳслашманг. Айниқса, келиннинг олдида гап талашманг, «Ада, сиз буни тушунмайсиз», деганга ўхшаш гапларни сира тилингизга олманг. 2. Ишдан чарчаб қайтингиз, ёки кўнглингиз бир нимадан ғаш. Ўзингизча «уфф» деб қўйдингиз. Билмайсизки, шу «уфф»ингиз билан ота-онангиз қалбини тилиб юбордингиз. Уларнинг «Болам оғир синовга тушибди», деб озорланганларини англамадингиз. Энди улар кунлаб, балки ойлаб кўзларингизга термилиб, паришонлик булутининг кўтарилишини кутадилар. Сиз ўзингизга учраган пашшадай ташвишни биргина «уфф» билан фил ҳолатида катталаштириб, ота-онангизга узатдингиз. Демак, сиз ота-онангизни ташвишингизга шерик қилмаслигингиз керак экан. Фарзанд ота-онанинг ҳузuriда ўзини қанчалик хокисор тутса, шунча яхши. Буни келинга албатта тушунтириб қўйишингиз шарт. Агар келин уйида бу болада яхши тарбия олган бўлса, нур аъло нур, унга битта гапингиз кифоя. Агар бу ҳикматдан бебаҳра бўлса, қайта-қайта насиҳат қилишингиз лозим. Насиҳат таъсир этмаса, қаттиқ талаб қилишингизга тўғри келади.

* * *

Аллоҳ буюрадики, «...ниманики хайр-эҳсон қилсангизлар ота-она, қариндошлар, етимлар, мискинлар ва мусофирларга қилингизлар». Эҳсонга лойиқлар орасида ота-она бекорга биринчи зикр қилинаётгани йўқ. Кишининг ўзидан кейинги ҳақдори ота-онаси бўлади. Ота-онасини муҳтож қўйиб, улардан бошқаларга эҳсон қилишдан нима фойда бор? Кишлоқлардан бирида бу воқеага гувоҳ бўлган эдим. Биродаримизникида меҳмонда эдим. Қўшниси эҳсонга таклиф этди. Чикдик. Жуда кўп меҳмон айтилган экан. Биз ҳовлида, тут дарахти соясидаги сўридан жой олдик. Рўпарамизда ошхона, унинг ёнида бир пастак хужра бор эди. Агар ўша хужрадан хаста овоз чиқмаса, унда одам яшашига ишонмас эдим. Ўша хужрага кўп тикилаётганимни сезган биродарим «У ерда соҳиби эҳсоннинг волидалари яшайди, бир оз хасталар», деб изоҳ берди. Мен «Меҳмонларга жой ҳозирлаш учун каттароқ уйдан бу хужрага вақтинчалик олиб чиқилгандир», деган ўйда эдим. Аммо эҳсон якунига етгунича ҳам биров у хужрадан хабар олмади. Бир пиёла иссиқ чой ёки бир бурда иссиқ нон олиб кирмади. Шундан сўнг биродаримдан: «Доим шу уйда яшайдиларми?» – деб сўрашга мажбур бўлдим. Биродарим қўшнисининг сирини очаётганидан хижолат бўлибми, аста «ҳа», деб қўя қолди, бошқа изоҳ бермади. Бошқачароқ изоҳга ҳожат ҳам йўқ эди. Бу тез-тез учрайдиган воқеа эмас. Мен ҳам ваҳима қилмоқчи эмасман. Лекин бу даҳшатдан (ҳа, айнан “даҳшат”, айнан “ёвузлик” дейман)

кўз юма олмайман. Ақлни лол қолдирадиган даражада эҳсон дастурхонларига меҳмонларни чорлаганлари ҳолда оталари ёки оналарига ўзларининг эски кийимларини кийинтириб қўядиганлар озми ё кўпми?

Шу воқеага гувоҳ бўлгач, бир шарафли ҳадисни эсладим, сиз ҳам танишинг: Бир одам Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳузурларига келиб:

– Ё, Расулуллоҳ! Онам жўда кексайиб, боладек бўлиб қолди. Гўдакларга ўхшаган ишларни қилади. Ўрнидан тура олмайди. Унга ўз қўлим билан овқат бераман. Сувни ҳам ўз қўлим билан ичираман. Таҳоратига ёрдам бераман, сўнгра сажжодага (намоз ўқиш, сажда қилиш жойи) опичиб олиб бораман. Айтган ерларига кўтариб бораман. Ё, Расулуллоҳ! Онамнинг ҳақини ўтай олдимми, рози қила олдимми ё йўқми? – деб сўради.

Севикли Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Волидангнинг ҳақини юздан бирини ҳам ўтай олмагансан”, – дедилар. У одам: “Нега, ё, Расулуллоҳ?! Мен онамнинг бир айтганларини сира икки қилмай бажараман”, – деди. Шунда Пайғамбаримиз алайҳиссалом унга дедилар:

– Онанг “Ўғлим ўсиб-улғайсин, буюк одам бўлсин, умри узун бўлсин”, деб хизмат қилиб, сени опичиб юрарди. Онангга хизмат қилаётганингда хаёлингдан “Қачон ўлади, ўлса – қутулардим”, деган фикр ўтади. Бу икки хизмат орасида тоғдек, Ер билан осмончалик фарқ бор. Онанг сени боққанида “Ўғлим қачон улғайиб катта бўлади?” – дерди. Сен эса: “Онам қачон ўларкин?” – дейсан. Сизларнинг бу ниятларингиз ўртасида катта фарқнинг яна бир жиҳати бор: Сен онангга ҳар қанча хизмат қилсанг ҳам, унинг ҳақини адо эта олмайсан. Буни яхшилаб билиб ол. Ҳеч бир фарзанд ота ва она ҳақини тўла ўтай олмайди. Шунини яхши билгинки, онангга хизмат қилсанг, Жаноби Ҳақ сенга буюк савоблар беради. Ота ва онанинг розилигини олган, ризосига ноил бўлган одам Жаноби Ҳақ ризосига ноил бўлади, розилигини олади.

Бир биродаримиз кўзида ёш билан айтиб эди: отаси хаста экан. Катта акаси ақиқа маросимига тайёрланаётган экан. Бизда бунақа одат кўп учрайди. «Отам (ёки онам) кўриб қолсинлар», деб тўй ёки бошқа маросимни тезлатамиз. Бу, албатта, яхши ният. Аммо бу ният ортида “отам (ёки онам) ўлса, тўйим қолиб кетади (ёки тўйга атаганларим азага ишлатилиб кетадими)” деган ҳадик ҳам бўлади, буни яширмайлик. Хуллас, биродаримизнинг акаси ақиқа дастурхонига олинажак неъматларни рўйхат қилиб ўтирганида хаста ота «Қуюлтирилган ширин сут ҳам олиб келгин», деб илтимос қилибди. Шунда нодон ўғил ўйламай-нетмай «Бунақа сут ҳозир отликқа йўқ, қаердан топаман», дебди. Хаста ота индамабди. Ўша пайтда бу нарсанинг топилиши чиндан ҳам қийин эди. Аммо ўғил отанинг кўнгли учун «албатта топамиз», деса кифоя эди. «Худонинг марҳаматини қарангки, – дейди биродаримиз, – акамнинг бу гапларидан ранжиб турганимда бир дўстим дадамни йўқлаб, иккита нон билан ўша сўралган ширин сутдан олиб келди. «Мана, дада, сўраганингиз, очиб берайми?» деб сўрадим. Дадам банкани қўлларига олиб, худди гўдак бошини силагандай силадилар-да, «кейин очасан», дедилар. Ақиқадан сўнг дадам ҳушларини йўқотдилар ва кўп ўтмай бу фоний дунёни тарк этдилар. Аёллар дадам истаган қуюлтирилган ширин сутни очиб, ширинликлар пишириб, маърака дастурхонига қўйдилар...»

Шунга ўхшаган воқеалар оз бўлса ҳам учраб турадики, ундан кўз юммоқлик мусулмон боласига хос эмас. Ота-оналарини иззат қилувчиларни ҳаётда кўп учратамиз ва бундан кўнгишларимиз шодланади. «Менинг фарзандларим ҳам шундай солиҳ бўлсин», деб ният қиламиз. Ният қилишимиз яхши, аммо шу-

нинг ўзи кифоя эмас. Фарзанднинг олийжаноб, фазилатли бўлиши фақат унинг насл-насабига ҳам тааллуқли бўлиб қолмайди.

Айрим ёшларни кузатаман, ота-онанинг розилигини олиш масаласига анча енгил қарайдилар. Биз ота ва онамизнинг сўнгги нафаслари чиқиши олдидан розилик сўрашга одатланиб қолганмиз. Баъзилар “Отам (ёки онам) тўсатдан жон бердилар, розилик сўролмай қолдим”, деб афсусланадилар. Розилик сўраш учун сўнгги нафасни кутиш шарт эмас. Ҳар куни, ҳар дақиқада ота ва онага яхши хизмат қилиниб ва улардан “Раҳмат, болажоним”, деган гапни эшитишнинг ўзи кифоя. Уларнинг шодликлари ризолик аломатидир.

Саодат асрида Алқама исмли бир диндор йигит яшар эди. Намозини тўла ўқирди, мухтожларга садақа берарди. Саломатлиги ёмонлашаётганини сезиб, хотинини Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳузурига юборди.

– Ё, Расулulloҳ! Эрим сўнгги нафасини олаётганга ўхшайди, унинг оғир аҳволини Сизга билдирмоқ учун келдим, – деди у хотин.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳазрати Билол, ҳазрати Али, ҳазрати Солмон Форсий ва Амморларга: “Боринглар-да, Алқамани кўриб келинглар”, деб буюрдилар. Улар боришди-да: “Ла илаҳа иллаллоҳ”, денг”, дейишди. Алқама ҳарчанд уринса-да, калимаи тавҳидни айта олмади, тили тутилиб, гўлдираб қолди. Касалнинг ўлими яқинлашганини сезиб, ҳазрати Билолни Расулulloҳ (с.а.в.) ҳузурига юбордилар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом воқеадан хабар топгач, “Онаси ва отаси ҳаётмилар?” – деб сўрадилар. Ҳазрати Билол: “Отаси вафот этган, онаси ҳаётлар”, – деб жавоб бердилар.

– Алқаманинг онаси ҳузурига бориб, мендан салом айт. Кела олса, ҳузуримга ташриф буюрсинлар. Кела олмасалар, ўзим бораман, – дедилар Расулulloҳ (с.а.в.).

Ҳазрати Билол бу гапни кампирга етказдилар. Кампир “Расулulloҳнинг йўлларида юз жоним фидо бўлсин, ҳузурларига ўзим бораман”, деб шошганича йўлга тушди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом уни кутиб олиб, сўрадилар:

– Менга тўғриси айтасан, ёлғон гапирсанг, менга Аллоҳдан ваҳий келадими: Алқаманинг аҳволи қандай?

– Ўғлим кўп намоз ўқийди. Кўп хайр-эхсон қилади. Берган садақаларининг ҳадди-ҳисоби йўқ.

– Сен билан муносабати қандай? Сенга ҳалол ва холис хизмат қиладими, оқсутингни оқладими? Менга шундан гапир, – дедилар Расулulloҳ (с.а.в.).

– Ё Расулulloҳ, тўғриси айтсам: мен ундан ич-ичимдан хафаман.

– Нега хафасан? Сабабини айт.

– Хотинини мендан афзал кўради. Фақат унинг сўзига кулоқ солади.

Бу гап айтилгач, масала ойдин бўлди:

– Онаси Алқамадан хафа бўлгани учун у калимаи шаҳодатни айта олмаган, тили тутилган, – дедилар Расулulloҳ (с.а.в.). – Эй Билол, чиқиб ўтин тўпла, Алқамани ўзим ёқаман!

Бу гапни эшитиб кампир титраб кетди.

– Ё, Расулulloҳ! Ўғлимни, кўнглим мевасини ёқмоқчимисиз? Бу азобга юрагим қандай чидайди?!

– Аллоҳнинг Қиёматдаги азоби бундан зўрроқ ва давомлироқдир. Ўғлингга ҳаққингни ҳалол этмасанг, узоқ вақт оловда ёнади. Агар рози бўлмасанг, унинг намозлари ҳам, садақалари ҳам фойда бермайди.

– Ё, Расулulloҳ! Алқамадан рози бўлдим. Ҳаққимни ҳалол этдим!

Хотин шундай хитоб қилгач, Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳазрати Билол-

га: “Бор, Алқама энди калима келтира олганмикин?” – деб буюрдилар. Ҳазрати Билол бориб, Алқаманинг тили айланганини, шаҳодат калимасини айтганини сездилар. Алқаманинг жони шу пайтда узилди. Пайғамбаримиз уни ғусл эттириб, дафн қилишни буюрдилар. Ўзлари жаноза намозини ўқидилар ва қабр бошида асҳобга қарата дедилар:

– Эй асҳобим! Ҳар ким хотинининг сўзи билан онасини ранжитса, хотинини онасидан устун қўйса, ул одамга Аллоҳнинг лаънати бўлади. Унинг фарз ва нафл намозлари қабул бўлмайди. Ул одамнинг борар ери Жаҳаннамдир!

Мазкур ҳадисга алоҳида шарҳ лозим эмас, барчаси аниқ ва тушунарли. Мазкур ривоятда баён қилинган ҳикмат фақат куёвтўралар учун эмас, келинпошшалар, қайнотажонлар, қайнонажонлар, шунингдек, яқин йилларда куёвлик ва келинлик сарполарини кийувчи фарзандлар учун ҳам ибратдир.

* * *

Тўрт нарса қайтиб келмайди: оғиздан чиққан сафсата, бошдан ўтган фалокат, мўлжал томон отилган ўқ, умрдан ўтган кунлар...

*

Эй ўғлим, ишларингда фақат олимлар билан маслаҳатлашгин. Олим жоҳилни билади. Чунки у аввал жоҳил эди. Жоҳил олимни танимайди, чунки у олим бўлмади... Олимлар билан ҳамсухбат бўл. Донишманднинг ҳикматли сўзларига қулоқ сол, яхшилаб эшит. Зеро, Аллоҳ мўл ёмғир билан ўлик тупроқни яшнатгани каби ҳикмат нури ила ўлик қалбни тирилтирур.

*

Кераксиз ҳою ҳаваслардан сақлангин. Кераксиз орзуга етаман, деб қарздор бўлиб қолмагин. Қарздор бўлиб қолсанг, кундузи зулматда юрасан, кечаси ғам ичида тўлғонасан. Тирикчилик учун ёнингда ҳамиша пул бўлсин. Мабодо бўлмаса, муҳтож эканингни бошқаларга сездирмаслигинг – сенинг бойлигингдир. Очкўзликдан сақлангин, очкўзлик – камбағалликдир.

*

Яхшилик қилган яхшилик топади, сукут сақлаган саломатликка эришади, ширин сўзлаган фойда кўради, ёмон гапирган гуноҳкор бўлади, тилига ҳоким бўлмаган пушаймон ейди.

*

Эй ўғлим, хулқи ёмон хотинлардан эҳтиёт бўл. Чунки улар сени барвақт қаритади. Уларнинг ёмонлигидан сақлан. Зеро, улар яхшилик келтирмайди (*Луқмони Ҳаким*).

* * *

Тўйдан кейин мустақил ҳаёт кечиришга уринишингиз табиий ва ҳатто олқишга сазовор. Лекин бу жараён сиз ўйлаганчалик тез кечмайди. Мустақил ҳаёт кечириш учун пул топишининг ўзи кифоя эмас. Агар “Пул топяпман, мустақил ҳаёт кечираман”, деб ота-онангиз насиҳатларидан, маслаҳатларидан воз кечсангиз, катта хато қиласиз ва кейин пушаймонда қоласиз. Мендан кўпчилик турли масалаларда маслаҳат сўрайди. Ақлим етганича жавоб бераман. Лекин шундай ҳолатларга дуч келаманки, етмиш ёшимда ҳам дадамнинг маслаҳатла-

рини қўмсайман. Бошқаларда ҳам шундай ҳолат юз берса керак, деб ўйлайман. Йиллар ўтиб пушаймон бўлмаслигингиз учун энг майда масалаларда ҳам дадангиз билан маслаҳатлашинг. “Бу масалаларга дадамнинг ақллари етмайди”, деган фикрни миянгиздан қувиб чиқаринг. Американинг машҳур ёзувчиси Марк Твен: “Ўн беш ёшимда отам аҳмоқ эди, йигирма беш ёшимда ўйлаб қарасам, ўзим аҳмоқ бўлган эканман”, деб ёзган экан. Бу борада сизга ибрат бўлсин учун, тадқиқотчиларнинг кузатувларидан юзага келган ярим ҳазил, ярим чин хулосани баён қилай:

5 ёшда: Отам ҳамма нарсани биладилар.

10 ёшда: Отам кўп нарсани биладилар.

15 ёшда: Мен ҳам отамчалик биламан.

20 ёшда: Тўғриси айтсам, отам ҳеч нарсани билмайдилар.

30 ёшда: Ҳар ҳолда отам унча-бунча нарсани биладилар.

40 ёшда: Отамнинг бу масаладаги фикрларини билсам ёмон бўлмасди.

50 ёшда: Отам ҳамма нарсани биладилар.

60 ёшда: Қанийди отам тирик бўлганларида шу масаладаги маслаҳатларини олардим...

* * *

“Хотин билан маслаҳатлаш-у, айтганининг тескарисини қил”, деган гапларни ҳам эшитиб қоламиз. Бунга қўшимча равишда “Хотинлардан ақлли гап чиқмайди”, дегувчиларга қарата “Нодонсизлар, азизлар”, десам ранжимасинлар. Энг ёмони – бунақа бемаъни насихатларни сиз каби ёш куёвларга кўп айтишади. Сиз ақлли йигитсиз, куёвтўра, бунақа гапларни қулоққа олаверманг. Хотинлар орасида ҳам ақлли, доно маслаҳат берувчилар кўп. Эркаклар орасида эса бемаъни маслаҳатлар берадиган нодонлар ундан-да кўп. Шу боис кимнинг маслаҳати ўринли, кимники ноўрин – ўз ақлингиз, ўз тажрибангиз тарозисида ажратиб оласиз. “Одамларни телба қилган хотинлар беҳисоб, аммо телбани одам қиладиган хотинлар ҳам бор”, деган ҳикмат бекорга айтилмаган. Француз адиби Анатоль Франсининг: “Аёл эркак зотининг буюк мураббийсидир”, деган гапи баъзилар учун баландпарвоз, ҳатто нотўғри туюлиши мумкин. Лекин бу гапда ҳақиқат ҳам мавжуд.

Ҳар бир эркак каттами ё кичикми бир иш қилишда, албатта, хотини билан маслаҳатлашади. Сизнинг ҳаётингизда ҳам худди шундай бўлади. Келинпошша ғоят доно бўлсалар-да, маслаҳатларини дарров амалга оширишга шошилманг. Бу масаладаги онангизнинг фикрларини билинг. Агар қайнона-келиннинг маслаҳатларида қарама-қаршилик бўлса, масалани ҳал қилишни орқага суринг ёки ўрта йўл топишга уриниб кўринг. Сабр қилинг. Онангиз ноҳақ бўлсалар, фикрлари ўзгаришини кутинг. “Ойи, келинингиз тўғри айтяпти, шу-шу нарсаларни бугун олиб қўйишимиз керак”, дея кўрманг. Хотинингиз маслаҳатини ўз шахсий фикрингиз кўринишида билдилинг.

Унутманг: қайноналар жуда зийрак бўлишади. У ёки бу фикр сиздан чиққанми ё келинданми – юздан саксон ҳолда сезиб туришади. Гапингиз оҳангиданми ёки кўзларингизга қараб сезишадими – Худо билади.

* * *

Куёвтўра, тўйингиз қандай ўтди? Шодлик-хуррамлик, тотувлик ва тинчлик билан ўтган бўлса, шукрлар қиламиз. Уриш-жанжал билан ўтган бўлса-чи? Қайсидир тўйда ёш дўстларимиздан бири: “Тўй бошланганига икки соатдан ошди, аммо қизимаяпти”, деб кулимсиради. Сўнг пичингнинг маъносини изоҳлади:

“Бу жойларда муштлашиш бўлмаса, тўй зерикарли ўтган ҳисобланади”. Тўй зерикарли ўтмаслиги учун дастурхонга ароқ-коньяклар қўйилади. Айрим ёшлар ота-оналарининг хоҳишларига қарши ўларок, дастурхонга маст қилувчи ичимликлар қўйдирмаяптилар. Бундайларнинг ақлига балли деймиз. Лекин қаршилик қилиш у ёқда турсин, ўзлари никоҳ базмида тўйиб ичиб, чимилдиққа маст ҳолда кирувчилар ҳам бор. Эндиги сўзим ана шундай куёвларга аталган. Бир оз оғирроқ тарзда баён қиламан, малол олмасинлар.

Аввали шуки, илгари ошна-оғайниларингиз билан ичиб юрган бўлсангиз ҳам, энди нафсингизни тийинг. Агар туғилажак фарзандларингизнинг соғлом бўлишини, ўзингиздан соғлом зурриёт қолишини истасангиз, ичкиликдан дарҳол тўхтанг. “Тўй куни ича кўрманг”, демайман. Ичишни тўйдан камида 40 кун олдин тўхтатинг. Агар нафсингизни тия олмасангиз, ароқ ичган кунингиздан бошлаб 40 кун давомида хотинингизга яқинлашманг. Ярим пиёла эмас, бир култум ичган бўлсангиз ҳам яқинлашманг. Ўша бир култум ҳаром ичкилик қонингизда 40 кун давомида сақланиб туради.

Энди бу аянчли воқеаларга диққат қилинг:

Майхўр бир одам маст бўлиб олиб, сийдиги билан аввал қўлини, кейин юзини юва бошлади. Ундан: «Нима қиялпсан?» – деб сўрадилар. «Покланияпман», – деб жавоб берди у.

Бошқа бир майхўрнинг дудокларини ит ялай бошлади. Маст одам итга: «Эй жанобим, сен мени сийлаяпсан, Худо сени сийласин!» – деб тумшуғидан ўпди. Ит орқа оёғини кўтарди-да, мастнинг юзига қараб “чоптир”ди. Маст итнинг бу иши учун ҳам ташаккур айтди.

Бу икки воқеага ишонмагандирсиз ёки латифа ўрнида қабул қилгандирсиз. Эҳтимол лофдир? Нима бўлганида ҳам, маст одамнинг ҳаракатларини диққат билан кузатсангиз, бундан баттар ҳолатларга гувоҳ бўлишингиз мумкин. «Мастлик – ростлик», деб бежиз айтмаганлар. Менимча, «Мастлик – аҳмоқлик!» Мастлик инсоннинг ақлини олиб қўяди ва уни ўзлигидан, яъни инсонликдан узоқлаштирадиган аянчли бир ҳолга келтиради. Ит мастнинг юзига “чоптираётганда” у аҳмоқ одам юзимни бир меҳрибон ювяпти, деб роҳатланди. Мастларнинг бадбўй оғизларидан қандай уят сўзлар чиқишини билмайдиган одам йўқ. Маст ака-укалар бир-бирларини «онангни...»лаб сўқишяпти. Ё, алҳазар! Ўз оналарини-я? Қайси аҳмоқдан бундан баттарроқ аҳмоқлик кутиш мумкин? Маст одам номус ва шарафини сақламайди, чунки ўша пайтда ақлидан айрилган бўлади. Мастлик қанча давом этса, аҳмоқлик ҳам шунча давом этади. Маст бундай пайтда нима қилаётганини билмайди. Номус, ор, шараф каби қадриятлар қушдек учиб кетади-ю, қайтиб келиб қўнмайди. Қанча номусли қиз-жувонларнинг номуси мастликда булғанди. Бундай чиркин хатарларни эшитиб-кўриб юраверамиз.

Ичкилик заҳарли илон кабидир. Бир чакса – ўлдиради. Яхшиликка олиб келмайди. Шунинг учун ичкиликнинг барча турлари ҳаром – манъ қилинган. Майхўрларнинг аксари Қиёматда жаҳаннамга боражакларини, ёниб, кул бўлажакларини билсалар ҳам, ўзларини тийиб ололмайдилар. Бу қандай нодонлик? Балки «касаллик» дерсиз? У ҳолда нима учун жигари оғриган инсон даволаниш чорасини излайди, ҳаракат қилади-ю, майхўр нафсини енгил чорасини қидирмайди? Ажаб, ичкиликни чақиб ўлдирадиган илонга ўхшатдим-у, айтиш чокда ўйланиб қолдим: илон аҳмоқлиги учун бировни чақмайди, жонини ҳимоя қилиш учун чақади. Майхўрликдан қайтмаётган одам эса ўз жонини авайлашни ўйламайди.

Ресторан қоровули ичкарига кириб қолган итни ушлаб олиб, ураётган экан. Бечора итнинг вангиллашини эшитиб, кўчадан ўтаётган бир одам эшикни очибди. Ит қоровулнинг қўлидан чиқиб қочибди. Шунда кўчадаги у киши дебди:

– Э биродар, сен итдан ранжима. Жониворнинг ақли йўқ, ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормай кириб қолган. Бизнинг эс-ҳушимиз жойида, шунинг учун бундай жойга кирмаймиз...

Куёвтўра, сиз эсли-хушилирдан бўлинг.

* * *

Ёмон одамларга яхши муомала қилиш балонинг олдини олади.

* * *

Ўғилларим, набираларим ва яқинларимга бирон томчи шароб ичиб, хотинларига яқинлашишларини манъ этдим. Зеро, шаробнинг таъсирида бунёдга келган фарзанд насл-насабининг бузилишига таъсир этгай, дебон шу покиза йўлни тутдим (*Амир Темури*).

* * *

Одамнинг камчилигини, айбини атрофидагилар тез сезади, баъзи ҳолларда “Дўст ачитиб гапиради”, деганларидай, танбеҳ беради. “Менга қолса, баттар бўлмайдами!” дегувчилар ҳам топилади. Энг яхшиси, ақлли одам ўзининг юриш-туришини, гап-сўзларини ўзи кузатишни ўрганиши керак. Сиз ҳеч ўзингизни четдан туриб кузатганмисиз? Масалан, бир даврада едингиз-ичдингиз, ўйнаб-кулдингиз, кечки пайт уйга қайтганда “Тўғри ўтириб, тўғри гапирдимми, бошқаларга масхара бўлмадимми?” деб ўзингизни тергайсизми? Бу саволга жавоб ўйлагунингизча мен бир аламдийда аёлнинг газетага ёзган мактубини ўзимдан бирор сўз қўшмай баён қилай, ўқиб, тўғри хулоса чиқариш сизнинг зиммангизда, камина бу ўринда четдан туриб кузатувчи мақомидаман.

“Турмуш ўртоғим ўз роҳатлари, маишатлари билан бандлар. Туриб-туриб жаҳлим чиқади. Эркакларга қандай яхши! Улар эркин куш, ҳеч ким билан ҳисоблашиб ўтиришмайди. Ҳафтада бир, ҳатто икки-уч қўлбола палов. Танишбилишлариникида тўй бўлса, икки-уч кунлаб қолиб кетаверадилар. Ойига жўралари билан икки марта “гап” ўйнашади. “Гап”ларининг номи – “Жумалик”. Барча ибодат қилиб, покланадиган жума куни оқшомдан бошлаб, бўкиб ичишади, бақириб, бир-бирларини сўкишади. Булар ҳам камлик қилиб, шаҳардаги маишатларига қаноат қилмай, ёз ойлари шаҳар ташқарисига чиқиб, “ҳаво алмаштириб” келадилар. Ҳаво алмаштиришса майлию, ўйнаш алмаштиришмасикин, деган гумонда сиқилиб кетаман.

Оила-чи? Оила билан мутлақо ишлари йўқ. Нима бору нима йўқ, кимга нима керак – ҳаёлларига ҳам келмайди. Рўзғорга қарамайдилар. Мен ва болаларим ўзимизни ўзимиз эплаб, боқишга мажбурмиз. Бир-икки бор қайнонамга ҳасратимни очдим. Парво ҳам қилмадилар. Қайтанга аҳволимизнинг танглигидан ҳузур қилгандай: “Қўяверинг, эркак иши-да! Эр кўчанинг одами бўлади. Дадангиз ҳам ёшликларида шунақа эдилар, уйга бирорта чўп кўтариб келмасдилар. Рўзғорнинг бутун ташвиши хотин бошимда менинг зиммамда эди. Аёл киши ҳамма нарсага чидаши керак. Бир кун ақли кириб, қуюлиб қолар”, – дедилар.

Ёши ўттиздан ўтган кап-катта одам қачон қуюларкинлар? Кун ора маст-

аласт келиб, ўринга таппа ташлайдилар. Хатто болаларни эркалашга, улар билан гаплашишга ҳам тоқатлари йўқ. Масаланинг нима эканини тушуниб ҳам кўрмай, қайнонамнинг чаққан гаплари асосида жанжал бошлаб юборадилар, ҳақоратлайдилар, баъзан урадилар. Тинчим йўқолиб, ҳаётдан тўйиб ҳам кетдим. Ўзимни бир нарса қилиб, ҳаммасидан биратўла қутулай дейман-у, болаларимни кўзим қиймайди...”

Куёвтўра, Худога шукр, сиз бундайлардан эмассиз. Лекин бу баён сизга бегона ҳам эмас. Қариндошларингиз, қўшилларингиз, айниқса дўстларингиз орасида шунақалари бордир. Бор бўлса, уларни бу хато йўлдан қайтаришга уриниб кўринг. Уринишингиз зое кетса, хулқларида яхшиланишга ҳаракат сезилмаса, улардан узоқлашганингиз маъқул.

* * *

Уй жиҳозларини янгилашга доир масалаларда ёшлар билан кексалар орасида келишмовчиликлар кўп бўлади. Масалан, стулларнинг ранги кетиб қолган бўлса, сиз эътибор бермасангиз ҳам, келин янгисига алмаштиришни истайди. Ёки ошхонадаги газ плитаси ўрнига янгисини олишни талаб қилаверади. Пулингиз етса, бу таклифга бажонидил кўнаси. Лекин ота-онангиз рози бўлмайди. Кексалар стуллар бутун, эски газ плитаси ишлаб турган бўлса янгисини олишга ҳожат йўқ, бутун нарсани алмаштириш исрофгарчилик, деб ҳисоблашади. Агар уларнинг норозилигини инобатга олмай, янги буюмларни сотиб олсангиз, онангиз келинни айблаёди. Сиздан эса “Фақат хотинининг гапига киради”, деб норози бўлади. Шу ишингиз учун сиз икки айбни икки елкангизга оласиз. Бир хонадондаги ҳаловатсизлик сабабини менга айтиб беришган эди. Эр хотини билан бамаслаҳат, ота-онаси билан бемаслаҳат ошхонадаги газ плитасини алмаштирган. Ота газ плитаси сотиб олинганидан эмас, бу иш бемаслаҳат бўлганидан ғазабланиб, ўғилга бир-икки аччиқ гап гапирган. Орадан кунлар ўтиб, келин қайнона билан суҳбат чоғида: “Адажон ўғлингиздан бекорга ранжидилар. Эски газплита бугун бўлмаса, эртага бузиларди. Уришиш ўрнига “Ўзинг пул топиб олибсан, баракалла”, деб дуо қилсалар яхши эди”, дейди. Келиннинг гапида жон бор. Бўлар иш бўлган, ғазабланишдан фойда йўқ. Дуо қила туриб, “Шу ишни қилишдан олдин бир оғиз сўрасанг янада яхши бўларди”, деб танбеҳ бериш билан чекланиш мумкин эди. Келиннинг гапида жон бўлиш баробарида унинг қайнонага айтиши нотўғри эди. Бунақа гапларни қайноналар хуш кўрмайдилар. Жанжални бошлаб юбормасалар ҳам, “Жуда-а ақлли бўлиб кетибсизми?” деган пичинг билан “узиб олишлари” ҳеч гапмас. Баёндаги ҳолатда эса қайнона жанжал ҳам қилмаган, пичинг ўқи ҳам отмаган, ундан баттарини қилган: келиннинг юмшоқ оҳангда айтган гапини эрига ўзгача тарзда етқизган. Яъни, қуённи типратиканга айлантириб берган. Оқибат қандай бўлганини айтишим ортиқча.

* * *

Аёл оқилаю эр ишбилармон,
Демак, кундан-кунга обод хонадон (*Хисрав Деҳлавий*).

* * *

“Эркакларнинг камолоти шуки, ким ота-онасига яхшилик қилса, силаи раҳм ришталарини боғласа, аҳли аёли ва фарзандлари билан ҳам хулқини яхши қилса, динини сақласа, молини ҳаромдан ислоҳ қилса, унинг ортиғидан ин-

фоқ-эхсон берса, тилини сақласа, ўз уйини лозим тутса, яъни ишидан вақтида келса, ўша эркакларнинг комилидир” (*Фузайл ибн Иёз*).

* * *

Ёши катталарни ҳурмат қилган киши улардан хайрли дуо олади. Дуо – бахт саройининг эшигини очувчи калитдир. Кичикларга шафқатли бўлган киши орадан йиллар ўтгач, улардан марҳамат кўради. Айниқса, кучдан қолиб, бахтиқаролик кунларидан нола чекаётганида ана шу шафқат ва марҳамат эшик қоқиб келади.

* * *

Ота қариб, кўзларини нур, белини қувват тарк этди. Ёлғиз ўғли шаҳарда ўқийман, деб кетганича деярлари хабар олмай қўйди. Аввал ўқиш баҳона эди, энди иш. Яхши ҳамки ота битта эшак боқиб қўйган экан. Бозор-ўчарга ва бошқа юмушларга шу эшак яраб турибди. Ота оғирини енгил қилаётган эшакнинг умрини узайтириб беришни Худодан сўраб, ҳар куни дуо қилади...

* * *

Аёл кишини изтиробларга қўйган ҳолда эркакни бахтли қилиш қийин.

* * *

Кимки аёл ҳуқуқини ҳимоя қилса, бола ҳуқуқини ҳам ҳимоя қилган бўлади. Бошқачароқ айтганда – у келажакни ҳам ҳимоя қилади (*Виктор Гюго, француз адаби*).

* * *

Уч нарса умрни узайтирар: кенг уй, яхши улов ва меҳрибон хотин (*Мақол*).

* * *

Ўзал фазилатли қизга уйланиш ҳар бир йигитнинг орзусидир. Айни чоқда яхши фазилатли йигит билан турмуш қуриш ҳар қандай қизнинг орзусидир. Яъни, ақлли хотинни орзу қилмиш эрнинг ўзи ҳам ақлли бўлмоғи шарт. Вафони талаб қилувчи эрнинг ўзи аввало вафоли бўлсин. Аллоҳ ҳар бир эркакка ўзига яраша қизни насиб этади. Диққат қилинг: ақлли одамга камдан-кам ҳолларда аҳмоқ хотин дуч келади. Чунки, ақлли йигит дуч келган қизга уйланавермайди. Фақат қош-кўзларига эмас, гап-сўзларига, одоб-ахлоқига эътибор беради. Эр-хотиннинг ақл-заковати, феъли, зеҳни-фаросати орасида кескин фарқ бўлмаса, уларнинг турмушлари яхши кечади. Бир-бирларини тушунишлари осон бўлади.

Қадим Арабистонда илму ҳикматда беназир Шан деган бир ҳаким «Ўзимга ўхшаган бирор билимдон қиз топилмагунича уйланмайман», деб аҳд қилган экан. Қайлиқ ахтариб мамлакатни кезиб чиқса ҳамки, ўзига муносиб ёр топа олмабди. Шу ниятда сарсон-саргардон юрган кезлари бир одам унга йўлда ҳамроҳ бўлибди. Шан ундан:

– Сиз мени кўтарасизми ё мен сизни кўтарайинми? – деб сўрабди.

– Ажаб бетамиз одам экансиз, – дебди ҳамроҳи аччиқланиб, – ўзим салламни зўрға кўтариб юрибману, сизни қанақасига кўтараман?

Шан индамабди. Бир оз йўл юрганларидан кейин барқ уриб яшнаб турган бир буғдойзорга етибдилар. Шан экинзорга қараб:

– Бу буғдойзорнинг донини еб бўлишдимикан? – деб ҳамроҳига қарабди.

– Жиннига ўхшайсиз-а! Бугдойи пишмаган, ўриб олинмай туриб қанақасига еб бўлади!

Шан яна индамабди. Яна бир оз юришгандан сўнг тобут кўтариб кетаётганларга йўлиқишибди.

– Бу одам ўлдимикан ё ҳали ҳам тирикмикан? – деб Шан ҳамроҳидан сўрабди.

Ҳамроҳининг баттар жаҳли чиқибди:

– Умрим бино бўлиб сизга ўхшаган аҳмоқни энди кўришим. Қабристонга кўтариб олиб кетилаётган ўликни тирикми ё ўликми, деб сўрашингиз ақлли одамнинг гапи эмас. Илтимос, энди гапирмай жим кетинг. Гапирсангиз кўнглим озиб кетяпти.

Шундай қилиб индамай юраверишибди. Манзилга етишгач, ҳалиги одам «Мусофирни меҳмон қилиб ҳам савоб олай, ҳам бояги қўполлигимни кўнглидан чиқарай», деб уйига таклиф қилибди. У одамнинг ҳусну малоҳатда, ақлу фаросатда тенгсиз қизи бор экан. У отасидан «Ҳамроҳингиз ким экан, йўлда нималарни гаплашиб келдингиз?» деб сўрабди.

– Эй қизим, бу сафар қип-қизил аҳмоққа рўпара келиб қолдим, – ота шундай деб бўлиб ўтган гапларни сўзлаб берибди.

– Унинг кўнглини оғритиб чакки қилибсиз, – дебди қиз. – Сизга айтган сўзлари унинг жуда катта ҳаким ва зўр билимдон эканидан далолат беряпти. Биринчи саволининг маъноси шу: «Йўлнинг захматини камайтириш учун сиз бирон нарса сўзлаб берасизми ё мен айтиб берайми?» «Бу ернинг ғалласини еб бўлишдимикин?» деб «Бу ғаллани эккан одам бирор судхўрдан қарздор бўлиши, унинг қистовидан тезроқ қутулиш мақсадида, бугдойни ўриши биланок тўғри бозорга бориб сотиши мумкин», деган маънони назарда тутган. Мулоҳаза қилиб кўрилса, бу ҳол экин пишишидан олдинроқ еб кетилгандай бўлади. Тобутдаги мурдани ўликми ё тирикми, деб сўраганининг маъноси шу: «Бу одам ўлганидан кейин ёдгорлик сифатида бирор фарзанд ёки шогирд қолдирдимикан, эслашга арзигулик бирор хайрли иш қилдимикин, ёхуд жоҳил ва фосиқлигидан, ўлиши биланок ҳамманинг эсидан чиқиб кетдимикин?» Сиз дарҳол унинг ҳузурига чиқиб, узр сўранг, айтган сўзларини шарҳлаб беринг. Акс ҳолда, у сизни аҳмоқ ва жоҳил деган қарорга келиши мумкин.

Шунда ота чиқиб, қизининг айтганларини билдирибди. Шан унинг шарҳини тинглаб бўлгач, сўрабди:

– Бу шарҳ сизнинг табиатингизга мутлақо ҳилоф. Яхшиси, бу сўзларни ким ўргатганини айтинг.

Қизнинг отаси ҳақиқатни айтишга мажбур бўлгач, Шан “Шунча йиллардан бери кидириб юрган гавҳаримни энди топдим!” деб суюниб кетибди. Отасининг розилиги билан қизни никоҳига олиб, муродига етибди.

Ривоятдан оладиган ибратингиз шуки, киши ўз ҳолига, даражасига қараб, ҳар жиҳатдан ўзига мос бўлган оиланинг қизига уйлангани маъқул. Ўзидан юқори даражадаги қизга уйланса, хотини отасининг ҳашамати ва дабдабасига мағрур бўлиб, эрни менсимай қолиши мумкин. Ифбатли, ҳаё-номусли хотин марғуб ва мақбулдир ва бу фазилати билан бахтга эришади. Аччиқ тилли, ҳаёсиз хотин эса фақат ўз эрининг эмас, балки халқнинг нафратига сазовор бўлади.

* * *

Яхши хотин – турмушга қўшар ҳусн (Мақол).

* * *

Кадрдон дўстларингиздан тўйдан сўнг узоқлашиб кетмайсиз – бу табиий ҳол. Бироқ дўстларингизнинг барчаси садоқатлими? Уларнинг орасида фахш ишлардан қайтмайдиганлари борми? Агар бор бўлса, ундан дарҳол узоқлашинг. Уйингизга келишига йўл қўйманг. Чунки бундайлар ўз дўстининг хотинига ола қарашдан ҳам тоймайди. Иложи бўлса, никоҳ базмида ўтирганингизда келинга: “Қаранг, хизмат қилиб юрганлар менинг дўстларим. Улар уйимда тез-тез меҳмон бўлиб туришарди, тўйдан кейин ҳам бу анъанани давом эттирамиз”, деб қўйинг, токи, келин меҳмон кутишга биринчи кундан шай бўлсин. Кўнглингизга ёқмайдиган ўртоғингиз уйингизга келса, уни қувиб чиқаролмайсиз, шунинг учун келин унга кўринмагани дуруст, хизматни ўзингиз қилинг. Энг кадрдон дўстингиз сиз йўғингизда уйингизга келса, ичкарига таклиф қилмаслик лозимлигини келинга биринчи куниеқ тайинлаб қўйинг. Қадим-қадимдан ота-боболаримиз бу одатга риоя қилиб яшаганлар.

Менга қашқадарёлик ёш олим йигитнинг оиласини барбод қилган бир воқеани сўзлаб беришди. Қашқадарёдан келиб Тошкентда яшаётган бу оиланинг бузилишига олим укамизнинг оила хусусидаги тушунчаси етарли бўлмагани, эрнинг вазифаси, бурчи, масъулиятини лозим даражада ҳис қилмаслиги сабаб бўлган. Икки хонали уйда дўстининг ҳам яшашини хотини маъқулламаган. Натижада эр-хотин орасида низо чиққан. Мазкур ҳолатда хотин ҳақ, эр эса ноҳақ. Бу масалага сиз қандай қарайсиз? Агар эр ҳақ, десангиз, ота-онангиз ёки ёши улугъ тажрибали одамлар билан бу ҳақда фикрлашиб кўринг.

* * *

Уламо билан суҳбатда бўл ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпин. Буларнинг ҳимматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуо-фотиҳа беришларини илтимос қил (*Амир Темур*).

* * *

Куёвтўра, улфатчилик яхши нарсаси. Лекин кўп нохушликлар, ҳатто жиноятлар улфатлар даврасида бош кўтарди. Болаликдан бирга катта бўлганларнинг ҳам гапи-гапига тўғри келмай қолади. Ишхонада, қариндошлар ва қўшнилар орасида ҳам ёмонлар бор. Уларнинг айримларини биласиз ва улардан эҳтиёт бўласиз. Айримлари эса ёмонлигини яшириб юргани учун ғафлатда қоласиз. Ишхонадаги ёмонга яқинлашмаслигингиз, уни уйга таклиф қилмаслигингиз мумкин. Бунинг учун сизни биров маломат қилмайди. Лекин қариндошлар орасидаги ароқхўр, ғийбатчи, фитначи, жанжалкаш, гапуқмаслардан қандай қилиб узоқлашиш мумкин? Бу ечилиши мушкул бўлган жуда оғир муаммо. Улфатлар орасида ҳам ичқора ёки ғаркўзлар учрайди. Уйингизга келса, кўзлари “олма-кесак теради”, хизмат қилиб юрган аёлларга суқ билан тикилишдан тийилмайди ва ғашингизни келтиради, тили бемаъни гаплардан, ҳатто сўкинишдан бўшамай, нафратингизни оширади. Унинг бу ёмон қилиғини бошқа улфатлар ҳам билишади, лекин “Улфатга гард юқмасин”, деган ўйда индашмайди. Агар бу дўст яхшиликка даъват қилинмаса, улфатга гард юқиш нима экан, бирон фожиага сабаб бўлади. Шунинг учун бошқалар индамаса ҳам, сиз уни яхшиликка бошлашга уриниб кўринг, зора қолган дўстларингиз ҳам сизни қўллаб-қувватлашса-ю, ёмон биродарингизга Худо инсоф берса. Агар қайта-қайта уринишларингиз самара бермаса, у ёмонингиз инсофга кирмаса, демак, улфатдан чиқариш керак.

Бордур ямон элга ҳамнишинлиғда зарар,
Хуррамлик аро ранжу хазинлиғда зарар,
Касб этма шарр аҳлидин қаринлиғда зарар –
Ким, келди ямонларга яқинлиғда зарар.

(Ёмонларга яқинлашиш зарарлидир. Бундайлар тоифаси билан улфатчиликда зарар бордир. Шодликда ҳам, мусибатда ҳам улар зарардир. Ёмонларга яқинликни касб қилмагинки, бу зарардир. Зеро, нақл борки, ёмонларга яқинлашиш зарарлидир.)

Ёмонлик уруғи кўпроқ ёшлик даврида экилади. Ёмонликка асир бўлишнинг сабаби – нафсга асир бўлишдир. Зулм нақадар шарафсиз бўлса, унга қарши кураш шу қадар шарафлидир. Дунё саодати яхши, хайрли инсонлар билан қоимдир. Ёмонлар дунёни одамлар учун зиндон қилади. “Ёмоннинг уйига яқинлашма. Ундан бирон нарса сўрашни хаёлингдан ўтказма. Шундай қилсанг, мард бўлиб яшайсан. Золимга яқинлашсанг, номард бўлиб ўласан”, дейдилар. Шу ҳикмат ёдингиздан кўтарилмасин.

Кишининг қалби, онги жанг майдонига ўхшайди. Бу майдонга эга чиқиш учун яхшилик ва ёмонлик, шафқат ва зулм тинмай жанг қилади. Бу жангда иймон қуввати билан қувватланган томонгина ғолиб чиқади. Саҳобалардан бирининг айтишича, иймон қалбда оқ нукта бўлиб кўринади. Иймон қуввати ошса, оқлик ҳам зиёдлашади. Агар банданинг иймони тўла комил бўлса, қалб ҳам тўла оқаради. Нифоқ қалбда қора нукта бўлиб кўринади. Нифоқ кўпайган сари қоралик зиёдлашади. Қачонки нифоқ тўла бўлса, қалб ҳам тўла қораяди. Киши қалби қорая бошлаган кунидан эътиборан ҳар турдаги ёмонликларга банди бўлаверади. “Ёмон нарсасига қарасанг – кўнглинг қораяди” дейилиши балки шундандир. Бўри оч қолдими, ҳар қандай ёвузликни қилгани каби, қалб қорайса, ҳар қандай ёмонликни қилаверади. Фоний дунё яхшилар ва ёмонлар орасидаги муҳориба майдонидир. Ёмонларнинг ғалаба қозонишига йўл қўйиб берилса, олами фалокат босади. Балки Қиёмат ёмонлик яхшилик устидан мутлақ ғалаба қозонган кун бошланар?

Яхши ахлоқ гоҳ табиий – туғма, гоҳ яхши феълларга одатланиш туфайли, гоҳида яхши феълли кишиларни кўриб, уларга яқин бўлиш натижасида ҳосил бўлади. Буларнинг барчаси одамийлик камолотига етакловчи фазилатлардир. Кимки табиатан разил, пасткаш бўлса, камига ёмонлар билан ошно тутиниб, улардан ёмонликни ўрганса ва ёмонликка одатланса, одамийлик фазилатларидан ғоятда узоқ бўлади.

Афлотун ҳаким: “Агар бир кишини кўрсатиб: “Шуни ўлдирасан ёки ўзинг ўласан”, десалар, “Мен ўзимнинг ўлимимни афзал биламан”, дейишни маъқул кўрганлар. Киши дунёда худди соқчи каби яшайди. Ёмонликдан кўз юмса, ёмонлик вужудини эгаллаб, унинг ўзини маҳв этади. Золимлар мазлумларнинг манфаатларини ўйламайдилар. Ҳар киши золимлардан узоқ туриши, уларнинг чиройли гапларига алданмаслиги лозим.

Лукмони Ҳаким дедиларки: “Ёмонлик ўтини ёмонлик ўчиради”, деган одамлар бекор айтибдилар. Икки ўт ёқиб кўринг, улар бир-бирини сўндиради-ми? Ёмонлик ўтини фақат яхшилик ўчиради.

*Ким ёмонликка айласа рағбат,
Неча турли балолар кўргай”.*

Лукмони Ҳаким бир бойга хизматга ёлландилар. Бой унга “Ерга бугдой уруғи сочгил”, деб буюрди. Лукмони Ҳаким бугдой ўрнига арпа сочдилар. Буни кўрган бой ғазабланиб:

– Мен сенга буғдой сочгил, деган эдим, нега арпа сочдинг? – деди.

– Арпа сочсам, буғдой унмайдими? – дедилар Лукмони Ҳаким маънодор оҳангда.

– Эсинг борми, ҳеч вақт арпадан буғдой унадими? – деб янада ғазабланди.

– Ундай бўлса, нега сиз доимо халққа ёмонлик қиласиз-у, яна Аллоҳ таолодан яхшилик умид қиласиз. Яхшилик қилсангиз яхшилик, ёмонлик қилсангиз, албатта ёмонлик қайтади. Арпадан буғдой унмагани каби, халққа озор бериб, яна яхшилик умид қилманг, – дедилар Лукмони Ҳаким.

Халқимиздаги: “Буғдой эксанг, буғдой ўрасан, арпа эксанг, арпа ўрасан”, деган мақол шу ҳикматдан қувват олган бўлса керак.

Юсуф Хос Ҳожиб айтдилар: “Ёмонлик оғудир, бу оғуни ема, оғу еган киши тирикликдан баҳраманд бўла олмайди. Ёмон бўлма, номингни ёмонлик билан чиқарма.

*Оловким, халойиқни куйдиргуси,
Ўчирмоқдан ўзга топилмас илож”.*

Бир одамнинг умри ёмонлик қилиш учун жуда кўп, яхшилик қилиш учун эса жуда оз. Умр бўйи ёмон ишлар билан машғул бўлиб, халқни ранжитадиган одамнинг номи инсонийлик дафтарига ёзилмайди. Қаршилик кўрсатилмаган ёмонлик эса қаршилик кўрсатиб бўлмас даражага етади. Уч хил одам эришиш мумкин бўлмаган уч нарсага эришишни орзу қилади: гуноҳ иш қилиб юрганлар – савобни; ёмонлик қилаётганлар – яхшилик қайтишини; умрини фосиқлик ва дилозорлик билан кечирганлар – жаннатни. Шу боис аҳли дониш деди: “Ёмонлар билан ўлтирмагинки, гарчи ўзинг пок бўлсанг-да, ёмон суҳбат сени ифлос қилар. Куёш қанчалар буюк бўлса-да, кичкина булут парчаси ҳам уни тўсади”.

“Қутадғу билиг”да ажиб маънолар бор:

Эзгунинг (яхшининг) ҳар бир иши чиройли, ҳар бир қадами гўзал. Эзгу асло қаримайди. Ёмон юзга кирса ҳам эзгу бўла олмайди. Ёши кичик ёмон ўкинч билан қарийди. Узун ёшли эзгу эса севинчда юради. Эзгу ҳар куни янгидан-янги тилак-мақсадларга эришаверади. Ёмонларнинг эса кундан-кунга мунг ва алами ортади.

Ёмонлар икки тоифадир: бирлари ўжар, қайсар ва ярамас бўлиб, уларнинг қилмиш–қидирмишлари тубанликдан иборат.

*Оқ сут билан кирса қайси бир қилиқ,
Ўлим тугамагунча ўзгармас йўриқ.
Мижозга қўшилиб келаркан одат,
Уни буза олур бир ўлим фақат.
Бир удум яралса қоринда агар,
Қора ер қаърига кирганда кетар.*

Иккинчи тоифа эзгуларга қўшилгудай бўлса, ўз рафторларини ўзгартириши, тубан ва ярамас хулқ-атвордан воз кечиб, эзгуликка юз беришлари ҳам мумкин. Бунинг учун эса яхшиларнинг мадади даркор.

*Ёмонга қўшилса, кўр, эзгу билиб,
Йўлини ростлагай ёмон ҳам кўриб.*

Эзгулик – қимматбаҳо гавҳар, асл ипак ва тоза шоҳи мисоли – у доимо баланд қадрланади. Доимий эъзозда бўлади. Ёмонлик эса қадрсиз нарсдай гап. У доимо оёқ остида қолиб кетаверади.

Эзгу эзгуликдан чекмагай фиғон,
 Ёмон ўз феълидан бўлар пушаймон.
 Ёмонлик қилганнинг улуши – ўкинч,
 Ёмонга яхши бўл, майли ҳар қачон.

Қайси эзгу ўз эзгулиги учун ўкинади? Номи чиққан ёмонлар ҳам охирида ўз ишларидан пушаймон қилади:

Бало, машаққатлар, ўкинч ва алам,
 Ёмонлар улуши бўлади, болам.

“Ёмонлик” ва “зулм”, “ёмон одам” ва “зулм қилувчи (ёки “зулмкор”)” сўзлари айри-айри бўлса-да, тилимизда маънодош сўзлар каби қўлланиб келинади. Биз “зулм” ўрнига кўпроқ “ёмон”ни ишлатамиз. Аслида “ёмон”нинг маъно жиҳатдан қамров доираси кенгрок, “зулм”ники торроқ. Қайси сўзни ишлатмайлик, бир маънони англаймиз. Қуръони карим ва бошқа китобларда ёмонлик “зулм” шаклида тилга олинади. Ҳар қандай адолатсизликнинг ҳар қандай кўриниши, жабр-ситам зулм доирасига киради. Бузуқ ахлоқнинг барча кўринишлари, хусусан, фирибгарлик, ёвузлик... ёмонлик доирасининг тобеларидир.

Бошқаларни ёмонликка йўллаган киши уларга энг катта хиёнат қилган бўлади. Кишининг золимга эргашгани – энг ёмон йўлга кирганидир. Ёмонлар қайсарлик билан кишиларни зулм сари етаклайди. Жаҳаннамга судрайди. Ёмонларни олқишлаганлар эса улар билан бирга лаънатланди. Одам боласи жон танасини тарк этмай туриб, ёмон одатларини тарк этишга улгуриши керак.

Не ишки ёмонлиғ ўлди таъсири анинг,
 Йўқ дарду надамдин ўзга тавфири анинг,
 Муқбил агар истар ўлса тадбири анинг,
 Иқболдурур кишига таъхири анинг.

(Ёмонлик аралашган ҳар бир ишнинг натижаси надоматдан бошқа нарса эмас. Бахтли киши ёмонликка қарши тадбир қилмоқчи бўлса, ёмонликдан юз ўгириш, бахту иқболдир.)

Одамлар бир кишидан ўзларини олиб қочсалар, демак, ўша одамни ёмон деб бил. Аҳволида бадбахтлик бор деб билгин. Унинг феъли халойиқ жонига бало деб билгин. Олам элининг ёмонидан ҳам ёмон деб билгин... Ким ёмонлар билан умрини жаҳолатда ўтказса, унинг учун узун умр кўришлик ётдир. Яна ажалнинг шахмат тахтасида мот бўлиши ҳам бор. Золимнинг жон бериши ҳам уқубатдир.

Юқар ёмонлиғ ангаким, кирар ёмон эл аро,
 Кўмур аро илик урған қилур илкини қаро.

(Ёмонлар ичига кирган одамга ёмонлик юқади, чунки кўмирга қўл текизган одамнинг қўли қора бўлади.)

Ким кинавар ўлса, иста ондин қочмоқ,
 Невчунки, зарурдир ямондин қочмоқ,
 Эр ўғлига нафси кинарондин қочмоқ,
 Нафъдурким, шери жаёндин қочмоқ (Алишер Навоий).

(Ким бадфеъл бўлса, ундан қочиш йўлини ўйлагин, негаки, ёмондан қочмоқ зарурдир. Эр кишига нафси бузуқдан узоқ юриш даҳшатли шердан қочгандан яхшидир.)

* * *

Яхшиларга яхшилик қилдим. Ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга муруват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим (*Амир Темур*).

* * *

Эр учун ҳам, хотин учун ҳам қадр-қийматли бўлиш энг муҳим ҳиссий эҳтиёждир. Агар эр хотинига қадрли эканини ҳис қилдира олса, у чинакамига севилганига ишонади. Юз йиллардан бери эрлар дунёсида давом этиб келаётган аёлни назарга илмаслик иллоти мавжуд. Эрлар катта ишларни ўзлари бажарганликлари учун кичикроқ ишларни бажарувчи аёлларга бир оз менсимай қарашади. Аслида эса, ўша кичикроқ кўринган ишлар бажарилмаса, катта ишларнинг йўли тамоман тўсилиб қолиши эҳтимоли бор. Ҳаётни бир қуш деб тасаввур қилайлик: унинг қанотлари эр бўлса, бўйни – хотин. Қанотлари бўлмаган қуш уча олмаганидек, бўйни синган қуш ҳам яшай олмайди. Кўп ҳам керак бўлмайдиганга ўхшаган бўйиндан қушнинг ҳаёт томири ўтади. Аммо эрлар бунинг фаҳмига бормай, жон томирга аҳамият бермай, бўйинга паст назар билан қарайдилар, хор ва бечора сифатида кўрадилар, оқибатда бўйин керакли пайтда ўчини олади. Оқибат эса: қанотлар ҳам бахтсиз, бўйин ҳам бахтсиз.

Баъзи нодон эрлар хотинга эътиборсизлигини ҳаддан ошириб юборадилар. “Хотиним менинг қадримга етмайди”, деб нолувчи эр ўйлаб кўрсин-чи, ўзи хотинини қадрлармикин? Қадр – тенглик асосида бўлади. Бир томон кўпроқ қадрланиб, иккинчи томон хорланмайди. Бир аёл менга шикоят қилган эди: “Эрим менга эътибор бермайди, телевизор, оромкурси, юмшоқ дивани мендан ҳам қадрлироқ. Унга хотин бўлганимдан кўра, қўлидан туширмайдиган телевизор пулти бўлсам ҳам майли эди”.

Кувётўра, хотинингиз ҳаёлидан шундай фикрлар ўтмайдими?

* * *

Дили бузук, ўзгаларнинг покдомон ва ифбатли қиз-жувонларига кўз олайтирувчи нопок кишилар ҳақиқий разил ва ифлос кишилардир (*Муҳаммад Жавҳар Заминдор*).

* * *

Аллоҳ таоло сизларга хотинларга яхшилик қилишингизни буюрди... Огоҳ бўлинглар! Албатта, сизнинг хотинларингизда ҳаққингиз бордир ва хотинларингизнинг сизда ҳақлари бордир... Уларнинг сиздаги ҳақлари: уларнинг кийимларини ва таомларини яхшилаб қўйишингиздадир” (*Шарафли ҳадислардан*).

* * *

Кўзингизни бегона аёлларга қараш, уларнинг “чиройли” сувратини томоша қилиш каби ҳаром манзаралардан асрамоғингиз шарт! Бу каби нарсалар инсондаги шахват унсурини ғалаёнга келтиради, ақл чироғини сўндиради. Охиروқибатда эса ғазабга учрайдиганлардан бўлиб қоласиз. Бегона аёлнинг кўзингизга чиройли кўриниши ҳақиқат эмас, балки шайтон чизиб берган алдамчи сурат. Ўз хотинингизга яхшироқ қаранг. У сизни маҳлиё этган бегонадан минг марта гўзалроқ!

“Бегона аёлга назар ташлаш иблиснинг заҳарли ўқларидан биридир”, деган шарафли ҳадисни ҳазрати Алишер Навоий “Арбаин”да бундай ифода этганлар:

*Солма кўз, кимса бўлса номахрам,
Гарчи нафсинг топар наззорада суд.
Ки назарким ҳаром, шайтоннинг
Новакидур ва лек заҳролуд.*

Пок, мусаффо, этиқодли қалб эгаси бўлган инсон умри мобайнида ҳалоллик, поклик, чин инсонийлик эзгу ниятлари билан яшайди, демак, у ҳар қандай бебурд ишлардан, шахвоний ҳирсдан ўзини пок асрамоғи керак. Ҳадис мазмунига биноан, бегона аёлга қараш – унга нисбатан шахвоний ҳирс иштиёқини келтириб чиқаради, бу қаттиқ қораланиб, ҳаттоки, маълум даражада Аллоҳга ширк келтириш билан тенглаштирилади. Ўз ҳирсу иштиёқларини босолмаган бундай инсонлар лаънатланади, ўз жуфти ҳалолига хиёнат қилиш гуноҳларнинг энг оғири ҳисобланади. Шундай шахвоний ҳирсга берилган кишининг устидан шайтон ғолиб келгач, бу иш унга фақирлик келтиради, юздан нурни қочиради.

*Улким, иши бевақту маҳал бўлмағуси,
Ҳар иштаки, саъий этса ҳалал бўлмағуси,
Қонун билан кимгаким, амал бўлмағуси,
Ул қилмоғи жуз ранжу залал бўлмағуси (Алишер Навоий).*

(Киши вақти бемаҳал юрмаса, ҳар ишда ғайрат қилса ишига ҳеч нарса ҳалал бермайди. Кимки қонунга амал қилмаса, бу иши машаққату залолатдан бошқа нарса эмас.)

Бегона аёлга ҳирс билан қараш “Кўз зиноси”, дейилади. Дўстингизнинг хотинига, амакингизнинг келинига (ёки бошқа жувонга) бундай қарашдан тийилинг. Тасаввур қилингки, сизнинг хотинингизга ёки синглингизга биров шундай суқ билан қараяпти. Жаҳлингиз чиқмайдими? Бу жаҳл кейин шубҳага, сўнг рашкка айланмайдими? Бир воқеага гувоҳ бўлган эдим: кекса ижодкор кучдан қолиб, бир котибага муҳтожлик сезаётганини каминага айтиб, ёрдам сўради. Ёзув машинкасида беҳато кўчирадиган ҳаёли аёлни тавсия қилдим. Хушрўйгина бу аёл ижодкорнинг кўнглига ёқиб қолибди. Сирли қарашлардан кейин дил изҳори сўзга кўчган. Котиба уни яқинига йўлатмаса ҳам, у одамнинг хотини эридаги ўзгаришларни сезиб, рашк қила бошлаган. Сўнг жанжал кўтарган. Котибани ҳақоратлаб, ҳайдаб юборган. Бу ҳам етмагандай, таҳририятга бориб, беайб аёлни шарманда қилган. Атрофдагилар унинг аҳмақона даъволарини ростми ё ёлғонми, деб суриштириб ўтиришармиди? Дарров миш-миш тарқаб, бир ёлғонга ўн ёлғон қўшилиб, покиза аёлнинг эри қулоғига етиб борган-у, оқибатда оила бузилган. Номаҳрам назарини тиёлмаган одамнинг оиласи ҳам бузилган. Қаранг, биргина кўз зиноси неча одамнинг, айниқса гўдакларнинг бахтига зомин бўлди. Сизга маслаҳатим, қайсидир латофатли аёлга қарагингиз келса, атрофингизда шундай қараш қурбонлари бўлган бахтсиз оилалар борлигини эслаб қўйинг. Ҳирс аҳлига фақат ниш санчилади. Бу ниш бағридан ҳеч айрилмайди. Бу ҳалокатли эканини ҳеч ўйламайди. Ҳирс уни ҳалок этганини ҳам билмай қолади.

*Ҳирс ўлса қаноат ўтига ёқ ани,
Яъники, адам риштасига тоқ ани,
Не рахнаки ҳирс айлагай боқ ани,
Маҳкам қилғай магарки туфроқ ани (Алишер Навоий).*

(Ҳирс пайдо бўлса, уни қаноат ўти билан ёқиб юбор, яъни йўқлик уни билан

боғлаб қўй. Зеро, ҳирс солган (пайдо қилган) чуқурларни тупроқдан бўлак нарса беркитмайди.)

* * *

Харис одам кўр ва кардир. Ичида ғимирлаётган ҳирс уни кўр ва кар қилади. Шайтон эса ана шу ҳирсли кишини васвасага солиш учун пайт пойлайди. Ҳирсли одамнинг нафси истаётган нарса ҳаром, тақиқланган ва ёмон бўлишига қарамай, иблис унга ҳаммасини чиройли ва ёқимли қилиб кўрсатади. Шу тариқа у кишининг ақлидан ҳаром-ҳалол тушунчаси маҳв этилади. Сўнг у ҳирсли киши ҳар ёққа талпина бошлайди. Ҳамма нарсани қўлга киритмоқчи бўлаверади. Ҳикоя қилинишича, Нух алайҳиссалом Аллоҳнинг амрига кўра ҳар жонивордан бир жуфтдан олгач, кемага чиқадилар. Бир маҳал қарасалар, кеманинг бурчагида нотаниш чол ўтирган эмиш. Ундан: “Сени бу ерга ким чақирди?” – деб сўрадилар. Чол: “Ўзим чиқдим. Сенинг одамларингнинг қалбига васваса солиб, қалбларини ўзим билан, танларини эса сен билан қолдириш учун”, деди. Нух алайҳиссалом унинг шайтон эканини англаб: “Даф бўл, бу ердан! Аллоҳнинг душмани! Лаънати!” – дедилар. Шунда иблис бу сўзларни айтди: “Беш нарса борки, мен ўшалар билан инсонларни тўғри йўлдан чиқараман. Буларнинг фақатгина учтасини айтай сенга! Қолганини айтмайман”. Шу аснода Аллоҳ Нух алайҳиссаломга ваҳий юбориб, учтасига эҳтиёж йўқлиги, қолган иккисини айтишни талаб этмоқни билдирди. Нух алайҳиссалом: “Иккитасини айтмоғингни истайман”, дедилар. Шунда шайтон деди: “Иккитаси шундай нарсани, мени ҳеч ким ёлгончига чиқара олмайди. У икки нарса шундай хислатга эгаки, биров мени ташлаб кетолмайди. Шу икки нарса билан мен мўлжалга тўғри ураман. Шу икки нарса билан мен инсонларни ҳалок этаман. Ҳирс ва ҳасад! Ҳасад сабабли мен Аллоҳнинг лаънатига учрадим, қувғин бўлдим. Ҳирс масаласига келсак, жаннатда Одамга бир дарахтдан бошқа ҳар нарсани тоттишга изн берилган эди. Мен ҳирс ёрдамида ниятимга етдим – Одам ҳирс орқасидан тақиқланган мевага қараб борди” (Абу Ҳомид Ғаззолий).

* * *

Нозсиз хотин – ёлқинсиз ўтин (Мақол).

* * *

“Рўзгор зийнати – ўтин, уй зийнати – хотин”, “Бекасииз уйнинг баракаси йўқ”, деганларидек, сиз хотинни уй зийнати деб билинг. Ҳурматингиз ҳам шунга қараб бўлсин. Хотинни менсимасангиз, айниқса камбағалроқ оиладан бўлса, камситаверсангиз, ҳақоратдан тийилмасангиз уни арзимас матоҳга айлантириб қўйган бўласиз. Зийнат авайлаб-асралади, арзимас матоҳ эса ташлаб юборилади.

* * *

Эр яхши бўлса, хунук хотин ҳам гўзал бўлур (Мақол).

* * *

Аҳли аёлингизни ҳар турли давраларда сира мақтаманг. Айниқса, ота-онангиз ҳузурида мақташдан эҳтиёт бўлинг. Яхши хотинга эга эрларнинг айримлари баъзан хотинларини қариндошлар ёки дўстлар даврасида мақтаб қўядилар. Билмайдиларки, хотинни мақташ одобдан эмас, чунки одатда сотилгучи нарса мақталади. Бир янги уйланган йигит тақдиридан қувониб, мақтанибди:

– Амаки, келинингиз шундай назокатли, фаросатлики, сиз билмайсиз.

Амакиси жиянига насиҳат қилиб ўтирмай, оқшомда уйига меҳмон бўлиб боришни тайинлабди.

Жияни келгач, амаки хотинига тарвуз келтиришни буюрибди. Хотин олиб келибди. Амаки тарвузни кўриб: «Буниси яхши эмас, бошқасини олиб кел», дебди. Хотин итоат билан иккинчисини олиб келибди. Шу тарзда эрнинг хоҳишига қараб ўн марта бошқа тарвузга қатнабди. Аммо лом-мим демабди. Жиянинг таклифи билан эртасига амаки меҳмонга борибди. Жиян ҳам хотинига тарвуз келтиришни буюрибди. Биринчи тарвузни кўриб: «Бу яхши чиқмайди, бошқасини олиб кел», дебди. Жувон итоат билан иккинчи тарвузни олиб келибди. Жиян бундан мамнун бўлиб, амакисига «кўрдингизми!» дегандай кулиб қарабди-да, «бу ҳам бўлмайди, бошқасини олиб кел», дебди. Учинчи тарвузни ҳам бўлмайдига чиқариб қайтармоқчи бўлганида жувон:

– Нима, бир арава тарвуз тушириб қўйганмисиз, ҳали унисини, ҳали бунисини олиб кел, деяверасиз. Бор-йўғи учта тарвуз бор уйда, ёқмаса тулинг-да, яхшисини ўзингиз танлаб олинг. Мен танлашни билмайман! – деб норозилигини баён қилибди.

Шунда амаки жиянига деган экан:

– Кўрдингми, болагинам, сен кўпам мақтанавермагин. Менинг уйимда бир донагина тарвуз бор эди. Хотиним яхши феълли, фаросатли бўлгани учун менга эътироз билдирмай ўша битта тарвузни ўн марта олиб келди. Лекин бирон марта итоатсизлик билан гап қайтармади, лабини ҳам бурмади.

* * *

Бир шоир аёлларни масхаралаб шеър ёзган эди. Аёллар дарғазаб бўлиб подшоҳга арз қилдилар ва жазолашни талаб этдилар. Подшоҳ шоирни келтирди ва ўртага таёқларни қўйди-да: “Шоир таёқ билан урилсин. Фақат таёқда уришни орангиздаги энг хунук аёл бошлаб берсин”, деди. Аёлларнинг ҳеч бири таёққа қўл узатмай, шоир жазодан қутулиб қолган экан.

Сиз ҳам вақти-вақти билан аёлингизнинг чиройини ўзигагина мақтаб тулинг. Аммо ошириб юборманг. Хотиннинг пардоз-андозига қаршилиқ қилманг, аммо ошириб юборишига йўл ҳам қўйманг. Хуррабий дерки: “Икки нарсаси киши қўлида бўлса увол: гўзалликка мағрур бўлган кишига берилган ҳусн; иккинчиси – гўзаллик қадрини билмайдиган кишига тушиб қолган хотин”.

* * *

Қайсики оилада бадгумонлик ҳукм сураб экан, ҳаловатга ўрин қолмайди. Эр хотиндан, хотин эса эрдан гумон қилаверса, оилани мустаҳкам ушлаб турувчи меҳр ва муҳаббат юракларни тарк этади. “Мусулмонлардан гумонсираш, яъни бадгумон бўлишдан қочиш вожибдир, – деганлар Абу Ҳомид Ғаззолий ҳазратлари.– Қачон бўлмасин, бир одам иккинчисидан бадгумон бўлиб, айбларини ковлаштираётганини кўрсанг, билки, бу кишининг ичи қора ва кирдир. Унинг бундай ўтган-кетганнинг айбини ковлаштириши ўзидан атрофга ёйилаётган сассиқ ҳид ва ифлосликдан иборатдир. Шайтоннинг васвасаси шу иллат орқали бандани адаштиради”. Куёвтўра, сиз шайтонга бўйин эгувчи адашувчилардан бўлманг.

* * *

Талоқ сўзини мутлақо тилга олманг. Аввало талоқ нима эканини яхшилаб билиб олинг. “Уйингга кет!” деманг, зотан бу сўз замири талоқни англатади.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг: “Аллоҳ азза ва жаллага энг ёмон кўрилган ҳалол – талоқдир” (“Аллоҳ олдида энг ёмон мубоҳ – талоқдир”), “Талоқ тушганда Аллоҳ таолонинг арши ларзага келади”, деган муборак сўзларини ҳеч қачон унутманг.

* * *

Эр ҳеч қачон хотиржам пайтида хотинини талоқ қилмайди. Бу ёқимсиз сўз одатда ғазаб билан айтилади. Ғазаб ҳеч қачон одамга яхшилик келтирмаган. Ғазаб – бахт саройи йўлидаги шафқатсиз қароқчидир. Бу қароқчини енга олмаган кимса бахт саройига етишмоқликдан умидини узаверсин. Ғазаб – соҳибини ёндириб кул қилади, бошқаларга учқуни етади.

Ёшлар ғазаб отига минишганда албатта зулм қиличлари яланғочланади. Кўп йиллик дўстлар бир онда душманга айланадилар. Ғазабдан тийила олиш, яъни киши ўзини бошқара олиши ниҳоятда оғир иш. Лекин, ҳар қанча оғир бўлмасин, бу оғир ишни бажариш керак. Бу борада тавсиялар кўп: баъзилар киши ғазаблана бошлаганда юзгача қайта-қайта санаши керак, дейдилар. Баъзилар ғазаб кўзиганда ташқарига чиқиб кетишни маъқул кўрадилар. Баъзилар фикрни турли ҳаёллар билан чалғитиш лозим, деб ҳисоблайдилар. Бу масалада аниқ тавсия йўқ. Ҳар одам, ёшидан қатъи назар, қонини қайнатувчи ғазаб билан олишиб яшаши лозим.

“Паҳлавонлик кураш тушиб енгиш билан бўлмайди. Ғазаб чоғида ўз нафсини қўлга ола билган (ғазабини енгган) одамгина паҳлавондир”. Мазкур шарафли ҳадис “Арбаин”да шундай баён қилинади:

Эмас ул паҳлавонки ўз қадрин
Бош узра элтибон нигун қилғай.
Паҳлавон они билки, етса ғазаб,
Нафси амморани забун қилғай.

(Ўз қадрини боши узра кўтариб, кейин уни ерга урган киши паҳлавон эмас. Балки ёмонликка буюрувчи нафсини енгган кишини паҳлавон деб бил.)

Куёвтўра, бугун хотинингиз, азиз фарзандларингиз сизнинг ғазабингиздан кўрқишяпти. Сиз-чи? Сиз Худонинг ғазабидан кўрқмайсизми?

Табъ ичра эрур таҳаммуломизлиги,
Андин ортуқки ваҳшатангизлиги,
Жон қасди этар кимса ғазабрезлиги,
Алқисса, кишини ўлтурур тезлиги.

(Кишининг табиатидаги сабр-бардош, унинг ваҳшатлигидан яхшироқ. Киши ғазаби жонга қасд этиш саналса, унинг тезлиги одамни ҳалок қилади.)

Доим тилаган айшу тараб нохуштур,
Нўш айламаган ранжу тааб нохуштур,
Ёлғонға киши қилса ғазаб нохуштур,
Чиндин ғазаб этмагинг ажаб нохуштур (Алишер Навоий).

(Ҳамиша ўйин-кулгини тилаш ёқимсиздир. Ранжу алам топиб кўрмаган ҳам ёқимсиздир. Киши ёлғондан ғазаб қилса нохушдир, чиндан ғазаб қилса ажабланарлидир.)

* * *

Ғазаб бир онда ақлни ишдан чиқаради, яъни жаҳл келганда ақл кетади ва инсон тўғри гапни англаш қобилиятини йўқотади. Шундай пайтда шайтон вас-васалари билан ҳужумга ўтади. Инсон аччиқланганда, ёш бола копток ўйнаб ўтирганидай шайтон уни бемалол ўйинчоқ қилиб ўйнайди. Бир куни шайтондан сўрашибди: “Сен инсонларни қандай мағлуб этиб, йўлдан оздирасан?” Шайтон бундай жавоб берибди: “Мен инсон ғазабланганида ва ҳавойи нафсга берилганида унинг ёқасидан тутаман” (*Абу Ҳомид Ғаззолий*).

* * *

Миллатлар шарафини юқори мартабага кўтарадиган нарсa милёнлар ила саналмакда бўлган аскарлару дунёда энг буюк ва зўр бўлган кемалар эмас, балки... оиладир... Оила қурган киши кеманинг ичига тушган одамга ўхшайди. Кема денгиз ўртасига йўл олади. Ўғил-қизнинг туғилиши бу кемани бошқаришни қийинлаштиради (*Ризоуддин ибн Фаҳриддин*).

* * *

Яхши хотин олиб берсанг йигитга,
Минг куни бир кун бўлиб ўтар.
Ёмон хотин олиб берсанг йигитга,
Бир куни минг кун бўлиб ўтар (*Мақол*).

* * *

Биринчи фарзанд туғилгач, оилангиз ҳаётида кескин ўзгаришлар юз беради. Сиз бунга олдиндан тайёрланишингиз керак. Чақалоқни туғуруқхонадан тантана билан олиб келиш, зиёфатлар бериш билан олам гулистон эмас. Чақалоқ кечаси йиғлайверса, “Болангга қара!” деб бошқа хонага чиқиб ётманг. Фарзандни катта қилиш – азоб. Бу азоб юкининг тенг ярмини ўз зиммангизга олинг.

Донишмандлар: “Агар кишининг хонадони қирқ ёшга киргунича болалар қий-чуви билан тўлмаса, ваҳима билан тўлади”, деб бежиз айтишмаган. Оилангизда агар ҳаловат бўлмаса билингки, ўзаро муносабат фарзандлар туфайли мустаҳкамланади. Ҳатто айрим донишмандлар “Оила фарзанддан бошланади”, деб ҳисоблашган. Эрнинг бола парвариши, бола тарбиясидан ўзини олиб қочиши оилани мустаҳкамламайди, балки аксинча, барбод этишни тезлаштиради.

Чақалоғингиз бугун уйқунгизни бузаётган бўлса, орадан йиллар ўтиб, қариллик ёшига етганингизда сизга роҳат бахш этади. Бундай ҳузур-ҳаловатга етишмоқ учун гўдакдан қочмай, балки бағрингизга олиб ётинг.

* * *

Чақалоқларни йиғлатмангиз. Болаларга озор бермангиз – бу гуноҳи азим эрур. Бундай гуноҳни Аллоҳ ҳуш кўрмайди (*Амир Темур*).

* * *

Кавуш тор эса киймаган яхшидир,
Уруш бўлса уй, турмаган яхшидир.

*

Агар бўлса ёринг иноғу гўзал,
Муродингга етдинг – муродинг ўшал.

У бўлса ширин сўзли-ю, пок дил,
Уни ё хунук , ё гўзал демагил (*Саъдий Шерозий*).

* * *

“Ҳеч бир мўмин ўз хотинидан нафрат қилиши тўғри эмас. Зеро, хотинининг баъзи одат ва атвори унинг назарида ёмон кўринса ҳам, баъзи одатларидан рози бўлади. Бас, унинг ёмонликларини яхшиликларига бахшида этсин” (*Шарафли ҳадислардан*).

* * *

Ишдан қайтган эр ҳовли супурилмаганини кўрса, хотинига “Кун бўйи нима иш қилдинг”, деб танбеҳ беради. Бир одам ҳадеб маломат қилаверганидан кейин хотини кун бўйи ҳеч бир ишга қўл урмай, телевизор томоша қилиб, чарчаганда эса ухлаб кун ўтказибди. Ишдан қайтган эр уйини танимабди: худди яъжуж-маъжужлар босқини бўлгандек, ҳамма ёқ ивирсиган, нонуштадан кейинги дастурхон йиғиштирилмаган, кечки овқат пиширилмаган, кир ювилмаган, эрталаб ечиб кетган пайпоғи ҳали ҳам тўшак устида ётибди...

Эрнинг “Бу нимаси?” деган ғазабли саволига хотин: “Ҳар куни “Кечгача нима иш қиласан?” деб сўрардингиз. Нима ишлар қилишимни кўрсатишим учун бугун ҳеч қайси ишга қўл урмадим. Ўзингиз, кўриб, билиб олаверинг”, деб жавоб берибди.

Ҳа, баҳслашмайман, эр оила ташвишида ишлаб, хизматда толиқади. Лекин хотин ҳам уйда кечгача бўш ўтирмайди. Уй ишларини бажариш эрлар ўйлаганидек осон эмас. Ишлар хотинни жисмоний томондан чарчатса, қайнонанинг танбеҳлари руҳий томондан толиқтиради, ҳатто қақшатади. Эр шуларни ҳисобга олиши керак. Инсофли эр хотинига ёрдам беришга шошилса, онасининг норози қарашига учраб, тўхтаб қолади. Қизлик чоғида эркатой бўлганлар келинликнинг биринчи куниданоқ қийналишади. Бу ўтиш даврида эр унга ҳам жисмоний, ҳам руҳий томондан мадад бериб туриши керак. Она “Хотинингни талтайтирма!” – деса, “Ойижон, бу вақтинчалик ёрдам, эрта-индин ҳамма ишни ўзи эплаб кетади”, деган мазмунда ётиғи билан тушунтириш керак.

* * *

Ҳаловатли, бахтли оиланинг икки формуласи бор: хотин учун – “Битта гапдан қол”, эр учун “2+1”. Бу рақамларнинг маъноси: икки ширин сўз ва бир чиройли нигоҳ. Яъни, эрталаб, айниқса хизматга отланганингизда хотинга иккита (камида!) ширин сўз айтсангиз, қайтгач эса бир марта севги ва меҳр кўзи билан қарсангиз бас, ҳаётингиз ҳаловатини таъминлаган бўласиз. Қаранг, ечим қандай осон формула! Бу ечим юракни озиқлантиради.

* * *

Латифа: Бир одам китоб дўконига кириб сўради:

– Оиласида хотини билан курашиб енгиб чиққан эр ҳақида ёзилган китоб борми?

Дўкондор жавобни ҳаяллатмади:

– Рўпарангизда қатор терилиб турган эртақ китобларнинг ҳаммаси шу ҳақда...

* * *

Можаросиз, ташвишсиз оила йўқ. Ҳар бир оилани ўзига хос бир олам десак, икки оламда икки хил тарбия олиб улғайган икки жинс вакилининг тез орада тил топишиб кетиши осон эмас. Энг муҳими касалнинг олдини олиш, ҳеч бўлмаса, бошланиши билан муолажага киришиш. “Ҳа, энди бу шамоллашга ўхшаган нарса, икки марта аксирса, ўтиб кетади”, деб эътиборсиз бўлмаслик лозим. Муолажани, асосан, катталар олиб боришади, лекин сиздан ҳам чидам, фаоллик, кечиримлилик талаб этилади. Зарур пайтда таслим бўлмоқликдан уялмаслик керак.

Хотинингиз ёшлик қилибми ё фаросатсизлиги туфайлими, сизни қаттиқ ранжитди. Рўпарангизда икки йўл бор: уриш-сўкиш ёки индамай кетиш. Иккинчиси ютуқли йўл. Аёл дегани тез ёнади, ўчиши ҳам тез бўлади. Яхши тарбия олган, фаросатли бўлса, айбини тушунади, ҳатто кечирим сўрашни кечиктирмайди. Доно ота-оналар қизларига одоб ўргатиш жараёнида можарони енгил ҳал қилиш учун биринчи бўлиб кечирим сўрашга ўргатадилар. Сизнинг суюкли ёрингиз шундайлардандир.

Агар хотинингиз ғазаб отига минганида сиз унинг устига филда бостириб борсангиз, у алам тўппончаларидан ўқ узса, сиз замбаракни ўқласангиз, обод хонадонингиз жанг майдонига айланиб кетади. Ўқлар узилгач, руҳлар, ҳислар яралангач, мурасага ўрин қолмайди. Шунинг учун қиличнинг яланғочланишига, замбараклардан ўқ узилишига йўл қўйманг. Йўл қўйдингизми, кейин пуншаймондан фойда йўқ.

* * *

Аёл учун эрнинг эътибори севги ишорасидир. Хотин эрнинг эътиборига энг кўп ҳақли инсон. Унинг турмуш қуришига асосий сабаб, бир яхши эрнинг севгисига бўлган эҳтиёждир, бўлмаса, отасининг уйида оч қолаётгани йўқ эди. Эр хотиннинг қорнини қанчалик тўйдирса ҳам, севгисидан маҳрум қилса, оч қолдиради, деганидир.

Ўйлаб кўринг-чи, балоғатга етган, ота-онасига ардоқли, суюкли бир қизнинг ўз ошёнени ихтиёрий тарк этиб, сизнинг уйингизда яшай бошлашига нима мажбур қилди? Бу саволга жавоб топишингизга ёзувчи биродаримиз Аҳмад Муҳаммад тарбия мавзуидаги ҳикматларга бой асарлари билан ёрдам бердилар.

Жавоб мураккаб эмас, аксинча жуда оддий: файзли хонадонингиз остонасини хайрли келинсалом билан босиб ўтишидан мурод – “турмуш” деган улкан ва муаззам қасрни сиз билан биргаликда қурмоқчи, ҳаётнинг давомийлигини таъминламоқчи. Бу – Аллоҳнинг амри, Пайғамбар алайҳиссаломнинг кўрсатмаларига бўйсунган аёлнинг фидойилиги, садоқати нишонаси. У зиммасидаги бурчларини бажариш учун эри ва яқинларининг хизматига ҳозир у нозир. Бу йўлда ҳар қандай қийинчилик ва синовларга чидашга тайёр. Эри туфайли қайнота ва қайнонани ўз ота ва онасидан аълороқ севади ва ҳурмат қилади. Эрига эҳтироми сабабидан унинг ини-сингилларини иззат қилади.

Бу унинг мазлумалигидан ёки тили қисиклигидан эмас, балки оилага, эрига ишқи ва садоқатидандир. Эр бўлмаса, унинг учун бу хонадон ғамхонага, унинг ота-онасию яқинлари шунчаки ҳамхонага айланади. Эр бўлмаса, унга турмушнинг қизиғи қолмайди, ҳаётнинг маъниси кетади.

Ахлоқимизга кўра, эр – оиланинг раҳбари, унинг ҳамма томонига масъул

хисобланади. Аммо бу айримлар ўйлаганидек, “деганим – деган!” қабилада иш тутиш, оиланинг бошқа аъзоларига зулм ўтказиш ҳуқуқи берилган эмас.

* * *

Сабр ҳақида сўз очсак, бу фазилат кўпроқ қиз-жувонларга зийнат деб биламиз ва келинларни сабрли бўлишга чақирамиз. Эҳтимол мен янглишаётган дирман, лекин кузатишларимга қараганда, суюкли келинларимизга қараганда ардоқли куёвларимиз бесабрга ўхшайдилар. Гапимнинг исботи учун мисол керакми?

Баъзилар хизматдан уйга қайтганларида овқат тайёр бўлмаса, ғазабланиб, дунёни ағдар-тўнтар қилишга ҳам тайёр бўлиб қоладилар, тўғрими? Таомни вақтида ҳозирлашга улгурмаган аҳли аёлини ҳақоратлашдан, ҳатто дўппослашдан тоймайдилар. Қаноатсизликнинг энг олий даражаси шу ҳолда намоён бўлади. Чунки таом қозонда қайнаб турибди, узоғи билан ярим соатда пишиши аниқ. Ярим соатга қаноат қилолмайдиган одамнинг арзимаган туртки билан диндан чиқиб кетиши ҳеч гапмас. Дарвоқе, шундай деб ёзишга ёздиму, бироқ динда собит одам тоқатсиз бўлмайди, деган ҳақиқатни ёдга олдим. Шарафли ҳадисда «Инсонларни ҳайвонлардан юқори кўювчи тўрт нарсанинг бири – қаноат», деб санаб ўтилади. Бу фикрни инкор этмаган ҳолда баъзан ўйлаб қоламман: қаноат ҳайвонларда, масалан, итда ҳам бор-ку? Ҳайвонлардаги қаноат даражаси баъзан инсонникидан анча баланд бўлади-ку?

Ҳукамолардан Абу Зайд айтадилар: «Балхлик бир йигит менга: «Ўзларингизнинг зуҳди-тақволарингиз ҳақида гапириб беринг», деган эди, мен: “топ-сак – еймиз, топмасак – қаноат қиламиз», дедим. Шунда у дедики: «Бизда Балхнинг итлари шундай қилишади. Биз эсак топмасак – қаноат қиламиз, топ-сак ўзимиздан муҳтожроқларга берамиз».

*Қаноат маъданига оч кўзунг оч,
Тамаъ бўйи кўринмай, бўйидан қоч.*

Мазкур байтда ҳазрат Сўфий Оллоҳёр бу маънони айтмоқчилар: «Ҳамиша қаноат хазинасига кўз тикиб юргин. Тўқликда ҳам, очликда ҳам қаноатли бўл. Ғафлатда бўлма, кўзинг оч. Таманинг қиёфаси кўринмасдан олдин, унинг исини билгачок, ундан қоч».

Қаноат қилган кимса ҳамма нарсадан озод бўлади. Таажжубки, дунёпарастлар бойликни молдан қидирадилар. Ваҳоланки, у қаноатдадир. Роҳатни эса кўпдан қидирадилар. Аксинча, у оздадир. Ақлли одам фаҳм этмоғи шартки, қаноат унинг бошини юқори кўтаради, олий мақомга етказди, иззат ва шавкатга эга этади. Аммо тамагир одам дунёда хорлик ва ҳақоратдан холи бўлмайди. Қаноатли киши ўзининг ҳар бир сўзи ва ишида ҳалолдирки, шу боис ҳам Суқрот ҳаким: «Ҳою ҳавасни тарк айлаб, қаноатни ихтиёр этинг», деб васият қилганлар.

Кунлардан бир куни Салмон Форсий уйларига яқин дўстларидан Абу Зарр Гифорий келдилар. Дастурхон устига бир кўза сув ва бир неча бўлак қотган нон қўйилди. Нонни сувга ботириб еяётган меҳмон «Нон жуда мазали экан-у аммо тузи бир оз камроқ туюлди», дедилар. Шунда Салмон Форсий меҳмондан узр сўраб, кўзани олдилар-да, бозорга йўналдилар. Бозор яқин бўлгани сабабли, кўзани тузга алмаштириб, тезда уйларига қайтдилар. Энди сувга бўктирилган нонга туз сепиб едилар. Шунда меҳмон: «Аллоҳга шукр, бизни шунчалар

қаноатли қилиб яратибди», дедилар. Бу шукронани эшитиб, мезбон қўшимча қилдилар:

– Тўғри, Аллоҳга шукр қиламиз, лекин қаноатимиз янада кўпроқ бўлганида кўзани тузга алишмаган бўлардик...

Қаноатсиз одам ўзини ўзи идора эта олмайди. Қаноат – етишиш миқдориға ёки хазинада топилганига ризо бўлиш, дегани экан, бу хотинлар учун ҳам, эрлар учун ҳам энг гўзал бир сифатдир. Етишур миқдориға ризо бўлмаган кимса сандиқ тўла хазинаси бўлса-да, ҳаргиз қаноат қилмас. Шунга кўра, қаноатсизлик – одам боласидаги бир ёмон хасталиқдир, дейиш ҳам мумкин. Юқорида айтганимдек, қаноатсизлик хасталигига мубтало бўлган кимса охиратнинг тўғри йўлидан бир четга чиқиб, кўп вақт адашиб қолади ва турмушнинг турли машаққатларига дучор бўлаверади. Қаноатсиз кишининг талаби кўп ва кўзи очлиги чексиз бўлганидан муродини ҳосил қилиш учун турлича ёлғон сўзлар ила маддоҳлик қилади.

Масал бор: бир қаноатсиз сайёд (овчи) тулкини кўриб қолди-ю унинг юнгига ҳаваси келди. Жониворни тутиб, терисини шилишни, қиммат баҳога сотишни орзу қилди ва унинг инини излаб топди. Инга яқин ерда чуқур қазиб, устини ҳашак билан беркитиб, тепасига бир бўлак гўшт ҳам ташлаб қўйди. Тулки инидан чиқиб гўштни кўрди. Чоҳга яқинлашди-ю, қорни оч бўлса-да, гўштга чанг солишга шошилмади.

– Бу гўшт димоғимни хушбўй қилса ҳам, лекин ундан бало иси келиб турибди. Донишмандлар хавф-хатарли ишни қилмайдилар, оқиллар фитнага сабаб бўладиган ишга киришмайдилар. Бу ҳашак устига бекорга гўшт қўйилмагандир, ҳар ҳолда шу гўштан умид узганим афзал.

Тулки шу қарорга келиб, чоҳни четлаб ўтиб кетди.

Шамол гўшт исини шу атрофда юрган оч йўлбарс димоғига етказди. Йўлбарс гўштни тездагина адашмай топди, ўйлаб ҳам ўтирмай ҳашак устига оёқ қўйди-ю чоҳга кулади. Сайёд шовқинни эшитиб «чоҳга тулки тушди», деган гумон билан югуриб келди-ю пастга қарашга ҳам қаноат қилмай, ўзини чуқурга ташлади.

Кувётўра, бу воқеа хусусида фикр қилиб кўринг: ким қайси фазилати туфайли омон қолди-ю, ким қайси иллоти туфайли ҳалок бўлди?

Оилада келишмовчилик чиқса ёки жанжаллар бошланса, шубҳасиз, отангиз томонларни сабрга чақирадилар. Онангиз “Сабр косам тўлиб-тошди”, деб нолийди. Отангизнинг гаплари сизга ҳам малол келар бўлса, бу ҳикматни эсланг:

Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом ўғилларини қурбон қилишга ҳозирланар эканлар, ҳазрати Исмоил алайҳиссалом дедилар:

– Эй отажон! Сизга амр қилинган нарсани бажаринг. Иншааллоҳ, менинг сабр қилувчилардан эканлигимни кўрасиз. Пичокни яхши қайранг, ҳамон бўғзимни кессинки, жон бериш қулай бўлсин. Пичокни тортаётганда юзимга қараманг. Балки оталик шафқати билан ишни чўзиб юборишингиз мумкин.

Шу воқеада барчаларимизга ибрат бўларли ҳам ота, ҳам фарзандга хос сабрнинг улуг намунасини кўрамиз. Бу ибратга қувват бўлувчи ҳикмат билан ҳам танишинг:

Форс мамлакатидан икки йигит Чин мамлакати томон сафарга чиқдилар. Бири қаноатли эди ва бири бориға қаноат қилмайдиган тамагир эди. Улар бирга йўлдош бўлиб кетар эдилар. Йўлда бир тошга дуч келдилар. Тошнинг ярми ердан ташқарида, ярми эса ернинг ичида эди. У тошда шундай ёзув бор эди:

“Кимки шу тошни ердан чиқариб айлантирса, шундай битикни кўради: яъни шу вилоятда бир вайрона бор. Унинг остида хазина бор. Кимки ҳаракат қилса, шу хазинага эришади. Лекин ҳар кимда сабру қаноат бўлса, шунинг ўзи шу бойликдан яхшироқ”, дейилган эди. Тамагир буни ўқиғач, бесаранжом бўлиб, тама тошлари ура кетди. Хазина умидида тирноқлари билан ерни таталаб, тошнинг тагини қазий бошлади. Қаноатли йигит эса хазинага доир хабарга парво қилмай, йўлида давом этди. Ўзига дедики: “Агар Тангри кимгаки эҳсон қилса, хазина тошни ёриб чиқади”. Кечаси билан йўл юриб, тонг отганда бир шаҳарга етиб келди. Шаҳарга кирувчиларнинг энг биринчиси эди. Дарвозага халқ тўпланган эди. Бу ернинг одати шу эдики, шоҳ агар оламдан ўтса, бу ишни элдан яшириб турар эдилар. Кимки шаҳарга биринчи бўлиб кириб келса, ўшани шоҳнинг тахтига ўтирғизиб, бошига тож кийғизиб, қўлига узук тақар эдилар. У йигитни ҳам шундай қилиб, шу мамлакатнинг подшоҳи қилиб кўтардилар. Ҳалиги тамагир эса, тошни ковлаш учун қолган эди. Машаққат билан тошнинг теварагини ковлаб, ағдариб кўрган эди, шундай ёзувни кўрди: “Хомтама бу дунёда машаққатга қолади”.

Бирини қаноат подшоҳ қилди, бирисини тама хароб қилди.

Куёвтўра, сиз бу ҳикматдан ибрат олинг-у, қаноат мамлакатига подшоҳ бўлиб, бахтли умр кўринг.

* * *

Тухм (уруғ) ерга тушуб чечак бўлди,
Курт жондин кечиб, ипак бўлди.
Лола тухмича ғайратинг йўқму?!
Пилла куртича ҳимматинг йўқму?! (Алишер Навоий).

Кимга иқбол ёр бўлса, қаёққа юз бурса, ҳиммати унинг йўлдошидир. Ҳиммат дури фахр тожининг гавҳаридир, кишининг ҳиммати, унинг йўлбошчисидир... Ҳиммат элининг хулқдан либоси, осмон атласидан ҳам буюк мартабаси бор. Ҳиммати баланд одам бебаҳодир. Агар ҳиммати қанча кам бўлса, қиймати ҳам шунча бўлади.

* * *

Очлик ва қийинчилик фитнаси билан имтиҳон қилиндингиз, сабр этдингиз. Мўл-кўлчилик фитнаси билан ҳам синаласизлар. Мен сизларнинг аёллар фитнасига учрашингиздан кўпроқ хавотирдаман (Муоз ибн Жабал).

* * *

Хотиннинг эрдаги ҳақлари: эр овқатланганда хотинини ҳам овқатлантириши, ўзи янги кийим кийса, хотинга ҳам янги кийим олиб безантириши, юзига урмаслиги, ҳақорат қилиб сўкмаслиги, аразлаганда узоққа кетиб эмас, фақат бўлак ётишлигидир (Шарафли ҳадислардан).

* * *

Хотининг яхши бўлса, ёқанг оқарар,
Хотининг ёмон бўлса – соқолинг оқарар (Мақол).

* * *

Хотинга бақириш, сўкиш, калтаклаш... Бири иккинчисидан баттар иллатлар. Бақириш ва сўкишни кечириш осонроқ. Калтаклашнинг оқибати эса оила-

нинг бузилишига, ҳатто жиноий жавобгарликка қадар боради. Хотинни калтаклаб ўлдириш ёки калтакланиш ва ҳўрликларга чидолмаган хотиннинг ўз жонига қасд қилиши дунё бўйича кенг тарқалган жиноятлардан саналади. Хотин гарчи ўзини ўлдирган бўлса-да, бу қотилликда эр айбланади. Бу иллатлардан Аллоҳнинг ўзи асрасин! Онасига баъзан бақириб юборадиганлар бор, лекин сўкмайди, урмайди. Бундай фарзандлар оқ бўлмасликлари учун бақиршидан ҳам тийилсинлар. Опаси ёки синглисига бақирадиган, сўкадиган ҳатто урадиганлар ҳам ҳаётда учраб туради. Бу гуноҳдан тўхташ керак. Бу гуноҳни опа ёки сингил кечирмагунича Аллоҳ кечирмайди. Хотинига ҳақсиз азият етказадиган эр бу дунё жазосига тортилишидан ташқари жаҳаннамда азобли, оташли жойга тушади. Хотиннинг эрига хизмат қилиши одамийлик вазифаси бўлгани каби, эрнинг хотин ҳаққини адо этиши ҳам оддий гап эмас, балки Аллоҳнинг бир амридир. Фузулий ҳазратлари: “Эркак севган аёлини ранжитиб қўйишдан сақланмоғи лозим. Атиргулни ҳидлаш мумкин, аммо оёқости қилиб бўлмайди”, деб ёзганлар. “Хотинларнинг ҳақларига риоя этингиз. Улар билан меҳр-шафқат ила муомалада бўлингиз. Уларнинг ҳақлари хусусида Аллоҳдан кўрқингиз. Зеро, улар сизнинг ёрдамчиларингиз ва сизнинг мададингизга муҳтождирлар. Хотинлар сизларга Парвардигорингизнинг омонатидир”. Кўёвтўра, сиз Пайғамбаримиз алайҳисаломнинг видолашув хутбаларида айтилган бу пурҳикмат гапларни сира-сира унутманг.

Турли баҳоналар билан уйдаги хотинига азият етказадиган, бегуноҳ хотини, болаларининг онаси, уйини саришта этувчини қийнаган, мол-мулкни эҳтиётловчига қўл кўтарган, азоб берадиган виждон, инсоф нималигини билмаган жоҳил эрни жаҳаннамда қандай азоблар кутаётганини ўзингиз бир тасаввур этиб кўринг. Бу борада тўғри хулоса чиқаришингизга фойдаси тегар деган ниятда бир ривоятни диққатингизга ҳавола этаман:

Бир одам шаддод хотинининг жанжалларидан бешиб, халифа ҳазрат Умарга шикоят қилгани келди. Эшикка яқинлашган чоғида ичкаридан бир хотин овозини эшитди. Ажабланиб, тўхтади. Қулоқларига ишонмади. Қандай ишонсин! Ҳазрат Умарнинг хонимлари Умму Гулсум хожалари – эрлари ҳазрати Умарга бақириб-чақирмоқда эдилар. Ҳазрати Умар эса овозларини чиқармас эдилар. У одам: “Мен хотиним берган ҳузурсизликдан, хотинимнинг ёмон феълидан, менга бақириб-чақиршидан халифага шикоятга келган эдим, токи ҳузур топайин, уйимдаги жанжаллардан қутулайин деб умид қилгандим. Бу қандай тақдирки, менинг бошимдаги дарду ғам халифанинг бошида ҳам бор экан”, деб хафсаласи пир бўлганича қайтишга чоғланганида, ҳазрати Умар уни кўриб қолдилар-да:

– Нега келиб эдинг-у, энди нега индамай қайтмоқдасан? – деб сўрадилар.

Шикоятчи одам дардини ва узрини айтганда ҳазрати Умар унга насиҳат қилдилар:

– Менга яхшилаб қулоқ сол: оиламнинг мендан баъзи ҳақлари бордир. Менга қилган хизматлари сабабли мендан бу ҳақларининг қадрини билишимни истайди. Сабр-қаноат билан қилган хизматлари ва ҳақлари ушбулар:

1. Хотиним Жаҳаннам оташи билан менинг орамда бир пардадир. Кўнглим у билан роҳат топади. Ҳаромга боқмайман (яъни у менга хотинлик вазифасини бажаради).

2. У мен учун уйимнинг бир муҳофизидир (қўриқловчи, муҳофаза этувчиси). Мен уйимдан чиқсам, у уйимда мол-мулкимни сақлайди, уйимнинг бекаси бўлиб қолади.

3. Кийимларимни ювиб тозалайди. Уйимнинг бошқа юмушларини бажаради. Уйимнинг тозалигини, болаларимнинг покизалигини сабр-қаноат ила таъминлайди.

4. Болаларимни тарбиялайди. Уларга едириб-ичиради, кийдириб, ясантиради.

5. У менинг овқатимни пишириб, олдимга қўяди. Шунча хизматларни ўрнига қўйиб бажариб миннат қилмайди...

Ҳазрати Умардан бу насиҳатларни эшитганидан кейин шикоятчи одам: “Сенга қилинадиган бу хизматлар менга ҳам қилинади. Сен хуш кўриб унинг баъзи қусурлари, камчилигини кечганингдан кейин, мен ҳам хотиним қусурларини кечираман”, деди.

Уйида ҳузур истаган эр аввало ўзини маданий бир инсон қилиб тарбиялаши лозим. Жоҳил эр нима учун хотинини қийнайди? Чунки у хотин қадрини билмайди. Баъзи оилаларда жоҳил эрлар хотинларининг қадрини билмагани каби, жоҳил хотинлар эрларининг қадрини билмайдилар. Бундай жуфтлардан қурилган оилаларда бир-бирларини тушуниш бўлмайди ва натижада бир-бирларига озор бераверадилар. Бундай оилада ҳузур деган неъматдан асар ҳам бўлмайди. Заволли уйларда кўз ёшлари тинмайди. Она ва ота жанжалидан гуноҳсиз болалар азоб чекадилар. Фарзандларининг кўз ёшлари тинмоғи учун ота ва оналар диндор ва ақлли инсонлар, марҳамат соҳиби бўлишлари зарурдир. Шуни унутмангки, уйингизда бахтли бўлишингизнинг шарти ҳамма одам ўз зиммасига тушган вазифасини яхши бажариши ва одобли бўлишидир.

* * *

Ишончни йўқотган хотинга нисбатан ишончни йўқотган эр уч карра бахтсизроқдир (*Кобо Абэ, япон адаби*).

* * *

Фиску фасодларга ишонманг. Ишонар бўлсангиз ширин турмушга заҳар тушади. Ўртада мустаҳкам ишонч бўлишига эришинг. “Аёлга ишонган ўзини алдайди, ишонмаган – аёлини”, деган Хитой мақолининг биринчи банди хатоликдир.

* * *

Кўрди хотин – чиқмиш эрнинг аччиғи,
Йиғлади, хотин тузоғидир йиғи (*Румий*).

Ҳа, хотиннинг “йиғи” аталмиш зўр қуроли бор. Бу қурол юрагингизни мўлжалга олади, эҳтиёт бўлинг. Унутмангки, аёлларнинг кўз ёшларидан кўра тез қурийдиган нарса йўқ.

* * *

Барча хотинларнинг ташвишлари бир хил... Ўйнайдиган ҳеч ким бўлмаса, йиғлашга тушишади (*Кобо Абэ*).

* * *

Аёллар хушомадқорона ёлғонни бир ютишда ичишади, аччиқ ҳақиқатни эса – томчилаб (*Дени Дидро*).

* * *

Қадим замонда бозорга ўт кетиб, бойнинг мулки қуйиб қул бўлди. Бундан фиғон чекиб турганида, йўловчи унга яқинлашиб, “Кап-катта одам нега йиғ-лаяпсиз?” деб сўради.

– Бир зумда қашшоқ ва фақирга айландим, – деди бой.

– Уйдаги умр йўлдошинг омонми? У ақлими, эрнинг дардни, эрининг кайфиятини, эрнинг қадрини биладими?

– Бу жиҳатдан бахтиёрман, Аллоҳга шукр, фаросатли, солиҳа хотиним бор.

– У ҳолда нега йиғлайсан, нодон? Ақли одам мато учун ҳам кўз ёши тўқадими? Мен шундай бир хотинга уйланганманки, ақли калта, эрнинг қадрига етмайди. Сен асл фалокатнинг нима эканини билмас экансан. Сен ақли калта, тили эса узун, жағи тинмас бир хотинга уйлангин, ўшанда чинакам фалокатнинг нима эканини биласан. Дўконларинг ёнган бўлса, эртами-индин тиклаб оласан. Ёнингдаги қўнглингдасидек хотининг сенга мададкор бўлиб, маънавий қувват бериб турар экан, бахтинг ҳамиша бутун бўлажак!

* * *

Аёлларни англаш қийин. Файласуф Зигмунд Фрейд ёзади: “Аёл руҳиятини ўттиз йил ўргандим, бироқ асосий саволга жавоб топа олмадим: “Ҳақиқатан аёллар нимани хоҳлашади?”. Момо Ҳавво Одам Атонинг қовурғаларидан ясалган, деган ривоят мавжуд. Ҳамонки шундай экан, қийшиқ қовурғани тўғрилашга уринмаган маъқул. Уни қандай бўлса, шундай қабул қилиш керакми? Тарбия қилишга уриниш ортиқчами? Йўқ, фикр янглиш. Агар аёллар феълини ўзгартириш мумкин бўлмаса, бу масалага оид оятлар тушармиди, ҳадислар айтилармиди? Бу ерда гап қовурғани тезликда тўрилашга уринишнинг зарари ҳақида борапти. Қовурғани тўғрилаш мумкинми? Нега мумкин бўлмасин? Бунинг учун вақт ва ақлли тадбир керак.

* * *

Хотининг яхши бўлса, тўйга бормоқ не ҳожат,
Хотининг ёмон бўлса, азага бормоқ не ҳожат (Мақол).

* * *

Тежамкорлик билан ҳасисликнинг фарқига боринг. Бу борада қуйидаги ривоят сизга ибрат бўлсин:

Бир ҳасиснинг ҳусну латофатда тенги тимсоли йўқ хотини бор экан. Аммо эрининг ҳасислиги туфайли уйда ҳамиша жанжал бўлиб тураркан. Бир куни пул жанжали чиққанда ҳасис эр хотинини талоқ қилибди. Хотиннинг гўзаллиги подшоҳ қулоғига етиб, идда вақти ўтгач, совчи юборибди. Хотин “Мен подшоҳнинг саройига тахтиравонга ўтириб бораман, тахтиравонни собиқ эрим кўтарсин”, деб шарт қўйибди. Шарт бажарилибди. Собиқ эр тахтиравонни кўтариб бораётганида гўзал хотин бир динор тиллани ерга ташлабди-да: “Бир мири пулим тушиб қолди, олиб беринг”, дебди. Собиқ эр тилла тангани кўриб, “Бир мири эмас, бир динор-ку?” деб ажабланганда хотин: “Йўқолган бир мири пулим ўрнига бир динор олтин берган Худодан ўргилай”, деб икки пулга арзи-майдиган ҳасис эрни йўқотиб, малика мартабасига етишганига ишора қилган экан.

“Икки хислат мўминда жам бўлмайди: бахиллик ва бадхулқлик”.

Мазкур ҳадиси шариф “Арбаин”да бундай баён этилган:
 Мўмин эрсанг, қилиб дурингни нисор,
 Эл била равшан ўл нечукким шамъ.
 Негаким, Тенгри ҳеч мўминда
 Бухлу бадхўйлуғни қилмади жамъ.

(Агар мўмин бўлсанг, дурларингни, яъни бойликларингни сочиб, халқ ўртасида худди шамолдек равшан, яъни фидокор бўл. Чунки Аллоҳ ҳеч бир мўминда бахиллик ва бадхулқликни жам қилмаган.)

* * *

Хотин содиқ – ани севгил азиз эр,
 Ҳар оғир ишда ҳам доим сени дер (*Сайфи Саройи*).

* * *

Йигитнинг обрўйи яхши заифдур (*ёрдур*),
 Яхши заиф нокас эрга хайфдур (*Махтумқули*).

* * *

Қуръони каримнинг «Исро» сурасида Аллоҳ таоло “Исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг! Чунки исроф қилгувчилар шайтонларнинг дўстлари бўлган кимсалардир”, деб таъкидлайди. Исрофчилар неъматнинг қадрига етмайди. Агар шукр этса, ўшани исроф этмасди. Исрофчи ношукр бўлгани сабабли ўзига берилган неъматни ботилга, ноҳаққа, ҳаром-ҳаришга, маъсият ва ёмонликка сарф қилади ва бу борада шайтонга биродар бўлади. Шайтоннинг эса ношукрлик бобида тенги йўқ. Шундай экан, исрофчининг бошига ҳам ўз биродари шайтони лаъиннинг бошига тушган бало-офатлар тушиши турган гап. Бундайлар тарихда кўп учраганларки, Шайх Саъдий ҳазратлари бежиз ёзмаганлар:

Бир такводор одамнинг ўғли отасининг фазилатларидан маҳрум эди. У амакилари қолдирган меросга эга бўлгач, мол-дунё ақлини олди-ю, босар-тусарини билмай қолди. Дарҳол гуноҳ ишларни бошлаб юборди. Бу бойликни тежаб сарф қилмай, исрофгарчилик йўлини тутди, унинг ичмаган ичкилиги, қилмаган фисқу фужури қолмади. Бир дафъа мен унга насиҳат қилиб айтдим:

– Эй ўғил, кирган бойлик оққан сувдай бўлса, айш-ишратингга қилаётган харжинг тегирмон тоши айланишига ўхшаш бўлади. Даромади кўп бўлган кишигина кўп сарф этиши мумкин. Сен ҳою ҳавасни қўй, ақл-адаб йўлига кир, молу дунёнг тамом бўлганидан кейин кўп машаққатларга дучор бўласан. Пушаймон фойда қилмайди.

Йигит сўзимга кирмади. Иккинчи марта танбеҳ берганимда ҳам парво қилмай, ўзининг тутган йўлидан қайтмади. Шундан кейин насиҳат қилишни тарк этдим.

Орадан бир оз вақт ўтгач, унинг тиланчилик қилиб юрганини кўрдим. Шундай ҳолида ярасига туз сепиб, бир нарса дейишни ўзимга эп кўрмадим, ҳолига ачиниб, ўз-ўзимга хитобан дедим:

– Нодон одам ниҳоятда ғурур мастлиги туфайли бир кун муҳтожликка тушиб қолишини ўйламайди. Дарахтлар баҳор фаслида гулларини сочиб юборадилар, қишда ҳатто барглари ҳам қолмайди...

Бу ҳикматдан оладиган маъно шуки, “Қор-ёмғир ёғиб турмаса катта дарёлар ҳам қуриб қолар экан, даромадингни совурма. Муҳтожликка тушиб қолиш-

ни истамасанг, қўлингдаги мол-давлатингни беҳудага сарф қилма, исрофгарчиликдан сақлан, шундай қилсанг, бошқаларнинг мол-мулкига кўз олайтирмай, роҳатда яшайсан”.

Ҳазрат Навоий “Ўт иши – қовурмоқ, ел иши – совурмоқ”, дейдилар. Яна дейдиларки: “Исроф сахо эмас ва итлофни (йўқотиш, барбод қилишни) маъно аҳли сахо демас”. Яъни, исроф қилиш – сахийлик эмас, ўринсиз совуришни ақлли одамлар сахийлик демаслар. Ҳалол молни куйдирганни девона дерлар. Ёруғ жойда шамъ ёққанни ақлдан бегона дерлар.

*Худо молиға қилмоқ исроф не?
Жунун аҳлидек мунча итлоф не?*

Аслида тежамкорлик одобини болаликдан ўрганиш керак. Ота-онангиз бу борада сизга анча насихатлар қилишгандир, лекин сиз улар айтган ҳикматларни қулоққа олмагандирсиз. Агар шундай бўлса, ҳали ҳам кеч эмас. Исрофчилар сафидан тезлик билан чиқинг. Биз “Мол исрофи” деймиз. Аслида “Умр исрофи” десак ҳам бўлади. Одам умрини шу молни тўплаш учун сарфлайдими? Умрини сарф этиб тўлаган молни исроф қилгани – умрини исроф қилгани эмасми?

Куёвтўра, агар сиз тежамкорлик одобини болаликда эгаллаган бўлсангиз, исрофга йўл бермаётган бўлсангиз ва бахтиёр умрингизнинг йўлдоши бўлиб яшаётган келинпошша ҳам исрофга йўл қўймаслар – сизларга шарафлар бўлсин!

* * *

Меҳмоннинг меҳрин асрағил жон ичра,
Неъмат қалин айла хони эҳсон ичра,
Ҳар неча адад ўксук эса нон ичра,
Баракат етурур қалин илик хон ичра (Алишер Навоий).

(Меҳмонга ҳамииша меҳрибонликни канда қилма, дастурхонга топганингни тўкиб ташла. Гарчанд дастурхонда таом оз бўлса ҳам, узатувчи қўл кўп бўлса, дастурхонга барака киради.)

Куёвтўра, сиз улфат кўрган йигитсиз. Дастурхонни тўкин қилишни яхши кўрасиз. Бу яхши одат. Лекин ортиқча тўкинлик исрофга олиб келишини, исроф эса гуноҳ эканини унутманг. Шунингдек, ортиқча тўкинликда кибр, манманлик деган иллатлар ҳам кўришиб туради. Улфатлар орасида бадавлати бор, камхаржи бор. Дастурхон тўкинлиги “Ким ошди” мусобақасига айланиб кетмаслиги зарур. Камхарж дўст бадавлатнинг дастурхонига ҳавас қилмасин, унга етказишга уринмасин. Меҳмон кутаман, деб оиласининг ризқини кесмасин. Қарз олмасин.

* * *

Изғиринли куз кечаларининг бирида ёмғир аралаш қор ёғар эди. Бойнинг дарвозасини кимдир тақиллатди. Бой эшикни қия очиб, совуқда ивиб, дилдираб турган қарияни кўрди.

– Сенга нима керак? – деб сўради.

– Мен адашиб қолган йўлчиман, бир кечага бошпана беришингиздан умидворман. Очликдан, совуқдан кўчада ўлиб қолмай деб, сизни безовта этмоққа журъат этдим, – деди қария илтижо билан.

– Йўлингдан қолма, бу уй сенга карвонсарой эмас, – деб бой эшикни қаттиқ ёпди.

Қария афсус билан бош чайқаб, энди кошона ёнидаги ғарибгина уй эшигини қокди. Уй эгаси бечораҳол қарияни кўриб, салом берди-да, унинг илтимос қилишини кутиб ўтирмай, “Ие, отахон, совукда қийналиб қолибсиз-ку, тақиллатмай киравермайсизми, эшигимиз меҳмонга ҳамиша очик”, деб уйга бошлади. Танча тўридан жой бериб, олма қоқидан иссиқ чой дамлаб сийлади. Сўнг бир оз муддат кўринмай қолди. Унинг дастурхонга қўйишга егулиги йўқ эди. Шу боис биттагини эчкисини сўйиб, гўштини пишириб келди. Меҳмон гўштни еб, унинг ҳақиға: “Марҳаматли Аллоҳим, бу саховатли кишининг бирига минг, мингига туман бер, мен ғарибни Ўзингнинг розилигинг учун сийлади, уни Ўзинг лутфу караминг билан сийла! Аллоҳим ош берганга бош бер, қозони тўла ош бер, кетмас давлат, янада кенг феъл, ёстиқ тўла бош бер”, деб дуо қилгач, уйкуга кетди. Уй эгаси тонгда уйғониб қараса, меҳмон йўқ. Ажабланиб турганда ташқаридан қўй-қўзиларнинг овози келди. Ташқарига чиқиб қарасаки, ҳовлиси қўй-қўзиларга, сигирларга, отларга тўлибди. Бу ҳолдан хангу манг бўлиб, қўшниси томон қарасаки, кечаги кошона ўрнида эски кулба турганмиш...

Шунда у кечаги киши оддий меҳмон эмас, Хизр алайҳиссалом эканликларини англабди.

Кўпчилик Қадр кечасида Хизр бува келади, деб кутишни одат қилган. Бу ҳақда ривоятлар кўп. Кутилмаган меҳмон либосида Хизр алайҳиссалом кириб келишларини аслида ҳар куни кутиш лозиммикин?

* * *

Олтин ва аёллар нақ оловнинг алангасига ўхшайди, уларга боқсанг – тананг қизийди, тегсанг – куясан (*Кабир Дехлавий*).

* * *

Аёл, бил, лутфу ҳимматга сазовор,
Гўдакдек меҳру шафқатга сазовор (*Носир Хисрав*).

* * *

Одобга доир ўтмишда ёзиб қолдирилган асарларни ўқиганингизда айрим тавсияларни тўғридан-тўғри олманг. Ўйлаб, фикрлаб, сўнг амал қилишга киришинг. “Қобуснома”да эркакларга ҳаммомда ҳар куни чўмилмаслик тавсия этилади. Ҳафтада бир чўмилиш кифоя дейилади. Бунинг сабаби, у даврларда эрларнинг турли узоқ сафарларда ёки урушда бўлишларига тўғри келган. Агар эр уйда ҳар куни ҳаммомда чўмилишга одатланган бўлса, сафарда ёки урушда бундай имконият бўлмайди ва оқибатда у қийналади. Ҳозир бундай мушкулот бўлмагани учун имкон қадар (айниқса ёз фаслида) тез-тез ҳаммомда ювиниб туриш афзал.

* * *

Агар уйланишдан олдин озода юришга, кийим кийишга бепарволик қилган бўлсангиз, энди орасталикка алоҳида эътибор беринг. Гапларим қўполроқ туюлса ҳам айтай: айрим йигитлар тишларини ювмайдилар, оёқлари терласа ҳам пайпоқни алмаштирмайдилар, ёқаси кирланиб кетган кўйлақда хизматга келадилар, чўнтақларидаги ғижим рўмолча 4-5 кунда ҳам алмаштирилмайди... Сиз улар каби бўлманг. «Онангни отангга бепардоз кўрсатма», деган гап бор.

Орасталик, ўзига меъёр қадар зеб бериш яхши. Биз нима учундир ўзига қараб юришни фақат аёлларга хос, деб биламиз. Айрим биродарларимиз хотини, қизларини чиройли кийинтириб қўядилар-у, ўзлари офтобда куйиб кетган дўппида, ёқаси буралиб кетган қўйлақда юрадилар. Бу йўқчиликдан эмас, кўпроқ бефаросатликдан бўлади. Бефаросат деганда мен эрни ҳам, хотинни ҳам назарда тутаман. Эр кийим-бошга эътиборсиз экан, хотин зийрак бўлиши керак, эрига қараши шарт. Бу ривоятдан балки хабарингиз бордир:

Ҳазрат Умарнинг ҳузурларига бир хотин эри билан бошлашиб келди-да эрини кўрсатиб:

– Ё Амирал мўминин! Бу киши менинг эрим бўладилар. У билан қурган турмушимизни ўйлаб кўрдим. Уч ойдирки, тотув яшаш учун кўп ҳаракатлар қилдим. Аммо эримда рағбат кўрмадим. Уч ой давомидаги турмушимиздан бир нарсага ақлим етди: биз бир-биримизни тушуна олмас эканмиз, шунинг учун ажрашамиз.

Ҳазрати Умар қаршисида индамай турган одамдан сўрадилар:

– Сен нима дейсан?

– Ё Амирал мўминин! Менинг ҳеч қандай шикоятим йўқ. Мен ажралишни истамайман, – деди эр.

Ҳазрати Умар эрнинг ранг-рўйи, кийим-бошига қараб аҳволни яхши тушундилар.

– Сен ҳозир уйингга кетгин-да, бир оздан кейин келгин. Унгача биз эринг билан суҳбатлашиб оламиз.

Хотин кетгач, ҳазрати Умар у одамни ҳаммомга олиб боришни, ювинтириб, тоза кийимлар кийинтиришни буюрдилар. Эркак покиза бир ҳолга келтирилди. Пича вақт ўтгач, хотин келиб башанг кийимдаги озода эрини кўриб, қувонди. У ажралиш ҳақидаги аҳдини ҳам унутиб, эрини бошлаб уйига кетди. Мўминларнинг халифаси ҳазрати Умар шу ерда ҳозир бўлганларга қараб дедилар:

– Сизлар оилаларингизнинг (аёлларингизнинг) яхши ва покиза кийиниб, сизни кутиб олишларини севганингиз каби, улар ҳам сизни яхши ва покиза кийинганингиздан завқ оладилар, сизларни ясанган бир ҳолда кўришни истайдилар.

Маълум тоифа бепарво, ҳатто бефаросат бўлса, баъзи йигитларимиз, аксинча, кийимга жуда-жуда ўч бўладилар. Иложи бўлса, кунда 4-5 марта кийим алмаштирадиганлар ҳам бор экан. Мен шундайларни учратсам, “Мучали товусмикин?” – деган хаёлга бораман. Аммо сиз камтарин йигитсиз, бу нодонликлардан узоқдасиз. Турли-туман кийимга ўч йигитларга эса айтадиган сўзларим бор: аввало ҳазрат Алишер Навоий асарларини қўлга олиб, ўқиймиз: “Эркакларнинг ўзини кўз-кўз қилиш учун яسانيши хотинларнинг оройиш учун безанишлари кабидир. Аммо бу каби безанмоқ ҳар иккаласи учун ҳам номуносиб, хусусан, эркаклар учун кўпроқ шармандалиқдир. Барча ўзини кўрсатиш ва безаниш касалига учраган, бу эса уларнинг ўзларига ёқимли туюлишидан далолат беради... Ўзига бино қўйишлик – бахтсизликдир, бунинг фарқ ва даражалари бор... Ўзига бино қўйган одам – ақлсиздир; ўзига зеб берган – беор, сатангдир”.

Биласиз, одамнинг комиллигини белгилайдиган омиллар бор. Сўзлашиш одоби, таомланиш одоби қаторида кийиниш одоби ҳам бор. Ўсмирлик ёшидан ўтган ҳар бир одам кийимни ўзи ишлаб топган ҳалол пулга олиб кийиши керак. Либос безак ёки одамлар орасида мақтаниш, ўзини кўз-кўз қилиш учун эмас, балки баданини яшириш, иссиқ-совуқдан асраш учун кийилади. Эркакларнинг

кийими жун, пахта, каноп сингари матолардан бўлгани дуруст. Кийим нажас-ифлосликлардан ҳамиша пок, тоза бўлиши шарт. Эркакларга ипак матодан тикилган, зар безаклар билан безатилган, ялтирок, ҳарир-юпқа, қизил, сариқ, заъфарон рангли кийим кийиш тавсия этилмайди. Жонли мавжудотлар сурати туширилган кийимларни кийиш эру хотин учун бирдай тақиқланади.

Байрам кунлари покиза оқ кийим кийганингиз мақсадга мувофиқ. Кўчадан уйга қайтгач, кийимни ечиб, дуч келган жойга ташламанг. Очиқликда ҳам осилиб турмасин. Жавон ёки токчаларда турсин. Киярдан олдин эса икки-уч қайта силкитиб олинг. Бировнинг кийимини кийманг. “Ўзганинг чиройли либосидан кўра ўзингизнинг қирқ ямоқ кўйлагинг яхши”, деганлар. Ғоят тор қилиб тикилган кийимларни кийманг, токи баданингизни сиқиб, қон айланишига салбий таъсир этмасин. Кийинишда фаслга, об-ҳавога қараш керак.

Ҳаётда ҳисобсиз кийим-бошга эга бўлиб, мақтаниб юрувчилар кибр аҳлидан эканини унутмаслигингиз керак. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Ким кийимини кўз-кўз қилиб, мақтанчоқлик ила судраб юрса, Аллоҳ таоло унга назар солмайди”, деганлар. Бир киши: “Ё Расулаллоҳ! Албатта, кийимимнинг поклиги, пойабзалимнинг боғичи, қамчимнинг илгичи мени ўйлантиради, булар кибрдан эмасми?” деб сўради. Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: “Аллоҳ таоло гўзалдир, чиройли кийинганларни ва чиройлиларни яхши кўради. Бандасига берган неъматни унда кўрмоқликни ёқтиради. Аллоҳ таоло фақирликни зоҳир қилгувчини ва фақир бўлмай туриб, фақирликни рўқач қилгувчини ёмон кўради. Кибр ҳақни инкор қилиш, халқни эътиборга олмаслиқдир”.

Эътибор беряпсизми, озода ва чиройли кийиниш айб эмас, балки ўзи яса-ниб, одми кийинганларни менсимаслик кибр экан. Кийимга ружу қилиш, товус каби товланиб юришни аёлларга хос дедим. Не ажабки, бу соҳада аёллардан қолишмайдиган эрлар ҳам бор. Наҳорги ошда бир либосда, пешинда бошқа, кечки зиёфатда яна ўзга кийимда келувчиларга сизнинг ҳам кўзингиз тушгандир? Айримлари устидаги кийимнинг нархини давра аҳлига билдириб қўйишга ҳам уринади. Шундайлардан бири эғнига илган янги костюмни хорижда икки минг долларга сотиб олганини айтганда, “У ҳолда шу туришингизга баҳо берсак нархингиз икки минг доллару бир чақа бўлар экан-да”, дегимиз келди-ю...

Бир тўйда куёв болани эрталабки ош маросимида сипо либосда кўриб, “Камтарин йигит экан”, деб шарафлаган эдим. Икки соатдан сўнг кизнинг уйига никоҳ ўқитгани отланди – устида ўзгача кийим эди. Домла никоҳ ўқигач, боғдаги қаҳвахонада кичик зиёфат ташкил этилган экан. Куёв болани энди қизил рангли либосда кўриб, ажабландим. Кийимни алмаштиришга қачон улгурди экан? Кечки никоҳ базмида у яна бошқа рангли либосда ўтирди. Мен унинг мақсадини англамадим: бойлигини кўз-кўз қилмоқчи бўлдим ё нодонлигиними? (Москвалик машҳур қўшиқчининг шаҳар марказидаги 4 хонали уйини кўрсатишган эди. Қўшиқчи бу уйда яшамайди, бу хоналарда фақат унинг кийимлари сақланаркан. Буни кўриб мен: “Бу одамнинг аҳмоқлиги 4 хонали уйга сиғибди-да”, деб ўйлаган эдим.) Никоҳ ўқитиш учун масжидга борилди. Масжид билан қабристон ёнма-ён... Ақлли инсон кибрга берилган тақдирда ҳам, қабристонга бир қараб олишидаёқ ўзидаги кибрни ўлдира олади. Куёв боламиз ёшлиқ қилгандирлар, ақллари етмагандир. Аммо, шу либосларни сотиб олиб берган ота-оналари-чи? Ишончим комилки, куёв боланинг яна икки ё уч, ёки ундан кўпроқ костюмлари жавонда оҳори тўкилмай турибди. Тўйдан кейин тадбирларда уларни ҳам бир-бир кияди. Унинг товусдай товланишига аҳамият

берганлар қойил қолишмайди, балки энсалари қотади, шундай эмасми? Либо-си кўплигини биров билади, биров билмайди. Билганда нима?! Билмаганда-чи? Шу оиланинг қўли калтароқ қариндоши ёки қўшниси бор. Костюмларнинг бир-иккитаси тўй қилишга қийналиб турганларга берилсами!! Бу саховатни Худо биларди, ажрини ҳам берарди. Аллоҳ таолонинг суюкли бандалари қаторида турарди. Энди-чи? Қачонгача турланар экан?

Урушдан кейинги қийинчилик йилларида қишлоқда битта янгироқ тўн билан битта атлас кўйлак сақланар экан. Турмуш қураётганлар шу либосни тўй куни бир неча соатга олиб, кийиб туришаркан. Шундай тўй кўрганларнинг турмуши файзли бўлди. Товусдай товланаётганларнинг турмуши эса бузилиб кетяпти. Нега шундай? Ёшларга қийинчиликни раво кўрмаймиз, бироқ уларни кибрдан асрашни ҳам ўйлашимиз керакмикин? Ажабланарлиси шундаки, ҳозирги кунларда ҳам келин билан куёв оқ либос билан ялтироқ тўнни бир неча соатга ижарага олишади. Авваллари йўқчилик туфайли эди, энди ортиқча дабада учун қилинган. Бу каби воқеаларга ўзингиз тез-тез гувоҳ бўлиб турганингиз учун гапни мухтасар қилиб, бир ажиб ҳикоятни ёдга олай:

Қозикалоннинг маҳкамасига муллалар ва бойлар тўпланиб, муҳим бир диний масалани муҳокама қила бошладилар. Шу онда эски кийимли бир дарвеш йиғинга кириб келиб, салом берди-да, уларнинг қаторидан жой олди. Қозининг бу қилигидан ғазабланди:

– Сен, беодоб, нега муллалар ва бойлар қаторига келиб ўтириб олдинг? Ўз мартабангни билмайсанми? Дарҳол ўрнингдан туриб, пойгақдан жой ол ёки чиқиб кет! – деб бақириб, хизматкорига имо қилди. Хизматчи имо билан буюрилган амрни бажо келтиришга шошилди. Дарвешнинг бўйнидан ушлаб судради:

– Сен бетавфиқ, уламою бойлар мажлисида ўтиришга муносиб одам эмасан, нега ўз ҳаддингни билмай, улар қаторида ўтирибсан? Пашшанинг арслон билан олишишга кучи етмайди. Сенинг фазл-камолинг йўқ. Камбағал дарвеш одамсан. Уламою бойлар мунозараларига аралашинг учун илмий куч керак. Сенда эса бундай илму ақл йўқ. Пастга ўтир, йўқса, ҳайдаб чиқараман!

Дарвеш бу қўполликдан ранжиса-да, индамай, пастга тушиб ўтирди. Муллалар эса баҳсларини давом эттириб, бир қарорга келолмай, жанжал кўтаришгача етдилар. Ёқа бўғишай деганларида дарвеш аввалига уларнинг қилиқларидан кулди, кейин жанжални тўхтатиш учун ўрnidан турди.

– Гардан томирларингизни шишириб жанжал қилишингизнинг масалани ҳал қилишга ҳеч алоқаси йўқ. Масала далилсиз, ҳужжатсиз ҳал этилмайди. Бу масала устида менинг ҳам маълумотларим бор. Илм бобида ақлим етарли даражада суҳбатлашишга тайёрман, жанжални бас қилиб, сўзларимни тингланглар.

Дарвеш шу қадар фасоҳат билан сўз бошладики, мажлис аҳли ҳайратда қолди. Дарвеш масалани аниқ далиллар билан ечиб бергач, таҳсин, офарин олқишлари эшитилди.

Хатто мутакаббир қози ҳам дарвешнинг илм-фазлига қойил бўлиб, ўзининг ипак тўнини, мисқоли салласини ечиб, хизматчисининг қўлига берди-да, дарвешга кийдиришни буюрди. Дарвешдан узр сўраб деди:

– Эй дарвеш, сенинг қадр-қимматингни билмабман. Бу тўнни кийиб, саллани ўраб, юқори чиқиб ўтир.

Дарвеш бу лутфи учун қозига қуллуқ қилиб, тўн кўтарган хизматчини ёнига йўлатмади.

– Такаббурлик ва ғурурга сабаб бўладиган бу тўн билан салла менга керак эмас, – деди у. – Эски-туски либос ақл фаросатимни камайтирмагани каби ипакли тўн, мисқоли салла оширмайди. Ақл либосда эмас, бошдадир. Шундай кишилар бор, қимматбаҳо либослар кийганлар, ўзларига оро берганлар-у, илм-маърифатдан, одоб-тарбиядан бебаҳрадилар. Шундай кишиларни бошқалардан юқори, эски-туски кийимдагиларни эса улардан тубан санаш инсофдан эмас. Ақл, идрок эгаси бўлиш учун илм, маърифат таҳсил қилиш лозимдир.

Қиссадан ҳисса: қалбингда заррача кибр бўлса, демак, сен одабийликка тушунмабсан. Сенинг ибодатинг ва тоатинг Аллоҳ таоло ҳузурида қабул бўлмас. Билгинки, ибодат ва тоатнинг моҳияти қалбдан такаббурлик ҳиссини йўқотишга қаратилгандир. Шунинг учун сен биринчи бўлиб қалбингдаги кибрни ўлдиргинки, Аллоҳ таоло ва Унинг бандалари олдида азиз бўласан. Аммо, бу енгил иш эмас, игна билан тоғни қазмоқ – кибрни кўнгиллардан чиқармоқдан осондир.

* * *

Инсонни ҳар жиҳатдан улуғ қилиб яратиш Яратганга маъқул бўлган: эркакка чексиз интилишлар, майллар ато этган ва айни чоқда, у эркин бўлмоғи ва ўз-ўзини бемалол бошқара билмоғи учун уларни жиловлаб турадиган қонун ато этган. Эркакка Яратган ўлчоғсиз эҳтирослар ато этган ва айни чоқда, шу эҳтиросларни ўз изми билан ҳаракатга солмоқ учун эҳтирослар ёнига ақлни ҳам қўшиб қўйган.

*Жинс масаласига тааллуқли ҳамма нарсада аёл билан эркак кўпгина муштарак жиҳатларга ҳам, кўпгина тафовутларга ҳам эга. Уларни бир-бирлари билан таққослаш қийин, чунки уларнинг тузилишларида жинс билан бевосита боғлиқ нарса нима-ю, унга боғлиқ бўлмаган нарса нима эканини аниқ белгилаб олиш анча мушкул.

*Эркаклар билан аёллар ўртасидаги муштаракликнинг ҳаммаси инсоний табиатга тааллуқли, уларни бир-биридан фарқлантириб турадиган жиҳатларнинг ҳаммаси эса, жинс масаласига доирдир.

*Комил эркак билан комила аёл ташқи жиҳатларига кўра, бир-бирларидан қандай фарқлансалар, маънавий қиёфаларга кўра ҳам бир-бирларига унча ўхшамайдилар ва бу уларнинг комиллигига заррача ҳалал етказмайди.

*Эркак киши бақувватлиги биланоқ аёлнинг кўнглини ола билади. Бу, албатта, севги қонуни эмас, лекин бу – табиат қонуни. Бу қонун муҳаббатдан кўра қадимийроқ.

*Агар аёл эркакликни даъво қилмай, охиригача аёллигини қилса, у кўпроқ иззат-ҳурматга сазовор бўлади. Аёлда аёлга хос фазилатларни чеклаб, эркаклик хислатларини кучайтириш унга зиён етказиш демакдир.

*Эркак киши аёлнинг ўзига нисбатан хайрихоҳлиги билан ҳисоблашмоғи ва ўз навбатида, аёлга манзур бўлишга ҳаракат қилмоғи керак.

*Эркак охиригача аниқ билмайдик, у заифа мавжудот устидан ўзининг қудрати важдан ғалаба қозондими ёки аёл унга ўз ихтиёри билан берилдими? Аёл зотининг энг оддий макри шундаки, у эркакнинг кўнглидаги ана шу шубҳани йўқ бўлишига йўл қўймайди.

*Эр билан хотин бир хил феъл-атворга, бир хил эҳтиросга эга бўла олмай-дилар.

*Эркак киши инсон қалби тўғрисида аёл кишидан яхшироқ фалсафий фикр юритади, аммо аёл эркаклар қалбадагини ундан яхшироқ ўқийди (Жан Жак Руссо, француз адиби).

* * *

Пишириб-куйдириш, тикиб-ямаш, кир ювиш, болаларга қараш фақатгина аёлларнинг иши, буни қилиш эркак кишига уят деган ғалати, илдиз отиб кетган янглиш фикрлар мавжуд. Ваҳоланки, бунинг акси уятлироқ: ҳолдан тойган, қачон қарасанг нимжон, ҳомиладор аёл зўр-базўр овқат тайёрлаётган, кир юваётган, касал боласига қараётган бир пайтда, кўпинча бекор юрган, вақтини бўлар-бўлмас ишлар билан ёхуд бутунлай бесамара ўтказётган эркакларга уят.

Аксари эркаклар ўз хотинларидан кадр-қиммат талб қиладилар, аслида уларнинг ўзлари бунга арзишмайди.

Фисқ бирор жисмоний қусурда намоён бўлмайди. Ахир, жисмоний дағаллик фисқу фасод эмас-ку; чинакам фисқ-фужур жисмоний алоқада бўлаётганининг аёлга нисбатан ахлоқий покиза муносабат қилмаслигингдир (Лев Толстой).

* * *

Орзу-умид, агар меъёрида бўлса, чегарадан ошмаса, яхши фазилат. Орзу-умидсиз ҳаёт куруқ таёққа ўхшайди. Боғбонлар ишини кузатган бўлсангиз, кўргандирсиз, вақти-вақти билан ортиқча шохчаларни кесиб туришади. Йўқса, дарахт шохлаб-ғовлаб кетади. Мевасига путур етади. Орзу-умидни ҳам шундай каллаклар туриш керак. “Ҳозирги ёшлардаги орзу-умидларнинг чеки-чегараси йўқ”, деган танбеҳни эшитиб турамиз. Менга ҳам шундай туюлади. Лекин ҳақиқат шуки, бу иллат қадим замонлардан бери яшаб келади. Одам баъзан орзу узунлигига қул бўлиб қолганини ўзи ҳам сезмайди. Бу гапнинг исботи учун Шайх Саъдий Шерозий асарларига мурожаат қиламиз:

«Эшитдимки, бир савдогарнинг юз эллик туя моли ва қиғқ қул-хизматкори бор эди. Бир кеча Кеш шаҳридаги уйига мени чақирди ва тонг отгунча тинмай паришон ва малолангиз сўзлар айтди, андоғким: «Туркистонда фалон миқдор омборим бордур ва Ҳиндистонда фалон чоғлиқ молим бордир. Бу хат фалон еримнинг хужжатидур, фалон нимарсага фалон киши кафилдур». У гоҳ хаёл сулар ва гоҳ дер эрдиким: «Искандария хавоси кўнгулға тушубдур, ўша ерга бораман». Оз фурсатдан кейин фикридан қайтарди: “Йўқ бормайман, дарё йўли хавфли”. Ва яна дер эрдиким: «Диёرنинг хавоси дилкаш эрмасдур». Яна деди: «Эй Саъдий, олдимда яна бир сафарим бордурур, агар ондин фориғ бўлсам, қолғон умримни бир гўшада ўтқарурмен». Мен дедим: «Ул на сафардур?» Ул деди: «Гургуртни Форсдин Чинга (Хитойга) олиб борурмен, нединким, гургуртнинг қиммати онда баланд эрмишдир. Ондин чиний косаларни Румга элтурмен, ондин Рум матоларин Ҳиндистонга етқурурмен, ондин ҳиндий пўлатни Ҳалабга келтурурмен. Ондин ҳалабий шишаларни Яманга элтармен, ондин Яманий кийимларни Форсга келтурурмен. Ондин сўнгра тижоратни тарк этиб, дўконда ўлтурурмен». У шундоқ кўп миқдор сўз айтдиким, менда эшитгудек тоқат қолмади. Сўнгра деди: «Эй Саъдий, сен ҳам бир сўзни дегил, қачонғача бу сўзларга рози бўлуб ўлтурасен?» Мен дедим:

Бир кишининг тушти маҳмилдин юки,
Бир биёбондин қилур чоғда мурур.
Деди: дунёдорларнинг оч кўзин,
Ё қаноат тўлдурур ё хоки гўр.

(Эшитдингми, ғўр саҳросида қарвонбоши йиқилиб отдан, деди: “Очқўз дунёдор кўзи тўяр тупроқ ё қаноатдан”.) Бундан шундай маъно англаш мумкин: кимнингки кўзлари дунё молларига боқаверар экан, бу кўзни ё қаноат, ёки ғўрнинг тупроғи тўлдиреди.

Шайх Саъдий баён қилган воқеани ҳозирги кунда ҳам тез-тез учратиб турамиз. Дунёдан умидвор азиз ёшларимизнинг орзулари шу қадар узунки, унга етишга бир одамнинг умри камлик қилиб қолади. Улар бу умид йўлининг хатарли эканини ўзлари ҳам биладилар. Фақат «мана шу ишимни ўнглаб олай, кейин тўхтайман», деб ўзларини ўзлари алдайверадилар. Порахўрлиги учун қамалиб қолган бир одам афсус билан бундай деган эди:

– Шаҳарда уйим йўқ, ижарада турар эдим. Бир хоналик уйим бўлса эди, деган умид билан қалтис йўлга ўтдим. Шу уйни оламану, ҳаромдан тийиламан, деб ўзимга сўз бердим. Уйни олдим. Кейин уйланишни, дабдабали тўй қилишни орзу қилдим. Бу умид ҳаромдан тийилишимга йўл бермади. Кейин икки хонали, сўнг тўрт хонали уй умидида ўзимни чўққа урдим. Автомашинани орзу қилиб унга ҳам етишдим. Ундан кейин кўнгил ҳовли-жойни истади. Аммо... ҳовли-жой ўрнига қамоқ насиб этди...

Олтин-кумуш этма касб давлат кунидин –
Ким тортар адаб улусни меҳнат тунидин,
Ғар йўқтур адаб, не суд олтун унидин,
Элнинг адаби хушроқ эрур олтунидин.

(Давлатманд вақтингда олтин-кумуш йиғмагин, чунки одоб элни машаққатдан қутқаради. Одоб бўлмаса, олтиннинг жарангидан нима фойда? Элнинг одобининг олтинидан яхшироқдир.)

* * *

Куёвтўра, тўйингизда халқ орасида унча машҳур бўлмаган биттагина ашулачи хизмат қилди. Икки ҳафта аввал бўлиб ўтган дўстингизнинг тўйида эса Фалончи, Писмадончи... деган машҳур қўшиқчилар навбат кутиб хизмат қилган эдилар. Раққосалар ўйнайдиган жой пулга тўлиб кетган эди. Ўша дўстингизга ҳасад қиласизми? Сизнинг хотинингиз ҳам хушрўй, истараси иссиқ, лекин кимдир “Фалончи ошнализнинг хотини чиройлироқ экан”, деганда кўнглингиз оғридими, ўша чиройли хотиннинг эрига ҳасад қилдингизми? Ишхонада сиз бўлим мудир вазифасига лойиқ эдингиз, лекин бошқасини тайинлашди, ҳасад ўтида қоврилмадингизми? Дўстингиз оқ “Мерс”да гердайиб юради, сиз дадангиз инъом этган эскироқ “Матиз”дасиз. Бу ҳолатда-чи? Умуман ҳеч кимга ҳасад қилмайсизми? Ишонмадим. Ҳасад чўғи ҳар бир одамда бор. Ҳатто сизга ақл ўргатмоқчи бўлаётган Тоҳир Маликда ҳам мавжуд. Лекин гап ўша ҳасад ўтини аланга олдирмасликда. Бошқача айтилганда, ҳасад илонини маҳкам бўғиб тура олишда. Мен умрим бўйи шундай қилиб яшадим. Сиз-чи? Бунга қодирмисиз?

Ҳар ким ҳасуд эрур сазодур ҳасади,
Ҳақдин бўлғон ямон қазодур ҳасади,
Ўз жониға етгунча балодур ҳасади,
Билким, анга дарди бедаводур ҳасади (Алишер Навоий).

(Кимки ҳасадгўй бўлса, ҳасади ўзига жазо ва Аллоҳдан бўлган ёмон тақдирдир. Умрининг охиригача жазодир. Балки дарди бедаводир унинг ҳасади.) Кимда ҳасад

иллати бор бўлса – ҳолига вой. Иқбол билан унинг орасидаги фарқ ер билан осмонча. Ҳеч қандай офатдан парвоси бўлмаса ҳам, ўзининг ҳасади офатидан аҳволига вой.

* * *

Кўча севгиси уйни барбод этар,
Уйингни хотин меҳри обод этар (*Саъдий Шерозий*).

* * *

Бегона аёлни севиш – саримсоқ ейишнинг ўзгинаси. Буни ҳеч қачон бекитганингга қарамай, охир-оқибатда ҳиди билиниб қолади (*Кабир Деҳлавий*).

* * *

Бировни ҳусни бор деб, яхши кўрма,
Беқарор нафсинг учун чопиб юрма (*Абай*).

* * *

«Бир қоринга сиққан болаларим битта уйга сиғмаса-я!»

Оналарнинг бундай фарёдлари бизлар учун янгилик эмас. Қариндошлар, ёки қўни-қўшнилар хонадонида эшитганингиз бордир бундай нолаларни. Баъзан эса... отамиз ёки онамиз, ёки энг яқин қариндошимиз вафот этари олдидан «Мендан кейин юз кило гуруч дамлаб, ош тарқатларинг», дейишмайди. Мен бундай васиятни эшитмаганман. Сизнинг ҳам қулоғингизга чалинмагандир. Бироқ, «Мендан кейин аҳил-иноқ яшанглар», дейишлари аниқ. Айниқса, оиланинг тўнғич фарзандига «Сен каттасан, укаларингнинг бошларини қовуштириб тур», деб сўнгги ўтинч билан тикилишларини кўз олдимизга келтирайлик. Сўнг эса... «йигирма оши» ёки «йил оши» дейилмиш дабдабадан сўнг ака-укалар, қариндошлар орасида нифоқ чиқиши, меҳр ришталари узилиши ҳолларини ҳам унутмайлик. Янада афсусланарли ҳол: катта ака ота ўрнига ота бўлиб, укани уйлантиради. Бунинг шукронаси ўрнига ука жой талаша бошлайди. Унинг ўзига ёққан ёзилмаган қонуни бор: «Уй кенжага қолиши керак!»

Шундай нодонлар унутмасинларки, марҳум ота-она маърака ошларга муҳтож эмаслар. Уларнинг руҳлари бу зиёфатлардан шодланмаслар, балки меҳрнинг узилишидан озорлар чекарлар.

Бу бўлган воқеа: бир қоринга сиққан ака-ука бир ҳовли-жойга сиғмай қолишди. Амакивачча саналмиш болаларнинг ўзаро жанжаллари учун уларни айблаш ноўрин. Чунки улар ёш, кўп нарсаларга ақллари етмайди. Зиддиятларининг асосида айрим ҳолларда ғараз ёки шумлик ётмайди, бу жанжаллар болаларча шўхликнинг оқибатида юзага келади. Аммо, афсуским, айрим ҳолларда нафрат ҳам учрайди. Болаларга бу нафратни ота-оналари ўзлари билмаган ҳолда сингдирадилар. Қандай қилиб? Айтайлик, кечки овқат пайтида кундузги воқеалардан гап очилади. Хотин овсинининг ёмонлигидан сўзлайди. Нодон эр акасининг бирон қилиғидан нолийди. Шундай гаплари билан амакиваччалар орасига ўнганмас нифоқ солаётганларини билмайдилар. Отаси ва онасининг гапларини диққат билан эшитиб ўтирган бола учун битта нарса равшан бўлади: амакиси ёмон! Унинг оиласи – хуллас, ҳаммаси ёмон! Ёмон... ёмон... улардан нафратланиш керак. Шундай ғийбат шароби ичилаётганда айрим болалар отаси ва онасини қўллаш мақсадида амакиваччасининг бирон ёмонлигидан гапириб, оловга мой қуяди. Қалблардаги меҳр ўрнини эгаллаган яра шу тарзда

мадда боғлайди. Вақт ўтган сайин у қалбларни азобга солади ва мудҳиш кунларнинг бирида ёрилади.

Ака-уканинг гап талашиши сўкишга, ҳақоратлаш эса бирининг кетмон кўтариб ҳамла қилишига айланди. Ғазабга минган ака-укани ажратишга ҳаракат қилаётган ўн олти ёшли ўғил отасининг қонга беланганини кўриб, ўзини йўқотади, қўлига чалғи олади. Узоқ давом этган нифоқ ака-уканинг фожиали ўлими ва ўсмирнинг қамоққа тушиши билан якунланади. Қонга беланиб ётган ака-уканинг кўзлари «Бу қанақаси бўлди?» дегандай очиқ қолди. Бу дунёга тўёлмаган кўзларни ёпа олишмади. Катта ҳовли-жойга сиғмаган ака ва уканинг ҳар бирига икки кулочли икки лаҳад кифоя қилди. Бир ҳовлида ёнма-ён яшашни исташмаган эди, қабристонда ёнма-ён гўрлардан жой олишди. У дунёдаги аҳволлари бизга номаълум. Ота-оналари билан Қиёмат кунида қай ҳолда кўришишлари ҳам номаълум. Фарзандларининг бу фожиаси туфайли ота-онанинг руҳи то қиёматга қадар нечоғли азоб чекмоғи ҳам ёлғиз Аллоҳга маълум.

Ҳажжожии золим бир аёлнинг акаси, эри ва ўғлини ҳибсга олиб, ўлимга ҳукм қилди. Аёл арзга келди.

– Бу уч кишидан фақат биттасини афв этаман. Яхшилаб ўйлаб кўриб, айт: қайси бирининг озод бўлишини истайсан? – деди Ҳажжож.

– Эримни ўлдирсангиз, кейин эр топилади, юртда эркаклар кўп. Ўғил ҳам туғилади. Аммо ака топилмайди, чунки онам менга бошқа ака туғиб бермайдими, – деди аёл.

Аёлнинг бу доно жавоби Ҳажжожии золимга таъсир этди:

– Ҳаммасини афв этдим. Сен мендан биттасини кечиришимни сўрадинг. Донолигинг ва тўғри сўзлигинг учун уччовлари ҳам озодлар!

Мазкур ривоятдаги доноликда яна бир ҳикмат яширинганки, бир-бирлари билан хафалашиб, аразлашиб юрган ака-укалар, опа-сингиллар мулоҳаза қилиб кўрсинлар, гина-кудуратларни четга сурсинлар. Агар она вафот этган бўлса, у бизга бир-икки ёш катта ёки кичик шунчаки бир одамни эмас, «ака» ёки «ука», «опа» ёки «сингил» деб шарафланувчи бебаҳо, беназир неъматни мерос қолдириб кетган. Она ҳаёт бўлган тақдирда ҳам, ука ёки сингил туғиб бериши мумкиндир, бироқ ака ёки опа туғиб бермайдими. Оддий ҳақиқатми бу? Ҳа, оддий. Лекин шу оддий ҳақиқатни англаш оқилликка, унга амал қилиш эса доноликка киради.

*Оға-ини жигарларим, бир қориндан тушганларим,
Бир нонин бўлишганларим, бирга сут эмишганларим.
На жин чалди сизни эвоҳ, адаштирди сизни қай гумроҳ,
Ҳар икки гапнинг бирида манглайи тиришганларим.
Ёшимиз бир жойга етди, қўнди бошимизга қиров,
Ота-она ўтди-кетди, энди “ҳай” демас биров.
Ҳай, демак не, гўрида тинч ётолмас ул икки азиз,
Ноаҳил ҳар онимиз ҳар икки азизга бир биров.
Оға-иним – жигарларим, бир қориндан тушганларим,
Гар қавм бўлмас аҳил – байрам қилар душманлари.
Яратганга ёқмагай хуш – тонгла Қиёматда унинг,
Ҳамдамлари бўлур охир надомату пушмонлари...*

Бир-бирлари билан чиқишмаётган ака-укалар ғафлат уйқусидан уйғонсинлар! Юз ўгириб кетмоқчи бўлаётган кимсанинг кимлигини унутмасинлар! У акаси ёки укаси, у опаси ёки сингилсидир. Уларга нисбатан қалбларида

нафрат уйғонганда, улардан юз ўгириб кетишни ихтиёр этган дамларида бир дақиқа шошмасинлар. Ҳа, бемехрларни дўзах оловидан асраб қолиш учун шу бир дақиқа кифоя қилади. Шу бир дақиқа ичида Аллоҳнинг буюрганларини ақл кўзгусида кўриб олсалар бас. Шу бир дақиқа ичида жоҳиллик уйқусидан уйғонишга ўзларида куч топсалар бас. Агар шайтоннинг йўлига адашиб кириб қолган бўлсалар, жигарларидан узоклашаётган бўлсалар, эсларини йиғиб олишга шошилсинлар. Жигарлари билан талашаётган нарсалари аслида уларники эмас. Талашаётган нарсалари уларга ҳам, жигарларига ҳам вафо қилмайди. Улар талашаётган нарсаларига эга чиқишлари ҳам мумкин, аммо кўп ўтмай уни барибир ташлаб, боқий дунёга кетадилар. Агар жигарларига ёмонлик эмас, яхшилик қилсалар, меҳр-оқибат билан умр кечирсалар, охиратга уларнинг дуолари билан боражаклар. Охират эшигини ўзларига ҳамиша ҳамроҳ иймон нури билан очажаклар. Ҳисоб куни келганда Аллоҳ ҳузурида жигарларига муносабатларидан ҳисоб беражаклар. Ёмонликка қадам қўйишдан аввал, бир дақиқагина шуларни ўйласинлар. Агар тўғри хулоса чиқара олсалар, шу бир дақиқа уларнинг бошларига шараф тожини кийдириши мумкин.

Қардошлар очилмасунким оралари,
Фаррух бўлсун кавкаби сайёралари,
Васл ила йироқлиқларининг чоралари –
Ким, келди фарах мужиби наззоралари (Алишер Навоий).

(Жигарларнинг ораси узилмасин, уларнинг юлдузлари ёруғ бўлсин. Йироқлашганларининг чораси учрашувдир, хурсандчилик келтирувчи восита қардошларнинг кўзи-кўзига тушишидир.)

Ака-укалар муносабати мавзуига тўхталишимнинг сабаби бор. Мен бу хусусда кўп фикр юритаман. Ўзимга ўзим кўп саволлар бераман, жавобни эса ё топаман, ё тополмайман. Дикқат қилайлик: инсоният тарихидаги биринчи хусумат ака ва ука ўртасида бўлди. Биринчи қотиллик ҳам шундай: Қобил укаси Ҳобилнинг қонини тўқди! Наҳот бу ёвузлик то Қиёматга қадар Одам болаларига мерос бўлиб қолса?! Юсуф алайҳиссаломнинг акалари ул зотни ўлимга топширишни ихтиёр этдилар. Одам болалари наҳот бу воқеадан ибрат олмаслар?! Кенжа ботирнинг акалари ҳам унинг ўлимини истайдилар. Эртақлар оламида бу ёвузлик баёнига бекорга ўрин берилмагандир. Нодонлик туфайли туғилувчи зулм наҳот эртақдан ҳаётга кўчишини тўхтатмаса?!

Ота-онам ўтди-кетди, омонат дунё бу дунё,
Жигарларим фиғон этди: “Омонат дунё бу дунё”.
Қолди боғ гўё боғбонсиз ва қарвон гўё сарбонсиз,
Қаторга бир хато етди, омонат дунё бу дунё.
Ака-ука, опа-сингил – солди ҳамма ўзича йўл,
Нодонлик бизни қақшатди, омонат дунё бу дунё.
Қилмадилар иттифоқлик, билмадилар шунга боғлиқ –
Ўтганлари ҳаловати, омонат дунё бу дунё.
Гўрдагилар безовта, гар ердагилар бўлса ҳалак,
Ҳаловати иймон битди, омонат дунё бу дунё.
Қоплади бу боғни хазон, аро йўлда қолди қарвон,
Дўсту ғаним ўйга ботди, омонат дунё бу дунё.
Аё, боғлар яшнаши шарт, йўлда қолмас қарвон абад,
Шудир Аллоҳ тариқати, омонат дунё бу дунё.

Яна ўйлайман: бу дунёда ёнма-ён яшашни хоҳламаган ака-укалар, опа-сингиллар дўзахда қовушмоқликни истайдиларми? Қариндошлик ришталарини узганлари учун дўзах оташлари кутаётганини сезмайдиларми? Бир-бирларининг иссиқ юзларини кўрмоқдан ҳазар қилганлар бир-бирларининг дўзах оловидан куйиб фарёд чекаётганларини томоша қилгилари келадими?!

Деворнинг тарихини, вазифасини биласизми? Деворни ким, қачон ва нима учун кашф қилган? Дастлабки девор – тўсиқлар шох-шаббалардан иборат бўлиб, экинзор ёки боғни жониворлардан ихота қилгандир. Бундай тўсиқлар ҳозир ҳам қишлоқларда мавжуд. Тош, пахса, ғишт деворнинг дастлабки вазифаси эҳтимол хонадонни ёвдан, ўғри, қароқчилардан ҳимоя қилиш бўлгандир. Ҳозир эса бундай баланд деворларнинг яна бир аянчли вазифаси бор – ака-укалар, ҳатто опа-укалар бир-бирларининг юзларини кўрмаслик, овозларини эшитмаслик учун ҳовли ўртасидан тўсадилар. Бир қоринга сиққан оға-инилар энди бир ҳовлига сиғишмайди. «Кенгга кенг дунё, торга тор дунё», деганлар. Тор қалблар отадан мерос ҳовли ўртасига девор урмоқни ихтиёр этади. Бу – иймон ожизлигининг зоҳирдаги кўриниши. Бу – Аллоҳнинг бир-бирларингизга меҳр-муҳаббатли бўлинглар, деган амрига итоат этмаслик. Девор – Аллоҳ амрига бўйсунмаганлик учун охиратда жазо олинажагига бир белги.

Ровийлар дерларки, бир ака худойи қилмоқ ниятида қўй етаклаб қассобга бораётган экан. Шу онда унинг кулоғига илоҳий бир овоз келиб дебдики: «Эй Одам фарзанди, сен уканинг ранжитгансан, аввал бориб ундан узр сўра, розилигини ол. Ораларингиздаги хафаликни қув. Ана ундан кейингина қўйингни сўй. Шундагина садақанг қабул бўлажак...»

Ҳозир эса... ака тўй қилса, ука чорланмайди, ука эҳсон қилса, бир коса таомни акага илинмайди. Чунки ўртада девор бор. Бу ғишт деворга чидаса бўлар, вақти келиб ё ўзи емирилар, ё бошқа сабаб билан олиб ташланар. Лекин ака билан уканинг юраклари орасига девор тушса ёмон, жуда ёмон! Ҳовлини ғишт девор ажратса, юракни бемехрлик девори парчалаб ташлайди. Иблисининг бу девори кўнгилларга пича ором бергандай бўлар-у, аммо Қиёматдаги жавоб ғоят оғир кечади. Худодан кўркмайдиган, Қиёматдан кўркмайдиган ака ва ука болаларидан уялса бўларди. Болаларига улар нимани мерос қолдирадилар? Бемехрликними? Қалблардаги девор мавжуд экан, бу хонадонларда файз-барака бўлмайди. Файз-барака меҳр-муҳаббатли хонадонларга аталган.

Маҳаллада ака-укаларнинг узоққа чўзилган можароси ўртага девор олиш билан якунланди. Жонга теккан можаронинг охирлаганидан, кўнгли тинчиганидан хурсанд бўлган ака қўй сўйиб, худойи қилди, маҳалла аҳлини сийлади. Бундан ажабланмай бўларканми? Аллоҳнинг хоҳишига зид борган ҳолда яна «худойи» қилишда қандай маъно бор? Бу худойи ошини еб, қоринни силаб, тишни ковлаб чиқувчилар гуноҳга шерик бўлмадилармикин, валлоҳи аълам?

Бировлар яқинларининг меҳр-муҳаббатига ташна. Болалик чоқларида қандайдир сабаб билан йўқолиб қолган жигарларини акалар ёки опалар, укалар ёки сингиллар умид билан излайдилар. Ҳа, бировлар бир-бирларига интилиб яшайдилар, бировлар эса... Ака-ука битта масжидда намоз ўқийди. Масжид остонасидан ҳатлагач эса юзкўрмас бўлиб юраверади. Уларнинг бу ҳолатларидаги ибодатлари қандай ибодат бўлди экан? Улар силаи раҳм хусусиндаги оятлар ва ҳадисларни билишармикин? Албатта масжид имомларининг маърузаларида эшитишгандир. Аммо Аллоҳнинг буйруғига итоат этишлари шарт эканлигини ўйлаб кўришмагандир. Шундай бемехрларга эслатма сифатида бу ривоят баённи тақдим этишни лозим кўрдим.

Абу Лайс Самарқандий ҳазратлари Яҳё ибн Салимдан ривоят қилган эканлар:

«Маккаи мукаррамада биз билан бирга Хуросон аҳлидан бўлган бир киши бор эди. У солиҳ киши эди. Одамлар унга ўз омонатларини қўяр эдилар. Бир киши келиб, ўн минг дирҳам қолдирди-да, ўзи узоқ сафарга кетди. Қайтганида хуросонлик киши вафот этган эди. У киши ўша куни Маккада йиғилган олимлардан бу масалани сўради: «Фалончига ўн минг дирҳам ташлаб кетган эдим. У киши ўлибди. Хотини ва ўғлидан сўрасам, билишмас экан. Менга энди нимани буюрасизлар?»

Айтдилар: «Бизлар хуросонликни жаннат аҳлидан, деб умид қиламиз. Кечанинг учдан бири ёки иккинчиси ўтса, замзам қудуғи олдига келгин ва мана бу сўз билан хабар бергин: «Эй Фалончининг ўғли Фалончи! Мен омонат эгасиман!»

Ҳалиги одам келиб уч марта айтди, бироқ ҳеч ким жавоб бермади. Сўнгра олимларнинг олдига келиб, уларга бу хабарни етказди, айтдилар: «Албатта биз Аллоҳникимиз ва Аллоҳга қайтажакмиз! Бизлар сенинг дўстинг дўзах аҳлидан бўлмоғидан кўрқаяпмиз. Энди Яманга боргин, у ерда бир водий борким, уни Бархут дерлар. У ерда бир қудуқни кўрасан. Унга яқинлашгин-да кечанинг учдан бири ёки учдан иккиси ўтганда: «Эй Фалончининг ўғли Фалончи! Мен омонат эгасиман!» – деб бақиргин». У айтилган ерга бориб овоз берди. Биринчи чақирувдаёқ жавоб эшитилди. Омонат эгаси ачиниб дедик: «Шўринг қурсин, сени бу ерга нима туширди? Сен яхшиликлар эгаси эдинг-ку?!» Жавоб келдики: «Менинг Хуросонда аҳли байтим, қариндошларим бор эди. Улар билан узилиб яшадим. Аллоҳ таоло менинг шу гуноҳим учун бу азоб билан ушлаб шу манзилга ташлади. Аммо, сен ташвишланма, молинг ўз ўрнида турибди, мен ўғлимга билдириб қўйишга улгуролмай жон талсим қилгандим. Молингни уйимнинг фалон ерига кўмганман, борсанг, топасан».

Шу ривоятнинг ўзи барчага ибрат эмасми? Мана буниси-чи:

Ровийлар дерларким, ота вафот этиб, бир қопгина буғдой мерос бўлиб қолибди. Ака-ука буғдойни тенг иккига бўлиб олишибди. Тунда уканинг кўзидан уйқу қочиб, ўзига-ўзи дебдики: «Эй нодон, нима қилиб қўйдинг? Сен шу буғдойга муҳтожмисан? Сўққабош бўлсанг, биттагина қорнингни тўйдиролмайсанми? Акангнинг болалари бор, уларга нон топиш осонми?» Шу хаёл билан ука ўрнидан туриб, омборхонага чиқибди-ю, ўзига тегишли буғдойдан акасининг хумига солиб қўйибди. Иттифоқо шу дамда аканинг кўзидан ҳам уйқу қочибди, у ўзига-ўзи дебдики: «Эй нодон, сен нима иш қилиб қўйдинг? Отанг сени уйлантириб, укангнинг тўйини кўрмай ўтди. Уканг энди қорин ташвишидан ташқари уйланиш ташвишини ҳам қилиши керак. Унга инсоф қил». Ака ўрнидан туриб омборхонага чиқибди-ю, ўзига тегишли буғдойдан укасининг хумига солиб қўйибди.

Бу ҳаракат ҳар тун такрорланаверибди.

Ой ўтибди, йил ўтибди, аканинг ярим хум буғдойи ҳам, уканики ҳам ҳеч тугамасмиш. Улар бу сирдан ажабланиб, донишмандга боришибди. Донишманднинг талаби билан тундаги қилмишларини айтиб беришибди. «Инсоф сари барака», деган ҳикматни донишманд ўшанда айтган экан.

Ховлиларни бўлиб олаётган, юзкўрмас бўлиб юрган ака-укалар! Ўзингиз тиклаган девор атрофида ота-оналарингизнинг руҳлари азоб чекиб, чирқираб юрган бўлиши мумкинлигини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Шайтанат – фақат қотиллар ёки ўғрилар олами эмас. Иблис ҳар бир одам-

нинг руҳини парчалаб, ўз оламига тортишга уринаверади, яъни инсоннинг маънавий оламини булғашга интилади. Оқибатда кимларнингдир маънавий олами қашшоқлашади-да, иблис тақдим этган оламга кириб боради. Аммо у ўзини зинҳор жиноятчи ҳисобламайди. Ҳолбуки... руҳларни азобга қўйиш ҳам жиноятдир.

Мазкур китобга тартиб бераётганимда бир аянчли воқеага гувоҳ бўлиб, вужудим ларзага келди. Ҳозир эслаганимда ҳам бармоқларимга титроқ югурди. Бир ҳовлини икки опа ва ука бўлиб олишган экан. Уканинг уйига кириб чиқиши учун ярим қулоч кенгликда йўл беришибди. Тирик одам учун шу ҳам кифоя, лекин уканинг хотини вафот этганда тобут сиғмабди. Оқибатда маййитни кўрпага ўраб олиб чиқиб, кўчада тобутга солишибди... Мен бу ҳақда бошқа сўз ёзмай, воқеани кўз олдингизга келтиринг-у, хулосани ўзингиз чиқаринг.

Мазкур сатрларни ўқиётган ардоқли куёв бола, кўнглим сезиб турибди, сиз бемехрлардан эмассиз. Ака-укалар билан меҳр-оқибатда яшайсиз. Шундай бўлса ҳам, “Мен ундайлардан эмасман”, деманг-у, мазкур мавзудаги баённи яна бир карра ўқинг. Ҳа, Худога шукр, сиз ундайлардан эмассиз. Лекин қариндошларингиз, дўстларингиз орасида шундайлар борлиги аниқ. Уларга тўғри йўлни кўрсатмоқ сизнинг бурчингиз. Каминанинг “Иблис девори” номдаги китоби яхши хонанда укамиз Алишер Файзга таъсир қилиб, бир қўшиқ яратибдилар. Менга бу қўшиқ ғоят ёқди, кўп учрашувларда ўқийдиган бўлдим. Қўшиқ матнини сизга ҳам илинияпман, ишонаманки, сизга ҳам ёқади, эҳтимол, биродарларингизга ибрат бўлсин учун ёдлаб ҳам оларсиз:

Бир пайтлар ҳовлимиз катта эди, кенг эди,
Кўнгил каби кенглиги дунёларга тенг эди.
Энди болам шўхлигин сабаб қилиб жўрттага,
Қаричлаб ер талашдик, девор тушди ўртага.
Тилла девор, зар девор, ғиштин девор, лой девор,
Сен сабабли меҳрнинг аҳволи танг, вой девор.
Ҳеч бўлмаса, бағрингдан битта эшик оч, девор,
Мен акамни соғиндим, йўлларимдан қоч, девор.
Худди опа-сингилдай, дугоналар сингари,
Келинларнинг гаплари тугамасдан илгари,
Энди икки томондан қулоқ солиб жўрттага,
Ниманидир кутарлар, девор тушган ўртага.
Агар бобом бўлганида тушардилар ўртага,
Бобомнинг ҳам йўқлигидан фойдаландинг жўрттага,
Бўлинганни бўри ер, деб бекорга айтишмас,
Ҳовли майли, меҳрни ҳам бўлдинг-қўйдинг тўрттага.

Сен менинг кўзларимга девор эмас, ойна бўлиб кўринишни бошладинг: кимларнингдир кимга айланиб бораётганини кўрсатадиган ойнага! Бу ҳислатинг бизларга сабоқдир. Лекин мен акамни соғиндим, йўлларимдан қоч девор...

Тилла девор, зар девор, ғиштин девор, лой девор,
Сен сабабли меҳрнинг аҳволи танг, вой девор.
Ҳеч бўлмаса, бағрингдан битта эшик оч, девор,
Мен акамни соғиндим, йўлларимдан қоч, девор.
Бошим уриб бузмасимдан, йўлларимдан қоч, девор...

* * *

Фарзандлар, қариндошлар, ошна-оғайни, қўшнилари ва мен билан бир вақтлар дўстлик қилган барча одамларни давлату неъмат мартабасига эришганимда унутмадим, ҳақларини адо этдим (*Амир Темур*).

* * *

Бир оиланинг бузилишига сабаб бўлган воқеани айтиб беришган эди. Уйга эрнинг дўсти меҳмон бўлиб келган. Хотин хизматда. Эрнинг кўзи пойабзалларга тушади. Қарасаки, меҳмоннинг туфлиси ёнида хотинининг калиши турибди. Хотинини чақиради: «Нега калишинг унинг туфлиси ёнида туради?» Хотин, турган гапки, бунга эътибор бермаган. Шунда эр бошқачароқ даъво қилади: «Нима учун сенинг калишинг унинг туфлисига кулиб қараяпти!» Бу ҳолат сизга тентакнамо бўлиб туюляпти, а? Албатта, бу аҳмоқона рашкнинг кўриниши. Шунга ўхшаш воқеалар такрорланавергач, хотин икки боласини олиб ажралиб кетишга мажбур бўлди. Шундан сўнг ўша рашкчи яна бир неча марта уйланди. Охири оғир касалга чалингач, сўнгги хотини уни қариялар уйига топширибди...

Куёвтўра, эътибор берган бўлсангиз, сал аввалроқ рашк ҳақида фикр билдирилган эди. Рашк иллати саодат саройини кўпориб юбориш қувватига эга бўлгани сабабли, мавзуга яна қайтмоқни лозим топдим. Мавзуни яна “Қобуснома”даги ҳикмат билан давом эттирай:

«Агар сен хотинингга рашклик қилмасанг, у сенга самимият била муносабатда бўлур. У сенга ота-онанг ва фарзандингдин ҳам мушфикроқ бўлур ва сенга ундин дўстроқ киши топилмас. Агар унга ғайрат кўргузсанг (асоссиз рашк қилиб ҳақоратлайверсанг, камситаверсанг), сенга минг душмандин душманроқ бўлур ва бегона душмандин ҳазар қилса бўлур, лекин ундин ҳазар қилиб бўлмас».

Дунёда инсон юрагини жирканч манзаралар билан тўлдириб рашк каби ҳўрловчи кулфат бўлмаса керак. Рашк бирон нарсани йўқотишдан қўрқадиган ярамас, очкўз ҳайвон эҳтиросидир; фикрловчи, ақлли эр бу ҳиссиёт одамга муносиб бўлмай, чириган расм-русумлар оқибати эканини англаб, бу иллатдан ўзини ҳимоя қилиши шарт.

Чинакамига севган одам рашк қилмайди. Муҳаббатнинг асл моҳияти – ишонч. Борди-ю, муҳаббатдан шу ишончни тортиб олинг-чи, унда сиз унинг ўз кучига бўлган ишончни, давомийлиги, жамики нурафшон томонлари – бинобарин, барча улуғворлигини тортиб олган бўласиз. Муҳаббатнинг рашкдан яқинроқ дўсти бўлмаганидек, ундан батарроқ душмани ҳам йўқ: бу баайни темирнинг ўзида пайдо бўлиб, кейин унинг қаттол душманига айланадиган зангнинг ўзгинасидир.

Рашкчининг муҳаббати кўпроқ нафратга ўхшаб кетади. Аниқроқ айтилса – муҳаббатдан кўра ғаразгўйликка яқин туради. Рашкдан оқилликни излашнинг маъноси йўқ. Тўла асосга эга бўлмаган рашк на ўзини, на ўз маҳбубига кўнгил боғлашга доир ҳуқуқни ҳурмат қилолмаган ожиз одамларга хос иллатдир; бу “меники” деган ҳайвоний инстинкт даражасида турган жонзотнинг бачкана ҳукмронлигини кўрсатади.

Эркаклар рашки уларнинг қон-қонига сингиб кетган шахсиятпарастлик, вужудини тўйқусдан қоплаб олган иззатталаблиги ва сохта манманлигининг кўзишидан пайдо бўлади. “Рашкка ҳаммаси равшан – аммо йўқдир исботи!” – деб ёзган эди рус шоири Михаил Лермонтов. Рашк қиладиган одам севадиган

инсонига эмас, ўзига иккиланади. Ўз исботини топмаса-да, ўша жазавали рашк манфаатпарастлик ва шухратпарастлик қилгандан ҳам баттарроқ жиноятларни юзага келтиради.

* * *

“Ваъдага вафо – марднинг иши” деган мақолни эшитгансиз. Ҳа, вафо фақат эр-хотин орасидаги зарур фазилатгина эмас, ҳар бир одам, ёшидан қатъи назар, ўз сўзига, ваъдасига вафоли бўлиши керак. Суюкли ёшларимизда баъзан ана шундай вафо етишмай қолади. Бунинг сабаблари: баъзан бир жойга боришга ваъда берадилару оила катталаридан рухсат тегмагани учун бажаролмайдилар. Бу ҳолда ваъдалашган кишини дарров огоҳлантириб, узр сўраш керак бўладик, шундай қилинса ваъдани бажармаслик бевафоликка йўйилмайди. Баъзан эса лоқайдлик ёки эриниш туфайли ваъда бажарилмайди. Масалан, қор ёғаётгани учун кўчага чиқишга эриниб, ваъдалашган жойга борилмайди. Огоҳлантирилмайди, узр ҳам сўралмайди. Буни бевафолик деймиз, гуноҳ эканини ҳам эслатамиз. “Боролмайман”, деб ёлғон баҳона билан огоҳлантирилган тақдирда ҳам гуноҳ соқит бўлмайди.

Ваъдада туриш, ваъдаги хилоф қилиш, ваъдасизлик маънолари лозим маънода ўлчанмайди. Бизда ваъдабозлик кенг тарқалган ва ваъдага вафо қилмаслик оддий ҳол бўлиб қолган. Ҳолбуки, “Арбаин”да таъкид этилганидек:

Кимки ҳар кимга ваъдае қилди –
Шарт эрур ваъдага вафо қилмоқ.
Ваъдаким қилдинг, ўйладурким дайн,
Фарз эрур дайнни адо қилмоқ.

(Ким бировга ваъда қилса, ваъдага вафо қилиши шарт. Ваъдангни қарз деб бил. Қарзни адо этиш эса фарздир.)

Кел, эй содиқки қилдинг сидқ лофин,
Ўланча қилмағил ваъда хилофин.

Ҳазрат Сўфий Оллоҳёр демоқчиларки, эй Аллоҳ таолони ва Унинг пайғамбарини ҳақ деб билувчи содиқ банда, энди сен ростлик даъвосини қилсанг, ўлар кунгача ваъданга хилоф қилмасдан тур. Чунки ваъдада тўғри турмоқ яхши ахлоқнинг юқори мартабасидир.

Юқорида айтганимдай, йигит ёки қиз бир кишининг чақириғига ваъда қилади-ю, бормайди ёки белгиланган соатда бора олмайди. У киши ўз ишларини ташлаб, кутиб туради ва хавотирланади. Ваъдабоз эса унинг ишдан қолганини ва хавотир олганини бир чақага ҳам олмайди. “Ваъда – қарз” эканини, ваъдага хилоф эса, мунофиқлик эканини ҳаёлига ҳам келтирмайди. Ҳатто айрим ёшлар бажариш ниятида эмас, балки шунчаки суҳбатдошнинг сўзини қайтаришдан уялиб ваъда бериб юбораверади. Бу ҳол ваъдада турмаслик эмас, балки ваъдабозлик нияти билан бўлганидан икки қарра қабоҳатдир.

Кишининг лафзида турмоқлиги “вафо гулини очти” тарзида ҳам баён этилади: “Абнойи замонғаким, бир вафо гули очтиким, алардин юз жафо тикани бағрига санчилмади”.

Иброҳим Халилulloҳнинг ўғиллари Исмоил алайҳиссалом Маккадан Фаластин ерига бориш учун чиққанларида Абдуррахмон исмли кимсага йўлиқдилар. Бу кимса дедик:

– Эй Аллоҳнинг Расули, агар сизлар мени йўлдошликка олсангиз эди, мен ҳам сизлар билан борур эдим.

Исмоил алайҳиссалом кўндилар. У киши яна дедик:

– Уйимда баъзи ишларим бор, бир оз кутсангизлар, уларни бажариб келсам, сўнг бирга борур эдик.

Исмоил алайҳиссалом “Яхши, кутамиз”, деб ваъда қилдилар. “Келурман”, деб кетган Абдуррахмон ваъдасини унутиб, қайтиб келмади. Исмоил алайҳиссалом ваъдаларига хилоф қилмай, ваъда берган ерларида уни узоқ (айрим ривоятларга қараганда олти йил) кутдилар. Абдуррахмон еттинчи йили шу йўлдан тасодифан ўтиб, Исмоил алайҳиссаломга дуч келди-ю, ваъдасини эслади. Уят ели билан тутдек тўкилиб, йиқилди. Исмоил алайҳиссаломга узрлар дафтари очиб, оёқлари остига кўз ёш дурларини сочи. Исмоил алайҳиссалом эса лутф билан: “Хуш келдинг, сафо келдинг, айтган сўзингга турдинг”, деб тавозе қилдилар.

Жанглarning бирида Абдуллоҳ ибн Муборак Рум элининг жуда кучли, ҳайбатли аскарлари билан тўқнаш келдилар. Яккама-якка олишдилар, қилич солдилар, гурзи билан урдилар, хуллас, ҳарчанд уринишмасин, бир-бирларини енга олмадилар. Шунда Абдуллоҳ ибн Муборак: “Танаффус қилайлик, жангни тўхтатиб турайлик, мен намозимни ўқиб олай”, деб рақибдан озгина муҳлат сўрадилар. Рақибга бу илтимос маъкул келиб: “Яхши, мен ҳам ибодатимни қилиб олай”, деб нари кетди. Абдуллоҳ отни соҳилга боғлаб, оқётган сувда таҳорат олдилар. У одам ҳам ўз эътиқодига кўра нималардир қилди. Абдуллоҳ намозни ўқиб бўлиб, дуо қилар чоқларида ўзларича: “Шу одамни отдан ҳеч ағдара олмадим, ҳозир отидан тушган, ҳимоясиз ҳолда ўтирибди. Фурсатдан фойдалансаму бостириб бориб, ўлдирсам-чи?” деб ўйладилар. Аммо бир қарорга келмай туриб Қуръони каримдаги: “Аҳдга вафо қилинглари, зеро, аҳд-паймон Қиёмат кунинда сўраладиган ишдир”, мазмунли оят эсларига тушди.

Ҳа! Инсон сўз бердими, аҳдлашдими, аҳдида туриши керак! Бунинг ҳисоби бор! Нима учун дуо чоғи, фикр ёмонлик томонга ўзгарганида айнан шу ояти карима **беихтиёр** ёдга тушди? Биз бундай ҳолларда “беихтиёр” дейишга ўрганиб қолганмиз. Ҳа, бу инсоннинг ихтиёридан ташқари. Аммо Аллоҳ таоло хоҳлагани учун шундай бўлган. Бу ўринда ҳам Аллоҳ таоло ўз оятини эслатди ва гўё бундай танбеҳ бердики: “Эй бандам, сен Менинг яхши бандаларимдансан, аҳдга вафо қилиш ҳақидаги оятни унутдингми? Аҳдинга вафо қил!” Оятни хотирлатиш замирида шу маъно яширинган эди. Абдуллоҳ ибн Муборак буни яхши англадилар ва йиғлай бошладилар. Жангни бошламоқ қасдида яқинлашган рақиб у зотни бу аҳволда кўриб ажабланди:

– Эй одам, нега йиғлаяпсан? Ўлимининг яқинлигини сезиб, қўрққанингдан йиғлаяпсанми? – деб сўради.

– Раббим мени сен туфайли йиғлатди, – дедилар Абдуллоҳ.

– Нега? Қандай қилиб? – деб баттар ажабланди рақиб.

– Дуо қилаётган пайтимда сенинг устинга бехос ҳужум қилиб, ўлдириш истаги туғилди. Шу нафаснинг ўзида Аллоҳ таоло менга аҳдга вафо қилиш ҳақидаги оятини эслатди. Мен бу жангга Раббимнинг розилигини истаб келсаму, қилмоқчи бўлган ишимни қара! Шунини ўйлаб йиғлаяпман, тўғри йўлимни йўқотганимдан йиғлаяпман...

Бу гапни эшитиб, рақиб ҳам йиғлади ва “Сизнинг динингиз ҳақ дин экан”, деб калима келтирди-да, мусулмон бўлди. Инсон қалби қилич билан эмас, шу тарзда гўзал ахлоқ билан эгалланди.

Вафодорлик одамгарчиликни кучайтиради, сўзидан қайтган эса одамгарчиликни тарк этади... Довуд алайҳиссалом айтган эдилар: “Суҳбатдошингга бир нарса ваъда қилсанг, ўшани амалга ошир. Ваъда қилган нарсангни амалга оширмасанг, орангизда адоват ҳосил бўлади. Эсланган вақтингда сенга ёрдами тегмайдиган ва унутганингда сени эсламайдиган суҳбатдошдан паноҳ беришни Аллоҳ таолодан сўраб юр...”

Келин ва куёв никоҳ ўқиладиган пайтда Аллоҳ таолога: “Сенга муносиб бандалик қиламан”, деб аҳд беради. Аҳдга кўра, оила мустаҳкамлигига, бахтига доир қандай талаб бўлса бажариши шарт бўлади. Бунга риоя қилмаса, аҳдини бузган, сўзида турмаган бўлади.

Қадимги араб подшоҳларидан Нўмон ибн Мунзирнинг бири ярамас ва бири яхши одати бор эди. У йилда бир кунни “Ғазаб куни” деб белгилаб, кўчага чиқарди-да, биринчи дуч келган одамни ҳибсга олдириб, ўлимга ҳукм қиларди. Яна бир кунни “Марҳамат куни” деб белгилаб, биринчи учраган одамга совғалар берарди.

Тоий лақабли камбағал бир киши “Ғазаб куни”да Нўмон ибн Мунзирга дуч келди. Золим подшоҳ у бечорани ўлдириш қасдида жаллодни чақирди. Шунда Тоий ёлвориб деди:

– Менинг хотиним ва фарзандларим бор. Кунимни ўтказишдан жуда-жуда қийналдим. Оилам оч-яланғоч яшайди. Гадоилик қилиб оиламни зўрга боқиб турибман. Бугун эҳтиётсизлик қилиб, “Ғазаб кунингиз”да сизга дуч келиб қолдим. Биламан, мени ўлдирасиз, лекин ҳозирнинг ўзида ўлдириш ёки кечки пайт жонимни олиш сиз учун фарқсиз бир иш. Мен шаҳардан унча узоқ бўлмаган бир қишлоқда яшайман. Менга рухсат беринг, тиланчиликдан топган озиқ-овқатларимни оиламга олиб бориб берай. Сўнгра оилам ва ёру дўстларим билан хайрлашиб, кун ботарда қайтиб келаман. Ваъдамга хилоф қилмайман, бунга ишонинг.

Подшоҳ унга раҳм қилмади, бир кафил топилмагунча рухсат бермаслигини айтди. Нўмон ибн Мунзирнинг суҳбатдоши Шурайх ибн Адий Тоийнинг қабиласидан эди. Тоий унга қараб мурожаат қилди:

– Эй Шурайх ибн Адий! Мен ўлимдан қўрқмайман. Фақат оч-яланғоч қоладиган оиламга ачинаман. Менга кафил бўл. Уйимга бориб, топганларимни оиламга ташлаб, хайрлашиб олай. Кун ботгунча шу ерга етиб келаман.

Шурайх илтимосни қабул қилди. Подшоҳдан рухсат теккач, Тоий қишлоғига йўл олди. Кун ўтиб, куёш уфққа бош қўйса ҳам Тоийдан дарак бўлмади. Подшоҳ жаллодни чақириб, кафилликка ўтган Шурайхни қатл этишни буюрди. Шу чоқда узоқда бир одамнинг югуриб келаётгани кўринди. Шурайх:

– Шошиб келаётган киши Тоий бўлса керак, озгина сабр қилинг, – деб ўтинди.

У адашмаган эди. Тоий терлаб-пишиб, қолдан тойганича, ҳансираб кириб келди ва подшоҳга деди:

– Ваъдамга вафо қилдим. Шомга етиб келолмасам, кафилим Шурайх менинг ўрнимга қатл бўлади, деб жуда-жуда қўрқдим. Аллоҳ таолога шукрки, вақтида етиб келдим. Олийжаноб Шурайхдан миннатдорман, энди эса подшоҳим, ихтиёр ўзингизда, “Ғазаб куни”да жон бериш қисматимда бор экан, мен ўлимга тайёрман.

Подшоҳ бу ҳолни кўриб, хайрат дарёсига чўмди. Сўнг Тоий ва Шурайхга қараб айтди:

– Сизлардан ажойиброқ кишини кўрмадим. Эй Тоий, дунёда ҳеч кимга ваъ-

дага вафо қилиш майдонида турадиган жой қолдирмадинг. Эй Шурайх, карам, шафқат ва марҳаматинг билан ҳаммани ҳайратга солдинг. Мен сизларнинг учинчингиз бўлолмасам ҳам, олийжаноблигингизга қойил бўлиб, бугундан эътиборан “Ғазаб куни”ни бекор қилишга аҳд этдим.

Подшоҳ Тоий билан Шурайхга инъом-эҳсон қилиб, ҳурматлаб, уйларига қайтишга рухсат берди.

Қўлдан келмайдиган, вафо қилиб бўлмайдиган нарс ҳақида ҳеч вақт ваъда бермаслик ва “бу иш менинг қўлимдан келмайди”, деб очик айтиш зарур. Сўзида турмайдиганни халқда “бебурд” деб ҳам атайдилар. Сўз берган сўзида турсин, сўзидан қайтган кишидан ёмонроқ киши йўқ. Чунки ваъдага вафо қилишни инсонийлик фазилати деб шарафладик. Қўлдан келмаган ишга ваъда бериш яхши ҳислатлардан саналмайди.

*Бировга ваъда бергил, уддасидан гар чиқар бўлсанг,
Вафо қилмай аҳдингга, бўлма юз қаролардин.*

Қўлидан келмайдиган ишга ваъда берувчиларнинг турли тоифалари бор. Биринчи тоифанинг нияти яхши, кимнингдир мушкулени осон қилишни истайди ва бу ишни зиммасига олади. Сўнг эса ё ҳафсаласизлик қилади, ё кучи етмайди-ю бевафолик ботқоғига ботиб қолганини ўзи ҳам билмайди. Афсус шундаки, бундай кимсалар аҳдга вафосиз одамнинг гуноҳга ботишини тасаввур қилмайдилар. Бу тоифанинг ҳам аслида юзи қора, лекин нияти яхши бўлгани сабабли кучли нафрат ўқиға дуч қилмасак ҳам бўлади. Уларга ишонмаслик билан ўзимизни четга олиш кифоя.

Иккинчи тоифанинг вафосизлиги виждонсизлик ва ғараз қўлмақларидан сув ичади. Улар ўзларининг бирон ишларини битириб олгунларича олам-олам ваъдаларни бераверадилар. Агар ваъдаларини эслатгудай бўлсангиз, ўзларини йўқотиб қўймайдилар, аксинча “Ҳозир шу масалани ҳал қилаётгандим” ёки “Ҳозир шу масалада ўзингизга учрашмоқчи эдим”, деб ёлғон устига ёлғон тўқийдилар.

Яна бир тоифа вазифанинг мушкуллигини ҳис этмай ёки бирор яқин одамнинг марҳамати, ҳиммати ёинки кучига, амалига ишониб ваъда бериб юборади. Ваъдасини бажариш учун ҳаракат қилади. Уддасидан чиқолмагач, уялади, узр сўрайди. Бундай одамлар хатоларини англаб, кейинчалик қуруқ ваъдадан ўзларини тийганлари яхши. Агар хатоларини такрорлайверсалар, одамлар уларни бебурдлар сафига қўшиб иззат қилмай қўядилар. Ҳа, сўзига вафо қилмайдиганларнинг бу дунёдаги биринчи жазоси шундай – одамлар орасида беобрў ва қадрсиз бўладилар.

Шарафли ҳадисда баён этилишича, бир араб Пайғамбар алайҳиссаломга “Сенга келурман”, деб ваъда қилди. Расулуллоҳ (с.а.в.) бу арабни кутиб, қирк кун уйдан чиқмадилар. Бир куни ўша араб келиб, салом берди. Набий муҳтарам алик олмадилар. Араб бундан ранжиб, сабабини сўраган эди, дедилар: “Сен мунофиксан, мунофиқнинг саломини олиш жоиз эмасдир”. Демак, мазкур ҳадисдан маълум бўляптики, ваъдага хилофлик – мунофиқлик экан.

*Сўзун бузғон кишини яхши эрлар:
“Қусиб қайтиб ани ичгунча”, – дерлар.*

Дейилмоқчики, яхши инсонлар сўзида турмаган кимсани қусган қусуқни қайта ичмак билан тенг қилурлар. Қусуқ ичмаклик макруҳ бўлганидек, аҳли булағо (сўз усталари) қошида сўзда турмаслик ҳам макруҳдир.

“Давр бевафоларининг жабридан дод! Ҳақ уларга инсоф ва раҳм бергай ва ёки бу маҳрум жафокашга сабру чидам ато қилгай”, дейдилар ҳазрат Навоий:

*Ё марҳамат ул хайли ситамкорага бергил
Ё сабру таҳаммул мен бечорага бергил.*

Одам дунёларга тенг шараф эгасидир. Ит эса жирканч махлуқдир. Аммо яхшилиқни билмайдиган бевафо одам – яхшилиқни унутмайдиган, вафодор итдан пастдир. Вафодор қўтир ит – вафосиз гўзал, барно йигитдан яхшироқдир:

*Бевафо ҳақношунос элдин йироғлиғ истаким,
Келмади ҳаргиз алардин ғайри бедоду жафо.
Итга итлик айламак жону кўнгул бирла бўлур,
Ҳақшунос ўлса у бўлса анда ойини вафо.*

Дейилмоқчики, яхшилигингга вафо ила жавоб қайтармайдиган одамдан йироқ бўлишга интил. Чунки улардан ҳеч қачон жабру жафодан бошқа нарса келмайди. Итга жону кўнгил билан боғланиш мумкин, агар яхшилиқни билувчи вафодор бўлса.

Йигит ҳам қиз ҳам тўйдан олдин учрашиб юргудек бўлсалар, ваъдаларини аниқ бажариш ҳаракатида бўладилар. Ваъдабоз бўлиб қолишдан қўрқадилар. Лекин тўйдан кейин бу қўрқув йўқолади, шуниси чатоқ. Айниқса, куёвтўралар ўйламай-нетмай ваъда бериб юбораверадилар-у, ваъдага вафо қилиш шартлигини унутадилар. Оилада фарзандлар туғилгач, бу камчилик тузатилиши зарур. Болага ваъда берилдими – бажарилиши шарт! Хотинга ваъда бериб бажармасангиз, кўнгли оғриси-да, индамай қўя қолади. Лекин болангизга берган ваъдангизни бажармасангиз, ундаги ишончни ўлдириб қўйган бўласиз. Деярли барча оилаларда учратиш мумкин: бола доимий равишда алданади. Ишончни йўқотган бола: “Эртага қўғирчоқ олиб бераман”, деган отасига қараб: “Алдайсиз, барибир олиб бермайсиз”, деб дангал айтади. Уйда ваъдабозлик қилишингиз бола тарбиясининг бузила бошлашидир, шуни унутманг.

* * *

Сал олдинроқ дўстларга тегишли бир-икки сўз айтилган эди. Мавзу муҳим бўлгани сабабли ўликни тирилтиргувчи дўст меҳри ва тирик қалбни вайрон этгучи дўст хиёнатлари хусусида яна биргалашиб фикр юритайлик.

*Асҳоб аросида ани бил шарлик –
Ким, шар сори англагай далиловарлик,
Яхши ул эрурки, айлабон боварлик,
Қилгай санга яхшилиқ сори ёварлиқ (Алишер Навоий).*

(Дўстлар ичида ёмони деб шундайларни билгинки, ёмон ишларни дангал бошлайдилар. Яхши дўст шундай бўладик, сени фақат яхши ишларга бошлайди.)

Бир ажиб қушни кўз олдингизга келтирингким, унинг қалби Аллоҳга ишқ бўлса, қанотларидан бири ота-онага, иккинчиси дўстга муҳаббат ва вафодир. Дўстлик ҳақида, дўстликдаги вафо ва хиёнатлар ҳақида шу қадар кўп ривоятлар тўқилган, ҳикматлар битилганким, барчасини тўплаб, нашр этилса, дунёнинг қоғозлари етмас эҳтимол. Кишининг ҳаётида тиш ўтмас муаммолар кўп. Шулардан бири айнан дўст топиш, дўст танлаш муаммосидир. Киши умри давомида адаш йўлларда кўп қоқилади. Энг кўп қоқилиш дўст кўчасида бўлади. Киши ўлгунига қадар кўп дўст топмайди, аммо кўп дўст йўқотади. Нега шундай? Бунга ким айбдор? Кишининг ўзими ё дўстми?

Кўнглимиз ҳамиша вафоли дўст тилайди. Айни дамда кимдир бизнинг дўстлигимизга, садоқатли дўстлигимизга муҳтож. Бирорта дўсти бўлмаган одам дунёда яшамаса ҳам бўлади. Биз дўст деб юрганимиз душманлик чопонига бурканиб олса, азиятлар чекамиз, аммо ўзимиз баъзан билиб, баъзан билмай бошқа бир одамга душманлик қилиб юрганимизни англаймизми? «У ёмон одам, шунинг учун менга душман», деймиз. Эҳтимол ўзимиз ёмондирмиз, эҳтимол дўстлик бурчи нима эканини яхши англамагандирмиз, эҳтимол яхши дўст тарбиясини четлаб улғайгандирмиз?

Куёвтўра, сиз ҳали ёшсиз, янги-янги дўстлар топиш қувончлари ҳам олдинда, йўқотиш азоблари ҳам. Шунга қарамай, бу кунга қадар топган ва йўқотган дўстларингизни бир-бир кўз олдингизга келтиринг. Уларнинг фазилат ва иллатларини эсланг-да, сўнг ўзингизга савол беринг: «Шу фазилат менда борми, бу иллатдан қутула олганманми?» Дўстларнинг яхшироғи ҳамдамларини ўз шафқати соясида тутати ва қарам эшигини улар юзига очиб қўяди, тилакларини ва ҳожатларини юзага чиқаради. Сиз шундайсизми? Ёки дўст деб юрганингиз бир гуруҳгина кишиларгагина яхшилик қилиш билан чекланасизми?

Дўстликнинг аввали – танишмоқликдир. Таъбир жоиз бўлса, танишиш – дўстлик манзилига олиб боровчи бир йўлдир. Агар бу йўлдан тўғри бормай, пойинтар-сойинтар, эгри-бугри қадам ташланса, ғийбат, ифво, ҳасад ариқларидан сув ичиб турилса, ўртада душманлик пайдо бўлиши шубҳасиздир. Бир киши билан танишиб, уни дўстликка қабул қилишда ғоят эҳтиёткорона ҳаракат қилиш керак.

Дўст йўлидаги боғлардан бири – **яхшиликни эътироф этишдир**. Яъни дўстнинг дўстга қилган яхшилигини тан олишдир. Агар бу йўлда миннат дарахти соясида роҳат қилинса, дўст манзилидаги кўшкка умид қилмай ортга қайтаверган маъкул.

Йўл бериш – табиийки, ҳар қандай аҳил дўст орасида тортишув бўлади. Шундай ҳолларда майда-чуйда нарсаларга ўралашиб, киши дўстдан ажраб қолиши ҳеч гапмас. Демак, икковидан бири йўл бериши шарт. Дўстлик оламида кибр қуёшидан баҳра олиш мукофоти – юлдузсиз тундир.

Хушмуомала – дўстлик боғидаги дарахтларга ҳаёт суви берувчи бир чашмадир. Ширинсўзлик, очиқ юзлик, гўзал ифода, тавозе, мулойимлик, тилни маъносиз беҳуда сўзлардан тийишлик каби гўзал хулқлардан хушмуомала ҳосил бўладиким, бу душманлик саҳросидан ёпирилажак офатлар йўлини тўс-моқликка қодир бўлур.

Яхшиликдин топса нишон ҳамсуҳбат,
Берур санга осойиши жон ҳамсуҳбат,
Чун бўлди малак нафърасон ҳамсуҳбат,
Шайтон сангаким дурур ёмон ҳамсуҳбат (Алишер Навоий).

(*Ҳамсуҳбатда яхшиликдан нишон бўлса, ундай ҳамсуҳбат жонингга осойиш бахш этади. Яхши ҳамсуҳбат жонингга осойиш келтирувчи фариштадир, ёмон ҳамсуҳбат эса шайтоннинг ўзидир.*)

Дўстга муҳаббатнинг ҳақиқий таржимони **ихлос** саналади. Дўстга хайрихоҳ бўлиш, керакли вақтда унинг манфаати йўлида хизмат қилиш бунини исбот этади. Муҳаббат ихлосга тескари эмас, аксинча уни қувватлайди, чунки икки дўст орасидаги муҳаббатдан мақсад – бир-бирларига манфаат етказиб, ёрдамлашишдир. Агар икки дўстдан бирисининг кўнглидан бу чиқиб кетса, унинг муҳаббати фақат мунофиқлик, риёкорликдан иборат бўлиб қолади.

Бир киши пулга мухтож бўлиб дўстининг уйига келди-да, муродини айтди. Хижолатлиги туфайли дўстининг таклифини қабул қилмади, уйига кирмади. Дўст ичкари кириб айтилган пулни олиб чиқиб бериб, биродарининг кўнглини кўтарадиган, хижолатликдан холи қиладиган оқил сўзларни айтди. Муддаоси ҳосил бўлган киши изига қайтгач, пул берган дўст уйига кирди-ю йиғлай бошлади. Хотини «Эрим кўпроқ пул бериб юбориб, ачиниб йиғлаяпти шекилли», – деган хаёлда «Бирор нарсани баҳона қилиб пул бермасдан қайтариб юборсангиз бўлмасмиди, энди пушаймонлигингиздан нима фойда?» деб таъна қилди. Шунда дўст дедики:

– Йиғлаётганим сабаби сен ўйлаганча эмас, мени ғафлат босибди, дўстим пулга мухтож бўлиб қолганини билмабман. У келиб сўрамасидан аввал ўзим бориб, мушкулини осон қилишим керак эди. Дўстнинг ҳолатидан беҳабар мендай ғофилнинг дўстлигидан Аллоҳ рози бўлармикин?

Қарз сўраш жараёни дўстлик кўчасидаги оғир ва нозик муаммолардан, айти пайтда жиддий синовлардан саналади. Пул гўё ўткир қилич, дўстлик занжирларини узишга, дўстликнинг бузилмас иморатини барбод этишга ҳам қодир. Қарз сўраш бошланса, заиф дўстлик иплари узилиб бораверади.

Бир одамнинг қадрдон уч дўсти тақдир тақозоси билан уч шаҳарда яшар эди. У дўстларининг садоқатини синамоқни хаёл қилди. Аввал бирига хизматкорини жўнатди. Хизматкор хожасининг иши юришмай, қарзга ботганини айтди. Дўст уни юпатиб, у айтган қарзни тўлашга етгулик миқдордаги пулни бериб, изига қайтарди. Синовчи дўст биродарининг бу карамидан қувониб, хизматкорини иккинчи шаҳарга жўнатди. Иккинчи шаҳардаги киши ҳам дўстининг қарзга ботганини эшитиб ғоят қайғурди. Эртасига хизматкорнинг қўлига қарзни қоплайдиган ва яна ўн йил давомида тирикчиликка асқатадиган маблағ бериб жўнатди. Синовчи дўст бундан ҳам қувонди, шундай дўстларни берганига Аллоҳга шукрлар қилди. Учинчи шаҳарга жўнатишдан олдин хизматкорига қаттиқ тайинлади:

– Бу дўстим бадавлат эмас, ўзи олим одам. Унда илмдан бошқа нарса йўқ. Шу сабабли «Хўжайинимнинг аҳволи хароб, катта қарзга ботган», деб ваҳима қилма. «Ишлари ёмон эмас, фақат беш тангагина қарзлари бор, Худо хоҳласа яқин кунларда қарздан қутулиб, ишлари авж олиб кетади», – дегин.

Хизматкор олим дўст ҳузурига бориб хожасининг буюрганини билдирди. Олим дўст бу хабарни эшитиб, бошини эгди. Сўнг ўрнидан туриб, ташқарига чиқди. Хизматкор ўтирган уйига назар солди: йиртиқ палосу эски кўрпачадан бошқа ҳеч вақо йўқ экан. «Ҳеч бўлмаса беш тангаси бордир», деб ўтирганида уйга нотаниш одам кирди-да:

– Хожаси беш танга қарз бўлиб қолган хизматкор сенмисан? – деб сўради.

– Ҳа, – деб жавоб берди хизматкор.

– Мана сенга беш танга, буни шу уй эгаси бериб юборди.

– Ўзлари қанилар?

– Ўзи меникида. У қул бозорида ўзини менга беш тангага сотди.

Бу гапдан хизматкор ҳам ажабланди, ҳам даҳшатга тушди. Қулдорга эргашиб унинг уйига борди ва олим дўст қаршисида тиз чўкиб:

– Ундай қилманг, пулни қайтариб берайлик, – деб ялинди.

– Мен бу одам билан шартлашиб, беш танга эвазига беш йил ишлаб беришга ваъда берганман. Ваъдамга хилоф қила олмайман. Дўстимни мухтожликдан қутқариш учун беш йил ишлаб бериш мен учун ҳеч гап эмас, – деган экан олим дўст.

Мазкур ривоятни бир даврада хикоя қилиб берганимда кимдир деди-ки:

– Ўша синаётган одам бу биродарининг қашшоқлигини билар экан, ўзинга ёрдам берса бўлмасмиди?

Бу саволда ўзимиз учун икки ибрат бор:

– олим ўзини қашшоқ санамайди, чунки унинг илми бор. У илмни ҳар нарсадан устун қўяди, биродарининг ёрдамини қабул этмайди. Бадавлат биродарлари ҳисобига яшаса, у олим бўлмайди;

– бошқани синамоқчи бўлган одам аввал ўзини синаб кўриши керак.

Бу дунёнинг одамлари бир-бирларига маҳрам бўлишни истасалар, дўстлик йўлида ўз азиз жонларини ҳам аямайдилар. Бундай одамлар садоқатли асл дўстлардирлар. Лекин бу дунёда шундай тоифа одамлар ҳам борки, улар ёлғиз ўз вазифаларини яхшиламоқ, қўлга бир нарса киритмоқ, яхши кун кечирмоқ учун дўст бўладилар. Бундай одамлар мол-давлат дўстларидир. Улар қушларни тўйдириш учун эмас, тутиш учун дон сепадиган овчига ўхшайдилар. Дўсти учун жонини фидо этадиган одамларнинг кадр-қиммати молини фидо этувчидан жуда ва жуда юксакдир. Ривоятдаги олим дўстни ана шу юксак мартабада кўрамиз.

Қардошинг эмас улки қўюб бош санга,
Давлат чоғи қилғай ўзни қўлдош санга,
Ким, қилди қатиглиғда вафо фош санга,
Ул бўлди ҳақиқат ичра қардош санга (Алишер Навоий).

(Давлатманд вақтингда сенга ўзини яқин тутган одамни дўст деб билмагин. Оғир кунингда вафо қилганлар ҳақиқатда сенинг дўстингдир.)

Дўстлар икки хил бўладилар: биринчилари – ўз ихтиёрлари билан самимий дўст бўлганлар. Иккинчилари – мажбурият ва зарурият юзасидан аҳду-паймон боғлаганлар. Буларнинг мақсади фойда кўрмоқ ва зарардан қочмоқдир. Лекин самимият ва садоқатга асосланган дўстлик ҳамиша, ҳар ерда ва ҳар шароитда ишончли бўлади. Зарурият ва мажбурият натижасида пайдо бўлган дўстлик эса ундай бўлмайди. У дарё каби гоҳ тошиб, атрофни босади, гоҳ куриб, суви оза-йиб қолади. Зарурият юзасидан пайдо бўлган дўстликка ишониш дуруст эмас. Зарурият ўртадан кўтарилиши замон дўстлик адоватга айланиши эҳтимол. Демокчиманки, олим агар зарурият туфайли дўст бўлганида ўзини беш тангага сотмас эди.

Қарға, оху, сичқон ва тошбақа дўст эдилар. Иттифоқо оху йўқолиб қолди. Қарға осмонга учиб, уни қидирди. Қарасаки, оху овчининг тўрига ўралиб, азоб чекиб нолалар қияпти. Қарға сичқонни фожиа ерига бошлади. Сичқон тўр арқонларини қирқди, оху озод бўлди. Шунда оху дўсти тошбақага қараб, ажабланиб сўради:

– Сен нега келдинг? Овчи бу ерга қайтса, сичқон тешикка кириб беркинадди, қарға осмонга кўтарилади. Тўрдан қутулдим, энди мен ҳам қочиб қутула оламан. Сен-чи?

Тошбақа бу гапни эшитиб бошини чайқаганича дебдики:

– Биродар, қандай қилиб келмайин? Дўстлардан узоқда, фироқ ва ҳижронда кечган ҳаётнинг нима лаззати бор? Қандай ақлли одам айрилмоқни афзал кўради? Бахтсизлик юз берганида одамга тасалли берадиган, оғир кунларингда дардингни енгил қиладиган дўстлар билан бирга бўлиш лозим. Ҳижрон ўтида ёнган, дўстлардан узоққа тушган одамнинг дили ҳамиша ғам ва алам билан тўла, сиҳатлик унинг вужудидан йироқ бўлади. Сабр ва қаноат уни тарк этади.

Ақл ва камолот ўз кучини йўқотиб, фойдасиз бўлиб қолади... Дўстдан ажралишдан ҳам оғирроқ мусибат борми дунёда? Фироқ алангаси етти дарёни қуритади...

Ривоятдан олинажак фикр шуки, шижоатли ва кучли ботирлар урушда, хотин ва фарзандлар камбағалликда, дўстлар бошга кулфат тушганда танилади-лар.

Хайвонлар дунёсини тарк этиб, ўзимизнинг ҳаётга назар ташлайлик-чи, нималарни кўрар эканмиз:

Бир йигитнинг бошига иш тушиб, бойлигидан ажралди, ўзи эса қамалди. Шунда унинг хотини ҳар ҳафтада ошхўрлик қилувчи улфат-дўстлардан ёрдам кутди. Дўст қамокда, ошхўрлик ўша-ўша давом этарди. Ошхўр улфатлар болаликдан бирга катта бўлган ўртоқларини эслаб қўйиш билан дўстлик бурчларини адо этардилар гўё. Тўғри, улар сичқон каби тўр арқонларини қирқиб, дўстларини тутқунликдан қутқара олмайдилар. Аммо фақат одам боласига хос фазилат – тутқунликдаги дўстнинг ота-онаси, оиласидан хабар олиб туриш-чи? Қамокдаги дўстнинг хотини эрини қутқариб олиш умидида елиб-югурарди. Иттифоқо автомашинаси бузилиб қолиб, эрининг энг яқин дўсти ҳисобланган одамникига бориб илтимос қилди:

– Кунда беш-ўн идорага учрашишга тўғри келяпти, машинасиз улгура олмайдиганга ўхшайман. Темирни қизиғида босмаса, армонда қоламиз шекилли. Машинангизни икки-уч кунга бериб турсангиз.

Дўст хотиннинг илтижосига жавобан шундай деди:

– Биров менинг хотинимни сўраса бериб туришим мумкин, аммо машинани бериб тура олмайман.

Тўғри, машинани бировга бериш қонунга зид, дерсиз. Лекин кўнгил тоза бўлса, шу машинани «ишонч қоғози» билан ҳам бериб туриш мумкин-ку? Ёки агар у чин дўст бўлса «Бир-икки кун эмас, қанча лозим бўлса ўзим машинам билан хизматингизда бўламан, зерикмаслигингиз учун хотиним ҳам ёнингизда бўлади», демасмиди? «Улфат», «ошна» деган тушунчалар бор. Чойхонадаги ошга ёки уйдаги «гап»га келмаганлардан гина қиласиз, бундай улфатга қўшилмаганлардан ҳатто нафратланасиз. Аммо қўполроқ бўлса ҳам бир ҳақиқат бор: от ва эшак бир охурда ҳашак есалар ҳам дўст бўлмайдилар.

Бир одамнинг афсус билан айтиб берган ҳикоясига сиз ҳам гувоҳ бўлинг: икки йигит. Иккови ҳам бадавлат отанинг эрка фарзанди. Бирига отаси «Мерседес» инъом этиб, улфатда «ювилди». Зиёфатдан қайтишда уларнинг бири ҳалокатга учради: машинаси пачоқ бўлди, ўзи оғир жароҳатланди. Унинг изидан келаётган дўст – янги «Мерседес» эгаси тўхтади. Дўстининг аҳволини кўриб, машина тўхтата бошлади. Бу воқеани ҳикоя қилаётган одам машинасини тўхтатганда йигит: «Дўстимни шифохонага олиб боринг, мен изингиздан етиб бораман», деб пул тутқазди. У одам эса «Бу қонга беланиб ётган йигит дўстингиз экан, ўзингизнинг машинангиз бор экан, ҳар нафас ғанимат-ку, нега ўзингиз олиб бормай, машина тўхтатмоқчисиз?» деб сўраса «дўст» дебдики: «Ие амаки, менинг машинам янги-ку, уни ўтқизсам қон бўлади-ку?»

Бу ҳикояга изоҳ шарт бўлмаса керак.

Болаликдан бирга катта бўлган икки дўст тижорат билан шуғулланмоқчи бўлишди. Бири қаердандир арзон-гаровга шампан виноси олиб, харидор топиш мақсадида бозорга келишди. Машина эгаси бўлмиш дўст дўкондор билан савдолашмоқ мақсадида ичкари кирди. Иккинчиси кўчада қолди. Ўзича савдо қилиб кўрмоқчи бўлиб, машинадан уч-тўрт шиша вино олиб кўчанинг ўзида

сотувга қўйганда милиция ходимларининг қўлига тушди. Дўкондан чиққан машина эгаси дўстининг бу аҳволини кўргач, «Мен бу одамни танитайман», деб жўнаб қолди. Уни қутқаришга ҳаракат ҳам қилмагани дўстга хиёнат эмасми? Виждонан қаралса шундай. Лекин масалага иқтисодий томондан ҳам қараш бор экан. Дўстлар даврасида, яъни «улфат гап»ида бу воқеадан хабар топганлардан бири биринчи дўстни айблади. Аммо у дўст айбига иқдор бўлмади. «Мен унга кўчада сот, дедимми? Ўзининг ахлоқлиги учун ўзи жавоб бериши керак», – деди. Орада баҳс бошланганида тижорат илмидан яхши хабардор дўстларнинг бири орани очиқ қилди. «Бу дўстимиз кетиб қолиб тўғри қилган, – деди у, – агар шу менинг дўстим деса, милиция уни ҳам ушларди. Қутулиш учун икки ҳисса пул тўлаш керак бўларди».

Сиз бу ҳукмга қандай қарайсиз?

Иқтисодий манфаат бор жойда дўстликка ўрин йўқми? Дўстлик ўрнини бевафолик эгаллайдими? Эҳтимол, саволимизга бу ривоят жавоб берар? Маълумингизким, бевафо дўстлар ҳақида кўп ривоятлар битилган. Қадим фозилларидан бирининг ҳикояси билан танишсак:

«Хоразмга сафар қилганимда бир киши менга йўлдош бўлди. Уни едириб-ичириб юрдим. У эса менга нисбатан бўлган муҳаббатини, самимий дўстлигини тинмай сўзларди. Йўлда бизга бир ит ҳам ҳамроҳ эди. Овқат қолдиқларини мен итга бериб турардим.

Йўлда икки ўғри бизга ҳужум қилди. Йўлдошим ўғриларни кўриб, мени ёлғиз ташлаб қочиб кетди. Ит эса мени ҳимоя қилди. Бир ўғрининг оёғидан тишлаб йиқитди, талади, оқибатда ўғри аранг қочиб қолди. Иккинчи ўғрини мен ўзим мағлуб этдим. Шундай қилиб, итнинг ёрдамида ўғрилардан қутулдим. Ҳамроҳим ўғриларнинг қочганини кўриб ёнимга қайтди, риёкорлик қилиб, ҳолимни сўради. Мен эса «Сен каби дўстдан шу вафоли ит яхшироқ», деб уни ёнимдан нари қувдим.

Одамнинг ҳаётда дўстлари кўпдай туюлади. Аммо ўзини дўст деб юрганларнинг юздан саксони “манфаат дўстлари”, десам фикримга қўшиласизми? Биласиз, қоғоз пулларнинг, ҳатто дурру жаҳоҳирнинг сунъийлари, қалбакилари учраб туради. Уларни махсус мосламалар саралаб беришади. Ҳаётда сохта дўстларни саралайдиган мослама йўқ, ҳар ким ўз зехни, ҳаётий тажрибасига қараб ажратиб олади-ю, аммо ажратиб олгунича кўп азиятлар чекиши ҳам мумкин. Ҳаётда учраб турадиган таҳликали ва мусибатли кунларнинг фойдали томони шундаки, бир-бирларини танимаган одамларнинг танишиб, дўст бўлишларига йўл очиб беради. Айни чоқда дўстнинг садоқатини синайди. Дўстларга манфаат етказмасдан улардан манфаат кутиш, ерга уруғ сепмасдан туриб, дон олишни тама қилиш каби маъносиздир. Ўз нафсини ўйлаб қилинган дўстликка жуда тез соя тушади. Дейдиларким, дўстни фойда-зарар ичида синамоқ керак. Яъни, сен дўстинг учун оёқ қўйсанг, ўзингни маҳкам тут. Дўстинг ҳақиқий дилини билмоқчи бўлсанг, синаш учун унга тилингга ғазаб қилиб ёки қовоғингни солиб кўр. Дўстнинг сенга қанчалик муҳаббати борлигини билмоқчи бўлсанг, унинг энг яхши кўрган нарсасини сўра. Шу иккаласидан сўнг ҳам у қовоғини солмаса, бундай дўстни бошга кўтариш, ширин жон билан баробар тутиш керак. Бир донишманддан «Қанча дўстингиз бор?» деб сўрадилар. Жавобан дедик:

– Буни билмайман. Ҳозир туриш-турмушим яхши. Умрим фаровонлик билан кечиб турибди. Шунинг учун ҳамма менга хушомад қилиб, ўзларининг дўст

эканликларини билдириб турибдилар. Мабодо давлатим қўлимдан кетса, у чоқда қанча самимий дўстим борлигини билиб оламан.

Ҳорун Рашид Баҳлулдан «Энг яқин дўстинг ким?» – деб сўрадилар.

– Қорнимни тўйдирган киши, – деб жавоб берди Баҳлул.

– Қорнингни тўйдирсам, мени ҳам дўст деб биласанми? – деб сўрадилар Ҳорун Рашид.

– Дўстлик ҳам насия бўладими? – деди Баҳлул.

Сўфий Оллоҳёр ҳазратларининг таъбири билан айтилса, «сен Аллоҳ таоло учун биров билан дўст тутинсанг, уни сут устидаги қаймоқдек кўргин. Уни азиз жонингча, балки ундан ҳам ортиқроқ кўргин:

*Тут ул дўстингни сут устинда қаймоқ,
Азиз жонингча кўргил, балки беҳроқ.*

Ҳаётда энг қадрдон дўст орасида ҳам келишмовчилик, тушунмовчилик ва бунинг оқибати ўлароқ аразлаш ҳам учраб туради. Одам хато ва камчиликлардан холи эмас. Аммо йўл қўйилган хато дўстларни бир-бирларидан ажратиб юбормаслиги керак. Ҳақиқий дўст биродарининг айбини дарров кечира олиши шарт. Бир оғиз хато гап учун ёки ноўрин ҳаракат учун ажралиб кетадиган дўстининг дўстлиги ҳақиқий эмас экан. Баъзан жумъа намозларида ҳам кузатамиз: намозни ёнма-ён ўқийдилар, намоздан сўнг эса бир-бирларига тескари қараб кетадилар. Аллоҳ буюрган бир ибодат бажарилади. Иккинчиси эса унутилади. Бир ибодат бажарилганини атрофдагилар кўриб туришади, иккинчиси бажарилмаётганини кўпчилик билмайди. Аразлашиб юрган одамлар унутмасинларки, бир-бирлари билан оға-инидек бўлиш Аллоҳ томонидан фарз қилиняпти. Бир-бирларига тескари қарадиларми, бас, фарз тарк этилди. Абу Ансорийдан (р.а.) қилинган ривоятга кўра Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар: «Ҳеч бир киши ўз биродаридан уч кечадан ортиқ аразлаб юрмоғи **ҳалол эмас**. Иккаласи тўқнашиб, бири у ёққа, иккинчиси бу ёққа юз ўгириб кетмасин. Уларнинг яхшироғи аввал салом берганидир». Анас ибн Моликнинг (р.а.) амакиваччалари Ҳишом ибн Омир (р.а.) Расулуллоҳдан (с.а.в.) бу ибратни эшитганларини ривоят қилганлар:

«Ҳеч бир кишининг иккинчи мусулмон биродари билан уч кечадан ортиқ гаплашмай юриши жоиз эмас. Шу иккаласи шундай ҳолатда бўлган даврда Ҳақ йўлдан четлашган бўладилар. Улардан қайси бири аввал яхшилик, меҳр-шафқат қилиш томонига ўтса, гуноҳига каффорот бўлади. Улар шундай гаплашмай юрган ҳолича дунёдан ўтсалар, иккаласи ҳам жаннатга кирмайди. Агар улардан қайси бири салом берса, иккинчиси жавоб қайтармаса (алик олмаса), салом берганига фаришта ва жавоб қайтармаганига эса шайтон жавоб қайтаради».

Мазкур шарафли ҳадисда аразчиларнинг жаннатга кирмаслиги ҳақидаги таъкидни унутмаслигимиз керак. Биродарларнинг уч кундан ошиқ аразлаб юришлари мумкин эмаслиги ҳақида яна бошқа ҳадисларда ҳам қайта-қайта таъкид этилади. Ҳатто Абу Харрош Суламийдан ривоят қилинган ҳадисда ўз биродари билан бир йилгача аразлашиб юрса, гўё унинг қонини тўккан бўлади.

Бир маҳаллада икки дўст яшардилар. Икковларининг ёшлари етмишдан ошган. Агар йигирма яшар дўстлар аразлашса, тушуниш мумкин: уларнинг ҳаёт тажрибалари кам, қизиққонлар. Бугун бир дўст йўқотсалар, эртасига бошқасини топишлари мумкин. Аммо етмиш ёшда дўстни йўқотиш?! Аразлаш учун биттагина ҳазил кифоя қилган. Атрофдагилар уларни яраштириш учун кўп ҳаракатлар қилишди. Сўфий Оллоҳёр ёзадиларким:

*Худонинг буйруғидан тойса ногоҳ,
Биродарлик ўшалдир қилсанг огоҳ...*

Демоқчиларким, Аллоҳ таоло учун тутинган дўстинг беҳосдан Аллоҳнинг буюрганидан қайтиб, йўлдан чиқса, уни бу бузук ишдан огоҳлантириб, тўғ-ри йўлга қайтаргин. Ҳақиқий биродарлик ана шундай бўлади, деган ҳикматга амал қилиб, улардан бири уйида махсус зиёфат уюштирди. Масжид имомини ҳам таклиф қилди. Имом бу икки аразчи қариянинг аҳволидан беҳабар, қавмининг илтимоси билан икки мусулмоннинг аразлашуви дуруст эмаслиги ҳақида маъруза қилди. Зиёфат якун топгач, аразчи қариялардан бири соҳиби эҳсонга «Сен менга ақл ўргатиш учун чақирдингми?» – деб дағдаға қила кетди. Хуллас, улар ярашишмади. Кимки аччиқ бўлса ҳам ўз дўстлари насиҳатига кулоқ солмас экан, ишнинг оқибати пушаймонлик бўлади. Бу – табиб буюрган дориларни ишлатмай, парҳез қилмай, ўзининг кўнгли тилаган таомларни еган, истаган ичимликларини ичган беморнинг ҳар дақиқа дарди оғирлашиб кетгани каби-дир. Орадан шу зайлда икки-уч йил ўтиб, олдинма-кейин вафот этишди. Биринчи дўст вафот этганида ярашишни хоҳламаган киши жанозага келди. Шунда биродарлар дедиларки: «Барибир келар экансиз, аввалроқ келиб рози-ризалик тилаб қолсангиз бўлмасмиди?» У киши эса шунда ҳам паст келмай: «У «Менинг ўғлим сеникидан бойроқ» деб керилган, шунисини кечира олмадим», – деб изоҳ берди. Унинг бу изоҳи тўпланганларга шу даражада бемаъни туюлди-ки, айримлар ундан юзларини ўгирдилар ҳам. Аразлашишга сабаб бўлган баҳона биродарларига ҳам эриш туюлган бўлса, уларнинг қиёматдаги аҳволлари қандай бўларкин?

Мана шу каби воқеаларни эшитганида, бирон дўст топганида, айниқса йўқотганида бундай фикр қилса-чи:

– *Эй нодон, Аллоҳнинг марҳамати билан топган дўстингни йўқотиб қўйдинг-а! Энди уни қиёматда қайда ва қай ҳолда топгайсан? Дўстини йўқотган ҳар бир одам кўпроқ айбни унга юклайди. Сен ундай қилма, кўпроқ айбни ўзингдан қидир. Сўнгги нафасинг чиққунига қадар дўстлигингни қайта тириштиришга улгуриб қол! Бир оғиз ноҳуш гап учун аразлаб юриш эвазига дўзах оташини сотиб олиш наҳот сен учун лаззатлироқ бўлса?! Олийҳиммат, мард одам бир лаҳзада дўст орттиради, пасткаш эса неча йиллик ошнализини бир лаҳзада барбод қилади. Сен пасткашлардан бўлма. Фаровонликни истасанг, бахтли онларингда ҳам дўст-ёр орттириб ол. Биласанки, денгиз тўлиб тошса ҳам дарё сувига муҳтождир. Дўстлар қанча кўп бўлса, кишига бало шунча кам ёпишади.*

Донодан сўрабдилар: «Дўстларингдан қай бири барчадан кўра сенга кўпроқ ёқади? Қайси бирини чин биродарлик даражасига етган, деб ўйлайсан? Қайси бирига сенинг муҳаббатинг кучлироқ?» Донишманд жавоб бердиким: «Айб қилсам яширадиган ва узр сўрасам кечирадигани менга ёқиб тушади...»

Баён қилганимиз икки қария узок йиллар ўзларини бир-бирларига дўст деб билганлар, аммо қалбларида дўст меҳри йўқ эканидан беҳабар яшаганлар. Ҳатто муборак ҳаж ибодатига борганларида ҳам Аллоҳ уларнинг қалбларига дўст муҳаббатини солмаган экан, на илож? Дўстнинг васли кўрар кўзларга роҳат беради. Уларнинг кўзлари бу роҳатдан бенасиб экан. «Емайсан, аммо тўясан, бу дўст меҳридир». Улар дўст меҳрига оч яшадиларми? Ҳар ким айбсиз дўст қидираверса, дўсти камайиб бораверади, дўстларини ранжитаверса, душманлари кўпаяверади. Бу қариялар умрлари давомида қанча дўст йўқотиб, қанча топдилар экан? Ҳар бир гулнинг тикани бўлгани каби, ҳар бир дўстнинг ҳам нуқсони

бўлиши табиий. Ўз дўстларининг хатоларини кечирмасликнинг, уларга етказган зарарни унутмасликнинг одам учун нима фойдаси бор? У қандай инсонки, ўз дўстининг тавба ва узрини қабул этмасин ва уни севинч билан қарши олмасин!? Олийжаноб ва мард одам оғир кунларда ҳам ўз дўстини ташлаб кетмайди. Ҳар қандай шубҳа ва гумонга асосланиб, ўртоқлик алоқаларини узмайди, бориш-келиш, салом-аликни қанда қилмайди.

Дўстларни бир-бирларига яқинлаштирадиган нарса, албатта, зиёратдир. Юрилмаган йўллар устини тикан ва буталар қоплагани сингари зиёратдан холи дўстлик йўллари ҳам беркилиб қолади. Биров сизга «Дўстимни бир-икки ойдан бери кўрганим йўқ», – деса билингки, у муҳаббатли чин дўст эмас экан. Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қилган шарафли ҳадислардан бирида Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар: «Бир киши дўстини зиёрат қилса, Аллоҳ таоло унга: «Ҳаётинг яхши ўтсин! Яхши иш қилдинг ва жаннатдан ўзинг учун жой ҳозирладинг», – дейди». Бу соҳада ҳам биз баъзан меъёрни орттириб юборамиз ёки меъёрга етказмаймиз. Расулуллоҳ «Дўстингни унга малол келадиган даражада эъзоз-икром қилма», деб таъкидлаганлар.

Одамлар бир-бирларига муҳтождирлар. Ўзаро муносабат пайдо қилмасалар, ишлари тугамай қолади. Одамларга аралашмасдан ёлғизликни севиш, жамиятдан қочиб юриш ақлга мувофиқ иш эмас. Ёлғизликни севиш дуруст эмас, аммо ҳаётда яна бир ҳақиқат бор – нодон дўстдан кўра ёлғизлик яхшироқ. Нодон одам дўст бўла туриб шундайин кунларни бошингга соладик, кейин душманларинг чангалидан мутлақо қутулиб чиқа олмайсан. Биз дўстни нодон деймиз, ҳолбуки, сўраб-суриштирамай ҳар қандай одам билан дўстлашиб унга кўнглидаги борини очиб ташлайдиган одамнинг ўзи нодон эмасми? Низомий хазратлари ёзганлар:

*Жоннинг душмани ҳам гар бўлса доно,
Ақлсиз дўстдан у юз карра аъло.*

Тилимизда «сирдош дўст» деган атама бор. Ҳар кишининг юрагини қон қиливчи сири бўлганидек, бу сирни ошкор қилишга арзигулик дўсти ҳам бўлади. Дўст-ку, сирингизни эшитар, ошкор қилмасликка ваъда ҳам берар, аммо ваъдасига вафо қилишидан кўра хиёнат қилиши аниқроқдир. Дўстларни бир-биридан айириб юборадиган сабаб ҳам айнан шундадир. Дўстига сир айтиб сўнг пушаймон бўлганларнинг сони-саноғи йўқ. Ҳолбуки, жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бир одамни жуда яқин олмагинки, у вақти келиб душман бўлиб қолиши мумкин», деб огоҳлантирганлар. Яқин деб билинган дўст душманга айланмаса ҳам, айтилган сирга хиёнат қилиши кутилажак ҳолдир.

Табиатда ҳамма нарса ўз хили билан юради. Оққуш қорақушга қўшилмайди. Одамлар гарчи бир хилга ўхшасалар-да, бирининг қалби оққуш иккинчисиники қорақуш кабидир. Ҳаттоки учар қушлар ҳам ўз шерикларини ажратишни уйдасидан чиқар экан, инсоннинг бунга амал қилмоғи мутлақо шартдир. Шу боис шоир дейдики:

*Бўлмагил ҳар кимга жонинг бирла, йўлдош ўзгәдир,
Айтмагил ҳар кимсага сирингни, сирдош ўзгәдир.*

Дўстлик тилсимларининг калити сирни сақлай билишдадир. Учинчи одам билмаган сир ёйилмайди. Чунки учинчи одам эшитган сир албатта оғиздан-оғизга ўтади ва бунинг олдини олиш мумкин эмас. «Беҳаё дўстликка ярамас, нопок сирдошликка», деган мақол бор. Тўғри, барчани нопокликда айблаш ёки

гумон қилиш ақлдан эмас. Аммо орада шайтон борлигини ҳам унутмай, дўстингизни асраш учун унга сиригизни айтмай қўя қолганингиз минг марта афзал.

Баъзилар «Ҳеч кимга айтманг, фақат сизга айтяпман буни» деб сирларини бир неча кишига маълум қилиб қўядилар. Тўрт кишидан учтаси ваъдага вафо қилиб, сирни сир тутиб юраверади. Аммо биттаси «гуллаб» қўяди. Оқибатда сир айтган одам тўрттала дўстидан гумонсираб ёки ранжиб юраверади. Баъзан эса шу баҳона бўлиб, дўстлик ипларини узиб юборади.

Истиқлол шарофати туфайли Сталин замонидаги яширин ҳужжатлар билан танишиш имкони туғилди. Фожиа шунда эканки, ўша йиллари қамалган ва отиб ташланганларга ўз дўстлари холис хизмат қилиб берганлар. Абдулла Қодирийни олайлик. Сталин ўзбекда шундай ёзувчи борлигини биларканми? Ёки «Ўткан кунлар» китобини ўқибдими? Усмон Носир қамалганда Сибирдан туриб Сталинга хат ёзган эканлар, ўзларининг айбсиз эканликларини исбот этмоқчи бўлганлар. Масковдаги идора бу хатни текшириш учун Тошкентга юборган. Тошкентдаги «дўстлар» Усмон Носир ижодида халқ душманига хос мазмун борлигини таъкидлаб жавоб йўллаганлар. Бу ўринда биз хусумат, ҳасад, ғараз каби иллатлар булоғидан сув ичиб семирган дўстликка дуч келяпмиз. Дўстларнинг ҳасади душманларнинг хусуматидан ёмондир, деган ҳикмат шу ўринда ўз исботини топади. Ҳа, душманлардан кўра баъзи дўстлар кишига кўпроқ зарар етказдилар. Чунки душмандан эҳтиёт бўласан, аммо дўстларнинг душманлигидан қутулиш қийин. Дейдиларким: «Чин душманнинг агарчи ҳийласи таъсир этмади, макр этмакдин ожиз бўлса, ҳийла била дўстлик мақомига келур ва ондин сўнг дўстлиғ сурати била андоқ ишларни қилурким, ҳеч бир душман они қила олмас». Ножинс кишининг зарар етказишини ўйламай, у билан дўстлашиб, суҳбатдош бўлиб юрган одамнинг охири ғам-ҳасратга гирифтор этилажигига тоғам – Мирзакалон Исмоилийнинг қамалишларига доир ҳужжатлар билан танишиб чиққанимда ишонган эдим. Тоғам бу воқеалар ҳақида гапиришни истамасдилар. Мени ажаблантирган нарса – ёзувчига қарши тухмат қилганлар унинг энг яқин дўстлари эди. Уруш йиллари елкама-елка турган дўстлар тухматдан ўзларини тия олмаганлар. Мен у кишиларни танир эдим. Чунки тоғам қамокдан чиққанларидан кейин ҳам улар билан дўстликларини узмаганлар. Уларнинг тухматчи эканликларини билганлар, аммо айбларини кечирганлар. Тоғам-ку, дўстликни сақлаб қолиш учун кечиргандирлар. Аммо Аллоҳ кечирганмикин? Донолар дерларким: «Душман сўзи билан дўст паймонин синдурдинг. Кўргилким, кимдин жудо бўлуб, ўзунгни кимга еткурдинг?» Тухмат билан қамалганлар озодликка чиққанларида тухматчи дўстлари уларнинг кўзларига қандай қарадилар экан, мен шу ҳақда кўп ўйлайман.

Жалолиддин Румий ҳазратлари «Оқил дўсти бор кишининг ойнага муҳтожлиги йўқ», деган эканлар. Биз шуни сал ўзгартириб: «Хоин дўсти бор кишининг душманга муҳтожлиги йўқ», десак қалай бўларкин? Аввалги йили марҳум бир ёзувчининг туғилган куни нишонланди. Сўзга чиққанлар унга дўст бўлганларини қайта-қайта таъкид этиб, у зотни шарафладилар. Аммо бирортаси «Биз у билан дўст эдик, ошхўрлик ёки пивоҳўрлик қилардик, афсуски, қамаладиган пайтда уни ҳимоя қила олмадик», демади. Ҳолбуки, ҳужжатлар далолат беришича, дўстларини ҳимоя қилишга уриниш у ёқда турсин, Ёзувчилар уюшмаси сафидан ўчириш чоғида ёмонлаганлар, «халқ душмани» деган тамғани ўзлари тайёрлаб берганлар. Бу дўстлар ўша даврда қўрқоқлик қилгандирлар ёки бош-

қа сабаб бўлгандир. У замон учун айблашимиз балки нотўғридир. Энди ноҳақ жабр кўрган дўст вафот этган, тухматчи, бевафо дўстларнинг умри ҳам куз япроғига ўхшаб бир шохчага илиниб турибди. Шунини фаҳм этиб, тавба қилиб олсалар бўлмасмикин? Уларни тавба қилмаганлари учун айбласак, тўғрироқ бўлар. Бироқ, мақсадим уларни айблаш ва ҳукм чиқариш эмас. Бу воқеаларни эслашдан мақсад – сиз азиз ёшларнинг эътиборини тортишдир. Чунки бу каби хоинликлар фақат битта замонга хос эмас ва бутунлай йўқ бўлмайди. Бугунми ё эртагами бошқача кўринишда юз очаверади.

Дўстлар орасидаги муҳаббат занжири қанчалик бақувват бўлмасин, уни уза оладиган куч топилади. Унутмаслик керакки муҳаббатли, чин дўстларнинг биродарлигини кўролмайдиган ҳасадгўйлар кўп учрайди. Улар шунчаки ҳасад қилиб юра қолишмайди, дўстлик занжирини узишга обдан уринишади, уза олишса, роҳатланишади.

Дўстлик саройини тиклаш осон эмас, тикланган саройни турли офатлардан сақлаш ундан-да қийинроқ. Офатлардан бири – фитна. Фитна бўронини ҳар томондан кутиш мумкин. Дўст либосидаги фитначилар ҳаётда бошқаларга нисбатан кўпроқ учрайди. Уларнинг қўлларида ғараз қиличи бордир ва бу қилич аёвсиздир.

Тўйдан кейинги дўстлик масаласи ниҳоятда нозикдир. Икки бўйдоқ дўст орасида хотин пайдо бўлгач, уларнинг муносабатларида ислоҳга эҳтиёж сезилади. Оила қурган йигит (ёки қиз) эътиборини кўпроқ оилага қаратишга мажбурдир. Энди оила мустаҳкамлиги биринчи галдаги вазифага айланади. «Хотинни деб улфатларимдан воз кечмайман» дейдиганларни калтафаҳмлиқда айблашга ҳаққимиз бор. Деярли ҳар куни чойхонадами ё бошқа ердами улфатчилик қиладиганларни учратиб турамиз. Қанчадан-қанча келинчаклар бу серулфат, оилага меҳрсиз эрларни тун ярмигача кутадилар. Аввал ўзлари сўнг фарзандлари билан кутадилар. Бу одамлар дўстликни фақат улфатчилик, зиёфатдан иборат деб янглишади.

Йигитлар уйланишгандан кейин янгича улфат ташкил қиладиган бўлиб қолишди. Бу улфатда («гап»да) жуфт-жуфт бўлиб ўтириш. Дўстлигимиз янада мустаҳкамлансин, аҳли аёлларимиз ҳам бир-бирлари билан борди-келди қилишсин, деган мақсадлари яхши. Аммо улфатчилик тарзи яхши натижа бермайди. Аёллар орасида турли ғийбат чиқиши табиий. Ундан ташқари орада шайтони лаъин борлигини унутмаслик шарт. Биргина беҳаё кўз қараши билан дўстликнинг ҳам, оиланинг ҳам бузилиб кетишига мисоллар етарли эканини аввалроқ айтдим. Дўст қанчалик содиқ ва солиҳ бўлмасин, у хотин учун номаҳрам саналади. Дўстликни сақламоқчи бўлган биродарлар шу ҳукмга итоат этсалар мақсадга мувофиқдир.

Куёвтўра, агар сиз: «Ҳақиқий дўст топиш менга муяссар бўлса, у билан қандай муомала қилишим керак?» – деб сўрагудай бўлсангиз, донишмандларнинг жавобини тавсия қиламан:

– Ҳақиқий дўст топсанг, унга содиқ бўлгил, хиёнат қилмагил. Ҳамма вақт дўст тутмоқни одат қилгил. Зероки, ҳар кишининг дўсти кўп бўлса, айблари шунча сир тутилур ва фазилати кўпаюр. Ҳар кишики дўстларини ёд қилмаса, дўстлари ҳам уни ёд қилмаслар ва оқибат бу киши дўстсиз қолғусдир. Кўнглингдаги дўстлик муҳаббатини сўзинг ва ишинг билан кўрсат, дўстинг сирийн ошкор қилишдан сақлан, унинг ёнида бошқаларни ғийбат қилма. Дўстинг муҳтожликда қолса, дарҳол унга ёрдам бер. Унда бирор айб содир бўлса, холи жой-

да (!) айбини айтиб, юмшоқлик билан насиҳат қил. Агар дўстинг сенинг айбингни айтиб, насиҳат қилса, ундан миннатдор бўл. Ҳар дўстким, сендан ҳеч сабабсиз гинали бўлса, унинг дўстлигидан тама қилмагилки, жаҳонда ундан айблироқ ва ундан ёмонроғи бўлмагай. Билгилким, жаҳонда айбсиз одам бўлмас, аммо сен салоҳиятли, мурувватли бўл, чунки бундайларнинг айби кам бўлурлиги аён. Агар дўстингнинг кўнгли ҳеч гуноҳсиз сендин қолса, уни қайтаришга машғул бўлмагил, бундай тамагир ва кечки дўстдан узокроқ бўлганинг маъқулроқ. Бундайларнинг дўстлиги ҳақиқий саналмайди, балки тама учун бўлади. Ҳасадли кишилар билан яқинлашишдан ҳам парҳез қил, чунки ҳасадли киши дўстликка сира ҳам лойиқ эмас, чунки ҳосиднинг ҳасади ҳаргиз кетмас ва сендан гина қилишни сира қанда қилмас. Мурувватсиз, фазилатсиз кишини ҳам дўст тутмагилким, бундай кишининг хосияти бўлмас, уларни мол-дунё дўстлари сафида кўр, улар ор ва номус дўстлари қаторидан жой ололмаслар. Дўстингга ёлғон сўзлама. Унинг душмани билан дўстлашма. Дўстинг бошига бирор мушкул иш тушса, қайғули ҳодиса юз берса, уни шу мусибатдан қутқаришга жону дилинг билан кириш, дўстингнинг ота-она ва оила аъзоларига меҳрибон ва шафқатли бўл. Ҳар вақт янги дўст топсанг, эски дўстларни тарк этма ва воз кечма. Дўстинг ҳамиша кўп бўлаверсин, чунки яхши дўст киши учун бебаҳо хазинадир, деганлар. Одамлар билан дўстлигинг ўртача бўлгани маъқул. Дўстим кўп деб барчасига умид билан кўнгил боғлайвермагин, орқа-олдинга қарагин. Дўстларингнинг эътиқодларидан ғофил бўлмагин. Уларни фароғатли ва ташвишли кунларингда имтиҳон қилгин. Агар ўзинг қашшоқ бўлсанг, бой дўст талаб қилмагин, чунки қашшоқни дўст тутучилар кам бўлади. Абу Ҳамза Бағдодий дебдурларким: «Фақирларни дўст тутиш оғир, унга сиддиқлардан бошқалар чидай олмайдилар». Ҳаётда кўп учратамизки, молдорлар қашшоқларни хуш кўрмаслар. Шу боис киши ўзига тенг дўст ахтаргани маъқул. Аммо киши молдор – бой бўлсаю қашшоқдан дўсти бўлса бу унинг аъло фазилатидир. Билмоқ жоизким, дўст уч хил бўлади: 1) дўст; 2) дўстнинг дўсти; 3) душманингни душмани. Душман ҳам уч хил: 1) душман; 2) дўстингнинг душмани; 3) душманингни дўсти. Энди билгилким, дўстларнинг дўстлари ҳам сенинг дўстларингдир. Эҳтимолки, унинг ўша одамга дўстлиги сенинг дўстлигингдан аълороқдир. Агар дўстинг сенинг душманингни севса, бундай дўстдан эҳтиёт бўл. Чунки бундай дўст душман тарафидан сенга ёмонлик қилишдан ҳам андиша қилмайди. Сенинг дўстингга душман бўлган дўстдан ҳам парҳез қилганинг яхши. Ҳар дўстки, сенинг душманингни душман тутмас, уни дўст демагил.

Куёвтўра, яна сўрасангизки: «Тасодифий дўстлар билан қандай муносабатда бўлиш лозим?» Ҳикмат аҳлининг жавоб бундайдир:

– Тасодифий, юзаки дўстларга ҳам қўлингдан келганича яхшилик қил. Лекин сиру асрорингдан хабардор этма, улар ёнида ҳар хил сўзлар сўзлашдан тилингни тий. Уларни юзаки муомала билан қувонтириб, кўнгилларини ўз тарафинга мойил қил. Улардан бири кўринмай қолса, бошқа шундай ошна-оғайнилардан унинг аҳволини сўра, бироқ мол-ашёларингни уларга айтма, ўз аҳволингни яширин тут. Сенга ярим дўст бўлувчилар ҳам учрайди. Улар билан ҳам соз муносабатда бўл, улар сендан яхшиликлар кўравергач, яқдил дўст бўлишлари мумкин. Искандардан сўрабдиларким: «Оз сармоя билан бунча кўп мулкни қандай қўлга киритдингиз?» Искандар дебдики: «Раҳмдиллик билан душманларимни қўлга олдим, аҳдга вафо билан дўстларимни йўлга солдим». Яхши ва ёмон одамни бир-биридан кўнгил кўзи ила ажрата олгил. Уларнинг

икковига ҳам дўстлик қилгил. Яхшиларга кўнгил билан, ёмонларга тил билан дўстлик қилгилким, токи икки тоифанинг ҳам дўстлиги сенга нисбатан пайдо бўлсин. Чунки кишининг ҳожати бир дўст билангина раво бўлмас. Бир вақт бўлурким, кишининг ҳожати зарурат юзасидан ёмонларга ҳам тушиши мумкин. Демак, ҳар икки тоифанинг дўстлигига эътибор қил. Нохуш хабарни чин бўлса ҳам дўстингга етказма. Қўявер, ўша чин хабарни душман етказсин ва сен сабр қил. У айб можаросини душман қилаверсин. Чунки адоват қилмоқлик – душман ҳунаридир.

– Ақлсиз одамлар билан ҳаргиз дўст бўлмагил. Ақлсиз дўст ақлли душмандан ёмонроқдир. Чунки ақлсиз дўст шундоқ ишлар қилурки, ақлли душман уни қила олмас. Мурувватли, илмли ва вафоли кишилар билан дўст бўлсанг, уларнинг фазилатлари туфайли сенинг ҳам шухратинг ортгай. Бемурувват, меҳршафқатсиз, илму ҳунарсиз кишилар билан бирга бўлгандан кўра танҳолик афзалроқдир. Дўстга лойиқ одамни икки нарсадан билса бўлур. Бири – дўстининг ҳоли танг бўлиб қолса ёки қашшоқликка юз тутса ундан юз ўгирмайди, балки молини ундан дариғ тутмайди. Яна бири – дўсти вафот этганидан сўнг ҳам дўстининг фарзандлари, қариндошларини ва дўстларини зиёрат қилиб тургай. Уларга яхшлик қилгай. Дўстининг мазорига бориб зиёрат қилгай, хасрат чекиб дуолар қилгай. Ривоят қилурларким, Сукрот ҳакимга «Бутпараст бўл!» деб кўп айтдилар. Ул зот «Бундоқ сўзни айтурдин тил чекингларким, мен ҳаргиз ул ишни қилмасман!» – дедилар. Сукрот ҳакимни ўлдиришга олиб борардилар. Шогирдлари зорлиғ қилиб сўрадилар: “Эй ҳаким, энди ўлимга кўнгил қўймишсиз, айтинг, сизни қай ерга дафн этайлик?” Сукрот бу саволни эшитиб, табасум билан дебдиларким: «Қай ерни кўнглунгиз тиласа, ул жойга дафн этинг, жасадим қайда бўлса сўнгақларим унда бўлғай. Сиз мени ёд қилсангиз бас!»

Биз талаб қилаётган дўстга хос фазилатларнинг барчасини бир сўз билан «иймон» деб атасак адашмаймиз. Яъни иймон эгасидагина шу фазилатлар жам бўлади. Демокчиманки, дўстни иймон эгалари сафидан қидиринг. Иймонсизлар сафида фақат душманни учратасиз.

* * *

Севги ва дўстлик бир-бирига эврилиши бўлмаган гап. Яъни, сеvgи дўстликка, дўстлик сеvgига айланиши мумкин эмас. Кимки қалбингга қайси туйғуни бошлаб кирган бўлса, ўша туйғу билан яшаб қолади!

Севги устунми ёки дўстлик? Севги. Инсон ҳаётида “Дўст” эмас, “Дўстлар”, “Севгилар” эмас, “Севги” тушунчаси ҳукмрон. Демак, сеvgи ягона, ҳар мамлакатда подшоҳ битта бўлганидай...

Лекин “севгими ёки дўстлик?” деган саволга дуч келиб қолиш ҳам мумкин. Ўшанда ўйлаб иш қилишни маслаҳат берардим. Бу пайтда мартабасига қараб эмас, садоқати, вафосига қараб танланг. Ахир, дўст ҳам сеvикли инсон.

Дўстликда юракни, сеvgида кўнгилни, ҳар иккисида ҳам ҳамиша ақлни ишлатинг. Шунда бу тарози паллаларини тенг ушлаб туришга муваффақ бўларсиз (*Ирода Эргаиш*).

* * *

Совчилар келиннинг ҳусни, бойлиги, сепи билан қизиқишлари аниқ. Аммо бойлиги ва сепидан аввал унинг қай даражада ақлли эканини билишга интилади. Топган қизларини куёвга мақтаётганларида ҳам, гапни “биром ақл-

лики”, деб бошлайдилар. Қиз томон ҳам бўлажак куёвнинг кимлигини билиш мақсадида суриштириш бошлаганида биринчи галда “Ақллими?” деган саволга ижобий жавоб олишни истайди. Агар қизнинг ва йигитнинг ақлли экани аниқланса, бошқа қилиқларини суриштиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Чунки ақлли йигит ва қизнинг ёмон одатлари бўлмайди. Ақллими – демак, илмли, одобли, ҳаёли, ғайратли, меҳрибон, вафоли...

Ҳар қандай қиз бўлажак эрининг, қайнота ва қайнонасининг ва бошқа яқинларининг ақлли бўлишларини истайди. Йигит ҳам шундай. Бошқаларнинг ақлли бўлишларини талаб қилиш яхши. Лекин талабгор қиз ёки йигитнинг ўзи ақллими?

Оила бузилиш жари лабига яқинлашса ёки бузилса, “Эри аҳмоқ экан”, “Хотини ғирт аҳмоқ экан”, “Қайнонаси аҳмоқ экан”... деган гапларни эшитамиз. Нега шундай? Нега кеча “Ақлли” деб мақталаётган одамлар бугун бирданига аҳмоқ бўлиб қолишди?

Ақл ва ақллилик ҳақида азиз ёшларимиз нималарни биладилар-у, нималарни билмайдилар? Ақл ҳақида суҳбат гарчи куётўралар билан бўлаётган гурунглари бобида баён қилинаётган бўлса-да, бу кичик анжуманга қайноталар, қайноналар ва келинпошшаларни ҳам таклиф этаман.

Кимнинг ақли кўнглидан зайил бўлса (фаҳм-фаросати бўлмаса), Қорундай бой бўлса ҳам, оқил одам олдида гадодир. Ақл туфайли киши юз ганжга эга бўлмай. Оқил кишига камбағаллик, йўқсиллик йўқдир... Ҳар ким агар фаҳш сўзласа, ақл унга бўйин эгмайди. Яхши киши бундай ишлардан хотиржам бўлмайди. Ундай кишига ақл фақат дашном бер, дейди. Қизиғи шундаки, ундайларга дашном қор қилмайди...

Кўнглунга хирад йўлин падида айла,
Бу нақдқа жонингни харидор айла,
Ҳар ишда хирадни ўзунга ёр айла,
Журмунг таркидин хирад изҳор айла (Алишер Навоий).

(Кўнглингда ақл йўлини пайдо қил, бу бойликка жонингни харидор қил. Ҳар ишда ақлни ўзингга ёр этиб, ақл билан гуноҳларни тарк айлагин.)

Фикр ақлнинг кўзгусидир. Донишманд дебдиким: «Ақлинг билан қара, кўз хоиндур, қалбинг билан эшит, қулоқ ёлғончидир!»

Ақл билан иш кўрувчи одамни «ақлли» деб шарафлаймиз. Бунинг муқобилидагини баъзан «аҳмоқ», баъзан юмшоқроқ тарзда «ақлсиз» ёки «эси паст» ёки «эси йўқ» деб қўямиз. Аҳмоқ билан ақлсизнинг (эси паст, эси йўқнинг) мавқеи бирми? Йўқ. Ақлсиз, эси паст, эси йўқ – одамнинг табиий камчилиги. Айб ҳам, гуноҳ ҳам эмас. У табиатан ақлсиз яралган. Одамнинг жисмоний қуввати турлича бўлганидек, ақл қуввати ҳам ҳар хилдир. Агар бир одам ақлсизлиги туфайли бирон айб иш қилса, айтайлик бировни сўкса, унинг бу иши узрли. Агар ақли бутун бўла туриб айнан шу ишни қилса, уни «аҳмоқ» деймиз.

Мавлоно Жалолиддин Румий аҳмоқлар ҳақида шундай деган эканлар: «Аҳмоқлардан қочинги, Ийсо алайҳиссалом улардан қочгани каби. Аҳмоқлар билан суҳбат қилиш натижасида неча марта қонлар тўкилгандир».

Ўрни келганда Ийсо алайҳиссаломнинг аҳмоқдан қочишлари баёни билан танишинг:

Марямнинг ўғли Ийсо худди арслон қувалаган каби тоғ томонга югуриб борар эдилар. Кўчадан ўтаётган одамлардан бири унинг орқасидан югурди ва деди:

– Нима бўлди сизга? Ҳуркитилган қуш каби учиб бормоқдасиз?

Ийсо алайҳиссалом шу қадар тез чопар эдиларки, шошилганларидан бу одамнинг саволига жавоб бера олмадилар. Ул зотнинг бу тарзда югуришларидан баттар ҳайратга тушган одам, ниҳоят яқинлашди ва яна сўради:

– Ё Рухуллоҳ! Аллоҳ ризоси учун бир он тўхтанг ва ҳолингиздан бизга хабар беринг? Кимдан ва нима учун қочмоқдасиз? Ахир орқангиздан қувлаётган арслон ҳам, душман ҳам, қўрқадиган бошқа бирон нарса ҳам йўқ-ку?

Бунга жавобан Ийсо алайҳиссалом дедилар:

– Бир аҳмоқдан қочмоқдаман, аҳмоқдан! Ўзимни у билан суҳбатлашишдан қутқаряпман. Мендан узоқроқ турки, ўзимни қутқарай.

Бояги киши яна сўради:

– Дуолари билан кўрларга ва карларга шифо берувчи Ийсо сиз эмасми?

– Ҳа, мен ўша масихман, – дедилар Рухуллоҳ.

– Маънавий сирларнинг тилсимини билган ва шунинг учун ҳам «Рухуллоҳ» номини олган маънавий зот Сиз эмасми? Ахир сиз дуо қилганда ўлганлар ҳам худди ўлжасини тутган арслон каби қабрдан сакраб чиқарди-ку?

Бунга жавобан Ҳазрати Ийсо дедилар:

– Ҳа, ўликларни тирилтирган менман.

– Эй Ийсо! Лойдан қуш ясаб, уларга жон бағишлаган Сиз эмасми?

– Ҳа, менман, – дедилар Ийсои Рухуллоҳ.

– Эй тоза рух! Ўзингиз истаган нарсага қодир бўла туриб, яна кимдан кўр-қиб қочмоқдасиз?

Ийсо алайҳиссалом яна жавоб қилдилар:

– Аввало руҳни ва сўнгра вужудни яратган Жаноби Ҳаққа ва унинг сифатларига қасам ичаманки, сен айтган бу дуони, яъни исми Аъзамни кар ва кўрларга қилган эдим. Улар тузалдилар. Сўнг бу дуони баланд чўққили тоққа қилган эдим, дуонинг кучидан ўртасидан ажралиб кетди. Сўнгра ўлик бир жасаднинг қаршисида ўқиган эдим, майит тирилди. Ҳеч бир нарсаси бўлмаган фақирга ўқиган эдим, бой-бадавлат бўлди. Лекин бу дуони аҳмоқ бир қалбга минг дафъа шафқат ва марҳамат ила ўқисам ҳам ҳеч фойда бермади. Бу аҳмоқ қоратош каби қаттиқ туриб олди ва қора феълидан асло воз кечмади. Оҳақ тўкилган қум каби ундан бир ўт ҳам ўсиб чиқмади.

Бу сўзларни эшитган у одамнинг қизиқиши янада ортиб Ҳазрати Ийсодан сўради:

– Исми Аъзам бу қадар киши ва нарсаларга таъсир қилиб, фойда бергани ҳолда нега аҳмоқликка таъсир қилмади? Қолбуки, қолганлар ҳам хаста эдилар. Уларнинг даво топиб, аҳмоқнинг эса даво топмаслиги сабаби ва ҳикмати недир?

Саволга Рухуллоҳ бундай жавоб бердилар:

– Эй инсон! Билгилки, аҳмоқлик иллоти Худонинг қаҳридир. Қолганлари эса қаҳри илоҳийга дуч келмаган хасталиклардир. Бало ҳам хасталиқдир, лекин у ҳам мубталосидан шифо топади. Аҳмоқликка келадиган бўлсак, бу «Хатамаллоҳу ала қулубиҳим ва ала самъиҳим ва ала абсорихим фишаватун» ояти билан қаҳри Худодирки, аксарият ҳолларда бу хасталиқдан бошқалар зарар кўрадилар. Аҳмоқлик тамғаси Аллоҳнинг улар қалбига урган бир муҳридир. Уларнинг кўзларида ва қулоқларида пардалар бордир. Унга ҳеч кимса чора топа олмайди. Ягона чора – ундан қочмоқликдир.

Бу ҳикматни рамзий маънода тушунмоқ лозиммикин? Яъни: аҳмоқдан

жисмонан эмас, руҳан қочмоқлик жоиз. Чунки жисмонан қочиш қутулиш мумкин эмас. Қайси даврага яқинлашманг, ақллилар орасида бир ёки бир неча аҳмоқ топилади. Аҳмоқлардан руҳан қочмоқлик – иймонни, виждонни, диёнатни уларнинг салбий таъсиридан эҳтиёт қилиш дегани бўлади. «Қозонга яқин юрсанг – қораси юқади», деганлари бежиз эмас. Қулоқлари ҳақиқатни тинглашдан, оғизлари ҳақиқатни сўзлашдан, қалблари ҳақиқатни севишдан завқ ололмайдиганлардан қочмоқ шарт экан. Чунки уларнинг руҳиятидаги касофат соғлом қалбга чўкиб, кишини абадий хасталикка дучор қилиши ҳеч гап эмас. Шу боис ҳам Ийсо алайҳиссалом ҳаворийларга: «Сизни қабул этмасалар ва сизни тингламасалар, кетингиз. Кетаётганингизда оёқларингиз чангини қоқингиз», деганлар. Расулуллоҳ (с.а.в.) «Оқил – дўстим, аҳмоқ – душманам», деб марҳамат қилганлар. Аҳмоқларнинг суҳбати қарғалар сингари бир ўлакка атрофига тўпланиш кабидирким, мажлислари фасоддир, суҳбатлари ғийбат, бўҳтон, амаллари эса қон тўқмоқликдир.

Оқилга йўлдош бўлиш, аҳмоқдан қочиш инсонни икки дунё саодатига эриштиражагини ҳеч қачон унутмасанг бас. Орифлардан бири ҳикматлар ва ибратлар кўргазмаси бўлган бу оламни ақллилар учун гўзаллик сайридан, ақлсизлар учун эса ейиш ва шахватдан иборатдир, деб таърифлаган. Мавлоно Румий «Маънавий маснавий» куллиётларида бундай ёзадилар (насрий маъноси):

«Қўнғиз гўнг титкилагани учун ҳам хушбўй ҳидлардан қочади. Унинг дориси қўнгил бузувчи ҳидлардир. Чунки шундай шароитга ўрганган, гўнг жонутани бўлиб қолган. Ақлли кишилар ҳам ақлсизларни тўғри йўлга солиш учун уларга ҳикматли сўзлар билан насиҳат қиладилар, хушбўй ҳидлар билан тарбия қилмоқчи бўладилар. Кимга хушбўй ҳидли нарсалар ёрдам бермаса, демак, бундай одам ёқимсиз ҳидларга ўргангандир. Сен ҳам яхшилиқдан, нурдан насибангни ол. Бурнингни гўнгга тиқиб, қўнғизга айланиб қолма. Инсон бўл, инсон!»

«Ақл қувватининг мўътадиллиги тадбирнинг чиройли, зеҳннинг тиник, фикр-ўйларнинг тўғри ва ишончли бўлишини таъминлайди, амалларнинг нозик, нафс одатларининг махфий жиҳатларини англашни ўргатади, – дейдилар ҳазрат Имом Ғаззолий. – Ақлнинг ҳаддан ошиши макр-ҳийлага, фирибгарлигу айёрликка бошлайди. Агар ақл меъёрдан паст бўлса, бефаҳмлик, хом ғайрат, аҳмоқлик ва жунун пайдо қилади. «Хом ғайрат» деганда дунё ва охират ишларидаги тажрибасизлик, яъни фойда-зарарни фарқлаш қувватининг заифлиги назарда тутиляпти. Дарҳақиқат, инсоннинг тасаввур ва ҳаёл қилиш қуввати нечоғли соғлом бўлмасин, тажрибасизлиги туфайли баъзан касалга ўхшаб қолади. Аҳмоқлик ва жиннилик ўртасидаги фарқ шундаки, аҳмоқнинг мақсади тўғри, лекин уни амалга ошириш йўли нотўғри. Чунки аҳмоқ мақсадга олиб боровчи йўл хусусида тўғри қарашга эга эмас. Жинни эса танлаш лозим бўлмаган нарсани танлайди. Аслида, жиннидаги танлов ихтиёрининг асоси бузуқ».

Ақлли, ақлсиз ва аҳмоқнинг фарқини билиб олгандай бўлдик. Энди ақл хусусида фаҳмимиз етганича ақллашайлик. Дастлаб «Калила ва Димна»га мурожаат қиламиз:

Инсонни бутун ҳайвонлардан юқори қўйган, уни дунёнинг бутун сирларидан воқиф этган тўрт нарса будир: ҳикмат, ақл, қаноат ва адолат. Илм таҳсил этмоқ, савод чиқармоқ ва ҳар нарсани атрофлича тушуна билмоқ – ҳикматга; тадбир, сабр, назокат, марҳамат – ақлга; ҳаё, олийжаноблик, ўзини қўлга олмақ ва ўзининг ҳақ-ҳуқуқини билмоқ – қаноатга; тўғрилиқ, ваъдага вафо, эзгу

ишлар қилмоқ ва яхши хосиятли бўлмоқ – адолатга тегишлидир. Бу сифатларнинг бариси бир одамда мужассам бўлса, дунёдаги энг буюк мавқе ҳам уни ганигиб қўймайди. Энг катта кулфат ҳам уни саросимага сола билмайди. Бундай одам атрофида ўзини қувонтирмайдиган нарсаларнинг борлигидан ғам емайди, ўзида мавжуд нарсалардан маҳрум бўлса, ранжимайди. Бошига фалокат келса, ўзини йўқотиб қўймайди. Ҳикмат – битмас, туганмас хазинадир. Харжлаганинг билан у камаймайди. Асраганинг билан унга нуқсон етмайди. Ҳикмат шундай либоски, кийганинг билан эскирмайди.

Ақл эса саховат эшиклари ва саодат хазиналарининг калитидир. Фоний дунёнинг азобу укубатларидан халос бўлиш, боқий дунёнинг ноз-неъматларига етишиш ақл ва идрокка боғлиқдир. Инсонга ҳамиша ақли ҳукмронлик қилиши керак. Ақлини йўқотган куни ўзини фалокатга отган бўлади. Ақлсиз бошнинг азобини эса вужуд тортади. Истеъдод, ақл-идрок икки хилдир: бири – табиий, онадан туғма бўлади; иккинчиси – касбий, яъни тажриба воситасида эришилади. Инсонларда бўлган табиий истеъдод ёғочдаги ёниш хусусиятига ўхшайди. Ёғочга ўт қўйилмаса ёнмайди. Шунга ўхшаш, табиий истеъдод ва ақл ҳам тажриба бўлмаса, ўзини кўрсата олмайди. Олимлар тажриба инсон ақл-идрокини камолга еказади, деганлар.

Инсон ақли турли кўринишларда намоён бўлади: *назокатли ва мулойим муомалада; *ўзи ким эканлигини билиб, шунга риоя қилишда; *ўз сирларини дўстга билдириш ёки билдирмасликни билишда, яъниким, ақлсизнинг сири бўлмайди, ҳар нарсаси тилида туради; *ўзининг ва бошқаларнинг сирини сақлашда; *ҳамкасбларига ширин тил билан муомала қила билишда; *тилини тийиб, ортиқча сўзламасликда; *мажлисларда жим ўтиришни одат қилиб, сўралмаган нарсаларни айтмаслик ва пушаймонлик келтирадиган сўзларни тилга олишдан сақланишда.

Ақлли одам қиладиган ишининг охири нима билан ва қандай тугашини олдиндан кўз ўнгига келтириши керак. Қаерга боражагини йўлга чиқишдан аввал билиши шарт. Акс ҳолда у йўлнинг ярмида сарсон бўлиб қолади. Фалокатдан бошқасига йўлиқмайди.

Одам боласининг ўзбилармонлиги ақлнинг заиф, кучсизлигидан дарак беради. Ўзбилармон одам ҳамиша машаққатда яшайди. Зиёдли ҳар нарсада бир фойда ҳам бор, деб айтадилар. Энг яхшиси, бошқаларнинг кўрган зиёнларини назарда тутиб, уларнинг фойдали тажрибаларидан истифода этишдир.

Афсуски, ҳаётда аксини кўриб турамиз. Ҳар ким ақлу фаросат этагини маҳкам ушласа, мартабаси ошади ва эл ўртасида обрўли, эътиборли бўлади. Нафс буйруғига бўйин эгса, хор-зорлик гирдобидида ҳалок бўлади. Чунки ақл улуғликка, ақлсизлик эса тубанликка етаклайди. Арслон йиртқичилиги, тулки айёрлиги, инсон эса ақлу ҳикмат, одоб ва ахлоқи билан кун кечиради. Ақл ва фаросат кўёшга ўхшайди. Бепарволик туфайли тушиши мумкин бўлган доғларга ўрин қолдирмайди.

Айрим пайтларда бир аҳмоқнинг аҳмоқона ишини бошқа аҳмоқ «ақлли иш қилибсан», деб мақтаётганига ҳам гувоҳ бўламиз:

– Фалончи бир йилдан бери қарзини қистаб келавериб, жонимга тегди. Бергани бир ярим минг доллару даъвоси осмонда. Кеча келганида бир оз кайф қилиб ўтирган эканман, ғазабим кўзиб орқасига иккита тепиб, жағига бир мушт урувдим, қораси ўчди.

– Ақлли иш қилибсан, бунақа нокаслардан қарз сўраш керакмас.

Икки аҳмоқ учрашганида яхшилик туғилишини умид қилиш – ҳўроздан ҳар куни тухум кутиш билан барабар. Бошқачароқ айтсак: икки аҳмоқнинг учрашувидан яхшилик ҳосил бўлишига учинчи аҳмоқгина ишониши мумкин. Агар қарздорнинг зулмини эшитган биродари:

– Дўстим, бир гуноҳ устига иккинчи гуноҳни орттирибсан. Дарҳол жабр-дийданинг ҳузурига узр сўраб бор. Тез кунлар ичи қарзингни ҳам қайтару биродарлик ришталарини тиклаб ол!– деб айтса, унинг ақли намоён бўлади. Бунақа ҳолатларда ақл покиза қалбга қўшилса фазилатга айланади. Акс ҳолда, ақл фазилат эмас.

Бирон бир ҳиссиёт, хусусан бойишга майл уйғонганида ғоят эҳтиёт бўлмоқ даркор. Агар ақл бўлмаганида ҳиссиётлар одамнинг тинка-мадорини қуритган бўларди. Бемаъни ҳиссиётларни жиловлаш учун ҳам одамга ақл берилган, шундай эмасми? Куч – ақлда. Ақлсиз бош – бамисоли шамсиз шамдон, дейдилар. Инсон жасадидаги ақл дарахтга ўхшаркан. Дарахт соғлом ва серҳосил бўлса, ундан самара умид қилиш мумкин. Унга пажмурдалик ва хазон етса, ўтин қилиб ёқишдан бошқа нарсага арзимади.

Биламизки, инсоннинг бошида кўз, қулоқ, оғиз, бурун каби қийматли аъзолар жойлашган. Лекин инсонийлик моҳияти гўзал кўз ёки бежирим қулоқ билан эмас, балки ақлу заковат, маънавият ва қувваи ҳофиза билан юзага чиқади. Бу эса миядан ўрин олган бир жавҳар бўлиб, Аллоҳнинг инсонга тақдим этган буюк неъматидир. Миядаги кичкина бир иллат туфайли киши телбага айланади, ҳайвонлар қилмаган ишларни қилади.

Ҳазрат Навоий ақлни гавҳарга қиёслаганлар ва деганларки:

«Гавҳар балчиққа тушгани билан қиймати камаймас. Эшакмунчоқ тожга таққан билан феруза ўрнини тутмас ва ҳеч ким унинг баҳоси пастлигини унутмас.

Зевар била шакли ҳўб бўлмас,
Ҳар қизки эрур йамон лиқолиғ.
Ҳар неча қоронғу бўлса ҳужра,
Шамъ анда бўлур фузун зиёлиғ.

(Қиз агар хунук бўлса, безак билан чирой топа олмайди. Ҳужра ҳар қанча қоронғу бўлса ҳам, шамнинг равшан нурини бўға олмайди, аксинча, қоронғу ҳужрада шамнинг нури қадрлироқ бўлади.)

Инсонлар ақл билан мумтоздирлар. Ақл туфайли яхшилик ва ёмонликни идрок эта оламиз. Шунинг учун ихтиёримизни хайрга сарф этиш – ақлимиз қўлидадир. Киши молсизликдан қашшоқ бўлса-да, ақлан бой бўлишга тинмай интилиши керак. Чунки мол билан бой бўлгандан ақлан бой бўлган афзалроқдир. Ақл билан мол тўпласа бўлади, мол билан ақл тўплаб бўлмайди.

Оқил киши ўз умрини озгина мол билан хуррам ва шодликда ўтказади. Нодон киши ҳисобсиз молу давлат билан доимо ғам-алам тортиб, саргардонлик билан кун кечиради. Барча нарсанинг кўнгилдагидек тугаши ақлга боғлиқ. Шунинг учун оқил киши барчадан улуғ ва муҳтарамдир. Ақл – нафснинг зиндони, ҳою ҳавас эса оромгоҳи ҳисобланади. Ҳою ҳавас турли хил иштиёқ ва орзуларни нафс олдига тухфа қилиб олиб келади. Аммо бу беҳуда ҳавасларни АҚЛ ман қилади. Демак, кишининг нафси ҳою ҳавасга мойил, ақлдан эса узоқдир. Шунинг учун оқил инсон нафс кўйига кирмай, ақл садосига қулоқ солади. Ишнинг оқибатини ўйлайди. Киши бахт-саодатга нафс орқали эмас, балки ақл орқали

эришажагини тарих беҳисоб тарзда исбот этганки, бу ҳам бизлар учун ибратдир. Алломаларнинг бу ғўзал фикрига қулоқ тутинг:

Бадан – нафс ўлкаси ва шахридир. Қалб шу ўлканинг қоқ марказидир, қолган аъзолар унинг хизматкорлари, ботиний қувват эса, ўлканинг ёритувчи фонуридир. Ақл – уни тўғри йўлга бошловчи вазир. Истак ва орзу хизматкорларнинг ризқини мувофиқлаштирувчи восита. Жаҳл ва ғазаб шу ўлканинг миршабларидир. Ғазаб инсонга тўғри йўлни кўрсатаётгандек туюладиган, аслида эса, ёмонлик ва тузук ҳозирлаб қўйган қулдир. У аввал насиҳат қилиб туради, кейин ўлдиради. Қалбни оққўнгил вазирига қарши қайрайди. Ақлнинг олди қисмидаги ҳаё қўриқчи мисолдир. Ақл ўртасида эса, фикрлаш қуввати мавжуд. Эслаб қолиш қуввати эса, ақлнинг орқа қисмида жойлашган. Тил таржимон, беш сезги аъзолари эса унинг жосуси ва хабарчиларидир. Уларнинг ҳар бирига муайян вазифа топширилган. Кўз ранглар оламида, қулоқ овозлар оламида, бошқа аъзолар ҳам тегишли вазифаларни бажаришади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хабар манбаидир. Улар ўзлари билган нарсани нафсга етказадиган эшикбон сингаридирлар. Подшоҳ мартабасидаги Қалб дуруст бўлса, қўл остидагилар ҳам дуруст, аксинча, бетавфиқ бўлса, қўл остидагилар ҳам шундай бўлади. Қалб кин, ғазаб, сабрсизлик, ҳирс, ортиқча орзу ва тақдирдан рози бўлмаслик каби ботиний хасталиклардан фориғ бўлсагина нажот топиб, ҳаловатга эришади.

Ақл бизни эҳтиросларимиз ва нуқсонларимиздан баланд тутибгина қолмай, фазилатларимиз, истеъдод ва эзгуликларимиздан мақсадга мувофиқ фойдаланишда ёрдам беради. Зеро, ақлли бўлишнинг ўзи кифоя эмас, муҳими – бор ақлни ишлата билиш керак. Донолар орасида: «Айримларда ақл зўриқиш туфайли барбод бўлади. Аксарият инсонларда эса ишлатилмаганидан моғорлаб кетади», деган гап ҳам бор. Ҳаётда чарчаш туфайли барбод бўлишни кам учратамиз, аксинча, ақлнинг моғорлаб кетгани кўп учрайди. Баъзи одамларда ақл бутун умри давомида ташландиқ ер каби қаровсиз қолаверади. Ҳолбуки, ақл мулоҳаза юритиш, англаш хусусиятига, яъни сабаб ва оқибатни узвий боғлаш, «нима учун?» деган саволга жавоб бериш, тасодифларни аниқлаш, қонуниятларни очиш, кутилмаган ҳолатларнинг янги шароитларга мослигини белгилаш, воқеалар занжирининг боши ва ниҳоясини топиш қудратига эга. Шу туфайли инсон танасидаги соғлом ақл энг кичик вужудда жамулжам бўлган бемиқёс буюклик саналади.

Ҳар бир одамнинг оз бўлса-да, ўз ақли бўлгани яхши. Чунки Фирдавсий ёзганларидек, “Ақлдан ғамгинлик, шодлик, ўқтамлик, ақлдан борлигу йўқлигу камлик”.

Инсон дунёда ўз ақли билан яшамоқ учун туғилади. Ақл ўргатувчиси кўп бўлган ишдан фойда кам. Кимнингки ўз ақли йўқ экан, унга ҳамма одамларнинг бирваракай ақли ҳам наф беролмайди. Қаерда ақл етишмаса, у ерда ҳамма нарса етишмайди. Бу ўринда фақат ўз ақлига махлиё бўлиб, ўзбилармонлик билан кун кўришнинг ўз ақли билан яшашга интилишдан фарқлаб олиш керак. Яъни ҳар нарса меъёрида бўлиши афзал. Меъёрдан ошилса, биринчи ҳолатда мағрурлик ва кибр, иккинчисида эса танбаллик, лоқайдлик нишонлари кўринади.

«Кўр ҳассасини бир марта йўқотади», «Оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади», деган мақоллар мағзини чақиш керак. Бу мақоллар ақли одамларга нисбатан айтилган. Ҳар қандай ақли одам ҳаёт йўлида озми-кўпми қоқилиб туради. Ақлли одамлар тубан ва ярамас муҳитга тушиб қолсалар, тезда ундан қутулишга ҳаракат қилишлари зарур. Муайян вазиятда ақлини йўқотмаган

одам умуман ҳеч нарсани йўқотмайди. Кимки кўр-кўрона номаълум йўлга чиқса, халқнинг тўғри кетаётган йўлидан узоқлашади ва қанча кўп йўл юрса, шунча кўп адашади. Агар бир одамнинг кўзига тикан кирса ва бу тиканни чиқариб олмасдан уни аҳамиятсиз бир нарса ҳисоблаб, кўзини ишқай бошласа, мутлақ кўр бўлади. Ақлли одам кўпнинг раъйи билан ҳисоблашиб, унга ишониши лозим. Шу билан бирга, ақл ва тажрибанинг сўзларига ҳам қулоқ солиши зарур. Ақлли одам ўзига раво кўрмаганини ўзгага ҳам раво кўрмаслиги шарт. Чунки ҳар бир ишнинг ўз мукофоти ва оқибати мавжуд. Ақл билан фалокатнинг олдини олган, саросимага тушмаган одам бахтиёрдир. Ақл ва иродага таянмаган одам бундай пайтларда нажот топа олмайди. Бахтсизлик юз берганда одамга ақлдан бошқа ҳеч нарса ёрдам бера олмайди. Шу боис ҳам донолар: «Ақл барча эзгу ишларнинг асоси, саодат дарвозаларининг калитидир», дейдилар. Бу хислат кимда бўлса, унга илм ва ҳилм фазилати қўшилса, у одам шаън-шавкатга, иззат ва ҳурматга сазовор бўлади. Қадим файласуфларидан Демокритнинг «Тана гўзаллигини, агар унинг заминида ақл ётмаса, ҳўкиз гўзаллигига ўхшатиш мумкин», деган фикрини эътиборсиз қолдирмаганимиз дуруст. Бу фикрни давом эттириб айтиш мумкинки: жасоратсиз ақл – аёлга хос хислат. Ақлсиз жасорат эса – ҳайвонга хос хислат. Баён этилмиш фикрларнинг тасдиғини «Қутадғу билиг»да ҳам ўқиймиз:

Билиглик уқушлуқ киши ул киши,
Онингда нору борча йилки туши.

(Инсон дегани – илмли, ақлли кишиларга берилган номдир. Қолганлари йилқи сифатдир, яъни ақлли, илмидан бошқасини йилқига қўшиб қўй.)

Ақлнинг кучига ишонмаслик – ақлсизлик белгиси. Ақл-идрокдан маҳрум бўлган бош сувсиз чашмага, адабсиз, тарбиясиз йигит эса эгар-жабдуксиз отга, шарм-ҳаёсиз жувон тузсиз таомга, илмига амал қилмаган олим хушбўй гули йўқ бўстонга ўхшайди. Донишманддан сўрадилар:

– Бировнинг ақлли одам эканини унинг қайси ишидан билиш мумкин?

Донишманд деди:

– Уч хислатнинг биридан билса бўлади: у юборган элчисига қараб, ё ёзган мактубига қараб, ёки юборган совғасига қараб. Элчи – унинг ўзи демак; мактуби – унинг нутқи; совғаси эса – ҳимматидан дарак.

Комил ақлга эга бўлган киши ўзини паст мартабадан юқори мартабага кўтаради. Раъйи-ақли кучсиз бўлган киши эса ўзини баланд мартабадан қуйи ташлайди. Сукрот ҳаким вафотларидан олдин шогирдларига бундай насиҳат қилибдилар:

– Фароғат, шодлик кеч келиб, тез кетади, қайғу-алам тез келиб, анча узоққа чўзилади. Ҳар одамнинг иффат ва парҳезкорлиги бўлмаса, ҳар қанча зийрак ва доно кўринса ҳам, унинг ақли камолга етишган ҳисобланмайди. Шунга кўра, оқил ва камол иффатли, тавфиқли бўлмоғи шарт. Қилган ёмонликлари, фисқу фужурларини ҳар ерда мақтаб, гердаиб сўзлаб юрган одамдан узоқлашинг. Комил, ақлли одам бузуқ хаёлларни кўнглига келтирмайди, ақл-хуш қуввати билан уларни рад этади.

Ҳакимнинг бу ибратига қўшича қилиб айтиш мумкинки, ақл ва ҳаё ажралмас дўстдир. Бири йўқолса, иккинчисини топиб бўлмайди. Дунё дунё бўлиб яралганидан бери ҳали комил ақл эгасининг беҳаёлик қилганини, ёки аксинча, беҳаё одамнинг комил ақл эгалари мартабасида эъзозланганини кўрган эмас.

Ҳазрати имом Абу Ҳанифа Куфий тошлоқ йўлдан бораётган эдилар. Қаршиларидан бир ҳўкиз келаверди. Абу Ҳанифа йўлдан четландилар. Ҳамроҳлари дедиларки:

– Ё имом! Бу парҳез нимадандир?

Дедилар:

– Менинг ақлим бор, унинг эса шохи!

Луқмони Ҳаким дедилар:

– Эй ўғил, одамлар сўзга устомонликлари билан мақтансалар, сен сукутинг билан мақтан. Ҳар нарсанинг далили бор: ақлнинг далили – фикр. Фикрнинг далили – сукутдир. Афлотун ҳаким дебдилар: «Баданнинг қуввати – овқат, ақлнинг қуввати эса ҳикматли сўзлар, донолик ва донишмандликдир. Агар ақл шулардан маҳрум бўлиб қолса, овқатсизликдан бадан ҳалок бўлгани каби ҳалок бўлади».

Шу ҳикматлар ўрганилиб, амал қилинса, ҳеч бир оила осмонида ташвиш булути пайдо бўлмай, ҳамиша ҳузур ва ҳаловат қуёши чарақлаб туради. Оила ҳаловат ақл эгалари учун берилажак мукофотдир.

* * *

Бир нохуш воқеага гувоҳ бўлган эдим: дорулфунунни имтиёзли (қизил) диплом билан тугатган йигитни устозлари магистратурада ўқишни давом эттиришга тавсия қилдилар. Айни дамда қобилятли йигитнинг ота-онаси келин тушириш ҳаракатлари билан банд эди. Ўғилнинг ўқишни давом эттиришига улар аҳамият беришмади. Кириш имтиҳонларига тайёрланиши лозим бўлган йигит ота-она қаторида туриб тўйга тайёргарлик билан банд бўлди. Тўй ҳам ўтди, кириш имтиҳонлари ҳам ўтди. Йигит қуёвлик сарпосини кийиш бахтига муяссар бўлди, аммо илм йўлида қоқилди. Ўша дамларда бундан афсусланмади, чунки қуёвлик бахти унга ҳамма нарсадан улуг бўлиб кўринди. Орадан бир неча йил ўтгач, дўстлари магистратура ва аспирантураларни битириб, номзодлик диссертацияларини ёқлай бошлашганида қандай хатога йўл қўйганини англади, афсусланди.

Бунга ўхшаган воқеалар суюкли қизларимиз ҳаётида кўпроқ учрайди. Аниқки, йигитларга нисбатан қизларимизнинг ўқишга муҳаббатлари баландроқ. Яна ҳам аниқки, кўп ота-оналар қизларининг илм олишларини ишташмайди. Келинларининг магистратурада, айниқса аспирантурада ўқишини давом эттиришига қаршилиқ билдирувчи қайноналар янада кўпроқ. Олималик шуҳ-супасида ўтиришга лойиқ бўлган қизлар, келинлар катталарнинг жоҳилликлари туфайли бу шарафга етолмай, ўксиб қоляптилар. Шарафли ҳадисда «Илм ишаш ҳар бир муслим ва **муслима** учун фарздир», деб марҳамат қилинган. Мазкур шарафли ҳадисда «муслим» ва «муслима» деб алоҳида таъкидланишига эътиборни тортаман. Кўп масалаларда умумий тарзда «мусулмонлар» ёки «эй иймон келтирганлар!» дейилгани ҳолда аёлларнинг илм олишлари фарз экани алоҳида таъкидланиши «қизларнинг ўқиши шарт эмас», дегувчиларга сабоқ бўлишини истардим.

Илм хусусида суҳбат қилмасак ҳам бўларди. Чунки бу ҳақда кўп гапирилган, кўп ёзилган. Шунга қарамай, бу мавзуга кенгроқ тўхталишимиз керак. Зеро, бу мавзуда кўп гапирилгани билан биродарларимизнинг аксар қисми мазкур фарзга амал қилиш лозимлигини ҳали ҳам тўла ҳис қилишмайди. Олти ёки етти ёшга етган фарзандларимизни мактабга берамиз, чунки ҳукумат белги-

лаган тартиб шундай. Мактабни битиргач, бировимиз: «Шунча ўқиганинг етар, энди менга шаҳар олиб берармидинг», деймиз. Яна биримиз: «Ҳамма олим бўлиб кетаверса, подани ким боқади?» деб ҳам қўямиз. Поданинг боқувсиз қолиб кетишидан ташвишланишимиз яхши. Аммо бу ҳаракатимиз билан Аллоҳ буйруғини инкор этаётганимизни ўйлаб кўрамизми? Ўша биродарларимизга «Подани боқиш учун ҳам илм керак», дейилса, эҳтимол заҳарханда қиларлар. Уларга балки Сукрот ҳакимнинг «Ўқиб ўрганмай туриб ҳам фойда ва зарарнинг фарқига ета оламан, деган одамни тентак деб билмоқ керак», деган ҳикматли гаплари жавоб бўла олар? Эҳтимол Сўфий Оллоҳёр ҳазратлари бу сатрларни айнан шундай биродарларимизга атаб битгандирлар:

Агар бўлмаса илминг, э сабук сайр,
Билур болинг ву болинг барчасин хайр.

(Эй шошқалоқ инсон, илминг бўлмаса, сен учун фойда ҳам, зарар ҳам бирдир. Зеро, сенинг заиф фикрингча, гуноҳларингнинг барчаси ўзингга хайрлидай бўлиб кўринади.)

Одам маймунсифат, ҳеч нарсани билмайдиган, маданиятсиз ҳолда яратилмаган. Аллоҳ одамни илм олишга лаёқатли қилиб яратган. Аллоҳ таборак ва таоло Иброҳим алайҳиссаломга: «Эй Иброҳим, мен олимман ва олимларни яхши кўраман», деб марҳамат қилган. Жоҳиллик Одам болаларида кейинчалик пайдо бўлган. Одам кўз, тил ва қалб билан ҳайвонлардан фарқланади. Айрим ҳайвонларнинг кўзлари пиёладек келади, боши ҳам шунга яраша жуда катта бўлади. Аммо улар ўқиш ва илм олиш фазилатидан маҳрумлар. Яратилган махлуқлар орасида инсонгагина илм олмоқ қобилияти раво кўрилган. Ҳеч қайси махлуққа берилмаган маърифат кийимлари Одам болаларига насиб этилган. Донишманд: «Хотинлар ипак кийимларини безанмоқ учун эмас, балки ўз гўзалликларини кўримоқ учун киядилар», деган экан. Одам ўз инсоний қиёфасини асраши учун ҳикмат ва маърифат либосини кийиши шарт. Баъзилар қилиб қўйган номаъқул ишлари учун нолиб, «Мени шайтон йўлдан урди», дейдилар. Шайтон йўлдан оздиргани рост. Аммо билмоқ лозим: шайтон алайҳилаъна илмни одамни, айниқса, илмига тўла амал қилувчи одамни йўлдан оздира олмайди. Илмга интилган киши энг яхши инсондир. Илмдан юз ўгириш – инсонийликдан юз ўгириш демак. Чунки илм – инсонийлик тожи ҳисобланади. Инсон илм билан шараф топади. Мол-мулк эса жоҳилнинг гурурланадиган матоҳидир. Илм одамни юксалтириб, ундан ёдгорлик қолдиради.

Яна бир ҳикмат бор: ҳазрати Одам –
Билим, ақлу идрок сабаб муҳтарам.

«Қутадғу билиг»даги бу байт бизнинг ажодимиз ким эканини эслатиб турмайдими? Тарихдан аёнким, Одам болалари ер юзида пайдо бўлган дастлабки пайтларданоқ илм сари, ўрганиш сари интилганлар. Ҳазрат Али дебдиларким: «Жаннатга кириш ҳайратланарли муваффақият эмас, маърифат – дунёнинг ўзида жаннатга эришиш демақдир». Ўқув-идрок қоронғи тундаги машъалага ўхшайди. Билим эса машъаладан таралаётган нурга қиёс. У кишини ёритади, унга рўшнолик беради. Ҳар қандай ҳурмат кишининг ўқув-идрокидан келади. Ўқув-идроксиз киши бир ҳовуч кепак билан тенг, дейдилар. Заковат – ўзаро онт ичишиб дўстлашган кишиларга ўхшаса, билим – яқин қариндошларга ўхшайди. Буни дилга тугиб олмоқ фойдалидир. Дўст-оғайнилар, қариндош-уруғлар даврасидаги киши ўзини дадил сезади. Шундай экан, билимсизлар-чи?

«Сўзни билимдон кишига сўзлаш керак, билимсизнинг тилини тушуниш қийин», деб бекорга айтмаганлар.

Билим – мисоли бир жилов, у одамни барча ёмон, ярамас ишлардан тийиб туради. Илм эгаси ўз тилакларини топади, орзу-мақсадларига эришади. Ақл идрок эгаларининг нафи ҳар доим кўпчиликка тегиб туради. Билимлилар элда азиз бўладилар. Ҳурмат қозонадилар. Бутун ишлар уқув-идрок билан амалга ошади. Барча мураккаб ишлар билим билан ҳал этилади. Билимсиз кишилар – доноларнинг душмани. Билимсиз доимо доноларга хорлик тилайди. Бу улар кўнглининг туб-тубига чўкиб ётган ҳасад аломати. Илмсиз одам сўқирга ўхшайдики, уни камситиб, четга суриб ташлаш инсофдан эмас. Балки кўр кўзни очиш учун билимдон илм хазинасидан унга нур бериши лозим. Шарафли ҳадисда: «Кимки одамларга ўргатиш учун илмдан бир бобни ўрганса, унга етмишта сиддиқнинг савоби берилади», деб марҳамат этилган.

Ҳар қандай бақувват одамнинг кучи бир кун тугайди. Лекин илм мангу яшайди. Илм нури ёпиқ кўзлардан ҳам ичкарига киради, уларга зиё беради. Боғланиб, қафасга солинган шер ўз кучини йўқотмагани каби илм эгаси ҳам бадавлат бўлмаса-да ўз иззат ва ҳурматини йўқотмайди. Аксинча, итнинг бўйнига тилла занжир боғланса-да, ҳамма жойда ҳаром ҳисоблангани каби, илмсиз ва саховатсиз давлатманд ҳам кишилар нафратига дучор бўлади.

Ҳақ берди чу элга илм сармоясини,
Хуршед уза солди уламо соясини,
Олғанлар анинг рутбасидин воясини,
Билдик боридин бийик анинг поясини.

Ҳазрат Алишер Навоий айтмоқчиларки: Ҳақ таоло элга илм бойлигини берса, олимлар соясини қуёшнинг устига солади. Билдикки, илмдан улуш олганларнинг даражаси барчадан баланддир. Илмли одамлар давлатнинг кўплигидан қувониб, озлигидан ранжимайди. Чунки илм шундай битмас ва туганмас хазина ва давлатки, уни ҳеч ким инсондан тортиб ололмайди. Фалакнинг айланиши ҳам унга таъсир эта олмайди. Ҳар нарса кўпайса, қиймати тушади. Аммо илм ва одоб бундан мустаснодир.

Улуғларимиздан Абулқосим Замахшарий айтадилар:

«Ҳушсифат ва яхши хулқлар билан зийнатланмаган кимсани ипак кийимлар зийнатлай олмайди. Ернинг зийнати илм эгалари билан, кўкнинг зийнати юлдузлар биландир. Илм бир тоғ мисолидир. Бу тоғдан ошув кўп душвордир, тушув эса осондир. Билувчи билан кўп текшириб янгилик кашф этган билимдон орасида фарқ каттадир. Капалак ҳам, қарчиғай ҳам қанот қоқиб учади, аммо икковининг учиши бирдай эмас. Байт:

Чин олим ҳийладан узоқдир, узоқ,
Нурнинг ўз сояси бўлмайди ҳеч чоқ».

Киши эгаллаган илм ёки ҳунар ҳеч маҳал унга зарар келтирган эмас. «Билимдонга бало йўқ», деб бежиз айтмаганлар. Илмсизлик ва ҳунарсизликнинг хорлик келтириши ҳақида ҳаётда миллионларча мисоллар мавжуд. Донишманд дебдики: «Мен илм топа олмаган одам нима топганини, илм топган одам эса нима йўқотганини билсам эди...» Илм олишда диққат қилиш лозим бўлган жиҳат: **бу дунёда билмасликдан эмас, нотўғри билишдан ҳазар қилмоқ шарт.** Зотан, бу барча ёмонликларнинг аввалбоши ҳисобланади.

Яна бир тоифа дўстларимиз борки, улар фарзандлари то мактабни (ёки лицейни) тугатгунларича уларнинг илм олишга муносабатлари билан қизиқмайдилар. Мактабни тугатиш арафасида уни бирон олий ўқув юртига киритиш ҳаракатини бошлайдилар. «Фарзанд азиздир», деган ҳикматга амал қилиб пуллари аямайдилар. Мазкур ҳикматнинг «одоби ундан-да азиз», деган иккинчи қисмини унутадилар. Одоб фақат илм орқали камолга етажагини ўйлаб кўрмайдилар. Фарзандни бирон жойга ўқишга беришдан аввал келажакда қанчалик моддий манфаат бўлишини ҳисоб қиладилар.

Сўфий Оллоҳёр ҳазратларининг бу ҳикматлари эҳтимол уларга ибрат бўлар:

Замона аҳли аксар толиби қадр,
Бўлай деб садри мажлис, қон қилур садр.

(Бу замондаги илм истагувчиларнинг илм ҳосил қилишдан (яъни илм олмоқликдан) мақсадлари халқ ичида ҳурмату обрў топишидир. Бундай мақсад билан охират мажлисининг тўрида ўтирмоққа улар қандай қилиб муяссар бўлсинлар?)

Албатта, бундай ният билан охират мартабасини топиб бўлмайди. Дейдилар: «Фарзандимни Шарқшунослик институтида ўқитмоқчиман». Сўрайсиз: «Нечун?» Жавоб берарларки: «Хориж мамлакатларига бориб ишласа, кўпроқ пул топиб келади». Дейдилар: «Фарзандимни ҳуқуқшуносликка ўқитмоқчиман». Сўрайсиз: «Нечун?» Жавоб берарларки: «Бу соҳада пул топиб, бойимоқ осондир». Демасларки: «Фарзандим Ватанга хизмат қилмоқ учун илм олсин, сўнг илмига амал қилиб, элнинг дуосига етишсин...» Алишер Навоий ҳазратлари бу хусусда шундай деганлар: «Илм ўрганмоқ – эътиқодни мустаҳкамламоқ учундир. Аммо бойлик орттириш учун эмас. Саховатсиз бой ёғинсиз булутга ўхшайди. Илмига амал қилмаган олим устига китоб ортилган эшакка ўхшайди.

Ҳаммол нафис рахт ила гар урса қадам,
Йўқ нафъ анга ғайри музд бир, икки дирам».

(Мавноси: ҳаммол қимматбаҳо юк ташиша ҳам, унга бир, икки дирҳамли иш ҳақидан бўлак фойда йўқ.)

Илмли одамни олтинга, билимсизни эса сарик чақага қиёслайдилар ва дейдиларки:

Илм агар дилга урар – ёринг эрур,
Урса танга, шубҳасиз, моринг эрур.

(Агар илмни чин дил ва ихлос билан холисаниллоҳ эгалласанг, бутун ҳаётинг даврида оғирингни енгил қилиб юрувчи йўлдошинг бўлади. Агар дунё бойлигига етишмоқ мақсадида илм олсанг, эгаллаган илминг илон бўлиб, танангга чирмашади ва умринг бўйи сени азоблайди.)

Дониш тилаю ҳар сори гар кетгайсен,
Ҳифз айламасанг варақ йиғиб нетгайсен,
Саъй айлаки, ҳифзи ганжиға етгайсен,
Йўқ улки, кутуб саъй ила жамъ этгайсен.

(Илм истаб ҳар томон борасан, ёдингга олмасанг варақ йиғиб нима қиласан? Ғайрат қилиб кўп китоб йиққунча, ҳаракат қилиб илмни ёд олгин.)

Шарафли ҳадисда: «Ким илм ўрганиш учун йўлга отланса, Аллоҳ таоло унга жаннат йўлини осонлаштиради. Малаклар илм толибининг амалидан хушнуд бўлганларидан унга қанотларини ёзадилар. Ердаги ва самодаги барча мавжу-

дотлар ва ҳатто балиқлар унинг гуноҳларини кечишини сўраб, Аллоҳдан унга афв тилайдилар. Олимнинг обиддан устунлиги мисоли тўлин Ой нурининг бошқа юлдузлар нуридан устунлиги кабидир. Шубҳасиз, олимлар – пайғамбарларнинг ворисларидир. Пайғамбарлар ўзларидан кейин на бир динор, на бир дирҳам қолдирдилар. Ким илм олса, ўзига жуда улуг бир улуш олган бўлур»... «Бир соат илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс эса уч ой тутилган нафл рўзадан афзалдир», деб марҳамат қилинган (Мазкур шарафли ҳадисни тўғри англамоқ лозим: бунда нафл ибодатлар инкор этилаётгани йўқ, балки улардан ҳосил бўлажак савоб билан илм олмоқликдан ҳосил бўлувчи савоблар миқдори қиёсланяти). Мухтарам Пайғамбаримиз (с.а.в.) илм олаётиб ё илм бераётиб вафот этган кишини шаҳид, деганларким, бунинг ҳикматини англаб етсак, рўпарамиздаги кўп тўсиқларни енгиб ўта оламиз.

Илм – инсонийлик тожидир. Инсон илм билан шараф топади. Мол-мулк эса жоҳилнинг гурурланадиган матоҳидир. Илм одамни юксалтириб, ундан ёдгорлик қолдиради. «Садақатул жория» деб аталмиш гўзал амал мавжудким, илм ҳам шу доирага кирази. Илм туфайли қолдирилган, одамларга манфаат берадиган ёдгорлик шу олимнинг вафотидан кейин ҳам номаи аъмолига ёзилиб турадиган савоб ёмғирини ёғдириб туради.

«Гулистон»да шайх Саъдий ҳазратлари бир ҳикоятни баён қиладилар:

«Миср вилоятида икки амирзода бор эди. Бири илм ўрганди ва бири мол жамъ этти. Охируламр, бири алломаи аср бўлди ва бири Азизи Миср бўлди. Сўнгрок ул бириким, мол жамъ этмиш эрди, илм ўргангонга ҳақорат кўзи билан қараб, деди: «Мен салтанатга етушдим, сен ҳануз бурунги масконатда турмишсен». Бу деди: «Эй биродар, Ҳақ таолонинг бу неъматини шукрин ҳаргиз адо қила олмасменким, пайғамбарлар меросин топмишмен ва сен фираъвн ва Хомоннинг меросин топмишсен, яъни Миср мамлакатига подшоҳ бўлмишсен». Маснавий:

Эрурмен нотавон ул навъким мўр,
Эмасмен нишзан ондоки занбур.
Мунинг шукрин нечун қилғум мани зор,
Ки эрмасмен қавийю мардумозор.

(Мен ниш санчиб озор берувчи арилардан эмасман, мен чумоли каби беозорманким, нечун бунинг шукронасин қилмай?)

Ҳа, илм сарватига эга, чумоли каби бу беозор киши Аллоҳнинг ҳузурига пайғамбарлар мероси билан боради. Фиръавн, Хомон, Қорун меросига эга бўлган, умрини мол тўпламоққа бағишлаган, «молимнинг бошида чўпонлик қилайин, қўриқлайин», деб умрини бесамар ўтказган кимса эса ўлганида ўзи билан эски сопол парчасини ҳам олиб кетолмайди. Унга охиратда оғир савол-жавобидан ва азобдан бошқа нарса йўқ. Ҳа, илм ўз соҳиби билан охиратга қадар боради. Бойлик эса бу дунёда қолади, агар эгаси унинг ҳисобини беролмаса, жаҳаннамга тушади. Илм инсоннинг шарафини юксалтиради. Бойлик инсонни қўриқлай олмайди, аксинча, мол-дунёни эгаси қўриқлайди.

Мақсадлари фақат бойлик бўлганлар унутмасинларким, Сулаймонга (алай-ҳиссалом) илм, мол ва мулкдан биттасини танлаш тақлиф қилинганда ул зот илмни танладилар. Сўнг унинг сабабидан молга ҳам, мулкка ҳам эга бўлдилар.

Бу сатрларига диққат қилайлик:
Илм ҳам боқийдир, ҳам абадий у,
Илмдан бошқаси саватдаги сув.

*Илмсиз киши нима? Хайвон эрур,
Жонсиз тана, бир нақшсиз айвон эрур.*

Ислоннинг асосларидан бўлган намоз, рӯза, ҳаж, закот одам балоғат ёшига етгандан сўнг фарзга айланади. Яъни одам боласи балоғат ёшига етмагунича намоз ўқиши шарт эмас. Бироқ, илм олиш муддати бешиқдан то лаҳадга қадар, деб белгиланган. Яъни, она қорнидан туғилганидан то лаҳадга қадар бўлган давр мобайнида бани Одам илм олмоққа мажбур. Қуръони каримнинг 752 жойида «илм» калимасининг зикр этилиши бу мажбуриятни бажармоқ ғоят зарур эканини таъкидлайди.

Унутмайликким, ҳаётнинг чегараси бор, илмнинг эса чегараси йўқ.

Одамлар икки тоифада: билувчилар, яъни илм олганлар ва билмовчилар, яъни илм олмай жоҳил бўлиб қолганлар. Билим олганларни илмларига қараб даражаларга ажратиш мумкин. Илмни ўрганишни бошлагану Худо берган зеҳн ва идрокка хиёнат қилиб, дангасалиги, сабрсизлиги ёки лоқайдлиги туфайли давом эттирмаган. Буларни чала билимли десак, ранжишмасин. Идроки ва имконияти кўтарганича ўқиб ўрганган, аммо илмни тўла қамровда эгаллай олмаганларни ўртача билимли деймиз. Юқори даража, мукаммал илмли олимларнинг мавқеи ҳар томонлама баланд. Бу хусусда Қуръони каримда «Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?» (Зумар сурасидан) деб марҳамат қилади. Албатта, улар тенг эмаслар. Ўзингиз мулоҳаза қилиб кўрингчи: тилсиз ва қулоқсиз одам билан саломат одам тенгми? Тилсиз ва қулоқсиз одам имо-ишоралар билан соғ одам вазифасини бажариши мумкин. Лекин илмсиз одам илмли кишининг вазифасини ҳеч қачон бажара олмайди.

Букрот ҳаким айтганларидек: «Агар киши ўзи мукаммал эгалламаган илм ҳақида гапирмаса, одамлар орасида тушунмовчилик ва тортишув юз бермайди. Жангу жадал олови сўнади».

«Қутадғу билиг»да таъкид этиладики: “Ҳар бир қийин ишлар илм билан ҳал қилинур. Шунинг учун ақли бўл, илмли бўл. Ақл билан яша. Илмни тўғри тил билан ишлат. Яна бир тарафдан ўрганишни қўйма”.

Илмнинг ҳамма турини эгаллашга барча ҳам қодир эмас. Чунки одамлардаги зеҳн даражалари ҳар хил. Шунинг учун дунёвий илмларни эгаллаш фарзи кифоя саналади. Мисол учун, бир одам математиканинг ғоят оғир масалаларини осонгина ҳал қилиб бера олса, бошқа одам бу формулаларни идрок қила олмайди. Бошқа бир одамнинг лаёқати кимёда, яна бошқасиники табобатда... Биз бу ҳолатни кўпинча тан олгимиз келмайди. Фарзанд бечора ўз зеҳнига муносибини эмас, балки ота-онаси истагига мос илмни эгаллашга мажбур. Шу илмга унинг иқтидори борми, йўқми ўйлаб ҳам кўрилмайди. «Фалончининг ўғли физик бўлибди, менинг ўғлимнинг ундан нима ками бор, у ҳам физик олим бўлади!» деб уринамиз. Оқибатда боланинг умрини совураамиз.

Бу дунёда яшаб, илмга рағбат этмаган кишини ҳаммомга кириб, ювинмай чиққан нодонга ўхшатишади. Шукрим, илм истовчи ёшлар кўп. Аммо улар орасида ҳаммомга ғоят кўп миқдорда пул тўлаб кирганлари ҳолда, ювинмай юриш учун яна қўшимча ҳақ тўловчилар ҳам бор. Демокчимизки, ота ёки она, амаки ёки тоға фарзанди, ёки жиянининг ўн бир йил ўқигани билан билимсиз эканини, илм олмоққа рағбати ёки идроки йўқ эканини билса-да, пул, ўз номи билан айтсак, ПОРА эвазига юқори ўқув даргоҳига киритадилар. Бу билан кифояланишса, олам гулистон эди. Афсус шунчаки, ўша бола, илмга чанқоқ, аммо пули бўлмагани туфайли ўқишга кира олмаган зеҳн эгасининг ўрнини эгаллаб

турган ўша думбул, барибир илм олмайди. Тўрт-беш йил мобайнида биттагина дафтарни дастмоя қилиб кўтаради-ю бориб келаверади. Имтиҳон чоқларида эса отасининг чўнтаги яна ковланади. Бундан айрим муаллимлар ҳам манфаатдорлар. Ўша «айрим муаллимлар» илм истагидаги идрокли бола ўрнига дангаса ва нодоннинг ўқишга кириб қолганидан қайғурмайдилар. Жамият тақдири майли, ҳатто ўз фанларининг келажагини ўйламайдилар. Жамиятга хиёнат қиладилар, фанга хиёнат қиладилар. Қиёматдаги жавобдан қўрқмайдилар. Илмсиз болага диплом берилиши туфайли жамиятнинг озор чекиши уларни ташвишга солмайди. Пора бериб ўқишга кирганларни икки тоифага ажратиш мумкин: биринчиси, зикр этганимиздай, битта дафтарни кўтариб олиб ўқишга бориб келувчи такасалтанглар. Иккинчи тоифа булардан ҳам ўтиб тушади. Бу тоифа бирон виждонсиз муаллимни топиб, унга синов дафтарчасини бериб қўяди, вассалом! Ўзи ўқишхонага қадам босмайди. Синов дафтарчасига эса баҳолар қўйилаверилади. Оқибатда бу ноинсоф диплом ишини ҳам аъло баҳога ҳимоя қилиб ташлайди. Бундайларга ёшларнинг ўзлари «зачёткаси ўқиди» (синов (рейтинг) дафтарчаси ўқиди) деб, таъриф берадилар.

Инсонлар илм эгаллашлари, унинг маъносини чуқур тушунишлари керак. Чунки Қуёшнинг жамоли Ер юзини ёритганлиги ва ҳаётга давомийлик бағишлаганлиги каби, илм ҳам қалбларни нур билан ёритади. Билим дарахтининг меваси – одамларга хайрихоҳлик ва бошқаларни ранжитмасликдир. Илмли бўлиб, унга амал қилмаганлар, била туриб таҳликали йўлдан қайтмаган ва йўлда қароқчиларга учраб, бор-йўғидан ажраган одамларга ўхшайдилар. Ўзига ёқмайдиган овқатнинг зарарли эканини била туриб, ундан бош тортмайдиган, натижада халок бўладиган касал одамларни эслатадилар. Хуллас, ишининг ёмон эканлигини била туриб, нафсини тия олмаган одам азоб-уқубат оловига йўлиқади. Масалан, бири кўр, бири эса соғ икки одам ўрага йиқилиб, яраланса, фаросатли кишилар кўзи очик одамни айблайдилар. Сўқирнинг ишини узрли деб биладилар. Зотан, Сўфий Оллоҳёр айтганларидек:

Қоронғуда қадам қўйсанг ёзарсан,
Агар кўз бўлмаса, йўлдан озарсан.

(Қоронғу кечада йўлга чиқсанг, адашарсан. Кўзи йўқ кимса йўл юрса ҳам адашади, йўлдан чиқади. Илмсиз киши ҳам шундай.)

Илмли бўлиш инсонга ўз хурматини оширмақ ва иззатини сақламоқ учун ҳам керакдир. Илм бошқаларга ўргатиш ўчунгина қўлга киритилса, одамнинг ўзи ундан бирон наф кўрмаса, у сувидан барча фойдаланадиган, лекин ўзи бебаҳра булоққа ўхшаб қолади. Икки нарсадан: илм ва мол-дунёдан одам аввал ўзи фойдаланиб, сўнг бошқаларга улашиб бериши керак, дейдилар. Аммо мазкур фикрни бу шарафли ҳадис зидди деб тушунмаслик керак. Шарафли ҳадислардан бирида зикр этилишига кўра, агар ерни одамга қиёсласак, ёмғир – илмдир. Ёмғирдан ернинг ўзи ҳам манфаат кўради, тўяди ва шунинг эвазига бағрида экинлар ўстиради, мева беради. Баъзи ерларда сув тўпланади, қўл бўлади. Бу сувдан одамлар, жониворлар ичадилар. Айрим ерларга ёмғир ёққанининг фойдаси йўқ, сингиб кетаверади, гиёҳ унмайди. Ернинг ёмғир сувига тўйиши, сўнг мева бериши, бағрида тўпланган сувдан бошқаларнинг баҳраманд бўлиши илмга амал қилмоқликка бир ишора. «Ер тўйса эл тўяди», деган мақолга кўра, агар ер тўймаса, унинг бағрида униб-ўсувчи ўсимликлар мева ҳам бермайди.

Киши «Эртага нима бўларкинман?» деб ғам чекмаслиги учун кунини илм билан нурлантириши зарур бўлади. Чунки илм уни адаштирмайди, хайрли оқи-

бат келтиргувчи йўлларга етаклайди. Танлаган йўлининг тўғри эканини киши қандай англайди? Агар илм топгани сайин кимсанинг кибри ўла борса, демак, у тўғри йўлда. Қуёш зулматни қувгани каби, илм нури одамдаги ботил ишончларни кетказдими, демак, унинг қаршисида шараф дарвозалари очилибди. Ботилдан юз ўгирган одам илмни илм денгизидан идишига сиққанича олаверади. Ҳамма нарсани йўқдан бор қилганни англаган ва билган одам оқибатда энг катта илмга эришган бўлади. Сахрода адашган сайёҳга кўкдаги юлдузлар, ҳаётда адашганларга эса олимлар йўл кўрсатадилар. Илмни ўрганишга киришмоқдан аввал ҳидоят йўлидаги устозга ихлос билан боғланиш керак. Таъкид этамизким, илмга ва устозга ихлоссиз боғланган кимса ишни охирига етказа олмайди. Шунингдек, мағрур ва нопок олимлардан илм олганлар ҳам мақсадга етолмайди. Замонасининг энг аъло олими саналса-да, ахлоқан бузук, жамоатга, жамиятга қўшилмайдиган инсонлардан ҳар доим узоқроқ юриш ва сақланиш лозим. Зеро, бундай кишилардан кўп зарарлар келиши мумкин. Олимларда учрайдиган ҳар қандай иллат бошқаларникидан кўра зарарлироқдир. Олимлардаги ёмон хулқ юқимли хасталик сингари ғоят хатарлидир. Унинг яхши инсонларга тез ўтиб қолиш хавфи мавжуд.

Олимии, писандадур хисоли билгил,
Хилмин тан аро руҳ мисоли билгил,
Комилда керак ҳилм хаёли билгил –
Ким, ҳилмдадур илм камоли билгил.

(Олимнинг феъл-атвори ёқимли бўлса, унинг ҳалимлигини тан аро руҳ деб билгин. Комил инсон ҳамиша ҳалимликни хаёлидан қўймасин. Ҳалимлик илмнинг камоли деб билгин.)

Ким олим эса, нуктада барҳақ де они,
Гар базм тузар, биҳишти мутлақ де они,
Ҳар кимсаки, йўқ илм анга аҳмақ де они,
Мажлисдаки илм бўлса, учмақ де они *(Алишер Навоий)*.

(Кимки нозик маъноли сўзласа, олим дегин, агар базм тузса мутлақо жаннат дегин. Кимдаки илм бўлмаса, аҳмоқ дегин, агар мажлис илм мажлиси бўлса, бу мажлисни жаннат боғи деявергин.)

Илмига амал қилувчи олим – олам нуридир. Инсонлар шу нурга интиладилар. Тоғларга чиққанда киши роҳатлангани каби, илмга рағбат қилган ақл эгаси олимларнинг ёнига борганда ажиб бир ҳузур топади. Илмига амал қилмаган уйқусираган одам кабидир. Агар илм тилда қолаверса, қалб тирилмайди. Илмни оғзида қолдириб, ёмон амаллар қилганлар Қуръони каримда китоб юклаган эшакка ўхшатишган. Кимки илмига мувофиқ иш тутмабди, эшакликдан қутулмабди. Бошқача айтганда, бундай ҳолат Аллоҳ берган зехн, идрок, ақлни исроф этмоқликдир. Масалан, кибернетика илмини эгаллаган кимса, бозорда аёллар ичкўйлагини сотиб ўтирса, унга нима деймиз? Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қиладиларким: «Мендан кейинги умматим учун уч нарсадан қўрқаман: ҳою ҳавас бобида янглишишидан; меъда ва хотин шаҳватига эргашишидан; илмдан кейин ғафлатга тушишидан».

*

Имом Ғаззолий ҳазратлари илмига амал қилмаган олимни бошқаларни кийинтиргани ҳолда ўзи яланғоч қолган игнага ўхшатганлар. Илмига амал қил-

маган кишининг жоҳил ва нодондан фарқи йўқ, дейишади. Чунки илм билан амал – лафз ва маъно жиҳатидан бир-бирига мулозим ва мувофиқдир. Чунки илмдан мақсад – амалдир.

*Илм, Навоий, сенга мақсуд бил,
Эмдики илм ўлди, амал айлагил»,*

Ҳазрат Навоий яна таъкид этарларким: «Илм ўқиб, унга амал қилмаган – ерни ҳайдаб, уруғ сепмаган ёки уруғ сепиб, ҳосилдан баҳра олмаганга ўхшайди».

Эрон шоҳларидан Хисрав Парвезнинг вазири Бузрукмехрдан: «Илм афзалми ёки мол?» деб сўрашди. «Илм», деди вазир. Яна сўрадилар: «У ҳолда нега олимларни бойларнинг эшигида кўрамузу, бойларни олимлар эшигида кўрмаймиз?» Жавоб бўлдиким: «Чунки олимлар молнинг фойдасини билади. Бойлар эса илмнинг фазлини билмайди». Ажиб ва доно жавоб! Олим билади. Бой бутун бойлигини сарфлаганда ҳам сотиб ололмайдиган илмнинг фазлини билмайди. Мана шу жиҳати билан бой, гарчи олимни ўзининг эшигида хизмат қилдирса ҳам, даражада олимдан анча паст туради.

Эрон шоҳи Хисрав Парвез хузурига Румдан бир элчи келди. Шоҳ вазири Бузрукмехрнинг донолигини элчига маълум қилиб қўйиш мақсадида:

«Эй Бузрукмехр, дунёда нимаики бўлса, сен ҳаммасини биласан-а?» деб сўради. Шоҳ вазиридан «Ҳа, биламан», деган жавоб кутган эди. Аммо вазири «Билмайман», деб жавоб қилди.

Элчининг олдида мулзам бўлган шоҳ ғазабланиб сўради:

– «Ҳамма нарсани ким билади?»

– «Ҳамма нарсани ҳамма билади, аммо ҳамма ҳали онасидан туғилган эмас», деб жавоб берди доно вазир.

Яна бир доно вазирдан савол сўрадилар. «Билмайман», деб жавоб берди у. Яна сўрадилар, яна шу жавоб: «Билмайман». Шунда ажабланиб дедилар: «Шоҳ сизни доно вазир деб катта миқдорда ҳақ тўлайдилар-у билмайман дейишга уялмасизми?» Доно вазир деди: «Подшоҳ менга билганларим учун ҳақ тўлайди. Агар билмаганларим учун ҳам тўласа, етти иклимнинг хазинаси етмаган бўларди». Бу доно жавобларда камтарликнинг гўзал кўриниши мавжуд.

Ҳазрати Умар илмни ёшлиқда эгаллаш керак, деб билганлар. Чунки ёш улғайгач, киши ёшлар билан бирга илм олишга уяла бошлайди. Айниқса бирон мансаб эгаси қўл остидаги ёшлар билан бирга ўтириб илм эгаллашдан ор қилади. Илм ёшлиқда эгалланса онгга нақшланиб қолади. Ҳазрат Умар «Ёшлар билан илм олишга уялсанг ўқимай қўя қол», демоқчи эмаслар, балки шундай ноўрин ҳолатлар учраб қолишидан огоҳлантирмоқчилар.

Бир донишманддан сўрабдилар:

– Қандай қилиб илмнинг энг юқори чўққисига чиқдингиз?

Донишманд деди:

– Билмаган, тушунмаган нарсамни олимдан ҳам, оддий кишидан ҳам, каттадан ҳам, кичикдан ҳам сўрадим. Бу тўғрида уялмадим, номус қилмадим. Ўзимни юқори тутиб, мутакаббир бўлмадим.

Шу олимнинг ҳаёти барча учун ибратдир. Чунки илм сўрашдан истиҳола қилинмайди, балки илмсиз юришдан уялиш керак бўлади.

*Уялма маърифатни ўгранурдин,
Танур жойинг бўлур қолсанг танурдин.*

«Саботул ожизийн»даги бу байтнинг мазмуни будир: оқил киши илмни ўрганишдан уялиб ўтирмайди. Нақадар қари бўлса ҳам ўзидан кичиклардан ва катталардан сўраб ўрганмоққа қасд қилади. Зеро, киши орланиб, илмни ўрганмай қолса, оқибатда дўзахга борур. (Байтда зикр этилган биринчи «танур»да «тандир», «ўчоқ», маъносида, яъни дўзах ўчоғи назарда тугилади. Иккинчи «танур» танимок, яъни билмок маъносида келади.) Арасту ҳаким шогирди Искандар Румийга: «Шараф ва обрўинг яна ҳам юқорилашини истасанг, илми ҳикмат ўрганишдан ор-номус қилма», деб ўргатган эканлар.

Ҳазрат Навоий ёзганлар: «Билмагани сўраб ўрганган – олим, орланиб сўрамаган ўзига золим. Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб, дарё бўлур. Ўрганишдан қочган – дангаса, ўрганишдан қочиш учун юзига важ-баҳона эшигини очган – ишёқмас. Заҳмат чекиб илм ўрганган – донишманд.

Илмдин орий улуснинг жоҳили худномаси,
Ўрганурға жидду жаҳд этган жаҳон алломаси».

(Илмдан четда қолган одам халқ орасидаги қайсар, жоҳилдир. Ўрганишга қаттиқ киришган эса жаҳон алломасидир.)

Илмни эгаллаш қай пайтда афзал, деган муаммога донишмандлар турлича жавоб берганлар. Абдуллоҳ ибн Масъуд илмни фурсат бўлганда ўрганавериш керак, чунки илм зарур бўлган пайтда фурсат топилмайди, деб таъкидлаганлар. Кўпгина манбаларда илмни ёшликда эгаллашга даъват этилади. Буни «илмнинг **асосларини** ёшликда эгаллаб олишга ҳаракат қилмоқлик даркор», маъносида англасак дуруст бўлади ва бу бизларни катта ёшга етганда илм олишдан тўхтаб қолиш касалидан қутқариб қолади.



Куёвтўра, эшик тутқичи синган ёки қулфи бузилган бўлса ўзингиз тузата оласизми? Куйган дазмолни-чи? Сув бурагични-чи? Ҳеч бўлмаса куйган лампочкани алмаштира оларсиз? Қўлидан ҳеч иш келмайдиганларни халқимизда “ношуд” дейдилар, афсуски, ёшларимиз орасида шунақаларни учратиб қоламиз. Бир йигитнинг қўлига кетмон берганларида маълум бўлдики, жўяк олишни билмас экан. Ҳолбуки, қишлоқда туғилиб, улғайган. Отаси фермер, 20 гектар ери бор. Яна бир йигит хомток қилишни билмас экан, ҳолбуки, у ҳам қишлоқда туғилиб, улғайган, отасининг 15 сотих ерни эгаллаган узумзори бор. Йигит шу узумзордан олинган даромадни еб катта бўлган. Мана шундай ношудларни учратганимда ҳам ажабланаман, ҳам афсусланаман.

Ҳунар доно билимдан афзал, дейдилар. Яъни, ҳар кимнинг ҳунари бўлмаса, у қуруқ девор билан тенг. “Йигит кишига қирқ ҳунар оз”, дейдилар. Бу мақол олимга ҳам, авомга ҳам тааллуқли. Биламизки, яхши олимларимиз орасида рўзгорга зарур ҳунарлардан ҳам беҳабарлари бор. Айтайлик, битта михни эп-лаб қоқа олмайдиганлар ҳам бор, десам балки ишонмассиз. Балки “Олим одамга шу ҳунар шартми?” дерсиз. Менингча, ҳар бир одам касби ва илми даражасидан қатъи назар, айрим ҳунарларни ўрганиб олгани дуруст. Ота-оналар ҳам “болам ўқияпти”, деб уни жисмоний меҳнатдан, хусусан, ҳунар эгаллашдан четламаганлари яхши.

“Мулки Ажам тарихи” деган китобда бундай ҳикоя қилинади: “Эроннинг афсонавий подшоҳларидан Гуштасп Румга бориб, Қўстантанияда манзил қурганида қўлида ҳеч вақоси йўқ экан. Бировдан бирон нима сўрашга иззат-нафси йўл бермабди. Гўдаклик чоғларида отасининг саройида бир темирчи бўлган

экан. Гуштасп ўша темирчининг пичоқ, тиг ва узанги ясашига ҳаваси келиб, ҳар гал унинг олдида борганида темирчининг ҳунарини завқ билан томоша қиларкан. Қўстантанияда пулсиз қолганида темирчиларнинг олдида бориб: “Менинг бу ҳунардан хабарим бор”, дебди. Уни мардикор қилиб ёллашибди. Кунига қанча пул тушса, бир қисмини унга беришаркан. Шу тариқа муҳтож бўлмай ўз тирикчилигини ўтказибди. Вақтики келиб, ватанига қайтиб, тахтга ўтирганида: “Ҳамма мол-дунёсининг кўп ёки кам бўлишидан қатъи назар, фарзандларига касбу ҳунар ўргатсин, ҳунарли одам ҳеч қачон бировга муҳтож бўлмайди”, деб фармони олий берибди. “Ал ҳирфа амон минал факр” (Ҳунарли одам фақирликдан холи, омон бўлади).

Ҳунар туганмас хазина эканни таъкид этаман-да, ҳунарсиз инсоннинг доимо кўрқув, таҳлика ичида яшашига диққатингизни тортаман. Ҳа, дунёнинг та-наззули уни кўрқувга солади. Очлик кўрқуви уни ҳар доим чўчитади. У доимо ҳаёт ташвишларига асир бўлиб юради. Фақат ҳунар соҳибигина ҳар чоқ эркин, озоддир. Шу боис, ҳар киши эркин, озод яшаши учун аниқ бир ҳунар соҳиби бўлиши лозим. Юқорида зикр этилган ҳикоятда катта ибрат бор. Инсон олим бўлиши баробарида бир ҳунар соҳиби ҳам бўлса, у мустақил ва хур бўлади. Акс ҳолда, у ҳатто илмини асирликка маҳкум қилади.

Уйлангунингизга қадар ҳунар эгаллашга бефарқ қараган бўлсангиз, энди ғайрат қилинг. Ҳеч бўлмаса уйингиздаги кичик таъмирлаш ишларини ўзингиз бажаринг. Аёлларнинг кичик сирларини сизга ошкор қилай: улар ношуд эрларни унчалик ёқтирмайдилар.

* * *

Ёшлар латифа айтишни ёқтирадилар. Давомли жиддий гаплардан кейин камина ҳам бир латифа айтиб, кўнглингизни хуш қилай.

Бир ялқов иккинчисига дебди:

– Фил бўлгим келяпти: хартуми билан овқатни олиб, шошилмай ейди. Хар-тумини қаёққа узатса ҳам етади.

– Бўлмайди, – деди иккинчи ялқов, – илон бўлган яхши. Илон ётганича овқат еяверади...

Куёвтура, ўзингиз кўп эшигансиз, катталар ёшлардан норози бўлганларида уларни кўпроқ дангасаликда айблайдилар:

*ўғлим (кам ҳолларда қиз тилга олинади, энг кўп норозилик келинларга нисбатан бўлади) ялқов, уйқучи, кун ёйилгунича ётади;

*ўғлим эгилиб ишламайди;

*келиним идишларни чала ювади...

Бунақанги ҳасратларни (аслида даъволарни) мен ҳам эшитиб тураман. Айниқса, қайнона-келин можароларининг асосини шундай даъволар ташкил этади. Энг яхши қайнона ҳам энг яхши келинидан қусур қидирса, шу соҳада албатта топади. Келин шамоллаб ётиб қолса ҳам қайнонага ялқовликни яширувчи ниқоб бўлиб туюлиши эҳтимали бор. Фақат чаққон келингина қайнона кўнглига йўл топа олиши мумкин. Эринчоқ, ғайратсиз келинлар эса бу борада ўзларини қайта тарбиялашлари лозим бўлади. Гап фақат ота ва онага ёки қайнонага яхши кўринишда эмас. Оддий ҳақиқат шуки, ялқов курувчи қандай бино куриши мумкин? Ялқов ёшлар кўркем оила саройини қандай қурадилар? Таъбир жоиз бўлса, ялқов, ишёқмаслар икки фарзанд орттирадилар: зорлик ва бадбахтлик. Эринчоқлик дунёдаги мавжуд ҳамма нарсанинг душманидир. Танбаллик, ғайратсизлик, журъатсизлик, камбағаллик каби балоларнинг ҳам-

маси эринчоқликдан келиб чиқади. Кайковуснинг: “Ялқовлик – танни ишдан чиқаришдир. Мажбур этиш билан ўз танингни итоатли қилдир ва уни мақсадга мувофиқ қилиб бўйсунитишни ўргат” деган ҳикмати Мухаммад Заҳирий Самарқандийнинг бу фикри қувватлайди: “Модомики, беғамлик ва ношудлик кўрсатилар экан, қулай фурсат қўлдан бериб қўйилади. Вақт ўтганидан кейин афсусланиш бемаъни ва бефойдадир”.

Яна бир латифа: Икки ялқов ётган жойга ўт тушди. Ўринларидан туриб қочишга ҳам эриндилар. Олов тили оёқларига етганида бири “Э Худо!” деб зорланиб қўйди. Иккинчиси шундай дейишга ҳам эриниб, шеригидан илтимос қилди: “Мен учун ҳам “Худо” деб қўйгин...”

Бу латифалардаги воқеаларни ҳаётда учратмаймизми? Бундан баттарларига ҳам дуч келамиз. Афсуски, ардоқли ёшларимиз орасида замон ялқов одамларнинг беомон душмани эканини етарли тушунмайдиганлар ҳам учраб туради. Танбаллик ва фаоллик икки йўлдир, унинг бири эл нафратига дучор қилади, иккинчиси эл ҳурматига сазовор этади. Набий муҳтарам дедилар: “Танбаллик, дангасалик қалбни тош қотиради, қаттиқ қилади, қорайтиради”. “Камбағаллик айб эмас”, деган мақол бор. Агар бу камбағаллик дангасалик оқибатида бўлса, ғоят улуғ айбдир. Мирзо Бедил ҳазратлари ёздилар: “Ишсизлик хирмонидан бошоқ териб юрганлар, яъни ялқовликлари, дангасаликлари туфайли тиланиб юрганлар, албатта, хўрлик чекдилар. Булар тиришмоқликдан кечгани, дангасаликлари кучайгани сайин ҳирслари ортиб, ҳасадлари тобора ўса борадир”.

“Лисонут-тайр”дан бир ҳикоят:

“Халқ орасида бир ишёқмас, танбал киши бор эди. Одамлар унинг беғайратлигидан ҳайрон қолар эдилар. У одамлардан туртки, шапалоқ ер, бунинг эвазига улардан бир бурда нон ёки таом олиб, кун кўрарди. Кишилар уни қувиб юборсалар ҳам у ҳеч қаерга кетмай, ўзининг ёмон қилиқларини тарк этмасди. У тортадиган жафоларига ўзича маълум бир нарх тўғрилаб қўйган ҳам эди. Қайси бир киши уни бир тепса ёки урса, у ўша кишидан бунинг ҳақини талаб қилиб олар, қўлига тушган нарсани дарҳол оғзига солар эди.

Кунлардан бир куни кимдир унинг қўлига озгина нон бериб, эвазига шундай мушт туширдик, натижада танбал ер тишлаб қолди. Гарчанд у шапалоқлар еб, қорнини тўйғазиб юрган бўлса-да, бир мушт билан энди қайта ўрнидан турмайдиган бўлди...”

Фақат ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлаш, ялқовлик – муваффақият қувватини кесувчи бир касалликдир. Ҳа, бу касаллик танбалликнинг ҳосилидир. Хасталикнинг оқибати нима бўлиши эса маълум: агар ўхшатиш қўпол туюлмаса – танбаллик ўлимнинг бир туридир. Инсон бу ўлим туфайли ҳамма нарсани йўқотади. Ялқовлик – эркисизликдир. Киши инсонларга юк бўлган куни эркини йўқотади. Инсоннинг саодатдан маҳрум бўлиб, маъюс яшаши шу ялқовлик, ғайратсизлик натижасидир. Ҳақиқат шуки, ҳали ҳеч ким муваффақият нарвонига қўлини чўнтагига суқиб чиқмаган. Танбаллик ҳеч бир одамга фазилат эмас, лекин олим ва илм толиби дангасалик қилса янада хунук.

Одамлари танбал-дангаса бўлган, илму фан ривожланмаган, қонун топталган юрт сира ривож топмайди. Халқи ўзгаларга қарам бўлади, душманлар бу юртни истаганларича талайдилар, топтайдилар. Натижада халқ улкан моддий ва маънавий зарар кўради. Фақат Ватани эмас, жонидан ҳам маҳрум бўлади. Роҳати, тинчлиги, эрки, ҳурмати, осойишталиги бир тийинга ҳам арзимас бўлади.

Киши энг аввал ўзининг вужуди руҳини бошқараётган душмани – ялқовлигини енгиши шарт. Жисмоний меҳнатдан қочиш кўп ёшларга хос одат бўлиб қолди. Баъзан ҳашарга чиқарилган ўсмирларни, ёшларни кўраман: қўл учида ишлашади, эгилгилари келмайди. Бирон соат ишлаб, муаллимларининг кўзларини шамғалат қилиб, қочиб қолиш пайида бўладилар. Мен “ҳашарга чиққан” эмас, **“чиқарилган”** деб ёздим. Ўзлари яшайдиган кўча, маҳалла, шаҳарни озода сақлашга ҳисса қўшишни онгли ва ихтиёрий равишда амалга оширмайдилар. Мен мана шунга афсусланаман. Бугунги кунда шаҳарлик ёшлар қўлларини совуқ сувга урмайдиган бўлиб ўсяптилар. Қишлоқда туғилиб ўсганлар орасида ҳам ялқовлар кўп учраяпти. Улар қишлоқдаги меҳнатдан қочиб, шаҳардаги енгил ҳаётга учяптилар. Учяпилар-у, лекин “қанотлари куйиб” яна изларига қайтаптилар. Бу ҳам афсусли ҳол.

Куёвтура, мени тўғри тушунинг, мақсадим сизни ва сиз каби ёшларни ёмонлаш эмас. Замон одамларни ялқовлаштириб қўйяпти. Электр ва автоматлаштириш деган нарсалар жисмоний меҳнатни қисиб чиқаряпти. Бугунги қизларимиз, келинларимиз қўлларини қавартириб ишлашлари шарт эмас. Ошпичокда қийма чопмайдилар, кир ювадиган машина, чангюткич, музлаткич-у микротўлқинли иситкич ва яна шунга ўхшаш ўнлаб мосламалар хизматларида. Ҳатто телевизорни (ҳатто чирокни!) ёқиб-ўчириш учун ўриндан туриш шартмас – диванда ёнбошлаб, тугмалар босилаверилади. Шунақа шароит бўлгач, одам дангасалик ҳовузига чўкмай яна нима қилсин?

Яна афсуски, суюкли қизларимиз, ардоқли келинларимизга ҳатто бу енгилликлар ҳам оғирлик ва малоллик қилади. Бу ўринда қайноналарининг дашномлари ҳамда норозиликлари асосли бўлади.

Жисмоний меҳнат бир масала, ақлий ялқовлик, яъни маънавий танбаллик янада оғирроқ масаладир. Ёшларнинг илм олишга эринишлари жамият учун ҳам зарарлидир. Агар дарё суви денгизга қуйилиб турилмаса, ҳар қандай катталикдаги денгиз ҳам қуриydi. Бекорчи ва ишёқмас – иродасиз одамдир. Агар одам фикрлашда дангаса бўлса, жаҳолатга ботиши, гуноҳи ортиши шубҳасиздир. Олимлар сафи ёшлар ҳисобига тўлиб турмаса, мамлакат инқирозга юз тутади. Айрим ёшларнинг билим олишга ялқовлик қилишларига сабаб – оналарининг ҳамёнлари ёки юқори мартабали танишларидир. Пул эвазига ёки таниш ёрдамида имтиҳондан ўтишини билган йигит ёки қиз бошини оғритиб китоб ўқирканми, дарс тайёрлар эканми? Ўша пулдор ёки мартабали ота ва оналар фарзандларининг бу касалини биладилар. Касалликнинг олдини олиш ёки муолажа қилиш чорасини кўрмай, аксинча, рағбатлантириб турар эканлар, кимни айблашимиз керак бўлади? Ялқов фарзандними ё рағбатлантирувчи отани ва онаними? Эртага бу ялқовликнинг аччиқ ва заҳарли мевасидан қайси бирлари кўпроқ зарар кўрадилар?

Ялқовларни “Онадан шундай туғилган”, деб айбласак инсофдан бўлмас. Бу туғма касаллик эмас, уни келтириб чиқарадиган турли омиллар бор. Шуларнинг энг асосийси – кишидаги ироданинг сустлиги. Ялқовликдан қутулмоқчи бўлган одам аввало иродасига ҳукм ўтказа оладиган бўлиши керак. “Мен керакли ишни қила оламан, менинг ишимни кутяптилар, мен фойда келтиряпман!” деб ўзини ўзи ишонтириши шарт. “Ғайрати бор одамни эр дегил, ғайрати йўқни қаро ер дегил”. “Қаро ер” – дунёда хор бўлиш демак. Хор бўлмаслик учун ялқовликдан ғайрат сари ўтиш зарурлигини ҳар бир ёш йигит ва қиз тушуниб олишлари лозим.

Меҳнатни севмайдиган одам ҳар бузукликни қилишга тайёрдир. Меҳнатнинг кишига бахт-саодат келтиришига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Ялқовлик, бекорчиликнинг эса фалокат гирдобига ташлашини ҳамма ҳам ўйлаб кўравермайди. Саъй-ҳаракат инсонга шод-хуррамлик инъом этади. Ялқовлик, ишёқ-маслик эса маъюслик, умидсизликка туширади, жондан бездиради ва бир қанча кулфату машаққатларга гирифтор қилади. Шу сабабларга кўра, донолар ёшларга хитобан дедиларки: “Ғайрат ва матонат билан ишланг, меҳнатни севинг, саъй-ҳаракатни қўлдан берманг, ялқовлик, бекорчилик иллатидан ҳазар қилинг. Вужудингизнинг ҳузур-ҳаловатини меҳнат таъмин қилади”. Асрлардан бери янграб келаётган бу хитобга қўшимча қилиш шартмикин?

Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Оламда энг ёмон нарса – бекорчиликдир”, деганлар. Халқимизда “Бекорчидан Худо безор”, “Бекор ўтиргунча бекор ишла”, деган ҳикматлар ҳам бор. Ҳаракат қилмаган киши танбал бўлиб қолишини айтдим. Танбал киши эса бекорчи гаплар билан машғул бўлади. Чунки бекор юриш – иллатларнинг онаси, ғурбатларнинг маконидир. Бекорчи гаплардан эса турли мишмишлар, иғволар туғилади. Мишмишлар тарқалган жойда эса дўст – душманга, душман эса думи босиб олинган илонга айланади. Донолар дедиларки: “Эркакнинг бекорчилиги – гафлат, аёлнинг бекорчилиги – шаҳват”.

Дангасалик иллатидан қутулишга даъват қилганим ҳолда яна бир масалага диққатингизни тортсам: ҳар қандай иш ўз вақтида ва ўз ўрнида қилиниши керак. Қишда тунука том бўялмайди, шундай эмасми? Ғунча баҳорнинг илиқ нафасига алданиб бемаврид кулгани учун совуқ ел уни поралаб кетгани каби беҳуда ва бемаврид бошланган иш оқибати яхши бўлмайди. Ҳеч бир иш ғайрат ва шижоатсиз бўлмайди, аммо жойида ишлатилмаган ғайрат ва жасоратдан маъно йўқ. “Ақл ва тажрибаси ҳали етарли даражада ўсмаган ва жисмоний қуввати кам бўлган одам бир ишга киришиб, ҳаддидан ошса, натижада паришон ҳолга тушади”, деган эдилар мавлоно Румий.

Ялқовлик иллатининг муқобилида “ғайрат” ва “шижоат” деб аталувчи ғўзал фазилатлар бор. Бу фазилат ярми назокатдан, ярми садоқатдан иборат, десак ҳам бўлади. Шижоат хавfli вазиятларда кишини тўғри йўл ва асл мақсаддан чекинишга йўл қўймайдиган куч бўлиб, олти хислатни ўзига жамлайди: 1. “Кибр-и нафс”. Яъни, руҳий улуғворлик бўлиб, бу хислат туфайли киши улуғ ишларни амалга ошираётганда роҳат ёки машаққатларга парво қилмайди. Масалан, урушда икки йўл мавжуд: бири – қаҳрамонлик йўли, бунда жон хатари мавжуд; иккинчиси – хиёнат йўли, бунда жон ҳаловати бор. Руҳан заиф киши жон ҳузур-ҳаловатини танлайди. Аммо бу нарса вақтинчалиқдир ва бу йўлнинг охир-оқибати хорлиқдир. 2. “Улувв-и ҳиммат” – кишининг инсонга хос камолот йўлида ғов бўладиган ҳар қандай қийинчиликка эътибор бермай эзгуликка интилишидир (“улув” – энг олий). Бунга илм олишда лозим бўлган шижоатни мисол қилиб олишимиз мумкин. Маълумки, шижоатсиз киши илм ололмайди. 3. “Ҳилм” – ҳар қанча ғазаб қўзғайдиган иш содир бўлганда ҳам ўзини босиб, мулоимлик кўрсатишдан иборат. 4. “Тавозуъ” (*тавозе*) – ўзгаларга, айниқса мартаба ва фазилатда ўзидан қуйи бўлганларга нисбатан ўзини улуғ ҳисобламаслиқдир. 5. “Ҳамият” – ўз халқининг ва ўзга элларнинг урфу одатларини ҳурмат қилиш, жамиятнинг қонун-қоидаларига риоя қилиш, оиласининг, дўстларининг шарафини сақлашдан иборат (яъни, ор-номус сақлаш ва уни ҳимоя қилиш). 6. “Риққат” – луғавий маъноси – нозиклик. Кишининг ўз жинсига,

яъни жони бор ҳамма нарсага раҳмдил ва шафқатли бўлиши, ўзгаларнинг дарду аламларини, қийин аҳволини ҳисобга олиб, шунга яраша, лекин изтиробга тушмасдан амал қилишидир.

Йўқчилик ғайратли, шижоатли, ишчан одамнинг эшигидан мўралайди-ю, ичкарига кира олмайди. Киши бир ишга киришган чокда оғирликлар юз берса, мақсади манзилига етишмоқ йўлида меҳнат ва машаққатлар чекса ноумидлик кўчасига қадам қўйишдан ўзини тийишга куч топа олиши керак. Бунинг учун талаб этиладиган шижоат ва матонатга эга бўлсагина оёғини тўғри ва қаттиқ қўйиш билан бу мушкул йўлни босиб ўта олади.

Англадикки, шижоат ва матонат инсонга ҳар ишда муваффақият бахш этади. Шижоат – ботирлик, мардлик билан ишга киришиш, матонат эса бардошлилик, мустаҳкам ва қатъий иродали, деган сўздир. Бу ҳислатларга эга бўлган киши бахту саодатга эришади. Ҳеч бир иш ғайрат ва шижоатсиз бўлмас экан, аммо жойида ишлатилмаган ғайрат, жасоратдан маъно йўқ. Имом Ғаззолий ҳазратлари бундай ёзганлар: “Шижоат билан хулқланган инсон олийҳиммат, мард, жасур, довюрак, мулоҳазали, нафси синиқ, сабр-тоқатли, ҳалим, босиқ, салобатли, мулойим бўлади. Аммо шижоатнинг ҳаддан ошиши ўзни тута билмаслик, ўйламасдан иш қилиш каби оқибатларга олиб келади. Натижада киши бир нафасда мақтанчок, димоғдор, ғазабнок, такаббур, иззатталаб, шухратпарастга айланиб қолади. Шижоат меъёридан кам бўлса, унинг ўрнини хорлик ва хўрлик, доимий безовталиқ, қўрқоқлик, ҳақни бой бериш, майдалашиш эгаллайди”. Луқмони ҳаким дедиларки: “Саъй-ғайратсизлик – умид ва муваффақиятнинг кучини битирадиган бир мараздир. Инсоният саодатидан маҳрум бўлиб маъюсона яшаш – саъй-ғайратсизлик асаридир”.

Меҳнатдан қочиш хору зорлик билан натижаланар экан, муроду мақсад хазиналари меҳнат кўприги устидадир. Кишини ҳаётдаги мушкулликлардан фақат тадбир ва меҳнат қутқаради.

Бир деҳқон ўлими олдидан болаларини йиғиб деди:

– Болаларим! Бу дунё фонийдир, ҳар бир тирик жон ўлади. Мен ҳам ўляпман. Сизга васиятим шуки, даламизга бир хазина кўмиб қўйганман, вафотимдан сўнг уни қидириб топинглар. Далани ҳеч қачон сотманглар.

Фарзандлар оталари жанозасини ўтказишгач, далага отландилар. Хазинани қидириб, далани ковлаб чиқдилар. Лекин ҳеч нарса топмадилар. Жуда маъюсландилар. Кейин далани текислаб, буғдой уруғи сепдилар. Ер мўл ҳосил берди. Болалар буғдойни сотишиб, олтинларни ўзаро бўлишдилар. Шундагина оталарининг васиятларидаги хазина ҳақидаги гапнинг маъносини англадилар. “Хазина кўмиб қўйдим” деган гапи замирига – далага яхшилаб ишлов берсангиз, барака топасиз, хазинага меҳнат орқали эришилади, деган ҳикмат яширинган экан. Худди донишманд шоир Фирдавсий айтганларидай:

*Меҳнат тагидадир, эй оқил, ҳар ганж,
Ганж топмас ҳеч кимса тортмас эрса ранж.*

Бу ҳикоят ҳар бир киши учун бир сабоқдир. Дунёда пешона тери билан ишлаб топилган нондай қадрли хазина йўқ. Меҳнат билан топилган луқма энг тотли луқмадир. Шундай экан, ҳар одамнинг ўзи бир хазина. Унинг меҳнат қилиб топган нони эса энг ширин, энг тотли луқмасидир. Дангаса бажараётган ишидан меҳнатсевар деҳқончалиқ роҳат топа олмайди, мамнун ҳам бўла олмайди. Зеро, ишчи ишлаб иштаҳаси очилади, луқмаси ҳам ширин бўлади. Та-

бобат ходимлари берган маълумотларга кўра, ишчи ва деҳқонлар жамиятнинг жисмонан энг соғлом одамлари экан.

Ҳа, меҳнатга ўрганган одам саодатга эришади. Чунки меҳнат билан банд одамнинг ёмонлик қилишга вақти қолмайди. Меҳнатни севиш, ғайрат ва матонат билан ишлашнинг учта ширин меваси бор: тан саломатлиги, кўнгил роҳати, ақл ва зеҳннинг ортиши. Меҳнат инсонни уч балодан асрайди: юрак сикилишидан, ахлоқий бузуқликдан, муҳтожликдан. Меҳнат меҳмон бўлмаган ер ҳеч қачон бахт-саодат ўрни бўла олмайди. Инсон меҳнатдан тўхтаса, камолотдан ҳам тўхтади. Чунки камолот саройининг пойдевори ҳам, девори ҳам меҳнатдир. Меҳнат ҳосили билан яшаган инсон ўз эркига ҳоким, юлғичлик билан бойлик тўплаган ҳасис эса ўз иқболига золим. Ҳикмат аҳли айтганидек, вужудимиз – ерники, шарафли ишларимиз – элники! “Инсоннинг тилак ва хоҳишлари меҳнат туфайлигина амалга оширилиши мумкин, – деб ёзганлар Беруний ҳазратлари. – Шон-шавкатга, мартабага меҳнатсиз эришган киши ҳурматга лойиқми? Юқори мартабага меҳнатсиз эришган киши маълум бир муддат ичида роҳат ва фароғатда яшайди, яхши кийинади. Аммо у улўғлик либосидан маҳрум, яланғоч кимсадир”. Яхши номни меҳнат билан орттириш керак, яхши ном чиройли сўзлар учун, ваъдалар учун берилмайди. Балки меҳнат натижаси учун, меҳнатга астойдил қўйилган меҳр учун берилади.

Куввати ва тоқати етмаган ишга киришиб, ўзига заҳмат ва машаққатни юклаш ҳам тўғри эмас. Ўзига ва халққа манфаати тегмайдиган ишлар билан машғул бўлиб, умрни зое кетказишдан сақланиш керак. Ҳар бир ишга самимий дўстларнинг иттифоқи ва маслаҳатлари билан киришилгани маъқул. Киши кучи етадиган ишга майл қилмай, номуносиб ишга қадам қўйса, оқибатда удасидан чиқа олмай, пушаймон ейди.

Нодон одам меҳнатдан қочади. Бир нарсга диққат қилиш керак: ҳаром лўқма топаётган ҳам меҳнат қилади. Лекин унинг меҳнати жамиятга наф бермагани, аксинча, бошқа бировларга зарар келтиргани учун савобдан маҳрумдир. Буни хайрли меҳнат доирасига киритиш ножоиздир. Асалари, ковоғари ҳам, итпашша ҳам меҳнат қилади. Лекин бу меҳнатларнинг натижаси қандай?

Бир куни ўргимчак ипак қуртига бундай деди:

– Биродарим ипак қурт, озгина пилла ўраш учун неча кунлар тинмайсан. Мен бўлсам, бир деворни бир неча соатда ўраб ташлайман.

Ипак қурти унга жавоб берди:

– Тўғри, ўргимчак қардош, сен қисқа вақтда ишни битира оласан. Аммо қилган ишингнинг бировга фойдаси тегмайди. Вақтинг зое кетади. Вақтнинг қадрини биласанми ўзи? Мен секин, шошилмай ишлайман, аммо толамдан ажиб, гўзал, бетимсол матолар тўқилади, тасаввур қила олмайсан. Ипагим ажойиб ишларга қодир. Инсонлар менинг маҳсулимдан кўп фойда кўрадилар. Оз иш қиламан, аммо ишимни пухта, тоза қиламан. Ўз санъатимни яхши ишлата биламан. Ишимни шундай пухта қилганимдан бахтиёрман. Чунки ишни яхши бажарган, санъатини яхши қўллаганларни ҳамма севади.

Диққат қилайлик, дунёда тирик жон борки, ҳаммаси ҳаракатда, ҳаммаси меҳнат билан банд. Лекин инсон билан бошқа тирик жонлар меҳнати орасида «ОНГ», «ВИЖДОН», «ҲАЛОЛЛИК», деган тушунчалар бор. Шундай экан, биз инсонга хос тушунчалар асосидаги меҳнатни, фақат ўзига эмас, жамиятга ҳам наф келтирадиган меҳнатни назарда тутишимиз керак.

Ҳиндларнинг оламари машҳур адиби Рабиндранат Тҳакур меҳнатни маданиятнинг бир кўриниши ҳисоблайди. У 1935 йили ёзган эди: “Бир куни талаба-

лар билан сайр-ҳаво қилиб юрганимизда, йўлда бир жуфт ҳўкиз қўшилган аравага дуч келдик; арава лойга тикилиб қолган экан. Мен билан бирга кетаётган талабалар ёрдамлашиб, аравани қуруқ жойга чиқариб қўйишди. Шантиникетонга келган қандайдир бир киши юк кўтаришга хизматкор топа олмаган экан. Талабаларимиздан бири ўйлаб ўтирмасдан, унинг юкини елкасига олиб, айтган жойига элтиб берди. Талабалар шундай тарбия олган эдиларки, бирор жойдан келган одамга ёрдам кўрсатиш ва уларнинг хизматида бўлишни ўз вазифалари деб билардилар. Яқинда улар Шантиникетон йўлини қуришда ишладилар, ҳамма ўнқир-чўнқирларни тўлдириб текисладилар. Бу ишларнинг ҳаммасини улар ўзларидаги **ички рағбат** таъсири остида бажардилар. Улар китобга ҳам, адабиётга ҳам қарамасдан, **ҳақиқий маданият нимани талаб қилса**, шуни идрок қилиб олдилар. Бир вақтлар мен бу талабаларнинг барчасини, номларини ҳам яхши билардим. Орадан кўп йиллар ўтди, улар ҳар томонга тарқаб кетишди. Умид қиламанки, улар ҳали ҳам бошқа кишиларга шундай меҳр-муҳаббат билан қараётгандир, **ҳасад деган нарсани ва бошқаларнинг ютуғига кўз олайтиришни билмаслар** ва ҳамиша заифларга ёрдам қўлини чўзарлар. Олийжаноб кишининг қандай бўлишини билишларига ва олийжаноб кишилар қандай бўлса, улар ҳам шундай иш тутишларига ишончим комил”.

Адибнинг мақоласидаги “ички рағбат” ва “ҳақиқий маданият нимани талаб қилса”, “ҳасад деган нарсани ва бошқаларнинг ютуғига кўз олайтиришни билмаслар” деган сўзларга алоҳида эътибор беришингизни истардим.

Ҳалол меҳнатга муҳаббати бўлмаган одам тўғри йўлни йўқотиб қўяди. Оқибатда барчаси ҳалокат жарига боровчи турли сўқмоқларга дуч келади: бири ҳамиша норозилик ҳиссига тўла бўлади ва одам шу ҳис билан яшайди. Бири зеркиш, қоникмаслик ботқоғи, яна бири ўз-ўзини аста-секинлик билан маҳв этишдан иборат бўлади. Бу йўллардаги ёшларнинг онги, нафси молниқидан фарқланмай қолади. Агар «Ҳалол ва онгли меҳнат – ҳаёт асоси», деган шиордан келиб чиқсак, бошқа йўлларни танлаган йигит тириклайин ўлиб бораверади.

“Ким эгри бўлса мартабаси паст бўлади. Унинг даромадию сармояси ҳам эгри йўл билан келади. Шифосию насибаси ҳам ҳалоллик билан эмас. Бинобарин, эгрининг сояси ҳам эгривар... Ҳурматли киши ишини кўргинки, гўзал бўлди: боғида куз фасли ҳам кўкаламзор бўлди. Унинг мурод гули ҳам баланд, у дарахтнинг сояси ҳам кенг бўлди”.

Касб айла нишот меҳнатойинлик аро –
Ким, ишрат умиди келди ғамгинлик аро,
Кўрма арода ўзингни мискинлик аро –
Ким, бўлди, киши ҳалоки худбинлик аро (Алишер Навоий).

(Меҳнатсеварликдан шодланишни касб қилиб ол. Ишратни умид қилишлик ғам келтиради. Ўзингни бечораҳол деб ранжима, чунки кишининг ҳалокати худбинлиги туфайлидир.)

Ҳаёлан бир тажриба қилиб кўрайлик: сиз ва бир гуруҳ дўстларингиз рўпарасига иккита нон қўяйлик-да, биттасига оғирроқ меҳнат билан етишасиз, иккинчиси учун меҳнат шарт эмас, деб шарт қўяйлик. Дўстларингизнинг қанчаси оғир меҳнат билан олинувчи нонни танлар экан? Ўзингиз-чи? Сизга ва дўстларингизда Саъдий Шерозийнинг қуйидаги байти ибрат бўлсин:

*Есам арпа нонини меҳнат билан,
Шириндир бировларнинг оқ нонидан.*

Шу ўринда мухтарам ота ва оналарга мурожаат қилишга эҳтиёж сездим: аввали шуки, ўғлингиз ва қизингизда (куёв ва келинда) иллатлар мавжуд экан, бунга биринчи галда сиз айблिसиз. Масалан, ота ўғилга лампочка бурашни, мих қоқишни ўргатмаган (балки ўзи ҳам билмас). Она шимга тўғри дазмол уришни ўргатмаган (балки ўзи ҳам неча шимларни куйдирганди). Агар шундай бўлса, бу тарбияни бошлаш (давом эттириш)дан эринманг. Бугун – кеч эмас, эртага “аттанг!” деб қолишингиз мумкин. Яна бир гап: суҳбатнинг айрим мавзулари сал чўзилганини ўзим ҳам сезиб турибман. Лекин азиз ёшларимиз бир ҳикматга эътибор бермасалар, иккинчиси таъсир қилар деган мақсадда, қисқартиришни лозим топмадим. Азиз ёшларимиз бу баёнларни ўқишда эринишлари ёки зерикашлари ҳам мумкин. Шунинг учун бирга ўқиганингиз, сўнг фикрлашганингиз яхши натижа беради. Ҳар куни кечки таомдан кейин, барча дастурхон атрфоида жамулжам бўлган пайтда 10-15 дақиқа “Оилавий мутолаа” ташкил этиш мумкин-ку? Қайси оилада шундай ўқиш бор экан, фарзандларга бахтиёрлик дарвозалари очилади. Мактабда керакли-кераксиз шеърларни ёдлашга болаларни мажбур қилишади. Шу услубдан сиз ҳам фойдаланинг. Баён қилинган шарафли ҳадислардан, улуғ донишмандларнинг ҳикматларидан ёдлаб боришса фойдали. Ўзингиз ҳам ёд олсангиз янада яхши!

* * *

Куёвтўра, хизматга отланганингизда кўнглингизда бир ташвиш бордир. Эҳтимол бу иш куни сиз учун оғир бўлиши кутилаётгандир, яъни муҳим ва оғир вазифани бажаришга киришарсиз. Хаёлингиз шу ташвиш билан банд бўлсада, аҳволингизни ота-онангизга ҳам, хотинингизга ҳам сездирманг. Хизматга яхши кайфият билан кетаётгандек кўрининг. Агар ташвишингизни сездириб қўйсангиз, хизматдан қайтгунингизга қадар бу хонадонда сиз қолдирган ташвиш ўн барабар кучлироқ қувват билан ҳукмронлик қилиб, барчаларини руҳий азобга қўяди. Хизматга отланганда ота-онадан дуо олингани каби хотиндан ҳам дуо олиш керак. Хотин сизни хайрли дуо билан кузатар экан, уйда хуш кайфият билан қолади. Бу кайфият қайтгунингизга қадар сақланади ва жуфти ҳалолингиз сизни очиқ чеҳра билан кутиб олиб, қалбингизни меҳр офтоби нури билан чароғон этади.

* * *

Баъзилар хизматдан кейин “чарчоқбосди” деган баҳонада каттами-кичикми давра қурадилар. Ҳордиқни албатта ароқ билан чиқармоқчи бўладилар. Биринчи шиша ароқ учун пул аранг йиғилади. Шайтоний нафс уйғонгач, чўнтакдан беш-ўн минг сўмлар буралиб чиқиб келаверади ва ярим соатга мўлжалланган “чарчоқбосди” маросими тунга қадар давом этади. Куёвлар дастлабки йилларда бундай давралардан ўзларини четга олганлари яхши. Агар бутунлай юз ўтурсалар, янада яхши. Дўст кўринишидаги у одамлар “Уйланиб, одамгарчиликдан чиқдинг”, деб маломат қилишлари мумкин. Лекин уларнинг гаплари сариқ чақага ҳам арзимайди. Чунки уларнинг бемаъни ўтиришларида одамийлик учкуни ҳам йўқ. Аксинча, хизматдан чиқиб оиласи томон шошган, йўл-йўлакай бозорга кириб ширинлик ёки мева-чева олганларда одамийлик фазилятлари мўл бўлади.

* * *

Хотинингизнинг яхши томонини ҳам, камчиликларини ҳам дўстларингизга айта кўрманг. Камчилигини айтсангиз, хасрат қилган бўласиз. Ҳасрат қилиш эр учун ҳусн саналмайди. “Одатда бозорда сотиладиган нарса мақталади”, деган фикрни аввалроқ баён қилган эдим, ёдингиздадир.

* * *

Хотинларнинг кучи етмайдиган ишни жуфти ҳалолингиз зиммасига юкланганг. Аёллар баъзи ишларни бажаришда руҳан ёки жисмонан заиф бўладилар. Сиз шуни ҳисобга олинг. Масалан, дарвоза тагига бир машина гишт тушириб, “Ишдан қайтгунимча уйга ташиб қўй”, дейишдан уялинг. Хотинингиз сиз айтмасангиз ҳам иккита-иккитадан ташимоқчи бўлса, қайтаринг.

* * *

Тўйдан олдин қизга турли совғалар бериб, кўнглини овлашга уринар эдингиз, бу ҳаракатингизни тўхтатманг, аммо меъёридан ошириб ҳам юборманг. Ҳар турли қимматбаҳо совғаларнинг кети узилмаса, хотин шунга ўрганиб қолади. Қўлингиз калталиқ қилиб қолса, сиздан ранжий бошлайди. Аслида хотин учун энг катта совға – эрнинг очик чеҳраси, ширин сўзлари. Бу совғага сахий бўлаверинг, кўпининг зарари йўқ.

* * *

Барча оилаларда учрайдиган нохуш ҳолат: эр хизматга шошиб турганида хотин ундан пул сўрайди. Мана шу одат ҳеч бир эрга ёқмайди. Қизиқ-да, хотин тилла узук олгиси келса, истагини кечкурун айтади, энг муҳими нозли оҳангда сўрайди. Эрталаб эса ҳолат ўзгача: “Сабзи қолмаган, пул бериб кетинг”, “Сутга пул беринг”, “Боланинг боқчасига пул беринг”... Эрталаб кайфиятингизни бузмаслик учун, кечки таомдан кейин, “Эртага қандай харажатлар учун пул керак?” деган маънода сўранг. Бизнинг суюкли аёлларимизга дуо кетганми, билмадим. Эр хизматга кетар чоғида “Кечга палов дамлаб қўй”, деб буюриб, “Сабзи тамом бўлган, гўшт ҳам йўқ”, деган жавобни эшитади. Эрнинг кўнгли манти тусаса, ун тугаган бўлади. Ҳолбуки, бу масаллиқларнинг тугаганига 5-10 кун бўлган. Ишга шошиб турган эрнинг жаҳли чиқади, “Шуни кеча айтсанг бўлмасмиди”, дегач, қисқа муддатли жанжал бошланади. Эр-хотин орасидаги муносабат совуқлаша бошлаган бўлса, бу жанжал кечки пайт янги куч билан давом этади. Бундай асабийликлардан қутулиш учун эрнинг ўзи вақти-вақти билан масаллиқлар сақладиган жойга кўз ташлаб турса, фойдадан холи бўлмайди.

* * *

Пешин чоғи таомдан ҳузурланган бўлсангиз, уйга олиб келишга урининг. Сизга эриш туюлса ҳам, чойхонадаги ошхўрлик тадбирига бир янгилик кириштишни таклиф қиламан: дейлик, 15 кишидан иборат улфатга 2 кило гуруч дамланади. Агар 3 кило дамланса-ю, ҳар бир йигит уйига бир косадан олиб борса яхши бўлмайдими? Лекин эрлар орланадиларми, шу ишни қилмайдилар. Мақтаниш бўлса ҳам айтай, ош қилиш навбати менга тегса, кўпроқ харажат қиламан ва бир лаган ошни совумай туриб, оила аъзоларимга етқизаман.

Чойхоналарда ошхўрлик қилувчиларга яна бир таклифим бор: уйингизга олиб кетмасангиз ҳам, гуручни мўлжалдан сал кўпроқ солиб, чойхона атрофида муҳтожроқ яшайдиган оилаларга насиба чиқарсангиз, кўп савоб оласиз.

* * *

Ҳазрат Алишер Навоий: “Дунёга ҳирс қўйишлик ёмонлар ёмонидир. Дунёни (дунё севгисини) тарк қилиш икки дунёдан ортиқ. Чанқаган сувсизга сув жонидан ортиқ бўлганидек, пасткашга мол ташналиги сувга ташналикдан ортиқдир... Дунё томонга бормагин, ундан ноумид бўлиб қўя қол. Кимки жаҳондан ноумид бўлса, абадий саодатли ҳаётдан ноумид бўлмайди”, деганлар.

Дунё йўл бошида ёкиб қўйилган оловга ўхшайди. Кимки ундан керагича бир оз олиб, ўз йўлини ёритишга сарф этса, фойда кўради. Кимки кўпроқ олишга интилса, куйиб қолиб, ўзига азоб беради.

Бойликни ҳамма орзу қилади. Камбағал бой бўлсам, дейди, бой эса янада бадавлатроқ бўлсам, дейди. Баъзилар бойликни мутлақо инкор этадилар. Бу унчалик тўғри тушунча эмас. Boyлик инкор этилмайди. Boyликни ҳалол топиш ва ҳалол нарсаларга ишлатиш талаб этилади. Қудсий ҳадисда: «Эй Одам фарзанди! Дунё йиғишни касб қилиб олар экансан, Қиёматда ҳисоб беришингни, мол-дунёни қаердан олиб, қаерга сарф қилганингдан сўроқ қилинишингни ҳам эслаб қўй», дейилади. Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) айтдилар: «Ёшликни пардоз билан, соғлиқни фақат дори ичиш билан қўлга киритиб бўлмаганидай, бойликка куруқ орзу-ҳавас билан эришиш мумкин эмас. Бунинг икки йўли бор: 1. Тинимсиз ғайрат ва меҳнат. 2. Ғирромлик йўли». Ана шу ғирромлик йўлида топилган бойлик ҳаром қилинган. Масаланинг моҳияти – **дунёни бутунлай рад этишда эмас, дунёга ружу қўймасликда! Яъни: мол-дунё – умр ва саодат учун, аммо умр молу дунё кўпайтириш учун эмас!** «Эндиликда кимники кўрсанг фосиқ бўлиб, ўттиз минглаб ақча билан дўзах тагига шўнғиб бораётганини кўрасан, – дейдилар Ҳасан Басрий ҳазратлари. – У нега шундай қилади? Ахир у Аллоҳ таоло берадиган насибасини арзимайдиган нарсага сотаяпти-ку?! Яна кимни истасанг, у ўз давлати, мол-мулкни ўринсиз ерга сарф қилаётган шайтон йўлига кирмоқчи бўлаётганини кўрасан. Унинг ўзи ҳам инсофга келмайди ва бошқалар насиҳатини қабул ҳам қилмайди». Бир минг уч юз йил муқаддам айтилган бу ҳикматнинг маъзини чақиш бугунги ёшлар учун наҳот қийин муаммо бўлса?!

Бойлик – имтиҳон турларидан бири: ҳамма бараварига камбағал бўлса ким кимга закот беради, ким кимга эҳсон қилади? Фақирлик ҳам ўзига ҳос имтиҳондир. Абдуллоҳ ибн Масъуд дейдилар: «Аллоҳга қасамки, бойлик ҳам, фақирлик ҳам бир неъматдир. Қайсиси билан имтиҳон қилинсам ҳам, хотиржамдирман. Бой бўлган кезлар муҳтожларга ёрдам қилиш, фақирликда эса сабр қилиш фазилати бор». Бу фаровонлик, тўқчилик ва серобчилик синов ва имтиҳон учунлиги, неъматнинг синов мақсадида берилишини англаб етиш кишини хушёрликка, гуноҳлардан ҳазар қилишга ундайди. Фоний дунё имтиҳонининг мавжудлигини англамаган одам мол-дунё, ризқ-рўзнинг сероб бўлиши натижасида манманлик ва ношукурлик тузоғига илинади-ю, оқибатда шиддатли азобга дучор бўлади.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Бойлик аслида қалб ва кўнгил бойлигидир. Камбағаллик эса қалб ва кўнгил камбағаллигидир. Ким қалбан бой бўлса, дунёда дуч келган нарсалари унга зарар етказа олмас. Ким қалбан камбағал бўлса, дунёдан ортиқ уни бой қиладиган нарса йўқдир ва дунёнинг ҳасислиги унинг нафсига зарар етказиши мумкин», деганлар.

«Дунё ҳаёти бир тушдан иборатдир. Дунёда мол-дунё соҳиби бўлмоқ, тушда ҳазина топиб олишга ўхшайди, – дейдилар мавлоно Румий. – Дунё моли

наслдан наслга ўтиб, шу дунёда қолади. Ўлим фариштаси ғофилнинг жонини олиш билан уни уйқудан уйғотади. У киши ҳақиқатдан ҳам эга бўлмаган мол учун дунёда чеккан заҳматларидан ҳайратга тушади. Минг пушаймон бўлади. Лекин вақт ўтган, гишт қолипдан кўчган бўлади...

...Хотинлару ўғиллар, қоп-қоп олтинлару кумушлар, наслдор отлару сурув-сурув мол-қўйлар, экинлар... ва ҳоказо нарсалар одамлар ҳирсини китиклайди. Буларнинг ҳаммаси дунё завқидир. Модомики, у безатилган бўлса, унда ҳақиқий гўзаллик ва яхшилик йўқдир, бу гўзаллик унда муваққатдир ва ўзга бир ердан келган, демакдир. Дунё – олтин қопламаси сохта пул кабидир. Яъни қийматсиз кўпик бўлган дунё сохта, ёлғончидир, аҳамиятсиз ва қадрсиздир. Унинг уст қисмини биз олтин билан сувадик. Мана шунинг учун ҳам инсонларни хотинлару ўғиллар, қоп-қоп олтинлару кумушлар, наслдор отлару сурув-сурув мол-қўйлар, экинлар ва бошқа нарсалар ўзига тортади».

Бойлик асли надир?

Бойлик – пўлат сандиқдаги минг ёки миллион доллардан тортиб, чўнтағимиздаги сўнгги юз сўмгача бўлган маблағ ўзимизники эмаслигини, бизга омонат эканини биламизми?

Дуоларимизда Аллоҳдан ҳамиша тани соғлик ва хотиржамлик тилаймиз. Ишларимизнинг ривожини сўраймиз... Бироқ «Менга бойлик бер!» деган илтижони эшитмаймиз. Эҳтимол бойлик илинжида муножот қилувчилар бордир. Лекин улар овоз чиқармай сўрасалар керак, яна Худо билади. Ажабки, бойлик сўраб илтижо қилмаймиз-у, лекин бутун вужудимиз билан бойликка интилаверамиз. Мулкдорларнинг баъзилари бойликларининг омонат эканини ҳам биладилар ва ундан ажраб қолишдан қўрқиб, саждага бош қўядилар. Демок-чиманки, саждага бош қўйишдан мурод Аллоҳ розилигини исташ эмас, балки бойликдан ажраш қўркуви. Энг олий бойлик саломатлик эканини ҳамма билади. Ҳатто яҳудийларнинг бир латифасини айтиб қулиб юрамиз: «Эй худойим, – дейишаркан улар, – Сен бизга саломатликни беравер, қолган нарсаларни сотиб олаверамиз». Саломатликни бойлик тўплаш учун сарфлаш керакми ё бойликни саломатликни асраш учун сарфлаш керакми? Ҳаётда иккала ҳолатни учратамиз. Баъзилар бойлик йўлида саломатлигини аямай қурбон қиладилар, бойлик тўплаш ишқида тиним билмайдилар. Бойликни тўплайдилару, бироқ муддаога етгунча бир касалликни ҳам орттириб оладилар ва... тўплаган бойликларини даволаниш учун сарфлай бошлайдилар.

Саҳобалар бойлик ҳақида гапиришганда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бойлик ёмонликлардан сақланадиган кишилар учун зарарсиздир. Мана шундай кишилар учун соғлик бойликдан ҳам яхшироқдир ва кўнгил шодлиги Аллоҳга шукр айтиш лозим бўлган неъматлардан биридир», дедилар. Яна дедиларки: «Кимки ўз оиласи бағрида тинч, тани соғ бўлиб тонг оттирса ва бисотида шу кунига етарли таоми бўлса, у одамга гўё бутун дунё зийнати берилган ҳисобланади».

Бу дунёнинг неъматлари камалакка ўхшаб оз умрли ва ўткинчи эканини ҳикмат аҳли кўп таъкидлаган. Яна дунё шўр сувга ўхшаб, ичганинг сайин ташналигинингни орттираверади. Бойлик заҳар аралаштирилган болга ҳам ўхшайди. У аввал ширин кўринади кейин эса ўлдиради. Дунё киши уйғонганидан кейин ачиниш ҳиссини уйғотадиган-ширин тушга ҳам ўхшайди. Бу дунёга берилган одамни ипак қуртига қиёслаш мумкин. У қанчалик кўп ипак ўраса, ўз қўл-оёғини шунчалик қаттиқ боғлаган ва нажот йўли шу қадар қийинлашган бўлади. Дунё мулкни илонга ҳам ўхшатадилар. Агар кимса мулкни янада кўпайти-

ришга тиришаверса, илонларни ҳам кўпайтирган бўлади. Илонлар уни кечасию кундузи чакаверади, чакаверади... Шу азобларда дунё дарди бидан банд бўлиб, оқибатда Яратганни унутади. Ҳа, айтдик: бойлик айб эмас, лекин молни бутун жону тани билан, яъни қалбдан севса, киши ҳақиқий бой бўлиб роҳатга етолмайди. Чунки бундай ҳолдаги моддий бойлик қалбни касаллантиради. Охиратни олиш учун дунё молини сотиш мумкин, дунё моли деб охиратни сотиш жоҳилликдир. Инсон дунёнинг бўм-бўшлигини билган қуни ибрат ва ҳикматга эришган бўлади. Зулматдан нурга чиқади.

Инсонларнинг бахтли яшашларига монелик қиладиган нарса – уларнинг мол тўплаш касалига мубтало бўлиб қолишларидир. Мол тўплашни инсон тоғиб кўриш, ҳидлаш, сезиш каби эҳтиёжларини қондириш учун қилади. Лекин бу сезгиларнинг ҳеч бири мақсадга етиш учун кифоя қилмайди. Инсонга мол-дунё насиб бўлса-да, у дунёда ҳам, охиратда ҳам зиёндан бошқа бир нарса келтирмайди. Бу эса туядан қочиб қутулмоқчи бўлган одамнинг ҳолига ўхшайди.

Бир одам кутурган туядан халос бўлмоқ учун жар устига эгилган икки шохга осилиб, жар ёқасига оёқ қўяди-ю оёғи остидаги индан тўрт илон бош чиқариб турганини кўради. Жарнинг тубига назар ташласа, у ерда бир аждаҳо оғзини катта очиб, унинг тушишини кутиб турибди. Юқорига қараса, оқ ва қора сичқон у осилиб турган шохларни тўхтовсиз кемирмоқда. Бу аҳволдан қутулиш йўлини ўйлаётган онда сал нарироқдаги асалари уясига кўзи тушади-ю, боши узра тўлланаётган бало булутини ҳам унутиб, бармоғини болга ботириб, ялай бошлайди. Асалнинг ширинлиги унинг бошини шу даражада айлантирадики, натижада, у ўзининг қандай аҳволдалигини унутади. Оёқларини тўрт илон боши устига қўйганлиги ва бу илонлар ҳар онда чақиб олишлари мумкинлиги, сичқонлар шохларни кемира-кемира синдиришгач, аждаҳо комига тушиши муқаррарлиги ҳаёлидан кўтарилади. Жаҳолат пардаси ақл нуруни тўсиб қўйгани туфайли оз фурсат ўтмай, жарга қулаб, ҳалок бўлади.

Ривоятдан англашиладиган маъно: даҳшатли ва чуқур жарлик – дунё. Қора ва оқ сичқон – кеча ва кундуз. Улар инсонлар умрини озайтириш, ҳалок этиш учун узлуксиз бир-бирини алмаштириб туради. Тўрт илон – борлиқнинг моҳиятини ташкил этган тўрт унсур: ҳаво, тупроқ, ўт, сув. Булардан биронтаси ўз мувозанатини йўқотса, инсон ўша заҳоти маҳв бўлиб кетади. Асал – азоби кўп, фойдаси кам бўлган, одамларни тўғри йўлдан оздириб, уларга нажот дарвозаларини беркитган фоний дунёдир. Аждаҳо – ҳеч ким қочиб қутула олмайдиган ўлимдир. Ажал шарбатини ичишга тўғри келганида, ажал фариштаси тепангга келиб турганида ўлимдан қутулиб бўлмайди. Пушаймонлик ҳам фойда бермайди. На тавбага вақт қолади, на дуо ўқимоққа мажол.

Низомий Ганжавий ҳазратларидан:

*Бир кун Яман шоҳин гўри устига борсам,
Қўл чўзди-ю тутди кафан, кўрсатиб карам.
Ва деди: «Бу саховатим айб айламагил,
Бу дунёда бундан бошқа йўқ бирор нарсам».*

Кимса олтин ва қумушни кўрмаса ҳеч гап эмас. Бироқ уларни кўргандан кейин жуда кўп нолойиқ ишларни қилиб юбориши мумкин, шуниси чатоқ!

Дунёда гўзал ва жозибали нарсалар ғоят кўп: уюм-уюм пуллар, турли русумли машиналар, тилла-жавҳар безаклар, қиз-жувонлар, фарзандлар... Булар ҳар бир кишининг истагида оз ёки кўп даражада мавжуд. Бироқ буларнинг барчаси ҳаёт учун аҳамиятли нарса эмас. Дунё ясанган келинчак каби. Шоир айт-

моқчи: «Фоний дунё хуштур, аммо оқибат мавт ўлмас». Ҳа, оқибат – бу дунёда ўлим бор. Ҳеч ким абадий қолмас. Яна ўлимдан сўнг ҳисоб-китоб бор. Оманно ва саддақно! Шак-шубҳасиз бор!

Ҳазрати шайх Утбат ул-Ғулом сайрда эканликларида бир хурни кўрдилар. Ул Хур: «Ё Утба! Мен сенга ошиқман, ҳеч қачон мени қўйиб, бошқа аёлни ис-тама. Токи мен сенга ҳаром бўлмайин», – деди. Бу хитобга жавобан ҳазрат бун-дай дедилар:

– Мен дунёни уч талоқ қўйдим! Киши уч талоқ билан қўйиб юборганини қандоқ олгай?!

Мазкур ҳикматга ҳазрат Навоий байтлари шарҳ вазифасини ўташи мумкин (мазмуни): **«Эй одам, асл ёр висолига етишмоқни истасанг, дунё келин-чагини талоқ қил»**, дейилмоқдан муддао: агар жаннатни истасанг, жаннатда Аллоҳ висолига етишмоқ ниятинг бўлса, у ҳолда бойликка кўнгил қўйма, ундан ажрал. Дунё молидан бенасиб қолиш баъзи одамларга фожиа бўлиб туюлади. Аслида эса жаннатни йўқотиш фожиадир. Охиратнинг маҳри – дунё молига кўнгил қўймаслик, уни тарк қилишдир.

Олмонларда «Пул бераман, десанг, шайтон ҳам рақсга тушади», деган ма-қол бор. Лев Толстой пулни қулликнинг бир кўриниши деб таърифлаган. Чин-дан ҳам ҳаёли ҳамиша пул билан банд бўлган одам пулнинг қули ҳисобланади. Одамзод орасидаги қулдорлик йўқолган, аммо пул қулдорлиги мавжуд ва у қиёматга қадар ҳам йўқолмайдиким, бу қулликдан ғоят эҳтиёт бўлмоқ жоиз. Қулдорлик замонларида сахий бойлар қулларига эрк берганлар. Бироқ пул қулдорлигида бундай марҳамат йўқ. Шу боис ҳам қадим файласуфи Софокл: «Пул – инсоният гарданидаги энг катта тавқи лаънатдир», деган. Ажаб! Ажаб! Биз ана шу тавқи лаънатни севамиз-а!! Кишини юксалтирадиган пули, манса-би эмас, балки иймони ва илмидир. Чунки пулни ишлата-ишлата адо қилади, иймон билан илм тугамайди. Пулни ўғирлатса, хонавайрон бўлади, иймони ва илмини эса ҳеч ким ўғирлай олмайди.

Бир сайёҳ саҳрода адашиб қолди. Ейишга таоми, ичишга суви қолмай, «Энди ўладиган бўлдим», деб тушқунликка берилган пайтда кўзига узокдаги хум кўринди. Умид унга куч бериб югурди. Шунчалар югурдики, жони ҳалқу-мига келиб қолди. Бироқ етиб бориб қарасаки, хум сувга эмас, олтинга тўла экан! Буни кўриб шунчалар изтиробга тушдики...

Ҳаётда шундай бойлик топиб олишни орзу қилиб яшайдиганлар топилади. Лекин инсонни хушнуд қиладиган нарса олтину жавоҳир эмаслигини ҳамма ҳам ўйлаб кўрмайди. Бойлик, кам-кўп миқдоридан қатъи назар, ҳаёт кечириш учун бир восита, холос-ку? Агар одам саҳродаги адашган сайёҳ ҳолига тушса бир пиёла сув учун бир қоп олтини бўлса-да, бериб юбормайдими? Инсонни бир қоп олтин эмас, томоғидан ўтган бир қултум сув ва бир тишлам нон севин-тиради.

Қадим замонларда турли мамлакатларда бадавлат одам вафот этганида бойлигидан бир қисмини ҳам қўшиб қўмганлар. Лекин лаҳад қуртлари бу тил-ла ва жавҳарларга тегмаганлар, балки ҳаётлик пайтида бойликка тўймаган шу бойлик эгасининг кўзларини еганлар. Подшоҳнинг тантилиги тутиб бир одам-га: «Тила, тилагингни», деганда у одам бир косача узатиб: «Шуни тиллага тўл-дириб беринг», деб сўради. Подшоҳ озгинагина нарса сўраганидан уни нодон фаҳмлаб қулди. Косача ўн-ўн беш тилла танга билан тўлади, деб ўйлади. Аммо мўъжиза юз бериб, хазинадаги барча олтину жавоҳир солинса-да, косача тўл-мади. Охири подшоҳнинг ҳеч нарсаси қолмагач, мўъжизанинг сирини сўради.

«Бунда ҳеч мўъжиза йўқ», деди у одам ва косачанинг тубидаги кўзнинг суратини кўрсатди. Кейин шу кўз устига ярим сиқим тупроқ ташлаган эди, косача ўн танга билан тўлди. Қиссадан ҳисса шуки, бойликка тўймаган кўзни тупроқ тўлдиради. Шундай экан, азиз ёшларимиз ҳаётлари давомида пул бойлигига эмас, ақл ва илм бойлигига интилиб яшашса, саодат чўққисига етишадилар.

* * *

Бир донишманд насиҳат китобида бундай ёзган экан:

“Эй одам! Сен ҳеч қачон улуғлик кетидан қувма! Улуғликни излаш, барчадан устун бўлишни хоҳлаш чин инсон хислати эмас. Кийиниш ва ясан-тусан билан ўзингни кўрсатишга уринма. Чунки бундай қилиш ясама обрў талаб қилишдир. Ўтаётган умрингдан беҳабар бўлма, уни ўқиш ва ўрганишга сарф қил! Бахтиёрлик ва саодатлик асосини қўлга киритишга урин! Билгинки, ҳаёт доимо зийрак бўлиб киши ўзидан огоҳ бўлиши учундир. Уни ейиш ва ичиш, ухлаш учун деб ўйлама!”

Киши қилган яхшилиги туфайли гуноҳ орттириши мумкинми? Яхшилиги учун жамоат ундан юз ўгириши мумкинми?

Ғалати, ҳатто бемаънироқ савол-а?

Албатта, яхшилик туфайли гуноҳ орттирмайди, балки кейинроқ, шу яхшилиги туфайли мақтала бошланганида шуҳратга берилиб, ғурур отига минганида гуноҳ кулбаси эшигини очади. Ана шунда жамоа ундан юз ўгиради.

Дунёнинг ишлари шунақа ажабтовур: кишини яхшилиги учун мақтаб, кўкларга кўтарадиган, кибр балосига гирифтор қиладиган ҳам жамоа, шу хасталиги учун ундан юз ўгирадиган ҳам шу жамоанинг ўзи.

Ҳа, қилинган ҳар қандай яхшилик ортидан шуҳрат келади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом умматларини “шуҳрат – офатдир”, деб огоҳлантирганлар.

Шуҳратнинг офатга олиб бормаслиги учун киши иймони ғоят мустаҳкам бўлиши керак. Чунки кўп ҳолларда шуҳратли киши шайтонга тобе бўлиб қолганини ўзи ҳам сезмайди. Атрофидагиларнинг мақтовини, ихлосини бора-бора талаб даражасига етказилади. Яъни “Ҳамма мени мақташи шарт, барча менгагина ихлос қилишга мажбур”, деб ўзини ўзи ишонтира бошлайди. Камчилигини айтганни – хусуматчи, танқид қилганни – душман деб ҳисоблайди. Билмайдики, шуҳрат маънавий мукофотдир. Бу мукофотга ҳамиша лойиқ бўлиши шартдир. Яхши номга эга бўлиш учун бир-икки яхши иши кифоя эмас, яхши хулқларнинг барчасини эгаллаши керак. Одамлар орасида “шуҳратпарастлик” деган иллат бор. Бундайлар шуҳрат учун югураётиб йиқиладилар. Йиқила-йиқила бир амаллаб ниятларига етганлари эса шуҳрат йўлида маънавиятларини ўлдирадилар.

Бошқалардан эшитган мақтовлар туфайли шуҳрат шохсупасига ўтириб олувчиларни тарбиялаш мумкин. Аммо, ўзлари тўқиган ёлғонларга асосланиб шуҳрат даъво қилувчиларни-чи? “Аҳмоқ ўзини мақтар”, деган мақол бекорга тўқилмагандир. Аҳмоқнинг давоси эса ўзингизга маълум. Бир масал бор:

Тулки билан маймун ҳамроҳ эдилар. Йўлда бир-бирларига мақтаниб бораверишди. Тулки ўзини ғоятда кибор оилага мансублигини ва ҳайвонлар ичида энг олийнасаб ҳисобланишини айтди. Буни эшитган маймун: “Биродар, менинг қанчалик олийнасаб эканлигимни фақат Аллоҳ таоло ва ўзим биламан”, деди. Шу орада қабристонга яқинлашдилар. Маймун чаққонлик билан сакраб, дабдаба билан безатилган бир қабртош ёнига ўтди-ю, ҳўнграб йиғлай бошлади. Тулки: “Нега йиғлаяпсан?” деб ажабланди. “Мен йиғламай ким йиғласин? – деди

маймун.– Шу қабрда ётган киши отамнинг саройидаги энг содиқ хизматкор эди”. Бу гапни эшитган тулки кулди: “Эй оғайни! Оғзингга сиққанича ёлғонни тўқийвер. Бу ердагиларнинг биронтаси туриб, ёлғонингни ошкор қилолмайди, шундайми?”

Қиссадан ҳисса шуки, бу дунёда маймун билан тулки сингари ўзларини макташ билан шухрат топишга интилувчи қанчадан-қанча ёлғончилар бор. Ҳақиқий инсон аввало мактанишга, қолаверса ёлғон шухратга эҳтиёж сезмайди. Чунки олтинни кўрган киши унинг олтин эканини дарҳол билади. Фақат, мис бўла туриб, олтиндай кўринишни хоҳлаганлар маймун билан тулки каби мактанчоқлик қиладилар.

Бир ҳамёнда олтин, кумуш ва мис тангалар бор эди. Улар доимо шовқин қилишиб: “Олтин нима бўлибдики, исми жуда машҳурдир? Ҳақиқатда эса биз ундан аълороқмиз”, деб, ўзларини олтиндан устун қўйишарди. Олтин эса уларга жавоб бермасдан, сукут сақларди. Кумуш тангалар бу ҳолга чидай олмай олтинга: “Мактанчоқ мис тангаларга муносиб жавоб берсангиз-чи!” дейишди. Шунда олтин деди: “Эй дўстлар, ғамгин бўлманг, эртага соҳибимиз бозорда ҳамёнини очганда ҳар кимнинг кадр-қиймати намоён бўлади”. Бу қиссадан маъно шуки, ўз қадрини билмаганлар ўзларини мактаб тасалли топадилар. Ўзига ишончи бўлганлар эса сукут сақлайдилар. Уларнинг бу сукутлари кадр-қийматларига бўлган ишонч туфайлидир. Мис бўлганлар эса сарроф бўлмаганларнинг ёнида ўзларининг олтиндан юқори эканликларини айтиб мактаниб юрадилар.

Олтинни таҳқирлаш учун ахлатга ташласалар-да, унинг қиймати асло пасаймайди, олтин олтинлигича қолаверади. Чанг осмонга чиқса ҳам, унинг қиймати ҳеч қачон ошмайди. У чанглигича қолаверади. Кибрланиб мактанишдан лаззатланганлар шароб ичган сархуш каби ўзларини махв этадилар.

Шухратпарастлик – кишининг ўзи лойиқ бўлмаган шон-шухратга бевақт уринишидан бошқа нарса эмас. Бу кунларимизда шухратпарастликнинг турли кўринишларига дуч келямиз. Шулардан бири: ёш санъаткорлар ҳаётида учраятти. Сахнага бир-икки чиқиб олқиш олган, айниқса беш-ўн тўйга бориб, чўнтаги пулга тўла бошлаган санъаткор дарров “юлдуз”га айланиб қоляпти. Албатта, унинг ўзи “Мен – юлдузман!” деб ҳайқириб майдонга чиқмайди. Уни атрофидагилари, хусусан, мухбирлар мактаб кўкларга кўтара бошлайдилар. “Юлдуз” деган “унвонни” ҳам улар берадилар. Ёш санъаткор эса бу мактовларга ишонади, ўзини шу шухрат шохсупасига лойиқ деб ҳисоблай бошлайди. Аслида бу уларнинг шухрати эмас, фожиаларининг бошланишидир. Дастлаб пули кўплигидан, олқишларнинг мўллигидан гердая бошлайди. Ҳаёт – бешафқат. Шухратни беришга беради-ю, ширин туюлган бу дамлар умрини узоқ қилмайди. Санъатдаги ва спортдаги омад, дабдаба тез ўтиб кетади. Олқишлар камайиб, ўзига бўлган эътиборнинг сусая бошлаганини сезган санъаткор ёки спортчи энди атрофидагилардан ранжийди, ҳатто нафратланади. Тагидаги хориж маркаи, сароймонанд уйи ҳам кўнглига таскин бера олмайди. Шухратпарастлик хасталиги уни шундай азобга мубтало қилиб қўяди. Афсус шундаки, ёшлар бу оддий ҳақиқатни англашни, бу хасталикдан сақланишни ишташмайди.

Ақлли одамлар бошларига шухрат тожи кийдириლაётганини сезсалар эҳтиёт чораларини кўра бошлайдилар. Комиллик йўлида юқорилаб бормоқлик учун шухрат аталмиш кўчалардан нари бўлиш шарт. Тоғ йўлида чорраҳалар кўп бўлади. Ҳар бир чорраҳада шухрат саройи жилваланиб кўринади, ўзига тортади. Юқорига эмас, ўнг ёки чапда кўринган ўша шухрат саройига кирилса,

тамом, киши комиллик йўлидан узилади. Бу саройнинг ёқимли ва роҳатбахш тўшақларидан, дастурхонидан қутулиб чиқиб яна юқорилаш қийин, жуда қийин!

Таниқли одам билан шуҳратли одам бир хил эмас. Айримлар қайси бир иши билан элга танилгач, шуҳратга эришдим, деб ўйлайди. Таниқли бўлишнинг, шуҳратга эришишнинг одамга фойдаси борми? Таниқли одамни кўча-кўйда танийдилар, “ана, фалончи!” деб бир-бирларига кўрсатадилар. Қизикувчи ёшлар келиб, дастхат оладилар. Мана шу нарса таниқли кишига завқ бағишлайди. Вақт ўтиб, бу эътибордан қолгач, руҳан эзила бошлайди.

Шуҳрат юки оғир бўлади. Кўпчилик кўтара олмайди. Кўтара олмаслигининг сабаби – ҳаётининг кучини шуҳратни қўлга киритиш учун сарфлаб адо қилиб қўяди. Бозордан сотиб олинган қўй қўлдан чиқиб, қочиб кетса, янги эгаси қувлайди. Қўйни ушлашга-ушлайди-ю, аммо югура-югура ҳолдан тояди, шу қўйни сотиб олганига пушаймон ейди. Киши шуҳратни қуваётганида шуҳрат шайтони унинг гарданига ўтириб олган бўлади. Агар ақлли киши **шуҳратни қувмаса**, балки яхши фазилатлари, зеҳни, идроки туфайли **шуҳратнинг ўзи келса**, шайтон миниш у ёқда турсин, ҳатто унга яқинлаша ололмайди. Нар иборса, яқинроғида пайт пойлаб яшайди. Камтар одам бунга ҳам йўл бермайди. Камтарга насиб этган шуҳрат унинг фазилатини янада гўзаллаштиради. Шуҳрат бундай одам ортидан худди соя каби эргашиб юради. Агар шуҳрат олдинга ўтиб олса-ю кимса уни қувлашга тушса, оқибатда ё бузуқлик ботқоғига ботади, ё кибр тўрига ўралиб бўғилади. Шу кимсани кеча эъзозлаган жамоа бугун лаънатлайди. У қувиб етган, эга бўлдим, деган шуҳрат ўзидан аввалроқ ўлади. Шуҳратга бўйин бермаган, унинг жилваларига маҳлиё бўлмаган кишилар эса эл наздида табаррук инсон мартабасига кўтариладилар. Оқибат шундай бўладики, бу одамнинг ўзи вафот этади, шуҳрат эса яшаб қолаверади. “Яхши ном олиб ўлган киши ёмон ном олиб тирик юрган кишидан афзалдир. Улуғликка эришиш ғоят қийин, бироқ пасткашликка тушиш жуда осондир”, дейдилар.

Дунёда ҳамма нарса сўнади. Бугун кўзни қувонтириб турган юлдузлар, ҳатто вақти етганда куёш ҳам сўнади. Шуҳрат сўнмасинми? Шундай экан, шуҳратга маҳлиё бўлганларнинг керилишларига, кеккайишларига нима деймиз? Сўнган юлдуз эҳтимол фазода парча-парча бўлиб йўқ бўлиб кетар. Шуҳрати сўнган кибр эгасининг ҳоли не экан? Охирати не экан? Аслини олганда, бутун дунёдаги шону шуҳратни тўпласангиз, биттагина буғдой бошоғи каби қадрли эмас. Буғдойнинг нафи бор, бироқ шону шуҳратнинг ҳатто ўз эгасига ҳам фойдаси йўқ. Эҳтимол, топган шуҳратидан фойдаланиб, турмушини бир оз яхшилаб олар ёки зиёфатларда тўрда талтайиб ўтирар, лекин фикримга қўшилини, куёвтўра, бу ҳам ўткинчи, вақтинчалик кераксиз бир дабдаба!

Ўзидан яхши ном қолдириш билан шуҳрат топишга интилиш бошқа-бошқа нарса. Буларнинг биринчиси фазилат, иккинчиси эса иллатдир. Донишмандлар яхши ном қолдиришни алоҳида бир умр, деганлар. Нафас олувчи тирик жон борки, охир-оқибат ўлади. Одамнинг бири озроқ, иккинчиси кўпроқ яшайди. Сўнг барибир вафот этади. Лекин подшоҳнинг ҳам, оддий одамнинг ҳам вафотидан қоладиган нарсаси – номи бор. Ҳазрат Алишер Навоий таъбирлари билан айтганда, бу дунёни гулшанга қиёс қилсак, бу гулшанда тирик қолувчи гул йўқ – ҳаммаси қурийди, чирийди. Ҳамонки, одам ҳам мангу яшамас экан, ундан яхши номнинг қолиши буюк ва ажойиб бир саодатдир.

Бировлар зеҳни, ҳаракати, қилган яхшилиги туфайли яхши номга эришади. Айримлар эса отасининг ёки онасининг ёки яқин қариндошининг шуҳрати соя-

сида яшашни маъқул кўради. Ўзи ҳеч нима қилмайди, бироқ ўзгалар шуҳрати имтиёзларидан фойдаланади. Бундайлар шуҳратпарстлардан ҳам баттардилар. Шараф наслу насаб билан эмас, фазлу адаб билан топилади. Ҳазрат Сўфий Оллоҳёр дедиларки:

Агар қилсанг сафар дорул ҳаёта,
Хўб ота бор, дема, тармаш хўб ота.

(Сен охираат уйига сафар қилмоқ қасдида бўлсанг, яхши отам бор, дема. Ва мен унинг наслиданман, деб алданмагил. Яхши ота ва онага алданмоқ аҳмоқликдир. Аммо яхши ном орттиришга интил.)

Пайғамбаримиз алайҳиссалом қизлари Фотима онамизни “Сенга қиёматда алоҳида имтиёз берилмайди”, деган маънода огоҳлантириб, яхши амалларга даъват қилганларини унутмаслигимиз керак. Ажабки, узоқ йиллардан бери одамлар ажодларининг шуҳратидан фойдаланишга уринадилар, жамиятда ўзлари учун алоҳида имтиёзлар талаб қиладилар. “Биз эшонзодамиз!” дейишади бирлари, “Биз пайғамбар авлодиданмиз!” дейишади бошқалари. Яна баъзилар “шоҳ” ёки “мир” (асли амир) авлодидан эканини даъво қилади. Ибботи учун шажараларини кўрсатишади. Албатта, ажодлари ким эканини билиш, улар билан фахрланиш яхши фазилат. Лекин жамиятда алоҳида имтиёз даъво қилиш бемаънилик. Ажодлар билан фахрланишнинг ўзи етарли эмас. Кимнинг ажодида улуғлар ўтган бўлса, демак, унинг ўзи ҳам улар каби бўлишга интилиши шарт. Кимнингдир бобоси машҳур ҳофиз қуръон бўлган бўлса-ю, ўзи бир-икки кичик сурани ёд олишдан нарига ўтмаса, фахрланишида маъно борми? Бир киши менга шажара битилган ҳужжатни кўрсатиб, “Мен пайғамбар авлодиданман”, деди. Оғзидан ароқ ҳиди анқиб турган бу “авлод”га нима дейиш мумкин?!

Кўп одамлар ёшлик кезлари адашадилар: шуҳрат ва бойликка эришишнинг энг осон ва тўғри йўли деб мансабга интилишни танлайдилар. Тўғри, катта-ми ё кичикми, қатъи назар, ҳар қандай мансабда турли имтиёзлар бор. Лекин бу имтиёзлар, мансаб туфайли эришиладиган шуҳрат ёки бойлик – ҳаммаси ўткинчи. Киши мансабдан тушиши билан шуҳратдан айрилади, дўстларнинг кўпи уни “унутади”, тўплаган бойлиги ҳам бир кунмас, бир кун тугайди. Шу боис донишмандлар мансабга интилишдан қайтарганлар. Шу ўринда аниқлик киритиб олайлик: аҳли дониш мансабдан эмас, мансабга берилишдан, маҳлиё бўлишдан, мансаби туфайли керилишдан ёки ҳаромга берилиб кетишдан қайтарганлар. Аниқки, жамият мансабсиз яшай олмайди. Катта-кичикми мансаб ўринларини кимдир эгаллаши шарт. Агар барча мансабдан қайтарилса, жамиятни ким бошқаради? Мансаб бор экан, мансабдор ҳам бўлади. Ҳар бир одам сингари сиз ҳам, ардоқли куёвтура, мансабдор бўлишни орзу қилишингиз, ҳатто интилишингиз мумкин. Лекин мансабдорликни ҳамма ҳам эплайвермайди, гап мана шунда! Мансаб шунчаки ҳавас эмас, масъулият эканини англаган кишининг лойиқ ёки лойиқ эмаслиги масаласи гоят муҳим. Киши шу хислатига қараб масъулият юкини кўтара олади. Муаммоларни адолатли ҳал этиши ҳам шунга боғлиқ.

Бугун катта мансабларни эгаллаш орзусида юрган ёшларимизга яна бир-икки ҳаёт ҳақиқатини эслатиб қўйсам: аввали шуки, ҳамонки осмонга учини ният қилаётган экансиз, қўниш машаққатини ҳам унутманг. Оғир тош ердан

минг азоб билан кўтариб олинади. Уни ташлаб юбориш эса жуда осон. Ўсиб, мартабага эришиш худди тош кўтаришга ўхшайди. Мартабадан тушиш эса тошни ташлаб юборишдек бир ҳолдир.

* * *

Камтарлик – кишига зебу зийнатдир. Кимки соддаликда, ўзини тутта билишда, кишиларга ҳурмат ва иззат кўрсатишда, покизалик ва қаноат бобида юксак ахлоқийлик кўрсатса, у одам камтариндир. Бундай фазилатли кишиларга ҳамма эргашади ва тавозе қилади. Мартабаси баланд бўлишини тилаганнинг йўли бир – камтаринликдир. Барчани ўз ҳимматидан баҳраманд эта олиши шарт. Билсинки, уруғ олдин тупроққа аралашиб, сўнг осмонга бўй чўзади.

Шайх Муслиҳиддин Саъдий насиҳат қилдилар:

– Сенга улуғлик керак бўлса, тавозени ихтиёр қил. Улуғлик томининг нарвони бундан бошқа нарса эмасдир. Тавозе сенинг мақом ва мартабангни оширади. Такаббурлик эса хорликка туширади. Мутакаббир ва мағрур бўлган киши бир кун фалокат ва ҳалокатга учрайди. Сенга мартаба, мансаб, иззат ва шараф керак бўлса, бошқаларни камситма, уларга ҳақорат кўзи билан қарама. Ким билан суҳбатдош бўлсанг, очиқ юзли, мулойим ва ширин сўзли бўл. Хулқ-атвори, феъли ёмон бўлган киши бахт-саодатга эришмайди, боши қайғу-аламдан чиқмайди.

Ҳикоят: Кунлардан бир кун денгиз остида бир қора тош гавҳар билан мунозара қилишга киришди ва мақтаниб деди:

– Денгиз мен билан ҳаёт, Ўзим чиройлиман, қора қошга ўхшайман. Гўзаллар ёноғидаги хол ҳам мен каби қора. Кўзларнинг қорачиғи эса рангим каби сара, ҳинд паризодларига кўз қисаман, яшил либосларига қора нуқта бўламан. Сен эса оқ ранглисан, менинг олдимда рангинг бир пулдир!

Шу пайт уларнинг олдида сузиб келган балиқ тошнинг барча даъволарини эшитди, унинг гавҳарга юраги эзилди, ҳасрат тиканига оёғи қадалиб деди:

– Эй гавҳар, шунчалик қадр қийматинг бўла туриб, нега тошга жавоб айтмайсан, уни лол қилмайсан?

Гавҳар деди:

– Эй балиқ, қўявер, ҳакимлар сўзини эшитмаганмисан, улар бундай дейишади:

*Бор эканки қуёш нури оламда,
Қуёшга мақтовдир, у нур ҳар дамда.
Кимки ёмон деса қуёшни агар,
Ўзи ўзи учун ёмонлик тилар.*

Агар бу қора юзли худбинлик лофини урса ҳам, уни ҳеч ким қадрламайди, мен гарчи мақтанмасам ҳам, барча менинг яхшилигимни билади. Нуқта агар қуёшга доғ бўламан, деса ўзини саргардон қилади, қатра агар дарёга тенг келаман деса, бу унинг нодонлигидандир. Бир улуғ кишидан: “Одам қачон ёмон бўла бошлайди?” деб сўрадилар. У: “Ўзини яхши деб тасаввур қила бошлаганда”, деб жавоб берди.

Шу пайт тепадан гавҳар қидирувчи ғаввос тушиб қолди. Гавҳар билан тошни олиб, юқорига кўтарилди. Оқ-қорани яхши ажрата олувчи саррофлар дурдона гавҳарни эҳтиётлаб ўраб қўйдилар, тошни эса ерга урдилар. Шунда гавҳар тошга деди:

– Эй тош, қани боягина ураётган лоф-қофинг?

– Гавҳари пок билан ифлос хок қачон тенг бўлсин! – деди тош афсус билан.

Биз тилимизда “камтарлик” сўзини кўпроқ ишлатамиз. Қадим адабиёти-мизда бу фазилат “тавозуъ” шаклида қўлланилган (*Ҳозирги қоидага кўра “тавозе” деб ёзилади*). Тавозуъ – ўзни паст тутиш, хоксорлик, демак. Шижоатга хос хислатлардан бўлиб, ўзгаларга, айниқса, мартаба ва фазилатда ўзидан қуйи бўлганларга нисбатан ўзини улуғ деб ҳисобламасликдир.

Муомалада ўзни кичик олиш бўлган тавозуъ–камтаринликнинг зидди “такаббур”дир. Бу ўзни катта олиш, ўзни улуғ ҳисоблашдир. Тавозуъли кишини “мутаовизъ”, такаббурни эса “мутакаббир” дейдилар. Жонли тилимизда бугун кўпроқ “такаббур” қўлланилади. Ҳолбуки, бу икки атамада озгина фарқ бор. “Такаббур” – ўзни катта **тушуниш**, “мутакаббир” эса ўзини **катта туғувчи киши** маъносида. Масалан, “такаббур” – ёмон иллат, “мутакаббир” – ёмон одам. Тавозуънинг офати айнан шу – кибр. Инсон тавозуъдан узоқлашгани сари шу офат уни ўз бағрига чорлайди. “Модомики, банда “анави кишининг ахлоқи меникидан ёмонроқ”, деган гумонда бўлар экан, у мутакаббирдир”, дейдилар.

Сой қирғоғида тик ўсаётган қамиш олтин буғдойзорга қараб, гап қотди:

– Ҳой бошоқ, ўзинг тилладек ялтироқсан-у, нега ҳамиша бош эгиб турасан?
– Хизматдаман, – деди олтин бошоқ. – Бошимда эл ризқи бор.

Одамлар келиб, бошоқдаги буғдойдан нон ёпиб, қўзларига суртдилар. Қақ-қайган қамишни эса кесиб, янчиб, оёқ остига бўйра ясадилар.

*Димоғингни кўтарма, бўлмайин десанг оёқости,
Қамиш кеккайгани учун бўйра бўлди-ю, ҳамма босди...*

Кимки ўз нафсини бирор қийматга эга, деб ҳисоблар экан, демак, у тавозуъдан бенаибдир. Барча тавозуъли бўлса, нақадар яхши! Агар бой тавозуъли бўлса янада аъло! Барча мутакаббир бўлса, нақадар ёмон. Агар қашшоқ кибр қилса, ундан ҳам ёмон...

*Улуғлик айлама зинҳор, ўзингни камтар тут,
Кимдаки бўлса бу хислат, ажаб саодатдир.*

Дунёвий бойлик ёки билимга алданиб, бошқа фақир ва авом инсонларни менсимасликдай нодонларча хатти-ҳаракат одабийликда йўқ. Кимдир бой, яна кимдир фақир, биров олим, бошқа биров эса жоҳил қилиб яралган. Ҳаётда барчаларининг алоҳида-алоҳида ўз хизматлари бор. Дунёга бир қарасак: кўп қисми сув, оз қисми куруқлик; бир қисми тоғу тош, бир қисми жарлик, чуқурлик, ўпқон; бошқа бир қисми эса тақир чўл – ҳеч нима битмайди, кўкармайди. Ернинг ости эса алоҳида олам. Баъзи ерида кўмир, баъзи ерида газ, баъзисида олтин, платина, кумуш ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси бир хил нарса бўлганида қандай ҳол юз берарди?

Камтарлик билан умр кечириш ҳаётнинг энг гўзал ва тўғри йўлидир. Бу йўл инсонни самимий, ҳақиқатгўй, номусли ва матонатли бўлишга олиб боради. Ҳар ишнинг ўз натижаси мавжуд: мулойимлик – улуғ мартаба, қаноат – роҳат бахш этгани каби, тавозе кишига эъзоз келтиради. Яхшилик ва камтарлик – шу икки фазилатдан киши ҳеч чарчамаслиги керак. Камтарликдан лаззат ололган киши ҳақиқий камтардир. Шу оддий ҳақиқатни англай олган ёшлар саодатли оила қура оладилар. Агар одам ташқаридагилар учун камтарин бўлиб кўри-нишга интилса, адашади. Камтаринлик ўз уйида бошланади. Такаббур одамнинг уйида ҳаловат бўлмайди.

* * *

Қўлга кирган муваффақиятдан ғурурланиб кетиб, кўз тиниши май кайфидан қўрқинчлироқдир. Чунки ароқ кайфи бир ухлаб турилса, тарқайди. Кайфдаги айби учун одам изза чекади. Мағрурлик кайфининг тарқаши эса қийин. У оқибат бошга бало ёғдириши мумкин.

Ўзининг насл-насаби билан мақтаниб, кеккайиб юрган мутакаббир бир киши адиблардан Ахнаф ибн Қайсга дедики: “Сенинг насл-насабинг улуг бўлмаса, юзинг чиройли бўлмаса ҳам юқори даражадаги ҳурмат ва эътиборга эгасан. Бунинг сабаби нима?” Унга жавобан адиб деди:

– Менинг кадр-қимматим ва шарофатимга сабабчи бўлган нарса сендаги ярамас ахлоқинг мен йўқлигидир. Сенинг ахлоқинг қандай экани менга сўзлаган сўзларингдан маълум бўлиб турибди.

Якан деган ўсимлик бўлади. Нима учундир санъаткорлар, аниқроғи, тўйма-тўй юрувчи “отарчилар” пулни «якан» дейишади. Аслида эса якан – қамишзорда ўсувчи ўсимлик. Яканни ўриб олиб, қурииб узум осадилар ёки сават қалпоқ тўқийдилар. Маълумки, қамиш узун, якан эса, аксинча, пастак ўсимлик. Шундай бўлибдики, бир куни якан қамишга қараб:

– Ў, биродар, ҳадеб ғўдаяверма, салгина эгил. Аллоҳ таолонинг қуёши нуридан биз ҳам баҳраманд бўлайлик, – дебди.

Қамиш унга қарагиси ҳам келмабди, жавоб ҳам бермай бурнини жийириб қўя қолибди. Вақти-соати келиб аввал қамишни, сўнг яканни ўрибдилар. Тасодифни қарангки, ўша қамишдан ясалган бўйрани бир уйга тўшабдилар. Тасодифни қарангки, шу уй тўсинларига узумларни осибдилар, якандан тўқилган сават қалпоқларни эса девордаги қозиқларга илибдилар. Орадан кунлар ўтаверибди. Қамиш пастда, оёқ остида, якан эса тепада экан. Оёқости бўлавери-риб хорланган қамиш охири яканга қараб зорланибди:

– Мени ўриб олиб қурибдилар, тепкилаб, қовурғаларимни синдирдилар, сўнг сувга бўқдилар. Сўнг, қайириб, букиб мана шу бўйра ҳолига келтирдилар. Энди эса тинимсиз, ҳар куни тепкилайдилар. Бу ҳам етмагандай сал қайириб, остимга носларини тупурадилар.

Бу зорланишни эшитиб якан дебдиким:

– Сиз бекорга ғўдайдингиз, ғўдайиб ўсавердингиз. Ичингиз ғовак эканини эса унутдингиз. Ғовак бўлганингиз учун ҳам тепкилашдан бўлак нарсага ярамдингиз. Ҳали ҳам кеч эмас, сиз ўсган ерда илдизингиз қолган. Сиз ўсажак қамишларга етказинг, сизнинг ҳолингизга тушмасинлар.

Қамишни баъзан томга ҳам тўшайдилар. Лекин барибир унинг башарасига лой чапланади...

Юзаки қаралса, такаббурлик иллатининг нима эканини англаб олиш осондек туюлади. Такаббур – камтарнинг зидди, вассалом! Инсон учун энг зўр фазилат ўз даражасини билишдир. Бу фазилат кишининг илми, зийраклиги каби ақлий қуввати ва жисмоний қуввати, жамиятда тутган ўрни, обрўи, хуллас, барча сифат ва фазилатларини кўзгу каби кўрсатиб туради.

Ќурур ва такаббурлик ўз даражасини билишнинг зиддидир. Ўз даражасини билувчи кишининг феъл-атвори билан мағрур ва мутакаббир кишининг феъл-атворини таққослаб кўрсак, биринчи кишининг фазилати барқ уриб туради. Иккинчиси, яъни ўз даражасини билмаган мағрур ва мутакаббир киши тоқатидан ортиқ юришга ҳаракат қилиб, йўлда қолиб кетади. Биринчиси билиб, англаган, йўл юргани учун мақсадига эришади. Иккинчиси юрган йўлини билмай кўр-кўрона ҳаракат қилгани сабабли мақсадига, орзусига етмайди.

Бир куни дарахт билан унинг сояси ўртасида баҳс бошланди. Дарахт сояси-га деди:

– Эй қора юзли соя, жигар-бағри садпора, сен менинг борлигим учун борсан, мен туфайли барҳаётсан. Шундай экан, такаббурлик қилишинг ва керилишинг нимаси?

Соя деди:

– Эй лақма, бемаъни сўзларни айтишдан бир дам тийил, ҳушингни йиғ ва мендан юз ўгира кўрма. Ҳовлиқиб, бўйнингни чўзмагинки, уни узиб олмасинлар. Мен доимо хоксор бўлиб ерга ястанганим учун, кун тигидан одамларни озод қилиб, роҳат бағишлаганим учун обрўим баланд. Катта ҳам, кичик ҳам менинг инсонпарварлигимдан баҳраманд бўлади. Беқарорлигингдан гоҳ яланғоч бўлиб оласан, гоҳ яшил либос билан ўзингни безайсан.

Бу гаплар дарахтга малол келиб бундай деди:

– Эй соя, ҳаддингдан ошма, паст ҳиммат кишилар каби лоф-қоф урма. Эшитмаганмисан, кўршапалак офтоб билан ўчакишса, ўзини ҳалок қилади. Шиша тош билан тўқнашса, ўзини синдиради.

Бу баҳсни эшитиб турган булбул сояга хитоб қилди:

– Эй соя, эй туз ҳақини билмаган ношукр, бу бемаъни сўзларни кўнглинг ойнасидан юлиб ташла, кимки ўз пойига болта урса, ўзи қулайди. Сенинг ҳаётинг дарахтга боғлиқ...

“Пасткаш мақтангани билан буюк бўлолмас, эчки югургани билан кийик бўлолмас... Такаббурлик – шайтон иши ва манманлик – нодон иши. Такаббур одам – барчага ёқимсиз”, деб ёзганлар ҳазрати Навоий.

Мабодо ғуррае тушса кўнгулга,
У ғурра бошласа офатли йўлга.

Ҳазрат Сўфий Оллоҳёр демоқчиларки, мабодо кимсанинг кўнглига ғурурлик тушса, бу ғурур кимсани фитнали йўлга бошлар. У бу йўлда ҳалок бўлиб, такаббурлар гуруҳидан бўлиб, ўқинчда қолур.

Муяссар бўлса тилладан санга тахт,
Ўзингдин пастга зинҳор айлама сахт.

(Ҳақ таолонинг марҳамати туфайли сенга енгиллик билан тожу тахт муяссар бўлса, зинҳор-базинҳор ўзингдан паст мартабали кишига қаттиқ сўз дема. Кўнглин ранжитма.)

Агар берса жаҳон султонлиғи даст,
Киши ўз ҳолини билмак керак паст.

(Агар дунё халқи барчаси сени подшоҳ деб байзат берсалар-да, сен ўзингни тубан мартабада билмоғинг керак. Зероки, мартаба ва шоҳликка ғурур қилмоқ аҳмоқликдир.)

Агар рутбанг эрур аълоий офоқ,
Йиқилган хасталарнинг ҳолига боқ.

(Агар сенинг мартабанг осмондан баланд бўлса-да, мартабангга алданмагин. Атрофга қараб, хасталикка чалингаларнинг аҳволига боқиб ибрат олгин. Мен ҳам бир кун шу хасталар кунига тушиб забун бўлурман, дея фикр қил.)

Бу рифъат бирла кўкни кўр ҳамиша,
Юзидур ер сари, э яхши пеша.

Байтнинг яширин маъносига диққат қилинг: *кўриб турибсан-ку, осмон нақадар юксак бўлишига қарамай, юзини тубан қилиб тавозе билан ер томон қара-тиб турибди. Шундай экан, сен ҳам гердайиш ўрнига тавозелик қилгин.*

Кел э оқил, буюрсанг ақлинг ишга,
Ўзингдин кетмагил доно демишга.

Энди бу маънога эътиборни қаратайлик: *э оқил инсон, сен бутун ақлингни тоату ибодат қилишга қаратган бўлсанг-да, ўзингни ўзинг олимман, деб такаб-бурлик қилма.*

Агар боло чиқиб кетсанг ўзингдин,
Йиқилғайсен тойиб ерга юзингдин.
Ўзин боло тутиб кибр айламасдан,
На чобуклар йиқилдилар оёқдин.

Бу ибратни ўзимизга шиор қилиб олсак: *такаббурлик қилиб, юқори чиқиб ўзингнинг ким эканингни унутсанг, мартабангдан юзтубан тушиб қолмагин та-ғин. Яъни такаббурлик билан ҳаддан ошиб, жаҳаннамга юзтубан тушиб қолма-гин. Ўзини юқори тутиб, такаббур бўлиб, не-не зийраклар оёқларидан йиқилиб, мартабаларидан тушдилар-ку, ахир?*

Мавлоно Румий: “Баҳорнинг баракотидан тупроқ насибасини олади. Шунинг учун ҳам тупроқдан чечаклар униб чиқади. Тош баҳорга етишгани билан унга баракотдан насиба йўқ. Бағридан ҳеч нарса униб чиқмайди. Тавозенинг акси бўлган кибру ҳаво ёмонлик белгисидир. Қалблари тошга айланган киши-лар ҳам табиатдаги мана шундай жонсиз мавжудотдирлар. Улар учун ҳам ба-ҳорда ёққан ёмғирдан фойда йўқдир. Нафс орзуларини енга олмаганлар учун ибодатлар ҳам нафсоний орзуларга тобе бўлади. Бундай кишилардаги нафс улар учун қибла ҳолига келади. Кимнинг қалбида заррача кибр бўлса, албатта, ҳалокатдадир. Ҳақиқатни кўра олмайдиган кўрдир. Кибрни ташла, ҳақиқатни кўрасан, ҳақиқий саодатга эришасан. Кўкда чакнаган чакмоқ бўлгандан кўра, ерда бир тутам олов бўлиб, бир ғарибнинг қозонини қайнатган афзалдир”, де-ганлар.

Аҳли дониш маслаҳатига кўра, такаббурга салом бермаган маъқул. Чун-ки такаббур алик олишга оғринади, алик олмагани эса салом берувчига ма-лол келади. Кибрли одам туғилган онидан нимжон ва заиф бўлганини, йиғлаган кунларини ўйлармикин? Ўйламайди, аксинча, “Бугун мен фалончиман, фалон мартаба ёки бойлик эгасиман!” – деб ўзни мағрур тутаяди. Ҳолбуки, эртами-ин-динми бели букилади. Бошқаларга муҳтож бўлади. Сўнг... тупроққа қоришади. Буларни ўйлай олса эди, кибр балосидан тезроқ қутула олармиди?.. Кибрлилар қабристонга бир он ибрат кўзи билан қараб, ўзларига дарс олсинлар. Билсин-ларки, тупроқ остидаги марҳумлар кеча улар каби эдилар. Ўйнаб-кулардилар, баъзан йиғлардилар. Кимларгадир эгилиб, таъзим қилардилар, кимларнидир менсимасдилар. Сўнг... ана, тупроққа қоришиб ётибдилар. Кибр билан боқ-қан кўзларни лаҳад қуртлари еб адо қилдилар...

Мағрурланаётган одамнинг асли ўзи ким? Кучи нимага етади? Пашшага ҳам кучи етмайдиган қудратли подшоҳ каби эмасми? Дунё матоси кимнинг қўлига ўтса, уни ғурурлантиради. Бой ўзини қудратли деб билади. Ўзини ҳам-ма нарсанинг устидан ҳукмрон ҳисоблайди. Лекин унинг сўзи битта пашшага ҳам ўтмайди. Кеча ўзини қудратли ҳисоблаган, бугун эса ўлим тўшагида ётган подшоҳ, бетига қўнган пашшани нари ҳайдашга ҳам қурби етмайди. Шундай

экан, бу дунё матоси одамнинг кўзларини пардаламасин, ўзини ҳар нарсага қодир, деб гурурланмасин. Аксинча, бир оз хокисор бўлиб, инсонларга чиройли хизмат қилаверсин. Бирор кишини паст кўриб, ёнидан қувмасин. Чунки қувган одамни ёмон сўз билан ўлдирган бўлади. Ўзини кучли ҳисоблаган ҳар қандай киши албатта бир куни ожизлик аччиғини тортажагини унутмасин. Унутмасинки, кибр – шайтоний феълдир, аҳмоқнинг виқоридир. Огоҳ бўлсинки, иймонга хатар етмасин!

Жаноза баҳонасида қабристонга кирганлар тошларни томоша қиладилар. Шунчаки томоша қилмай, фикр юритилса яхшироқ бўларми эди... Ана, ёнма-ён икки қабр. Мадфунлар бир маҳаллада яшар эдилар. Тасодифни қарангки, бунда ҳам қўшни бўлибдилар. Бирови бойроқ, мансабдорроқ эди. Кибридан от хуркарди. Иккинчиси камбағал эмасди, бировга муҳтожлиги йўқ эди. Ғоят тавозели эди. Бой ва мансабдор эса уни менсимасди. Уйдаги маросимларга таклиф этмасди. “Халққа паст назар билан қараган кимсани энг расво аҳмоқ деб ҳисоблайдилар”, деган ҳикмат унга бегона эди. Унда кибрни ечадиган иймони суст эди. Энди улар орасида қандай фарқ бор? Дарвоқе, қабр устидаги тошда фарқ мавжуд. Бири устида қимматбаҳо мрамартош. Иккинчиси устида камтарона белги-лавҳа. Биринчининг фарзандлари оталаридаги кибрни мерос қилиб олдилар ва бу иллатни мрамартош орқали маълум қилдилар. Тепадаги тошларнинг қандай бўлиши лаҳадда ётганлар учун фарқсиз, аҳамиятсиз. Икковларининг бошларида бир хил ҳажмдаги гувала... Хаёлга бир фикр келади, тавба деган ҳолда, бошқаларга ибрат бўлар, деган ниятда тилга оламиз: лаҳадда ётган қўшнилardan бири ҳаётлик давридаги такаббурлиги учун қабр азобида эмасмикин, валлоҳи аълам. Ёнма-ён қабрда ётганларнинг фарқи шунда бўлса керак...

“Ўзига қарама, сўзига қара”, дейилган ҳикматга биноан одамнинг либосига, зоҳирий суратига эмас, фазл-камолига, ақл-ирфонига, сўзига, ахлоқ-тарбиясига эътибор берилади. Сукрот ҳаким: “Такаббурлик ва зулм – улуғликнинг офати, ҳилм ва тавозе – инсоннинг зийнати, шарм-ҳаё унинг энг гўзал, ёқимли либосидир”, деганлар. Кибру ҳаво, манманликнинг инсонга шон-шараф бахш этмаслиги ойдай равшан. Камтаринликни ўзига пеша қилиб олган одам халқ севгисига сазовор, бахт-саодат унга ёр бўлади.

*Сен агар кибру ҳавони ташладинг,
Ул замон шараф этагин ушладинг.*

Қушлар тилидан ёзилган “Латоиф ил ишорот” асарида бундай дейилган:

Бир куни қовоғари битта донни минг машаққат билан судраб бораётган чумолини кўриб, ундан кулди:

– Ҳой чумоли, шўргинанг курсин, биттагина донни деб шунча заҳмат чек-япсанми? Кел, менинг емишим, ичишимни томоша қилу қойил қол. Қандай лаззатли таом бўлмасин, одамлар мендан ортганини ейишади. Агар қанотимни ёйиб осмону фалакка учсам, истаган жойимга бориб қўнаман. Еганим – олдинда, емаганим – ортимда.

Қовоғари шундай мақтаниб, керилганича учди-да, қассобнинг қанорасига осиглиқ гўшгга қўнди. Қассоб қўлидаги пичоқ билан бир урган эди, бечора иккига бўлиниб ерга тушди-ю, тупроққа қорилди. Чумоли келиб қовоғарининг оёғини тортди. Ҳали жони чиқмаган қовоғари: “Мени қаерга судраяпсан?” деб сўради.

– Кимки бирор ерга кибр кўзи билан қўнса, уни ўзи истамаган бошқа ерга судраб кетишади, – деди чумоли.

“Лисонут-тайр”даги қарчиғайнинг такаббурлиги ва даъволари қоғоғариникидан фарқ қилади. Қушларни саодатга элтмоқчи бўлган Худхудга қарчиғай қарши чикиб, бундай дейди:

– Мен бошқа қушларга ўхшамайман. Балки барча қушлар эгаси ҳисобланаман. Шу пайтгача сенга сўз айтиб, узр билдирган қушларнинг ҳаммаси менга овқат ўрнида ўтади. Мен шоҳлар қўлида ором оламан, улар ҳар кун менга овқат бериб туришади. Қайси бир қуш қасдида қанот ёзсам, у менга ўлжа бўлади. Ҳатто насри тойир – қирғий бўлса ҳам мендан қутулиши маҳолдир. Шоҳлар олдида шунчалик эътибор топдим; шавкатим амалда шубҳасиз. Симурғникидан кам эмас. Шоҳ қўли – менинг тахтиму бошимда тож, Симурғ сари боришимга йўқ эҳтиёж!”

Навоий ҳазратлари асарда Худхуд тилидан лозим жавобни берганлар: Сиз, мухтарам куёвтўра, у нодон қушга нима деган бўлардингиз? Китобдан бир дақиқа бош кўтариб, ўйлаб кўринг-а... Сиз ўйлагунингизга қадар Худхуднинг жавобини қоғозга туширай:

– Эй ғурур қўлида паст бўлиб, жаҳл ва ғафлат аро тубан кетган! Шуни билки, шоҳ тугул оддий бир овчи ҳам сенинг оёғингга тушов солиб, ўз ҳузурида тутади. Очлик ва уйқусизликдан шу даражага етгансанки, ҳатто этинг суягингга бориб ёпишган. Олдингга бир луқма эт ташлагунга қадар тоқатсизлик билан фарёд қилиб, одамлар қулоғини қоматга келтирасан. Зоти паст одамларга муҳтож бўлиб, хор-зорликда кун кечириб, Тангри ажратган насибангни еб юрасан. Сен қайси бир овни қўлга киритсанг, ўлжани ушлаган заҳотиёқ овчи ногора чалиб, сени қувлаб юборади. Сен ўзингдан кучсизроқ бир ўлжага ҳамла қилиб, очофатлик билан уни ов қиласан. Ушлаган овингни эгасига топшириб, унга итоат этасан. Қушчи берганига қаноат ҳосил қилиб кун кечирасан. Шундай аянчли аҳволда бўла туриб, ёлғон сўзлар билан лоф уришдан уялмайсанми?! Агар сенда заррача виждон ёки уят бўлганида эди, бу шармандали ҳаётдан кўра ўлганим яхшироқ, деб ўйлардинг! Аммо сенда нодонлик ғолиб келиб, нафсинг сени алжирашга мойил қилиб қўйган!

Куёвтўра, шу жавобга яқин фикрлар ҳаёлингизга келган бўлса, доно йигит экансиз, баракалла! Энди бу саволимга жавоб беринг: агар бирон-бир биродарингиз қарчиғай каби кибрлана бошласа, уларга Худхуд каби ҳақиқат сўзларини айта оласизми? Уларни кибрдан қайтаришга уринасизми? Бу саволни эшитганларнинг кўпчилиги бош эгади... Афсус, минг афсус. Биродаримиз кибр туфайли бирон балога йўлиқса, “Ўзидан кўрсин, кеккайиб кетган эди”, деб қўямиз. Биродаримиз “қорним оғрияпти”, деса минг хил даво усулини айта бошлаймиз. Кибр хасталиги билан оғриётганини билсак ҳам индамаймиз.

Кибр ҳақида сўз кетса, биринчи галда мансабдор ёки бой мисол тариқасида тилга олинади. Ҳолбуки, камбағалга бу касаллик юқиши мумкин. Бойларнинг кибрланиши ёмон, аммо камбағаллар кибр қилсалар, ундан-да ёмон. Бир йигит аслида эҳсон, садақа эвазига кун кўради. Камроқ тушса, атрофдагиларга серсалом бўлиб қолади. Агар унга биров янги кийим олиб берса, ё чўнтагига пулга тўлиб қолса, саломни унутади. Бу ҳолни кўрганлар “гердаишига ўлайинми, куяйинми”, деб ғашланадилар.

Айрим иллатларини киши атрофдагилардан яширишга уринади ва кўп ҳолларда бунга эришади ҳам. Кибрли одамда ҳасад кучли бўлади, ғийбатга берилади... Ажабки, бу иллатларни бировга билдирмасликка ҳаракат қилади. Лекин

кибрни яшира олмайди. Юриш-туришида, овозининг паст-баландлигида, гап оҳангларида аниқ сезилиб туради. Кибрли бой билан камтарин бойнинг суҳбатига гувоҳ бўлсангиз, гаплари оҳангига эътибор беринг-а...

Бир киши дўстининг мансабдор бўлганини эшитиб, табриклагани келди. Мансабдор уни менсимай, қабул қилмади. Шунда у киши “Қаердан келяпсиз?” деб сўраганларга: “Дўстим кўр бўлиб қолибди, шунини йўқлаб келяпман”, деган экан.

Киши эрталаб от минса, кечга бориб, барибир тушади. Кибр отига минганлар ҳам шундай бўлади. Мансабидан ёки бойлигидан айрилса-да, кибрдан қутулмаганларга нисбатан “Отдан тушса ҳам эгардан тушмайди-я!” деб ажабланишади. Шундай... Лекин лаҳадга эгарсиз қўйилишларини унутганлари ёмон. Кибр отидан ёғоч отга ўтгунга қадар камтаринлик фазилатини эгаллай олмаганларни вафотларидан кейин йиғи эмас, афсус билан кузатиш керакмикин?..

Ҳаётда кибр иллатининг яна бир хунук кўринишига тез-тез гувоҳ бўлиб турамиз. Бу ўринда отасининг ёки бирон яқин қариндошининг мансаби, бойлиги билан ғурурланиб манмансировчи худбин ёшларни назарда тутаяпман. Эгилиб, меҳнат қилиб, ҳали бир танга топмаган, бир тийиннинг қадрига етиш нима эканини билмаган йигит-қизларнинг кеккайиб юришлари келажакда уларни бахтдан мосуво қилиб қўймасмикин? Мутакаббир ва мағрурлар пок ва соф кўнгилли бўла олмайдилар. Сермева шоҳи эгилиб туради, мевасиз дарахт каби кеккайиб ўсиш оқибати уларни қандай бало жарига йиқитар экан? Кибрга берилганлари туфайли илм олишдан юз ўгирадилар, ҳунар эгаллашдан ҳазар қиладилар. Уларни келажакда нима кутади? Кибр эгаси зимдан қаралса, бошқаларга беҳурматлик қилаётгандай, аслида эса у ўзини ўзи ҳурмат қилмайди. Ўзини ҳурмат қилмайдиган киши бахтсиз, ортиқча манманликка берилган эса тентақдир. Ўз ўрнини билиш эса инсоннинг ўзлигини таниши демақдир. Бугун гердайиб юрган йигит ёки қиз эртага ўзлигини таний олармикин?

* * *

Ифбатли, ширинсўз, хушмуомала, ақли ва ғўзалхулқ аёллар ҳамиша қутбарақа, ширин ҳаёт манбаидирлар. Сен ўзингга ёр, маҳбуба тиласанг, унинг тўғрисўзлиги, ҳақгўйлиги, юриш-туришига боқ...

Ёрга етишдингми, бошида парвона бўл, ҳатто жонингни фидо қилишга тай-ёр тур. Ҳар сафар унинг қошига борганингда қалбингга унга бўлган меҳринг тобланиб турсин...

Севиқли ёр, маҳбубанг билан турмуш аталмиш бу ҳаёт манбаини қуришга эришдинг. Унга аввало марҳамату лутфлар кўргузгил, яхши одобу яхши қилиқ еткургил (*Алишер Навоий*).

**ТОҒАЛАР ВА АМАКИЛАР, ХОЛАЛАР ВА АММАЛАР,
ҚАЙИН ЭГАЧИЛАР ВА ҚАЙИН СИНГИЛЛАР,
ҚАЙИН ОҒАЛАР ВА ҚАЙИН ИНИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Қайин эгачи, сизнинг ўз уйингиз, ўз қайнонангиз ва шунга яраша ўз муаммоларингиз, ўз ташвишларингиз бор. Агар ёмон келин бўлсангиз, тавба қилинг, лаънати шайтон йўлидан қайтаришни сўраб, Аллоҳга ёлборинг-да, сизга айтилаётган танқидий фикрларни тўғри англаб, яхши келин мартабасига етиш ҳаракатида юринг. Агар яхши келин бўлсангиз, Худога шукр қилинг-да, янада яхшироқ бўлишга интилинг.

Онангизникига келганингизда укангизнинг хотини сизни очик чехра билан, кувониб, соғинганини изҳор этиб кутиб оладими ёки энсаси қотиброқ қаршилаб, тил учида “Келинг, опа”, деб қўя қоладими? Агар келиннинг чехрасида шодлик нури чарақласа, демак, сиз яхши қайин эгачи экансиз, келин сизни ўз туғишган опасидан ҳам аълороқ мартабада эъзозлар экан. Бундай эҳтиромга сиз ўз яхши хулқингиз билан эришгансиз. Келинга опалик меҳрини бера олгансиз. Байрамларда имкониятингизга қараб, кичкинагина бўлса-да, совғалар билан сийлагансиз. Уйга келганингизда унинг бирон яхши ишини кўриб, олқишлаб қўйгансиз, бемаза шўрвасини ҳам мактаб-мактаб ичгансиз, онангиз келиндан шикоят бошлагудай бўлса, уни ҳасратдан тийиб, шукр ва сабр қилишга чақиргансиз. Ота уйингизга очик чехра билан келиб, келинлик уйингизга очик чехра билан кетгансиз. Қайин эгачи – она ўрнида она бўлувчи опадир. Аммо бу мартабани барвақт суиистеъмол қилишдан чекланинг. “Мен қайнона ўрнида қайнонаман!” – деб ўзингиз шоҳсупага чиқиб олманг. Шундай қилингики, сизнинг яхши хулқингиздан таъсирланган келин сизни боши узра кўтариб, шу шоҳсупага ўтқизсин. Ана шунда ўз ўрнингизни топган бўласиз.

Агар келин сизни нохуш қаршилаган бўлса, дарров жаҳлингиз чиқмасин, иллатни ундан эмас, ўзингиздан изланг. Эҳтимол, онангизга қўшилиб келинни ғийбат қилаётганингизда у эшитиб қолгандир, балки уйдаги саришталикка доир кичкинагина камчиликларни кўриб, келинга танбеҳ бергандирсиз. Тўғри, танбеҳ беришга, насиҳат қилишга ҳаққингиз бор. Лекин бу ишларни онангизнинг ўзлари бажара қолганлари маъқул (Агар уйда қайнона бўлмаса, унинг барча мартабалари қайин эгачи зиммасига ўтади). Келиннинг камчилигини тўғри пайқаган бўлсангиз, унинг **ёлғиз ўзига** ётиги билан тушунтиринг. Ота-онангизга, айниқса, укангизга айтманг, чақимчилик қилманг. Қайнонангиз (ёки эрингиз) билан ади-бади айтишиб, асабийлашган ҳолда келсангиз, аламингизни келинингиздан олманг.

(Аразлаб ёки ажрашиб келганлар келин билан муносабатда, айниқса, тилга эҳтиёт бўлсинлар. Уй ишларини келин билан биргаликда қилганлари яхшироқ.)

Бир нарсани ҳечам унутманг: “қайтар дунё” деганларидек, агар сиз келинга ёмонлик истасангиз, келинлик уйингизда сизга ёмонлик истовчилар пайдо бўлади. Ҳасад қилсангиз, ҳасадчиларга йўлиқасиз. Чақимчилик қилсангиз, чақимчиларнинг чақишидан азият чекасиз.

Агар туғишган сингилларингиз бўлса, келинни энг ардоқли ва суюмли сингил ўрнида кўринг, агар туғишган синглингиз бўлмаса, “Аллоҳим, бу дунёда менга сингил берганинг учун Ўзингга шукр, энди бизларни жигарлардан аълороқ опа ва сингил қилгин, умримизнинг охирига қадар бир-биримиздан ажратмагин, меҳр-оқибатимизни бардавом эт”, деб дуо қилинг.

Ота уйига келганингизда қўшнилар билан ёки қариндошлар билан келиннинг хулқи, ғайратли ёки ғайратсиз эканига доир гапларни муҳокама қилманг. Қўшнингиз гап бошласа ҳам давом эттирманг, аксинча, кесиб ташлашга урининг. Чунки бу оддий суҳбат эмас, балки ғийбат доирасига киради ва ҳеч қачон яхшиликка олиб бормајди.

Укангизнинг хотинига нисбатан меҳри-муҳаббати сусаяётганини сезсангиз ёки чакки юраётганидан хабар топсангиз, унинг тарбияси билан шуғулланинг. Бу масалада укангиз онангиз ёки отангизга нисбатан сизнинг насиҳатларингизни кўпроқ амал қилади. Ота ва онангизга айтгиси келмаган юрак сирларини сизга очади. Укангизни табиълаш ишини келинни макташдан бошланг.

Укангиз сезмаган фазилатларни мақташдан чарчаманг. “Шундай ярамас, ёмон хулкли аёллар борки, хотининг улар олдида нақ фариштанинг ўзи”, деб мисоллар билан мақтасангиз таъсири кучлироқ бўлади. Агар келиннинг ҳам эрига нисбатан муомаласи совуқлашганини сезсангиз, насиҳатни кучайтиринг. Насиҳатни укангизнинг фазилатларини мақташдан бошланг. Камчиликлари борлигини ҳам тан олиб, бу камчиликлардан тез орада қутулиши мумкинлигига келинни ишонтиришга ҳаракат қилинг.

* * *

Қайин сингил билан келин муносабати оила ҳаловатини белгилайдиган муҳим омиллардан бири. Акасидан аввал турмушга узатилган сингил “Мен турмуш икир-чикирларини биламан”, деган ишончда кеннойисига фармонбардор бўлишга интилмасин. Юқорида қайин эгачиларга айтилган гаплар турмушга чиққан қайин сингилларга ҳам тегишли.

Ҳали турмуш қурмаган қайин сингиллар аввалига келин аялари билан яқин иттифокда бўладилар. Келин қайин синглисини ўзининг сирдоши каби яқин олади. Қайин сингил янгасининг яқин ёрдамчиси бўлиб, ёнига киради. Шундай бўлгани маъқул. Қиз акаси уйлангунига қадар уйда қайси хизматларни бажарган бўлса, тўйдан кейин давом этсин. “Келин келди, энди келин қилсин”, деган фикрдан йироқ бўлсин. Агар ҳамма ишни келин аясига ташлаб қўйса, ялқовликка ўрганиб қолади. Бир неча йилдан кейин ўзи ҳам келин бўлгач, чаққон-чаққон хизмат қилишга қийналиб қолиши эҳтимоли бор.

Баъзи оилаларда келин қайин синглисига иш буюрса, малол оладилар. Ундай бўлмаслиги керак, доно оналар: “Кеннойинг нима иш буюрса, бажаргин, билмаганларингни ўргангин”, деб насиҳат қилишлари керак. Ақлли қиз келин аясининг ҳаракатларини, хулқини кузатиб, ўзини келинликка тайёрлаши керак. Келин аясининг фазилатларини ўрганиб, камчиликларини қайтармасликка интилиши зарур. Таъбир жоиз бўлса, келин қайин сингил учун ўзига хос бир ибрат мактабидир.

Қайнона-келин орасида низо чикса, келин билан қайин сингил орасидаги аҳиллик ҳам йўқолади. Катталар мана шу ҳолатдан эҳтиёт бўлишлари керак.

Қайин сингиллар қайнона-келин ёки эр-хотин можароларига мутлақо арашмай, четда турганлари маъқул.

* * *

Искандар Зулқарнайн саркардалари билан ўтирганда улардан бири дедики: – Эй олампаҳоҳим! Сиз кўп уйланинг, фарзандларингиз кўпайсин. Дунёда сиздан анчагина ёдгор қолсин.

Бу насиҳатни эшитган Искандар Зулқарнайн кулимсираб қўйиб жавоб қайтарди:

– Менинг ёдгор фарзандларим – ҳаммага қилган яхши муомалам, яхши сўзларим ва гўзал хулқ-атворимдир. Булар туфайли халқ мени хурмат билан тилга олади. Номимни доимо яхшилик билан ёд этади.

Қайин оғажон, бу ҳикмат сиз учун бир ибратдир. Сизнинг ҳаётингиздаги энг катта яхшилигингиз – укангиз ва келинингиз билан хушмуомала, аҳил-иттифок бўлишингиздир. Отангиз ҳаётлик чоқларида ҳам (айниқса вафотидан кейин) бу хонадон ҳаловати учун сиз масъулсиз. Сиз, аввало, ўз оилангизда аҳиллик, тотувлик қарор топишини таъминлашингиз керак. Хотинингиздаги камчиликларни яхши гаплар билан бартараф этиш ҳам сизнинг вазифангиз.

Укангиз уйлангач, сизнинг масъулиятингиз икки ҳисса ошади. Укангизнинг турмушига ҳуда-беҳудага аралашишдан ўзингизни тийганингиз ҳолда, унинг муаммоларидан четда турмаслигингиз талаб этилади. Тўйдан кейин укангизнинг хулқида, одобида салбий кўринишларни сезсангиз, дадангиздан олдин сиз уни яхшиликка даъват этишингиз керак. Агар тўйга қадар ака-ука орасида каттами-кичикми зиддиятлар бўлса, тўйдан кейин аҳилликни касб этишингиз зарур. Ука акани ҳурмат қилиши шарт. Лекин ака ҳам уканинг иззатини жойига қўйиши лозим. Айниқса, келин ҳузурида, ҳақоратлаш у ёқда турсин, укангизга қўпол гапирманг, пичинг қилманг, камситманг, масҳарадан узоқ бўлинг. Агар укангиз билан аҳилликда яшасангиз, жиянларингиз сизни “амаки” эмас, “ота” деб улғайишади.

Тўй харажатларига ҳисса қўшган бўлсангиз, сира-сира миннат қила кўрманг. Тўй харажатларига ҳисса қўшаётганингизни хотинингиз билмай қўя қолгани маъқул. Бу хайрли ишингизни дадангиз билсалар бас. Бу ҳимматингиздан дадангизнинг қувонганлари – Аллоҳнинг розилигига бир ишорадир. Аксинча бўлса-чи? Тўй харажатларига дадангизнинг, укангизнинг қийналаётганини кўра-била туриб, ёрдам бермасангиз, уларни ранжитасиз. Бахиллик эса Аллоҳга ёқимсиз бўлган гуноҳлардан бири.

Агар укангиз билан бир ҳовлида яшаётган бўлсангиз, ҳовлида келин билан ёлғиз қолишдан сақланинг. Айниқса, ҳовлида келин билан хушчақчақлик билан ёлғиз суҳбатлашиб турганингизни хотинингиз кўрмасин. Қариндошларнинг ҳар турли зиёфат-давраларида ҳам келин билан ёнма-ён ўтирманг. Келин автомашинангизда бирон ерга борар бўлса, албатта орқа ўриндиқда ўтирсин.

Укангизга ажратилган хоналарга, айниқса ётоқхоналарига бирон заруратсиз кирманг.

Келиннинг камчилигига гувоҳ бўлсангиз, фикрингизни, танбеҳингизни онангиз орқали билдирганингиз маъқул. Ўзингиз танбеҳ беришга мажбур бўлсангиз, гапларингиздан хотинингиз хабар топмасин. Хотинингиз овсини ҳақида ёқимсиз гапни бошлаши билан уни сўздан тўхтатинг. Ғийбат ва ифво қилишларига сира-сира йўл қўйманг. Байрам кунлари хотинингизга совға олсангиз, онангизга, келинга (опа-сингилларингизга) ҳам олинг. Икки овсинга бир хилда совға олганингиз яхшироқ. Агар моддий томондан иложи бўлмаса, хотинингиз совғани кўз-кўз қилиб, келиннинг ғашини келтирмасин.

Хотинингиз автомашина бошқаришни билади, ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳам бор. Шубҳасизки, келин ҳам шунга эришишни истайди. Ўқишга ҳам кирди. “Машина бошқаришни ўргатинг”, деб сиздан илтимос қилса, рози бўлманг. Хотинингиз ҳам кўнмасин. Бу укангизнинг вазифаси.

* * *

Тўйдан кейин қариндошингизникига келганингизда келиннинг ҳаракатларини синчиклаб кузатманг. Унга қаттиқ тикилманг. Агар хизматида камчилик кўрсангиз, қариндошингизга, яъни келиннинг қайнота ва қайнонасига, айниқса куёв болага бу айбларини айтманг, танбеҳ берманг. Аксинча, келиннинг хизматидан рози бўлинг, унинг ҳаракатларида озгина фазилат кўрсангиз ҳам ошириб мақтанг. Унинг ҳаракатларини ўзингизнинг келинингизга таққосламанг. “Менинг келиним зийрак, сизники сал фаросатсизроқ экан”, деганга ўхшаш гапларни тилга олманг.

Орадан фурсат ўтиб, келин ва куёв орасида келишмовчилик чиқса, уларни яраштиришга интилинг.

Келиннинг ота ва онаси ёки бошқа қариндошлари ҳақида ёмон гап эшитсангиз, бу хонадонга келиб айтманг. Гап ташувчи, чақимчининг гуноҳини зиммангизга олманг.

Жиянингиз – куёвтурани ҳар кўрганингизда ота ва онани, хотинни ҳурмат қилиш ҳақида насихат қилишдан чарчаманг. “Хотинингни талтайтириб, ота-онангни беҳурмат қилаётган эмишсан, бу қанақа аҳмоқлик!” деб қўполлик қилмай, ибратли ҳикматлар мисолида тарбияланг.

Қизини куёвга узатган меҳрибон она диққатига:

Қизингиз оиласидан шикоят қилиб келса, уни дарров ёқламанг, ҳимоя қилишга шошилманг. Куёвингизнинг яхши томонларини гапиринг.

Қизингизнинг аразлаб келишида 50 фоиз айб куда томонда, 50 фоиз эса қизингизда бўлса ҳам, асосий айбни қизингизга юклайверинг. Уни тезроқ изига қайтариш ҳаракатини қилинг.

Қизингизнинг уйига ҳадеб бораверманг, ҳурматингиз ошади. Аммо набирали бўлганингизда ёрдамингизни аяманг.

Набирангизни қанчалар суйсангиз ҳам, унда куёвингизнинг, қудаларингизнинг ҳақлари борлигини унутманг.

Қудаларингизни кеча топган янги қариндош эмас, энг яқин қариндош деб билинг ва шунга яраша муомала қилинг.

Қудангиз қизингизни ўз фарзандидай кўргани каби, сиз ҳам куёвингизни ўз ўғлингиз қаторида кўринг.

Қизингизнинг аразлаб келишида, оиласининг бузилай деб туришида сиз ўзингизнинг айбингиз борлигини биласизми? Қизингиз балоғат ёшига етганидан бери эрингиз билан бўлиб ўтган можароларни эслаб кўринг-чи?

– Қизингни талтайтираверма, эрта-индин бошқа хондонга борганида юзимизни ерга қаратиб қўймасин, – дерди эрингиз.

– Ишингиз бўлмасин, ёлғиз қизимни ҳўрлатиб қўймасман, кадрига етадиганни топиб берарман, – дердингиз.

– Ўқимаса, ишламаса, қўлини совуқ сувга урмаса, ҳунари бўлмаса... – дерди эрингиз.

– Совчи келиб-кешиб турибди, беш-ўн кун яйраб ўйнаб олсин, – дердингиз.

Тўйгача ўйнаб-кулиб олганининг натижаси нима бўляпти энди? Ўша яйраб олганининг меваси кўз ёшларими?

Барчаларимизга ибрат бўлувчи халқ мақолларидан:

** Онасини кўргину қизини ол.

** Қизил гул экканнинг хирмони бўлмас,
Яхшини суйганнинг армони бўлмас.

** Қолган кўнгил – чиққан жон.

** Ҳусн тўйда керак, муҳаббат – кунда.

** Ёғмас булут элни алдар, ёмон хотин – эрни.

** Иноқ оилада бешик бўшамас.

** Келининг яхши бўлса – берди Худо,
Келининг ёмон бўлса – урди Худо.

** Кундошлик – кўнгил ғашлик.

- ** Кундош – бошингда тош, кўзларингда ёш.
- ** Хотиннинг ёмони – умрининг эгови.
- ** Хотиннинг ёмони эр қаритар.
- ** Хотиннинг ёмони – эрнинг заволи,
Хотиннинг яхшиси – эрнинг камоли.
- ** Хотиннинг зўри – эрнинг шўри.
- ** Хотиннинг яхшиси меҳмон келганда билинар.
- ** Хотиннинг қақилдоғи – тегирмоннинг шақилдоғи.
- ** Эговни эгов дема, ёмон хотинни де.
- ** Яхши хотин арпа унни кабоб қилар,
Ёмон хотин буғдой унни хароб қилар.
- ** Яхши хотин белгиси – хиром қилар терини,
Ёмон хотин белгиси – ерга букар эрини.
- ** Яхши хотин ишлик бўлар, ёмон хотин – тишлик.
- ** Яхши хотин йигит номин кўтарар,
Ёмон хотин йигит номин йўқотар.
- ** Яхши хотин йўқ нарсангни бор этар,
Ёмон хотин кенг уйингни тор этар.
- ** Яхши хотин кулмасдан бурун кулдирар,
Ёмон хотин ўлмасдан бурун ўлдирар.
- ** Яхши хотин кўпга кўшар, ёмон хотин кўпдан чиқарар.
- ** Яхши хотин – уй бўстони, ёмон хотин – зимистони.
- ** Яхши хотин – уй зийнати, ёмон хотин – тўй зийнати.
- ** Яхши хотин – уйнинг гули.
- ** Яхши хотин эрини элга бош қилур,
Ёмон хотин эрини гадо қилур.
- ** Яхши хотин – ярим ризқ.
- ** Яхши хотин – ҳамиша баҳор.
- ** Сержанжал уйда барака йўқ.
- ** Хотиннинг сариштаси – одамнинг фариштаси.
- ** Яхши рўзғор – жаннат, ёмон рўзғор – жаҳаннам.
- ** Тотув турмуш – узоқ умр.
- ** Уйда роҳати йўқнинг кўчада фароғати йўқ.
- ** Бўз яктак қичитар, яхши хотин тинчитар.
- ** Ёмон турмуш яшатмас.
- ** Яхши хотин – ярим бахт.
- ** Эркак бўлмаса – уй етим, аёл бўлмаса – ошхона.
- ** Вафодор ёр бўлмаса, на умрда лаззат бор ва на турмушда роҳат.

Хотима ўрнида

Азизларим, оила ҳаловатига доир масалаларни сиз билан биргаликда ҳам-фикр бўлиб ечишга уриниб кўрдим. Билдирилган фикрлар орасида саёзроғи ёки сизга нотўғри туюлгани борлиги табиий. Чунки бу борада яқдиллик бўлиши қийин. Кишининг дунёқараши ва оила ҳаловатига доир талаби ўз ақл доираси, ҳаётдан олган тажрибасининг нақадар бойлигига боғлиқ. Шунга қарамай, барча қайноталарнинг, барча қайноналарнинг ва барча келин ва куёвларнинг қарашларида, талабларида яқинлик мавжуд. Фақат... талаблар ўхшайди, аммо ижрода жиддий фарқлар учрайди.

Суҳбатимиз аввалида “Оилани биз қандай тушунамиз, қандай ҳимоя қиламиз?” деган саволни ўртага қўйиб, биргаликда жавоб топишга даъват қилган эдим. Суҳбатимиз юзма-юз эмас, китоб саҳифларидаги сатрлар орқали бўлаётганига қарамай, ўзингизни қаноатлантирадиган жавоблар топганингизни сезиб турибман. Энди бу саволга яна қайтиб, фикрларни жамлаб, якуний хулосалар чиқаришнинг вақти етди. Хотима ўрнидаги баёнларимни ўқиш жараёнида ўзингизнинг хулосаларингиз билан таққослаб кўрарсиз. Умидим шуки, сиз билан менинг хулосаларим орасида кескин фарқлар эмас, балки яқинлик бўлади. Сиздан бир ўтинчим бор: муҳим бўлган айрим фикрларни қайта эслашга, мулоҳаза юритишга тўри келади, буни нуқсон ўрнида кўрманг, такрорлаш ўрнида қабул қилинг.

Биринчи хулоса шуки, оилани мўъжазгина бир жамиятча деб фараз қилсак, бутун инсоният жамиятининг дахлсизлиги айнан шу «жамиятча»нинг жипслигига боғлиқ. Демак, қайсики жамиятдаги оилалар мустаҳкам эмас экан, бу жамият ҳарбий қудрати ва бойлигидан қатъи назар, ҳалокатга маҳкумдир. Оилавий муҳаббат одамлар орасида кенг тарқалган энг мустаҳкам муҳаббатдир. Шунинг учун ҳам у кишилар ҳаётига таъсир кўрсатиш жиҳатидан одамнинг энг муҳим ва энг ҳаётбахш туйғусидир. Ўз уйида бахтли бўлган кишигина чинакам бахтлидир. Хароб уйдаги бахтсиз одамлардан ташкил топган жамиятнинг ҳалокатга маҳкумлиги шундан келиб чиқади. Хар бир инсоннинг оила олдида, оиланинг жамият олдида масъулияти бор. Бу икки ижтимоий тушунчани бир-биридан айириш қийин. Соддароқ қилиб айтилса, оиласида ҳаловати йўқ одамнинг хизмат жойида ҳам ҳаловати бўлмайди. Демак, ишидан барака кетади, хизматдошлари билан қўпол муомалада бўла бошлайди. Ёки аксинча, ишда омади юришмаган, хўжайинлардан сўкиш эшитган одам уйга қайтганда аламини оила аъзоларидан олади. Агар ҳаётимизнинг барча мақсад-мазмунини оиладаги шахсий бахтимиздан иборат бўлганида, шахсий бахтимиз биргина оиладаги муҳаббатда ўз ифодасини топганда эди, унда ҳаёт деганлари чиндан ҳам қоп-қоронғи саҳрога айланиб қолган бўларди. Инсон учун юракнинг маънавий олаmidан ташқари ҳаётнинг яна бир буюк олами – ижтимоий фаоллик олами ҳам бор. Буни инкор этиш ёки четлаб ўтишга уриниш мутлақо мумкин эмас. Шунинг учун ҳам аҳли китоблар Аллоҳнинг бу масаладаги буйруқларига ғоят жиддий муносабатда бўлганлар. Пайғамбарлар умматларини пок ва ҳалол оила қуришга даъват этганлар. Инсоният тарихи давомида яшаб ўтган донишманд файласуфларнинг диққат-эътиборларидан ҳам бу масала четда қолган эмас. Ўтмиш устозларнинг фикрлари бизлар учун ҳамиша қадрли. Аммо улар ўз даврларидаги жамият талабларидан келиб чиқиб, оилага турлича талаблар қўйганлар. Масалан, «Оилавий ҳаёт инқилобчининг ғайрат-шижоатини сусайтиради», деган аҳмоқона фикр йигирманчи асрда юзага чиқди ва ўзбек тилидаги ахлоққа оид китобларда қайта-қайта зикр этилди. Ўтган асрнинг йигирманчи-ўттизинчи йилларидаги бадий асарларда севишганлар тўй ҳақида сўз очишса, «Шошилма, аввал жаҳон инқилоби ғалаба қилсин!» деб инқилобга содиқликларини намойиш қилишган. Бунақа тентакларнинг қанчаси жаҳон инқилобининг ғалабасини кутиб, тўй кўрмай ўтиб кетди экан?! Эсизгина умр! Шунга ўхшаган ҳолат бизда ҳам учрарди. Фақат биздаги ошиқ-маъшуклар тўйни жаҳон инқилоби ғалабасигача чўзишмасди. Ашулалар бўларди: «Бўйларингга бўйлари, қачон бўлар тўйлари?» деб сўралса, «Аввал пахта мавсуми ўтиб олсин», деб жавоб беришарди. Йигит бечоранинг то кеч кузгача, эҳтимол, қишга қадар юлдуз санаб, ёстиқни кучоқлаб ётишдан ўзга чораси йўқ... Агар севган қизи сулув бўл-

са-ю, бирон чапдаст йигит чиқиб, пахта мавсуми охирлашини кутиб ўтирмай, уни илиб кетса! Урди Худо! Бу ҳозир бизга кулгили туюлади, лекин оила билан жамият манфаатини бу хилда талқин этиш бефаҳмлиқнинг бир кўриниши эди. Жамият манфаати биринчи ўринда турадими ёки оила манфаатими, деган саволга бир хилда, қатъий жавоб бериш ҳам мумкинмас. Чунки айрим ўринларда оила, баъзан эса жамият манфаатлари биринчи даражали масала бўлиб қолади. Айрим ҳолларда жамиятнинг оиладан сўровлари бор, яна бир ҳолларда оиланинг жамиятдан талаблари бўлади. Бу масалани ҳам битта қолипга солиб тақдим этиш мумкинмас.

Оила ўз хоҳишича яшаши керакми ёки жамият талабларини бажаришга мажбурми? Агар жамият талабларига бўйсуниб яшаши шарт бўлса, оиланинг ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқи йўқ экан-да? Бу ўринда ҳам савол умумий тарзда эмас, аниқ масалалар бўйича ўртага қўйилиши керак. Яъни жамият оиланинг пок бўлишини талаб этадими, демак, бу талабга бўйсунити шарт. Жамият оиладан оқил фарзанд тарбиясини талаб этадими, демак, бу талабни ҳам сўзсиз бажармоғи зарур. Лекин мазкур талабларни барча оилалар бир хилда бажармайдилар. Чунки барча оилаларнинг бу соҳалардаги тушунчалари, ҳаётий тажрибалари турлича. Ҳар бир халқнинг, ҳатто ҳар бир мамлакатдаги ҳар бир вилоят, шаҳарнинг ўзига хос урф-одатлари оила ва жамият орасидаги муносабатларни ўзига хос равишда белгилайди.

Русларнинг улуғ ёзувчиси Лев Толстойнинг «Анна Каренина» деб номланган асари шундай сатрлар билан бошланади: «Бахтли оилаларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, бахтсиз оилаларнинг эса ҳар бири ўзича бахтсиздир». Бу яхши фалсафий фикрга ўхшагани билан баҳслашиш мумкин. Чунки бахтни ҳам ҳар бир оила ўзича тушунади. Масалан, ҳаром йўллاردан қайтмай, бой яшаётган оила ҳаромдан парҳез қилиб, озига қаноат қилаётган қўшнисини бахтсиз деб ҳисоблайди. Бу қўшни эса унинг охиратини ўйлаб, бахтсизлигидан афсусланади. Демокчимизки, оилаларнинг бахти ва бахтсизлиги ҳам фақат ўзларига хос, бир-бирига ўхшамайди. Ҳатто бир оила аъзоларининг бахт ҳақидаги тушунчасида ҳам фарқ бўлади. Эр бахтни илм олишда деб билса, хотин билакни безовчи тилла билагузукда деб ҳисоблайди. Қани, барча тушунчаларни битта қолипга солиб кўринг-чи!

Турли халқлардаги оила ва бахт тушунчаси ҳақида сўз очдик, асосий гапларимизга ўтишдан олдин кичик бир мисолга мурожаат қилайлик.

Тилга олганимиз асардаги Анна Каренинанинг оиласи ва унинг ўлими билан Кумушбибининг оиласи ва ўлими орасида қандай фарқ бор?

Икки ёзувчининг тасвирига қараганда, бу аёлларнинг иккови ҳам ғоят гўзал, икковида ҳам муҳаббат бор, икковлари ҳам севги қурбони. Ҳар икки асар ҳам лобарларнинг ўлимлари билан ниҳоясига етади. Лекин уларнинг муҳаббатлари ва оилага садоқатлари бир хилми? Анна – оилали жувон, бегона эркакни севди. Оқибатда ўзини ҳалок қилди. Унинг бир гуноҳи икки бўлди. Кумушбиби – маъсума аёл. У жуфти ҳалолига содиқ. Уни ҳатто кундошидан ҳам қизғанади. Балки ана шу қизғаниши, рашқининг чегарадан чиққани учун ўлим топгандир? Бу икки аёл ўлими сабабчилари – Аннанинг севгилиси (эри эмас!) билан Кумушнинг кундоши – Зайнаб тақдирида қандай яқинлик бор? Ҳеч қандай! Кумуш-зайнаблар тақдирини европаликлар ҳаётидан излаб тополмаймиз. Келинг, икки ўлимга доир икки баёнга диққат қилайлик:

«...яқиндагина ҳаёт жўш уриб турган, энди эса казарма столида, ёту бегоналар кўзида Аннанинг жасади ибосиз бир равишда қонларга беланиб ётарди; соғ

қолган чаккалари, гажакли боши, оғир кокиллари орқага ташланган; гўзал чеҳрасида, ярим юмуқ қизғиш лабларида ачинарли, тиниб қолган очиқ кўзларида ваҳимали бир ифода бор эди; бу ифода уришиб қолишганда Воронскийга «Шошманг, ҳали пушаймон бўласиз» деган ўша даҳшатли сўзни айтиб турганга ўхшарди...»

Бу баёндаги «Аннанинг жасади ибосиз бир равишда қонларга беланиб ётарди», деган тасвирга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Муҳаббат деган баҳона билан оилага хиёнат қилган, ибосиз ҳаёт кечирган аёлнинг жасади ҳам бегоналар кўзи олдида ибосиз ҳолатда ётарди. Бу ҳам ибосиз ҳаёт учун берилган бир «мукофот» эмасми?! Энди бу тасвирга диққатингизни тортамыз:

«...Ҳожи Кумушнинг бошига келиб ўлтурди. Отабек ва онаси оёқ устида эдилар. Кумушнинг кўзи юмуқ, сочлари юзи устида паришон эди. Ҳожи ўз қўли билан сочларини тузатиб, Кумушнинг кўкимтил товланган юзини кўрди ва манглайини босди...

– Ойим... Ойим! – деди Ҳожи. Кумуш кўзини очиб, бесаранжом унга назар ташлади ва таниб... кўзғалмоқчи бўлди.

– Кўзғалманг, ойим... кўзғалманг!

Кумушнинг кўз ёши чаккасидан оқиб тушиди... Ҳожи ҳам ўзини тўхтатолмай, Кумушнинг ёшини артиб, бошини силади:

– Худо шифо берар, болам!

Кумуш жомга кўзғалди, Отабек келиб қўлтиқлади, Ҳожи ҳам унинг бошини тутди... Бу гал қусуқ қонга айланган эди, бурнидан ҳам бир неча томчи қон оқди... Кусуб ётгач, кўзи ярқиллаб очилиб кетди ва теварагига бетоқат қаранди:

– Ойи... дада... – сўнгра, – бегим, – деб ингранди... Эрининг юзини юзига қўйди, уялгансумон кўзини юмди...»

Устоз Абдулла Қодирий қаламларидан кўчган бу тасвирнинг ҳар бир нуқтасига диққат билан разм солайлик. Биз истаймизми-истамаймизми, оила масаласини англашда ғарб ва шарқ тушунчалари орасида кескин фарқлар борлигини тан олишга мажбурмиз. Буни юқоридаги икки баён ҳам тасдиқлаб турибди.

Кумуш «эрининг юзини юзига қўйди, уялгансумон кўзини юмди...» Бу ҳолат оддий муҳаббат тасвири эмас, балки ўлими олдидан ҳам эрининг мартабасига риоя қилинишининг ифодасидир. «Исломда инсонга сажда қилиш йўқ. Агар бўлганида, аёлларнинг эрларига сажда қилишларини буюрган бўлардим» мазмунли ҳадиснинг маъносида аёл киши эрига бутунлай итоат этиши лозимлиги англашилади.

Эри қай пайтда аёлини ёнига чақирса, аёл албатта итоат қилиши ва ҳар қандай ишни тўхтатиб, эрининг ёнига бориши шарт. Шарқдаги оилалар асрлар бўйи шу одат бўйича яшаганлар. Бу одат бузилган онларда шу оилада ихтилоф чиққан. Ҳозирги кунимизда аёлларимиз ёшлик қилибми ёки ғарбнинг таъсиридами, бу одатни рад этишга интилишади. Эр чақирганда «Ҳозир», деб қўядилар-да, ишларини қилаверадилар. Бирон жиддийроқ иш билан машғул бўлишса, узрлидир, лекин телефондаги узундан-узоқ гапларини бас қилмасликлари ёки телевизордаги Мексиканинг беҳаё фильмларидан кўз узгилари келмай ўтиришлари айб саналади. Бу гапларни осмондан олиб ёзаётганим йўқ, ёш оилаларнинг қўйди-чикдиларида иштирок этганимда деярли ҳар бирида хотинга нисбатан шу каби айблар айтилади. Бу ўринда «Демак, эр хўжайин, хотин чўри мартабасидими?» деган фикрдан узоқ бўлиш керак. Эрга хизмат қилиш чўрилиқ эмаслигини тўйдан олдин қизларимизга яхшилаб тушунтириб қўйишимиз лозим. Афсуски, биз қизларимизга сеп тўплашга берилиб кетиб, одоб бойлигини беришни унутиб қўямиз. Оиладаги эр ўрнини тўрт-беш эркак бамаслаҳат

белгилаб бермаган. Бу мартаба Аллоҳнинг иродаси. Қаердаки Аллоҳнинг бу иродасига қарши чиқилса ёки ислоҳ этишга уриниш бўлса, билингим, бу оилани аввало тотувлик тарк этади. Оқибат эса ажралишгача бориб етади.

Янги турмуш қураётган фарзандларимизнинг барчаси оилага доир оятлар ва ҳадисларни, айниқса талоққа доир ҳукмларни билишлари керак. Чунки уларда оиладаги эр ва хотиннинг ўрни аниқ белгилаб берилган. Шариат ҳукмича, эр аввало оиланинг барча молиявий ва маънавий тарафларига жавобгар, уни четдан бўладиган ҳар қандай ҳуружлардан ҳимоя қиладиган шахсдир. Мана шулар эвазига ва эркак киши учун фазилат саналмиш оғир-босиқлик, оила тебратишдаги тадбиркорлик каби сифатлар сабабли у оиланинг бошлиғи саналади. Яхши хотин эса диёнатли, эрнинг уйини обод қиладиган ва унга бир умр садоқатли бўлган аёлдир.

Оилада эрнинг аёлига нисбатан ўта жиддий ўз масъулияти борлигини азиз ёшларимиз яхши билишадими? Билсалар яхши, аммо бу масъулиятни тўлиқ бажаришга интиладиларми? Аёлнинг еб-ичиши, кийиниши ва уй-жой билан таъминланишига масъул эканликларини унутган айрим ёшларимиз (ҳатто катталар) борки, уларнинг ғафлат уйқусидан уйғонишлари вақти келмадимикин? Ёшларга такрор ва такрор эслатиб туриш зарур: оилани моддий жиҳатдан таъминлаш ҳам эрнинг вазифаси. Ҳатто бирон сабаб билан аёл болани эмизишни хоҳламаса, эмизадиган энага топиб, болани улғайтириш ҳам эрнинг бурчи. Ислом дини оилада мана шундай бир мувозанатни қарор топтиради. Эр-хотиннинг бир-бирларига муносабатлари аниқ белгилаб берилган. «Оналар фарзандларини тўлиқ икки йил эмизурлар. (Бу) эмизишни батамом қилмоқчи бўлган киши учундир. Уларни маъруф ила едириб, кийинтириш туғдирганнинг зиммасидадир. Ҳеч бир жонга имкониятидан ташқари нарса юклатилмас» (*Бақара сурасидан*). Ислом дини эр куч-қувватли деб, аёлни эр тарафидан эздирмайди; аёлнинг ахлоқсиз ва беор бўлишига ҳам йўл қўймайди. Баъзи бир эрлар дейишсаки: «Мен хотинимнинг ҳаққини билмайман. Мен ҳўжайинман. Икки гапнинг бирида сўкмасам, хумордан чиқмайман. Урмасам, қўлим қичиб туради». Шундайми? Яхши, истаганингизни қилаверинг, иним. Аммо бунинг учун охиратда албатта жазога тортилишингизни унутманг. Аллоҳ бизларни огоҳлантиради: «У кунда киши ўз оға-инисидан ҳам, онаси ва отасидан ҳам, хотинию бола-чақасидан ҳам қочур». Ажаб! Нега охират куни эр ўз хотинидан қочар экан, ўйлаб кўрмаганмисиз? Чунки фоний дунёда уни ноҳақ урди, унга тўғри йўлни кўрсатмади, моддий таъмин этмади... Энди вақт келдики, хотин ҳаққини талаб этади. Агар шундай бўлишига ишонмасангиз, қандай яшагингиз келса, яшайверинг. Аллоҳ ҳозирча ихтиёрингизга қўйибди. Охират шундайки, бу дунёда қул мартабасида яшаганлар ҳўжайинидан кўра юқорироқ даражага етишади. Бу дунёда керилиб юрган жаноблар менсимагани, сариқ чақага олмани, ҳақоратлагани, ҳўрагани, қул ўрнида кўргани одамнинг ҳам шафоатига муҳтож бўлиб қолади. Хотинининг ҳаққига риоя қилмаган эрнинг оқибати ҳам шундан ўзгача бўлмайди.

Эшитган эдим, ростми-ёлғонми, билмайман: лўлиларнинг қайси бир уруғида тўй чоғи куёв бола гулхан атрофида ўтирар экан. Келин эса бўйнига хуржун осиб олиб, унинг атрофида айланиб: «Ўлгунимча сени боқаман», деб қасам ичаркан. Шу зайлда уч марта айланиб, қасам ичгач, куёв унга уйланишга розилик бераркан. Бозорларда катта-катта, оғир-оғир халталарни кўтариб юрган аёлларимизни кўрганимда шу одат эсимга тушади. Бизда никоҳ чоғи эр

зиммасига оила ташвиши юкланади. Никоҳ имом-домланинг “Фалончи Писмадончи кизига уйланишга розимиз?” деган саволига “Ҳа” деган жавоб билан якунланмайди. Никоҳнинг мақсади ва маъноси – куёв бола оилани таъминлаш масъулиятини зиммаларига олганларини билдириб, Аллоҳ гувоҳлигида қасам-ёд этадилар. Қасамёдга содиқ қолишнинг аҳамиятини тўйдан олдин ва кейин ҳам ота ва она, никоҳ чоғи эса домла-имом яхшилаб тушунтириб қўйишлари шарт. Никоҳдан ўтаётган йигит тўйдан кейин узоқ сафарга отланар бўлса, таъминотни мукаммал қилиб кетишга мажбур эканини билсин, ҳис қилсин ва бунга тайёр турсин. Аёлларнинг рўзғор харажатларини кўтариб чиқишлари эр учун бир уят бўлса, тижорат мақсадида бегона юртларга бегона эрлар билан юбориши ундан баттар уятдир. Тижорат мақсадида узоққа борган аёлларимиз ҳақида турли мишмишлар юради, биз уларни маъқулламоқчи эмасмиз. Агар шундай десак, покиза опа-сингилларимизга туҳмат қилиб қўйган бўламиз. Лекин ризқ кидириб узоққа бормаслик ва танмахрамсиз юрмаслик ҳақидаги буйруқларга амал қилсалар, ўзларига нисбатан ортикча гап орттириб олмайдилар. Ундан ташқари, бизни ранжитадиган нарсаси – аёллар мусофирликда қийналиб, оғир юклар кўтариб юрадилар, йўл азобини кўрадилар, ўз масъулиятига риоя қилмаётган эрлар эса чойхонада ошхўрлик қилиб ётадилар.

Ўтган асрда Европада эр-хотин ўртасида тенгҳуқуқлилик деган масала кўтарилди. Совет жамияти бунга алоҳида эътибор берди. Аммо аёлларни эрлар билан тенгҳуқуқли қиламан деб, аксинча, уларни чўридан баттар ҳолатга айлантирди. Тенгҳуқуқлилик дегани эр нима иш қилса, аёл ҳам бажарсин, дегани эмас. Эр қурилишда гишт терди – аёл ҳам, бетон қуйди – аёл ҳам, трактор минди – аёл ҳам. Бу ўтакетган инсофсизлик-ку! Европада кўтарилган масала бошқача эди. Ўтган асрларда заводда айнан битта ишни бажарган эрга кўпроқ, аёлга эса камроқ ҳақ тўланган. Аёлларнинг халқаро ҳаракати ҳақ тўлашдаги тенгҳуқуқлиликни талаб қилган. Афсуски, тенгҳуқуқлиликни нотўғри тушуниш ҳозир ҳам давом этиб келяпти. Сухбатимиз аввалида “феминизм”га доир билдирилган фикрларни яна ёдга олайлик.

Агар диққат қилиб кузатсак, бугунги жамиятларда адолатли мувозанатларнинг бузилиши кузатилмоқда. Ғарбда аёллар ўта ахлоқсиз, беҳаё бўлиб кетишган. Юз йил аввал Анна Каренинага ўхшаганлар бармоқ билан санарли бўлса, энди кишининг ақли ҳисобдан адашиб кетади. Бундай ҳолатларни биз хорижга қилган сафарларимиз даврида ўз кўзимиз билан кузатдик. Ғарбнинг кинофильмлари ҳам фикримизни исботлайди. Ғарб аёллари ўзларини эрлар билан тенг ҳуқуқли деб билишади. Ислоҳ динида бундай эмас. Оилада эр ва аёлнинг ўз ўрни мувозанат ва адолат билан белгилаб берилган. Бу мувозанат бузилган жамиятларда «эркин муҳаббат» деган аҳмоқона, айтиш мумкинки, ҳайвонларга хос тушунчалар туғилди. Яъни эр-хотин биргаликда яшайверади, аммо хотин кўнгли тусаган эркак билан, эр эса кўнглига ёққан аёл билан зино қилаверади. Агар бола туғилса, қайси эрдан туғилганини аниқлаш учун ирсият соҳасидаги мутахассисларга мурожаат қилишади. Бу ҳам етмагандай, эркакнинг эркак билан, аёлнинг аёл билан никоҳларини расмийлаштириш бошланди ва бу ҳайвоний қўшилишни ҳам муқаддас ном – «оила» деб атаяптилар. Энг даҳшатлиси: “Эрга теккан” йигитлар сиёсатга аралашиб, ўз мамлакатларида юқори мартабаларга сайланяптилар. Яқинда Ирландияда ана шундай “эркак” ҳукумат раҳбари бўлгани эътиборсиз воқеа эмас. Балки ташвишли ҳол. Чунки бунақа эрга теккан “эркаклар” ва уйланган “хотинлар” аста-секин дунё сиёсатини бошқаришни ўз

қўллариға оляптилар. Бу воқеаларн кузата туриб мен ўзимча: “Ҳали сур чалинмай турибоқ, Европада Қиёмат қойим боланиб бўлибди”, деб ўйлаб қўяман. Эҳтимол янглишаётirman.

Ислом динининг жинсий муносабатлар хусусида ғоятда маъқул, ниҳоятда мақбул тавсиялари бор. Биринчидан, никоҳ суннат ва савобдир; никоҳланган кишининг савоби ортади. Уйланган киши уйига бир ҳисса егулик ва ичгулик олиб келса, етти юз ҳисса савоб берилади. Рўзғор тебратиш учун қилинган сарф-харажатлар жиҳод қилиш билан баробар ҳисобланади (яъни «жиҳод» деганда фақат уруш назарда тутилмайди, савоб фақат уруш туфайли ҳосил бўлмайди, бунга аҳамият бермоқ лозим). Ҳатто никоҳдаги эр-хотиннинг жинсий алоқасида ҳам савоб бор. Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васаллам шу ҳақда гапирганларида саҳобалар: «Шаҳватини қондирса ҳам ажр бўладими?» дейишди. Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ана шу шаҳватини ҳаромдан қондирганида, гуноҳ бўлармиди? Ҳалол йўл билан қондиргач, савоб бўлади» деган маънода сўз айтдилар.

Исломда инсон табиатига, фитратига, яратилишига ғоятда мос бир хатти-ҳаракат мавжуд. Эрнинг хотини ёнига узоқ муддат яқинлашмаслиги ҳам дуруст эмас. Чунки у аёлнинг ҳам жинсий хоҳишлари бор, унинг ҳам эҳтиёжларини қондириш керак, деган маънода адолат қилишга чақирилган. Шунинг учун Исломда шаръий жинсий муаммога эътибор беришган, уни асло айб санашмаган. Баъзан эр-хотиннинг ажралиши сабабларини диққат билан ўргансангиз, оиланинг бузилишига олиб келувчи жиддий ҳолатларни учратмайсиз. Бизда оиланинг бузилишига айнан жинсий муносабатлардаги етишмовчиликлар ҳам сабаб бўлиши мумкинлиги сира айтилмайди. Бу айб саналади. Ҳатто айрим эрларнинг ёки аёлларнинг зинога юриб кетишларига ҳам бир-бирларидан қоникмаганлари сабаб бўладики, буни эътибордан четда қолдириш мумкин эмас.

Шаъбий розияллоҳу анҳу айтадилар:

«Бир аёл ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг ҳузурларига келиб: «Эй мўминларнинг амири, сизга инсонларнинг энг яхшиси устидан шикоят қилгани келдим. У шундай одамки, яхши амал борасида унга етадиганлари оз. Кечалари тонггача намоз ўқийдилар ва кундузлари доимо рўзадор бўладилар», деганидан кейин уялиб, аслида айтмоқчи бўлган гапларини айтолмади ва: «Эй мўминларнинг амири, мени кечиринг», деди.

– Яхши, – дедилар ҳазрати Умар. – Аллоҳ сендан рози бўлсин. Сен у одамни жуда яхши сифатлар билан мақтадинг. У ҳақда бундан ортиқ бирор нарса гапиришингга ҳожат йўқ.

Аёл чиқиб кетгач, Каъб ибн Сур розияллоҳу анҳу дедилар:

– Эй мўминларнинг амири, аёл уялиб, шикоятини сўзлай олмади.

– Аёлнинг қандай шикояти бор эди?

– Аёл эридан «Завжият (яъни эр-хотинлик) ҳақ-ҳуқуқларига риоя этмаётир», деб шикоят қилмоқчи эди.

Бу гапни эшитганларидан сўнг ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу аёлни орқага қайтариб, унинг эрига ҳам хабар юбордилар ва аёлнинг эри келгач, Каъбга:

– Ораларида сен ҳакамлик қил, – дедилар.

– Сиз турганда мен қандай ҳакамлик қиламан?

– Мен тушунмаган нарсага сенинг ақлинг етди. Бинобарин, уларни эшитиб, ораларида ҳукм этмоқ сенинг ҳаққингдир, – дедилар халифа.

Шунда Каъб ҳалиги одамга:

– Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло эрларга хитобан: «Агар етимларга адолат қила

олмасликдан қўрқсангиз, ўзингизга ёққан аёллардан иккитами, учтами, тўрттами, никоҳлаб олинг», дея марҳамат қилганига кўра, кўпи билан уч кун (нафл) рўза тутишинг мумкин. Тўртинчи куни тутмаслигинг керак ва кўпи билан уч кеча тонггача ибодат қилишинг мумкин. Тўртинчи кеча аёлингнинг ёнида ётишинг лозим, – дедилар.

Эр-хотин кетишгач, ҳазрати Умар Каъбга:

– Сенинг бу топағонлигинг боягисидан ҳам гўзалдир, – дедилар ва уни Басрага қози этиб тайинладилар».

Бу ривоятда гўзал бир донолик ҳам чарақлаб турибди: ҳазрати Умар эрга тўғридан-тўғри «эрлик вазифангни бажар», деб амр қилмадилар ва буни доно биродарларига топширдилар. Каъб ҳам ўта нозиклик билан тушунтирди. Чунки у киши ҳам «ибодатингни йиғиштириб, хотининг билан бирга бўл», дея олмасдилар.

«Уйланишдан, хотин олишдан ҳамманинг мақсади бир хил эмасдир», дейилса, бу фикр дастлаб ғалати туюлиши мумкин. Баъзилар айш-ишрат қилиш, шахват нафсини қондириш учун уйланмайдиларми? Шу ниятда энг сулув қизларга етишмоқ учун не-не шумликлар қилмайдилар? Бу шумликнинг оқибатини биз «оила» дея олмаймиз. Баъзилар эса бой бўлиш мақсадида бой хотинга тузоқ қўядилар. Бунинг натижаси ҳам «оила» эмас. Яна бир хил одамлар фарзандталаб бўладилар ва шу мақсадда оила қурадилар. Баъзи одамлар гуноҳдан сақланиш учун уйланадилар. Яна бир қанчалари уй-рўзгор, саранжом-сариш-таликлари учун уйланадилар.

Оила қуришда улуғ савоблар борлигини яна таъкид этайлик. Шундай инсонлар борки, савоб учун атайин уйланишади, савоб истагида турмушга чиқишади. Бир илмли одам бир қизни сўраб, совчи юборади. «Аллоҳнинг амри, ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига мувофиқ қизингизга уйланмоқчилар. Биз розилигингизни олмоққа келдик», дейишади совчилар. «У киши жонимни сўрасалар, жонимни берай, аммо қизим у зотга муносиб эмас. Чунки қизимнинг икки оёғи шол. У муҳтарам зотга эса хизматларини адо этувчи соғлом жуфти ҳалол керак», дейди қизнинг отаси узр билан. Совчи қўйган киши қизнинг аҳволидан хабардор эди. «Бу қиз ногирон бўлгани сабабли унга ҳеч ким уйланмайди. Мен шу бечорага уйланиб, кўнглини кўтарай», деган қароридан қайтмайди.

Шунга ўхшаш бошқа воқеа: Шўҳрат Умаров исмли шоир биродаримиз бўлардилар (Аллоҳ раҳмат этсин!) Шўҳрат ака талабалик йилларида йиқилиб, беллари майиб бўлиб ётиб қолган эдилар. Бу ҳолдан хабар топган шоира синглимиз Насибахон тақдирларини шу ногирон шоир тақдири билан боғлашга қарор қилдилар. Ёш ва гўзал қизнинг бу қарори кўпчиликни таажжубга солди. Таажжубланганлар Насибахоннинг ташқи гўзалликларини кўрардилар-у, аммо қалб гўзалликларини, иймон гўзалликларини ҳис қила олмасдилар. (Биз шунақамиз: ногирон фақат ногирон билан турмуш қуриши керак, деган бемаъни тушунча билан яшаймиз. Соғлом йигит шол ёки кўзи ожиз қизга уйланса, ажабланамиз. Гўзал қиз ногиронни севса, ишонқирамаймиз. Демаймизки, Аллоҳ розилиги учун қилинаётган бу амаллар нақадар гўзал!) Шўҳрат ака билан Насибахонга Аллоҳ солиҳ ўғил фарзанд берди. Шўҳрат ака ҳали ёш ўғилларига: «Онангни ҳаж ибодатига олиб борасан», деб васият қилган эканлар. Беҳзод улғайгач, ота мерос автомашина сотилиб, васият бажарилди – Аллоҳ она ва болага улуғ ибодатни насиб этди. Насибахоннинг бахтларини айнан шу оилада топганларига ишора эмасми бу?!

Улуғлик деганимиз ҳам шу, қаҳрамонлик деганимиз ҳам шу! Оиланинг муқаддас тушунча эканига ҳам мисол шу.

«Уйлаишдан олдин иккала кўзингни катта оч, уйланганингдан кейин бит-тасини юм», деган тағдор бир ҳикмат борки, кўпчилик унга амал қилмайди. Аввало, йигитнинг ҳам, қизнинг ҳам кўзларини катта очишларига ота-оналари йўл қўймайдилар. Кейин эса ёш хотиннинг ҳаракатларини кузатишда битта кўзни юмиш ўрнига тўрт-бешта кўз билан қарай бошлайдилар.

Йигит ва қиз ёстиқдош бўлгунларига қадар бир-бирларининг одатлари, феъл-атворлари ва руҳиятларини муқаммал ўрганишмаса, оилани бахтиёрлик пойдеворига қуришлари осон бўлмайди. Чунки яхши оила қуриш учун биргина муҳаббат кифоя эмас. Орада дўстлик ва ишонч ҳам бўлиши керак. Шундай оилаларни учратамизки, эр-хотин бир-бирини севади, турмуш қуришни эса билмайди. Оила қуришда маълум босқичларда биргаликдаги кураш, машаққатларни биргаликда енгиб ўтиш талаб этилади. Дейдиларки: «Муҳаббатнинг кўзи кўр бўлади». Яъни бир-бирига кўнгил қўйган йигит ва қиз унча-мунча хато ва камчиликларни сезмайдилар, сезсалар ҳам, эътибор бермайдилар. Муҳаббатнинг кўзи кўр бўлса-да, оиланинг кўзлари ҳамиша очиқ бўлади. У ҳатто тунлари ҳам юмилмайди. Илгари арзимас ҳисобланган камчиликлар жиддий аҳамият касб эта бошлайди. Ота-оналарнинг эса бошлари қотади: ахир бир-бирларини яхши кўришарди-ку? Йигит «Шу қиздан бошқасига уйланмайман» деб, қанча «номзод»ларни рад этган эди-ку? (Қиз ҳам бошқа йигитларни хушламаган эди!)

Бир-бирини билиш – бир-бири ҳақида ҳамма нарсани билиш эмас. Бу бир-бирига нисбатан ишончли ва ёқимли муносабатда бўлиш, бир-бирига ишониш демакдир. Одам бошқа шахснинг руҳий оламига бостириб киришга уринмаслиги керак. Аёл билан танишиш учун бир неча дақиқа етарли, уни яхши билиш учун эса йиллар керак. Айрим «доно»ларнинг фикрича, аёлни тўлиқ билиш учун у билан ажрашиш керак экан. Албатта, биз бу фикрни ҳазил маъносида қабул қиламиз. Лекин айрим эр-хотинлар ажрашиб кетганларидан сўнг, айниқса бошқа оила қурганларидан кейин бир-бирларининг қадрларига ета бошлайдилар. Аксарият яхши эрнинг қадрига етмаган хотинга Аллоҳ янада золироқ эрни, солиҳа аёлнинг қадрига етмаган эрга эса куйдиргувчи хотинни рўпара қилиб қўяди. Чунки эр ёки хотин шайтон васвасасига кириб, Раҳмон йўлини унутганлари учун шундай жазони олишлари тайин. Демак, никоҳ чоғи қасамёд қилдингми, энди оиланг ҳаққига риоя қил, тотув яша. Бўлар-бўлмагса жанжал чиқарма. Хотинни (ёки эрни) янгилашга ошиқма. Оилани қайта-қайта бузиш иймонсизларга хосдир.

Европаликларда «эрлар аёллар учун биринчи бўлишни, аёллар эса эрлар учун сўнггиси бўлишни орзу қиладилар», деган гап бор. Бир қараганда ақлли гапга ўхшайди. Аммо бу ўша томон учун ақлли, уларнинг оила ҳақидаги бузуқ тушунчаларига мос келади. Дейилмоқчики, эр аввал бошқа эркак билан турмуш қурмаган қизга уйланишни орзу қилади. Агар зинога аралашган бўлса, фарқи йўқ, бу ёғига ҳалол юрса бас. Хотин эса «Эрим менгача юрган бўлса юргандир, энди юрмасин», деб орзу қилади. Эътибор беряпсизми, орзу қияпти! Ислонда эса бундай бузуқ ҳолда оила қуриш ман этилади. Оила номусига гард ҳам қўнмаслиги керак.

Ҳозирги кунимизда ғарб мамлакатларида оилага муносабат ёмон томонга ўзгариб кетган. Ҳолбуки, аввалги замонларда уларда ҳам оила муқаддас деб ҳисобланган. Оилага «эркинлик» мартабасининг берилиши жамиятни ҳам бора-бора издан чиқаради. Чунки «эркинлик» тушунчаси «Нима истасанг, қилавер»,

дегани эмас. Аллоҳ «Мендан уялмасанг, нима истасанг қилавер», деб бекорга огоҳлантирмаган. Аллоҳдан уялмادими, демак, ота-онасидан ҳам, қариндошлари, атрофидаги бошқа одамлардан ҳам уялмайди, кенгроқ маънода олсак, жамиятдан уялмайди. Уялмادими, жамият олдидagi бурчини унутади. Жамият қонунларидан юз ўтирган оилалар кўпайса, бу жамиятнинг ҳолига вой эмасми?!

Ғарбда бугунги кунда оила бобидаги бир қанча бузилишлар мавжуд:

* * *

Одамни ҳайвондан ажратиб турувчи нарса – онгли равишда покиза оила қуриш. Оила деганда биз эр ва аёлнинг қўшиливини англаймиз. Лекин эркак билан эркакнинг, аёл билан аёлнинг қўшиливини «оила» деб аташ одамзодни ҳайвонот олами билан теппа-тенг қилиб қўймайдими? Бу фикрни яна қайта таъкид этишим бежиз эмас. Мазкур ҳолатни ҳайвонот оламига ўхшатяпмиз-у, аммо урғочи билан урғочининг, нар билан нарнинг қўшиливи ҳайвонларда ҳам йўқ. Эркакнинг эркакка интилиши бир неча юз йиллардан бери мавжуд, бироқ жамият бундайлардан нафратланиб келган, кўпайишига йўл қўймаган. Лут алайҳиссалом қавмларига юборилган офатни эсласак, кифоя қилар? Эндиликда эса бундай «оила» қуришга турли мамлакатларда қонун йўли билан рухсат беришга интилиш бор.

* * *

Оила қурмай, якка-ёлғиз яшашга интилиш кучли. Маълумотларга кўра, жаҳон бўйича америкаликлар бу соҳада ҳам пешқадам эканлар. Эркакнинг ёки аёлнинг оила қуришдан бўйин товлаб, ёлғиз яшаши ҳам оқибатда жамиятнинг жар ёқасига келтириб қўяди. Илгарилари собиқ иттифокнинг Европа қисмида шундай одамлар рағбатлантирилди. «Мать одиночка» деганлари бўларди. Яъни боланинг онаси бор-у, отаси йўқ. Бу хонимча мутлақо оила қурмасдан, кимдандир бола орттирганлар. Шунинг учун унга навбатдан ташқари уй беришгача борганлар. Мана энди «Россияда аҳоли кескин камайиб кетяпти», деб бонг уриб ўтиришибди. Ўтмиш ғарб файласуфларидан Энгельс «Хотиннинг эрга бўйсунуши фақат иқтисодий қарамликка боғлиқ. Яъни, эр – моддий таъминотчи, агар хотин ўзини ўзи таъминлай олса, эрга бўйсунмай қўяди», деган ғояни илгари сурган эди. Бу ғоя орадан юз йил ўтиб, ўша томонларда ўз иботини топяпти. Лекин бу ғояни ҳаётий ҳақиқатга асосланган, деб бўлмайди. Қайсики оилада руҳий-маънавий тушкунлик ҳукмрон бўлса, бу ғоя ҳам яшайди. Танҳо яшовчи одамнинг (у хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин) ҳаёти қанчалик яхши таъминланганидан қатъи назар, қашшоқликдан иборатдир.

* * *

Биз томонларда оила бузиладиган бўлса, эр хотинни талоқ қилади ёки ташлаб кетади. Европада эса акси: эрни хотин ташлаб кетади. Русларда «брошенный муж» деган ибора бор. Уларда хотини ташлаб кетган эр нима қилиши керак, деган муаммо ҳам мавжуд. Хотин эрни ташлаб кетди, дегани отасининг уйига бориб турибди, дегани эмас. Хотин эрни нима учун ташлайди? Севмай қолгани учун. Уларда севиб қолиш ҳам осон, севгидан айланиш ҳам осон. Хотинга бошқа эркак ёкиб қолса, эрига: «Ранжимагин, мен бошқани севиб қолдим», деб кетаверади. Бу ўринда оила фақат бузуқлик туфайли бузилади.

Биринчи ҳолат ҳам, иккинчи-учинчиси ҳам юқумли хасталикка ўхшайди.

Тез тарқалади, давоси эса ғоят мушкул. Оқибат эса миллатнинг йўқ бўлиб кетишигача олиб бориши ҳеч гап эмас. Демокриманки, бизда ҳам бу касаллик нишонлари кўриниб қоляпти. Зийракликни бой берсак, кечикиб қолишимиз мумкин. Қишлоқларда сезилмайди, аммо шаҳарларда эрдан ажралганидан кейин «Агар эр шунақа бўлса, бети курсин, жонимни қийнамай, эрсиз ўтаман бу дунёдан», деб бошқа турмуш қурмай яшовчи аёллар сони камаяётгани йўқ. Биз бу аёлларни бузуқликда айблашдан йироқмиз. Лекин оила билан яшасалар, ўзлари учун ҳам, жамият учун ҳам дурустроқ бўлади. Яширишнинг ҳожати йўқ, агар ким «Фалончининг кизи эрдан ажраб, кўп қаватли уйда ёлғиз яшаркан», деб эшитса, хаёлига дарров шум фикр келади. Қўшни аёллар ҳам ёлғиз яшовчи бу хотинни тинмай кузатишади. Агар унинг уйига бирон бегона эркакнинг меҳмон бўлганини билишса, тамом, «достонлар» битилаверади.

Турмуш қурмай, ёлғиз яшаш ғарбликлар учун янгилик эмас. Насроний дини тобелари орасида таркидунёчилик одати бор. Насронийлар бунинг учун махсус дайрлар (роҳиблар яшайдиган монастырлар) курадилар. Роҳибларга уйланиш, роҳибаларга турмушга чиқиш ман этилади. Улар «Уйланиш ва фарзанд орттириш кишини Ҳақ хизматидан ва Худога яқин бўлишдан четлаштиради», деган ақидага асосан турмуш қурмасликни комилликдан деб биладилар. Оила қуриш, унинг ташвишлари муқобилида эркин яшаш роҳати туради. Агар одамзод ихтиёри ўзида бўлганида, шу роҳатдан бошқасини истамаган бўларди. Аммо Яратган Аллоҳ ҳам эр, ҳам аёл мижозига шаҳватни қўшиб берганки, ана шу шаҳват тақозосига кўра бирга бўлишни истаб, оила курадилар. Шу сабабли башарият насли Аллоҳнинг иродасига кўра охиратгача сақланиб қолади. Шаҳват тақозоси деганимиз бир сабаб. Аслида оила қуришни, насл қолдиришни Аллоҳ ирода этган, бандаларга фарз қилган. «Бақара» сурасида бу ҳусусда шундай маъноларни ўқиймиз:

«Аёлларингиз экинзорларингиздир». (Бу сўзлар билан Қуръон эр-хотиннинг яқинлашувидан биринчи муддао – фарзанд талаб қилиш эканига ишора этмоқда. Зироат ерлари уруғ сепганда самара беради. Хотин ҳам экинзордир ва ҳосили – фарзанд. Бас, ўз хотинларингиз билан фарзанд ниятида алоқа қилинг ва келажакда ўзларингиз учун фарзанд тарбияланг. Туғилиш ва висол учун берган қувватни бекор қолдирманг ва зое қилманг). «Ва Аллоҳга тақво қилинг ҳамда билингки, албатта, Унга рўбарў келувчисиз. (Эй Муҳаммад,) мўминларга хушхабар бер».

Демак, уйланиш ва оила қуриш иймон талабларидан бири экан. Буни дунёвий мисол билан шарҳласак: бир одам ижарага ер олди, деҳқончилик қиламан, дегани учун унга банк маблағ ҳам берди. Аммо бу одам ваъдасига хиёнат қилди. Ерга қарамади, маблағни бошқа нарсага сарф қилди. Мамлакат қонунига кўра у жиноий жавобгарликка тортиладими, қамаладими? Демак, эрлик қувватига эга одам бу қувватни ишлатишда Лут қавмига ўхшаса ёки бошқа бузуқликлар қилса, Аллоҳ белгиланган қонунга хиёнат қилган бўлади ва шунга яраша жазосини олади. Анас розияллоху анҳу ривоят қилган бир ҳадис бор. Набий соллаллоху алайҳи васаллам дедиларким: «Аллоҳга қасамки, мен Аллоҳдан энг қўрқувчирингизман ва Унга энг тақводорингизман. Лекин рўза ҳам тутаман, оғзим очик ҳам бўлади. Намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам, аёлларга уйланаман ҳам. Бас, ким менинг суннатимдан юз ўгирса, мендан эмас». Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: «Сизларнинг энг ёмонларингиз хотин олмаган кишидир», деб марҳамат қиладилар. Уйланишни истамаганлар илоҳий қонунларга қарши иш тут-

ганлари сабабли Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай қаттиқ ҳукм чиқарганлар. Саид Абу Ҳилол розияллоҳу анҳу ривоят қилишларича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уйланинглар ва ўз нуфусларингизни зиёда қилингларким, Қиёмат куни мен сизларнинг кўплигингиз билан фахр қиламан», деганлар. Бу бежиз эмас. Чунки миллатларнинг куч ва шавкату эътибори уларнинг нуфусига ҳам боғлиқ. Европаликлар буни яхши англаганлари учун ҳам доимий равишда аҳолининг ўсишини кузатиб борадилар. Ўсиш етарли бўлмаса, олимлари: «Ҳой ватандошлар! Кўзингизни очинг, миллатимизнинг шарафу эътибори сусаймоқда. Бу кетишда миллатимиз нест-нобуд бўлади. Шарафимизни, ватан ва миллатимизни ҳимоя қилиш учун арзанда фарзандларни кўпайтиринглар!» деб жар соладилар.

Тарихда Пол Демар исмли француз социологи ва иқтисодчиси яшаган. У миллатининг ўн тўққизинчи асрдаги, яъни юз йиллик давридаги сонини тадқиқ қилган экан. Унинг ҳисобига кўра, аҳолининг ўсиши бўйича французлар инглиз ёки олмонлардан ортда қолишибди. 1810 йилда Франция аҳолиси 28 миллион, Англияники 10, Олмон аҳолисининг сони 18 миллион экан. Йигирманчи аср бошига келиб, Олмон аҳолиси 59, Англия аҳолиси 62 миллионга, Франция аҳолиси эса 39 миллионга етибди. Бу дегани 80-90 йил мобайнида инглизлар 52, олмонлар 41 миллионга ошганлари ҳолда, французлар 11 миллионга кўпайибди. Бу ҳисобдан қониқмаган олим миллат қайғусида шундай ёзган экан: «Агар аҳвол шундай давом этаверса, биз нафақат ватан муҳофазасидан, балки ҳаёт орзусидан ҳам маҳрум бўламиз. Бугун биз – французларнинг мамлакати ва миллати жар лабига келиб қолган. Бу чуқурга тушиб кетишимизга оз қолибди. Лекин ҳали ҳам кеч эмас, миллат ва ватанни ушбу ҳалокатдан қутқариш учун ҳимматимиз ва саъй-ҳаракатимиз керак». Европа олимлари миллатларининг камайишидан ана шу даражада қўрқадилар. Энди Пол Демарнинг тадқиқотини давом эттирсак, мана бу ҳолатга дуч келамиз: ўтган асрнинг етмишинчи йилларига келиб, Англияда аҳоли сони 45,3 миллион, Германияда 76,5 миллион, Францияда эса 53 миллионни ташкил этган. Бу рақамларни солиштиришдан аввал орада икки марта жаҳон уруши бўлиб ўтганини, уларда миллионлаб одамлар ўлдирилганини ҳисобга олишимиз керак. Демак, кейинги 60-70 йил ичида Англия аҳолиси камайибди, олмонлар ва французлар эса кўпайибди. Лекин шунга қарамай, уларнинг олимлари ҳануз ташвиш билан бонг урадилар. Чунки кўпайиш айна шу миллат вакиллари ҳисобига бўлмаяпти. Иккинчи жаҳон урушидан кейин бу мамлакатларга бошқа қитъалардан одамларнинг кўчиб келиши кўпайди. Гарчи миллионлаб осиеликлар, африкаликлар ҳам ушбу мамлакат фуқароси ҳисоблансалар-да, айна мазкур миллат шаънини белгиламайдилар. Фикримизнинг исботи учун ушбу мамлакатларнинг футбол терма жамоаларига назар ташлайлик: асл инглизларга нисбатан келгинди халқлар вакилини кўпроқ учратамиз. Илгари бу мамлакатларнинг мустамлакачилари осиелик ва африкаликларни зўрлаб, қул қилиб ҳайдаб келган бўлсалар, эндиликда бу қитъалардан ёпирилиб келаётганларнинг йўлини тўсолмай гаранглار. Таъбир жоиз бўлса, қадим қулларнинг авлодлари бугунга келиб қулдорлар юртини забт этяптилар.

Олти-етти йил муқаддам Германияда чиқадиган «Вельт» газетаси ўтказган бир тадқиқот билан танишиб қолдим. Бу тадқиқотда 35 ёшгача бўлган немис аёллари иштирок этганлар. Мухбирлар уларга биттагина савол билан мурожаат этишган: немис аёллари нима учун фарзанд кўришни мумкин қадар орқага

чўзишади (пайсалга солишади)? Бу савол бекорга кун тартибига қўйилмаган. Кузатувларга қараганда, немис аёллари кейинги йилларда биринчи фарзандларини 29 ёшга етганларида кўришар экан. Ваҳоланки, ўн беш йил муқаддам бу кўрсаткич анча паст бўлган. Сўровга жавоб берганларнинг 44 фоизи эр ва аёлларнинг бир-бирига бўлган ишончсизлигини ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги бандлигини асосий сабаб сифатида кўрсатишган. Германия ҳукумати фарзанд кўраётган оналарнинг ижтимоий ҳимоясини йилдан-йилга кучайтириб боришига қарамай, аҳволнинг бу даражага тушиб қолиши жамиятни ташвишга соляпти. Чунки Германия демографик кўпайиш жиҳатидан дунёда охириги ўринлардан бирига тушиб қолибди. «Наҳотки пул топишга бўлган қизиқиш оилавий бахтдан юқори турса?» «Берлинер цайтунг» газетаси жамият ташвишини шу савол орқали кун тартибига қўйибди.

Юқорида Россия аҳолисининг камайиб боришидан мамлакат раҳбариятининг ташвишланаётганини баён қилиб эдик. 1982 йилда Латвияда бўлганимда, шу ерлик бир ёзувчи: «Яқин юз йил ичида менинг миллатимдан ном-нишон қолмайди», деб афсусланган эди. Чиндан ҳам ўша пайтда латвияликлар сони бир миллионни ташкил қилар, туғилиш даражаси эса паст эди. Миллатни сақлаб қолиш учун ҳар оила камида уч фарзандни дунёга келтириши керак. Иккита фарзанд – ўринга ўрин қолди, демак. Битта фарзанд – миллатнинг кескин камайишидан дарак. Фарзандсиз оила – миллатнинг фожиаси. Европа олимлари ўз миллатларининг тақдиридан ташвишланиб, кўпайиш жиҳатидан суръати тез миллатларда туғилишни камайтириш чораларини кўришга ҳаракат қиладилар. Шу ниятда турли халқаро анжуманларга йиғилишиб, талай халқаро битимлар, қарорлар имзолайдилар.

Шулардан бири аёлларнинг ҳомиладор бўлишларининг олдини олиш, абортга расмий рухсат берувчи қонунлар қабул қилишга даъват этиш каби уринишлардир. Бу ҳаракатларга Ислон олами қатъий қаршилик билдирди. Рим папаси ҳам мазкур уринишларни Худонинг хоҳишига қарши ҳаракат сифатида баҳолади. Зотан, хотин ва фарзанд Худованди Каримнинг улуғ неъматларидан саналгани учун бу неъматларга куфр келтирмоқликдан сақланиш шарт. Хулоса чиқадики, фарзандлар балоғат ёшига етганларида уларни уйлантириш (турмушга узатиш) ота-она зиммасидаги фарз, бажарилиши шарт бўлган вазифадир. Агар ота-она вафот этган бўлса, бу фарз яқин қариндошлар зиммасига ўтади. Агар улар ҳам бўлмаса, бу вазифани маҳалла, қўни-қўшнилар, дўстлар бажарадилар.

Оиланинг барпо этилиши гўзал ҳодиса: тўю томошалар билан нишонланади, бу кунларга йиллаб тайёргарлик кўрилади. Барбод этилиши эса хунук манзара, бунга ҳам узоқ ойлар ёки йиллар тайёргарлик кўрилади. Фақат одамнинг ўзи буни сезмайди. Ҳеч ким озгина бирга яшаб, кейин ажралишиб кетайин, деган мақсадда оила қурмайди. Лекин...

Лекин нима учун оила бузилади? Бунга аниқ бир жавоб бериш қийин. Ҳар бир ҳолатда ўзига яраша сабаб ёки баҳона бўлади. Лекин алоҳида бир сабабларни умумий тарзда бирлаштириб турувчи сабаблар ҳам мавжудким, шулар ҳақида яна бир фикрлашсак.

Сир эмас, оилаларнинг бузилиши ҳоллари тобора кўпайиб борапти. Расмий маълумотларга кўра, Тошкентда турмуш қурган ҳар юз ёшнинг қирқтаси ажрашиб кетяпти. Буни айримлар иқтисодий қийинчиликлар билан боғлашапти. Лекин мен бу фикрга қўшилмайман. Бу фикр бизни оилага хос бўлган асосий

масалалардан чалғитиши мумкин. Яқин тарихимизда машаққати жиҳатидан ғоят тенгсиз ҳисобланувчи қаҳатчилик, очарчилик, кимматчилик, уруш йиллари бўлган. Бу балою офатлар машаққатларини ўз бошларидан кечирган ота-хонлар-онахонлар айтишсин: ўша оғир йилларда оиланинг бузилиши бугунгидай кўп бўлмаган-ку? Мен бунини ўз оиламиз мисолида ҳам айтишим мумкин. Дадам раҳматли Марғилондан, аям раҳматли Андижондан Тошкентга ўқишга келиб, шу ерда турмуш қурган эканлар. Беш фарзанд кўриб, барчаларини ўқитганлар. Камина бешинчи фарзандман. Қарийб йигирма беш йил мобайнида бизнинг ўз уйимиз бўлмаган. Ижара уйларда яшаб келганмиз. Оиланинг ягона бисоти – эски сандиқ уйдан уйга кўчавериш натижасида шалағи чиқиб кетаёзган эди. Гилам деган матоҳни орзу ҳам қилмаганмиз. Мен ўша ўтмишни эсласам, «Ҳаммамиз ижара уйларда туғилганмиз», деб ҳазиллашиб қўяман. Ҳолбуки, бу ҳазил эмас, ҳақиқат эди. Ҳукумат томонидан ҳовли берилиб, бир уй, бир даҳлиз қуриб, кўчиб келганимиздан кейин ҳам машаққатлар давом этган эди. Куз, киш, баҳор чакка ўтган уйларда дийдираб яшардик. Мен бу ўринда шунчаки хотираларни баён қилаётганим йўқ. Бизга ўхшаб азобланиб яшаган оилалар жуда кўп эди. Лекин «Қийинчилик ваҳждан оиласи бузилибди», деган гапларни кам эшитардик. Ота-оналаримиз қурган оилани нима ушлаб турарди? Сабр-бардошми? Бир қишлоқда айтиб беришган эди: қийинчилик йиллари қишлоқ раисининг уйида ямоқ тушмаган битта атлас қўйлак билан битта тоза тўн сақланаркан. Турмуш қураётган келин ва куёв шу сарпони бир кунга олиб туришар экан. Шундай ҳолатда оила қурганларнинг набиралари энди никоҳга «Мерседес», «Лимузин»ларда боришни талаб қилишяпти. Майли, боришса боришсин. Биз фарзандларимизга қийинчилик тиламаймиз. Бизнинг уйимизда гилам бўлмаган бўлса, уларнинг уйлари қўша-қўша гиламлар билан тўлсин. Лекин бу моддий таъминот нима учун фарзандларимизнинг бахтли турмуш кечиришларини таъмин эта олмаяпти? Биз шу ҳақда кўпроқ ўйлашимиз шартга ўхшаб қолди. Келин ва куёв танлаш ҳуқуқи биз – ота-оналарда бўлатуриб, нега шошиламиз, нега ўйламай қадам босамиз? Ёшларни-ку, ҳаётни билмайди, ғўр, деймиз. Ўзимиз-чи? Ўзимиз ҳам ҳаётни билмаймизми?

Кўпчилиكنинг фикрича, никоҳ жинсий алоқага рухсатдан иборатдир. Жинсий алоқанинг ижозат этилган ва ман қилинган жиҳатлари мавжудлигини аксарият ёшлар билмайдилар, тарбия берувчи оталари ҳам бундан беҳабар бўлсалар, эҳтимол. Хабардор бўлган тақдирларида ҳам, ўғил билан бу мавзуда суҳбат қуриш одати бизларда йўқим, бу афсусли ҳолдир. Ислол илмидан оз бўлса-да хабари бор домла никоҳ чоғида Қуръон оятлари асосида бу хусусда маълумот бериб қўйиши шарт, деб ўйлаймиз. Чунки ғарбнинг беҳаё фильмларини кўраётган ёшларнинг айримлари жуфти ҳалолларидан ўша кинода кўрганларига ўхшаш алоқани талаб қиладилар. Бундай алоқани ўзи учун шармандалик деб билган келинларнинг уйларига қайтиб кетиб қолиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Кетиб қолмаган тақдирларида ҳам, куёв боланинг ўз нафсини ташқарида қондиришга уриниши бошланиб қоляпти. Бизнинг ёш оилаларимизга ғарбдан шундай балолар даф қиялптики, биз катталар ғофил бўлмайлик. Бу ўринда отанинг ўғлига насиҳати муҳим. Шу боис, азизлар, бу мавзуда сўз очиш уят ёки одобдан эмас, деган истиҳолага борманг. Тўғри, сиз дафъатан «Сен шундай беҳаёлик қиладиган эмишсан», дея олмайсиз. Бунга асосингиз йўқ. Келинингиз ҳеч қачон сизга шикоят қилмайди. Агар шундай ҳолатлар юз бераётган бўлса, у ўз онасига айтиши ва қудалар орқали маълум бўлиши мумкин. Лекин бундай ҳодиса юз беришини кутиб ўтириш шарт эмас. Ўғлингиз бундай беҳаёликдан

узоқ бўлса ҳам, умумий тарзда «Баъзилар кинода кўрганларини хотинидан талаб қилар экан, бу гуноҳ ҳисобланади» қабилида, эслатма тарзида айтиб қўйилса, зарар қилмайди.

Никоҳ ўқиётган домламиз ёшларга талоқнинг маъносини ҳам англатиб қўйишлари керак. Кўпчилик талоқнинг маъносини билмай яшайди ва кунларнинг бирида ғазабланиб, «Уч талоқсан!» деб юборади. Шу бир оғиз ҳукм билан оила бузилади. Кейин ярашмоқчи бўлиб боришса, домламиз: «Уч талоқ», дебсиз, қайта никоҳланмайди», деб қаттиқ туриб оладилар. Бу масалада озгина мулоҳазамиз бор: ушбу оила шаръий ҳукмлар асосида яшамади, шариат нималигини билмайди, шунинг баробарида эр ҳам, хотин ҳам талоқ тушунчасидан беҳабар. Эрнинг билгани: «Уч талоқсан, уйингга жўна!» Хотин ҳам битта бўғчасини тугиб, боласини етаклаб, йиғи-сиғи билан отасиникига қайтаверади. Уларнинг онгида «идда», «махр» деган тушунча ҳам йўқ.

Агар оила бузилса, биринчи галда хотинни айблашга кўникиб қолганмиз. Қайсидир биродаримизнинг ажрашганини эшитсак, «Хотини ёмондир-да», деб қўямиз. Камдан-кам ҳолларда «Ўзи ёмон-да», деймиз. Оила бузила бошлаётганини эшитсак, «Эр-хотиннинг орасига эси кетган тушади», деб ўзимизни олиб қочамиз. Бу таънани ноўрин деб биласизми? Унда эслаб кўрайлик-чи, қайси оилани ўнглаб қўйишга ҳаракат қилдик? «Баттар бўлмайдим!» Баъзан шу тўхтамга ҳам келамиз. Ахлоққа доир кўп китоблар кўришга тўғри келди. Оиланинг бузилиши масаласи кўрилганда уларда ҳам асосий айб хотинлар зиммасига юкланади. Наҳотки эркаклар фаришта каби беайб бўлсалар? Кунда маст-аласт юрса ҳам, эр «яхши». Хотинини дўппосласа ҳам, эр «яхши» – хотин яхши бўлса, калтак ермиди! Хотинининг топиб келганини совурса ҳам, эр «яхши». Яхши... яхши... минг марта яхши! Ҳатто оиласига хиёнат қилиб, зино устида қўлга тушса ҳам, эр «яхши». «Ҳа, энди йигитчиликда шунақа шўхликлар бўлиб туради-да!» деб қўя қоламиз. Ваҳоланки, зино Аллоҳ ҳаром қилган ишларнинг энг катталаридан эканини ҳар биримиз яхши биламиз.

Ислонда эркакнинг зиммасига моддий таъминот ва жисмоний ҳимоядан ташқари, хотинига адолатли бўлиш, унинг ҳаққига риоя қилиш масъулияти юкланган. Хотин кечки овқатни пишириб қўйиб, эрнинг келишини кутади, эр иши кўплиги баҳона, бузуқликда юрмаса ҳам, ошналари билан чойхонада паловхонтўра билан тиллашадилар. Нима деймиз, бу адолатданми? Эр оилада ҳукмрон эканлигини яхши англайди, ҳукмрон мартабасида туриб, хотинига фақат қўпол муомала қилади. Хотиннинг ширин сўз эшитишга ҳаққи йўқми? Агар оила бузилиш жари ёқасига келиб қолган бўлса, айбни ҳар икки томондан излаш керак. Шунда оилани сақлаб қолиш имкони кенгайди. Агар айб бир томонга ағдарилаверса, тарозининг бир палласи дош беролмай қолиши мумкин.

Аллоҳ таборака ва таоло марҳамат қилади: «Агар аёл киши ўз эридан ёқтирмаслик ва юз ўгириш содир бўлишидан кўрқса, икковлари ўзаро сулҳга келишишларида (яъни аёл эрининг ҳоли ва хоҳишига қараб, ўзи учун эрга малол келадиган даражада нафақа талаб қилмаса, шу билан баробар эр ҳам хотинни ташламасликка, унга зулм қилмасликка рози бўлса) уларга гуноҳ йўқ. **Сулҳ (ажралиб кетишдан) яхшидир.** Нафсларга зикналик ўрнаштирилгандир. Агар яхшилик ва тақво қилсангиз, албатта, Аллоҳ нима қилаётганингиздан ўта хабардордир». Оятни дурустроқ фаҳм этмоғимиз учун уламоларимизнинг тафсилларига мурожаат қилишга тўғри келади:

Маълумки, турли сабабларга кўра эрда хотинига нисбатан нафрат пайдо бўлиши мумкин. Натижада эр хотинидан ажралмоқчи ёки ундан юз ўгириб,

талоқ ҳам қилмай, муомала ҳам қилмай, ташлаб қўймоқчи. Хотин эридан ажрашни хоҳламаса, ярашишга уринади. Эрнинг нафратига ёки юз ўгиришига сабаб бўлган ишларни бартараф этиш билан уни рози қилиб, ажралмай қолишга тиришади.

Мисол учун, ҳатто ўз қонуний ҳаққи бўлмиш маҳрнинг ҳаммасидан ёки бир қисмидан воз кечиб юбориши мумкин. «Нафақа бермасанг ҳам майли ёки озроқ нафақа берсанг ҳам, талоқ қилмасанг бўлди», дейиши мумкин. Шунга ўхшаш ҳолатга қараб, турли таклиф ва муросалар билан сулҳ тузиб, ажралмай қолишда гуноҳ йўқ экан. Шунинг учун ҳам оятнинг давомида: «Сулҳ яхшидир», дейилмоқда.

Ислонда турли усулларни қўллаб, оилани сақлаб қолишга ҳаракат қилинади. Ушбу чоралар ҳам мазкур рағбатдан келиб чиққан. Оятнинг давомида нафсларнинг қизғанишга ҳозир у нозир эканлиги таъкид этилмоқда. Яъни инсон табиатида қизғанишга мойиллик мавжуд. Одам молу мулкни, чиройли нарсаларни ёки мансабни қизғанади. Ана шу табиий ҳол эътиборга олинса, хотин томондан таклиф қилинган молу мулк ёки айрим қулайликлар эрдаги қизғаниш табиатини қўзғаб, ажралмай қолишга ундаши мумкин. Лекин инсоний алоқалар фақат молу мулк ёки баъзи бир манфаатлар асосидагина қурилмайди. Балки яхшилик, савоб ишлар қилиш каби ҳолатлар ҳам кўп. Жумладан, хотиндан нафратланиб, уни талоқ қилмоқчи бўлган ёки юз ўгириб, тек ташлаб қўймоқчи бўлган эркак шу хотиннинг ажралиш истаги йўқлигини билгач, унга яхшилик қилиб, тақво юзасидан ўзи билан олиб қолса, яхши бўлади. Аллоҳ унга ажр ва савоб беради.

Ҳар нарсанинг меъёри бўлганидек, эрни мол-мулк билан ушлаб туришнинг ҳам чегараси бор. Агар хотин бадавлат оиладан бўлса-ю, ҳар жанжалда куёв боланинг кўнглини овлаш учун бирон нима совға қилиб турилса: бир сафар уй, кейин автомашина... Айрим беморлар бир хил дорини ичаверишса, аввалига шифо берган мана шу дори оқибат таъсир этмай қўяди. Мол-мулк билан кўнгли овлаш ҳам шундай бўлади. Ёки куёв бола қимматбаҳо совғаларга ўрганиб, канага ўхшаб қолиши мумкин.

Ҳазрати шайх Ҳотами Асомнинг хотинлари ҳам солиҳа ва каромати зоҳир аёл эдилар. Бир куни Ҳотам ҳазратлари ғазотга кетмоқчи бўлиб, аёлларига:

– Мен тўрт ойлик сафарга кетгайман, шу тўрт ойлик муддатга қанча нафақа истайсан? – деб сўрадилар.

– Тирик қолишимга етгулик нафақа қолдиринг, – дедилар аёллари.

– Тириклигинг ва ўлиминг менинг қўлимда эмас, Ҳақ таолонинг измидадир.

– Ундай бўлса, менинг ризқим ҳам сизнинг қўлингизда эмас, жаноби Ҳақнинг измидадир.

Ҳотам ҳазратлари бу жавобни хуш кўрдилар ва аҳли аёлларини дуо қилдилар. Қўшни хотинлар келиб: «Эрингиздан нечун нафақа сўрамадингиз?» деб ажабландилар. Жавобан дедиларким: «Ул ҳам мен каби ризқ егувчидир, бергувчи эмасдир».

Эр-хотинлик ўртасида Аллоҳ ҳузуридаги тенглик шундай бўлади. Буни англаган оилага бузилиш хавф солмайди. Эр ўз масъулиятига, хотин ўз масъулиятига тенг жавобгарлигини ҳис этиш керак. Тенгхуққилик шундан иборат. Эр билан теппа-тенг гап талашиб, теппа-тенг олишиб – тенгхуққилик эмас, нодонлиқдир. Енгил вазндаги боксчи ҳеч маҳал оғир вазндаги боксчи билан олишмайди. Оилада ҳам мана шу қоидага амал қилинса, яхши бўлади.

Никоҳ эр ва хотиннинг ҳаётда шерик бўлишлари хусусидаги аҳд-паймондир. Аҳд-паймон ва шериклик турли соҳа вакилларида ҳам учрайди. Айтайлик, ҳунармандчиликда, тижоратда, зироатда... Агар шериклар аҳдларига вафо қилсалар, хайрли неъматларга эга бўладилар. Орага хиёнат, ғараз ёки тама аралашса, ишларидан барака кетади. Ҳар икки томон ҳам зарар кўради. Никоҳ билан боғланган оила ҳам шунга ўхшашдир. Эр ҳам, хотин ҳам аҳдига вафо қилса, оилада барака бўлади ва бундай оилани биз «фариштали хонадон» деб сифатлаймиз. Уруш-жанжалдан бўшамаган оилани эса «шайтон васвасасидаги хонадон», деб таърифлаймиз. Агар оиладаги нафрат ўти меҳр ва муҳаббат гулини сўндирадиган даражага етса, никоҳ – дастлабки аҳд-паймон бекор қилинади ва бу битим шариат тилида «талок» деб аталади. Талок хусусида қисман сўзлаган эдим, яна мавзуга қайтишга ҳожат сезилди. Тўғри, оиладаги жанжал тоқат қилиб бўлмас даражага етгандан сўнг орада талок бўлмаса, эрнинг ҳам, хотиннинг ҳам бутун умри ғам ва қайғуга сарф бўлиб қолади. Ислом динида талок эр ва хотинни шундай балодан асраш учун қўлланилади. Баъзан шундай бўлади: хотиннинг нияти яхши. Нодонлиги ёки тажрибасизлиги, қайсарлиги ёки уқувсизлиги туфайли уй ишларидами, ё бола тарбиясидами, ёки эрига муносабатидами, хато-камчиликларга йўл қўяди. Бундай аёлларни кечириш, уларга марҳамат кўрсатиш керак бўлади. Лекин хотин эрига адоват ва хусуматини доимий равишда кучайтириб бораверса-чи? Бу ҳолатда ҳам дарров талок берилмайди.

Заруратсиз, балки нафс ҳавосининг тақозоси билан талок берилса, албатта, гуноҳ ва ҳаромдир, албатта, гуноҳкор жазосини олади. Демак, талокқа ижозат бор, лекин у Ислом динида ҳуш ёқмайдиган мубоҳ (мумкин) амаллардан ҳисобланади.

Баъзан оиладаги ёмон шароит, эрнинг зулми ва бошқа қабих одатлари хотиннинг силласини қуритади ва унинг ўзи эридан талок талаб қилади. Бу жараён тез бўлмайди. Ҳар қандай аёл аввалига сабр қилади. Эҳтимол, йиллар бўйи бардош берар. Охири сабр-бардош тўғони ўпирилиш даражасига келгач, талок сўрайди. Лекин унинг талаблари ҳам асосли бўлиши лозим. Бирорта миш-миш ёки гумонларга ишониб ёки бошқа эрқакка кўнгил қўйгани сабабли ўз эри билан ажрашишни қасд қилмаслиги керак. Бу хусусда саҳоба Саҳбон розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом марҳамат қиладилар: «Қайси хотин безарурат ва эҳтиёжсиз эридан талок талаб қилса, жаннат ва Аллоҳнинг раҳмати унга тегмайди».

Айрим сингилларимиз ота-оналарининг хоҳиши билан ўзлари кўнгил қўймаган йигитга турмушга чиқадиладар. Оилада кейинроқ бошланадиган келишмовчиликлар заминида хотиннинг айнан ана шу кўнгилсизлиги ётади. Айрим аёллар шу кўнгилсизлик сабабли хиёнат кўчасига ҳам кириб қоладилар. Ана шундайларга солиҳа бир аёлнинг гапларини эслатмоқчиман: ҳакимлардан бири ёш ва гўзал бир аёлни имтиҳон этиш учун бундай дебдилар:

– Сендай гўзал бир аёлнинг шундай хунук эри бўлиши яхши эмас.

Бу гўзалнинг эри чиндан ҳам хунук, бу ҳам камлик қилгандай, ҳамиша кир юрадиган, нохуш одам эди. Гўзал хотин уламнинг гапига мана бу гўзал жавобни берди:

– Эй Ҳаким! Сиз кўп янглиш сўзладингиз! Гапингиз тўғри эмас. Бундай сўзларни сиздай одамдан эшитиб, кўп ранжидим. Чунки эримнинг Аллоҳ таоло олдида бир савоби борлигидан бўлса керак, мени ул савобга нисбатан бир мукофот ўлароқ насиб этгандир. Балки мен бирор иш қилган бўлишим мумкин.

Ҳақ таоло бу гуноҳимнинг жазоси сифатида мени унга бергандир. Жаноби Ҳақнинг берган тақдирига рози бўлиш керак.

Бу жавобдан мамнун бўлган ул олим гўзал аёлга дебди:

– Болажоним, мен сенинг диндор ва ақлли бир аёл эканлигингни сезган эдим. Шунинг учун имтиҳон қилиб кўрайин, деган эдим. Қизим, аёлларда жаннатга кириш учун энг буюк нишон-аломат эрларининг ёмон феълларига сабр қилмоқдир. Бу сабр уларни жаннатга олиб боради. Жаннати солиҳа аёлнинг нишони ва аломати эрига итоат этмоғи, эрининг хотирини хуш тутиши, эри йўқлигида хайр-дуо этмоғи ва эрининг мол-мулкини сақлаб, эҳтиёт қилмоғи каби хусусиятлардан иборатдир. Менинг бу айтганларим солиҳа аёлнинг жаннатга кириши учун бир нишондир.

Ҳар кишининг аёли шундай солиҳа бўлишини Аллоҳ насиб этсин. Эр қадрини билмайдиган жаҳаннамий хотинларга Аллоҳ инсоф-тавфиқ берсин!

Эр-хотиннинг ажрашиши биргина оилага хос масала эмас. Оиланинг бузилишига жамият бефарқ қараб туролмайди. Ҳар томондан оилани сақлаб қолишга уринишлар бўлади. Шу ўринда эр-хотиннинг жанжалидан ўзларини олиб қочувчи биродарларимизга ҳам Аллоҳнинг амрини эслатиб ўтишимиз лозим: «Агар икковларининг оралари бузилишидан қўрқсангиз, у(эр)нинг аҳлидан бир ҳакам ва бу(хотин)нинг аҳлидан бир ҳакам юборинг. Агар улар ислоҳни ирода қилсалар, Аллоҳ у(эр-хотин)ларнинг орасини мувофиқлаштирур. Албатта, Аллоҳ ўта билувчидир, ўта хабардордир» (*Нисо сурасидан*). Гап ҳам эр, ҳам хотин томонидан келишмовчилик чиққан пайтда кўриладиган чора ҳақида борувчи бу ояти каримани ҳам «Тафсири Ҳилол» ёрдамида ўрганайлик:

«Шундай ҳолат юзага келдики, энди оиланинг сирини ташқарига чиқармасдан ҳал этишнинг иложи йўқ. Энди бошқаларнинг аралашуви билан оилани сақлаб қолиш чоралари кўрилиши шарт. Эр ўзи рози бўлган қариндошларидан, хотин ҳам ўзи рози бўлган қариндошларидан ҳакам тайин этади. Агар оила ҳали ёш бўлса, бу вазифани ота-оналар бажаришади. Муфассирлар бу ўринда «ўзи рози бўлган» деб алоҳида таъкид этишади. Бунга сабаб улар тайин этган ҳакамлар даъволарни эшитиб, шунчаки насихат қилиб қўйиш билан чекланишмайди. Улар ҳукм ҳам чиқарадилар ва эр ҳам, хотин ҳам уларнинг ҳукмига рози бўлишлари керак. Ҳакамлар танланганида ақллари, турмушнинг пасту баландидан ўтиб келган тажрибалари инобатга олинади. Энг муҳими, ҳар икки томоннинг ҳаками Аллоҳдан қўрққан ҳолда адолатли ҳукм чиқаришга ҳаракат қилишлари керак бўлади. Агар ўртада тақво бўлмаса, икки томон ўзи томонга оғиб кетаверса, унда адолат қарор топа олмайди. Бу ўринда тақво адолатни юзага чиқарувчи муҳим омилдир. Ҳакамларнинг асосий вазифаси эр-хотин орасини ислоҳ қилишдир. Шунинг учун ҳам ояти каримада:

«Агар улар ислоҳни ирода қилсалар», деб уларга ислоҳчилик нисбати берилган.

Айрим уламолар: «Ҳакамларга фақат яраштириш – ислоҳ ҳуқуқи берилган», дейдилар. Яна айримлари: «Ислоҳ қилишнинг иложи йўқлигига амин бўлишса, эр-хотинни ажратиб қўйсалар ҳам ҳақлари бор, шунингдек, улар тегишли жазо чораларини, молу мулкка оид масалаларни ҳам ҳал қилишади», дейдилар. Албатта, ҳакамлар ўзларининг инсоний чекланган илмлари ва имкониятлари доирасида ҳукм чиқарадилар».

Ҳакамликка номзод мўлжаллаганда булар ҳам эътиборга олинмоғи шарт.

Эр ёки хотин томон ҳакамликка қариндошларидан бирларини танлашгач, унга ажралишга сабаб бўлаётган ҳодиса ёки гапни баён қила бошлайдилар.

Шубҳасизки, мағзава қарши томонга ағдарилади. Ҳакамларни қийин аҳволга солиб қўядиган ҳолат ҳам айнан шунда. Ҳакам донишманд бўлса, айтилганларнинг мағзини чакиб кўради, мантиқ тарозисига солиб, чамалайди. Аравани куруқ олиб қочадиганлардан бўлса, қарши томонни айблашдан бўшамайди. Баъзан бир-бирига мутлақо зид равишда фикрлайдиган ҳакамлар учраб қоладиларки, ярашишга умид қилиб ўтирган эр-хотин оқибатда тамоман тескари бўлиб кетадилар.

Шундай воқеалардан бири: ёш оила ярим йил ичида бузилиш жари ёқасига келиб қолди. Куёв бола ажрашишга асосий сабаб деб, келиннинг кийиниш маданиятини кўрсатади. Яъни келин шим кияркан, эрнинг ҳижобга кириш ҳақидаги талабини рад этаркан. Бир қарашда талаб тўғри. Хотин эр хоҳлагандай кийиниб юриши лозим. Чунки хотин биринчи галда эрига чиройли ва ёқимли кўриниш ҳаракатида бўлиши керак. Бизда кўпинча тескари ҳолат кузатилади: аёлларимиз уйда ўзларига қарамайдилар, кўчага чиқадиган бўлсалар, пардозандозни бошлаб юборадилар. Хуллас, йигит томон унинг талабларини мутлақо ҳақ деб туришибди. Келин томондан тайинланган ҳакам – эллик ёшлардаги гапга чечан аёл замонавий тарзда кийинган. Ёшига ярашмаса ҳам, шим кийган, бошда рўмол йўқ. У шубҳасизки, ўз дунёқараши асосида келинни ҳимоя қилади. Куёв томонни феодалликда айблайди. «Шу қиз биринчи учрашувга чиққанида ҳам шим кийиб олган эди, ўшанда нима учун индамадингиз?» деб куёвга савол беради. Куёв кейинроқ тўғри йўлга солиб олишга умид қилганини айтади. Дуруст, куёвнинг шундай яхши нияти бор экан. Аммо бир одамни ўзгартириш учун ярим йил кифоя қилармикин? Келин ҳижобга кириши учун аввал Исломни ўргана бошлаши лозим. Талабларини билиб, унга кўника бориши керак. Сўфий Оллоҳёр айтмоқчи:

Замона хотунуни йўлга солмоқ,
Эрур осон ул ишдин жанг қилмоқ...

(Бу замонда хотинларни тўғри йўлга солмоқ бир қалъани жанг қилиб олмоқдан мушкулдир.)

Бу шароитдаги икки ҳакам гўё сув билан олов каби эди. Ёш эр-хотин четда қолиб, улар ўзаро даҳанаки жангни бошлаб юборишди. Бу жангга ҳеч ким ғолиб келмади, оила барбод бўлди, холос. Демокчиманки, ҳакамликка гапга чечанларни эмас, сермулоҳаза, доно одамларни танлаш керак. Шу хусусда яна бир воқеа: эр хотинини бузуқликда айблаб, ажрашмоқчи. Исломда шунчаки бировнинг гапи ёки гумон билан ўз аёлини бундай айблаш мумкин эмас. Гувоҳлар билан зино устида ушласагина, даъвоси ўринли бўлади. Ажрашмоқчи бўлаётган эр айблайди, хотини бу айбни рад этиб, қасам ичади, аини чоқда эрини тухматда айблайди. Ҳакамлар иштирокидаги мунозара узоқ давом этади. Шунда маҳалланинг доно оқсоқоли ҳисобланган ҳакамлардан бири эрни ташқарига имлаб қакиради-да, нимадир дейди. Эр ташқарида бир оз ўйланиб тургач, изига қайтиб, хотини билан ярашагини маълум қилади. Бу ҳол кўпчиликни ажаблантиради, улар қизиқиб, оқсоқолдан: «Йигитга нима девдингиз?» деб сўрашади. Аммо оқсоқол орадаги сирни очмайди. Орадан кўп йиллар ўтди, оила тинч-тотув яшади, фарзандлар кўрди. Тўйлар қилишди. Ажрашмоқчи бўлган ўша эр автомобиль ҳалокатида жон бергандан кейин, бир куни ота-хон менга сирни очдилар. Эрни фикридан қайтарган гап бундай экан: «Ўғлим, бу хотинни қўйсанг, энди барибир сенга бокира қиз тегмайди. Битта ёки иккита эрдан чиққан хотинга уйланасан. Эҳтимол, сен уйланадиган хотин эридан

чиққанидан кейин чакки юриб, яна қанча эркакларни кўргандир. Сен «Хотиним битта одам билан юради», деб гумон қиялпсан. Гумонинг тўғри чиққанда ҳам, шу хотининг кейин келадиганидан покизароқ бўлиб чиқади-ку. Ундан кўра гумонни бошингдан чиқариб ташла. Хотинингнинг чин сўзига ишон. Худо ҳам шунга буюради». Отахоннинг донолиги шундаки, бу гапни кўпчилиكنинг орасида айтганида, эр қулоқ солмаган бўларди. Аксинча, «Ҳали қараб турасиз, онаси ўлмаган қизга уйланаман!» деб кўкрагига урган бўларди.

Ҳар бир оилада ўзаро рашк бўлади. Аслида рашкнинг бўлгани ҳам яхши. Чунки улуғларимиздан Сўфий Оллоҳёр айтмоқчи:

Жамиъ жонворлар тушса кўзга,
Ҳамиййатлик бўлур тўнғиздин ўзга.

(Барча ҳайвонларда ҳам рашк бор, фақат тўнғизда йўқ, модасини қизғанмайди.)

Таажжуб, фитналиқдур бу замона,
Тушубдур эрлар аҳволи йамона.

(Ажаб фитналар кўндир бу замонда. Эрлар ўзларини ёмон аҳволга солганлар. Яъни уларда ғайрат ва рашкдан асар ҳам қолмай, хотинларини бозорларга пардасиз юборурлар.)

Хотинини сира рашк қилмайдиган, била туриб, бегона эркакдан қизғанмайдиган эрни даюс дейдилар. Бошқача айтсак, ўз хотинига қўшмачилик қилувчи эркак даюсдир. Севикли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам жаннатга кирмайдиган уч тоифадан бири, деб айнан шу даюсни, билиб туриб, хотинининг ёмон йўлга киришига йўл қўйган эркакни айтганлар.

Агар рашк мутлақо бўлмаса, эркак тўнғизтабиатли ҳисобланаркан. Яна дерларким: «Ғайрат мардин (ҳақиқий рашкни) бажо келтурғил. Беғайрат кишини киши демағил. Ҳар кишида ғайрат бўлмаса, дини ҳам бўлмағусидир». Демак, рашк керакли фазилат экан. Бироқ рашк ўти ҳаддан зиёд аланга олса, иллатга айланади. Эр хотиннинг ёки хотин эрнинг ҳар бир қадамини кузатаверса, орада ишонч йўқолади. Ишонч йўқолган уйдан файз кетади. Шу туфайли арзимаган нарсадан жанжал чиқаверади. «Бошқасини топганга ўхшайсиз-да, менинг ҳамма ишларим кўзингизга ёмон кўриниб кетяпти», дейди хотин. «Битта-яримта хушторинг борми, пардозларинг бошқача бўлиб кетяпти», дейди эр. Қарабсизки, яхшилиқка хизмат қилиши керак бўлган рашк оиланинг бузилишига сабаб бўлади.

Тилимизда ҳамонки «ёмон хотин» деган ибора мавжуд экан, демак, ҳаётда ҳам шундайлари бор экан. Лекин биз «ёмон хулқли хотин» деб изоҳ берсак, тўғрироқ бўлар. Ёмон ёки яхши хотин деган тушунчалар ҳам нисбийдир. Маълум бир хотин маълум оила учун ёмон ёки яхши туюлиши мумкин. Шунинг учун узил-кесил хулоса чиқаришга шошилмаслик керак. Хотиннинг ёмонлиги кимларга нисбатан бўлиши мумкин?

- * * * хотин эр учун ёмон;
- * * * хотин қайнона учун ёмон;
- * * * хотин қўшнилари учун ёмон;
- * * * хотин эрнинг қариндошлари учун ёмон;
- * * * хотин ҳамкасблари учун ёмон.

Нима учун?

* * * эрини ҳурмат қилмайди, ҳуда-беҳудага жанжал чиқаради, рашк қиладди...

* * * қайнонасини менсимайди, айтган ишларини вақтида бажармайди, эрига ёмонлайди...

* * * қўшнилари ғийбат қилади, бир-бирига гап ташийди, хасислик қилади...

* * * қариндошларининг меҳмон бўлиб келишини хоҳламайди, улар келганда терслик қилади...

* * * ҳамкасбларини ғийбат қилади, бошлиққа кириб чақади...

Хотин эри билан чиқишмаслиги мумкин, аммо қайнона-қайнотаси, қайин сингиллари билан муносабати яхши. Бу масалани ҳал этиш унча қийин эмасдек туюлади. Қайнона-қайнота келин томон бўлиб, ўғилни тарбия этишга уринишади. Набий алайҳиссалом дейдиларким: «Ҳеч бир мўмин ўз хотинидан нафрат қилиши тўғри эмас. Зеро, хотинининг баъзи одат ва атвори унинг назарида ёмон кўринса ҳам, баъзи одатларидан рози бўлади. Бас, унинг ёмонликларини яхшиликларига бахшида этсин». Агар эрнинг кўнгли кўчадаги жононда бўлса, уни қайтариш анча қийин. Хотиндан биринчи галда сабр этиш талаб қилинади. Эр-хотин бахтли яшашлари учун битта қоидага қаттиқ амал қилишлари керак. Бу қоиданинг номи – БИТТА ГАПДАН ҚОЛИШ! Ҳа, айнан шундай. Битта гапдан қолиш билан олам гулистон! Хўш, ким битта гапдан қолиши керак? Биринчи галда хотин. Эрига гап қайтариб, бахтли бўлган хотинни тарихда – минг йиллардан бери ҳеч ким учратмаган, бундан кейин ҳам учратмаслиги тайин. Эр ҳам битта гапдан қолишга мажбур. Эҳтимол, хотин битта гапдан қолган маҳалда эр иккита, баъзан учта гапдан қолса, ўзи учун ҳам яхши. Лекин хотин жаврайверса-ю, у индамай ўтираверса, яхшилик бўлмайди.

Вақти келганда қайноналар ҳам битта гапдан қолганлари маъқул, деган фикрни опа-сингилларимиз, эҳтимол, маъқулламаслар. Лекин баъзан муроса қилиб, келишмовчилик чўғини жанжал алангасига айлантириб юбормаслик учун қайноналар ҳам битта гапдан қолиб турганлари дуруст.

Агар хотин эри билан яхши бўлиб, қайнона билан чиқишмаса, кўпинча бу масалани уларнинг рўзгорини бўлак қилиш, баъзан эса уларни бошқа уйга кўчириш орқали ҳал қилишга уринадилар. Қайнона-келин муносабати энг чигал, айни пайтда, мавҳум масалалардан бири. Агар уларнинг даъволарини эшитсак, умумийликни кўрамиз. Қайнона дейдики: «Келин дангаса, ишёқмас, уйнинг тозалигига яхши қарамайди, муғамбир, онасига гап ташийди, катталарга гап қайтаради...» Келин дейдики: «Қайнонам биринчи кундан мени чиқиштирмайдилар, ҳар қадамимни ўлчайдилар, бирпас дам олишимни ҳам кўролмайдилар, овқатга тузни ўзлари солиб, эримнинг олдида «Шўр қилиб қўйибсан», деб уришадилар...»

Қайнона-келин муносабатида бир нарсани унутамиз: қайнона билан келиннинг орасида ёш жиҳатдан камида йигирма йиллик фарқ мавжуд. Баъзи қайноналар келинлари билан уришиб қолсалар, «Мендан ёш-ку, ўзимни ҳурмат қилмаса ҳам, ёшимни ҳурмат қилмайдими!» деб нолийдилар. Биз фарқни фақат ёшда, йилларда кўрамиз. Аслида орадаги йигирма йиллик фарқ – **дунёқарашдаги фарқ** дегани. 40-50 ёшдаги аёлнинг ҳаёт тажрибаси ўзига яраша дунёқарашини шакллантирган. 20 ёшли жувон замоннинг таъсирида бу дунёқарашни инкор этиши ҳам мумкин. Бундайлар орасида «қайнонамнинг фикрлари эскириб қолган» деган гапларни ҳам эшитамиз. Бу нуқтада икки шахснинг тўқнашувини шунчаки оилавий можаро эмас, ижтимоий масала сифатида ўрганишимиз ва ҳал этишимиз керак бўлади. Буларни биз бедаво дард эмас, тузатиш имкониятлари мавжуд бўлган арзимаган камчиликлар деб қабул қил-

ганимиз яхшироқ. Бу камчиликлар туфайли оила бузилса, қайнонани айблашга ҳақлимиз. Баъзан келин камчиликларини тан олиб, тузатишга киришса ҳам, қайнона бўш келмайди, талабларини янада кучайтираверади. Шу ўринда бир фикр борки, буни ҳам опа-сингилларимиз рад этишлари мумкин. Халқимизда «Қизил оёқ келиб, қизил юздан жудо қилди» деган мақол бор. Бу «Келин келиб, ўғлимни ўзиники қилиб олди» дегани. Айрим аёлларда ўғлини қизганиш ҳисси бўлади. Ўғил уйланиб, келин билан ётоғига кириб кетганидан кейин она қалбида бир узилиш бўлади. Яъни, ҳамиша ёнида бўлган ўғил энди ўзганинг ихтиёрида. Балки шу ҳис онада келинга нисбатан норозилик уйғотар? Бу – руҳият муаммоси. Фикрни бирданига рад этмайлик-у, ўйлаб кўрайлик. Қайнона-келин муаммосини ҳал этишда шу руҳий ҳолатни ҳам назардан четда қолдирмайлик. Айниқса ўғил фарзандлар шу масалада эҳтиёт бўлишлари керак. Тўйдан кейин онага бўлган эътиборни зарра қадар ҳам камайтирмасликлари шарт.

«Кўча хандон, уй зиндон» деган таърифни эшитганмиз. Гарчи бу ибора кўпроқ эркакларга нисбатан қўлланилса-да, баъзан аёлларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Чунки айрим аёлларга уй зиндон, ишхона эса жаннатдай кўринадди. Нега? Аёлнинг феъли шундайми ёки уйдаги шароит чиндан ҳам зиндон, ишхонадагиси жаннатдайми? Агар аёлнинг феъли кўчага мойил бўлса, унинг тарбияси осон кечмайди. Агар уйдаги шароит ёмон бўлса, унинг муолажасини қилиш шарт. Хотиннинг қўшни, қариндошлар билан муносабати, ишхонадаги ҳолатига кўп тўхталмайман, бу алоҳида ўрганиладиган масала.

Ёмон хулқли хотиннинг мавжудлиги замонга, жамиятга ҳам, хонадоннинг бой ёки камбағаллигига ҳам қарамайди. Агар камбағаллик ёмон хотинларни юзага чиқарса, дунёни ёмон хотинлар босиб кетарди. Ҳолбуки, камбағал оилаларда ёмон хотинларни камроқ учратамиз. Агар оиланинг бахтини бойлик белгилаганда, биронта бой хонадонда оилавий жанжал кўтарилмас эди. Ҳолбуки, бой хонадонлардаги оилаларнинг бузилиши кўпроқ кузатиляпти. Бу ҳолат фақат бугунги кунимизга хос эмас. Келинг, тарихга назар ташлайлик: Бобур ҳазратлари «Бобурнома»да Ҳусайн Бойқаронинг хотинлари ҳақида ёзадилар:

«...аввал олғон хотуни Бека Султонбегим эди, Санжар Мирзо Марвийнинг кизи эди. Бадиуззамон Мирзо мундин туғиб эди. Кўп кажхулқ эди. Султон Ҳусайн Мирзони кўп оғритур эди. Кажхулқлигинин Мирзо батанг келди, охир қўйди ва халос бўлди, не қилсун, ҳақ Мирзо жониби эди.

Зани бад дар саройи накў
Хам дар ин олам аст дўзахи ў.

(Дейилмоқчиким, яхши кишининг хонасидаги ёмон хотин шу дунёнинг ўзидаёқ унинг дўзахидир.)

Тенгри ҳеч бир мусулмонга бу балони солмағай. Ёмон ҳўйлук, кажхулқ хотун илоҳий оламда қолмағай».

Маликанинг нима учун ёмон бўлгани бизга маълум эмас. Бобур Мирзо ҳам буни бошқалардан эшитиб ёзгандирлар. Эҳтимол, малика эрининг кетма-кет хотин олаверишидан, бу ҳам етмагандай, канизаклар билан маишат қилаверишидан бешиб, жанжал қилгандир...

Сўфий Оллоҳёрда ёмон хотинлар хусусида бир қанча байт айтилганки, танишсак, зарар қилмас:

Йамон бўлса, наъзу биллаҳ андин,
Зиёндин ўзга ҳеч қолмас йамондин.

(Олган хотин ёмон чиқса, бу хотин қўлидан зиёну ёмонликдан бўлак нарса келмас.)

Йамон хотун шайотин қамчисидур,
Қўлинг боғлағувчи арғамчисидур.

(Ёмон хотин гуноҳлар дарёсига чўктирувчи – мазкур байт ҳадиси шариф асосида айтилган).

Ду олам нари бўлса, нари кетсун,
Қўзинг кўрмаса, шум дийдори битсун.

(Бу ёмон хотин икки дунёнинг дўзахидир ва уни ўзингдан нари қил. «Бу икки дунё тамуғи кетсин, ботсин, битсин», дея талоқ қил.)

Агар чандеки, бузургзодадир ул,
Яқин бил, тўрт оёқлиқ модадир ул.

(Ёмон хотин гарчи пайғамбарзода бўлса ҳам, билгилки, шу ёмонлиги учун тўрт оёқли урғочи ҳайвондан бошқа нарса эмас.)

Ҳа, олган хотининг жоҳил, хоин чиқса, хотин эмас, бошингга бало олган саналасан. Бир уйда аёлнинг овози баланд чиқса, яъни эр сўзини тингламаса, унга итоат этмай, гап қайтараверса, у уйда хайр – яхшилиқ бўлмайди, бу уйдан саодат кутилмайди, кутилгани билан етишиб бўлмайди.

Худого шукрим, ёнимизда ёмондан кўра яхши аёллар кўпроқ. Хўш, кимларни яхши деймиз?

* * * олийжаноб, покиза ва қалби гўзалларни;

* * * ақли, қаноатли, иффатли, вафолиларни;

* * * барча ҳаракатларини ўйлаб қиладиган, эрини борида ҳам, йўғида ҳам ҳурматлаб, ўзини ва номусини сақлайдиганларни;

* * * яхши ва ёмон кунларда фидокор бўлишни ўзларига шиор қилиб олганларни;

* * * юзидан кулги аримайдиган, тили ширин, қўли баракали, қадами қутлуг бўлганларни...

Яхши аёлларга хос фазилатларни баён қилиб, сиз азизлар учун ҳеч бир янгилик кашф қилганим йўқ. Бу фазилатларни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Лекин мен диққатингизни икки нарсага қаратмоқчиман: аввало, бу фазилатлар фақат аёлларга хосми? Эркаklar учун зарур эмасми? Менингча, зарур. Иккинчидан, фарзандларимизни, айниқса қизларимизни мана шу фазилатлар асосида тарбия қиляпмизми?

«Кимнинг хотини дўст, меҳрибон ва уйи саранжом-саришта бўлса, у киши ҳақиқатан бахтиёрдир. Агар хотининг иффатли, номусли, очик юзли ва ширин сўзли бўлса, у хоҳ гўзал, хоҳ хунук бўлсин, барибир уни сев, яна ҳурмат қил. Бу сўзлар ёлғиз хотинларгагина эмас, эркаларга ҳам хосдир. Эр-хотин ҳамжихат ва ҳамфикр бўлсалар, уларнинг қўзлаган ҳамма мурод ва мақсадлари ҳосил бўлди, демакдир», дейдилар.

Эр сўзига қулоқ солган, Аллоҳ амрини адо этган хотин фақирни (камбағални) подшоҳ қилади. Кимнингки кўнгил ҳабибаси бўлган аёли, хонадонининг бекаси ўзига уйғун ва мос бўлса, ўша одам энг бахтиёр кимсадир. Ҳар куни тонг отгандан то оқшомгача ишда банд, узун тун бедорлик билан ўтса-ю, аммо ёнингда кўнглингни овловчи, сенга тасалли берувчи, қийинчилик ва машаққатингга шерик, дардингни олувчи бир аёл – беканг бўлса, бу дунё ташвишларидан сира қўрқмасанг ҳам бўлаверади. Кимнингки уйи маъмур, ёстикдоши уни

жондан севувчи экан, демак, Жаноби Ҳақ ўша қулига раҳмат назари билан қарапти экан. У одам Аллоҳнинг лутфига эришган бахтиёрлардан экан. Диққат қияпсизми, ҳаёт қонуни асли шу – Аллоҳни, Пайғамбарни таниган хотин эрга итоат этади, бундай хотин эрнинг бошига бахт тожини кийдирувчидир.

Сўфий Оллоҳёр ҳазратларининг ёмон хотинлар ҳақидаги фикрлари билан танишдик, у киши яхши хотинлар ҳақида нима деган эканлар?

Хуш ул зан билмаса беҳуда дерни,
Сучук лафзи билан шод этса эрни.

(Яхши хотин беҳуда сўзларни айтишни билмас. Аммо ширин сўзлари билан эрини шод қилур.)

Агар ўн йил уйида бўлмаса ун,
Уни чиқмас, ани айтурга бир кун.

(Агар хотин яхши бўлса, эрининг уйида ўн йил давомида ун бўлмаса, ҳеч вақт бировга «Ун йўқ», деб ун (товуш) чиқармас, шикоят қилмас.)

Ровийлар дерларким, фақир бир одам уйланиб, ўғил фарзанд кўрди. У ўғлини бағоят севар эди. Боланинг тишлари чиқа бошлагач, ота нолиб қолди:

– Қара, тишлари чиқиб қолди. Энди овқат ейишни хоҳлайди. Энди мен унга овқатни қайдан топиб келаман?

Эрининг ақлини, дидини билган солиҳа хотин уни шундай деб юпатди:

– Эй менинг соддагинам, тушунчаси нуқсонли эргинам. Сиз кўпам васваса қилаверманг. Фарзандимизга тишни Аллоҳ берган, унга овқатни ҳам Ўзи беради. Бутун оламга ризқ берган Жаноби Ҳақ қодирдир. Гўдаклар, чақалоқларнинг ҳам ризқини беради. Сиз ташвиш қилманг!

Чиндан ҳам чақалоқларга она қорнида сурат ва шакл берган Аллоҳ уларнинг ризқларини, умрларини ҳам берадир. Агар аёл солиҳа эмас, бу ҳақиқатдан узоқ бўлганида, шаддодлик ёки қўполлик билан: «Сиз отасиз, топиб келиш бурчингиз», деб дилини хира қилиши тайин эди.

Бундай фаросат эгасини ҳар бир эркак орзу қилади. Бу бахтиёрликдир. Бундай бахт мол-мулк, бойлик, давлатмандлик, хонлик, беклик ёки ўқиган, катта мартаба сохиби бўлиш билан қўлга киритиладиган давлат эмас. Баъзан икки карра иккиннинг тўртлигини билмайдиган одам илми, фаросатли, оқила аёлга эр бўлади. Инсон мол-мулк топа олади. Қўлидан ҳар нарса келади. Аммо яхши аёл қўлда ясаб оладиган неъмат эмас. Аллоҳ кимга солиҳа бир хотин берган бўлса, ул одамга, ул қулига барча эзгуликларни, хайрли нарсаларни ўзида мужассам қилган неъматни берганидир. Агар кимгадир кўнглидаги бир аёлни бермаган экан, у қанчалик бадавлат бўлмасин, қандай мартабага эришмасин ва мақсадига етмасин, бу одам барибир фақир ва заволлидир. Чунки унинг кўнглидаги хоними йўқдир. Демокчиманким, яхши хотинни истаган эр аввало Аллоҳ ҳузурида бу неъматга арзийдиган солиҳ банда мартабасига етсин. Оддий ҳақиқатни ўйлаб кўрайлик: ёмонликлари туфайли дўзахга лойиқ бандасига Аллоҳ бу дунёнинг жаннатини раво кўрармикин?

Сирин фош айламас, гар ғамда бўлсун,
Агар танг бўлса, айтур: «Бўлса – бўлсун».

(Яхши хотин ўзи аламда бўлса ҳам, эрнинг сирин асло фош айламас. Агар рўзғори тангликда қолганини биров айтса, эслатса ҳам, «Бўлса бўлар, эртага Худо бериб қолар», дегандан ўзга сўз айтмас.)

Агар заннинг мунингдек бўлса хишти,
Ани дегил бу дунёнинг беҳишти.

(Агар хотиннинг сифати юқорида баён қилинганидек бўлса, ул хотинни бу дунёнинг жаннати бил.)

Иликка тушса мундоғ нозанин гул,
Дегил бу сандадур бўсанда, «Ман – қул».

(Аллоҳ таоло насиб айлаб, шундай хотин қўлингга тушса, нимаики сиринг бўлса, яширмай айтишинг мумкин ва уни қучиб, бўса олиб, «Қўлингман сенинг», десанг ҳам арзийди.)

Бундай фазилатли аёллар ҳар бир эркакнинг орзусидир. Айни чокда яхши фазилатли эрлар ҳар қандай аёлнинг орзусидир. Яъни, ақлли хотинни орзу қилмиш эрнинг ўзи ҳам ақлли бўлмоғи шарт. Вафони талаб қилувчи эр аввало ўзи вафоли бўлсин. Аллоҳ ҳар бир эркакка ўзига яраша қизни насиб этади.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Мусулмоннинг уйи жаннат боғидан бир боғчадир», деганлар. Бундан ибрат шуки, «жаннатда ўсган» қизга уйланган эрнинг бошига бахт қуши қўнибди. Аммо бахт қуши қўниши учун унинг ўзи ҳам жаннатда ўсган бўлиши керак.

Қози Шурайх тобеъинлардан Шаъбий ҳазратларига насиҳат қилибдилар:

«Эй Шаъбий, агар уйлансанг, Бану Тамим қабиласидаги бир қизга уйлан. Улар қизларига яхши тарбия беришади».

Шаъбий: «Қаердан биласиз?» деб сўрабдилар. Қози Шурайх саволга жавобан шундай дебдилар:

«Ёшлик чоғимда Бану Тамим қабиласи томонга борган эдим. Қайтиб келаётиб, қари бир аёл билан ёш қиз ўтиришганини кўрдим. Қиз ғоятда чиройли, латофатли кўринар эди. Қизни яқинроқдан кўрмоқ учун чанқоғимни босиш баҳонасида уларнинг олдига бориб, сув сўрадим. Аёл қизга сув олиб келишни буюрди. Сувни ичгач, ул хотиндан:

«Бу қиз кимнинг фарзанди, исми нима?» деб сўрадим.

«Бу қиз Худоёрнинг қизидир, исми Зайнаб», деди кампир.

«Турмушга чиққанми?» деб сўрашга журъат этдим.

«Йўқ, ҳали турмуш қурмаган».

«Аллоҳнинг амри ила менга берасизми?» деб сўрадим.

«Аввал сўраб-суриштириб, куёвликка лойиқ бўлсанг, берамиз», деди кампир.

Уйимга қайтганимдан кейин ҳам қизни кўргим келаверди. Унга уйланишни ихтиёр этдим. Қариндошимдан бирини олиб, қизнинг амакиси ҳузурига бордик-да, мақсадимизни айтдик. Қизни суриштирган эдик, «У сенга муносиб», дедилар. Никоҳ бўлганидан кейин «Бану Тамим қабиласининг аёллари қандай эканини яхши билмайман, бошқа-бошқа муҳит, бошқа қабила одамларимиз, шошилиб, адашмадиммикин?» деб пушаймон бўла бошладим. Лекин ичимдагини ҳеч кимга айтмай, охири бахайр бўлар, деб кутдим. Уйландим, келинни олиб келдик. Ёлғиз қолганимизда никоҳимга олганим қиз менга шундай деди:

«Афандим, бу оқшом куёв икки ракъат намоз ўқиши керак. Аллоҳ ризоси учун ўқиладиган бу намоздан кейин келиннинг хайрли ва бахтли бўлишини тилаши, Жаноби Ҳақдан эзгуликлар, баракот ниёз этмоғини тилаши суннатдир».

Унинг гапи маъқул келиб, икки ракъат намоз ўқидим. Саломдан кейин қарасам, у ҳам намоз ўқияпти. Намоздан сўнг у менга қараб шундай деди:

«Афандим, мен саҳройи муҳитнинг қизиман. Сиз эса бошқа муҳитда тар-

бия топгансиз. Тақдир бизни бирлаштирди. Сизга ўз муҳитингиздан бир қиз, менга эса ўз қабиламдан бир йигит топилар эди. Аммо тақдири илоҳий шундай экан, бир-биримизнинг феъл-атворимиз ва ахлоқимизни билмаганимиз ҳолда тақдир ҳукми билан оила қурдик. Сиздан биринчи илтимосим, яхши кўрадингиз ва мамнун бўладиганингиз нарсаларни менга айтиб қўйсангиз. Сизнинг истагингизга мос хизмат қиламан, ёқтирмайдиган ва хуш кўрмайдиган ҳолларни ҳам айтиб қўйинг, токи мен улардан сақланай. Шундан кейин сиз менга лутф этиб, мулойим феълли бўлинг, мен ҳам сизга хотинлик вазифаларимни ўрнига қўймоқ учун астойдил ҳаракат қилай. Агар мен ўз вазифамни бажармай, танбаллик ва итоатсизлик қилсам, мени отамнинг уйига қайтариб юборишингиз мумкин. Бунинг учун ҳеч ранжимаيمان. «Бошга тушганни кўз кўрар», «Бошга тушса, йиғламас», дейдилар. Мен сиздан шуларнигина илтимос қиламан. Жаноби Ҳақдан бир-биримиз учун хайрли ва баракотли турмуш қуришимизни тилайман. Исломий бир оила ҳаёти ила яшамоғимиз учун дуо қиламан».

Менга унинг сўзлари хуш ёқиб, дедимки:

«Хоним, сен менга шундай пурмаъно сўзлар айтдингки, агар айтганларингизни адо этсанг, мени толеи баланд ва бахтиёр этасан. Агар сўзингда турмасанг, аҳвол бошқача бўлади. Мен мана бу нарсаларни истайман, бу нарсаларни севаман, мана буларини эса ёқтирмайман. Мен орзу қилганларни адо эт. Хуш кўрмаганларимни яшир, кўрсатма».

Сўнг у: «Қариндошларимнинг келиб-кетиб туришларини хоҳлайсизми?» деб сўради.

«Узоқ турмаслик шарти билан майли, лекин ҳаддан зиёд тез-тез келишларини хоҳламайман», дедим.

«Қўшнилардан кимлар кириб-чиқа олади? Хоҳламаганингиз билан кўришмайман», деди. Мен дедим:

«Фалон қўшнилар чиқиши мумкин. Улар номусли ва диндор одамлар. Фалон кимсаларни хоҳламайман, уларнинг ҳаёти исломий эмас. Ундайларнинг хонадонимизга қадам босишлари яхшилик келтирмайди. Бундай мезонлар билан қурилган оила қисқа вақт ичида бир жаннати хонадон бўлади».

Орадан бирор йил ўтди. Бир куни уйимга келсам, кекса аёл меҳмон бўлиб ўтирган экан. Унинг аёлимга: «Қизим, бундай қил, ундай қилма», деб насиҳат қилишидан таажжубланиб: «Бу ким?» деб сўрадим. Аёлим: «Қайнонангиз», деб жавоб берди. Мен қайнонамнинг ҳурматини бажо келтириб, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатдим. Қайнонам: «Хотинингиздан мамнунмисиз?» деб сўрадилар.

«Жуда мамнунман, Аллоҳ сизлардан рози бўлсин, жуда ҳам яхши фарзанд етиштирибсиз. Бундан яхшиси бўлмайди. Ниҳоятда мамнунман», дедим.

Бунга жавобан қайнонам:

«Мен уни жаннатдай оила гўшасида ўстирганман, ўғлим. Аёлнинг бадфеълдан Аллоҳ сақласин. Қариндошларимиз сизни кўргани келишмоқчи, қачон келишсин?» деб сўрадилар.

Мен: «Истаган кунлари келишсин. Уйимнинг тўри уларники», дедим.

Қайнонам ҳар йили бир келиб, қизига насиҳатлар қилиб кетардилар. Мен хоним билан йигирма йил бирга яшаб, унинг бирорта айбини кўрмадим».

Қози Шурайхнинг қўшнисиникида ҳар куни жанжал экан. Қўшни хотин тарбия кўрмаган, ёмон феълли бўлгани сабабли, турмушлари хароб экан. Уларнинг ҳолини кўрган Қози Шурайх суюкли хоними Зайнаб шарафига бу сатрларни битган эканлар:

*Завжалар ичинда Зайнабим танҳо,
Кўлим синсин, унга кўтарсам гоҳо.
Адолатсизликдир беайб урмоқ,
Зайнабимга муносибдир мадҳ этиб юрмоқ.
Хотинлар ичида у бир кўёшдир,
Бошқа барча хотинлар юлдузга эшдир.
Кўёшнинг ёнида юлдузлар учар,
Эркак саодати уйида бўлар.
Зайнаб итоатли, Зайнаб содиқдир,
Унга таёқ эмас, мадҳия ҳақдир.*

Азизлар, мазкур ҳикояни, ундаги қизнинг гапларини яна бир қайта ўқиб чиқинг. Яқин ойларда ёки яқин йилларда келинлик либосини эгнига илувчи қизингизга ҳам ўқиб, маъносини тушунтириб беринг. Биз, ҳар биримиз уйимизда жаннат ҳузури бўлишини истаймиз, Аллоҳдан сўраймиз. Албатта, бундай ҳузурни бергувчи ёлғиз Аллоҳдир. Аммо бу неъмат фақат дуо билан бўлмайди. Бу неъматга эришиш учун банданинг ўзида яхшилик сари интилиш бўлиши лозим. Қизининг бахтли бўлишини истаган ота-она унга яхши тарбия бериши керак. Мазкур ҳикояда шундай ўғитлар борки, уларга амал қилиш хонадонни жаннат мисоли ҳузур манбаи қила оладир. Қози Шурайхнинг қайнонаси «Қизимни жаннатда ўстирдим», деганига диққат қилайлик: аввало, бунда ҳикоя аввалида зикр этилган ҳадисга ишора бор. Иккинчидан эса жаннат – иймон эгалари тўпланадиган жой. Қиз иймон эгалари таъсирида вояга етган. Ҳар бир ҳаракатида иймон талабларига амал қилади. Кимки уйини жаннат боғчаси қилса, фарзандини шу боғча гули каби парваришлайди. Кўриниши гўзал бўлгани учун эмас, феъли гўзал, ахлоқи яхши бўлгани учун аёл эъзозланади. Чунки мол-дунё тугайди, гўзаллик ўтиб кетади. Шу гапларни айтсам, айримларнинг энсаси қотиб, «Ўтмишдаги гапларни мисол қилишнинг нима фойдаси бор?» деб қўл силташади.

Каминанинг афсуси ҳам шунда. Ажаб, ажабки, жаннат боғчалари ўтмишда қолиб кетдимикин? Йигирма биринчи аср мезони бу жаннат боғчаларини инкор этадими? Бўлажак келин бой, бўялган, тузанган бўлса басми? Тор шим кийиб, киндигини кўрсатиб юрувчи, ота-онасидан ҳам кўра дискотекани яхши кўрувчи қизлар қайси боғчада парвариш қилиндилар экан? Жаннат боғчасидами ё дўзахнинг қуриб-қовжираган биёбонидами? Баъзан кўчада кўрамиз: онаси бинойи аёл, ҳатто ҳижобда. Қизи эса шармандали кийимда. Бу қанақа оила бўлди?!

Севикли Пайғамбаримиз алайҳиссалом саҳобаларига: «Ахлатхонада битган гулдан эҳтиёт бўлинг», деганлар. Асқоб: «Ахлатхонада битган гул қандай гул, эй Аллоҳнинг Расули?» деб сўрадилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилдилар:

«Ёмон муҳитда, исломий тарбиядан узоқ, ахлоқсиз бир оилада етишган аёл».

Келин қилаётганда оиласининг дини ва ахлоқи, яшаш тарзи яхши ўрганилиши керак. Албатта, қўни-қўшниларнинг айтганлари эътиборга олинади. Лекин қўшнининг ҳам ҳар хили бўлади. Бу ишда кўриниши чиройли қўшнилардан эмас, балки дини, ахлоқи гўзал, фақат тўғри гапни сўзловчи одамлардан сўралади. Қиз берувчи ҳам кўёвнинг дини, ахлоқини билиши шарт. Яхшилаб

суриштирмасдан, тўйдан кейин «Куёв бадахлоқ экан, куёв гиёҳванд экан», деб вовайло айтишдан фойда йўқ. Суриштиришда ёлғон ишлатилмаслиги керак. «Айби бор, аммо тўйдан кейин тузатиб олар», деб алдаш Исломга зид. Умуман, Исломда мутлақо ёлғон ишлатиб бўлмайди. Аммо икки ёшнинг тақдири ҳал қилинаётганда бунга алоҳида диққат қилиш керак.

Ҳар бир эркак номусли, ҳаёли қизга уйланишни истайди. Бу фазилатни қиз энг аввало ўз оиласида ўзлаштиради. Агар оиладаги ота-она тарбияли, одобли ва бир-бирларига хушмуомала бўлишса, фарзандлари ҳам улардан ибрат олиб, шундай фазилатлар эгаси бўладилар. «Онасини кўргин-у, қизини ол», деб бекорга айтмаганлар. Совчилар борган уйларининг ҳашаматига лол қолиб ўтирмасдан, уй бекасининг саришталигига, муомаласига диққат қилсалар, адашмайдилар. Агар ёдингизда бўлса, Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар»нинг аввалидаёқ уйланиш машаққатидан сўз очадилар:

«–Манимча, уйланишдек нозик бир иш дунёда йўқдир, – деди Раҳмат ва Отабекка юз ўгирди. – Уйлангач, хотининг табъингга мувофиқ келса, бу жуда яхши; йўқса, мунчалик оғир гап дунёда бўлмас.

Отабек Раҳматнинг бу сўзини самимият билан қаришлади.

– Сўзингизнинг тўғрилигига шубҳа йўқ, – деди, – аммо шуни ҳам қўшмоқ керакки, оладирғон хотинингиз сизга мувофиқ бўлиши баробарида эр ҳам хотинга мувофиқуттабъ (таъбига мос) бўлсин.

– Хотинга мувофиқ бўлиш ва бўлмасликни унча кераги йўқ, – деди Ҳомид эътирозланиб, – хотинларга «эр» деган исмнинг ўзи кифоя... аммо жиян айткандек, хотин деган эрга мувофиқ бўлса бас.

Раҳмат қулиб, Отабекка қаради. Отабек ҳам истеҳзоли табассум ораси Ҳомидга кўз қирини ташлади.

– Уйланишдаги ихтиёримиз, – деди Раҳмат, – ота-оналаримизда бўлганликдан, оладиган келинлари ўғилларига ёқса эмас, балки унинг ота-оналари ўзларига ёқса бас. Бу тўғрида уйлангувчи йигит билан эр қилгувчи қизнинг лом-мим дейиш-ка ҳақ ва ихтиёрлари бўлмай, бу одатимиз маъқул ва машруъ ишлардан эмасдир. Масалан, мен ота-онамнинг ёқдиришлари билан уйландим... аммо хотиним ота-онамга мувофиқ бўлса ҳам, менга мувофиқ эмас. Сиз айткандек, эҳтимол, мен ҳам хотинимга мувофиқ эмасдирман...»

Китобдаги бу сатрларни батафсил эслашимнинг боиси, эътибор қилган бўлсангиз, ўтмиш ва бугунги кун ҳолатида ўзгариш кам. Орамизда Ҳомидга ўхшаб чакки фикрловчилар ҳам учраб турибди. Фарзандларини уйлантиришда уларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олмайётганлар ҳам кўп. Демак, бу хусусдаги баҳсларга чек қўйиш вақти ҳали келмабди.

Оила қурган кишини кеманинг ичига тушган одамга қиёслаш мумкин: кема денгиз ўртасига йўл олган. Денгизда эса пўртаналар мавжуд. Фарзандларнинг туғилиши бу кемани бошқаришни янада қийинлаштиради. Энди кема дарғасидан янада кўпроқ куч ва маҳорат талаб этилади.

Фарзанд туғилиши қувонч ва бахт келтириши билан бирга, айрим оилаларда кутилмаган ташвишларни ҳам юзага чиқаради. Айниқса эр-хотин, қайнона-келин орасида келишмовчилик мавжуд оилаларда бола туғилиши билан вазият янада кескинлашади. Тўғрироғи, вазиятнинг кескинлашиши аёл ҳомиладорлигини сезган кунлардан бошланади. Маълумки, ҳомиладорлик жараёни ҳамма аёлларда бир хилда кечмайди. Айримлари бу жараёндан енгил ўтадилар, айримлари гоятда қийналадилар, махсус муолажага ҳам муҳтож бўладилар. Ана

шу пайтда оилада ҳам эр, ҳам қайнона, ҳам бошқа аъзолардан ҳомиладор аёлга алоҳида меҳр ва шафқатли муносабатда бўлиш талаб этилади. Баъзи қайноналарнинг «Шунга шунчами, менам ҳомиладор бўлганман, менам туққанман, бунақа талтайиб ётмас эдим», дейишларини нодонликка йўйсақ, ранжима-синлар. Келинларнинг барчаси ҳам айёр эмасдир. Уларнинг вужуди қақшаса, қийналишса, нима қилишсин? Келиннинг бундай азобли кунларида ақлли, инсофли қайнона унга ўз онасидай меҳрибонлик билан муомала қилиши керак. Эр ҳам хўжайинлик мартабасидан тушиб, меҳрибон йўлдош мақомини олиши шарт. Бола туғилгунига қадар аёлга моддий-маънавий шароит яратиб берилиши, уни айрим оғир вазифалардан озод қилиш лозим. Эр сув сепмоқчи бўлган хотинининг қўлидан челақни олса, бу ёқдагилар кулги қилмасликлари зарур. Ҳомиладор аёлни, айниқса асабийлашишдан эҳтиёт қилиш керак. Аёл кўп асабийлашса, мажбурий қийноқларга рўпара қилинса, боланинг асаб касаллиги билан туғилишини тиббиёт исбот қилиб берган. Демак, агар ҳомиладор аёлга яхши шароит яратиб берсак, аслида туғилажак фарзандимизга яхшилик қилган бўламиз. Фарзанд соғлом туғилса, ўзимизнинг бахтимиз-ку! Унинг хаста туғилишига ўзимиз сабаб бўлиб, кейин зир югуриб юришимиз Аллоҳ томонидан бизга ўша ёмонлигимиз учун берилган жазо эмасми?

Аксарият аёллар ҳомиладорлик пайтида арзимаган гапдан ҳам ранжийдиган бўлиб қоладилар. Қувноқ онларидан кўра ғамгин дамлари кўпаяди. Агар бу қайғуси ҳаддан ошса, ҳомила тушишидек нохуш ҳолат юзага келиши мумкин. Шу боис ҳам эркакларнинг бу даврда аёлларини авайлашлари хотинни эркалатиш эмас, балки туғилажак болани авайлаш демақдир. Аёлини ғам ва камқувватликдан эҳтиётлаш эрнинг бурчи. Аёлнинг баҳаво жойларда кўпроқ юриши, тез ҳазм бўладиган кучли овқатларни тез-тез ва оз-оз тановул қилиши бизнинг оилалар учун камёб ҳодиса. Ҳомиладор келин қорни очса ҳам, бошқаларнинг дастурхон атрофига ўтиришини кутишга мажбур. Ўзича овқатланса, уни очофатга чиқариб қўямиз. Кейин эса болани сақлаш учун шифохонага ётқизамиз. Агар келин кетма-кет икки марта бола ташласа, «Бунинг пушти чатоқ экан, боламга бошқа хотин олиб бериш керак», деган ҳаракатга тушиб қоламиз. «Келин ҳомиладор бўлганидан кейин унинг шароитини яхшилаш учун нима қилдик?» деб ўзимиздан сўрамаймиз. Агар келин камовқат бўлиши, кўп қайғуга берилиши оқибатида бола ташласа, бунинг гуноҳи эр, қайнота-қайнона зиммасига тушади.

Никоҳнинг биринчи мақсади – одам наслини кўпайтиришдир. Шунинг учун ҳар бир одам бутун куч-қувватини авлодининг ҳимоясига қаратиши керак. Ҳеч бир ота-она боласининг нобуд бўлишини истамайди. Она қорнида бола пайдо бўлганидан сўнг унинг ҳаёт-мамоти ота-онага боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам улар боланинг нобуд бўлишига олиб келадиган ишларни қилмасликлари керак. Аёллар, айниқса эрлар болага зарар келтириши мумкин бўлган ташқи таъсирлар нималардан иборат эканини яхши билмайдилар. Масалан, тиббиёт фанида аниқланган маълумотларга кўра, ҳомиладорликнинг иккинчи ойидан то тўртинчи ойигача кўпчилик оналар бола ташлайдилар. Бунинг сабаблари қўрқув, камқувватлик, оғир жисмоний ишларни бажариш, эр билан бирга бўлиш ва кўп қайғуриш кабилардир. Оғироёқ аёлларни уйда ёлғиз қолдириш ҳам мумкин эмас. Тиббиёт илмининг тавсиясига кўра, ҳомиладорликнинг иккинчи ойидан бошлаб эркак аёлига яқинлашмаслиги керак. Агар ҳайвонлар оламини кузатсак, улар бу масалага қатъий амал қиладилар, ҳомиладор жуфтларига яқин-

лашмайдилар. Биз – одамлар шахватпарастликда ҳайвонларни ортда қолдириб кетганмиз. Бир неча дақиқалик нафс ороми учун фарзандимизни ҳам аямаймиз. Бола она қорнида тўрт-беш ойлик бўлганида висол онларининг зарари билан майиб бўлиб қолиш эҳтимоли кўпроқ бўлади. Бу зарарларни кўпчилик билмайди, билганлар эса амал қилмайди. Яхши баҳонамиз бор: Худо сақласин!

Ҳомиладор аёлга яхши шароит яратиб бериш ҳам ҳар бир оиланинг бурчи, ҳам жамиятнинг вазифаси. Бизда ҳомила етти ойлик бўлганда аёлга таътил берилади. Етти ойлик болани қорнида кўтариб, қийналиб ишлаб юрган аёлларни кўрсам, ачиниб кетаман. Наҳот жамият уларга янада қулайлик яратиб беришга ожиз? Аёлларга таътилни ҳомила икки ойлик бўлганда беришнинг иложи йўқми? Албатта, бу жамият учун иқтисодий жиҳатдан оғир муаммо. Бу масалани бир ойда ёки бир йилда ҳал қилиб бўлмайди, балки босқичма-босқич ҳал этиш мумкин. Масалан, ҳомила беш ойлик бўлганда тўла таътил бериш мумкин ёки маошини сақлаб қолган тарзда ярим кун ишлатса ҳам бўлади. Ёки бола туғилгандан кейинги таътилни қисқартириш ҳисобига ҳомиладорлик таътилига қўшиш мумкин. Ёки авваллари эркаклардан фарзандсизлик солиғи олинадди. Қизлар турмушга чиқмаган бўлишса, олинмасди. Шуни бир оз ўзгартириш мумкин: қизлардан ҳам шундай солиқ олиб, уни худди пенсия жамғармаси каби ўзларининг жамғармаларига тўпланса, ҳомиладорлик даврида маош сифатида тўлаш мумкин бўлади. Хуллас, таклифлар кўп, энг муҳими, «Мумкин эмас», деб рад этмасдан, ҳаракат қилиш керак. Чунки бир аёлнинг ҳомиладор бўлиши, фарзанд кўриши бир оиланинг муаммоси эмас. Бу – жамият келажаги-га доир муҳим масала!

Фарзанд туғилганидан кейин эр ҳам, хотин ҳам бир нарсани англаб олишлари керак: фарзанди туғилгунига қадар ҳар бир одам ўзи учун яшайди, туғилганидан кейин фарзанди учун яшайди. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Яқинда бир даврада илмли биродаримиздан: «Бир одамнинг хотини ва қизи бор. Хотинининг оғзидан ёмон ҳид келади. Даволатай деса, давоси йўқ экан. Ажрашмоқчи, шу тўғрими?» деб сўраб қолишди. Илмли биродаримиз ўйлаб ҳам ўтирмай, «Тўғри, ажрашиши керак, оғзидан ҳид келишини қиз тўйдан олдин айтиши керак эди», деди. Мен бу фатводан ранжидим. Агар оилада фарзанд бўлмаганда, ажрашиб кетишса майли эди. Лекин фарзанд тирик етим қоляпти-ку, наҳот буни ўйлашмаса?! Мен илм кишиси билан баҳслашишга ожизман, лекин бундай фатво беришларини тўғри деб ҳисоблай олмадим. Аввало, аёлнинг оғзидан келувчи ҳид тўйдан кейин пайдо бўлгандир. Бу кўпроқ ошқозоничак хасталиги билан боғлиқ ҳолат. Лекин аёллар эрларидан шундай ҳид келса, ажрашиб кетмайдилар-ку? Ҳам ароқ, ҳам тамаки хиди анқиб турган эркаклар билан баъзан ёнма-ён ўтириб, беш-ўн дақиқага чидамаймиз, уларнинг аёлларига эса балли, деймиз. Яна шу ўринда юзига яра тошиб, гўзаллигини йўқотган қаллиғига уйланиш учун кўзини ожиз қилиб кўрсатган инсоф эгаси ҳақидаги ривоятни эслайлик. Бизлар шундай танти, мард, олийжаноб бўла олмаймизми? Бизлар ўз нафсимиз йўлида шу қадар тубанлашиб кетдикми?

Маҳалладаги қўйди-чикдиларни ҳал қилувчи йиғинда бир эр хотинини талоқ қилганини айтиб, «У менинг менталитетимга тўғри келмайди», деб изоҳ берди. Маълум бўлишича, бу «менталитет эгаси» Америкага ишга бориб келган экан. Агар йирик олим сифатида бориб келса-ю, «Хотинимнинг савияси паст», деса, тушуниш мумкин. Америкада икки йил бир меҳмонхона зиналарини ювиш билан машғул бўлган экан, бу жанобнинг менталитетлари қандай бўлиши мумкин? Энг муҳими, бу нодон жанобнинг уч фарзандлари бор. Бу

фарзандлар туғилгунича менталитетлари қаерда эди? Ким нима деса десин, аммо жиддий сабабсиз болаларини тирик етим қилаётганларни айблашдан тоймаймиз. Фарзанд оилани бузишга сабабчи эмас, балки оилани сақлаб қолишга восита бўлиши керак. Хотинига чидай олмай қолган эр, эрига чидай олмай қолган хотин фарзандининг келажагини ўйлаб кўрса-чи? Эҳтимол, шу уларни охирги қадамдан сақлаб қолар? Судда эр ҳам, хотин ҳам фарзандни талашади. Фарзандни шунчалик яхши кўрар экан, шу боланинг бахти учун ўз нафсидан кеча қолса бўлмасмикин? Судда фарзандларини талашадилар. Кейин... янги оила кураётганларида уни болалар уйига олиб бориб берадилар. Бунга нима деймиз? Боласини тирик етим қилиб қўйганлар наҳот янги оилаларида ўзларини бахтли ҳис қила олсалар? Ота ёки она меҳрига ташна боланинг уволи уларни тутмайдими? Бу дунёда отасиз ёки онасиз, ёки ота-онасиз ўсган фарзандлари билан қиёматда юз кўришганларида бола меҳр-шафқат ҳаққини даъво қилса, нима деб жавоб берадилар?

Қиёматдаги жавобга қадар ота ва онанинг жамият олдидаги бурчи бор. Қамалиб қолган ўсмирлар ҳаёти билан қизиқиб кўрганимда улар орасида ота-онаси, буваси ва бувиси тарбиясида улғайганлари оз эди. Ота-онасининг ажрашиб кетиши натижасида отаси ёки онаси меҳридан бегона равишда ўсганлари эса қўпчиликни ташкил қилар эди. Болалиги ёки ўсмирлигида жиноят йўлига кириб, сўнг умрининг охиригача бу оламда қолиб кетган фарзанд ота-онасини ҳаётлик давридаёқ куйдириб кул қилади. Бундай фарзанд ота-онасининг вафотидан кейин уларни йўқлаб бирор марта дуо қилармикин? Бу ҳам бир масала. Дуоталаб руҳларнинг қиёматга қадар азобланиб, чирқираб туришидан Аллоҳ асрасин!

Аёллар ишлашлари керакми ё йўқми, деган муаммо бугунги кун оиласи учун муҳим бўлиб турибди. «Бугунги кун» деб таъкидлашимизнинг боиси, авваллари бундай муаммо бўлмаган. Аёллар уйда ўтирганлар. Бироқ бу улар ишламаганлар, деган гап эмас. Аёллар уй юмушлари, фарзандлари тарбияси билан шуғулланишдан ташқари, маълум бир ҳунар билан банд бўлганлар. Масалан, каштачилик, дўппичилик... каби. Ундан ташқари, аёллар ишлаши керакми ё йўқми, деган масала фақат шаҳарга хос. Қишлоқларда бундай масала йўқ. Эркак далада кетмон чопиб, аёл уйда пашша қўриб ўтирмайди. Эр билан баравар ишлайди. Фарзанд тарбияси ҳам шу меҳнат жараёнида олиб борилади.

Ҳўш, бугун шаҳар оиласида аёл ишлаши керакми ё йўқми?

Бу саволга ҳар бир оила ўз шароитидан келиб чиқиб жавоб бериши зарур. Энг муҳими, аёлнинг нима иш билан шуғулланишига жиддий эътибор бериш керак. Аёлларни оғир ва соғлиқ учун зарарли ишлардан эҳтиёт қилишимиз лозим. Аёлларнинг жисмоний оғир ва зарарли ишларда ишлашлари биз – эрлар учун уят эмасми?! Бухородаги сайёҳларга тарихдан ҳикоя сўзловчилар зардўзлик санъати ҳақида гапира туриб, «Қадимда зардўзлик билан фақат эркаклар шуғулланганлар, аёлларни менсимаганлар, уларга ишонамаганлар», деб изоҳ беришади. Албатта, бу нодонларча изоҳга сайёҳлар ишонадилар. Ҳолбуки, у замонларда эрлар аёлларни эҳтиёт қилганлар. Аввало, бу иш анча машаққатли. Иккинчидан, зардан турли чанг кўтарилади ва аёлнинг саломатлигига таъсир қилади. Яқинда бир биродаримизнинг аёли вафот этди. Шунда биродаримиз: «Аёлимни ишлатмасам бўларкан, барвақт ўлмас эди», деб қолди. Унинг аёли босмахонада ҳарф терувчи бўлиб ишларди. У пайтлар «линотипчи» деган касб

эгаси, яъни ҳарф терувчининг шундайгина ёнида қўрғошин қайнаб турарди. Ўша ишда орттирилган касаллик охири ўз кучини кўрсатди.

Бу масалада айрим биродарларимиз сал кескинроқ фикр ҳам билдириб: «Ишлайдиган аёлларнинг бузилишлари осонроқ бўлади», дейишади. Бу фикрга қўшилиш қийин. Бузиладиган аёл уйда ўтириб ҳам бузилаверади.

Бошқа биродарларимиз: «Ишламай, уйда ўтирган аёлларнинг дунёқараши тор, савияси пастлашиб кетади», дейдилар. Бу ҳам бир ёқлама тўхтам. Дейлик, бир хонада олти аёл ишлайди. Биттаси китобхон, бошқалари китоб деса, боши оғрийдиган тоифадан. Ўша китобхон аёл жаҳон адабиётидан гапирса, қолганлар эшитишадими? Эшитишмайди. Уларга бундан кўра ғийбат афзал. Ғийбатдан лаззатланишади. Оқибатда ўша китобхон аёлни ҳам ўз қаторларига қўшиб олишади. Агар уйда ўтирган аёлларнинг савияси паст бўлса, Зебуннисо бегим, Нодира бегим, Увайсий бегим...лар дунё адабиёти тарихига гавҳарлар тўкармидилар?

Ишлаш масаласини ҳал этишда ҳар икки томон кескин талаблардан воз кечиб, шароитдан келиб чиққан ҳолда муроса қилганлари маъқул. Бу масалада бир оила иккинчисига намуна бўла олмайди.

Энди оилага доир нозик масала ҳисобланган кўпхотинлилик ҳусусида фикр юритсак. (Аниқлик киритай: оиласи бузилиши натижасида талоқ бериб, сўнг иккинчи ёки учинчи марта уйланганлар эмас, балки айни бир вақтда икки ёки ундан кўп хотинга эга бўлувчилар назарда тутилади.) Русларда «Генерал бўлишни орзу қилмаган аскар аскар эмас», деган мақол бор. Шуни сал ўзгартириб айтсак, иккита хотин олишни орзу қилмаган эр эр эмас, деган маъно чиқиши ҳам мумкин. Гарчи бу гап ҳазил тариқасида бўлса-да, лекин шундай орзу кўпгина эрларда мавжуд. Айрим эрлар учун ҳаёл орзулигича қолиб кетади, айримлар эса орзунини амалга оширишга ҳаракат қиладилар. Камбағаллар учун бу муаммо йўқ, десак ҳам бўлар. Камбағал эрнинг иккинчи хотин олишга ҳаракат қилиши осмондаги куюшни узиб олишга уринишдай гап. Чўнтакка тушган пул нафсни қитиклайди. Бу нафсни қондириш учун мусулмон эрларга тайёр баҳона бор: Аллоҳ тўрттагача уйланишга ижозат этган. Эр қандай ҳолатларда хотинни кўпайтириш ҳаракатига тушади?

* * *

Ўз хотини билан нафсини қондира олмаса, ташқаридан лаззат излайди.

* * *

Ота-онасининг зўри билан уйланган хотини кўнглига ёқмайди, ўзига ёқадиганини истайди. Гўё «Ўткан кунлар»даги Ҳомиднинг маслаҳатига амал қилади: «*Жиян, – деди Ҳомид Раҳматка қараб, – бошлаб уйланишинг албатта ота-онанг учун бўлиб, улардан ранжиб юришингни ўрни йўқ. Хотининг кўнглингга мувофиқ келмас экан, мувофиқини олиб, хотинни икки қил. Буниси ҳам келишмаса, учунчисини ол. Хотиним мувофиқ эмас, деб зорланиб, ҳасратланиб юриш эр кишининг иши эмас*». Бу маслаҳатга амал қилганларни «адашганлар» деб атасам, ранжимасинлар.

* * *

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг суннатлари, деб иккинчи, учинчи марта уйланадилар. Ажабки, суннатга амал қилишни айнан шу соҳадан бошлайдилар. Қолган ўнлаб суннатлар эса бажарилмай қолади. Бу биродарларимизда андак

жоҳиллик бор. Бу борадаги суннатнинг маъносини яхши англаб етмаганлар. Чунки Пайғамбаримиз алайҳиссалом нафсни қондириш учун эмас, беваларга меҳрибонлик қилиш учун ва бошқа жуда кўп жиддий сабаблар билан бир нечта хотинга уйланганлар.

* * *

Биринчи оиладаги фарзандсизлик оқибатида бошқа турмуш қуришни ҳеч ким рад этолмаса керак.

* * *

Ота-онасини беҳурмат қилувчи хотинни қўйиб, ҳурматлайдиганига уйланувчилар ҳам бор. Аммо иккинчи ёки учинчи хотин ота-онасини ҳурматлайди, деб ким кафолат беради? Эҳтимол, ҳурматсизликда кейингилари аввалгисидан ошиб тушар. Балки «ота-онани ҳурмат қилмаслик» нафс талабини яширишдаги бир баҳонадир?

* * *

Уйланишдан илгари зино қилган эр яна бегона аёлни қўмсайверади. Бу нафсини қондириш учун маблағи бўлса, бирон қизни ёки жувонни шаръий никоҳига олади, пули камлик қилса, фоҳишаларнинг хизматидан фойдаланади.

Суриштираман десангиз, сабаб ва баҳоналар қайнаб чиқаверади. «Нечта хотин олган маъқул?» деган саволни кун тартибига қўйсак, бир хил жавоб ололмаймиз. «Ўткан кунлар»даги тоға-жиян баҳсини эслайлик:

«Раҳмат Отабекка кулимсираб қаради-да, тоғасига жавоб берди:

– Хотинни кўнайтириб, улар орасида азобланишнинг нима ҳикмати бўлсин? – деди. – Бир хотин билан муҳаббатлик умр кечирмак, манимча, энг маъқул иш. Масалан, икки хотинлиқнинг биттаси сизми? Уйингизда ҳар куни жанжал, бир дақиқа тинчлигингиз йўқ.

– Сенингдек йигитлар учун албатта битта хотин ҳам ортиқчалик қиладир, – деб кулди Ҳомид. – Кўб хотин орасида азобланиш ўзи нима деган сўз? Қамчинингдан қон томса, юзта хотин орасида ҳам роҳатланиб тириклик қиласан. Мен бу кунгача икки хотин ўртасида туриб жанжалга тўйганимча йўқ, аммо хотинни учта қилишга ҳам ўйим йўқ эмас».

Ҳомидга ўхшаб фикр қилувчилар ҳозир ҳам топилади. Фақат айрим фарқлар бор. Чунончи, кўпхотинлининг уйида ҳозир жанжал йўқ, чунки хотинлар бир уйда яшамайдилар. Ҳар бир хотинга алоҳида уй олиб берилади. Иккинчидан, қамчиндан қон томмайди, балки пул томиб туради. Пул томиб турар экан, жанжалга ўрин йўқ.

Устоз Абдурауф Фитратнинг мазкур масаладаги мулоҳазаларидан фойдаланиб, фикрларимизни давом эттирамиз.

Одамлар аввал оила шаклида жам бўладилар ва бир неча оиладан бир қавм пайдо бўлади. Маълумки, бир қавмнинг ҳар бир оиласи саодатли ва бахтли бўлмасалар, ўша қавмни бахтиёр ва саодатли дейиш хатодир. Ҳамда оила аъзосидан бирортаси бахтли бўлмаса, ўша оилани бахтиёр дейиш ҳам нотўғри бўлади. Модомики, қавм оилалардан ва оила эса алоҳида одамлардан таркиб топган экан, «оздан кўпга» дегандек, айтиш мумкинки, ҳар қавмнинг саодати шу қавм оилаларининг бахтиёрлиги ва ҳар бир оиланинг саодати шу оила аъзоларининг саодати ва бахтлилиги билан боғлиқ.

Нечта хотин билан яшаш масаласини шу нуқтаи назардан муҳокама қилиш ўринли. Бир нечта хотин билан яшаш оилаларни бахтли қиладими ё бахтсиз? Шу оила аъзоларига шодонлик келтирадими ёки бахтсизлик? Агар висол онлари ҳисобга олинса, бу эр учун айна бахтиёрлик туюлади. Аммо кундош балоси билан сийланган хотин учун бу бахтиқароликдир.

Дейлик, Фалончи Писмадон қизни никоҳига олди. Яъни ул бечорага саодат ва бахтиёрлик ваъда қилиб, ҳаётининг бойлиги, яъни ёшлигини ўз тасарруфига олди. Икки-уч йил яхши яшайди. Уйланишдан мақсад бўлган икки-уч фарзанд дунёга келади. Аёлнинг таровати ва ёшлиги эрнинг муҳаббати ва меҳри йўлида сарф бўлгандан сўнг Фалончи жанобнинг шахвати янада жўш уриб, нафсини қитиқлайди. Нафси ором топиши учун энди унга ўз хотини кифоя қилмайди. Бошқача қилиб айтганда, саодат ва бахтиёрлик умиди билан ёшлик айёмини эрининг орзу-ҳавасларига фидо қилиб, икки-уч фарзанд кўрган хотинининг ёнига янги хотин олади. Бу нима, дастлабки никоҳ онндаги ваъдага хилофлик ва хиёнат эмасми? Турмушнинг дастлабки кунлари, ҳафталари, ойларида ҳар бир эркак хотинига тилида бўлмаса ҳам, дилида бахт тилайди. Кўнгли бошқасини тусаганда бу ваъда унутиладими?

Хуллас, Фалончи жанобимиз биринчи хотинларига айтибми ё яширин равишдами, ишқилиб уйландилар. Янги хотинга бутунлай берилиб кетишлари табиий. Биринчи хотин ва ҳаётининг мевалари бўлган фарзандлари шууридан четлаша бошлайди. Табиийки, ўша хотин ва фарзандлар буни сезадилар ва жавоб тарзида унга бўлган муҳаббатларини йўқотадилар. Ундан ва янги хотинидан нафратланадилар. Вақт ўтиши билан янги хотиндан ҳам бир-икки фарзанд туғилгач, бу ўзаро нафрат янада кучаяди. Ваҳоланки, коинотда қайси иккита жинс бирга бўлса, муҳаббат натижаси экани маълум. Шундай экан, оила аъзолари орасида муҳаббат кўтарилса, вайронлик, тарқоқлик ва интизомсизлик келиб чиқади. Агар бу қўшхотин бир ҳовлида яшаса, улар ва уларнинг болалари ўртасида кун сайин нафрат ошиб боради. Ёқалашиш юзага келади, Фалончи ўзини бахтсиз сеза бошлайди, фарзандларининг хулқи эса ёмон бўлиб бораверади. Юқорида зикр этганимдек, ҳозирги кундошлар бир ҳовлида яшамайдиларким, бу қўшхотинлик жанобнинг мушқулини анча осон қилади. Аммо уйнинг алоҳидалиги биринчи оиласида ёнаётган нафрат ўтини заррача камайтирмайди. Биринчи оилани моддий жиҳатдан таъминлаб турса-да, унга нисбатан бўлган муҳаббат сақланиб қолмайди. Фарзандлари ҳам уни суюкли ота сифатида қадрламайдилар, балки моддий таъминотчи сифатида ҳурмат қилиб турадилар. Биринчи оила ўзини мустақил таъмин этадиган ҳолга етгач, отага бўлган бу ҳурмат ҳам сўнади.

Давлат қонуни қўшхотинлиликни ман этади. Ислом ижозат беради. Айрим европаликлар Исломнинг шу жиҳатини маъқуллайдилар. Эркак фоҳишахонага боргандан кўра яна битта хотин олиб, покиза яшагани маъқул, дейдилар. Дарҳақиқат, қўш хотин олишнинг бу томони ҳам бор. Айрим эркакларда шахват иштиёқи кучли бўлади. Ўз аёли билан қўшилиш мумкин бўлмаган кезлари у кўчадан нажот излайди, гуноҳга ботади. Агар никоҳида яна битта хотин бўлса, бу гуноҳдан сақланади. Ундан ташқари, бу ўринда аёлларнинг тақдири ҳам бор. Аввало, ўғил болалардан кўра қизлар кўпроқ туғиларкан, ундан ташқари, турли уруш ёки фожиалар туфайли эрлар кўп қирилади. Демак, бир эрга икки ё уч аёл тўғри келади. Шундай экан, аёллар нима қилишсин?

* * *

Ҳаром йўлга юрсинларми? Ҳаром бола орттисинларми?

* * *

Бировнинг оиласини бузиб, хотинидан бутунлай ажратиб, болаларини тириклай етим қилиб, унга тегиб олсинларми?

* * *

Ҳалоллик ва поклик, рози-ризалик йўли билан бир кишига никоҳланиб, оила қурсинларми?

Албатта, барчамиз шу учинчи йўлни маъқуллаймиз.

Куруъони карим маъноларининг ўзбекча таржимасида ўқиймиз: «Агар етимларга адолат қила олмасликдан қўрқсангиз, ўзингизга ёққан аёллардан иккитами, учтами, тўрттами, никоҳлаб олинг. Агар адолат қила олмасликдан қўрқсангиз, биттани (олинг) ёки қўлингизда мулк бўлганлар билан (кифояланинг). Мана шу жабр қилмаслигингизга яқинроқдир». «Нисо» сурасида келган мазкур оятни ақлимиз етганича ўрганишга ҳаракат қилайлик. Тарихдан маълумки, жоҳилият даврида аёллар ҳуқуқи бағоят даражада поймол қилинган. Бир эрга ўнлаб аёллар тутқун бўлган. Кейин эса урушлар туфайли кўп аёллар тул қолганлар. Ислоҳ ана шу аёллар тақдирини одилона ҳал қилиб беради.

Ояти каримадаги етимлар ҳаққига хиёнат қилишдан қўрқилса, иккитами, учтами, тўрттами хотин олишга ижозат берилиши ўқиган одамга ғалати ва тушунарсиз туюлиши мумкин. «Тафсири Ҳилол»да бу мураккаб масала яхши тушунтириб берилган. Имом Бухорий Ибн Шихобдан қилган ривоятда шундай дейилган экан: «Менга Урва ибн Зубайр хабар бердики, у Оиша онамиздан «Агар етимларга адолат қила олмасликдан қўрқсангиз» ояти ҳақида сўраган экан, у киши розияллоҳу анҳо дебдилар: «Эй жиян, бир етим қиз кафилнинг қарамоғида бўлади. Қиз унинг молига шерик бўлади. Қизнинг моли ҳам, жамоли ҳам уни ўзига тортади-да, унинг маҳрида адолатли бўлмай, унга уйланмоқчи бўлади. Унга бошқалар берадиган маҳрни бермоқчи бўлади. Бас, адолатли бўлмасалар, улар уйланишдан қайтариладилар, бошқа аёлларга уйланишга амр қилинадилар». Демак, оятда «етимлар» дейилганда етим қизлар назарда тутилган экан. Етим қизларга уларни ўз кафолоти(ҳимояси)га олган киши уйланмоқчи бўлса-ю, аммо бу ишда адолатсизликка йўл қўйишдан қўрқса, ўша етим қизларга уйланишни қўйсин-да, ўзига ёққан, никоҳи ҳалол бўлган бошқа аёллардан хоҳишига қараб иккитагами, учтагами, тўрттагами, уйлансин. Агар хотинлари орасида адолат ўрната олмасликдан қўрқса, биттага уйлансин.

Етим қизларга адолатсизлик фақат мол-мулк борасида эмас, чунки оятда адолат мол-мулк билан қайд қилинмасдан, мутлақ зикр этилгандир. Шунинг учун ҳар қанақа адолатсизликнинг юз беришидан сақланиш керакдир. Жумладан, эр бу қизга фақат моли учун уйланганда, ўзига нисбатан кўнгли бўлмаслиги мумкин. Ёки орадаги ёшда катта фарқ бўлиши натижасида оилавий ҳаётнинг ҳақиқий маъноси қиз ҳаётида ўз ифодасини умуман топмаслиги мумкин. Бу ҳам адолатсизликка киради.

Уламоларимиз оятдаги «етимлар» сўзини шундай талқин қиладилар ва бунга эътироз қилиш қийин. Каминада улар билан баҳс юритишга етарли илм бўлмаса-да, шу хусусдаги тушунчамни баён этишга журъат этаман. Таъкид этаманки, бу фикр баҳс йўсинида эмас, балки бир банданинг ақли етган даража-

даги тушунчасидир. Биламизки, Куръони каримда мавхум кўрсатмалар берилмайди. Масалан, масхара қилишдан қайтарилган оятда эр ва аёллар алоҳида таъкид этилади. Ёки илм олиш ҳақида ҳам: «Илм олмоқлик муслим ва муслималар учун фарздир», деб буюрилади. Ёки «Ёсин» сурасининг айрим тафсирида «Антокия» шаҳри тилга олинади. Баъзи муфассирлар эса «Агар шу шаҳар бўлганида, Аллоҳ уни ўз номи билан атарди», дейишади. Аллоҳ билгувчидир. «Нисо» сурасининг биз ўрганаётган оятида ҳам «етим қизлар», деб алоҳида таъкид этилиши мумкин эди. Эҳтимол, бу ўринда бошқа маънолар ҳам бордир. Яъни, етимлари билан бева қолган аёлларга меҳрибонлик қилишга даъват бордир? Яъни, етимларга меҳрибонлик қилинг, лекин ташқаридан туриб, уларнинг ҳақини адо этишга кўзингиз етмаса, уларнинг оналарига, яъни беваларга уйланинг, деган маъно йўқмикин? Бизнингча, тўрттагача уйланиш ижозати нафсни қондириш учун эмас, балки айнан беваларни ўз паноҳига олиш учун бўлса керак. Бу ўринда Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг кимларга уйланганларини яна бир эсга олсак, жоиз бўлар.

Ояти каримадаги адолат қилишга эътиборнинг тортилиши бежиз эмас. Хўп, бугунги кунда қўшхотинлилар қандай адолат қилишади? Камина «Ўткан кунлар» романи ҳақида фикр билдириб, «Отабек чин муслмон йигит эди, иккинчи марта уйланиш ҳақида сўз чиққанда Кумушга маълум қилиб, ижозат олган. Муслмонлик бурчига риоя қилмаса, улардан яширинча Зайнабга уйланиб олаверарди», деб ёзганимга айрим биродарларимиз эътироз билдириб, дедиларки: «Иккинчи хотинга уйланиш учун биринчисидан рухсат олиш шарт эмас». Дуруст, биринчи хотиннинг рухсати шарт бўлмаса, унга маълум қилиш лозимми ё йўқми? «Маълум қилгани дуруст». Хўп, унда талаб қилинаётган адолат нима бўлади? Отабек ота-онасининг истаги билан иккинчи хотинга уйланди, аммо Зайнабга нисбатан адолат қилмади, яъни унинг ҳаққини адо этмади, хотиннинг нафсига зулм қилди. Бу ҳол Зайнабда нафрат уйғотди. Шу нуқтаи назардан талқин қилсак, Кумушнинг ўлимида Отабекни ҳам айблаш мумкин бўлади.

Бугунги хотинларнинг кўпчилиги кундоши борлигини билмайди. Никоҳ яширинча ўқилади. Эр иккинчи хотини билан яширинча яшайди. Фақат хотиндан эмас, қариндошларидан ҳам сир тутаяди. Иккинчи хотини висолида маст бўлиш учун биринчисига «Узоқ сафарга кетяпман», деганга ўхшаш баҳона қилади. Яъни ёлғон гапираяди. Бу ҳаракатда қандай адолат бўлиши мумкин? Адолат деганда кечанинг биринчи ярмида биринчи хотин билан, иккинчи ярмида иккинчи хотин билан бўлишгина назарда тутилмайди. Адолатнинг қамрови кенг. Шунинг учун ҳам «Агар адолат қила олмаслиқдан қўрқсангиз, биттани (олинг)», деб буюрилади. Мен икки хотинлиларни айбламоқчи эмасман, «Иккита хотин олиш мумкин эмас», деб тақиқлаш ҳукуқи менда йўқ. Мен фақат икки ёки ундан кўп хотинга уйланган ёки шундай фикрда юрганларни Аллоҳнинг адолат хусусидаги огоҳлантиришини унутмасликка чақирмоқчиман. Шу огоҳлантиришдан келиб чиқадиган маъно: уйланган эрнинг ҳаёлида иккинчи хотин олиш орзуси бўлса, адолат қилиш ёки қилолмаслигини аввалдан аниқ билмоғи даркор. Агар адолат қила олмаслик эҳтимоли кўпроқ бўлса, иккинчи хотинга уйланиш ҳаёлидан воз кеча қолганлари дуруст. Аммо икки хотин ўртасида адолат ва инсоф ўрната олса, уларнинг оғирлигидан чўчимаса, ихтиёри ўзида. Икки ёки ундан кўп хотин олишнинг шarti шу – адолат ва инсофдир. Қўшхотинли эр шу ояти карима ҳукми ва виждони ҳукми ила фарз бўлган адо-

латни хотинлари ўртасида ўрнатишга мажбур. Яъни еб-ичиш, кийим-кечак, уй-жой, эркаклик мажбуриятида ҳам бир хил муносабатда бўлиши шарт. Илгарилари қизиқ одатлар бўлган экан. Масалан, адолатга риоя этиш учун хотинлардан бири кундошига пул бериб, унинг навбатини сотиб оларкан. Ёки эрнинг ўзи бир хотинига ҳадя бериш билан рози қилиб, иккинчи хотинига бораркан. Аммо ўша даврлардаги Ислом фақиҳлари буни маъқул кўрмай, пулни ва ҳадяни ўз эгаларига қайтаришни лозим билганлар. Адолатнинг бажарилиши вожиб экан, эр бўйнида у абадий қолади.

«Ҳар қанча интилсангиз ҳам, хотинлар ўртасида (уларнинг барчаларига баробар меҳр кўсатишда) ҳаргиз адолатли бўла олмасизлар. Бас, (суйган хотинларингиз томонга) бир йўла мойил бўлиб кетиб, уни муаллақ аёлга ўхшатиб қўйманг. Агар ислоҳ этсангиз ва тақво қилсангиз, албатта, Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир». («Нисо» сурасидан).

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладиларки: «Агарда эрнинг икки хотини бўлса ва уларнинг олдиларида адолат қилмаса, қиёматда танаси яримта бўлғай».

Оила асосини муҳаббат ташкил қилиши айтилди. Муҳаббатда адолатни ўрнатиш қийин, эр ҳамма хотинларини бир хил сева олмайди. Эр ёш ва гўзалроқ бўлган иккинчи хотинини биринчисидан кўра кўпроқ яхши кўради. Аллоҳ таоло эса хотинлар ўртасида адл ва инсоф ўрнатишни талаб этяпти. Нима қилиш керак? Ислом йўлидаги эрга Аллоҳ таълим берадики: «Ҳақиқатда инсоф юзасидан ҳамма хотинларингизни бир хил севмоқчи бўласизлар. Лекин муҳаббатда адолат ўрнатмоқ сизларнинг иқтидорингиз доирасидан чиқади. Шундай экан, кўпроқ севадиган хотинингизга камроқ майл қилинг, токи бошқа хотин ранжимасин. Севмайдиган хотинни муҳаббат ва ҳурмат чегарасида тутиб турингиз, аслида севмасангиз ҳам, зоҳирда шундай муомала қилингки, у ҳам севади, деб ўйласин».

Бу борада Расулulloҳ алайҳиссаломнинг хулқлари бизга ибратдир. Ҳазрати Пайғамбаримиз алайҳиссалом Оиша онамиз розияллоҳу анҳони бошқа хотинларидан кўра кўпроқ севганлар. Аммо хотинлари ўртасидаги адолат мезонига риоя қилиб айтарканларки: «Аллоҳим, иқтидорим борица хотинларим ўртасида адолат қилурман. Аммо ихтиёримда бўлмаган нарсага мени гирифтор этмагин, яъни ҳаммаларини бир хилда сева олмайман, мени афв этгин, чунки менинг қўлимда эмас». Ўз хотинларига қай даражада адолат қилиши лозимлигини билмай юрган эр учун Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг шу муборак гаплари кифоя қилар? Имом Бухорий ҳазратлари ривоят қилган ҳадисда Оиша онамиз розияллоҳу анҳо шундай дейдилар: «Пайғамбарнинг аҳволлари оғирлашганда, у зот менинг хонамда қолиш учун бошқа хотинларидан изн сўрадилар. Улар рози бўлдилар». Ислом дини кўп хотинлиликка шундай оғир шартлар билан ижозат беради. Шундай шартларга амал қилмай ёки аҳамият бермай, икки ёки ундан кўп хотинга уylanган эрлар билиб қўйсинларки, уларнинг ишлари Қуръон ва ҳадисга хилофдир. Фарзандлари қалбига зулм қилганлари учун бу дунёнинг ўзида жазо олишларини унутмасинлар. Бу жазодан ташқари, яна ҳисоб-китоб куни кутаётганини ҳам эсдан чиқармасинлар.

Ожиз ақлимизнинг хулосаси шуки, бу кунда ҳеч бир эр талаб қилинмиш адолат талабига жавоб бера олмайди. Шу боис битта хотинга кифоя қилсин ва қиёмат азобидан ўзини ҳимоя этсин.

Мавзу сўнгида кўпхотинлиликнинг жамиятга зарарини айтиб ўтмасам бўл-

мас. Тарихга назар ташласак, қудратли давлатларнинг парчаланиб кетганига гувоҳ бўламиз. Нега шундай? Бунинг турли сабаблари мавжуд. Шу сабабларнинг энг асосийси подшоларнинг шахват балосига учраганларидир, яъни тўхтовсиз ва беҳисоб уйланишларидир. Подшоларнинг хотинларидан туғилган фарзандлар расман ака-ука ҳисоблансалар-да, тож-тахтга ким ўтиради, деган муаммо кўтарилганида, жигарбандликни унутганлар. Ҳеч бўлмаса, Мўъмин Мирзо фожиасини эслайлик. Мўъмин Мирзо Бадиуззамоннинг ўғли, яъни аввал зикр этганимиз Ҳусайн Бойқаро ажрашган хотиннинг набираси. Ҳусайн Бойқаро бу набирасига Астробод вилоятини инъом қилади, кейин эса Хадичабегимдан туғилган ўғлига ҳадя этади. Оқибат Бобур Мирзо ёзганларидай: «Муҳаммад Мўъмин Мирзони анинг (яъни Хадичабегимнинг) саъйи билан ўлтурдилар». Ҳусайн Бойқародан ўн тўрт ўғил ва ўн бир қиз қолган эди. Қизларни ҳисобга олмасак, бу ўғиллардан қай бирининг кўнглида тахт эгаллаш истаги бўлмаган? Амир Темур салтанатини кимлар хароб қилди? Темурзодалар...

Оила, эр-хотиннинг ҳуқуқлари, бир-бирларига меҳр-муҳаббатлари хусусида адоқсиз равишда фикр юритиш мумкин. Чунки ҳар бир оила – ўзига хос бир олам. Бу оламнинг эса ўзига хос олам-олам қувончлари, олам-олам ташвишлари, олам-олам муаммолари мавжуд. Бу муаммоларни шариат ҳукми асосида ҳал этиш эса оила бошлиғи – эрнинг бурчи. Камина мазкур муаммоларни ҳал этишда унга холис бир маслаҳатчи бўлишга уриндим, холос. Энди дуога навбат келди:

Ё Раббимиз Аллоҳ! Бизларга оила неъматини берганинг учун Ўзингга шукрлар қиламиз. Бизга иймонли, солиҳ ва солиҳа, оқил ва оқила, вафоли, ҳаёли ёр бердинг, шукр, энди орамиздаги ўзаро меҳр-муҳаббатни зиёда, бардавом қил. Кимнинг оиласида тинчлик-тотувлик йўқ бўлса, эрнинг ҳам, хотиннинг ҳам кўнглиларини Қуръон нурлари билан нурлантириб, хонадонларига осойишталик бер. Хиёнаткор эр ёки хотинларга инсоф бериб, уларни иблис йўлларида Ўзинг қайтар. Меҳр-муҳаббат занжирлари узилай деб турган оилаларни Ўзинг асра. Ўзинг яратган бу муаззам ҳаётда тирик етимларнинг кўз ёшлари тўкилмагай. Ота-боболаримиздан қолган «Қўша қаринглар» деган хайрли дуо бор, бу дуоларимизни ижобат эт. Ёшларимиз онгига, қалбига оиланинг муқаддас экани ҳақидаги тушунча ва туйғуларни сингдир. Ҳар бир оилани турли балою офатлардан Ўзинг асра. Омин, йа Раббал оламин!

* * *

БАДИЙ АДАБИЁТ САҲИФАЛАРИДАГИ ИНЖУЛАР

Неча минг йиллик дунё адабиётида чин муҳаббатга доир ўзига хос дарсликлар мавжуд. Уларни ҳам ўқиймиз, ибратли ҳикоятлардан ўрганамиз. Лекин Европа адабиётини ўқишда эҳтиётроқ бўлиш керак. Чунки Анна Каренина муҳаббати ёки Катерина Маслова ҳаёти бизнинг ёшларимизга ижобий ўрнак бўла олмайди. “Ёмондан ёмон бўлмасликни ўрганмоқ керак”, деганларидек, таъбир жоиз бўлса, европалик севишганлардан улардай бўлмасликни ўрганмоқ лозим. Бизнинг бой адабиётимизда ўрганишга арзирли ҳикоятлар жуда кўп. Ҳатто битта байтдан олам-олам маъно ўқиш мумкин:

*Қани Лайли билан Ширинким, алардин ноз ўргансанг,
Қани Фарҳод ила Мажнунким, аларга ишқ ўргатсам.*

Бобур Мирзо ҳазратларининг бу байтини мен бундай тушунаман: “Эй гўзал қиз, сен ишқдан гапириб, мени севишингни изҳор этмоқчимисан. Дил изҳоридан аввал сен бориб, ишқ нима эканини Лайли билан Шириндан ўрганиб кел. Мен сени шу даражада севаманки, агар Фарҳод билан Мажнун ҳузуримга келсалар, уларга ҳақиқий ишқ қандай бўлишини ўргатиб қўяман”.

Мактабда (ёки лицейда, коллежда) “Фарҳод ва Ширин” ёки “Лайли ва Мажнун” достони тўғрисида умумий тарзда (саёз тарзда десам ҳам бўлади) маълумот олгансиз. Ҳатто “Фарҳод – чин муҳаббат эгаси” мавзуида иншо ёки реферат ҳам ёзгандирсиз. Билишимча, бундай рефератлар ҳозир ёзилмайди, балки интернетдан кўчириб олинади. Кўчириб олинган сатрлар бир марта ҳам ўқилмайди. Муҳими – билим олиш эмас, муаллимдан баҳо олиш. Бизни ранжитадиган аҳвол ҳам шу. Ҳозир бу ҳақдаги гапни мухтасар қилиб, ўқиш чоғи азиз ёшларимиз йўл қўйган камчиликни тўлдиришга ҳаракат қиламан.

Шу ният билан суҳбатимизга бадий адабиётнинг нодир намуналарини илова қилишни лозим топдим. Жамиятимизнинг қусурларидан бири – кўп ёшларимиз дарсликларни мажбуран ўқийдилар, аммо бадий китобларни қўлга ҳам олмайдилар. Яқин ўтмишда “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” китобини ўқиганларни қамоққа ташлаганлар. Шунга қарамай, одамлар бу асарларни яширинча ўқиганлар. Ҳозир эса... ёшлар бу асарларни дарсликдаги баён орқали биладилар. Икки-уч қаватли қилиб қурилаётган ҳашаматли уйларда китоб жавони, битта бадий китоб йўқ. Шуни ҳисобга олиб, суҳбатимизни бойитиш мақсадида айрим асарлардан бобларни азиз ёшларимиз эътиборига ҳавола этаман. Севги, оила ҳақидаги тушунчаларини бойитишда бу асарларнинг фойдаси тегар деган умидим бор.

“Фарҳод ва Ширин” достонидан

Фарҳоднинг вафот этганини эшитиб, Ширин унинг жасадини олиб келишни Шопурга буюрди, токи уни ўз ҳарамига келтиргайлар.

Ширин ўз тахтиравонини Фарҳоднинг жасадини келтириш учун бериб юборди. Икки-уч юз киши Шеруя томон юрдилар. Ниҳоятда шоҳона тартиб билан бордилар. Худди ой фалак тахтиравонига яширинганидек, Фарҳоднинг жасадини тахтиравонга солдилар. Унинг жасадини Арманияга – Шириннинг қасрига, жононасининг қошига келтирдилар. Кейин бу ишдан Ширинни хабардор қилдилар. Ширин билдики, унинг ҳузурига қадрли меҳмон келибди. Меҳмонхонага югурди, токи азиз меҳмонига мезбонлик қилгай. Кейин Меҳинбонуға деди:

– Илтимосим шуки, одамлар мени бир дам холи қўйсалар. Ёримнинг ғамида ҳаста жондан тўйган эдим. “Ширин ўлибди” деган хабарни эшитиб, менинг дардимда жон берибди. Вафо бобида мардлик қилибди. Энди навбат менга етибди. У менинг ишқимда армон билан кетди, лекин ишқи комиллигини исбот қилиб кетди. Мен ҳам ишқида лоф урар эдим, энди ёлғончи бўлиб қолишни истамайман. Вафо бобида ўз инсофини кўрсатибди. Энди навбат бизга келибди. Умид қиламанки, менга ҳам шундай ҳолат насиб этиб, меҳмоннинг олдида хижолат бўлиб қолмайман. Вафосини кўнглимда пинҳон англагайман. Қадамиға жонимни нисор қилгайман...

Шуларни айтгач, ер ўпиб, меҳмонхонага азм қилди. Жонидан умид узган ҳолда у ерга кириб, эшикни ичкаридан беркитиб олди. Кўнгли хотиржам бўлиб, тахтиравон сари юрди. У тобутнинг ичига кириб кўрдик, меҳмонни ўлим уйқуси элтибди. Бундай уйқуни ким кўрдик, бошига қуёш келса ҳам уйғонмайди. Бундай уйқуни кўргач, унга шерик бўлиб ухлашни ҳавас қилди. Ўзини унинг устига ташлаб, кўнглидан шундай бир шуълалик оҳ чиқарди-ю, у ҳам абадий уйқуга кетди. Бу қандай уйқу эканки, қиёматгача уйғонмайдиган уйқу бўлса? Бундай уйқуга тўйиб бўладими ёки уйғониб бўладими?

...Ширин меҳмонхонага кириб, эшикларни ичидан беркитди. Меҳинбону ва унинг шериклари шунча илтижо қилсалар ҳам, эшикни очмади. Охири эшикни бузиб кирдилар. Тобутнинг пардасини очиб кўрсалар, Ширин Фарҳоднинг оғушида ётибди. Ўлик ошиқ билан маъшуқа худди сарв билан печакгул каби бир-бирига чирмашиб ётар эдилар. Меҳинбону бундай ҳолни кўриб, фиғони фалакка чиқиб, жони ҳам чиқиб кетди. Унинг ҳам ҳаёт дарахти қуриган эди. Уларнинг бундай ўлим топишларига жонлар фидо бўлсин.

Эшитдимки, шу кеча риёзат билан кун кечирадиган қирқ чилтонлар барчалари бир хил туш кўрибдилар (*Чилтон – диний тасаввурларга кўра, ғайритабиий кучга эга бўлган 40 руҳ. Ривоятларда чилтонлар одамлар кўзига кўринмайди, баъзан улар орасида одам қиёфасида яшайди деб талқин этилади. Улар, одатда, мозор ва шу каби одамлар бўлмайдиган жойларда учрайди, деб тасаввур қилинади*). Эмишки, жаннат боғи ичра осмон баробар қаср бўлиб, у қаср яхлит бир ёқутдан ясалган экан. Бу қасрнинг айвонида нурдан тахт бўлиб, у тахтда Фарҳод ва Ширин худди сарв настарин каби ўлтирар эмишлар. Зебу зийнатлари бу дунёдагидан юз баробар зиёда экан. Уларнинг атрофида ота-оналари ва Меҳинбону ҳам бор экан. Барчаларининг кўринишлари бу дунёдагидан минг чандон гўзал эмиш. Чилтонлар фаришталардан сўрабдиларки:

– Улар қандай амал қилибдиларки, бундай мартабага эришибдилар?

Жаннат хазиначиси дебдики:

– Фарҳод дунёда ишқ қоидасини бунёд қилди. Дунё хонлигию султонлигидан, ҳар хил нафсоний орзулардан кечди. Маъшуқининг ишқи билан хуш бўлди. Вужудини ўртаган ишқ оташи оламга ўт солди. У ишқ туфайли диёридан, хонумонидан, балки жонидан кечди. Оламдан ўтар вақтида дунё ҳою ҳавасларидан бутунлай юз ўгирган эди. Шунинг учун Тангри унинг ишқини боқий қилди. Ваҳдат соқийси тавфиқ жомини тутди. Шунинг учун Тангри ҳақ йўлини унга насиб айлади. Вужудини ўртаган мажозий ишқи ҳақиқийга айланди. Боқий дунё султонлигига эришди. Ҳақиқат мулкида хонликка эришди.

Бу тушни кўрган зотлар бу дунё роҳатидан бутунлай кўнгил уздилар. Бепоён орзу-ҳаваслардан кечиб, жонларидан ҳам кечдилар.

Фарҳоднинг ота-онаси унинг фироқида вафот қилган эдилар. Ширин ҳам унинг ишқида вафот қилди. Меҳинбону ҳам Шириннинг фироғида вафот қилган эди. Ошиқ ва маъшук ҳурматида Тангри таоло буларнинг ҳам барча гуноҳларини кечирди. Барчалари раҳмат денгизидан баҳраманд бўлдилар ҳамда жаннат боғидан жой олдилар.

Бу туш кўрганларнинг барчалари уйғонгач, бу воқеалардан барча халқ воқиф бўлди. Дунё дафтариини варақлаб, бу тариқа ишқ ривоятини топдим. Фарҳод ошиқлиги туфайли олам аҳли ичра машҳур бўлди.

“Лайли ва Мажнун” достонидан

Мажнун Лайли қабилиси кўчиб кетган жойга бориб, қўтир ит билан учрашгани.

Ҳажр кўнглини чок қилиб, ғам жонини дардманд қилган Мажнун ногоҳ Лайлининг қабилиси кўчиб кетган ерга келиб қолди. У хароба ерни кўп айланди, на ақли жойида эди, на ҳуши ўзида эди. Бу ерда қабила кўчиб кетганидан нишонлар қолган эди. Ҳар ерда қолган уйлар ўрнининг остонасини юзи билан супурди. Айланиб юриб, ниҳоят, Лайли яшаган уйга етди. Кўнглига оташ тушиб, вужуд мулкини вайрон қилди. Вужуди ҳароратдан ёниб, хони кўнглига изтироб тушди. Хонпардоз ишқ унинг кўнглига махфий сирлар солди. Бу ер ёр мақоми бўлиб, унинг тупроғи жонига ватан эди. Бу ерда дилбар исини топиб, ишқининг доғи тоза авж олди.

Кўнглини ғам поймол этиб, жонига бесаранжомлик тушди. Кўнглидаги ишқ кўзғолони дунёни ҳам кўзгаб юборди. Унинг ишқ ўти пасайиб, у ғарибу мискин яна ўрнидан турди. Ҳар қадамда юзини тупроққа қўйиб, ҳар қадамда сажда қилар эди. Жонон уйининг ўрнини топиб, жон пардаси билан ёпди. Киприклари билан ерни супурар эди. Тандир ичига кириб, ўтли нафаси билан уни қизитди. Қўлларини кўзига сурма қилди. Сўнгра охурга тушиб, худди сомон парчаси каби бир нафас ором олди. Ҳовлисидан топиб олган ҳар бир дондан кўнглига муҳаббат уруғини экди. Оҳи билан кигиз парчасини куйдириб, бошидаги ярасига боғлади. Ҳар томонга югуриб юрар эдики, ногаҳон қўтир бир итга кўзи тушди. Терисидаги яралар туфайли озиб кетган, қашийверганидан аъзоси қизариб кетган эди... Юришга мажоли йўқ, ҳатто думини кўтаришга ҳам ҳоли йўқ эди... Қонлиқ жасадига қўнган бир неча зоғлар гўё лоладаги қора доғларга ўхшар эди. Ярага қўнган чивинларга ўхшаб учиб-қўнишлари итга азоб берар эди. Чивинларни қўришга мажоли йўғу, зоғларни қувишга кучи етармиди. Мажнун

бу аҳволни кўриб, ташвишланиб, бундай зулм кўнглига ёқмади. Итга раҳми келиб, қушларга шундай деди:

– Эй либосларию қоматлари муборак бўлиб, менинг бошимга тож бўлганлар! Бошимдаги юзлаб яраларнинг ўрни ҳар бирингиз учун ошён бўлсин. Оҳларим зарбидан кўнглимдаги юзлаб тешиқлар сизлар учун ватангоҳ бўлсин. Бу харобани макон қилинг, чунки мен кўп жабру жафо чеккан кишиман. Унинг ўрнига менинг кўзларимни чўқиб, танамни тишланг. Агар қасдингиз шу ожиз ит бўлса, мен ҳам заиф бир итман.

Бу ялиниб-ёлборишлар қушларнинг парвойига келмаганини кўриб, овозининг борица ваҳшат солиб бақирган эди, қушлар чўчиб учиб кетдилар... Ўз кўйлагини пора-пора қилиб итнинг ярасини боғлади. Итни аянчли ҳолдан озод қилганидан сўнг, юз дард билан нола қилди:

– Эй меҳру вафога йўғрилган, тақдири ғаму андуҳга тўлган, бир вақтлар соғлом бўлиб, кўнглинг шодлик ва қувватга тўла эди. Худди кўршапалакдек ухламас эдинг. Хайбатингдан бўрининг кўзлари тўрт бўлиб, ҳар тун унинг танига кўзинг олов солар эди. Сенинг отилиб сапчишингдан йўлбарслар ҳам хижолат тортиб, кўзларини юмар эди... Бир вақтлар итлар билан Лайлининг кўчасида югуриб юрар эдинг. Кечалари унинг эшигида посбонлик қилар эдинг. Сен унинг қўлларидан кўп таом егансан. Жоним сенга қурбон бўлсин, тишларингдан бағрим тешилсин, илоҳо, фалак сени бу дардлардан қутқарсин. Аввалгидан ҳам кучли ва соғлом бўлгин. Яна Лайлининг эшигига маҳрам бўлиш насиб этса, мен хастани унутма. Жонимни ўша томон судраб, кўчасининг тупроғига ташла. Итлар билан учрашганингда менинг номимдан уларга тиз чўккин. Агар толе ёр бўлиб, Лайлининг ҳарамига йўл топсанг, сени у ердан қувламасалар, кечаси ер паноҳинг бўлиб, даҳлизда ётсанг, менинг учун ўша эшикни ўпиб қўйгин... Унинг босган изларини ўпиб қўй, икки кўзимни ўйиб, унинг оёқлари остига қўй.

Шу пайт йўловчилар уни кўриб қолдилар. Уни таниганлар кўнгиллари бузилиб, йиғлаб юбордилар. Улардан бири сўради:

– Эй ишқ ўтида чўғ бўлган, балки ловуллама олов бўлган! Сени фаришта деса ҳам бўлади. Сифатинг ҳам, зотинг ҳам фариштага ўхшайди. Нега ит билан улфат бўлдинг? Ит бор жойга фаришта тушмайди-ку? Шунчалик зиддият бўла туриб, нега орангизда тенглик бор?

Мажнун оҳ чекиб деди:

– Эй муҳаббатдан бебаҳра зот. Сени малак десам, ажаб эмас, чунки сенга ишқ насиб этмаган. Мени фаришта демак ёлғондир. Чунки мени дев кўрса қолади. Ишқ туфайли бутун борлигим нобуд бўлди. Яхшилаб қараганингда эди, баданимнинг куйиб кул бўлганини кўрган бўлар эдинг. Итнинг менга яқинлиги сабаби, ҳар қандай итнинг жароҳати кулдан роҳат топади. Шунинг учун итни ҳайдаб бўлмайди. У ит эмас, одамлар ор қиладиган ит мендурман! У менинг танамдаги яраларимга малҳам бўлди. Менда юз туман жон бўлса эди, барчасини унга бағишлар эдим ва йўлида қурбон бўлар эдим.

Шу сўзларни айтиб, унинг телбалиги янада ошди. Ёдига дашт ҳайвонлари тушиб, кийиклар макони томон кетди...

...Мажнуннинг ота ва онаси уни даштдан қидириб, охири топиб, ҳажга бориш ниятини билдирдилар. Мажнун ҳам рози бўлди. Худди ўтни манқалга солгандек, Мажнунни аморага солиб, тезлик билан Каъбага йўл олдилар.

Мажнун Каъбанинг салобатини кўриб, оҳ уриб, кўзларидан ёшлар оқди. Қўллари билан мурод халқасига осилиб, фарёд кўтарди. Сўнг шундай деди:

– Эй ҳукмига Ҳоким бўлган доно ва Қодир Ҳаким! Эй ишқ ўтини жаҳонни куйдурувчи қилган, ишқ ўти билан мен бечорани куйдирган! Эй ишқни кишига лойиқ кўриб, ҳижрон азобиға солган! Эй бировни ишқ билан кишанлаб, яна аччиқ панд-насихатлар қилган, ишқ билан уни машҳур қилиб, балолар тошбўро-нида қолдирган! Эй бировни паричехра қилиб, унинг девонасига меҳр берма-ган! Эй жонга ишқ ўтини солиб, кўнгил садафига ишқ гавҳарини солган!

Мен ишқ дардидан шикаст топиб, қўл-оёғи боғлиқ асир бўлиб келдим. Та-нимнинг ҳар бир томири ишққа банд, жон томирим эса ишқнинг сиртмоғидир. Баданимдаги бўғинлар ишқ риштасининг тугунларидир. Жисмимдаги беҳисоб доғлар ишқ ўтларининг асаридир. Ишқ ўти билан жоним ва устихонларимнинг иликлари тўлгандир. Мен ҳалокат келтирувчи ишқдан дарак бераман. Мени ишқ ғамидан ҳалос қилиб, хурсандчиликка етказ дейман. Балки бу ўтни кучай-тириб, асло кам қилмасанг дейман. Кўзимга ишқ тўтиёсини суртиб, қалбимга ишқ тошини ургин. Менга “Ишқни унутиб, Лайлининг ғамидан узоқлаш”, де-дилар. Ё Танграм! Бу қандай сўз бўлди?! Бу қавмни Ўзинг кечиргин. Ё Раббим, бу ёқимли майни талабим жомига кўпроқ куйгин. У вафо майидан қўша-қўша тутгинки, ҳаргиз ҳушимга келмайин. Лайлининг ишқини танимда жон қилиб, Лайлининг шавқини томирларимда қон қил.

Эй Танграм, унинг дардини нажотим қилиб, унинг ёдини ҳаётим этгин. Бир нафас ҳам унинг ҳаёлини кўнглим уйидан чиқарма. Ишқ ўти бўлмаган ҳар қандай ўтни менга насиб этма. Унинг ғамидан бошқа нарсани бу телбанинг ғамидан чиқарма. Унинг ҳаёлини дардимга табиб эт, жонимга висолини насиб эт. Унинг меҳрини абадий қилиб, ундан бошқани назаримдан йироқ қилгин. Токи ҳаёт эканман, унинг савдосини танимга жон каби сақла. Жоним таним-дан чиқар вақтда унинг ёди билан чиқаргин. Қайта тирилиш пайтида унинг кў-часидан келган шабада билан тирилтир. Агар абадий дўзахга гирифтор бўлсам, дўзахни унинг ишқи билан қиздир. Мабодо жаннат тақдиримга ёзилган бўлса, унинг васл ҳарамини жаннатим қилгин. Унингсиз мени бир дам ҳам мавжуд этма, унингсиз тириклигимни бутунлай нобуд этгин.

Бу муножотдан атрофдагилар ҳайрон бўлиб қолдилар. Мажнун сўйлар экан, атрофдагилар “Омийн!” деб турар эдилар. Мажнуннинг муножотини эшитган-лар барча дунёвий ишлардан қўл ювдилар. У ҳам дардли йиғисини тугатиб, ҳушидан кетиб қолди...

Абдулла Қодирий

“Ўткан кунлар”дан саҳифалар

...уйнинг тўрига солинган атлас кўрпа, пар ёстик кучоғида совуқдан эри-нибми ва ё бошқа бир сабаб биланми уйғоқ ётқан бир қизни кўрамиз. Унинг қора зулфи пар ёстикнинг турли томониға тартибсиз суратда тўзғиб, қуюқ жинггила киприк остидағи тим қора кўзлари бир нуктаға тикилган-да, нима-дир бир нарсани кўрган каби... қоп-қора камон, ўтиб кеткан нафис, қийиғ қош-лари чимирилган-да, нимадир бир нарсадан чўчиган каби... тўлган ойдек ғу-борсиз оқ юзи бир оз қизилликға айланган-да, кимдандир уялган каби... Шу вақт кўрпани қайириб ушлаган оқ нозик қўллари билан латиф бурнининг ўнг томонида, табиъатнинг ниҳоятда уста қўли билан қўндирилган қора холини қашиди ва бошини ёстикдан олиб ўлтурди. Сарик рупоҳ атлас кўйнакнинг ус-

тидан унинг ўртача кўкраги бир оз кўтарилиб турмоқда эди. Туриб ўлтургач бошини бир силкитди-да, ижирганиб қўйди. Силкиниш орқасида унинг юзини тўзғиған соч толалари ўраб олиб жонсўз (*жон ўртовчи*) бир суратка киргизди. Бу қиз суратида кўринган малак қутидорнинг қизи Кумушбиби эди...

...Кумушбиби хомуш эди. Бир нарса тўғрисида ўйлармиди ёки бош оғриғиси кучликмиди, ҳар ҳолда намозшом гул каби ёпиқ эди. Қаршисида ўлтурган бувисининг ўткан-кеткандан қилган ҳикояларига эринибгина қулоқ берар ва кўнглини очиш учун айтилган қизик сўзларга илжайиш билан жавобланар эди.

Кумушбиби ўзининг бир соатча вақтини шу қўйи кечирди, сўнгра ўрнидан туриб, кичкина латиф оёқларига отасининг яқиндағина олиб берган қала кавшини кийди ва ошхона юмиши билан қоришиб ётқан онасининг олдиға борди.

Кумушбиби энди ўн еттини қўйиб ўн саккизга қадам босқанликдан бўйи ҳам онасига етаёзган, аммо жуссаси онасига кўра тўлароқ эди. Онасининг юмушиға бир оз қараб тургандан кейин ташқарига томон кетди. Айвоннинг бир четидан меҳмонхонада гилам тўшаб уринган Тўйбекаға қаранган бўлди-да, айвоннинг ўрта устунига келиб суянди. Энди бояғига қараганда бир оз енгиллангансумон, жон олғувчи қора кўзлари ҳаракатлана бошлаған, бўғриққан қизил юзлари очилинқираған эдилар. Айвон устунига суянғач, қора қийиғ қошларини чимириб кўча йўлак томонға қаради, бир оз қараб турди-да, айвондан ерга тушиб йўлак томонға, ариқ бўйиға кетди. Сув бир дўконнинг остидан чиқиб, бу ҳавлида уч-тўрт қулоч чамаси очик ҳавода оқар ва кўприк-том остиға кетар эди. Кумушбиби ариқ бўйидан бир ўринни кўзлади-да, сакраб нариги юзига ўтди ва чўнқайди. Унинг кўзлари мулойимгина сув устиға оғдилар. Ариқнинг мусаффо тиниқ суви ёвошғина оқиб келар, Кумушбибининг қаршисиға етканда гўёки, унинг таъзими учун секингина бир чарх уриб қўяр, ўз устида ўлтурган соҳиранинг (*сеҳрловчи қиз*) сихриға мусахҳар (*сеҳрланган*) бўлган каби тағи бир каттароқ доирада айланғач, оҳистағина кўприк остиға оқиб кетар эди. Ариқ сувининг ниҳоясиз бу ҳаракатини узоқ кўздан кечириб ўлтурғач, қўл узатиб сувдан олди ва юзини ювди. Унинг юзини ўпиб тушкан сув томчилари билан ариқ ҳаракатка келиб чайқалди, гўёки сув ичида бир фитна юз берган эди... Иккинчи, учинчи қайталаб юз ювишда бу фитна тағи ҳам кучайди...

Нозик оёқлар толдилар шекиллик, садаф каби оқ тишларини бир-икки қайталаб чайди, ариқ бўйини ва унинг сувларини ташлаб кетди. Бояғига қараганда анчагина енгилланиб ичкариға кирди, ҳаракатлари ҳам бирмунча ўзгарган эди...

Отабек Марғилон келганнинг иккинчи куни пойабзал бозорида бўлган эди. Аср намозининг вақти ўтиб борғанликдан ул шундаги дўкондорларнинг бирисидан таҳорат учун сув сўради. Кўчадаги сув ариқнинг тагидан – сой оқар, шунинг учун ундан фойдаланиш қулай эмас эди. Дўкондор унга сувнинг қулай ўрнини кўрсатди: “Мана шу бурчакдаги дарбозадан ичкари кирсангиз, ариқнинг юза жойини топиб таҳорат олурсиз”, – деди. Отабек дўкондорнинг кўрсатишича қутидорнинг ташқарисиға кирди. Шу вақт тасодуфан нима юмиш биландир меҳмонхонадан чиқиб келгучи фариштаға кўзи тушди. Кумуш ҳам ариқ ёқасиға келиб тўхтаған чингилин (*бежирим*) йигитка беихтиёр қараб қолди. Ихтиёрий эмас, ғайриихтиёрий иккиси ҳам бир-бирисидан бирмунча вақт кўз ололмадилар. Охирда Кумуш нимадандир чўчигандек бўлди, енгилгина бир ҳаракат билан ўзини ичкари йўлак томонға бурди. Бу бурилишдан унинг орқа-ўнгини

тутиб ётқан қирқ кокиллари тўлқинландилар. Кумуш ичкарига кириб чопар экан, йўл устидан ариқ бўйида қотиб турган йигитка яна бир қараб қўйди ва бу қарашда унга енгилгина бир табассум ҳадя қилди... Кумуш ичкари кириб кўздан ғойиб бўлди, лекин Отабек яна бир неча дақиқа ерга михлангандек қотиб турди... Охирда кўзини катта очиб ўтган дақиқада учрашкани хаёлий гўзални истаб хаёлланди. Бироқ ҳақиқат бошқача эди. Таҳорат олмоқ учун ариқ бўйига ўлтурди. Аммо кўзи хаёл яширинган йўлакда эди. Таҳоратланиб бўлди, яна кўзини ўша тарафдан узолмади. Артиниб олгандан кейин яна оёғи устида тўхтаб қолди. Яширинган гўзал иккинчи қайта кўринмади, эҳтимолки, Отабекни ипсиз боғлаб, ўзи қайси бурчақда бўлса ҳам асири(ни) томоша қилар эди. Кўб кутди, аср намозини қазо қилиб куч билан қутидор уйидан чиқди ва шу дақиқадан бошлаб унда муҳаббат мижароси туғилган эди...

* * *

Мактубот санъати ҳақида сўз кетганда кўплаб мисоллар қаторидаги Кумуш-биби ва Отабекларнинг битикларини эламасликнинг ҳечам иложи йўқ. Мактублардаги ҳаё, назокат, дарду алам ҳеч бир кишини эътиборсиз қолдирмаса керак, деб ўйлаб, кўчирмани мазкур баёндан ўрин олишини жуда-жуда истадим:

“Вафосизга. Мен ўзимнинг бу мактубимни кўз ёшларим билан ёзаман. Негаки, ҳозирда маним ёлғиз кўз ёшларимгина эмас, бутун борлигим сиёҳдир. Мен энди оғизлардаги “вафо” сўзига ишонмайман. Чунки мен ўзимнинг вафосига ишонганим бир йигитдан улуғ вафосизлик кўрдим. Уятимдан кўзларимни очолмайман. Негаки, еру кўклар, тоғу тошлар ва дунёдаги барча нарсалар манинг алданганим учун кулиб масҳара қилгандек қарайдилар... Бу қунимдан, бу ҳасратимдан қутулиш учун ўзимга ажал қақираман. Лекин ажал ҳам мен шўрликдан нафратлангандек, гўё ул ҳам менга вафосизлик қиладир.

Бегим, гарчи аччиғансангиз ҳам айтишқа мажбурман: сизда виждон, инсоф, раҳм, ваъда, вафо, яхшиликни билиш, боринг-чи, одамгарчиликдан ҳеч гап йўқ эмиш. Билъакс сиз: ҳийлакор бир тулки, оғзи қон бир бўри, раҳмсиз бир жаллод, уятсиз бир йигит!

Сизни ҳийлакор дедим: эсингизда борми, содда отамни, гўл онамни қандоғлар қилиб алдадингиз? Ёдингизда борми шамъ ёнида мени алдаб айтқан сўзларингиз, берган ваъдаларингиз, “маним орзум” деб қилган хитобларингиз, тўккан кўз ёшларингиз?.. Бас, бу ҳийлалар, бу макрлар сиздан бошқа кимда топилсин?

Сизни оғзи қон бир бўри дедим: чунки сизда раҳм йўқ. Сиз ўзингизнинг заҳарлик тишларингиз билан мазлумлар кўксини, баёвлар бағрини чок этасиз; янги очилган гулларни, энди бош тортқан лолаларни вақтсиз сўлдирасиз, очилиб битмай ўлдирасиз!

Сизни уятсиз дедим: илгариги ваҳшатингиз билан ўзингизнинг ҳаққингиз битканлигини билатуриб ҳам уялмай-қизармай виждонсизлар амрини берасиз ва уятсизлигингизни яна бир қат ортдирасиз!

Мен сизнинг баъзи бир даъволарингизга ҳайрон қоламан: отам Тошкандда экан чоғда бу гапни айтишқа уялган эмишсиз... Гўё бунинг ила номуслик бўлиб кўринмакчисиз шекиллик?!

Онам баъзи вақтларда:

Янги ёр топқанда дўстлар, эскидан кечмоқ керак,

Эскини ўлган санаб, латта кафан бичмоқ керак, – байтини ўқуб, қўяр, мен бўлсам ул вақтларда бунинг маъносига тушунмас эдим. Аммо... энди бу байтни кимга айтилганига ва унинг маъноларига ҳўб тушунмакдаман. Ташландиқликнинг сўнг ўтинчи қилиб сиздан шуни сўрайман: учунчи ёр топқанда иккинчи бечорага ҳам шундай уятсизлик қилинмаса эди. Бу тилагим учун ажабланмангиз, чунки, “пичоқни ўзингга ур, оғримаса ўзгага сол”, дейдилар.

Сизга янги ёр, менга уятсизликнинг қурбони бўлиш муборак. Кумуш эмас, Тупроқбиби ёздим. 17 жавзо, 1265-нчи йил, Марғилон”.

*

Устоз Абдулла Қодирий ҳазратлари Кумушнинг бу дарду аламларини кўз ёшлари билангина эмас, юрак нолалари билан қоғозга туширган бўлсалар не ажаб?! Отабекнинг бу жавобини-чи?

*

“Умидим юлдузи, орзум чечаги, ҳаётим тираги Кумушимга!

Киноя ва аччиғлар билан тўлиғ бўлган мактубингизни олдим. Хатни ёзган чоғингизда тамом бир ўт ичида, ғазаб денгизида сузганлигингиз гавдаланиб кўз ўнгимдан ўтдилар. Ўтдиларгина эмас, ҳатто менга шунчалиқ таъсир этдиларким, гўё маликасининг ғазабиға учраган қул қай даражада эс-ҳушидан айрилса, қилар ишидан, ўйлар уйидан янглишса, манингда ҳозирги ҳолим бунинг юз даража юқорисиға етди. Тўғриси, заҳар олуд мактубингизга одамларча тушуна олмадим ва тушунишқа ҳам лозум кўрмадим, чунки ғазаб устида айтилган сўзлар ақлли кишиларча лойиқи муҳокама ва мутолаа бўлолмас, гулхандан сўнг аланга ҳисобини ҳеч бир вақтда олинмас. Лекин мактубингизнинг бир ўрнига нима маъно бериш учун тамоман ожиз қолдим: “илгариги сўзингиз билан ўзингизнинг ҳаққингиз битканлигини билатуриб ҳам яна уялмай-қизармай виждонсизлар амрини бериб қўясиз-да, уятсизлигингизни яна бир қат оширасиз!” ва “Отам Тошқанда экан кезде бу гапни айтишқа уялган эмишсиз... Гўё бунинг билан номуслик, уятчан бўлиб кўринмакчисиз шекиллик?!”

Бу сўзларингиз билан нима демакчи бўласиз, танингиз соғми? Дуруст, ман отангизга бирга кетолмаслигимни, чарларни уч-тўрт кун кутиб қолишимни бир неча вақт айталмай юрдим ва ниҳоят отангиз кетишқа рухсат сўрай бошлағач, отам орқалиқ узримни айттирдим, бас, бунда қандай уятсизлик бўлсин, гумонимча, иситмангиз қаттиғ ушлаган кўринадир ва бу телбаларча мактубингизни иситма орасида ёзган ўхшайсиз.

Мактубни иситма орасида ёзганингизга тамоман қаноат қилдим. Шунинг учун сизни айблашқа ҳаққим йўқ, ҳам сиз маъзурсиз. Бу киноя ва заҳарлик мактубни ёзишға сизни мажбур эткан, мени ҳийлакор тулки, оғзи қон бўри, уятсиз йигит... ва тагин алла қанча мартабаларга миндирилишларимнинг бош омили албатта отангиздан ҳам эшиткан бўлсангиз керак, шу кунгача чарлар балоси билан тутқун бўлишим орзу-ҳавас қайин отасининг оғриб ётиш шумлигидир. Ниҳоят сизнинг аччиғ хатингиз баракасида бу кун чарлар хабари ҳам келиб қолди. Сиз манинг бу хатимни ўқуб, гуноҳларимни ярлақаб турган кезларингизда, албатта ман Марғилон йўлида бўлсам керак. Онангизнинг ўқуй-турган байти манинг шаънимга тамоман тескари, чунки ота-она орзуси ҳеч бир вақт янги ёрлик вазифасини ўтай олмас ва ҳамиша бошқаларнинг орзу

ҳаваси бўлиб қола берар. Сиз ўзингизни тупроқ билан тенглаштирмакчи бўлгансиз, лекин ман ҳозир Кумушка ҳам қаноатланмай, “Олтинбиби” деб атамоқ фикрига тушдим...

Борлиғим муҳаббатингиз алангаси билан туташқани ҳолда завжингиз Отабек. 26 жавзо, 1265-нчи йил. Тошканд”.

*

“Ой юзлик рафиқам, қундуз қошлик маъшуқам Кумуш хонимга!

Шайтон устаси бўлган Ҳомиднинг маним отимдан сизга ёзган талоқ хатиси ила менга қарши ёниб кеткан юракингизнинг нафрат ўти эҳтимол энди ўча тушкандир. Сохта талоқ хатини олган сўнгингизда менга хитоб қилиб ёзган фикрларингиздан эҳтимол энди қайта ёзгандирсиз... Бу хатни ёзар экан, муҳаббатингиз билан тўлуқ бўлган юраким мудҳиш бир ҳақиқат эҳтимолидан яфрок каби титрар ва ўзининг тўлиб-тошқан ҳасратларини, фарёдларини ифодасидан адашар эди... Сизга очиб сўзлай, гўзал рафиқам: гўё маним бу мактубим сизнинг Комилбек учун ҳасратлик ёшлар тўккан, ўтлик оҳлар тортқан чоғингизда эришар-да унутилган, эскирган, бир юракнинг арзини тинглай олмассиз ва ёниб турган юрак ўтингиз билан куйдирарсиз...

Аммо хатимни ўқумасангиз-да ва марҳумингиз учун тортқан оҳингиз ўтида куйдирсангиз-да, маним учун фарқсиздир. Нега дейсизми? Чунки сиз маним шаръий рафиқамсиз – яхшилик билан-да ва ёмонлиқ билан-да мен буни исбот қилишга ҳозирман!

Уйингиз орқасида қилган адабсизликларим, хунхўрликларим учун мени кечирингиз... Чунки мен бу ваҳшийликни ишлашда ихтиёрсиз эдим: ҳаётингизнинг, номусингизнинг сақланиши буни тақозо этар эди... Албатта, мен ишонаманки, сиз маним бу яхшилиғим учун миннатдорлик қиларсиз. Лекин мен бу миннатдорликка ўзимни сазовор ҳисоблай олмайман.

Мен ўшал куни кечаси душманлардан бирини ўлдирдим-да, сўнг даражада заифландим, иккинчи душмандан енгилишимни ва қўйингизда жон беришимни аниқ билиб роҳатланиб кетдим... Маним учун қўйингизда ва оёғингиз учиде жон бериш жуда ширин эди ва қўбдан бери ғоям эди. Шунинг учун яқинроғингизда ўлмак учун, ўлар эканман, сўнг дақиқамда яна бир мартаба бўйингизни олиб ўлиш учун душман томонидан уйингизга очилган туйнукчага кирдим. Кирдим-да, сизни бўйингизни олдим, хафиф тин олгандағи латиф ухлаган товшингизни эшитдим... Шу вақт субҳаноллоҳ... ўзимда кутилмаган бир куч сезган эдим, икки эмас, икки юз душманга муқобала этишга ўзимда қудрат кўрган эдим... Мен ўзимга бағишланган куч манбаъини жуда яхши онглар эдим, мендаги бу ўзгариш манбаъи уй ичида ухлагувчи бир малак эди... Сиз эдингиз!

...Шундан сўнг иккинчи душманни туйнукдан чиқмаёқ ишини битирдим. Бизнинг фожиъамизнинг асл омили бўлган Ҳомид эса гўё маним қўлимда мушук каби ўйин бўлган, уни қулиб туриб, ўйнаб туриб тилимлаган эдим...

Ёсингизда борми, мени дор остидан қутқариб, менга янги ҳаёт бағишлаганингиз? Бу кеча ҳам бу иккинчи ўлимдан қутқарғучи ва иккинчи мартаба менга ҳаёт бағишлағучи яна сиз бўлдингиз! Шунинг учун миннатдорлик эткучи сиз эмас, мен бўлишга тегишман!

Сиздан эмас, отангиздан бир ўпкалашим бор: сохта талоқ хатини маним ўз қўлим бўлиб, бўлмаганини ажрата олмаган. Гумонимча, бу сохта хат сизга ҳам кўрсатилмаган ўхшайдур, чунки, айниқса, сизнинг кўз ўнгингиздан бу ҳақи-

кат қутула олмас эди... Ҳар ҳолда тақдирнинг бунчалик ўйинлари турган бир замонда биз нима ҳам қила олур эдик? Бу тўғрида мендан ҳам ўткан жойлари бордирким, сизнинг биринчи мартаба менга ёзган хатингиз маъносидан даҳшатлик суратда ўзимни тағофилга солган ва хат келтиргучини суриштирмасдан жавоб хати бериб юборган эдим. Шунинг ила сизни-да, ўзимни-да Ҳомид қўлида ўйин бўлмоғимизга катта йўл очкан эдим.

Баъзи эҳтимолларга қарши сиз билан кўришмак менга муяссар бўлмади. Умрида биринчи мартаба кўнгил орзусига қарши бордим. Чунки манимча орадаги қора тикон супирилган эди. Мундан сўнг ҳамиша меники эдингиз. Мен Тошкандда юрарман, аммо кўзим ўнгида сизнинг ҳайкалингиз! Ажабо, бусиз менга мумкинми?!

Завжингиз Отабек”.

*

Ҳожи... чойга фотиҳа ўқуб, ўрнидан турар чоғида ёнидан бир хат чиқариб узатди:

– Хатнинг ичидан чиқди. Келиндан – сенга бўлса керак, – деди.

Отабек мактубни олиб отасининг кетишини кутиб қолди. Хат саккиз бўланиб, қизил ипак билан бир-икки еридан чатилган ва Отбекка аталган эди. Отасининг узоқлашини кутар экан, юраги ёмонлағон отдек типирчилар эди. Тикилган ипакларни сўқди ва мактубни очиб оч кўзини ишка қўйди:

“Юсуф савдосида беқарор Зулайҳо исмидан, Мажнун ишқида йиғлаган Лайли отидан – сизга бошимдаги сочларимнинг тукларича беҳад салом. Мендан – ҳадду ҳисобсиз гуноҳ, сиздан – кечириш. Ўткан ишка салават. Чунки шу икки йил ичида кечирган қора кунларни эска олиш маним учун ўша кунларни қайтадан бошдан кечиришлик сингари, ул кунларни сиз унутинг, унутманг, аммо мен унутдим. Шунинг учун сўзимни ўзимни охирғи, ҳам чин бахт ислари ҳидлаган тарихимдан бошлайман.

Сиз – қочқоқсиз, нари-бери тил учида менга бир нарса ёзгандек бўлиб қочқансиз, икки йил бўйи Марғилон келиб юришларингизни мен ўзимча ешдим, лекин топиб ешдим: сизнинг барча машаққатларингиз – душманларингиздан ўч олиш учун бўлганини онгладим. Йўқса, мени кўрар эдингиз, кўргингиз келмаганда ҳам бошқалар сизни кўрар эдилар, тўяр эдилар... Мен каби бахтсиз, мен каби ғовғаси кўб сизни зериктириб, жондан тўйдурган бўлса ажаб эмаски, қоча бошлагансиз...

Қочсангиз қочиб кўрингиз, аммо мен бу кундан бошлаб биравларни қувишга бел боғладим: ота билан онам рафоқатларида хизматингизга – чўрилигингизга эрта-индин юраман, суйганингиз кундошим олдида қадр қийматимнинг нима бўлишини ҳам биламан... Сиз олийжанобсиз: эски қадрдонлик ҳурматида кўнгил учун кулиб боқарсиз... Лоақал шугина билан ҳам бахтсизни масъуда қиларсиз. Аммо... суйганингиз – кенжангизнинг жекиришларидан, қарганишларидан беҳад кўрқаман, ўзимда йўқ кўрқаман. Шу яқин орадаги унинг билан бўладирган масъуд дақиқаларингизда Худо йўлига ваъда олингиз – мени оғритмасин, рақибам келди деб ўйламасин. Ниҳоят мақсадим икки дўстка бир чўрилик ва шу муносабат билан биравларни кўриб юриш...

Хатим охирида шуни ҳам айтиб қўяй: ўч қайтиб, мен ҳам кўчадан ҳайдалмасам эди, деган хавф ҳамиша кўнглимда. Агар Худо ярлақаб эшикингизда ўринлашиб олсам, уёғини ўзим билар эдим...

Эрта-индин кўзимга йўл кўринур,
Йўл босишлик кўнгилга бир умр кўринур...
3-инчи ҳамал, Марғилон, Кумушингиз ёздим”.

“Меҳробдан чаён” романидан:

Анвар:

Агар Фарҳоднинг Ширин, бўлса Мажнунларнинг Лайлоси,
Насиб ўлмиш менга гулшан аро гулларнинг “Раъно”си.

Раъно:

Агар ор этса Лайли ҳақлидир Қайснинг жунунидин,
Не бахт, Раъно, харидоринг талаб аҳлининг “Мирзо”си.

Анвар:

Ҳамиша хавфда кўнглим бу муҳаббат интиҳосидин,
Мени ҳам этмаса мажнун дебон Раънонинг савдоси.

Раъно:

Муҳаббат жомидин нўш айлаган аҳли зако бўлмиш,
Фунуни тибда мажнундир кишининг куйса сафроси...

Рабиндранат Тҳакур,
Ҳиндларнинг буюк адиби,
Нобель мукофоти соҳиби

Ҳисоб-китоб

(Ҳикоя)

Беш ўғилнинг отаси бўлмиш Рамшундор Митронинг оиласида ниҳоят қиз туғилганида бахтиёр ота-она унга хайрли ният ила Нирупома (*Нодира*) деб нафис исм қўйдилар. Бундай нодир исм то шу вақтгача Рамшундорлар уруғида ҳеч учрамаган эди. Улар болаларига кўпроқ Ганеша (*допишлик тангриси*), Картик (*уруш худоси*) ёки Парвати (*бунёд этиш ва бузғунчилик тангриси*) каби худоларнинг исмларини қўйишарди-ю, лекин ҳеч ким Нирупома деб атамаган эди.

Йиллар ўтиб, Нирупома ҳам вояга етди. Меҳрибон ота энди унга муносиб куёв танлашга киришди. Бироқ анча вақтгача ҳеч ким унга манзур бўлмади. Ниҳоят куёв ҳам топилди. Бу райбаҳадурнинг яккаю ёлғиз ўғли эди. Бир вақтлар инглис маъмурлари томонидан берилувчи “Райбаҳадур” унвонига етишган бу одамнинг кейинги пайтларда ишлари юришмай, моддий аҳволи анча оғирлашиб қолган эди.

Куёвнинг отаси қиз томоннинг ўн минг рупий қалин пули беришини талаб қилди (*Ҳиндларда қалин пулини қиз томон тўлайди. Т.М.*). Рамшундор, нима бўлса ҳам аслзода куёвни қўлдан чиқариб юбормаслик учун, ишнинг оқибатини ўйламай-нетмай бу шартга дарҳол кўнди. Бироқ шунча пулни топиб бериш – айтишгагина осон!

Рамшундорни ғайратсизликда айблаш мумкин эмас эди: у бор имкониятидан фойдаланиб, сотадиганини сотди, сотмайдиганини гаровга қўйди. Лекин барибир, ваъда қилган муддатга келганда, яна олти-етти минг рупий етмас эди. Кунлар жуда тез ўтиб, ниҳоят, тўй куни ҳам етиб келди.

Вақт зиқ келганда, жуда катта фойда бериш шарти билан қарзга пул бериб турадиган киши ҳам топилди. Аммо нима бўлди-ю, Рамшундор бу пулни ололмай қолди. Оқибатда тўй куни дастурхон устида жанжал бошланди. Рамшундор райбаҳадурга қарз муддатини кейинроққа чўзиш тўғрисида беҳудага ялиниб-ёлборди.

– Тўй ўз йўли билан ўтаверсин, – дер эди у илтижо қилиб, – қарзимни сизга албатта тўлайман.

– Йўқ! – деди райбаҳадур қайсарлик қилиб. – Пулнинг ҳаммасини олмагунимча куёв ҳатто курсига ҳам ўтирмайди!

Шу орада ичкаридан кимнингдир аччиқ-аччиқ йиғлагани эшитилди. У ерда барча кўнгилсиз воқеаларнинг асосий сабабчиси бўлган қиз, эгнига қизил шоҳи кўйлак кийиб, турли зеби-зийнатлар тақиб, пешонасига сандал дарахти бўёғидан хол қўйиб, ўз тақдирининг ҳал бўлишини кутиб, йиғлаб ўтирар эди. Аммо юз бераётган бу воқеа унинг қалбида бўлажак қариндошларига нисбатан бирон нозик ҳис-туйғу ва чуқур ҳурмат-эҳтиром уйғотди, деб айтиш, албатта мумкин эмасди.

Хайриятки, бахт толеи очилиб, бу можаро Рамшундорнинг фойдасига ҳал бўлди. Кутилмаганда куёв йигит ўжар отасига бўйсунишдан бош тортди:

– Мен бу ерга савдолашгани келганим йўқ. Уйланаман деб келдимми, вас-салом, уйланаман! – деб туриб олди.

Ғазабланган отаси меҳмонларга арз-дод қила бошлади:

– Буни қаранглар! Эндиги ёшларнинг бевошлигини кўряпсизларми!

– Ҳамма бало болаларга ахлоқ китобларини ўқитмай қўйишганида! Сўраб кўринглар-чи, булар шастрлар нима эканини билишармикин? Бечоралар қадимий китобларимизни ҳатто қўлга олиб варақлаб ҳам кўришмаганидан кейин бевош бўлмай нима бўлишсин? – деди чоллардан бири унга далда бериб.

Катталарнинг талаблари ҳавода муаллақ қолаверди. Икки чолдан бошқа ҳеч ким райбаҳадурнинг ёнини олмади. Ёлғиз ўғилнинг қайсарлиги ва қатъийлиги отанинг ўжарлигидан устун келди. Ёшларга бериладиган ҳозирги таълим-тарбиянинг заҳарли меваси райбаҳадурни қаттиқ ранжитгани ҳолда, тўй ғоят кўнгилсизлик билан ўтди.

Хайрлашар чоғи Рамшундор қизини бағрига босди, кўз ёшларини тийиб тура олмади.

– Дада, улар уйимизга келиб-кетиб туришимга рухсат берадиларми? – деди Ниру йиғидан қизарган кўзларини унга тикиб..

– Нега беришмасин? Мен ўзим ҳам бориб тураман, – деди ишонч билан ота, уни юпатиб.

Рамшундор, ваъдасига биноан, қизидан тез-тез хабар олиб турди. Лекин уни қудалари очиқчасига беписанд қаршилашарди. Ҳатто бу хонадоннинг хизматкорлари ҳам менсимай қарашарди. У қизи билан ҳар замон-ҳар замондагина холи уйга кириб беш-ўн дақиқа гаплаша оларди. Баъзи кунлари Ниру билан кўриша олмай, кўнгли пора-пора бўлиб изига қайтарди.

Аввалига сабр қилишга ўзини мажбурлади. Лекин ўзига яраша мағрур бўлгани учун кўпам чидолмади. “Ҳамма нарсамдан ажралсам ҳам, қарзимни тўлаганим бўлсин!” – деб аҳд қилди ва қаердан унса, қарз кўтара бошлади. Ҳадемай шу қадар кўп қарзга ботдики, пулларни қандай қайтаришга ақли бовар қилмай қолди. Биринчи галда рўзгор харажатларини камайтирди. Кейин эса қарз берганларнинг кўзларига кўринмаслик учун турли найранглар ишлатишга ҳам мажбур бўлди.

Бу томонда Рамшундорнинг кўзига дунё қоронғи, у томонда Нирунинг аҳволи кундан-кунга ёмонлашиб борарди. Агар у биронтасидан ўз ота-онаси шаънини ҳақоратлайдиган сўзларни эшитиб қолса, ётоғига кириб, эшикни беркитиб оларди-да, аччиқ-аччиқ йиғларди. Бу хонадонда ҳаммадан кўра қайнонаси золироқ эди, ҳаммадан кўпроқ ситам ўтказарди. Борди-ю биронтаси Ниру тўғрисида:

– Бирам чиройлики, кўзингни узгинг келмайди киши, – деб қолса борми, қайнонаси дарров ҳозир у нозир бўлиб, бетга сапчирди:

– Чиройли эмиш! Сиз аввал бу таги пастнинг насли-насабини суриштиринг-да, кейин мактанг!

Бу хонадонда Нируга ҳеч ким ғамхўрлик қилмас эди. Агар биронта раҳмдил кўшни хотин унинг уст-боши эскириб қолганини ёки озиб-тўзиб бораётганини тилга олса, қайнонаси дарҳол унинг сўзини бўлар, қизга бўладиган ғамхўрлик отасининг қарзни тўлашига боғлиқ эканига очик шама қиларди:

– Шундоқ ҳам олиб келган сепига қараганда кўпроқ кийиб, кўпроқ еяпти!

Оиланинг баъзи аъзолари эса келинни хорлашда ундан ҳам ошиб тушишарди:

– Етар унга шунча гирдикапалак бўлганимиз! У бизнинг оиламизга ҳийла билан кириб, жойлашиб олди!

Рамшундор қизининг нечоғлик хўрланаётганини билар эди. Ўйлаб-ўйлаб, охири, уйини сотиб бўлса ҳам қарзидан қутулишга жазм этди.

“Янги хўжайинимдан ижарага уй оламан”, деб аҳд қилди. Аммо ниятини бировга, айниқса ўғилларига билдирмади. “Уйни сотганимни умримнинг охирига қадар ҳам ўғилларимга билдирмайман”, деб ўйлади. Аммо унинг сири фош бўлиб, ўғиллари қайсидир йўл билан унинг ниятидан воқиф бўлишди-ю, уйни сотишга йўл беришмади. Хотин-бола-чақали бўлиб қолган уч ўғли унинг бу ишига айниқса кўпроқ қаршилиқ билдиришди.

Ўғилларининг қаршилигига чора топа олмаган Рамшундор севимли қизининг тақдирини ўйлаб, куйгандан-куйиб кетди. Яна қарз олишдан ўзга чора топа олмади. Бирон киши қарзни холисона берса кошки эди, ҳар бир рупийнинг тепасига қўйилган фойда ҳар қандай одамнинг эсини тескари қилиб юборарди.

Оқибат шунга олиб келдики, Рамшундорнинг уйида ҳатто қозон осилмай қолган кунлар ҳам бўлди. Ниру отаси билан учрашган кезларида, унинг нечоғлик қийналаётганини ҳис қилар эди. Отасининг озғин юзлари, оппоқ оқариб кетган сочлари ва маҳзун руҳи унинг ғоят муҳтожлигидан, оғир ғам-алам тортаётганидан далолат бериб турарди. Рамшундор эса қизининг ҳузурида ўзини гуноҳкор ҳис қилар ва йўл қўйган хатоларини фикран идрок этиб, дилини тўлдириб турган қайғу-ҳасратларини ундан яшириб туролмас эди. Унинг қайғули табассуми юрагидаги дардни қизига ошкор қилиб қўярди.

Ниру отасининг уйига боришга, қандай қилиб бўлса-да, унинг оғирини енгил қилиб, азоб чекаётган жонига оро киришга талпинар эди.

Бир куни у:

– Ота, мени ўзингиз билан бирга уйга олиб кетинг! – деб ялинди.

Бунинг иложи йўқлигини билса ҳам ота: “Хўп қизим, хўп”, деб уни овутди.

Рамшундор қудасига сўзи ўтиши у ёқда турсин, куёвининг уйида, қарзини тўламаганлиги учун оталик ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум бўлган кишининг тубан мартабасида бўлганлигидан ҳатто оддий иззат-хурматга ҳам эга эмас эди. Ҳат-

то қизи билан бир неча фурсат кўришмоқ учун ҳам алоҳида рухсат олишга мажбур бўларди. Шундай шароитда отасининг уйига боришга зор қизига у бечора нима деб жавоб берсин?

Рамшундорнинг бошидан кечирган хўрликларини, ҳақоратлар ва жафоли шармисорликларини батафсил баён қилмаган маъқул...

У уч минг рупий тўплагандан кейингина райбаҳадурга ўз илтимосини баён қилмоқчи бўлди.

Рамшундор йиққан пулларини узун қўйлагининг этаги учига тугиб олиб, қудасиникига умид ила йўл олди. Қуданинг қошларини чимириб, нохуш кутиб олганига парво қилмагандек бўлиб, ўзини жилмайишга мажбур этиб, кўрсатилган ўринга ўтирди. Қудаларни кутиб олишга аталувчи лутфу қарам унга насиб этмади. Шунисига ҳам шукр қилиб, ҳар турли янгиликлар ва мавзуларда гапира кетди. Аввалига Хорекришнанинг бор мулкани ўғри шилиб кетганини айтди. Кейин ака-ука Нобинмадхўр билан Радҳамадхўрларни бир-бирига таққослади. Улардан бирини мақтаб, иккинчисини қойиди. Қудасини шаҳарда тарқалган янги касаллик ҳақидаги турли мишмишлардан ҳам хабардор қилди. Сўнгри чилим бурнини четга суриб қўйди-да, гўё муҳим гапи энди ёдига тушиб қолгандай, муддаога кўчди:

– Дарвоқе, сал бўлмаса эсимдан ҳам чиқара ёзибман-а! Кўп гапиравериб, чалғиб кетибман, узр. Ҳа, биродар, чамаси, қариликдан бўлса керак, хотирам заифлашаётганга ўхшайди. Ахир мен сиздан қарздорман-ку, бир озгинасини олиб келган эдим... Қолганини яна тезлатаман...

Узундан-узоқ даромаддан кейин, Рамшундор осонгина ва бир оз бепарволик билан ёнидан учта минг рупийлик қоғоз пул олиб узатди. Бу пулларни не-не машаққатлар билан топганини ҳисобга олганда, унга, эҳтимол, ўзининг учта қовурғасини суғуриб олиб бериш осонроқ бўлар эди.

Аммо райбаҳадур бор-йўғи уч минг рупийгина пулни кўриб, аввал истехзо билан, кейин эса калака қилаётганини яширмай баралла кулди.

– Қўйинг қуда, менга бу арзимайдиган пулингизнинг кераги йўқ, – деб Бенгалиянинг “Арзимас пул учун қўлимни булғаб нима қиламан”, деган мазмундаги ҳақоратли мақолини эслатишдан тийилмади.

Бунақа гаплардан кейин қизини бир оз муҳлатга бўлса ҳам уйига боришга ижозат беришни қудасидан илтимос қилишга журъат этувчи ота икки дунёда ҳам топилмаса керак. Райбаҳадурнинг бу хилдаги муомаласидан қаттиқ ранжиган Рамшундор ўзининг арзи ҳолини баён қилишга ботинмай, сукутга чўмди. Кейин ичида: “Йўқ, ишнинг бу аҳволда давом этиши ҳечам мумкин эмас”, деб қўйди-да, ташида мулойимлик билан илтимосини айтди. Райбаҳадур унинг сўзларини охирига қадар тингламади ҳам. “Йўқ, мумкин эмас!” деб гапни калта қилди-да, шарт ўрнидан туриб кетди. Шундай қилиб, уч минг рупий кўтариб келган Рамшундорга қизини узоқдан бўлса ҳам бир кўриб олиш бахти насиб этмади. У йиғлагудай аҳволда эди. Аммо ғурур бунга йўл қўймади, аксинча, юрагида бир қасам уйғотди: “Қарзимнинг ҳаммасини тўламагунимча ва қудамдан қизимнинг лоақал ҳар замон-ҳар замонда бир марта уйимга келиб туришига рухсат беришини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмагунимча, бу остонага оёқ босмаганим бўлсин!”

Орадан кўп кунлар, ҳафталар ўтди. Нирупома отасининг келиб-кетишини сўраб, бир неча марта одам юборди, лекин отаси келмади, қиз бечора ҳиж-

рон ўтида ёниб қолаверди. Ниҳоят, отасини бемехрликда айблаб, ундан кўнгли қолди, қайта йўқламади. Рамшундор бундан алам тортса-да, қасамини бузгиси келмади.

Ашин ойининг байрам кунлари етиб келди. Рамшундор ўзига: “Майли, нима бўлса бўлар, аммо Ниру байрам кунлари уйимда бўлиши керак! Шундай қиламан, дедимми, демак, қиламан!” – деган аҳд билан бу сафар жуда қўрқинчли мазмундаги қасам ичди.

Ашиннинг бешинчими-олтинчими куни эди. Тўплаган пулларини қўйлаги этагига тугиб, энди уйдан чиқаман, деб турганида беш яшар набираси унинг олдига югуриб келиб:

– Бобо, менга аравача сотиб олгани кетяпсизми? – деб сўради.

Бола кўчада аравача тортиб ўйнашни кўпдан бери орзу қиларди. Рамшундор жавоб беришга улгурмай, бу боладан бир яшар катта набира-қизи югуриб келиб:

– Йўк, бобомлар менга янги қўйлак олиб келгани кетяптилар! Бўлмаса, мен байрам кунлари меҳмонга нима кийиб бораман! – деб қолди.

Рамшундор учун бу гапларни эшитиш ниҳоятда азоб эди. У руҳан эзилиб, устма-уст чилим чекди. Райбаҳадурнинг уйига гўё энг бахтсиз, чувринди камбағаллар каби, эгнидаги эски кийимда боришга тўғри келишини ўйлаб, ҳасрат билан оҳ тортди. Нима қиларини билмай, ўйлаб, ўйига ета олмади, шу ҳолида йўлга чиқишдан ўзга чораси ҳам йўқ эди.

Маъюсланган чол райбаҳадурнинг уйига келган вақтда ҳам қулоқлари тагида жажжи набираларининг йиғлаган товуши эшитилиб турарди.

Бу гал андиша қилиб ўтирмади, ўз уйига киргандай кириб бораверди. Дарвозабон ва хизматкорларнинг кўзларига кўзи тушганда ҳам камситилган одам сингари ерга тикилмай, тик қараб ўтди. Аммо райбаҳадурнинг ўзи уйда йўқ экан, бир оз кутиб туришга тўғри келди.

Рамшундор ҳаяжонини боса олмай, қизининг уйига кирди. Қувончдан икковининг кўзларида ёш жололанди. Ота йиғлади, қиз йиғлади... узок вақт бир-бирларига бир сўз ҳам дея олмадилар. Ниҳоят, Рамшундор тилга кирди:

– Қизим, бугун сени байрам қилиб уйга олиб кетаман. Бу ниятимдан мени ҳеч ким қайтара олмайди.

Кутилмаганда эшик очилиб, Рамшундорнинг тўнғич ўғли билан ҳалиги икки жажжи набираси кириб келишди.

– Дада, сизга нима бўлди, бизларни хонавайрон қилмоқчимисиз? – деди ўғил.

– Нима деяпсан? Наҳотки мен ўз оиламга ёвузликни раво кўрсам? – деди Рамшундор. У ўзини оқлашга сўз излади, тополмагач, айбли одамнинг эзгин овозида изоҳ берди: – Ахир... қарзимни тўлашим керак-ку...

Рамшундор кейинги пайтда яна уйни сотиш ҳаракатига тушган эди. Ўғиллар билмаслиги учун кўриб қўйган эҳтиёт чоралари иш бермай, яна сири ошкор бўлибди. Тўнғич ўғилнинг бу томон шошқич келиши, синглисини байрам муносабати билан йўқлаш эмас, отасини сўнгги чорадан қайтариш эди. Рамшундор яна нима дейишни билмай турганида набираси унинг оёғини кучоқлаб олди-да, ўксик овозда гапира кетди:

– Бобо, ҳали менга аравача сотиб олганингиз йўқми?

Рамшундор иложсиз равишда ҳаракатсиз турарди. Аниқроғи, қимирлашга

ёки бир сўз айтишга ҳоли қолмаган эди. Болакай эса бобосининг қотиб қолганига тушунмай, энди Ниру томон интилди:

– Аммажон, менга аравача сотиб олиб бера қолинг! – деб ялинди.

Нима гап бўлганини тушуниб етиш учун Нируга шунинг ўзи кифоя эди.

– Дада, – деди у қатъий овозда, – агар қайнотамга яна бир чақа берадиган бўлсангиз, мени қайта кўрмайсиз!

– Ундай дема, қизим, – деди Рамшундор ялиниш оҳангида. – Қарзимни тўламасам, мен учун иснод, сен учун ҳам уят бўлади.

– Аксинча, пул тўлашингизнинг ўзи уят! Ахир менинг ҳам ўзимга яраша ор-номусим бор-ку! Қизингиз ҳамён эмаски, пули борида қадрланиб, йўғида қадр-қимматини йўқотиб қўйса? Эрим ҳам бунни талаб қилаётгани йўқ.

– Шундай-ку... қайнотанг сени уйга юбормайди-да, қизим?

– Нима ҳам қилардик, юборишмаса юборишмас. Сиз ҳам қайтиб уларга бу тўғрида гапирманг!

Рамшундор узун қўйлагининг пул тугилган этагига титроқ босган қўллари-ни узатди, тугунчани ечмай, этакни чангаллади-да, елкасига ташлади. Сўнг индамай бурилди-да, изига қайта бошлади. У худди ўғри одамдай букчайиб олиб, одамларнинг кўзларидан яширинишга уринарди.

Рамшундорнинг пул олиб келгани ва қизининг эътирози сабабли қайтариб кетгани бу хонадонда узоқ вақт сир бўлиб қолмади. Ота билан қизнинг гапларини эшик ортида туриб эшитиб олган узунқулоқ кекса чўри хўжайини келиши билан янгиликни оқизмай-томизмай, ҳатто ўзидан озгина қўшиб айтиб берди. Чўрининг гапларини эшитган райбаҳадурнинг қаҳр-ғазаби ҳаддан ошди!

Шу ондан эътиборан қайнота-қайнонанинг уйи Нирупомачун қийноқхонага айланди. Эри тўйдан кейин кўп ўтмай судья муовини лавозимига тайинланиб, бошқа шаҳарга жўнаб кетмаганда ҳам уни паноҳига оларди. Ҳимоячисиз қолган жувоннинг ҳузур-ҳаловатсиз турмуши янада оғирлашди. Отаси ва бошқа қариндошлари билан учрашиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. “Отасининг уйига бориб, у ердан бемаъни одатларни ўрганиб келишига ҳечам йўл қўймаймиз!” – қайнона ва қайнотанинг қатъий қарори шундай эди. Аслида гап ёмон одатларни ўрганиб қайтишида эмас, балки унмаётган пулларда эканини бошқалардан яширишарди.

Орадан кўп ўтмай Ниру оғир касал бўлиб қолди. Бу борада ҳамма айбни қайнотага юклаш ноўрин. Нирунинг ўзи саломатлигига бепарво бўлиб, ўзининг ғамини емай қўйди. Совуқ ой бошланган кунлари ёстиғини очиқ эшик томон қўйиб ётди. Кечалари усти очиқ қолса ҳам эътибор бермади. Кундузи юпун кийиниб юрди. Иштаҳадан ҳам қолди. Оқсоч таом келтиришни кечиктирса, унинг эсига солмай қўя қоларди. Ниру: “Мен бу ерда қайнота-қайнонамнинг раҳму шафқатига қараб қолган бир сиғиндиман, холос”, деган ўйга кўникиб бўлган эди.

Келиннинг бу хулқ-атворидан мижғов қайнона тобора ғазабланарди. У Нирунинг иштаҳасиз овқатланаётганини кўрганида:

– Бойвуччани қаранглар-а! Кўрдиларингми, бизга ўхшаган камбағалларнинг таомлари бу хонимнинг нозик томоқчаларидан ўтмайди! – деб айюҳаннос соларди.

Бошқа пайтларда эса: “Ахволига бир қаранглар, пайраҳадек бўлиб қолибди!” – деб масҳара қиларди.

Нирунинг саломатлиги кундан-кунга ёмонлашиб бораётгани аниқ сезилса-да, қайнона эътибор бермасди, буни келиннинг найранги деб ҳисобларди. Ниҳоят, куни битаётганини ҳис қилган Ниру қайнонасидан ўтиниб сўради:

– Она, ўлимим олдидан охириги марта отам билан акаларимни кўриб келишимга ижозат беринг...

– Бекорларни айтибсан! Ўлимга бало борми! Мени ўлим билан қўрқитмоқчимисан? Отангни соғинаётган бўлсанг, чида!

Ким нима демасин, бу хотиннинг ҳеч нарсасага ишонгиси келмасди. Эрталаб қайнонасига ялинган Ниру кечга бориб вафот қилди. Доктор уни биринчи бор фақат ўша куни келиб кўрди, уни қайта чақиришга ҳожат қолмади.

...Мотам маросими жуда катта дабдаба билан ўтди. Ахир марҳума райбаҳадур хонадонидаги ёлғиз ўғилнинг хотини эди-да! Сандал дарахти шох-шаббаларидан уйиб ёқилган бу қадар катта гулханни вилоятда ҳали ҳеч ким учратмаган эди (*Ҳиндларда мурда гулханда куйдирилади. Т.М.*).

Нирунинг дафн маросими шу қадар зўр дабдаба ва серҳашамлик билан ўтдики, райбаҳадурнинг олийжаноб ва серҳимматлиги ҳақидаги овоза бошқа вилоятларга ҳам ёйилди. Мишмишларга қараганда, дафн маросимини келиннинг обрў-эътиборига мос равишда ўтказаман, деб райбаҳадур қарзга ҳам ботган эмиш...

Шу куни райбаҳадурнинг ўғлидан хат келди. Фожиадан беҳабар ўғил янги вазифада ишни муваффақиятли бошлаб юборганини билдириб, ота-онасидан: “Тезлик билан хотинимни жўнатинглар”, деб илтимос қилган эди.

Бу илтимосга жавобан онаси: “Ўғлим, бизлар сенга бошқа қайлиқ излаяпмиз, шунинг учун ишингдан таътил олгин-у, ўзинг тезда етиб кел”, деган мактубни ўша кунёқ жўнатди.

Бу гал райбаҳадур қиз томоннинг йигирма минг рупий қалин беришини талаб қилиб: “Пулни тийин-тийинигача тўйдан олдин берасан!” – деб шарт қўйди.

* * *

1891 йилда ёзилган мазкур ҳикояни камина 1967 йилда ўқиб қойил қолган эдим. Орадан кўп йиллар ўтган бўлса ҳам, Нирунинг фожиаси ҳаёлимдан кўтарилгани йўқ. Ёшлар ҳар қанча ҳирават қилмасинлар, узоқ йиллар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келувчи ярамас одатлардан қутулиш қийин. Билишимча, ўтган асрлардаги ярамас одатлар Ҳиндистонда ҳозир ҳам учраб турар экан. Бизда айнан шундай воқеалар йўқ, Худога шукр. Аммо шуни эслатувчи ноҳуш гапларни эшитиб турамыз. Эҳтимол ҳаётимиздаги “сеп бандалари”га бу ҳикоя ибрат бўлар... Т.М.

В. Икскул

НОМУС ВА АЖАЛ

(Осетинларнинг яқин ўтмишдаги ҳаётидан қисса)

БЕОР КЕЧА

Шарқ томондан кучли шамол эсяпти. Даргов водийси бўйлаб учиб, ҳуштак чалиб ўйноқлаётган бебош шамол Қизилдон сойининг сувларини чайқатиб, кўпиклатиб харсангтошларга, қояларга урди. Булутларни ҳам чок-чокидан сўкиб ташлаган телба шамол, лахтак парчаларни қизларнинг қалам қошини эслатувчи хилол атрофидан нари ҳайдаб кетди. Сўнг ҳасрат билан ув-в торта-торта ўзини Тбау тоғининг тошларига урди. Тоғ ёнбағрида йўлига ғов бўлган баланд миноралар, Цагат Ламардон овулининг эски бинолари атрофида сарсари кезди.

Бирор зарурати ёки муҳтожлиги бўлмаган одам бундай об-ҳавода уйда ўтиришни маъқул кўради. Осетинларнинг ярми ошхона, ярми эса турар жойга мўлжалланган уйлари бу пайтда иссиқ, танга роҳат берадиган бўлади. Ўчоққа илинган қозон остида аланга рақсга тушади, ташқарида эса бўрон ҳамма ёқни остин-устун қилиб юбориш қасдида пишқиради. Эркаklar тошкурсиларда ўтиришиб, оловга ўйчан тикилганларича бирин-кетин тамаки ўраб тутатадилар. Бундай ўтириш эркаklarга ярашади. Меҳнаткаш осетин аёллари эса бу вақтда ўзларига яраша бирон юмуш билан машғул бўлади.

Овулнинг адоғида кенг бир кўрғон бор. У бир-бири билан қўшилиб, қалъага ўхшаб кетган овулдаги уйлاردан кейинроқ қурилган. Юқоридан туриб қараган одамга бошқалардан ўзини четга олиб, мунғайиб қолган етимчага ўхшаб кўринувчи бу кўрғон Туцат деб аталмиш юқори диний мартабали шажараларини қадимий юнонларга боғловчи авлоднинг бошлиғи Заурга тегишли. Диний ҳукмронлик унга ота-боболаридан мерос бўлиб қолган. Ислон Қофқазга кирганда, Заурнинг аждодлари бу динни мажбуран, юзаки қабул қилишган эди. Аслида эса ўзларининг қадимий урф-одатларига содиқ қолаверишганди. Уларнинг “Ила” деб аталмиш илоҳлари қадим замонларда қандай бўлса, эндиликда ҳам дзуар фариштасининг ҳимоячиси, момақалдиروқ ва ёмғир худоси сифатида шарафланарди. Уларнинг руҳонийлари эса халқнинг йўлбошчилари сифатидаги мартабаларини сақлаб қолишган эди.

Асрнинг ўрталарида туцатлар Цагат Ламардондан уч чакирим наридаги тик ва хавфли қоялар орасида жойлашган Найфат қалъасида яшар эдилар. Абхазия князи Шервашидзе Осетия водийларига лашкар тортган кезлари муқаддас Найфат қалъасини вайрон қилиб ташлади. Туцатлар уни қайта тикламадилар. Шу яқин орадаги Цагат Ламардонга, хизматкорлари – кодатлар ва шидатлар истиқомат қилувчи овулга кўчиб ўтдилар. Аммо қадимдан ардоқланиб келинаётган одатларни канда қилмадилар. Улар ҳар йили муқаддас байрам кунлари Найфат қалъасига келиб, бутун қолган ҳужраларда икки ҳафта яшар эдилар. Ила худосини шарафловчи байрамни бу ерда ўтказиш анъанаси сира бузилмаган эди.

Москванинг “икки бошли бургути” Қофқаз узра қанот ёйганида водийликлар насроний динини қабул қилишга мажбур бўлишди. Бу сафар ҳам улар динни шунчаки ҳужажўрсинга, юзаки қабул қилишди. Бу сафар ҳам қадимий урф-

одатларига содиқ қолишди. Янги дин ҳам ёмғир ва момақалдирок ҳукмрони эканини билишгач, ўткир фаросатларини ишлатиб, ўзларининг худолари – Ила насронийлардаги авлиё Илянинг айнан ўзидир, деган хулосага келишди-ю, бегона дин таъқибидан қутулишди. Шу тариқа қадимдан қолган байрамларини ўтказишга ҳам монелик бўлмади.

Бу ерликларнинг ҳозирги руҳоний оталари Заур Туцат олтмиш ёшдан ошган бўлса-да, ҳали бақувват эди. У ота-боболаридан мерос қолган қалб тарбиясига алоҳида эътибор бериб, урф-одатларга қатъий равишда риоя қиларди. Аждодларининг руҳоний меросларини ҳамма нарсадан аълороқ қўяр, шунингдек, номус ва ҳаёт хусусидаги ўғитларига мутаассибларча бўйсунар эди.

Хотинининг кўзлари ожиз бўлиб қолгани учун уй юмушлари унинг суюкли кизи гўзал Золийхон зиммасида эди. Заур Туцат ўғилларидан рўшнолик кўрмади. Тўнғичининг исми Кўрғок эди. Урф-одат қоидаларига кўра меросхўри ва ишининг давомчиси ҳисобланмиш катта ўғил гунг-соқов эди. У бирон нима демоқчи бўлса, ҳайвоннинг овозига ўхшаган товуш чиқарарди, холос. У чақалоқлигида илашган оғир касалнинг асорати туфайли қалб бўлиб қолганди. Туцатлар бу ҳолатни турлича талқин қилар эдилар. Кўпларининг бу борадаги фикри бир – Заур Туцат бирон бир илоҳий қонидани бузганлиги учун Тбау тоғларининг худоси Ила унга шундай жазони лойиқ кўрган.

Иккинчи ўғли – Сузарко жасурликда ва чаққонликда тенгсиз эди. Худо чиройдан ҳам берганди. У бу ерларнинг энг сулув йигити ва раққоси саналарди. Осетиянинг ҳамма томонларидан ёшлар байрамга тўпланишган онда ҳам унинг олдида тушадигани топилмас эди. Аммо у меросхўрликдан бўйин товлаб, отасини ғафлатда қолдирди-ю, цирк чавандозларига қўшилиб кетди. Сузарко бир куни шаҳарга тушганида сайёр циркка дуч келди-ю, тақдирини ўзи ҳал қилиб қўя қолди. Катта маош, томошалардаги олқишлар, циркнинг ўзига хос безакли ҳаёти йигитни ўзига мафтун қилиб қўйди. У ота мероси ўрнига чавандозликни афзал деб билди.

Ўғлининг аҳдини эшитганида руҳоний ота дастлаб ўз кулоқларига ҳам ишонмади. Кейин уни оқ қилди-ю, ўғли ҳақидаги хотирани қалбидан буткул ўчириб, уни ўлдига чиқарди. Хотини билан қизига ҳатто “марҳум”нинг номи-ни тилга олишни ҳам тақиқлаб қўйди.

Укаси Тамбига худо кўп ўғил берган эди. Заурнинг ўрнини мерос қилиб олиши лозим бўлган Тамби шундайгина қўшни ҳовлида яшарди. Ўғилларидан умидини узган Заур Туцат укасига ўзининг юқори мартабасини қолдириш билан чекланмай, сеҳргарлик, фол очиш сирларидан ҳам воқиф қилишни ўйлаб қўйганди.

Хонадон соҳиби ман этшига қарамай, кўзлари ожиз она ўғлини ҳеч унута олмас эди. Кучли ва чаққон ўғли тез-тез ҳаёлида намоён бўлаверарди. Эри бирон ёққа кетган дамларда ёки яқин атрофда бўлмаган онларда Золийхонни ёнига қақириб, ўғли ҳақида гаплашиб ўтиришни яхши кўрарди.

Бу кеча Заур ўғли Кўрғок ҳамроҳлигида қўшни овулдаги беморни кўргани кетгани сабабли она-бола уйда ёлғиз, ўз ишлари билан машғул бўлиб ўтирардилар. Ташқарида ҳамон бўрон увлайди. Кампир икки қўлини чўзиб ўтириб олган, икки билагига ҳалқа қилиб ташланган ип тўпламини Золийхон тўп каби юмалоқлаб ўрарди.

Ташқарида итлар ҳурий бошлагач, Золийхон қўлидаги ипни онасининг этагига ташлаб, ҳовлига шошилди. Остона ҳатлаши билан одам қорасига кўзи

тушди. Ханжарини қинидан суғурган нотаниш одам тинмай ҳуриб, ҳамлага шайланаётган иккита катта итдан ўзини ҳимоя қилиб турарди. Баланд бўйли, қомаги келишган бу йигит тоғликларнинг миллий кийимида эди. У тиш-тирноғигача қуролланган – тўппонча, милтиқ, ханжар – ҳаммаси мукамал эди.

Золийхон овоз бериб, итларни чақирди. Итлар норозилик билдиргандай бир ғингиб олишди-ю, аммо бекаларининг амрига итоат этиб, тинчишди. У нотаниш одамнинг таъзимига енгил таъзим билан алик олди-да, уни қўноқхонага бошлади. Қўноқхонадаги анжомлар оддийгина эди: ерга япалоқ тош тўшалмай, суваб қўйилган, деворга ёнбошлатиб супа қилинган, кичкина дарча рўпарасида катта камин-ўчоқ бор, супа атрофига тахта курсичалар қўйилган.

Золийхон отаси билан акасининг уйда эмаслигини айтиб, мезбонлик вазифасини қиз боши билан ўзи бажараётгани учун ундан узр сўради. Қиз тоғликлар одатига биноан унинг кимлигини, нима учун бу ерга келганини суриштирмади. У – меҳмон, мезбон учун шунинг ўзи кифоя. Қиз каминдаги олов аланга олиб, хонани ёритгунича тиз чўкканича ўтирди. Ўрнидан тургач, йўловчининг ивиб кетганини кўрди.

– Оловда қуришиб олинг, – деди у камин томон қўли билан ишора қилиб. Сўнг қўноқхонадан чиқди-да, ҳовлини кесиб ўтиб, уйга кирди. Онасига нотаиш меҳмон ташриф буюрганини айтиб, унга овқат тайёрлашга тутинди.

Золийхон ғоятда чиройли эди: бўй-басти келишган, юришлари чаққон – худди капалак ер узра учиб юргандай, юз-кўзлари неппа-нозин, сочлари худди ипакдай майин, қоп-қора...

Қиз чиқиб кетгач, меҳмон қуролларини девордаги михқозиққа илиб, черкасча камзулини ечди-да, оловга тутди. Олов тафти урилгач, кийимдан енгил ҳовур кўтарилди. У оёқ кийимини – қоғқазча чарм пайпоғини ҳам ечиб, оловга яқин қўйди.

Юзига, пешонасига эрта тушган ажин унинг ҳаёт йўли ғам-алам, айрилиқ азобига тўла эканидан дарак беради. Аммо олов каби чақнаб турган кўзлари бу азобларга банди эмаслигини билдиради. У қуриган пайпоғини кияётган дамда Золийхон таом кўтариб кирди. У қоғқазча пастак хонтахтани меҳмон яқинига тавозелик билан суриб, келтирган ноз-неъматларни унинг устига қўйиб, қадаҳга пиво қуйди. Кейин овқатдан татиб кўришга таклиф қилиб, ўзи хонанинг қоронғи бурчагига ўтди-да, “меҳмонга яна бирон хизмат зарур бўлиб қолар”, деган мақсадда кутиб турди.

Йигит қизга бир қараб олгач, таомга қўл узатди. Шошилганича овқат ейиши очқаб қолганини ошкор қилди. Қизнинг кўзи деворда, олов рўпарасида осиглиқ турган сариқ рангли камзулга¹ тушди. Унинг ташқи кўринишига қараб анчадан бери совун кўрмаганини пайқаш қийин эмасди.

– Камзулингизни ювиб қўяйми? – деди у қўнғироқдек ёқимли овози билан.

– Яхши бўларди, – деди меҳмон, таомдан бош кўтариб. Сўнг қўшиб қўйди: – Бундан камзулим зарар кўрмайди. Эгнимдан тушмаганига ҳам кўп бўлди.

Қиз уйга ошиқди. “Бу одам абрекка² ўхшайди, – деб ўйлади у ўзича. – Эҳтимол қонли қасоскорлардан қочиб юргандир...”

Золийхон катта ёғоч тоғорага иссиқ сув қуйиб, қўноқхонага қайтди. Енглари шимариб, камин ёнига чўккалади-да, камзулни юва бошлади.

Каминдаги ўтин чирсиллаб ёняпти. Алангадан сачраётган ёруғликда қиз-

¹ Қоғқазликлар камзулни “бешмет” деб атайдилар.

² Бирон-бир айби учун ҳукумат таъқибидан қочиб юрувчи кимса.

нинг қоп-қора сочлари ялтирайди. Ўғринча қараб-қараб қўяётган йигит қиз чиройининг сеҳрига мафтун бўла бошлайди.

Ташқарида бўрон хуштак чалиб, увлайди. Хона ичи иссиқ, танга роҳат беради. Йигитнинг кўзи деворда осиглиқ турган фандирга¹ тушди. Сузарко бу хонадонни тарк этганидан бери фандир эгасиз равишда осиглиқ турарди. Меҳмон кўпдан бери мусиқа асбобини кўрмаган эди. Шу топда куй чалиб, қўшиқ айтмоққа унда иштиёқ туғилди. Бир вақтлар у чалган куй, у айтган қўшиқ ҳар қандай кишини ўзига ром қилиб оларди.

Йигит ўрнидан турди-да, фандирни қўлга олди. Авайлаганича созлади. Золийхон эса унинг ҳаракатига аҳамият бермай, бошини эгиб олиб кир ювишда давом этарди. Йигит бир оз сукут сақлагач, фандир торларини дадил чертди. Шундагина қиз у томон қараб қўйди. Куйга қўшиқ уланди. У ўз халқининг жанговар қўшиғини айта бошлади:

*Қиндан қилич суғурсак Тангрининг номи билан,
Ва тилла ғилофларни жаранглатсак – ўша кун;
Ғаним қонини сўрсак Тангри имони билан,
Ҳам ёйли камонларни таранглатсак – ўша кун;
Даъваткор қўшиқларни баландлатсак – ўша кун;
Ёв қишлоққа ўт қўйса, ёндирса тепаларни,
Ибодат хоналаридан ваҳший олов порласа;
Одамлар ташлаб қочса култепа кулбаларни,
Лекин бир ҳис уларни бирлашмоққа чорласа;
Шу туйғуни уларга англатолсак – ўша кун;
Қайтган шамол мисоли шашти тушган оломон,
Бўри қувган қўй каби тирқираб қочар бўлса;
Ё ваҳима тўрига тушиб қолиб беомон,
Энг олий ниятлару орзудан қочар бўлса –
Шу орзуну бир қайта порлатолсак – ўша кун;
Беланчакда гўдаклар фарёд чекиб қўрқувда,
Қандайдир кўкракларга ўзларини отишса;
Қичқириб ва дод солиб, ором топмай уйқуда,
Ҳимоясиз қуш мисол сукунатда қотишса;
Шундай пайт паноҳ бўлиб овутолсак – ўша кун;
Қизлар кўнғил қўйишса лаҳзалик эрки учун,
Нотаниш эркакларга, етти ёт бегонага.
Разиллар тушиб елса титраб-қақшаб куну тун
Этакларнинг ичига – иссиқ хилватхонага;
Имкон топиб уларни итқитолсак – ўша кун;
Тангрининг мухлислари, жаҳолатнинг қуллари,
Мангу шону шуҳратни сотиб олса агарда.
Худди шу кун англаймиз покдир кимнинг қўллари,
Ким ўзини софликда тенглай олар саҳарга?
Фақат мардлик билинар бешубҳа-шак ўша кун!..*

У жим қолди.

Бу қўшиқ Золийхон қалбини тўлқинлантириб юборди. Қўшиқчининг шуҳрату шонга муносиб мард йигит эканини унинг юраги сезд. Йигитнинг жа-

¹ Гитарани эслатувчи мусиқа асбоби.

рангли овози ҳам жозибали, ҳам ғолибона эди! Бундай қўшиқни фақат ҳақиқий қаҳрамонгина, ҳар қандай хатарга, ҳатто ўлимга тик қарай оладиган жасур одамгина шу зайлда айта олади.

Қизнинг қўллари ишда, ҳаёли эса “Ким у?” деган саволга жавоб излаш билан банд.

Йигит овқатланиб бўлди. Энди унинг кимлигини, қаерданлигини сўраб билиш мумкин. Золийхон унга қаради:

– Сен кимсан, меҳмон?

Йигит дарров жавоб қайтармади. Қизга синов кўзи билан бир неча нафас қараб тургач, секингина деди:

– Мен Урусхонман.

Бу сўзни эшитиши билан қиз қўрққанидан сесканиб кетди. Қўлидаги камзул тоғорадаги сувга шалоп этиб тушди. Золийхон унга ҳайрат кўзи билан тикилиб қолди: “Боши беш минг рублга баҳоланган, қўрқинчили, жасур, қўлга тушмас машҳур абрек – Урусхон шу эканда-а?”

Урусхон қизнинг кўзларидаги ҳайратни, айна чокда мафтунлик учқунларини сезиб, деди:

– Меҳмонни сотиб қўймаслигингга ишонаман.

Қиз унга қаради:

– Заур Туцатнинг кизи Золийхон сени сотадими? Оиламиз Тбау-уац-Илага хизмат қила бошлаганидан бери аждодимиздан сотқин чиқмаган! – Қиз кўтаринки руҳда шундай дега,ч, бир оз сукут сақлади-да, чўчинқираган овозда қўшиб қўйди: – Биз фариштамиз Дзуардан қўрқамиз...

Бу гапни эшитиб, йигит заҳархандалик билан жилмайди.

– Сен ундан қўрқмайсанми? – деб ажабланиб сўради қиз.

– Мен ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан қўрқмайман, – деди Урусхон совуққонлик ва тўнглик билан. Кейин бу оҳанги қизга малол келганини англаб, юмшоқроқ оҳангда қўшиб қўйди:

– Мен шу пайтга қадар исмимни бировга айтган эмасдим. Сенга ишондим. Сенга айтгим келди.

Бу гапдан қалб бир қалқиб олган Золийхоннинг юзларига қизиллик югурди. Кўз олди туманлашди. Урусхоннинг ишончи унинг юрагига сўнгсиз қувонч бахш этган эди.

Худди шу ерда, худди шу онда тақдир уларнинг қалбларини севги иплари билан чирмаб кетди.

– Яна битта қўшиқ айтиб бер... Бу ерда мен жуда кам қўшиқ эшитаман, – деб илтимос қилди қиз.

Урусхон фандирни яна қўлига олди. Энди ёлғиз қолган одамнинг аламли қўшиғини айта бошлади:

*Дейдиларким, ушбу мовий олис-олис осмонда,
Мунгли юлдуз милтиларкан аллақайси замонда.
Дейдиларким, баланд-баланд тош қоялар узра бот,
Танҳо бургут ўсган эмиш беҳимоя, беқанот.
Дейдиларким, ўрмон аро ўсган экан бир арча,
Тақдирига битмабди ҳеч на япроғу на шохча.
Юлдуз дебди худосига: “Яратганим, эй Тангрим,
Менга зиё ато этгил, ёритгали тунни жим”.
“Тангрим, қанот бергил менга, – деб ялинмиш бургут ҳам, –*

*Қуёш сари учай юксак, қанотларим билан ман”.
Арча секин шивирлабди: “Берсанг шохча, барг сағал,
Бўронларда шовуллайман, ҳаётим бўлар гўзал”.*

Қўшиқ тугагандай бўлди. Фандир торлари титраб тураверди. Урусхон хўрсинди. Сўнг... бармоқлар яна торларни чертди. Яна дардли овоз янгради:

*...Бу ғамларга тоқатим йўқ, ўзимда ҳам қайғу кўп,
Хор этилган қувғиндиман, ўлмоқдаман бахт кутиб.
Ер юзда танҳо ўзим, ҳасратим мўл, ватан йўқ,
Қаро тунда насибам бўл, қайлардасан, дайди ўқ?...*

Қўшиқ тугади.

Қўшиқ сеҳридан ўйга толган Золийхон беихтиёр равишда камзул сувини сиқа бошлади. Ўрусхон фандирни қўйиб ўрнидан турди-да, қизга яқинлашиб, билагини ушлади:

– Золийхон!

Қиз худди илон чаққандай сапчиб тушди, кўзларидан гўё олов учқунлари сачради:

– Қандай журъат этдинг! Наҳотки номус ва адабни унутган бўлсанг? Олийжаноб меҳмоннинг мезбонга миннатдорчилиги шуми? Сен уйда отам билан акамнинг йўқлигини, бир ўзим ёлғиз қолганимни била туриб... Уял! Мен Урусхондан бундай пасткашликни кутмаган эдим!

Йигит унинг билагидан қўлини олди. Золийхон камзулни оловга яқинроқ жойга илди. Шу топда унинг вужудини ғазаб қамраб олган эди. Қарама-қарши туйғулар оғушида қолган Урусхон бошини эгди:

– Сен ҳақсан... мени кечир, – деди синиқ овозда. – Лекин сен менинг қандай ҳаёт кечираётганимни билмайсан. Мен худди қувилаётган ёввойи ҳайвондекман. Танам ҳафталаб, баъзан ойлаб кўрпа-тўшак кўрмайди. Бошпанасиз бир дайдиман. Бугун ўрмонда, эртага ғорда, ҳали у ерда, ҳали бу ерданман. Доимий қувғиндаман. Бўрон бугун мени сенинг уйингга ҳайдаб олиб келди. Оловда бирпас исиниб, кийимларимни қуришиб олмоқчи эдим. Бошқа ниятим ҳам, умидим ҳам йўқ эди. Сени... тиз чўкиб ўтиришингни кўриб, вужудимни қандайдир сеҳр, қандайдир енгиб бўлмайдиган куч эгаллаб олди... Кечалари уйга қайтганимда мени меҳрибонлик билан кутиб олиб, эркалайдиган хотинга эга бўлишга менинг ҳақким йўқми? Нега энди мен ёлғиз, ташландиқ бўлиб, бировларнинг меҳрига зор яшашим керак? Нега?!

Золийхон жавоб бермади. У камзулга тикилганича тек тураверди. “Сенинг бу дарбадар ҳаётинг менга қўл теккизишинг учун ҳақ бермайди”, деб ўйлади у.

Урусхон қизга ўйчан ва хафақон тарзда қараб тура-тура изига қайтди-да, яна фандирни қўлга олиб қўшиқ айта бошлади:

Золийхон гўё қўшиқ эшитмасди. Балки кимдир унинг қулоғига шивирлаб арзи ҳол айтаётгандай эди:

*Айтгил, нечун туғилган ҳамон,
Нафратга учрайди ҳақиқат?
Бенасиблик бўлди ҳаётим ҳар он,
Ва ёлғизлик ҳамиша қисмат?
Нечун чаппа айланмас бу ер,
Меҳваридан чиқмас бу олам?
Ҳасратлардан қутулиб ахир,*

Ўзга ҳаёт қурардик биз ҳам.
 Зорланоламас ва лекин ҳеч ким,
 Зорланганинг ўйилар кўзи...
 Ёлғиз Тангри руҳларга ҳоким,
 Тақдирларни бошқарар ўзи.
 Ота-онам ўтди хору зор,
 Менинг ҳам ҳаётим кўп ғамгин.
 Қайғуларда бенаво ва хор,
 Мен йўқотдим ҳаётим рангин.
 Мен ўларман... лекин тепамда,
 Кўз ёш тўкиб эзилмас иним.
 Осмон ўзи йиғлайди ғамда,
 Ёмғир билан ювилар таним.
 Сингиллар йўқ... инимга эса,
 Бориб етмас пажмурда бу тан.
 Даҳшат, уни бўрилар еса,
 Талашиб оч қузғунлар билан!
 Қарши олмас ҳатто ватаним,
 На дўсту ёр қўлимдан тутар.
 Аммо зиндон кутаётир жим,
 Ва асирлик яктаги кутар.
 Кутар мени моғорада ғам,
 Ва сукутнинг узун қишлари.
 Занжирларнинг шалдираши ҳам,
 Қалбнинг оғир ҳўрсинишлари...

Золийхоннинг қалби титради.

Урусхон қўшиқни тугатиши билан сапчиб турди-да, фандирни бор кучи билан ерга урди. Фандир майда-майда бўлакчаларга бўлиниб кетди.

– Севгисиз ҳаётга минг лаънат! – Бу ҳайкириқ унинг юрак-юрагидан вулқон кучи-қудрати билан портлаб чиқди. У ҳаяжондан титраганича ташқарига отилди. Нима гап бўлаётганини чуқурроқ англаб етмаган Золийхон ихтиёрсиз равишда бир сакраб унинг ёнида пайдо бўлди. Урусхон ташқарига чиқаман деганида черкасидан ушлаб қолди.

– Тўхтанг! Шу ерда қолинг... – деди хансираганича.

Бу муҳаббат ва шафқат бир-бири билан олишаётган қалбдан чиққан қатъий овоз эди. Йигит тўхтаб, ўгирилди. Қиз унинг қарашида ҳайронликни кўриб, мутелик билан бошини эгди. Урусхоннинг чехрасини қувонч нури ёритди. Қизни ўзига тортди.

Қўноқхонадаги супа уларнинг севгисига, вафо ҳақидаги қасамларига тилсиз гувоҳ бўлди.

Ёқимли оғриқдан қичқириш... сўнг эркалашлар... қайноқ миннатдорчилиқ...

Оҳ, Золийхон, нодон қиз-а! Номуссизлик саҳросига қадам босганини ўйламади-я?! Бу саҳрода ажал уни ташна бўлиб кутаётганини билмади-я?! Паҳлавони бағрида алдамчи лаззат булоғидан сув ичаётганида ғолиб нафс унга беномуслик либосини кийдирди, ажал эса бетўхтов равишда унга гўр қазий бошлади...

Ташқарида эса бўрон бўри галаси каби қутуради. Бахайбат дарахтларни илдизи билан қўпориб, тўлқинли Қизилдонга улоқтиради.

Ярим тунда Золийхон қўноқхонадан чиқиб, уйи томон юрди. Қутурган бўрон уни ўз қучоғига олмоқ истади. Аммо йигитнинг ҳароратли бўсаларидан олов каби ёнаётган юзларига шамолнинг аччиқ нафаси ўз таъсирини ўтказа олмади. Уйига кириб, онасининг ухлаб қолганига ишонч ҳосил қилгач, яна қўноқхонага, севган ёри ҳузурига қайтди.

Урусхон супада ётарди.

Қиз курсини унинг яқинига суриб, ўз тиззасига тирсагини тираганича ўтирди.

Урусхон чалқанча тушганича қўлларини ёстик қилиб ётибди. Аста-секин ўчаётган аланга нурлари қоронғулик олдида кучсиз бўлиб қолди. Хона қоронғулик ҳукмига бўйсунди. Йигит қаддини кўтариб, Золийхонни меҳр билан қучди.

– Нима учун сени шунчалар севиб қолдим? – деди қиз энтикиб.

– Сен аввал бирорта йигитни севармидинг? – деб сўради Урусхон бир дақиқалик сукутдан сўнг.

Қиз “йўқ” дегандай бош чайқади.

– Агар менга вафосизлик қилишни ўйласанг ёинки бошқа бирор кимса қалбингдан жой олар бўлса, у ҳолда... – йигит халқининг одати бўйича бош томонда тургувчи ханжарини ушлади.

Қиз унинг сўзини оғзидан олди:

– Менинг қалбимни ҳам, ҳаётимни ҳам сен эгаллагансан. Тбау-уац-Ила бунинг гувоҳи!

– Абрекнинг йўлдоши бўлиш оғир, – деди Урусхон.

Қизнинг кўзлари чакнади:

– Мен сеники бўлганим билан фахрланаман, Урусхон! Овулдаги қизлар бундан хабар топгудай бўлишса қанчалар ҳавас, нечоғли ҳасад қилишларини тасаввур қила олсанг эди!

– Буни ҳеч ким билмаслиги керак.

– Ҳа, албатта, хотиржам бўлавер, Золийхон тилини тия олади.

У дағал кафти билан қизнинг майин сочини силади.

– Нима учун абрек бўлдинг? – деб сўради қиз.

– Ўша кунга лаънатлар бўлсин! – йигит шундай деб хўрсинди. – Акамнинг тўйи эди. Биз ўйин-кулги билан банд бўлиб турганимизда келин рад этган йигит келиб, уни қизлар хонасидан ўғирлаб қочибди. Мен ёнимга йигитларни олиб, уни қувиб етдим-у, ўлдирдим. Шундан бери беркиниб яшашга мажбурман. Яширинадиган жойларим, паноҳига оладиган дўстларим кўп. Ишончли жойга хазина ҳам кўмиб қўйганман. Энди узоққа кетмайман. Мен шу яқин орада қолишни, сен билан тез-тез кўришиб туришни истайман. Чунки мен сени севаман... Сен менга ёрдам беришинг керак.

– Бу атрофда қаерга яширинмоқчисан? Ҳамма ёқ тоғу тош-ку?

– Яширинадиган жой бор... – йигит бир оз ўйлангач, давом этди: муқаддас ўрмондаги булоқбошига бораман.

Урусхоннинг бу қарорини эшитган қиз чўчиб тушди:

– Шаккоклик қилмоқчимисан? Қадамжони оёғости қилиш гуноҳ-ку! Тбау-уац-Ила жазосиз қолдирмайди.

Бу гапни эшитган Урусхон кулди. Қиз эса уни ахдидан қайтармоқчи бўлди:

– Менга ишон, жоним, у ерга киришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Кирганлар-

ни худо албатта жазолайди. Одам бир умрга касал ёки ақлсиз бўлиб қолади. Агар бирор жонивор ўрмонга кириб кетгудай бўлса ҳам у ердан ҳайдашга ҳеч ким ботинмайди.

– Қўявер, менга бало ҳам урмайди. Мен Тбау-уац-Илангдан қўрқмайман. Буларнинг ҳаммаси бўлмаган гап.

– Йўқ, йўқ, севгилим, – деди қиз хавотирли овозда, – у ростдан ҳам жазо беради. Бир куни Дахцко деган чол у ердан қўйини ҳайдаб чиққан эди. Ўшандан бери унга иблислар тинчлик беришмайди. У ерга думалаб шундай типирчилайдики, ҳатто оғзи кўпиклашиб кетади.

– Қўлимда куролим бор экан, ҳеч қандай рух, ҳеч қандай одам мени ерга кўтариб ташламайди, хавотир олма, – деди Урусхон яна кулиб.

– Ундай дема, Урусхон! Қўрқиб кетяпман. Гапларингни фаришталар эшитиб қолишса нима қиламиз? Биламан, сен ботирсан. Лекин ҳалигача ҳеч ким Худога қарши чиқиб, жазосиз қолмаган.

– Бас қил! Бундан кейин фақат мендан қўрқ! – деди Урусхон амр оҳангида.

Ёш осетин гўзали бу амрга итоат этиб, бош эгди. У ёрини бу аҳддан қайтариш учун кўп ёлбориши, уриниши мумкин эди. Аммо бунга ботинмади. У айни дамда ўз хожасини, ўз йўлбошчисини топганига ишонган, шунинг ўзиёқ қалбига ғурур бахш этаётган эди.

– Отанг қачон қайтади? – деб сўради Урусхон, кизнинг итоаткорлигидан мамнун бўлиб.

– Пешиндан кейин.

– Менга егулик бирон нима тайёрла. Тонгда чиқиб кетаман. Эртадан бошлаб овқатни ўрмонга ўзинг олиб борасан.

Бу буйруқдан қиз бир сесканиб тушди:

– Урусхон! – деди титроқ овозда.

– Золийхон!! – йигитнинг овозида жаҳл, енгил бўлса-да, дағдаға оҳанги зоҳир эди.

Қиз хўрсинди:

– Майли, сен айтганча бўла қолсин, – деди мутелик билан. – Лекин мени ўрмондан чиқиб, жар ёқасида кутиб оласан. Мен барибир ўрмон ичкарасига қадам босмайман.

– Яхши, – деб ён босди йигит. – Ой Тбау устига кўтарилганда сени кутаман.

Золийхон уйига чиқиб кетиш мақсадида ўрнидан турди. Лекин йигит ёлғиз қолишни истамди. Девор томон сурилиб, унга жой бўшатди. Қиз итоат билан унинг ёнига ётди. Каминдаги ўт ўчди. Аҳён-аҳёнда чўгдан ажраган учкунлар бу ерда икки қалбни бирлаштирган муҳаббатнинг қадимий, умрбод, ҳаёт яратувчи қўшиғини эшитишга муштокдай қоронғулик бағрига сапчишади. Бу қўшиқдан бахраманд бўлганлари эвазига хонага ёруғлик инъом этмоқчи бўладилару, аммо муддаоларига етмай, зулмат қулига айланадилар.

* * *

Тонгда Урусхон ҳовлига чиққанида елкасига сочиқ ташлаган Золийхон ўнг қўлида мис офтоба, чап қўлида чилопчин ушлаб, кутиб турарди. Қиз сув қуйиб турди, меҳмон ювинди. Кейин Золийхон қўноқхонага кириб, унинг ўрнини йиғиштирди-да, нонушта тайёрлади. Урусхон тамадди қилаётганида қайнатиб пиширилган гўшт билан нонни рўмолга тугди.

Хайрлашиш онида Урусхон Золийхонни белидан ушлаганча, ўзига тортиб,

ўпди. Золийхон юзини унинг кўкрагига қўйиб, маҳкам қучоқлаб олди. Урусхондан муқаддас ўрмонга кирмаслигини сўраб, яна ёлборгиси келди-ю, ботина олмади – юраги дов бермади. Дардини ичига ютди-ю, хўрсиниб қўйди. Абрек бунни ажралиш дақиқасининг аламли изтироби деб ўйлади.

– Урусхоннинг хотини бошқа аёллар каби йиғлаб-хўрсинмаслиги керак, – деди у. – Худо жонимизни сўраб оладиган онга қадар қаҳрамонлигимизча қолишимиз шарт.

– Мен ҳаракат қиламан, Урусхон.

У кетди.

Елкасига милтиқ осган Урусхоннинг Найфатдаги муқаддас қадамжога олиб борувчи сўқмоқдан юқорига кўтарилиб боришига қиз хавотир тўла кўзларини қадаб қолди. У ёрига қўл силкишни ёки “Хайр, жоним!” деб қичқиришни истарди. Аммо бундай қилишдан ҳайиқди.

Тонг қуёшининг нурига чўмиб ётган овул аста уйғонмоқда эди. Истагини енга олмаса сирининг ошкор бўлиши ҳеч гапмас. У ёрини нигоҳи билан кузатиш, унинг жар ёқалаб дадил қадам ташлашига меҳр билан боқиш билан чекланди.

Қиз йигитга бутун қалбини берди. Урусхоннинг бир кечалик эркалашлари бу гўзал қизни ёри учун жонини ҳам беришга рози бўлган севучи хотинга айлантирди.

Найфат харобаларига яқинлашган Урусхон ён-атрофга синчков назар ташлади: ҳеч ким йўқ....

Хов пастда, кўм-кўк ўтлоқ ўртасини ирмоқ кесиб ўтган. Соқов қоялар эса гердайганларича кўкка бўй чўзганлар. Сўқмоқ адоғи муқаддас ўрмонга тақалади. У тўғри йўл қолиб, пастга, ирмоқ соҳилига тушди. Сув оқими бўйлаб бориб, ўрмон этагига етди.

Қадимий чинорлар томон қадам қўйиши билан унинг вужудига беихтиёр ваҳима оралади.

“Шаккоклик!” деб висирлади қандайдир ички овоз. Лекин бу овозга банди бўлмади. Ўнг қўли билан ханжари дастасини сиқиб, қошларини чимирди-да, дадил юриб кетди. Шу алпозда юриб, баҳайбат чинорлар орасидаги булоқ бошига етди. Байрам кунлари руҳонийлар бу ерга келиб пиво қайнатиш учун шу булоқ сувидан олардилар. Қуриган дарахт шохларини ҳам шу атрофдан тўплашарди. Бу томон отлангунларига қадар аввал рўза тутиб, руҳларини поклаб олган ғариб кийимли одамлар баданларига илоҳий сувдан етказиб, жисман ҳам поклангач, дуоларни ўқиганларича эҳтиётлик билан қадам босиб, муқаддас ўрмон ичкарасига аста-аста юриб кириб борардилар.

Булоқ бошидаги майин кўкат меҳрибон мезбон сингари Урусхонни дам олишга чорлади. Ҳеч кимнинг нигоҳи тушмайдиган бу ер унинг учун хавфсиз эди. Қадамжога келишга журъат қилувчи жасур одам бу атрофда топилмайди. У беҳисоб тунларни мазористон сағаналарида мурдалар билан ўтказгани учун ҳар қандай қўрқув ва ваҳимани енгилшга одатланган эди.

Урусхон таом ўралган тугунни, қуролларини харсанг устига қўйди-да, кўкат устига бўркини тўшаб ётди. У ётганича, ўз хаёлларига банд бўлиб чекарди.

Кун билинтирмасдан тез қариди. У тунни, севгилиси келадиган пайтни – ой чиқишини интиқ кутарди.

СОВЧИ

Заур Туцат уйига соқов ўғли ҳамроҳлигида пешин чоғи қайтди. Отдан чаққонлик билан сакраб тушган Қўрғок отаси эгардан имиллаб силжигунича жигловдан ушлаб турди. Узоқ йўл юрганидан руҳоний отанинг аъзойи бадани толиққан эди. Унинг вазмин қадам товушларини эшитган ожиза кампир ўрнидан қўзғалди.

Золийхон эса эшик кесақисига суянганича қимирлай олмайди. Унинг юраги нима учун бунчалар қаттиқ тепяпти?

Қўрғок отасига эргамай, эгарларни олиб, отларни ўтлоққа ҳайдади.

Хотини билан қизининг саломига алик олган Заур оғир-оғир қадамлар билан юриб келиб, ўчоқ олдидаги курсига ўтирди. Бир оз давом этган сукутдан сўнг вазмин овозда гап бошлади:

– Хицада Темир Тўтараевни кўрдим. Яқин кунлари ичи у сурувини бу ерларга ҳайдаб келади. Қўйларини ёз ичи шу ерларда боқмоқчи. У бизникида яшаб туради. Келган куни қўй сўйиб, иззатини жойига қўйиш керак.

Заур қайси бир меҳмонни алоҳида иззат-ҳурмат билан кутиб олишни истаган тақдирдагина унинг ташрифини аввалдан маълум қиларди. Она-бола унинг бу одатини яхши билишади. Темир деганлари Заурнинг қалин дўсти. Бу уйда кўп меҳмон бўлган. Бироқ шу пайтгача уни алоҳида тайёргарлик билан кутишмаган эди. Энди унинг пойи қадамига қўй ҳам сўйиш керак эмиш. Бундай иззатнинг тагида бир гап бор...

Золийхон бу янгиликнинг тагига етишга уринмади ҳам, аксинча буни ўзига алоқаси йўқ бир хабар деб билиб, индамайгина чиқиб кетди. Қиз уйида бўлаётган воқеаларга эътиборсиз қарашга кўникиб қолган. У Темир Тўтараевнинг ташрифи ўзининг тақдирига тааллуқли эканини ўйлаб ҳам кўрмади. Унинг бутун фикру зикри ҳозир муқаддас ўрмондан паноҳ топган, худо ва барча одамларга қарши чиқишга журъат этган жасур йигитда эди!

Қизининг чиқиб кетганини шарпасидан сезган ожиза эрига мурожаат қилди:

– Заур, сендан бир нарсани сўрасам майлими?

– Сўрайвер.

– Темир бекорга келмаётгандир? Мақсади нима унинг?

– Нимагалигини айтдим-ку? Гапимга тушунмадингми? – Заур шундай деб хотинига норози қиёфда қараб қўйса-да, изоҳ беришга мажбур бўлди: – Қўйларини боққани келади.

– Заур, сен ниманидир яширмоқчи бўляпсан. Темирнинг мақсади фақат қўйларини боқиш эмасдир? – ожиза шундай деб ўрнидан турди-да, ҳассаси билан ерни пайпаслаб, эрига яқинлашгач, унинг қўлини ушлаб, ёлборган одамнинг товуши билан сўради: – Менга тўғрисини айтақол...

Заур аввалига индамади. Бир оз сукутдан сўнг мужмал равишда жавоб қайтарди:

– Сендан яширадиган гап йўқ, ташвишланма. Темир ўғли учун бизникидан бир нимани олмоқчи.

Ташқаридан келган киши бу гапни эшитса, “Темир бирон буюм илинжида

экан-да”, деб ўйлаши мумкин. Бироқ онанинг кўнгли бу мужмаллик ортида қандай ният ётганини дарҳол илғади.

– Золийхонними? – деди овозини баландлатиб.

Бу фақат бўлажак айрилиқ даҳшатиға тушган она қалбининг фарёди эмасди. Унинг овозида қизидан айрилгач, тун қаърида ёлғиз қолишдан қўрқиш оҳанги ҳам бор эди. У эридан қўрқади. Золийхон эса унинг бирдан-бир қувончи. Шунинг учун ҳам бўлажак айрилиқ хабари вужудини тилка-тилка қилиб ташлади.

– Керим қизимиздан розилик сўрабдими?¹ Золийхон бу ҳақда менга ҳеч нарса демади-ку?

– Ичидан пишган қизинг совчи юборилишиға рози бўлгандир-у, лекин сенга айтмагандир. Сенлар бунақа ишларни мендан яшириб юришға устасанлар.

Ожиза эриға эътироз билдиришға журъат этмаса-да, “йўқ, қизим мендан ҳеч нимани яширмайди”, дегандай бош чайқади.

Заур хотиниға бошқа гапирмади. Жимгина ўтириб, ўйға ботганича Тбау-уац-Ила ўрмонига тикилиб қолди.

Бу пайтда Керим Тўтараевнинг тутинган акаси Зураб Кодат овул томондан отини гижинглатиб, уларнинг уйлари томон яқинлашиб келарди. У черкасча оқ камзул билан оқ папоқ кийган, дастаси билан қинига кумуш суви юритилган ханжар ва кумуш ҳалли камар тақиб олган эди. У ҳовлида турган Золийхонга яқин келиб, Қофқаз одатича салом берди: ўнг қўлини бир нафас кўкрагига қўйиб, кейин туширди.

– Заур қайтдими? – деб сўради.

Қиз мулойимгина, айна дамда ўзини киборларча тутгани ҳолда жавоб қайтарди:

– Ҳа...

Золийхоннинг ўзини киборларча тутиши бежиз эмас. Туцатларнинг урф-одатлари унинг қон-қонига сингиб кетган. У Кодатларнинг бир вақтлар Туцатлар хонадонига қарам бўлганини унутмаган. Эпчил, айна дамда зехни ўтқир бўлган Зураб қизининг ўзини тутишидан мақсадини англаса-да, ҳеч нима сезмагандай олийжаноблик оҳангида суҳбат бошлади. У ғоят баодоб эди. Ҳар бир сўзи, ҳар бир ҳаракатида эрлик ғурури билан бирга ҳилм ҳам мавжуд эди. Мана шу хулқи билан у мартаба жиҳатдан юқори саналувчи хонадон қизининг кибор-ғурурини босиб олишға эришди.

Йигит овул янгиликларидан сўз очди-да, байрамнинг яқинлашиб қолганини гапира туриб, дўсти Керим Тўтараевни макташға тушди. Керимнинг жасурлиги, софдиллигини, оиласининг бадавлатлигини ва обрў-эътиборининг мактовини келтирди.

Хаёли Урусхон соғинчи билан банд бўлган қиз аввалиға бу таъриф-тавсифларни эътиборсиз тинглади. Кейин унинг мақсадини англаб, титраб кетди.

– Золийхон, Керимға бориб нима дейин? Совчи юбораверсинми?

Бу савол қизнинг жонини суғуриб олгандай бўлди. Зурабнинг жавоб истаб тикилиб турган ўтқир нигоҳи юрагига ўқ каби қадалгандай бўлди. Қани эди, бу нигоҳ чиндан ҳам ўққа айланса-ю, юрак қонини оқизса... Шундай бўлса Золийхон айна дамда мингдан-минг рози бўлиб ташлаб кетарди бу дунёни... Ўтқир нигоҳини қадашға қаноат қилмаган Зураб саволини яна такрорлади. Энди

¹ Осетинларнинг одатича, куёв яқин дўсти орқали қиздан ризолик олганидан кейингина совчи юборади.

унинг овози гўё момагулдирак каби гулдираб, қизнинг боши устидаги осмонни майда-майда қилиб юборгандай туюлди. Қани эди, чиндан ҳам шундай бўлса-ю, осмон парчалари унинг жонини ола қолса... Зураб саволни учинчи марта такрорлаш ўрнига “жавоб кутяпман”, деган маънода томоқ қириб қўйди. Золийхон шундагина ўзига келди. Шошилганича:

– Йўқ, йўқ! Ҳеч қачон, ҳеч қачон! – деди-ю, бошқа сўз айтишга қурби етмади. Шарт бурилиб, уйига ошиқди.

Қизнинг ҳаракатидан ажабланиб қараб қолган Зураб ўша куниеқ Кадгаронга йўл олиб, дўстига нохуш хабарни етказди.

Узоқ давом этган таниш-билишликдан сўнг Зураб билан Керим ака-ука тутинишга қарор бериб, қасам қадаҳидаги майни ичиш билан бу аҳдларини қалбларига муҳрлаган эдилар. Ўшанда Керим Заурнинг гўзал қизига ошиғу беқарор эканини айтган, Зураб эса унинг оғирини енгил қилишга бел боғлаган эди. Агар совчилик билан иш битмаса айёрлик ва жасурлик билан бўлса-да, қизни ўғирлашга ҳам тайёр эканини билдирганди. Ўша йиллари бу режани амалга ошириш мумкин бўлмагани учун то шу кунга қадар тоқат билан кутишга тўғри келди. Керим гарчи ишқ ўтида ёниб юрса-да, акаси уйланмагани учун Золийхонга оғиз сола олмасди. Қайси осетин йигит акасидан олдин уйланибдики, Керим бунга журъат қила олса!/? Акасига инсоф кириши қийин бўлиб ойлари эмас, йилларни совурди. Ниҳоят ота-онасининг гапига кириб уйлангач, Керимнинг йўли очилиб, Заурнинг қизига уйланиш нияти борлигини отасига айтди.

Темирга ўғлининг танлагани маъқул келди. У Заурга қариндош бўлиш орқали оиласининг обрў-эътибори ошажагини биларди. Қолаверса, кўп йиллик дўстликлари ҳурмати Заур қалин пули сўрашда инсоф қилар, деган ниятда эди.

Кўзлари соддалик билан беғубор боқувчи, тўладан келган, юзлари чиройли Керим қизнинг рад этганини эшитиб, аввалига кўнгли ўксиди. Сўнг “яхшилик билан ризолик бермаса, уни ўғирлайман!” деган қарорга келди. У йиллар бўйи муҳаббат алангасида ёниб, энди гўзал қизга тезроқ етишишни хоҳларди. Шу аҳдига маст бўлиб, қиз олиб қочилган тақдирда қалин пули бир неча баробар ошиб кетишини ўйлаб ҳам кўрмаётган эди. Ниятига тезроқ етишни истаётган ошиқ йигитнинг кўзларига қалин пули эмас, фақатгина қизнинг гўзал чеҳраси кўринаётган бўлса не ажаб! Бироқ жасурликда тенгсиз ҳисобланган Зураб бу сафар дўстининг аҳдини маъқулламади. Керим ботир биродарининг гапларидан ажабланди. Хавфли вазиятга дуч келса, олишишни севадиган йигитнинг бундай эҳтиёткорлиги унинг учун тушунарсиз бўлди.

Бу тоғларда Зураб ўтмаган сўқмоқлар қолмаган. Чўлдан ўғирлаган отларини фақат ўзигина биладиган сўқмоқлардан неча-неча маротабалаб олиб ўтгани учун ҳам унга ҳар бир дарахтгина эмас, ҳар бир бута ҳам таниш, дейилса лоф бўлмас. Унинг доимий ҳамроҳи – ханжар юзидаги доғлар даҳшатли фожиаларнинг тилсиз гувоҳи. Ханжаридаги доғларни кўрсатиб гурурланишни хушловчи Зураб бу он қурол билан иш битириб бўлмаслигини билиб турарди. Тутинган укасининг безовта юрагини тинчитиш учун тушунтиришга ҳаракат қилди:

– Сен ҳар қандай оғир ишда менга бемалол суянишинг мумкин, – деди у. – Фақат Заурнинг эмас, туцатлардан қай бирининг бўлса ҳам қизини олиб қочиб, бу гердайганларнинг бўйинини эгиб, эзиб қўйишни ўзим ҳам хоҳлардим. Ўзларини бизлардан устун қўйиб юрган бу руҳонийларни бир тузласам ўзим ҳам хумордан чиқардим. Лекин ҳозир бунинг вақти эмас, озгина кутишга тўғри келади. Золийхонни кўндиришга яна бир марта уриниб кўрайлик. Кўп қизлар

биринчи сафар оғиз очилганда шунақа ноз-фироқ қилиб туришади. Кейин рози бўлганини ўзи ҳам билмай қолади. Сен байрамга борасанми?

Керим “ҳа, бораман”, дегандай бош ирғади.

– Мана бу ишинг тўғри бўлади. Сен унга яқинлашиб, рақсга таклиф қиласан. Кейин мен яна гаплашаман.

– Хўп, сен айтгандай бўла қолсин – деди Керим. Кейин бир оз ўйланиб туриб, хавотир билан сўради: – Бошқа бирор йигитни севиб қолган бўлса-чи?

– Бўлиши мумкин эмас!

– Нега? – деди гумон пардасига ўралган Керим, унга нажот кўзлари билан қараб.

– Агар бирортасига ишқи тушган бўлса, танлаганингга кўз олайтирган ўша мальўннинг юрагини менинг ханжарим аллақачон тилка-пора қилиб юборган бўларди. Мен кимман? Ахир акангман-а! Худо шоҳид, бирон-бир йигит шу ниятда бу ҳовлига яқин йўламаган. Йўлаган бўлса мен албатта билардим. Ниятингдан хабар топганимдан бери нигоҳим эртаю кеч шу хонадонда бўлди. Соқов билан ошналимни биласан-ку? Гўзал Золийхоннинг юрагини ўзига қарам қилган йигит йўқ бу оламда. Бу хонадонга руҳоний отанинг муридларидан бошқа кимса йўламайди.

Дўстининг тушунтиришларини безътибор тинглаётган Керим унинг гапини бўлди:

– Зураб!

– Нима дейсан?

– Сен боргин-да, Заурдан илтимос қил: у илоҳий ёғочларидан сўраб кўрсин. Фақат... менинг исмимни айтма. Дўстим кўнгил қўйган қизига етишадими ё йўқми, дегин, шуни сўраб билиб берса бас менга.

– Яхши, албатта сўрайман, сен бу томонидан хотиржам бўлавер.

– Раҳмат, Зураб.

Дўстлар хайрлашишди. Бири алам оловида қоврилиб қолди. Бири қиз қалбига қандай йўл топиш муаммоси билан гаранг ҳолда қайтди.

АВЛИЁНИНГ БАШОРАТИ

Эртасига Зураб яхшилаб кийиниб-тараниб, Заурнинг уйи томон юрди. Ош-насининг ҳовлига кириб келаётганини кўрган Кўрғок шодон кичкириқ билан уни қаршилади. Зураб унга бир ўрам тамаки берди. Кўрғок тамакини олиб, шоша-пиша беркитди-а, унга савол назари билан қаради.

Зураб имо-ишора билан руҳоний отада зарур юмуши борлигини билдирди. Соқов қўноқхона томонда турган курсига ишора қилиб “ўтира тур”, дегандай бўлди-ю, отасига Зурабнинг ниятини маълум қилиш учун ичкарига кириб кетди.

Заурнинг хонасида ортиқча жиҳозлар йўқ эди: хонанинг бир томонига жўнгина сўри қўйилган. Ҳафсала билан безак берилган милтиқ шу сўри тепасига осилган. Иккинчи томонни Ила худосини турли кўринишларда тасвирловчи суратлар эгаллаган. Тўрдаги энг катта сурат олдида мўъжаз чироқ липиллаб ёниб турибди. Унча катта бўлмаган думалоқ курси устида оқ қайиндан кесиб олинган, йўғонлиги бармоқдек келадиган тўртта таёқча кўзга ташланади.

Кўрғок ичкарига қараган маҳалда Заур ибодат билан банд эди. У Иланинг

сурати қаршисида тиз чўкканча пичирлаб, дам-бадам саждага бош қўярди. Ибодати ниҳоясига етганда чўқиниб олди-да, ўрнидан турди. Отасининг ибодатдан туришини сабр билан кутган Қўрғок овоз чиқариб, эшик томонни кўрсатарди. Заур муридларидан бири келганини англаб, ташқарига йўналди. Остонада кўриниши билан Зураб унга эҳтиром кўрсатиб, таъзим қилди. Бу эҳтиром Зурабнинг қарилиги ёки руҳоний ота эканлиги учунгина эмас, балки буларнинг уруғига узоқ йиллар давомида хизмат қилган ўз аجدодларининг ҳурмати учун ҳам эди.

Кекса Заур Зурабнинг келишдан мақсади нима эканини мулојимик билан сўради. Зураб фаришталардан муҳим бир ишнинг оқибатини сўраб беришни илтимос қилди. Бу кун ҳали туз тотмагани сабабли руҳоний ота Зурабнинг илтимосини бажо этиши мумкин эди. У Золийхонни чақириб, сув келтиришни буюрди. Отасининг амрини бажараётган қиз Зурабга савол назари билан қараб-қараб қўйди. Отасининг қўлига сув қуяётган дамда ҳам кўзи чақирилмаган меҳмонда эди. Хаёли эса “рад жавобини олгандан кейин сурбетларча яна келишидан мақсади нима экан?” деган саволга жавоб изларди. Зураб бир мартагина қиз билан кўз уриштирди. Кейин худди аввалги куни совчилик қилмагандек, бугун Заурни зиёрат этмоқдан ўзга нияти йўқдек Қўрғокга қараб, имлашганича “гаплашаверди”. Заур қўл-бетини ювиб бўлгач, сочиққа артинди-да, Зурабга “орқамдан юр”, деб ишора қилиб ичкарига кирди.

– Нималарни билиш истагидасан? – деб сўради у Зурабга ўгирилиб ҳам қарамай.

– Мен дўстимнинг севганига етишиши ё етиша олмаслигини билмоқчи эдим.

Заур бу гапни эшитиб, ўгирилди. Кодатнинг ўғлига қараб олди. Кейин икки дераза орасидаги токчада турган кичкинагина ёғоч косачага кўз ташлаб қўйди. Зураб бу нигоҳнинг маъносини тушунди.

Авлиё Иланинг тасвири томон ўгирилган руҳоний ота кумуш танганинг таниш ва ёқимли жарангини эшитгач, тиз чўкди-да, дуо ўқий бошлади. Ора-сира саждага бош қўйиб турди. Ниҳоят чўқиниб олгач, ўрнидан турди. Унинг ҳаракатларини диққат билан кузатаётган Зураб ҳам беихтиёр чўқиниб олди. Заур шошилмасдан, тантанавор қадам ташлаб курсига яқинлашди-да, бир таъзимни бажо келтириб, таёқчаларни қўлига олди. Сўнг қўлларини олдинга чўзганича Иланинг энг катта тасвирига яқинлашди-да, пичирлаб дуо ўқий бошлади.

Руҳоний отадан кўз узмаётган Зураб худди илоҳий бир даҳшат чиммати-га ўралиб бораётгандай ҳис қилди ўзини. Заур зўр бериб дуо ўқийётган пайтда таёқчалар гўё жонлангандай қимирлашди. Улар қандайдир куч таъсирида юқорига кўтарилдилару, сўнг яна Заурнинг кафтларига қўндилар. Шу алпозда осетинча бир ҳарфни ясадилар.

Заур ибодатини тўхтатмай, балки янада берилиброқ дуо ўқий кетди.

Таёқчалар яна кўтарилдилар. Яна жойларига қайтдилар. Яна аввалги ҳарф ҳосил қилинди.

Заур ибодатини ниҳоясига етказиб, илоҳи Ила ҳақиқа пичирлаганича шукрона айта-айта таъзим қилгач, таёқчаларни жойига қўйди-да, Зурабга юзланди:

– Тбау-уац-Ила саволингга жавоб қайтарди. Дўстингнинг бахти кулгай, умидига етгай, севганига етишгай. Энди тутинган уканг номидан Тбау-уац-Илага шукр қил!

Рухоний отанинг “тутинган уканг номидан” деб таъкид оҳангида гапириши Зурабни лол қолдирди. Заур унинг ажабланишини сезмагандай мулоимлик билан деди:

– Кимнинг номидан келганинг менга ошкор этилди.

Бу гапдан кейин Зураб Иланинг тасвирига юзланиб тиз чўкди, шукрона дуосини ўқиб, тўхтовсиз равишда чўкиниб, беҳисоб равишда сажда қила кетди.

Шу кунийёқ у Кадгаронга чопар жўнатиб, хушхабарни Керимга етказди.

* * *

Орадан кунлар, ҳафталар ўтди. Май ойи водийга тантанавор ва ғолибона қадам ташлади. Ҳамма ёқни нафис гулларга, илиқ қуёш нурига чўмдирди. Золийхон баъзан қийин аҳвол бандилигида қийналса ҳамки, Урусхонни оч-наҳор қолдирмади. Бунинг учун у бир неча маротаба айёрлик ва алдов кўчаларига кириб чиқишдан ҳам ор қилмади. Аввалига у ўрмон ёқасигагина келар, ўзини Урусхоннинг бағрига отар эди. Мана шу шарқираб оқаётган ирмоқ сонсиз бўсалар ва эркалашларнинг тилсиз гувоҳи. Тотли кечаларнинг бирида Урусхон унга шундай деди:

– Юр, мен сенга ўзимнинг шоҳона кўшкимни кўрсатай. Момик ўтлар менинг кўрпа-тўшагим, илдизлар – юмшоқ ёстиғим.

Бу таклифдан Золийхон қўрқиб кетиб, орқасига тисарилди:

– Йўқ, йўқ, – деди у титроқ овозда, – Урусхон, зўрлама, мен журъат қила олмайман.

Бу ўжарлик Урусхоннинг ғазабини уйғотди:

– Амримга итоат этасанми ё йўқми?! – деди у овозини баландлатиб. – Қачондан бери хотин эрга бўйсунмайдиган бўлиб қолган?

Урусхон севгилисининг нимадан қўрқаётганини англамай ножоиз ранжиган эди. “Ёрим Худонинг қаҳр-ғазабига учрамасин”, деган хавотирдаги Золийхон очиғини айтишга журъат этди:

– Урусхон, сенга итоат этиш менинг бурчим, лекин... мен... сенга бирон фалокат ёпишиб қолишидан қўрқяпман.

Урусхон унинг кўзларини меҳр билан ўпди-да, сўнг даст кўтариб олди:

– Қўрқма, ҳамма гуноҳни ўз гарданимга оламан. Урусхон хотинини қандай сева олишини Тбау-уац-Ила бир кўриб қўйсин!

У Золийхонни кўтариб борар, қўркув чангалидаги қиз эса унинг бўйнини маҳкам кучоқлаб, кўзларини юмиб олган эди. Уларнинг йўлларини тўсиш учун шохларини осилтириб турган қари эман дарахтига ҳам эътибор бермай ўтдилар. Урусхон мамнун кулганича нозик-ниҳолини ерга қўйди. Сўнг булоқ лабига бўркини тўшади.

Золийхон унинг ҳаракатларига монелик қилмади. Буларнинг ҳаммаси унга ширин туш каби ёқимли туюлаётган эди.

У – мард йигитнинг севган ёри – муқаддас ўрмонда ётибди. Бу не сир-синоатки, даҳшатли Тбау-уац-Ила унга жазо бермаяпти!

Уни чақмоқ ҳам ургани йўқ, Худо унга жазо юбориб, кўзларини кўр ҳам қилмади, ақлини ҳам олмади. Наҳотки Тбау-уац-Ила ҳақидаги гаплар шунчаки уйдирма бўлса?

Урусхон бўрк устида нозланиб ётган қиз томон эгилди. Лабларидан бўса олди. Ҳақиқий бахтли ҳаёт кечиришга, муҳаббат лаззатидан доимо баҳраманд бўлиб юришга даъват этди.

Кейин фақат ўзигагина маълум бўлган тоғ чўққисида жойлашган эски сарой ҳақида гапириб берди.

...Қалин ўрмонлар бағридан гўё юлқиниб чиққандай туюлувчи тоғ чўққилари кўкда, булутлар салтанатидан ўрин олган. Унга олиб чиқувчи на бирон йўл, на бирон сўқмоқ бор.

– У ерга ўзинг қандай чиқиб борасан? – деб ажабланиб сўради Золийхон.

– Қояларга қоқилган ҳалқалар сақланган. Саройга чиқиб олгач, унда фақат ўзим эркин хоҳонман. У ерга тирик жоннинг оёғи етолмайди. Мен сени ўша ерга олиб кетаман.

– Жоним. қаҳрамоним, сен мени қаерга бошласанг, изингдан боравераман, – деди қиз эркаланиб.

Ирмоқ аста шилдираб, гўё ишқ савдосидан қўшиқ куйлайди. Тбау осмонида ҳукмронлик қилаётган ой нурлари сокин ўрмонни кумуш нур чодирига ўрайди...

ЧОРАСИЗ ҚИЗ

Ой Тбау тоғи чўққилари ортига яширинган паллада Золийхон жар ёқасидаги сўқмоқ бўйлаб шошганича уйига қайтар эди. Эшик олдида акаси билан Зурабни кўрди-ю, кўрқувдан юраги орқасига тортиб кетди. Тонг саҳарлаб икки дўстнинг йўлга кўз тутиб туриши бежиз эмас – Золийхонни кутишаётгани шакшубҳасиз эди.

“Тбау-уац-Иланинг қаҳри келибди! Энди мени жазолайди!” Золийхоннинг хаёлидан шу фикр ўтиб, титраб кетди. Севгилиси қучоғига кирганда уни тарк этган кўрқув яна қайтди-ю, темир омбурлари билан вужудини сиқувга олди.

Қиз сири шош бўлганини, куни битганини сезди.

У тунда уйдан чиқди – бу ҳақиқатни беркитиб ҳам бўлмайди, рад этиб ҳам. Бироқ унинг қаерда бўлгани номаълум, буни ҳеч ким, ҳеч қачон била олмайди.

Назарида акаси уни майна қилиб ўқиргандай бўлди. Аслида-ку, Кўрғокнинг бундай қаршилаши аҳамиятсиз бир нарса, чунки бу уйда унинг сариқ чақалик эътибори йўқ, ҳатто одам қаторига қўшишмайди. Ҳатто унинг тирикчилиги ҳисобланган таом қолдиқлари ҳам кейинги пайтда сезиларли даражада камайиб қолди. Бир куни у синглисининг ҳаракатларини зийраклик билан кузатиб, қолган овқатни тоқчага эҳтиётлаб олиб қўйганини кўрди. Эрталаб тура солиб тоқчага қараганда таом кўринмади. Бу ҳолат бир неча марта такрорлангач, отасига ириллаганча синглисининг сирини шош этмоқчи бўлди. Аммо Заур унга эътибор бермади.

Кунларнинг бирида гўшти шилиб олинган суякни ғажиб ўтирганида Зураб келиб қолди-ю, дардини унга айтиш истаги туғилди. Суякни Зурабга кўрсатиб, зорланиб ўқирди. Зураб унинг дардини тушунгандай бўлди. Пайтдан фойдаланиб, уни уйига бошлаб кетди. Уйда сузмали сомса пиширтириб, бир коса пиво билан меҳмонини сийлади. Кўрғок дўстнинг бу марҳаматидан қувониб, пишқирди-да, бу тансиқ таомни иштаҳа билан еди. Сўнг телбаларча кулиб, миннатдорлик билдиргандай Зурабга қўл узатди.

Зураб имо-ишора билан унга мақсадини аңлатди. Унинг истаги бўйича Кўрғок синглисидан кўз узмай ҳар қадамни кузатиши, уйлари атрофида би-

рон бегона йигит пайдо бўлиб қолса дарҳол хабар қилиши керак эди. Бу хизмат учун Зураб ўн рублнинг баҳридан ўтиши мумкинлигини ҳам тушунтирди.

Соқов “Зураб синглимга уйланмоқчи экан-да”, деб ўйлаб қувониб кетди. Бу хурсандчилик бежиз эмас, Зураб совғалари ва ширин муомаласи билан унинг кўнглини овлаган эди. Шундай йигитнинг куёв бўлиши Қўрғок учун айти муддао эди. У қувончини ичига сиғдириолмай, Зурабни қучоқлаб, ўпиб қўйди. Кейин кир кафти билан унинг юзини силади. Бу эркалашларидан Зурабнинг ғаши келса-да, мақсадини амалга ошириш йўлида ўзига керакли йўлдош топганидан кўнгли тўлгани учун чидаб ўтирди.

Кечки овқатдан сўнг синглисининг рўмолга нон билан пишган гўшт ўраб қўйганини кўрган Қўрғок отхонага яшириниб, мижжа қоқмай ўтирди. Овул уйкуга берилган онда Золийхоннинг асталик билан уйдан чиқиб, ўрмон томон кетганини кўрди-ю, Зурабни бундан огоҳ қилишга ошиқди. Лекин Зураб уйда йўқ эди, унинг қаёққа кетганини уйдагилар тушунтириб бера олишмади.

Қўшнилари билан ярим тунгача лақиллаб ўтирган Зураб уйга қайтгунича Қўрғок унинг остонасидан нари жилмади. У синглисининг тугунча кўтариб, ой чиқиши олдидан қаёққадир кетганини имо-ишора билан англатди.

– Қаёққа кетди? – деб сўради Зураб.

Соқов саволга жавобан “билмайман” деган маънода елка қисди.

Қизнинг чакки қадам босаётганини Зураб сезган эди. Лекин шу топда уни қаердан излашни билмай гаранг бўлди. Охири Золийхонни қайтишини унинг эшиги остонасида кутишга қарор қилди. Қарорини маълум қилмаса-да, Қўрғок унинг ёнидан жой олди. Тонг қоронғулигида Золийхон пайдо бўлгунча қадар Зураб хаёлан минг кўчага кириб чиқди. Қизнинг бошини айлантирган ким экан, деб ўзи билган йигитларни бир-бир кўз олдига келтирди. Гумонидаги нечта йигитнинг кўкрагига хаёлан ханжар урди, қанчасининг қизга термилган кўзларини ўйиб олди, қанчасининг калласини узиб ташлади... Ички бир ғазаб ўтида қовурилаётган дамда Золийхон кўринди. Зураб мартабаси баланд оиланинг қизини дафъатан саволга кутишга журъат қилмади. Қиз яқинлашгач, ўзини қўлга олиб, олийжаноблик билан салом берди:

– Тонгинг хайрли бўлсин, Золийхон, – деди у. – Тонгнинг ажойиблигини қара-я! Шундай бўлса ҳам қиз боланинг бир ўзи юрадиган пайт эмас ҳозир. Ҳар ҳолда хатар ҳам бор-да.

Золийхон саломга жавоб қайтармай тўхтади-да, бошини кўтариб унга мағрур равишда тикилди:

– Қандайдир кодат қачонлардан бери туцатлар қизи учун тартиб-қоида белгилайдиган бўлиб қолган?

Зураб бундай гапни сира кутмаганди. Золийхон унга донолик билан зарба берган эди. Лекин Зураб ҳам бир чўқишда қочадиган анойи кодатлардан эмасди. Шу пайтгача энг гапга чечан қиз ҳам уни мот қила олган эмас. Уруғ-аймоғи мартабасининг нисбатан пастроқ эканига шама қилинган онда ҳам Зураб доддираб қолмаган. Шунинг учун ҳам у жавобга келганда гап излаб тараддудланмади:

– Кодатлар ҳамиша туцатларга содиқ хизмат қилиб келганлар. Керак бўлганида уларнинг номус-ори учун ўз юрак қонларини ҳам тўкканлар. Ҳа, мен – кодатман! Агар зарур бўлса, Заур Туцат хонадонини шармандаликдан асраш учун жонимни беришга ҳам тайёрман.

Бу дадил гапни эшитиб, Золийхон чўчиб тушди.

“Шармандалиқдан асраш учун... Зураб нимани назарда тутяпти? Гумони борми?”

Қиз шу хавотир билан унга яқин келди. Аввалги ғуруридан асар ҳам қолмади.

– Зураб, сендан ўтиниб илтимос қиламан, – деб ёлборди у, – кечаси кўчада юрганимни бировга айтиб қўйма. Агар оиламизга чиндан ҳам дўст бўлсанг, мени тунда кўрганингни бошқаларга айтмасликка сўз бер.

Энди мағрурлик мартабаси Зурабга кўчди. Қиздан кўз узмаган ҳолда совуқ-қонлик билан сўради:

– Қаерда эдинг?

– Зураб, буни сенга айта олмайман.

– Агар бу қилиғингдан отангни хабардор қилиб қўйсам-чи?

– Барибир айта олмайман.

Зураб ночор аҳволга тушган қиз томон бир қадам қўйди. Ҳеч нимага тушунмаётган Қўрғок эса бир Зурабга, бир синглисига мўлтиллаганича қараб турарверди.

– Золийхон, Керим Тўтараевнинг тутинган акаси эканимни биласан-а, – деб вазминлик билан сўз бошлади Зураб. – Шунинг учун қаерда бўлганингни сўраб, тергашга ҳаққим бор.

– Қанақасига ҳаққинг бўлар экан? – деб юборди қиз ўзини босолмай. – Керим Тўтараевнинг билан менинг нима ишим бор? Унга арзийдиган жавобимни айтиб бўлганман.

– Сен гапираверасан. Сенинг гапинг эмас, Худонинг буюргани амалга ошди. Сен Керимга тегасан.

– Ҳеч қачон!

Золийхон шундай деб ҳайқирди-ю, нажот излаб атрофига аланглади. Нажот йўқ эди. Соқов акасига кўзи тушиб, ночор равишда бўшашди.

– Тбау-уац-Ила айтди: тақдиринг шу экан, бўйсунишга мажбурсан, – деди Зураб совуқ оҳангни ўзгартирмай.

– Нима? Бекор айтибсан!

– Ўзинг бекор айтибсан. Ишонмасанг отангдан сўра. Мен фол очиб беришини илтимос қилган эдим.

Бу янгиликдан сўнг ўзини тамоман йўқотган Золийхон юзини кафтлари билан тўсди.

Бу қанақаси ахир?! Қалби, муҳаббати фақатгина Урусхонга аталган бўлса-ю, худо уни бошқа бировга раво кўрса?!

Бу қандай кўргилик? Қадамжони булғагани учун Худо жазоламоқчими? Ахир у аллақачондан бери Урусхоннинг хотини-ку? Зураб буни хаёлига ҳам келтира олмайди. Аммо Тбау-уац-Иланинг беҳабар бўлиши мумкинмас-ку? Ахир бу иш ҳам унинг иродаси билан бўлган-ку? Энди бошқа йигитга раво кўряптими?

Кодат ўғли олий табақали туцат қизининг бу ночор аҳволини кузатиб, лаззатланади.

– Ана, кўрдингми, бошқа иложинг йўқ сенинг. Тақдирдан хабар берувчи фариштанинг айтгани албатта бўлади.

Зураб бу гапни ғолиб одам овози билан айтган эди. Унинг назарида чорасиз қиз мағлубликни тан олмоғи лозим эди. Аммо Зураб кутгандай бўлмади. Золийхондаги мағрурлик яна бош кўтарди. Туцатнинг мағрур қизи амалга ошиши

муқаррар қилиб белгилаб қўйилган тақдир ёзуғига ҳам қарши бош кўтарди:

– Ҳеч қачон, ҳеч қачон! Эшитяпсанми, Зураб Кодат! Мен ҳеч қачон Керимга тегмайман!

Зураб қалб нидосини ўзининг кескир гапи билан майдаламоқчи бўлди:

– Барибир сен Керимники бўласан, Золийхон Туцат! Бошқа чоранг йўқ!

Кўнгли чўккан қиз бу одам билан айтишиб туришни истамай, ҳовлисига кириб кетмоқчи бўлди. Аммо йигитнинг бақувват гавдаси йўлини тўсди:

– Агар биронта йигитга кўнғил қўйган бўлсанг, яхши қиз, билиб қўй, уни сенинг нафасинг эмас, ўлим фаришталарининг кучоғи кутяпти.

– Йўлдан қоч. Мени ҳоли-жонимга қўй, – деди Золийхон ялингансимон оҳангда.

Қизни қийнаш ортиқчалигини сезган Зураб четланиб, унга йўл бўшатди. Қиз шошганича ичкари кирди. Ортидан Зурабнинг қаҳрли овози келди:

– Нимагадир ханжарим қонсираб қолди-я!

Зураб бу гапни шунчаки таҳдид учун айтгани йўқ. Агар Золийхоннинг қаердан, кимнинг олдидан келаётганини билса эди, қонсираган ханжарини тонг отмай турибоқ қонга тўйдирарди. Бу бебош қизнинг кимнидир севиб қолгани Зурабга аён. Тунда дайдиб юриши бекоргамас. Биринчи марта Керимнинг истагини айтганда ўйлаб ҳам ўтирмай шоша-пиша рад этгани ҳам бежизмас. Аммо кимни? Қизнинг ақлини ўғирлаган йигит келгиндиларданми ё шу овулдаги эси пастлардан бирими? Зурабга шуниси номаълум.

“Мен буни билишим шарт. Керак бўлса бир ҳафтами, бир ойми изини пойлайман. Билмасдан қўймайман”, деб аҳд қилди у.

Уйга қайтиб, отни эгарлади. Уйқусираб чиққан укасига овга отланганини айтди. Ўткир зеҳни билан тенгдошларидан ажралиб турувчи ўн тўрт ёшли Фидор акасининг мақсади бўлак эканини англаган бўлса-да, унинг гапига ишонгандай бўлиб, қарашиб юборди. Бирин-кетин уйғонган онаси билан синглисига ҳам Зураб овга кетаётганини, беш-ўн кун уйда бўлмаслигини маълум қилди.

ОВ ИЛИНЖИДА

Заурнинг уйи орқасидан тоғ тиккасига кўтарилиб кетган. Бир оз баландликдаги яланғоч харсанглар билан ўралган яланглик баҳор ва кузда қўйлар учун бошпана – қўра вазифасини ўтайди. Ундан сал баландроқда тошлардан тикланган бостирма бор. Совуқ тушган маҳали қўйчивонлар шу бостирма ичида жон сақлашади. Ҳозир улар сурувларини чўққилар ортидаги ялангликларга ҳайдаб кетишган. У томонларда ўт сероб бўлишидан ташқари қўйчивонларни бу ерлардаги иссиқлик ва чивинлар беҳаловат қилмайди.

Овга кетаётганини баҳона қилиб уйидан чиққан Зураб сўқмоқ орқали шу бостирма томон юрди. Укаси Фидор уни кузатиб келди. Зураб бу бостирмани бекорга танламаган эди. Бундан туриб Заур Туцатнинг уйини, ҳовлисини бемалол кузатиши мумкин. Рухоний отанинг уйини овул билан боғлаб турувчи икки йўл ҳам, Найфатга олиб борувчи сўқмоқ ҳам, юқорига, Цагат-Ламардонга қараб кетган йўл ҳам кафтдек кўриниб туради.

Зураб бостирмага жойлашиб олгач, бу ердалигини биров билмаслиги шарт эканини укасига қайта-қайта тайинлади. Фидор оғзида гап турмайдиган мишқи болалардан эмас, шу боис акасининг таъкидлари малол келди. Акаси овга

кетган – бошқа гапга ўрин йўқ. Йигит ёшига яқинлашиб қолган ўсмир учун бу сирни сақлаш оғир масала эканми? Фидор акасининг ниятини билмаса-да, ёнида қолиб хизматини қилишни хоҳлайди. Аммо акаси унга бошқа вазифа топширди: ҳар куни бировга билдирмасдан бу ерга сув ва таом келтириб туриши керак. Акасининг ёнида қолиш унинг учун қизиқарлироқ бўлса-да, ялинишга журъат этмайди.

Фидор кетиши билан Зураб икки харсанг орасига жойлашиб олиб, Заур Туцат хонадонига кўз тикди. Бир оздан сўнг кўза кўтарган Золийхон кўринди. Қизилдонга тушиб, сойдан сув олиб чиқди. Унинг хотиржам юриши, хавотир билан атрофга алангламаслиги Зурабнинг диққатидан четда қолмади. Кейин Заурнинг муридлари пайдо бўлишди. Руҳоний ота уларни кутиб олиб, ичкари бошлади. Бир оз вақт ўтгач, кузатиб қўйди.

Куёш мағрибга бош қўйди. Салқин тушди. Шом қоронғилик чодирини ёя бошлагач, Зураб кундузги ошёнини тарк этиб, пастроққа тушди. Заурнинг дарвозаси аниқ кўриниб турадиган жойни танлаб, ўтирди.

Унинг тун бўйи мижжа қоқмай ўтириши зое кетди – Заурнинг дарвозаси атрофида тирик жон кўринмади. Кун ёйилмай туриб Фидор сув билан таом келтирди. Зураб унга туцатларнинг уйини диққат билан кузатишни, Золийхон ташқарига чиқди дегунча уйғотиб қўйишни тайинлаб, дам олгани чўзилди. Бу махсус топшириқдан мамнун бўлган йигитча акасининг жойини эгаллади.

Зураб уйғонганида кун тиккага келган эди. Укасини жўнатиб юборгач, яна жойини эгаллаб, кузата бошлади. Кун кутиш азоби билан ўтди. Зурабни қувонтирадиган бирон янгилик бўлмади. Кеч кириши билан у яна пастроқдаги жойига тушди.

Ҳали ой кўтарилгани йўқ. Атроф қоронғи.

Овул уйқуда.

Бирдан у сергакланди.

Заурнинг дарвозаси сассиз очилиб, кўчада аёл қораси кўринди. Кеча қоронғулигида аёлнинг кимлигини ажратиш мушкул бўлса-да, пистирмадаги зийрак Зураб унинг Золийхон эканига амин эди. Қўлида тугунча кўтариб олган аёл бир зум тўхтади-да, нимадандир хавотирланиб, атрофга кулоқ тутди. Кейин, хатар йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, Найфат томон тез-тез юриб кетди. Буни кўрган Зураб вақтни бой бермай ўрнидан турди-ю, бамисоли йўлбарсдек чаққонлик билан пастга сакради. Тошларни паналаб, сўқмоқ бўйлаб Золийхоннинг изидан тушди.

“Ярим кечаси Найфатда унга нима бор экан?” – деб ўзига-ўзи савол берган Зураб қанча ўйланмасин маънилироқ жавоб топа олмади.

Ирмоққа етиб келгач, Зураб учун ҳеч кутилмаганда Золийхон чапга бурилиб, жар ёқалаб муқаддас ўрмон томон юрди.

Бундан ҳайратда қолган Зураб ўз кўзларига ишонмай бир зум тўхтаб қолди. Сўнг пусиб, шарпа чиқармай Золийхоннинг изидан соя каби эргашди.

Тбаунинг тишсимон чўққилари тепасига ой балқиб кўтарилди. Шунда Зураб ўрмон этагида турган баланд бўйли одам қорасини кўрди-ю, сўқмоқдан четга чиқиб, ўзини буталар панасига олди. Ўрмондан, зулмат қаъридан чиқиб кутиб турган одам қораси Золийхон яқинлашгач, уни қучоғига олди.

Буни кўриб турган Зурабнинг кўзларидан олов учқунлари сачрагандай бўлди. Қўллари беихтиёр милтиқ сари ююргилади. Икковини бараварига қулатиш мақсадида нишонга олди. Аммо бу ернинг муқаддас жой экани ёдига тушиб, бунда қон тўкишдан қўрқди.

“Барибир у Керимнинг хотини бўлади!-деб ўйлади у. – Бу одамни эса арзимас хас каби йўлдан супуриб ташлайман!”

У Золийхоннинг нотаниш одамга тугунча узатганини аниқ кўрди. Нотаниш одам уни кучиб, ўрмон ичкарисига олиб кирмоқчи бўлди. Шунда Золийхон ўзини четга олишга уринди. Нотаниш одамнинг ёлборишини рад этиб, уйга тезроқ қайтиши зарурлигини, аввалги сафар қўшнисининг сезиб қолганидан хавотирда эканини айтиб, ялинганларини Зураб эшитди. Золийхон бошқа гаплардан сўз очмади. Ўрмон ичкарисига кириш илтимоси рад этилган йигит энди қизни бағрига босиб эркалай бошлади. Зураб эса Керимнинг бўлажак рафикасини кучиб, бўса олаётган йигитга ташланиб, майда-майда қилиб ташлашдан ўзини зўрға тийиб турди. Тутинган укасининг рақиби қонини албатта тўкиш фикри уни ҳозирги қасосдан ушлаб турарди. Қасос олишга уни фақат номус-ор ҳаққигина эмас, балки бу муқаддас ўрмон худосига бўлган эътиқоди ҳам даъват этаётган эди.

Севишганлар бир-бирларига тўймай, ажралишди. Номаялум киши эманлар ортида ғойиб бўлди. Золийхон уйига шошилди. Ўйга толган Зураб унга эргашди. Керимнинг йўлига ғов бўлишга журъат этган одамни даф этиш унинг учун сув ва ҳаводай зарурат касб этган эди. Агар ўша номаялум киши овулда от ўнатиб юрган энг довқур йигит бўлганида ҳам пайсалга солмай чанг солиб, калласини шарт узиб ташлаган бўларди. Лекин Тбау-уац-Иланинг муқаддас ўрмонига яширинган, бу муқаддас ўрмонга аёлни, яна руҳоний ота қизини чорлаб, оёғости қилишдан тап тортмаган одамга қандай ҳужум қилсин? Кўрган-билганларини шу кечнинг ўзидаёқ Заурга сўзлаб беришни хаёл қилди. Назарида ўрмондаги шаккокни йўқ қилишда руҳоний ота унга забардаст иттифоқчи бўла оларди. Бу иблис кўринишидаги йигитни жазолаш Зурабдан кўра унга зарурроқ эди.

Зураб ўйлаб-ўйлаб, Заурга бу кеч эмас, эрта тонгда хабар беришни лозим топди. У Золийхоннинг хавфсираб қолишидан кўрқди. Агар у ҳозироқ Заурнинг ҳузурига кирса, қиз сезиб қолиб, севгилисини огоҳлантириб қўйишга улгуриши мумкин эди. Шу тўхтаб келган Зураб Заурнинг кўрғонига қараб юрмай, ўз уйи томон йўл олди. Куфроний рақибини ўрмондан алдаб чиқариб олиш режасини тузиш фикри уни бир зум ҳам холи қўймади.

Зийрак ётган Фидор акасининг шарпасини сезди-ю, ирғиб ўрнидан турганича қарши олди:

– Иш битдими? – деб сўради у.

– Ҳа, – деди Зураб. – Ўлжа қуршовда турибди, эртага ов бошланади.

Зураб бошқа гап айтмади. Фидорга ўлжанинг кимлиги, ов қай тартибда бошланишини билиш гоят қизиқарли бўлса-да, акасида сўрашга ботинмади.

МАҲБУСА

Эрталаб Заур ҳовлига чиққанда Зураб унга яқинлашиб, зарур гапи борлигини маълум қилди. Заур унга норози қиёфада боқди. Йигит қарашидаги қатъиятни кўриб, уни ноилож уйга бошлади. Ташқарига чиқиш умидида келаётган Золийхон Зурабни кўрди-ю, остонада таққа тўхтаб, унга хавотир билан боқди. Зураб унга қараб, кўзларидаги қўркувни кўриб қувонди. Бармоғини лабига босиб, “ҳеч нима айтмайман, онт ичаман”, деган ишора қилди. Бу онда қизни

хуркитиб юбормаслик учун у ҳар қандай ёлғонни ишлатиб, онт ичишга тайёр эди.

Хонага киришлари билан Зураб эшикни зичлаб ёпди-да, ташқарида қиз қулоқ тутиб тургандир, деган ҳавотирда паст овозда гап бошлади:

– Заур, мен сенга хунук бир ҳақиқатни айтишим керак.

– Айтадиганингни айтавер, мужмаллик қилма.

– Муқаддас ўрмонда Золийхоннинг ўйнаши яшириниб ётибди. Қизинг кечаси унинг ёнига бориб туради.

Қарийб пичирлаб айтилган бу гаплар руҳоний отанинг назарида момагулдирдек жаранглаб, оламга жар солгандай бўлди. Зураб буни “хунук ҳақиқат” деб атаган эди. Аслида “даҳшатли” деб сифат бергани дуруст эди. Зураб бундай дея олмасди. Ҳақиқатнинг бу даражада даҳшатли эканини фақат отагина ҳис қилиши мумкин. Бу гап ғирт тухмат бўлганда ҳам отага осонмас. Агар бу хабар чиндан ҳам ҳақиқат бўлса-чи?!

Заур аввалига худди гапга тушунмагандай Зурабга ҳайрат кўзларини қадаб жим қолди. Кейин вужудини қамрай бошлаган вулқон кучга тўлиб, портлади – ханжарини яланғочлади-ю, тигни Зурабнинг кекирдагига тираб ҳайқирди:

– Сен, ит, қулвачча! Туцат қизининг пок номусига тухмат қилиб, ҳақоратлашга қандай журъат этдинг?!

Кодат бундай ҳамла бўлишини аввалдан ҳисобга олгани сабабли кўркмади ҳам, талвасага тушмади ҳам. Ўзини хотиржам тутди. Ҳатто киприк қоқмади. Нимадан кўрксин? У бировларга тухмат қилувчи йигитлардан эмас. Унда инкор этиб бўлмайдиган далил бор. Заур олдида ҳам, Худо олдида ҳам унинг юзи ёруғ. Аксинча, бу талвасага тушган чолнинг юзи қора бўлиб турибди. Агар Зураб хоҳласа “ит, қулвачча!” деб ҳақоратлаётган бу одамнинг ўзинигина эмас, бутун уруғ-авлодининг ор-номусини ер билан тенг қилиб, шармандалик ботқоғига ботириши мумкин эди. Лекин унинг бундай нияти йўқ. Унинг мақсади бутунлай бўлакча.

Зураб тим қора кўзларини қарияга тикди, мижжа ҳам қоқмай бургутқараш қилди:

– Тбау-уац-Ила номи ва унинг қасоси ҳаққи қасам ичаман: айтганларимнинг ҳаммаси рост! Кеча тунда мен уларни ўз кўзим билан кўриб, фақат ўзинггагина маълум қилиб қўяй, деб келдим ҳузурингга. Туцатлар шаънига иснод тушишига йўл қўймасликни мен эр йигитлик бурчим, деб биламан.

Зурабнинг қасами ва “фақат ўзинггагина” деб таъкидлаши Заурга таъсир қилиб, ханжарини туширди. Энди у вулқон оташида ёнаётган одам эмас, оловда куйиб кул бўлган бечора ота ҳолатида эди.

– Ҳузуримга келиб тўғри қилибсан, – деди у титроқ овозда, – гапир...

Шу топда Заурнинг кўзи дераза томонга тушди. Дераза ортида соя ҳарақатини кўрди-ю, ёшига ярашмаган чаққонлик билан бир сакраб, эшик ёнида пайдо бўлди. Эшикни шашт билан очди – остонада турган Золийхон ўзини панага олишга ҳам улгурмади.

– Бу ёққа кир! – отанинг сўзлари бўғиқ момагулдирак каби эшитилди. – Зурабнинг гапларини ўзинг ҳам эшит!

– Дадажон, – деб ёлборди остона ҳатлашга ҳадиксираган қиз, – унинг ҳамма гаплари ёлғон. Керим Тўтараевга тегмайман, деганим учун аламини оляпти. Заур қизининг ёлборишига қулоқ солмади:

– Агар ёлғон сўзлаётган бўлса, бу хонадан тирик чиқмайди. Қани, кир!

Қўрқув сиртмоғи бўйнига ташланган қиз отасининг амрига бўйсунишга мажбур эди. Золийхон ичкари киргач, Заур эшикни зичлаб беркитиб, қулфлади-да, калитни чўнтагига солди. Сўнг хансираганича юриб бориб, дераза пойидаги курсига ўтирди.

Зураб билан Золийхон тик турганларича ундан садо кутишди.

Заур бу топда худосининг ғазабини қўзғатишга сабаб бўлувчи қандай гуноҳ иш қилиб қўйганини ўйлаб топишга уринарди. Исломни ҳам, насарони ҳам инкор этган адашган қавм ўйлаб топган худо эмас, Яратган жазо юбораётганини унинг ноқис ақли тушуниб етмасди. Аждодларига Тангри ажиб неъмат бериб эди – юз ўғирдилар. Агар асрлар муқаддам хидоятни танлаганларида эди, ҳаёлибосида улғайган қизлар номуснинг қадрига етган ҳолда улғаяр эдилар. Заур каби оталар бегона йигитдан машъум хабарни эшитиб бошларини эгмас эдилар.

Деворлардаги олтин суви юритилган тасвирлар мойчироқнинг липиллаётган нурида жило таркатади. Аммо бу жило хонадагиларнинг биронтасига таъсир қилмайди. Уч одам – уч олам, ҳар бири ўз ташвиши билан банд. Ниҳоят, руҳоний ота тилга кирди:

– Зураб, Тбау-уац-Иланинг нигоҳи сенга қадалиб турибди, фақат тўғрисини сўзла!

– Мен фақатгина ҳақ гапни айтаман, Заур! – деди Зураб дадиллик билан. Сўнг гапидан адашмай, ҳаммасини бир бошдан бошлади: аввал Керимнинг Золийхонга бўлган муҳаббатидан хабар топганини маълум қилди, кейин тутинган укасининг илтимоси билан қизга совчи юбориш борасида мурожаат қилгани ва қизнинг ўйлаб ҳам ўтирмай рад жавоби берганини, дўсти бундан изтироб чекавергач, Заурга фол очирганини, фол Керимнинг исмини ошкор этгач, қизнинг ҳаракатини кузата бошлаганини, ниҳоят ярим кечаси қаердандир қайтаётган Золийхонни учратганини айтиб берди. У қасамига содиқ қолиб, гапига ёлғон аралаштирмаса-да, ишга Қўрқокнинг аралашганини яширди. Бироқ тепадаги қоялар панасида қандай пойлоқчилик қилганини, қизнинг бу кеч эшик оғзида пайдо бўлганини аниқ баён қилди. Золийхоннинг изидан пусиб боргани, муқаддас ўрмондан номаълум эркакнинг чиқиб келиши, қизнинг унга тугунча узатишини айтгач, бир зум сукут сақлади. Гўё воқеанинг давомини айтишга андиша қилгандек туюлди. Бу сукут чоғида Золийхоннинг юраги қўрқувдан ёрилиб кетаёзди. Андиша деган фазилатга бегона Зурабга аслида айнан шу керак эди. Қизнинг қўрқув оғушида титрай бошлаганидан мамнун бўлган Зураб энди унинг йигит кучоғига киргани, эркалаш ва ўпичлардан маст бўлганини батафсил тасвирлаб берди. У тасвир ўқларининг ота ва қиз қалбини поралаётганини сезиб турар ва бундан лаззат оларди. Зураб шаккокни отишга аҳд қилгани аммо муқаддас жойга қон тўкиб гуноҳкор бўлишдан қўрққанини айтгач, нафас ростлади.

Золийхон Зурабнинг ҳикоясини ўлим тўрига чирмашиб қолган куш ҳадиги билан тинглади. Қадамжода гуноҳга ботгани учун Тбау-уац-Ила жазо бериш мақсадида гўё боши узра ўлим булутларини тўплаётгандай эди. Кутилмаган бу бахтсизлик уни шу даражада ларзага солдики, у ҳатто тайинли жавоб қайтаришга ҳам қодир бўлмай қолди. Золийхон жазодан қўрқяпти, ўлим олдида чорасиз қиз талвасага тушди, дейилса унинг шаънига иснод бўлар. Тоғнинг қайси мағрур қизи ўлимдан қўрқибдики, Золийхон талвасага тушса? Бу онда Золийхон ўзи ҳақида ўйламасди. Унинг бутун фикру хаёли Урусхонда эди. Улар

нотаниш кишининг кимлиги билан қизиқадилар, аммо тирик экан, лабларидан бу ном учмайди! Қани эди, қанот чиқарса-ю, севгилиси ёнига учиб бориб, уни хатардан огоҳ қила олса!

Зурабнинг хотиржам оҳангдаги ҳикояси Заурнинг қалбига оловли қўрғошин бўлиб қуйилиб бориб, кўкрагини куйдирди. Кимдир кетма-кет бошига оғир гурзи билан уравергандай бўлиб, охири гангиб ҳам қолди. Хонага жимлик чўккач, у хаёлини жамлашга уринди. Зураб кириб келиб, гап бошлаганида уни ноҳақ ҳақоратлаганини англади. Аммо узр сўрамади. Чунки Туцатлар ҳеч қачон кодатлар олдида паст кетиб, узр сўрашмаган. Заурнинг ғазаб ўқлари энди қизи томон отилиши кутилаётган эди. Чиндан ҳам Заур бу он қизини бўғиб ўлдиришга ҳам тайёр эди. Аммо ўзини босди. Ички оловни ташига чиқармади. Босиқ овозда қизидан сўради:

– Шу гаплар ростми?

Қиз юзини кафтлари билан тўсди, аммо жавоб қайтармади. Заур ўша совуқ оҳангда саволини такрорлади:

– Золийхон, шу гаплар ростми?

Саволни хонадаги ўлик сукунат ютди. Мойчироқ атрофидаги хира пашшанинг гингиллашига учовлари ҳам эътибор беришмади. Сукунатни яна Заурнинг овози поралади:

– Тбау-уац-Иланинг қасоси ҳаққи, айтилган гапларнинг барчаси рост экан! – деди у изтироб билан. Кейин қизига ўгирилиб сўради:

– Унинг кимлигини айт!

Золийхон тилини тишлади.

– Отангга жавоб берасанми ё йўқми! – у шундай деб қизининг билагини бор кучи билан сиқди. – Ким у, айт, шарманда!

– Ота, мени ўлдиришинг мумкин, лекин мен унинг кимлигини айтмайман!

– Айтасан! Мен сени гапиришга мажбур қиламан.

Золийхон қатъийлик билан бош чайқади:

– Мажбур қила олмайсан, ота. Туцатлар орасидан шу пайтгача сотқин чиқмаган.

Бу гапни эшитган Заур қизининг қўлини беихтиёр қўйиб юборди: “Қизим ҳақ! Туцатлар ҳеч қачон сотқинлик қилишмаган!..”

– У билан қаерда топишдинг? – деб сўради Заур саволни бошқа томонга буриб.

– Бўрон турган тунда қўноқ бўлиб келди. Бир кеча ётди, – деб қиз гапни қисқа қилди.

Бу иқрор отани қаноатлантириши мумкин эмасди. Заур гапнинг давомини кутди. Қизи жим туравергач, сўради:

– Кейин-чи?

– Кейин... – Золийхон “айтсамми ё айтмасамми?” деб иккиланиб турди-да, сўнг дадил гапира бошлади: – Ўрмонда яширинишини айтиб, таом келтириб туришимни илтимос қилди.

– Сен... илтимосини қабул қилдингми?

– Дарров рози бўлмадим, бу йўлдан қайтаришга уриндим. Лекин у мени мазах қилиб, фаришта Дзуардан қўрқмаслигини айтиб, барибир ўша ўрмонга кетди.

– Сен-чи?.. Уни севиб қолдингми?

Отанинг бундай саволига энг беҳаё қиз ҳам дарров жавоб қайтара олмаса

керак. Золийхон гарчи ўзини Урусхонга бахш этиб қўйган бўлса-да, ҳаё чегарасидан буткул чиқиб улгурмаган эди. Шу боис саволни яна сукунат ютди.

– Сенлар...

Заур “қўшилдиларингми?” деб сўрамоқчи эди. Аммо тили бу гапга айланмади. Бу дахшатли савол берилмаган бўлса-да, Золийхон отасининг муддаосини англаб, жим тураверди.

Заур қовоғини уйганча жим қолди. Сўнг девордаги энг катта тасвир томон юзланди-да, амр этди:

– Ёнимга келиб, тиз чўкинглар!

Зураб ҳам, Золийхон ҳам унга сўзсиз итоат этишиб, муқаддас ҳисобланган тасвир қаршисида тиз чўкдилар.

Заур қўлларини икки томон ёйганича тасвир томон йўналтириб сиғина бошлади:

– Тбау-уац-Ила! Сен момақалдиروق ва яшин ҳукмрони, ризқ-насибани мўл қиладиган ёмғирлар ёғдирувчи водийлар ҳомийсисан! Менинг аждодларим асрлар оша сенга тоат-ибодатда бўлиб, эътиқод билан хизмат қилиб келди. Мен ҳам бир қулинг сифатида хизматингдаман. Аммо ҳозир сен шармандалиқ туфайли абгор бўлган бандангни кўриб турибсан. Ўзимнинг қизим менинг ор-номусимни булғади, бошимни иснод балчиғига ботирди. Лекин бу бошимга ёғилган балоларнинг ҳаммаси эмас. Оҳ, Тбау-уац-Ила! Тоғларимиз паноҳи фаришта Дзуар! Бир бадкирдорнинг кўз кўриб, кулоқ эшитмаган шаккоклиги туфайли мен – сизларнинг бандаи хизматкорингиз гуноҳга ботиб, қаҳрингизга учраб турибман. Мен муқаддас ўрмонни ҳимоя қила олмадим. Хотин кишининг оёғи зиёратгоҳни булғади. Қадам босишга мутлақ ҳаққи бўлмаган куфроний ўрмонингга киришга журъат этибди. Бу гуноҳимиз учун бизлардан ғазабланма, Тбау-уац-Ила. Тавбаларимизни қабул эт, Тбау-уац-Ила! Бизни аёвсиз жазоингга мубтало этма! Сенга сиғиниб, илтижо этаман: ўзинггагина содиқ хизматкорингни эмас, оилаларимизни, молу ҳолимизни эмас, водий аҳлини ҳам эмас, фақат ва фақат айбдорларнинг ўзларини жазола, ғазабингни уларгагина соч! Бу худосиз кўрнамакка, сенга қарши чиқишга ботинган шаккокка раҳм этма, жазола уни! Яна... яна... ўз ота-онасининг номусини, урф-одатини унутган, азиз-авлиёлар рад этса ҳамки, у бадкирдор билан аҳду паймон қилган қизга ҳам жазо бер! Ҳа, жазо бер унга! Энди бошимизга қандай кулфатлар ёғилади, Тбау-уац-Ила? Энди нима бўлади? Мени ва иниларимни гуноҳларни ювиш йўлига йўлла! Жиноятчини маҳв этиб, қадамжони поклашимизни насиб эт! Водий аҳлини ғамдан фориғ қил!

Дуо пайтида Заур бир неча маротаба пешонасини саждага қўйди. Ибодатни тугаллаб, қаддини кўтарганида унинг чехрасида маҳзун қатъийлик зоҳир эди.

– Зураб! – деди у синиқ овозда.

– Хизматингга шайман, Заур!

– Бугун сен Тбау-уац-Иланинг руҳоний хизматкорларигина биладиган бир сирдан воқиф бўласан.

– Эшитяпман, Заур.

– Сен ҳозир “бу сирни ҳеч кимга, ҳеч қачон айтмайман”, деб қасам ичишинг керак.

– Қасамёд этаман, Заур!

– Тбау-уац-Иланинг қасоси ҳаққи қасам ич!

– Тбау-уац-Иланинг номи билан қасамёд этаман!

– Яхши, энди дераза олдига бориб тур, яна бу беор қиз қочиб кетмасин.

Зураб буйруққа сўзсиз итоат этди: худди кутилмаган ҳужумга шайланган-дай ханжарининг сопини ушлаб турди.

Заур қалин тахтадан ишланган оғир сўрини сурди. Полнинг бир ерини босган эди, икки энли тахта ўз-ўзидан кўтарилди. Зулмат ўрага олиб тушувчи зина кўринди. У ўзини бир қадам четга олди-да, бармоғи билан ўрани кўрсатиб, қизига: “Пастга туш!” деб буюрди.

Золийхон ўрага қўрқув кўзи билан қараб олиб, отасига илтижо билан:

– Ота, сен бундай қила олмайсан, – деди.

– Ўз ихтиёринг билан тушасанми, ё оёқ-қўлингдан кўтариб ташлаб юборайликми? – деди Заур, қизига қарамасликка тиришиб.

Қўрқув-даҳшат исканжасидаги қиз тиз чўкиб, отасининг черкасча узун камзули этагини юзларига суртди-да, кутилмаганда ўкраб йиғлаб юборди. Ташқарида туриб бу ўкирикни эшитган кишига “ширали овоз соҳибаси йиғлапти”, дейилса ишонмай, “бирон бир ҳайвонни бўғизлашаётгандир” дейиши аниқ эди.

– Ота, ота! Раҳминг келсин, бечора қизингни кечир!

Бечора қиз... Қани эди, бечора қиз бўлса... Заур ўйлаб ҳам ўтирмай кечирарди. Аммо ёлбораётган бу қиз бечора эмас, у – беномус... номуссизни эса кечириш мумкин эмас...

Заур этагини силтаб тортиб, қизининг чангалидан чиқарди:

– Бақирма, эси йўқ! – қаҳр билан шундай деб бир оз жим бўлди. Сўнг анча босиқ, ҳатто бир оз мулойим оҳангга кўчди: – Золийхон, мен сени бу ердан тезда чиқараман... Қўрқма, мен сенга ўлимни раво кўрмайман. Мен Тбау-уац-Иланинг қарорига қарши боролмайман: сен Керимнинг хотини бўлишинг керак! Сен шу ерда жон сақлайсан. Бадкирдорга хабар етказиб, огоҳлантиришингга йўл қўймайман. Қани, туш пастга!

Қалтираб ўтирган Золийхон қаддини кўтариб, отасининг амрига бўйсунди. Заур мойчироқни кўтариб унинг изидан юрди. Қоя тошларини ўйиб хона шаклига келтирилган тўланинг у ер-бу ерида турли ҳажмдаги қутилар бетартиб ётар эди. Қизидан кейин пастга тушган Заур қутилардан бирини четга суриб, қопқоқни кўтаргач, қоронғу ертўла кўринди. Хона бурчагида титраганича даҳшат ва савол назари билан қараб турган қизига Заур мойчироқни узатди-да:

– Пастга туш! – деб буюрди.

Золийхон бу сафар талвасага ҳам тушмади, отасига ёлвормади ҳам. Отаси худди арзимаган ишни буюргандек итоат этиб, мойчироқни олди-да, нарвон поясига оёқ қўйди. Нарвоннинг ўн икки поясини босиб пастга тушгач, тепадаги қопқоқ ёпилди, қулфнинг “ширқ” этгани ҳам эшитилди. Золийхон ертўла деб ўйлаган жой анчагина кенг ғор эди. Мойчироқнинг ожиз нури ғорнинг ҳамма ерини ёрита олмасди. Тош деворлар томонга эмандан ишланган оғир ўриндиқлар қўйилган. Ўз дардига банди Золийхон бунча ўриндиқларнинг вазифаси нимадан иборат эканини ўйлаб ҳам кўрмади. Қўлидаги мойчироқни тошдевор тоқчасига қўйди. Бир оз ҳаракатсиз тургач, ўриндиққа омонат ўтирди. Бошига ёпирилган бало булутининг қай ҳолда пайдо бўлганининг сабабини ўйлай бошлади. Ўйлай-ўйлай “Тбау-уац-Ила! Қаҳринг шунчалар қаттиқми? Билиб турибман... менинг шаккокклигим учун бу жазонинг ҳам кам”, деган фикрга келди. Чорасизлик занжирига банди қилинган қиз нимқоронғулик бағридан нажот кутгандай қўлларини баланд кўтарди-да:

– Менинг паҳлавоним! Менинг Урусхоним! – деб пичирлади. Кейин бирда-нига даҳшат билан чинқириб юборди-да, ҳушидан кетиб йиқилди.

Бу онда Заур тепага кўтарилиб, тўла қопқоғини ёпиб, сўрини жойига суриб қўйди.

– Энди сен бу тўланинг сирини биласан. Нотинч кунларда жон сақлаш учун бобокалонларим қояни ўйиб ўзларига бошпана қилишган экан, – деди Зурабга қараб.

– Мен бу сирни ўзим билан қабрга олиб кетаман, – деди ҳануз деразани пана қилиб турган Зураб.

– Бунга шубҳам йўқ, Зураб. Лекин яна бир сирни сақлашга онт ичишинг керак. Золийхоннинг ... – Заур “беномуслигини” демоқчи эди, аммо бу сўзга тили айланмади. Қийналиб бўлса-да, ўзгачароқ тарзда баён қилди: – қилиғини биров билмаслиги керак.

Заур Зурабдан йигит сўзини олишга ишонган эди. Аммо ишончи пуч бўлиб чикди. Зураб у томон яқинлашди-да, кўзларига тик қараб деди:

– Онт ичолмайман, Заур. Керим Тўтараевдан менинг яширадиган сирим йўқ. Буни унга айтишга мажбурман.

Заур йигитнинг кўзларидаги қатъийликни кўриб, бошини эгди.

– Сен ҳақсан, – деб чуқур хўрсинди. Кейин унга илтижо билан боқди: – Фақат бошқаларга айта кўрма... сендан ўтиниб сўрайман, айниқса бу овулдагилар билишмасин.

– Албатта шундай бўлади. Мен дўстимнинг хотини номусига гард юқишини истамайман. Сен у аблаҳни нима қилмоқчисан, ўйлаб кўрдингми?

– Унга Тбау-уац-Иланинг ўзи жазо беради!

– Шундай деб кутиб ўтирмоқчимисан? Йўқ! Уни қўлга тушириш керак!

– Қўлга тушириш керак, дейсанми? Қачон? Қандай қилиб? Бир ҳафтадан кейин ой тўлишади. Биз шундан кейингина ўтин териш учун ўрмонга кира оламиз. Унга қадар ҳатто менинг ҳам ўрмонга киришга ҳаққим йўқ. Кирган тақдиримизда ҳам қадамжода олишиш мумкин эмас. Ўйлаб кўр: бирдан-бир чора – уни алдаб, ўрмондан чиқишига мажбур қилишимиз керак. Аммо эҳтиёт – шарт! У маккорнинг ўрмондан чиқиб қочишга қилишга уриниши аниқ.

– Қаёққа қочади? У шаккок ҳали сири ошкор бўлганини билмайди-ку? Золийхон унинг олдида кун ора қатнарди. Демак, эртага кечқурун қизингизни кутади.

– Бу гапинг ҳам тўғри. Мен укаларимни ҳузуримга чорлай. Сен уларга режангни айтасан.

– Золийхон ҳақидаги сирни ошкор қилмай турайми?

– Қариндошларимдан яширадиган сирим йўқ. Улар бор ҳақиқатни билишлари шарт. Сен ҳозироқ бу ердан чиққину Тамби билан уларнинг ўғилларини чақир. Кейин Иналдо, Моцко ва Хсинларни топ. “Муҳим иш бор”, деб тайинла. Ҳаммалари дарҳол етиб келишсин. Ўзинг йўлда у-бу ишга аралашиб қолиб кетма, бирга кел.

Зураб буюрилган вазифани бажариш учун ташқарига чиққач, Заур ичкари уйга кириб “Золийхонни шошқич бир иш билан Дарговга юборганини” хотинига маълум қилиб қўйди.

ҚУРШОВ

Мартаба жиҳатидан иккинчи даражада ҳисобланувчи руҳонийлар – Заурнинг қариндошлари бирин-сирин тўпланишди. Улар Заурнинг ташвишли чеҳрасига қараб бошига мушкулот тушганини сезишса-да, сабабни сўрашдан ўзларини тийишди. Таомили шунақа – катталар лозим бўлган гапларни айтишади, зарурати бўлмаса сир сирлигича қолаверади. Туғишган укаси – Тамби биринчи бўлиб хонага кирган бўлса-да, амакиваччаларининг келишларини тик турган ҳолда кутди. Юрт қонунига кўра, амакиваччаларини Заур “ука” деб атаб, шунга яраша уларга лутф кўрсатарди. Барча жамулжам бўлгач, катталар Заурнинг таклифига кўра ўриндиқларга ўтирдилар. Зураб ёш туцатлар билан бир қаторда девор томонда тик турарди. Ҳаммаларининг қўллари ханжар дастасида – гўё жанговар ҳолатда катталарнинг амрини адо этишга шай эдилар.

Заур муддаога ўтишдан аввал бобокалонларининг асрлар оша фаришта Дзуарга содиқ хизматда бўлганларини эслатди. Ўзларининг аجدодлари васиятига содиқ равишда хизмат қилаётганларини ҳам алоҳида таъкидлагач, қариндошларни шошқич тарзда чорлаши сабабини маълум қилди. Муқаддас ўрмонда куфроний ҳодиса содир бўлганини, энди мункирга қарши чора кўрмоқ учун биргаликда режа ишлаб чиқмоқликлари зарурлигини билдирди. Зураб Заурнинг илтимоси билан ҳикоясини бошлагач, бу янгиликдан ҳайратланган қариндошлар фақат бир озгина жим ўтирдилар. Кейин Зурабнинг гапи ўтирганларнинг ғазабли хитоблари ва луқмалари билан бўлиниб турди. Зураб айтадиганларини баён қилгач, хона бир неча нафас сукунат ихтиёрида қолди. Сўнг Тамби Туцат вазминлик билан оёққа қалқди-да, эшитганларидан қаттиқ ташвишга тушганини, бундай бадкирдорликнинг юз бериши етти ухлаб бир тушига кирмаганини гапирди.

– Насл-насабимизга кўз кўриб, қулоқ эшитмаган шармандалик даҳшат солиб турибди. Агар Худо зехнимизни очиб, бу ҳодисани яшириш йўлларини бизларга ўргатмаса, бу ёруғ оламда бош кўтариб юришимиз мумкин бўлмай қолади. Ҳеч ким, – шундай деб у қатор турган ёшларга қараб олди, – бу ҳақда оғиз очмаслиги шарт. Ҳатто уйдаги хотинлар ҳам сезмаслиги зарур, – энди у Заурга қаради. Заур бу қарашнинг маъносини ўқди:

– Уйимдагилар билишмайди. Қизимни яширин ертўлага қамаб қўйганман, бадкирдорга хабар еткази олмайди.

– Тўғри иш қилибсан, Заур, – деб давом этди Тамби. – Ҳозирги вазиятда оиламизнинг шармандали ҳолатига чора топишдан ҳам муҳимроқ вазифа бор: Тбау-уац-Ила хизматида бўлган биз – руҳонийларнинг қарорига водийнинг фаровонлигигина эмас, тақдири ҳам боғлиқлигини унутмаслигимиз шарт.

– Бунинг нақадар қабиҳ жиноят эканини тасаввуримга сиғдира олмаяпман, – деди Иналдо. – Ҳаммамизни ҳам Худо урмасайди, деб кўрқаман. Ахир дунё яралганидан бери то шу кунга қадар муқаддас ўрмонимизга хотин зотининг қадами яқин йўламаган эди-я! Тўғри, айрим эркаклар орасидан чиққан шаккоқлар қадамжони оёқости қилганлар. Лекин фаришта Дзуар уларни ўша заҳотиёқ аёвсиз жазолаган. Куфрдан кўрқмаган бу бадкирдорнинг ҳали ҳам муқаддас ўрмонда яшаши-ю, ҳали ҳам жазосини олмагани бошимизга ёғиладиган балоларга ишора эмасмикин? Унинг бир ўзинигина жазолаш Тбау-уац-Илага камлик қилаётган бўлса-чи? Балки бизларни ҳам гуноҳкор жиноятчи қаторида

кўраётгандир? Акалар, сизлар доносизлар, айтинглари, қандай қилсак гуноҳимизни ювамиз, қайси яхши ишларимиз эвазига Худонинг қаҳридан қутула оламиз?

Иналдко ўтирганларнинг барчасига мурожаат қилган бўлса ҳам, жавобни Заурдан кутдилар.

– Биз ўша мункирни қўлга олиб, қадамжони яна оёқости қилинишига бундан буён йўл қўймаслигимиз керак, – деди Заур ўйчан тарзда.

– Мен ҳам шуни ўйлаётган эдим, – деди Тамби. – Лекин ўрмонга кирмай туриб уни қўлга ололмаймиз-ку? Ўрмонга кириш учун бир ҳафта кутамизми?

– Биз уни алдаб чиқарамиз ўрмондан, – деди Иналдко.

– Чиқмаса-чи? – деб сўради Заур.

– Унда биргина чорамиз бор: ўрмонни қуршаб оламиз-у, очликдан силласини қуритамиз. Қани, чиқмай кўрсин-чи! – деди Тамби.

– Менга ҳам шу чора маъқул туюляпти, – деди Заур паст овозда. – Қадамжони ўраб олиш учун аҳолини жалб қилишимиз керак.

Бу гапдан Тамби ҳам, бошқалар ҳам ажабланишди. Тамби масалани ойдинлаштириш учун акасига мурожаат қилди:

– Золийхон воқеасини-чи? Уларга айтмассан-а?

– Албатта айтмайман. Золийхоннинг у малъун билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. У кадаронлик Керим Тўтараевга турмушга чиқади. Керим қизимни севади. Тбау-уац-Ила Золийхонни унга тақдир қилди. Қалин пули арзимаган даражага тушиб қолса ҳам, улардан тўғри гапни яшира олмаймиз.

– Бундан бошқа чорамиз ҳам йўқ, – деди Тамби. – Бунақа машмашалардан кейин...

Тамби гапининг давомини айтмаса ҳам тушунарли бўлди. Бошқалар ҳам тагдор қилиб: “Ҳа... бу машмашадан кейин...”, деб қўйишди.

– Машмаша ўз йўли билан, – деди Мацко, – лекин у одам ким, оти нима экан?

– Кимлиги номаълум, – деди Иналдко, – ҳукумат таъқибдаги абрекдир ёки қасоскорлардан яшириниб юрган бирон номарддир.

– Ҳукумат таъқиб этиб юрганларданми? – кенжа ўғил Хсин бу саволни ўртага ташлаб, ўзича жавоб излади: – Эҳтимол кўрқинчли машҳур Урусхон бўлсачи? – Бу саволни бериб, акаларига бир-бир қараб қўйди. Унинг бу гумонига ҳеч ким аҳамият бермагач, гапини давом қилди: – Агар ростданам Урусхон бўлса, овимиз роса бароридан келарди-да! Унинг боши учун оз эмас, кўп эмас – нақ беш минг рубль ваъда қилинган-а! Бу пулларни қўлга киритсак, кам-кўстимиз тўлиб қоларди.

– Хомтама бўлма, – деди Тамби унга қараб. – Гапингдан ҳеч нимани билмайдиган гўдакка ўхшайсан. Бу ҳукумат одамларни лақиллатишдан бошқа нарсани билмайди. Эсинглардами, Доғистондаги Бабонинг боши учун ҳам ҳазилакам пул ваъда қилинмовди. Уни тутиб, ўлдирган чўпонга сариқ чақа ҳам беришмади. Агар ўша шаккок Урусхон бўлган тақдирда ҳам биз уни ҳукуматнинг пули учун эмас, Худонинг розилиги учун ўлдирамиз. Шуни унутмаслик керак!

– Ҳукуматнинг ваъдасини ҳозирча қўя туринглари, – деб уларни тинчлантирди Заур. – Ҳозирги асосий масала – бу ташвишлардан байрамгача қутулиб олиш чорасини топиш.

Йиғин аҳли кенгаша-кенгаша охири бир қарорга келди. Қарорга кўра, улар ҳар бир дарадаги овулга бориб, жиноятчи қўлга олинмагунича ҳар йигирма

тўрт соатда ўринларини алмаштириб туриш шарти билан йигирма бештадан одам талаб қиладиган бўлишди. Овулларга борганда нима деб даъват қилиш лозимлигини Заур укаларига бир бошдан тушунтирди. Заурнинг талабига кўра, улар шунчаки ёрдам сўрамай, балки шу дара худосининг вакили сифатида боришлари ва қадамжонинг оёқости қилинганига бефарқ қараганлари учун гуноҳкор бўлганларини англантишлари ҳамда худонинг ғазабидан кўрқишга чақиритишлари зарур эди. Яна айтишлари жоиз эдиким, Тбау-уац-Ила ўзининг содиқ кули Заурга намоён бўлиб, нотаниш кимсани шаккокликда айблади ва бандаларини қадамжони поклашга ундади. Шунда Заур билан Зураб куфроний одамнинг пайига тушиб, ўрмон этагида уни пойлайдилар.

Вазифа аниқ бўлгач, Тамби нотаниш одамнинг кўриниши қандайлиги билан қизиқиб, Зурабга мурожаат этди.

– Баланд бўйли, елкалари кенг одам эди, аммо қоронғида юзини аниқ кўролмадим, – деди Зураб.

– Ана, мен айтганим ростга ўхшаяпти, – деди Хсин жонлаиб. – Урусхонни ҳам баланд бўйли, келишган, бакувват, дейишади.

– Балки шундайдир... – деди Заур ўйчан тарзда, кейин укаларига бир-бир қараб чиқди: – овулларга борганларингда буни ҳам айтишлар. Шаккокнинг яхшигина ўлжа эканини Тбау-уац-Ила маълум қилди, денглар. Шунинг учун ҳеч ким чўчимасин. Худо куфронийни жазолайди, унга хужум қилишга журъат этган мардни эса, дунёвий неъматлар билан мукофотлайди. Шундай десанглар уларнинг оёққа қалқишлари осонроқ бўлади. Энди бетўхтов равишда йўлга отланглар. Бугун қош қорайгунича муқаддас ўрмонимиз бир юз эллик нафар курулланган ботирлар билан ўраб олиниши шарт.

Йиғилганлар тарқалишга шайланишганда Заур яна бир марта уларга, айниқса, Зурабга Золийхонга тааллуқли масалаларда оғиз очмасликларини уқтирди. Шундан сўнг ҳаммалари ҳовлига шошилдилар, отларига миниб, белгиланган овуллар сари йўл олдилар. Пешиндан сўнг бутун водийда жонланиш сезилди. Цагат ламардонликлар уйлариининг ясси томларига чиқиб олиб ҳар томондан оқиб келаётган отликларни қизиқиш ва бир оз ташвиш билан кузатдилар. Енгсиз босма чакмонларига ўраниб олган чавандозлар тоғ сўқмоқларида аввал нуқта каби кўзга ташланиб, сўнг аниқ равшан кўринардилар.

Қадамжода шаккокнинг пайдо бўлгани ҳақидаги хабар, айниқса, цагат ламардонликларни жунбишга келтирди. Барча диний мросимлар шу овул яқинида ўтказилгани учунми улар мутаассибликда бошқалардан ажралиб турардилар. Улар руҳонийларнинг деярли барча гапларига ишонадилар, чизган чизиқларидан чиқмайдиларким, бу соҳада қолганларга ўрнақдирлар.

Бундай бўлиши бежиз эмас, ўзига яраша сабаблари ҳам бор. Шулардан бири – байрам кунлари овул яхшигина даромад олади. Зиёратга келувчи ҳудожўйларнинг аксари айнан шу овулга жойлашадилар. Меҳмондан ҳақ олиш одатга ҳилоф бўлса ҳамки, зиёратчилар мезбонларга “эсдалик учун совғалар” ёки “худойи”лар бериб кетишади. Бундан ташқари зиёратчилар худо учун сўйиладиган қора кўзичоқларни ғоят қиммат нархларда сотиб оладилар. Ибодат мақсадида зиёратгоҳга келган ҳеч бир осетин Тбау-уац-Ила байрамида сўйилажак кўзичоқни сотиб олиш чоғида савдолашиб ўтирмайди. У мана шу қурбонлик эвазига ибодати худога маъқул келишига ва бунинг оқибатида хўжалигига фаровонлик оқиб кириб, харажатларининг қопланиб кетишига ишонади.

Уйи олдидаги майдончада виқор билан турган Заур ўрмонни қуршаб, шак-

кокка жазо бериш қасдида келаётган мард ўғлонларни дуолар билан қарши оларди. Илоҳий бурчини адо этиш учун етиб келган чавандоз отдан сакраб тушгани ҳамон, овулнинг ўсмирлари эгарни ечиб олиб, тайинли жойга қўйгач, жониворларни ўтлоққа ҳайдардилар.

Рухоний ота ўғлонларни икки гуруҳга ажратди. Етмиш беш кишидан иборат биринчи гуруҳ тоғ қояларини айланиб ўтиб, ўрмоннинг орқа томонидан қуршаб олиши керак эди. Қолган етмиш беш ўғлонни Заурнинг ўзи тиккасига Найфат йўли билан бошлади. Ярим йўлга етганда у йигитларни жар ёқалаб кетган сўқмоққа йўналтирди. Қуёш ётоғига бош қўймай туриб, ҳар икки гуруҳ халқа бўлиб бирлашишга улгурди. Урухсон ҳар томондан қуршаб олинди.

Заур Зурабни халқа бўйлаб йўллаб, ўғлонларга ўрмон сари қадам босмасликларини, куфроний ташқарига чиқсагина ҳужум қилишлари мумкинлигини қайта эслатди.

Бугун Золийхоннинг келишини кутмаётган Урухсон атрофида нималар содир бўлаётганидан мутлақо беҳабар эди. У булоқ яқинидаги майса устида ётиб, келгуси ҳаёти хусусидаги ширин орзуларга банди бўлиб ётарди.

Ўрмоннинг ишончи халқа билан қуршаб олинганига қаноат ҳосил қилган Заур уйига қайтиб, Золийхонни ертўладан чиқарди. Ташқарига чиқиш, бўлиб ўтган гаплардан бировни огоҳ қилишни қатъий тақиқлагач, ўзи яна ўрмон томонга қайтди.

* * *

Тун тоғ ва водийни ўз оғушига олди. Бундай кезларда кундузги ишлардан хориган Цагат Ламардон аҳли дам олиб ётган бўларди. Бугун қоронғилик бос-тириб келганини сезмагандай ҳеч ким мижжа қоқмади. Ҳар бир оиладан ҳеч бўлмаганда бир ёки икки одам қўлида қурол билан ўрмонни қуршаб турган кезларда уйда хотиржам ётиш мумкин эканми? Овулдагиларнинг вужуди уйда бўлгани билан ўй-хаёллари хатар билан юзма-юз турган яқинларида эди. Шаккокнинг қонини тўкиш худога маъқул иш бўлгани билан, бу вазифанинг осонлик билан бажарилмаслигини, ўрмондан паноҳ топишга журъат этган мункирининг ханжари ҳам кимларнингдир жонини олиши мумкинлигини ҳар бир одам англаб турарди.

Бу таҳликали онларда биргина Урухсонгина хотиржам эди. Тамакисини тутатиб, чинор остида ширин хаёллар оғушида ётган абрек ўрмондан чиқди де-гунча юзлаб мерганларнинг ўқларига нишон бўлажагини хаёлига ҳам келтирмайди.

Ёш туцатлар мард ўғлонлар қаторида қуршов ҳалқасидан жой олишган. Заурнинг укалари эса худо йўлида қуролланган одамлар орасида юришиб, зийрак бўлишга даъват қилишади.

Аёллар тун қоронғилигида эрларни таом билан таъминлаб туришади.

Тун бекорчи кутиш билан ўтди.

Зоғ ҳам кўринмади.

Ўғлонларнинг нигоҳлари сокин ва сирли ўрмон сари қадалган. Шохлари тарвақайлаб кетган чинор ва эман дарахтларига хавотир билан қарашади. Буталар орасига яширинган азаматлар шаккокнинг кутилмаган онда пайдо бўлишига шай туришади.

Нихоят қуёш кўтарилди. Худди яқиндагина бу ерларга тун ҳукмини ўтказмагандай, ҳамма ёқ чароғон бўлиб кетди.

Пешин чоғи куршовдаги одамлар ўринларини биродарларига бўшатиб, дам олгани Заурнинг уйига қайтишди. Қўрғок билан Золийхон меҳмонлар ташвиши билан банд бўлиб қолишди. Тун бўйи мижжа қоқмай толиққан бир юз элик одамни кутиб олиш, қорнини тўйдириш осон эканми! Золийхон мезбонлик вазифасини алам ва нафрат билан бажаради. Севгилиснинг жонини олиш қасдида туни билан шай турган одамларга хизмат қилиш нақадар оғир! Унинг қўли ишда, хаёли эса Урусхонда эди. У севгилиснинг бу куршовдан қутулиб чиқишига жону дили билан умид қилар, унинг гуноҳини кечириб, паноҳига олишни Тбау-уац-Иладан сўрашга эса ботина олмас эди.

Бу худо кечириш нималигини билмайди, у қўрқинчли, қасоскор ва жазовловчидир. Тбау-уац-Ила ҳақида билганлари фақат шу. Эсини танибдики, ундан қўрқиш лозимлигини ўқтириб келишади. У ғазабланмаслиги учун ибодат қилишади, рўза тутишади, жазосидан қочиш мақсадида унинг учун қурбонликлар қилишади. Уларнинг дини шундай, раҳм-шафқат, гуноҳни кечириш, муҳаббат тушунчалари бу дин учун ёт.

Заур Тамби билан маслаҳатлашиб, абрекни ўрмондан алдаб чиқариш режасини тузди. Режага кўра, Тамбининг кичик ўғли Мулдор қизларнинг кийимини кийиши, ой ўрмон узра кўтарилиши билан Заурнинг уйидан тугунча кўтариб чиқиб, ирмоқ бўйлаб юриши керак. Ўрмон этагидан юз қадамча беригадаги сўқмоқда йиқилиб, инграб овоз беради-ю, лат егандай ётаверади. Ана шунда абрек қўноғини ташлаб чиқишга мажбур бўлади. Чиқади-ю, мерганлар ўқиға нишон бўлади.

ХИЁНАТ

Атрофини ўраб турган хавф-хатардан беҳабар Урусхонга кеча қоронғилигининг осойишта сукунати роҳат ваъда қилгандай эди. Кечанинг бевафо, осойишта сукунатнинг эса алдамчи эканини у сеза олмади. Роҳатли дамларга етиш мақсадида булоқ бошидаги масканини тарк этиб, ирмоқнинг ўрмон бағридан ажралиб чиқадиган ерига бориб турди. Кичик харсанг устига ўтириб, ёз тунига махлиё бўлди: тишсимон чўққи тепаси оқаринқирай бошлаб, суйган ёрига етиш они яқинлашганидан дарак берди. Ҳадемай ой кўтарилади. Табиатнинг бу ишорасини кўрган Золийхон уйидан чиқади. Ирмоқ бўйлаб сассиз юриб келиб, унга таом ва тамаки келтиради.

Ой кўтарилиб, қоронғиликда эзилаётган водий гўзаллигини очди. Урусхон “одам қораси кўринмадимикин, бу томон қайрилмадимикин?” деган илинжда водий томондан кўз узмай ўтирди.

Нихоят кутгани рўё бўлди:

“Ана, у!”

Урусхоннинг юраги ҳаяжондан тез-тез тепади.

Ирмоқ бўйлаб юриб келаётган одам қораси кутилмаганда йиқилди. Урусхон севгилиснинг чинқирғини эшитиб, қулоғини динг қилди. Энди севгилиси ожиз ингради. Милтиғи ўрмон ичкарасида қолганини ҳам унутиб, жар ёқалаб кетган сўқмоқ сари югурди.

Тбау устида хотиржам равишда балққан тўлин ой нури макрни ошкор қилмоқчи бўлгандай ҳар бир харсанг, ҳар бир бута қаторида ерда ётган одамни ҳам ёритди.

Ерда ётган одам қорасини аниқ кўрмаса ҳам Урусхоннинг юраги унинг Золийхон эмаслиғни сезди. Гарчи яшин тезлигида фикрласа-да, аниқ хулосага келишга улгурмай, ўқ узган милтиқ жаранги сукунатни поралаб ташлади. Урусхоннинг қулоғи остидан ўқ хуштак чалиб ўтди.

“Нима бу? Сотқинликми?”

Ерда ётган одамни энди аниқ кўрди: мўйлави сабза урган йигитчанинг кўзлари “Қалай, бошлаб алдадимми?” дегандай кулиб турибди.

Яна милтиқ отилди. Бу сафар ҳам ўқ қулоғи остидан ўтиб кетди. Ўрнидан туриб қочиш фурсати етганини англаб, қаддини кўтаришга уринган йигитчанинг кўкрагига Урусхон ханжарини то дастасига қадар ботирди.

– Сотқинлигинг мукофоти шу бўлади сенга!

Шундай деди-ю, тошдан-тошга сакраб, ўзи учун паноҳ ҳисобланган ўрмон сари қоча бошлади. Қонга беланган Мулдор оғзидан кўпик чиқариб, жон талвасида қолаверди.

Пистирмадагилар тинмай милтиқ тепкисини босадилар, ўқлар эса нишонни четлаб ўтади.

Яна озгина қолди. Сўнг ўрмон... унда биров даф қила олмайди.

Этай деганда, сўнгги қадамларини боса олмай йиқилди, лабларидан лаънат сўзлари учди.

Зураб отган ўқ унинг ўнг ўпкасини тешиб ўтган эди. Шаккокнинг йиқилганини кўрган йигитлар уни ўлди, деб гумон қилишиб, ғолиблик қийқириғи билан ўринларидан туриб кетдилар. Йиқилиб ётган Урусхонга қарата отилган яна бир ўқ ёнбошига санчилди. Пистирмадагиларнинг шодон ҳайқириғи тезгина сўнди: Урусхон қаддини кўтарди-ю, сўнгги кучини тўплаб паноҳқор дарахтлар сари интилди. У дастлабки баҳайбат чинорга етиб келганида мажоли қолмаган эди. У дарахтни худди онасини кучгандай кучоқлади-ю, ҳушсиз йиқилди.

Уни ушлаш учун таъқиб эта бошлаганлар беихтиёр равишда тўхтаб қолдилар. Урусхон муқаддас ўрмон худудига ўтишга улгурган, масофа уч-тўрт қадамни ташкил этса-да, энди ўғлонларнинг биронтаси ўлжага яқинлашишга журъат эта олмас эди.

Отишма овози наридагиларнинг ҳам диққатини тортди. Улар пистирмадаги жойларини тарк этиб, шу томон кела бошладилар. Овулда ҳам жонланиш сезилиб, Найфат йўлида шошилиб келаётган одамлар кўринишди. Кўп ўтмай ўрмон этаги одамлар билан тўлди. Томошатаблар бошқаларни суриб, суқилиб, олдинга ўтмоқчи, муқаддас чинор панасида ётган шаккокни кўрмоқчи бўлардилар. Қисқа фурсатда бўлиб ўтган воқеа оғиздан-оғизга кўчарди.

Мулдорнинг ўлими қадамжони асрай олмаганлари учун руҳоний отахонларга Тбау-уац-Ила томонидан юборилган жазо сифатида қабул қилинди. Тбау-уац-Илани сўроқламоқ ҳуқуқи ёлғиз Заурга берилгани сабабли у қадамжонинг оёқости қилинганидан аввалроқ огоҳ бўлишга мажбур эди.

Тамби ғам-аламини ичига ютади. Дардидан бировнинг огоҳ бўлишини истамайди. Бошқалар қатори етиб келган ўз уруғининг аёлларини атрофига чорлайди-да, барчага суюкли бўлган, қувноқ Мулдорга аза очишни тайинлайди. Сўнг халойиқни тинчлантиришга уринаётган туцатлар сафига қўшилади. Бировлар уларнинг даъватларига қулоқ солишади, бетоқат ва қони қайноқлар эса муқаддас чинор остида ётган мункирни бу ёққа судраб чиқиб, бурда-бурда қилиб ташлашни ишташади. Ғазабларини жиловлай олмаётганларга чинорга

яқинлашиш муқаддас ўрмонни оёқости қилмоқлик эканини тушунтириш осон эмасди.

Шу зайлда соатлар ўтди.

Тўпланган юрагидаги ғазаб олови дам сўнгандай бўлади, дам яна катта куч билан аланга олади.

Урусхон эса ҳамон хушсиз ётибди.

Бекордан-бекорга кутаверишнинг охири кўринмас эди. Тоқати тоқ бўлган бесабрлар изларига аста қайта бошлашди. Дарахт остида хушсиз ётган куфронийни қўриқлашга етарли одамларгина қолди.

Кўп қон йўқотганидан мадорсизланган Урусхон эрта тонгда ҳушига келиб, кўзларини очди. Бошини сал кўтариб атрофга қаради-ю, пойлоқчиларни кўрди. Унинг ҳаракатга келганини кўрган қуроли одам сал нарида ўтирган Заурни чақирди. Заур одамларига ўрмонни қуршаб олишни буюриб, дарахтга яқин келди.

– Нотаниш одам, сен кимсан? – деб сўради у Урусхондан кўз узмай. – Сен бизнинг водийга келиб, қадамжони таҳқирладинг. Мункирлик сенга камлик қилибдимики, яна қотиллик ҳам қилдинг. Сен нобакор, худонинг ғазабидан қўрқмайсанми?

Урусхон худди унинг гапларини эшитмагандай жавоб қайтаришга уринмади ҳам. Қаддини сал кўтариб, енгининг бир парчасини йиртиб олди-да, ярасини боғлай бошлади. Заур эса тоқат билан ундан жавоб кутди. Жавоб бўлмади. Урусхон ярасини боғлаб бўлгач, аранг ўрнидан турди-да, маст одам каби гандираклаганича ўрмон ичкарисига қараб юрди.

Унинг бу қилиғидан ғазабланган пойлоқчилар милтиқларини отишга шайлаб, изн олиш илинжида руҳоний отага умид билан қарадилар. Заур уларнинг шаштини қайтариш учун бош чайқади.

– Қадамжода қон тўкиш сира ҳам мумкин эмас. Тбау-уац-Ила унинг жазосини бериш учун сизларнинг ўқларингизга муҳтож эмас. У шаккокни бизга ўзи тутиб беради.

Заурнинг ишонч билан бундай дейиши бежиз эмас, у якшанба куни ўрмонга кирувчи руҳонийларнинг шаккокни қўлга олишларига умид қилаётган эди.

Аламзада ўғлонлар руҳоний оталари чизган чизикдан чиқмай, чорасиз қолдилар.

Бу пайтда Урусхон яра азобидан бақириб юбормаслик учун тишини тишига босганича булоқбошига етиб келди. У баданини куйдираётган яра қийноғига чидарди, аммо ғазаб олови уни батарроқ азобга соларди. У қандай қилиб алдов тўрига илиниб қолди? Зийраклигини қайда йўқотди? Ўраб олгунларича лаллайиб ётавердими? Милтиқни олмай ўрмон ташқарисига чиққани-чи? Энг лақма одам ҳам бундай эҳтиётсизлик қилмас?

Бу ердалигини у одамлар қаердан билишди?

“Золийхон хиёнат қилди”, деган фикр хаёлига ҳам келмайди. Арзимас туюлган ҳар қандай тасодиф сирни ошкор қилгани аниқ. У ташвишларга ва саргузаштларга тўла ҳаётида тасодифлар билан ҳисоблашишга ўрганиб қолгани учун шу тўхтамга келди.

Урусхон булоқ сувида яраларини ювиб, қон оқишини тўхтатиш учун маҳкам боғлади. Сўнг бу ердан тезроқ қочиш режасини ўйлай бошлади. Тик қояларга синчиклаб разм солиб, бу ерда қолиш хатарли эканини англади. Танга дармон бериши мумкин бўлган овқат йўқ. Қолган-қутган таом қоринга юқ ҳам

бўлмайди. Қандай бўлмасин бу ердан тезроқ чиқиб кетиши шарт. Кечагина ҳар хил балолардан асраши мумкин бўлган бу муқаддас ўрмон энди унга ўлим зиндони бўлиб туюлди. Токи танасида жони бор экан, таслим бўлмайди, ҳаракат қилади. Унинг аниқ режаси йўқ, аммо омадига ишонади.

Кундузи дам олгани маъқул. Кечаси буларга сездирмай йўл юриш мумкин. Шу қарорга келган Урусхон майса устига чўзилиб, кўзларини юмди. Уйқуси нотинч бўлди. Иситмаси кўтарилиб, азоб чекаётган қалбини қўрқинчли туш даҳшати билан ларзага солиб турди: бир қараса, оч бўрилар қуршовида турибди, ўзини ҳимоя қилай деса – милтиғи йўқ. Бир қараса, ғазабланган Тбау-уац-Ила унга қиёмат жазосини бериш мақсадида устига бостириб келяпти. Бир қараса, тоғ чўққисини қоплаб турган қора булутдан бир парчаси ажралиб тушиб, уни ўраб-чирмаб, беаёвлик билан сиқа бошлайди. Назарида Тбау-уац-Иланинг ғазабнок нигоҳи фақат унгагина қадалган, қасос онлари яқинлигини сезган жасур Урусхонни энди даҳшат чодирди бўға бошлайди. Бирданига тоғ чўққилари, хатто водий чир-чир айлана кетди. Гўё ер юзи телба қуюн ихтиёрига берилди. Тоғларни худди енгил хас каби гирдикапалак қилаётган қуюн Урусхонни ҳам унутмади: у арзимас зарранинг зарраси сингари айланаверди. Қуюн баҳайбат чўққиларни ўрнидан суғуриб, унинг устига отди. Тошлар қўлларини синдирди, харсанглар оёқларини мажақлади. Тбау-уац-Ила уни шаккоклиги учун шундай жазолаб, чувалчангдай қимирлашга уринаётган Урусхонни мазах қилган каби мамнун кулади.

ТБАУ-УАЦ-ИЛАНИНГ ИНЪОМИ

Урусхон пойлоқчиларни доғда қолдириб, гандираклаганича ўрмон ичка-рисига кириб кетгач, Заур билан Тамби руҳонийлар оиласига мансуб барча қариндошларини тўплаб машварат қилдилар. Ой тўлишгач, улар ўрмон ҳудудини босиб ичкари кириш ҳуқуқига эга бўладилар. Ҳозир эса сабр қилмоқликдан ўзга чора йўқ. Номаълум одамнинг нопок қадами билан ўрмонни таҳқирлаши шаккоклик бўлса, ўзларининг ой тўлишгунга қадар ўрмонга киришлари куфр устига баттар куфр саналмоғи аниқлигини улар яхши билишади. Унга қадар эса ўрмон зич ҳалқа билан ўраб олиниши керакким, токи ундан бир қумурсқа ҳам ўрмалаб чиқиб кета олмасин. Уларнинг ҳар бир ҳаракатларини зийраклик билан кузатиб турган Тбау-уац-Ила руҳоний бандаларининг ўз вазифаларини қандай содиқлик билан адо этаётганларини назардан қочирмайди.

Маслаҳат чоғида яна “Бу одам ким бўлди экан?” деган савол такрорланди. Хсин “бу шаккок айнан Урусхоннинг ўзи”, деган аввалги гумонини энди исбот қилмоқчи бўлди. Бу мункирнинг ўлдирилиши учун туцатларнинг беш минг рубль миқдорида мукофот пули олишларини яна бир эслатади.

– Муҳими бу эмас, – деб уни қайириб ташлайди Тамби.

Пойлоқчилар жой-жойларига жўнатилгач, Тамби ўғлининг дафн маросимига тайёргарлик кўриш учун уйига отланди. Инилари эса қасос онини қўлдан чиқармаслик учун жойларида қолдилар.

Заур ҳам уйига қайтди. У жинойтчини қўлга олиш насиб этадими ё йўқми, деб фол очувчи таёқчаларидан сўради. Таёқчалар унинг қўнглига таскин берувчи ижобий жавобни бердилар.

Инилари ва жиянларининг ўрмон пойида сергак турганлари унга далда бериб, бир оз дам олишни ихтиёр қилди.

Эрталаб қизини қайғули аҳволда кўрди. Қиз қалбидаги муҳаббат оловининг забти унга ҳам таъсирини ўтказдими, ҳар нечук ғазабини юмшатди. Куфроний бир эркаки деб асрий қонунни бузишга журъат этган, энди унинг ҳажрида куяётган қизига Заурнинг раҳми келди.

– Золийхон!

– Лаббай, ота?

– Қайғураяпсанми?

Бир оғиз гап гапиришга ҳоли ҳам қолмаган қиз отасига нима деб жавоб қилсин? Золийхон индамайди, бошини эгади.

– У нобакорни хаёлингдан чиқариб ташла! – деб амр қилади Заур.

Ота амри сўзсиз адо этилиши керак. Аммо муҳаббатнинг бақувват занжири билан икки юрак боғланган дамда бундай амрни бажара олувчи ошиқ борми бу дунёда?

Қиз итоатсизлик билан бош чайқади:

– Ота, мен бундай қилишга ожизман.

– О, бахтиқаро қиз, нега тушунгинг келмайди? У яраланиб ётибди. Балки жони аллақачон жаҳаннамга кетгандир?

Қизнинг ғамга лиммо-лим тўла қалби азобини титроқ овози ошкор қилди:

– Биламан...

Ота ғамнинг бу садосига эътибор қилмайди:

– Тбау-уац-Ила Керимнинг хотини бўлишингни менга аён қилди.

Золийхон бошини эгганича пичирлади:

– Бу ҳам Дзуарнинг жазоси менга...

– Ҳа, бу Тбау-уац-Иланинг жазоси! – деб қатъийлик билан такрорлади Заур. – Сен куфронийга ёрдам бериб, гуноҳга ботдинг. Энди тавба қилиб, гуноҳингни ювишинг керак. Қизим, ишон, сенга раҳмим келяпти. Мен – отаман! Тақдирингга бефарқ қарай олмайман. Сени ҳали олдинда оғир қисматлар кутяпти. Азобларга чидашга мажбурсан...

Заур ота сифатидаги айбига иқрор бўлиб, бошини эгди. Қиз “отам яна бирор нима дермикин?” деган фикрда жим турди. Заурдан садо чиқавермагач, қайрилиб нари кетди.

“Бундан баттарроқ яна қандай азобга дуч келишим мумкин? – деб ўйлади у. – Сарлочиним яраланиб ётибди, мен ярасига малҳам қўя олмайман. Балки отам айтганидай, тириклар дунёсини ташлаб ҳам кетгандир, мен – нотавон эсам унга аза очиб, бир томчи кўз ёши ҳам тўка олмайман. Мен севмаган, бундан кейин ҳам ҳеч қачон сева олмайдиган Керимга тегаманми? Тбау-уац-Ила менга шу тақдирни раво кўряптими? Бу қандай кўргилик!

Золийхон қалбини забт этган паҳлавонининг булоқбошида қонига беланиб ётганини хаёлан кўз олдига келтирди. Ички бир қудрат уни ўрмон томон боришга даъват этди.

Аммо...

Тбау-уац-Иланинг қасоси-чи?

У қуршовдаги пойлоқчилар орасидан сездирмай ўтиб олиши мумкин эди. Одамлар сезмай қолишар, аммо шу ўрмон, шу тоғ худоси-чи? Баттар ғазабланмайдими? Унинг жазоси-чи? У ўзининг эмас, севгилисининг бошига бундан

баттар балолар ёғилишидан қўрққани учун ҳам ўрмон сари боришга журъат этолмайди.

Қуршовда ўтирганлар назарида жума ва шанба жуда имиллаб ўтди. Урусхон эса иситма оташида алаҳсираб ўтказди бу кунларни. Кунни зерикиш билан ўтказган пойлоқчилар ўрнига янгилари келишди. Балоғат ёшига етган туцатлар шанба куни рўза тутдилар. Чўмилиб, покиза бўлишгач, ибодат қилишди. Сўнг оппоқ камзуллари кийдилар-да, ўрмонга отландилар. Қурол билан ичкари кириш мумкин бўлмагани сабабли қўллариға фақат таёқ ва ўтин кесгали болта олдилар. Улар шаккокни булоқбошида ётгандир, деб тахмин қилдилар. Уни ухлаб ётганида қўлга олиш режасини туздилар.

Заур “Тбау-уац-Ила бизга мадад беришга ваъда қилди”, дегани учун, ғалабага ҳамманинг ишончи комил эди. Заур бадкирдорни Тбау-уац-Ила ҳукмига рўпара қилмоқ мақсадида тириклайин қўлга олишни амр этди. Агар абрекни беҳос ўлдириб қўйишса, ишга ҳукумат вакиллари аралашадилар. Рухонийлар эса уларнинг аралашашишлари у ёқда турсин, бу ерларга яқинлашишларини ҳам хоҳламайдилар.

Улар муқаддас ўрмон этагига яқинлашиб, тун оғишини кутдилар. Сўнг бир неча гуруҳга бўлиниб, ўрмоннинг турли томонларидан ичкари кирдилар.

Водийдан кўтарилиб келган қора булут тўлин ойни ҳам, осмонга сачраган юлдузларни ҳам ютди.

Ўрмонни қуршаб ётган ўғлонлар харсанглар ва буталар панасида милтиқларини маҳкам сиққанларича зийрак ётибдилар. Уларнинг кўзлари ичкарига йўл олганларда. Оқ камзулли туцатлар баҳайбат дарахтлар остида худди ўрмалаётган арвоҳлар каби кўринадилар.

Заур тўғри булоқбошига бормаи, аввал ўрмоннинг ҳамма томонини қараб чиқишни буюрган эди. Топшириқни бажарган туцатлар Заурнинг атрофида бирин-кетин тўпландилар. У болтадан фақат ҳимоя воситаси сифатидагина фойдаланиш мумкинлигини таъкидлагач, булоқбоши томон шарпасиз юра бошладилар. Олдинда бораётган Заур шаккокнинг нима қилаётганини ўз кўзлари билан кўришни истаётган эди. Агар ухлаётган бўлса орқадагиларга ишора қилади. Туцатлар эса унга ташланиб, қўл-оёғини боғлашади. Пусиб, сас чиқармай белгиланган жойга етдилар. Ана, куфроний майса устида ҳаракатсиз ётибди. Заур уни худди шу аҳволда, шу жойда кўришни тахмин қилган эди.

Сокинлик...

Заур унга аста яқинлашди.

Тбау-уац-Ила жинойатчини унинг қўлига осонлик билан топширди.

Ҳушсиз Урусхоннинг кўзлари юмуқ. Алаҳсираб, нималардир дейди.

Заур қаддини ёғилиб билан кўтариб, иниларига ишора қилди.

– Боғланглар!

Урусхоннинг ҳушсиз эканидан беҳабар туцатлар унга барабар ташланиб, қўл-оёғини боғладилар.

Урусхон уларни ажаблантириб, қаршилиқ кўрсатмади, уйғонмади, ҳатто нималар бўлаётганини сезмади ҳам.

Урусхонни ўзининг бўркига ётқизишди. Тўрт йигит уни кўтарди. Тамби сал нарида ётган милтиқни кўриб, қўлига олди.

– Уни уйимга олиб боринглар, Тбау-уац-Ила бизга марҳаматини ёғдирди. Бугун қасидалар айтамиз. Ўтинни эртага кессак ҳам бўлади.

Заур шундай деб Тбау-уац-Илани улуғловчи қадимий қасидани куйлай

бошлади. Ҳазин оҳангда бўлса-да, киши қалбини ларзага солувчи бу қўшиқ тун сукунати поралаб ташлади. Маросим иштирокчилари шошилмай сўқмоқ томон боришди. Пистирмадагилар қўшиқни эшитишлари ҳамон ўринларидан турдилар-да, эҳтиром юзасидан бош кийимларини ечиб, қўлга олдилар.

Рухонийлар ўрмон этагига яқинлашганларида булут чоки сўкилиб, тўлин ой кўринди. Ҳаракатсиз қора бир нарсани кўтариб келаётган оппоқ кийимлилар ой нурида аниқ кўзга ташландилар.

Ғолибона қадамлар билан ўрмондан чиқиб келган рухонийларни кўрган пойлоқчи йигитлардан бири шодонлик билан:

– У қўлга олинди! – деб қичқирди.

– Шаккок қўлга тушди! – бошқалар шундай деб қичқиришиб, қувончларини ичларига сиғдирилмай милтиқларини баланд кўтарганларича тантана қилдилар.

– Ушланди! Ушланди! – деган шодиёна хабар оғиздан-оғизга кўчди.

Тўпланганлар рухонийлар сафига шошилиб, жўровозда қўшиққа қўшилдилар.

Жар ёқасида ажиб бир манзара намоён бўлди: олдинда оппоқ либослилар, уларнинг изидан қора кийимли ўғлонлар тизилиб боришади.

Қоялардан-қояларга урилиб жаранглаётган қўшиқ Цагат Ламардон аҳолисини уйлари тарк этиб чиқишга мажбур этди. Заурнинг уйи олдидаги майдонча бирпасда одамларга тўлди. Ғолибона ва тантанали юриш иштирокчилари майдончага яқинлашишганда қасида ҳам ниҳоясига етди.

Ярадорни кўтариб келган туцатларнинг ёш ўғлонлари уни аста ерга қўйдилар. Одамлар тўдаси қизиксиниб, ўлжага яқинлашдилар. Бир бола чироқ олиб келиб, унинг юзини ёритди. Ҳеч ким уни танимади.

– Уни менинг қўноқхонамга олиб киринглар. Тепасида икки киши кўриқлаб турсин, – деб буюрди Заур.

Улар ярадорни кўтариб, ҳовлига қадам босишлари билан Золийхон ичкарига, аёллар хонасига қочиб кириб кетди. Қизнинг вужудини жунбишга келтираётган қандайдир куч уни ёрининг яраларини боғлашга, тасалли беришга ундайди. Аммо ночорлик ҳисси ғолиблик қилиб, хонада беркиниб ўтиришга мажбур этади. Нима қилсин, у бечора, эркаклар тарқалишини кутишдан ўзга иложи йўқ.

Томошатаблар тарқалишди. Ғала-ғовур ҳам тинди. Урусхон қўноқхонадаги тўшак устида ҳамон ҳаракатсиз ётибди. Қуролланган икки йигит унинг икки ёнида зийрак турибди. Заур худонинг ғазабини келтирган, туцатларни эса беҳаловат қилган бу нобакорга узоқ тикилиб турди-да, йигитларга буюрди:

– Қаранглар, балки ярасини боғлаш керакдир.

Соқчилар амрни бажаришни пайсалга солмадилар. Заур чиқиб кетмай туриб, Урусхоннинг қўлларини маҳкам сиқиб турган арқонни бўшатдилар. Кейин устидаги кийимларни ҳам ечгач, ярага ёпишиб, қотиб қолган қонли латтани бемехрлик билан юлиб олдилар. Оғриқ зўридан ярадор инграб юборди. Соқчилар энди нима қиларларини билмай ҳайрон турганларида эшик очилиб, Золийхон шошилганича кириб келди. Заур бу ердан чиқиб ярадорга қараш лозим эканини айтганида Золийхон гўё қанот чиқариб учгандай бўлган эди. У келтирган малҳам, тоза мато, илиқ сувни ерга қўйгач, севгилисига ёнига чўққалади. Буларнинг қалб сирларидан беҳабар соқчилар сал наридаги курсига бориб ўтирдилар.

Золийхон нозик ва майин бармоқлари билан ярага малҳам қўйиб, авайлаб боғлади. Ёнбошни яралаган ўқ хавфли эмас, суякка тегмабди. Аммо кўкракка теккани... Золийхон шунисидан хавотирда.

“Ўқ ўпкасида қолганга ўхшайди, – деб ўйлади у. – иситмалаши шундан”.

Золийхон ярадордан хабар олиб туриш учун қўноқхонада қолажагини билдирди. Соқчилар унга қаршилиқ қилишмади.

Эртаси куни ёш руҳонийлар ўтин кесиб келгани ўрмонга йўл олганларида катталар ярадорнинг қисматини ҳал қилиш учун Тамбининг уйида маслаҳатга тўпландилар. Улар ўзларича ҳукм чиқариб, ижро этишга ботина олмайдилар. Қадамжонинг хорлангани, жинойтчининг қўлга олинганини бутун водий аҳли эшитди. Ҳокимиятнинг бу янгиликка бефарқ қарамаслиги аён, демак, туцатлар ўзларича ҳеч нима қила олмайдилар.

Ҳатто Тбау-уац-Ила ҳам жинойтчининг жонини олмай, ўз хизматчиларининг қўлига топширди. Заурнинг фикрича, худо бу куфронийга ўлимдан кўра янада азоблироқ ва даҳшатлироқ жазони тайёрлаб қўйган. Шу сабабли энг маъқул чора – ярадорнинг тузалиши ва Тбау-уац-Иланинг қарорини кутиш.

Шу куниёқ Темир Тўтараев ўғли ҳамроҳлигида Цагат Ламардонга етиб келди. Уларнинг изидан икки баҳайбат ит кўмагида сурувни ҳайдаб келаётган хизматкор овулда тўхтамай қўйларни ўтлоқ сари ҳайдади. Заур ардоқли меҳмонларни ҳовлида кутиб олиб, ўзининг хос хонасига бошлади. Қариялар сўридан жой олдилар, Керим эшик ёнида қолди. Дўстининг ташрифидан хабар топган Зураб ҳам хонага кириб, Керимнинг ёнидан жой олди. Мезбондан амр кутаётгандай ханжари дастасини маҳкам ушлаб, қаддини ғоз тутганча турди.

Руҳоний ота меҳмонини кейинги кунларда юз берган воқеалардан огоҳ қилди. Аммо қизининг жинойтчига таом олиб борганини айтишга тили бормасди. Бу гап сирлигача қолмаслигини, Зураб ҳадемай дўстига ошкор қилишини биларди. Шундай бўлса-да, бу ҳақиқатни айтиш унга ўлим азоби каби туюлди. Мезбон гапини тугатиб, тин олгач, Темир жинойтчини кўришга изн сўради.

Заур унга монелик қилмай, ҳовли орқали қўноқхонага бошлади.

Темир ярадор асирни кўрди-ю, беихтиёр бир сесканди. Ўзини ўша захоти қўлга ололган бўлса-да, синчков Заур ундаги ўзгаришни сезди. Темир орқасига ўгирилиб ҳовлига чиққунига қадар Заур ундан садо кутди. Аммо мезбон муқаддас ўрмон томон тикилганича жим қолди. Заур меҳмонни тирсагидан ушлаб, уйга бошлади-да:

– Уни танийсанми? – деб сўради.

Агар рус жандарми шундай деб сўраганида Темир рад жавобини берар, қоқни ҳеч қачон сотмаган бўларди. Аммо ҳозирги шароитда қиёматли дўстига тўғриси айтиши мумкин. У чуқур хўрсинди-да, Заурга қараб:

– Танийман, – деди.

Заур гапнинг давомини кутиб, меҳмонига савол назарини қадаб тураверди.

– Мен уни абрек бўлмасидан илгари ҳам яхши танирдим. Унинг киндик қони бизнинг овулда тўкилган.

– Демак?.. – Заур шундай деб жим қолди. Темир ҳам гапирмади. Жавобни руҳоний отанинг ўзи айтди: – Урусхонлиги аниқми?

Темир жавоб ўрнига бош ирғади.

– Энди ҳаммасига тушундим! Энди ҳаммаси менга аён бўлди! Тбау-уац-Ила менга, ўзининг содиқ қулига марҳамат қилибди! Худойим Урусхоннинг

боши беш минг рублга баҳоланганини билади-ку, ахир? Бу бойликни худо менга насиб этибди!

Заур ҳаяжон билан шундай дегаҳ, жимиб, ўйланиб қолди: “Аммо мен уни жандармга ўз қўлим билан топшираманми? Беш минг рубль эвазига “сотқин” деган тавқи лаънатга эришаманми? Йўқ. Буниси тўғри келмайди!”

Заур “чорасини сен топ” дегандай дўстига қараб қолди. Темир “бунинг чорасини топишга мен ожизман”, дегандай нигоҳини олиб қочди. Бир оз ўйлангач, Заурнинг ўзи топди бу чорани: у асирини жинойтчи қочоқ Урусхон деб топширмайди, ҳукумат қўлига. Балки ҳужжатсиз, номаълум кимса деб беради. Ҳукуматдигаларнинг ўзлари бошларини қотириб унинг кимлигини аниқлаб олишсин-у, мукофот пулини чўзишсин. Зарур бўлиб қолса уларга озгина ёрдам беришар. Лекин ҳозирча ҳеч ким асирнинг кимлигини билмаслиги шарт. Заур бу қарорини яна бир марта фикр тарозисига солиб кўргач, қочоқнинг номини сир сақлаб туришини дўстидан илтимос қилди.

Темир бу илтимосни ҳеч бир шартсиз қабул этди.

Отасининг имо-ишора орқали берган амрини адо этиш учун Қўрғок тезлик билан отни эгарлади-да, тоғ тепасидаги яйловга қараб йўл олди. Орадан ярим соат ҳам ўтмай эгариди қора қўзи билан қайтди. Ҳовлига кира солиб, отдан чаққон сакраб тушди. Зорланиб маъраётган қўзини эгардан олди-ю, уни ўнгланишига ҳам қўймай, бўғзига ханжар тортиб юборди. Кейин енгини шимариб, чўккалаб олди-да, жониворнинг терисини шилди, ичак-чавоғини ағдариб ташлади. Амр этилган ондан икки соат ўтмай, меҳмоннинг шарафига сўйилган қўзи гўшtidан кабоб тайёр бўлди.

ЎҒИЛ

Шомга яқин Урусхон ҳушига келди, кўзларини очиб, атрофга ҳайрат билан боқди. Эшик ёнида ўтирган қуроли икки йигитни кўрди. Ўрнидан турмоқчи эди, оёқлари боғланганини сезиб, ортиқча ҳаракат қилмади. Яна кўзларини юмди-да, ўзини ухлаганга солди. Аммо онги уйғоқ эди. У бўлиб ўтган воқеаларни эслашга уринди: тўғри, у эҳтиётсизлик қилиб, ўрмондан чиқди, унга ўқ уздилар... лекин, уни алдаган бола...

Урусхон болага ханжар урганини эслаб, мамнун жилмайди. “Сотқинлик учун жон билан ҳақ тўлайдилар... Қизиқ, бу ерга қандай келиб қолдим? Муқаддас ўрмонга кириб мени олиб чиқишга ким журъат этди? Ким мени боғлаб ташлади? Уйқуда эдимми ё ҳушсизмидим? Қанчадан бери ётибман? Чанқадим, оғзимда тупук ҳам қолмабди...”

– Сув... менга сув беринг, – деди у беихтиёр.

Унинг хирилдоқ овози жуда паст эди. Шунга қарамасдан қўшни хонада ўтирган Золийхон паҳлавонининг илтижосини эшитди, шошилганича чиқиб, ярадорга қарамокчи бўлган соқчининг қўлидан истаконни олиб, мис қумғондан сув кўйди-да, бир қўли билан Урусхоннинг бошини кўтарди. Золийхонни кўрган Урусхоннинг кўзлари чақнаб кетди. Сувни ютоқиб-ютоқиб ичди-да, баланд овозда:

– Раҳмат! – деди, кейин овозини пастлатиб сўради: – Мен қаердаман?

– Отамнинг қўноқхонасида, – деди қиз ҳам паст овозда, сўнгра янада ширлаб: – Кейин, кейинроқ гаплашамиз... – деб қўйди.

Бу онда Заур ўзининг хос хонасида Тамби ва Иналдко билан маслаҳатлашиб ўтирарди. У боши беш минг рублга баҳоланган машҳур абрекни Темир Тўтараев таниганини укаларига маълум қилди-да, “Тбау-уац-Ила марҳамат кўрғазиб, содиқ хизматларим эвазига бу мукофот пулини менга лозим кўрди. Агар худойим шуни хоҳламаганида жиноятчини менинг қўлимга топширмай, ўзи жазолаган бўларди”, деб изоҳ берди. Укаларга бу изоҳ маъқул келмади. Гарчи “Худо жиноятчини ўзи маҳв этмай қўлимизга топширди”, деган фикрга қўшилсалар-да, қочокни қўлга олишда барча туцатлар иштирок этганлари сабабли олинажак пул мукофоти тенг тақсимланиши керак, деган талабни ўртага қўйдилар.

Укаларининг талаби Заурга маъқул келмай, баҳс бошланиб кетди.

Заур абрекни биринчи бўлиб кўрганини қайта-қайта такрорлайверди. Укалари эса унга жавобан: “Ёнингда биз бўлмасак, ёлғиз ўзинг унга яқинлашишга журъат эта олмаган бўлардинг, уни ким ушлаб, ким боғлаб, ким кўтариб келди, буни ҳисобга олмайсанми?” деб қаттиқ эътироз билдиришди.

Заур ён босишга мажбур бўлди – олинажак пул мукофотини теппа-тенг тақсимлашга қарор қилдилар.

Дераза ёнида турган Золийхон уларнинг бу баҳсини эшитиб, ғашланди.

Ҳали қўлга олинмаган пул ҳақидаги баҳс ҳал этилгач, Тамби “Биз ҳали йўқ нарсани таллашиб ўтирибмиз. Ҳукумат ваъдасини бажариб, пулни берадими ё йўқми?” деган гумонни ўртага қўйди.

– Мен билан пул талашмай, гапни шундан бошласанг дурустроқ бўларди, – деди Заур норози оҳангда. – Сен шаҳарга тушиб, ўша ердаги катта-кичик амалдорлар орқали бу ҳақда аниқ маълумот тўпла. Биз шунга қараб иш кўрамиз. Агар жиноятчини ҳукуматга абрек сифатида топшириб юборсак, таъна тошлар остида қоламиз. Пул униши аниқ бўлсагина, биз уни ҳарбийлар касалхонасига олиб борамиз, шунда ҳам абрек Урусхонни эмас, муқаддас ўрмонимизни оёқости қилиб топтаган шаккокни, руҳонийлар табақасига мансуб йигитчани ўлдирган қотилни ҳукумат ихтиёрига топширамыз. Шундан кейин ҳукумат вакиллари Урусхонни таниб қолсалар, оиламизнинг айби эмас.

Бу фикр Иналдкога ҳам маъқул келиб, Тамбининг эртагаёқ шаҳарга боришини сўради. Заур эса абрекни биров топа олмайдиган жойга яшириб қўйишини айтди. Шундай иттифоққа келган оға-инилар хотиржам равишда қўноқхонага чиқдилар. Бу ерда Моцко туцатларнинг азиз меҳмони Темир суҳбатлашиб ўтирарди. Керим билан Зураб эса катталарнинг гапларига аралашмай, девор томонда, ханжарлари дастасини омонат ушлаганлари ҳолда тик турардилар.

Заур Иналдко билан кириб, Темирнинг ёнидан жой олгач, ёшлар енгил таъзим қилганларича ташқарига чиқиб, тоққа кўтарилдилар. Чўпонларнинг ҳужраси яқинидаги харсангга ўтириб нафас ростлаб олишгач, Зураб дўстига бўлиб ўтган гапларни бирма-бир баён қилди.

Отаси билан амакиларининг баҳсини ўғринча эшитиб турган Золийхон даҳшатдан қалтирай бошлади. Гарчи гапларни аниқ-тиниқ эшита олмаган бўлса-да, бир нарсани – мукофот теппа-тенг тақсимланишини англади. Демак, унинг севгилисини ҳукумат жаллодлари қўлларига топширишмоқчи! Қўшни хонадаги тортишув барҳам топгач, Золийхон изига қайтди. Унинг хаёлида фақат битта аҳд чарх урарди: Урусхонни қутқариш керак! Кечгача от ҳозирлаб қўйса, тунда бандиликдан бўшатиб қочириб юборади. Урусхоннинг Сибирга жўнатилишига сира ҳам йўл қўймайди!

Соқчилар Урусхоннинг ёнида чекиб ўтиришибди. Бир қадам ҳам нари кетиш йўқ. Қани эди, Золийхон севган ёри билан бир нафасгина бўлса-да, холи қололса! Қиз худди чўғ устида ялангоёқ тургандай безовталанади. Урусхон ярим юмук кўзларини унга тикиб, хавотирини, гапини айтишга фурсат тополмай қийналаётганини сезди. Урусхон қизнинг безовта кўзларига қараб, мақсадини уқишга тиришди. Севгилисининг хавотири бежиз эмаслигини билиб, бошига ёғилиши мумкин бўлган бало дўлига шай туриши шартлигини англади.

Ташқаридан таомланиш вақти етгани маълум қилиниб, Золийхон амакисининг қизи Салимат кўмагида соқчиларга дастурхон тузади.

– Овқат тайёр, – деди Золийхон соқчиларга қараб. Уларнинг имиллаб кўзғалишлари, дастурхон атрофидан жой олишларини тоқат билан кутди. Кейин уларнинг ижозати билан ярадорга таом билан сув келтирди. Урусхоннинг бошини авайлаб кўтариб, сув ичираётганда шивирлаб, хатардан огоҳ қилди.

Сув ичиб бўлган Урусхон қалқиб кетгандай йўталди-да, секингина шивирлади:

– Баҳона топиб битта соқчини чиқариб юбор, менга пичоқ бер.

Золийхон топшириқни англаб, ташқарига чиқди. Дам ўтмай жун чойшаб кўтариб кирди.

– Кечаси совуқ бўлади, – деди у соқчиларга изоҳ бериб. Кейин жун чойшабни авайлабгина ярадор устига ёпди. Жун чойшаб қатига яширилган пичоқ Урусхоннинг ёнига тушди.

Абрек жони қайтариб берилгандай қувониб, пичоқ дастасини маҳкам сиқди. Сўнг сездириб қўймасликка тиришиб, оёғини сиқиб турган арқонни аста қирқа бошлади. Золийхон эса кичкинагина хонтахта устига пиширилган қўй гўшти қўйди-да, қўшни хонадаги меҳмонларга элтиб беришни соқчилардан бирига илтимос қилди.

Урусхон хонадаги ҳар бир ҳаракатни зийраклик билан кузатиб ётди. Ҳукумат одамлари қўлига тушишни сира-сира истамаётган Урусхон жонини сақлаб қолишнинг минг бир йўлини изларди. Ниҳоят топди! Ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайдиган дадил режа тузди: энг аввало қандай қилиб бўлса-да, аёллар бўлмасига кириб олиши шарт. Ана шунда кавказликлар одати бўйича ўғиллик ҳуқуқига эришади-ю, руҳоний ота уни ҳукумат одамлари қўлига топшира олмайди!

Аёллар бўлмасига ўтиб олиш айтишга осон. Аслида устара тиғи бўйлаб ялангоёқ юришдай гап бу. Ё – ўлиш, ё – қолиш! Аёллар бўлмасига киришга интилган ҳар қандай бегона эркакнинг ўлим топишини у яхши билади. Жони гаровда, бироқ бошқа чораси ҳам йўқ. Фурсат етди: арқон қирқилди, хонада соқчининг бир ўзи қолди. Золийхон фурсат ғаниматлигини англаувчи ишора қилди. Соқчини ушлаб қолишга ҳаркат қилишини кўз қараши билан билдирди.

Урусхон фурсатни қўлдан бой берувчи ландавур йигитлардан эмасди. У яра азобини ҳам унутиб, ирғиб ўрнидан турди. Буни кўрган соқчи унга ҳамла қилай деганида Золийхон худди хушдан кетгандай ўзини унинг қўлларига ташлади. Соқчи нима воқеа юз берганини англашга улгурмай, Урусхон унинг устига жун чойшабни отиб, Золийхон кутгандай ҳовли томон эмас, хонадон бекасининг хонаси томон югурди.

Дераза ёнидаги курсида ўтирган ожиза бека шарпадан чўчиб тушди. Аммо Урусхон унинг туришига йўл қўймади. Бир қўли билан уни елкасидан қучиб, иккинчи қўли билан қўйлаги тугмаларини узиб ташлаб, кўкрагини очди. Кам-

пир унга қаршилиқ кўрсатишга ожиз, бақиршдан бўлак иложи йўқ эди. Ҳаёти қил устида турганини билган Урусхон эса режасини амалга оширишга ошиқарди. Сийнабандни юлқиб узиб олгач, кампирнинг қуриб кетган, ажин босган кўкраги кўринди. Урусхон ожизани икки қўли билан маҳкам кучди-да, лабини кўкракка босиб, бир неча бор эмди. Режаси амалга ошгач, ҳаяжон ва ҳаракатдан ҳолсизланганича кампирнинг тиззасига бош қўйди.

– Мен сени эмиб олдим, энди мен сенинг ўғлингман! – деди у заиф товушда.

Урусхон буни айтмаса ҳам кампир қоғказлиқлар одати бўйича шундай бўлишини биларди. У дастлабки кўркүвдан қутулиб, ўзини босишга ҳаракат қилди. Кўкрагини беркитишга уриниб:

– Сен кимсан? – деб сўради.

– Мен бир бахтсиз одамман, қочоқман, – деди Урусхон ғамли овозда.

– Ўрмонда қўлга олинган шаккоқ сен эмасмисан? – деди кампир, уни ўзидан нари итариб.

– Одатимиз бўйича мен энди сенинг ўғлингман, – деб такрорлади Урусхон, – энди мендан бундай гапларни сўрама.

Шу онда ханжар яланғочлаган Заур ва унинг укалари хонага бостириб киришди. Урусхон ўнг қўли билан курси суянчиғини ушлаб ўрнидан турди. Қалтис ҳаракат қилганидан кўкрагида яра очилиб кетган эди. Баданидан илиқ қон оқа бошлаганини сезса-да, бунга аҳамият бермай ғазаб оташида кўзлари чақнаётган Заурга тикилди:

– Мен уй эгасининг хотинини эмиб олдим, – деди у дадил гапиришга интилиб, – илоҳий қонунга кўра энди мен сенинг ўғлингман!

Заурнинг ночор қалби икки тўлқин орасида қалқиб қолди: бу қандай бедодлиқки, қадамжони оёғости қилган шаккоқ, қизини йўлдан урган аблах, жиянини ўлдирган қотилнинг жазодан қутулиши камлик қилиб, энда ўғиллик даъвосини қилиб турса!? Бу ҳам етмагандай ҳукуматдан умид қилинган беш минг рубль пул мукофоти ҳам сомон хасларидай совурилиб кетяпти. Наҳотки Тбау-уац-Ила бундай фожиага йўл қўйса?

Шу алам ўтида куя бошлаганида ҳаёлига бошқа, нурлироқ фикр келди:

“Ҳа... Бу Тбау-уац-Иланинг жазоси. Бу куфроний менга ўғил бўлиш баҳонасида жонини қутқариб оляпти. Лекин муҳаббатининг барбод бўлганини ўйламаяпти. Шу ондан бошлаб у менга ўғил бўлса, қизимга ака! Ака билан сингилнинг қўшилиши эса ақлга сиғмайди! Тбау-уац-Иланинг ҳукми шундай!” Бу ҳукмдан қувонган Заур унга қўл узатди:

– Сен ўғиллик ҳуқуқига эриша олдинг. Энди сен менга ўғил, буларга укасан!

Бошқа тузатлар бу “янги қариндош”ни бунчалик тез тан олишни ишташмаса-да, бобокалонларидан мерос одатга қарши чиқишга ботина олишмади. Мероснинг муқаддаслиги улардаги ғазабдан ва қасос ташналигидан устунроқ чикди. Улар бирин-кетин Урусхонга яқинлашиб, ака-укалик риштасини боғлаш аломати ҳисобланган одатни бажардилар – бир неча нафас илгари душман ҳисобланган йигитнинг ўнг қўлини сиқиб кўришдилар. Энг охирида Тамба қўл узатди. Кичик ўғлига ханжар санчган қўлни дўст сифатида ушлашдан кўра ўлим азобига чидаш осонроқ бўлса-да, муқаддас одатга бўйсуниб бурчи устунроқ эди.

Заур Урусхон боғланган арқоннинг кесилганини кўргач, бу ишда қизининг қўли борлигини сизди. “Ёшларнинг юракларини чирмаб турган муҳаббат ипи

қариндош тутиниш билан осонгина узила қолмайди”, деб ўйлади Заур. Бир неча дақиқа илгари Тбау-уац-Иланинг жазосидан мамнун бўлган руҳоний ота энди хушёр тортди. “Муқаддас одатимизга биз амал қилдик. Қадамжони хорлашдан қайтмаган бадкирдор ака-сингиллик чегарасини тан олармикин? Буни тезроқ узоқ ерларга жўнатиб юбориш зарур”, деган қарорга келиб, Урусхонга аҳдини маълум қилди:

– Тбау-уац-Ила бу ердан тезроқ кетишингни хоҳлаяпти. Сен соғайиб, кучга киргунингга қадар бегоналарнинг кўзи тушмайдиган жойда ёта турасан.

Урусхон қарорни охирига қадар эшита олмай, хушдан кетди. Уни Заурнинг кўноқхонасига олиб чиқиб, жойига ётқиздилар. Бошқалар чиқиб кетишгач, Заур унинг ярасини қайтадан боғлаб қўйди. Кейин укаларига аравани ҳозирлашни буюрди. Сўнг ярадорни авайлаб кўтариб чиқдилар-да, аравага ётқиздилар. Моцко хушсиз абрекнинг ёнига ўтириб, жиловни қўлига олди. Дори-дармон ва егулик таом ҳам аравага қўйилгач, икки ёш туцат қўшимча буйруқни кутмай, чаққонлик билан отларига миндилар-да, уларга ҳамроҳ бўлдилар. Моцко бошқараётган арава аввалига илонизи йўлдан пастга қараб юрди, кейин эса шовқинли ва асов Қизилдон ёқалаб овулдан узоқлашгач, Тбау чўққиларини мўлжаллаб, юқорига кўтарила бошлади.

Бир неча соатлик йўл азобидан сўнг ён-атрофда ўт-ўлан кўринмай қолди. Гўё тошу харсангдан иборат ўлик салтанатга кириб қолгандай бўлдилар. Айрим харсанглар остида аранг кўриниб турган кўкатларгина бунда ҳаёт борлигидан дарак бериб қолардилар. Тақир-тукур араванинг силкиниши ва тун салқини таъсир этиб, Урусхон ҳушига келиб, тўлин ойнинг сутдай нурига чўмилган ўлик тоғу тошларга аланглаб қаради.

– Муқаддас тоғимизга етиб келдик, – деди Моцко унга бир қараб олиб. – Бу ерга киришга фақат бизнинг авлодимизгина ҳақли. Сен Заурга ўғил бўлдинг, энди бизнинг авлодимиздансан. То соғайгунингча шу ерда яшайсан.

Яна бир оз юришгач, йўл дара томон бурилди. Тик қоялар нақ осмонга қадалиб қолгандай туюлади. Баҳайбат харсанглар шу жойда йўлни шартта тўсган. Жилов тортилмаса ҳам от ўз-ўзидан тўхтади. Моцко аравадан сакраб тушиб, дори-дармон ва таом ўралган тугунни қўлига олди. Жиянлари ҳам отларидан чаққон сакраб тушиб, унга яқинлашдилар.

– Уни отга миндиришлар, – деб буюрди у, Урусхонга қараб олиб. – Биттанг отнинг жиловидан тут. Биттанг ярадорни ушлаб кетасан, яна йиқилиб тушмасин, эҳтиёт бўлларинг. Мен олдинда бораман.

Жиянлар чурқ этмай, амрни бажаришга киришдилар: отлардан бирини аравага боғладилар-да, иккинчи отга Урусхонни миндириб йўлга тушдилар. Харсанглар орасидаги сўқмоқдан юқорилаш осон бўлмади. Юлдузлар салтанатига санчилиб қолгандай турган мағрур чўққилар ой нурини ҳам тўсди-ю, атрофни қоронғилик босди. Улар яккатовон йўл азобига бардош бериб, дўнгликни айланиб ўтдилар-да, ясси майдонга чиқдилар. Бу ердан водий кафтдагидек кўриниб турарди.

Урусхонни отдан тушириб, катта ғор оғзи ёнидаги харсангга суяб ўтқазишди.

– Рўздор руҳонийлар бу ерда илоҳий кечани тоат-ибодатда ўтказадилар, – деб тушунтирди Моцко. – Бу ерда сен бежавотир яшашинг мумкин. Бу жойни фақат туцатларгина билишади. Кучга кириб олгунингча шу ерда қоласан.

Урусхонни кўтариб, ғор ичкарасига олиб кирдилар.

– Энди мана шу хазону хашак сенга юмшоқ тўшак бўлади, – деди Моцко, уни суяб, кейин жиянларига буюрди: – бўркни тўшанглар.

Топшириқ бажарилгач, Урусхонни ётқиздилар.

– Ана энди дамингни олавер, – деди Моцко. – Тугунда таом билан доридармон бор. Шишадаги сув бир кунга етади. Кундузи қуёш кўтарилганда ташқарига чикиб ёт. Бу ернинг ҳавосида тез кунда қувватга қирасан. Бу йигитлар ҳар куни нон-сувингдан хабар олиб туришади.

Моцко “гап тамом” дегандай ташқарига йўналди. Аммо ғор оғзида тўхтаб, орқасига ўгирилди:

– Биз – туцатлармиз! Бобокалонларимизнинг қонунини биз учун муқаддас! – деди у ғурур билан.

Урусхон уларга миннатдорлик билдирди, йигитлар ғордан узоқлашмай туриб яна ҳушидан кетди.

РОЗИЛИК

Бу хонадонга аламу ташвишлар келтирган ярадор Урусхон ортилган арава ҳовлидан чиққач, Заурнинг кўнгли сал жойига тушди. Қизининг абрекка бўлган муҳаббатига чек қўйилганига ишонч ҳосил қилиб, енгил тин олди-да, Темир билан Иналдко ўтирган хос хонасига кирди.

– Темир, – деди Заур, афсус билан, – эшитгандирсан?

– Ҳа, ҳозиргина Иналдко айтди, – деди Темир норозилигини яширмай, кейин пичинг билан қўшиб қўйди: – Ўғлинг кўпайибдими?

Заурга бу пичинг малол келса ҳам эътибор бермасликка ҳаракат қилди. Кўзини ердан узмай:

– Бу Тбау-уац-Иланинг хоҳиши, унинг ҳукми олдида бизлар ночормиз, – деди.

– Энди уни нима қилмоқчисан?

– Уни... беҳатар жойга жўнатдим. Хабар олиб турамиз. Тез кунда қувватга кириб олгач, боши оққан томонга кетаверади.

Қўрғок мўъжазгина хонтахта кўтариб кирди. Хонтахта ўртасига қўйнинг қайнатилган калласи, атрофига эса ёғоч сихга терилган кабоб, бутунича пиширилган сон гўшти, истакон ва нон қўйилган эди.

Тоғдан қайтиб тушган Зураб билан Керим хос хонага кириб, дастурхонга яқинлашмай, яна девор томонда ханжарлари дастасини ушлаганларича тик турдилар.

Заур чап қўлига истакон олиши билан сергак турган Қўрғок шиша пўкагини очиб, уйда тайёрланган қўлбола ароқдан қўйди. Рухоний ота ўнг қўлига бир сих кабобни олгач, осетинларга хос дуоларни ўқий бошлади. Девор томонда турган ёшлар “Омийн!” деб уни қувватлаб туришди.

Шундан сўнггина меҳмондорчилик бошланди. Ханжарлар қиндан суғурлиб, ҳар бир киши ўзи учун гўшт бўлақларини кесиб олди. Ханжар таомланаётганлар учун бу сафар санчқи вазифасини бажарди.

Катталарнинг меҳмондорчилиги якун топгач, ёшлар овқатланиш учун қўшни хонага чиқишди. Заур Золийхоннинг жиноятчига ёрдам берганини, овқат билан таъминлаб турганини Темирга айтсамми ё айтмасамми, деб узоқ му-

лоҳаза қилди. Ўйлай-ўйлай охири қисқа тарзда маълум қилиб қўйишни лозим топди. Нохуш хабарни қийналиб айтган Заур гапини: “Бўлар иш бўлиб ўтди. Агар бебошлик қилиб кўнгил қўйган бўлса ҳам, энди улар ака-сингил. Кўнгил хоҳиши шу билан ўлди”, – деб якунлади. Бу хабардан кейин иккови ҳам жим қолишди. Темирнинг жимлигидан фойдаланган Заур яна тилга кириб, яқин кунларда совчи келгудай бўлса, энди қуруқ қайтмасликларини билдириб қўйди.

Темирга бу хабар ёқмаган бўлса-да, Заурнинг кейинги хулосаси маъқул келиб, ўз қарорини маълум қилди:

– Мен Керимга айтаман, бу ишни энди кечиктириб бўлмайди. Эртага тонг отиши билан Зураб яна қизингга учрайди.

Бу аҳдни эшитгач, Заурнинг елкасини босиб турган ғам қояси ағанагандай бўлиб, енгил тортди. Шу қарор айтилишини кутиб тургандай, қарияларга ўрин тўшаш мақсадида хонага Золийхон билан Салимат кириб келдилар. Темир бўлажак келинининг ҳаракатларига зимдан разм солиб турди. Унда кўнгилни хира қиладиган унсур ёки ота ризолигига қарши исён ўтини кўрмагач, кўнгли хотиржам топди. Қизлар вазифаларини бажариб чиқиб кетишгандан сўнг Заур меҳмонининг ечинишига кўмаклашди. Бу орада Қўрғок кириб отасининг этигини тортиб қўйди. Заур меҳмонни кўрпага ўраб, унга хайрли тун тилади.

Қарияларга ўрин тўшаб чиққан Салимат қўшни хонада овқатланиб ўтирган Керим билан Зурабга энг охири янгиликни – абрекнинг ўғил ҳуқуқига эга бўлиб қолганини, уни бу ердан номаълум томонга олиб кетишганини билдирди. Керим “Бу қанақаси бўлди?” деган маънода дўстига ажабланиб қаради. Бу янгиликдан мамнун бўлган Зураб “йўлимиздаги энг асосий тўсиқ олиб ташланибди!” дегандай мийиғида кулиб қўйди.

Тонг отиши билан Керим отасига учраб, ҳозирок Кадгаронга бориб, мўтабар қариндошларидан бир нечтасини Цагат Ламардонга совчиликка йўллашини илтимос қилди. Золийхоннинг Урусхонга муносабати Темирни бир оз хавотирга солиб турган бўлса-да, ўғлининг раъйини қайтармади. Аммо одатга мувофиқ аввал қиздан ризолик олишни талаб қилди.

Ота-ўғил совчилик масаласини ҳал қиладиган пайтда ичкари уйда Заур қизи билан худди шу мавзуда гаплашаётган эди. Салимат уйига чиқиб кетган, ожиза кампир эса дераза ёнидаги курсисида уларнинг гапларига қулоқ солиб, жимгина ўтирарди.

– Золийхон, – деди ота босиқ оҳангда, – сен абрека яна ёрдам бердинг. Арқонни ким кесганини билмайди, деб ўйлаяпсанми?

Золийхон жавоб бермайди. Қайсар қизнинг кўзлари қатъийлик билан ёнади. У ўз муҳаббатини ҳимоя қилиш учун курашмоғи лозимлигини билади. Севгилисидан фақат ўлимгина айириши мумкинлигини отасига айтгиси келади. Бироқ фарзандлик бурчими ё қизлик ҳаёсими, гапиришга йўл қўймайди.

– Золийхон, мен сени айбламоқчи эмасман, – деди Заур оғир тин олиб, – сени Тбау-уац-Иланинг ўзи жазолайди. Сени бу жазодан асраб қолишга мен ҳам ожизман.

“Ҳа, бу турган гап, жазо олишим тайин”, деб ўйлайди нодон қиз.

– Шаккокка кўнгил қўйганинг учун, у малъунга ёрдам берганинг учун ҳам жазолайди, – деб илова қилди Заур.

“Гуноҳим шунинг ўзигина бўлса қанийди, мен қадамжога ҳам киришга журъат этдим”, деб ўйлайди гуноҳкор қиз.

– Кўзларинг айтиб турибди: уни ҳали ҳам севасан. Сен муҳаббатнинг нечоғли телба эканини ҳис қилмаяпсан. Эсингни йиғ, тентак севгининг оловидан эҳтиёт бўл, куйиб қолма! Ҳозирданоқ худонинг қаҳрига учрадинг. Сени деб бутун уруғ-аймоғимиз шармандаи шармисор бўлди. Агар шу нафасдан бошлаб у куфронийдан воз кечмасанг, уни энди акам демасанг, билиб қўй, худонинг қаҳри сени изма-из таъқиб этаверади. Кўргилигинг фақат ва фақат ғам-қайғу бўлиб қолади!

Бу огоҳлантиришдан сўнг Золийхон отасига итоат этгандай бошини эгди. Аммо у бу онда отаси ҳузурида эмас, ўзининг аламли тақдири олдида таслим бўлган эди. Унинг лабларидан Заур кутмаган сўзлар учди:

– Тақдирим ёзуғидан қочиб қутула олмайман, ҳаёт роҳати энди менга бегона, қолган умримни азоб-уқубатда ўтказишимни билиб турибман, – деди у ажиб бир мусикий ғамгинлик билан. Кейин бошини кўтарди, аҳдини дадил айтди: – Мен ундан воз кечолмайман!

Заур ўзини босолмай, ғазаб билан ўрнидан туриб кетди:

– Тентак! Нима деяётганингни биялпсанми? Энди у сенинг севгилинг эмас, идрок қиялпсанми – энди у аканг! Ўз акангни севмоқчимисан? Ҳеч қачон бундай бўлмаган, бўлмайди ҳам!

Бу таъкиддан сўнг у чўчиб тушди. Дарвоқе, бу ҳақда ўйламаган экан-а! Урусхон ўз жонини сақлаб қолиб, муҳаббатларини эса азобли ўлимга ҳукм қилиб қўйибди-ку?!

Заур қизининг сукут сақлаб, ўйга толиб қолишидан фойдаланиб, гапини кескинроқ оҳангда давом этди:

– Акасига муҳаббат изҳор этиш бахтиқароликнинг ўзгинаси! Майли, мен шармандалик балчиғига баттар булғанайин, майли, онанг шўрлик беҳаё қизининг дардида эзилиб адо бўлсин! Бизни ўйламай қўяқол. Лекин севгингдан кечмасанг, Урусхоннинг бошига бундан беш баттар балолар ёғилади. Кулфат ботқоғига ботиб, ит азобида ўлади у! Сенга шу керакми?!

Қиз “йўқ”, деган маънода бош чайқади: Урусхонга аталган балолар унинг бошига ёғила қолсин! Отаси буни тушунармиди?

Заур буни тушунмасди, тушунишни ҳам истамасди. Шу боис қизини аччиқ гаплар савағичида савалашни давом этди:

– Унинг ўзи била туриб шундай қилди. Унга “ўғлим бўла қолгин”, деб таклиф қилганимда мендан ўпкаласанг бўларди. Унинг ўзи сенга эр эмас, ака бўлишни хоҳлаб аёллар бўлмасига кирди. Бунинг учун уни айблама. Урусхон ақлли одамнинг ишини қилди, отасига раҳмат! Сени ғавғолардан озод этиб, бахтли турмушинг учун шароит яратиб берди.

Золийхон отасининг бу гапларини маъқуллай олмасди. Жон аччиғидаги Урусхоннинг танлаган йўли оқибатини ўйлаб кўрмаганлигига у аниқ ишонади. Золийхон отасига эътироз билдиролмай онасига нажот кўзи билан қаради. Йиллар давомида эрига бирон марта эътироз билдирмаган, урф-одатлар талабига ҳамиша бўйсуниб яшаган ожиза кампир бу онда нима қилсин? Бош ирғаб, тасдиқ ишорасини қилишдан ўзга чораси йўқ-ку... Қизини ҳимоя қилиши учун бирор асоси борми унинг?

Золийхоннинг онасидан нажот кутиши саҳродаги ташна одамнинг булутсиз осмондан ёмғир исташи каби амалга ошмас ҳолат эди. У бошини эгиб, чорасиз одамнинг овозида пичирлади:

– Ота, мен уни унута олмайман. Унутишга қурбим етмайди.

“Гапларим таъсир қияпти, қизим ўз хаддида туради, итоатда бўлади”, деб умид қилаётган Заур бу гапдан кейин вулқон каби портлаб кетди:

– Сен уни унутишга мажбурсан! Бу фақат менинг истагим эмас, бу – тақдир тақозоси! Урусхон ҳам шундай бўлишини хоҳлайди. Чунки бу Тбау-уац-Иланинг қарори! – Шундай деб қизи томон бир қадам қўйди: – Буни худонинг бир жазоси деб қабул қилсанг ҳам бўлади.

Золийхоннинг бардош жоми тўлиб-тошди. Энди чидай олмади:

– Она, онажон! Менга ёрдам бер! Мени бу балолардан қутқар! – деб фарёд қилди-ю, ожиза қаршисида тиз чўқди, паноҳ истаб, бошини унинг тиззаларига қўйди.

Она жабрдийда қизининг бошини меҳр қўллари билан силади. Нурсиз кўзлари ёшланди.

– Золийхон, қизгинам, отангнинг сўзидан чиқма, – деди титроқ овозда. – Шундай қилсанг Тбау-уац-Иланинг қахридан ўзинг ҳам қутуласан, севганингни ҳам балолардан асраб қоласан. Аввал севган бўлсанг ҳам, энди бу ёғига уни ўз аканг ўрнида кўришинг керак. Бошқа чоранг йўқ.

Ожизанинг хаста овозини Заурнинг дағал товуши босди:

– Тбау-уац-Ила сени Керимга хотин бўлишингни ирода этган. Сен энди худо билан баҳслашмоқчимисан? Худо қаршисида ким эканингни унутяпсанми?

Унинг бу сўзлари кеч топилиб, эрта йўқотилаётган муҳаббатни ўлимга ҳукм қилувчи аҳд бўлиб жаранглади. Бу ҳукм жаранги деворларга урилиб янада кучлироқ акс садо бергач, гўё ҳисобсиз найзаларга айланди-ю, севги оташида куяётган қиз қалбини илма-тешиқ қилиб юборди.

– Ҳадемай Зураб келади. “Керим совчиларни юбораверсинми?” деб сўраса қайсарлик қилиб ўтирмай “хўп”, деб жавоб берасан, уқдингми?

Қиз норозилигини бош чайқаш билан ифода этди.

– Сен “хўп”, деб розилик берасан, – деб янада қатъий оҳангда таъкидлади руҳоний ота. – Худо уни сендан ажратиб, кўз илғамас узоқларга кетишини ирода қилди. Худонинг унга атаб қўйган жазосини юмшатаман, десанг “хўп” дейсан.

Кейинги изох Золийхонни тамоман енгди. У отасининг ҳукми адолатли эканини тушунди. Аммо тан олишга қурби етмади. Ақли кўнгани билан беҳаловат юраги норози эди.

– Худодан кўркишинг керак, – деб давом этди Заур. – Онанг билан менга, яна... аканг Урусхонга бўлган меҳринг ҳаққи-ҳурмати розилик берасан. Унинг ҳаётини тавқи лаънатлардан қутқариб, умрбод бахтли ҳаёт кечириши учун ҳам муҳаббатингни қурбон қилишинг керак!

Иложсиз қиз енгилганини тан олди. Бироқ буни сўз билан ифода этишга ўзида куч топа олмади. Заур бир оз сабр қилгач, яна сўради:

– Хўпми?

– Хўп, – деб шивирлади қизнинг жонсиз лаблари, – Урусхон, сен учун, фақат сен учун “хўп” деяпман...

ЖОНСИЗ ЖОН

Заур муддаосига етиб, чиқиб кетгач, Золийхон онаси билан қолишни, унга ҳасрат қилишни истамеди. Унинг кўнгли алҳол ёлғизликни кўмсарди. У ўрнидан аста турди-да, ён томондаги кичикроқ хонага қараб юрди.

Золийхон алангаси кўкларга ўрлаётган икки гулхан орасида қолди. Ақл билан руҳ уни исканжага олиб, дўзах азобига сола бошлади.

“Энди унга сенинг муҳаббатингдан сира-сира наф йўқ. Унинг ўзи сени бу балодан халос этди. У худонинг қахру ғазабига дучор бўлмаслиги учун сен севгингни қурбон қиласан”, дейди ақл.

Шунда руҳ фарёд уради:

– Йўқ, йўқ! Мен уни унутолмайман, унутолмайман! Жонимдан кечаман, лекин ундан юз ўгира олмайман!

Азобдаги руҳга ширин хотиралар мадад бера бошлайди. Кўзларини юмди...

Меҳмонхонадаги ўчоқ рўпарасида калта сочли хушсурат йигит ўтирибди...

Унинг қўшиқлари қалбни ларзага солади...

Шундай қўшиқлар куйловчи азамат наҳот уни ўз хоҳиши билан ташлаб кетди?

Бу фикр унинг ўлимтик юрагидаги жонни суғуриб олгандай бўлди. Инграб юборди. Кейин... яна хотиралар уни илк муҳаббатнинг ҳузурли дамларига қайтарди...

Йигитнинг ҳароратли бўсалари... Кучли билаклари билан маҳкам кучоқлаб олишлари... Кейин ўрмон... ойдин кеча...шундайгина булоқ бўйидаги майса устида ўтказилган тотли соатлар. Наҳотки ҳузурбахш дамлар йўқлик оламига чўкиб, қайтмас бўлиб кетди?

Ҳа... ҳаммаси тамом бўлди. Энди тотли нафаслар учун ҳақ тўлаш вақти етди. Ҳақиқий бахт бўлиб туюлган у дамлар энди қон талаб қияпти. Қон... қон...қон...

Золийхон шу ҳолатда ўтирганида Қўрғок кириб, уни икки ўт балосидан қутқарди. Синглисига имо-ишора қилиб, сув келтириши лозимлигини билдирди. Золийхон унинг ишорасига итоат этиб ўрнидан турди. Сув олгани пастга қараб тушаётганида йўлида Зураб пайдо бўлди. Зураб қизни тасодифан учратиб қолгандай ажабланиб қаради. Золийхон сув келтириш баҳона эканини англаб, унинг қарашига эътибор бермади.

Зураб дўсти Керим ва унинг муҳаббати ҳақида узоқ гапирди. Қалби Урусхон севгиси билан банд қиз бу гапларни ҳушсиз эшитди. Зураб ишқ ғавғоси хусусидаги баёнини тугатгач, “совчилар келаверишсинми?” деб сўради.

Золийхон розилик ишораси сифатида бошини эгди. Бир нарсга томоғини бўғиб олгандай “ҳа”, дейишга қурби етмади. Зураб учун бош эгилишининг ўзиёқ кифоя эди. У қувончли хабарни тезроқ дўстига етказиш учун орқасига қайтди. Қиз унинг изидан қараб ҳам қўймади. Бошини қуйи эгганича йўлида давом этди.

“Нима қилиб қўйдинг-а! Нима қилиб қўйдинг?” дейди юраги ярадор куш каби потирлаб.

“Нима қилишим шарт бўлса ўша ишни қилдим!” – деб жавоб беради ақли.

Дўсти келтирган хушxabардан кўнгли кўтарилган Керим ўша заҳотиёқ Кад-

гаронга жўнади. Овулдаги баобрў қариндошларига учраб, Заур Туцат қизига уйланиш нияти борлигини билдирди. Эртасига эса совчиларни бошлаб Цагат Ламардонга қайтди.

Заур совчиларни иззат-икром билан қаршилаб, алоҳида лутф кўрсатиб, Темир жойлашган хос меҳмонхонасига бошлади. Меҳмонлар кутиб олинаётган пайтда Қўрғок ўз вазифасини адо этди: тоғдан қўй келтириб, сўйди.

Совчиларга аталган меҳмондорчилик охирлаб қолганда Заур томонидан қақирилган барча туцатлар бирин-сирин кириб келдилар. Салом-алиқдан сўнг икки уруғ орасида қалин пули миқдорини келишиб олиш учун бозордаги каби олди-сотди бошланиб кетди. Арзимас ишдай туюлган бу жараён бутун кеча давом этди. Бу каби масала ҳал этилаётганда кексалар ўтирган жойларида хотиржам равишда баҳс юритадилар. Ёшлар эса суҳбатга аралашмай девор томонда турнақатор тизилиб, ханжар дастасини ушлаганларича қимир этмай турадилар.

Қуёш водийни нурга чўмдириб кўтарилганига икки соатдан ошса-да, туни билан давом этаётган баҳснинг охири кўринмасди. Ёшларнинг сабр косалари тўлиб, “бўлди-да энди, бир тўхтамга кела қолинглар”, дегилари келиб турса-да, одат талаби ва одоб чиройи юзасидан лом-мим демайдилар. Норозилиklarини ҳатто кўз қарашлари билан ҳам ифода этмайдилар. Шундай қотиб туришдан лаззат топаётгандай, қарияларнинг баҳсига мутлақо қизиқмаётгандай ҳайкал мисол тураверадилар.

Туцатлар оилаларининг обрў-эътибори, қадимий аслзодалар авлоди эканликларини қанчалик писанда қилишмасин, қизларининг гўзал ва оқила энг муҳими – соғлом эканлигини мақтаб, қалин пули миқдорини оширишга қанчалик уринишмасин, Тўтаревлар Золийхоннинг ифбатли қизга хос бўлмаган айби ҳам борлиги, яъни абрека ёрдам берганини баъзан пичинг, баъзан эса тагдор гаплар билан эслатиб, уларни лаб тишлашга мажбур қилиб туришди. Ниҳоят ҳар икки томон қалин пулини икки юз эллик рубль миқдорида белгилаб, баҳсга якун ясади.

Олди-сотди тугагач, Тамби издиҳом аҳлининг топшириғи билан Золийхоннинг розилигини олгани аёллар бўлмасига чиқди.

Салимат билан унинг синглиси Оминат бу кеча Золийхон билан бирга бўлиб, унинг ясан-тусанига кўмаклашиб ўтиришган эди. Оч-қизғиш рангли миллий либос қизга жуда ярашган эди. Лекин Тамбининг кўзига жияни ғоятда бемор ҳолда кўринди. Қон қочган юзларига қараб, унга ачинди. Шу боис дафъатан гап бошлай олмади. Жиянига бир оз тикилиб турди-да, сўнг меҳрибон ота овозида сўради:

– Керимга турмушга чиқишга розимисан?

Шундай деб сўрашга сўради-ю, “яна “йўқ!” деб инкор этса-я?” деб чўчиди.

Қиз уни хавотирдан қутқариб, бошини эгди. Худди шабада шивири каби эшитилар-эшитилмас овозда жавоб қайтарди:

– Отам нима деса – шу. Мен ота измидан чиқмайман.

Шундай деб бошини кўтарди. Унинг юзи энди ўликнинг рангидай оқариб кетган эди. Агар Салимат уни ушлаб қолмаганида хушсизланиб, йиқилиб тушарди. Тамби хушxabарни етказиш учун чиқиб кетгач, Салимат билан Оминат Золийхонни ўрнига ётқизишди. Икки опа-сингил нима қиларларини билмай, хавотирга тушишганда, Золийхон кўзларини очди. Лекин унинг кўзларида ҳаёт нишонасини билдирувчи нур йўқ, ҳиссиз боқарди. Шу ондан бошлаб Золийхон

тошмисол бўлиб қолди. Ҳамма нарсага ҳиссиз, эътиборсиз боқади, айтилаётган гаплар қулоғига кирмайди.

Туйғулари қора ерга кўмилган Золийхон тунни кўз ёшлари билан қарши олди. Йиғлай-йиғлай чарчаб, ухлаб қолди. Тушида Урусхонни кўрди: унинг азобларини ўзига олганмиш. Тонг отганда уйғонди. Энди у ёруғ дунёда кўз очиб юрган бахтиқаро қиз эмас, балки уйқусидагина яшаётган жонсиз жон эди. Унинг назарида бўлиб ўтган, бўлаётган воқеаларнинг барчаси даҳшатли тушда кечаётган эди. Фақат бу аламли тушнинг қачон ниҳоясига етишини, қачон бахтиёр қиз либосида уйғонишини билмас эди.

Керимнинг кириб келишига эътибор бермади. Узатган совғаларини ҳам бепарво равишда қабул қилди. Бу совуқ муомаладан Керимнинг кўнгли оғриган бўлса-да, ишқ оловида куйиб, ўртанётгани учун бунинг сабабини сўрашдан ўзини тийди. Қизнинг хузуридан чиққач, Зурабга хавотирини айтган эди, у: “бу ўтиб кетадиган ҳолат, қўйнингга кирганидан кейин ҳалимдай бўлиб қолади”, деб овтди.

РЎЁ

Кунлар имиллаб ўтаверди. Водийдаги каттаю кичикнинг байрамга тайёргарлиги авжга минган. Қоялар қуршовидаги ғорда жон сақлаётган Урусхон кундузлари қуёшда тобланиб, анча кучга кирди. У Заурнинг режасидан беҳабар бўлгани сабабли “Рухонийлар мени ҳукумат таъкибидан қочириб бу ерга олиб келишди”, деб ўйларди. У бутунлай соғайиб, қувватга киргач, Золийхонни ўзининг бургут қоясига олиб чиқиб кетишни интизорлик билан кутарди. Қизга етишиш йўлида ўтиб бўлмас довонлар борлигини эса сезмас эди.

“Бунақа одатлару ирим-сиримлар менинг йўлимни тўса олмайди, – деб ўйларди у, – мен унақа лақма одамлардан эмасман”.

Урусхон ўз орзуларига банди бўлиб ётган кезлари рухонийлар Найфатга қўчиб чиқишди. Ёшлар муқаддас ўрмонга кириб ўтин териб чиқишгач, пиво қайнатишга киришдилар.

Шанба куни эрталаб барча туцатлар жамулжам бўлдилар. Черкасча оқ камзул кийиб олган рухонийлар азиз-авлиёлари қадамжоларини зиёрат этиб, ибодат қилиб олишгач, Тбау-уац-Илани мадҳ этувчи қасидани айтишиб, тантанали юриш билан тор сўқмоқ орқали водий томон йўналдилар. Неча асрларки, ҳар йили бир марта қуёш энг узун кун маррасига етиб келганда мана шу сўқмоқ орқали Тбау томон борадилар. У ерда тунни ибодат билан ўтказишгач, якшанбада яна шу сўқмоқ билан изларига қайтадилар.

Туцатлар ери бошланадиган жойда зиёратчилар рухонийларни иззат-икром билан кутиб оладилар. Уларнинг юқори мартаба эгалари эканликлари ҳурматидан оёқлари остида қўйлар сўйилиб, қурбонлик қилинади.

Аввал ибодат қилиниб, кетидан илоҳий қўшиқлар куйлангач, тўкин зиёфат бошланади. Сўйилган қурбонликлар пиширилади, Тбау-уац-Ила шарафига неча-неча қадах ароғу пиволар бўшатилади. Зиёфат авжига чиқиб сармаст бўлинганида яна худолари шарафига мадҳия бошлайдилар. Рухонийларнинг жарангдор овозлари бутун водийни қамраб олади.

Шундан сўнг рухонийлар аввалдан аниқ белгилаб қўйилган йўл билан олға

юрадилар. Йўл гоҳо кенг ўтлоқлар ёқасидан, гоҳида тоғликларнинг тўртбурчак шаклидаги томорқалари ёнидан ўтади.

Заур Қизилдонга етиб келганда кодатлар уни ўз чегараларида қурбонлик-лари ва турли совға-саломлари билан кутиб туришарди.

Дуогўйлик ва зиёфат бу ерда ҳам такрорланди. Рухонийлар бу ерда узоқ қолмадилар. Тантана энди махсус ажратилган ерга – ирмоқ ёқасига кўчди. Заур уруғ-аймоғи билан муқаддас ва илоҳий ҳисобланган йўлдан Тбауга кўтарила бошлади.

Тоғ бағридаги ясси майдончада нафас ростлашди. Бу ердан унча узоқ бўлмаган Хассар Ламардон овулининг аҳолиси уларни зиёрат қилгани келдилар. Улар қадимий одатлари бўйича қўй сурувини ҳам хайдаб келган эдилар. Сурув орасидан бир қўй танлаб олиниб, юқорига, сўнгги манзилга етганларида Тбау-уац-Ила учун қурбонликка сўйилиши керак. Ибодат ва қасидадан сўнг Заур пичирлаб дуо ўқиганича сурув оралади. Бир қора қўзи чўзиб маъраганича сурувдан ажралди-да, унинг изидан юрди. Шундан сўнг рухонийлар яна йўлга тушдилар. Қора қўзи улардан ортада қолмади. Дарага етиб боргач, сўқмоқ орқали ёрга чиқдилар. Ёр оғзида қувватга кириб, аввалги ҳолига қайтай деб қолган Урусхонга рўпара келдилар.

Улар тунни шу ерда ўтказадилар. Қора қўзичоқ сўйилиб, олов ёқилди. Оила бошлиғи бўлгани учун фақат Заургина Тбау чўққисига чиқади.

У ўнг қўлида ўрмондаги оқ қайиндан бугун кесиб чиқилган, уч томонига ҳозиргина сўйилган қўзининг калласи илинган ҳассани ушлаган, чап қўлида эса бир чўмич тўла пиво билан ёғли пишлоқ тугилган тугунчани кўтариб олган эди.

Рухоний ота сўқмоқдан шошилмай, аста-аста юриб юқорига кўтарилади. Фақат угина йилда бир марта шу муқаддас чўққига кўтарилади. Бу ерда топинган худоси фақат унгагина мўъжиза кўрсатади.

Машриқда қизил шафақ кўринмай қолди. Дам ўтмай совуқ туман чўққиларни ўз чодирига ўраб олди. Нишаби шимол томонга кетган майсазор майдончага етгач, нафас ростлади. Ўртада тошлардан бетартиб равишда тикланган меҳроб турибди. Бўронлар ҳамласига чидаган меҳроб тошларини моғор босган. Атрофда сочилган суяклар аввалги йиллардаги қурбонликлардан дарак беради. Меҳроб ёнидаги супача худонинг хонтахтаси ҳисобланади. Заур кўтариб келган эҳсонларини шу ерга қўйди. Майдон атрофига уч юзга яқин оқ таёқлар кўмиб қўйилган. Айримларининг учларида қўйнинг калла суяклари илинганча турибди. Айримларини бўрон юлиб олиб, майдонча узра сочиб юборган. Худолари йўлида қилган қурбонликларини шамолу ёмғир, кишда қор-у, ёзда қуёш нурлари чиритиб, адо қилиб юборган. Бу ерга чиқувчи рухоний зот учун бунинг аҳамияти йўқ, унинг вазифаси – худога аталган қўй калласи илинган оқ таёқчани кўмиб кетиши шарт. Заур учун бу вазифа янгилик эмас. У ханжари билан ерни ковлади-да, таёқчани кўмиб, атрофини тепкилиб, бостириб қўйди. Кейин тиз чўққанича машриқ томон тикилиб худо томонидан аён этилувчи мўъжизани кута бошлади.

Бу ерда дуо ўқилмайди. Ибодат ҳам қилинмайди. Отасининг васияти шундай. У Тбау-уац-Иланинг мўъжизасини тоқат билан кутади. Афсуски, бу мўъжиза ҳар йили ҳам насиб этавермайди.

Заур кутяпти...

У ўзини ғоят ҳақир ва ёлғиз ҳис қилди.

Атрофда вазмин тун сокинлиги ҳукмрон.

Унинг овули пастда жойлашган. Худди худонинг ғазаб омочлари билан шудгорланган ерга ўхшайди.

Ой кўтарилди.

Водий томондан эсган шамол Тбау қоялари орасида сарсари кезади.

Заурнинг вужудига қўркув оралай бошлади.

Илоҳидан содир бўлажак мўъжиза они яқинлашганини қалбан сезди.

Тиз чўкиб ўтирган руҳоний беихтиёр равишда эгилиб, пешонасини ерга қўйди. Қоялар юзини силаб, сузиб юрган туман қуюқлашди. Гўё ҳамма ёқни қоп-қора тутун босгандай, Заурга ҳатто таёқлар ҳам кўринмай қолди. Кўзга кўринувчи фаришта Дзуарнинг яқинлашаётгани шу тарзда Заурга аён бўлди.

Туман орасида одам қиёфаси кўринди.

Заур ҳушини йўқотди.

Аммо йиқилмади, елкасидан кимдир маҳкам ушлади:

– Қара!

Унинг кўз олдини қоплаб турган қора парда йиртилди-ю, ўтган ва бўлгувчи воқеаларнинг мудҳиш манзаралари кўрина бошлади.

Аввалига кенг ва асов дарёни кўрди. Ажабки... дарёда харсангдан-харсангга урилиб кўпирувчи сув эмас, қон оқаяпти. Қон дарёси узоқда эмас, шундайгина ёнидан оқиб ўтаяпти. Ана, қон тўлқинлари елкасида нимадир оқиб келаяпти. Заур диққат билан тикилди: қизларнинг либосини кийиб олган ўсмир боланинг жасади. Кўксидан ханжарнинг ўрни бор. Тўлқинлар жазавага тушганча гирдоб ҳосил қилди-да, жасадни чирпирак қилиб айлантира-айлантира паст томон оқизиб кетди. Заур Урусхоннинг ханжаридан ўлим топган маъсум Мулдорни таниди.

– Оқизиб кетди, оқизиб кетди-я! – деб пичирлади унинг лаблари.

Дам ўтмай ўркач-ўркач қон тўлқинлари яна бир жасадни оқизиб келди. Буниси катта кишиники эди. Гавда тузилишидан азамат жангчи бўлгани билиниб турибди. Юз-кўзлари қулоқчин билан ўраб ташлангани учун Заур бўғзига ханжар уриб сўйилган бу жангчини танимади.

Бу ўлик ҳам ёнгинасидан оқиб ўтиб кетди.

Қонли дарё мавжи тинмайди.

Ана... яна бир кимса кўринди.

Заур беихтиёр қичқириб юборди. У шу топда юзини ўгириб олишни, ҳеч бўлмаса кўзларини юмишни истади. Аммо бундай қилишга ҳаққи йўқ, амр этилган: қарашга мажбур!

Қора либос, сочлари оппоқ, кўзлардаги нур сўнган...

– Хотиним... – деб шивирлади даҳшатга тушган Заур, – менинг хотиним!..

У қон дарёсидан кўзини узиб, бошини ерга уришни истади. Агар бу он ер ёрилса-ю, уни юта қолса, мушқули анча осон бўларди.

Бироқ елкасидан яна бир чайир панжа тутди. Олий ҳоким унга яна қатъий буйруқ берди:

– Қара!

У яна қип-қизил мавжларни, ўлим оқимини кўрди. Оқим оқаверади, оқаверади – охири кўринмайди. Шу аснода тўлқинлар талвасага тушиб, елкасида яна бир жасадни кўтариб келди. Оқ либосдаги ўликнинг юзларига оқ рўмол ташланган, кўйлагининг кўкрак қисми йиртилган, сийнабандлар ҳам йиртилиб, кўкраклари яланғочланган.

Заур даҳшат билан кўзларини каттароқ очди:

– Бу нима? Кўкраклари куйдирилганми?

Шамол жасаднинг юзидаги оқ рўмолни кўтарди.

– Золийхон! Болам!!!

Рухоний ота ҳушсиз йиқилди. Кўрганлари унинг учун ғоят оғир юк эди – кўтаришга қурби етмади.

Кечаси билан ҳушсиз ётди. Эрталабки совуқдан жунжикиб, ўзига келди. Қуёш туманни ҳайдаб, тоғ ва водийни олтин нурига ғарқ қилиб улгурган эди. Тунги мудҳиш манзаралар ҳам йўқолиб, ҳаёт ўз йўриғига тушиб олганди. Қуёш нурларидан қайта жон олган Заур ўрнидан туриб меҳробга яқинлашди. Бултур олиб келган эҳсонлари қолдиқларини четга олиб қўйиб, изига қайта бошлади. Қоялар билан ўралган майдончада илҳақ бўлиб кутаётган инилари унинг оқариб кетган юзига қараб, хавотир назари билан бир-бирларига қараб олдилар. Уларнинг жавоб кутаётганларини Заур биларди. Аммо бу онда бирон нима дейишга ҳоли йўқ эди. Ҳоли бўлган тақдирда ҳам кўрганларини уларга айта олмасди. Шу боис иниларига қараб бош чайқаб қўя қолди. Туцатларнинг “демак, бу тун худо кўриниш беришни истамабди”, деган хулосага келишлари учун шу ишора кифоя қилди.

Урухон ғордан чиқиб, қаддини ғоз тутди-да, мушт қилиб тугилган қўлини кўкрагига қўйганича мағрур оҳангда салом берди. Заур алик олмай, “сўйилган ўлик шу эмасми?” – деган хаёлда бир неча нафас тикилиб қолди.

Рухонийлар Урухонни яна ғорда қолдириб, изларига қайтдилар.

Турнақатор бўлиб олган туцатлар неча юз йиллардан бери бобокалонлари қатнаган тор сўқмоқ бўйлаб юриб борардилар. Шошилмай юрганлари сабабли Найфат қалъаси харобаларига оқшомда етиб келдилар. Ярми бузилиб кетган дарвозадан ўтиб, қалъа ичкарасига кирдилар. Бу ердан Тбаунинг баланд чўққилари ва унинг пойидаги Ламардон водийси яққол кўзга ташланиб турарди.

Чап томондаги хоналарнинг айримлари бутунлай вайрон бўлган, бут қолганларини эса рухонийлар ўзлари учун омборга айлантирган эдилар. Ўнг томондаги қия очик эшикдан ним қоронғи кушхона кўриниб турарди.

Байрам бошланди. Оқ либосли ёш туцатлар уст-бошларини қонга белаб, қурбонлик учун келтирилган қўйларни тошлардан тикланган меҳроб қаршисида сўймоққа киришдилар.

Дошқозонларда шўрва қайнайди. Қўраларда кабоблар жизиллаб пишяти. Кабобпазлар ёғоч сихларга терилган гўштларни усталик билан чўғ устида тўхтовсиз айлантириб туришади.

Торгина зина иккинчи қаватга олиб чиқади. Бу ердаги кенг хонада тўпланган муридлар рухоний оталарининг келишларини соғиниб кутишади. Қалъа ҳовлисида тўпланган оломон ҳам Заурни зиёрат қилиб олишга интилади. Заур улар орасидан аранг ўтиб, иккинчи қаватга кўтарилди.

Хонанинг ўнг ва чап томонига ўриндиқсифат қоқилган тахталар устида халойиқнинг Тбау-уац-Ила учун олиб келган эҳсонлари, ликопчадан тортиб, косага қадар турли буюмлар териб қўйилган эди. Кичкинагина тўртбурчак деразадан кундузи тушиб турадиган нур ҳам бу хонани етарли ёрита олмайди. Ҳозир эса ёқиб қўйилган ўнлаб мойчироқлардан таралаётган нур бу деразадан ошиб, ҳовлини ёритишга ожизлик қилади.

Хона тўрига турли тасвирлар акс этган суратлар осиб қўйилган. Гуржи подшоҳи ҳадя этган катта мис қозонда ҳар бирининг катталиги тухумдек келади-

ган икки маъдан тош ташлаб қўйилган. Руҳоний ота Тбау-уац-Илага сиғиниб, дуо ўқиганида мўъжиза юз бериб, бу тошлар даволаш кучига эга бўлар эканлар. Айтадиларки, жиннилиги авжга чиққан, ҳеч кимга бўйсунмай, кичқириқлари билан оламни бузаётган кимса бу ерга олиб келинган, Заур дуо ўқиганича тошлардан бирини олиб, беморнинг пешонасига теккизган экан. Шунда типирчилаётган жинни тинчиб, бирданига тошдай қотиб қолган экан. Бир неча дақиқадан сўнг кўзларини катта-катта очганича атрофга хайрон боққан одам жиннилигидан асар ҳам қолмаганидан қувониб, Тбау-уац-Иланинг қудратини оламаро таърифлаш учун овулига йўл олган экан.

Бу хона деворига Заур учун энг муқаддас ҳисобланган, мўъжизаларга бой узун занжир-кишан осиб қўйилган. Самовий кишан ҳисобланган бу занжир ҳақидаги афсоналар тиллардан-тиллarga кўчиб неча асарлардан бери яшайди.

Эмишки, кўп асрлар муқаддам қабардинлар водийга бостириб кирадилару, бироқ қалъани забт эта олмайдлар. Аммо тоғ ёнбағрида от боқиб юрган ёш туцатни асирга оладилар. Уни ўзлари билан ватанларига олиб кетиб, оёқларига кишан урадилар-да, қўйларини боқишга мажбур қиладилар.

Ёш ўғлон қисматидан қайғурган туцатлар Тбау-уац-Илага сиғиниб, ундан мадад сўрайдилар. Ниҳоят, уларнинг муножотларини илоҳлари эшитади.

Кунларнинг бирида ўғлон сурувни ўтлатиб юрганида осмону фалакдан боши билан қанотлари бургутга, танаси эса одамга ўхшаган махлуқ учиб келади-да:

– Елкамга ўтир, – деб буюради.

Сўнгра бу мўъжизавий махлуқ Тбау тоғига учиб келади-да, Найфатдаги муқаддас қалъани кўрсатиб:

– Ватанингни танидингми? – деб сўрайди-ю, ўзи ғойиб бўлади.

Ўғлон кун бўйи пиёда юриб, Найфатга етиб келади. Уни кишандан озод қиладилар. Занжирни эса ташлаб юбормай, эсдалик учун зиёратгоҳ деворига осиб қўядилар. Ўшандаёқ бу кишан илоҳий куч касб этиб қолган. Руҳоний ота танлаган бемор шу кишанга қўл ургани замон соғайиб кетаверар экан.

Қачонлардир Абхазия князи Шервашидзе қалъани харобага айлантириб, мўъжизавий кишанни юртига олиб кетган, лекин кишан ўша туниёқ Найфатга қайтиб учиб келиб, девордаги ўз ўрнини эгаллаган экан. Кишанни уча бошлаганини кўрган абхаз соқчиси унга қараб ўқ узган экан. Кишанда ҳозир ҳам шу ўқ изи сақланиб қолган. Ўша-ўша кишан бу деворда муқим қолган.

Тбау-уац-Ила шарафига ўтказилган байрам икки ҳафта давом этди. Бу вақт ичи қалъадан муридларнинг оёғи узилмади. Ҳовли ҳамиша одамларга тўла, муридлар руҳоний оталарини зиёрат қилиш учун узоқ вақт навбат кутадилар. Қурбонлиқ сўйиш эрталабдан-кечгача тинмай давом этади. Қоялар бағрини қизилга бўяб пастга қон сизиб оқади.

Заурга одамлар ўз дардларини айтиб илтижо қилишади. Бири беморларига шифо талабида келган, яна бири меҳр-оқибатга муҳтож, бошқаси худодан барака тилайди. Заур уларнинг истакларини жимгина эшитгандан сўнг худо билан шу одам ўртасидаги вакил мисоли Тбау-уац-Илага муножот қилиб, талаблари ижобат бўлишини сўрайди.

Диний вазифаларини бажо этиб бўлган ёшлар эса сайлни бошлаб юборганлар. Улар давра-давра бўлиб рақсга тушадилар. Қизлардан бири гармон чалади. Бошқалар куйга қарсақлари билан жўр бўладилар. Давра ўртасида икки ёш худди икки оққуш мисол сузади. Қўллари пастга туширилган, юзма-юз туриб

бир-бирининг кўзларига муҳаббат билан тикилаётган йигит билан қиз куйга монанд равишда майдон бўйлаб сузадилар: бир яқинлашадилар, бир узоқлашадилар.

Қалъага кўп қатори келган Темир ҳам ўғли ёрдамида қурбонликни сўйиб, худодан Керим билан Золийхон никоҳларининг қутлуғ бўлишини илтижо қилиб сўради.

Заур дўстига узоқ тикилиб қолди. “Кечаси кўрган даҳшатли манзарани унга айтсаммикин ё йўқми?” деб иккиланди. Кейин сир сақлашга қарор қилди: “Айтганимдан нима фойда? Тбау-уац-Ила кимга бахтсизликни раво кўрган бўлса, бу қарорни одам боласи ўзгартира олмайди”.

У руҳи эзилган, топталган одам ҳолатида Темирдан сал нари кетиб, азиз-авлиёлар тасвирлари қаршисида тиз чўкди-да, Тбау-уац-Илага ёлвориб, Темир ва унинг оиласидан марҳаматларини аямаслигини сўради. Золийхоннинг исмини тилга олиб, унинг ҳаққига дуо қилишга ботина олмади. “Қизим худонинг қахру ғазабига дучор бўлган, энди нажот йўқ!” – деб ўйларди у. Золийхоннинг руҳан эзилишини, қарашларига муҳрланиб қолган қўрқувни ўз айбига иқроор бўлиш деб ҳисобларди. Қўрқув ҳам, эзилиш ҳам Урусхоннинг ҳажрида эканини эса ўйлаб ҳам кўрмасди.

ТҲЙ

Керимнинг илтимосига кўра, Темир тўй ҳаракатларини тезлатди. Икки қудга байрам оёқлаши билан тўйни бошлаб юборишга келишдилар. Бу келишувдан Заурнинг кўнгли тўлди. Ҳар ҳолда байрамнинг тўйга уланиши туфайли чиқим ҳам камаяди. Байрамдан ортиб қолган ичимликлару егуликлар тўйга етади.

Заур “қизимнинг тақдири узил-кесил ҳал бўлди, энди ҳеч қандай куч уни ўзгартиришга қодир эмас”, деган фикрда қатъий эди. Аёллар Золийхонга сеп тайёрлаш, келинчаклик либосини тикиш билан овора. Ғамини ичига ютган Заур эса руҳи эзилган одамнинг маъюс қиёфасида юради. Бирон дардқаш топиб, ҳасратини тўкишни истамайди. У жазо қиличини кўтарган илоҳи қаршисида онги хиралашган тарзда ночор туради.

Тамби билан Иналдқонинг таклифини маъқуллаб, байрамнинг сўнгги куни тўй бошлашга қарор қилди. Цагат Ламардонда уч кун давом этадиган тўй зиёфати яқунлангач, тўртинчи куни суворийлар қуршовидаги келиннинг араваси Кадгаронга йўл олиши керак. Даргов йўлида келинни кўёв кутиб олади. Шу ерда, водийдаги ягона черковда никоҳ ўқитилади.

Темир Тўтараев ҳам бўш келмас, унинг уйидаги тўй зиёфати ҳам камида уч кун давом этар. Шунга қараганда Золийхонни бир ҳафта давом этувчи, довруғи тилларга дoston бўлувчи тўй тантаналари кутаётган эди.

“Ишқилиб, тўй тинчлик билан ўтиб олсин...”

Заурнинг бирдан-бир тилаги шу!

Ҳам орзиқиб, ҳам хавотир билан кутилган тўй куни етиб келди. Ваъдадаги қалин пули тўланди. Тўй тантанасига овул аҳли жамулжам бўлди. Заурнинг бошқа овуллардаги биродарлари, қариндошлари ҳам етиб келдилар. Тўтараевлар авлодидан ҳам азиз меҳмонлар ташриф буюрдилар. Улар орасида фақат кўёв йўқ. Таомилга кўра, у қизнинг уйидаги зиёфатга келмайди.

Туцатлар авлодига мансуб аёллар кун бўйи нон ёпиш, таом пишириш билан банд бўдилар.

Тўй тантанасини ёшларга чиқарган: ҳовлида давра қуриб олиб, рақс тушишдан бўшашмайди. Тўйга истаган одам келаверади, истаганича ўйин-кулгуга қўшилаверади. “Сен кимсан?” ёки “Нега келдинг?” дегувчи топилмайди.

Келин ҳовлига чиқмайди, шодиёнага қўшилмайди. У ичкарида, аёллар хонасида. Дугоналари дам-бадам киришиб, унинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилишади. Унга қизиқ-қизиқ ҳангомаларни айтишади. Айтишади-ю, ўзлари кулишади. Золийхон дардини ошкор қилмаслик учун баъзан маъюсгина жилмайиб қўяди. Келиннинг эзгин ҳолати, оқариб кетган ранги дугоналарини ажаблантиради, аммо сабабини сўрашмайди. Ташқарига чиқишади-да, шодиёна даврага қўшилишади.

Уч кунлик зиёфат шу тарзда ўтди.

Золийхон уч кун оғир дард исканжасида ўтирди. “Юрагим чидолмай ёрилиб кетса керак”, деб ўйлаганди, йўқ, чидади. Эҳтимол, илоҳи тайёрлаб қўйган барча азобларни кўриш учун ҳам чидагандир...

Зиёфатнинг учинчи куни адоғига етай деб қолди. Ҳовлидаги машъалалар ёруғида катталар зиёфатни давом эттиришяпти. Ёшлар хизматда. Аёллар эса эрта тонгда келинни кузатиш тадоригини кўриб, уйда ивирсиб юришибди. Золийхон хонасида ёлғиз қолган. Уч кунлик ҳордиқ уни ҳолдан тойдирган. Аввал тиззасига бошини қўйиб ўксинди. Кейин деразага яқинлашиб, кўзларини катта-катта очиб, самога тикилди. Юлдузлар чарақлаб турган бўлса-да, нур кўринмади кўзларига. Унинг келажагини тун зулмати қоплаб олган: на бир ёруғлик, на бир нажот бор.

Ҳовлидан кийқириқлар эшитиляпти. Келин-куёвнинг бахти учун қадаҳлар бўшатиляпти.

ҚОЧОҚЛАР

Золийхон машъалалар ғира-шира ёритиб турган ҳовлига тикилди. Ўзини бағишлашга рози бўлгани – Керимни кўришга кўзи йўқ. Ўй-хаёли фақат Урусхонда. Кўзини юмди дегунича севган ёрининг киёфаси гавдаланверади.

Ҳовлига тикилиб турган Золийхон бир одамнинг шарпасини кўрди-ю, юраги ҳаприкиб, қичқириб юборай деди. Дераза орқасида кўринган ким эди? Наҳот Урусхон бўлса?

Ҳа, ўша!

Дераза тикиллади...

Золийхон нафас олишдан ҳам тўхтаб қолди. Кўргани, эшитгани тушими ё ўнги эканини билмай тараддудланди.

Дераза яна тикиллади...

Унинг юраги потирлаб, қўллари титраб, деразани очди. Урусхонни кўрди-ю, тили гапга ҳам айланмай, довдираб қолди. Золийхон кўзларини катта-катта очганича унга тикилиб тураверди. Шодланишини ҳам, даҳшатдан қичқириб юборишини ҳам билмай каловланиб тураверди. Урусхоннинг ўтли қараши жонсиз жонига жон қайтаргандай бўлди. Кўкрагида ажиб бир илиқлик сезди. Урусхон ҳам севганини кўрганидан масрур эди, аммо ҳозир сурурли қарашлар фурсати эмаслигини биларди. Шу боис “Золийхон!” деб шивирлади-да, қўл узатди. Унинг шу шивирлашида ҳам, қўл узатишида ҳам амр оҳанги зоҳир эди.

Икки ўт орасида қолган қизнинг вужудини даҳшат қамраб олиб, титрай бошлади.

Ха, унинг юраги Урусхонгагина аталган. Аммо у Керимнинг қаллиғи эканини ҳам, севган ёри эса акаси мақомидаги одам эканини ҳам унутгани йўқ. Агар бу дам қаллиғига бевафолик қилиб, акаси бағрига кирса бошига ағнайдиган бало тоғларининг даҳшатини ҳам англаб турибди. Мана шу даҳшат уни бу тор хонадан тезгина учиб чиқиб кетишига йўл қўймайди.

Золийхоннинг имиллашидан норози бўлган Урусхоннинг кўзларида ғазаб учкунлари чакнади:

– Тезроқ бўл! Юрасанми ё йўқми? – деди у овозини бир оз кўтариб.

Қизнинг ихтиёри ўзидан кетди.

– Кетяпман... кетяпман... – у шундай деб шивирлаб, атрофига қўрқув билан қараб олди.

Эркаклар ҳовлида, аёллар уйда ўз юмушлари билан банд. У билан бировнинг иши йўқ.

Золийхон дераза токчасида турган тувакдаги гулни пастга олиб қўйди. Оқ шоҳи қўйлагининг этагини кўтариб, дераза токчасига чиқиб ўтирди.

Дунёдаги энг машъум ва энг даҳшатли воқеа содир бўлди: у қонсираган муҳаббати йўлида вафони, қаллиғига бўлган садоқатини қурбон қилди. Аслида чала туғилган, энди эса ўлиб бораётган вафо энди унинг қалбини чидаб бўлмас даражада эза бошлади. Суйган ёри билан дийдор кўришишнинг шундай бўлишини орзу қилиб эдимиз? Дийдор севинчи қани? Вужудга илиқ роҳат бахш этувчи ишқ ўти қани? Булардан асар йўқ. Фақат... виждон азоби бор, фақат гуноҳи учун олажак жазодан қўрқув мавжуд..

Урусхон чурқ этмайди. Уни деразадан кўтариб олиб, ерга қўяди-да, карам ва картошка экилган томорқа сари бошлайди. Кейин икковлари томорқани ихота қилиб турган шохдевордан ошиб ўтадилар.

Устунга боғлаб қўйилган отни Золийхон бир кўришдаёқ таниди: Зурабники! “Бу бахт келтирмайди!” деб ўйлади қиз. Бу фикри вужудида титроқ уйғотди. Урусхон бир сакраб отга минди-да, унга қўлини узатди. Қиз унинг қўлини ушлаб, оёғига оёқ қўйди. Урусхон уни чаққонлик билан тепага тортиб олди-да, орқага мингаштириб, отни ниқтади. Улар бир зумда тун бағрига сингиб, кўздан йўқолдилар. Илонизи йўллар ортда қолиб, водийга олиб борувчи сўқмоққа чиқиб олишди. Урусхон шошилади. Келиннинг йўқолганини сезиб қолишгунча бу ерлардан узоқлаб кетишни истайди. У қанча ошиқмасин, тезлашишнинг иложи йўқ – тик сўқмоқда отнинг кейинги оёқлари тийғанади, баъзан эса ўтириб қолади.

Золийхон Урусхоннинг белидан маҳкам қучиб олганча, ўзини тақдир ҳукмига бериб, ҳар қадамда жазо кутади.

Ниҳоят водийга эсон-омон чиқиб олишди. Қизилдон ёқалаб кетган овул йўли уларнинг қаршисида оқариб кўринди. Урусхон отни тезлатди. Тун сокинлигини от туёқларининг дупури бузди.

Золийхон юрагини қўрқув, Урусхон қалбини эса ғазаб олови куйдиради. Йигит севгилисининг тўйга рози бўлганидан хафа. Суймай туриб эрга тегишга рози бўлиши сабабини билолмай кўнгли хуфтон.

Тбау чўққисидаги ғорда жон сақлаётган Урусхон Заурнинг уйида бошланган тўй хабарини таом олиб келган Хадар исмли ёш туцатдан эшитиб, аввалига

нима қиларини билолмай гангиб қолди. Кейин ғазаб вулқони оташида Хадарга ваҳшийларча ташланиб, уни даст кўтариб олди-да, жар ёқасига келтирди. “Бор гапни айтмасанг ташлаб юбораман”, деб қўрқитди-ю, тўй воқеасини ипидан-игнасигача билиб олди. Йигитчани жар ёқасига келтириши шунчаки пўписа эмасди. Ташлаб юбориши ҳеч гап эмасди. Лекин сўнгги сонияда “болада нима гуноҳ?” деган фикр уйғонди-ю, ғазаб оловини жиловлаб олишга ўзида куч топди. “Маҳмаданалиги туфайли, сирни ошкор қилиб қўйгани учун ўзидан қўрқади, қайтиб борганида бўлган воқеани яширади”, деган хаёлда уни қўйиб юборди. Кейин фурсатни ғанимат билиб, йўлга отланди. Тбау қояларини тарк этиб, водийни кесиб ўтди-да, бўрининг эҳтиёткорлиги билан Цагат Ламардонга яқинлашди. От топишга қийналмади. Меҳмонларнинг отлари ўтлоқда ўтлаб юрибди. Аммо тақдир унга Зурабнинг отини насиб этди. Бироқ милтиқ топа олмади. Кейин қош қорайишини кутиб, боғда яшириниб ётди.

У Золийхонни бутун вужуди билан севарди. Шу сабабли қизни вафосизликда айблаб, ундан ғазабланарди.

Ҳозир қочиб бораётган бир пайтда уни сўкмайди, таъна тошлари отмайди. Хавфсиз жойга етиб олишгач, ягона хўжайин ким эканини унга ўргатиб қўяди.

* * *

Салимат ёнига дугоналарини чорлади-да, келиннинг кўнглини очиш мақсадида бир гапириб, ўн кулиб аёллар бўлмасига кириб келди. Хонада келиннинг йўқлигини кўрган қизлар остона ҳатладилару ҳайрат ва қўрқув билан тўхтаб қолдилар. Улар алҳол қочоқлик ҳақида ўйлашга ҳам журъат этолмасалар-да, очиқ дераза, пастга олиб қўйилган тувакдаги гул бор гапдан хабар бериб турарди. Улар сапчиб орқага чекиндилар-да, қўшни хонадаги хотинларни фожиадан огоҳ қилдилар. Бу шармандали хабар яшин тезлигида тарқаб, меҳмонлар қулогига ҳам етди-ю, ҳаммаларининг ҳафсалалари пир бўлиб кетишга чоғланишди.

Бу воқеани ўзлари учун таҳқир деб билган Тўтараевлар отларини тезликда келтиришларини мезбонлардан талаб қилдилар. Туцатларнинг қалбида эса бу онда қасос ўти аланга олди. Қиз ўғрисиани ушлаб, унинг қони билан номус-орларини поклаб олганларидагина, куёв томон олдида юзлари ёруғ бўлгандагина бу аланга пасайиши мумкин эди.

Йигитлар, ҳатто ўсмирлар ҳам ўтлоққа шошилишиб, отларни отхонага ҳайдадилар. Ҳеч ким имилламади, гарангсиб турмади ҳам. Юртни худди қўққис ёв босгандай, ватан ҳимоясига отланаётгандай шошилишди. Зеро, улар учун номусни поклаш ватан ҳимояси каби муқаддас бурч эди. Отини тополмай ғазабланган Зураб, кўп ҳам ўйлаб ўтирмай, қўшнининг отига минди-ю, жониворга аччиқ-аччиқ қамчи босди. Унинг оти биринчи бўлиб елдек учди. Зураб қизни ким ўғирлаганини билиб турарди. У укасининг топталган номуси учун қасос олади, ҳа! Қонсираган ханжари бугун малъун қонига тўяди, ҳа! У бошқаларнинг етиб келишини кутиб ўтирмай, сўқмоқнинг хатарли эканига ҳам парво қилмай отни чоптираверди. Кўп ўтмай таҳқирланган оиланинг аъзолари ҳам кўча чангитиб унга эргашдилар.

Қочоқларни тезроқ тутиш аҳдидаги қувлоқлар худди қуюн каби елдилар. Бир қанча чавандозлар эҳтиётсизлик қилиб жарликка қуладилар. Ким чалажон, ким беҳуш ҳолда ётган ерида қолаверди. Безбет олибқочарни, ҳаё ва номусини унутган қизни тезроқ ушлаб, жазолаш қасдида от сураётганлар биродарлари-

нинг ҳолатларига эътибор ҳам бермадилар. Хатарли жар ёқалаб кетган сўқмоқ ортда қолиб, водий йўлига чиқишгач, ўрама қамчинлар ишга солинди. Олдинда бораётган Заур билан Зураб ўйлаб ҳам ўтирмасдан отларини Даргов сари бурдилар. Уларнинг фикрича, қочоқлар фақат шу йўлдангина юришлари мумкин эди.

ОЛИШУВ

Дарговдан ўтиб, Жисхитдаги қабртошлари тизилиб кетган ўликлар шаҳрига етиб келишганда Урусхон орқадан отларнинг дупурини аниқ эшитди.

– Улар келишяпти! – деб шивирлади даҳшат гирдобидаги Золийхон. – Келишяпти! Мени қутқар!

Урусхон отни тезлатмоқчи бўлди. Аммо тепасида икки одам билан оғир йўл босган жонивор чарчаган, оғзи кўпикланиб, аранг нафас оларди. Урусхон бу от билан узоққа боролмаслигини англади. Аммо унинг олға босишдан ўзга чораси йўқ эди. Ўнг томони тик қоялар билан тўсилган, чап томондаги тош ўзанида Қизилдон жўшиб оқади. Нажот йўли фақат олдинда!

Бироқ нажотдан умид йўқ. Бу ҳаёт эмас, мамот йўли экани ҳақиқатга яқинроқ.

Отларнинг дупури борган сайин яқинлашяпти.

Урусхон чора умидида атрофга кўз ташлади. Ҳамонки қочиб қутулишнинг иложи йўқ экан, ҳаётини қимматроққа сотмоққа, бу ёруғ дунёни қахрамон сифатида тарк этмоққа қарор қилди. Қачонлардир у дўстларига мактаниб, чалажон кампирлар сингари кўрпа-ёстиққа михланиб эмас, ботир ўғлон мартабасида кўкрагидан ўқ еб ўлиш умидида эканини айтарди.

Унинг наздида ўша орзусининг амалга ошиш фурсати етди.

Урусхоннинг зийрак нигоҳи йўл бурилган жойда, қоянинг юқори томонида ғор мавжудлигини аниқлади. Эҳтимол бу ғор қачонлардир қасоскорларидан қочиб юрган бирон абрекнинг бошпанаси бўлгандир. Энди бу ғор Урусхон ҳамда севгилисининг халоскори бўлади. У кўп ўйламай, отни тўхтатиб, эгардан сакраб пастга тушди-да, жониворнинг жиловидан маҳкам тутганича тепага кўтарила бошлади.

Отларнинг дупури тобора яқинлашар, икки жонни асраб қолиш илинжидаги Урусхон эса янада шошиларди.

Дўнгликда отлиқларнинг қораси кўринди.

“Сезмай ўтиб кетишлари мумкин”, – деб умид қилди Урусхон.

Бу сафар умиди унга вафо қилмади. Олдинда келаётган отлиқ тўхтаб, юлдузли кеча бағрида юқорига кўтарилаётганларга қараб қичқирди:

– Тўхта-а-а!

Бошқа отлиқлар ҳам тўхтаб, қочоқларга тикилиб қолишди.

Бу онда кўзлаган манзилига етиб олган Урусхон отдан эпчиллик билан тушган қизга жиловни узатди. Золийхон жониворни етаклаб ғорга кирди. Ғор оғзида қолган абрек милтиқ тополмаганидан пушаймонда эди.

Қасос оловида ёнаётган отлиқлар бир қарорга келолмай тортишиб қолдилар. Куёвнинг тутинган акаси мартабасидан фойдаланган Зураб ҳаммадан кўра қаттиқроқ гапириб, ғорни тезлик билан эгаллаб, малъунни қийма-қийма қилиб ташлашни талаб этарди.

Заур абрекининг ўлимга маҳкум эканини аниқ билса ҳам, қон тўкилишини истамаётган эди. Элликка яқин қуролланган ботир йигитларнинг ёлғиз ва қуролсиз турган ўғлига ҳужум қилишлари унга адолатсиздек туюлди. Қанчалик гуноҳкор бўлмасин, Урухон унинг ўғли ҳисобланарди ва Заур бу ҳақиқатни инкор эта олмасди.

Хамонки олишувда тенглик йўқ экан, бу эр йигитнинг иши бўлмайди.

Заур ғорни қуршаб олиб, никоҳ ўқитиш учун Кадгарондан Дарговга йўл олган Керимни шу ерда кутиб олишни таклиф қилди.

– Қаллиғи учун Керимнинг ўзи яккама-якка олиша қолсин. Қайси бири енгса – қиз ўшаники! Мана шу олишувда Тбау-уац-Иланинг ўзи қизнинг кимга тегишли эканини аниқлаб беради.

– Бу гапинг маъқул, Заур, – деди Хадар Тўтараев. – Лекин бу олчоқ шундай шартга кўнармикин?

– Рози бўлади! – деди Заур ишонч билан. – У латтачайнар эмас, ботир жангчи!

Рухоний отанинг гаплари Зурабга малол келди. У ғазабини яширмай, дағал оҳангда Заурга мурожаат қилди:

– Яхши, ҳаммамиз бараварига ҳужум қилмайлик. Яккама-якка жанг бўлсин, десанг, мен розиман. Аммо эртагача кутишнинг нима ҳожати бор? Заур, сен ундан сўраб кўр, балки мен билан олишар? Укамнинг ор-номуси учун қон тўкишга мен ҳаммадан кўра ҳақлироқман.

Ака-укалик аҳдига садоқатини намойиш қилиш учун Зурабда яхши шароит вужудга келган эди. Тўпланганлар буни англаб, унинг қарорини маъқуллашди.

– Шартинг қандай бўлади? – деб сўради ундан Моцко Туцат.

– Шарт битта, – деди Зураб ғор оғзида турган рақибидан кўз узмай, – сўнгги нафасгача олишамиз. Аяб ўтириш йўқ.

– Яхши, – деди Заур, чуқур нафас олиб. – Мен унинг олдида чиқиб, гаплашиб кўраман.

Унинг қарори укаларига маъқул тушмай, норози қиёфада боқдилар. Заур уларнинг эътироз билдиришларига йўл қўймади.

– Хавотир олманглар, у менга ҳеч нима қилолмайди.

У аста юқорига кўтарила бошлади. Қочоқларни қувлаб келганлар унинг ҳар бир ҳаракатини нафас ютиб кузатиб туришди. Заур ярим йўлга етгач, тўхтаб овоз берди:

– Урухон!

Абрек “жавоб берсаммикин ё индамай тураверайми?” деб иккиланди. У ўзини фош қилишни, таъқиб этилаётганини тан олишни истамас эди. У бир қарорга келгунича зулмат қаърини поралаб яна Заурнинг овози янгради:

– Урухон! Мени танияпсан, сен билан гаплашиб олишим керак!

Ортиқча иккиланиб туришга ҳожат қолмаган эди:

– Заур, мен шу ерданман. Гапларингни айтавер.

– Сен бахтингни, шу бугуноқ... ҳозироқ синаб кўришга розимисан? Биз кўпчиликмиз. Мен ортиқча қон тўкилишини истамайман.

“Демак, милтиғим йўқлигини билишмайди”, – деб ўйлади абрек. Сўнг бир озлик сукутдан сўнг сўради:

– Мен билан ким олишмоқчи?

Аслида ким билан жанг қилишнинг фарқи йўқ бўлса-да, Урухон вақтдан ютиш учун шундай деб сўради.

– Керимнинг тутинган акаси Зураб билан яккама-якка жангга чиқишинг керак.

– Қиз нима бўлади?

– Қиз – ғолибники! – деди Заур шошиб. У “худо ҳеч қачон куфронийни қўлламайди”, деб ишонарди. Энди ҳов ўша байрам куни тоғ чўққисида кўзига кўринган, қонли тўлқинлар устида қалқиб келаётган, бошига ханжар урилган мурданинг Урусхон эканига амин бўлаётган эди.

Пастда қолганлар Заурнинг бу ажримини эшитгач, норозилиklarини яширишмади:

– Қиз ҳеч қачон абрекники бўла олмайди!

– Бу шармандлик!

– Ака-сингил қанақасига бирга бўлиши мумкин? Ахир бу кўз кўриб, қулоқ эшитмаган мункирлик-ку!

– Биз бунга йўл қўймаймиз!

Бирлари олиб, бирлари қўйиб ҳайкираётганларни, айниқса, Тўтараевларни тинчитиш учун Заур пастга тушишга шошилди. У дам бақириб, дам имо-ишора қилиб, барчанинг жим бўлишини сўради:

– Бу икки бадкирдорни ажратиб юбориш ҳаммангиздан кўра менга лозим бурчдир. Тбау-уац-Ила менга бахт кимга кулиб боқишини хабар қилган. Шу боис ҳам яккама-якка тенг жангни талаб қиялман.

Бу гапдан кейин ғала-ғовур босилди. Ундаги ишонч қасоскорларнинг ғазабини енгди. Унинг хотиржамлиги бошқаларга ҳам таъсир этди.

– Яхши, сен айтганча бўлсин – олишса олишақолсин, – деди Алдиан Тўтараев.

Малладан келган, кўзлари эса кўм-кўк хушсурат бу осетин йигитнинг қарори бошқалар томонидан маъқуллангач, Заур яна юқоридаги ғор томон чиқиб, Урусхонни олишувга чорлади.

– Ҳаммаси қонунларимиз ва урф-одатларимиз йўриғида ҳалол равишда бўлади. Ким тирик қолса қизни ўлжа каби ўзи билан олиб, йўлида кетаверади, – деб ишонтирди у.

Урусхоннинг бошқа чораси йўқ эди. Ғор ичкарасида ҳамма гапларни титраганича эшитиб, хавотирини енга олмай турган бахтсиз қизга қараб:

– Сен шу ерда қоласан! – деб амр этди. Кейин юмшоқроқ оҳангда қўшиб қўйди: – Бу аёллар кўрадиган томоша эмас.

Қиз амрга итоат этмай, олдинга бир қадам босиб, нажот тилагандай, қалтироқ қўлларини у томон узатди. Кетиши олдидан қизга нисбатан бўлган гина-кудуратларини унутган Урусхон бир нарсага амин: қиз фақат унигина севади. Бутун борлиғини унгагина бахш этган. Агар қўйиб берса Золийхон кўкрагини ажал ўқларига қалқон қилиб, севган ёрини ҳимоя қилади. Ҳозир қўлларини узатиб, унга Ила худосидан паноҳ тиламоқчи, гуноҳларини кечиришини илтижо қилмоқчи. Қалтис жангга отланган Урусхон бундай нозик ҳислар оғушида хайрлашишни истамади.

– Бемаъни аёллар каби ғашимни келтирма! – деди у ҳокимона оҳангда.

Хайрлашув олдидан дилбарини суйиб, ўпмади, меҳри жўшиб, бағрига босмади. Лабларидан “мени кечир” деган мардларча сўз ҳам учмади. Ғор оғзида халоскорисиз қолган қизнинг бағри қон бўлиб, кўзларидан қайноқ ёш қуйилди. Отнинг бўйнига осилиб, юзини унинг терга ботган ёллари орасига яширди. Назарида дунёнинг барча ғам-аламлари унинг вужудини эзиб турган, атрофи

одамларга тўла бўлса-да, улар орасидан битта ҳамдард топилмайди. Севган ёрининг эса қаҳри қаттиқ. Шундай экан, жонивордан ўзга ҳеч кими йўқ...

Ақлли жонивор қизнинг тилга қўчмаган ҳасратларини тушунгандай, олдинги оёқлари билан ерни аста-аста тепиб, илик нафаси билан енгил пишқириб, “дардингни мен оламан”, дегандай унинг қўйлаклари этакларини ҳидлаб-ҳидлаб қўйди.

Бу орада Урусхон мағрур қадамлар билан пастга тушди.

Қасос илинжида таъқиб этиб келганлар, овул йўлини ҳалқа қилиб ўрадилар. Урусхон уларга яқинлашиб, мушт қилиб тугилган қўлини қўкрагига босиб, салом берди.

Саломи аликсиз қолмади.

Зураб ғазабли нигоҳини унга тикиб турарди. У ҳозироқ ханжарини яланғочлаб, унинг калласини узиб ташлашни истарди. Лекин урф-одатга садоқат ҳисси уни бу ғазабли ҳамладан ушлаб турарди.

Заур Урусхоннинг вакили, Темир Тўтараев эса уруғ-аймоғининг каттаси сифатида олдинга чиқишди. Бошидан неча алғов-далговли йилларни ўтказган Темир ёши улуғ бўлгани учун уруғининг каттаси ҳисобланарди. Ҳар қандай ша-роитда ҳам урф-одатларга бўйсуншни талаб қилувчи бу одам даврадагиларга бир-бир қараб олди-да, дона-дона қилиб, шошилмай гап бошлади:

– Иниларим! Бу икки йигит ўз бахтини синаб кўриш учун ҳаёт ёки мамот олишувига бел боғлашибди. Жанг ҳалол бўлиши керак. Гуноҳкорни худонинг ўзи жазолагай! Буларнинг биридан худо омонатини олмагунича жанг давом этаверади. Буларнинг истаги шу. Худо ҳам шуни хоҳлаяпти. Аяб ўтириш йўқ!

Темир Тўтараев гапини тугатиб, бир-бирининг қонини тўкишга шай турган икки йигитга қаради. Энди рақиблар аجدодлар одатига амал қилиб, бир-бирларига қўл узатишлари ва узрхоҳлик қилишлари шарт.

Темирнинг қаршидаги маънони уққан Урусхон мард йигитларга хос қадам ташлаб Зурабнинг қаршисига келди. Унинг қалбидаги ғазаб ва нафрат ўти бу он сўнгандай бўлди. У бошдан папоғини олди-да, рақибига ҳурмат билан шундай деди:

– Зураб Кодат! Ҳозир сўнгги нафасимизгача жанг қилиш тақдиримизда бор экан. Бу худонинг иродаси! Икковимиздан биримизнинг юрак қонимиз ҳозир мана шу турган еримизни сўғоради. Биримиз шу ерда жон беришимиз керак. Қай биримиз ҳақмиз – худонинг ўзи ажрим қилиб беради. Агар сени ўлдиргудек бўлсам, мени кечир!

Зураб ундан кўз узмаган ҳолда гапларини диққат билан эшитди. Сўнг у ҳам папоғини қўлига олиб, жавоб сўзларини айтди:

– Урусхон! Ҳозир Тбау-уац-Ила иккаламиздан биримизга ўлим ҳукмини чиқаради. Агар ханжарим сенга ўлим ҳада этса, мени кечир!

Рақиблар бир-бирларига қўл бердилар, сўнг қучоқлашдилар. Атрофдагилар уларни дарров ажратиб қўйишди. Темир Тўтараев енгилгина йўталиб яна сўз бошлади:

– Мен тўппончадан ўқ узишим билан олишувни бошлайсизлар. Қарсақлар товушига диққат қилинг: қарсақларнинг қаттиқ бўлиши ёки пасайишига қараб, бир-бировингизга яқинлашганингиз ёки узоқлашаётганингизни аниқлаб оласиз. Энди менга иккита қулоқчин беринглар.

Тоғликлар “башлик” деб номловчи енгил қулоқчин билан рақибларнинг кўзлари боғланиши лозим эди. Алдиан Тўтараев елкасидаги қулоқчинни олиб,

Заурга узатди. Урусхон эса ўзининг кулоқчинини Темирга берди. Заур билан Темир кулоқчинларнинг йиртиғи ёки тешиги йўқмикин, деб синчиклаб текширишди. Кулоқчиннинг бутунлигига ишонч ҳосил қилишгач, аввал Урусхонга яқинлашдилар. Кулоқчинни бошига кийғизиб, энг каби елкада осилиб турувчи узун мато билан юз-кўзларини боғлаб қўйишди.

Бу жараён пайтида Урусхон мутелик билан турди, чурқ этмади.

Заур билан Темир Зурабга яқинлашишди.

Зураб бошидан папоғини олиб, осмонга қараб илтижо қилди:

– Тбау-уац-Ила! Садоқатли бўлишга онт ичганим тутинган укам ному-си йўлида жанг қилиш имконини берганинг учун ўзингга шукрлар айтаман! Агар сенинг ироданг ила ўлим менга насиб этса, Керимнинг номусини деб кўз юмаётганим учун ҳам розиман ўзингдан! Сен ўзинг барча нарсани билгувчисан, ҳаммасига ўзинг гувоҳсан. Бизнинг баҳсимизни ўзинг адолат билан ҳал қилиб бергувчисан! Омийн!

Атрофдагилар бараварига “Омийн! Омийн!” деб уни қувватлашди.

Зурабнинг юз-кўзи ҳам ўралди. Заур Урусхонга яқин келиб, уни турган ерида бир неча марта айлантирди. Урусхон рақибининг қаерда турганини чама-лаш имконидан маҳрум бўлди. Темир Зурабни ҳам худди шундай айлантир-гач, белидаги камарида осиглиқ турган тўппончани чиқариб осмонга қарата ўқ узди.

Рақиблар бараварига ханжарларини яланғочлашди. Бўйлари баландроқ, қўллари узунроқ бўлган Урусхоннинг ғалабага ишончи зўрроқ эди.

Атроф бир нафаслик ўлик сукунат ҳукмида қолди. Хатто пастда жўш ураётган Қизилдоннинг шовқини ҳам тингандай бўлди. Ҳамма нафас ютиб уларнинг ҳаракатини кузатади. Арзимас туюлган шарпа ҳам рақиблардан бирига йўл кўрсатиб қўйиши мумкин. Шу боис барчанинг жим туриши шарт. Рақиблардан бири даврага яқинлашсагина шарпасиз чекинишларига ижозат этилади.

Урусхон биринчи ҳамладаёқ рақибига ханжар уриш иштиёкида ёнади.

Темирнинг ишораси билан даврадагилар худди рақс пайтидаги куйга жўр бўлгандай қарсак чала бошладилар. Рақиблар бир-бирларига орқама-орқа турганлари сабабли қарсак овози пастроқ эди. Урусхон эҳтиётлик билан бир неча қадам босиб рақибидан узоқлашган эди, қарсак товуши янада пастлашди. Зураб рақибидан узоқлашганини англади. Урусхон кераксиз томон юрганини сезиб, орқасига кескин ўгирилди. Қарсак овози баландлади-ю, рақиблар янада сергак тортдилар. Урусхон ўлжасига пусиб яқинлашаётган йўлбарс каби эҳтиётлик билан қадам босарди. У рақибига рўпара келмай, яна ёнидан ўтиб кет-гач, қарсак овози пастлади. Урусхон ўгирилди-ю, тўхтаб, бирон шарпани илғаш мақсадида атрофга зийраклик билан кулоқ тутди. Бу сафар Зураб юра бошлади. Қарсак баландлади. Урусхон “рақибим ёнимда турибди”, деган ўйда ханжар урди. Аммо унинг ўтқир ханжари фақат ҳавони кесиб ўтди, холос. Қарсак овози яна кучайди, сўнг бирдан тинди. Бу рақибларнинг яқинлашиб қолганларига ишора эди. Урусхон чаққонлик билан сакради. Шу сакрашида рақибни ерга йиқитиб, ичак-чавағини ағдариб ташлашни ният қилган эди. Бироқ мўлжални олишда янглишди – Зурабнинг ёнгинасидан ўтиб кетди. Зураб эса фурсатни бой бермади, ханжарини силтаган эди, тиғ рақибининг биқинини тилиб кетди. Урусхон яраланган йўлбарс мисоли бир наъра тортди-ю, Зураб бор, деб тахмин қилган томонга ташланди. У қорни, сонининг қонга беланганига ҳам парво қилмай, яшин тезлигида ҳаракат қилиб, ён-атрофида ханжар ўйната бошлади.

Рақибининг яраланганини билган Зураб айёрлик қилиб, ўтириб олди-да, мушук каби пайт пойлади.

Рақиблар орасидаги масофа ошди. Яна қарсак янгради. Энди бахт Зураб томон кулиб боққандай, Урусхоннинг баланд бўйи, узун қўлларида наф йўқдай эди. Ғазаб ва оғриқдан ҳансираб, жойида туриб қолган Урусхон кучдан кетганини сездириб қўйди. Зураб эса сапчишга тайёр ҳолда унга пусиб яқинлашди.

Улар орасидаги масофа қисқаргач, қарсак яна тинди. Ярадор Урусхон ханжарини силтаб яна ҳавони кеса кетди. Зурабнинг ханжари ҳам ҳавода ўйнай бошлади. Бирдан уларнинг ханжарлари бир-бирига урилиб, жаранглади. Кодад ўғли энди нима қилиши лозимлигини ўйлагунича Урусхон чап қўли билан унинг ўнг қўлини ушлаб олди. Аммо абрек ўнг қўли билан унга зарба беришга улгурмади. Зураб чаққонлик билан ханжарини чап қўлига олди-да, рақибига бор кучи билан тиг санчди. Урусхоннинг қаршилиги сўниб бораётганини сезган Зураб муддаосига етганига ишонч ҳосил қилди.

Урусхон мувозанатини йўқотиб, гандираклаганича орқасига чекинди. Ханжарини ташлаб, қон отилаётган бўғзини ушлади. У наъра тортгиси, буларни лаънатлагиси келди. Аммо овоз ўрнига ёввойи хирилдоқ эшитилди, холос. У гурсиллаб йиқилди.

– Тбау-уац-Ила! Тбау-уац-Ила! – деб кичқирди Зураб тантанавор оҳангда. У рақибни йиқилган жойни тахмин қилиб юрди. Деярли ҳаракатсиз ётган Урусхоннинг гавдасига қоқилиб йиқилса-да, ханжарини қўлдан туширмади.

Ўлим талвасасидаги Урусхонда яна ғазаб ва қасос ҳисси уйғонди. У жон бермасидан олдин рақибини бўғиб ўлдиргиси келди. Аммо беҳол бармоқлари Зурабнинг томоғини излаб тополмади. Рақибининг чап қўлини пайпаслаб топиб, бемажолгина сикди. Зураб эса қаддини кўтариб, тиз чўкди-да, унинг юзига бор кучи билан ханжар урди. Ханжар зарбидан суякларнинг қисирлаб кетганини атрофдагилар ҳам эшитишди. Чап билагини сикмоқчи бўлаётган қўл бирдан бўшашди. Зураб тўла ғалаба қозонганини англади. Урусхоннинг бақувват гавдаси сўнгги марта бир силкинди-ю, жон таслим қилди.

Ҳамма ёғи рақибни қонидан қизариб кетган Зураб шунда ҳам жасадни қўйиб юбормади. Содиқ ҳамроҳи бўлган ханжаридаги қонни Урусхоннинг кийимига артиб, қинига солди-да, мушт қилиб тугилган қўллари юлдузли осмон сари узатиб, жон-жаҳди билан кичқирди:

– Тбау-уац-Ила!

Туцатлар ҳам Тўтараевлар ҳам худоларига шукрона билдириш мақсадида бош кийимларини олишиб, унга жўр бўлишди:

– Тбау-уац-Ила!

Рухонийлар шу оннинг ўзида худоларини шарафловчи ғалаба мадҳиясини айта бошладилар. Уларнинг бу жарангдор қўшиқлари водий ва довонлар тинчинини бузиб, худонинг амри бажо келтирилганини Цагат Ламардонга хабар қилди.

Ғолиблик булутида сузаётган Зураб юз-кўзлари боғлиқ ҳолда жим турибди. Одатга кўра ҳар қандай шароитда ҳам юзини очишга унинг ҳаққи йўқ. Такдирга тан берган Заур Зурабга яқинлашиб, юз-кўзларига боғланган қулоқчинни ечди. Темир ботир ўғлонни бағрига босди. Ҳаяжон оғушидан кутула олмгани учун тили гапга келмади. Тўтараевлар бирин-кетин яқинлашиб, Зурабни олқишлашди. Урф-одатга бўйсунушга мажбур бўлиб, абрекну ўз оила аъзолари сифатида қабул қилган туцатлар ҳам олишувнинг бундай оқибатидан мамнун

эканликларини яширишмади. Уларнинг наздида илоҳлари гуноҳкорни жазолаб, узоқ давом этган ташвишли кунларнинг бахтли якунини берган эди. Шу воқеа туфайли одамларнинг худолари қудратига ишончи ва ердаги ноиблари ҳисобланмиш руҳонийларнинг авом орасидаги обрў-эътибори ошажагидан улар айниқса мамнун эдилар.

Ҳамма ғалаба нашидаси билан маст бўлиб турган дамда Заур ҳукумат томонидан ваъда қилинган мукофотни эслаб қолди. У Тамбини четга тортди-да, пичирлаб маслаҳатлашди. Маслаҳат тезда пишди: оға-ини абрекнинг жасадини бирор қабрга қўмадиган, калласини эса узиб, шаҳарга олиб топширадиган бўлишди. Тбау-уац-Ила бу куфронийнинг бошини танидан жудо қилиш эвазига ҳукуматдан беш минг рубль олиш бахтини бу руҳонийларига насиб этган экан, ким ҳам иддао қилиши мумкин? Акасида фотиҳа олган Тамби жасадга яқинлашди-да, ханжарини яланғочлаб, қулоқчинга ўроғлиқ каллани танадан узиб олиб, хуржунига солди. Ўлим топган рақибининг ханжари, энли камари ва черкасча камзули кўкрагига қадалган ўқдон одат тартибига кўра Зурабга насиб этди.

Отига чаққон минган Хадар Туцатга ўликни узатишди. У ҳали қони қотиб улгурмаган бошсиз жасадни отнинг бўйнига қўйиб олди. Инсон қонининг ҳиди димоғига урилган от асабий равишда пишқирди. Аммо эгаси жиловни қаттиқ тортиб тургани учун жойидан жилолмади. Заурнинг ишораси билан бир неча ёш туцатлар отларига минишгач, Цагат Ламардон сари юрдилар.

НОМУС

Улар нари кетишгач, Заур Темир, Тамби, Зураб ва яна бир неча Тўтараевлар ҳамроҳлигида юқорига, қизи қолган ғорга кўтарила бошлади. Ғорда факт отни кўришди, Золийхон йўқ эди. Зураб ғор қоронғилигида ҳам отини таниб, ичида рақибини яна лаънатлаб қўйди.

Улар Золийхонни қанча қидиришмасин, қанча чақаришмасин, жавоб бўлмади. Умидлари синиб пастга қайтиб тушишмоқчи бўлиб туришганда, ғор оғзидан нарироқда, жар ёқасидаги майдончада оқ нарсага Зурабнинг кўзи тушди. Пастдаги олишув кафтдек кўриниб турадиган майдончада Золийхон беҳуш ётарди. Беҳуш қизни ўраб олганлар унга жимгина қараб туришди. Жимликни Заур бузди. У Тбау-уац-Иланинг гуноҳкорни жазолаганини, бу ҳақда илоҳий кечада Тбау чўққисида хабар берилганини, ниҳоят илоҳларининг яна бир ихтиёри амалга ошажагини, яъни Золийхоннинг Керимга хотин бўлажагини айтди.

Темир унинг гапларини бўлмайд эшитди. Кейин бош чайқаб, унинг кейинги башоратини қатъий равишда рад этди:

– Тўтараевлар номус-ор нималигини яхши биладилар. Тўтараев ўғлонлари-да никоҳ кечаси ўйнаши билан қочиб кетган беҳаё қизга уйланиш одати йўқ!

Туцатлар лаб тишлаб қолишди: Темир ҳақ!

Заур Керимнинг Золийхонга уйланиши худонинг иродаси эканини яна қайтариб айтди.

– Ким билади, бунинг қизлик номуси қолганми ё йўқми? – деди Темир яна қайсарлик билан.

– Бундай гумонга борма, – деди Тамби. – Биз уларни изма-из таъқиб қилиб келдик. Бунақа ишни ўйлашга ҳам фурсатлари бўлмаган.

Яқиндагина номус йўлида яқдил бўлганлар энди айнан номус масаласида айри-айри бўлдилар. Бирларининг гаплари иккинчиларига тўғри келмай, узоқ баҳслашдилар. Ниҳоят, куёвнинг келишини кутишга қарор қилдилар: “Золийхонга уйланадиган Керим нима деса шу бўлади”. Хануз беҳуш ётган Золийхонни бўрк устига олдилар-да, авайлаб кўтарганларича аста-секинлик билан пастга олиб тушдилар.

Қизни йўл четига ётқизиб, тун совуғи таъсир қилмасин, деб устига бўрк ёпдилар. Куёвнинг қарорини билмай туриб тарқалишни ҳеч ким истамеди. Йигитлар қоя панасида гулхан ёқдилар. Тўрт йигит таом келтиргани кетди.

Зураб куёвнинг тутинган акаси, келиннинг яқин кишиси сифатида Золийхонга хизмат қилиш истагини билдирди. Дарё лабига тушиб папоғини муздек сувга тўлдиргач, аста юқорига чиқди-да, беҳуш қизнинг юзига сепди. Бахтсиз қиз ўзига келди. Қаддини кўтариб атрофига аланглади. Қаердалигини англади. Бир неча дақиқа илгари шу жойда юз берган даҳшатли фожа яна кўз олдида гавдаланди. Кўзларини катта-катта очганича тебраниб ўтираверди. Бир оздан сўнг тебранишдан тўхтаб, рўмолчасини олиб, юзини артди. Шундан сўнг гўё тошдек қотиб ўтирди.

Зураб тун бўйи ундан кўз узмади.

Куёв навкарлари билан висолга ошиқаётган Керим довонга етиб келганида куёш анча баландлаган эди. Йўл бўйида тўпланиб турган одамларга кўзи тушиб, аввалига ажабланди. Яқинроқ келиб, танишларини, қариндошларини кўрди-ю, ҳайрати янада ошди. Отдан сакраб тушиши билан Зураб унга биринчи бўлиб яқинлашди. Абрекнинг келини олиб қочгани, шу ерда қўлга тушганини шоша-пиша айтиб берди.

– Урусхон қани? – деб сўради Керим, ғазабдан вужуди ёниб.

– Ажали уни шу ерда кутиб олди, – деди Зураб камтарлик билан. Олишув ҳақида гапириб ўтирмади. “Вақти келганда бошқалардан эшитиб, билиб олар”, деб ўйлади.

Керимнинг хаёли ҳозир бошқа муҳим масала билан банд, шу боис Урусхоннинг қандай ўлдирилгани билан қизиқмади:

– Золийхон қани?

– Ана, бўрк устида ўтирибди. Керим, сен ундан...

Зураб “шубҳаланма” демоқчи эди, Керим унинг гапини шарт узди:

– Отам нима дейди?

– Энди уйланиш ё уйланмаслигини ўзинг ҳал қилар экансан.

Улар тўпланиб турган одамларга яқинлашдилар. Салом-алик жимгина, ғоят совуқлик билан ўтди. Керимнинг кўзи йўл ёқасига тўшалган бўрк устида ухлаб ётган Золийхонга тушди. Заур номуси топталган куёви билан гаплашиб олиши зарур эканини англади.

– Керим Тўтараев, мен ва менинг укаларим ҳозир сенинг қаршингда уятли ҳолда турибмиз. Сен ўз марҳаматингни аямай, туцатлар авлодидаги қизга уйланиш истагини билдирдинг. Аммо биз учун ҳам кутилмаган, кўз кўриб қулоқ эшитмаган шармандалик юз берди. Бизга ўғил бўлиб тутинган одам одатимизга хиёнат қилиб, қизни олиб қочди. Қиз зўрлаб олиб қочилганми ё ўз хоҳиши билан қочганми, буни биз билмаймиз. Аммо биз гуноҳ ишга қўл урмасларидан

уларни тутдик. Энди ҳамма гап ўзингда қолди: унга уйланиб, уйингга олиб кетасанми ёки никоҳни рад этиб, қизимизни ўзимизга қайтариб берасанми?

Бу гаплар тўпланганларга маъқул келиб, ўзаро шивирлашиб олишди.

Ҳаяжон ва қарама-қарши ҳислар тўфони таъсиридан Керимнинг чиройли юзи оқариб кетди. Нима деб жавоб беришни билмай, отасига нажот кўзи билан қаради. Темир ўғлини даврадан четроққа бошлади. Ёши улуг Тўтараевлар ҳам унга эргашдилар.

Темир ўғлининг эркини бутунлай ўзига бергани ҳолда Золийхонга уйланиш уни бахтли қила олмаслигини, энг муҳими – бундай беор қизни ўз оиласига қабул қилиш ўзига ҳам, ака-укаларига ҳам анча оғир кечишини таъкидлашни унутмади.

Керим отасининг аҳволини тушуниб турса ҳам Золийхондан воз кеча олмайди. Бир неча йил мобайнида шу қиз ишқида азоб чеккан йигитнинг, маҳбубасига етишай деб турганда ундан юз ўгириши осонми? Қиз томондан муҳаббат бўлмаса-да, унга етишиш фикри ҳамон устун эди. Рақиб ҳалок бўлгач, севгиси йўли батамом тозаланганига ишонч ҳосил қилган эди.

– Мен у билан гаплашиб кўрай, – Керим шундай деб қиз томон юрди.

Аммо отасининг овози уни тўхтатди. Темир уни холи жойга бошлади:

– Бир нарсани билиб қўй: номуси булғанган қизни уйимга олиб киришингга йўл қўймайман. Бу масалада ҳукм битта бўлади, шуни билиб қўй!

Керим: “тушундим, ота!” дегандай қўлини кўксига қўйди-да, қиз томон юрди. Ғала-ғовур туфайли қуш уйқусидан уйғонган Золийхон уни кўриб, ҳурмати юзасидан ўрнидан турди. Унинг оқ шоҳи кўйлаги ғижимланиб кетгани йигитнинг назаридан четда қолмади. Керим номусига бу қадар оғир зарба берган қизга қараб, нима деб гап бошлашини билмай гарангсиб туриб қолди. Ўзини мафтун қилган гўзал чехрага қараб, ғам-алам булутининг қоронғи соясини илғади. Қизга бўлган нафрати ва ғазаби пича сусайди. Шу боис ҳам унинг овози майин ва беозор чиқди:

– Золийхон, мен сени айбламайман. Севган одаминг ўлибди. Бундай ғамни кўтаришинг қийинлигини биламан. Аммо сен ҳам билиб қўй: сен севмаган кимса ҳали ҳам сени дейди, сендан воз кечишни хаёлига ҳам келтирмайди. Қалбингда унга ўрин бўлмаса ҳам, у сени уйига олиб кетишни истайди. У дунё ташвишларидан сени паноҳига олмоқчи. Унинг қанотида бўлсанг, балки ғамларингни аста-секин унутарсан.

Йигит гапираётган пайтда қиз осетинларнинг одатига риоя қилмайди – бошини эгмайди, кўзларини ерга тикмайди. Тош каби қотиб қолгандай унга бақрайиб қараб тураверади. Қофқазлик эрлар ҳеч қачон хотинларни эркаламайдилар. Бунга кўниккан хотинлар ҳеч қачон улардан бундай лутф кутмайдилар. Ҳозир эса... ўзга ҳол юз берди. Ҳақоратларга лойиқ қизга бунчалар меҳрибонлик?.. Золийхон ўз қулоқларига ишонмаса ҳам, йигитнинг гапларидан кейин ғам тўла юраги юмшади. Кўрган даҳшатларидан кейин илк марта йиғи келиб, кўнглини бўшатди. Унинг кўзларидан қуйилган ёш сели ёноғидан оқиб, кўйлагига тушди. Қиз шундагина уни шунчалар севган Керимга бевафолик қилиб қанчалар гуноҳга ботганини сизди. Чекинган ғами ўрнини жиноятини англаш туйғуси, уят ва шармандалиқ ҳисси эгаллади.

Золийхон ўзини бошқара олмай қолди. Беихтиёр равишда йигит қаршисида тиз чўкди.

– Ох, Керим! Нималар деяётганингни ўзинг билиясанми? Мен сенинг бундай гапларингга муносиб эмасман!

Четда турганлар бу ҳолатни кўришиб “қиз кечирим сўраб ёлворяпти”, деб ўйлашди.

Керим қизнинг гапини бўлди:

– Золийхон, нима қилиш керак? Отам билан қариндошларим ихтиёрни ўзимга беришди. Энди сенинг истагингни билишим керак: мен билан бирга кетасанми?

– Керим, сен мени ҳурмат қилмаслигинг, гапларимга ишонмаслигинг ҳам мумкин.

– Золийхон, – деди йигит титроқ овозда, – ғамингга бефарқ эмасман, сенга ҳамдардман. Пушаймонингга ҳам, тавбангга ҳам ишонаман.

Қиз йигитнинг бу марҳаматини қабул қила олмади. Кескин бош чайқади:

– Мен бунга лойиқ эмасман. Мен сенга бевафолик қилдим. Ҳаддим сиғмаган одамга қўнгил қўйдим.

Керим қизни кечиришни истайди:

– Балки у сени қўрқитгандир... зўрагандир?

– Йўқ, мен ўз ихтиёрим билан унга эргашдим, – деди қиз яна ўжарлик билан.

– Бўлар иш бўлиб ўтди, – деди соф қалбли Керим. – Тбау-уац-Иланинг ҳукми ижро этилди. Энди у худонинг ҳузурида ҳисоб бeryaпти. Сен билан иккимиз ҳали ер юзидамиз, куёш нуридан баҳраманд бўляпмиз, илоҳимиз бизга ҳаётни инъом этди. Золийхон, мен сенинг жавобингни ҳозирнинг ўзида отамга етказишим керак. Агар сен ўзингни менинг олдимда айбдор деб ҳисоблаётган бўлсанг, нима учун гуноҳингни ювишни истамаяпсан? Ўтган гапларни унутайлик, мен сендан меҳримни аямайман. Сен кўп алам тортдинг. Кел, қўлингни бер, келажакдаги ҳаёт йўлларимизни бирлаштириб, биргаликда босиб ўтайлик. Шундай қилсак, бугунги зулматлар чекиниб, бизга ҳам нур кулиб боқар? Цагат Ламардонга қайтиб боришинг сенга жуда оғир бўлади. Охириги марта сўраяпман: мен билан бирга кетишни истайсанми?

Бу гаплардан кейин иложсиз қиз аста шивирлади:

– Агар хоҳишинг шу бўлса, сен билан бирга кетаман. Умримнинг охиригача фақат сен учунгина яшайман.

Бундан мамнун бўлган йигит енгил таъзим қилиб орқасига ўтирилди, лекин асосий нарсани сўрамагани ёдига тушиб, тўхтади. Тўхтади-ю, аммо сўрашга тили бормади, истиҳола қилди. Лекин сўрашга мажбур эди, шу боис тутила-тутила сўз бошлади:

– Золийхон... мени афв эт... яна бир нарсани... сўрашим керак... Буни сўрашни отам талаб қияпти... У сени олиб қочганида... кечаси... кечирасан... ораларингда бирон нима бўлмадими?..

Керим очиқ гапиролмагани билан, Золийхон унинг мақсадини уқиб, изза чекди. Нечоғли уятли бўлмасин, мажбурият юзасидан берилган саволга жавоб қайтаришга мажбур эди.

– Йўқ, йўқ, Керим! Бунга... унинг вақти ҳам... имкони ҳам йўқ эди... Биз отга ўтира солиб шу ергача қочиб келдик. Ҳеч бир ерда тўхтамадик. Изма-из қувиб келишди.

Бу жавобдан кейин Керимнинг елкасидаги тоғ ағанагандай, енгил тин олди:

– Мен шундайлигини билардим. Мен сенга ишонаман. Аниқлаштириб олганим яхши бўлди, Золийхон. Энди номусли қиз сифатида остонамизга қадам қўйишингни отамга айтаман.

Йигит кетди.

Қиз софдил бу йигитнинг орқасидан югуриб, ҳақиқатни айтмоқчи ҳам бўлди, аммо уят ва ғурури бунга йўл бермади. Ҳатто оёқлари ҳам ўзига бўйсунмай қолди. Унинг гуноҳи катта ва қўрқинчли аждаҳо киёфасини олиб, қаршисида қад ростлади-ю, бутун оламни гулдиратиб қичқирди:

– Билиб қўй, хой номуссиз қиз! Бу ҳам Тбау-уац-Иланинг жазоси!

НИКОҲ

Керим жавобни интиқлик билан кутаётган даврага қайтди. Унинг қарорини ҳар ким ҳар хил кайфиятда қабул қилди. Биров маъқуллади, бошқаси уни номусни қадрлай олмасликда айблади, яна биров афсус, яна бошқаси ажабланиш билан бош чайқаб қўя қолди. Куёвнинг аҳдини эшитгач, Заурнинг юрагини мажақлаб турган харсанглар қулади. Қайси бир йигит шунча гап-сўздан кейин ҳам номуссизликда айбланиб турган қизга уйланаман дейди? Ҳар ҳолда бу томонларда учрамайдиган камёб ҳодиса! Тўтараевларнинг ёши улуғлари бир нима демасалар ҳам, ёшлари Керимнинг бу бўшанглигидан ғазабланишди. Ундаги муҳаббатни бемаъни деб билиб, ҳафсалалари пир бўлди. Уларнинг қатъий фикрича, Керим қизни асло кечирмаслиги керак эди. Яхшики, бундай ҳолларда ёшларнинг фикри инобатга олинмайди, йўқса Керим оғир аҳволда қолган бўларди. Керим отасига Золийхоннинг ифбатли, ор-номусли қиз эканини ишонч билан айтгач, Темир ўғлининг бу қарорига қарши чиқмади.

Бироқ Керим келини даврага бошлаб келганда уни совуқ қарши олдилар. Саломи алиқсиз қолди. Заур билан Темир никоҳ соат ўн бирга белгиланганини эслатгач, барчалари шошиб отларига миндилар.

Зураб келинга ғордан олиб тушган отини рўпара қилди. От қизга қараб аста пишқириб қўйди. Золийхоннинг назарида жонивор “Севгингни дарров кўмиб бўлдингми? Муҳаббат ўтининг сўниши шунчалар осонмиди? Вафодор бўламан, деб қасам ичиб эдинг. Сени ҳали қасам урмасайди...” деб маломат қилгандай бўлди. Қиз ўзининг хаёлига келган бу гаплардан сесканиб, ортига чекинмоқчи бўлди-ю, ўзини қўлга олиб, итоат билан отга минди.

Ҳамма никоҳ ўқиладиган черков томон юрди. Фақат Тамби шаҳарга қараб йўл олди. У ҳозир хуржунида қаппайиб турган калла эвазига ҳукуматдан мукофот олиш умидида маст эди. Аммо шаҳарга боргач, ҳукумат одамларига бу калланинг Урусхонники эканини исботлай олмаслигини ўйлаб ҳам кўрмасди. Далил учун абрекнинг қариндошларидан ёки ҳеч бўлмаганда уни танийдиган овулдошларидан бирини олиб бориш зарурлигини у қайдан ҳам билсин. Катта пул ишқиде кетаётган Тамбининг эртага қуруқ қўл билан қайтишини уни умид кўзи билан кузатиб қўйганлар ҳам билишмайди.

Тамби ўз йўлида, никоҳ қарвони эса ўз йўлида кетиб боради.

Никоҳ қарвони... Ажаб, Ажаб! Асъасаю дабдаба қани? Шодиёнаю тантана қани? Йигитларнинг шўхликлари қани? Қувонч рамзи бўлган отишмалар қани? Йўқ... Ҳеч нарса йўқ! Бу қарвон тўйини эмас, мотам маросимини эслатарди.

Темир билан Заурнинг ўрталарида ёнма-ён бораётган келин билан куёв жим. Ортда бораётган чавандозлар ҳам жим.

– Тўйга кетяпмизми ё ўлик кўмганими? – деб ўйлайди кўпчилик.

Православ руҳонийси уларни қишлоқнинг кичкинагина черковида кутиб олди. Бу ерда ўқиладиган никоҳ аҳди билан Золийхон билан Керимнинг эр-хотинлик мақоми қонун кучига киради. Фолбинликни касб этган осетин руҳонийлари қонун кучига кирувчи бундай маросимларни бажариш ҳуқуқига эга эмасдилар.

Келиннинг эзгин афт-ангори, ғижимланган кўйлаги, фақат эркаклар ҳам-роҳлигида келиши руҳонийни шубҳага солди. Никоҳ ўқисамми ё ўқимасамми, деб иккиланди. Аммо Заурнинг қўлини сиқиб, маънодор қараб қўйишидан кейин шубҳани бир четга йиғиштириб қўйиб, никоҳ маросимини рисоладагидай бошлади.

Зураб билан Алдиан Тўтараев келин ва куёвнинг бошлари узра олтин ҳалли чамбаракни ушлаб туришди.

Никоҳ маросими якунига етгач, туцатлар Цагат Ламардонга қайтиш тадориғини кўришди. Аммо Темирнинг илтимосини ерда қолдиришни эп кўрмай, ёшлар Кадгаронга тўйга борадиган бўлишди.

Қариганида бошига шармандалик ёмғирини ёғдирган қизини кечира олмаётган Заур Золийхон билан совуққина хайрлашди-да, сепларини эртагаёк Кадгаронга етказишга ваъда қилди.

Тўй қарвони яна аввалгидай жимлик билан йўлга тушди. Ўқилган никоҳ ҳеч кимнинг кўнглига равшанлик олиб кирмади. Золийхоннинг назарида руҳоний унга никоҳ ўқимади. Балки бевафоликнинг лаънат тамғасини қалбига ургандай бўлди. У ана шу лаънат тамғасига банди бўлиб, қонуний эри ёнида унинг уйи томон боряпти. Эрининг уйида уни нималар кутяпти? Керим ваъда қилган бахтми? Керим астойдил ваъда қилган бўлса-да, Золийхон бахтли бўлишига ишонмайди.

Кадгаронда тўй ҳаракати авжида.

Ажал ҳам ғафлатда эмас, Золийхонни интиқ кутади.

Кечга яқин Ғазола овулига етиб келдилар. Темирнинг дўсти уларни қучоқ очиб кутиб олди. Келинни кузатиб келувчилар орасида аёллар йўқлигидан у ҳам ажабланди-ю, аммо сир бой бермади. Сабабини сўраб ўтирмай, Золийхонни аёллар бўлмасига кузатди. Эркаклар меҳмонхонада тунашди.

Керим қочоқларни тутиш воқеасини батафсил эшитиш мақсадида Зурабнинг ёнида ётди. Кодат гапни қизларнинг ваҳимали хабарларини эшитганидан бошлаб, қочоқларни қувиб борганларини ва ниҳоят олишув тафсилотини сўзлаб берди.

Керимни олишув баёни ўйлатиб қўйди.

– Менинг ўрнимга олишганингдан мамнундирсан?

– Албатта! Сенга бўлган садоқатимни намойиш этишимга имкон бергани учун Тбау-уац-Илага шукрлар қилдим.

Агар Керим Зурабнинг ўрнида бўлганида у ҳам айнан шу йўлни тутган бўларди. Унинг дўстига ҳаваси келди.

У Зурабга яқинроқ сурилди-да, шивирлаб сўради:

– Зураб, Золийхон ўтган гапларни унутиб, бундан бу ёғига фақат мени сева олармикин?

– Билмадим, – деди Зураб. Кейин гапини бошқалар эшитиб қолмаслиги учун овозини янада пастлатди: – у абрекни жонидан ҳам ортиқроқ яхши кўрарди.

– Худого шукрки, абрек бу дунёни тарк этди. Бунинг учун сенга раҳмат.

– Унинг ўлгани яхши бўлди. Бошига ханжар санчганимда суяклари қисирлаб кетди. Бундан қанчалик лаззатланганимни баён этиб беролмайман.

– Вақтида қувиб етганларинг яхши бўлибди. Яна ким билади, озгина фурсати бўлганида... балки...

– Бунинг учун ҳам раҳмат, десанг арзийди. Отни аямай ҳайдадим.

– Агар кечикканларингда... ўша иш бўлганида... Золийхонга уйланишимга отам икки дунёда ҳам рухсат бермас эди.

– Керим... ҳар ҳолда ўша иш бўлиб ўтган...

– Йўқ, Зураб, мен ундан очиқчасига сўрадим. Унинг вужуди ҳам, қалби ҳам пок.

– Қочаётган пайтларида улгуришмагандир. Лекин унгача бўлган, деб ўйлайман. Мен ўрмон ёқасида кучоқлашиб, ўпишаётганларини ўз кўзларим билан кўрганман.

– Ахир ўзинг ўпишишдан бошқа гап бўлмади, деган эдинг-ку?

– Мен кўрганимни айтдим. Балки ўша кеча ҳеч нима бўлмагандир. Ақлингни салгина бўлса ҳам ишлатсанг-чи! Сен нима деб юрибсан, Урусхондек йигит шундай гўзални ярим кечада пинҳона жойда кутиб олади-ю, тегмайдими? Агар шундай бўлса, у эркак эмас экан. Мен ҳам бир хотинчалиш билан олишган эканман.

– Мен бунга ишона олмайман.

– Ишониш ёки ишонмаслик ўзингнинг хоҳишинг. Мен шундай иш бўлганига аминман!

Зурабнинг кескин оҳангда айтган сўнгги гапи Керимни паришон қилди. Анчагача гапирмай ётди. Ниҳоят:

– Зураб, энди нима қилишим керак? – деб маслаҳат сўради.

– Энди битта йўлинг бор: кейинги байрамгача хотинингга яқинлашмайсан. Агар у муҳаббат лаззати деб қадамжони оёғости қилган бўлса, Тбау-уац-Ила унинг шармандасини чиқаради. Агар шу вақт мобайнида ҳеч нима сезилмаса, демак, мен адашган бўламан. Хотининг номусли покиза қиз бўлади. Шундан кейингина сен уни севиб, хотинликка оласан.

– Зураб, маслаҳатинг жуда ғалати бўлди-ку? Неча йил севиб, интилганимни уйга бошлаб кирсаму, яқинлашмасам... Менга оғир бу...

– Оғирликка оғир. Лекин бутун умринг давомида “хотиним мени алдадими ё йўқми?” деган шубҳа билан яшашинг бундан ҳам мушкулроқ, билиб қўй.

– Сен ҳақсан, Зураб. Гапларинг тўппа-тўғри. Лекин... ўша ўрмонда номусини бериб қўйган бўлса-ю, лекин ҳеч нима сезилмай қолса-чи?

– У ҳолда буни Тбау-уац-Илага қўйиб беравер. Бизга сир бўлган нарса унга маълум. У гуноҳкорни жазосиз қолдирмайди. Бўлди. Энди ухла.

Керим ёнбошига ўгирилиб олди. Хонадагилар бир маромда нафас оладилар. Унинг эса на тинчи бор, на уйқуси келади.

ЖАЗО

Кадгарондаги тўй қадимдан мерос қолган урф-одатларга риоя қилинган ҳолда ўтказилди. Келин ва куёв меҳмонларга кўриниш бермадилар. Меҳмонлар эса уч кеча-кундузни емоқ-ичмоқлик ва ўйин-кулгидан иборат шодиёналик билан ўтказишди. Келинни абрек олиб қочгани ҳаммага маълум бўлса-да, бундай воқеалар Қофқазда учраб тургани сабабли фавқулдда фожиа сифатида қабул қилинмади. Балки абрека жазо берилганини нишонлаб, қувонч билан қадаҳлар кўтардилар.

Тўйдан сўнг Золийхон барча хотинлар каби ўз хонасига эга бўлди. Аммо ташвиш билан кутгани – висол содир бўлмади. Тунлар кетидан тунлар ўтаверди, бироқ Керим унинг остонасини босиб, ичкари кирмади. Дастлаб бундай ҳолатдан Золийхон қувонди ҳам. Керимнинг асл мақсадини билмай, буни унинг марҳаматига, олийжанобилигига йўйди. Қиз унинг кўнгилчанлигини қанчалик қадрламасин, қалбининг тўри ҳамон Уруسخони билан банд эди. Уруسخоннинг бу дунёни ташлаб кетгани рост, аммо қиз қалбини ташлаб кетмаган эди. Дастлабки кунлари эрининг уйга кирмагани унда миннатдорлик ҳисларини уйғотди. Аммо кейинчалик ҳаётининг бундай давом этиши мумкинмаслигини англаб қолди.

Ҳафта кетидан ҳафталар ўтди. Керимнинг муносабати ўзгармади. Золийхон энди ташвишлана бошлади. Кунларнинг бирида, Уруسخон забт этган юрагининг остида тирик жон пайдо бўлганини сизди. Аввалига ҳомиласига ишонмади. Буни тан олишнинг ўзиёқ бир даҳшат эди. У бутун вужуди билан она бўлишига қарши эди. Уни шармандаликдан қутқариб қолишнинг бирдан-бир йўли эри билан яқинлашиш эди. У энди Уруسخони хотираси билан яшамасди. Эрини ўзига чорларди. Бу йўлда аёлларга хос барча карашмаларни ишга солди: эрига фақат жилмайиб қарайди, баъзан нозли кўз сузишлари билан уни ўзига оғдирмоқчи бўлади. Керимни гапга солади, нозли сўз оҳанглари орқали соғинганини англатишга уринади. У ўзининг рафиқалик ҳуқуқидан фойдаланишни, туғилажак фарзандга Керимнинг ота бўлишини жуда-жуда истарди. Бироқ ҳамма уринишлари беҳуда кетаверди. Золийхон унга интилаверади, Керим эса ундан ўзини олиб қочаверади. Ноз-карашмалар эътиборсиз қолаверади. Золийхоннинг назарида эрига интилгани сайин Керим ғоят бемехрлик билан ундан узоқлашишга уринади.

Ёз фаслининг адоғида бахтсизлигининг нишонаси – ҳомиласи сезилиб қолди. Юрагини дард азобидан халос қилай деса, атрофида унинг ҳасратини тинглайдиган дардкаши йўқ. Қайнонаси билан қайнсинглиси аввалбошданок унга нохуш муомала қила бошлашган. Золийхон бу хонадонда кутилган, ардоқли келин эмаслигини дастлабки кунларданок англаган. Номус-ор, вафо-садоқат туйғулари ҳақидаги юксак тушунчалар таъсирида тарбия кўрганлари сабабли улар Золийхоннинг шармандалигини кечира олмас эдилар.

Сентябрнинг бошларида унинг қомати тўлишиб, юзида доғ пайдо бўлиб, ҳомиласини ошкор қилди. У ҳамон эрига яқинлашишга интилади. Керим ҳамон ўзини олиб қочади. Кундуз куни ҳам ёлғиз қолишни истамайди.

Қайнонанинг зийрак нигоҳи Золийхондаги ўзгаришни сизди. Бир куни дастурхон атрофида ўтиришганда у одатига хилоф равишда келинига мулойимлик билан гапириб қолди:

– Худо сенга марҳаматини аямаганга ўхшайди. Тез орада Керим ўғилчасини қўлига олиб, шодлигини дўстлари билан баҳам кўради.

Бу ҳақиқатни қайнонасининг оғзидан эшитган Золийхоннинг боши айланди. Йиқилиб кетмаслик учун хонтахтани ушлаб қолди.

“Тбау-уац-Иланинг жазоси бу!” деган фикр бутун вужудини қақшатиб юборди-ю, хушсизланиб йиқилди.

Она-бола қўрқиб кетдилар. Уни ўринга авайлаб ётқизиб, юзига сув пуркаб, хушига келтирдилар. Ўғлининг хотинига хануз яқинлашмаганидан беҳабар она бу ҳолатни ҳомиладорликнинг оғир ва азобли жараёнига йўйди.

Оқшомда ёмғирда қолиб бўккан Керим даладан қайтди. Кийимларини ечиб, олов қаршисида исиниб ўтирганида онаси унга қараб хушхабарни айтиб, суюнчилади:

– Керим, янги йил байрамида ўғлингни қўлга олиб, дўстларингга зиёфат берадиганга ўхшайсан.

Бу хабарни эшитиб сакраб туриб кетди. Лекин ҳаракат қувончдан эмас, беҳос уйғонган ғазаб оқибатидан эди. Унинг ранги оқарди. Кўзларида олов учкунлари ёнди. Қўли беихтиёр ханжари дастасига юборилди.

– Нималар деяпсан! – деди у хирилдоқ овозда.

Кампир ўғилдаги бу ўзгаришдан ҳайратланиб, унга қўрқибгина боқди:

– Менимча, яқин орада Золийхон она бўлса керак...

Керим шу ойлар ичи қўрқиб кутган хабарни эшитиб, ўзини йўқотиб қўйди.

– Бу бўҳтон! Бўлмаган гап! Ёлғон! – деб ҳайқирди.

– Сенга нима бўлди? – деди кампир меҳрибонлик билан. – Бунақа пайтда оталар қувончдан худога шукрлар қиладилар.

Бу гапни эшитиб, Керим телбаларча кула бошлади:

– Мен қувонайинми? Мен худога шукр қилайинми? Нима учун?

У кулгидан бирданига тўхтади-да, кўзлари ола-кула бўлиб онасига қаради:

– Она, унинг қорнидаги бола меники эмас!.. Чунки мен... эр бўлиб унга ҳа-лигача яқинлашмаганман.

Кампир бу гапни эшитди-ю, даҳшатдан тошдай қотиб қолди. Оғиз очиб бир нима дейишга ҳам қурби етмади. Кейин жон бераётгандай лаблари аста пичирлади:

– Бузуқ.... бизнинг уйимизга фоҳиша кириб келган экан...

Тилидан учган бу аччиқ ҳақиқат сўзлари кампирни сескантириб, ўзига келтирди. Энди бор овози билан қичқирди:

– Бузуқ! Бузуқни бошлаб келганмидинг?!

Керим онасини холи қолдириб, Золийхоннинг хонасига отилиб кирди. Дераза ёнида ниманидир тикиб ўтирган Золийхон чўчиб ўрнидан турди. Золийхон эрини бундай дарғазаб ҳолда сира кўрмаган эди. Керимнинг юзлари ғазабдан қизариб кетган, кўзларида нафрат ўти бор эди. Бироқ у хотинига ташланмади, лаънат сўзларини ҳам тилидан учирмади. Ўзини босиб олиб, вазминлик билан сўради:

– Золийхон, сенга нима бўлди?

– Раҳмат, Керим, сенинг паноҳингда менга нима ҳам бўлиши мумкин?

– Мен соғлигингни сўраяпман? – у шундай деб қизнинг қоматига синовчан тикилди. – Назаримда тўлишиб қолганга ўхшаяпсан.

Қиз қандайдир даҳшат тўфонининг шарпасини сезиб, ўнғайсизланди.

– Керим, гапларингга тушунолмаёпман?

Бу гапдан кейин Керим ўзини тутолмади – портлади:
 – Сен ҳали ҳам номусли қизмисан? Ҳа... ҳомиладор қиз!
 Золийхон қалтираганича унинг қаршисида тиз чўкди:
 – Мени кечир, кеч...

Золийхон узрини охиригача айта олмади. Унинг сўзини Керимнинг қатъий ҳукми узди:

– Йўқ! – деди у қаҳри қаттиқ одамнинг бераҳмлиги билан. – Ҳеч қачон!

Шундай деб чиқиб кетмоқчи эди, Золийхон ўзида кучли бир журъат топиб, сакраб турди-да, остонага ундан олдин етиб бориб, йўлини тўсди.

– Сендан ўтиниб-ўтиниб илтимос қиламан. Узил-кесил ҳукм чиқармасдан олдин бир оғиз сўзимни эшит.

– Яна қанақа сўзингни эшитай? Ҳозиргина ўзинг тан олдинг-ку? Бошқа гапга ўрин йўқ!

– Керим, никоҳимиздан кейин мен сенга заррача бевафолик қилмадим.

– Никоҳдан кейин дейсанми? – Керим шундай деб заҳарли илжайди: – Оиламиз катталари келишиб олишган ондан бошлаб сен меники эдинг!

– Биламан... ўшандан кейин ҳам сенга хиёнат қилганим йўқ.

– Лекин сен у аблаҳ билан бирга қочдинг-ку?

Золийхон бу ҳақиқатни рад этишга ожиз эди. У бош эгиб, жимиб қолди. Бундан фойдаланган Керим гапини давом этди:

– Энди мен сенга қандай ишонишим мумкин? Эсингдами... йўл устида... гуноҳ иш қилмадиларингми, деб сўраганимда сен “гуноҳ иш қилмадик” девдинг?

– Ҳа. шундай дегандим, эсимда. Лекин сен “ўша тунда бўлдимиз?” деб сўрагандинг.

– Сен гапни чалғитма. Мен поклигингча қолдингми... қизмисан, деб сўраган эдим. Буни мен ўзим учун эмас, отам учун сўровдим. Сени севган, сенга ишонган одамни алдадинг. Муҳаббатимдан фойдаланиб, абреждан бўлган болангни менинг номимга ўтказмоқчи эдинг. Худога беадад шукрлар бўлсинки, у менга етарли сабр-тоқат бериб, сенга яқинлашишимдан ўзи асраб турди. Энди орамизда ҳеч нарсаси йўқ. Менинг муҳаббатим бугун ўлди. Ҳа, худди Урусхонинг сингари ўлди. Энди йўлимдан қоч!

У яна ёлвормоқчи, тушунтирмоқчи эди, бироқ бунинг фойдасиз уриниш эканини сезиб, ўзини четга олди.

Золийхон ҳали ҳаёт бўлса-да, юзига ўликнинг ранги югурди. Ҳолсизланиб ўтирди. Вужудини гўё совуқ булут ўрай бошлаган бўлди. Кўзлари бир нуқтага маъносиз тикилиб қолди.

Хаёлига қадимдан қолиб келаётган одат ҳукми келди-ю, кўзлари даҳшатдан катта-катта очилиб, сапчиб туриб кетганини ўзи ҳам билмай қолди. Осетинларнинг бузуқларга нисбатан ҳукми ғоят даҳшатли эди: беномуснинг сочи кесилиб, кўкраклари чўғда куйдирилиб, сўнг ота-онасиникига жўнатиб юбориларди. Золийхон яқин атрофда шундай воқеа юз берганини эшитмаган. Чунки Осетияда узоқ йиллардан бери бунақа ҳол юз бермаганди. Эс-эс билади, унда ҳали қизалоқ эди, қўшни кампирлар ўчоқ олдида суҳбатлашиб ўтириб шундай одат мавжудлигини гапиришган эди. Ҳозир ўша суҳбатни эслаб, баданига муз югурди. Энди нима бўлади? Унга “бузуқ” деб ҳукм чиқаришадими? Кўкракларига чўғ босишадими?

Йўқ, йўқ! Бунга йўл қўёлмайди. Бу шармандалиқдан кўра ўзини дарёга ташлаб ўлгани минг марта афзал. Дарё унинг ўзини ҳам, гуноҳларини ҳам ютади.

Бу дунё азобларидан қутулади. Аслида аллақачон шундай қилиши керак эди. Фақат Урусхонидан қолган ёдгорининг ўлимини истамаётганди... Энди у ҳам кўзига кўринмай қолди.

У бир қарорга келиб, уйдан чиқишга улгурмай остонасида қайнотаси кўринди. Керим хотинининг хонасидан чиқиши билан отасига бор гапни айтиб, Золийхонни шу оннинг ўзида ҳайдаб юборишни талаб қилган эди. Ўғлининг талабини эшитган Темир ҳукм чиқаришга шошилмади, яқинларини чақиртириб келди. Золийхоннинг хонасига аввал ўзи, орқасидан акалари Мшоҳт билан Мухтор, кейин амакиваччаси Урусмат кириб келдилар.

Катталар хонага ҳеч бир мулозиматсиз ва салом-аликсиз кириб келдилар. Уларнинг изларидан Керим, Хотшош ва гўзал Алдиан ҳам кирдилар. Гап бошлаш ҳуқуқи Темирда эди:

– Золийхон Туцат, – деди у вазмин ва мулоим гапиришга тиришиб, – сен менинг ўғлим Керим Тўтараевга ўз розилигинг билан хотин бўлган эдинг. Ўғлим эр сифатида сенга яқинлашмагани ҳолда ҳомиладор бўлиб қолганингни айтиб айбляпти. Уйингга қайтариб юборишимизни талаб қиляпти. Биз ҳаммасини аниқ билмагуниimizча одатимизга биноан ҳукм чиқара олмаймиз.

“Ҳаммаси аниқ: бузуқларга бериладиган жазо беришади менга”, деган фикр яшин сифатида миясига урилиб, товонигача зириллатиб юборди. Қайнотасининг гапини энди узоқ-узоқлардан эшитгандай бўлди:

– Керим, аввал сен гапир.

Ханжари дастасини маҳкам ушлаб турган Керим ҳаяжонланиб, дарров гапиролмайди. Золийхон томонга қарашга ботинмайди.

– Ҳа, отам тўғри гапирди, – деди у овози титраётганидан ўзи ҳам хижолат бўлиб. Томоқ қириб олиб, ҳаяжонини босган бўлди-да, қатъийроқ оҳангда давом этди: – Мен Золийхон Туцатни ота-онасиникига ҳайдаб юборишни талаб этаман. У менга ҳеч қачон хотин бўлган эмас. Ҳомиласи абрек Урусхондан. Улар йўл устида қўлга тушишганда менга “номус-орли қизман”, деган эди. Шунинг учун мен унинг “ўз акаси” билан қочганини кечирган эдим. Энди эса бузуқлиги учун ҳайдаб чиқаришни талаб қиламан. У мени алдади. У номус-орли осетин йигитнинг хотини бўлишга ҳеч қачон ҳақли бўлган эмас.

Талаб ҳақли эди. Шундай бўлса ҳам Темир ҳукм чиқаришга шошилмади.

– Золийхон Туцат, энди сен гапир: ўзингни оқлай оласанми?

Темирнинг овозида қўрққулик бир хотиржамлик борлигини қиз пайқади.

Бутун ўй-хаёлини қамраб олган бўлажак ҳукм даҳшати бирон нима дейишга ҳам йўл бермайди. Шундай бўлса-да, сўнгги қувватини ишга солиб гапиришга чоғланди:

– Никоҳдан кейин хиёнат қилмадим, – деди ғоят паст овозда. Тишлари зириллаб бошқа сўз айтолмади. Тўпланганлар учун унинг гапириши унчалик муҳим эмасди. Шунга қарамай Темир яна сўради:

– Керим сенга эр бўлганмиди?

– Йўқ... – деди у секингина.

– Ҳомиладормисан?

– Ҳа...

Қизнинг икзорини ўзидан бошқа ҳеч ким эшитмаган бўлса-да, Темир акаларига бир қараб олиб, яна сўради:

– Бола кимники?

– Ўзингларга маълум-ку?

– Боланинг отаси кимлигини ўзинг айт!

– Урусхон...

– Керимга тегишга ўзинг рози бўлганмидинг?

– Ҳа... Урусхонга бўлган муҳаббатим туфайли ҳўп деганман.

– Нима-а?

– Ҳа, мақсадим уни Тбау-уац-Иланинг жазосидан қутқариб қолиш эди. Урусхон акам бўлиб қолганидан кейин барибир унга теголмас эдим. Шунинг учун ихтиёримни отамга бердим.

– Цагат Ламардонда қалин пулини келишаётганимизда сен ўз хоҳишинг билан розилик берганмидинг ё зўрлашган эдими?

– Ҳеч ким зўрламаган.

– Тўй кuni абрекка ўз ихтиёринг билан эргашдингми?

– Ҳа.... тўғриси... мен ундан кўрқдим. Кўзларида ғалати ўт бор эди.

– Балки у сени кўрқитиб, қочишга мажбур қилгандир?

– Йўқ бундай бўлмади.

– Демак, сен бир йигитнинг қаллиғи бўла туриб, бошқа одам билан қочдингми?

– Ҳа.

Темир бу иқрордан сўнг қариндошларига бир-бир қараб олди:

– Оғаларим, бошқа гап сўрашнинг энди фойдаси йўққа ўхшайди. Айбини бўйнига оляпти, шунинг ўзи кифоя.

– Қаердан келган бўлса, ўша ерга ҳайдаб юбор! – деди Урусмат ғазаб билан.

– Ҳайдаб юбориш осон, – деди Темир. – Унга аввал бузуклиги учун жазо беришимиз керакмикин?

Орага бир зум сукут тушди.

Золийхон титрай бошлади.

– Мана шу ҳукм адолатдан бўлади. Бошқа чора йўқ, – деди Мшоҳт, оппоқ соқолини силаб қўйиб.

– Мулоҳазага ўрин йўқ, – деб акасини қувватлади Мухтор, – айбига иқрор бўлмаганда ҳам бошқа гап эди.

Темир ҳукмга акаларидан оқ фотиҳа олгач, ханжарини қинига қўл юборди-да:

– Қачон? – деб сўради улардан.

– Ҳозир, – дейишди улар ҳукм ижроси вақтини аниқ белгилаб. Уларнинг фикрича ҳукм ижроси вақтини ортга суришдан маъно йўқ эди.

Темир Золийхон сари бир қадам босди :

– Золийхон Туцат! Биз – сен номусини булғаган авлоднинг катталари – сени бузукликда айбли деб топдик. Сенга урф-одатимиз қоидаларига кўра жазо бергач, отангнинг уйига жўнатамиз. Керим! – шундай деб ўғлига ўгирилиб қаради: – Аёлларни олиб, уйдан чиқ. Ўзимиз чақиргуниimizча томорқанинг четига олмазорда кутиб туринглар.

Керим уйдан чиқиб кетиш учун баҳона топилганидан қувонди.

Мухтор Мшоҳт ва Урусмат билан маслаҳатлашиб олгач, хонтахта устидаги ёниб турган чироқни четга олиб қўйди.

– Темир, – деди Мшоҳт, – сен Керимнинг отасисан. Ҳукмни ижро этиш сенинг бурчинг.

– Биламан, – деди Темир келинига бир қараб олиб.

Бу онда Золийхон кишанланган каби қотиб турарди. У ҳовлига қочиб чи-

қишни, дарёга бориб ўзини сувга отишни истарди. У ўзида куч топиб, қочишга аҳд қилди. Сал қимирлаши билан Урусмат унинг ниятини сезиб қолиб эшикни маҳкам беркитиб қўйди.

Иложсиз қолган Золийхон қайнотаси олида тиз чўкди.

– Мени афв эт, – у худди худога илтижо қилаётгандай қўлларини баланд кўтарди: – Отамникига шундайлигимча ҳайдаб юборинглар. Агар шарт бўлса, майли сочимни қирқинглар, аммо кўкрагимни қуйдирманглар, ўтинаман.

У тиз чўкканича қайнотаси томон юрди.

– Мен бундан баттар жазога ҳам лойиқман. Лекин болага раҳм қилинглар. Ахир уни ким эмизади... раҳм қилинглар.

Эркаклардаги раҳм туйғусидан кўра одат ҳукмига бўйсуниб ҳисси кучлироқ эди. Мухтор ташқарига чиқиб, ўчоқдаги оловда темирни қиздириб қайтгач, нолаю фиғонга аҳамият ҳам бермай ишга киришдилар. Золийхон типирчилаб қанчалик қаршилиқ кўрсатмасин, қанчалик ялинмасин, фойдаси бўлмади. Уни хонтахта устига ётқизганларида оёғи осилиб қолди. Урусмат уни тиззаларидан маҳкам босиб турди. Мшохт билан Мухтор қизнинг қўлларини ушлашди.

– Бундай қилманглар, – деб ялинди титроқ исканжасидаги Золийхон.

Золийхон тоғларга ялинганида балки уларнинг раҳми келиб ёрилиб кетармиди. Лекин номуси таҳқирланган эркакларнинг тош қалби юмшамади. Темир ханжарини кинидан чиқариб, дамини текширди: ўткир! У чаққон бир ҳаракат билан Золийхоннинг сочларини кесиб ташлади-да, кўкрагини оча бошлади. Золийхон худди ноласини биров эшитиб, ёрдамга келадигандай бор овози билан дод солди. Кучига куч қўшилгандай бўлди. Эркаклар чангалидан чиқиш учун типирчилади. Ўнг қўлини Мшохтнинг чангалидан чиқариб олиб, ярми очилган кўкрагини панжаси билан тўсди.

– Бола... бола... гўдакка раҳм қилинг!

Бечора қизнинг фиғони совуқ деворларга сингиб кетди. Мшохт қизнинг қўлини қайира бошлади. Темир акасига ёрдамлашди. Сўнг қўйлакни йиртиб, кўкракни батамом очди-да, қизитилган темирни унинг кўкрагига яқинлаштирди.

Боғда, баргларини тўкиб яланғочланиб қолган олма дарахти остида аёллар туришибди. Улар ўзаро гаплашмай, ҳукм ижросини жимгина кутишади. Уларни ҳам қандайдир кўрқинчли куч қамраб олган. Барчаларининг вужудларида енгил титроқ бор.

Ниҳоят, кутилган он етди: одам вужудини ларзага соладиган фарёд эшитилди. Жимгина турган аёллар бир-бирларига қараб олдилар. Бир неча нафасдан сўнг аввалгисидан ҳам кучлироқ, юракни эзиб юборадиган даражадаги фарёд янгради.

Мшохт мис косада сув келтириб, Темирга узатди. У ранги ўликникидай бўзариб кетган қизнинг юзига сув сепди. Золийхон инграб, тўлғанди. Кейин ўкириб йиғлай бошлади. Мшохт билан Мухтор уни кўтариб, курсига ўтқизишди. Урусмат билан Темир жавонни титиб, тоза сочиқни топдилар-да, қизнинг қуйган кўкрагини боғлаб қўйдилар.

Ҳукм ижросидан кўнгли тўлган Темир гуноҳкорни Цагат Ламардонга шу оннинг ўзида жўнатиш учун арава тайёрлашни буюрди. Жувонни кузатиб боровчи одам одат бўйича уни эшиги остонасига ташлагач, ҳеч бир гап-сўзсиз изига қайтиши лозим эди.

Арава тезда ҳозирланди. Алаҳсираётган Золийхонни суяб олиб чиқиб, ара-

вага ўтқазишди. Қўйлаклари ўралган бир тугун билан, йўлда егулик таом ҳам қўйишди.

– Отанг қалин пулини қайтаргач, қолган буюмларингни оласан, – деди Темир. Алҳол Золийхон қолаётган буюмларини ўйлайдиган аҳволда эмасди. Бошига селдай ёпирилган азоб-уқубат уни бўлаётган гапларга, воқеаларга ҳиссиз қарайдиган қилиб қўйган эди.

Арава Тўтараевлар хонадонидан узоқлашиб, қоронғилик бағрига сингиб, кўздан ғойиб бўлди.

Золийхон ўтирган арава тош йўлларда галдираб юриб, сувлари жўшиб-жўшиб оқаётган сойларни кечиб ўтиб, қоронғи доволарни, хатарли жар ёқаларини ортда қолдириб борарди. Золийхон қаерлардан ўтиб бораётганига аҳамият бермайди. Уйига қачон қай аҳволда етиб боришини ҳам билмайди. Унинг бошига тушган барча уқубатлар бир тугунга тўпланиб тўхтовсиз азоблайди. Рух азоби кўкрагидаги яра азобидан баттарроқ қийнайди.

Бу туннинг тонгги йўқдай эди гўё...

Кун ёришганда кузатувчи аравани тўхтатиб, отни чиқарди-да, ўтлоққа қўйиб юборди. Кейин Золийхонни нонуштага таклиф қилди. Золийхон унинг нима деяётганини англамади, мақсадини тушунмади. Лаблари нимадир деб шивирлади. Кузатувчи энгашиб, унинг узук-юлуқ гапларини аранг тушунди:

– Сув беринглар... сув... юрагим ёняпти...

Кузатувчи атрофга аланглаб, баланд қоя бағридан жилдираб тушаётган сувни кўрди-ю, ўша томон шошилди. Папоғини сувга тўлдириб қайтди. Золийхон сувни ютоқиб-ютоқиб ичди. Бир неча марта қалқиб-қалқиб кетса ҳам сувдан бошини кўтармади. Чанқоғи бир оз босилгач. Бошини кўтариб, кузатувчига ҳайрон боқиб қолди:

– Менга раҳминг келдими? Сен одам эмасмисан? Улар ўзларини одам деб ҳисоблайдилар. Лекин уларда раҳм-шафқатдан заррача ҳам йўқ. – Шундай дегач, папоқдаги сувни охиригача симириб ичди-да, сўнг бошини эгди.

Кузатувчи ноқулай аҳволга тушиб унга тикилиб қолди. “Агар мен бу билан Цагат Ламардонда бирга бўлганимда эди... бу азобларга рўпара қилмас эдим”, деб ўйлади у.

Кичкина отда бўркига ўраниб ўтирган киши аравага яқинлашгач, бахтиқаро аёлга ачиниб қараб қўйди. “Бу беморни шифо истаб Тбау-уац-Иланинг руҳонийларига олиб кетяпти шекилли”, деб ўйлаб нари кетди.

Пешинга яқин водий ортда қолиб, юқорига, Цагат Ламардонга олиб борувчи йўлга чиқдилар.

Заурнинг қўрғонига етиб келишгач, кузатувчи Золийхонни аравадан туширди. Тугунни олиб, унинг ёнига қўйди-ю, хайр-хўш ҳам демай, изига қайтди.

Туцат қизи бир оз ҳаракатсиз тургач, дарвоза томон беҳолгина қадам қўйди. Эшикни очиб, остона ҳатлаши билан тугун қўлидан тушди. Тугунни кўтаришга унинг кучи ҳам, истаги ҳам йўқ эди. Унинг назарида бу тугунга Тўтараевлар унинг қўйлакларини эмас, номуссизлик йўлида топган гуноҳларини ўраб бериб юборган эдилар. Золийхон эшикни қия очик қолдирганича ичкари қараб юрди. Уйда кимса кўринмасди. Тўғри аёллар хонасига борди. Эшикни очди. Дераза ёнидаги юмшоқ курсида ўтирган қора либосдаги онасини кўрди. Унинг оппоқ сочлари деразадан ёпирилиб кираётган нур ёруғида кумушсимон товланади.

– Она... онажоним! – деб ўртанди Золийхон. – Онажон! – шундай деб она-сига яқинлашиб тиз чўкди-да, тиззасига бош қўйди. Золийхон фақат шу ерда-гина раҳм-шафқат, меҳр-муҳаббат топа олишини биларди.

Кутилмаган ташрифдан гарангсиб қолган кампир қалтироқ қўллари билан унинг бошини силади:

– Золийхон! Қизгинам... Сенга нима бўлди? Нега келдинг?

– Она, раҳминг келсин менга, раҳминг келсин. Бу дунёдаги барча одамлар тошбағир бўлиб кетишибди. Заррача шафқат йўқ одамларда...

– Золийхон, муштипар онангга айт: нима бўлди?

Ожиза қизининг аҳволини кўрмайди. Қизининг кўзларидаги дардли нурни, иситмадан ёнаётган бетларини, хушқоматига кўрк бериб турувчи сочининг кесиби ташланганини, куйдирилган кўкраклари устидан танғиб боғланган сочиқни кўра олганида, худога нола қилиб: “бу фожиага гувоҳ қилганингдан кўра мени кўр қилиб қўйганинг яхши эди!” деб нолалар қилиши аниқ эди.

– Она, Темир Тўтараев мени лаънат ва шармандалик тамғаси билан ҳайдаб юборди. Чунки... чунки... қорнимда Урусхоннинг боласи бор... Керим аввал бошдан шубҳаланган экан. Эр бўлиб менга бирон марта ҳам яқинлашмади.

– Шубҳаси бор экан, нега сенга уйланибди?

– Мен ундан яширган эдим... ҳеч ким тегинмаган номусли қизман, девдим. У аста-секин менинг севиб қолишимга умид қилган эди. Агар гумон билан мени пойламаганида унинг хоҳлагани бўларди.

– Даҳшат! Қандайин даҳшат-а! – деб пичирлади ожиза. – Кейин нима бўлди, айтавер, қизим.

– Қайнонам тўлишиб қолганимни сезиб, ҳомиладорлигимни ўғлига айтган бўлса керак. Кеча оқшомда хонамга ғазаб билан кириб келди. Мени сўроқ қилди. Мен тўғриси айтдим.

– Кейин-чи?

– Қолганини сен сўрама, мен айтмай қўя қолай... Йўқ, айтаман, сенга айтмасам ким дардимга шерик бўларди? Кейин... қайнотам акалари билан кириб... одат ҳукмига кўра мени бузуқ хотинларга раво кўриладиган жазо билан жазолашди! – Золийхон шундай деб ўкраб йиғлаб юборди Ожиза ўтирган еридан сапчиб туриб кетди:

– Нима дединг?! “Одат ҳукмига кўра” дедингми? Ҳали улар сочингни қиркиб, кўкрагингни куйдиришдими?

– Ҳа!

– О, даҳшат, қандай даҳшат-а! Бечора қизгинам! – ожиза шундай нолалар билан йиғлаб, қизини бағрига босди.

– Оҳ, онажон, мени бунчалар сиқма, кўкрагим оғрияпти.

– Кечир, мени қизим, унутибман. Бу ишни... кеча қилишдими?

– Ҳа... кеча... буни ўша ёввойи чоллар қилишди. Кейин аравага солиб, ҳайдашди. Бўлди, она, энди бошқа нарсасўрама мендан. Бирпас ётай, ўзимни ёмон ҳис қиляпман.

Ожиза пайпасланиб юриб, қизини ўзининг ўрнига ётқизди. Золийхон она-сидан табиб кампирни чақиртиришни илтимос қилди. Мўлжалида ой-куни ҳали яқинлашмаган, аммо белида уйғонган оғриқ уни хавотирга солаётганди.

Кампир ҳассасини дўқиллатиб, кўча томон юрди. Тамбининг уйига кириб, Салиматни дояникига жўнатди.

Қайтаётганида дарвоза яқинида Заурга дуч келди. Заур ҳамиша уйда ўти-

радиган, ташқарига қадам босмай қўйган хотинининг кўчада юрганини кўриб, ажабланганича тўхтади:

– Қаердан келяпсан?

У эрини овозидан таниб, чўчибгина тўхтади. У эрининг бераҳмлигини биларди. Шу боис юраги ҳозир юз беражак момагулдирак даҳшатини сезди.

– Тамбиниқида эдим, – деди у айб устида ушланган гуноҳкор одамнинг овози билан. – Салиматни Уарзат кампирникига юбордим. Золийхон келди. Қизимиз қаттиқ бетоб, Заур.

– Золийхон келди, дейсанми? Нега келади? Турмушга чиққанига ҳали бир йил бўлмади-ку?

– Бир йил бўлмади... Лекин... сен уни кечир, Заур... уни... жўнатиб юборишибди.

Заур тўйдан бери ҳар кун, ҳар соат шундай даҳшатли воқеа юз беришини қўркув билан кутаётган эди. Ҳар ибодатида Тбау-уац-Илага ёлвориб, шармандалиқдан асрашини сўраётган эди. Илоҳи муножотини қабул қилмадимми? У беихтиёр инграб юборди. Кейин бақириб юборганини ўзи ҳам сезмади:

– Нима?!

– Бир соатча олдин хизматкорлари олиб келиб ташлади.

– Нима гуноҳ қилибди? – шундай савол берди-ю, лаб тишлади. Қизининг нима гуноҳ қилганини бошқалар билмаса ҳам у билиши керак-ку? Хотини бу саволга жавоб бермади. У ўзига-ўзи гапиргандай пичирлади: – Бу бутун авлодимизни шармандалиқ ботқоғига ботиради-ку?

– Афсуски, улар ҳақ, Заур. Минг афсуски улар ҳақ... Золийхонимиз ҳомиладор.

– Ҳомиладорлик гуноҳ эканми?

– Ҳомиласи Керимдан эмас, Урусхондан экан. Керим эр бўлиб унга ҳатто яқинлашмабди. Гумонсираган экан, сир ошкор бўлибди.

– Шундай дегин... У беномус шу аҳволда менинг остонамни босиб, уйимга кирдимми?! Сен уни бағринга олдингми? Дарҳол йўқот уни! Тузатнинг покиза хонадонини бузук қадами билан булғамасин! Ҳайдаб чиқар, деяпман, сенга!

– Заур! – ожиза шундай деб ёлвориб, у томон қўлларини чўзди: – Раҳминг келсин, Заур! Улар қизимизни одат ҳукмига кўра бузук хотин сифатида жазолашган. Яраси битмаган, иситмаси баланд...

– Ҳайда! – деди қатъий Заур.

– Заур! Қирқ йилдан бери мен сенга итоатда яшадим. Сендан бирон нарсани сўрашга ҳеч маҳал журъат этмаганман. Бугун биринчи марта илтимос қиялпман: болам касалдан тургунича парваришлашимга ижозат бер. Сен унинг нақадар бахтсиз ҳолда эканини бир кўрсанг эдинг...

Заур унинг ноласини совуққонлик билан узди:

– Йўқ! Мен уйимда куфронийнинг ҳароми боласи туғилишига йўл қўймайман!

– Заур, ёлворама...

– Жим бўл, бошқа гапирма!

Заур шу гапи билан ҳукмнинг қатъий эканини билдириб, уйига қирмай орқасига қайтди. Кампир эридан шафқат кутиш ортиқчалигини, у қайтиб келгунича қизини уйдан чиқариб юборишга мажбур эканини англади. Англади-ю, чорасизлигидан эзилиб, дардини ичига ютди.

Иситма оташидаги Золийхон дам инграб, дам алахсираб ётибди. Ожиза “қизимнинг дардини менга бер”, деб илоҳига илтижо қилиб ўтирибди.

Нихоят Салимат Уарзат кампирни бошлаб келди. Кампир эрининг ҳукмини Салиматга айтиб, Тамбидан нажот кутаётганини билдирди. Салимат ўша заҳоти отасига учраб ижозат олди-да, акалари ва Қўрғок ёрдамида Золийхонни ўзининг хонасига олиб чиқиб ётқизди.

Тунда Золийхон ўлик ўғил туғди...

Бир неча кун мобайнида у хушсиз, алахсираб ётди. Унинг ҳаёти ҳам қил устида қолган эди. Ҳамма сукут сақлаб, унинг жон беришини кутарди. Беномуснинг ўлими бу авлоднинг айни муддаоси, гўё ўз ишини бажарган ажал туцатлар боши устидаги шармандалик булутини тарқатиб юборадигандай эди. Золийхоннинг ўлими – узоқ ойлар давом этган дардли ташвишларнинг қувончли якуни бўлиши кутилardi. Ўлим Золийхон учун ҳам нажот эди, нурсиз келажагидаги азоб-уқубатлардан қутқарardi. Аммо ёшлик кучи жўш урган қиз ўлимни енгиб чиқди. Ўзи истамаса-да, кундан-кун соғайиб бораверди.

Яраси битиб, сал қувватга киргач, ўрнидан турди. Катта рўмолга ўралиб, ҳовлига чиқди. Уни кўрган Салимат ёнига келиб ўтирди. У амакиваччасига нимадир демоқчи бўлар, лекин гапини айтишга қийналиб, нукул рўмолчасини бураб ўйнарди. Золийхон унинг гапи борлигини сезди.

– Салимат, ўзингни қийнама, гапингни айтавер. Мен ҳар қанақа даҳшатли гапни эшитишга ҳам тайёрман.

– Золийхон, гапим даҳшатли эмас, лекин... биласанми, мен сени жудаям яхши кўраман. Сенга жуда-жуда раҳмим келади. Эсизгина... Сени сираям ранжитгим йўқ...

Золийхон мақсадини айтолмай қийналаётган қизнинг гапини бўлди:

– Салимат, тортинмай айтавер.

– Биласанми... отам мен билан гаплашди...

Золийхон мақсадни англагандай бўлиб, ундан кўзини олди.

– Отамнинг айтишича... Биласан-ку, отам Заурнинг меросхўри. Келажақда руҳоний ота бўлиб, Тбау-уац-Илага хизмат қилиши керак.

– Шундай бўлиши аниқ. Кейин-чи?

– Отам халқнинг фикри билан ҳисоблашишга мажбур. У сенинг хулқингни ҳимоя қилишни истаса ҳам, бундай қилолмайди.

– Мақсадингни айта қолсангчи?

– Хуллас, қисқа қилиб айтсам, уйимизда бошқа тура олмас эмишсан...

Золийхон бу гапни эшитиб, ўрнидан турди. Бошини ғурур билан тик тутди:

– Отангни хотиржам қил. Уйингларда энди бир кеча ҳам ётмайман.

– Золийхон, ўтинаман сендан, мenden ранжимагин, хўпми?

Золийхон жавоб бермади. Қимир этмай, қотиб тураверди.

У одамлар қалбидан раҳм-шафқат топа олмади. Энди қарори қатъий: бу ёруғ дунёда унга жой йўқ! У ўзини ўзи ўлдириши керак, бошқа чораси қолмаган! У бошқа дунёга кўчиши керак. Эҳтимол у дунёда жой топилар. “Балки – деб ўйлади у, – раҳм-шафқат эгасини ўша дунёда учратарман”.

У ҳамон ёнида хижолат чекиб турган Салиматга қаради:

– Ҳозироқ кетаман, мен туфайли амакимнинг боши эгилишини истамайман, Фақат... сендан битта илтимосим бор. Урусхоннинг милтигини олиб чиқиб бер. Қараб кўр, милтиқ отангнинг хонасида бўлса керак.

– Милтиқни нима қиласан?

– Нима қилишимни сўрама.

Салимат Золийхонга ҳайрат билан тикилиб, шивирлади:

– Бирон одамдан қасос олмоқчимисан?

– Шундай бўлса-чи? Сенга нима? Сабабини суриштирмай, отанг келиб қолмасидан тезроқ милтиқни олиб чиқиб бер.

Салимат гапни кўпайтирмай, Золийхоннинг амрига итоат этиб, уйига кириб кетди. Деворда осиглиқ турган қуроллар орасида Уруسخоннинг милтиғи борлигини у биларди. Қасос тўғрисида бекорга гап очмади. Уруسخонни ўлдирган, Золийхонни барча балоларга гирифтор қилган Зурабнинг ким томонидан бўлса ҳам жазоланишини Салимат жуда-жуда истарди. Золийхон милтиқ сўраганида қасос они етиб келди, деб ўйлаб ҳатто қувонди. Чунки одат бўйича номус-ори учун қасос олишгина шараф эмас, қасоскорга кўмаклашиш ҳам олқишга сазовор ҳисобланарди. Шу қувонч ва ғурур билан милтиқни олиб чиқиб берди.

Золийхон милтиқни авайлаб ушлаб, аламли жилмайди.

– Энди уйингга киравер, Салимат, – деди Золийхон унга меҳрибонлик билан. – Отангнинг хонасига кириб, милтиқни менинг ўзим олдим. Сен бундан бутунлай беҳабарсан, тушундинг-а?

“Маъқул” ишорасини қилган Салимат кетмоқчи бўлганида Золийхон уни тўхтатди:

– Салимат, сендан яна битта илтимосим бор: мен учун онамга таъзим қилиб қўй. Уни охирги марта кириб кўришга қурбим етмайди. Онам ҳамиша менга меҳрибон эди. Мен онамдан розиман. Мен учун зорланиб сўра: онам берган оқ сути учун мендан рози бўлсин.

Бу видо онидан кўнгли ўксиган Салимат йиғламоқдан бери бўлиб, уйга кириб кетгач, Золийхон милтиқни ўпди. Бу милтиқни унинг ёри олиб юарди, бунда Уруسخон қўлларининг ҳарорати бор. Золийхон бу дунёни ташлаб кетишидан ғоят мамнун. Энди йўлида тўсиқлар йўқ – қалбида илк бор муҳаббат оловини ёққан севгилиси билан умрбод қовушади. Бу дунёга сиғмаган болажонини у дунёда бағрига боса олади. Золийхон у дунёда шундай бахтга эришажагига ишонади. Ота-бола уни интиқ кутишяпти. Золийхон бу дунёда ҳеч кимга керак эмас. Золийхон фақат ва фақат уларники. Улар бир бахтли оила бўлиб қовушадилар. Мана бу ўқлоғлиқ милтиқ ўша нурли ҳаёт калити, Золийхонга сеҳрли дарвозани очиб бергувчи саодат калити...

Қарор қатъий, ортга йўл йўқ. Аммо режасини қаерда амалга оширсин экан?

“Салимат қасос ҳақида гапирдимиз? – ўйлади у. – Кимдан қасос олишим керак? Зурабданми?”

Боши устида тўпланаётган ўлим булути зулматида Зураб унга шунчалар пасткаш, шунчалар ҳақир кўриндики, оқибатда “у малъунга ўқ ҳам ҳайф, жазосини Тбау-уац-Ила берсин”, деган тўхтамга келди. Илоҳи номини эслаши билан ҳаёлини бир фикр чақмоқ каби ёритди:

“Тбау-уац-Ила! Ҳа! Тбау тоғининг илоҳига мен сўнгги нафасимгача қаршилиқ билдираман. Мен ундан кўркмайман! Мен унинг муқаддас ўрмонига кираман. Булоқ бошида мен Уруسخонимни ёдга оламан. Муҳаббат изҳорларини ҳузурланиб эслайман. Кейин бу дунёни лаънатлаб, ташлаб кетаман. Агар осмону фалақда Тбау-уац-Иладан ҳам олийроқ бошқа худо бўлса, ҳаётнинг бу қадар жоҳиллиги ва аёвсизлигидан, Иланинг менга бунчалар уқубатларни раво кўрганидан шикоят қиламан. Мен Иладан энди нажот кутмайман. Ундан

аълороқ адолатли ҳакам ҳузурига боришни истайман. Тўғри, мен гуноҳқорман. Эҳтимол, мени у дунёда кечиришар. Балки у дунёда аҳволимни тушуниб, мени ҳимоя қила оладиган шафқат эгасини учратарман...”

У аста-аста қадам босиб амакиси хонадонини тарк этди. Қор учқунлари унинг юзларига қўниб, гўё покламоқчи бўлади. Остона ҳатлаб чиққач, атрофга аланглади: зоғ ҳам кўринмади. Бирон одамга рўпара келиб қолишдан чўчиб, қадамини тезлатди – Найфат сари ошиқди. Ёзнинг неча тунида бу йўлдан ҳавотирланиб, кўрқиб юрган эди. У тунлар фараҳбахш эди. Энди кўрқувсиз юриб боряпти. Ёз тунларида, ўрмон ёқасида севгилиси кутиб турарди. Энди ажал кутяпти. Қор унинг сўнгги йўлига оқ пойандоз тўшаяпти. Урусхон яшаётган оламга шу пойандозни босиб киради...

Кўзлари йўлда. Хаёли эса Урусхонда: ўша бўронли кеча... Қулоқлари остида мағрур йигитнинг маҳзун қўшиқлари янграй бошлади:

*Ота-онам ўтди хору зор,
Менинг ҳам ҳаётим кўп ғамгин.
Қайғуларда бенаво ва хор,
Мен йўқотдим ҳаётим рангин.
Мен ўларман... лекин тепамда,
Кўз ёш тўкиб эзилмас иним.
Осмон ўзи йиғлайди ғамда,
Ёмғир билан ювилар таним.
Сингиллар йўқ... инимга эса,
Бориб етмас пажмурда бу тан.
Даҳшат, уни бўрилар еса,
Талашиб оч қузғунлар билан!*

Золийхон беихтиёр равишда бу қўшиқни хиргойи қила бошлади.

Ажабо! Қўшиқ сўзлари бу онда унинг бахтсиз тақдирига нақадар мос-а!

Қор ёғяпти...

Кошки эди, гуноҳ сари бошлаб борган йўлларни энди поклай олса...

Золийхон довонга етиб келди. Қўлидаги милтиқ оғирлик қилса-да, уни маҳкам ушлаганича қийинчилик билан юқорига кўтарилди. Бу йўлдаги ҳар бир дарахт, ҳар бир бута унга таниш. Аммо ҳозир барчаси совуқ оқ либосга ўраляпти. Ҳаммаси ўлик уйқуда. Золийхон гуноҳ сари бораётганда, гуноҳни елкасига ортиб қайтаётганда гувоҳ бўлган япроқлар жонсиз ҳолда шохларидан узилиб тушиб, энди лойга беланиб ётибди. Золийхон ўша гувоҳларини босиб боряпти.

Урусхон билан ётган, бўсаларидан маст бўлган, садоқат хусусида қасам ичишган булоқ бошидаги майсалар устини ҳам қор ҳарир парда каби қоплаган. Ҳамма ёқ оппоқ. Гўё бу оламда заррача ғубор йўқдек...

Золийхон “сенга садоқатли бўламан”, деб қасам ичган эди. Садоқатини исботлайдиган вақт етди.

У ўтирди-ю, милтиқ тепкисини босди...

* * *

Салимат ожиза кампирга бахтиқаро қизнинг видео сўзлари, сўнгги узри ва илтижосини етказди. Кампирнинг ҳаяжон ва ҳайрат билан берган саволларига чўчибгина жавоб қайтарди. Отасининг номуссиз қизни уйдан чиқариб юбориш ҳақидаги буйруғини истиҳола билан айтди.

– Отанг бунча бемехр бўлмаса! Касал одамни ҳам қишда уйдан ҳайдаб чиқарадими? Ахир ёлғиз ўзи қаёққа кетди?

– Балки... кодатларникига кетгандир?

– Кодатларникига? Эсинг жойидами? У ерда нима қилади? Сен бир балони билмасанг гап бошламайсан. Менга тўғриси айт!

– Мен бу ҳақда оғиз очмайман, деб қасам ичганман. Майли, сизга айтай, фақат бировга гапириб юрманг. Менимча Золийхон Зурабни ўлдирмоқчи. Ахир Урусхоннинг ўлими учун кимдир қасос олиши керак-ку? Ҳар ҳолда Урусхоннинг милтигини бекорга олмади.

Кампирнинг талабига кўра Салимат кодатларникидан хабар олгани кетди. Хавотирини босолмай, пайпасланиб, ҳовлига чиқди. Шу онда қор босаётган водийни титратиб ўқ овози янгради. Бу овоз муқаддас ўрмон томондан келиб, қояларга урилиб акс садо берди.

– Бу нимаси? – деб сўради ожиза ўзидан-ўзи.

Хавотир чангалидаги юраги ярадор қуш каби потирлай бошлади.

Ҳамма ердан ҳайдалган бахтиқаро қиз...

Севган ёрининг милтигини олган...

Муқаддас ўрмон томондан келган ўқ овози...

Салиматдан эса ҳалигача дарак йўқ...

Кута-кута кампирнинг тоқати тоқ бўлди. Охири чидай олмай, бошида рўмоли йўқлигини ҳам унутиб, йўлга тушди. Ожиза муқаддас ўрмон йўлини яхши билади. Бир вақтлар бу йўллардан кўп юрган. Ҳар бир сўқмоқ, ҳар бир бурилиш унга таниш.

“Бебош қиз... Урусхон билан учрашадиган ерга борган, – деб ўйлади кампир. – Бошқа жойни танламайди... Тезроқ ... тезроқ етиб боришим керак. Балки ҳали тирикдир...”

Ожиза сирғанчиқ сўқмоқни ҳассаси билан пайпаслаб шошилади. Қор энди бўралаб ёғади. Кўзи соғ одам ҳам бир қадам наридаги нарсани кўра олмайди.

Кампир беҳос сирғаниб кетди. Бирон нарсани ушлаб қолиш умидида қўллари ёйди-ю, мувозанатини сақлай олмай, нажот илинжида бир қичқирди-ю, жарга қулади.

Кодатларникидан қайтаётган Салимат бу қичқирикни эшитиб, овулдагиларни фожиадан огоҳ қилди.

Бир неча соат қидиришгач, Тамбининг ўғиллари жарлик тубидан боши пачоқланган кампирнинг мурдасини топишди.

Овулда “кампирнинг мияси айниб, кўчага чиқиб кетган экан, адашиб йиқилибди”, деган овоза тарқалди.

* * *

Қор ёғади...

Худди ҳеч қандай фожа юз бермагандай хотиржам қор ёғади.

Қор ўзининг оппоқ чойшаби билан тоғ ва довларни ўраб чиқди.

Иссиқ уйларида ўтирган тоғликлар Золийхон қаерга йўқолди экан, деб қидириш у ёқда турсин, ўйлаб ҳам кўришмади.

Бу фожиадан фақат тулкиларгина хабар топганлар. Уларнинг ўрмондаги инларида катта-кичик суяклар сочилиб ётибди.

Одам суяклари...

Таржимондан

Ўқиганингиз мазкур қиссанинг таржимасини ҳарбий хизматда эканимда 1970 йил 17 октябрь, шанба куни тонгги соат 6.10 да якунига етказган эканман. Орадан ўттиз олти йил ўтиб, асарни яна қўлга олдим. Бир неча ой мобайнида қайта таҳрир қилиб, оққа кўчириш билан банд бўлдим. Аллоҳга шукрлар бўлсинким, Ўзининг мадади ила бу иш 2006 йилнинг 21 июнь, чоршанбасида ниҳоясига етказилиб, азиз китобхонларнинг ҳукмига ҳавола этишга қарор қилинди.

Яна бир-икки сўз айтмоқликдан мақсад, таржима тарихидан сизларни огоҳ этишгина эмас.

Гап шундаки, мазкур асар ўттиз олти йил муқаддам каминага бошқача таъсир этган эди. Оққа кўчириш жараёнида Золийхон ва Урусхоннинг муҳаббати ва тақдирига бўлган муносабатим анча ўзгарди.

Сезиб турибман, асарни ўқиган ёшлар Золийхонга ачинишяпти.

Кексароқ одамларнинг эса фикри ўзгачароқ.

Аслида уларга ачиниш керакми? Буни ҳар бир ўқувчи ўзи ҳал қилиши лозим бўлса-да, фикрларингизни баҳсга чорлашни лозим топдик. Қайси бир асарда бош қаҳрамон баён якунида ўлим топар экан, ўқувчи унга ғоят ачинади. Баъзан ёзувчини бемехрликда айблайди ҳам. “Ўткан кунлар” романини ўқиганлар Кумуш жон берганда йиғлаган бўлсалар керак. Ҳатто Абдулла Қодирийнинг ўзлари ҳам бу сатрларни ёзганларида йиғлаган эканлар. Хўш, Золийхонга Кумушга ачинганимиздек ачинишимиз керакми?

Албатта йўқ!

Кумуш – ҳаё, садоқат, пок муҳаббат олиҳаси. Золийхон-чи?

Беномуслик барча халқларда, барча динларда ғоят оғир гуноҳ саналади. Барча халқларда, барча динларда беномуслар қаттиқ жазоланадилар. Урусхон Тбау тоғининг Ила худосидан қўрқмади. Нега? Чунки бу худони одамларнинг ўзлари тўқиб чиқарганларини билади. Агар у чинакам Худони таниганида эҳтимол, гуноҳдан ўзини тийиб олган бўларди.

Сиз ачинаётган Золийхон иккита катта гуноҳ қилиб охиратини ҳам куйдирди. Номуссизлик кўчасига киргани бир гуноҳ бўлса, ўзининг жонига қасд қилгани янада оғирроқ гуноҳдир. Барча халқларда, барча динларда одамнинг ўзини ўзи ўлдириши кечирилмас гуноҳ саналади.

Менинг бу мулоҳазаларимни инкор этмай, севишганларнинг тақдирини яна бир қайта ўйлаб кўрарсиз. Халқимизнинг бир мақоли уларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолашда қўл келиши мумкин: “Билмайин босдим тиканни, тортадирман жабрини, билсам эрдим, босмас эрдим, тортмас эрдим ул тиканни жабрини”.

Эҳтимол, ораларингизда бировга кўнгил қўйиб, севгилисига етолмай юрганлар ҳам бордир. Эҳтимол, улар севгани билан қовушишга йўл бермаётган ота-оналари ёки бошқа яқинларидан норозидирлар. Шундай бўлса ҳам шошилманг. Аввал севги билан ҳавасни фарқлаб олинг. Беномуслик кўчасига киришни ҳаёлингизга ҳам келтирманг. Никоҳсиз турмуш қуриш беномуслиқдир ва бу ҳаракат бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам жазоланади.

Дуо қилайлик: ё раббимиз Аллоҳ! Қиссада баён этилган Урусхон ва Золийхоннинг тақдирини бизнинг ёшларга бегона қил. Ёшларимизни ор-номусли бандаларингдан қил. Ҳаё, иффат, садоқат каби фазилатлар билан зийнатлан-тир. Ёшларимизга тотув оила саодатини бер. Омийн!

Р. С. Энди мазкур асарни бу китобга киритилиши сабаби ҳақида. Асар китобча бўлиб нашр этилгач, кўчада уч йигит менга салом бериб, дастхат ёзиб беришимни сўради. Қарасам, “Номус ва ажал” китоби. “Ўқидингларми, ёқдим?” – деб сўрадим. “Ўқидик, кўп нарсаларни билмас эканмиз, ўргандик”, – деди йигитлардан бири. “Нималарни ўргандингиз?” – деб сўрадим. “Энг муҳими, биз – йигитлар қизларимизнинг номусини сақлашга масъул эканмиз, қизларимизни ҳимоя қилишимиз зарур экан”, – деб жавоб беришди. Қўлингиздаги бу китобга тартиб бераётганимда ўша учрашувни ва йигитларнинг масъулият ҳақидаги гапларини эслаб, “Демак, ёшлар учун фойдали асар экан”, деб бу китоб саҳифларига кўчирдим. Т.М.

Фёдор Достоевский
(Рус адаби)

МАЪСУМА

(Хаёлий ҳикоя)

Ёзувчидан:

Одатдаги «Кундалик»* ўрнига бу сафар қисса ҳавола этаётганим учун ўқувчилардан узр сўрайман. Ўтган ой чиндан ҳам асосан шу қисса билан банд бўлганим сабабли ўқувчилар айбситмай илтифот қиларлар деган умиддаман.

Энди ҳикоя ҳақида. Хаёлий деб атаганим билан ўзим уни олий даражадаги ҳаётий ҳикоя деб ҳисобламайман. Аммо шу ўринда, айниқса, ҳикоя шаклида мавҳумлик борки, буни аввалдан изохлашни лозим деб топдим.

Гап шундаки, бу ҳикоя ҳам, кундалик ҳам эмас. Бундан бир неча соат илгари ўзини деразадан ташлаб, жонига қасд қилган жувоннинг эри қандай ҳолатдалигини тасаввур қилиб кўринг: стол устида хотинининг жасади. Эсанкираган эр ҳали хаёлини йиғиб ололмаган. У «хаёлини бир нуқтага жамлаш», содир бўлган воқеанинг маъносига етиш учун у хонадан-бу хонага сарсари юради. Қолаверса, ваҳима касали, ўзи билан ўзи гаплашиш хасталиги ҳукм ўтказа бошлаган. Ўзи билан ўзи гаплашиб, гўё содир бўлган ҳодисани баён қиляпти, аслида эса воқеани ўзи учун ойдинлаштиряпти. Гаплари, дастлаб изчилдай туюлса-да, бир неча ерда ҳам мантиқ, ҳам туйғу жиҳатдан қарама-қарши фикрларни айтади. Ўзини оқлаб, уни айблайди, алоқасиз баҳоналарни рўкач қилиб, тушунтиришга киришиб кетганда юрак ва фикр тўмтоқлиги, аини чоқда, бунга зид ўлароқ туйғу чуқурлиги аён бўлади. Аста-секин воқеани ўзи учун «ойдинлаштиради» ва «хаёлини бир нуқтага тўплайди. Уйғонган бир қатор хотиралари уни охир-оқибатда ҳақиқатга олиб келади: бу ҳақиқат унинг онги ва қалбини шубҳасиз юксакликка кўтаради. Ҳатто охирига бориб ҳикоя оҳанги бошланишидаги бетартибликка нисбатан анча ўзгаради. Ҳақиқат, ҳеч бўлмаганда шу безорининг ўзи учун етарли даражада равшан ва аниқ юз очади.

Мавзу мана шу. Албатта, бир неча соат давом этадиган ҳикоя жараёнида узук-юлуқлик ҳам, оралатиш ҳам, пойма-пойлик ҳам учрайди: дам у ўзига-ўзи гапиради, дам гўё кўринмас тингловчига, қандайдир ҳакамга мурожаат қилади. Умуман ҳаётда ҳамиша шундай бўлади. Агар унинг гапларини стенограф яширинча эшитиб, ёзиб олганда эди, мен тавсия этаётган ҳикояга нисбатан тўмтоқроқ, ғадир-будурроқ баён юзага келиб, руҳий тартиб эса ўша-ўша қо-

лиши мумкин эди. Стенограф ёзиб олган (мен эсам қайта сайқал берган) деган фаразим ҳикоянинг мавҳумлигини, ҳаётийлигини ташкил этади. Зеро, бу ҳол санъатда илгари ҳам учраган: масалан Виктор Гюго «Ўлимга маҳкум этилганнинг сўнгги куни» деган дурдонасида қарийб шу усулни қўллаган, гарчи стенографни назарда тутмаган бўлса-да, ундан ҳам баттарроқ тахминга – ўлимга маҳкум этилган одам фақат сўнгги кунида эмас, ҳатто сўнгги соати, дақиқасида ҳам кундалик ёза олади (ва бунга вақти етарли) деган ақл бовар қилмас фаразга асосланган. Агар бу мавҳумликка йўл бермаганда эди, бу асар ҳам, у ёзиб қолдирган асарлар ичидаги энг ҳаётӣ, энг ҳаққўй асарнинг ўзи ҳам дунёга келмаган бўларди.

МЕН КИМУ У КИМ ЭДИ

...Ҳозирча у шу ерда, менга бирмунча осонроқ, дам-бадам келиб термиламан: эртага олиб кетишади – ёлғиз қоламан – унда ҳолим нима кечади? У ҳозир катта хонада: устига мовут қопланган қарта ўйналувчи икки стол бирлаштирилиб қўйилган – у шу стол устида ётибди, эртага тобут келади, оппоқ ёғочдан ишланган, оппоқ тобут: дарвоқе гап бу ҳақда эмас... Мен у хонадан – бу хонага юра-юра воқеани ойдинлаштирмоқчиман. Олти соатдан бери ойдинлаштираман дейман-у, ҳаёлимни бир нуқтага тўплай олмайман. Фақат юраман, юраман, юраман... Воқеа бундай бўлган. Мен бир бошдан, тартиб билан (тартиб!) айтиб берай. Жаноблар, мен адабиётчи эмасман, бунӣ ўзингиз сезиб тургандирсиз, шундай бўлса ҳам, фаҳмим етганини айтиб бераман. Мени исканжага олиб турган даҳшат ҳам шунда – ҳамма нарсага фаҳмим етади!

Агар билишни истасангиз, аниқроғи, бошидан бошлайдиган бўлсак, бу шундай гапки: «яъниким, у “мураббия уйга қатнаб ҳам, бошқа ерга кўчиб бориб ҳам дарс бера олади...” ҳоказо, ҳоказо мазмундаги хабарни «Голос»да эълон қилиш учун етарли маблағга муҳтож бўлиб, буюмларини гаровга қўйгани келган эди. Бу – воқеанинг муқаддимаси: мен уни аввалига бошқалардан фарқламадим ҳам: бошқалар қатори келади, кетади. Кейинроқ, фарқлайдиган бўлдим. У ўртадан хиёл тикроқ, оқ-малла сочли, хипчагина эди: менинг олдимда ўнғайсизланганиданми, сал беўхшов ҳаракат қиларди (назаримда у бегонага рўпара келганда ҳамиша шу ҳолга тушарди: чунки агар гаровчи эмас, оддий одам сифатида қаралса у учун, менинг бошқалардан фарқим йўқ эди). Пулни оларди-ю, шу заҳотиёқ орқасига ўгирилиб, жўнаб қоларди. Чурқ этиб оғиз очмасди. Бошқалар кўпроқ беришни талаб қилиб, талашади, тортишади, ялинади... бу эса... йўқ, овоз чиқармайди. Бергани олади... Мен чалғиб кетяпман шекилли... Ҳа, мени энг аввало унинг буюмлари ҳайратга солди: тилла суви югуртирилган кумуш зирак, тақиб юришга номус қиладиган, алмисокдан қолган медальон, хуллас, бир қақага қиммат буюмлар. Гаровга қўяётган нарсаларини ярим тангадан ошиққа баҳоламаслигимни ўзи ҳам билади, аммо мен кўзларига қараб, буюмлар у учун бебаҳо эканини сезардим. Зирак, медальонлар ота-онасидан қолган ёдгорлигини кейинроқ билдим. Бир марта уни масхаралагандай бўлдим. Бунӣ ўзим ҳам кутмаган эдим. Чунки, одатим бўйича, мен мижозларим олдида ўзимни сипо тутаман: мулойимлик билан, кам гапираман, аммо жиддийликни, қатъиятни йўқотмайман: «Қатъият, қатъият, қатъият!» – менинг иш услубим шунга асосланган. Бир куни тўсатдан у қуён терисининг юлиб-юлқил-

ган эски қолдиғини (ҳа, ҳа, айнан қолдиғини) келтиришга журъат қилганда ўзимни тутолмай қандайдир аччиқ гап айтвордим. Воҳ, отагинам! Ўша заҳоти лов этиб ёниб кетди. Кўзларидан – катта-катта ўйчан, кўм-кўк кўзларидан уч-қунлар сачрагандай бўлди. Шунда ҳам бир оғиз сўз айтмади, «қолдиғи»ни олди-ю, чиқди-кетди. Ана шунда мен илк бор бошқа мижозларимдан фарқлаб, алоҳида кашф этдим ва у ҳақда бошқачарок, ҳа, айнан бошқачарок фикрга келдим. Ҳатто маълум таассурот ҳам уйғонди менда – унинг ёшлиги, жуда ҳам ёшлиги, худди ўн тўрт ёшли қизалоқдай экани (ҳолбуки, ўша дамда у уч ойи кам ўн олтида эди), таассуротим яхлитлигини ташкил этди. Дарвоқе, мен бу ҳақда гапирмоқчи эмасдим, таассуротим бутунлиги ҳам бундан эмасди. У эртасига яна келди. Кейин билишимча, у мана шу бир парча тери билан Добронравовга ҳам, Мозерга ҳам йўлиққан экан: улар тилладан бошқа нарсани гаровга олишмайди, шунинг учун бу қиз билан гаплашиб ҳам ўтиришмабди. Мен эса ундан ҳатто нақшин чиғаноқ ҳам олиб қолган эдим. Олишга олиб қолиб, кейин ўзим ҳайратга тушган эдим: мен – тилла ва кумушдан бўлак ҳеч нарсани гаровга қабул қилмайдиган одам, унинг алмисоқдан қолган нақшин чиғаноғига пул берибман-а! Қиз ҳақидаги иккинчи фикрим ўшанда уйғонган, аниқ эсимда.

Бу сафар у Мозерникида ишини битиролмай, яна менга бош эгиб келган эди. Ҳавасга ишланган муштугининг кўриниши чакки бўлмаса-да, тилла билан муомала қиладиган биздай одамларнинг ўлчовида ҳеч нарсага арзимасди. Кечаги исёндан кейин яна келгани учун уни жиддий киёфада қаршиладим. Жиддийлигим – қуруқ ниқоб. Унга икки сўм узатаётиб, бир оз ҳаяжон билан гапиршдан ўзимни тутолмадим: «Мен фақат сиз учун шундай қиялман. Мозер бунақа нарсани сира олмайди». “Сиз учун” деган сўз маълум маъно англатсин деган мақсадда алоҳида урғу бердим. Шу гапдан кейин бир чимдим кулга айландим. У эса... «сиз учун»ни мен истаган маънода тушуниб, яна лов этиб ёнди, лекин индамади, камбағаллик нималарга мажбур қилмайди – пулни қайтариб ташламади, олди. Унинг лов-лов ёниши!.. Мен бир сўз билан игна санчиб олганимни сездим. У чиққач, тўсатдан ўзимни ўзим саволга тутдим: наҳот унинг устидан қолиб чиқишнинг баҳоси икки сўмгина турса? Ҳе-ҳе-ҳе! Аниқ эслайман: бу саволни икки қайта такрорладим: «Икки сўмми? Икки сўмми?» кейин кулимсираб саволга ўзим истаган, кўнглимни ийитадиган жавоб топдим. Жуда яйраб кетган эдим ўшанда. Аммо қабиҳ ниятим йўқ эди: ўйлаб бир мақсад билан қармоқ ташлагандим: уни синамоқчийдим, чунки ҳаёлимда шу қизга тегишли айрим фикрлар беҳос ўралашиб юрарди. Бу у ҳақдаги учинчи алоҳида фикрим эди.

...Хуллас, ҳаммаси ўшандан бошланди. Табиийки, мен ҳар томонлама ўйлаб, сўраб-суриштириб, унинг келишини жуда бетоқатлик билан кута бошладим. Унинг тез орада келишини кўнглим сезган эди. У келгач, беқиёс бир илтифот билан баодоб суҳбатга берилдим. Менга дурустгина тарбия беришган, керак маҳалда муомалам билан ҳамсуҳбатимни ром қила оламан. Ҳм... ана шунда мен унинг ниҳоятда меҳрибон ва мўмин эканини англадим. Меҳрибон ва мўмин қизлар кўп қаршилиқ кўрсатолмайдилар, майлларини буткул бериб қўймасалар-да, суҳбатга чап бериб кетолмайдилар: гапга хасис бўлганлари билан саволингизга қисқа-қисқа жавоб берадилар. Савол қанча кўп бўлса, ўзингизнинг шўрингиз – жавоб борган сари қисқараверади. Шубҳасизки, у ўшанда менга бор гапни тушунтирмади. «Голос» ҳақида ҳам бошқа масалалар ҳақида

ҳам мен кейинроқ билдим. У сўнгги умидда бор буд-шудини гаровга қўйиб, газеталарда қайта-қайта эълон берарди, дастлаб, табиийки, бир оз такаббурлик билан бошлаган эди: яъники, «мураббия, бошқа ерга кетиши ҳам мумкин, шартлар хат орқали маълум қилинсин» кейин: «ҳамма нарсага розиман: ўқитишга ҳам, надималикка ҳам, уй-рўзғорга қарашга ҳам, хасталарни боқишга ҳам кўнаман, тикишни биламан...» ҳоказо, ҳоказо. Бу ёғи маълум... Бу гаплар эълонларга бирин-сирин қўшилиб, охири, пичоқ суякка тақалганда ҳатто «маошсиз, фақат нон эвазига» ишлашга ҳам кўнди. Шунда ҳам жой тополмади! Шунда мен уни сўнгги марта синамоқчи бўлдим: бугунги «Голос»ни олиб эълонни кўрсатдим: «Ҳеч кими йўқ жувон, ёш болали оилада мураббиялик қилиши мумкин, кексароқ бева эркакникида бўлса яна яхши. Рўзғор ишларини енгиллатиши мумкин».

– Мана кўрдингизми, эълон эрталаб чиқди, кечгача жой топади. Эълонни шунақа ёзиш керак!

У яна лов этиб ёнди, кўзларида учкун чакнади, шарт ўгирилди-да, чиқиб кетди. Бу иши менга жуда-жуда ёқди. Қолаверса, мен энди қўрқмасдим, ниятимга етишимга амин эдим: муштуғи қўлдан кетган. Учинчи куни ранги оқарган, саросимага тушган ҳолда келди – уйида бир гап бўлганини тушундим, дарҳақиқат, бўлган экан. Нима гаплигини ҳозир айтаман, аввал башанглигим билан кўзи олдида қандай қад ростлаганимни эслатай. Ҳа, бирдан менда шунақа ният пайдо бўлди. Гап шундаки, у икона олиб келди (журъатни қаранг!). Ҳа, эшитинг! Эшитинг! Ўшанда бошланди ҳаммаси, мен эса боятдан бери чалғияпман. Гарансишимнинг боиси, мен ҳар бир майда-чуйдани, ҳар бир чизиқчани эсламоқчиман. Хаёлимни бир нуқтага тўпламоқчиман – эпполмаяпман, бу чизиқчалар, чизиқчалар...

Биби Марьям иконаси. Гўдак кўтарган Биби Марьям – уй тўрига қўйиладиган, қадимий, нақшлари тилла суви югуртирилган қумушдан ишланган икона – нархини олти сўм атрофида баҳолаш мумкин. Иконанинг қадрли эканини билиб турибман, у Биби Марьям тасвирини зарҳал нақшидан чиқармай узатди. «Нақшинкор қопламани чиқариб, Биби Марьям тасвирини олиб кетаверинг, ҳар ҳолда икона икона-да...» – дедим.

– Иконани олиш мумкин эмасми?

– Гап мумкин ё мумкин эмаслигидамас, балки у ўзингизга...

– Майли, чиқарақолинг.

– Биласизми, мен чиқармайман. Ҳов анави ерга, санам қутиси ёнига қўйиб қўяман, – дедим бир оз ўйлагач, – бошқа иконалар билан жинчиروқ ёнида (дўконни очишим билан жинчиروқни ёқиб қўйиш одатим бор) туради. Иконанинг шу туришига ўн сўм оласиз.

– Ўн сўм керак эмас. Беш сўм етади. Мен пулингизни тўлаб, албатта қайтариб оламан уни.

– Ўн сўм керакмасми? Икона шунчага арзийди, – дедим.

Бу гапдан кейин қизнинг ёнганини сездим. У гапирмади. Мен ичкарига кириб беш сўм олиб чиқдим.

– Сиз ҳеч кимдан нафратланманг, мен ҳам бу исканжани татиб кўрганман, аҳволим баттарроқ эди. Гаровчи бўлиб қолишим... ўша азоблардан кейин...

– Ўчингизни жамиятдан оляпсизми? А? – деган аччиқ кесатиқ билан гапимни бўлди. Истеҳзосида ҳам маъсумалик бор эди (у мени бошқалардан фарқ-

лай олмас эди, шу сабабли айтган гапи заррача айбли эмасди). «Ҳа! – деб ўйладим, – янгича йўналишдаги феълинг бор экан-ку, охири фош қилдинг-ку!».

– Биласизми, – дедим ўша заҳоти унга жавобан ярим ҳазил, ярим сирли оҳангда, – «Мен ёвузлик мақсадида уруғ сочиб, яхшилик меваларини етиштирувчилар бўлагининг бир заррасиман».

У зўр қизиқиш билан, ҳатто болаларча қизиқиш билан ялт этиб менга қаради.

– Тўхтанг... бу кимнинг фикри! Қаердадир эшитганман.

– Бошингизни қотирманг. Мана шу гаплар билан Мефистофель Фаустга ўзини таништиради. Фаустни ўқиганмисиз?

– Ўқи... ўқиганману, сал безътиборроқ....

– Аниқроғи, умуман ўқимагансиз. Албатта ўқиш керак. Лабларингизда яна истехзо кўряпман. Сиздан илтимос, мени жуда дидсиз деб ўйламанг, гаровчилигимни яшириш учун ўзимни Мефистофелдай кўрсатмоқчи эмасман. Гаровчи гаровчилигича қолади. Биламиз...

– Қизиқ экансиз... Бу гап ҳаёлимга ҳам келгани йўқ.

У “билимдон эканингизни кутмаган эдим”, демоқчи эди, лекин айтмади, айтмаса ҳам ҳаёлидагини ўқидим: мен унинг кўнглини топган эдим.

– Ҳар соҳада ҳам, – таъкидладим мен, – яхшилик қилиш мумкин. Мен ўзимни назарда тутаяётганим йўқ, менинг қўлимдан аҳмоқликдан бўлак иш келмайди, лекин...

– Албатта, ҳамма ерда яхшилик қилиш мумкин, – деди у менга яшин тезлигида нигоҳини ташлаб. – Айнан ҳамма ерда, – деб яна таъкидлаб қўйди.

О, эсимда, ҳар бир дақиқа эсимда! Яна бир нарсани қистириб кетишим керак: бу ёшлар, бу дилбар ёшлар қанақадир ақлли, ғалати фикр билан суғорилган гапни айтмоқчи бўлишса бирданига чехралари ҳаддан ташқари самимият ва соддалик нурига тўлади: «мана, мен сизга ақлли ва нодир фикрга тўла гап айтдим» – йўқ, бошқалар каби манманликдан пайдо бўлмайди бу нур (асло!), у айтганларини беҳад қадрлайди ва унга ишонади, авайлайди, сиз ҳам худди шундай авайлайсиз деб ўйлайди. О, самимийлик! Мана шу билан ғолиб чиқишади-да! Қиздаги самимийлик эса ғоят ёқимли эди.

Ёдимда, ҳеч нимани унутганим йўқ! У чиқиб кетгач, узил-кесил ҳал қилдим. Ўша куниёқ у ҳақдаги қолган маълумотларни миридан-сиригача билишга киришдим. Билиб олдим ҳам. Аввалги маълумотларни уларникида хизмат қилган, бир неча кун бурун арзимас пулга сотиб олганим Лукерьядан эшитган эдим. Янги маълум бўлган сирлар шу қадар даҳшатли эдики, бу аҳволда қандай қилиб кулиш мумкинлигига, ўзи даҳшатли бир аҳволда бўлатуриб қандай қилиб Мефистофель сўзларига қизиқиши мумкинлигига ҳали-ҳали ақлим бовар қилмайди. Ёшликнинг қудратими бу! Мен у ҳақда айнан шуларни ҳам ғурур, ҳам шодлик билан ўйладим, чунки бу ерда яна олийжаноблик ҳам бор-да: ўзи ҳалокат чоҳида тургани ҳолда, Гётенинг буюк сўзларидан кўзларида нур порлаяпти. Ёшлиқда бир томчи бўлса-да, биздан тескари томонга оғиб турса-да, олийжаноблик бор. Мен уни, фақат уни назарда тутаяпман. Энг муҳими ўшанда қудратимга мутлақо ишониб, унга ўзимники сифатида қарадим. Мутлақо ишонган онларингизда бу фикр шахвоний маъно касб этаркан.

Менга нима бўляпти? Шунақа эзмалик қилсам, фикримни қачон бир нуқтага тўплайман? Тезроқ, тезроқ, э худойим, ахир гап бошқа ерда-ку!

СОВЧИЛИК

Унинг сир-асрорини бир сўз билан айтадиган бўлсам: ота-онаси уч йил аввал ўлиб кетиб, бетайин холалари қўлида қолган экан. Тўғрироғи, уларни бетайин дейиш озлик қилади. Бир холаси бева, бири-биридан кичик олти боласи билан қолган, яна бир холаси – қариқиз, қурумсоқ, расво хотин. Иккала холаси ҳам расво. Қизнинг отаси чиновник ўтган, мирзалардан бўлган, дворянликка ўзи эришган одам экан. Хуллас, ҳаммаси менинг фойдамга. Ҳар ҳолда мен – юқори табақа вакилиман, ажойиб полкнинг истеъфодаги штабс-капитаниман. Насл-насабим тоза дворянлардан, бировга муҳтожлик ерим йўқ, ҳоказо, ҳоказо... қилаётган ишимга холалари фақат эътибор билан қарашлари турган гап. Холаларига уч йил чўрилик қилган. Шунда ҳам имтиҳондан ўта олган, кундалик меҳнат азобидан юлқиниб чиқиб, имтиҳондан ўта олиш – унинг олийжанобликка, юксакликка интилишидан далолат эди. Ахир мен нима учун уйланоқчи эдим? Э, ўзим ҳақимдаги гапларга тупураман, бу ҳақда кейин.. гап бу ерда эмас! Холаларининг болаларини ўқитган, тикадиганларини тиккан, охиروқибатда киргина эмас, шу нимжонгина гавдаси билан эгилиб, пол ҳам ювган. Шу азоби эвазига... холаларининг калтагидан боши чиқмаган. Калтак билан қаноатланмаган маразлар уни сотишгача бориб етишган. Тфу! Ифлос тафсилотларни тушириб қолдираман. Буларнинг ҳаммасини кейинроқ ўзи менга айтиб берган. Унинг аҳволини йил давомида қўшни семиз баққол, оддий эмас, икки дўкони бор баққол обдан кузатган. У аввалги икки хотинини ура-ура ўлдириб, энди учинчисининг илинжида эди. Ифлос кўнгли шу қизни тусабди: “мўмингина, камбағалликда ўсди, етимларимнинг ғамини еб уйланаман”... Чиндан ҳам етимчалари бор эди. Элликни уриб қўйган бу баққол қизга совчи қўйиб, холалари билан тил бириктира бошлаган. Қиз – даҳшатда! Худди шу вақтда “Голос”га эълон бериш мақсадида менга йўлиққан. Холаларига ялиниб-ёлвориб, ўйлаб кўриш учун жичча вақт беришни сўради. Жичча вақт беришди, бошқа бир дақиқа ҳам қўшишмади. Кулоқ-миясини еб юборишди: “Ўзимизга егулик нарсаси йўқ, текинтомоқлардан безормиз...” Мен буларни билардим. Ўша куни эрталаб қиз келиб-кетгандан кейин бир қарорда тўхтадим. Кечқурун баққол ярим сўмлик ширинлик олиб уларникига кирдим: қиз у билан бирга ўтирарди. Ошхонадан Лукерьяни чақиртириб, қизнинг қулоғига шипшит, зарур гапим бор, дарвоза олдида кутаман, дедим. Қилган ишимдан кўнглим тўлди. Умуман ўша куни ўзимдан-ўзим беҳад мамнун эдим.

Дарвоза ёнидаёқ унга, Лукерья орқали чақиртирганимдан ҳайратга тушган қизга мақсадимни тушунтирдим: унинг ризолиги мен учун бахт эканини айтдим. Иккинчидан: бу ҳаракатимдан, дарвоза ёнида турган “ҳамма гапдан боҳабар” одамнинг дангал таклиф қилишидан ҳайрон бўлмаслигини сўрадим. Алдамаётган эдим, чиндан ҳам дангалчи эдим. Ҳе, тупурдим! Мен фақат тарбия кўрган одамнинг сиполиги билан эмас, энг муҳими – янгича оҳангда гапирдим. Нима, буни тан олиш гуноҳми? Мен ўзимни ўзим айбламоқчиман, айбляппман ҳам. Мен барчасига pro ва contra* айтишим керак, айтаман ҳам. Мен бу дамни, кейинчалик ҳам роҳат билан эслар эдим, гарчи тентаклик бўлса ҳам, биринчидан, айтарли иқтидорга эга эмаслигимни, ҳатто хушфёълликдан узоқлигимни, бир чақага қиммат худбин (Бу ибора аниқ эсимда: кела-келгунча ўйлаб топиб, кўнглим хотиржам бўлган эди), эканимни ва бошқа масалаларда анчагина кўн-

гилсизликларга сабаб бўлишим мумкинлигини ҳеч қандай хижолатсиз, тараддудсиз, дангалига айтдим. Буларнинг бари ўзингизга маълум алпозда – алоҳида бир мағрурлик билан айтилди. Албатта, камчиликларимни олийжаноблик ила маълум қилгач, «буларнинг ўрнига мана бу, мана бу яхшиликлар ҳам бор», деб фазилатларимни баён қилишга тушмадим – бунга фаросатим етарди. У дамда мен унинг ниҳоятда қўрқаётганини кўриб турардим. Кўриб-билиб туриб, ҳеч нимани юмшатмадим, аксинча, баттар кучайтирдим: қорни тўқ бўлишини, хилма-хил либослар, театр, зиёфатларга эса йўл йўқлиги, орадан вақт ўтиб мақсадимга эришгач, балки булар ҳам амалга ошиши мумкинлигини очиқ айтдим. Гапларимдаги қатъий оҳанг мени ўзига мафтун етарди. Шу ишга қўл урган эканман, яъни гаровчиликни бўйнимга олган эканман, бир мақсадим борлигини, бир шароит мажбур қилаётганини сўз орасида қистириб ўтдим. Шундай дейишга ҳаққим бор эди: чинданам бир мақсад, маълум бир шароит туфайли эди бу юмушим. Тўхтанг, жаноблар, мен умрим бўйи бу юмушдан нафратланганман, нафсиламрини айтганда, ўз-ўзига сирли иборалар билан баён қилиш кулгили туюлса-да, «жамиятдан ўч олишим» чин эди, чин эди, чин эди! Шу боис унинг эрталабки «ўч олиш»им ҳақидаги қочирими ўринсиз эди. Яъни, биласизми, агар мен унга тўғридан-тўғри «Ҳа, жамиятдан ўч оляпман» десам, ҳа-холаб юборарди, умуман бу жавобим кулгили чиқарди. Бошқа ёққа ишора қилиб, сирли ибора билан тасаввурни ўғирлаш мумкин экан. Ундан ташқари, бу пайтда мен ҳеч нимадан қўрқмас эдим: семиз баққолга нисбатан ўлсам ўлигим ортиқлигини, дарвоза олдида ҳалоскор сифатида келганимни яхши билардим. Буни тушунардим. О, қабиҳликни одам аъло даражада тушунади! Бу қабиҳлик эдими? Қандай ҳукм чиқариш керак? Ахир ўша пайтдаёқ уни севмас эдимми?

Тўхтанг: ҳиммат ҳақида шубҳасиз ярим оғиз ҳам гап айтмовдим: аксинча, о, аксинча: «Марҳамат нурига сиз эмас, мен йўғриламан» – ўзимни тутолмай, буларни сўз билан ифодалаган эдим, юзининг бир учиб тушганига қараганда, гапим телбанамо чиққан эди. Хулласи калом, узил-кесил ғалаба қозондим. Тўхтанг, бу ифлосликларни эслаётган эканман, сўнгги тўнғизлигимни ҳам ёдга олай: мен унинг рўпарасида турардим, бошимда эса ҳаёллар ғувиллайди: бўйинг баланд, келишган эркаксан, одоблисан ва ниҳоят, мақтанишдан ташқари, биб-бинойисан. Каллам шу гаплар билан банд эди. Лекин... лекин ҳўп дейишдан олдин, шу ерда, дарвоза ёнида узоқ ўйга толганини унутмаслигим керак. Шу қадар кўп, шу қадар кўп ўйладики, тоқатим тоқ бўлиб «Хўш?» деб юборишдан ўзимни тутолмадим. Шунчаки, «Хўш!» эмас, киборларча «Хо-ош, нима дейсиз?» деб сўрадим.

– Шоширманг, ўйлаб олай...

Чехраси шу қадар жиддий эдики, ўйларини ўқиб олишим ҳеч гап эмасди! Аммо мен ундай қилмадим – кўнглим ранжиди: «Наҳотки мен билан баққолни солиштириб, танласа», деб ўйладим. О, мен унда тушунмас эдим! Ҳеч нарсани, ҳеч нарсани тушунмасдим! Ёдимда, кетаётганимда Лукерья мени йўлда тўхтатди. «Ойимтиллага уйланаётганингиз учун худо сиздан марҳаматини аямайди, жаноб, фақат унга ҳиммат қилаётганингизни айта кўрманг, у жудаям мағрур киз» деди шоша-пиша.

Мағрур эмиш! Ўзим ҳам мағрурларни ёқтираман. Мағрурлик қачон ярашади?.. Бошқаларга нисбатан қудратлироқ эканингни билиб турганинг-да, тўғрими? О, пасткаш, бесўнақай одам! О, мен қандай мамнун эдим. Ўша дарвоза ёнида мени ҳайрон қолдириб, узоқ ўйга ботиб турганда, ҳаёлига мана бу фикр

келиши мумкинмиди: «Ҳамонки бахтсизлик у ерда ҳам, бу ерда ҳам бор экан, энг ёмонини танлаганим маъкул эмасми? Семиз баққолни танласам, маст ҳолда тезроқ уриб ўлдириб, мени бу азоблардан биратўла қутқаргани дуруст эмасми!» Хўш? Нима деб ўйлайсиз, шу фикр хаёлига келиши мумкинмиди?

Ҳа, ҳозир ҳам тушунмайман, ҳеч нимани тушунмайман. Ҳозиргина икки бахтсизликдан энг ёмонини, яъни баққолни танлаши ҳақидаги хаёлга бориши мумкинлигини айтдим. Ўша пайтда у учун ёмонроғи ким эди – менми ё баққол? Савдогарларми ё Гётедан мисол келтириб гапирадиган гаровчими? Шу ҳам саволмиш! Саволга бало борми? Нимага тушунмайсан: жавоб стол устида ётибди-ку! Саволинг нимаси? Тупуриш керак менга! Ҳозирги гап мутлақо менда эмас. Дарвоқе, гап мендами, мендамасми, нима аҳамияти бор энди. Мана шуни фаҳмлаб ололмаяпман. Ундан кўра ухлаганим маъкул. Бошим оғрияпти.

ОДАМЛАР ОРАСИДАГИ ЎЗИМ ХАМ ИШОНМАЙДИГАН ОЛИЙЖАНОБ

Ухлолмадим. Ухлаш қаёқда, бошим лўқиллайди. Буларнинг ҳаммасини, ифлосликларнинг барчасини англаб етгим келади. О, нопоклик! О, мен уни қандай ботқоқдан чиқариб олдим! Ахир буни тушуниши, илтифотимни қадрлаши лозим эди-ку! Менга турли хаёллар, айтайлик, ўзимнинг қирқ бирда эканим, унинг энди ўн олтига тўлгани ҳақидаги хаёл жуда ёқарди. Мана шунга мафтун эдим, тенгсизлик ҳисси ширин эди, оҳ, жуда ширин эди.

Мен, мисол учун тўйни а Langlaise* фақат иккаламиз ва яна икки гувоҳ иштирокида (гувоҳларнинг бири шубҳасиз Лукерья бўларди) қилиб, ўша заҳоти вагонга ўтириб Москвагами (айтмоқчи, воқеа ўша ерда бўлган), бирон меҳмонхонагами жўнаш ниятида эдим. У қаршилиқ билдирди, рухсат бермади ва мен холалари ҳузурига қиз узатувчи қариндошлар ҳузурига боргандай илтифот билан бордим. Ён босдим унга, холаларининг иззатини ҳам жойига қўйдим. Мен яна бу махлуқларга юз сўмдан пул бердим, устига яна ваъда қилдим, шубҳасиз, бу пасткашликдан озор чекмасин деб, унга лом-мим демадим. Пулни олгач, холалари ипақдек эшилиб қолишди. Сеп ҳақида тортишув бўлди: унинг ҳеч вақоси йўқ эди, ўзи ҳам ҳеч нимани хоҳламасди. Мен унга ҳеч ниманг керакмас, деб ишонтирдим, сепни ҳам бўйнимга олдим, мендан бошқа яна ким сеп қиларди? Келинг, ўзим ҳақимдаги гапларга тупурайлик. Баъзи ғояларим билан уни ўша дамнинг ўзида таништиришга улгурдим, ҳеч бўлмаганда умумий жиҳатларидан бохабар бўлсин, дедим. Балки шошқалоқлик қилгандирман? Энг муҳими, ўзини тутишга қанчалик уринмасин, у аввалбошиданоқ, бағримга муҳаббат билан отилиб кирди, кечалари қайтганимда кутиб олиб, ҳаяжон билан, шивирлаб (ажиб, бокира шивир билан) гўдаклигини, болалигини, уйларини, ота-онасини гапириб берарди. Аммо мен бу завқ оташини совуқ сув қўйиб совутардим. Менинг ғоям шундан иборат эди. Унинг ҳаяжонларига мен сукут билан жавоб қайтарардим, албатта, бу онда ҳайрихоҳлигимни яширмасдим... шунга қарамай, у иккимизнинг тамоман бошқа-бошқа эканимизни, менинг турган-битганим жумбоқ эканини тез фаҳмлаб етди. Мен энг муҳими, шу жумбоққа зўр бердим. Балки шу жумбоқни ечиш учун ҳам мен бу тентакликни кашф қилган эдим! Даставвал қаттиққўллик – остона ҳатлаш билан шу қаттиққўлликни татиди. Хуллас, ўшанда мамнун юрган ҳолда ўзимга хос тартиб турларини яратдим. О, бу тартиб ҳеч бир зўриқишсиз, ўз-ўзидан яралди. Бошқача бўлиши мумкин

эмасди, мен бу тартиб тўрини шафқатсиз шароит талабига кўра яратдим, ахир ўзимни чўқитиб қўёлмасдим-ку. Тартиб ҳақиқатга зид эмасми. Йўқ, сиз охиригача эшитинг, одамга гуноҳ ортишдан олдин, сабабини билиш керак... Эшитинг!

Нима деб бошласам экан, тушунтириш жуда оғир. Ўзингни оклашни бошласанг – тушунтириш оғир кечади. Биласизми, ёшлар кўп нарсадан, масалан пулдан ҳам нафратланади, мен эса, пулга муккамдан кетган эдим. Пул устига ўлигимни ташлаганим сайин – у нафасини ичига ютаверди. Катта кўзларини жавдиратиб қараб, тинглаб, оқибатда жим қолаверди. Ёшлар олийжаноблар, аниқроғи яхши ёшлар ҳам олийжаноб, ҳам шиддаткор, шунданми, сабр-тоқатсиз, сал нарсага лов этиб ёнишади-ю, нафратларини яширишолмайди. Мен эса кенгликни истардим, кенглик уруғини унинг юрагига сепмоқчи эдим, таъбир жоиз бўлса, юрак кўзи билан кенгроқ қарашга ўргатмоқчийдим. Тубан бир мисол келтирай: хўш, мен қандай қилиб бундай феъл-атворли одамга гаров хазинамни тушунтира олардим? Шубҳасизки, агар тўғридан-тўғри бу ҳақда гап бошласам, шуғулланаётган юмушим учун узр сўрагандай бўлардим. Шунинг учун ўзимни мағрур тутдим, қарийб сукут билан гапирдим. Сукут билан гапиришга суягим йўқ менинг, бутун умрим сукут билан гапиришда ўтди, бошимга тушган мудҳиш савдоларни ҳам сукут билан енгдим. О, ахир мен қандай бахтсизликларни бошимдан кечирмадим! Мени кўкрагимдан итариб, худди кераксиз матоҳдай итқитиб ташлашган эди, унутиб юборишган эди, буни ҳеч ким, ҳеч ким билмайди! Кутилмаганда бу ўн олти ёшли «ойимтилла» разил одамлар тилидан мен ҳақимдаги ярамас гапларни эшитиб, ҳамма нарсадан ҳабар топдим, деб ўйлабди, эзгуликлар одамнинг фақат кўкрагидагина қолганини эса фаҳмлабди. Мен эса сукутни сақлайвердим, айниқса, у билан бирга бўлганимда тилим тиш ҳатламасди. Кечаги кунга қадар шундай давом этди. Нима учун «Ичимдагини топ», деб сукут сақладим? Мағрурлигим туфайли. Мен бу одам тўғрисидаги бор ҳақиқатни, унинг кўнглидаги яширин эзгуликларни ўзи, тубан одамлар ҳикояси орқали эмас, балки ўзи англаб етишини истардим. Уйимга бошлаб келар эканман, мен ундан тўла ҳурмат, эътибор кутган эдим. Мен унинг бошимдан кечирган азобларим эвазига тиз чўкиб ибодат қилишини хоҳлаган эдим – шунга арзирдим. О, мен ҳамиша мағрур бўлганман, ҳеч қачон ўртамиёнага тоқат қилмаганман, ё ҳаммасига эришини ё ҳаммасидан биратўла воз кечишни истаганман. Яримта бахтга тоқат қилолмаганим, яхлит, бутунига интилганим сабабли ҳам «ўзинг билиб ол ва қадримга ет» қабилида иш тутишга мажбур эдим. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, агар мен унга тушунтиришни, айтиб туришни бошласам, ялтоқлансам, ҳурмат қилишини сўрасам – гадодан нима фарқим қолади?.. Дарвоқе... дарвоқе... нима учун мен буларни гапираётиман?

Тентаклик, тентаклик, тентаклик ва яна тентаклик! Ўшанда мен унга ёшларнинг олийжаноблиги жуда гўзал, аммо бир чақага арзимаслигини икки оғиз сўз билан очиқ ва шафқатсизларча (шафқатсизлигимни таъкидлагим келади) тушунтирдим. Нима учун бир чақага қиммат? Шунинг учунки, ёшларга ҳаммаси осондай туюлади, олийжанобликлари, енгил қўлга киритилган, яъни ҳали аччиқ-чучугини татимай туриб, ҳаётдан олган дастлабки таассуротлари асосида юзага келган; вақти келиб, меҳнат исканжасига тушишгач, аҳволларини бир кўрамыз. Арзон олийжаноблик ҳамиша енгилтак бўлади. Ҳатто ҳаётини ҳам арзон-гаровга бериши мумкин – чунки қони қайнаб, кучи ошиб-тошиб ётибди,

кўнгли гўзалликка жон-жаҳди билан интилади. Қани, оғир ва сокин, жарангсиз, ҳашамсиз, ғийбатларга тўла, заррача шухрат келтирмайдиган, аммо қурбонлик талаб этувчи олийжаноблик жасоратини олайлик-чи. Хўш, бу жасоратни татиб кўринг-чи, йўқ-йўқ, рад этасиз. “Ер юзидаги барчадан номуслироқ бўлганингиз ҳолда жамоатга аблаҳ сифатида кўрсатилган ёруғ юзли одам, қаердасиз?” – дейишга ҳақлиманми? Ҳа! Чунки мен бу жасоратни бир умр кўтариб ўтяпман. У аввалига мен билан астойдил баҳслашди, кейин жим бўла бошлади, охири нафасини ютди, кўзларини даҳшат билан очиб тинглади. Кўзлари катта-катта эди... Шу аснода мен... мен унинг кўзларида сокин, ёқимсиз, ишончсиз бир кулгини кўрдим. Ана шу кулгиси билан мен уни уйга олиб кирдим. Тўғрироғи, унинг бошқа борадиган жойи йўқ эди...

НУҚУЛ РЕЖАЛАР, РЕЖАЛАР

Ўшанда ким биринчи бўлиб бошлади?

Ҳеч ким. Биринчи қадамданоқ ўзи бошланди. Мен уни қаттиққўллик билан уйга етаклаб кирдим, девдим, аммо қаттиққўлликни илк одимдаёқ ўзим юмшатдим, қаллиқлик чоғидаёқ, гаровга буюм олиб қолиб, пул бериш билан шуғулланиши тушунтирилган, у эса индамаган эди (Буни эслаб қолинг). Энг қизиги, бу ишга астойдил киришувди. Албатта, уй, жиҳозлар ўша-ўша эди. Уйим икки хонали: бири катта зал, озгина қисминигина касса эгаллаган: иккинчиси ҳам кенг-мўл, ётар-турар жойимиз шу ерда. Жиҳозларимнинг мазаси йўқ, ҳатто холалариникидан ҳам хароброқ. Шамчироқли иконам залда, касса ёнида: хонамдаги жавонда (калити менда туради) бир неча китоб ва гаровларнинг шартлари: яна тўшак, стол, стуллар... Емоқ-ичмоғимиз учун Лукерья учовимизга, мен уни оғдириб олган эдим, кунда кўпи билан бир сўм ажратажагимни айтиб, «Уч йилда ўттиз минг жамғаришим керак, тежаб-тергашга мажбурман», деб тушунтиргандим. У қаршилиқ билдирмаган эди, шунда ҳам мен кунлик харажатни кўпайтириб, бир сўму ўттиз тийин деб белгиладим. Бунинг ёнига театр кўшилди. Қаллиқлик даврида театр деган гап йўқ деган эдим, бироқ қароримни ўзгартириб, ойда бир марта борадиган, борганда ҳам юмшоқ ўриндиқлардан жой оладиган бўлдим. Уч марта бирга бордик, «Муҳаббат изидан кувиш», назаримда яна – «Сайроқи қушлар»ни кўрдик шекилли (о, тупуриш керак бунга, тупуриш!) жимгина бориб, жимгина қайтардик. Нима учун, нима учун илк қадамимиздаёқ сукутни раво кўрдик. Ахир дастлаб орамизда низо бўлмаганди-ку? Сукут нимаси эди! Эсимда, у менга тез-тез кўз қири билан қараб қўярди, мен уни сезардим, сеза туриб баттар сукутга берилардим. Тўғри, сукутга у эмас, мен жон-жаҳдим билан ёпишдим. У бир-икки марта ўзини тутолмай қучоқлашга ташланганда ҳам совуқ муомаламни ўзгартирмадим. Чунки унда уйғонган тўлқин дардчил, жазавали эди: менга эса унинг астойдил эъзозидан келиб чиқадиган чинакам бахт лозим эди. Мен ҳақ эдим: ҳар бир тўлқиндан кейин эртасигаёқ орада низо чиқарди.

Тўғрироғи буни низо дейиш ҳам қийин. Чунки жанжалимиз ҳам сукутда ўтарди – унинг қарашларида борган сайин «Исён ва мустақиллик»ка мойиллик кучаярди, аммо қарашларини амалга оширишга ожиз эди. Ҳа, бу маъсума чеҳра кундан-кунга дағаллашарди. Ишонсангиз, ишонмасангиз, у мендан жиркана бошларди – мен буни яққол ҳис қилиб турардим. Баъзан ички тўлқинларини жиловлай олмай ўзидан кетишига шубҳа йўқ эди. Мисол учун айтсам, кечагина

пол ювишдан боши чиқмаган ойимтилла ночорлик ботқоғидан қутулиб, бугун камбағаллигимдан бурнини жийирадиган бўлиб қолди! Туриш-турмушимиз покиза, керак жойда ҳашамга ҳам ўрин бор, айтмоқчиманки, менинг уйимда қашшоқлик эмас, тежамкорлик ҳукмрон эди. Мен илгарилари ҳам эрнинг саришталиги хотиннинг кўнглини банд этади деб ҳисоблар эдим. У қашшоқлигимни лаънатламас, балки тежамкорлигимни бахиллик ҳисоблаб, «аниқ мақсади борлигини, қатъий иродасини кўрсатмоқчи», деб мендан нафратланарди. Театрдан қутилмаганда ўзи воз кечди. Мазахли чимирилишлари бешбаттар кўпайди... Мен эса сукутни кучайтирдим, сукутга зўр бердим.

Ахир ўзимни оқламайман-ку! Бу ерда энг муҳими қарз кассаси. Илтифот қилинг: мен аёлнинг, айниқса ўн олти ёшида, эркакка бутунлай бўйсунмаслиги мумкин эмаслигини билардим. Аёлларда оригиналлик йўқ – бу исбот талаб этмайдиган ҳақиқат, ҳатто ҳозир ҳам бу мен учун исботсиз ҳақиқат! Залда ётган бўлса нима қилибди: ҳақиқатни ҳақиқат дейиш керак, бу ерда Милль* ҳам ожиз. Севучи аёл эса, о, севучи аёл эса, кўнгли майлини олган кимсанинг барча камчиликларини, ҳатто ёвузликларини илоҳийлаштиради.

Ўша кимса ёвузликларини ювиш учун арзирли баҳона топа олмайди. Аммо севучи аёл унга фатво топиб беради. Бу олийҳимматлик, аммо оригиналлик эмас. Аёлни фақат нооригиналлик бадном этади. Қайтарсам нима бўлибди, стол устини нимага имлаб кўрсатяпсиз? Стол устидаги оригинал демоқчимисиз? О-о?..

Билиб қўйинг: унинг муҳаббатига ўшанда амин эдим. Ахир бўйнимга олиб олган эди-ку. Демак, севарди, аниқроғи севишни истарди. Ҳа, шундай эди: севишни истарди, муҳаббатини изларди. Энг муҳими шундаки, бу ерда у фатво топиб бериши лозим бўлган ёвузликнинг ўзи йўқ эди. Гаровчилигимни айтяпсизми? Буни ҳамма гапирарди. Гаровчи бўлсам нима! Олийжанобларнинг олийжаноби шу ишни ўзига лозим кўрган экан, демак сабаби бор. Биласизми, жаноблар, ғоялар бор... Яъни биласизми, агар ўзга ғоя айтилса, сўз билан ифода қилинса жуда аҳмоқона чиқади. Ўзимдан-ўзим уялиб кетаман. Нимага? Ҳеч нимага. Чунки биз ярамас одамлармиз, ҳақиқатга чидолмаймиз, агар гапимни ёлғон десангиз, билмадим, қандай одам эканмиз. Мен ҳозир «олийжанобларнинг олийжаноби» дедим. Кулгилими, лекин гапнинг чини шу! Ахир бу ҳақиқат, яъни ҳақиқатлар ичра энг олий ҳақиқат-ку! Мен бу кассани очиш, ўзимни-ўзим таъминлаш истагига тўла ҳақли эдим: «Сиз мени четга суриб чиқардингиз, сиз одамлар, ҳа, сиз мени жирканч сукутингиз билан ораларингиздан ҳайдадингиз. Сиз томонга эҳтирос ва шиддат билан интилишимга жавобан бир умрга ранж-алам қайтардингиз. Шундай экан, энди мен қалин девордан тўсиқ қилиб олишга, ўша ўттиз мингга тўплаб, Қримданми, жанубий соҳилданми ер-мулк сотиб олиб, умримнинг қолган қисмини тоғларда, узумзорларда, энг муҳими – сизлардан узоқроқда, аммо сизларга кек сақламасдан, кўнглимдаги олий мақсадим билан, юракдан севучи аёлим билан, худо берса оилам билан, ён қўшнилардан ёрдамимни аямасдан яшашга тўла ҳақким бор». Яхши ҳамки бу гапларни энди овоз чиқариб ўзимга-ўзим айтяпман, агар илгарироқ унинг қулоғига қуйганимдами, бундан бемаънироқ иш бўлмасди. Менинг мағрурона сукутим ҳам, жимгина ўтиришларимиз ҳам айнан шундан. Ахир у тушуна олармиди? Ўн олти ёш – ёшликнинг биринчи поғонаси – у менинг важ-қарсонларимни, азоб-уқубатларимни англашга қодир эмасди. Тўғрилиқ, ҳаётни билмаслик, болаларча арзон имон, «ғўзал қалблар» хусусидаги кўр-кўрона тушун-

ча, энг муҳими гаров кассаси (Холбуки мижозларимга нисбатан ёвузлик қилмас эдим! Меъёридан ошиқча олиб қолмаслигимни ўзи яхши биларди, кўрган эди!) уни ҳақиқатга олиб борувчи йўлларни тақа-тақ беркитиб ташлаган эди. О, бу ёруғ оламдаги ҳақиқат нақадар даҳшатли! Бу малак, бу маъсума, бу осмон – мустабид эди, қалбимнинг чидаб бўлмас даражадаги шафқатсиз мустабиди, ситамгири эди! Агар буларни айтмасам, ўзимга-ўзим тухмат қилган бўламан! Сиз менинг севгимга ишонмаяпсизми? Шундай деб ким айта олади? О, бу шўри-ғавғо, тақдир ва табиатнинг истехзога тўла шўри-ғавғоси эди! Бизга қарғиш теккан, одамзоднинг ҳаёти (жумладан меники ҳам) қарғиш остида қолган. Мен қаердадир янглишганимни тушуниб турибман-ку! Қаердадир мўлжални тўғри ололмадим. Ҳаммаси аниқ-равшан эди, режаларим ҳам осмон каби покиза эди: «Каттиққўл ва мағрур, бировнинг руҳий таскинига муҳтожлик йўқ, сукут билан азоб чекиш». Шундай эди, алдамадим, сира алдамадим! Бунга кейинроқ ўзи гувоҳ бўлади, бунинг олийжанобликдан эканини ўзи кўради (аммо, сезолмади), қачондир билса, олийжаноблигимни ўн чандон ошириб баҳолайди ва қўлларини кўксига қўйиб худонинг зорини қилади». Режам шу эди. Лекин мен бу ерда ниманидир унутдим ёки ниманидир тушириб қолдирдим. Ниманидир амалга оширолмадим. Бас, етар бас! Энди кимдан узр сўрайман? Тамом бўлди, тамом бўлди – тан олиш керак. Э, одам, қаддингни тут, ерпарчин бўлма! Айбдор сен эмассан.

– Хўп, яхши, мен рост гапни айтаман. Ҳақиқат билан юзма-юз бўлишдан чўчимаيمان: У айбдор эди, айбдор У эди!..

МАЪСУМАНИНГ ҒАЛАЁНИ

Орамиздаги низо бундай бошланди: ҳеч қутилмаганда у пулни ўз хоҳишига кўра берадиган, буюмларни меъёридан ортиқ баҳолайдиган бўлди, бу ҳам етмагандек, мен билан икки марта баҳслашди. Ён босмадим. Шу пайтда оёғимиз остидан капитаннинг беваси чиқиб қолди.

Бева кампир медальонни, яъни марҳум эрининг совғаси, демак, кадрли ёдгорликни олиб келди. Ўтгиз сўм бердим. Минғирлаб, арз-дод қилиб, буюмни асрашимизни илтимос қилди – асрамай нима қилардик. Хуллас, беш кундан кейин яна пайдо бўлиб, саккиз сўмга ҳам арзимайдиган билагузукка алмаштириб беришни сўради. Мен шубҳасиз, рад этдим. Ўшанда бу айёр кампир хотинимнинг кўзида меҳр кўрганми, ҳар ҳолда мен йўғимда келиб, муддаосига етди – у медальонни билагузукка алмаштириб берибди.

Бундан хабар топишим билан қисқа, аммо қатъий, жўяли гапимни айтдим. У тўшак устида ерга тикилганча ўтирар, ўнг оёғининг учини ликиллашиб, гиламчани уриб-уриб қўярди (бу унинг маънодор ишораси) лабларида истехзо қотган эди. Шунда мен, овозимни мутлақо кўтармасдан, пул меники эканини, ҳаётга ўз кўзларим билан боқишга ҳаққим борлигини, уни уйга таклиф қилганимда, ҳеч нарсани яширмаганимни хотиржам бир алпозда эслатдим.

У эса бирдан сапчиб турди, аъзойи бадани титради, кейин – нима деб ўйлайсиз – депсина бошлади: шу туриши ваҳшийликнинг ўзи эди, тутқаноқ эди, тутқаноғи тутган ваҳший эди. Мен ҳайратдан муз қотдим: бу қилиқни сира қутмагандим. Аммо ўзимни йўқотмадим, ҳатто қимирламадим, ўша хотиржам овозда бундан буён юмушларимга аралашиш ҳуқуқидан маҳрум этажогимни маълум қилдим. У башарамга қараб туриб хаҳолади-да, уйдан чиқиб кетди.

Гап шундаки, менсиз уйдан чиқишга унинг ҳақи йўқ эди. Тўйдан олдинок шунга келишган эдик. Кун бўйи қайлардадир санқиб, кечқурун қайтди – чурқ этмадим.

Эртасига эрталабдан яна ғойиб бўлди, индинига ҳам. Кассани беркитиб, холалариникига бордим. Тўйдан кейин улар билан борди-келдини йиғиштириб қўйган эдим. Остоналарини ҳатлашга мажбур бўлдим: бу ерга қадам босмабди. Холалари гапларимни диққат билан эшитиб, «Сизга ҳали бу ҳам кам», деб мазах қилишдан тойишмади. Кулги бўлишимни билардим. Ўша заҳоти кичик холасига – қариқизга юз сўм ваъда қилиб, оғдириб олдим, йигирма бешини нақд санаб бердим. Икки кундан кейин у уйимга хунук хабар билан келди: «Поручик Ефимович деган одам, сиз билан бир полкда хизмат қилган офицер сувни лойқалатиб юрибди». Хайратда қолдим. Бу Ефимович деганлари полкда менга нисбатан разиллик қилгани етмагандай, бир ой муқаддам гаровга нарса қўйиш баҳонасида кетма-кет икки марта уйимга беҳаёларча келиб, хотинимга шилқимлик қилган эди. Ўшанда унга яқинлашиб, муносабатларимизни унутмай, уйимга қадам босишга журъат этмаслигини айтгандим: иш бу даражага бориб етиши хаёлимга ҳам келмаганди, шунчаки суллоҳ деб ўйловдим. Мана энди холаси хотинимнинг ўша суллоҳ билан учрашув тайин қилганини, бу иш уларнинг эски танишлари, полковникнинг беваси Юлия Семёновна раҳнамолигида амалга ошганини маълум қилиб турибди: «Хотинингиз ўшаникига қатнаяпти».

Бу тафсилотларни қисқартираман. Бу иш охир-оқибатда менга уч юз сўмга тушди. Аммо икки кун ичида мақсадга эришдим: қўшни хонада туриб, қия очиқ эшикдан хотинимнинг Ефимович билан биринчи render – Vous* гувоҳ бўлиш, гапларни эшитиш имкониятини қўлга киритдим. Бу воқеага тайёргарлик кўраётган пайтимда, бир кун аввал, жуда қисқа давом этган, аммо мен учун ниҳоятда муҳим ҳодиса юз берди.

Кечқурун у ёқдан-бу ёққа юрди, тўшакка ўтирди, менга тикилиб, масхара-лаб тиржайди, оёқ учларини қимирлатиб гиламчага тап-тап урди. Унга қараб туриб, дафъатан калламга бир фикр урилди: ўтган ой давомида, тўғрироғи ўтган икки ҳафта мобайнида феъл-атвори жуда ўзгариб кетди: қандайдир асовлик, ҳужумкорлик, беҳаё дея олмайман, аммо бетартиблик, изтиробга мойиллик пайдо бўлди. Буларни сиртига чиқармасликка ювошлиги сабаб эди. Изтироблари чегарадан чиққан бўлса-да, ўзини зўрлаб ушлаб тургани, бу учун ўзидан-ўзи ҳазар қилаётганини сезмаслигим мумкин эмасди. Бунақалар бир қутурмасин, қутурса жиловлаб бўлмайди. Шунақа пайтда улар айтадиган, қуюшқондан чиқиб кетадиган гапларни эшитиб, қулоқларингга ишонмайсан. Қалбан бузуқликка одатланганлар эса, аксинча юмшатадилар, қабихликларини ҳам батартиб, илтифот билан юзага чиқарадилар, ана шу разилликларида устунлик қилиш даъвоси бўлади.

Ўша кунни у асовлик билан арқонни узди:

– Дуэлга чиқишга қўрққанингиз туфайли полкдан ҳайдаб юборганлари ростми? – деб сўради у кутилмаганда, кўзларида эса ўт чақнади.

– Рост, офицерларнинг қарори билан полкни ташлаб кетишимни сўрашди, унга қадар ўзим истеъфога чиқаман деб ариза берган эдим.

– Қўрқоқ сифатида ҳайдашганми?

– Ҳа, улар шундай айб қўйишди менга. Лекин дуэлдан бош тортишимга сабаб қўрқоқлик эмас. Менинг шахсимни ҳақорат қилишмаган ҳолда дуэлга

чақирсам бемаънилик бўларди. Мен уларнинг мустабидона қарорларига бўйсунмадим.

Билиб қўйинг, шу ерга келганда ўзимни тутолмадим, ўз хатти-ҳаракати билан бундай мустабидликка, оқибатларини била туриб қарши бориш, ҳар қанча дуэлга чиқишдан кўпроқ жасорат, мардлик талаб қилади.

Мен ўзимни тута олмадим, шу гапларим билан гўё ўзимни оқлашга уриндим: унга эса худди шу – янада тиз чўкиб, хўрланишим керак эди. У ғазаб билан кулди.

– Уч йил Петербургда дайдиларга ўхшаб тиламчилик қилиб, биллиард столларининг тагида ётиб қолганларингиз, ростми?

– Мен Сеннада, Виземскийнинг уйида ҳам ётиб қолардим. Полкдан кейин жуда кўп ҳақоратли тушкун онлар бўлди, аммо руҳан чўкмадим, чунки қилгилигимни ўшанда биринчи бўлиб ўзим айблаган эдим. Тушкунлигим боиси, ўшандаги аҳволимдан умидсизликка берилиш оқибатида ақлим ва иродамнинг ожизланиб қолганидан эди. Буларнинг бари ортда қолди...

– О, сиз эндиликда кўзга кўринган одамсиз – пулдорсиз!

Яъни, бу гаров кассасига қилинган истеҳзоли ишора эди. Мен ўзимни қўлга олишга улгурдим. Унинг мени янада ҳақоратлашга олиб борувчи тушунтиришларимга чанқоқ эканини сездим – бунга эришишига йўл бермадим. Чорловчининг кўнғироғи айна муддао бўлиб, залга чиқдим. Орадан бир соат ўтгач, у тўсатдан кийинди-да, уйдан чиқаётиб рўпарамда тўхтаб, шундай деди:

– Ҳар ҳолда сиз булар ҳақида тўйдан олдин оғиз очмаган эдингиз?

Мен жавоб бермадим. У чиқиб кетди.

Хуллас, эртасига чўнтагимда тўппонча билан қия очиқ эшик ортида туриб тақдиримнинг қандай ҳал этилаётганига диққат билан қулоқ тутиб турардим. У ясан-тусанда ўтирарди, Ефимович эса унинг рўпарасида қийшангларди. Хўш, нима бўлди, ўзим сезмаган ҳолда, нимани ўйлаган бўлсам (номусим ҳаққи гапираман бунини), нимани кўнглим сезган бўлса, кутган бўлсам ўша юз берди. Билмадим, тушунарли қилиб сўзлаяпманми?

Бўлган воқеа мана бундай: эшик ортида туриб, уларнинг суҳбатига бир соат қулоқ тутдим, бир соат мобайнида олийжаноб юсак ҳис-туйғу эгаси бўлган аёлнинг оқсуяк мазҳабидан чиққан бузуқ, қалби нопок, бераҳм ҳайвон билан олишувига гувоҳ бўлдим. Бу маъсума, бу камгап, бу содда жувон шунча гапни қаердан билади, деб ҳайратга тушдим. Оқсуякларнинг сеvimли комедияларини тўқувчи зукко муаллиф ҳам бузуқ ишларга ҳиммат камарини боғловчиларга нисбатан олий нафрат ва дўлвор кулги уйғотувчи бундай масхарали сахнани ўйлаб тополмаган бўларди. Унинг гапларида, сўзларида қанчалар шуқуҳ, тезкор жавобларида қанчалар ўткирлик, мулоҳазаларида қанчалар ҳақиқат, айна чокда қизларга хос соддалик бор эди! Малъун Ефимовчининг севги изҳорига, қилиқларига, гапларига жавобан кўзларига қараб мазах қилиб куларди. Муддаога осонлик билан, бир хуруждаёқ эришиш ниятида келган Ефимович унинг қаршилиқ қилишини кутмаган экан, дарров чўкди. Мен дастлаб унинг хатти-ҳаракатини “Бузуқ, аммо оқила мавжудотнинг нарҳини ошириш мақсадидаги ноз-фироғи”, деб оддий ноз-карашмага йўйишим мумкин эди. О, йўқ, ҳақиқат қуёш янглиғ порлаб, шубҳаларга ўрин бермади. Менга нисбатан бўлган ғайритабиий ва шиддатли нафрати туфайли, тажрибасиз бу жувон мана шундай учрашувга журъат қилиши мумкин эди, аммо эркакнинг пинҳона муддаоси

сув юзасига қалқиб чиққач, унинг кўзи очилди. Бу мавжудот қандай қилиб бўлмасин мени ҳақоратлаш қасдида бетоқат тўлғаниб, ҳатто бу балчиқдан ҳам ҳазар қилмади, аммо бетартибликка чидам беролмади. Айнан уни, кўкрак сутидай покиза, бокира, олий мақсади бор жувонни Ефимович ёки унга ўхшаш бирор бошқа оқсуяк махлуқ йўлдан оздира олармиди? Аксинча, у фақат масҳара бўлди. Хотинимнинг қалбида бор ҳақиқат уйғонди ва ғазаб юрагидаги аччиқ истехзони юзага чиқарди. Қайтараман, бу масҳарабоз охир-оқибат бутунлай чўкди, тумтайиб олди, саволларга ҳам беҳуш жавоб қайтара бошлади, ҳатто тубанлик билан ўч олиш қасдида хотинимни ҳақорат қилиб қўймасин, деган кўркув баданимга тарқади. Яна такрорлайман, бу саҳнани қарийб ҳайратсиз тингладим. Мен гўё таниш воқеага дуч келгандай эдим. Мен гўё у билан учрашиш ниятида йўлга чиққандим. Тўппонча олволганимга қарамай, мен ҳеч нимага ишонмай, ҳатто айбномаларга парво қилмай келдим – бу аини ҳақиқат. Шундай экан, мен уни бошқача тасаввур этишим мумкинмиди? Хўш, мен нима учун севдим, нима учун эъзозладим, нима учун уйландим унга? О, менга нисбатан нафратининг нақадар улўғлигига, аини пайтда, ўзининг қанчалар бокиралигига ўша онда амин бўлдим. Шартта эшикни очиб, бу масҳарабозликка чек қўйдим. Ефимович сапчиб тушди. Хотинимнинг қўлидан олиб, мен билан юришни сўрадим. Ефимович дарҳол ўзига келди, жаранглаб, яйраб кулди.

– О, илоҳий эр-хотинлик ҳуқуқига монелик қилолмайман, олиб кетинг, олиб кетинг! Аммо билиб қўйинг, – деди у изимдан, – олийжаноб одамларнинг сиз билан олишуви бемаънилик бўлса ҳам, аёлингиз ҳаққи ҳурмати хизматингизга тайёрман... Агар журъат қилолсангиз албатта...

– Эшитяпсизми, – дедим унга, останада бир нафас тўхтатиб.

Уйга етгунча, йўл бўйи чурқ этилмади. Мен уни қўлтиклаб олган эдим, бунга қаршилиқ билдирмади. Аксинча, у беҳад ҳайратда эди, аммо ҳайрат пардаси уйга етгач кўтарилди. Уйга кириб стулга ўтирди-ю, менга бақрайиб тикилди. Унинг рангида ранг қолмаган эди: лаблари шу дамда истехзога мойиллик билан чимирилса-да, кўзларида олишувга даъват этувчи қатъийлик, улўғворлик бор эди: назаримда дастлабки дақиқаларда тўппончадан отиб ўлдиришимга қаттиқ ишонган эди. Аммо мен индамай тўппончани чўнтақдан чиқариб, стол устига қўйдим. У бир менга, бир тўппончага қараб қўйди (Тўппончанинг унга таниш эканига диққатингизни тортаман. Шу дўконни очганимдан бери ўқлоғлик туради. Кассани очар чоғимда катта итларни ҳам, Мозерга ўхшаб бақувват малайларни ҳам ушламасликка қарор қилдим. Мижозларимга эшикни ошпаз хотин очади. Бироқ бу ҳунар билан шуғулланувчи одам ҳар эҳтимолга қарши ҳимоя чораларини ўйлаб қўймаса бўлмайди. Шу сабаб тўппончам ҳамиша ўқлоғлик туради. У уйимга келган дастлабки кунлардаёқ, тўппончага кизиқиб қолди, сўраб-суриштирди, мен ҳатто тўппончанинг тузилишию қурилишини тушунтириб бердим, ҳатто ўзи ҳам отиб кўриб, мўлжални беҳато уришига ишонди. Буни унутманг). Унинг қарашидаги кўркувга эътибор бермай, ярим ечинган ҳолда тўшакка чўзилдим. Соат ўн бирдан ошган. Мен ўлардай ҳолдан тойган эдим. У жойида яна бир соатча қимирламай ўтирди, кейин шамни ўчириб, кийимларини ечмай девор томондаги диванга ётди. Биринчи марта бошқа ётди – буни ҳам эслаб қолинг.

МУДҲИШ ХОТИРА

Энди бу мудҳиш бир хотира...

Барвақт уйғондим, ҳар ҳолда хона ёруғ, чамамда соат саккизлар бор эди. Фикрим тиниқлашиб, бирдан уйғондим у кўзларимни катта очдим. У стол ёнида тўппонча ушлаган ҳолда турарди. Уйғониб, қараб ётганимни у сезмади. Бир маҳал тўппончанинг оғзини менга тўғрилади. Кўзимни юмиб, ўзимни ухлаганга солдим.

У тўшагимга яқинлашиб, тепамда туриб олди. Мен ҳамма нарсани эшитиб, сезиб ётардим: хонада ўлик сукунат ҳукмрон, мен сукунатни ҳам эшитардим. Шу пайт титроқ бир ҳаракат сезилди – ўзимни тутолмай кўзларимни очдим. У тўғри менга, кўзларимга тикилиб турар, тўппонча эса қарийб чаккамга тиралганди. Кўзларимиз тўқнашди. Нигоҳлар тўқнашуви бир нафасдан ошмади. Ўзимни мажбурлаб кўзимни юмдим, энди нима бўлса ҳам, қимир этмайман, деб бор қувватим билан ўзимни мажбурладим.

Умуман баъзан шунақа бўлиб туради, қаттиқ ухлаган одам бирдан кўзини очади, ёстикдан бошини кўтаради, атрофга аланглайди-да, бир сония ўтмай ҳушидан кетгандай бошини ёстикқа ташлаб, яна қаттиқ уйқуга кетади, уйғонгандан кейин сўрасангиз, ҳеч нимани эсламайди. Нигоҳларимиз тўқнашиб, чаккамдаги тўппончани ҳис қилиб, бирдан кўзимни чирт юмиб, қаттиқ уйқудаги одамдай қимир этмай қолганимда у ухлаётганимга, ҳеч нимани кўрмаётганимга аниқ ишониши мумкин эди, чунки уйғоқ одамнинг мен кўрганни кўриб, бу дақиқада яна хотиржам кўзларини юмиб ётишига ақл бовар қилмасди.

Ҳа, ақл бовар қилмасди. Аммо у ҳақиқатни билиши ҳам мумкин эди – бу фикр хаёлимга ўша заҳоти урилди. О, инсон онгининг самовий қудратига минг-минг офарин – ярим лаҳзада бошимни қанча хаёллар, қанча ҳислар тўлқини кезиб чиқди. Демак, бу ҳолда, ҳақиқатни билиб, айёрона кўз юмиб ётганимни билган бўлса (буни сезардим), унда мен ўлимга тайёр эканим билан уни енгиб ташладим, энди қўли қалтираши турган гап. Аввалги қатъийлиги эндиги таассуроти билан тўқнашиб парчаланиши тайин. Чўққидагиларни қандайдир куч пастга, тубсиз жарга тортиб туради, дейдилар. Назаримда тўппончани қўлга олишга улгуриш – жуда кўп қотилликлар ёки ўз-ўзининг жонига қасд қилишларга сабаб бўлади. Бу ҳам тубсиз жарлик, қиялиги қирқ беш градус, сирғанмаслик мумкин эмас, нимадир сизни муқаррар тепкини босишга ундайди. Аммо ҳамма нарсани кўрганим, унинг қўлидан ўлим топишга ризо эканимни билиш уни бу қияликда тутиб қола оларди...

Сукунат давом этарди, бирдан чаккамга, сочларимга совуқ темир тегди. “Жон сақлашингга имонинг комил эдими?” – деб сўрашингиз мумкин. Худо олдида жавоб бергандай сизга ҳам тўғриси айтмай: ҳеч қандай умидим йўқ эди, юздан бир имконият билан тирик қолишимнигина билардим. Унда ўлимга нима учун шай эдинг, дейсизми? У ҳолда сиз ҳам бир сўроғимга жавоб беринг: суюкли маҳбубам чаккамга тўппонча тирагандан кейин менга яшашнинг нима қизиғи қолар эди? Бундан ташқари мен бутун вужудим билан бир нарсани аниқ ҳис қилиб ётардим: айни чоқда орамизда, кечаги қўрқоқ билан, қўрқоқлиги учун ўртоқлари томонидан ҳайдалган ўша қўрқоқ билан унинг орасида кураш, ҳаёт-мамот жанги борарди. Мен буни билардим, агар ухламаётганимни фаҳмлаган бўлса, у ҳам биларди.

Балки бундай бўлмагандир, балки ўша онда буларни ўйламагандирман,

аммо булар фикрдан ўтмаса ҳам юз бериши лозим эди, чунки шундан кейин ҳаётимнинг ҳар бир соати шу ҳаёллар билан банд бўлди.

Энди сиз «нима учун уни ёвузликдан асраб қолмадинг?»– деган саволни беришингиз мумкин. О, кейинчалик мен бу лаҳзани ҳар эслаганимда, этим музлаб, бу саволни ўзимга-ўзим минг марталаб берганман. Унда қалбим мавҳум бир умидсизлик чоҳида эди: ўзим жон таслим қилардим, шу аҳволда кимни қутқара олардим? Қолаверса, бировни қутқариш истаги бўлганми-йўқми, сиз қасрдан биласиз? Нималарни ҳис қилганимни ким билиб ўтирибди.

Сезгиларимнинг жизғанаги чиқарди... лаҳзалар ўтди, сукунат ўлиқлигича қолди: у эса тепамда ҳамон тик турибди – бирдан ялт этган умиддан сескандим! Шошиб кўзимни очдим. У хонада йўқ эди. Ўрнимдан турдим: мен ғалаба қозондим – у умрбод мағлуб бўлди!

Самоварнинг олдиға бордим. Қайноқ самовар одатда биринчи хонага келтирилиб, чойни ҳар сафар у қуйиб берарди. Мен жойимга жимгина ўтириб, у узатган чойни олдим. Беш дақиқалардан сўнг унга қарадим. У ҳам менга тикилиб турар, ранги кечагидан бешбаттар оқариб кетган эди. Бирдан қарашимни илғаб, рангсиз лабларида рангсиз истехзо, кўзларида журъатсиз савол назари пайдо бўлди. «Афтидан, биладими ё билмайдими, кўрқдими ё кўрқмадими деб ҳали ҳам иккиланипти». Мен хотиржамлик билан ундан нигоҳимни олдим. Чойдан сўнг кассани беркитиб бозорга тушдим-да, темир каравот билан парда сотиб олдим. Уйга қайтгач, каравотни залга қўйиб, парда билан тўсиб қўйишни буюрдим. Бу каравот унга аталган эди, аммо ўзига бу ҳақда оғиз очмадим. Шу каравотни кўриб «ҳаммасини кўрганимни, ҳаммасини билишимни» сўзсиз англаганига шубҳам йўқ. Тунда тўппончани одатдагидай яна стол устида қолдирдим. У ўзининг янги тўшагига ётди: никоҳ бузилди, у «мағлуб этилган, аммо кечирилмаган эди». Тунда алаҳсирай бошлади, эрталаб эса иситмаси кўтарилди. У олти ҳафта ўрнимдан турмай ётди.

МАҒРУРЛИК УЙҚУСИ

Лукерья уйимда бўлак яшамаслигини, бойвуччани дафн этгач, чиқиб кетажagini ҳозиргина маълум қилди. Тиз чўкиб, бир соат ибодат қилмоқчи эдим, беш дақиқадан нарига ўтолмадим, ўйлаб ўйимга етолмайман, фикрларим хаста, бошим хаста – тавбанинг нима фойдаси бор, ибодат қилдинг нима – қилмадинг нима, барибир гуноҳкор бандасан! Яна ажабланарлиси шуки, сира уйқум келмаяпти, ҳолбуки, оғир, беҳад оғир ғам-ситамлардан сўнг, дастлабки руҳий портлашлардан кейин одамнинг уйқуси келади. Айтишларича, ўлимга маҳкум этилганлар сўнгги тунда қаттиқ ухлар эканлар. Табиатан шундай бўлиши керак, йўқса одамнинг иродаси дош беролмай синиши мумкин. Диванга ётдим, барибир ухлолмадим.

Мен, Лукерья, касалхонадан ёллаганим ҳамшира – уч киши бўлиб олти ҳафта мобайнида туну кун касалини боқдик. Пулни аямадим, аксинча унга сарф қилгим келаверди. Доктор Шредерни қақириб, ҳар келишига ўн сўмдан тўладим. У ҳушига келгач, кўзига камроқ кўринишга интилдим. Буларни баён этишимнинг нима ҳожати бор! У оёққа тургач, хонамдаги алоҳида стол ёнига оҳистагина яқинлашиб, жимгина ўтирди. Бу столни касал ётганида унга маҳсус сотиб олган эдим. Чиндан ҳам икковимиз сукут сақладик. Тўғри, кейинроқ гаплаша бошладик, лекин оддий мавзудан четлашмадик. Мен, албатта атайин

эзмаликдан, ёйилиб гаплашишдан қочардим, унинг ортиқча гап айтиб юбормаётганимдан хурсанд эканини ҳам сезиб турардим. Бу қилиғи менга табиийдек туюларди. «Ўзил-кесил мағлуб бўлганидан бениҳоя изтиробда, – деб ўйладим, – демак, ўтганларни унутиш, кўникиш учун имкон бериш зарур». Шу аснода сукут сақлардик, аммо мен ҳар дақиқа ўзимни келажакка тайёрлардим. Назаримда у ҳам шайланарди, ўзи ҳақида энди нималарни ўйлаётганини билиш мени ғоят қизиқтира бошлади.

Яна бир гапни айтмасам, юрагим тошиб кетади: касал ётганида унинг тепасида туриб қанча фиғон чекканимни, қанча азобларга тоқат қилганимни биров билмайди. Фиғонларим фақат ўзимга маълум, ҳатто Лукерьянинг нолаларини ҳам қалбимга яширганман. Мен унинг ҳеч нарсани билмай ўлиб кетиши мумкинлигини тахмин қилиш у ёқда турсин, тасаввур ҳам этолмасдим. Аниқ ёдимда, аҳволи бир оз яхшиланиб, хавф чекиниб, сихати тиклана бошлагач, тез ва қатъий хотиржам бўлдим. Устига-устак келажакимизни қўя туришга, маълум муддат орқага суришга, ҳозирги аҳвол ҳақида қайғуришга аҳд қилдим. Ҳа, ўшанда ғалати, ажиб бир ҳолга тушдим, буни ўзгача ифода этишим мушкул: мен ғалаба нашидасини сураётган эдим, шу ҳақда ўйлашимнинг ўзиёқ, мени номаълум ҳисларга чирмаб ташларди. Қиш шу зайлда ўтди. О, мен беҳад хурсанд эдим, умримда ҳеч вақт кўнглим бу қишдаги каби хуш бўлмаган.

Биласизми, ўша воқеага қадар, яъни хотиним билан орамизда ҳалокат юз бергунгача ҳар кун, ҳар соат мени эзиб келган ҳаётимнинг обрўсизланишим ва полкдан кетишимга боғлиқ мудҳиш бир ташқи жиҳати мавжуд эди. Икки оғиз сўз билан айтсам: менга нисбатан мустабидларча ноҳақлик қилинган. Тўғри, ўртоқларим оғир, балки кулгили феълимни ҳазм қилишолмасди, мени ёмон кўришарди, ҳолбуки, кўп ҳолларда сиз учун буюк, сизга илоҳий туюлган, сиз сиғинадиган нарса айни чокда атрофингиздаги ўртоқларингиз тўдасини қулдиради. О, мени ҳеч қачон, ҳатто мактабда ҳам яхши кўришмаган. Мени ҳамма вақт, ҳар жойда ёмон кўришган. Мени Лукерья ҳам ёқтирмайди. Полкдаги воқеа, гарчи мени яхши кўрмасликларининг оқибати эса-да, тасодифан содир бўлган эди. Буларни эслашимга сабаб: ёнингдан булут каби сузиб ўтиб кетиши мумкин бўлган турли сабабларнинг бемаъни йириклашуви, юз бермаслиги мумкин бўлган тасодиф туфайли ўлиб кетишдан баттарроқ ранж-алам йўқдир. Ҳар ҳолда зиёли одам учун бундан ўтадиган ҳўрлик мавжуд эмас. Воқеанинг маъзи мана бу:

Театрда, танаффус пайтида емакхонага чиқдим. Гусар А-в икки гусар орасида, овозини баралла қўйиб – бу ерда офицерлар ҳам кўп эди – полкимиз капитани Безумцев даҳлизда жанжал кўтарганини гапира бошлади. Гап орасида «афтидан капитан ғирт маст эди», деб қистириб ўтди. Уларнинг бу мавзудаги гаплари узоққа чўзилмади, чунки Безумцевнинг мастлиги ёлғон, даҳлиздаги «жанжал» жанжал дейишга арзимас ҳам эди. Гусарлар бошқа гапларга ўтиб, тинчишди, аммо бу латифа эртасигаёқ полкимизга етиб бориб, шивир-шивир бошланди. Яъниким, гусар А-в, капитан Безумцев номини булғаётганда емакхонада полкимиздан фақат мен бор эканман, мен унга танбех бериб тўхтатмабман. Хўш, нима учун мен танбех беришим керак? Безумцевда алами бўлса – бу уларнинг шахсий ишлари, мен аралашиб нима қилдим? Офицерлар эса бу шахсий масала эмас, полкка бевосита алоқадор эди, деб топишди. Нима эмиш, емакхонада полкимиз офицерларидан биргина мен бўлганим учун ҳам емакхонадаги жамоага, жумладан, барча офицерларга полкимиз шаънига ва ўз ғуру-

римга доғ тегишидан унча ғашим келмаслигини исботлаганмишман. Бу хулоса билан келишишим мумкин эмасди. Шунга қарамай, вақт ўтган бўлса ҳам, ҳали кеч эмаслигига, хатоимни тўғрилашга, А-в билан муносабатимни ойдинлаштириб олишимга имконият борлигига шама қилишди. Мен буни хоҳламадим, қаттиқ ғазабланганим туфайли, мағрурлик билан рад этдим. Сўнг ўша заҳоти истеъфога чиқдим – бор гап шу. Мен полкни мағрурона, аммо руҳий чилпарчин бўлган ҳолда ташлаб чиқдим. Иродам заифлашиб, ақлан тубанликка шўнғидим. Худди ўчакишгандай ўша пайтда синглимнинг эри Москвадаги шинамгина мулкимизни, жумладан, ундаги менинг озгина улушимни ҳам буткул совуриб юборди: мен бир чақасиз, кўчада қолдим. Мен хусусий хизматга ёлланишим мумкин эди, хоҳламадим, офицерлар либосини ечиб қандайдир темир йўлга боришни ўзимга ор билдим. Уят бўлса – уят, шармандалик бўлса – шармандалик, тушқунлик бўлса – тушқунлик-да, қанча баттар бўлса, шунча яхши дедим. Мана шу баттарини танлаганимдан кейинги уч йилдан фақат қайғули хотиралар қолган, бунинг ичида Вяземскийнинг уйи ҳам бор эди. Бир ярим йил муқаддам Москвада бадавлат кампир – чўқинтирган онам вафот этишидан олдин, сира кутилмаганда бошқа меросхўрлар қаторида менга ҳам уч минг сўм васият қилди. Мен танамга ўйлаб кўриб, ўшандаёқ ёзуғимни белгиладим. Одамлардан тиланчилик қилиб юрмай, гаров кассаси очишга аҳд қилдим. Пул бўлса бор, режам – бир бурчакни ижарага олиб – эски хотиралардан йирокда янги ҳаёт бошлаш эди. Қолаверса, қайғули ўтмишим бутунлай барбод бўлган номус-орим мени ҳар дақиқа ҳар соат исканжага олиб турарди. Шундай аҳволда уйландим. Бу тасодифми, йўқми билмайман. Аммо уни уйга бошлаб кираётганимда, дўстни олиб қиряпман деб ўйловдим. Чунки чин дўстга жуда-жуда зор эдим. Бироқ мен бу дўстни ҳали маънан тайёрлаш, шаклантириш, ҳали мағлуб этиш лозимлигини аниқ-равшан билган эдим. Ўн олти ёшли қизга, нотўғри фикрларга кўмилиб ётган гўдакка буларнинг ҳаммасини бирданига тушунтириш мумкинмиди? Йўқ! Айтайлик, тўппонча билан боғлиқ ўша ҳалокатли, тасодифий воқеа бўлмаганда ўзимнинг кўрқоқ эмаслигимга, полкдошларим кўрқоқ, деб ноҳақ айблашганига қандай ишонтира олардим. Бахтимга ўша ҳалокат айнан вақтида юз берди. Тўппончага чаккамни хотиржам тутиб, буткул зулмат ўтмишимдан қасос олдим. Бундан ҳеч ким хабар топмаса-да, у билди, менга шуниси керак эди, чунки у менинг борлигим, орзуимдаги келажимнинг бор умиди эди. Менга ундан бошқанинг кераги йўқ, зеро, у келажим учун тайёрланаётган ягона одам эди. Унинг бор ҳақиқатдан хабар топиши, ҳеч бўлмаганда ғанимлар сафига барвақт, ноҳақ ўтганини билиши мен учун катта гап эди. Бу фикрдан фаҳрим тошарди. Энди унинг кўзига аблаҳ бўлиб эмас, балки ғалати одам бўлиб кўринаман: энди юз берган воқеадан кейин бу фикр мени аввалгидай ғашимга тегади: ҳар ҳолда ғалатилик айб эмас, аксинча, вақти келса, аёлнинг феълига ўтиради. Хулласи калом, ечимни атайин орқага сурдим. Бўлиб ўтган воқеа хотиржамлигим учун етиб ортарди. Орзуларим учун ранглар тўлиб тошганди. Орзуларимга ранг етарли дедим, у эса кутиб туради дедим: расволик ҳам худди шунда – хаёлпарастлигимда!

Бутун қиш ниманидир кутиш билан ўтди. Ўзининг столчасига тирсакларини тираб ўтирган чоғида уни ўғринча кузатишни хуш кўрардим. У уйдаги майда-чўйда ишлар билан ўзини овуларди, кечалари жавонимдаги китоблардан олиб ўқирди. Жавондаги китобларнинг саралиги ҳам, назаримда менинг фойдамга хизмат қиларди. У деярли ҳеч қаерга чиқмасди. Ҳар куни овқатланиб

олгач, қош қораймай туриб уни сайрга бошлардим, тоза ҳавода юрардик, аввалгидек оғзимизга толқон солиб олмасдик. Мен ўзимни жим эмасдай, бир-биримизга маъқул оҳангда гаплашаётгандай қилиб кўрсатишга уринардим. Аммо айтганимдай, зоҳирий кўринишимиз билангина «ширин суҳбат» қураддик. Мен ўзимни атайин шундай тутардим, унга вақт бериш керак дердим, қизиқ, менку унга зимдан қарашни хуш кўраман, нима учун у менга қарамайди, деган ўй бир марта ҳам хаёлимга келмабди. Мен буни ҳадиксирашдан деб билдим. Қолаверса, касалликдан кейин унинг кўринишида қувватсизлик, журъатсиз бир маъсумалик аниқ зоҳир эди. Йўқ, кутгин, дедим ўзимга-ўзим, «унинг ўзи дафъатан олдингга келади...»

Бу фикр менинг кўнглимни ғоят чоғ қилди. Очиғини айтсам, баъзан ўзимни-ўзим атайин руҳан эзардим, қовураддим, гўё ундан хафа эканимга ўзимни ўзим ишонтирмоқчи бўлардим. Бу маълум муддат давом этди. Менинг нафратим қалбимга илдиз отиб, мустаҳкамланиши мумкин эмасди. Бунинг шунчаки ўйинлигини сезиб турардим. Ўшанда каравот ва парда-тўсиқ олиб келиб, никоҳни ўзимча бузганим билан, уни ҳеч қачон жиноятчи сифатида тасаввур қилолмасдим. Унинг айби бўйича енгилтаклик билан ҳукм чиқарганим бунга сабаб бўлолмасди. Йўқ, мен шунчаки, ўша дастлабки куниеқ, ҳали каравот олмаёқ унинг гуноҳидан ўтишни лозим деб топган эдим. Бир сўз билан айтилса, бу менинг ғайриоддийлигим, тўғри, аммо хулқий қоидаларга қаттиқ эдим. Кўзим олдида у шунчалар мағлуб этилган, енгилтак эдики, баъзан беихтиёр раҳмим келарди, айнаи чоқда хўрлаш ғояси дилимни яйратарди. Орамиздаги тенгсизлик ёқарди менга...

Шу киш мобайнида бир неча марта атайин яхшилик қилдим. Иккита қарздан буткул кечдим, бир бечора аёлга гаровсиз пул бериб юбордим. Бу ишларни хотиним билсин учун қилмадим, бу ҳақда унга мутлақо оғиз очмадим: аммо аёлнинг ўзи деярли тиз чўкиб миннатдорчилик билдиргани келиб, меҳрибонлигимни ошкор қилди. Назаримда, аёлга яхшилик қилганимдан у мамнун бўлди.

Апрель яримлаб, баҳорнинг нафаси келиб қолган эди. Қўштабақа деразаларнинг кўча томонини олиб ташлагач, сокин хоналаримиз куёшнинг ёрқин шуълаларига йўғрилди. Аммо қаршимда қалин булут қатлами турганидан, ақлимни қоронғилик пардасига ўраётганидан беҳабар эди. Мудҳиш ва машъум қатлам эди бу! Қатлам қандай йўқолди, кўзим қандай очилди, ақлим қандай пешланиб, воқеаларни қандай фаҳм эта бошладим? Тасодиф юз бердими, ҳал қилувчи куннинг келиши бирдан тезлашдими, куёш нурлари ўтмаслашиб қолган ақлимда фикр ва идрокимни уйғотдими? Йўқ, фикр ҳам, идрок ҳам мутлақо алоқасиз бу ерда. Юрагимда ўла бошлаган томирчалардан бири тўсатдан тирилди, бир титради-ю, ҳаётга қайтди ва қалбимдаги зим-зиёликни, зим-зиёда яшириниб ётган, мени йўлдан ураётган мағрурлик шайтонини ёритди. Бу кутилмаганда, тўсатдан, оқшом арафасида, овқатдан кейин, соат бешларда содир бўлди... ўрнимдан сапчиб турдим...

ҚОРА ҚАТЛАМ ТЎСАТДАН ЙЎҚОЛДИ

Мақсадга ўтишдан аввал эътиборингизни бошқа нарсага тортаман. Бир ой муқаддам унда ғалати ўйчанлик пайдо бўлганини, ҳа, ҳа, сукут сақлаш эмас, айнан ўйчанликни тўсатдан сездим. У тикиш билан машғул бўлиб, бошини

эгиб ўтирар, тикилиб турганимни билмасди. Ана шу дамда унинг беҳад озиб, чўп бўлиб қолгани, рангида ранг қолмагани, лабларидан қон қочгани – буларнинг бари ўйчанлигига қўшилиб мени фавқулодда саросимага солди. Аввал эътибор бермаганим, айниқса, тунлари енгил йўталиб қўйиши энди кўнглимда ғулғула уйғотди. Унга ҳеч нима демай, доктор Шредерни чақиргани кетдим.

Шредер эртасига келди. У докторни кўриб, бир менга бир Шредерга хайрон бўлиб қаради.

– Мен соппа-соғман, – деди жилмайишга ҳаракат қилиб.

Шредер уни дурустроқ ҳам кўрмади (умуман бу доктор зоти баъзан ҳаддан ташқари безътибор бўлади), қўшни хонага чиққанимизда буларнинг ҳаммаси касаллик оқибати экани, баҳорда имкон туғилса денгиз томонга борилса, йўқ-са, чорбоққа чиқилса дуруст бўлажагини айтди. Хуллас, ҳали бемадорликдан қутулмаганини айтгани дейилмаса, дори-дармон тугул тайинли маслаҳат бермади. Шредер кетгач, у менга қаттиқ тикилиб туриб, ўша гапини яна такрорлади:

– Мен соппа-соғман.

Шундай деди-ю, уятданми, қизариб кетди. О, буни энди фаҳм этипман: у ҳали ҳам эри эканимдан, ҳақиқий эри каби парвона бўлаётганимдан уялган. Мен галварс ўшанда буни тушунмаганман, ройишга йўйганман. (Қора қатлам!)

Ниҳоят, орадан ой ўтгач, апрелнинг қуёшли кунларида, соат бешларда, ҳисоб-китоб билан ўтирган чоғимда, қўшни хонадан унинг овози келди... У... шикаста овозда хиргойи қиларди. Бу янгилик мени ларзага солди – ҳали-ҳали ўзимга келолмайман. Шу пайтгача, уйга янги бошлаб келган кунларим, тўппонча отиб шўхлик қилган дамларимизни ҳисобга олмаганда, унинг ашула айтганини эшитмаганман. Унда овози асабийроқ туюлса ҳам, жуда ёқимли, соғлом, қаттиқ жарангдор эди. Эндиги қўшиқ жонсиз эди, о, йўқ, буни мунгли қўшиқ деб бўлмасди қандайдир романс эди у, аммо унинг овози алланечук дарз кетган, синган, гўё у эмас, балки ашуланинг ўзи хаста-ю, овози унга жон киритишга ожиз эди. У хиргойи қиларди, бирдан овози кўтарилди-ю, узилди – хаста овози – ачинарли тарзда узилди, йўталиб олиб, яна секин-секин, аста-аста хиргойисини бошлади.

Ҳаяжонимдан куладилар, барибир ҳеч қачон, ҳеч ким ҳаяжонланишим боисини тушуна олмайди. Йўқ, ҳали унга ачинмас эдим. Мендаги туйғу мутлақо бўлакча эди. Дастлаб, аниқроғи, дастлабки дақиқаларда даҳшатли ва ғалати, оғрикли ва ҳатто қасосга мойил туйғу, таажжуб ва ҳайратда қотдим: Нима бу: «Менинг борлигимни унутдими? Менга эътиборсиз қуйлаши нимаси!».

Вужудимни изтироб исканжасига топшириб, жойимдан жилмай ўтирдим, кейин бирдан ўрнимдан туриб, нима қилаётганимни ўзим ҳам билмаган ҳолда, шляпамни олиб ташқарига йўналдим. Қаёққа, нима учун отланганим ўзимга ҳам номаълум эди. Лукерья пальтомни узатди.

– Ашула айтяптими? – сўрадим Лукерьядан беихтиёр. Лукерья тушунмади, ажабланиб қаради: шу тобда менга тушуниш чиндан ҳам мушкул эди.

– Биринчи марта ашула айтяптими?

– Биринчи эмас, сиз йўқлигингизда баъзан айтарди, – деб жавоб берди Лукерья.

Ҳаммаси аниқ эсимда. Зинадан пастга тушдим, кўчага чиқдим, кейин бошим оққан томонга юрдим. Муюлишгача бориб, тўхтадим, атрофга алангладим. Одамлар оқими орасида қолган эдим, туртиб ўтсалар ҳам сезмасдим. Из-

вошчини чақириб, Полиция кўпригига ҳайда, дедим. Сўнг, бирдан фикримдан қайтиб унинг қўлига бир танга тутқаздим.

– Сени безовта қилганим учун, – дедим извошчига маъносиз кулиб. Бироқ юрагимда тўсатдан қандайдир завқ уйғонди.

Кадамимни тезлатиб, уйга қайтдим. Қалбимдаги дарз кетган, узилай-узилай деб турган бечора торлар бирдан созланиб, жаранглади. Энтикиб кетдим: кўз олдимдаги қора қатлам йўқоларди, йўқоларди! Мен боримда мени унутиб куйлабдим – энг қўрқинчли ва аниқ-равшан ҳақиқат шу эди. Буни юрагим сезиб турарди. Қалбимдаги шавқ тобора ўт олиб, қўрқинчни сиқиб чиқарарди.

О, тақдирнинг шўри-ғавғоси! Ахир бутун қиш бўйи вужудимда шу шавқдан ўзга ҳеч нима йўқ эди, бўлиши ҳам мумкин эмасди-ку, мен қаерда эдим? Мана шу қалбим билан яшар эдимми? Зиналардан шошилиб, югуриб чиқдим, бироқ ичкарига журъат билан кирдимми, билмайман. Оёқларим ости тўлқин ургани, ўзимни гўё дарё узра енгил сузиб юрганимнигина эслайман. Хонага кирдим: у ўша жойида бир нимани тикиб ўтирарди, қўшиқ айтмасди. Мен томон қизиқишсиз югурук қараб олди, буни ҳатто қараш деб ҳам бўлмайди, одатда хонага бирор кимса кирса мана шундай одатий, эътиборсиз ҳаракат қилинади.

Мен мияси айниган одамдай тўғри келиб унинг ёнига ўтирдим. У қўрқиб кетгандай менга тезгина қаради: мен эса унинг қўлини олиб нимадир дедим, нималиги эсимда йўқ, тўғрироғи нимадир демоқчи эдим, аммо ўша аҳволда бир сўзни эплаб айтишга қурбим етмасди. Овозим ўзимга бўйсунмай, сўзлар чала ярим отилиб чиқарди. Ҳа, нима дейишни билмас эдим, нуқул энтикардим.

– Гаплашиб... олайлик... биласанми... нимадир дегин... – тўсатдан отилиб чиққан бу сўзлар тентакнамо эди, тан оламан, бироқ ўша топда ақлли гап айтадиган аҳволда эмасдим.

У юзимга қаради, сесканди, кучли бир қўрқинч билан ўзини четга олди, кўзларида қатъий ажабланиш зоҳир бўлди. Ҳа, ажабланишида қатъийлик бор эди, у менга катта-катта кўзлари билан боқарди. Бу қатъийлик, бу қатъий ажабланиш мени бир ҳамладаёқ буткул мажақлаб ташлади. У индамаган бўлса-да, бу ажабланишида «Ҳали сен муҳаббат истаяпсанми? Муҳаббат керакми сенга?» деган савол жарангларди. Йўқ, мен бу сўзларни ўқиб олдим, ҳаммасини ўқидим. Аъзойи баданимга титроқ югурди, ўзимни тутолмай оёқлари остига шилқ этиб тушдим. Ҳа, мен оёқлари остига қуладим. У ўша заҳоти сапчиб тушди, аммо мен бор кучим билан қўлларидан ушлаб қолдим.

Рухий тушқунлигимни мен яхши англаб турардим, жуда яхши англардим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, юрагимдаги шавқ шу қадар қайнардики, ҳатто ўлиб қоламанми деб ҳам ўйлардим. Мен – бахтдан маст бўлган, лаззатдан ҳушини йўқотган одам унинг оёқларини ўпдим. Ҳа, ҳа, бу беҳисоб: беҳудуд бахт эди, рухий тушқунлигимни англаган ҳолда бахтга йўғрилган эдим. Мен йиғлардим, нималардир дердим, аммо гапира олмасдим. Ундаги қўркув ва ҳайронлик ўрнини бирдан қандайдир ташвишли фикр, фавқулодда савол эгаллади: энди менга ғалати, ҳатто ёввойи қараш қилди, у ниманидир тезроқ тушуниб етиш истагида кулимсиради. Оёқларини ўпаётганимдан ҳаддан ташқари уяларди, оёқларини тортиб оларди, аммо мен ҳозиргина оёғи турган ерни ўпардим. Аҳволимни кўриб уятдан кула бошлади. (Уятдан қандай кулишларини кўрганмисиз?) Асабдан қўллари титради. Буни кўрдим. Аммо мулоҳазага чоғим келмади,

довдираб, нукул севишимни, ўрнимдан турмай «бир умр тиз чўкиб унинг ҳақи-га ибодат қилишимни» айтардим... «кел, кўйлақларингдан бир ўпай...» Билмадим, эсимда йўқ... бирдан у титраб кетди, уввос тортиб йиғлай бошлади; мен уни кўрқитиб юборган эдим, тутқаноғи тутди.

Уни кўтариб тўшакка олдим. Хуруж қўйиб юборгач, қаддини кўтариб эзгин бир ахволда тўшакка ўтирди-да, қўлларимни ушлаб, тинчланишимни сўради: «Ўзингизни қийнаманг, бас, етар, тинчланинг» – менга “тинчланинг” деб, ўзи йиғини бошлади. Кечаси билан ёнидан жилмадим. Овози хаста эканини, буни яқингинада ўзим эшитганимни икки ҳафтадан сўнг Булонга, денгиз соҳилига олиб кетажагимни, кассани ёпиб, Добронравовга сотажагимни, ҳаммаси янгитдан бошланажагини, энг муҳими Булон, Булонга кетажагимизни гапириб чиқдим. У индамай, аммо ҳадик билан эшитиб ётди. Гапирганим сари ҳадиғи остида ётиш, оёқларини ўпиш, оёқлари турган ерни ўпиш, унинг қаршисида тиз чўкиб, ибодат қилиш истаги бутун қудрати билан вужудимга ҳукм ўтказарди. «Сендан бошқа ҳеч нимани, ҳеч нимани сўрамайман, менга жавоб берма, бор-йўқлигимни билмасанг ҳам майли, фақат бурчакдан ўғринча қарашимга изн бер, мени бирон-бир буюмингга, майли, кучукчангга айлантриб ол»... бу гапни неча қайта такрорладим. У эса йиғи билан жавоб қайтарди.

– Мени шу ҳолда ташлаб қўясиз деб ўйлабман, – бу гап унинг бўғзидан бирданига ва беихтиёр отилиб чиқди. Ҳатто қандай айтиб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. О, унинг бу сўзлари – мен учун ҳал қилувчи, энг муҳим, ўша тун айтилган сўзлар ичра энг тушунарлиси – юрагимни пичоқ янглиғ тилиб юборди. У ҳаммасини тушунтриб берди, ўшанда ёнимда, кўз олдимда эди, бундан умидим уфқи ёришиб турарди, бахтим ҳам беҳад эди. О, ўша кеч уни жуда толиқтирдим, буни билиб турсам-да, ҳаммасини қайта қуришни бетўхтов ўйлардим. Тун окқанда бутунлай ҳолдан тойди, ухлашга кўндирдим, у тезда, қаттиқ уйқуга кетди. Алахсирармикин деб кутдим, енгилгина алахсиради. Тун бўйи дам-бадам туриб, унга қараш учун шиппақда овоз чиқармай юриб келардим. Ўшанда уч сўмга сотиб олган темир каравотга, ундаги тўшакка, тўшакдаги бу бечора, хаста зотга қараб юзларимни юлиш даражасида афсус-надомат чекардим. Тиз чўкардим, аммо (унинг рухсатисиз!) ухлаб ётган чоғида оёқларини ўпишга журъат этолмасдим. Худога ибодат қилгали тиз чўкардим, аммо тез орада туриб кетардим. Лукерья ошхонадан чиқиб, мендан тез-тез хабар оларди, мен унга кириб ётавериши мумкинлигини, эртага бутунлай ўзга ҳаёт бошланишини айтдим.

Мен шундай бўлишига кўр-кўрона, телбаларча, ашаддий ишонар эдим. О, шавқ, фақат шавқ бодасидан лаззатланардим мен! Мен фақат эртанги кунни кутардим. Энг муҳими, баъзи бир белгиларга қарамай, фалокатга ишонмас эдим. Кўз олдимдаги қора қатлам йўқолган бўлса-да, идроким тиниқлашмаган. Идроким узоқ вақт, жуда узоқ, то бугунги кунгача тиниқлашмади. Қандай тиниқлашсин, ахир унда у тирик эди, у менинг рўпарамда, мен эсам унинг қаршисида эдим. «Эрталаб уйғонганда ҳаммасини айтаман, у ҳаммасига ўзи шохид бўлади». Менинг ўша топдаги фикр-ўйларим шу – оддий ва равшан эди, шавқим ҳам шундан ўт оларди! Муҳими – Булон, нимагадир, Булон бор-йўғимизни ҳал қилади, Булонда тақдиримиз ўзгача чирой очади, деб ўйлардим. «Булонга, Булонга», юрагим шундай тепарди. Мен тонгни телбаларча орзиқиб кутардим.

ҲАДДАН ЗИЁД ТУШУНАМАН

Ахир бу бир неча кун, беш кун, атиги беш кун аввал, олдинги сешанбада бўлган эди! – Яна озгина вақт, яна заррача чидаганда мен атрофимиздаги қоронғиликни тарқатиб юборардим! Наҳотки тинчлана олмасди? Ахир эртасигаёқ, бир оз саросимага қарамай, гапларимни кулиб эшитган эди-ку... Мухими, бу вақт давомида, беш кун мобайнида парокандалик ё уятдан сиқиларди. Қўрқарди ҳам, жуда-жуда қўрқарди. Баҳслашиб ўтирмайман, тентакларга ўхшаб ўз гапимга ўзим қарши ҳам бормайман: қўрқув бор эди, ахир шу вазиятда қандай қилиб қўрқмасин? Ахир жуда узоқ вақт бадалида бир-биримизга бегоналашиб қолувдик-ку, бир-биримиздан бу қадар узоқлашиб, кутилмаганда... Аммо мен ундаги қўрқувга қарамадим, чунки янгилик барқ уриб келмоқда эди!.. Хатога йўл қўйганим тўғри, минг-минг маротаба тўғри. Балки бир эмас қўллаб хатога йўл қўйгандирман. Бундан ҳам бўйин товламайман. Эртасига (яъни чоршанба кuni) уйғонишимиз билан хатога йўл қўйдим: уни бирданига ўзимга дўст деб билдим. Мен шошилдим, беҳад шошилдим, бироқ тавбам зарур эди, истиффор келтириш ҳар нарсадан зарурроқ эди. Мен ҳатто бир умр ўзимдан яширган сирларимни ҳам ошкор этдим. Бутун киш бўйи унинг муҳаббатига умид боғлаганим очилди. Гаров кассаси риёзат чекиш оқибатида иродам заифлашуви, онгим тушкунлиги туфайли туғилган худбинларча шахсий ғоям эканини тушунтирдим. Ўшанда театр емакхонасида чиндан қўрққанимни, аммо дуэлдан эмас, ўз феълимдан, ўз бадгумонлигимдан қўрққанимни, аниқроғи, емакхонадан, вазиятдан лол қолганимни, гусарни дуэлга чақиришим бошқаларга бемаъни бўлиб туюлмасмикин, деган ҳаёлда гумонсираганимдан, дуэлдан эмас, айнан шу гумондан чўчиганимни, сўнг бу қўрқоқлигимни бўйнимга олмай ҳаммани, ҳатто уни азобга қўйганимни, уни азобга қўйиш учун ҳам уйланганимни айтдим. Умуман гапларимда тартиб йўқ эди, гўё иситма аралаш валақлардим. Унинг ўзи қўлларимдан ушлаб, бас қилишимни сўрарди: «Сиз ошириб юборяпсиз, сиз ўзингизни қийнаяпсиз» – шундай дерди, кейин кўз ёши бошланарди, тутқаноғи тутишга оз қоларди! У хотираларимга нуқта қўйиб, гапирмаслигимни илтижо билан сўрарди.

Унинг илтимосларига қарамасдим ёки кам эътибор берардим. Ахир олдинда – баҳор, қуёшли Булон! У ерда бизни янги қуёшимиз кутяпти – буларни гапирмай бўладими! Кассани ёпиб, ишни Добронравовга оширдим. Чўқинтирган онамдан қолган уч мингдан ташқари бор будимизни муҳтожларга улашиб, ўша уч мингга Булонга бориб келгач, янги ҳаёт бошлаб, пешона тери билан тирикчилик қилишни таклиф этдим. Шунга келишдик, чунки у таклифимни жавобсиз қолдирди, фақат жилмайиб қўйди. Назаримда, мени хафа қилмаслик ниятида, кўнгил учун жилмайди. Унга оғирлигим тушаётганини кўрдим. Мени бунга кўрмайдиган даражада тентак ва худбин деб ўйламанг. Мен ҳаммасини, сўнгги чизиқчасигача кўрдим, кўрганда ҳам бошқалардан аниқроқ кўрдим: менинг барча изтиробларим шундай қафт устида эди.

Мен унга ўзим ҳақимда, у ҳақда ва Лукерья тўғрисидаги ҳамма гапни айтдим. Йиғлаганимни айтдим... О, баъзан гапни чалғитдим, баъзи нарсаларни эс-латмасликка ҳаракат қилдим, ҳатто у бир-икки жонланди, эсимда, аниқ эсимда! Нима учун қараб туриб ҳеч нимани кўрмагансан, деяпсиз? Ахир бу содир бўлмаганда ҳаммаси қайта тириларди. Ахир учинчи кuni суҳбатимиз чоғида, киш бўйи ўқиган китоблари ҳақида гап кетганда Жиль-Блаз билан архиепископ

Гренадский орасидаги можарони эслаб, кула-кула айтиб берган эди-ку! Кулгиси худди қаллиқлик давридагидек (о, у онлар!) нақадар мунис, мулойим эди, бунда менинг қувончим чекини чамалаб бўлмасди. Архиепископ можаросини эшитиб, ҳайратга тушдим: қаранг, ўша қишда ўтирган чоғида дурдона асардан лаззатланишга, кулишга руҳий хотиржамлик ва бахтли онлар топа билибдида! Демак, у шу ҳолда ташлаб қўйишимга ишонч ҳосил қилиб, овуна бошлаган экан. «Мени шу ҳолда ташлаб қўясизми, деб ўйлабман» – ўша куни, сешанбада шундай деди! О, ахир бу ўн ёшли қизалоқларнинг ўйи-ку! Демак, у ҳамма нараса шу ҳолда қолишига ишонган, тўла ишонган: яъни у ўз столида, мен ўзимникида ўтираман, шу зайлда олтмиш ёшимизга қадар айримиз... Бирданига, ҳеч қутилмаганда мен тиз чўкаман, мен – эр, муҳаббатга муҳтожман! О, бу менинг хатоим, бу менинг ожизлигим эди!

Унга шавқ билан қарашим ҳам хато эди; ўзимни тутишим лозим эди, чунки шавқим уни қўрқувга соларди. Ахир мен ўзимни тутиб ҳам олдим, оёқларини бошқа ўпмадим. Ҳатто бирор марта бўлсин унга.. эр эканлигимни шама қилмадим, бу ҳатто хаёлимга ҳам келмади. Мен фақат ибодат қилдим, ҳа, ибодатдан бошқасини ўйламасдим. Ахир бутунлай гапирмаслик, сукут сақлаш ҳам мумкин эмасди! Гапларидан лаззат олишимни, унинг ўзимга нисбатан чексиз, ҳа, чексиз билимдон ва етук эканини ҳам яширмадим. У қизариб кетди, ноқулай аҳволга тушиб, «ошириб юборяпсиз» деди. Ана шунда, мен аҳмоқ калла, ўзимни тутолмай, эшик ортида пусиб унинг олишувини, бокиралик билан махлуқ орасидаги олишувни тинглаганимни, болаларча оққўнгил бўлган ҳолда ақли, зарофати шуъласи, менга беҳад лаззат бағишлаганини айтиб юбордим. У сесканиб, бутун вужуди титраб кетди, яна ошириб юборяпсиз демоқчи бўлди-ю, бирдан чехрасига қайғу югурди, юзини қўллари билан тўсиб хўнграб юборди... Мен яна ўзимни тутолмадим, яна йиқилиб оёқларини ўпа кетдим. Ўтган сешанбадаги каби тутқаноқ билан якунланган бу воқеа кеча кечқурун содир бўлди. Эрталаб эса...

Эрталаб!? Тентак, эрталаб бугун эди, бугун эртага эди, яқинда, яқинда эди...

Яхшилаб тинглаб, уқиб олинг: яқинда (кечаги жазавадан кейин) чойга ўтирганимизда у ўзининг хотиржамлиги билан мени лол қолдирди. Ҳа, шундай бўлди. Мен эсам туни бўйи кечаги воқеа туфайли қўрқувдан типирчилаб чиққан эдим. Бирдан у менга яқинлашди, тиз чўқди, қўллари қовуштириб (яқинда, яқинда-я!) ўзининг жиноятчи эканини, буни яхши билишини, жинояти қиш бўйи азоб берганини, азоб исканжасидан ҳали ҳам қутулмаганини... олийжаноблигимни чексиз қадрлашини айтди: «Вафодор хотинингиз бўламан, сизни эъзозлайман..» Шунда мен сапчиб туриб уни телбаларча қучоқлаб олдим! Уни ўпа кетдим, юзларидан, лабларидан ўпдим, узоқ айрилиқдан кейин қайтган эр мисол ўпдим. Шундан кейин нимага кетдим-а, икки соатгагина... хорижий паспортлар орқасидан... Э, худо, беш дақиқагина, беш дақиқа олдин қайтсам бўлмасмиди? Дарвозамиз олдидаги оломон, уларнинг нигоҳлари... Э, худо!

Лукерьянинг айтишича (о, мен энди Лукерьяни сира қўйиб юбормайман. У ҳаммасини билади, бутун қиш бўйи у билан бирга бўлган, энди менга ҳикоя қилиб беради!), мен уйдан чиққач, қайтишимга бор-йўғи йигирма дақиқа қолганда хонамизга кирган, бойвуччадан ниманидир сўрамоқчи бўлган, нималиги эсимда йўқ, кириб қарасаки, унинг иконаси (ҳов ўша, гаровга келтирган, Биби Марьям иконаси) нақшиндор қопламадан чиқарилган, стол устида турибди,

бойвучча худди ҳозиргина сажда қилгандай... “Сизга нима бўлди, бойвучча?” – «Ҳеч нима, Лукерья боравер.. Тўхта Лукерья». Яқинлашиб ўпибди.

– Бахтлимисиз, бойвучча? – деб сўрабди. «Ҳа, Лукерья». – Аллақачонлар сиздан узр сўрашлари керак эди... Худого шукр, ярашиб олдинглар. – «Яхши, Лукерья, бор, боравер Лукерья» – шундай деб жилмайибди, жуда ғалати жилмайибди. Шу даражада ғалати жилмайибдики, Лукерья ўн дақиқадан сўнг хабар олиш учун яна изига қайтибди. «У шундай дераза олдида, тирсаги билан деворга суяниб, бошини қўлига қўйиб, ўйланиб турибди. Жуда қаттиқ ўйга толганидан қўшни хонага кирганимни, тикилиб қолганимни сезмади. Қарасам, жилмаяётганга ўхшади, турган ҳолича ўйлаб жилмайдигандай бўлди. Унга қараб туриб-туриб, орқамга ўгирилиб, секин чиқдим. Энди ўзимча ўйга толгандим, дераза очилгани эшитилди. «Бойвучча, ҳали ҳавонинг захри бор, шамоллаб қолманг» дегани кириб қарасам – у деразада турибди. Очiq деразада бутун бўйи-басти билан менга орқасини ўгириб турибди. Қўлида Биби Марьям. Юрагим узилиб тушди. Жонҳолатда «Бойвучча, бойвучча!» деб қичқирдим. У овозимни эшитди, ўгирилмоқчи эди, ўгирилолмади, ташқарига қараб қадам қўйди, Биби Марьямни кўкрагига босиб, ўзини деразадан ташлади».

Мен фақат бир нарсани яхши эслайман: дарвозадан ҳатлаб ўтганимда у ҳали совуб улгурмаган эди. Муҳими – ҳамманинг кўзи менда. Аввалига бақираётган эдилар, кейин бирдан жимиб қолдилар. Оломон икки томонга сурилиб йўл очилди ва... уни Биби Марьямни қучоқлаган ҳолда кўрдим. Ғира-шира эслайман, унга жимгина яқинлашдим, узоқ тикилдим, чекинаётган оломон ичидан менга нималардир дейишди. Лукерья шу ерда экан. Мен билан гаплашганим. Фақат мешчан ёдимда, у нукул тошдаги қонни кўрсатиб: «оғзидан бир ҳовуч қон чиқди, бир ҳовуч! Бир ҳовуч!» деб бақирарди. Мен, афтидан, қонга бармоғимни теккиздим, қонга буланган бармоғимга қарадим (бу эсимда), мешчан эса нукул «бир ҳовуч, бир ҳовуч!» деб бақирди.

– Бир ҳовучинг нимаси! – деб қайнаб кетибман, бор кучим билан унга ташланибман.

О, ваҳшийлик, ваҳшийлик! Англашилмовчилик бу! Ножоизлик, ақлга тўғри келмайдиган ҳол бу!

АТИГИ БЕШ ДАҚИҚАГИНА КЕЧИКДИМ

Нотўғрими? Ҳақиқатга тўғри келмайдими? Жоиз дейиш мумкин эмасми? Бу аёл нимани деб, нимага ўлди?

О, ишонинг. Тушунаман, аммо унинг нима учун ўлгани муҳим муаммо. У менинг мухаббатимдан кўрқди, қабул қилсамми, қилмасамми, деб ўзидан-ўзи жиддий сўради, охир саволига жавоб тополмай, ўлимни раво кўрди. Биламан, биламан, бош қотиришнинг ҳожати йўқ ваъдаларни керагидан ортиқча бериб юборди, ваъдага вафо қилолмаслигини билиб кўрқди – бу равшан нарсаси. Бу ерда ниҳоятда мудҳиш бўлган бир неча вазият бор. Ҳар ҳолда “у нима учун ўлди?” – деган саволга ўрин бор. Бу савол бетиним тикиллаяпти, айнан менинг миямда тикиллаяпти. Агар у шу ҳолда қолишни истаганда, мен уни шу ҳолда қолдирардим. У эса бунга ишонмади, мана гап қаерда! Йўқ, йўқ алдаяпман, гап бу ерда эмас. Масала оддийроқ, мен билан ҳалол муносабатда бўлиши керак эди; севадиган бўлса бутун жону тани билан севиши лозим, баққолга инъом этиши мумкин бўлган севги менга мутлақо керак эмасди. У баққолга лозим

бўлгани учун ҳам мени алдаб юришни истамасди. У севги ниқоби остида ярим севги ёки чорак севги билан мени лақиллатишни хоҳламасди. Ҳаддан ташқари бокира эди, мана гап қаерда! Қалб кенглигини жорий этмоқчи эди, эсингиздами? Ғалати фикр...

У мени ҳурмат қилармиди? Буни ўлардай билгим келяпти. Мендан нафратланармиди ёки йўқми? Ўйлашимча, нафратланмасди. Ғоят таажжубланарлиси шундаки, мендан нафратланармиди, деган савол бутун қиш бўйи калламга келмабди. Мен унинг нафратидан холи эканимга сўнгги дақиқагача, менга қатъий ажабланиш билан, айнан қатъий қарагунга қадар олий даражада ишонардим. Ана шунда мен унинг нафратланишини тушундим. Абадулабад, умрбод англадим! Оҳ, майли эди, бир умр нафратланса ҳам майли эди, мен учун тирик бўлса, тирик юрса бас эди! Яқиндагина юрувди, гапирятувди. Қандай қилиб деразадан ташлади, сира ақлим бовар қилмаяпти. Ҳатто беш дақиқа олдин ҳам буни тасаввур эта олмасдим. Лукерьяни чақирдим. Энди уни сира қўйиб юбормайман, сира! О, биз ҳали тил топишишимиз мумкин эди. Биз фақат қиш бўйи даҳшатли равишда бегоналашиб қолдик, ахир яна яқинлашувимиз мумкин эди-ку? Яна меҳр нуқтасида учрашиб, янги ҳаёт бошлашимиз наҳот, наҳот мумкин эмасди? Мен олийжанобман, у ҳам – учрашув нуқтамиз шундан иборат! Яна икки кунгина, кўп эмас, чидаса, яна бир неча сўз билан ҳаммасига тушуниб етарди.

Мухими, бу ҳодиса – оддий, ёввойи, жоҳил ҳодиса ана шуниси алам қилади. Шундан дилим оғрийди! Беш дақиқа, бор йўғи, бор йўғи, беш дақиқа кечикдим! Беш дақиқа олдин келганимда ҳаммаси булут каби сузиб ўтиб кетарди, бу иш кейин ҳаёлидан кўтариларди. Ҳаммаси унинг тушуниб етиши билан якунланарди. Энди эса яна бўш хоналар, яна ёлғизлигим... Ана соат қапгири тикиллаяпти, унга нима, раҳм-шафқат деган нарсани билмайди. Энди ҳеч ким йўқ – ранжу алашим ҳам шу!

У хонадан бу хонага сарсари кезаман. Биламан, биламан, айтмай қўяқолинг, тасодифдан, беш дақиқа кечикканимдан зорланишим сизга кулгили туюляпти. Аммо аён ҳақиқатни тан олгингиз келмаяпти. Ўзингиз ўйлаб кўринг: у бошқалар каби ҳатто «ўлимимда ҳеч кимни айбламанг», деган икки энлик хатча ҳам қолдирмабди. «У билан сен ёлғиз қолган эдинг, деразадан итариб юборгансан», деб ҳатто Лукерьяни сарсон қилишларини наҳот ўйлаб кўрмаган бўлса! Агар ҳовлидаги тўрт киши унинг деразада Биби Марьямни кучоқлаб турганини, сўнг ўзини ташлаганини кўришмаганда, айбсиз бўлишимизга қарамай, тоза саргардон қилишарди. Ахир одамларнинг туриши, ҳодисага гувоҳ бўлгани ҳам тасодиф-ку! Йўқ, буларнинг барчаси – лаҳза, ғайришуурий лаҳза. Ногаҳонийлик ва бежилов ҳаёл! Хўш, икона қаршисида ибодат қилган бўлса нима? Бу ўлим олдида тавба қилди, деган гап эмас-ку! Ҳаммаси бир лаҳзагина давом этган. Балки қандайдир ўн дақиқа ичида – деворга суяниб, бошини қўлига қўйганича жилмайган пайтида бир қарорга келгандир. Калласига шу ҳаёл урилгану боши айланиб, бу қарор қаршисида ўзини тута олмаганми?

Хоҳ истанг, хоҳ истаманг, бу ерда қандайдир тушунмовчилик бор. Мен билан яшаши мумкин эди. Камқонлик бўлса нима қипти? Камқонликдан, силласи қуриб ҳаётини қувватнинг тугаганидан дейсизми? Йўқ, у киши билан чарчади, мана гап қаерда...

Кечикдим!!!

Тобутда ётганда бунчалар хипча, бурни бунчалар сўппайиб қолмаса! Кип-риклари камон ўқлари каби ётибди. Йиқилиши ҳам беозоргина бўлган – ҳеч ери синмаган, ёрилмаган. Фақат шу «бир ҳовуч қон». Яъни бир қошиқ дегани. Ич-ичидан қалққан. Ажиб фикр: кўммаслик мумкин бўлганда эди? Уни олиб кетишгач, унда... о, йўқ, олиб кетиш мумкин эмас! О, ахир мен олиб кетишлари лозимлигини биламан, мен телба эмасман, алаҳсираётганим ҳам йўқ, аксинча, ақлим ҳеч маҳал ҳозиргидай ойдинлашмаган. Мен бир нарсани ҳазм қила олмаяпман: яна уйда ҳеч ким қолмайдими, яна ҳайҳотдай бу хоналарда гаровга қўйилган буюмлар билан ёлғиз яшайманми? Алаҳсираш, алаҳсираш, мана алаҳсираш қаерда! Мен унинг силласини қуритдим, мана гап қаерда!

Энди қонунларингизни бошимга ураманми? Энди одатларингиз, таомилингиз, ҳаётингиз, давлатингиз, динингизни сариқ чақага олмайман. Майли, мени сизнинг ҳақамингиз сўроқ қилсин, майли мени ўша судга, очиқ судингизга бошлаб боринг, ҳеч нимани тан олмаслигимни ўша ерда ҳам айтаман. Ҳақамингиз «Жим бўлинг, офицер!» деб қичқиради. Мен эсам унга: «Мени қулоқ осигашга мажбур этувчи қудратинг қани? Нима учун бу зим-зиё жаҳолат мен учун ҳамма нарсадан қадрли бўлган нарсани мажақлади? Қонунларингиз менга нимага керак? Менга энди бегона булар!» деб бақираман. О, энди менга барибир!

Ожиз, ожиз! Жонсиз у, эшитмайди! Сенга қандай жаннат яратиб берардим, билмайман. Жаннат қалбимда эди, чор атрофингни жаннат билан ўрардим. Сен мени барибир севмас эдинг, хўш, нима қилпти? Ҳаммаси ўша ҳолда бўларди, ўша ҳолда қоларди. Дўстга гапириб бергандай гапирардинг менга – бир-биримизнинг кўзимизга тикилиб қувонардик, кулардик. Шундай яшардик. Бошқани севиб қолсангми? Майли, рози эдим! Сен у билан юриб кулардинг, мен бўлсам қўчанинг бу бетиде туриб кузатардим... О, фақат бир мартагина кўзини очса, ҳаммасига рози эдим! Бир лаҳза, фақат бир лаҳза (!) менга қараса эди, худди яқингинада олдимга келиб вафодор хотин бўламан, деб қасам ичаётгандай бир қараса эди! О, бир қарашдаёқ ҳаммасини англаб эди!

Жаҳолат! О, табиат! Ер юзидаги одамлар ёлғизлар – алам қиладигани шу! «Майдонда тирик жон борми?»– деб қичқиради, рус паҳлавони. Паҳлавон бўлмасам-да, мен ҳам қичқираман – ҳеч ким жавоб бермайди. Қуёш одамга жон беради, дейдилар. Қуёш чиққанда унга бир қаранглар – ахир у ўлик эмасми? Ҳамма нарса ўлик, ҳамма ерда жонсиз мурдалар. Фақат одамлар, атрофларини сукут ўраб олган – Ер шундан иборат. «Одамлар, бир-бирингизни севинг!» Буним ким айтган!? Кимнинг ўгити? Соат капгири унсиз, нафратни қўзғатадиган даражада тикиллайди. Тун оғди – соат икки. Ботинкачалари каравоти олдида турибди, гўё бекасини кутяпти. Йўқ, жиддий айтяпман, эртага уни олиб кетишгач, мен нима қиламан?

1876.

Изоҳлар:

*«Ёзувчи кундалиги» назарда тутиладиган бўлса керак. Ф.М.Достоевский 1873–74-йилларда «Гражданин» журнаliga муҳаррирлик қилиб, ҳар ойда «кундалик»ларини эълон қила бошлаган. 1876–77-йилларда давом эттирган. «Маъсума»нинг ёзилиш вақти худди шу даврга тўғри келади. (Тарж.)

*Ҳам оқлашим, ҳам қоралашим маъносида (лотинча)

*Инглизчасига (франц.)

О. Генри

(Америка ёзувчиси)

Афсунгарларнинг тухфалари

(Ҳикоя)

Бир доллару саксон етти цент. Бор пули шу эди. Улардан олтмиш центи бир центли чақалардан иборат. Ана шу чақаларнинг ҳар бири учун баққол, резаворфуруш, қассоб билан шу қадар савдолашишга тўғри келдики, бу тариқа зикналик туфайли туғилган сўзсиз норозиликдан қулоқларигача қизариб кетарди. Делла пуллари уч марта санаб кўрди: бир доллару саксон етти цент. Эртага эса мелод байрами.

Бу важига келганда ўзини эски чорпоёга таппа ташлаб, ўкраб йиғлашдан бошқа чораси йўқ эди. Делла худди шундай қилди. Бундан шундай фалсафий хулоса келиб чиқадики, ҳаёт йиғи-сиғи, оҳ-воҳ ва табассумлардан иборат, аммо оҳ-воҳ кўпроқ.

Уй бекаси ана шу пояларнинг ҳаммасидан ўтиб бўлгунича биз уйнинг ўзини кўздан кечирайлик:

Ҳафтасига саккиз доллар ҳақ тўлаб турилувчи ва шунга яраша жиҳозланган ижара уйи. Бунда истиқомат қилувчилар ўтакетган қашшоқ эмас, аммо жиҳозларга қараб камбағалликни кўриш мумкин. Пастда кираверишдаги эшикка осиглиқ хат ташланадиган қутининг тирқишидан кафтдек қоғоз ҳам сиғмайди, электр кўнғироғининг тугмасини битта-яримта одам босгудек бўлса, ҳатто “тик” этган товуш ҳам эшитилмайди. Ана шуларга: “М-р Жеймс Диллингхем Юнг” деган ёзуви бор бир қоғоз ҳавола қилинган эди. Мазкур номнинг эгаси ҳафтасига ўттиз доллар олиб турган бадавлатлик кезларида “Диллингхем” ёзуви гўё қулочини ёйиб юборгандек эди. Эндиликда, унинг маоши йигирма долларга тушиб қолгач, “Диллингхем”даги ҳарфлар кўплик қилгандай, фақат “Д” ҳарфининг ўзи кифоя қиладигандай, қоғознинг бети хира тортиб қолган эди. Аммо мистер Жеймс Диллингхем Юнг уйга қайтиб, юқори қаватга чиқиб бораркан, биз ҳали сизга Делла номи билан таништирганимиз миссис Жеймс Диллингхем Юнг уни албатта “Азизим!” дея хитоб қилганча меҳр билан қучоқ очиб кутиб олади. Бу эса, албатта, ҳар қандай дилга ҳузур бахш этади.

Делла йиғини бас қилиб, ёноқларини упали момик билан артди. Ҳозир у дераза олдида турар ва кулранг ҳовли бўйлаб ўтган кулранг девор устида кезиб юрган кулранг мушукни маъюсгина кузатар эди. Эртага мелод байрами, унинг эса суюклиси Жимга совға олгулик бир доллару саксон етти центгина пули бор, холос! Узоқ ойлар давомида у ҳар бир центни авайлаб йиғиб келди. Жамғаргани эса шу – бир доллару саксон етти цент! Ҳафтасига бериладиган йигирма доллар билан ошиб-тошиб кетмайсан. Сарф-харажатлар унинг мўлжалидагидан кўпроқ чиқиб қолди. Сарф-харажатлар доим шундай бўлади. Жону жаҳонига совға олгулик бир доллару саксон етти центгина пули бор! Суюклисига совға олай деса... Байрам муносабати билан унга қандай совға олишни режалай-режалай қанчадан-қанча соатларни ширин орзулар билан ўтказди. Қалбининг ҳукмдорига севгисига арзирли совға олиши шарт. Майда-чуйдалар ҳақида ўйламаслик ҳам керак.

Икки дераза оралиғида эни бир қаришли икки қаноти бор кўзгу турарди.

Сиз ҳеч қачон саккиз доллар тўлаб туриладиган ижара уйнинг жиҳозлари орасидаги кўзгуга эътибор берганмисиз? Жуда озгин ва жуда серҳаракат одамгина унинг энсиз қанотларида тез-тез ўзгараётган аксига қараб, ўзининг ташқи қиёфаси ҳақида мужмал тасаввур ҳосил қилиши мумкин. Ушоқ жуссали Делла бу уйга кўчиб ўтишгач, бир неча кунлик уринишдан кейин кўзгудан фойдаланиш маҳоратини эгаллаб олган эди.

Жувон дераза олдида бир оз ҳаракатсиз тургач, кўзгу томон ўтди. Хаёлига зўр бир фикр келиб, кўзлари чарақлаб кетди. Қизиллик тарк этган бетларига кафтларини босиб тургач, қарори қатъийлашди. Тўғноғичларни чаққонлик билан бир-бир суғуриб олиб, сочларини ёйиб юборди.

Сизларга айтиб қўйишим керакки, эр-хотин Жеймс Диллингхем Юнглари-нинг фахру ифтихорлари бўлган икки бебаҳо бойликлари бор эди. Бири – Жимнинг бобоси билан отасидан мерос қолган тилла соат, иккинчиси – Делланинг елкаларида тўлқин уриб турган сочлари. Мабодо малика Билқис рўпараларидаги уйда яшагандами, Делла ҳазрати олияларининг барча шоҳона либосларию, тилла тақинчоқлари арзимас матоҳлар эканини исбот қилиш учун, бошини ювгач, сочларини очик дераза олдида қуришиб, унга кўз-кўз қилган бўларди. Тўлқин-тўлқин сочларни кўргандаги маликанинг аҳволи нима экан, бу ёқда шаҳаншоҳнинг соқолини битталаб юладиган ҳолат кутиб турибди. Ҳа, айнан шундай: мабодо бойлиги билан дунёни лол қолдирган шаҳаншоҳ бир мўъжиза юз бериб, бир дақиқага шу уй қоровули бўлиб қолса-ю, Жим унинг ёнидан ўтаётганида чўнтагидан тилла соатини чиқарса, бас, ҳасаддан ёниш учун шаҳаншоҳга шунинг ўзи кифоя.

Тўғнағичлар ҳукмидан озод бўлган соч толалари каштанранг шалола тўлқинларидек жилваланганича, мавжланганича сочилиб кетди. Тиззасидан пастга қадар солланиб тушган соч толалари қадди-бастини ридо каби ўраб олди. Бу манзарга узоқ қараб туролмади. Соч толаларини асабий тарзда тутамлаб турмаклай бошлади. Кейин яна тошдек қотди. Эскирган қизил палосга уч-тўрт томчи ёш думалади.

Нимдошгина жигарранг жакетини елкасига ташлаб, эскигина жигарранг шляпасини бошига қўндирди-да, киприкларидаги ёш томчиси қуримаган ҳолда, юбкасини ҳилпиратган қўйи ғизиллаганча катта кўча томон юрди.

Унинг борар манзили аниқ эди. Дам ўтмай “М-те Сопроҳие. Сочдан ясаладиган турли-туман маҳсулотлар” деган лавҳа осилган иморат қаршисида тўхтади. Делла иккинчи қаватга югуриб чиқди-да, нафаси тикилиб, ҳаллослаганича туриб қолди.

Дўкон бекаси ҳаяжонланаётган жувонга бир оз ажабланиб қараб турди, энди “Сизга нима керак?” дейишга шайланганида унинг ўзи тилга кирди:

– Менинг сочимни сотиб олмайсизми? – деб сўради умидвор кўзларини бекага тикиб.

– Сотиб оламан, – деди бека совуқ оҳангда, – шляпангизни ечинг, мен молни кўришим керак.

Делла шошганича унинг амрини бажарди – каштанранг шалола яна мавжланиб, беканинг кўзларини олди. Тижорат йўлида шайтонни ҳам тақалаши мумкин бўлган бека ҳайратини яшириб, янада совуқроқ оҳангда баҳосини айтди:

– Йигирма доллар, бундан ошиғига арзимаёди.

Бадавлат маликаларни ҳам ҳайратга солиши мумкин бўлган соч шу зайлда

баҳоланди. Лекин Делла бундан ранжимади, аксинча, “Тезроқ бўлақолинг”, деб бекани шоширди.

Соч кесилиб, пул қўлга теккач, у гўё капалак каби уча бошлади. Икки соат мобайнида дўконма-дўкон изғиб, суюклисига муносиб совға излади. Ниҳоят топди! Оқ олтиндан ишланган соат занжири фақат унинг жону жаҳони учун ясалгандек эди. Эрининг тилла соати учун ғоят мос бўлган бундай занжирни бошқа дўконларда учратмовди. Нархи ҳам топганига мос эди – у йигирма бир долларни тўлаб, занжирни олди-да, чўнтагидаги саксон етти цент билан уйига ошиқди. Унинг қувончи чексиз эди: энди суюклиси ҳар қандай даврада чўнтагидан тилла соатини чиқариб, намойишкорона кўриши мумкин эди. Бу кунга қадар тилла соати эски чарм тасмага осилгани учун уни бошқалар олдида олиб кўришдан уяларди.

Уйга келгач, Делланинг ҳаяжони босилиб, унинг ўрнини хавотир ва эҳтиёт-корлик эгаллади. Эри келганида нима дейишни билмай, каловланди. Калта сочни пахмайтириб ўтиришдан фойда йўқ, эрига бу ҳолда кўриниши дуруст эмас, кўнглини ранжитиб қўйиши мумкин, нимадир қилиш керак. Нимадир қилишни хотинларнинг ўзлари яхши билишади. Фақат ўзлари биладиган тадбир билан эрга чиройли кўринишни билишади. Делла ҳам бу қобилиятдан мустасно эмас. Кўп ўйланиб ўтирмай, сочни жингалак қилувчи микрози қисқични қўлига олди. Қирқ дақиқа деганда бошидаги каштанранг шалола ўрнини энди майда кокилчалар эгаллади. Кўринишидан дарсдан қочган бебош қизчага ўхшаб қолди. Делла кўзгудаги хира аксига тикилганича қотди. “Бўларим бўлди, – деб ўйлади у. – Жим мени кўриши билан бўғиб ўлдириб қўймас, лекин ғазабланиши аниқ. Балки, “Кони-Айлендаги хорда ашула айтувчиларга ўхшаб қолибсан”, деб масхара қилиб, камситар. Майли, кимга ўхшатса ўхшатаверсин, чўнтагимда бир доллару саксон етти цент пулим бўлганидан кейин иложим қанча эди? Қуппа-қуруқ қўлимни узатиб, севгилимни байрам билан табриклашим мен учун уят-ку!”

Одати бўйича соат еттида қаҳвани дамлаб қўйди. Газ плитада қизиётган това қўй гўшtidан қилинган котлетларни пиширишга маҳтал эди. Жим ҳеч қачон кечикмасди. Делла оқ тилладан ишланган занжирни кафтида сиқиб ушлаганича столнинг остонага яқинроқ томонига ўтди. Бу орада зинапоядан чиқиб келаётган эрининг оёқ товушларини эшитиб, ранги қув ўчиб кетди. Тирикчилик икир-чикирлари важидан Худога илтижо қилиш одати бўлгани сабабли, ҳозир ҳам шоша-пиша шивирлади:

– Худоё худовандо, унинг мендан кўнгли қолмасин...

Эшикдан кириб келган Жимнинг афти бир бурда бўлиб қолган, жавдираб қарашларидан безовталиги сезилиб турарди. Ҳар ҳолда йигирма икки ёшида рўзгор юкини ортмоқлаб юриш осон эмас. У аллақачон пальтосини янгилаши керак, қўлқопи бўлмагани учун қўллари совқотар эди.

Жим остона хатлаб бир қадам қўйди-ю, худди бедананинг ҳидини сезган сеттердек тўхтаб қолди. Деллага шундай мўлтиллаб қарадики, жувон бу аҳволдан қандай маъно уқишни билмай, довдираб қолди. Бу қарашда на қаҳр, на хайрат, на таъна, на даҳшат зоҳир эди. Жувон тахмин қилиши мумкин бўлган хислардан биронтаси ҳам сезилмасди. Эри унга тикилиб тураверди, юзидаги ғалати ифода эса ўзгармади.

Делла ирғиб туриб, унга отилди:

– Жоним, менга бундай қарама! – деб қичқирганича уни қучиб олди. – Мен

сочимни қирқтириб пулга сотдим. Байрам куни сенга бирон арзирли совға қилолмасам, ўла ўлгунимча ўзимни кечира олмаган бўлардим. Сен хавотир олма, сочларим ўсиб кетади. Мендан аччиқланмайсан-а, тўғрими? Бундан бошқа чорам йўқ эди. Ишон, сочим жуда тез ўсиб кетади. Мендан ранжисан, байрам билан табрикла, кел бугун хафалашмай, байрам гаштини сурайлик. Сенга шундай ажойиб совға тайёрлаб қўйдимки, кўрсанг оғзинг очилиб қолади.

– Сен сочингни қирқтирдингми?

– Ҳа, қирқтирдим ҳам, сотдим ҳам. Аммо сен севасан-ку? Сочим калта бўлгани билан ўзим ўша-ўшаман-ку? Сочимни сотганим билан, қалбим сенинг қўлингда-ку?

Жим бунақасини кутмаганди. Ниманидир қидиргандай, нигоҳи хона бўйлаб сарсари кезди.

– Шундай қилиб... сочингни сотдингми?

У ғазаб билан эмас, худди ўзига-ўзи гапиргандай паст овозда сўради. Делла унинг қарашларини бошқача тушунди.

– Қидирмай қўя қол, уйдан топа олмайсан, – деди у. – Ахир сенга айтдим-ку, қирқтирдим-у, сотдим. Жим, бугун байрам арафаси, бир-биримиз билан хафалашмайлик. Сен ғазабланма, мени ҳам ранжитма, ахир сени қувонтириш учун шундай қилдим-ку? Сени қанчалар севишимни биласан-ку! Сочларим толаларини биров санаб чиқиши мумкиндир, лекин сенинг нечоғли қаттиқ севишимни ҳеч ким ва ҳеч қачон аниқлаб беролмайди. Жоним, қорнинг очдир, котлетларни қовураверайинми?

Бу гаплардан кейин Жим қарахтлик оғушидан чиқди. Севгилисини меҳр билан бағрига босди. Кейин пальтосининг чўнтагидан қоғозга ўроғлиқ бир нима чиқариб, стол устига қўйди.

– Делл, сен ташвишланаверма, сочинг бўлмаса ҳам сени севаман. Довдираб туриб қолшимнинг сабаби ғазабдан эмас, сен манави тугунчакни очиб кўргин, довдирашимнинг сабабини биласан.

Оппоқкина эпчил бармоқлар қоғозни осонгина очди. Очди-ю, тилла ҳал билан безатилган тароқларни кўриб, аввалига ҳайратдан қичқириб юборди. Кейин аёлларгагина хос бўлган тезликда кўзларидан шашқатор ёш оқа бошлади. Оқибатда Жим севгилисини овутиш учун барча маҳоратини ишга солишга мажбур бўлди.

Гап шундаки, иккита чаккага, битта орқага тўғналадиган, тошбақа косасидан зўр маҳорат билан ишланган, четларига жилдор тошчалар қадалган, каштанранг сочларининг рангига жуда мос чиройли тароқлар унга таниш эди. Эрига совға қидириб юрганида Бродвейдаги дўконда кўриб маҳлиё бўлган, нархини билиб эси тескари бўлиб кетаёзган, “Бунақа безаклар менга аталмаган”, деб ўқсик кўнглини оутган эди. Мана ўша ажиб тароқлар стол устида ётибди, сочи эса...

Ниҳоят у йиғидан тўхтаб, тароқларни қўлига олди-да, бағрига босди, ўзини жилмайишга мажбур этиб, эрига қаради:

– Менинг сочим жуда тез ўсади...

– Биламан, жуда тез ўсади...

Жим унинг бошидан ўпаётганда Делла сапчиб тушди.

– Вой ўлмасам, ёдимдан чиқай дебди-я! Менинг совғам-чи!

У ажиб ҳаяжон билан эрининг қувониб кетишини кутиб, оқ тилла занжирни унга узатди.

– Мен буни топгунимча бормаган жойим қолмади. Ахири топдим. Энди соатингни кунига юз марта чўнтагингдан чиқариб қарашинг мумкин. Соатингни тароқлар ёнига қўй-чи, занжирга қандай мослигини бирга кўрайлик.

Жим уни ҳайратга солиб, маҳзун жилмайди-да, чўнтагидан соатни чиқариш ўрнига чорпояга бориб чўзилиб ётиб олди.

– Делл, ҳозирча иккаламиз ҳам совғаларимизни яшириб қўя турайлик. Вақти келганда олармиз. Бу совғалар ҳозир иккаламиз учун ҳам ортиқча ҳашам. Тўғриси айтсам... сенга тароқ сотиб олишни анчадан бери жуда-жуда хоҳлар эдим. Бугун сени қувонтириш учун соатимни сотдим... Делл, котлетларингни пиширавер, бугун биз учун ғоят қувончли кун...

* * *

Бу воқеа ўтган асрларда содир бўлган. Ҳозирги Европада бундай меҳр-муҳаббатли одамлар борми-йўқми, аниқ билмайман. Тахминим бўйича қолмагандир. Лекин китобларда яшаётган севишганларнинг меҳр-муҳаббатидан ибрат олсак арзийди. Т.М.

Саид АҲМАД,

*Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

(“Топганларим, йўқотганларим” асаридан)

Баъзан хаёл олиб кетади. Ўтган йўлларибга, босган изларингга қарайсан. Кимлар юрган йўллардан келдинг, кимлар босган изларни босдинг, ҳамма-ҳаммасини кўрасан. Қандай яшадинг, кимлар билан бир дастурхондан ризқингни бўлишдинг. Кимлардан меҳрибонлик кўрдинг, кимлардан панд единг, кўз олдингдан бир-бир ўтаверади.

Ёрқин умидлар билан йўлга отланган ҳамроҳларинг қани, деб ўзимдан ўзим сўрайман. Уларнинг кўпи энди йўқ. Манзилга етолмай, жуда тиник, жуда шаффоф умидларини ўзлари билан олиб йўқлик деб аталмиш мангуликка кетдилар.

Сенга раҳнамолик килган устозларинг қани? Қўлингдан етаклаб ижоднинг сўнгсиз йўлларига олиб чиққан, табаррук номлари дил қатида умрбод қолиб кетган устозлар қани?

Юрган йўлларида кулги тўкилган, кирган хонадонига бир уй қувонч ташлаб кетадиган Ғафур Ғулом қани? Чақнаб турган кўзларига олам фалсафаси жо бўлган, хаёллари сўнгсиз уфқлардан ошиб ўтган доно Ойбек қани? Қаҳри метиндан қаттиқ, меҳри каптар кўксидек майин, қалами учигаги чақмоқ қоғозни куйдирадиган Абдулла Қаҳҳор қани?

Бу табаррук зотлар юртга берадиганини бериб, элдан қарзларини узиб, шогирдлари қалбига нузли ошён куриб, абадият уйқусига бош қўйдилар.

Ана шуларни эслаганимда юрагимда ажиб бир ёрқин хотиралар уйғонади. Саидахонни эслаб кетаман. Йигирма етти йил тирикликнинг гоҳ нузли, гоҳ нурсиз йўлларида бирга ҳамроҳ бўлган, биргина қизини келинлик либосида кўролмай, ёр-ёрини эшитмай, етдим деганда йиқилган қадрдон кимса тушла-

римга киради. Жавонларни тўлдирган китоблари қатидан чиқиб, ўзи кўрмаган неваралари бошида ўтириб тонг отдиради.

Бу гапларни ёзиш қанчалик оғирлигини биламан. Шунинг учун ҳам хотира ёзишга қўлим бормасди. Хотиралар ёзилар, аммо унинг охири Саидахондан айрилиб қолган кун билан якунланади. Ана шуниси алам қилади. Мен унинг хотира бўлиб қолишини асло истамайман. У менинг онгимда, ҳаётимда ҳаммаша тирик қолишини истайман. На чора! Ёзмоқ керак.

Вақтики келиб, мен ҳам кетарман. Эсдаликлар ўзим билан кетмасин.

Саидахон баъзи-баъзида ҳазиллашиб, шоирлар хотинларига бағишлаб шеър ёзишади, афсус сиз шоир эмассиз-да, деярди.

Бу гап юрагимда ўкинч бўлиб чўкиб ётганди.

Мана бугун ўзи чироғини ёкиб кетган хонада китобларию сувратлари қуршовида ўтириб хотиралар ёзаяпман. Уч романдан иборат «Уфқ» трилогиямни унга бағишладим, назаримда кўнгли тўлмади. Мана энди ўзини ёзаяпман.

Магнитофонни қўйиб овозини эшитаман. Альбомлар қатида ухлаган сувратларига тикиламан. Китобларини варақлаб сеҳрли сатрларини такрорлайман.

Шунда бирдан ўзи жонланиб аста хонамга кириб келади. Елкасида менинг костюмим, қўлида қалам, варақларига ёғ сачраган блокнот билан аста диванга ўтиради.

– Мана, сизга атаб шеър ёздим.

Секин, худди шивирлагандек ўқийди:

.....

*Эшик тирқишидан бир чизиқ ёниб,
Офтоб бўлиб кириб ёритар хонам.
Машинканг чиқиллар, тўхтайди баъзан,
Биламан чекапсан, чекапсан улаб.
Кошки очиб қўйса деб деразани,
Камроқ чекса-чи, деб бўламан хуноб.
Хонангни тутундан поклаш дардида
Бедор ўтираман сендан нарида.*

БИЗ ШУНДАЙ ЯШАДИК

Саидахоннинг иш столида ўтириб бирон нарса ёзганини эслаёлмайман. Ошхонада қозон қовлаб туриб, бир қўлида шеър ёзарди. Боласининг беланчагини тебратиб ўтириб, тиззасига дафтар қўйиб ёзган пайтлари кўп бўлган.

Уйда сақланаётган қўлёзмаларининг кўпчилигида ёғ сачраганда, сут томганда қолган доғлар бор.

Қаерда илҳоми келиб қолса, ўша ерда ёзаверарди. Журнал саҳифаларининг четидаги оқ жойларига жуда майда ҳарфлар билан қора қаламда ёзган шеърларининг қўлёзмалари ҳозир ҳам уйимизда бир ёдгорлик бўлиб сақланади.

Сафарларда юрган пайтларимизда чиройли-чиройли блокнотлар олиб келардим. Ўша блокнотларнинг дастлабки саҳифаларига шеър битилардию кейинроқ бориб уларнинг саҳифалари бозорда қилинган харажатлар ҳисоб-китоби билан тўлиб кетарди.

– Нега унақа қиласиз, атайлаб шеър ёзишингиз учун олиб келгандим, – дейман.

– Бозорга бир чангал пул билан кетиб у-бу оламану, шунча пул қаёққа кетганини билмай ҳисоблаб ўтираман.

Биламан, Саидахон менинг пулимни харжлагандан хижолат бўлиб шунақа қилади. Ўз пулини харжлаганда ҳисоблаб ҳам ўтирмайди.

– Сиз унақа қилманг. Қачон мен топиб келган пулимга ҳисоб сўрабман?

– Шунақа дейсиз-у, – дейди у хижолат аралаш илжайиб, – умримда бировнинг пулини ишлатмаганман.

Чиндан ҳам Саидахон отадан етим қолган бир этак укаларини боқиш ташвиши билан ёшлигининг ҳузур-ҳаловатини кўрмаган. Онаси Сабохон кўҳликини меҳнаткаш аёл эди. Ўқишдан қайтган қизларини ёнига олиб чорси, дўппи тикишарди. Шу арзимаган даромад орқасидан рўзгор тебратишарди. Саидахон Андижон ўқитувчилар институтини тугатгандан кейин Избоскан районининг Тўртқўл қишлоғидаги мактабда ўқитувчилик қила бошлайди. Ҳар ҳафтада топганини уйга ташлаб йигирма километр йўл юриб орқасига қайтиб кетарди. Шу ташвишлар орасида тинмай китоб мутолааси билан яшаган Саидахон турмушга чиққандан кейин ҳам эрининг пулини сарф қилишга сира кўниқолмасди.

Китобимга каттароқ пул олган пайтларимда ҳаммасини унинг қўлига бериб қўярдим. Шу пул то тамом бўлмагунича ҳар куни ишдан келишим билан блокнот очиб бугунги харжларни ўқиб берарди. Мен бундан хижолат чекардим. Баъзан жаҳлим чиқиб қўлидаги блокнотни олиб ҳовлига отиб юборардим.

– Э, пулингиз ҳам қурсин. Магазинга кирсам ҳам, бозордан бирон нарса харид қилсам ҳам, худди орқамдан нима қияпсан, деб қараб турганга ўхшайсиз. Қўйинг, энди менга пул берманг. Рўзгорга керагини ўзингиз олиб келаверинг.

Саидахон ўзи гонорар олганда биратўла ҳаммасини харжлаб, ўзига кийим-кечак олиб келарди.

– Ҳой, инсофингиз борми? – дейман ҳазиллашиб. – Участка бошлаб қўйганмиз-а. Томини ёпишга тунука олишимиз керак, шувоғига пул керак.

Шунда Саидахон хандон отиб куларди.

– Эркаклар хотинига тилла узуклар олиб беради. Хотинини қўғирчоқдек ясатиб қўяди. Ўз кийим-бошини ўзи эплайдиган хотинингиз борлигидан сўйинсангиз-чи.

Бу хил гаплар ҳазил-мутойиба йўли билан ўтиб кетарди.

Гап Саидахоннинг столда асар ёзмаганлигида эди.

Уйимизда бир эмас учта ёзув столи бор эди. Барибир унда ёзишга Саидахоннинг қўли тегмасди. Эртадан-кечгача уй ичида ғимирсиб юраверарди. Албатта уйда хотин киши учун ҳамма вақт иш топилади. Кир ювиш, бичиштиқиш, уй йиғиштириш, овқат қилиш, келди-кетдини кутиш...

Мана шундай юмушларни бажариб юриб, йўл-йўлакай хаёлида шеърини пиширарди-да, дераза раҳига тирсагини қўйиб ё бўлмаса дазмол қиладиган тахтага қоғоз қўйиб, етилган сатрларни туширарди.

Баъзи шеърларининг икки сатри журнал муқовасига, тўрт сатри телефон номерлари бор рўйхат тагига ёзиб қўйиларди. Шеърни шу йўсин битказардию, кечга бориб машинкада икки нусха кўчириб оларди.

Табиатимда ўйинқароқлик бўлганидан кечаси ишлардим. Бунга сабаб кўчага чиқиб кетиб бўлмайди. Ҳамма ухлаган. Ўтириб ишладан бошқа илож йўқ. Ҳали-ҳалигача кечаси ишлайман. Шунга ўрганиб кетганман.

Мен ҳеч қачон ёзган ҳикояларимни таҳрир қилмай, Саидахонга кўрсатмаганман. Кечаси тонг отгунга қадар ишлаб ҳикоямни битираман-да, бир варақ

қоғозга «Саида Зуннунова, ҳикоя битди. Ҳозирча ўқиманг!» деб ёзиб эшикка ёпиштириб қўяман.

Мириқиб ухлаб турганимдан кейин таҳрир қиламан. Саидахонга ўқиб берман. У ортиқча эътибор бермай шунчаки тинглайди.

– Аллақачон ўқиб бўлганман. Яхши ҳикоя ёзибсиз, – деб мени табриклайди.

Ана шундан кейин ёзиб бўлган ҳикояларимни таҳрир қилмай туриб бирон жойга, Саидахон тополмайдиган жойга беркитиб қўядиган бўлдим.

Олтмиш биринчи йили телевизор кўриб ўтирганимизда (қайси фильм эканлиги эсимда йўқ) асар қаҳрамони «Турналар» деган қўшиқ айтди. Негадир бу қўшиқ менга жудаям таъсир қилди. Фильм тугаганда Саидахонга «Турналар» деган ҳикоя ёзаман, дедим.

Авваллари ҳеч қачон палон нарсга ёзаман, деб айтмасдим. Саидахон ҳайрон бўлди.

Кўпдан бери ҳеч нарсга ёзмай ўртоқларимдан дакки эшитиб юрган пайтларим эди. Саидахон ҳар доим овқат маҳалидаям, бирон иш қилаётган пайтимда ҳам, қачон бирорта ҳикоя ёзасиз, сиз тенгилар тез-тез ёзиб туришибди, бунақада орқада қолиб кетасиз-ку, деб тинмай гапираверарди. Турна тўғрисида ёзаман, деганимдан жуда севиниб кетди.

Хулласи, ўша кеча ухламай тонг оттирдим. Ёшлигимда эшитган, ўзим кўрган воқеаларни эсладим. Болалик пайтимда уйимизда битта чўлоқ турна бўларди. Орқамдан эргашиб юарди. Онамнинг айтишларига қараганда, бу турна қаердадир яраланиб, тонг маҳали тўдасидан ажралиб ҳовлимизга тушган экан. Ўша турна кўз олдимга келаверди. Бугунги воқеаларга омихта қилиб ўша турнани ҳикояга қаҳрамон қилдим. Ҳикоя тонготар маҳали битди. «Саида Зуннунова, ҳикоя битди. Қидириб юрманг, сиз тополмайдиган жойга беркитиб қўйганман», деб ёздиму эшикка ёпиштириб уйқуга кетдим. Уйғониб катта уйга чиқсам, Саидахон ҳикояни ўқиб ўтирибди. Ҳайрон бўлдим.

– Қандоқ қилиб топдингиз. Печканинг ўтхонасига тикиб қўйган эдим-ку, шуни ҳам топдингизми? – дедим.

– Хотин киши ўз уйидаги ҳамма тешик-теликларни билади. Аёл кишидан нарсга беркитиб бўлмайди. Топдим. Жуда яхши ҳикоя ёзибсиз. Жумлаларида ғализликлар бор, тузатарсиз.

– Ана шунинг учун ўқимай турунг дейман-да.

– Мен ишлаган қишлоқ манзараларини жуда аниқ ёзибсиз. Ўқиб таъсирланиб кетдим. Чолнинг турнаси учиб кетганида кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Мен ҳам бир ҳикояни қоралаб қўйдим. Аввал ўзингизникини таҳрир қилиб бўлинг, кейин меникини ўқиймиз.

Бирон соат ўтириб ҳикоямдаги ғализ жумлаларни таҳрир қилдим. Нонуштадан кейин Саидахоннинг ҳикоясини ўқидик. Яхши ҳикоя ёзибди. Аммо ҳикоя оҳанги менга унча ёқинқирамади. Ҳикоя ёлғиз ўғлини уйлантирган бир бева аёл тўғрисида эди. Кампир тўй кунини келинга бармоғидаги узугини чиқариб совға қилади.

Тўй тарқаган уй манзараси нихоятда чиройли ёзилганди. Кампирнинг портрети ҳам жуда яхши.

– Менга қаранг, ҳикоянинг номини «Қўллар» деб қўйинг. Бутун ҳикоя давомида кампирнинг қўлларини тез-тез тилга олиб турунг. Шунда унинг меҳнати, муҳаббати, меҳри ўқувчи кўз олдида пайдо бўлади.

Бу гап Саидахонга жуда ёқди. Ҳикояни бир ўтиришда таҳрир қилиб, мен айтган гапларни қўшиб ўқиб берди. Ҳикоя ниҳоятда таъсирли чиқди. Икковимизнинг ҳикоямиз олдинма-кейин «Совет Ўзбекистони» газетасида босилди. «Қўллар» рус тилига таржима қилиниб «Правда» газетасида, сал фурсат ўтиб, «Советская женщина» журналида босилиб чиқди.

«Қўллар» Саидахонга жуда катта шухрат келтирди.

Негадир мен танқидни унчалик хуш кўрмайман. Танқид эшитган куним қўлим ишга бормади. Бирон ҳикоямми, китобимми танқидга учраса, ойлаб ёзмай қўяман. Мақтов эшитсам ёзгим келаверади. Шу феълимни билган Саидахон кўчадан гап топиб келади. Ростми, ёлгонми менга ёқадиган гап бўлади.

– Ойбек акани кўргандим. Ҳикояларингизни жуда яхши кўрар экан. Нега ёзмапти, деб сўрадилар.

Бу гап ёлгон бўлишини билсам ҳам, барибир ёқарди. Балки ростдир, Ойбек ака ўқиса ҳафсаласи пир бўлмасин, деб яхшироқ ёзишга ҳаракат қилардим.

Саидахон “Ғафур акани кўрдим, ундоқ деди”, “бир куни Абдулла акани кўрдим, сизни бундоқ деди”, деб мени кизиқтириб қўярди.

Олтмиш бешинчи йилда «Шарқ юлдузи» журналида «Уфқ» романимнинг биринчи китобини қаттиқ танқид қилган мақола босилипти. Почтачи журнал олиб келганда Саидахон варақлаб кўрса, шунақа мақола бор. Ўзи ўқиб, ўша саҳифаларни йиртиб олиб қўйибди. Ўша кезларда романимнинг иккинчи китобини жуда ҳафсала билан берилиб ёзаётган пайтим эди. Ўқиса қўли ишга бормади, янги китоби бир-икки ой тўхтаб қолади, деб атайин шундай қилган. Мақолани бошқалардан эшитиб, бирон ойлاردан кейин ўқидим.

Биз мана шундай бир-биримизни аярдик. Ёзишга бир-биримизни рағбатлантириб турардик.

Албатта, жанжалсиз уй йўқ, деганларидек орамизда ғиди-биди гаплар ҳам бўлиб турарди. Кўпинча бунақа воқеаларга мен сабабчи бўлардим.

Уй қуриб, машина олиб, юбилей қилиб анча чиқимдор бўлиб қолдик. Менинг қўлим очиклиги, бўлар-бўлмасга пул сарф қилиб юборишимни билган Саидахон рўзғор бошқаришни ўз қўлига олди. Топганимизни расамади билан билиб-билиб сарфларди. Албатта, бу менга ёқмасди. Эркак одамнинг кўчада озми-кўпми харжи бўлади. Саидахон худди қулоққа ўлчаб бергандек жуда оз пул берарди. Мен ҳам бўш келмай, олган гонорарларимдан ўмариб қолардим. Саидахон буни билмасди.

Миртемир домла менга ўхшаган серсарф одам эдилар. У киши билан бир маҳаллада турардик. Домланинг Туркменистондан, Қозоғистон, Қирғизистондан келадиган шоир ўртоқлари кўп бўларди. Уларнинг ҳаммасини Тошкент рестораниларида яхшилаб меҳмон қилиб кузатардилар. Баъзи-баъзида кечаси таксида келиб деразамни чертардилар. Форточкани очиб саломлашардим.

– Қорақалпоқдан ўртоқларим келиб қолди. Омонат касса ҳозир берк. Эрталабгача юз сўм бериб тур, аммо Саида билмасин, деб тайинлардилар.

Шунда мен беркитиб қўйган «ўғрилиқ» пулидан юз сўм узатардим. Домла пулни олиб, эртага албатта ўз қўлингга бераман, дердилар.

Эртасига айтган гаплари эсларидан чиқиб, пулни Саидахонга бериб кетардилар. Саидахон, бу пулни қаердан олгандингиз, деб мени қийин-қистовга

оларди. Шундай қилиб, мен ҳам пулдан ажралардим, ҳам пул «ўғриси» бўлиб қолардим.

Нодира қизимиз тўрт ёшга кирган пайт эди. Машинада далаларга чиқардик. Нодира сут ичиб, уни қаердан пайдо бўлишини билмасди. Анор еб, заводдан чиққан, деб ўйларди. Далаларда юрганимизда сигир соғаетган хотинларни, анор гулини, ҳосилини кўриб, қовуннинг марзада палак орасида дўмпайиб туришини, маккажўхорининг попугини кўриб ҳайрон бўларди.

Саидахон унинг бу ҳолатларини кузатиб юрган экан. Эндигина оламни таниётган гўдак тўғрисида «Ойдан тушган қиз» деган жуда нурли, беғубор ҳикоя ёзди. Ўқиб жуда таъсирланиб кетдим. Ўша ҳикоя «Гулистон» журналида босилди. Редакция ходимларидан бири сарлавҳасини «Осмондан тушган қиз» деб ўзгартирибди. Саидахон жуда-жуда хафа бўлиб кетди.

– Ахир, нега сўрамасдан ўзгартиришади. Осмондан тушган сўз салбий маъно англатади-ку. Гўдайган одамга осмондан тушган бўлсанг ҳам менга хўжайинлик қилма, деган гап бор. Ойдан тушган, деганда қандайдир нурли бир нарсани тасаввур қиламиз.

Саидахон ҳамма вақт ўз асарларидаги ҳар бир сўз учун курашарди. Чунки у ҳеч қачон сўзларни нотўғри ишлатмасди.

Ғафур Ғулом вафот этганда унинг мотамига атаб «Шоирни эслаб» деган бир шеър ёзганди. Сарлавҳа тагига «Ғафур Ғулом вафоти кунлари ёзилган» деб қўйилган эди. Шеър босилиб чиққандан кейин афсусланиб қолди.

– Муни қаранг, Ғафур аканинг ўлиmidан қаттиқ куйган эканман. Бир сўзни хато ёзганимни сезмай қолибман. «Вафоти куниди» дейиш ўрнига «Вафоти кунларида» деб ёзворибман. Жуда уятли иш бўлди-да.

Саидахон эллик бир йил умр кўриб бировга бош эгмади. Иймонини маҳкам ушлади. Ўзига гард юктирмади. Оламдан ҳалол-покиза яшаб ўтди. Лаганбардорлик, бировга мутелик, ҳасадгўйлик унга бегона эди.

*Курашсиз, меҳнатсиз шодлик, кулгини
Ўғрилиқ мол дейман, қиламан ҳазар,
Қалбимнинг парчаси сингмаса агар,
Розимасман биров ҳадя этса зар.*

Бу сатрлар Саидахоннинг шеърда чизилган сувратига ўхшайди.

ҚАНОАТДА САИДА ФИЛЧА БЎЛУРМИ, ҲАЙ-ҲАЙ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг эллигинчи йилдаги котибият йиғилишларидан бири «халқ душманининг хотини» Саида Зуннуновани уюшма аъзолигида қолдириш ё қолдирмасликка бағишланди. Йиғилишга ўша пайтдаги уюшма раҳбари раислик қилди. У одам оламдан ўтиб кетди. Менинг бу гапларим ўлган одамга тош отиш бўлиб қолмасин. Лекин адабиётимизга тегишли гап бўлгани учун унутилиб ҳам кетмасин.

Раис Саидани тик турғизиб қўйиб, терговчилардек сўроқ қила бошлади:

– Нима учун шу пайтгача халқ душмани – эрингиздан воз кечмадингиз? У Совет ҳукуматининг душмани, аксилинқилобчи, буржуа миллатчиси. Қани, сизнинг коммунистик эътиқодингиз? Қани, сизнинг Совет давлатига садоқатингиз? Шу кунларда сиз орган атрофида айланиб юрибсиз. Ёзувчилар шаънига доғ туширяпсиз. Котибият аъзолари эрингиздан воз кечишингизни талаб қилади.

- Ундай қилолмайман! – деди Саида қатъий қилиб.
- Эрингдан кеч, – деди Фатхуллин.
- Акс ҳолда сиз билан битта уюшмада туролмаймиз – деди Назир Сафаров.
- Ўзидан сўраб ўтирамизми? Уюшмадан ҳайдаш керак, вассалом, – деди

Милчаков.

– Сизлар менга эрингдан кеч, акс ҳолда уюшмадан ҳайдаймиз, деган шарт қўйяпсизлар. Мен ҳам битта шарт қўяман, ҳўп десанглар, эримдан воз кечаман.

- Гапиринг, қандай шарт? – деди раис.

– Эримни менга кўрсатишсин. Мен халқ душмани эдим, деб ўзи айтсин. Ана шундан кейин ундан кечаман.

- Бунинг сира иложи йўқ.

Саиданинг ўжарлиги тутди.

- Э, қамалиб кетасан, хоним!

Раиснинг гапи оғзида қолди.

– Мен сизга хоним эмасман. Бу гапни ресторанлардан топган хотинингизга айтинг. Мен шоира Саида Зуннуоваман.

Раис ўрнидан сапчиб туриб кетди.

Саида шарт ўрнидан туриб эшик томон юра бошлаганда раис орқасидан қичқирди:

- Уюшма гувоҳномасини ташлаб кет. Уюшмадан ўчирилдинг...

– Бу гувоҳномани буюк Ойбекнинг покиза қўлидан олганман. Сенинг қўлингга бермайман.

Саида мажлисни ташлаб чиқиб кетди. Почтахонага бориб, раис номига аламли хат ёзди. Бошқа бир конвертга уюшма гувоҳномасини солиб, кадрлар бўлимига жўнатди.

Шу билан Саида Зуннуова уюшмадан оёғини узиб кетди.

Биз ҳали ЗАГСдан ўтмаган эдик. Бу гапни ўша кунги мажлисда айтганда балки бунчалик бўлмасмиди. Саида айтмади. Айтса, ана эридан воз кечди, деб овоза қилишарди. Ё бўлмаса, у қонунни бузиб никоҳсиз яшаган, деб гап тарқатишарди.

Биз беш йилдан кейин, мен қамокдан келганимдан кейин 1955 йилнинг декабрь ойида ЗАГСдан ўтганмиз.

Уюшма раҳбари ҳамма ташкилотларга “Саида уюшмадан ҳайдалган, ишга олманглар”, нашриёт ҳамда редакцияларга эса “Саиданинг шеърларини босманглар”, деб хабар юборган эди. У қаерга борса, “Иш йўқ” деб жавоб қилишарди. Газета-журналлар шеърларини қайтариб беришарди. Охири, у Ўзбекистон компартиясининг хотин-қизлар билан ишлаш бўлими бошлиғи олдига боради. У «халқ душмани»нинг хотинини совуқ кутиб олади. Гапларини эътиборсизлик билан эшитади. Ишни ўзинг топ, деб гапни қисқа қилади. Шунда Саида иккита дипломни унинг столига отади (У Андижон давлат ўқитувчилар институтини, Ўрта Осиё Давлат университетини битирган эди).

– Партия ичкарида ўтириб қолган ўзбек аёлларини жамоат ишига жалб қилиш учун, паранжидан озод қилиш учун курашяпти. Майли, ўша, ишга жалб қилинган аёллар ташлаган паранжини мен ёпинганим бўлсин. Икки дипломли шоирани паранжи ёпинишга мажбур қияпсиз.

Саида шундай дедию, марказқўм биносидан чиқиб кетди. Орқасидан икки киши чиқиб, уни қайтариб олиб кирдилар. Бўлим бошлиғи маориф министрлиги билан гаплашиб қўйган экан.

– Министрликка боринг, тайинлаб қўйдим, иш беришади, – деб айтди.

Саида эртасига министрликка боради. Шаҳардан жуда олисда, учта трамвайда борадиган корейслар мактабига рус тилидан дарс беришга йўлланма берадилар. Саида рус тилига нўноқ эди. Айниқса, корейсларга рус тилини ўргатишга чоғи келмасди. У кўчага чиқиб, йўлланмани йиртиб ташлайди-да, уйга келиб марҳум отаси совға қилган тилла соатни бозорга олиб чиқади, уни сотиб, пулига эски «Ундервуд» деган ёзув машинкасини сотиб олади.

Нашриётда ишлайдигани таниш машинисткалар ўзлари пул ишлаш учун олган қўлёмалардан унга берадилар. Саида Мухтор Авэзовнинг «Абай» романини кўчириб олиб боради. Машинистка унга 600 сўм пул беради.

У уйда, кечалари ухламай қўлёмаларни кўчирар, олган пулига рўзгор қиларди.

У собиқ Марказий комитетнинг партия комиссиясига шикоят ёзди. Комиссия бу шикоятни Ўзбекистон Компартиясига юборди. У шикоят ёзгани учун яна қийнов-қистовга олинди. Ана қамайди, мана қамайди, деб Тошкентда яшайдиган андижонликларнинг уйларида ётиб юрди.

Саида 1952 йилда бирлашган нашриёт босмахонасига корректор бўлиб ишга киради. У партия аъзолигига номзод эди. Номзодлик муддати ўтиб, энди ҳақиқий аъзоликка ўтиши керак эди. Ёзувчилар уюшмаси партия ташкилоти бирлашган нашриётга хат юборади. Унда Саида Зуннуновани партиядан ўчириш қатъий талаб қилинган эди. Нашриёт директори В. Архангельский уюшма талабини рад қилади. У Саидани кабинетига чақириб, “Қизим, сени уларга талонга ташлаб қўймаймиз. Ҳозир нашриёт учун янги бино қуриляпти. Сени қурилишга агитатор қилиб тайинлаймиз. Сени ишчилар, қурувчилар кўрсин. Меҳри тушсин. Сени шулар ҳимоя қилади”, деб тайинлайди. Ана шундан кейин Саида ҳам корректор, ҳам қурилишда агитатор бўлиб фаол ишлай бошлади. Уларга газеталар ўқиб беради, лекциялар ўқийди ва албатта, ўзининг янги шеърларини ўқиб беради. Навбатдаги партия мажлисида бирлашган нашриёт коммунистлари яқдиллик билан уни партиянинг ҳақиқий аъзолигига ўтказадилар.

1954 йилнинг бошида Архангельский уни чақириб:

– Москвадан парткомиссия вакили сенинг ишинг юзасидан текшириш ўтказгани келяпти. Ўзинг биласан, Сталин ўлгандан кейин қама-қамалар, одамларга турли тўхматлар кескин қамайиб кетди. Билишимча, парткомиссия вакили сени ҳимоя қилса керак. Илтимос, ортиқча талаблар қўйма. Ишни текшириб, вакил кетади, рақибларингга танбех беради. У кетадию, сенга азоб берганлар шу ерда қолади. Уларга ўчакишма, – деб насиҳат қилади.

Биринчи май куни парткомиссия вакили уни марказқўмга чақиради. Ҳамма шод, байрам кайфиятида. Саидага байрамни ҳам татитмайдилар. Ўша куни беш соат тортишувдан кейин, вакил бор ҳақиқатни билиб олади. “Тўхматчиларга қандай жазо беришимизни истайсиз? Сизга тўрт йил азоб берганлар жазосиз қолмаслиги керак”, – дейди вакил.

– Ҳақиқат юзага чиққани уларга бериладиган ҳар қандай жазодан ортиқ, – деб жавоб қилади Саида.

Ўша кунларнинг гувоҳи бўлган олим Ҳафиз Абдусаматов «Миллий тикланиш» газетасининг 1996 йил 27 февраль сонидида босилган «Вафодор» мақоласида жумладан шуларни ёзади:

«...1953 йиллар эди. Икки масъул ходим Фанлар академияси тил ва адабиёт институтининг директор ўринбосари кабинетига кириб келишди ва эшикни ичидан бекитиб қўйишни сўрашди. Улар менга бир катта папкани узатиб, «Бу халқ душмани Саид Аҳмаднинг хотини Саида Зуннунованинг асарлари, уни яхшилаб, синчиклаб ўқиб ўз фикрингизни айтасиз. Шуни ҳам айтиб қўяйликки, душман хотинидан соғлом, ғоявий бақувват асарлар чиқишига ишонмаймиз», дейишди. «Нега бундай хулосага келдингизлар?» деган саволимга, «Душман хотини душман эканлигига ишонч ҳосил қилдик», деган жавобни олдим. Улар: «С. Зуннуновага эрингдан воз кеч, бундай одам сенга дўст бўла олмайди, иснод келтиради, деб ўқтиришимизга қарамасдан ўжарлик қилиб, туриб олди, асло уни «ҳақиқат»га ишонтириб бўлмаётибди» деб шикоят қилишди. «Биз чора кўришга мажбурмиз»... Улар мендан уч кундан кейин фикр айтишимни талаб қилишди.

Барча ишларимни йиғиштириб бу «топшириқ»ни ўз муддатида бажариб қўйдим. Ўша давр ўлчови билан қараганда С. Зуннунова асарларида сиёсий-ғоявий хато йўқ эди. Бу гапни эшитган бояги икки ходимнинг сочи тикка бўлиб кетди, қовоқлари осилиб тушди. «Биз сизни адолатли, объектив, ёш, талантли олим десак, бизнинг ишончимизни оқлолмадингиз, мабодо Саид Аҳмад ош-нангиз эмасми, Зуннунова билан яқинлигингиз йўқми?» деб сўроққа тутишди...»

Сиқувлар, турткилашлар бир қадар пасайгандек бўлади. Архангельский орага тушиб, Саидани «Пионер» журнаliga ишга оладилар. Мен озод бўлиб келганимда у шу журналда ишлаётган эди.

1959 йилда Саиданинг «Сўқмоқлар» қиссаси «Шарқ Юлдузи» журнаliga эълон қилинади. Бир гуруҳ ёзувчилар қиссага ҳужум уюштирадилар. Уюшма ҳайъатида муҳокама қиладилар. Қиссани совет воқелигига зид, ҳаётни бузиб кўрсатган, деб айблайдилар. Марказқўм ҳайъатида Саида масаласи муҳокама қилинади. Саида ўша кезларда оғироек бўлганидан уни бюро мажлисига чақирмайдилар. Бюро ҳам «Сўқмоқлар»ни зарарли асар деб топади.

Саида учун яна ҳамма йўллар беркилади. Радио, телевидение, матбуот Саидадан юз ўтиради.

Бу хил муносабат менга ҳам таъсирини ўтказди. Асарларим босилмайдиган, телевидение ҳам, радио ҳам асарларимни эшиттирмайдиган бўлди. Шундай қийин бир пайтда бизни Яшин ака чақириб қолди. Қисқагина учрашувимиздан кейин биз учун матбуот эшиги беркилгани маълум бўлди.

– Мафкура бўлими бошлиғи Нишоновга учрашайлик, аҳволни тушунтирайлик, – дедим.

– Нишонов билан иш битмайди. Энг юқорига чиқиш керак, деб маслаҳат берди Яшин ака. Бир уриниб кўраман. Биринчи билан учраштиришга ҳаракат қиламан.

Эрталаб соат тўққиздан то кеч соат бешгача марказқўм эшигида ўтирдик. Тинкамиз куриб, чарчаб, ҳолдан тойдик. Олим Хафиз Абдусаматов ўша ерда ишларди. Эрталабдан бери шу ерда интизор бўлиб ўтирганимизни деразадан кўриб турган экан. Олдимизга чиқиб, нима иш билан келганимизни сўради. Шундан кейин у бутун жавобгарликни ўз бўйнига олиб, киришимизга рухсатнома олиб берди. Ичкарига кириб, биринчи котибнинг қабулхонасида икки соатча ўтирдик. Котиба кириб биз келганимизни айтганда ҳам, ичкарига чақирмади. Охири унинг ҳам уйига кетадиган пайти бўлди. Аммо бизни кўришга

тоқати йўқ эди. На илож, бир умр кабинетда ўтиролмайдими-ку. Бизни ичкарига чақиришга мажбур бўлди...

...Тахминан ўн бир соат кутиб учрашганимиз, халоскоримиз деб ўйлаганимиз раҳбар олдидан куп-қуруқ бўлиб чиқиб кетдик. Китобим ҳам чиқмади. Матбуот эшиги берклигича қолди.

Украинада бир қиссам босилиб, жонга аро кириб рўзгорни бир нави бутлаб олдик.

Нима учун бунақа муносабат бўлаётганини Саидахон билан икковимиз жуда яхши билардик.

...Олтмишинчи йилларнинг бошида Саидахоннинг «Соч» деган шеъри «Ўзбекистон маданияти» газетасида эълон қилинди. Шеърда у ўзбек аёлларига соч ярашишини, ҳуснига ҳусн қўшишини, баъзи аёллар сочларини кесиб ташлаганликлари тўғрисида ачиниб ёзганди. Шеър охирида у «Э Худо, мени соч кесишдан асра» деган сатр бор эди. Шеър кўпчиликка ёқди. Аммо марказқўмдаги масъул бир одамга ёқмапти. Тошкентда чиқадиған жами газеталарнинг муҳаррирларини чақириб, шеърни муҳокама қилади. Саида коммунист бўлатуриб, Худога нола қияпти, дейди. Ва ҳамма муҳаррирларни ҳушёр бўлишга чақиради.

Бу гап тез тарқаб кетади. Саида шеърим муҳокама бўладию, мен билмайман, деб хуноб бўлади. Уюшмада ўтган очик партия мажлисида алам-ситам билан гапиради. “Катта-катта газеталарга муҳаррирлик қилаётган кишилар «Миша ака»га нега зарба бермадилар”, деб айтади (Ўша масъул раҳбарни она тилида яхши гапиролмаганлиги учун «Миша» деб чақиришарди).

Минг тўққиз юз олтмиш тўртинчи йили «Уфқ» романим Ҳамза мукофотиға тавсия қилинди. Рўйхатда Шайхзоданинг «Улуғбек» драмаси ҳам бор эди. Ўша йили икки собиқ «халқ душмани» рўйхатга киргани учун ҳеч кимга мукофот берилмади...

Етмиш олтинчи йили Саидахон эллик ёшга тўлиши муносабати билан уюшма унинг юбилейини ўтказишга қарор қилди. Саидахон областларга китобхонлар билан учрашувга бориши керак эди. Ёзувчи дўстлар билан Самарқанд ва Бухорога бордик. Марказқўмдаги бир масъул шахс учрашув қилманглар, деб тайинлаб қўйган экан. Қайтиб келдик. Саидахоннинг туғилган юрти Андижонга бордик. У ерга ҳам телефон қилишиб, юбилей ўтказилмасин, деб тайинлаб қўйилган экан. Андижонликлар барибир ўртачагина бўлса ҳам юбилей қилдилар. Куйганёрдаги боғимизда Саидахоннинг кўнглини кўтариш учун жуда катта тўй қилдик. Тўрт юздан ортиқ одамга дастурхон ёздик. Тошкентдан дўстларим, Саидахоннинг шогирдлари – қирқ кишига яқин ижодкорлар келишди. Ўша кезлари Саидахон жуда озиб кетганди. Икки йил ичида унинг катта энаси, онаси, синглиси, куёви вафот қилган, булардан ташқари, тинимсиз ҳужумлардан адоий тамом бўлганди. Ана шу кўрган ғамларини унутсин, деб бутун топган-тутганларимни сарф қилиб тўй қилган эдим. Ўшанда унинг узоқ йиллардан бери энди чехраси ёришган эди. Яхшиям шундай қилган эканман, бир йилга қолмай унинг ўзи оламдан ўтди.

Саидахон баъзан эзилиб кетган пайтларда, бу дунёга фақат азоб чекиш учун келган эканман, деб ўкиниб қўярди.

Ҳатто тўйимиз бўлган кунни у келинлик либосини мотам либосига алмаштирган эди.

Қирқ тўққизинчи йилнинг 28 ноябрида – тўйимиз куни Саидахоннинг 17 ёшга кирган биттагина укаси Насибжон оламдан ўтган эди. Онаси Сабохон ая қизининг тўйида яйраб-яшнамай, Андижонга қайтиб кетди.

Ўша куни Сабохон аянинг бир боласига Тошкентда никоҳ ўқилди, бир боласига Андижонда жаноза ўқилди.

Бундан ортиқ даҳшат бўладими?

Мана энди, бирга кечирган кунларимизни, ҳамма кўргиликларимизни эслаб ўтирибман. Қандоқ оғир мушкулларга бардош берди бу кичкинагина жон. Аёл кишида шунчалик бардош, шунчалик ирода бўлишига ўзим гувоҳ бўлмаганимда ишонмас эдим.

Шунча йиллар ўтиб, ўша бадном бўлган «Сўқмоқлар» қиссасини қайта ўқийман. Дўстларимга сизлар ҳам ўқиб кўринглар, деб илтимос қиламан. Улар қиссани ўқиб, бугунги кунни ўттиз йил олдин кўриб ёзилган гўзал асар, деб баҳолайдилар.

Саидахон вафот қилган куни Шароф Рашидов уйга телефон қилди.

– Қачон, қаерда шундоқ бўлди? – деб сўради.

– Эски шаҳардаги касалхонада, – деб жавоб қилдим.

– Бошқа касалхона куриб кетганмиди? – деди ғазаб билан.

– Икковимизни ҳам имтиёзли шифохонадан чиқариб юборишган, – деб жавоб қилдим.

Рашидов анча вақтгача жим бўлиб қолди. Кейин:

– Қандоқ ёрдам керак бўлса олдимга кел, – деб трубкани жойига қўйди.

Энди менга ҳеч қанақа ёрдам керак эмас эди.

Орадан бирон ой ўтиб, мени Рашидов чақирди. «Қирқ беш кун» романим маъқул бўлганини айтди. Фақат, бир кишига кўп ўрин берганим ёқмаганини гап орасида шама қилди. Сўхбат охирида у Саидахон олдида қарздор эканини, ундан узр сўрамоқчи бўлганини, афсуски, шу нияти амалга ошмай қолганини айтди.

Саидахоннинг бахти ҳам, орзу-умидлари ҳам, қувончи ҳам шу биттаю битта қизи эди. Ухласа бошида ўтирарди. Юрса орқасидан эргашарди. Боғча ё мактабга кетган пайтларда ечган кийимларини ҳидлаб юрарди. Унга атаб қанчалаб шеърлар битганди:

... Қизим қўшиқ куйлайди.

Ё капалак қанотин ели тегди юзимга,

Ё ёшлик бағридаги хаёл аралаш уйқу.

Бир қатра шабнам бўлиб термуламан қизимга.

Бир қатра шабнам қилиб қўйганди мени туйғу.

...Биласанми, қизим, бу коинотда

Онанинг орзуси қучмаган бахт йўқ.

Онанинг хаёли етмаган бўшлиқ

Онанинг хаёли тўхтаган вақт йўқ. ...

... Жаҳон менинг бағримдами ё мен жаҳон бағрида,

Юз баҳорнинг елларими сочларимни силаган.

Минг гулшаннинг гулларида роҳатбахш бу қўлчалар

Бахтга қўмиб юрагимни юзларим эркалаган.

Саидахон шу биттагина қизининг бахтини кўролмай дунёдан кетди. Университет дипломини олганини, тўйини, невараларини кўрмади. Ҳаёт уни

ёлчитмади. Қисқагина умри курашларда ўтди. Хужумлар, тухматлар, маҳрум-ликлар уни буколмади.

Саидахон саранжом-саришта аёл эди. Ҳамиша рўзгорнинг бут бўлишини истарди. Эшикдан меҳмон кириб келса қувониб кетарди. Топган-тутганларини дастурхонга қўярди. Абдулла (Орипов), Эркин (Воҳидов), Ўлмас (Умарбеков), Неъмат (Аминов), Ўткир (Ҳошимов), Носир (Фозилов), Худойберди (Тўхтабоев), Анвар (Эшонов)ларни ўз укасидек кўрарди. Улар келганда бутун пазандалигини ишга солиб, ширин таомлар пиширарди. Дастурхон устида янги шеърларини ўқиб берарди.

Халима (Худойбердиева)ни, Ойдин (Ҳожиева)ни, Мукаррам (Муродова)ни жуда яхши кўрарди. Уларнинг шеърларини қувониб-қувониб ўқирди. Булар мендан ўтиб кетди, қандоқ яхши, дерди. У ҳеч қачон яхши шеър ёзганларга ғашлик қилмасди. Худди ўзи ёзгандек қувониб кетарди.

Саидахон оламдан ўтганда эшик олдида бел боғлаб турган Ўлмасни, Эркинни, Неъматни, Ўткирни, Носирни кўрганимда суянсам бўладиган укаларим борлигидан таскин топган эдим.

Алихон Тўра Соғунийни Саидахон ўзига пир деб билганди. Устознинг занжаларини ўз онаси қаторида биларди. Назаримда у Соғунийнинг хонадонига руҳан покланиш учун борарди. Бу даргоҳ сажда қилса арзигулик нурли хонадон эди.

Саидахон ҳою ҳавасларга берилмади. Минбарларга интилмади. Оташин нутқлар ирод қилмади. Бир чеккада жимгина яшади. Жимгина оламдан ўтди.

Шундай дейману, ноҳақликка қарши бош кўтарган, аёл номига доғ туширмай пок сақлаган, жуда қўп аёлларга намуна бўлса арзигулик умр кўрган, хўрликларга, ҳақоратларга қарши исён кўтарган, букилмас бир аёл кўз олдимда туриб олади.

Кичкина битта кўчага номини қўйишга арзитмаган ўша пайтдаги раҳбаримиздан хафа бўлиб кетаман. Биттагина кўчада поклик тимсоли бўлиб номи турса арзигулик аёл эди-ку у.

У кўрган азобларнинг ўндан бирини ҳам ёзолмадим. Ёзмоқ – яна ўша алам-ли йилларни хотирада жонлантирмоқ демак. Ўзимни ўзим, кечиримли бўлиш керак, деб юпатаман... Кўрган азобларимиз кўз олдимга келиб, наҳотки, ёруғ кунларимизни зимистонга айлантирган кимсаларни кечириб бўлса, дейман.

Шундай сиқилиб кетган пайтларимда унинг шеърларини ўқийман. Улардан таскин топаман.

*Йиллар ҳатто сочдан рангни ўчирди,
Хуснга ташлади нурсиз бир соя.
Аммо ҳаёлингга етмайин кучи
Ўзимга бутунлай берди ниҳоят,
Лекин сен чўчима, ўйларингни мен
Фақат ўн саккизда туриб эслайман,
Фақат ўн саккизда юриб эслайман,
Ўн саккиз ёшдаги йўлларингни мен.*

1997 йил февраль-март.

Саида Зуннунова

ҚЎЛЛАР

(Ҳикоя)

Тўй тарқаб, ўйин-кулгига тўлган ҳовли сув сепгандай жимжит бўлиб қолди. Йиғиштириш учун қолган қариндош-уруғ, кўнгил яқинлар ҳам чарчашиб, ҳар ер-ҳар ерда ухлаб ётишар, ҳовли саҳни ҳали йиғиштириб олишга улгурилмаган, идиш-оёқ, стол-стулларга тўла эди.

Келин тушириш тараддуди ҳаммадан ҳам Малика холани чарчатган бўлишига қарамай, у ҳамон уйғоқ. Бошқаларни уйғотиб юбормаслик учун оёқ учида секин-секин юриб йиғиштирарди.

Атроф жимжит. Дарахтларга осилган катта лампочкалар атрофида парвоналар базм қурган. Дасталоглиқ тоғоралар ёнига келган кучукни ҳайдайман деб, Малика хола сингисини уйғотиб юбораёзди. Ҳовлидан кучукни ҳайдаб чиқарди-да, битта-битта босиб уйга кириб кетди.

Бир нафас бошини ёстикқа қўйиб кўрди. Ухлай олмади. Туриб, уй ичида анча вақтгача ғимирсиб юрди. Қани энди уйқу кела қолса. Бир томондан келин кўрганидан қувонса, бир томондан хотиралар, неча йиллардан бери қалбида сақланиб келаётган эзгу армонлар унинг бутун асабларини уйғотиб юборган эди.

Очиқ деразадан уйга куз тунининг салқин ҳавоси ўрмалайди, ҳовлидаги лампочкалардан тушган ғира-шира нур чироқ ёқилмаган уйга ҳам, хонтахтанинг бир четида қимир этмай ўтирган Малика холага ҳам ҳаёлий бир тус берган. Ҳовлида яна кучук пайдо бўлди шекилли, кимдир уйқу аралаш ғўлдираб, уни ҳайдади. Малика хола ўрнидан туриб, дераза пардасини туширди-да, чироқни ёқиб қўйиб, яна ўрнига келиб ўтирди. Идиш-оёқ ювганиданми, қўлидаги узукнинг кўз атрофлари хиралашиб қолгандай эди. Малика хола игна билан уни яхшилаб тозалади. Кейин кафтига олиб, анча вақтгача тикилиб ўтирди-да, яна оҳиста бармоғига олди.

Бу узукни тўй куни эри тақиб қўйган эди. Ўша пайтларда узукни безаган бу тош кўзлар, кейинча унинг кўзларига айланди-ю, ҳамма жойда Маликахонни кузатиб турди, қорамой ичида кулиб қаради, йиқилмоқчи бўлганда қўлидан тортди. Бу узук тақилганда, унинг қўллари қандоқ эди? Тикмачоқдай, оппоқ, ҳаётнинг оғир машаққатларига ҳали урилмаган беғубор, нозик қўллар эди. Мана энди томирлари бўртиб чиқибди, ҳар жой-ҳар жойда доғ пайдо бўлибди. Бир вақтлар оппоқ қўлларга гулдек ярашган, фақат зийнат учун тақилган узук, кейинча муҳаббат, садоқат рамзи бўлиб, бу қўлларни меҳнатга, ҳаётга яшашга ундади. Садоқат, меҳнат рамзига айланди-ю, ўзини зийнат сифатида бегона қўлларга ўтишдан сақлаб қолди.

Келин туширишга йиққан-терган ҳам, меҳмонларнинг олдига манзур бўларли дастурхон ёзган ҳам, келинга чиройли кийимлар тиктирган ва кийдирган ҳам мана шу жафокаш, меҳнаткаш қўллар эди.

Тонг яқинлашиб қолибди: онда-сонда хўрозларнинг қичқириви эшитила бошлади. Малика хола кўрпа қатидан калит олиб, даранглаб кетмаслиги учун жуда эҳтиёткорлик билан сандиқни очди. Димоғига куя дори ҳиди билан яна аллақандай таниш бир ҳид урилгандай бўлди. Ҳамма вақт қулф турган бу сан-

дикда эркакларнинг бир-икки дона кўйлаги, кийилиб анчагина нимдош бўлиб қолган бир пальто билан янгигина костюм бор эди, холос. Малика хола уларни сандикдан олди. Тиззасига қўйиб, пальтонинг ёқа ва енгларини секин-секин, гўё озор бериб қўйишдан кўрққандай бир кайфиятда силади. У ўн етти йилдан бери бу машғулоти тақорлашдан зерикмади. Баҳор бўлса, куя дорига солади, куз бўлди дегунча, сандикни олиб, қоқиб, силкиб илиб қўяди. Қишда бу пальто ўғли ва ўзининг пальтолари қаторида илиғлиқ туради. Эгаси ҳам шу ерда, шулар билан, фақат яқингина бир жойга чиққану, ҳозир келиб киядигандай.

Уруш йиллари рўзғор танқислиги уни кийнаган пайтларда ҳам буларни асради. Меҳнат қилишга қодир бўлган шу қўллари билан унинг пальтосини бозорга олиб чиқадими?! Бу пальтони меҳнат қилиши, пул топиши, рўзғор тебратиши мумкин бўлган соппа-соғ шу қўллари билан бировга элтиб берадими? Сотадими?! Бу кийимлар унга қандоқ ярашарди. Айниқса костюмини яхши кўрарди, эҳтиётлаб киярди. Қанча яхши ниятлар билан олинган бу кийимларни наҳотки бошқа биров кийиб йиртса... Йўқ! Ўзи кияди, ўзи кийиб йиртади...

Шу пайтгача доим рўзғор иши билан банд бўлган Маликаҳон заводга ишга кириб кетди. Ўғлини бўлса, боғчага жойлаштирди. Меҳнат аламини енгиллатгандай, дардига дармон бўлгандай туюлди. Тақдири уникага ўхшаган кўп ёш аёллар унга сирдош, дўст бўлдилар. Бировининг эридан хат келса, юзтаси тенг қувонишди, биттасининг бошига тушган ташвишни ҳаммаси бирга тортишди. Маликаҳоннинг эридан қорахат келиб, бошига қора кун тушганида ҳам ана шу аҳил оила унга ҳамдард ва таянч бўлди. Букилишга, йиқилишга қўймади. Ўша куни Маликаҳон ишдан қайтгач, пальтосини ечиб илар экан, эрининг осиглиқ турган пальтосига юзини ўраб ўкириб-ўкириб йиғлади. Ана шундан кейин бу пальто билан костюм Маликаҳонга яна ҳам азизроқ туюлиб қолди. Аввал севган кишисининг кийими бўлса, энди ундан ёдгор ҳам бўлиб қолган эди. Шундан кейин ҳам барибир бу пальто қишда илинди, ёзда куя дорига солинди.

Ўғли Бахтиёр у вақтларда жуда ёш эди. Онасининг аҳволини яхши тушунмас, нима учун онаси уни битта эмас, доим иккита ўпишига ҳам ақли етмас эди. У энди Бахтиёрга онагина эмас, ота ҳам эди. У ҳамма вақт – уйда ҳам, кўчада ҳам эрининг хотирасини ҳурмат қилиб яшади. Ёшлигини, бутун умрини унинг хотирасига бағишлади. Ана шу хотира ҳурмати учун Бахтиёрни дадасига ўхшаш меҳнаткаш, софдил қилиб ўстиришга ҳаракат қилди. Бахтиёр чиндан ҳам дадасига ўхшади. Унинг муомаласи, меҳнатсеварлиги, меҳрибонлиги, ҳатто баъзи бир қилиқларига қараб турганида, Малика холанинг назарида эри ўлмагандай, у фақат қайта яшашга бошлагандай туюларди. У тирик. Ана у Бахтиёр бўлиб яшайпти. Уни Маликаҳон ҳаётга қайта келтирди. Мана шу меҳнаткаш қўллари унга ҳалол нон едирди, тоза кийим кийдирди. Силади, эркалади, уни одам, чинакам инсон қилиб ўстирди. Мана, бугун у келинлик бўлди. Дадаси бўлса қандоқ қувонарди... У бутун тўй давомида Малика холанинг кўзидан кетмади: муборақбод қилиб келувчиларни кутиб олди, ўйин-кулгига бош бўлди, ўғли билан келинининг пешонасидан ўпиб, уларга бахт тилади. Буларнинг ҳаммасини Малика хола кўриб турди. Қалби, хаёли билан кўриб турди!

Тўй шарофати билан тун бўйи ёқик қолган чироқлар тонг билан уланиб кетди. Ўйқудан анча тиниқиб турган кўнгил яқинлар чойдан кейин яна қолган-қутган идиш-оёқларни ювиш, йиғиштириш билан овора бўлдилар.

Малика хола келинининг олдига кирди. Келин-куёв унинг ҳурмати учун ўринларидан туришди, ўтиришга таклиф қилишди. Келин бир оз уялинкараб

туриб, қайнонасига чой узатди. Бахтиёр бўлса, онасининг кўзига бирданига катта киши бўлиб қолгандай эди. У шу топда дадасига жуда-жуда ўхшаб кетди.

Малика хола келин-куёвни ортиқ уялтирмаслик учун келини узатган чойни ичди-ю, пиёлани қайтиб бермади. Кучоғида олиб ўтирган костюм билан пальтога қараб анча вақт жим ўтириб қолди. Келин ҳайрон. Бахтиёр бўлса онасининг нима учун бу нарсаларни шу бугун кўтариб юрганлигига тушунмай, кўзларини пирпиратиб унга тикилар эди.

Малика хола кўзига келган ёшни зўр куч билан қайтариб, бошини кўтарди:

– Ўғлим, шу вақтгача отангнинг мана бу кийимларини сенга кийгин, демаган эдим. Бугун олиб кирдим. Энди уйлик-жойлик бўлдинг. Катта киши бўлиб қолдинг. Энди буларни кийсанг бўлади. Байрам кунларида, яхши кунларда кийгин. Аяб-асраб кийгин.

Малика хола титраган қўллари билан кийимларни ўғлига узатди. Томоғига келган алланарсани ютди-ю, очик, меҳрибон чеҳра билан келинига ўгирилди:

– Қизим қайнотангиз бўлганда, билмадим, сизга нималар совға қилар эди. Мана бу узукни менга тўй куни тақиб қўйган эди. Бугун ўша киши учун мен сизга тақиб қўяман. Ҳамма вақт тақиб юринг. Зийнат учун эмас, ҳурмат учун тақинг. Қўлларингиз менинг қўлларимдек меҳнаткаш, ҳалол бўлсин. Лекин меҳнатни мендек ёлғиз эмас, бирга қилинглар, қўша қаринглар. Бахтиёр сизни ҳеч хафа қилмайди. Уни мен ана шунақа қилиб ўстирдим. Отасига, қайнотангизга ўхшаган бўлди. Сиз ҳам қизим, уни ҳеч хафа қилманг.

Малика хола билинар-билинемас титраган қўллари билан узукни келинининг қўлларига солар экан, ўзининг бир вақтги қўлларини, оппоқ, беғубор қўлларини эслади. Келинининг кўзида ёш ялтиради. Демак, бу оппоқ, момиқ қўллар мана шу узук ҳурматига ҳеч хиёнат қилмайди. Ҳаётда тутган нарсасини қўймайдиган, нозик, аммо забардаст қўллар бўлади.

1962 йил.

Ўлмас Умарбеков,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ОЛА МУШУК

(Ҳикоя)

Зайнобиддин Омонов янги ишга ўтганидан бери ҳафтанинг уч куни уйда бўлса, тўрт куни сафарда. Институтни тамомлаб қарийб ўн йил ишлаган. Илгари шаҳардан чиқмасди. Чиқишни ўзи ҳам истамасди. Ҳар куни соқол қиртишлаб, ванна қабул қилишга ўрганган одам бегона жойда ётиб қолишни ёқтирмасди. Аммо на илож? Замон ўзгариб кетди. Хўжайиннинг айтганини қилмасанг, ишдан ажралиб қолиш ҳеч гап эмас. Шу хўжайинининг гапини икки қилмай мана, уч йилки, Олмалиқми, Балиқчими, Шахрисабз ё Вобкентми, қаёққа деса, кетаверади. Унинг сафарлари кўпроқ ҳафтанинг иккинчи ярмига тўғри келади, шанба, якшанба ҳам шунга кириб кетади. Бир томондан бу яхши. Шанба куни қаерда бўлмасин, мезбонлар; ўзбекчилик, уни олиб қолишади. Эртасига кечга яқин жўнатишади. Илгариги райкомларнинг боғларидами ё ўзлари апил-тапил кўтарган баҳаво, кўпчилик билмайдиган хуфия меҳмонхоналардами, баҳонада

бир дам олишади. Зайнобиддин Омонов шундай жойларда яйрайди, янги ишда ишлаётганидан хурсанд бўлади.

Ёмон томони шуки, ҳар куни тахи бузилмаган рўмолча тутиб, галстук та-қолмайди, хотини уйда ёлғиз қолади. Тасаввур қилинг, уч хоналик квартира-да (райкомда ишлаганининг энг катта фойдаси) ёш аёл нарса неча кун бир ўзи қолиб кетади. Тагин ҳам Хурсандхон тушунадиган, эрига ҳурмати баланд аёл. Бўлмаса тўполон қилиб юборарди. Тўғри, баъзида ғиншиб қўяди. Лекин Зайнобиддин Омонов унинг ловуллаб ёниб кетишига йўл қўймайди. Ғиншиган пайтидаёқ дархол қўлига бирон нарса тутати. Шаҳарда топилмайдиган нарса четда албатта топилади. Шунинг учун қаерга бормасин, доим чўнтагида олиб юрадиган, хотинининг ўзи тузиб берган буюртмалар рўйхатидан бирон нарса олиб келади. Бечора Хурсандхон. Бирпасда ҳовуридан тушади. Эрини кучоқлаб ўпган бўлади-да, нарсани кўтарганича ўз хонасига кириб кетади. Нарса лойиқ келса, ёқса, ундан бахтли одам йўқ. Зайнобиддин Омонов ҳеч ташвишланмай яна сафарга тайёрланаверса бўлади. Хурсандхон йўлини тўсмайди. Алдагани бола яхши, деб тўғри айтишган. Бозор муносабатларига ўтилаётган даврда хотинлар ҳам боладек алданадиган бўлиб қолишди. Хўрозқанд тутқазсанг ҳам олишаверади. Бирон нарса бўлса бўлди. Зайнобиддин Омонов албатта бу гапни ҳеч кимга айтмайди. Ичидаги, фақат ўзигаю хотини Хурсандхонга алоқадор гап бу. Хотиннинг кўнглини олиб, анчагина тинчиб, эртасига ишхонага боради.

Хўп ғалати ишга дуч келиб қолган у. Комсомолда, кейин совет-партия идораларида ишлаб юрган пайтлари, бир кун келиб, «Тақсим» деган қўшма фирма пайдо бўлади, ўшанда ишлайсан, туршак-майиз, бодом, pista, болалар, хотинларнинг қўйлак-иштонлари билан шуғулланасан, деб қолса биров, қаттиқ ранжирди, хафа бўларди. Ҳамма ёқни, ҳаммани қўлида ушлаб, титратиб турган компартия энди йўқ, совет идоралари ҳам йўқ. Шу идораларда ишлашни у касб, деб ўйлаган эди, шу касбга отасининг, таниш-билишларнинг ҳаракати билан интилган эди. Район ижроия комитетидан райкомга инструктор бўлиб ўтганда уйланди. Хурсандхоннинг ота-онаси уч-тўртта одамни рад қилиб, Зайнобиддин Омонов томонидан борган совчиларга розилик беришди. «Бугун инструкторсиз, кўп ўтмай бўлим бошлиғи, кейин котиб бўласиз, буни кудаларимиз яхши билишади» деган эди ўшанда дадаси. Рад қилишганлардан биттаси ҳозир аллақандай ширкат бошлиғи. «Мерседес»да юради. Иккинчиси чет элдан бери келмайди. Яна биттаси ҳали ёшига тўлмаган ўғлига атаб пишиқ ғишдан қўшқаватли уй қурдириб қўйибди. Бухоро амирининг қасри дейсиз.

Аҳён-аҳён Хурсандхон ғиншиб, шуларни Зайнобиддин Омоновга эслатиб қўяди. «Сиз ҳам ўшаларга ўхшасангиз-чи!» дейди. Аслида «Тақсим»да ишлаётганига ҳам хотин сабабчи. Бир кунда райком йўқ бўлиб, у «Билим» жамиятига ўтганида роса қийналишди. Анча вақт Зайнобиддин Омонов юз берган воқеага, янги ишга қўниқолмай юрди. Баъзан кечалари уйқуси қочиб кўчага чиқадиган, хувиллаб ётган қоп-қоронғи қадрдон райком биносини кўриб келадиган одат чиқарди. Бу бинода ҳеч қачон чироқ ўчмасди, жуда бўлмаганда учинчи қаватдаги биринчи котибнинг кабинетида тун бўйи чарақлаб ёниб турарди.

«Райком ишляпти!» – дерди одамлар ёруғ деразаларга ғурур билан қараб. Зайнобиддин Омонов ҳам шундай дерди. Хатто ўзи ҳам, айниқса, бўлим мудир қилиб тайинланганидан кейин баъзи кунлари тонг-сахаргача райкомда қолиб кетарди. Райкомда, ундан андоза олган ижроқўмда ҳам ҳеч ким ўрнатмаган, лекин қонун даражасига чиқиб кетган тартиб бор эди. Биринчи котиб кет-

магунча иккинчи котиб жойида ўтирарди. У жойида бўлгани сабабли биринчи билан бирга учинчи котиб ҳам кетмасди. Унга қараб ҳамма бўлим бошлиқлари жой-жойларида ўтиришарди. Кўпинча биринчи котибнинг ўзи кимлар қолиши кераклигини айтарди. Кетадиганлар қоладиганларга ҳасад билан қарашарди. Биринчи кимни олиб қолса, яқин вақтда ўша одам кўтарилиб кетар ё мустақил ишга ўтказиларди.

Зайнобиддин Омонов партиявий ишда кўтарилишга ҳам, мустақил ишга ўтишга ҳам улгурмади. Райкомлар тарқалиб кетди. Шундан икки ойча муқаддам бир йигит унинг ҳузурига кирди. Кўзларида ёш, қўллари титрайди.

– Тинчликми? Келинг? – сўради Зайнобиддин Омонов ҳайрон бўлиб.

Йигит «Тошкент» меҳмонхонаси ресторанида миллий таомлар ошпази экан. Кимнингдир чакуви билан унинг партия внослари текширилибди ва гўё даромадининг ярмидан кўпини яширгани маълум бўлибди. Бошланғич партия ташкилотида уни партиядан ўчиришга қарор қилишибди. Иши ҳозир райкомда экан. Йигит ёшлиқ қилибди, внос тўлашнинг сиёсий, муқаддас вазифа эканлигини тушунмай, шундай аҳмоқлик қилиб қўйибди.

– Синаб кўришсин, кечиришсин! – деди кўзига ёш олиб йигит. – Яна хато қилиб қўйсам кейин майли, ўчиришсин. Партиясиз ҳаёт мен учун ҳаёт эмас. Ўзимни осиб қўйишим мумкин, Зайнобиддин ака! Ёрдам қилинг! Жон ака! Менинг кимлигимни умр йўлдошингиз Хурсандхон биладилар. Бир мактабда ўқиганмиз. Мен еттини битириб, савдо техникумига кетиб қолганман. Жон Зайнобиддин ака! Мартабангиз бундан ҳам баланд бўлсин. Мени бу шармандаликдан қутқариб қолинг.

– Бўлди, бўлди. Ўзингизни босинг. Партияни алдабсиз, яхши бўлмабди, – уришган бўлди Зайнобиддин Омонов, аммо хотинининг исмини тилга олганидан унга ёрдам қилгиси келди.

– Икки кундан кейин келинг. Гаплашиб кўрармиз.

Йигит кўзларини ишқалаб, миннатдорчилик билдирди, ергача букилиб хонадан чиқди. Зайнобиддин Омонов унинг ишини секторда қайта кўриб чиқишга олиб, вақтинча сейфига солиб қўйди. Ҳеч ким ундан ҳужжатларни қайта сўрамади. Ўзидан-ўзи бу иш йўқ бўлиб кетди. Ўшанда йигит икки кун ўтгандан кейин Зайнобиддин Омонов ишдалиқ пайти уйга келди. Хурсандхонга миннатдорчилик билдириб, икки кассеталик магнитофон ташлаб кетди. Зайнобиддин Омоновнинг жаҳли чиқди. Хотинидан адресни суриштириб магнитофонни қайтариб беришга аҳд қилди.

– Ўсингизни ебсиз, – деди ўшанда Хурсандхон.

– Бу одамга битта магнитофон писта пўчоғидай гап. Ўзингизни уялтирманг. Билмагандек бўлиб юраверинг. Манитофонни кейин менга бериб кетди, сизгамас.

Зайнобиддин Омонов бир-икки ғижиниб юрса ҳам хотинига қулоқ солди. Тўғри-да, катта бошини кичкина қилиб, магнитофонингизни мана, олиб келдим, дейдими? Индамай олиб қолса ҳам майли, устидан кулади. Эркак одамнинг бунга чидаши қийин. Зайнобиддин Омонов ҳеч кимга ўзини мазах қилишга йўл қўйган эмас, йўл қўймайди.

Ана шу партиядан ўчиб кетишига бир қадам қолган, икки кассеталик япон магнитофони ташлаб кетган одам унинг ҳозирги ҳўжайини, «Таксим» қўшма фирмасининг президенти Валижон Садиорович Садиоров эди. Аввало у билан ташишишига, шу фирмага ишга кириб кетишига хотини сабабчи бўлди. Кунлар-

нинг бирида Хурсандхон ишдан кечроқ қайтди. Кела солиб овқатга уннайдиған одам бу гал эрининг олдиға куруқ нон-чой қўйди. Даромадининг мазаси кетганлигидан ичида эзилиб юрган Зайнобиддин Омонов индамади. Хотини ўйчан ва нимадандир қаттиқ ҳаяжонга тушган эди. У болалар поликлиникасида ишларди. Бош врач, ўзи тенги Қўқондан эрининг кетидан келган жувон билан оралари чатоқ эди. Хурсандхон унинг кўп ишларидан норизо эди, қаттиқ жаҳли чиққан пайтлари: «келгинди!» деб қарғарди. Яна иккови уришган бўлсалар керак, деб ўйлади Зайнобиддин Омонов.

– Тинчликми?

– Эртага эртароқ келинг. Меҳмонга борамиз. Ўзлари олиб кетишади.

Хурсандхон эрига қарамай гапирди. Суви қочган нонни лабларини буриштириб синдирди-да, чойда ивитган бўлиб оғзига солди.

– Ким чақиряпти?

– Валихон Садирович.

Зайнобиддин Омоновга бу исм-шариф танишдек туюлди, лекин кимлигини эслолмади.

– Магнитофон берган одам-чи, мактабдошим, – тушунтирди Хурсандхон. – Ўғлини олиб келди. Қулоғига сув кирган экан. Сизни сўради. Салом айтди. Эртага Қибрайдаги боғларига нозик меҳмонларни чақираётган экан. Сиз ҳам хўжайин билан албатта борарсиз, деди. Ўзим машина юбориб олдириб кетаман, деди. Борайлик, янги чиққан бойларнинг қандай яшаётганини кўрасиз.

Хурсандхон «курс» этказиб қотган нонни тишлади.

Зайнобиддин Омоновга хотинининг гаплари эмас, ана шу, суви қочган нонни зарда билан тишлаши таъсир қилди, эътирози ичида қолди. Бўлмаса боргиси, хотини айтаётган янги чиққан бойларнинг ҳаётини кўришга мутлақо хоҳиши йўқ эди. Албатта илгариги иши бўлганида ўнта Валихон Садирович чақирмайдими, бормасди. Хотинининг қош-қовоғига қараб ўтирмасди. Зайнобиддин Омонов ичидан бир зил кетди. Аммо билдирмади.

Эртасига хотини айтганини қилиб, уйга эртароқ қайтди. Хурсандхон кийиниб бўлиб, юз-кўзига пардоз бераётган эди.

– Кийинақолинг дарров! – буюрди ойнадан кўз узмай.

Зайнобиддин Омонов беихтиёр эгнига разм солди.

– Янги костюмизни, қора туфлингизни кийинг! – деди хотини.

Зайнобиддин Омонов елкасини қисиб қўйди-да, ўрнидан турди. «Аввал бир пиёла чой берса бўларди!» – хаёлидан ўтказди у, аммо гапни чой ўрнида ютиб, хотини айтгандек қилди.

Эшик қўнғироғи чалиниб, улар аста тушишганда, кўчанинг лабида кумушранг «Волво» турарди. Уларни кўриши билан шофёр машинадан чиқиб, айланиб ўтди-да, орқа эшикни очди.

– Марҳамат!

Хурсандхон машина оҳиста, овозсиз жойидан қўзғалганда, эрига қараб, бошини сарак-сарак қилиб қўйди.

Валихон Садировичнинг Қибрайдаги боғига ярим соатда етиб боришди. Боғ кимники – Зайнобиддин Омонов англамади. Катталигидан, тўрт-беш жойга алоҳида-алоҳида пишиқ гиштдан иморатлар қўндирилганидан унинг назарида битта одамнинг хусусий боғи эмас эди. Тагин ким билади, ҳеч нарсага ҳозир ажабланиб бўлмайди.

Гуп этиб димоққа урилган муздек ҳаво, райхон ҳиди, ҳар ер-ҳар ерда оти-

либ турган фонтанчалар Зайнобиддин Омоновнинг бир оз чехрасини очди, узоқдан уларни кўриб, қаршиларига қўлларини ёзиб келаётган таниш одам, партиядан ўчиб кетишига бир баҳя қолган, икки кассеталик япон магнитофони ташлаб кетган, хотинининг мактабдоши Валихон Садировични кўриб, келганига ҳатто хурсанд бўлиб кетди.

Валихон Садирович Хурсандхон билан бош қимирлатиб кўришди-да, эски қадронлардек Зайнобиддин Омоновни кучоғига олди.

– Мана, ниҳоят кўришдик, халоскорим!.. – Унинг озгина кайфи бор эди. Аммо нима ичганини Зайнобиддин Омонов билолмади.

– Хурсандхон! Дўстимизни олиб келганингиз жуда яхши бўлибди. Бир кун албатта учрашишимиз керак эди. Раҳмат.

Валихон Садирович икковини қўлтиқлаб, рўпарадаги икки қаватли уйнинг орқасига олиб ўтди. Меҳмонлар шу томонда, дастурхон шу томонда ёзуғлик эди. Зайнобиддин Омонов боғнинг этагида баланд темир ўчоқ устида худди қудуқнинг ғалтагидек секин айланиб турган бутун қўйга кўзи тушиб, бирдан қизариб кетди. Арабча пиширилаётган қўйни кўрганиданми, ё димоғини ка-боб ҳиди қитиқлай бошлаганиданми, у билолмади, аммо ўзини ноқулай сезиб, юришини секинлатди. Хурсандхон ҳайрон бўлиб унга қараб қўйди. У аксинча, ўзини жуда эркин ҳис қила бошлаган эди. Ҳатто унинг кулишида, қарашларида Зайнобиддин Омонов ҳеч маҳал кўрмаган, эшитмаган дадиллик, шўхлик пайдо бўлган эди.

Валихон Садиров уларни узун, атрофига стуллар қўйилмаган, турли ноз-неъматларга тўла стол ёнигача олиб борди. Меҳмонлар ўзлари билан ўзлари овора, уларга қарашмади.

Уй эгаси ҳам уларни ҳеч ким билан таништирмади. Зайнобиддин Омонов столдан кўзини узиб хотинига қарагунча, мезбон ғойиб бўлган, унинг ўрнида эса катта патнисда турли ичимликлар кўтариб, официант йигит турарди.

– Нима ичасиз? – сўради Зайнобиддин Омонов хотинидан.

– Шампан! – Хурсандхоннинг кўзлари ўйнаб кетди.

Зайнобиддин Омонов бундай ҳозиржавобликни кутмаган эди, турли ранг-даги ичимликларга жавдираб қараб қолди. Шампан виноси солинган фужер ҳа-деганда кўриनावермади. Официант йигит эса ҳайкалдек қотиб турарди. Шампан бўлмаслиги мумкин эмас. Патнисда ўндан ортик фужер, румкалар турарди. Зайнобиддин Омоновнинг бурни устида тер томчилари пайдо бўлди. Хурсандхоннинг ўзи ёрдамга келди.

– Қўлингизни остида, патнис четида, – тушунтирди у. Шундагина Зайнобиддин Омонов кўпириб турган фужерни кўрди, олиб хотинига узатди. Хурсандхон бепарволик билан шивирлади.

– Ўзингизга ҳам бир нарса олсангиз-чи!

Зайнобиддин Омонов уялинқираб жилмайди. Танлаб, бир фужерни қўлига олди.

– Чанқадингизми? – яна шивирлади Хурсандхон.

– Йўқ, – деди Зайнобиддин Омонов ва шундагина фужерга қаради. У шунча ичимлик қолиб, Тошкент суви олган эди. Беихтиёр ёнига ўгирилди. Патнис кўтарган официант аллақачон столнинг нариги бошига кетиб қолган эди. Шу тоб иккинчи бир официант тугмадек-тугмадек тандир сомса кўтариб келди. Хурсандхон тақсимчани эрига узатди.

– Иккита бўлади.

Зайнобиддин Омонов сувни стол устига қўйиб, хотини айтганини қилди. Ўзига ҳам иккита олди. Оғзига солиши билан эриб кетадиган думбали сомса эди. Шундан кейин овқат устига овқат уланиб кетди. Хамирида кун кўринадиган манти тортилди. Кетидан косанинг тагида нўхатли палов. Арабча кабоб пишираётган иккита йигит, қизариб жигарранг тус олган қўйни ўчоқ ёнидаги стол устига олиб қўйишди. Меҳмонлардан биттаси тақсимча кўтариб, уларнинг олдига борди. Кабобпаз қўйнинг сонидан бир бўлак кесиб, унинг тақсимчасига солди. Янгича кабобдан тотиб кўрмоқчи бўлганлар битта-битта ўша томонга юришди.

– Юринг, – буюрди Хурсандхон.

Зайнобиддин Омонов иккита тақсимча олиб, хотинининг орқасига ўтди. Унга кабоб ўтиришмади. Гўшт юмшоқ, ёғлиқ бўлса ҳам, ўзимизнинг сих кабоб унга маъқулроқ эди. Хурсандхон ҳам емади. Ў ўзини аяди, ё ёқмади. Зайнобиддин сўрамоқчи бўлганида нотаниш одам унинг тирсагидан ушлади.

– Зерикмаяпсизми, Зайнобиддин ака?

Зайнобиддин Омонов новча, ингичка мўйлов қўйган бу одамни қаердадир кўргандай бўлди-ю, лекин эслолмади. Йигит ўзини танитди.

– Валихон аканинг муовинлариман. Алишер Нурматов. Алишер деяверинг. Опа, акамларга бир боғни кўрсатиб чиқаман, майлими?

– Бемалол, – деди жилмайиб Хурсандхон ва нигоҳида бирдан пайдо бўлган меҳр билан эрига қараб қўйди.

– Хавотир олманг, – деди Алишер Нурматов Зайнобиддин Омоновнинг хотинига қараганини ўзича тушуниб. – Опамлар ёлғиз қолмайдилар.

Зайнобиддин Омонов шу заҳоти хотинининг ёнига бир аёл келаётганини кўрди. Алишер Нурматов уни боғнинг ичкарасига бошлади.

– Валихон акамиз ажойиб одам, ажойиб раҳбар, – у Зайнобиддин Омоновнинг тирсагидан ушлаганича борарди.

– Турган-битганлари ақл десам, хато бўлмайди. Фирмамизнинг асосчиси шу киши бўладилар. Йигирмага яқин мамлакат билан алоқамиз бор. Валихон аканинг ташаббуслари билан фирмамиз ўз ишини мармартош чиқиндисидан бошлаган эди, жумхуриятимиз хўжалигининг зарур бир бўлаги бўлиб кетди. Фирма қилмаган иш йўқ. Битта мисол. Валихон аканинг таклифлари билан Польша орқали Францияга ўзимизнинг чўл тошбақасини сотаяпмиз. Биласизми, битта тошбақа неча пул? Ўн доллар! Биз йиғиб қўямиз, ўзлари олиб кетишади. Музейлар экспедиция уюштириб, халқдан қўлда тикилган палак, дорпеч, атлас, шуларга ўхшаш нарсаларни арзон-гаровга сотиб олиб кетаркан. Валихон ака шуни билиб қолиб, нархни икки баравар кўтариб юбордилар. Халқнинг ўзи бизга олиб келиб беради тиккан нарсасини. Чет элга нима қизик? Ким тиккани, ким тўқигани қизик! Чиройли пўлат пластинкаларга муаллифларининг номи ёзиб, Олмонияга олиб бордик. Талаш бўлиб кетди. Тўртта палак олиб борган эдик, юзта заказ тушди. Хуллас, кўз тегмасин, «Тақсим» Валихон ака раҳбарлигида гуркираб кетаяпти. Зерикмаяпсизми?

Алишер тўхтаб, Зайнобиддин Омоновнинг кўзларига тикилиб қаради. Зайнобиддин Омоновга у айтаётган гаплар маълумдек туюлса ҳам қизиқиш билан кулоқ солди. Палак, дорпечларга четда қизиқиш катталигини, Европада тошбақаларимизнинг нархи баланд эканлигини эшитган эди, аммо ҳеч ким бу ишлар билан шуғулланмас эди. Шуғулланса ҳам шундай қўл учиди шуғулланарди. Валихон Садиров фирма ташкил қилиб юборибди. Йўқдан бор қилиш, пулни

пулга чақиш деб, шуни айтсалар керак. Шундай фирма ташкил этиш, шундай ишлар билан шуғулланишга унинг ҳам ақли етувди-ку, нега шундай қилмади? Шундай қилганида Валихон Садирович эмас, Зайнобиддин Омонов шу боғда, балки ундан ҳам гўзалроқ жойда зиёфат берарди, биттамас иккита бутун қўйни кабоб қилдирарди. Унинг Валихон Садировга, ёнида тиним билмай гапириб келаётган, Валихон Садировнинг соясига ҳам салом беришга тайёр муовини Алишер Нурматовга рашики келди.

Кимлар ўзи улар? Қаердан пайдо бўлиб қолишди? Нима учун бирдан уларнинг иши юришиб кетди, буларга бойлик қўнди? Зайнобиддин Омонов шундай ўйлар экан, бир нарсани фаҳмлади. Беиш қолиб, бошига оғир кунлар тушганда ҳам оёқлари остидаги тошбақалар, музейларда, хонадонларда куя еб ётган паллак, дорпечлар хаёлига келгани йўқ. Хусусий фирма, дўкон очишни матбуот жар солиб ётган бўлса ҳам ўйламади. Валихон Садировларга эса жон кирди, бирдан очилиб кетишди.

Улар бир соатдан зиёд боғни айланишди. Алишер Нурматовнинг турган-битгани гап эди. Бир дақиқа тинмади. Зайнобиддин Омоновга оғиз очтирмади. Қайтишаётганда Зайнобиддин Омонов ҳар қаёқдан, тўғридаги қўшқаватли уйдан ҳам иккита-иккита – бир аёл, бир эркак бўлиб, чиқиб келаётган ширакайф меҳмонларни кўрди. Яна дастурхон ёзилган узун стол ёнига яқинлашаётганда одамлар ичидан хотинини кидирди, аммо кўринмади. Тўғридаги уйда биринкетин чироқлар ўчиб, ҳозиргина ёришиб турган гулпардалик деразалар қорая бошлади. Зайнобиддин Омонов бирдан жойида тўхтаб қолди. Иккинчи қаватдаги ёруғ дераза олдида хотинининг боши пайдо бўлди. Қалин ва қора сочлари орқасига тугун қилиб боғланганидан, бўйнидаги бир қатор тилла занжир яраклаб кетганидан таниди. Хурсандхон уни кўргандек ва негадир ўзини четга олгандек бўлди. Зайнобиддин Омонов бўшашиб кетди.

– Нима бўлди? – сўради Алишер Нурматов яна диққат билан унга кўз тикиб.

– Йўқ, ҳеч нарса.

– Юринг, ўзимизнинг сих кабобдан еймиз энди.

Алишер Нурматов уни дастурхон тўрига бошлади. Ичимликлар тортилиб, битта-битта кабобдан еб бўлишганда уй эгаси Валихон Садирович пайдо бўлди. У қўлидаги виски солинган музли стаканни сезилар-сезилмас кўтариб, ҳамма билан ҳўшлашиб чиқди ва Зайнобиддин Омонов ёнига келди.

– Камчилик йўқми?

– Раҳмат. Ҳаммаси жойида. – Зайнобиддин Омонов беихтиёр қўлига фужер олди, оғзига олиб бориб ҳўплади. Оқ вино эди ичаётгани. Ичимликларга у бефарқ бўлганидан, винолигини ҳам сезмади. – Уйингизда бўлганимдан хурсандман.

Валихон Садирович бошини эгди.

– Бу уй ҳали қаровсиз. Янги олганман. Бугунги йиғилишимизни ҳовли тўйи десак бўлади. Фақат яқин одамларнигина айтдим.

– Раҳмат, – деди Зайнобиддин Омонов миннатдор оҳангда. Уй эгасининг уни ўз яқинларига қўшганидан хурсанд бўлиб кетган эди.

Валихон Садирович чўнтагидан визит қоғозини чиқариб узатди.

– Ишингизни ўзгартиринг. Бирга ишлаймиз. Кутаман.

Валихон Садирович стаканни оҳиста кўтариб уриштирган бўлди, жавоб кутмай, ҳатто унга қарамай бошқа меҳмонлар томон йўл олди.

Зайнобиддин Омонов хотини ёнида қаёқдан пайдо бўлиб қолганини сезмади. Хурсандхон бутун оғирлигини унга ташлаб суянди ва ўзининг жуда нозик, ҳаяжонли дақиқаларда қиладиган қарашидан қилиб унга қаради:

– Қаёққа кетиб қолдингиз, Зайнобиддин ака? Хотинингиз борлигини унутиб юбордингиз-ку?

Унинг ноз билан айтган гапларидан Зайнобиддин Омоновнинг дили ёришди, қўлини иссиқ белига юбориб, ўзига тортди.

– Валихон Садирович бирга ишлашни таклиф қияптилар, – деди бошқалар эшитмайдиган қилиб ва хотинининг қўлига шампан солинган фужер тутди.

– Нима дедингиз? – бепарво сўради хотини.

– Ўйлаб кўриш керак.

Ўзини тарозига солгандек салмоқ билан гапирди Зайнобиддин Омонов.

Эрининг феълини яхши билган Хурсандхон чўрт кесди-қўйди:

– Ўйлашга бало борми? Кўчага киядиган битта шу кўйлагим қолган, холос. Эртага яланғоч чиқаманми?!

У гап тамом дегандек шампандан бир хўплади-да, фужерни стол четига қўйди. Шу тоб Зайнобиддин Омонов унинг ингичка, узун бўйнининг икки жойида узунчоқ-узунчоқ қизил доғ кўрди. Бундай доғ нимадан кейин қолишини у яхши биларди. Боя дераза ортида уни кўрган пайтидагидек оёқларигача бўшашиб кетди. Бу нима, қаерда эдинг, деб сўрашга эса ботинмади. Хотини кўпчиликни ичида уни изза қилиб қўйиши мумкин эди. Аммо дилига шубҳа тушди. Яна боя олиб келган «Волво» олиб бориб қўйди. Шу шубҳа билан уйга қайтди. Фақат ўриндагина шубҳаси тарқади. Хотинининг ўзи тарқатди. Ёнига келди, эркаланди, яхши кўришини, бошқа одам унга керакмаслигини таъкидлади. Хотинини у яхши кўрар эди. Шубҳасини ҳайдади, доғларини чивин чаққанига йўйиб, ўзи ҳам эркаланиб кетди...

Валихон Садирович «Билим» жамиятидагидан уч баравар юқори маош тайинлади, ўша заҳотиёқ кассир аёл уни табриклаб, конверт узатди. Ҳали иш бошламай аванс олди.

Кечқурун эр-хотин анча вақт гаплашиб ўтиришди. Зайнобиддин Омоновнинг ҳозирги топиши бир ойнинг беташвиш емоқ-ичмоғи у ёқда турсин, кийим-кечагига ҳам бемалол етарди. Хурсандхон нималар олишни, албатта, аввало эрига узоқ гапирди. Зайнобиддин Омонов йўқ, аввал сизга, деса ҳам қулоқ солмади.

– Сиз энди ҳеч нарсага зорлиги бўлмаган ишбилармонлар орасида бўласиз, ярақлайдиган, ғичирлайдиган эмас, кўзга ташланмайдиган, аммо-лекин қимматбаҳо, асл нарсалар кийишингиз керак. Чарм куртка, бўлса жигарранг, бўлмаса қора, кейин юмшоқ, ипсиз туфли, сидирға оқ кўйлак, почаси билинар-билинемас торайган кулранг қора шим. Яхши камар. Яхши камарда гап кўп...

Хотинига қулоқ солиб ўтириб, Зайнобиддин Омонов тўқчилик одамни ўзгартиришига, меҳр-оқибатли қилишига яна бир бор ишонди ва янги ишга ўтганига суюнди.

Фирмада унинг қиладиган иши асосан филиаллардан хабар олиб туриш эди. Қайси филиалга бориб келишни Валихон Садировга кўпроқ бевосита бошлиғи Алишер Нурматов айтарди. Сафарга жўнаш чоршанба ё пайшанбага тўғри келарди. Чунки душанбада ишлар режалаб олинарди, ким қаёққа қандай топиши билан бориши белгиланарди. Зайнобиддин Омонов шу тартибга кўни-киб кетди. Сафардан қайтиб, душанба куни шошмасдан ҳисобот тайёрлайди.

Кўчиртириб раҳбарларга топширади. Сешанба куни раҳбарлар кўриб чиқишади. Асосан маъқуллашади. Чоршанбада қаёққа кетиши маълум бўлади. Ў ўша куни жўнайди, ё эртаси эрталаб. Хотини ҳам шунга кўникиб қолган. Лекин ба-рибир хотин – хотин-да. Ёлғиз қолгиси келмайди. Бирпас ғиншийди, мени ҳам олиб кетинг, деб хархаша қилади. Зайнобиддин Омонов ичида севинади. Аммо билдирмайди, ўзича уришган бўлади, исм-шарифи муҳрланган жигарранг дипломатига керакли нарсаларни солиб, уйдан чиқади. Кузатгани қўймайди.

Сафарда филиалларнинг ходимлари уни деярлик уринтиришмайди. Аввало унинг келишини билиб тайёргарлик кўриб қўйишади. Қилган ишлари, навбатдаги режаларни битта папка қилиб, келиши билан қўлига тутқазишади. Зайнобиддин Омонов шошмасдан танишади. Кейин филиал бошлиғи ё унинг ўринбосари билан жойларга боради. Хужжатлар билан амалдаги ишларни солишти-ради. Жойларга бориш, суҳбат, овқатланишлар билан кунлар тез ўтиб кетади. Қайтадиган вақт ҳам келиб қолади. Қаерга бормасин, Зайнобиддин Омонов-нинг қиладиган битта иши бор. Хотинига бирон нарса олиш кераклигини у одамларга айтади. Аммо ўзи бориб, ўз пулига олади. Фирмага ўтганидан бери пул масаласида у қийналмайдиган бўлиб кетди. Сафар пули шундай ишлатил-май қолади. Бундан ташқари унга худди бошлиқларга қилингандек яхшигина чўнтак пули ҳам беришади. Қайтганида эса мукофот олади. Шунча вақтдан бери у бир ой ҳам мукофотсиз қолгани йўқ. Мукофот билан маошини хотинига беради. Сафар ва чўнтак пуллардан баъзан ўзига бир нарса олади. Кўпинча эса одамлар олдиришмайди. Уят, деб ўзлари истаган нарсасини олиб беришади. Аммо Хурсандхонга у ўзи олади. Филиаллардагилар унинг бу одатини билиша-ди. Бу нарса хотинимга дейиши билан ўзларини четга олишади.

Зайнобиддин Омонов қайтишдан олдин бевосита бошлиғи Алишер Нурма-товга телефон қилади, қайтаётганини айтади. Алишер Нурматов ўта маданият-ли одам. Қайтишга рухсат бергандан кейин ўзи Хурсандхонга телефон қилиб, Зайнобиддин Омоновнинг қайтаётганини, хавотир олмаслигини айтиб қўяди. Хурсандхон эрини хурсандлик билан кутиб олади. Сафардан оч қайтмаслиги-ни билса ҳам, ошнинг сабзи-пиёзини бостириб кутиб олади. У яхши кўрадиган иссиқ патир нон олиб келиб қўяди. Хурсандхон ўша куни кечаси ҳам ундан ўз меҳрини аямайди.

Зайнобиддин Омоновга янги ишининг қанчалик даромадли бўлмасин, бит-та ўтиришмайдиган жойи бор, у ҳам бўлса рақамлар, ҳисоб-китоб. Яхши ҳам-ки, сафарларда хужжатларни – молнинг ҳажми, нархи, фойдаси, харажатлари, қўйингки, нима топшириқ билан кетаётган бўлса, шу топшириққа ҳамма жа-вобни филиаллардаги одамларнинг ўзлари тайёрлаб қўйишади. Аммо қайтган-дан кейин сафар, йўл харажатлари хужжатларини ўзи бухгалтерияга топшири-ши керак. Зайнобиддин Омоновнинг шунга тоқати йўқ эди. Аммо бунинг ҳам йўли топилди. Шаҳардалиқ пайтида, яъни душанба, сешанба кунлари фирмада у иккита жувон билан бир хонада ўтирарди. Биттаси Райҳон, иккинчиси Гулба-хор. Фирма АҚШга кўчиб кетган бадавлат яхудий докторнинг уйига жойлашган эди. Катта ҳовли, икки қаватли уй. Иккинчи қаватда Валихон Садирович ўз ёр-дамчиси ва бош бухгалтер билан ўтиришарди. Деярли ҳеч ким у ёққа кўтарил-масди. Зайнобиддин Омонов ҳам атиги бир марта ишга кириш учун келганида кўтарилган эди, холос. Ҳамма бўлимлар биринчи қаватда эди. Чақириладиган мажлислар, меҳмондорчиликлар биринчи қаватда, катта залда ўтар эди. Зайно-биддин Омоновга Алишер Нурматовнинг ёнидаги деразаси кўчага қараган хо-

надан жой ажратиб беришди. Илгари қизларнинг ўзлари ўтиришар экан. Энди ораларига у кирди. Аввал бирмунча сиқилиб ўтиришди. Пардоз-андозга бошқа хоналарга чиқишди, ҳатто чойни ҳам тортиниб ичишди. Аммо Зайнобиддин Омоновнинг камтар, тортинчоқлигини кўриб, ундан аста-секин уялмайдиган бўлиб кетишди. Олдида чой ичишади, бемалол сумкаларига ойналарини тираб, қош-кўзларини, лабларини бўяшади. Ҳатто аччиқ-чучук латифалар айтишади.

Биринчи гал «Гуличка» унинг аванс ҳисобини кўриб берди. Кўра туриб қошлари чимирилиб кетди:

– Нега йўл харажатларини, меҳмонхона, суточнийларни ёзмайсиз?

– Ишлатмадим-да, ўзлари тўлашди. – Ростини айтди Зайнобиддин Омонов. – Фақат боришга билет олдим, холос.

– Вой, содда одам! Берган пулни қайтарасизми?! Бунақада ҳаммамизни қайтариб берадиган қилиб қўясиз-ку? Ким сиздан шуни талаб қияпти? Ошиб-тошиб кетганмисиз?

Зайнобиддин Омонов кизариб кетди.

– Ҳаммасини ёзамиз. Иккинчи бунақа қилманг!

Гулбахор бирпасда машинкада чиқиллатиб ташлади. У тайёрлаган ҳисобот бўйича сафарга берилган пулларнинг ҳаммаси ишлатилган, ҳатто меҳмонхонага жиндай етмай ҳам қолган эди.

Зайнобиддин Омонов қаршилиқ билдирмади. Илгариги иши бўлганда, шаддод аёлни уришиб берарди. Инсофли-диёнатли бўлишга, давлатни алдамасликка чақирарди, лекин фирма давлат эмас, бу қизлар ҳам илгариги у билан ишлаган одамлар эмас эди. Бунинг устига у кўпчиликка қарши чиқиб бўлмаслигини яхши биларди. Қайси бир йили пок, бир сўзли, халқ, давлат, партия ишига садоқатли бир директор коллективнинг талаби билан райком бюросида ишдан олиб ташланган эди. Унинг ноҳақ ишдан олинаётганини ҳамма бюро аъзолари билишарди. У заводдан керакли, қимматбаҳо нарсаларни липпаларига қистириб олиб кетаётган одамлардан тўртта-бештасини тутиб олиб, судга берган эди. Коллектив унинг устидан хат ёзиб, қобилятсизликда, қўполлик, шафқатсизликда айблади. Бюро кўпчиликка қарши чиқолмади. Шу воқеа Зайнобиддин Омоновнинг эсида эди. «Гуличка» айтгандек қилмаса, кўпчиликни ўзига қарши қаратиб қўярди. Қайтарилмаган сафар пулларига олинган овқатлари бир неча кун томоғидан ўтмай, кийган кийимлари баданини куйдиргандек бўлиб юрди. Лекин одам нималарга кўникмайди? Зайнобиддин Омонов ҳам кўникиб кетди.

Хуллас, у ўз турмушидан ризо, хотини Хурсандхон ундан хурсанд эди. Лекин ойнанинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронғу деган гап бор. Зайнобиддин Омоновнинг бошига ҳам ҳеч қутилмаганда ташвиш тушди. Сешанбаларнинг бирида, ўшанда Андижонданми, Қўқонданми қайтган эди, адашмаса, Қўқондан қайтган эди. Алишер Нурматовнинг ҳузуридан кўнгли тўлиб чиқаётиб, хонасига кирмоқчи бўлганда бирдан тўхтаб қолди. Ичкарида Райхон билан Гулбахор унинг ғийбатини қилишаётган эди. Эшикни очиши билан қулоғига уларнинг гаплари чалиниб қолди.

– Зайнаб қўшмачига яна мукофотни ошириб ёзишибди! – Бу Райхоннинг овози эди. – Маники ўтган ойданам камайиб кетибди.

– Шуни ҳам тушунмайсанми? – деди Гулбахор. – Хурсандхон борган сари очилиб кетяптилар. Эгниларида ҳозир фақат французча кийим. Бу ўзи бўлади-ми?

– Эр бўлмай ўл! – Райҳон нимадир деб ўртоғининг қулоғига шивирлади. Зайнобиддин Омонов эшитмади, иккалови кулишди, кейин овоз чиқариб қарғади. – Билмай ўлсин! Билади! Ўзи қўшиб қўйган! Шундай яшагандан кўра, мен ўзимни осардим!

Зайнобиддин Омонов муз бўлиб кетди. Кейин қулоқларигача қизариб ёна бошлади, пешонаси, бурнини тер қоплади. Ичкарига кириш-кирмаслигини билмай жойида анча туриб қолди. Аёллар бошқа гапга кўчишди. У бўлса орқага қайтишни, ҳозир улар билан учрашмасликни лозим топиб, ҳовлига тушди. Ҳовлининг этагига, баланд ўрикнинг остига дам оладиган жой қилиб қўйилган эди. Шу ерга бориб ўтирди. «Наҳотки, наҳотки, уларнинг гапи рост бўлса?» Зайнобиддин Омонов ўйланиб кетди. Янги ишга ўтганидан бери хотини анчагина ўзига оро берадиган бўлганини эслади. Баъзан кеч қайтади ишдан. Бўш қолди дегунча воситачи магазинларга югуради. Лекин буларнинг ҳаммаси тўқлик аломати. Унинг эгри юришига келганда, Зайнобиддин Омонов бун пайқамаган. Қизлар хотинини кимга тақашди? Бун улар оғизларига олишмади. Демак, иккалови ҳам билади. Унинг хаёлига Валихон Садирович келди. Қибрайдаги боғ уйга меҳмон бўлиб боришганини эслади. Ўшанда Алишер Нурматов уни боғ ичига етаклаб, узоқ айлантирди, тинмай гапирди. Аслида у бунчалик сергап одам эмас экан. Ўшанда уни чалғитган бўлса-чи? Боғдан қайтганда хотини бир оз кайф билан пайдо бўлди. Кўзлари ялт-ялт ёнди. Бўйнидаги ингичка қизил доғ-чи? Чивин бундай чакмаслигини, нимадан сўнг бундай из қолишини Зайнобиддин Омонов албатта биларди. Аммо билиб ўзини билмаганга солди. Ҳозир шуни эслаб, у яна қизариб кетди. Наҳотки, Валихон Садиров билан хотини... алоқада бўлса?.. Шунча вақтдан бери уни алдаб келаётган бўлса? Нима деди? «Эғнида ҳозир фақат французча кийим». Дарҳақиқат, бу ўзи бўладими?

Зайнобиддин Омонов ўша куни уйига эртaroқ қайтди. Хотини ҳали келмаган эди. Кейин шкафларини очиб, хотинининг кийимларини титкилай бошлади. Таниш, ёқимли ҳид, хотинининг ҳиди димоғига урилди. «Тухмат, бу тухмат», – деб юборгиси келди шунда у ва қилаётган ишидан уялиб кетди. У ҳеч маҳал хотинининг ишларига аралашмаган, нарсаларига тегмаган, ҳозиргидек титкиламаган эди. Битта кофтани ола туриб қайта жойига илиб ҳам қўйди. Аммо ўзини тўхтата олмади. Беихтиёр иккинчи бир нарсага қўлини узатди. Бу гулли қора қўйлак эди. Зайнобиддин Омонов зарҳал ёқасини илгагидан чиқариб қаради. Қора, ингичка шоҳи парчага чиройли олтин ҳарфлар билан «Cristian Dior» деб ёзиб қўйилган эди. Шошиб яна бир қўйлакни олди. Унда ҳам шундай ёзув бор эди. Шкафдаги кийимларнинг ярми «Cristian Dior» фирмасига тааллуқли эди. Атир-упа устидаги хилма-хил шишалар ҳам шу фирманинг шишалари эди. Демак, аёлларнинг гапи тухмат эмас, рост...

Зайнобиддин Омонов хотинига ҳеч нарса демади. Нима ҳам дерди? Қандай исбот бор унинг қўлида? Фақат гап. «Cristian Dior» масаласига келганда, ҳозир бунга ажабланадиган жойи йўқ. Воситачи дўконларда мол тиқилиб ётибди. Пул бўлса бўлди. Ўзининг топгани, унга бераётгани бу нарсаларнинг ҳаммасига етади. Хурсандхон албатта шундай дейди.

Балки уришади, тўполон солиб юборади. Шубҳаларга чек қўядиган, агар рост бўлса, аниқлайдиган бошқа йўл топиш керак. Қандай йўл? Зайнобиддин Омонов кечаси уйқуси қочиб кетиб ўйлади. Аммо бирон фикр хаёлига келмади. Эрталаб ишга борганида, яна сафар устидан чиқди. Севиниб кетди. Уч-тўрт кун хотинини кўрмайди, кўзларига боқмайди, илгари эшитиб тўймайдиган, энди

эса бирдан ток ургандек бўлиб кетадиган чийилдоқ овозини эшитмайди. Нахотки илгари овози ингичкалигини у пайқамаган? Зайнобиддин Омонов ҳайрон бўлди, шу сабаб хотинининг феълидан, гаплари, одатларидан камчиликлар қидира бошлади. Аммо қидиргани сари унга меҳри орта борди. Топган камчиликлари ижобий фазилатларига айланиб кета бошлади. Ингичка овози яна илгариги ҳолига қайтиб ҳолвайтардек майин, ширин туюлиб кетди. Уйга ошиқди. Сафардан қайтиб келиб хотинига бошқача, синовчан кўз билан қаради. Аммо ҳеч қандай ўзгариш сезмади.

Хурсандхон аввалгидек қувноқ, меҳрибон, эрини соғинган суюкли хотин эди. Тўрт кунни сафарда қандай ўтказганини билмаган Зайнобиддин Омонов анча ўзига келди. Хотинлар ўзи кимнинг ғийбатини қилишмайди? Хурсандхон, унинг хотини келишган, оқи-оқ, қизили-қизил жувон, билиб кийинади, билиб гаплашади. Гуличкаларнинг унга ҳаваслари келган бўлиши керак. Қаердадир кўришгандир? Эшитишгандир? Ўшанда Қибрайдаги меҳмондорчиликда Зайнобиддин Омонов ҳамма аёллар ичида ёш, чиройлиси, энг ёқимлиси хотини эканини кўрган, қайтадан унга муҳаббат изҳор қилгиси келиб кетган эди. Анчагача гаплашиб ўтириб, ҳеч нарса сезмади. Зайнобиддин Омонов ярим кечада барибир юраги дукурлаб уриб, уйғониб кетди. Унинг тинчлиги, ҳузур-ҳаловати йўқолган эди. Пастга тушди, баланд-баланд қайрағочлар соқчилардек уйғок турган ҳовлини айланди, кўчага чиқди. Ундан бошқа ҳеч ким ҳовлида ҳам, кўчада ҳам кўринмади. Ҳамма уйкуда эди. Фақат уйга қайтаётганда чироқларини дам у, дам бу томонга ташлаб битта «Жигули» ўтиб кетди. «Маст», хулоса қилди Зайнобиддин Омонов ва ўзининг ҳам маст бўлгиси, оғир ўйларини унутгиси келиб кетди.

Эрталаб Хурсандхон олдиға шакар сепилган ширгуруч олиб келиб қўйди, бошидан ўпганда, дили яна равшан тортиб кетди. Тунги азоблари хаёлидан кўтарилди.

Ишхонасига яқин қолганда фирма дарвозаси олдиға таниш «Волво» келиб тўхтаганини, Валихон Садирович ундан тушганини кўриб қадами секинлатди. Аммо Валихон Садирович уни кутиб турди. Куюқ сўрашиб айвондаги жимжимадор ёғоч зинадан ўз кабинетига кўтарилди. Зайнобиддин Омонов унда ҳам ғайритабиий ҳеч нарса сезмади. Ўша-ўша илгариги назар, илгариги самимий муносабат. Аёлларнинг ғийбатига парво қилиш керак эмас, гапиришди-қўйишди-да. Алам-алам уларда. Хурсандхоннинг кийимларидан йўқлиги алам! Бошқа ҳеч нарса эмас.

Бундан ташқари у ишбилармон одамлар бундай қилмасликларига ич-ичидан ишонгиси келарди. Ишбилармон тўғри, тоза қўл билан ишлайди. Ўғрилиқ, хиёнат, алдамчилик билан эмас, ақл-идрок билан пул топади, давлат орттиради, ўз номига доғ туширмайди. Шунинг учун ҳукумат уларга ҳамма йўлларни очиб қўяпти. Ишла, инсоф билан, ақл билан ишла, топ, топганинг ўзингга ҳам, халққа ҳам буюрсин, дастурхонини мўл, уйини обод қилсин, деяпти. Валихон Садирович нахотки неча асрлардан бери авлоддан-авлодга ўтиб келган ишбилармонлик қоидаларини билмаса?! Билади, билмаса, фирманинг ишлари бунчалик юришиб кетмасди. Алдамчи, қаллоблар билан ким муносабат қилгиси, иш юритгиси келади? Кейин, ишбилармон бошлиқ ҳеч маҳал ўз ходимини алдамайди, ҳаққига хиёнат қилмайди. Битта ходимини алдаган бошлиқ, ҳаммани алдайди. Унда ким у билан ишлайди?

Зайнобиддин Омонов ўзига таскин берадиган яна кўп нарсаларни топди, хонасидаги жувонларга ҳеч нарса билдирмади.

Лекин на чора? Ўзи сезмаган ҳолда паришонхотир бўлиб қолди, уйқусини йўқотди. Тунларни бедор ўтказиш, хотинига билдирмай пастга тушиб, ҳовлини, кўчани айланиш одатга айланди.

Бир куни уйнинг шундай тагидаги қарияларнинг домино столи ёнида ўтирганда, бир-бирлари билан шошмасдан гаплашаётган иккита аёлнинг овози шундай қулоғи тагида янграса?! Овозлар танишдек туюлди. Беихтиёр қулоқ солди. Аёллар уни гапиришаётган эди.

– Бунақада жинни бўлиб қолади, ана, ўтиришини қара. Ранги-боши худди ўликнинг ўзи, – деди битта аёл.

Овоз тепадан келди. Зайнобиддин Омонов бошини кўтарди. Биронта деразада чироқ ёниб турганини кўрмади. Овознинг тепадан, шундай боши устидан, биринчи ёки иккинчи қаватдан келаётгани аниқ эди.

– Жинни бўлмай кетсин. Айб ўзида, – деди иккинчи аёл. – Ҳаммани ўзига ўхшаган тўғри, содда, деб билмаслиги керак. Шунақа енгил хотининг бўлгандан кейин орқа-ўнгингга қараб юришинг керак. Биров бола-чақа қилгиси келади, бировнинг ишлагиси. Бу кишига юриш бўлса, кийиниш бўлса. Эр шўринг қургур, ҳар гал сафарга жўнаши билан уйнинг чироғи ўчиб, эшигига қулф тушишини билмайди!

– Ҳозир ҳам ҳеч нарсанинг тагига етолмай ўтирибди. Қара, қорадори еган одамга ўхшайди, ланж.

– Тагига етиш жуда осон, – биринчи гап бошлаган аёл, афтидан, савол қутиб гапидан тўхтади.

– Қандай қилиб? – сўради иккинчи аёл.

– Бир гал сафарга кетдим, деб кетади-ю, кечқурун қайтиб келади. Панада туриб кутади. Қоронғи тушиши билан таниш машина келади. Хотини унга ўтириб жўнаганини кўради.

– Бу унга етарли эмас. Хотинининг хиёнатини ўз кўзи билан кўриши керак.

– Иккаламиз унинг кўзини астойдил очмоқчи бўлсак, йўлини топсак бўлади. Розимисан?

– Розиман, – деди иккинчи аёл.

Зайнобиддин Омонов шунда уни таниди. Гулбаҳор эди. Биринчи аёл эса Райҳон, шубҳасиз, Райҳон. Булар қандай қилиб келиб қолишди бу ерга? Қаердан гапиришяпти?

Зайнобиддин Омонов атрофига қаради. Ҳамма ёқ ҳамон қоронғилик оғушида. Биронта одам кўринмасди.

– Рози бўлсанг, бундай қиламиз. Олдига бир сиқим юнгимиздан ташлаб кетамиз. Истаган пайти бир қисмини икки қўли орасига олиб ишқаласа, бизга ўхшаган мушук бўлиб қолади. Ана шундан кейин машинанинг бир четида хотини борган жойга боради, ҳаммасини ўз кўзи билан кўради. Иккинчи қисмини асл ҳолига қайтмоқчи бўлганда ишлатади. Ерга ёйиб уч марта устида думалайди.

Зайнобиддин Омонов шу гапни эшитиши билан бошини кўтарди. Олдидаги қандайдир шифер томда иккита оламушук унга қараб ўтирарди. Биттаси ҳатто унга кўзини қисиб ҳам қўйди...

Аллақаерда ҳўроз қичқирди. Катта бир ит тинмай вовуллай кетди. Зайнобиддин Омонов тонг ёриша бошлаганини сезмай қолди. Беихтиёр олдидаги стол устига қаради. Бир сиқим қорамтир майин мушук юнги шундай олдида оқ

қоғоз устида турарди. Ҳовучига олди-да, ҳозиргина мушуклар ўтирган томга қаради. Аммо улар йўқ эди.

Зайнобиддин Омонов мушуклар айтганидек қилди. Навбатдаги сафарни хурсандчилик билан қабул қилиб, йўл тараддудини кўра бошлади. Аввало идорадагиларнинг ҳаммаси билан негадир хайрлашиб чиқди. Албатта Валихон Садиоровичнинг олдига кирмади. Алишер Нурматовга учради. Топшириқларни хижжалаб суриштирди. Хонасига қайтиб:

– Мана, айтганларингдек қиламан бугун. Аммо гапларинг ёлғон чиқса, кўрасизлар! – демоқчи эди, ўзини тутиб қолди. Иккала жувон худди ҳеч нарса бўлмагандек, ҳеч нарса билмагандек бошларини қоғоздан кўтармай ўтиришарди.

– Хўп, хайр, – деди Зайнобиддин Омонов дипломатини ёпиб, ўрнидан турар экан.

– Яхши бориб келинг, – деди Гулбаҳор.

– Яхши дам олиб келинг, – деди Райҳон.

Зайнобиддин Омонов жилмайди...

Худди мушуклар айтгандек, қоронғи тушиши билан таниш «Волво» уларнинг уйлари олдига келиб тўхтади. Шофёр ўнг томондаги иккала эшикни очиб қўйиб, ойналарни арта бошлади. «Зайнобиддин Омонов» лип этиб, машинага чиқди-да, орқа ўриндиқ билан шофер суянчиғи орасидаги бўш жойга жойлашиб олди. Хурсандхон уни кўрмади.

«Зайнобиддин Омонов» хотинининг шунча йилдан бери қадрдон, азиз бўлиб қолган ҳидидан маст бўлиб борар экан, машинани тўхтатгиси, қалтис, ифлос йўлдан қайтаргиси келди, аммо ўз қиёфасида эмаслиги эсига тушиб, ниятидан қайтди.

Машина фирма дарвозаси олдида тўхтади. Хурсандхон туриб, ичкарига кирди-да, дадил қадам ташлаб айвондаги бурама зинадан иккинчи қаватга кўтарилди. «Зайнобиддин Омонов» Валихон Садиорович кабинетига киради, деб ўйлаган эди. У ёққа кирмади. Рўпарадаги эшикни сумкасидан калит олиб очди. Бу тор йўлак эди. Хурсандхон чап томондаги эшикни итариб ичкарига кирди. Унинг кетидан «Зайнобиддин Омонов» ҳам кирди. Ўртада думалоқ стол. Деворларга суяб юмшоқ кресло-диванлар қўйилган. Ҳаммаси бир рангда, сарғиш духоба билан қопланган.

Хурсандхон меҳмонхонанинг этагидаги эшикни очиб, орқасига ўтди. «Зайнобиддин Омонов» югуриб бориб қаради ва уялиб кетди. Хурсандхон ечиниб, узун шоҳи халат кийиб олди. Бу халатда ҳеч маҳал уйда юрмаган эди. Демак, фақат шу ерда кияди. Битта одам учун кияди...

Хурсандхон меҳмонхонага қайтиб, бирпасда столни ясатиб ташлади. Нима қаерда турганини у яхши биларди. Сумкалар, қоғоз пакетлардан столнинг устига иссиқ тандир нони, патир, сомса, хўл мева, товук олиб қўйди. Сервантдан тақсимчалар, пичоқ, вилкалар олди. Катта муз қутини очиб, нима борлигини текширди. Бир шиша Тошкент сувини олиб очди-да, шошмасдан, ҳўплаб-ҳўплаб ичди.

Шу пайт тўрдаги эшик очилди. Валихон Садиорович кириб келди. Хурсандхон югуриб бориб, уни қучоқлади.

Сервант устига чиқиб олган «Зайнобиддин Омонов» чидолмади. Шундай Валихон Садиоровичнинг бошига ўзини ташлади, сочларини юлиб, юзларини тимдалай бошлади. Хурсандхон дод солиб, қочиб кетди. Валихон Садиорович

«Пишт! Пишт!» деб қўлларини силкитди, бошини, елкалари ичига олиб инграй бошлади. Зайнобиддин Омонов унинг кўзларига чанг солмоқчи бўлиб орқага тисарилди. Аммо қонга беланган башарасини кўриб, жирканиб кетди. Стол устига сакраб ўтди-да, шу ердан деразага отилди. Ойна чил-чил бўлиб синди. Кўп ўтмай у ўзини кўчанинг ўртасида кўрди. Қулоғига хотинининг чинқирган овози эшитилди. Аммо унга таъсир қилмади. На ачинди, на ғазабланди.

Уйга деразанинг очиқ кўзидан тушиб, каравотга чўзилди. У тинч, хотиржам эди. Шифтга қараб анчагина ётди. Ўз қиёфасига ўтиб олиши эсига келиб, ўрнидан турди. Оламушуклар юнгининг қолган қисмини оқ қоғозга ўраб, кўк шимининг чўнтагига солиб қўйган эди. Шими стул суянчиғига осиб қолди. Иккала чўнтакни қаради, ҳатто ағдариб кўрди, юнг йўқ эди. Шкафни очиб, ҳамма шимларини титкилаб чиқди, топилмади. Юраги орқасига тортиб кетди. Энди нима қилади? Шундай ўйлаб туриб, бирдан кулиб юборди. У янги бир қарорга келган эди. Деразанинг очиқ кўзига сакраб чиқди-да, ундан тарновга ўтди. Тарновдан беш қаватли уйларнинг томига кўтарилди. Оламушуклар шу ерда, ёки нариги уйларнинг томларида юрган бўлишса керак. Уч-тўрт уйдан ўтганда катта майдоннинг олдидан чиқиб қолди. Майдоннинг нариги томонида яна шундай, кўп қаватли уйлар бошланарди. Уйларнинг жуда кўп деразаларида чироқлар ёқилган эди. Одамлар ё ҳали ётишмаган, ё тонг ота бошлаганми, у англолмади. Тарновдан деразалар тоқчаларига, тоқчалардан теракларга сакраб ўтиб пастга тушди ва олдинда ёниб турган чироқлар томон югуриб кетди...

* * *

Хурсандхон эри бедарак кетганидан кейин ярим йил ўтгач, жаноза очдирди. Барча қариндош-уруғларни чақирди. «Таксим» фирмасининг ходимлари ҳам келишди. Уч хонали уй ҳали киш тугамаган бўлса ҳам бирпасда исиб кетди. Ош тортилаётган маҳали, Валихон Садировичнинг таклифи билан уйнинг деразалари очилди. Ош келиб, Валихон Садирович кўлига қошиқ олай деганида, очиқ деразаларнинг бирида катта оламушук пайдо бўлиб, унинг устига сакради. Бошига ўтириб олиб, юзлари, қулоқларини тимдалай бошлади. Одамлар ўзларига келиб, уни ҳайдаш лозимлигини англагунларича очиқ деразага яна сакраб ўтиб, ғойиб бўлди.

Бу воқеа тез орада шаҳарга тарқалди. Биров Валихон Садировични шундан кейин жинни бўлиб қолибди деса, биров уни қамалдига чиқарди. Аммо бир нарсга аниқ эди: Валихон Садирович ишдан кетган, фирмага янги одамлар келган эди.

Хурсандхон уйдан чиқмайдиган бўлиб қолди. Ишдан келиб у-бу еган бўлади, дераза олдида ўтириб, кўчага тикилади, ё ҳовлига тушиб, эри айланган жойларни айланади, домино столи ёнида юзига кафтларини тираб, узоқ-узоқ хаёл суриб ўтиради. Баҳайбат оламушук эса уни томнинг устидан кузатади, баъзан орқасидан юради. Аммо ўзини кўрсатмайди. Хурсандхон дераза олдида пайдо бўлмаган, пастга тушмаган кунлари оламушук чақалоқ йиғлагандек қаттиқ-қаттиқ миёвлаб йиғлайди. Унинг овозини эшитган тунлари Хурсандхон жунжикиб кетади, бутун вужуди, дилини кўркүв босиб мижжа қоқмай чиқади...

1994 йил.

МЕНИНГ ЎҒИЛБОЛА ЖИЯНИМ

(Ҳикоя)

Уни биринчи марта саккиз йилча бурун кўрдим. Ҳали чилла кирмаган ёз кунларининг бири эди. Нонуштадан сўнг одатим бўйича ўз хонамга ўтиб, ёзув столи ёнига энди ўтирай, деб турганимда, темир дарвозамизни кимдир тақиллатиб қолди.

– Ҳозир! – ҳовлига тушиб овоз бердим.

Аммо тақиллатаётган одам эшитмади шекилли, дарвоза момақалдиروقдек гумбурлаб кетди.

– Ҳозир, ҳозир! – қичқирдим яна овозим борица ва шошиб кўча томон юрдим.

Дарвоза эшигини очгунимча минг хил хаёл миямни ғалвир қилиб юборди. Аммо Худога шукурки, тинчлик эди. Рўпарамда қарғанусха атлас кўйлак кийган, қалин қора сочлари иккита қилиб ўрилган, қип-қизил кулча юз бир қиз илжайиб турарди. Унинг оппоқ, текис тишлари, думалоқ қора кўзлари – кимнидир эслатди, аммо билолмадим. Қиз бир қўлига семиз брезент чемодан, иккинчи қўлига усти сарғиш дока билан танғиб қўйилган катта оқ челақ кўтариб олганди.

– Мани танимадингиз-а, тоға? – Қиз оғзини катта очиб жилмайди. Оппоқ тишлари ярақлаб кетди. Ким бўлди экан? Қайси жияним бўлди у? Аммо у ўйлагани қўймади, ўзи жавоб бериб қўяқолди. – Ман Паркатли Муқаддам опайиззи қизи бўламан. Ўғилой. Ассалому алайкум!

Уни таниб, алик олиб улгурмасимдан қўлидаги юklarини қўйиб елкаларимни кучоқлади, иккала юзимдан чўлпиллатиб ўпди. Шунда уни танидим. Тўғрироғи, онасини танидим. Муқаддам опа мендан беш-олти ёш катта эди, болалигимизда ёнма-ён ҳовлида ўсган эдик. У ойимнинг туғишган акаси, раҳматли Ғани тоғамнинг қизи эди. Ўзидан кичикларни, шу жумладан мени узоқ кўрмаса, ё меҳри қўзиб кетса, шундай кучоқлаб, чўлпиллатиб ўпарди. Дилим ёришиб, хурсанд бўлиб кетдим.

– Уйдагилар, ойинг қалай? – меҳр билан унга янгидан тикилдим.

– Салом деб юбордилар! – Ўғилой бирдан энгашиб, оёғидаги баланд пошна қора туфлисини еча бошлади ва пастдан кўзларини менга тикиб жилмайди.

– Эзворди оёғимни!.. Уйга кировузми?

– Айтгандек... юр, юр! – йўлни бўшатиб ўзимни четга олдим. – Ёрдамлаш-ворайми?

– Ўзим!..

Ўғилой туфлисини қўлтиғига қистириб, чемодан билан челақни қўлларига олдида, ичкарига кирди.

Айвонга кўтарилганимизда, у чемоданни қолдириб, челақни ошхонага олиб бориб қўйди.

– Қатик, – деди қайтиб чиққанида. – Атайин сизга атаб солганман кеча. Шу ерда ўтиравузми?

У айвондаги стол, стулларга разм солиб чиқди-да, битта стулни суриб ўтирди. Мен ҳам рўпарасига ўтирдим.

– Қани омин! – у қўлларини ёзиб баланд кўтарди. – Қадам етди бало етмасин! Облоху акбар!

Беихтиёр унга қўшилиб, қўлларимни юзимга тортдим.
Чой қўймоқчи бўлиб ўрнимдан турмоқчи эдим, у тўхтатди.
– Ман ўзим!

У чемоданини очиб, ичидан тўртта қип-қизил баркашдек-баркашдек нон олди.

– Эрталаб ёпганмиз. Шунақа нонни яхши кўраркансиз. Ойим айтдилар.

У нонларни столга қўйиб ошхонага ўтди. Чой қўйиб чиқиб яна чемоданига энгашди.

– Қурт ҳам олиб келганман. Ёғлик. Қўйнинг сутидан.

У бир целлофан халта қурут олиб ошхонага ўтди-да, тақсимчага тўлдириб солиб чиқди.

– Олинг.

Мен унга маҳлиё бўлиб қолган эдим. Унинг ҳаракатлари, овози онасининг ёшлигини кўз олдимга келтирди. «Муқатопа»ни болалигимдан яхши кўрардим, қариндошларим ичида фақат у билан кўпроқ ўйнагим, унинг ёнида кўпроқ бўлгим келарди. Қизлар тез ўсади. У ҳам бирпасда катта бўлиб қолди. Узатишиб, Паркентга жўнатишаётганида уйдан қочиб кетганим эсимда. Ярим кеча-гача жимжит кўчаларда айланиб йиғлаганман.

Унинг эри Ўрозбек поччамиз мўмин, қобил, меҳнаткаш, бунинг устига меҳр-оқибатли одам чиқди. Ҳозирги мен турган уйни кўтаришда унинг анча меҳнати сингган. Эр-хотиннинг бир-бирларидан, умуман турмушларидан кўнгиллари тўқ бўлса ҳам, битта орзулари ушалмай қолди. Ўғил кўришмади. Муқаддам опа кетма-кет иккита қиз кўрди. Иккалови ҳам бола-чақали бўлиб кетишган. Паркентда туришади. Учинчи фарзандларини фолбин ўғил бўлади деб ишонтирган. Аммо у ҳам қиз туғилди. Ўғил бўлмаса ҳам ўғилдек бўлсин деб отини Ўғилой қўйишди. Уни кўрмаган эдим, кўрган бўлсам ҳам эътибор бермаган эдим. У тенги болалар уруғимизда кўп эди. Хушбичим, баланд бўй, катта қиз бўлиб кетибди.

... Ўғилой бақувват қўллари билан нон синдирар экан, қараб турганимни ўзича тушунди.

– Ойим жуда яхши нон ёпадилар!..

– Ойингнинг қўли гул, – қўшилдим унга бир бурда нонни оғзимга солар эканман. Аммо кўзим унинг чаққон ҳаракатларида худди шу нон рангидек юзида, тиниқ, тоза нигоҳида эди.

– Мен энди сизларникида тураман, – деди у ўзига ҳам чой қуйиб ўтирар экан.

Уйда жой етарли бўлса ҳам ҳайрон бўлиб унга қарадим.

– Ўқишга кираман. Ойим жа бўлмаса сан ўқи, девоттила.

– Тўғри айтибди ойинг. Қаёққа кирмоқчисан?

– Қаёққа олиб кириб қўйсангиз, шўёққа!

Чой ҳўплаб турган эдим, қалқиб кетдим.

– Қаёққа олиб кириб қўясиз, тоға? – сўради ўйлатгани қўймай. Ҳақиқатан уни қаёққа жойлайман энди? Жойлай олармиканман ўзи? Ҳеч бундай ишлар билан шуғулланмаган эдим. Қаёқдан келақолди бу ташвиш?

– Кеннойинг келсин, маслаҳат қилармиз...

Мужмал жавоб қилганимни, руҳим тушиб кетганини кўриб, у кулиб қўйди. Сездим. Кейин мени аяди шекилли, жиддийлашиб институт масаласига ўзи чек қўйди.

– Ҳисоб-китобга тузукман, математикадан битирув имтиҳонини ҳаммадан олдин ёзиб чиқдим. Беш олдим. Нархозга кирсам, деб турибман. Танишларингиз бўлса ёрдам берарсиз. Кирилмасам, қайтиб кетаман, ишлайман.

Елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди.

– Ётоқни ўйлама. Уйда жой кўп. Тураверасан. Кеннойинг ҳам хурсанд бўлади, – дедим анчагина ўзимга келиб. – Танишларни бўлса... қидирамиз. Бирорта танишнинг таниши чиқиб қолар.

Институтга жойлаб қўйишдек мураккаб жавобгарликдан мени халос қилгани учун ғойибдан пайдо бўлган ва бирпасда уйни ўзиники қилиб олган жиянимдан ўзимда йўқ хурсанд бўлиб кетдим ва иложи борича унга ёрдам беришга аҳд қилдим.

Пешинга яқин хотиним ишдан қайтди. Ўғилой содда, бағри кенг келинойисининг ичига кириб кетди. Қатиқ сузиб олиб келди, чой қўйди. Кўп ўтмай ҳовлидаги ўчоқ бошидан пиёз доғининг ҳиди кела бошлади.

Кечқурун ётаётганимизда хотиним мендан ҳам зиёд кувониб, уни мақтади.

– Жиянингиз ҳўп ажойиб қиз экан. Мен ҳам уннай, киритиб қўййлик институтга. Кейин ётоқхона қилиб нима қилади? Бизникида тураверсин.

Ўғилой уйимизда туғилиб ўсган одамдек бўлиб кетди. Эрталаб ҳаммадан олдин туриб, ҳовлига қарайди. Чой қўяди. Ўчоқ бошида ғимирлаб, қатламами, қуймоқми, уйда нима бўлса, шундан бирор нарса пишириб келади. Кейин шаҳарга кетади. Тушга яқин қайтиб, бир-икки соат уйда бўлади. Унга кутубхонани ажратиб берган эдик. Сездим, китобга унча хуши йўқ, лекин менга яхши кўриниш учун биронта китобни кўтариб, менинг хонамга қирарди. Бирпас хонага, менинг машинкада ишлашимга разм солиб ўтирарди. Кейин яна шаҳарга кетарди. Шомга яқин қайтарди. Катта қиз, қаёқларда юрганини мен ҳам, келинойиси ҳам суриштирмадик. Мен билан кўпроқ эркинлик, хотин-қизлар озодлиги, муҳаббат, вафо ҳақида гаплашишни, шу мавзуларда мени гапиртиришни яхши кўрарди. Қандай сири, мақсади борлигини билмай, мен унинг саволларига тўғри, ўзим ўйлагандек, билгандек жавоб берардим, у хурсанд бўлиб баъзида пешонамдан чўлпиллатиб ўпиб чиқиб кетарди. Кейинчалик, орадан чамаси икки ой ўтгач, бу суҳбатларни, саволларнинг асл сабабини билдим. Шайтон қизнинг ичида қурт бор экан, сезмаган эканман.

– Тоға, кеннойимга қандай уйлангансиз? – деб сўраб қолди бир куни.

Бор гапни айтиб бердим. Бирга ўқиганмиз университетда, битта факультетда, битта бўлимда. Биринчи курсдаёқ бир-биримизга ёқиб қолганмиз. Ўқишни битиргач, тўй қилганмиз, дедим.

Ўғилой жим, гапимни бўлмайд эшитди. Тамом қилганимдан кейин сўради:

– Шундоқ кўргансиз-у, биринчи марта, яхши кўриб қолганмисиз? Ё секин-секин, ўрганиб яхши кўрганмисиз?

– Буни билмадим, – ростини айтдим. – Ҳар ҳолда Шарифа бошқа қизларга қараганда кўпроқ ёқарди. Биринчи кўрганимдаёқ унга меҳрим тушган эди.

– Кеннойим-чи?

– Буни ўзидан сўра. Тўхта, сенга бунинг нима кераги бор? Нега қизиқиб қолдинг?

У оппоқ тишларини тизиб жилмайди.

– Китобларда бошиздан ўтган нарсаларни ёзганмисиз, ё ичиздан чиқариб ёзганмисиз, шуни билмоқчийдим.

– Китобда ҳаммасидан бор. Рости ҳам, ёлғони ҳам. Бўлгани ҳам, тўқилга-

ни ҳам. Сен бу гапларни қўйиб, имтиҳонларингга тайёрлан. Дарс қилганингни кўрмайман.

Кап-катта одам, тагин қариндош бўлган қиз бола билан севги ҳақида гаплашиб ўтирганимдан андишага бориб, уни ўзимча уришган бўлдим. Ўғилой эътибор бермади, жилмайганича ўтирди. Аммо англаб қолдим, у менга қараб турган бўлса ҳам мени кўрмасди, гапларимни эшитмасди. Хаёли қандайдир ўзигагина маълум бўлган бошқа бир оламда эди. Ўшанда агар у нималарни ўйлаётганини, мени нега севги мавзуларида имтиҳон қилаётганини билганимда, қаерларда кимлар билан юрганини ҳеч бўлмаса фараз қилганимда, ким биларди, унинг ҳаёти ҳозиргидек эмас, бошқача, тинчроқ, қувончлироқ бўлармиди?! Нима дейиш мумкин? Тақдир, халқ таъбири билан айтганда, пешонага ёзилгани бўлади.

Ўғилой таниш-билиш топилгани, уларнинг берган ваъдаларига қарамай, ўқишга киролмади. Аммо хуноб бўлганини сезмадим. Шундан кейин икки кун ҳам ўтгани йўқ, нима иш биландир кўчага чиқиб қайтсам, айвондаги телевизор устида тўрт буклоглиқ бир хат турибди. Очиб ўқидим. Хат Ўғилойдан эди.

«Тоға! Бугун кечқурун, умуман бундан кейин келмасам, хавотирланманг. Ўқишга киролмаганимдан унча хафа эмасман. Битта мен эмас, мени севган йигит, Ботирали ҳам киролмади. Уни атайин йиқитишди. Чунки унинг ҳеч кими йўқ. Ёким беришга пули ҳам йўқ. Мен у билан унинг юртига кетаяпман. Мен ҳам уни севаман. Биринчи кўрганимдаёқ севиб қолганман. У ҳам шундай. Иккаламиз унинг шаҳридаги институтга ҳаракат қилиб кўрамиз. Ҳали вақт бор экан. Уларникида тураман. Тўғрироғи, келин бўлиб тушаман. Ота-онаси рози, бизни кутишяпти. Қаранг, шундай одамлар бор экан! Мен ойимдан хафа эмасман. Дадамлардан ҳам. Чунки ойим нима десалар, шу бўлади. Уйнинг каттаси ойим. Ҳайронман, нега Ботиралини чиқиштирмадилар? Уч-тўрт марта уйга олиб борганман, турли баҳоналар билан. Бу албатта шунчаки, йўлига. Аслида аммамнинг кичик ўғли у кишига ёқади. Дўкончи. Мен бўлсам ундан жирканаман. Ингичка мўйлови, яшил шалвари, калта чарм камзулини кўришим билан кўнглим айнийди. Унда кет, дедилар ойим. Ҳамма гап аламда. Эшитганман, дадамларга ўз хоҳишлари билан тегмаганлар. Мени ҳам ўзларидек қилмоқчилар. Йўқ, қилолмайдилар. Сизникида турганимни билардилар. Бир марта ҳам келмадилар. Дадамларни ҳам юбормадилар. Келинойимдан уялиб кетдим. Тоға, ажойиб хотинингиз бор экан. Мен ҳам Ботиралини кафтимда кўтариб юраман. Мени қидирманглар. Озгина вақт ўтсин, йилми, икки йилми, ўзим чақалоғимни кўтариб, Ботиралини олдимга солиб уйингизга кириб бораман. Сизга, келинойимга ёққан қатламалардан қилиб бераман. Уйимдагилар келиб қолишса мабодо, ҳаммасини айтиб бераверинг. Хатимни кўрсатсангиз ҳам майли. Наҳотки ойим у кишининг фарзанди эканимни тушунмасалар? Бир оғиз гаплари. Кет, дедилар. Индамай кетдим. Лекин қайтаман. Улардан ҳеч қачон воз кечмайман. Фақат ўз ниятимга етиб қайтаман. Ботирали билан иккаламиз бир-биримизни бир кўришдаёқ севиб қолдик, дедим. Гапим рост. Курашдан областлараро мусобақа кетаётган эди. Ботирали бизнинг мактабдан чиққанларнинг ҳаммасини йиқитди. Тўртта йигит чиқишувди. Ўшанда кўзимга оловдай кўриниб кетди. Ким бор яна? – деб сўраганда, мен ўртага чиқдим. Унча-мунча кураш тушиб юраман. Шим, тўн кийиб борган эдим. Белимни қийиқ билан маҳкам боғладим. Мактабдагилар мени яхши билишади. Айтганимни қиламан. Қайтаришмади. Физкультура ўқитувчимиз ҳам

индамади, фақат ёнимга келиб, секин, ўзингни уринтирма, ҳар ҳолда қиз бо-ласан, деди. Ботирали бўлса бир чеккада илжайиб, менга қараб турибди. Икки қўли белида. Шу қарашилини бир кўрсангиз эди! Гўё у киши шер-у, бизлар оёқла-ри остида ўрмалаб юрган кумурсқа! Кураш тушаётганда бўш жойини билиб ол-ганман. Ердан даст кўтариб олиш керак уни. Рақибни кўтариб оламан деганда, бутун оғирлигини тиззаларига солиб, чўккалайди. Шу билан қутулиб қолади. Жуссасига қараб, кўтариб олишимга кўзим етди. Майдонга тушганимда ан-чагача у мендан тисарилиб юрди. Белимдан олгани уялди. Тирсақларимдан ушлашга интилади, қийиққа тегмайди. Майдонни икки-уч айланиб чиқдик. Унинг ланжлик қилаётганини кўриб, одамлар мазах қила бошлашди. Айниқса бизнинг мактабдагилар «Ол, Ўғилполвон! Белидан ол!» – деб мени гижгижла-тиша бошлашди. Гижгижлатишмаса ҳам қарорим қатъий эди. Аммо Ботирали тутқич бермай, тирсақларимдан итаради, ўзига яқинлаштирмайди. Майдонни янгитдан айланаётганимизда ҳийла ишлатдим. Кулиб турган кўзларига кулиб қарадим-да:

– Бурнингизни артиб олинг, яхши йигит! – дедим.

У шошиб қўлларимни қўйиб юборди. Шу тобда маҳкам унга ёпишдим, даст кўтариб, ерга ташладим. Қийқириқ бўлиб кетди.

Мен эса қип-қизариб ўрнидан тураётган Ботиралига энгашиб шивирладим:
– Кечиринг, полвон!

Ўша куни кечқурун бир қиз келиб мени кўчага чиқишимни сўради. Чиқдим. Эшик олдида Ботирали турарди. Аллақандай бўлиб кетдим. Унинг ҳам мени яхши кўриб қолгани шундай кўзларига ёзиқлиқ эди.

Ана, тоға, энди ҳамма нарсани биласиз. Бугун кечқурун поездда жўнаймиз. Кўришгунча хайр...

Ҳурмат билан жиянингиз Ўғилой».

Унинг бир қайнови ичида бўлган одамлигини билиб қолганимга қарамай, ҳайратга тушдим. Қилиб қўйган ишига бир томондан қойил қолдим, жасора-тига таҳсин ўқидим. Иккинчи томондан ота-онасига раҳмим келди. Ҳар ҳолда ўзбекчилик, қизи қочиб кетибди, деган гап тарқайди. Ўғилойнинг ўзига ҳам ачиндим. Бечора қиз ўз бахтини шундай қийинчилик, саргардончилик билан кўряпти. Куёвболанинг ота-онаси минг яхши одам бўлсин, унга тепадан, мен-симайроқ қараши мумкин. Ҳар ҳолда рози-ризолик билан савлат билан келган келиннинг ўрни бошқа бўлади.

Шу хаёллар билан қоронғига қолмай Паркентга қараб йўл олдим.

Муқаддам опам хатни ўқиб бўлиб, ундан кўзини узмай ўтирган поччамга улоқтирди-да, ўрнидан туриб муштини муштира уриб кетди:

– У-у яшшамагур!! У-у чаён! У-у ўлигинг лаҳатга чиригур! Нима қилиб қўй-динг?! Нима қилиб қўйдинг?! Энди қандай бош кўтариб юраман? Одамларга энди нима дейман?!

Индамай ўтиравердим. Хатни ўқитмасдан иложим йўқ эди. Ҳақиқатни бил-син, ўзи ҳақидаги гапларни эшитсин, ўжарлик, қаттиққўллик нимага олиб ке-лишини кўрсин.

– Мунча эзмаланасиз? – ўшқирди бирдан Муқаддам опа эрига. – Ё ўғил бола қизиззи хатига кўз ўтмаяптими?

Беихтиёр поччамга қарадим. Унинг парвойи фалак эди. Афтидан хотини-нинг гапларини у эшитмасди. Кўзлари хатда йўрғалар, худди Ўғилойнинг лаб-ларидек семиз лаблари дам очилиб, дам ёпиларди.

Ниҳоят у ўқиб бўлди. Менга қараб бошини бир қимирлатиб қўйди. Сездим, қизининг қилмишидан у хафа эмас эди.

– Айб ўзингда, Муқат, – у хатни эҳтиётлик билан тахлаб хонтахта устига қўйди. – Ўзига ихтиёр бер, дедим... Қулоқ осмадинг. Ахир у ўзинг-ку, наҳот тушунмасанг...

Муқаддам опа бурнини жийирди.

– Мелисага айтаман, оёғини ерга тегизмай олиб келиб беради.

– Мелисани бошқа қиладиган иши йўқ, сани пойлаб ўтирибди.

– Нима, бутун бошли одам йўқолади-ю, мелиса индамай ўтираверадими?

– Қизинг йўқолгани йўқ. Ўзи ўз ихтиёри билан эр қилиб кетди.

– Эр қилмай ўлсин! Энди ўн саккизга кирдию, эрга бало борми?!

– Ўзинг неча ёшда эдинг, менга текканда?

– Бўлди! Энсамни қотирманг!

Муқаддам опа эрини жеркиб берган бўлса ҳам, бир оз ҳовуридан тушди.

Мен поччамни қувватладим. Ҳеч қаёққа боришга, умуман, тўполон қилишга ҳожат йўқлигини айтдим. Энг муҳими, ўша йигит, Ботирали билан Ўғилой бахтларини топиб кетишсин, бола-чақали бўлишсин.

Муқаддам опанинг ичини ит тимдалаётган бўлса ҳам рози бўлишдан, аламини ичига ютишдан бошқа иложи йўқ эди...

Ўғилой айтганини қилди. Орадан чамаси икки йилча ўтганда чақалоғини кўтариб эри билан бизникига кириб келди.

– Тўғри шу ёққа келяпмиз. Паркатга ўзингиз олиб борасиз, – деди чўпиллатиб юзимдан ўпар экан.

Унинг қувноқ чехрасини, очилиб кетган ранги-рўйини кўриб, хурсанд бўлдим. Куёв болани ўз ўғлимдек бағримга босиб кўришдим. Ўхшатмагунча учратмас, дейди халқ. Ботирали Ўғилойдек баланд бўй, елкадор йигит эди. Қош-кўзининг қоралиги билан ҳам ўхшаб кетарди.

Эртасига эр-хотинни ўғилчалари билан Паркентга олиб кетдим. Етиб боришимиз билан тўй бўлиб кетди. Кетма-кет қозонлар осилди. Муқаддам опа қизини уришиш қаёқда, ўтқазгани жой тополмай қолди. Ботиралининг ҳам хурматини келтириб, елкасига бош-оёқ сарпо ташлади. Зар тўн, коверкот костюшим, қора хиром туфли... Чақалоқ бўлса қўлма-қўл бўлиб кетди.

Хуллас гиналар унутилди, ҳамма нарса жой-жойига тушди.

Ботирали Наманганда ҳам ўқишга кирмабди. Кечикдингиз, дейишибди. Ўғилой бўлса ҳаракат ҳам қилмабди. Аммо иккови ҳам турмушларидан хурсанд эди. Ботирали дурадгор отасининг йўлини олибди. Топиши яхши. Эндиги нияти машина олиш эмиш. Унинг ҳам ярим пули йиғиб қўйилганмиш. Ботирали шу гапларни катталардек салмоқланиб гапираётганида Ўғилой меҳр тўла кўзларини ундан узмасди. Қизининг ранги-боши, кийимидан, қудалари жўнатган совға-саломлардан Муқаддам опа ҳам бир қоп семириб кетган, боши осмонда эди. Онага яна нима керак?

Шу воқеадан кейин бир йилча мен уларни кўрмадим. Қишнинг ўрталарида неварасини кўтариб, Муқаддам опа кириб келди. У совуқдан титрарди.

– Исингани келдим, – деди у ичкарига кираркан.

– Нима қилиб юрибсиз бола билан совуқда? – сўрадим у анча ўзига келганда.

– Ботиралига посилка жўнатаяпмиз. Ўғилой ўшатда ҳалиям. Болани шамоллатиб қўймай, деб мен кетвордим.

– Ботиралига нима бўлган? Қаёқда у? – хайрон бўлдим.

Муқаддам опа айтиб берди. Ярим йилдан ошибди, Ботиралини армияга чақиришибди. Саратовда уч-тўрт ойча ушлаб, Афғонистонга олиб кетишибди. Икки ойдан бери шу ёқда экан. Муқаддам опам бирдан йиғлаб юборди.

– Афғонга олиб кетишини билганимда йўлини топардим, жўнатмасдим армияга. Ғафлатда қолдим. Бирпасда отланиб жўнаб кетди. Таниш-билиш қилиб Ўғилой посилкага рухсат олди. Кобулдан, элчихонадан қисмларига жўнатишармиш.

Қоронғи тушиб, хавотир ола бошлаганимизда, Ўғилой ўзи кириб келди. Тиши-тишига тегмай қалтирарди. Мен ҳеч маҳал уни бундай ғамгин аҳволда кўрмаган эдим. Бунинг устига анчагина озибди, чеккалари чиқиб, даҳани чўзилибди. Қўлимдан келганича унга тасалли бердим.

Ўша куни эр-хотин уларни қўярда-қўймай уйда олиб қолдик.

Ярим кечагача гаплашиб ўтирдик. Афғонистондаги аҳволни муҳокама қилдик. Ҳамма солдатларнинг, улар қатори Ботиралининг ҳам эсон-омон қайтишини Худодан сўрадик.

Кулфат келса, қўша-қўша келади, дейишади. Ойда бир хат ёзиб турган Ботиралидан ёзга чиқилганда ҳеч қандай хабар келмай қўйди. Ўғилойнинг қатнамаган идораси қолмади. Охири унинг бедарак йўқолгани ҳақида расмий телеграмма келди. Кобулдан ўттиз километр ичкарилиқда бўлган жангда у билан яна уч солдат йўқолибди. Қўмондонлик қидирувни давом эттиришга, уларни иложи борица топишга ваъда қилган эди. Ўғилой ваъдага ишониб юрди. Аммо Ботиралидан ҳеч қандай дарак чиқмади. Бир йил ўтганда Москвага хат ёзди.

«Ҳозирча ҳеч қандай маълумот йўқ. Қидирув давом этяпти», деган жавоб келди. Ўғлининг дарди эзиб юбордими, ё кутилмаган касалга чалиниб, шу касал олиб кетдими, Ўғилой Тошкентга келиб ҳарбий идораларга қатнаб юрганда, қайнотаси оламдан ўтди. Ҳеч қаерда ишламайдиган қайнонаси бўйи етмаган бир қиз, икки ўғил билан чирқираб қолди. Ҳамма маъракаларни Ўғилой ўзи бош-қош бўлиб ўтқазди. Ўша кезлари Афғонистондан совет қўшинлари олиб чиқила бошланди. Кимдир Ўғилойга Термизга боришни, қайтаётган ҳарбийлардан Ботиралини суриштиришни маслаҳат берибди. Ўғилой шу маслаҳатга маҳкам ёпишиб ўша куниёқ Термизга жўнади.

Унинг гапи бўйича, шаҳар ясатилган, ҳамма ёқда қизил байроқлар, шиорлар осиглиқмиш. «Дўстлик» кўприги олдидаги майдонда тумонат одам, гўё бутун мамлакат шу ерга кўчиб келгандек... Ўғилой Термизга боришни маслаҳат берганлар гапи билан Ботиралининг катта қилдириб қўйган суратини олиб кетган экан. Ўша ерда тепасига «Ботирали Қодиров. Уни билган борми?» – деб ёздирибди катта-катта ҳарфлар билан. Шу суратни кўтариб кўприкка ўтиб олибди. Тушга яқин нариги томондан танклар кўринибди. Оёқ остидаги ер гумбурлаб кетибди. Қийқирик, йиғи, тўполоннинг чеки йўқ эмиш. Майдон бирпасда қиёмат қойим бўлиб кетибди. Кечгача ўтибди танклар, бронемашиналар. Аммо уларни устида ўтирган солдатлардан биронтаси Ботиралини биламан, демабди.

Ўғилой шом кириб меҳмонхонага қайтаётганида, бир офицер уни тўхтаптибди.

– Синглим, Ботирали Қодиров тирик, асирда, – дебди суратга яна бир диққат билан қараб. – Лекин қаердалигини билмайман. Кутинг, ўзи дарак бериб қолади.

Ўғилой қанот пайдо қилиб, бизникига учиб келди. Бирпасда у илгариги, шўх, ўйноқи кўз Ўғилой бўлиб кетган эди. Ботиралининг тириклигидан биз ҳам ўзимизда йўқ севиндик. Кейин ўйлаб қарасам, Ботиралининг ҳаётлигини ўзимиз ҳам билардик, фақат эътибор қилмаган эдик, биронта одамнинг ё идоранинг тасдиғига муҳтож эдик. Жасади топилмаганидан кейин, ҳалок бўлганини ҳеч ким кўрмаганидан кейин, қаерда бўлади, асирда бўлмай?

– Асирларни албатта қайтаришади. Сабр қил, кут энди, – юпатдим ўзимча Ўғилойни.

– Вой кутмай-чи!? Омон экан, шунинг ўзи катта бахт менга! – унинг кўзлари яна ўйнаб кетди, қалин лаблари нималарнидир шивирлаб титради.

Узоқ вақт уни яна кўрмадим. Аммо Афғонистонга алоқадор нима ўқисам у эсимга келади, кўз олдимда Ботирали пайдо бўлади. Асир тушишга мажбур бўлганлар оз эмас экан. Иттифоқда уларни қайтариб олиш жамияти тузилиб, Тошкентда ҳам бўлими очилди. Бориб Ботиралини айтиб бердим. Рўйхатларда у ҳам бор экан. «Қидиряпмиз, дараги чиқиши керак» дейишди. Айтиб қўяй деб, Наманганга телефон қилдим. Аммо Ўғилой ишда экан. Ўзи телефон қилишини кутдим. Қилмади. Аммо бир ҳафтадан кейин ўзи ўйга кириб келди. Унинг яна қувончи ичига сиғмасди.

– Суюнчи беринг, тоға! – кичқирди у йўлақдан. – Ботирали топилди. Покистонда экан!

Менга иш қилдирмай, дастурхон ёзиб чой қўяркан, бор гапни айтиб берди. Бир ойча бурун тоқати тоқ бўлиб ўтириб, ўзича маҳкамага хат ёзибди. Бор дардини тўкиб солибди. “Наҳотки одам чўпдек нарса бўлса, унинг қаердалигини тўрт йилдан бери ҳеч ким билмаса?” – деган аччиқ гаплар ҳам бор экан хатда. Куни кеча маҳкамадагилар телефон қилиб Ботиралининг топилганини айтишибди. Келинг, дейишибди.

– Шунга келдим. Эртага саройга бораман, – деди кўзлари чакнаб Ўғилой. – Бафуржа гапириб беришармиш ҳаммасини! Шунча пайтдан бери ёзсам бўлмасми-а? Бир ойга қолмай аниқлаб беришди-я!

Мен уни табрикладим. Ботирали қайтиб яна бахтли бўлиб кетишларини тиладим.

Эртасига маҳкамага бирга бордик. Ўғилой бир соат деганда чикди. Хомуш эди. Нима бўлдийкин? Ҳайрон бўлдим. Сўрамоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эдим, Ўғилой қўлидаги хатни узатди. Шошиб ўқий бошладим.

«Мурожаатингизга мувофиқ маълум қиламиз: Совет армияси собиқ солдати Ботирали Қодиров, ҳақиқатан ҳам, 1987 йилнинг майида Кобулдан 30 километр ичкарилиқдаги Метон темир йўл станцияси учун бўлган жангда асир тушган. Ҳозир Қорачи шаҳридаги хонадонда яшайди. Б. Қодиров Афғон мужоҳидлари асирлиги ва назоратида бўлгани сабабли Покистон, Совет Иттифоқи давлатлари ҳозирча унинг ишларига аралаша олмайди».

Покистондаги совет элчихонасидан келган бу хатда бошқа ҳеч нарса дейилмаган эди. Ўғилой нимадан хафа бўлди, англамадим. Сўрадим.

– Нега шу пайтгача индамайди? Тоға, бунинг тагида бир гап бор. Юрагим сезиб турибди.

– Хат ёздиришмаган бўлишса-чи? Назоратда дейишибди-ку хатда. – Ўзимча тахмин қилдим.

– Билмадим. – Ўғилой елкаларини қисди.

– Нима қиласан энди?

– Бориб келаман.

Кўз олдимда яна аввалги Ўғилой пайдо бўлиб кетди.

– Қаёққа?

– Қорачига.

– Қандай қилиб? – ҳайрон бўлдим.

– Билмадим. Йўлини топаман. Бормасам тинчимайман. У билан давлатлар гаплашолмаса, ўзим гаплашаман.

Уни аҳдидан қайтариш, яна кут, ўзи қайтади, дейиш бефойда эди. Шу учрашувимиздан кейин Ўғилой узоқ вақт кўринмай кетди. Хавотир олиб Наманганга телефон қилдим. Паркентга бориб келдим. Аммо кўролганим, гаплашолганим йўқ. Бир Москвага кетган, деб эшитдим. Поччам билан Муқаддам опам шунга қаттиқ ишонишибди. Бир водийда тўпланган санъаткорлар, спорт одамларига қўшилиб, Мозори Шарифга жўнабди, деган гапни айтишди.

...Охирги сафардан қайтганда, унинг ухламай ҳовлида ўтирганини сезиб қолдим, нотинчлиги аниқ эди. Ҳолидан хабар олишга қарор қилиб, айвонга чиқдим. Қоп-қора осмонда юлдузлар милтиллар, яримта ой шундай тепада сарғайиб турарди. Оҳиста ҳовлига тушдим. Сўри зихида ўтирган Ўғилой бошини кўтарди. Унинг йирик думалоқ кўзлари «ялт-ялт» қиларди.

– Уйқунгиз ўчдими, тоға?

– Ўзинг нимага ухламаяпсан? Чарчадингми? – саволига жавоб бермай сўрадим, ёнига ўтирарканман. – Халақит бермайманми?

– Йўқ. Ўтиринг, – у жойидан кўзғалиб қўйди. – Чарчадим. Лекин уйқум келмади. Ўйлаб кетдим.

– Нималарни? Билсам бўладими?

– Бўлади, – у жилмайди. – Масалан, куёвингизни.

– Ботиралиними?

– Ҳа. Ўшани.

У жимиб қолди. Мен эса саволга тутмадим. Анчадан бери ёнингда бўлмаган суюкли одамнинг ҳақида гапириш, уни эслаш ҳар доим оғир. Ўғилой шу аҳволда эди. Нима қиламан азоб бериб?

Бирдан у қаддини ростлаб, менга ўтирилди.

– Нега «Покистонга бордингми?» – деб сўрамайсиз?

– Боролмаган бўлсанг, ярангга туз сепиб нима қиламан? – ростини айтиб қўяқолдим.

– Бордим. Бир ой бўлди бориб келганимга!

Ҳанг-манг бўлиб қолдим. У рост гапираётган эди. Алдаб нима қилади? Фақат мен унинг тутган ерини кесадиган, айтганини қиладиган одамлигини унутган эдим, холос.

– Қойилман! Хўш, қалай Ботирали? Кўрдингми? Гапир...

– Кўрдим. Худди мана шундоқ, сиз минан ўтиришгандай ўтиришиб гаплашдим...

– Бир ўзинг бордингми? Қандай қилиб бординг?

– Э, тоға, пул бўлса чангалда шўрва, дейишгани рост экан. Пул минан бориб келдим. Икки йил бурун дадамга совхоз берган «Москвич» машинамиз бор эди. Қип-қизил лоладек машина. Ойим минан нима қилишимизни билмай, хуноб бўлиб ўтирсак, дадам қийиқларига ўроғлиқ бир даста пулни олдимизга олиб келиб қўйдилар. «Хотин, умримда биринчи марта сендан бесўроқ иш қилдим. Лекин қизимизнинг бахти учун ҳамма нарсасага тайёрман. Машинани со-

тиб келдим. Борсин ўша Покистонга. Эрини кўрсин. Иложи бўлса етаклаб олиб келсин!» – дедилар. Ойим уришиш қаёқда, севиндилар. Мани бўлса-ку, бошим осмонга етди. Билетга, у ёқда бир ҳафта туришга пул топилганидан кейин қолган нарса осон кўчди. Афғон ногиронлари уюшмасидан ёрдам беришди. Қорачи узоқмасакан. Тошкандан тўрт соатча учиб бордик. Йўлда бир тўхтаб олдик, холос.

– Куала-Лумпурда.

– Ҳа, ўшатда тўхтадик. Қайтишда тўхтамадик. Тўппа-тўғри Тошкентга келиб тушдик. Мани консулхонанинг одамлари кутиб олди. Катта шаҳар экан Қорачи. Ҳамма ёқ одам, худди чумоли инидан қўзғалгандай... Йўқолиб қолиш ҳеч гапмас. Алламбало мошинада, ҳозир шунақа мошиналар Тошкентдаям юрибди, жажжи бир меҳмонхонага бордик. Телевизорли бир хонага жойлашдим. Пул тўлай, десам, кейин дейишди. Консулхона одами Афғон ногиронлари уюшмасининг телеграммасини олишган экан, кечқурунгача Исломободга телефон қилиб, ҳалиги хат ёзган элчихона маслаҳатчисидан Ботиралининг адресини суриштирадиган, кейин мени олиб борадиган бўлди. Фақат Ботирали билан ўзим гаплашишимни, у четда туришини айтди. Хўп, дедим. Кечқурунгача анча бор эди, ҳали пешин ҳам бўлмаган эди. Кўчага чиқдим, «гуп» этиб иссиқ ҳаво, овқат ҳиди димоғимга урилди. Лекин тез кўникиб кетдим. Меҳмонхона атрофини уч-тўрт айланиб келдим. Узоқроқ боришга чўчидим. Адашиб кетиб, меҳмонхонани йўқотиб қўйишим мумкин. Кейин номеримга кўтарилиб, телевизор қўйдим. Кино кетаётган экан. Маза қилиб томоша қилдим. Уларнинг телевизори ғалати. Эртадан-кечгача кино кўрсатади. Кечасиям уч-тўртларгача тинмайди. Бурасангиз бўлди қулоғини, кино кетидан кино кўрсатаверади. Бир вагон кино кўриб келдим. Меъдамгаям тегиб кетди. Бир маҳал ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди. Телевизор ҳам ўзидан-ўзи тўхтади. Кейин ташқаридан сўфининг овози келди. Деразани очиб қулоқ солдим. «Оллоҳу Акбар! Оллоҳу Акбар!» Ажойиб ашула эшитгандай бўлиб кетдим. Шу заҳоти иккинчи томондан бошқа сўфининг овози келди: «Ашҳаду анна Муҳаммадан расулуллоҳ!» Унинг овози ҳам ширали, ёқимли эди. Кейин тушуниб қолдим. Улар пешин намозга чакиришаётган эди. Намоз тугагандан кейин яна ҳаёт қайнаб кетди. Мошиналарнинг овози, извош аравага қўшилган отларнинг дўпири қулоқни қар қилгудек эди. Бунақа томошани умримда кўрмаганман. Хуллас, қандай қилиб кеч кирганини билмай қолдим. Дилим равшан, кайфим чоғ эди. Шундоқ жойгаки келдимми, ниятимга етишимга, Ботиралини кўришимга имоним комил эди. Консулхона одами айтган вақтида келди. Пиёда борамиз, деди. Эрингиз яқин жойда турар экан. Кейин йўлни билиб олиб ўзингиз бораверасиз, деди. Юрагим бир ҳаприкиб кетди. Хўп, дедим. Тошкентдан анчагина тансиқ нарсалар олиб кетган эдим. Иккита целлофан пакет қилиб тайёрлаб қўювдим. Биттасини консулхона одамига бердим. Биттасини ўзим кўтариб олдим. Ҳар ҳолда қуруқ бормаган яхши. Йўл-йўлакай сездим, консулхона одами бир нарса демоқчи бўлади-ю, айтолмаяпти. Чидолмай, «Тинчликми?» – деб сўрадим. «Тинчлик, – деди. – Кўрасиз, ҳозир. У дўкончи бўлиб кетган». «Нима қилса қилмайдими, омон экан, шу катта бахт», – дедим. Консулхона одами индамади. Бирдан расталар бошланиб кетди. Ҳамма ёқ мева. Олма дейсизми, апельсин дейсизми, банан, узум... Шу ернинг ўзида шарбатам қлиб туришибди, аппаратга солиб... Жаннат дейсиз, тоға, жаннат!.. Кейин бирдан раста қатори тамом бўлиб, газлама қатори бошланиб кетди. Вой, ана газлама, мана газлама! Умримда бунақа мўл-кўл бо-

зорни кўрмаганман. Бир пайтлар шойи, чит, духоба биздаям кўп эди. Аммо бу-нақаси бўлмаган!.. Оғзим очилиб қолди. Консулхона одами сал юрганимиздан кейин тирсагимдан ушлаб тўхтатди. «Энди бу ёғига ўзингиз борасиз. Мен боролмайман. Истасангиз кутиб тураман. Лекин меҳмонхонангиз олис эмас. Шу кўчадан қайтсангиз бўлди. Шундай меҳмонхона олдидан чиқасиз», – деди. Кетаверинг, дедим. “Ботирали Қодиров чап томондаги дўконлардан бирида ўтирибди. Дўкон тепасига исириқ осиб қўйибди, секин борсангиз ўтиб кетмайсиз”, тушунтирди кетаётиб консулхона ходими. У айтгандек қилиб чап томонга ўтиб олдим. Битта-битта юриб борвотман. Ранг-баранг матолардан, шойи, духоба, товарлардан кўзим қамашиб кетвотган бўлсаям, дўкончилар афти-башарасига разм соламан. У ерда фақат эркалар. Аёллар деярли ишламасақан. Ёш-ёш йигитлар кўпи. Ҳаммаси узун оқ кўйлак кийиб олган, ҳаммаси соқол-мўйлаб қўйган. Бошларида юпка оқ дўппи. Кўзига кўзиз тушиши минам дарров ичкарига таклиф қилади, молларини мақтаб олдингизга тахлаб ташлайди... Юрганим сари юрагим дуқуллаб уриб кетяпти. «Ҳозир кўраман уни» дейман ўзимча. Ҳозир у мани кўради. Нима деркин? Ман нима дейман унга? Қандоқ кўришамиз? Анча юрдим. Ҳатто, хавотиргаям тушдим, ўтиб кетдимми ё йўқми, деб. Йўқ ўтиб кетмаган эканман. Бир маҳал олдинда бир исириқ осиб қўйилган дўкон кўринди. Беихтиёр тўхтаб қолдим. Иликларимгача бўшашиб кетди. Дўкон ичидан бош-кўзи ўралган иккита хотин чиқишди. Улар кетидан дўкончи кўринди. Униям эғнида узун оқ кўйлак. Бошида тўр тўппи. Қоп-қора соқоли кўкрагига тегиб турибди. У аёлларга нимадир деди. Аёллар бош ирғашди. У бирпас улар кетидан қараб турди, кейин ичкарига кириб кетди. Танидим. Соқол-мўйлов қўйган, узун кўйлак кийиб олган бўлса ҳам, овозини эшитмаган бўлсам ҳам танидим. Гавдасиданми, йўғон бўйниданми, лапанглаб юришиданми, билмадим, ишқилиб танидим. Ботирали! Йиғи занжир бўлиб келиб оғзимга тикилди. Маҳкам оғзимни ушладим. Дўконга яқинроқ бордим. Ботирали йўқ эди. Уни энди йўқотмаслигимни билсамам, озгина хавотирга тушдим. Ичкарида эшик бор экан. Бир маҳал ўша ёқдан бир тўп газмол кўтариб чиқди. Мани кўрди. Манам унга қараб турибман. Газмолни деворга тираб қўйди-да, рўпарамга келди. «Ўғилой!?» – сўради кўзларини тикиб. «Манман, Ботиралака!». Шундоқ дедиму, бағрига отилиб тўйиб йиғлагим келиб кетди. Аммо ўзимни ушлаб қолдим. Бегона юртда, ғирт мусулмонлар ичида бўлсам-да, эркак одамга ўзимни ташлаб ўтирсам?! Куёвингизам ўзи кучоғини очмади. Ҳатто жойидан қимирламади. Ичимда ўксиндим. Ютиниб, ўзимга келволдим-де, қўлимни узатдим. «Сизни топганимдан хурсандман!» – дедим. «Раҳмат» деди. “Сени кутган эдим”, деди. Ҳайрон бўлиб қолдим. Тушунтирди: “Сени яхши биламан, тириклигимни, қаердалигимни эшитишинг билан йўлини топиб келишингга ишонардим”, деди. Бу билан у мани мақтадими, ё норизо бўлиб гапирдими, англамадим. «Қани, ўтирайлик», – у дўконнинг қамиш пардасини тушириб ёпди. Олдимга курси қўйди. Ўзи кигиз устига чордана қуриб, қўлларини фотиҳага ёзди. «Қани омин, қадам етди, бало етмасин. Худога минг қатла шукур, дийдор кўришдик!» У яна нималарнидир шивирлаб қўлларини юзига суртди, мўмдек қора қалин соқоли, мўйловини силади, кейин менга қарамасдан ўрнидан турди. Индамай ичкаридаги эшикдан қаёққадир ғойиб бўлди. Анчагача ёлғиз қолдим. Дўконга бошқатдан разм солдим. Мол кўп эди. Тўрттала томонга тахлаб ташлаган. Фақат кираверишдаги бир қулоч ергина очиқ. Кўпи ипак мол. Ҳайрон бўлиб ўйлаб

кетдим. Бу қанақа асирлик бўлди? Шунча молни, шундоқ дўконни асир одамга ким топшириб қўйди? Асирми ўзи Ботирали? Ман сизга айтсам, тоға, уни соп-па-соғ, ҳатто анчагина тўлишиб кетганини кўриб хурсанд бўлган бўлсам, нима-дандир кўнглимнинг бир чеккаси ғаш эди. Асир одамни қамоқхонада ўтиради, ишга олиб чиқса ён-верида соқчилар туради, деб ўйлаган эдим. Ботирали бемалол юрибди. Кийим-боши яхши, ранги-рўйини айтсангиз, ҳозиргина ҳаммомдан чиққан одамдай оқи-оқ, кизили-қизил. Ҳа, айтгандай, бир қўлида тагин алламбало тасбеҳ. Қоп-қора, худди қўйнинг кўзидек ҳар бир тоши. Хуллас, асир одамга ўхшамасди...

Катта патнис кўтариб оёқ яланг бир бола ичкаридан чиқди. Патнисни олдимга қўйиб, менга қаради-да, жилмайиб нимадир, деди. Нима деганини билмасамам тушундим. Дастурхонга таклиф қилди. Қанд-курс, қатламага ўхшаган нон, темир чойнакда чой, қайноқ сут олиб келган эди у. Бошимни қимирлатиб раҳмат, дедим. У жилмайдиганча чиқиб кетди. Анчадан кейин Ботирали қайтиб келди. Рўпарамга ўтириб нон синдирди, дам еган бўлса ҳам чойни икки-уч марта қайтарди. Бошини кўтармай, кичкина-кичкина тақсимчалардаги ширинликларни манга яқинроқ суриб қўйди. Сезяпман, нимадандир хижолатда. Қаҳрабодай аччиқ бўлиб кетган чойдан қуйиб узатар экан, қўлиям қалтираб кетаётганини кўрдим. Индамай мен унга, у менга тикилганимизча қанча ўтирдик, билмайман, бир маҳал у ҳўрсиниб бошини кўтарди. Жикқа ёшга тўлган кўзларини манга тикди. «Мени кечир, Ўғилой, – деди. – Мен илгариги Ботиралимасман». «Ҳа, ўзгариб кетибсиз, – дедим ҳазилга олиб. – Соқол-мўйлов ярашаркан сизга». Шундоқ дедиму, у бошқа нарсани назарда тутаётганини тушундим, тоға! У у ёқда уйланволган экан. Иккита боласи бор экан. Дўкон – хотинининг дўкони экан!..

Ўғилой бирдан жимиб қолди. У йиғларди. Аммо овутмадим, тўхтатмадим. Нима деб овутаман? Йиғласин, ўзига эрк бериб дилини бўшатсин. Тавба, уруш одам бошига қандай кулфат, ташвишларни солмайди? Лекин Ўғилойнинг бошига тушган ташвишларни мен сира хаёлимга ҳам келтирмаган эдим.

– Қизиқ-а, тоға? – худди дилимдагини билгандек сўради бир маҳал Ўғилой анчагина ўзини тинчитиб олиб. – Мани яхши кўриб, олиб қочиб кетган йигит қўш хотинли бўлиб ўтирса? Суюмли хотинини кундошли қилиб ўтирса?!

– Нега бундай қилибди? Сўрамадингми?

Ўғилой энтикиб жилмайди.

– Сўрамадим. Ўзи айтиб берди.

Кобул яқинида уларнинг бўлими қўршовда қолибди. Кўпчилик қутулиб чиқиб кетибди. Тўрт киши чекиниш ҳақидаги буйруқни эшитмай асир тушиб қолишибди. Тоғ оралаб кетишаётганда бизникилар ҳужумга ўтибди. Самолёт душманни ўққа тутибди, бомба ташлабди. Шу жангда асир тушганларнинг учтаси ҳалок бўлибди. Тасодифан Ботирали омон қолибди. Жанг тугаганидан кейин ўртоқларини ўзи кўмибди. Уни Ҳасан-Ҳусан афғонлар асир олган экан. Катталари, Ёқуббек деган генерал Ботиралини бутунлай уларга бериб юборибди. Ҳасан-Ҳусанлар аввал уни Покистон чегарасига олиб боришибди. Шу ерда, бир қишлоқда уй-жойлари бор экан. Экин эктиришибди. Бузилган уйларини тузаттиришибди. Ботиралининг қўли гуллигини кўриб, кейин мусулмонлигини эътиборга олиб, сингилларини унга никоҳлаб беришибди. «Уйланмасанг, ўлдириб юборамиз» дейишибди. Ботиралининг рози бўлишдан бошқа чораси

қолмабди. У уйланиб, озгина кўникишгандан кейин, эркин юра бошлагандан кейин қочмоқчи экан. Аммо иложи бўлмабди. Ҳасан-Ҳусанлар унга маҳкам ёпишиб олишибди. Кейин Қорачига олиб кетишибди. Оталаридан қолган уч-тўртта дўконлари бор экан, биттасини унга беришибди. Кетма-кет болалар пайдо бўлибди. Ботиралининг ўзи ҳам шу турмушга кўникиб қолибди.

– Болалариниям, хотининиям кўрдим, – деди Ўғилой яна жилмайиб. – Ботирали ҳикоясини тугатиб, ичкарига ишора қилди. Қарасам, эшик олдида юзига қора рўмол тутган битта аёл турибди. Иккала кўзи чўғнинг ўзи. Манга ёвдек қараб турибди. Қўлида бола. Каттасиям шўттаякан. Онасининг қўйнагига бекиниб олган. «Хондамир!» деб чақирди Ботирали. Бола онасининг қўйлагини қўйиб юбориб, Ботиралининг олдига уялиб, битта-битта қадам ташлаб келди. Ботирали уни бағрига босиб, ўз тилида нимадир деди, пешонасидан ўпди. Хўр-лигим келиб кетди. Бахтиёрни ким энди бағрига босади? Ким пешонасидан ўпади? Аммо эзилганимни кўрсатмадим. Қайтанга кулиб, болани мен ҳам қучоғимга олдим. Ўрнимдан туриб, хотинга салом бердим. Мунир экан номи. Кейин олиб келган совғаларимни очдим. «Ойимларнинг патирлари-ку!» севи-ниб кетди Ботирали. Хотинини чақирди. Қўлидаги болаям ўғил экан. Бобур қўйишибди, отини. Саккиз ойлик бўлибди. Қўлимга олдим. Полвон бола. Қош-кўзлари худди отасининг ўзи. Фақат қоп-қора. Пешанасидан ўпдим. Ботирали патирдан ушатиб ҳаммага бир бурда-бир бурдадан улашди, чақалоқнинг қўлигаям тутқазиб қўйди. Аёл бир тишлам оғзига солди, аммо барибир ёв қарашини қўймади. Шу орада дўкон пардасини кўтариб икки киши кирди. Ҳасан-Ҳусанлар экан. “Душман”лар деганда ман ўзимизни киноларда кўрсатган босмачиларни кўз олдимга келтирардим. Туппа-тузук одамлар экан, фақат улар ҳам менга ғалати қарашди. Афтидан ҳадиксирашди. Ботирали узоқ йўқ бўлиб кетганда менинг кимлигимни айтган экан хотинига. Хотини дарров акаларига хабар берган. Бечоралар мани эрини олиб кетгани келган деб ўйлашган бўлса керак. Шунинг учун ҳам уччалови безовта эди. Улар-ку майли, Ботиралиям нотинч эди. Ростини айтсам, мени ўзимам ғалати аҳволда эдим. Кимман ўзи? Кимларнинг орасида ўтирибман? Нима қилишим керак? Ҳасан-Ҳусанлар келгандан кейин гапимиз бутунлай қовушмай қолди. Мен Ботиралига отасининг оламдан ўтганини айтдим. Яшириб нима қиламан? Уччала эркак Қуръон ўқишди. Гап яна узилди. Кетишим кераклигини сезиб, ўрнимдан турдим. Шунда бутунлай кетаётганимни билдим. «Мени кечир. Кечиринглар ҳамманг» – деди яна дўкондан чиққанимда Ботирали. Индамадим. Адресимни сўровди, бердим. Дўкондан ўн қадамча узоқлашганимдан кейин ўзимни тутолмадим, йиғлаб юбордим. Меҳмонхонага келиб яна юм-юм йиғладим. Эрталаб консулхона одами телефон қилувди, имкони бўлса тезроқ жўнатиб юборишни сўрадим. Тошкентда қўниб ўтадиган самолёт бор экан, шунга билетимни тўғрилаб берди. Меҳмонхонада Ботиралига атаб кичкина хат қолдирдим. Мабодо келса бериб қўйишади. «Ботирали! Хайр, – деб ёздим. – Мендан хавотир олманг. Сизни ҳеч қачон безовта қилмайман. Мунирбону билан қўшақаринглар. Болаларингизнинг роҳатини кўринг. Собиқ умр йўлдошингиз Ўғилой». Ўша куни кечқурун йўлга чиқдим. Ботиралидан хафамасман. Ким билади, шундоғ қилмаса омон қолмасмиди? Қанча одам ўша Афғонда нобуд бўлиб кетди! Фақат Бахтиёрга ачинаман баъзан. Отаси бўлатуриб отасиз ўсвотти. Майли, катта бўлганда ўзи ҳамма нарсани, тирикчилик, ҳаёт нималигини тушуниб олар. Балки, отаси ми-

нам дийдор кӯришар? Ўша энди покистонлик, ота бир, она бошқа укалари минам борди-келди қилиб кетар? Қаршимасман, қайтанга хурсанд бўламан. Негаки, болалигида отасининг дийдорига тўймаган ўғлим бечора, катта бўлганда тўйсин... Мунирбону, кундошимгаям, Ҳасан-Ҳусан акаларигаям тариқчалик гинам йўқ. Фақат, тоға, иккинчи хотин бўлолмайман, каттаси бўлсаман. Эрнинг қош-қовоғига қараб яшолмаган одам, қандоқ қилиб кундошга чидайди? Феълимам, қонимам исён қилиб юборади. Ботирали у ёқда никоҳлаб олган хотини, иккита қўғирчоқдай боласи, ҳовли-жой, дўкони борлигини, қайтиш нияти йўқлигини ўзимми ойим минам дадамга айтиб бердим. Ойим фиғон бўлиб уни қарғадила, уришдила, унга қўшиб маниям уришдила. Этганимни қилганингда бойвучча бўлиб юрардинг, дедила. Аммамми ўғли, ҳалиги, чайқовчи, «Мерседес» оганмиш, икки қаватли данғиллама уй қурвотганмиш. Кулдим. Манга Ботиралидан бўлак ҳеч ким, ҳеч нарса керакмаслигини ҳалиям тушунмабтила. Қайнонамга, умуман, бошқа ҳеч кимга ростини айтмадим. Ростини билишса, кетиб қолади, деб мендан хавотир олишади. Қандоғ кетаман? Қайнонам касалвон одам, уйдан чикмайди. Иккала қайним ҳали уста қўлида. Ота касбини танлашган. Шундоғ курсила, хонтахта қилишадики, худди музей дейсиз! Икки-уч йилдан кейин катта бўлиб, ўзлик-ўзи шовут олишади. Ана ўшанда акалари нима қилиб юрганини билишса-билишар. Қайнисийнимам институтни битирсин. Унгача ким қарайди уларга, ман қарамасам? Ҳаммаларига соғ-саломат юрибди, дедим. Аммо асир, дедим. Ҳеч қаёққа шаҳардан чиқиб боролмайди, ҳеч кимга хат ёзолмайди. Яқинда музокара бўлармиш. Асирларни қайтадан масаласи ўшанда кўрилармиш. Ҳаммаларингизга кўпдан-кўп салом, деб юборди, дедим. Ишонишди... Лекин, тоға, бир нарсага ҳеч тушунолмайман. Покистонга бориб келганимам, Ботиралини кўрганим, ўша ёқда у бошқа турмуш қуриб кетганиям худди тушга ўхшайди. Одамни эзадиган, йиғлатадиган туш... Ҳеч ишонгим келмайди. Ҳамма кўрганларим ёлғонга ўхшайди. Намангандаям, Паркатдаям эшик ланг очилиб, Ботирали кириб келаётгандай бўлаверади. Келиб Бахтиёрни кўтаради, бўйнига ўтқазади. Мани бағрига босиб, бошимдан ўпади... ўйиб-ўйиб билагимни чимчиласамам кўз олдимда пайдо бўлаверади... Биламан, Покистонга бориб келганим туш эмас, ҳақиқат. Барибир ишонгим келмайди. Туш дейман. Туш-а, тоға?

Ўғилой кўзлари ялтираб менга қаради, кейин бошини кўкрагимга қўйди. Жавобнинг унга кераги йўқ эди. Шундай бўлса ҳам ўзимча уни юпатмоқчи бўлдим.

– Ёшсан. Турмушинг ҳали яхши бўлиб кетади. Ажаб эмас, яхши бир одамни учратасан ҳали...

– Ботирали битта, тоға, – деди у бошини кўтариб.

Баҳслашгим, гапини иккита қилгим келмади.

Анчагача аста-секин сўнаётган юлдузлар, оқараётган тун сукунатига қулоқ солиб ўтирдик.

Тонгги ғира-ширада Ўғилой Наманганга жўнади. Катта кўчагача кузатиб чиқдим. У тақ-туқ қилиб, шаҳдам-шаҳдам қадам ташлаб борар экан, орқасидан узоқ қараб турдим. Менинг ўғилбола жияним, жигарим, бу ўзгарувчан, нотинч ҳаётда шу юришинг йўқолмасин, омон бўл!

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Дунёнинг ишлари

(Асардан новеллалар)

ҲАҚҚУШ

Дўстларим: «Жуда сиқилиб кетдингиз, айланиб келамиз», деб тоққа суд-рашди. Алла-паллагача ўтган-кетгандан гаплашиб ўтирдик. Қизик, ҳар гал бош устига босиб тушгудек мағрур қад кериб турган тоғларни, улкан новвот парчасидек қиррадор қояларни кўрганда ҳаёт абадий эмаслигини ўйлайман. Қоронғи осмонда яна ҳам қорароқ соядек қилт этмай турган бу қоялар бизга ўхшаганларнинг неча-нечасини кўрди экан?.. Фақат уларнинг тили йўқ... Кечаси тунаган жойимиз совуқ эди. Анчагача ухлай олмадим. Ташқарида тераклар шитирлайди. Қаердадир, якин жойда дарё шовуллайди. Бир маҳал қулоғимга дилни орзиқтирувчи мунгли товуш чалинди: «Ҳақ-ку, ҳақ-ку...» Бир зум сукунат тушди-да, анча олисдан яна ўша товуш такрорланди: «Ҳақ-ку, ҳақ-ку...»

Бола эдим, гўдак эдим. Онам ака-укалар ҳақида ғалати бир чўпчак айтиб берган эди. Эмишки, бир замонлар икки ака-ука яшаган экан. Бирининг оти Илҳақ, иккинчисиники Исҳоқ экан. Иккаласи бир-бирини кўрарга кўзи йўқ, жуда ноаҳил экан. Уларнинг кўнглини оламан, деб икки ўртада оналари адо-йи тамом бўпти. Шунда қодир Худонинг қаҳри келибди-ю, икковининг ҳам кўзини кўр қилиб, қушга айлантириб қўйибди. Шундагина ака-ука бир-бирини кўрмаса тутолмаслигини, бир-бирига керак эканлигини тушунишибди. Ўшандан бери иккаласи кечалари бўзлаб бир-бирини чақириб чиқишармишу, тополмас эмиш...

Ташқарида ҳамон терак барглари шитирлайди. Дарё шовуллайди. Мана шу шовуллаган сукунат ичида дилни титратадиган изтиробли нидо янграйди: «Илҳақ! Ис-ҳоқ!..»

Бечора онам! Ўша изтиробли афсонани айтаётганингда инидан мўралаган қалдирғоч боласидек кўрпадан бош чиқариб ётган беш боланг бир-бири билан иноқ бўлишини шунчалик хоҳлаганмидинг!

...Оналар фарзандлари ҳамиша бирга бўлишини истайдилар. Қисмат эса, уларни қанот чиқариши билан ҳар ёққа учуриб кетади. Ҳаёт лоақал шу масалада ҳам оналарга шафқат қилмайди.

ГИЛАМ ПАЙПОҚ

Ҳар йили дам олишга борганимда онамга гилам пайпоқ олиб келаман. Кавказ томонда кўп бўлади. Жуба дейишади, жураби дейишади. Ойим худди ноёб нарсаса эга бўлгандек, узундан-узоқ дуо қилади. Шундоқ меҳрибон ўғли борлигини айтиб қўшниларга мақтанади. Унинг оёғи касал. Салқин тушиши билан шишиб кетади, оғрийди. Қўни-қўшнилар аҳвол сўраса, уларниям, ўзиниям юпатади.

– Ҳа, энди кексалик-да, ўргилай.

Лекин онамнинг оёқ оғриғи фақат касалликдан эмас. буни бошқалар билмаса ҳам, мен биламан. Яхши биламан. Болалигимда кўп касал бўлардим: кизамиқ, кўкйўтал, безгак... Шунинг учун ошхонадаги михда кўк қарғанинг патидан тортиб, гултожихўрозгача илиғлиқ турарди... Айниқса, томоқ оғриғи ёмон қийнайди. Оёғим захга тегиши билан томоғим оғришга тушади. Оёқ билан томоқнинг нима алоқаси борлигини ҳалиям тушунолмайман. Ўшанда неча ёшлигим эсимда йўқ. Бироқ жуда кичкина эдим. Бир кун акаларим билан яхмалак ўйнаб терлаб кетдим. Терлаб туриб муз едим. Кечқурун иситма кўтарилди. Қув-қув йўталаман. Ойим томоғимни аччиқтош билан чайиб кўрди, бўлмади, туршак қайнатиб сувини ичирди, бўлмади... Охири томоғим хиппа бўғилиб қолди. Оғриқни сезмайману, нафас олишга қийналаман. Ҳушимдан кета бошлаганимни эс-эс биламан. Қулоғим остида онамнинг чирқиллаб йиғлагани, ҳадеб бир гапни қайтараётгани эшитилади:

– Вой, энди нима қиламан! Вой, болам ўлиб қолади!

Кейин мени шоша-пиша кўрпачага ўради. Бир маҳал онамнинг қўлида кетаётганим эсимда бор. Гупиллатиб қор ёғаётганини ҳис этиб турардим, бироқ юзимга қор тушмас эди. Онамнинг иссиқ нафаси урилиб турар, у сирғаниб-сирғаниб борар, оғир хансирар эди.

Хира чироқ милтираб турган аллақандай уйга кирдик. Кўз ўнгим яна қоронғилашиб кетди. Ойим ҳамон чирқиллайди.

– Ўлиб қолади! Болагинам ўлиб қолади!

– Ваҳима қилманг, пошша, дардни берган Худо, давосиниям беради. Бу Ҳожи бувининг овози эканини ғира-шира идрок этдим.

Ҳожи буви бошимни тиззасига қўйиб чалқанча қилиб ётқизди. Дока ўралган бармоғини оғзимга тикди. Кўнглим ағдарилиб, типирчилаганча йиғлар, аммо Ҳожи бувининг қўлидан чиқиб кетолмасдим. У томоғимга нимадир қилди. Дод солиб қўлини тишлаб олдим. Қизиқ, бирпасдан кейин аҳволим енгиллашди. Кўзимни очсам, Ҳожи буви жилмайиб турибди.

– Нега тишлайсан, кучуквой? – деди бошимни силаб.

Кейин тепамга ойим энгашди. У ҳамон хансирар, сочлари тўзғиб кетган, юзи жиққа ҳўл эди.

Бирпасдан кейин қаддимни ростлаб, танчага оёғимни тикиб ўтирдим. Ҳожи буви аллақандай тахир суюқлик ичирди. Кейин ойимга қаради-ю, бирдан хитоб қилди.

– Вой пошша-а-а! Нима қилиб қўйдингиз, тамом бўпсиз-ку!

Ойим талмовсираб, гоҳ менга, гоҳ Ҳожи бувига қарар эди.

– Оёғингиздан айрилибсиз-ку! – деди Ҳожи буви бошини чайқаб. – Шу аҳволда қандоқ келдингиз?

Кавшандозда турган ойимнинг калишини энди кўрдим. Калишнинг ичи қорга тўла эди.

– Сарпойчан келавердингизми?! – деди Ҳожи буви ҳамон ўша ваҳимали оҳангда. – Энди нима қиласиз? Қарғанинг миясини чақиб сурмасангиз, чўлоқ бўлиб қоласиз.

Ойим танчадан оёғини чиқарди. Иккала оёғи қип-қизил гўшт бўлиб кетган эди.

– Совуқ егани йўқ, – деди секин. – Қайтага исиб кетди. Қорда ўзи исиб кетаркан.

Ҳожи буви унинг оёғини уқалаб кўрди.

– Сезяпсизми?

– Нимани? – деди ойим оёғига эмас, менга қараб.

– Қўлимни сезяпсизми?

Ойим индамай бош чайқади-да, пиқиллаб йиғлаб юборди.

... Эртасига у ётиб қолди. Узоқ ётди. Дадам бир жойдан қарға отиб келди. Ҳожи буви қўлидан келганча дори-дармон қилди... Кейин ойим тузалди. Бироқ салқин тушиши билан оёқлари шишиб, азоб берадиган бўлиб қолди... Ҳар йили дам олишга борганимда онамга гилам пайпоқ олиб келардим. У худди ноёб нарсага эга бўлгандек, узоқ дуо қилади, бирпасда ҳамма қўшниларга кўз-кўз қилиб чиқади, шундоқ «меҳрибон» ўғли борлигини айтиб мақтанади. Шунда қор гупиллаб ёғиб турган мудҳиш кеча, онамнинг қип-қизил гўштга айланиб кетган оёқлари кўз ўнгимга кела-ди-ю, индамай чиқиб кетаман.

ЭНГ ОҒИР ҒУНОҲ

Куз кирганини қишлоқ боласининг қўлидан билса бўлади. Ёнғоқ ҳали «паққа» бўлиб ажралмасдан туриб, дарахтга тармашиб кетамиз. Хом ёнғоқнинг пўстини тозалаш осон эмас. Ғадир-ғудир гишт топиб, ишқалайверасиз, ишқалайверасиз. Охири сап-сариқ ёнғоқ ажралиб чиқади. Аммо қўлингиз ҳам хина қўйгандек сарғайиб кетади. Лой билан минг марта ишқалаб ювсангиз ҳам фойдаси йўқ. Пишмаган ёнғоқнинг битта яхши томони бор: оғир бўлади. Учи билан дум томонини яхшилаб ишқалаб ёғласангиз, золдирдек сип-силлиқ соққага айланади. Ана ундан кейин «соққа қувар» ўйнайверасиз. Соққа қанча кичкина бўлса, шунча яхши. Манаман деган ёнғоққа қарс этиб урилади-ю, ўзига унча-мунча ёнғоқ тегмайди. Тупроқ орасига яшириниб ётаверади. Ўйин-ку ўз йўлига. Ёнғоқнинг яна битта фазилати бор: қоринни тўқ тутади. Тўрттасини еб олсангиз, ярим кун кекириб юрасиз.

... Энди ўйлаб қарасам, ўша – уруш энди тугаб, оғирчиликнинг захри кетмаган йилларда яхшиям мева-чева бўлган экан. Одамларнинг жонига шу ора кирган экан-да. Эрта кўкламда сумалак, кетидан исмалоқ, кейин қарабсизки, тут пишади. Эрмон буванинг тути! Майиз дейсизми, шинни дейсизми, ҳаммаси тутдан бўлади. Бундан кейин олма, узум, кузда ёнғоқ. Ҳам овқат, ҳам ўйин. Бир куни Хўжа, Той, Вали тўртовлашиб роса соққа қувар ўйнадик. Жимитдек кина соққам билан бир дўппи ёнғоқни ютиб олдим. Ўйинга жўрабошимиз ҳам аралашган эди, уям бир чўнтак ёнғоғидан айрилди.

Кечкурун оғзим қулоғимга етгудек бўлиб бир дўппи ёнғоқ кўтариб келдим. Қарасам, ошхона томондан гуп-гуп этган товуш келяпти – ойим ўғирда толқон қиляпти.

Нима учундир онам тез-тез толқон қиларди. Сабабини кейин тушунганман. Нон кўплиги учун эмас, камлиги учун толқон қилишаркан. Толқон тўйимли бўлади. Икки қошиқ еб, устидан олма чой ичсангиз, дарров нафсингиз қонади.

Ёнғоқни кўтариб ошхонага кирдиму дўппини узатдим.

– Қаёқдан олдинг? – деди ойим кўзимга тикилиб.

– Ютдим. Манг, толқонга солинг.

Биламан, ёнғоқли толқоннинг таъми бошқача бўлади. Ёғ мазаси келиб туради. Онам дўппи тўла ёнғоқни қўлимдан олиб, елкамга қоқди:

– Бор, сабр қилиб тургин, ҳозир ёнғоқ толқон қилиб бераман.

Супадаги хонтахта олдиға бориб ўтирдим. Дастурхонда тўнкариб қўйилган иккита пиёла билан чойнақдан бўлак нарса йўқ эди. Зум ўтмай ойим бояги

товоқда толқон кўтариб келди. Бир қошиқ толқон ейишим билан тўсатдан соққам эсимга тушиб қолди. У чўнтагимни қарайман – йўқ, бу чўнтагимни қарайман – йўқ.

– Нима бўлди? – деди ойим типирчилаётганимни кўриб.

– Соққам қани?

– Қанақа соққа?

– Ютадиган соққам!

Бирдан кўнглимга ғулғу тушди. Ойим соққамниям кўшиб чақиб қўйган бўлса-я!

Оғзимда толқон билан ошхонага югурдим. Бир чеккада яримта ғишт, ёнида теша ётибди. Пўчоқлар орасини титкилаб, ютадиган соққамнинг ялтироқ пўчоғини топдим. Аламимдан чинқириб юбордим:

– Соққамни нима қилиб қўйдингиз?

Супа томондан онамнинг овози келди:

– Нима бўпти?

– Нима қилдингиз? – дедим алам билан. – Соққамни нима қилиб қўйдингиз?!

Ойим секин тепамга келди.

– Мана, – дедим пўчоқни кўрсатиб. – Соққамни чақиб қўйибсиз-ку!

Ойим негадир кулди:

– Қаёқдан биламан. Қўй, болам, аканг бошқасини топиб берар.

Ойимнинг кулиши баттар алам қилди.

– Керакмас, керакмас! – дедим оёғимни типирлатиб. – Ютадиган соққам эди.

Ойим бошимни силади.

– Билмабман-да, ўғлим. Ўзинг дўпписи билан бердинг. Юр, чойингни ич! – У қўлимдан тутиб яна супага олиб чиқди. Олдимга толқонли товоқни суриб қўйди. – Ўтир, овқатланиб ол. Қорнинг очиб кетди-ку!

Товоқни нари сурдим.

– Емайман!

Ойим товоқни яна мен томонга сурди.

– Ол, болам, ширин бўпти.

– Керакмас! Керакмас! Керакмас! – Товоқни қўлим билан бир урган эдим, учиб аввал супага, ундан ерга тушди. Толқон ер билан битта бўлиб сочилди-да, тупроққа қоришиб кетди.

Бирдан ойимнинг кўзида ғазаб чакнади. Шапалоғини ёзиб қулоқ-чаккамга яқин келтирди. Қўрқувдан кўзимни юмиб олдим. Йўқ, урмади. Бироқ лаби титраб пичирлади:

– Нон-ку, бу, аҳмоқ! Гуноҳ бўлади-ку!

У секин ерга тушди. Сочилган толқонни кафти билан сидирган эди, тупроқ аралашиб чиқди. Онам бошини кўтариб менга қаради. Кўзларида алам, таъна бор эди.

Бирпасдан кейин опам, акаларим дастурхон атрофида йиғилишди. Ҳар биттасига ярим қошиқдан толқон ё тегди, ё тегмади. Кейин дадам келди, ойим ошхонадан буғи чиқиб турган бир лаган лавлаги кўтариб чиқди. Лавлаги ширин нарса-ю, ҳар куни егандан кейин жонга тегди. Барибир нон эмас. – Толқон қилмадингми? – деди дадам бир бўлак лавлагини пуфлаб-пуфлаб ер экан.

Қўрқув ичида ойимга қарайдим.

– Қилувдим, – деди у секин.
– Қолмадими?
– Ўғир ўлгур ағдарилиб кетди, – деди онам айбдор оҳангда.
– Нима? – дадам лавлаги бўлагини қўлида тутганча жаҳл билан онамга қаради.
– Тўкилиб кетди, – деди ойим бошини қуйи солиб.
– Падарингга лаънат! – деди дадам секин, аммо таҳдидли оҳангда. – Капкатта хотин увол қилиб ўтирсанг. Билиб қўй, нон кўр қилади сени! – У шахд билан ўрнидан турди-да, бир хатлаб супадан тушди. Тез-тез юриб кўчага чиқиб кетди.

Мен ойимга қарадим. У бўлса ҳамон бош кўтармай ўтирар, кўзларида изтироб бор эди.

ҚАНОАТ

Отамнинг жаҳли ёмон эди. Баджаҳл бўлиб ака-укалардан биронтамизни чертган эмас. Бироқ онам: «Ҳой, эҳтиёт бўл, адангнинг жаҳллари ёмон», деб шунчалик уқтириб қўйганки, отамизни кўришимиз билан ҳаммамиз ювош тортиб қолардик.

Тирикчилик важдан бўлса керак, отам кечалари соат тузатарди. Қўни-қўшни, маҳалла-қўйда кимнинг соати бузилса, бизникига олиб келар, отамнинг хужрасида катта-кичик соатлар муттасил чиқиллаб турар эди. Онам бизни бу хужрага ҳеч йўлатмасди. Бир куни укам иккаламиз у ерга кирсак, стол устида кичикроқ пиёланинг оғзидек келадиган занжирли чўнтак соати ётибди. Қопқоғи, ойнаси очилган, мурватлари бир чеккага тартиб билан териб қўйилган. Ака-ука ўзимизча «устачилик» қилдик. Соатнинг юришидан дарак йўқ. Бир маҳал нариги уйда онамнинг шарпасини сезиб қолдигу секингина сирғалиб чиқиб кетдик.

Кечкурун отам хужрага кириши билан хуноб бўлиб қичқирди:

– Соатга ким тегди?

– Ҳеч ким киргани йўқ-ку! – деди онам ҳайрон бўлиб.

– Ҳаммасини сочиб ташлабди-ку! – отам жаҳл билан чиқиб келди.

Қўлида биз «тузатган» соат. – Мили йўқ. Эгасига нима дейман!

Укам иккаламиз чурқ этмай мўлтираб ўтирибмиз. Яхши ҳамки акаларимиз кўчада, бўлмаса, ҳамма айб ўшаларга тушиши аниқ.

Кўп ўтмай овқат келди. Укамга ёғоч қошиқ, менга темир қошиқ тегди. Иккаламиз қошиқ талашиб қолдик. Укам у ёққа тортади, мен бу ёққа. Икки орада коса думалаб, дастурхонга шўрва тўкилди. Бояги хунобгарчилик устига буниси ҳам қўшилди-ю, биз бир ёқда қолиб отам онамни тушириб қолди. Ака-ука пилдирпис бўлиб, ин-инимизга кириб кетдик. Онам шўрликнинг қовоғи кўкариб чикди. Ачиндик. Аммо начора?.. Эрталаб турсам, отам ишга кетган, ҳовли томондан аёл кишининг шанғиллагани эшитиляпти. Овозидан танидим: қўшнимиз Мўмин аканинг хотини. Мўмин ака – кетмончи. Ўзи ҳам мўмингина одам. Хотини бошқачароқ. Каттаю кичик ҳамма уни Келинойи деб чақиради. Келинойининг қизиқ одати бор. Ичида гап ётмайди. Уйида қайси шолчага хокандоздан чўғ тушиб, қанча жойи куйгани, қайси ўғли шолғомни ёмон кўриши, қайси қизининг сочига сирка оралагани – ҳаммасини бирпасда маҳаллага ёйиб чиқади.

– Кетаман! – деди у овозини баралла қўйиб. – У қўймаса, мана ман қўйдим! Кетаман! Кетгандаям уйини вайрон қилиб кетаман!

Тушундим. Бундан чиқди, Келинойи эри билан уришган. Уйида сал жанжал чиқса, албатта ойисиникига «кетадиган» бўлиб қолади. Томоша кўриш учун аста мўраладим.

– Нима бўлди ўзи, овсинжон? – деди онам секингина.

– Кеча мани шундоқ сўқди, шундоқ сўқди, йигитгина ўлгур! – Келинойи икки қўли билан шарақлатиб сонига шапатилади. – Онамни сўқди-я, бўйгинанг гўрда чиригур.

– Қўйинг, хафа бўлманг, – деб онам уни юпатишга уринди.

– Нимага хафа бўлмас эканман? – Келинойи яна ҳам қаттиқроқ шанғиллай бошлади. – Кечкурун ўсма эзиб қўювдим. Шу савил қуриб қолмасин, деб қошимга қўя қолувдим. Ҳа, мошкичири жиндак тагига олиб, қотиб кетибди. Шунгайм ота гўри қозихонами? «Пардоз-андоз қилгандан кўра овқатингга қарасанг ўласанми!» дейди-я, гўрсўхта! Ҳа, пардоз қилсам, ўйнашимга кипманми, қирчинингдан қийилгур! Қирмочми, баломи, захрингга еявермайсанми, ергина ютгур! Ҳаҳ, онамни сўққан тилларинг танглайингга ёпишгур! Тагин нима дейди, денг? Айбни менга тўнкайди: тилинг бир қарич, дейди. Вой, тилимни гапирган тилларинг жодида қийма-қийма бўлсин-а. Елдек келиб, селдек олмаса асло розимасман!

– Қўйинг, овсинжон, – онам маъюс жилмайди. – Ошсиз уй бор, уришсиз уй йўқ... Қарғаманг бечорани.

– Вой нега қарғамас эканман? Оғзи-бурнингдан лахта-лахта қонинг келгурни, нега қарғамас эканман? Кетаман!

– Олти бола билан қаёққа борасиз, овсинжон? – деди онам кулимсираб. – Жўжабирдек жонсиз. Шуларнинг шуқурини қилсангиз-чи.

– Э, олтита боламни ойдинда оёғим билан боқиб оламан. Ойигинамнинг тор қорнига сиққан кенг уйига сиғмайманми? Биров мани кўкрагимдан итармас. Мана шу ажалнинг тиғи парронига учрагур билан тургандан кўра... – Келинойи бирдан жимиб қолди. Киприкларини оғир-оғир пирпиратиб онамга узоқ тикил-ди-ю, овози пасайди. – Вой, юзингизга нима қилди?

– Ўтин тегиб кетди, – деди онам секингина. – Қарасам, ўтин ўлгур қолмабди. Болалар ўқишда, адаси ишдалар. Кўзлироқ саржин экан, теша билан урганимни биламан... – Онам қовоғини силаб қўйди. – Адаси ишдан келиб жуда хафа бўлдилар. «Бирпас сабр қилмайсанми, ўзим ёриб бермайманми», дедилар. Мен турган жойимда қотиб қолдим. Онам ёлғон гапирарди. Ёлғон гапирарди-ю, негадир бу менга жуда ёқар эди...

– Ана! – Келинойи тагин шанғиллади. – Сизнинг эрингиз ўтинингизгача ёриб беради. Маники бўлса, бир пақир сув олиб келмайди, қўлгинанг синиб, акашак бўлгур. Уйим-жойим деб бўйнини эгмайди, бўйнигинанг кесилгур, эшшак! Худоё бўйнигинанг хазрати Алининг қиличида кесилмаса, у дунё-бу дунё розимасман-а!

Ортиқ қараб туролмадим. Негадир йиғлагим келди.

...Ҳозир ҳам эри сал қовоғини солса, «мелиса» билан қўрқитиб, «ўн беш суткани» пеш қиладиган баъзи хотинларни кўрсам, онамнинг қаноатини, Келинойининг қарғишларини эслайман.

СОВЧИЛАР

Ишдан чарчаб қайтдим. Биламанки, бунақа пайтда телевизор рўпарасига ўтирсангиз, тамом! Баҳона ўзидан-ўзи топилаверади. Бош қурғур толиққани, янги фильм бошлангани...

Яхшиси, кабинетга кириб ишлаш керак. Ҳеч бўлмаса китоб ўқиш... Журналнинг янги сонини варақлаб ўтирсам, эшик тақиллаб, қассоб қўшнимизнинг кизи – Гули кириб келди.

– Кел, Гули, – дедим журналдан бош кўтармай. – Яхшимисан? Гули эшик олдида туриб қолди.

– Энциклопедия керак эди, – деди негадир қоғоғини солиб.

– Ана, хоҳлаган томингни олавер.

Шундай дедиму яна журнални ўқишга тушдим.

Кўп ўтмай Гули ишини битирди шекилли, эшик олдида борди. Аммо чиқиб кетмади.

– Менга қаранг, – деди эшик тутқичини ушлаб. – Сиз ҳаётий проблемалар-гаям аралашасизми ё нуқул китоб ёзаверасизми?

Ростини айтсам, эсанкираб қолдим.

Бу қизнинг фалсафа факультетида ўқиётганини эшитгандим, маҳалладаги энг «модний» қизлардан эканини, жинси шим кийиб юришини билардим-у, кечагина кўчада черта ўйнаб юрган қизалоқдан бунчалик илмоқли савол кутмаган эдим. Беихтиёр журнални бир чеккага суриб қўйиб унга тикилиб қолдим. Аввалгидек сансирашни ҳам, сизлашни ҳам билмасдим.

– Нима бўлди? – дедим довдираброқ.

Гули креслога ўтираркан, қошини чимирди.

– Мана, сизлар эскилик сарқитини йўқотиш керак, у-бу деб ёзасиз, тўғрими? Индамай бош силкидим.

– Унақа бўлса нимага кўзингизнинг олдида бўп турган сарқитга қарши курашмайсиз?

Кўрдимки, рўпарамда черта ўйнаб юрган қизалоқ эмас, жиддий одам ўтирибди.

– Кечирасиз, – дедим сизсираб. – Нима бўлди ўзи?

– Совчи деган гап қаёқдан чиққан? – Гули жаҳл билан қўл силтади. – Ҳали униси келади қийшайиб, ҳали буниси келади, тугунини осилтириб! «Э, бўлди, гап буёқда экан-да!»

Кулиб юбормаслик учун лабимни тишлаб, уни юпатган бўлдим.

– Қизлик уй бозор! Келади-да, харидорлар! Яхши қиз экансизки, совчилар келади.

– Нима, бозор бўлиб мен эчкиманми! – жаҳли чиққанидан Гулининг юзи қизариб, чиройли киприклари пирпираб кетди.

– Ҳеч ким сизни сотиб юбораётгани йўқ-ку, – дедим кулиб. – Шунақа бўлади-да таомили!

– Китобда бошқа гапларни ёзасиз-ку! – Гули жаҳл билан қўл силтади. – Умримда кўрмаган ўғлини мактайди. Ўқитувчи дейди. Бошимга ураманми!

– Балки, ўғли ростдан ҳам яхши боладир...

– Мард бўлса ўзи гаплашсин! Онасини элчи қилишга бало борми? Жинимдан ёмон кўраман, шунақа латтачайнар йигитларни!

Билдимки, Гулининг ўз «йигити» бор. Яна юпатдим.

- Совчи дегани келади. Сўрайди, суриштиради...
- Сўрамасаям ҳаммасини билади.
- Ўзингиз хоҳлаган йигитнинг онасиам келади-да, бир кун.

У «келиб-келиб сенга маслаҳат соламанми», дегандек ҳафсаласи пир бўлиб чиқиб кетди. Хона жимжит бўлиб қолди. Шунда ғалати ҳаёлларга бордим. Совчи деса мунча хуркмаса бу қиз! Ахир ота-онаси оёқ-қўлини боғлаб бировга бериб юборадиган замон эмас-ку, ҳозир! Шунини ўйладиму бир вақтлар совчилар бизнинг ҳам эшигимизнинг «турмуғини бузгани» ёдимга тушди.

* * *

Эрта баҳор эди. Кунлар илиб қолган, аммо ердан ҳали қишнинг захри кетмаган, унда-мунда ёввойи саримсоқлар ниш урган, тол новдалари сарғиш ранг олиб, ҳуштак ясашга яроқли бўлиб қолган... Опам ишда, акаларим мактабда. Бир ўзим зерикканимдан дарвоза олдида чўзилиб ётган хариға миниб олганча, бурнимни тортиб-тортиб акамнинг қаламтарошида ҳуштак ясаб ўтирардим. Кучугим оёғим остида ўзини офтобга тоблаб ётар, ора-чора итпашшаларни қувиб, думини тишлар, аммо пашшалар тутқич бермай учиб кетар, зум ўтмай, яна қўниб ғашига тегарди.

Бир маҳал кучугим дик этиб турди-ю, акиллаганча югургилаб қолди. Эллик қадамча нарида келаётган икки хотинни кўрдим. Бири паранжи ёпиниб олган, паст бўйли, қўлида ҳасса-таёқ, оқсоқланиб қадам ташлайди. Яна бири ёшроқ, бошига ғижим рўмол ўраган, атлас кўйлагининг устидан бахмал нимча кийган. Ҳар иккаласининг қўлида тугун борлигини кўрдиму дарвозадан бақириб кирдим.

– Ойи! Опамга совчилар келяпти!

Совчи хотинларни узоқданоқ танийдиган бўлиб қолганман. Албатта қўлида тугуни бўлади. Кейинги пайтда уйимизга бунақа хотинлар серкатнов бўлиб қолган: кун ора ҳар хили келиб кетади.

Ойим айвонда чўккалаб ўтирганча ун элаётган экан.

– Вой ўлай, – деди-ю, илдам ўрнидан турди. Элакни супрага ўраб, хужрага югурди. Зум ўтмай қўлини ювиб чиқди-да, меҳмонларни кутиб олиш учун шошилди. Ойимдан олдинроқ мен етиб бордим. Меҳмонлар дарвозага яқин келиб қолишган, кучугим уларнинг атрофида гир айланиб вовиллар, гоҳ унисига, гоҳ бунисига «хужум» қилар эди. Аёллар итга қараб-қараб секин юриб келишарди. Кучугимга пакана хотин хунукроқ кўринди шекилли, паранжисининг этагига ёпишди.

– Ёт! – дедим ўдағайлаб.

Кучук бўлса мени кўриб руҳланиб кетди, пакана хотинга коптокдек отилди. Аммо хотин, пакана бўлсаям бало экан! Ҳассаси билан мўлжаллаб бир туширган эди, кучук оқсоқланганча ангиллаб қочиб қолди. Анча нарига бориб, орқа оёғини ялади.

– Вой ўргилайлар! – деди онам эски қадрдонларини кўргандек, қувониб. – Хуш кепсизлар!

У ҳар иккала аёл билан кучоқлашиб кўришди. Ғижим рўмолли аёл кўришаётганда нима учундир ойимнинг сочини ҳидлагандек бўлди. Онам пакана хотиннинг паранжисини қўлга олди. Айланиб-ўргилиб, уйга бошлади. Атлас кўйлаклиги эса негадир лип этиб ошхонага кириб кетди. Зум ўтмай чехраси ёришиб чиқиб келди.

Акамнинг қаламтарошини жойига қўйиш баҳонасида секингина сирғалиб уйга кирдим. Ойим яқинда қўмилган танча ўрнига қўйилган хонтахта атрофига дарров кўрпача ёзди. Токчадан патнис олди. Патнисда нималар борлигини аниқ биламан: туршак, чақилган ёнғоқ, жийда, олтита зоғора нон, битта ликопчада майдалаб қирқилган калла қанд. Қанд танқис бўлса ҳам, ойим бу – меҳмонларга аталган деб кўп тайинлагани учун биз – болалар унга тегмасдик. Меҳмонлар фотиҳа ўқишди. Ойим чой қуйиб узатди.

– Энди, ўргилай, – деб гап бошлади атлас қўйлакли хотин, узоқ ҳол-аҳвол сўрашганидан кейин, – агар тақдир қўшган бўлса қариндош бўлармиз, деган умидда эшигингизни супургани келдик.

Ойим индамади.

– Олиб ўтиринглар, – деди анчадан кейин дастурхонга имо қилиб.

– Эшитдик, ўзим ўргилай, – деди пакана хотин, – таг-зотли одамлар экансиз. Болалар катта бўлгандан кейин ота-она зиммасидаги қарзини узгиси келиб қоларкан. Бизнинг ўғлимиз ҳам яхши, мўмин-қобил йигит. Муаллим... У, «энди сиз гапиринг», дегандек атлас қўйлакли аёлга секин бурилиб қараган эди, сочининг учига тақилган сўлкавойлари жиринглаб кетди.

– Бизлар ҳам ҳурмат кўрган одамлармиз, – атлас қўйлакли хотин қалин билагузук таққан қўллари билан ўзи келтирган тугуннинг боғичини еча бошлади.

– Овора бўлманг, айланай, – деди ойим унинг қўлидан оҳиста тутиб. – Насиб этса, ҳали кўп бориш-келиш қиламиз.

Ойим ҳеч қайси совчининг дилини оғритмас, аммо совчилар тугиб келган нонни синдиришга йўл ҳам қўймасди. Ҳозир ҳам шундай қилди.

– Майли, сизлар ҳам сўранг, суриштиринг, – деди пакана хотин чой ҳўплаб.

– Қаънида турамиз. Шундоқ гузар олдидаги қўшқават дарвоза. Одилхўжа десангиз ҳамма билади. Маҳмуд букурнинг ёнидаги ҳовли.

– Овсиним куёв бўлмишнинг оналари! – Атлас қўйлакли аёл жилмайди. – Муборак чевар десангиз, ҳамма танийди. «Зингер» машиналари бор.

Мени Одилхўжаю Маҳмуд букур ҳам, Муборак чевару, «Зингер» машинаси ҳам қизиқтирмас, икки кўзим қандда эди. Ўзимнинг борлигимни билдириб қўйиш учун қаламтарошни қўлимдан тушириб юбордим. Ойим ялт этиб қаради-ю, пастки лабини тишлаб, билинар-билинемас бош чайқаб қўйди. Бу – «уят бўлади, чиқиб кет», дегани эди. Қанддан умидимни узиб чиқиб кетишдан бўлак чорам қолмади. Ярим соатдан кейин совчилар кетишди. Кучугимнинг алами ичида қолган экан шекилли, ойимнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, совчиларни анча жойгача «кузатиб» келди.

Уч кундан кейин совчилар тагин келишди. Сочининг учига сўлкавой таққан паранжили хотин билан яна ўша новчароғи. Бу сафар новча хотин қарғашойи қўйлак кийган, бўйнига дур осиб олган эди. Ошхонада овқат қилаётган опам дарвозадан кириб келаётган меҳмонларга кўзи тушиши билан томорқага қочиб кетди. Бу сафар совчилар узоқроқ ўтиришди, ойим уларни мошхўрда билан меҳмон қилди. Кечки овқатдан кейин опам идиш-товоқни ювиш учун ошхонага чиқиб кетганида ойим дадамга қайси кунги совчилар тагин келишганини айтди.

– Яхши, таг-зоти кўрган одамларга ўхшайди. Ўғлиям муаллим эмиш. Унингиз йўк, бунингиз йўк деб ўтирмаймиз, бориға барака қилиб тўй қилаверамиз дейишяпти.

Дадам анчагача индамади.

– Суриштириб кўриш керак, – деди охири. — Бу – умр савдоси. – Кейин шиша носқовоғини олиб, нос отди. – Қизингни кўнглиниям билиш керак.

Шу билан гап бошқа ёққа айланиб кетди. Дадам эски пахталигини кийиб, кечқурунги сменага ишга жўнади. Биз – ака-укаларга жон кирди. «Қушим боши» ўйнадик, ўрта бармоқни топиш ўйнадик. Охири ўйиндан ўқ чиқди. «Ошхўракам каптар» ўйнаётганимизда акамнинг боши укамнинг бошига қаттиқроқ урилиб кетди шекилли, укам ариллаб йиғлай бошлади. Ойим билан опам койиб-койиб, жой солиб беришди. Ҳамма ухлаб қолди. Мен бўлсам анча-гача ухлолмай ётдим. Бир маҳал ташқарида чақмоқ чақди. Кетидан момақалди роқ гулдиради. Шариллаб жала қуйиб юборди.

– Ўлсин, – деди ойим ўрнидан туриб. – Чакка ўтяпти.

Опам икковлари тоқчадан товоқларни олиб чакка ўтадиган жойга қўйишди. Кўзимни юмиб ётсам ҳам қаердан ўтишини биламан. Бурчақда, сандиқнинг олдидан, кейин кавшандоз яқинидан ўтади.

Опам билан онам яна жойларига келиб ётишди. Опам дераза тагига, ойим – укамнинг ёнига. Мен бўлсам чаккага қулоқ солиб ётибман. «Чак-тик-пук», «Чак-тик-пук...» Чакиллайверади, чакиллайверади, худди соатга ўхшайди. Фақат оҳанги ҳар хил: «чак-тик-пук...»

Энди кўзим илинган экан, опамнинг хўрсинганини эшитиб яна уйғониб кетдим.

– Нимага келишаверади, ойи!

– Совчими? – деди ойим. – Келади-да, қизим. Қизлик уй – бозор. Шоҳ ҳам келади, гадо ҳам. Бировнинг эшигига умид билан келган одамни хафа қилиш гуноҳ.

Ойимнинг уйқуси ўчиб кетди шекилли, овозини анча баландлатиб гапира бошлади.

– Қадим замонда бир саҳоба ўтган экан. Ой деса ойдай, кун деса кундай, яккаю ягона қизи бор экан. Бир куни уч жойдан уч совчи кепти. Саҳоба совчиларнинг дили оғримасин, деб учаласигаям розилик бериб юборибди. Кейин нима қилишни билмай, Худога нола қипти. Ўзи биттаю битта қизим бўлса, уч жойга сўз бериб қўйган бўлсам, энди нима қиламан, деб йиғлабди. Шунда Худонинг раҳми келиб бир кечада саҳобанинг сигири билан эчкисиниям қиз қилиб қўйибди. Учала қиз бир хил эмиш. Уч совчи уч қизини тўй-томошалар билан олиб кетибди. Шунда саҳоба Худога яна нола қипти. Қайси бири ўзимнинг қизим эканини энди қаёқдан биламан, дебди. Худодан нидо кепти: эшиқдан кириб борганинда салом бериб кутиб оладиган, эрини, қайнота-қайнонасини, қайинбўйинларини ҳурмат қиладиган қиз – ўзининг қизинг. Ҳеч кимни ҳурмат қилмайдиган, шалтоқ қиз сигиринг. Ҳеч кимни ҳурмат қилмайдиган оғзи шалоқ қиз – эчкинг бўлади дебди. Ҳар хил хотинлар ўшандан тарқалган эмиш. Бири эсли-ҳушли, чаққон, бири – шалтоқ, бири адабсиз...

– Кеннойига ўхшаганми? – деб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Бу шундай кутилмаганда бўлдики, ойимнинг чўпчаги шартта кесилиб қолди. Кейин опам икковлари шарақлаб кулиб юборишди.

– Вой шайтон, ухламаганмидинг?! – деди опам қаддини ростлаб. Ўрнидан турди-да, пилиги пасайтирилган лампали тоқча олдидан ўтиб келиб, мени қучоқлади. У юзимдан, бу юзимдан ўпди. Опам уришиб беради, деб қўрқиб тургандим. Ўпгани учун жудаям яхши кўриб кетдим...

Эртасига чойдан кейин ойимнинг маҳси кияётганини кўриб, меҳмонга отланаётганини сездиму дарров эргашидим.

– Менам, менам бораман!

– Меҳмонга кетаётганим йўқ, – деди ойим бош чайқаб. – Ишим бор.

– Бораман, оборасиз!

Онам бир зум иккиланиб турди-да, рози бўлди.

– Майли, аммо чарчадим демайсан.

Она-бола йўлга тушдик. Ёмғир кечаси тиниб қолган, аммо ер ҳамон кўпчиб ётибди. Оёқ боссангиз бир ботмон лой ёпишади. Аввал жийдазордан, кейин Қонкус устига ташланган яккачўпдан ўтдик. Лопиллаб турган яккачўпдан ўтаётганда қўрқдиму ўтиб олгандан кейин шундоқ сув бўйида ўсиб ётган самбиттолларга анграйиб қолдим. Самбиттол зўр! Хуштак ясаса ҳам бўлади, «от» қилиб ўйнаса ҳам...

– Юр, тезроқ, – деди ойим қўлимдан тутиб...

Нихоят гузарга етиб келдик. Чойхонада одам йўқ ҳисоб, эски наMAT ташланган сўрида бир чол офтобда мудраб ўтирибди, ёнида тумшуги чегаланган чойнак, сопол пиёла... Кейин деворлари нураб кетган отхона олдида ўтдик. Қовурғаси саналиб қолган учта от думи билан пашша кўриб чарчоқ қиёфада бошини солинтирганча мудрайди. Отхона ҳовлисининг бурчагига уйиб қўйилган гўнгдан ҳовур кўтарилади.

– Қаёққа кетяпмиз, ойи?

– Келдик шекилли, – деди онам атрофга аланглаб. – Куриб кетсин, сўрайдиган одам ҳам йўқ.

Икки бетида толлар, тераклар ўсиб ётган лой кўчадан яна озгина юрган эдик, обкашда сув кўтариб келаётган семиз хотин кўринди.

– Ҳой эгачи, шу ерликмисиз? – деди ойим, яқинроқ бориб.

Семиз хотин обкашни елкасидан олди. Устига чамбарак ташланган икки пақир сувни ерга қўйди. Ҳарсиллаб ойим билан кўришди.

– Маҳмуд букурнинг уйлари қайси, ўргилай? – деди онам семиз хотинга илтижоли термилиб.

Семиз хотиннинг ранги ўчиб кетди.

– Букур бўлса Худо қилган! – деди ҳарсиллаб. – Тавба денг!

Шундай дедию, шарақ-шуруқ қилиб илгакни илганча обкашни кўтарди. Шартта бурилиб кетди. Сирғалиб-сирғалиб бораркан, обкаши билан қўшилишиб орқага бурилди.

– Таъна таги тайғок, – деди ҳарсиллаб. – Бетамиз!

Ойим ханг-манг бўлиб қолган, оғир-оғир киприк қоқар, ҳозир йиғлаб юборадиган алпозда эди.

– Вой, шўрим! – деди пичирлаб. – Келиб-келиб хотинидан сўрабман шекилли. У ҳамон сирганганча обкашини лапанглатиб кетаётган аёлга анчагача қараб турди-да, қўлимдан тутди.

– Юр, кета қолайлик.

Бу ерга нима учун келганимизни тушунгандек бўлдим.

Кеча дадам «суриштириб кўриш керак» деган эди. Бундан чиқди ойим совчиларни қўни-қўшнисидан билиб олмоқчи.

Чойхона рўпарасида пастак томига қора қоғоз ташланган, деразасининг кўзига ялтироқ хитой қоғоз ёпиштирилган сартарошхона бор экан. Ичкарида ким

борлигини билмадим, бироқ дўкон эшиги олдидаги ёғоч харрак бўш эди. Уч-тўрт қадам юргандан кейин ойим тўхтаб қолди.

– Сочингни олдирамизми? – деди тўсатдан.

Иккиланиб қолдим. Сочимни олдириб борсам, акаларим, жўрабоши албат-та бошимга шапатилаб «устара ҳақи» олишади.

– Юра қол, – ойим елкамга қокди. – Сочинг ўсиб рангингни сиқиб юборибди. Очик эшикдан секин мўраладим. Ичкарида мижозлар йўқ, олдига кир пешбанд таққан сартарош девор томонга қараб чой ичиб ўтирган экан. Кечаги ёмғирда бу ердан ҳам чакка ўтган шекилли, хужранинг хомсувоқ қилинган деворига узун-узун захқаш из тушиб қолган. Ойим эшикдан мўралаб, секин йўталди. Сартарош елкаси оша бурилиб қаради. Мўйлови текис қайчиланган қисикрок кўзли киши экан.

– Жияннинг сочини оламизми? – деди ўрнидан туриб. Шундагина унинг битта оёғи ёғоч эканини кўрдим. Носранг галифе шимининг ёғоч оёғи-даги почасини қайириб қўйибди. У тахталарининг ораси очилиб ётган пол-ни дўпиллатиб яқин келди. – Ўтир, жиян, – деди эски курсига имо қилиб. Деворга тираб қўйилган хира тошойна рўпарасига ўтирдим. Ойим бошимдан дўппимни ечди-да, боя сартарош ўтирган курсига жойлашди.

– Устарада оламизми, машинадами? – сартарош стол устида ётган, соч то-лалари ёпишган матони қоқиб-қоқиб бўйнимга соларкан, онамга юзланди.

– Машинада ола қолинг, – деди ойим.

Сартарош қутичадан ялтироқ машинасини олди. Чаккамга машинани ти-раб шиқ-шиқ қилганча сочимни олишга тушди.

– Нега ихрайсан? – Сартарош бошимни беш бармоғи билан чангаллаганча дашном берди. – Солдат ҳамма нарсага чидаши керак. За Родину, деб атакага борсанг ҳам ихрайсанми?

Ойимдан паноҳ кутиб, аксини ойнада кўриш умидида мўраладим. Бироқ кўзгу шунақанги хира эдики, ўзимнинг юзимни зўрға кўрардим.

– Сиз шу ерликмисиз? – деди онам бир маҳал.

– Шўтликмиз, – сартарош ишини давом эттираркан, онамга бурилиб қара-ди. – Нимаиди?

– Мен бир хайрли юмуш билан келувдим, – деди ойим осойишта оҳангда. – Одилхўжа деганни танийсизми? Аёллари чевар экан. Муборак чевар.

– Нега танимас эканман! – сартарош тантана билан овозини баландлат-ди. – Шундоқ Маҳмуд букур билан қўшни туради-да, отхонадан ўтсангиз тўр-тинчи дарвоза!

– Бир нарсани билмоқчийдик, – ойим бир зум жимиб қолди-да, давом этди. – Худойлигингизни айтсангиз: қанақа одамлар ўзи, таг-зоти қанақа, асли шу ерликми ё бошқа жойдан келишганми?

– Ҳа-а-а! Бундоқ демайсизми? – Сартарош онамнинг мақсадини тушунди шекилли, бош ирғади. – Таг-зоти тоза одамлар! Қадимдан шу ерда туришади. Ота-бобоси боғбон ўтган. Катта узумзори бўларди. Шибилғони дейсизми, ша-карангур дейсизми, эчкизмарми – ҳаммаси шу боғда бўларди. Ана узуму мана узум! Урушнинг касофати билан кўплари йўқ бўп кетди. Қўли қисқалик қип қолди бечораларни!

Сартарош гапирган сайин ғайратга кирар, ғайратга кирган сайин маши-нани тезроқ шиқирлатар, унга сайин сочим кўпроқ юлинар эди. Кўзимдан ёш чиқиб кетди.

– Авлодида ёмон одамлар чиқмаганми? – деди онам. – Қиморбоз, ўғри, на-шаванд дегандай...

– Йўқ! – деди сартарош қатъият билан. – Ҳаммаси яхши одамлар. Онам енгил тортиб, хўрсиниб қўйди.

Энди сочимнинг орқасини олишга навбат келди. Сартарош кафтини боти-риб, нуқул бошимни пастга эгади. Бошим эгилган сайин пайдар-пай бурнимни тортаман.

– Ўғли-чи? – деди ойим асосий мақсадга ўтиб. – Тўлаганхўжа деган ўғли бор эмиш...

– Во! – Сартарош машина бандига тиқилган бош бармоғини диккайтириб кўрсатди. – Меравой бола! Маълим! Мактабда маълимлик қилади.

– Урушга бормаганми?

– Йўқ, – сартарош қитиғимни келтириб тагин бўйнимга машина солди. Шилт этиб бурнимни тортидим. – Маълимларни урушга олишмаган. Аммо мера-вой бола! Нима, куда бўлмоқчимисизлар?

– Қайдам, – деди ойим секин. – Тақдир қўшган бўлса...

– Аммо оғиз солишган бўлса шу боладан қолманглар. Таг-зоти кўрган, бу-нинг устига кимсан, маълимни куёв қиласизу жон демайсизми, сингил! Ўзин-гиз кимнинг оиласи бўласиз?

Ойим ҳаммасини батафсил айтди. Дадамни, асли қаердан келиб чиққани-мизни...

– Юлдузинглар юлдузларингга тўғри кепти! – деди сартарош ма-шинани пуфлаб-пуфлаб тозалар экан. – Худо хоҳласа ош ер эканмиз-да! Қутулганимга шукур қилиб, дик этиб ўрнимдан турдим. Онам дўппимни бо-шимга кийгазиб, сартарошга пул берди.

– Ие, қудалардан пул олсак қандоқ бўларкин? – сартарош пулни шимининг киссасига тиқаркан, тайинлади. – Шулардан қолманг, яхши одамлар.

Уйга қайтишимиз билан бир бурда зоғорани олдимۇ кўчага югурдим. Май-дончада ўйнаб юрган Той, Вали, жўрабоши – ҳаммаси пайсалга солмай «уста-ра ҳақи» олишди. Айниқса жўрабоши ўрта бармоғи билан чертганда бошим оғриди. Лекин чидаб турдим. Ўзим олиб келган янгилик билан ҳаммани қо-йил қолдирмоқчи эдим. – Яқинда бизникида тўй бўлади! – дедим мақтаниб. – Опамнинг тўйида роса ош еймиз! Кейин куда буви менга қўйлак тикиб беради. «Зингер» машинаси бор!

...Лекин тўй бўлмади. Бир ойдан кейин ҳам, бир йилдан кейин ҳам... Бир-икки марта опам, «керакмас», деб йиғлаганини, ойим, «кўнглингдагини айт бўлмаса», деганини эшитиб қолдим.

Таниш совчилар ҳамон тез-тез келиб туришар эди. Бир куни эрталаб тур-сам, ойим йўқ. Тушга яқин хомушроқ қайтди. Эртасига опам ишга кетганида, нонушта устида дадамга қизиқ гап айтди.

– Пишмайдиган савдога ўхшайди. Уруғида жинни бор экан. Тўлаганхўжа-нинг катта амакиси уч-тўрт марта жиннихонага тушган экан.

– Бўлмайди! – деди дадам кескин қўл силтаб. – Совчилар яна келса жаво-бини бериб юбор.

Бир нарсани ҳеч тушунмасдим. Ўшанда онам совчиларнинг келиб чиқи-ши қаерданлигию, авлодида ёмонотлик одамлар бор-йўқлигини, касб-кори ни-маю, қариндошларида касаллар бор-йўқлигини нима учун бунчалик суриштир-ганига ҳеч ақлим бовар қилмасди.

Бу савдолар, бу саволлар бора-бора ёдимдан чиқиб кетди. Бироқ кунлардан бирида ғалати воқеа бўлди. Редакцияда ишлаб ўтирсам, эғнидаги кийимидан тортиб тақинчоқларигача жуда ярашган кўҳлик аёл кириб келди. Анчагача гапни нимадан бошлашни билолмай уялиб ўтирди-ўтирди-да, охири дардини очди.

– Усмон акам иккаламиз бир-биримизни яхши кўрамиз. Аммо ажрашмасак бўлмайди.

Худо ҳаққи, бунақа масалаларга аралашини жинимдан ёмон кўраман. Кўҳлик жувонга тўғриси айтдим, ўз ҳаётингизни ўзингиз ҳал қилинг, дедим. Аёл бир зум ерга қараб турди-да, илтимос қилди.

– Усмон акам билан бир гаплашиб кўрсангиз...

«Усмон акаси» келишини ҳаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Уч кундан кейин эшикдан ҳар жиҳатдан мукамал йигит кириб келиб ўзини таништирганида ҳайрон қолдим. Икковлари бир-бирига шу қадар муносиб эдики, шундоқ оиланинг ажрашмоқчи эканига ачиниб кетдим. Гапни нимадан бошлашни билмай гарангсиб турган эдим, Усмоннинг ўзи муддаога ўтди.

– Хотиним мени, мен хотинимни севаман. Боламиз йўқлигига хафаман. Аммо чорамиз ҳам йўқ!

– Ҳозирги замон медицинаси учун шуям проблема бўптими, – дедим Усмонни юпатиб. – Учрашиб кўринглар ахир.

Маъюс жилмайди.

– Ўзим врачман. Врач бўлганим учун хотинимнинг туғишини хоҳламайман. Бутунлай эсанкираб қолдим.

– Нега ахир? Бир-бирларингни севсангиз. Муносиб бўлсангиз...

– Мен врачман, – деди Усмон яна бўғиқ овозда. – Генетикани яхши биламан. Хотинимнинг ўғил туғишидан кўрқаман. – У яна хўрсинди. – Кўрқаман. Умуман, ҳаммасига ўзим айбдорман. Назирани севардим. Худбинлик қилдим. Бошида айтишим керак эди. У ниманидир, жуда муҳим нарсани айтишга иккиланар эди.

– Майли, – деди ниҳоят. – Ростки, сизга юрагимни очдимми, бу ёғиниям айтишим керак. Менинг бувам – дадамнинг отаси ШЗ бўлган.

– Нима у ШЗ? – дедим дафъатан тушунолмай.

– Шезофрения касаллиги. Руҳий хасталикни медицинада шунақа дейилади. Бу – наслга ўтадиган дард. Ота авлодида бўлса ўғилгами, неваралагами, хуллас кимгадир ўтади.

– Қизиқ экансиз, – дедим уни юпатиб. – Врачлар ваҳимачироқ бўлади ўзи! Ўтмаса-чи!

– Ўтса-чи! – Усмон маҳзун қиёфада бошини қуйи солди. – Мен-ку майли, Назирада нима айб? Руҳий хаста бола билан умрбод эзилиб юрадимми?! Яна алланималар деб кўнглини кўтарган бўлдим. Усмон маҳзунлик билан жилмайиб ўтирди-ўтирди-да, индамай чиқиб кетди. ...Шунда чакка ўтган ўша кеча, эрта баҳорда ойим билан лой кечиби, Қаънига борганимиз, фронтовик сартарош, яна кўп нарсалар ёдимга тушди. Онамни кўмсаш аралаш соғинч туйғуси вужудимни сиркиратиб юборди. Шу пайтгача ўзим тушунмай юрган кўп ҳақиқатларни англагандек бўлдим.

...Қайси куни метро станцияси олдида Гулини кўриб қолдим. Ёнида баланд бўйли, жингалак сочли йигит. Мўйлови ўзига хўп ярашган. У Гулининг жажжи сумкачасини кўтариб олган. Гули уни қўлтиқлаб келар, йигит хуш-

чақчақ бўлса керак, алланималарни гапирар, Гули хандон отиб кулар эди. Уч кундан кейин Гулини кўчада учратдим.

– Яхши болага ўхшайди, – дедим ўша йигитни эслаб.

– Ким?

– Ўша кунги йигит. Тўй қачон?

Гули кизарди. Аммо қувончини яшира олмади.

– Фарҳод акам ёқдимиз сизга? – деди жилмайиб.

– Ёқди, – дедим ростини айтиб. – Касби нима?

– Ошпаз, – Гули яна жилмайди. – Шефповар.

– Қариндошларинг эмасми?

Гули «йўқ» дегандек бош чайқади.

– Қаерлик экан ўзи?

Гули ҳайрон қолиб чиройли киприкларини пирпиратди.

– Бунинг нима аҳамияти бор?

– Мабодо авлодидан ўғримиз, нашавандми чиқмаганми?

Беихтиёр оғзимдан онамнинг саволи чиқиб кетди. Гули бирдан жиддий тортди. Қошини чимирди.

– Нима деганингиз бу?

– Жинни-чи? Мабодо қариндош-уруғларида руҳий касаллар йўқми? Суриштириб кўринг. Гули кўзимга тикилиб турди-да, секин-секин орқасига тисарила бошлади. Нарироққа бориб бирдан югуриб кетди. Чамаси мени эсдан оғиб қолган деб ўйлади.

1980—1981

Орзукул Эргаш

КЕЛИНЧАК

(Ҳикоя)

У ёнида пахта тераётган қораширин қизчадан секин сўради.

– Анави қиз ким бўлди? Танимай турибман...

– Қайси бири, янгамулло?

– Хув қаддарозгинаси, қизил жакетли-чи. Мабодо Шарифахон эмасми?

– Ҳа, Шарифа опам. Танийсизми уларни?

– Эшитганман, – келинчак кулимсиради. – Институтда ўқийди-я, пахтага опкетишмабдимиз ҳали?

– Душанба куни кетишаркан. Ўзимизди даштларни соғинганлар-да. Эртага пахтага кетяптилару, бугун бу ерга чиқиб юрибдилар...

Қизча Шарифа опасини мақтай кетди. Унинг айтишича, қизлар ҳаммаси Шарифани яхши кўришаркан. “Сиз билан бирга юрсак кўп пахта терамиз” деб, ундан сира ажралишмас экан. Лекин бир қадам нари кетмай, елиб-югуриб эгатдан баравар чиқишса ҳам, тарозида барибир унинг тергани тош босиб тураркан.

– Нега шунақа-я, опа, – деб сўрашса, Шарифа улар териб чиққан эгатларга ишора қилиб:

– Сингилжонлар, оёқ-қўл баравар ишласин-да, – деб куларкан. Қизчалар

унга етиб юриш учун шошилиб, анча-мунча пахтани қолдириб кетишарканда...

Бу мактовлар келинчакка ёкмади. “Нима бўпти, – дея бу кичик суҳбатдоши билан хаёлан тортиша бошлади, – менам шунақа эдим. Менгаям эргашиб юришарди. Ҳаммадан кўп терардим...”

Келинчак анча орқада қолган эрига қараб қўйди. Қизчани гапга солиш учун эридан атай илгарилаб кетганди.

– Ўғил болалардан Самижон ака шунақайдилар. У кишигаям ҳеч ким етиб юролмасди. Шарифа опам икковлари... – дедию, қизча гапини йўқотиб дудуқланди. Келинчак дувва қизарган ҳамроҳини бирпас кулимсираб кузатди-да, гапини ҳазилга бурди.

– Самижон акангизни мактайвердингиз, қаранг, ҳечам унақага ўхшамайдилар-ку?..

У шундай деб эрининг эгатиға тушиб олди-да, унга қараб териб кета бошлади. Улар этакларидаги пахтани ўлчатиб, хирмондан узоқлашдилар. Шунда келинчак эрининг қўлидан секин ушлаб тўхтатди-да:

– Шу ерда бир оз турайлик, – деди. Камгап Самижон унга савол назари билан қаради.

– Шарифахон етиб келсинлар (кутганидек эри қизарди). Бирга термоқчи-ман у киши билан.

– Мен кетаверайми бўлмаса?

– Йўқ, нимага? Ҳаммамиз бирга бўлайлик деяпман-да!..

– Иштиёринг.

Шарифа хирмон тарафдан келаётган бир тўп қизлар қуршовида эди. Қизлар бир-бирига гал бермай уни саволга тутиб, ҳазил-ҳузул қилиб келишарди. Келинчак улардан кўз узмасдию, эрини ҳам назардан қочирмасди. Йигит бепарво кўринишга уринса-да, барибир ноқулай аҳволга тушганини сездириб қўяётганди.

Қизлар янги келин-куёвга яқинлашгач, андак сипо тортиб, “ассалом, асса-лом” деб ўтиб кетишди. Шарифа ҳам саломлашиб ўтаётганди, келинчак унга қараб юрди.

– Шарифахон, яхшимисиз? – деди жилмайиб.

Қиз у билан кўришди. Тўхтамай ўтаётганидан хижолат чекиб, қизаринди.

“Чиройли экан!” деган ўй кечди келинчакнинг кўнглидан. Лекин у шу заҳоти: “Барибир жуда озгин экан!” деган бошқа ўй билан уни бостириб юборди.

Қизлар анча нарида бирпас қараб туришдию, кейин:

– Сизгаям эгат олайликми, опа, – деди биттаси.

– Ҳаммамизга ола қолинглар, – деди келинчак унга жавобан.

...Самижон эгатларнинг бирига тушиб, тезда илдамлаб кетди.

Қизлар камгап бўлиб қолишганди. Келинчак бу ўнғайсизликка ўзи сабабчи эканини билиб, ўртадаги бегоналикни кўтармоқчи бўлар, ўзини қувноқ, очиқ-сочиқ тутишга уринарди. Барибир гап қовушмади. Қизлар бирин-кетин илдамлаб кетишди.

Келинчак Шарифа билан ёлғиз қолди. Эри ўн беш-йигирма қадамча олдинда борарди.

– Ҳамма қизлар кириб чиқишди. Сиз бир келмайсиз ҳам, Шарифахон, – дея ўпкalandи келинчак.

– Ўзимам хижолатман, янгажон, – деди қиз. – Тўйингиз кунлари амалиётда эдик. У ёқдан келиб ҳар хил ташвишлар билан бўлиб... Кейин ўқиш бошланди.

– Буёғи пахта, – деди келинчак.

– Узр, янгажон, бораман, бормоқчиман энди.

Қиз ўқиши, ёзги таътил қандай ўтгани ҳақида, келинчак эса қишлоғи, ҳам-қишлоқлари ҳақида гапириб берди. У ёқлар бу ердагидек заҳкаш бўлмаганидан пахта эрта очилиб, тез тугаши, ўзи баҳслашиб пахта теришни яхши кўриши, мукофотлар олганини мақтаниб гапирди. У мақтанишни севмасди. Лекин шу топда негадир мақтангиси келди. Гап орасида бирорта институтда ўқиш нияти ҳам йўқ эмаслиги, Самижон акасининг совчиларидан “ўзимиз ўқитиб оламиз келинни” деган ваъдани эшитгачина, тўйга розилик берганини ҳам қистириб ўтди.

Шарифа уни кулимсираб тинглаб бораркан, ора-сира синовчан қараб қўярди.

Келинчак эри билан бу қиз ўртасидаги гаплардан сал бўлса-да, хабардор эди. Соддагина бир қўшни қиз билар-билмас гуллаб қўйганди. Улар бир-бирларини севишиб юришаркан, кейин ота-оналар рози бўлмабдими ёки ўзлари аразлашиб қолишибдими, ишқилиб...

Келинчак ўша кечасиёқ гапни айлантириб келиб, эридан шу ҳақда сўраган эди. Эри ҳам ёлғонлаб ўтирмади.

– Ҳа, бўлган эди, – деди қуруққина қилиб.

– Ҳозир қаерда?

– Ўқишда.

Келинчак андак таскин топди: “Ҳар ҳолда рўйирост гапирди. Яшириб юрганлардан асрасин...”

Айни чоқда эса қизнинг ўзи билан гаплашгиси, у билан яқиндан танишиб, яна нималарнидир ойдинлаштириб олгиси келаётганди. Сўхбатга негадир эрини ҳам шерик қилишини истади.

– Самижон ака!..

Эри қараган эди, “бошимиздан тушиб келинг”, дегандай ишора қилди. Кейин Шарифага юзланиб деди.

– Бугун дам олиш кунлари. Уйда зерикиб ўтирасизми, менга теришасиз, деб қўймай олиб чиқдим.

Шарифа индамади. Самижон уларнинг қаршисидан тушиб, бир йўла тўрт қаторнинг ҳам пахтасини териб кела бошлади.

– Бунча биздан қочмасангиз, бирга-бирга юрсангиз бўлмайдими!.. – ҳазил қилган бўлди келинчак. Шарифага қараб кўзини ҳам қисиб қўйди.

– Қарасам, минг йил кўришмагандек гапга тушиб кетдиларинг. Халақит бермайин дедим-да!.. – жилмайиб қаддини ростлади йигит.

– Сираям халақит бермайсиз. Аксинча гапти гапга қўшиб, қовуштириб борасиз.

– Бўпти, мен розиман.

Кейин тўлган этакларини ечиб қўйишиб, янгиларини боғлашди. Энди йигит уларнинг ўртасидаги эгатга тушиб олди. Унинг чиройи очилган. Дам келинчакнинг, дам Шарифанинг қаторидаги пахтани юлқилаб, “қани, ҳа, тезроқ, орқада қолманглар”, деб уларни кистар, ҳар хил қизиқ гаплар, латифалар айтиб берар, келинчак яйраб кулар, Шарифа эса кулимсирабгина қўяр, деярли гап қўшмас, эр-хотин орасига суқилишга андиша қилгандай жимгина борарди.

Бир-бирила “сенми, менми” дея ҳусн талашиб турган ёш келину ёш қиз ва вужудидан навқиронлик куч-қуввати ва муҳаббат шавқи уфуриб турган сархуш йигит... Бир четдан туриб кузатган кишининг ҳаваси келади: гўё улар ўйдим-чуқур эгатларда эмас, майса-гиламли тўшалган боғларда чопиб-чопқиллаб юришгандек, тиканни гулга, чўлни чаманга айлантиргувчи висол шаробидан маст-аластдек...

Четдан қараган кишига қизларнинг ҳар иккисига ҳам йигит бирдек муносабатда бўлаётганга ўхшарди. Унинг қизил жакет ва шимли, оёғига спортчиларнинг енгил шиппагини кийиб олган толиба қизга аллақандай дард билан, соғинч билан ўқтин-ўқтин қараб қўяётганини синчиклаб кузатган кишигина илғаб олиши мумкин эди. Буни йигитнинг ўнг томонидаги кўҳлиқкина келинчак ҳам ўзига яраша муғамбирона бир ҳушёрлик билан пайқай бошлади.

- Шарифахон, эрта пахтага жўнаётганмишсизлар, – деди у.
- Ҳа, эртага. Сиз қаёқдан эшитдингиз? – деб қаддини ростлади қиз.
- Бу йил ҳам ўша жойга оборишармикан? – дея гапга аралашди Самижон.
- Ҳозирча аниқ эмас.
- Ўша жой қаер экан? – беихтиёр (киноя аралаш) сўради келинчак.

Киз айтди.

“Ўша жой, – дилида бир оғриқ қўзғалиб ўйлади келинчак, – ким билсин, неча марталаб орқасидан излаб боргандир. Оқшомлари ҳеч кимса танимайдиган бегона қишлоқда бемалол қўлтиқлашиб юришгандир...” У ўз қишлоғида кўрган ҳашарчиларни эслаб, эти жимирлаб кетди. Бир зумда ҳаммаси ўзгарди: ёнидаги шу хушсуврат қиз ҳам, эри ҳам кўзига ёмон кўриб қолди. Юзлари тундлашиб, қовоғи солинди. Орқада қола бошлади. Лекин тезда ўзини қўлга олди: “Хўш, нима бўпти, – дея шошилишча муҳокама юрита бошлади, – унга уйланмоқчи бўлган – юрган. Кейин ажралишган. Булар ҳаммаси илгари бўлган. Унда эрим мени танимасди. Энди у меники, бошқанинг ҳақи йўқ. Буни унинг ўзи ҳам тушунади, эрим ҳам... Хафа бўлишим керак эмас, керак эмас!...”

Шу тарзда нохуш хаёллардан кутулишга уринди-да, бир оз тинчланди.

– Самижон ака!..

Хиёл олдинда Шарифа билан оҳиста гаплашиб бораётган эри қаддини ростлаб, унга қаради.

– Юринг, этакларимизни бўшатиб келайлик.

– Нега энди, – ажабланди Самижон, – ҳали тўлмади-ку! Нарӣ борса саккиз-тўққиз кило пахта бор бунда. Биз Шарифа иккимиз ўн беш килосиз этак бўшатмасдик. Тўғрими, Шарифахон?!

– Кам-камдан бўшатаверса иш унмайди-да, – изоҳ берган бўлди қиз.

– Менинг одатим бошқача эди – пахта сал кўпайса теролмай қолардим, – деди келинчак бир аҳволга тушиб. Кейин аллақачон ечиб қўйган этагини елкасига осиб, орқага қараб кетди.

У боя ечиб қўйган этакка пахтасини тўқди. У ер, бу ерга тушган пахталарни битталаб териб, хас-чўпдан тозалади. Дам олиш куни бўлганидан бугун теримчилар кўпайиб қолганди. Бу одамларнинг кўпини у ҳозирча танимайди. Эндигина уч-тўртта қиз ва жувон билан танишиб олишга улгурди, холос. Ҳали ҳаммаси билан чиқишиб, опа-сингил бўлиб кетади-ку, фақат бир-икки ой ўтсин. Ҳозирча унинг энг яқин одами – Самижон акаси.

У эри томонга тикилди. Самижон ҳам, ёнидаги қиз ҳам бош кўтармасди. Шу пайт уни биров туртгандек бўлди: нега ўтирибсан, борсанг-чи?! Ўрнидан

сапчиб турди. Эгатининг пахтаси терилмаган жойига етиб келиб, тез-тез этагини боғлай бошлади. Ва, шу аснода эрининг бояги гапини эслади: “Биз Шарифа иккимиз ўн беш килосиз этак бўшатмасдик!..”

“Ҳа, демак, улар ҳар доим бирга пахта теришган, – хаёлига келган бу гапдан у яна бўшашиб тушди. – Худди шунақа шивир-шивир қилиб, атрофдагиларга парво ҳам қилмай... Ҳатто мана шу майдонда, мана шу эгатларда ҳам... Анави толзор, тутзорларда бекитиқча сайрлар қилишган. Бунини мана шу одамлар ҳаммаси билган, кўрган, гап қилган... Анави қизчалар, йигитчалар уларга пинҳона ҳавас қилишган... Улар ҳозир мен ҳақимда нималарни ўйлашаётганикин? Ҳаммасига мени сабабчи билиб, ёмон кўриб юришгандир балки! Ҳозирги аҳволимдан анави келинчаклар роса қулишаётган бўлишса-чи?! “Ўл, бу кунингдан, кўзинг кўрми, қулоғинг карми, ҳеч балони сезмаяпсанми?!” – деб масҳара қилаётган бўлишса-чи!..”

Шуларни ўйларкан, аъзойи бадани чатнаб бораверди. Юрагида қизғаниш, рашк ҳисси ғалаёнга келди. Эгатидаги оппоқ очилиб ётган пахталарни нарибери юлқилаб, уларга етиб олди.

Шарифа қанақадир ўқиган китоби ҳақида гапириб борар, Самижон диққат билан тинглар эди. Китоб бир ожиза қиз ҳақида бўлиб, у ўта зийрак ва чиройли экан. Дўхтирлар унга, агар қуёшни кўрсанг, кўзингни даволаш мумкин, деб айтишибди. Қиз бўлса, қуёшни кўряпман, деб одамларни ишонтирармиш...

Келинчак Шарифанинг ҳикоясига қулоқ тутиб, беихтиёр ҳамқишлоғи Маъсумани эслади. У ҳам ожиза эди. Қизиқ, қуёшни кўрармиди у?..

Маъсумани роса қаратишди, табиб қолмади, тумандаги, вилоятдаги дўхтирлар қолмади, ҳаммасига кўрсатишди. Лекин нафи бўлмади. Маслаҳатчи ҳам кўп, бировлар: “Тошкентга олиб боринглар”, деди. Бошқалар: “Анави Қуйбишев томонларда яхши кўз дўхтирлар бўлармиш, шўрликни қийнаб юрмасдан ўша ёққа элтсанглар-чи”, деди. Бироқ Маъсуманинг ўзи кўнмади. “Ая, ака, овора бўлманглар, барибир бефойда. Дўхтирлар айтди-ку, бу туғма, давоси йўқ, деб. У ёқда ҳам барибир шу гап-да”, деди. Ақлли қиз-да, ёлғиз онаси билан акасининг бундан ортиғига қўли етмаслигини тушунади...

У энди Маъсуманинг акаси Маматжон ҳақида ўйлай бошлади. Тўй бўлиб келганидан бери девор-дармиён қўшни бўлган бу йигитни негадир сира эсламабди. Йўқ, айтмоқчи, эслаганди. Анави кун оқшом, яъни эрини “Илгари бирортани севганмисиз”, деб “сўроқ” қилган кун. Мабодо эри “Сиз ўзингиз-чи?” деб қолса, “Мен хушламасдим, лекин доим кетимдан эргашиб юрарди”, деб шу йигитни айтмоқчи эди. Эри қизиқмади. Ўзи ҳам айтмади, тилини тийди. Эркак кишининг рашки ёмон бўлади, дейишади. Нима керак кўнглига ғулгула солиб. Орада ҳеч гап бўлмаган, сўз бермаган. Фақат унинг ўзи... уям бечора тузук-куруқ бирор гап айтолмаганди...

Маматжон нуқул унга қўмаклашиб юрарди, пахтасини тарозига олиб чиқиб берар, кечкурунлари ўт ўришар, баъзан уни эшагига ортиб, уйига ҳам элтиб берарди.

Бир куни улар анҳор бўйидан ўт ўришди. Маматжон ялпиздан боғлиқ ясаб, икки боғ қилиб ўтларни боғлади. Кейин сув бўйига тушиб ювиниб келди-да, қизнинг рўпарасига – ўтнинг устига ўтирди. Қиз ажабланди: “Ҳа, кетмаймизми?” Маматжон ерда ётган ўроғини қўлига олиб, бир зум ер чизиб турди-да, кейин бошини кўтармаган қўйи: “Манзура, ўтир”, деди оҳиста. Қиз беихтиёр иккинчи боғ ўтнинг устига ўтирди. Олисда қуёш қизариб ботиб борарди. Қиз

бир нуқтага тикилганча анча кутди. Бир маҳал бошини кўтариб қараса, Маматжон қуёшга термилиб турибди. Ўроқ тутган бармоқлари билинар-билинемас титраяпти. Қизнинг ингичка қошлари чимирилди. “Кетдик!” деб ўрнидан турди. Йигит шундагина саросимада унинг тикмачоқ билагидан ушлаб олди, лекин дарҳол қўйиб юборди.

– Манзура, бирпас, бирпасгина ўтирайлик, – деб ялина бошлади.

Қиз индамай йўлга тушди.

Шундан сўнг Маматжон баттар журъатсиз бўлиб қолди. Фақат Самижондан совчи борган куннинг эртасига синглиси Маъсума орқали унга хат берди. Хатни гўё Маматжон эмас, жуда ўктам, чўрткесар, бурро йигит ёзгандек эди. Манзура хайрон қолди. Қувонди ҳам. Бироқ кечаги совчилар илиқ жавоб билан қайтишгани учун унинг назарида вақт ўтган эди (тўғриси, онаси кўрсатган сурат, унинг таг-туғлик қудалар ҳақидаги гаплари қизнинг кўнглида ширин бир туйғу уйғотган, у шу туйғудан кечишни унчалик истамаганди).

– ...Янгажон, юринг, этакларимизни бўшатиб келамиз.

Келинчак бошини кўтариб, пахта тўла этакларини елкаларига осиб олган Шарифа билан Самижонни кўрди.

– Ҳали оз-ку, нимасини бўшатади янгангиз, – деб қолди Самижон.

Келинчакнинг бармоқлари этак боғичларини тутган ерида тўхтади. Дарҳақиқат, этагида пахта оз эди... Кейин ҳеч ёққа қарамай, ҳеч нарсани ўйламай, тез-тез теримга тушиб кетди. Улар ҳаяллади. Келинчакнинг сабри тугаб, ортига қаради. Ва, йиғлаб юборишига сал қолди. Шарифа унинг эгатига тушиб, у шошилинча чаноқларда қолдириб кетган пахталарни терар, Самижон бўлса қизнинг ёнида тик турганча, алланарсаларни гапирар, ҳар замонда эгилиб терардию, ҳовучи тўлгач, Шарифанинг этагига ташларди...

Шарифа тушдан кейин ҳам улар билан икки соатча бирга юрди-да, кейин, бугун шаҳарга етиб олишим керак, деб уйига жўнади. У кетиб, Самижон хомуш тортиб қолди. Келинчак шу кунгача эрининг бугунгидақа очилиб-сочилиб юрганини кўрмаганди. Унинг доим жиддий, ўйчан юриши, кам гапиришини табиатан шунақа экан, деб ўйлар, ҳатто бу унга ёқарди ҳам.

Бугун улар учаласи бирга юришди. Лекин келинчак улардан ажралиб қолаверди. Атайлаб эмас, ўз-ўзидан... Гоҳида унинг бор-йўқлигини, унинг кимлигини ҳам унутиб қўйишиб, “ўз гаплари”ни гапириб кетишарди. Бундан баъзан келинчакнинг ори келиб, қизариб-бўзариб кетаверса, баъзан уларнинг олдида ўзини ортиқча, бегонадай ҳис қилиб қоларди...

Келин-кўёв кечкурун бирга-бирга қайтишяпти. Иккови ҳам хомуш. Бир-бирига қараёлмайди. Қуёш қизариб, улар бораётган қишлоқ йўли охиридаги толлар орқасига бота бошлади. Унга тикилиб келинчакнинг кўзларига ёш қуйилиб келди...

...У бугун биринчи бор ўз қишлоғини қаттиқ қўмсади. Ота-онасини, қўшниси Маъсумани, Маматжонни эслади. Ҳозир эса, анави талаба қиздан эшитгани – ожиза бўла туриб қуёшни кўра олган қиз воқеаси ёдига тушган эди...

МУНДАРИЖА

Саодат саройини ким куради?	4
Хонадон подшоҳи – қайнота	7
Оила маликаси – қайнона	52
Келинпошша – суюкли қиз	71
Куёв – тўраларнинг тўраси	131
Тоғалар ва амакиларга	253
Мақоллар	257
Хотима ўрнида	258
Бадий адабиётдан инжулар	296
Алишер Навоий	
“Фарҳод ва Ширин” достонидан	297
“Лайли ва Мажнун” достонидан	298
Абдулла Қодирий	
“Ўткан кунлар” романидан	300
Рабиндранат Тҳакур. “Ҳисоб-китоб”	306
В. Икскул. “Номус ва ажал”	313
Ф. Достоевский. “Маъсума”	400
О. Генри. “Афсунгарларнинг тухфалари”	428
Саид Аҳмад. “Биз шундай яшадик”	433
Саида Зуннунова. Қўллар	444
Ўлмас Умарбеков	
“Ола мушук”	446
“Менинг ўғил бола жияним”	461
Ўткир Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”дан	475
Орзукул Эргаш. “Келинчак”	489

Адабий-бадгий нашр

Тоҳир Малик

Тенг-тенги билан бахтлидир

“Sharq-ziyo-zakovat” нашриёти
Тошкент – 2017

Мухаррир *Абдурахмон Жураев*
Бадгий муҳаррир *Баҳром Бобожонов*
Саҳифаловчи *Мастура Атхамова*
Мусахҳих *Маъмура Зиямуҳамедова*

Нашр лицензияси: АІ № 286

Босишга рухсат этилди 15.07.2017. Бичими 70x100¹/₁₆. «PT Serif» гарнитураси. Шартли босма табағи 31,85. Нашриёт-ҳисоб табағи 31,0. Адади 5000 нусха. Буюртма № 17-541.

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонаси.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй